AR-RAHEEQUL MAKHTUM

Ар-раҳиқ ал-махтум

Муҳаммад (ﷺ)нинг сийратлари

Сафиур Раҳмон Муборакпурий



DARUSSALAM

Ар-раҳиқ

ал-махтум

СОФ, ҚЎЛ ТЕГМАГАН,

МУҲРЛАНГАН ЖАННАТ ШАРОБИ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратларига бағишланган асар

“Ислом нури” сайтидан олиб жамланди.

بسم الله الرحمن الرحيم

Аллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар, Пайғамбаримизга ва у зотнинг аҳли оилалари ҳамда асҳоби киромларига беадад саловату саломлар бўлсин.

Аммо баъд...

Ақида машъаласини бошлари узра баланд кўтарган, нубувват ворислари бўлмиш барча даврдаги авлодлар учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари энг бирламчи тарихий манба, улар учун асосий йўл озиғи, уларнинг давомийлиги ва ҳаётийлигини таъминловчи асл асос бўлиб қолаверади.

Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тарихларини инсоф назари билан чуқур ўрганиб чиққан инсон қаршисида тарихнинг ажиб бир қисми намоён бўлади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг этакларини тутган мукаррам мўминлар моддиятнинг қуруқ унсурлари ҳамда Ернинг тортиш кучини енгиб ўтиб, шундай юксакликка кўтарилдиларки, инсоният ҳали ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бу қадар олий мартабага кўтарилмаган эди.

Агар сиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, у зот сизга: **«Мен шундай бир умматни тарбия қиламанки, Ер тарихи минбаъд унга тобе бўлиб ўтади»,** деяётгандек бўлади.

Балоларга сабр қилишда, ҳақ устида собит туришда, дунё силкинишларига ирода ва хотиржамлик билан жавоб беришда, меҳрибонликда, мулойимликда, нозик қалблиликда ва умуман ерга хос бўлган барча тушунчаларнинг чўққисида туришда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўхшаши бўлмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам воқеа-ҳодисалардан устун келиш, моддият устидан ғолиб туриш учун яратилган эдилар.

Шу боис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун инсоният тарихи ва унинг энг саҳиҳ фикрлари учун ҳамиша асосий манба бўлганлар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбларига илоҳий муҳр босиб, у зотни ҳавойи нафснинг тойилишлари ва инсоний табиатнинг ғолибликларидан йироқ қилди. Бинобарин, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратларини, сифатларини ва ҳадисларини ўқиб-ўрганаётган ҳар бир инсон ҳар бир нуқтада ўша илоҳий муҳрнинг изларини изламоғи лозим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари изоҳида унга маълум бўлади-ки, дунё ўзининг олий ахлоқ хусусидаги ғояларини фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларидагина амалда кўришга муваффақ бўлган.

Инсон фарзанди бўлган бу зот айни пайтда инсоният юксалишидаги ҳаракат ҳам эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бири сифатида қуйидагиларни ҳам таъкидлаш жоиз:

– Башарият бутун тарихи мобайнида ожиз қолиб келган нуқтани Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз сийратларида амалда кўрсатиб кетдилар. У зотнинг барча ишлари илоҳий илҳом билан тартиб этилган бўлиб, бамисоли ҳаёт давом этмоғи учун самога қуёш илиб қўйилганидек, улар ҳам ҳаёт мазмун-моҳияти учун тарихга муҳрлаб қўйилган олий сифатлардир.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари билан танишар экансиз, беихтиёр ҳаёт нафаси уфуриб турган, кўриниши хаёлни қитиқлайдиган, хуш бўйлари томирлардаги қонни гупиртирадиган ва айни пайтда ором, сакинат ва хотиржамлик туйдирадиган бир гўзал боғ кўз олдингизга келади. Сўнг сиз ҳам ана шу нурдан Аллоҳ марҳамат қилганлар қатори баҳраманд бўласиз. Ҳадислар баёнининг завқи шунчалар тотлики, гўё саҳифалар ортидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозларини эшитгандай бўласиз.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломларига назар ташлаш ана шундай бўлади. Бу калом хусусида қанчали кўп фикр қилсангиз, шунчали кўп маъно топасиз. Бу каломнинг изоҳи дилларга яқин. Худди танадаги жон каби бизларга яқин, айни пайтда танадаги жоннинг илоҳий сирлилиги каби узоқ ҳамдир. Хуллас, сиз унга қанчали яқин бўлсангиз, у ҳам сизга шунчали яқин бўлади. Агар сиз маълум масофада тўхтаб қолсангиз, у ҳам тўхтайди. Унга қараб интилсангиз, у ҳам сизга қараб интилади. Сўзингиз, ишингиз билан қанчали бир эканлигига қараб, у сизга яқинлашаверади. Дунёнинг сўзга чечан бандалари одат қилган ҳуда-беҳуда гап-сўзлар, суяксиз тилнинг керак-нокерак луғатлару маъноларни қалаштириб ташлайверишлари ва ҳоказо нуқсонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларига мутлақо ётдир. Чунки бу зотнинг сўзлари маъноларни ҳақиқатга айлантириш учунгина айтилган эди. Бу сўзлар фикр, қалб, иймон ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг илҳоми билан айтилган сўзлардир. Бу сўзлар мажмуаси Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак вужудларидан отилиб чиққан бир дунё эдики, у ўзининг ҳақ йўлида ҳеч қандай хилоф ёхуд адоватга заррача ўрин қолдирмаган.

Нима учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва сўзлари мўминлар учун танадаги қалб вазифасини адо этишининг лозимлиги, инсон қалбининг ақлни кузатиб туришидек мўминни кузатиб туришининг зарурлиги ана шу ўринда ёрқин кўринади. Токи, танлар моддиятнинг кишанларини ва ернинг тортиш кучини парчалаб ташлаб юксак-юксакларга парвоз қилсин.

Бироқ моддиятнинг таъсиридан холи бўлмаган инсонга бу юксакликка кўтарилиш маҳол саналади. Бунинг учун у ўзининг узоқ

тарихий асосларига таяниб, дунёга аслида нима учун келганлигини англамоғи керак. Аслида ушбу юксак ғояни ҳали ҳеч қайси уммат Ислом уммати каби амалга оширолган эмас: «Бизни Аллоҳ таоло Ўзининг хоҳлаган бандаларини инсонларга қуллик қилишдан инсонларнинг Роббига қуллик қилишга, ботил динларнинг жабру зулмидан Исломнинг адлу адолатига, дунёнинг танглигидан дунё-ю охират кенглигига олиб чиқмоғимиз учун жўнатди».

Иймон билан тўлиб-тошган, нурлари кўзни қамаштирувчи мазкур жумлаларумматнинг энг биринчи устози ва раҳнамоси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларида тарбия топган чин мўминнинг сўзлари эди. У ўзининг нима учун бу дунёга келганлигини англаган ва англаган нарсасини амалга оширишга киришган мўмин эди. Узоқ сафарда чин мўминлар карвонидан узилиб қолмасликни мақсад қилган ҳар бир киши ана шундай йўл тутмоғи керак.

Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам мусулмонлар ҳаётида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари муҳим ўрин тутгани боис, бу хусусда услублари ва йўналишлари турлича бўлган кўп асарлар битилган. Улардан баъзилари ўзининг кенг қамровлилиги, тўғри услуби ва комиллиги билан ажралиб туради.

Албатта, бундай сийрат китоблари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарихларини батафсил ва саҳиҳ тарзда ўрганиб чиқишда ўқувчига анча енгилликлар беради.

Ҳиндистонлик олим Софиюрраҳмон Муборакпурий қаламига мансуб ушбу «Ар-раҳиқ ал-махтум» асари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муаттар сийратларини чуқур ва айни пайтда енгил услубда баён қилиши, баъзи сийрат китобларида учрайдиган ботил ва асоссиз ривоятлардан холилиги билан ана шундай мумтоз асарлар сафидан ўрин олган. Мазкур асарни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи ўзи қидирган нарсасини топади, иншааллоҳ.

«Ар-раҳиқул-махтум» асари Робитатул Оламил Исломий томонидан жорий қилинган пайғамбаримиз сийратларига бағишланган мусобақада биринчи мукофот билан тақдирланган.

Биз Ер юзининг машриқу мағрибидаги биродарларимизга мазкур асарни тақдим этар эканмиз, Аллоҳдан унинг фойдасини мўл-кўл қилишини сўраб қоламиз.

Ношир.

بسم الله الرحمن الرحيم

МУҚАДДИМА

Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан барча динларга ғолиб қилиш учун юборган, у зотни Қиёмат кунида барча умматлар устида гувоҳлик берувчи, мўминларга жаннат ҳақида хушхабар элтувчи ва кофирларни дўзах азобидан огоҳлантирувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-иродаси билан Унинг динига даъват қилувчи ва Ҳақ йўлини кўрсатувчи нурли чироқ қилиб юборган ҳамда Аллоҳга ва охират кунига ишонувчи ва Аллоҳни кўп зикр қилувчи мўминлар учун гўзал намуна қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Эй Аллоҳим, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли оилалари, асҳоби киромлари ва Қиёматга қадар у зотга чиройли суратда эргашган Ислом аҳлига баракотлар ато этиб, салоту саломлар ёғдиргин ва улар учун раҳмат ҳамда розилик чашмаларини оқизиб қўйгин.

Аммо баъд...

Ҳижрий 1396 йилнинг Робиъул аввал ойида Покистонда бўлиб ўтган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига бағишланган анжуман сўнгида Робитатул Оламил Исломий мусулмон олами бўйлаб набавий сийрат мавзусида мусобақа уюштиришини эълон қилгани жуда қувонарли ва хайрли иш бўлди. Уламоларни руҳлантирадиган, уларнинг фикрий қувватларини маълум бир йўналишга йўналтирадиган бу хайрли баҳснинг эълон қилиниши, менимча, мақтовга сазовор ишлар сирасидан бўлди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва ибратлари агар чуқур мулоҳаза қилиб кўрилса, Ислом оламининг ҳаёт булоқлари ва инсоний жамиятнинг саодати қайнаб чиқадиган ягона манба эканлиги ойдинлашади.

Мазкур муборак мусобақада менинг ҳам иштирок этишим, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳнинг менга кўрсатган фазлу марҳаматидир. Бироқ мен қайда-ю аввалгилару охиргиларнинг саййиди бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларини ёритиб бера олиш қайда?! Камина токи зулматлар ичида ҳалокатга юз тутмасдан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари сафида яшаб, умматлари сафида жон таслим қилмоқни ва пайғамбаримиз шафоати билан Аллоҳнинг мағфиратига ноил бўлмоқни мақсад қилган, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нурларидан озгина бўлса-да баҳраманд бўлмоқни тенгсиз бахт, деб биладиган ожиз бир банда, холос.

Энди асарни ёзишда қандай йўл тутганим ҳақида икки оғиз гапириб ўтсам. Мен ўқувчини малоллантириб қўядиган узундан узоқ қисса қилишдан ҳам, воқеа-ҳодисаларни ноаниқ қолдирадиган қисқаликдан

ҳам йироқ бўлишга ҳаракат қилдим. Токи, асар ўрта ҳажмда бўлсин. Бироқ воқеалар тартиби ёки уларнинг жузъий тафсилотлари борасида кўпгина манбаларда ихтилофларга дуч келдим. Ана шундай ўринларда масалани имкон қадар чуқур ва атрофлича ўрганиб, сўнг саҳиҳ, деб топганим ривоятларни баён қилдим. Китобнинг ҳажми каттайиб кетмаслиги учун далилларни ва манбалар номини зикр қилмадим. Фақат ўқувчига ғариб туюладиган ёки аксарият муаллифлар ўзгача йўл тутган ўринлардагина далилларга ишора қилиб ўтдим.

Эй Аллоҳим, дунё-ю охиратда менга фақат яхшиликни тақдир этгин. Албатта, Сен улуғ Арш эгаси бўлган кечиримли, меҳрибон Зотсан!

Софийюр Раҳмон Муборакфурий
Банорас, Ҳиндистон.

بسم الله الرحمن الرحيم

АРАБ ДИЁРЛАРИ ВА ҚАВМЛАРИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари – ҳаёт йўллари моҳият эътибори билан рисолат тарихидан иборатдир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу рисолатни инсонларга етказдилар ва уларни ана шу рисолат орқали зулматлардан нурга, бандаларга қул бўлишдан Аллоҳга қуллик қилишга олиб чиқдилар.

Бинобарин, рисолатнинг комил суратини тўлиқ чизиб кўрсатмоқ учун рисолатдан аввалги ва ундан кейинги ҳолатлар қиёслаб кўрилмоғи лозим. Шунинг учун даставвал арабларнинг қавмлари ва уларнинг Исломдан олдинги ҳолатлари хусусида, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолат нурини олиб келганларида арабларнинг қай аҳволда эканлиги хусусида сўз юритамиз.

Араб диёрлари. *«Араб» калимасининг луғавий маъноси саҳролар, чўллар, гиёҳ унмайдиган, сувсиз ерлар демакдир. Худди шу ном қадим-қадимдан Араб жазираси – Арабистон ярим оролининг номи бўлиб келган. Арабистон ярим оролини ватан тутиб, шу ерда ҳаёт кечирган қавмга ҳам юқоридаги ном берилган.*

Арабистон ярим ороли ғарбдан Қизил денгиз ва Сайно ярим ороли билан, шарқдан Араб кўрфази ва жанубий Ироқ ерларининг катта қисми билан, жанубдан Ҳинд денгизигача чўзилган Араб денгизи билан, шимолдан Шом ерлари ва Ироқнинг бир қисми билан чегараланган. Унинг майдони миллион мил квадратдан бир миллион уч юз минг мил квадратгача, деб тахмин қилинади.

Ярим орол ўзининг табиий ва жўғрофий ўрни билан етук аҳамиятга эга. Оролнинг ичкарисига назар ташласангиз, у тўрт томондан саҳролар ва қумликлар билан қуршалган. Ана шундай табиий тўсиқлар туфайли у мустаҳкам қўрғонга айланган ва бегоналарнинг босқинчиликларидан омонликда бўлган. Шунинг учун ярим орол аҳолиси қадим-қадимдан ўзининг барча ишларида эркин бўлган. Ҳолбуки, улар икки улкан империяга қўшни яшашган. Юқорида тилга олинган табиий тўсиқлар бўлмаганида араблар бу икки империянинг ҳужумларига дош беролмасдилар.

Ташқи эътибор билан эса Арабистон ярим ороли қадимги дунёнинг маълум ва машҳур қитъалари ўртасида жойлашган ҳамда улар билан қуруқлик ва сув йўллари орқали боғланган. Ярим оролнинг шимоли ғарбий томони кўҳна Африка дарвозалари билан туташади. Шимолий шарқий томони Европа қитъасининг калити бўлса, шарқий томони Ажам – Ўрта Осиё, Жанубий Осиё ва Узоқ Шарқ дарвозаларини тақиллатади. Шунингдек, барча қитъалар ярим орол билан денгиз йўли орқали туташади. Турли давлатларнинг кемалари ярим орол

бандаргоҳларида лангар ташлайди.

Ана шундай жўғрофий қулайлик боис, унинг шимолий ва жанубий қисми кўп миллатлар келиб қўнадиган манзил, тижорат, маданият, илм-фан ва динлар учрашадиган ўзига хос бир марказ эди.

Араб қавмлари. ***Муаррихлар арабларни келиб чиқиш сулолаларига кўра уч қисмга бўлганлар:***

Биринчи. Боида (йўқ бўлиб кетган) **араблар.** Улар батамом йўқ бўлиб кетган ва тарихлари ҳақида етарли даражада маълумотлар топиш имконсиз бўлган Од, Самуд, Тасм, Жадис, Имлоқ, Умайм, Журҳум, Ҳадур, Вабор, Абил, Жосим, Ҳазрамавт ва бошқа қадимги араб қавмларидир.

Иккинчи. Ориба (соф) **араблар.** Улар Яшжуб ибн Яъруб ибн Қаҳтоннинг авлодлари саналади ва қаҳтонийлар, деб аталади.

Учинчи. Мустаъраба (араблашган) **араблар.** Исмоил авлоди саналадиган бу араблар аднонийлар, деб аталади.

Ориба араблари ёки Қаҳтон шаъб[1]инининг асл ватани Яман ерлари ҳисобланади. Улар Сабаъ ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қаҳтондан тарқалган ва ўндан ортиқ қабилаларга бўлинган бўлиб, улардан асосан иккитаси – Ҳимяр ибн Сабаъ ва Каҳлон ибн Сабаъ қабилалари машҳур. Сабаънинг қолган уруғларига – ўн битта ёки ўн тўртта уруғ – "Сабаъийлар", дейилади, уларнинг Сабаъдан кейин қабилалари йўқ.

а). Ҳимярнинг машҳур уруғлари:

1. Қудоъа (قضاعة) уруғи: ундан Баҳроъ, Балий, Қайн, Калб, Узра ва Вабаралар тарқалган.

2. Ас-Сака-а-сик (السكاسك) уруғи: улар Зайд ибн Воила ибн Ҳимярнинг авлоди бўлиб, "Сака-а-сик" Зайднинг лақабидир. У Каҳлон авлодларида келадиган Кинда Сака-а-сикидан бошқадир.

3. Зайдул Жумҳур уруғи: ундан кичик Ҳимяр, кичик Сабаъ, Ҳадур, Зу-Асбаҳлар тарқалган.

б). Каҳлоннинг машҳур уруғлари: Ҳамдон, Алҳон, Ашъар, Той, Мазҳиж (Мазҳиждан: Анс (عنس) ва Нахъ), Лахм (Лахмдан: Кинда,

---

[1] Арабларнинг насаб тартиби қуйидагича: Шаъб (халқ, миллат яъни бош) – қабила (бош суягининг бир-бирига киришган бўлаклари) – амора (кўкракдаги аъзолар улардан бири юрак) – батн (қорин) – фахиз (сон) – фасийла (тизза) – ашийра (тиззадан қуйиси). Улар насабларини худди инсон танаси каби тақсимлаганлар. Шундай бўлсада, қабила катталашиб уруғларга бўлиниб кетгани сайин ҳар бир уруғ ўзидан кейингиларга нисбатан қабила ва ундан таралганлар уруғлар, деб аталаверади. Яъни, ҳар бир уруғ ўз ҳолида қабила, ўзидан аввалгиси билан зикр қилинганда уруғ, деб аталади. Китобларда буни фарқламасдан ҳаммасини қабила ҳам дейилади. Масалан, Қурайш қабила унинг уруғларидан бўлган Бану Тайм, Бану Ҳошим, Бану Умайялар буларнинг ҳар бири қабила, деб аталади.

Киндадан: Бану Муовия, Сакун, Сака-а-сик), Жузом, Омила (عاملة), Хавлон, Маъофир, Анмор (Анмордан: Хасъам ва Бажила, Бажиладан: Аҳмас), Азд (Азддан: Авс, Хазраж, Хузоа ва Оли Ғассон номи билан машҳур Шом подшоҳлари бўлмиш Жафна авлоди).

Каҳлон уруғи Яман ерларини ташлаб чиқиб Арабистон ярим оролининг турли томонларига тарқалиб кетди. Уларнинг улкан кўчишлари Арим селидан бир оз олдин содир бўлган. Ўшанда румликларнинг сиқуви ва денгиз савдо йўлига эгалик қилишлари, Миср ва Шомни босиб олганларидан сўнг қуруқлик йўлини ҳам йўққа чиқаришлари Каҳлон уруғининг тижоратига катта зарар бўлган эди.

Баъзи муаррихлар уларнинг кўчишини ўша сел уларнинг экин-тикин ва мол-ҳолларни ҳалок қилиб, тижоратлари катта зарар кўрганидан ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлганларидан сўнг бўлганини айтадилар. Қуръон оятлари сиёқи ҳам буни қувватлайди.

لَقَدْ كَانَ لِسَبَإٍ فِي مَسْكَنِهِمْ ءَايَةٌ ۖ جَنَّتَانِ عَن يَمِينٍ وَشِمَالٍ ۖ كُلُوا۟ مِن رِّزْقِ
رَبِّكُمْ وَٱشْكُرُوا۟ لَهُۥ ۚ بَلْدَةٌ طَيِّبَةٌ وَرَبٌّ غَفُورٌ ﴿١٥﴾ فَأَعْرَضُوا۟ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ سَيْلَ
ٱلْعَرِمِ وَبَدَّلْنَٰهُم بِجَنَّتَيْهِمْ جَنَّتَيْنِ ذَوَاتَىْ أُكُلٍ خَمْطٍ وَأَثْلٍ وَشَىْءٍ مِّن سِدْرٍ ﴿١٦﴾
قَلِيلٍ ذَٰلِكَ جَزَيْنَٰهُم بِمَا كَفَرُوا۟ ۖ وَهَلْ نُجَٰزِىٓ إِلَّا ٱلْكَفُورَ ﴿١٧﴾ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمْ
وَبَيْنَ ٱلْقُرَى ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا قُرًى ظَٰهِرَةً وَقَدَّرْنَا فِيهَا ٱلسَّيْرَ ۖ سِيرُوا۟ فِيهَا لَيَالِىَ
وَأَيَّامًا ءَامِنِينَ ﴿١٨﴾ فَقَالُوا۟ رَبَّنَا بَٰعِدْ بَيْنَ أَسْفَارِنَا وَظَلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فَجَعَلْنَٰهُمْ
أَحَادِيثَ وَمَزَّقْنَٰهُمْ كُلَّ مُمَزَّقٍ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿١٩﴾

«Аниқки Сабаъ (қабиласи) **учун ўз масканларида** (Аллоҳнинг фазлу марҳаматига далолат қиладиган) **бир аломат бор эди – ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб,** (Биз уларга) **«Парвардигорингиз** (берган) **ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У зотга шукр қилинглар!** (Шаҳрингиз) **покиза шаҳардир,** (Парвардигорингиз) **мағфират қилувчи Парвардигордир»,** (деган эдик)**. Бас, улар** (Бизга шукр қилишдан) **юз ўгиришгач, Биз уларнинг устига тўғон билан** (тўсиб қўйилган) **селни** (очиб) **юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор «боғлар»га алмаштириб қўйдик. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу** (жазо билан) **жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсагагина** (мана шундай) **жазо берурмиз.**

Биз улар билан Ўзимиз баракотли қилган (Шом) **қишлоқ-шаҳарларининг орасида кўриниб турадиган** (яъни, бир-бирига яқин) **қишлоқларни барпо қилиб** (қўйган) **ва улар орасида юриш** (масофаси)**ни ҳам ўлчаб-яқинлаштириб** (уларга): **«Бу** (қишлоқларда) **кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглар»,** (деган эдик)**. Улар эса** (бу неъматларга ношукурлик қилиб)**: «Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги** (масофани) **йироқ қилгин», дейишиб, ўзларига зулм қилдилар, Биз уларни** (одамлар гапириб юрадиган) **чўпчак-ҳикояга айлантириб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб** (ҳар томонга тирқиратиб юбордик). **Албатта бунда ҳар бир** (балоларга) **сабр-қаноат қилувчи,** (неъматларга) **шукр қилгувчи учун оят-ибратлар бордир».** «Сабаъ» сураси,15-19-оятлар.

Каҳлон ва Ҳимяр уруғлари ўртасидаги кураш Каҳлоннинг кўчишига сабаб бўлган, деган фикр ҳам тўғри бўлиши мумкин. Каҳлон кўчганидан кейин ҳам Ҳимярнинг ўз жойида қолавергани бу фикрни қувватлайди.

Кўчиб келган Каҳлон уруғларини тўрт қисмга бўлиш мумкин:

Биринчи. Азд. Уларнинг кўчиши саййидлари ва улуғлари бўлмиш Имрон ибн Амр Музайқиёъ фикрига кўра бўлди. Яман ерларида кўчиб юрар эканлар, олдинга ўз даракчиларини жўнатишарди. Сўнг шимол ва шарқ томон юрдилар. Пировардида улар қуйидаги ерларга ўрнашиб қолишди:

* Имрон ибн Амр ва унинг авлоди Уммонни ватан тутди. Улар Уммон аздларидир.

* Наср ибн Азд авлоди эса Тиҳомада яшаб қолишди. Улар Шануа аздларидир.

* Саълаба ибн Амр Ҳижоз сари юрди. У Саълабия ва Зу-Қор ўртасини ватан тутди. Фарзандлари улғайиб маълум куч-қудратга эга бўлгач, Мадина томон юрди ва ўша ерда жойлашиб қолди. Авс ва Хазраж Ҳориса ибн Саълабанинг икки ўғли бўлиб Саълаба ибн Амрнинг авлодларидир.

* Ҳориса ибн Амр (у Хузоадир) ва унинг авлоди Ҳижоз ерларида кўчиб юриб, Марруз-Заҳронга қўнишди. Сўнг Ҳарамни фатҳ қилиб, Маккадан журҳумларни қувиб чиқаришди ва шу ерда ўрнашиб қолишди.

* Жафна ибн Амр Шомга қараб юрди ва авлоди билан ўша ерда ўрнашиб қолди. У Ғассон шоҳларининг отаси ҳисобланади. Ғассонийлар Шомга кўчишларидан олдин Ҳижоздаги Ғассон номли қудуқ бўйида яшаганлари боис ана шундай номланиб кетганлар.

* Каъб ибн Амр, Ҳорис ибн Амр, Авф ибн Амр каби майда уруғлар Ҳижоз ва Шомга кўчиш асносида мазкур қабилаларга қўшилиб кетдилар.

Иккинчи. Лахм ва Жузом. Улар шарқ ва шимол тарафга кўчишди. Ҳийрадаги Мунзирий шоҳларининг отаси саналмиш Наср ибн Рабиъа

ҳам Лахмий эди.

Учинчи. Бану Той. Азддан сўнг улар ҳам шимол томон юриб, Ажо ва Салмо номли икки тоғга келиб жойлашишди. Шу боис бу икки тоғ кейинчалик Той тоғлари номи билан танилди.

Тўртинчи. Кинда. Улар дастлаб Баҳрайнга қўнишди. Сўнг уни ташлаб Хазрамавтга кўчишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу ерда ҳам Баҳрайндаги аҳвол такрорлангани боис Наждга келдилар. Кинда қавми Нажддa кучли давлат тузишга муваффақ бўлсалар-да, уларнинг бу давлати узоқ турмасдан таназзулга юз тутди.

Ҳимярликларга мансублиги ихтилофли бўлган яна бир қабила – Қудоа Ямандан кўчди ва Ироқ теварагидаги Самова чўлини ватан тутди. (Албатта, қавмларнинг кўчган пайтлари ва кўчиш сабаблари манбаларда турлича берилган. Биз манбаларни ўрганиб чиқиб юқоридаги тўхтамга келдик. Тўғрисини билувчи Аллоҳдир). Унинг баъзи уруғлари Ҳижознинг шимоли ва Шомнинг теварагига жойлашди.

Мустаъраба араблари. Уларнинг бобокалони саййидимиз Иброҳим алайҳис-салом асли Ироқнинг қадимги Ар шаҳридан бўлган. Кўфа яқинидаги бу шаҳар Фурот дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган. Мазкур ҳудудларда олиб борилган қазилма ишлари натижасида шаҳардаги диний ижтимоий ҳолат ва Иброҳим алайҳис-салом оиласи ҳақида бир қанча маълумотлар қўлга киритилди.

Иброҳим алайҳис-салом Ар шаҳридан Ҳорон ёки Ҳарронга, сўнг у ердан Фаластинга ҳижрат қилган ва Фаластинни ўз даъвати учун марказ қилиб танлаган. Иброҳим алайҳис-салом Фаластин ҳудудлари ва унинг теварагi бўйлаб сафарлар қилган. Бир сафар аёли Сора билан бирга зўравон ҳукмдорлардан бири ҳузурига келганида Соранинг соҳибжамоллигини кўрган ҳукмдор унга кўз олайтирмоқчи бўлди. Шунда Сора Аллоҳга дуо қилди, Аллоҳ золимнинг макрини даф қилди. Ҳукмдор Соранинг Аллоҳ ҳимоятидаги солиҳа аёл эканига амин бўлгач, унинг фазлу фазилатини эътироф этиб ёки Аллоҳнинг азобидан қўрқиб Ҳожарни унинг хизматига берди.[2] Сора Ҳожарни Иброҳим алайҳис-саломга ҳадя қилди. “Саҳиҳу Муслим” 2371. “Саҳиҳул Бухорий”, “Пайғамбарлар китоби” (2217, 2635, 3357, 3358, 5084, 950)

[2] Манбаларда мазкур зўравон ҳукмдор Миср фиръавнларидан бири бўлиб, Ҳожар унинг чўриси бўлгани айтилади. Бироқ машҳур аллома, қози Муҳаммад Сулаймон Мансурпурий “Раҳматан лил-оламийн” асарида аҳли китоб тадқиқотчиларнинг ёзганларига суяниб, Ҳожарнинг чўри эмас, балки озод аёл ва Фиръавннинг қизи бўлганлигини таъкидлаган. Шунингдек, Ибн Халдун “Таъриху Ибн Халдун” асарида Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу билан Миср аҳли ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбатни келтиради. Унда айтилишича, мисрликлар унга: “Ҳожар бизнинг подшоҳларимиздан бирининг аёли бўлган, биз билан Айнишамс аҳли ўртасида бўлиб турадиган урушлардан бирида уларнинг қўли баланд келиб, подшоҳни қатл қилиб, Ҳожарни асира қилишган, охир-оқибат у боболарингиз Иброҳимнинг чўрисига айланган”, дейишади.

Иброҳим алайҳис-салом Фаластинга қайтди. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис-саломга Ҳожардан Исмоил исмли ўғил ато қилди. Соранинг рашки сабабли Иброҳим алайҳис-салом Ҳожар ва унинг эмизикли гўдаги Исмоилни Ҳижозга олиб бориб қўйди. Ҳожар ва унинг ўғли Аллоҳнинг уйи жойлашган қуп-қуруқ водийда қолишди. У пайтда ҳали бу ерлар бир тепалик бўлиб, ўнгу сўлидан селлар келарди. Иброҳим алайҳис-салом Ҳожар ва Исмоилни ҳозирги Масжиднинг юқори қисмида Зам-зам тепасидаги бир катта дарахт ёнида қолдирди. У пайтларда ҳали Зам-зам булоғи йўқ эди. Маккада на бир тирик жон, на бир қултум сув топилмасди. Иброҳим алайҳис-салом уларга бир халта қуритилган хурмо ва мешда сув қолдириб Фаластинга қайтиб кетди. Орадан бир неча кун ўтгач, Ҳожар билан Исмоилнинг егулиги ҳам, суви ҳам тугади. Ана шунда Аллоҳнинг фазли билан Зам-зам булоғи отилиб чиқди. Зам-зам суви Ҳожар ва Исмоил учун ҳам сув, ҳам егулик ўрнини босди. Ушбу воқеалар тафсилоти ҳадис китобларида баён қилинган. “Саҳиҳул Бухорий”, 3364, 3365.

Ямонлик бир қабила – иккинчи Журҳум Маккага келиб Ҳожарнинг рухсати билан шу ерда яшаб қолишди. Айтишларича, улар шунгача Макка атрофидаги водийларда яшашган эди. Имом Бухорий ривоятларига кўра, бу қабила Маккага Исмоил алайҳис-саломдан кейин келган ва у пайтда Исмоил ҳали балоғатга етмаган. Улар авваллари ҳам бу водийдан ўтиб туришган. “Саҳиҳул Бухорий”, 3364.

Иброҳим алайҳис-салом Маккада қолдириб кетган аёли ва ўғлининг ҳолидан хабар олиш учун бу ерга келиб турарди. Биз Иброҳим алайҳис-саломнинг Маккага аниқ неча марта келиб кетганини билмаймиз. Эътимодли манбаларда у кишининг Маккага тўрт марта сафар қилганликлари зикр этилган:

1. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳикоя қиладики, Иброҳим алайҳис-салом тушида Исмоилни сўяётганини кўради ва ана шу ишни амалга оширишга тутинади:

فَلَمَّآ أَسْلَمَا وَتَلَّهُۥ لِلْجَبِينِ ﴿١٠٣﴾ وَنَٰدَيْنَٰهُ أَن يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ ﴿١٠٤﴾ قَدْ صَدَّقْتَ ٱلرُّءْيَآ ۚ
إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْبَلَٰٓؤُا۟ ٱلْمُبِينُ ﴿١٠٦﴾ وَفَدَيْنَٰهُ
بِذِبْحٍ عَظِيمٍ ﴿١٠٧﴾

«Бас, қачонки иккиси ҳам (Аллоҳнинг ваҳийсига) **бўйсуниб,** (энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) **пешонаси билан** (ерга) **ётқизган эдики, Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен** (кўрган) **тушингни бажо қилдинг». Албатта Биз чиройли амал қилувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта бу** (яъни, Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши)

очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз (Исмоилнинг) **ўрнига** (Иброҳимга) **катта бир** (қўчқор) **сўйишни – қурбонликни эваз қилиб бердик** (яъни, катта бир қўчқорни жаннатдан туширдик)**».**

"Соффат" сураси, 103-107-оятлар.

(Инжилнинг) "Сифрут-таквин" китобида Исмоил алайҳис-саломнинг Исҳоқ алайҳис-саломдан ўн уч ёш катта бўлгани айтилган. Қуръондаги қисса сиёқига қараганда юқорида зикр этилган воқеа, яъни, Исмоилнинг қурбонлик учун келтирилиши Исҳоқ туғилишидан олдин бўлган. Чунки Исҳоқнинг туғилиши ҳақидаги башорат қурбонлик воқеасидан кейин зикр қилинган.

Мазкур қисса Исмоил вояга етмасдан Иброҳим алайҳис-саломнинг Маккага энг камида бир марта келганлигига далил бўлади. Иброҳим алайҳис-саломнинг яна уч марта Маккага келганликлари ҳақида Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан марфуъ ривоятлар накл қилган. Ушбу ривоятларнинг қисқача мазмуни қуйидагича:

2. Исмоил алайҳис-салом вояга етиб Журҳум қабиласидан араб тилини ўргангач, уни ёқтириб қолган Журҳум қабиласи Исмоилни ўзларидан бир аёлга уйлантиришди. Ҳожар вафот этди. Иброҳим алайҳис-салом уларнинг ҳолидан хабар олиш учун келганида, Исмоил уйда йўқ эди. Иброҳим алайҳис-салом Исмоилнинг хотинидан ҳол-аҳвол сўради. Келин турмушининг оғирлигидан шикоят қилди. Иброҳим алайҳис-салом аёлга: «Исмоил келса, айтинг, эшигининг остонасини ўзгартирсин», деб тайинлаб кетди. Исмоил отасининг нима демоқчи бўлганини тушуниб етди ва хотинини талоқ қилиб, бошқа аёлга уйланди. Аксар тарихчиларга кўра, у Журҳум қавмининг улуғи ва саййиди Мудод (مُضاض) ибн Амрнинг қизи эди.

3. Иброҳим алайҳис-салом Исмоил иккинчи марта уйланганидан кейин яна Маккага келди ва яна ўғлини топа олмади. Пайғамбар келинидан ҳол-аҳвол сўради. Келин Аллоҳга шукр қабилида жавоб берди. Иброҳим алайҳис-салом Фаластинга қайтиб кетар экан, келинига қуйидагича тайинлади: «Исмоил келса, айтиб қўйинг, эшигининг остонасини мустаҳкамласин».

4. Иброҳим алайҳис-салом Маккага тўртинчи марта келганида, ўғлини Зам-зам ёнидаги катта дарахт остида камон ўқларини учлаб ўтирган ҳолда топди. Исмоил отасининг истиқболига турди. Улар узоқ фироқдан кейин учрашган ота-болага хос равишда кўришишди. Иброҳим алайҳис-салом билан Исмоил алайҳис-саломнинг кўришмаганига кўп вақт бўлган эди. Фарзандига меҳрибон, юмшоқ кўнгил кекса ёшли отага ҳам, ота-онага ғамхўр, солиҳ ва қобил фарзандга ҳам айрилиқ кунлари осон кечмаганди. Мана шу сафар Каъба қурилди. Ота-ўғил уни тиклашди ва Иброҳим алайҳис-салом Аллоҳ амрига мувофиқ одамларга ҳаж ибодатини эълон қилди.

"Саҳиҳул Бухорий", «Китобул-анбиё», 3364, 3365.

Исмоил алайҳис-салом иккинчи аёлидан ўн иккита ўғил кўрди: Нобит ёки Набоют, Қайдар, Адбоил, Мибшам, Мишмаъ, Давмо, Мийшо, Ҳудад, Таймо, Ятур, Нафис ва Қайдумон.

Ўн икки ўғилдан ўн икки қабила тарқалди. Маълум муддат уларнинг барчаси Маккада яшашди. Бу қабилаларнинг асосий тирикчилиги Ямандан тортиб Шом ва Мисрга қилинадиган тижорат эди. Сўнг улар ярим оролнинг ҳар томонларига, ҳатто унинг ташқарисига сочилиб кетишди. Замонлар ўтиши билан Нобит ва Қайдор авлодидан ташқари ҳаммаси тарих қоронғуликларида йўқ бўлиб кетишди.

Нобит авлоди бўлмиш Нобитийлар маданияти Ҳижознинг шимолий қисмида гуллаб-яшнади. Улар кучли давлат тузиб, қўшни ерларни ўзларига бўйсундирдилар. Нобитийларнинг пойтахти Урдуннинг жанубидаги таниқли Батроъ шаҳри эди. Улар ҳеч кимга бўйин эгмадилар. Фақат румликларгина уларнинг давлатини парчалаб ташлашга муваффақ бўлишди.

Бир гуруҳ насабшунос олимлар тадқиқотлардан сўнг қуйидаги хулосага келганлар: Ғассон сулоласининг шоҳлари, шунингдек, Авс ва Ҳазраждан бўлган ансорлар Нобит ибн Исмоил оиласи ва уларнинг шу ерларда қолган бошқа вакилларига мансубдирлар.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ҳам ўз «Саҳиҳ»ида шу фикрга мойил бўлган ва «Яманнинг Исмоил алайҳис-саломга нисбатланиши», деган боб остида бир неча ҳадислар келтирган, Ҳофиз ибн Ҳажар бу ҳадислар шарҳида Қаҳтон Нобит ибн Исмоил авлодидан, деган фикрни тўғри санаган. ”Саҳиҳул Бухорий”, «Китобул-маноқиб» 3507-ҳ.

Қайдор ибн Исмоил авлодлари Маккада яшаб қолишди. Уларнинг насли давом этиб, Аднон ва унинг ўғли Маадга етиб келди. Адноний араблар ўз насаблари тарихини Аднонгача тиниқ ёдда сақлаганлар. Аднон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йигирма биринчи боболари ҳисобланади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам насабларини санасалар Аднонга келиб тўхтар ва: «Насабчиларнинг (Аднондан юқориси ҳақидаги) гаплари нотўғри» деб, ундан нарига ўтишдан тийилар эдилар. “Тарихут Табарий”, 2: 272-276 с.

Мазкур ҳадисни заиф санаган айрим уламолар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насабларини Аднондан кейин ҳам давом эттириш мумкинлигини айтишган. Бироқ, улар насаби шарифнинг бу қисмида анча чигал ихтилофларга боришган. Улкан муҳаққиқ, аллома, қози Муҳаммад Сулаймон Мансурпурий Ибн Саъд, Табарий, Масъудий ва бошқалар айтган фикрни, яъни, чуқур таҳлил ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, Аднон билан Иброҳим алайҳис-салом ўртасида қирқта ота бўлган, деган фикрни тўғрироқ санаган.

Ибн Саъд, “Табақотул Кубро”, 1:56; “Тарихут-Табарий”, 2:272, 273;
Масъудий, “Муружуз-заҳаб”, 2:273, 274.

Маъаднинг авлоди унинг Назор исмли ўғлидан тарқалган, Маъаднинг ундан бошқа фарзанди бўлмаган ҳам, дейилади.

Назорнинг тўрт фарзанди бўлиб, улардан тўртта улкан қабила тарқалган: Иёд, Анмор, Рабиъа ва Мудар (مضر).

Рабиъа ва Мударнинг уруғ-аймоғи кўп бўлди. Рабиъадан Дубайъа (ضُبَيعة) ва Асад, Асаддан Анза ва Жадила, Жадиладан Абдул Қайс, Намир, Тағлиб ибн Воил, Бакр ибн Воиллар; Бакрнинг фарзандларидан Бану Қайс, Бану Шайбон, Бану Ҳанифа ва бошқа уруғлар тарқалди.

Мудар қабилалари икки катта қисмга бўлинди: Қайс Айлон ибн Мудар ва Илёс ибн Мудар уруғлари.

Қайс Айлондан Бану Салим, Бану Ҳавозин, Бану Сақиф, Бану Саъсаъа, Бану Ғатофонлар тарқалди. Ғатофондан Абс, Зубён, Ашжаъ ва Аъсурлар тарқалди.

Илёс ибн Мудардан Тамим ибн Мурра, Ҳузайл ибн Мудрика, Бану Асад ибн Хузайма ва Кинона ибн Хузайма уруғлари тарқалди. Кинонадан Қурайш тарқалган. Улар Фиҳр ибн Молик ибн Назр ибн Кинонанинг фарзандлари ҳисобланади.

Қурайш ҳам бир қанча қабилаларга бўлинади. Уларнинг машҳурлари қуйидагилар: Жумаҳ, Саҳм, Адий, Махзум, Тайм, Зуҳра ва Қусай ибн Килобнинг уруғлари. Қусай ибн Килоб уруғлари: Абдуд Дор ибн Қусай, Асад ибн Абдул Уззо ибн Қусай ва Абду Маноф ибн Қусайдан иборат.

Абду Манофдан тўрт қабила вужудга келди: Абду Шамс, Навфал, Муттолиб ва Ҳошим. Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳошим оиласига мансублар: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим.

Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Аллоҳ таоло Иброҳим авлодидан Исмоилни; Исмоил авлодидан Бану Кинонани; Бану Кинонадан Қурайшни; Қурайшдан Бану Ҳошимни ва Бану Ҳошимдан мени танлаб олди».**

Имом Муслим, 4/1782; Имом Термизий, 5/544.

Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Аллоҳ таоло махлуқотларини яратиб, мени уларнинг энг яхши** (яъни, инсон) **жинсидан ва икки тоифанинг** (яъни, араб ва ажамнинг) **яхшисидан қилди. Сўнг қабилаларни танлаб, мени энг яхши қабиладан қилди. Сўнг хонадонларни танлаб, мени энг яхши хонадондан қилди. Мен уларнинг ҳам ўзи, ҳам хонадони эътибори билан энг яхшисиман».** Имом Термизий, 5/545.

Аднoннинг авлодлари кўпайгач, серёмғир, серўт яйловларни қидириб, араб ерларининг турли бурчакларига ёйилиб кетишди. Абдул Қайс, Бакр ибн Воил ва Тамим уруғлари Баҳрайнга кўчиб, ўша ерда яшаб қолишди. Бану Ҳанифа ибн Али ибн Бакр Ямомага кўчиб, Ҳужр қасабасига қўнди.

Бакр ибн Воилнинг қолганлари Ямомадан Баҳрайнга, Козима соҳили бўйларидан денгизга ва Ироқ атрофларигача чўзилган узундан узоқ жойларни, сўнгра Убулла ва Ҳийтни макон тутишди.

Тағлиб Фуротия оролида яшаб қолди. Унинг айрим уруғлари Бакр билан бирга яшади. Бану Тамим Басра чўлини макон тутди.

Бану Салим Мадина яқинида Водиюл Қуродан Ҳайбаргача, Мадинанинг шарқигача, Жабалайн чегараларигача, Ҳарра ҳудудларигача бўлган масофада яшарди.

Сақиф Тоифда, Ҳавозин Макка шарқидаги Автос (Макка билан Басра ўртасидаги йўл устида жойлашган) томонларда яшаб қолди.

Бану Асад Таймо шарқи ва Кўфа ғарбини макон тутди. Улар билан Таймо ўртасида Тойнинг Буҳтур ери бор эди. Улар билан Кўфа ўртаси беш кунлик йўл бўлган.

Зубён Таймо яқинидан Ҳавронга қадар бўлган ерларда яшарди.

Тиҳомада Кинона уруғлари яшаб қолди.

Макка ва унинг атрофини Қурайш уруғлари ватан тутишди. Қурайш уруғлари бирлашмасдан, алоҳида-алоҳида яшашарди. Сўнг Қусай ибн Килоб чиқиб уларни бирлаштирди. Қурайш уруғлари бирлашганларидан кейин уларнинг обрўси ва қадр-қиймати ошди.

АРАБЛАРДА ҲУКМ ВА БОШҚАРУВ СИЁСАТИ

Арабларнинг Исломдан аввалги ҳаёти ҳақида сўз юритар эканмиз, уларнинг ҳукумати, бошқарув тизими, миллатлари ва динлари хусусида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмас. Фикри ожизимизча, ана шунда Ислом зоҳир бўлган фурсатда юзага келган вазиятларни тушунишимиз янада осонроқ кечади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватлари бошланганида Арабистон ярим оролининг ҳукмдорлари икки қисмдан иборат эди:

1. **Тож кийган ҳукмдорлар.** Бироқ бу тождорлар аслида мустақил ҳукмдорлар эмасди. Улар Яман ҳукмдорлари, Ғассон шоҳлари ва Ҳийра ҳокимлари эди.
2. **Қабила ва уруғларнинг бошлиқлари.** Улар худди шоҳлар каби ҳукм ва имтиёзларга эга бўлишган. Қабила оқсоқолларининг аксарийят қисми томомила мустақил ҳаракат қилишарди. Фақат айримлари тождор ҳукмдорларга тобеъ эдилар. Яман, Ғассон ва Ҳийра шоҳларидан ўзга барча бошлиқлар қабила оқсоқоллари тож киймаган ҳукмдорлар эди.

ЯМАН ШОҲЛИГИ

Ориба арабларидан Ямандa умргузаронлик қилган энг қадимий қавм Сабаъ қавмидир. Ур шаҳрида олиб борилган қазилма ишлари натижасида Сабаъ қавмининг милоддан аввалги XV асрдаги излари топилди. Сабаъ қавмининг нуфузи кучайиб, ҳукмронлиги кенгайиб, маданияти гуллаб-яшнаган даври милоддан аввалги XI асрларга тўғри

келади. Қавм тарихини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. **Милоддан аввалги 1300-650 йиллар оралиғидаги давр**

Бу даврларда уларнинг давлатлари «Маийнийлар давлати», деб аталар, Нажрон ва Ҳазрамавт оралиғидаги Жавф текисликларида жойлашган эди. Сўнг улар тараққий этиб, ҳукмронликлари кенгайиб, сиёсий нуфузлари Ҳижознинг шимолидаги Уло ва Маонгача етиб борди.

Айтишларича, Сабаъ салтанати шунчалик кучайганки, ҳатто улар араб ерларининг ичкарисида ва унинг ташқариларида ўз мустамлакаларига эга бўлган.

Асосий тирикчиликлари тижорат бўлган. Яман тарихида муҳим ўрин тутган, кейинчалик уларни ердаги ноз-неъматларнинг аксари билан таъмин этган Маъриб тўғони ўша пайтда қурила бошлаган.

У пайтларда Сабаъ ҳукмдорлари «Сабаъ Макраби», деб аталган. Уларнинг пойтахти Сирвоҳ шаҳри бўлган. Пойтахт харобалари Маъриб шаҳрининг шимолий ғарбий қисмидан 50 км, Санъо шарқидан 124 км узоқликдаги масофада учрайди ва «Хурайба», деб аталади. Ҳукмдорларининг сони 22 билан 26 ўртасида бўлган дейилади.

2. **Милоддан аввалги 650-115 йиллар оралиғидаги давр**

Бу пайтга келиб уларнинг давлати «Сабаъ давлати» аталиб, Сабаъ ҳукмдорлари Сабаъ шоҳлари номини олишди ва Сирвоҳ ўрнига Маърибни пойтахт қилишди. Маъриб шаҳри қолдиқлари Санъо шарқидан 192 км узоқликдаги масофада учрайди.

3. **Милоддан аввалги 115-йилдан милодий 300-йилга қадар бўлган давр**

Бу даврда Ҳимяр қабиласи Сабаъ мамлакатини босиб олиб, пойтахтни Маърибдан Райдонга кўчирди ва давлат «Ҳимярийлар давлати» номини олди, подшоҳлари эса «Сабаъ ва Зу-Райдон шоҳлари», деб аталадиган бўлди. Кейинроқ Райдон шаҳри Зуфар номини олди. Шаҳар қолдиқлари Ярийм яқинидаги Мудаввар тоғида учрайди. Айнан ана шу муддатда уларнинг салтанатида емирилиш ва таназзул бошланди. Аввало Ҳижоз шимолида Нобитийларнинг ҳукмронлиги кенгайгани, иккинчидан румликлар Миср, Сурия ва Шимолий Ҳижоз ерларини қўлга киритганидан сўнг денгиз савдо йўлларини эгаллаб олишгани ва учинчидан қабилаларнинг ўзаро қирпичоқ бўлишлари сабабли уларнинг савдо ишларига путур етди. Ана шундай сабаблар оқибатида Қаҳтонийлар узоқ-узоқ ерларга бош олиб кетиб, чор-атрофга сочилиб кетишди.

4. **Милодий 300-йилдан Яманга Исломнинг кириб келгунига қадар бўлган давр**

Бу даврда давлат «Иккинчи Ҳимярийлар давлати» номини олди, ҳукмдорлари эса «Сабаъ, Зу-Райдон, Хазрамавт ва Ямант шоҳлари», деб аталди. Бу давлат бошига турли-туман ҳодисалар, эврилишлар, инқилоблар ва ички урушлар кетма-кет ёғилди. Оқибат миллат чет эл босқинчиларига нишон бўлиб, мустақиллигидан айрилди. Румликлар

Аданга кириб келишди. Ҳамадон ва Ҳимяр қабиласи ўртасидаги низодан фойдаланиб, ҳабашлар румликлар ёрдамида милодий 340-йилда Яманни биринчи марта босиб олишди. Улар милодий 378-йилгача мамлакатни эгаллаб туришди. Сўнг Яман яна мустақилликка эришди. Лекин бу пайтга келиб Маъриб тўғонида ёриқлар пайдо бўлган эди. Милодий 450 ёки 451-йилда Қуръони каримда «Арим сели», деб айтилган улкан тошқин юз берди. Бу сел мамлакатни хароб қилиб, аҳолисини чор-атрофга сочиб юборган даҳшатли зарба бўлди.

Милодий 523-йилда яҳудий Зу-Нувос Нажрон элидаги масиҳийлар бошига қирғин солиб, уларни куч билан ўша пайтдаги соф масиҳийликдан чиқармоқчи бўлди. Улар бўйин товлашгач, Зу-Нувос чуқурлар қаздириб, уларнинг ичини ўт-олов билан тўлдирди ва мўминларни ана шу чуқурларга ташлашга буюрди. Қуръони Каримнинг «Буруж» сурасидаги: **«чоҳ эгалари лаънат қилингайлар»** оятида мазкур воқеага ишора қилинган.

Бу ҳодиса насронийларнинг Рум ҳукмдорлари раҳнамолигида араб ерларига интиқом юришини уюштиришларига сабаб бўлди. Насронийлар ҳабашларни гиж-гижлаб, улар учун денгиз қўшинлари тузиб беришди. Оқибатда, ҳабашларнинг етмиш минг кишилик қўшини соҳилга тушиб, Яманни иккинчи маротаба босиб олишди. Бу воқеа милодий 525-йилда ҳабашларнинг Арёт исмли қўмондони бошчилигида амалга оширилди. Арёт Абраҳа ибн Сабоҳ ал-Ашрам исмли бир ҳабаш саркардаси томонидан 549-йилда хиёнаткорона ўлдирилгунга қадар Ҳабашистон шоҳининг Ямандаги ноиби бўлиб турди. Абраҳа Ҳабашистон шоҳининг ризолигини олиб, Арётнинг ўрнига тахтга ўтирди. Каъбани вайрон қилиш учун Маккага қўшин тортиб келган ҳам шу Абраҳа эди. Абраҳа ва унинг қўшини Қуръони Каримда «Асҳабул фил», яъни «Фил эгалари», деб зикр қилинган. Санъога қайтганидан кейин Аллоҳ уни ҳалок қилди ва ўрнига ўғли Яксум тахтга ўтирди. Кейин эса иккинчи ўғли Масруқ ҳоким бўлди. Айтишларига қараганда, улар яманликларни эзиш ва хорлашда оталаридан кўра ёмонроқ бўлишган экан.

Машҳур «Фил» воқеасидан кейин яманликлар форслардан мадад сўрашди ва ҳабашларга қарши курашиб, ниҳоят уларни ўз ерларидан қувиб чиқаришди. Улар милодий 575-йилда Маъдийкариб ибн Сайф Зу-Язин Ҳимярий бошчилигида мустақилликка эришди. Яманликлар уни тахтга ўтқизишди. Маъдийкариб ўзининг хизматкорлари ва хос навкарлари сафида бир гуруҳ ҳабашийларни ҳам сақлаб қолган эди. Ана шу ҳабашийлар бир куни унга суиқасд қилишди. Маъдий Карибнинг ўлими билан Зу-Язин хонадони ҳукмронлиги ҳам барҳам топди. Шундан кейин Яман форсларнинг мустамлакасига айланди ва унга форсий ноиблар тайинланди. Уларнинг биринчиси Ваҳраз кейин Марзубон ибн Ваҳраз кейин унинг ўғли Тийнжон кейин Хисрав ибн Тийнжон. Уларнинг охиргиси милодий 628-йилда Исломни қабул

қилган Бозон эди. Бозоннинг Исломга кириши билан форсларнинг Яман ерларига ҳукмронлик қилиши ниҳоясига етди.

ҲИЙРА ҲОКИМЛИГИ

Милоддан аввалги 557-529 йилларда ҳукм юритган Буюк Қуруш форсларни бирлаштиргандан буён улар Ироқ ва унга чегарадош ерларга эгалик қилиб келишарди. Форсларнинг кучли давлатига ўз даврида ҳеч ким бас кела олмасди. Фақат милоддан аввалги 326-йилда тарих саҳнасига чиққан Искандар Мақдуний (Александр Македонский) форсларнинг шоҳи Доро I ни мағлубиятга учратиб, уларнинг шавкатини синдирди. Пировардида форс ерлари бир неча бўлакларга бўлиниб, бир неча ҳокимлар қўлида қолди. Ана шундай тарқоқ ҳукмронлик милодий 230-йилгача давом этди. Тарқоқ ҳукмдорлар даврида Қаҳтонийлар кўчиб келиб, Ироқнинг чегара ўринларидан бирини эгаллаб олишди. Кейин аднонликлар кўчиб келишди. Улар қаҳтонийлар билан рақобатга киришиб, охир-оқибат Фурот оролининг бир қисмини қўлга киритишди.

Форсларнинг иккинчи маротаба кучга тўлиши милодий 226-йилда Сосонийлар давлатига асос солган Ардашер ибн Бобак даврига тўғри келди. Ардашер форсларни бирлаштирди ва мамлакати ҳудудида яшовчи арабларни бўйсундирди. Бу Қузоанинг Шомга бош олиб кетишига сабаб бўлди. Ҳийра ва Анбор аҳли эса Форс ҳукмдорига тобе бўлди.

Ардашер Ҳийра ва Ироқ саҳросининг аҳолиси ҳамда ярим оролдаги Рабиъа ва Музор қабилалари устига Жузайма Ваззоҳни ҳоким қилиб тайинлади. Ардашер арабларни тобе қилиб туриш ва ўз чегараларини уларнинг ғоратидан сақлаш учун арабларнинг устига қавм-қариндоши қўллаб-қувватлайдиган ва ҳимоя қиладиган араб кишисини ҳоким қилиб қўйишни маъқул кўрди. Боз устига унинг давлатига ҳамиша хавф солиб турадиган румликларга қарши араблардан фойдаланмоқчи эди. Ардашернинг тахминига кўра, Ироқ араблари румликларнинг қаноти остига кирган Шом арабларига қарши қўйиларди. Ардашер Ҳийра ҳокими қўли остида форс қўшинининг бир бўлагини қолдирди. Мазкур қўшин ҳокимга қарши чиққан саҳройи арабларни тинчитиш учун керак эди. Жузайма тахминан милодий 268-йилда вафот этди.

Унинг вафотидан кейин Ҳийра ва Анбор ҳокимлигини Амр ибн Адий ибн Наср Лахмий (268-288) эгаллади. Бу Кисро Собур ибн Ардашер ҳукмронлиги даврида юз берди. Амр ибн Адий Лахмий ҳокимларнинг биринчиси эди. Шундан кейин то форс тахтига Қубоз ибн Файрўз (448-531) келгунга қадар Ҳийрага Лахмий ҳокимлар ноиб бўлиб туришди. Собур ибн Ардашер даврида Маздак, деган кимса чиқиб, ўзининг бузуқ ғоясини тарғиб қила бошлади. Унинг ғояси ҳар қандай бузуқлик, ярамас иш ҳалол, деган ақида асосига қурилган эди. Форсийларнинг аксарийят қисми каби Қубоз ҳам Маздак ғоясини қабул қилди. Сўнг у Ҳийра ҳокими Мунзир ибн Маус-Самога (512-554) маздакийликни

қабул қилишни буюриб чопар жўнатди. Бироқ Ҳийра ҳокими форс шоҳининг динига киришдан ор қилиб ва ҳамияти келиб, унинг кўрсатмасини рад этди. Натижада Қубоз Мунзирни Ҳийра ҳокимлигидан четлаштирди. Унинг ўрнига Кисронинг таклифини қабул қилиб маздакийлик йўлини тутган Ҳорис ибн Амр ибн Ҳажар Киндийни ҳоким этиб тайинлади.

Қубоздан кейин форс тахтига Кисро Ануширвон (531-578) ўтирди. У маздакийларни жуда ёмон кўрарди. Ануширвон Маздакни ва унинг издошларининг кўпчилигини қатл қилди. Мунзирни Ҳийра ҳокимлигига қайтарди ва Ҳорис ибн Амрни тутиб келишни буюрди. Ҳорис Калбийлар ерига қочиб кетди ва вафотига қадар ўша ерда яшади.

Мунзир ибн Моус-Самодан кейин Ҳийра ҳокимияти Нўъмон ибн Мунзирга (583-605) қадар унинг авлодида қолди. Зайд ибн Адий Ибодий уюштирган туҳмат сабабли Нўъмон ибн Мунзир форс шоҳининг ғазабига йўлиқди. Кисро Нўъмонни ўз ҳузурига чорлади. Нўъмон форс шоҳи ҳузурига йўлга чиқди. Бироқ у йўлда яширинча Шайбон уруғининг саййиди Ҳоний ибн Масъуднинг манзилига қўниб, аҳли-оиласи ва мол-давлатини унинг олдида қолдириб кетди. Кисро Нўъмонни зиндонбанд этди. Нўъмон тутқунликда ўлди. Ҳийрага унинг ўрнига Иёс ибн Қобиса Тоий ҳоким қилиб тайинланди. Кисро Иёсга Ҳоний ибн Масъуднинг қўлида қолдирилган Нўъмоннинг омонатини талаб қилиб олишни буюрди. Ҳоний Нўъмоннинг омонатини уларнинг қўлига топширишдан бош тортди. Икки ўртада уруш бошланди. Иёсга кўмак бериш учун Кисронинг волийлари ва лашкарлари етиб келди. Зу-Қорда рақиблар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Жангда Шайбон уруғи ғалаба қозониб, форсларни шармандали мағлубиятга учратди. Бу арабларнинг ажамлар устидан қозонган биринчи ғалабаси эди. Мазкур воқеа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларидан озгина фурсат ўтиб юз берган эди. Росулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Иёс ибн Қабисанинг Ҳийрага ҳокимлигининг саккизинчи ойида таваллуд топганликлари айтилади. Бу жанг пайғамбарликдан бир оз аввал дейилган қавл ҳам бор, мана шу ҳақиқатга яқинроқ.

Кисро Иёсдан кейин Ҳийрага Озодбаҳ ибн Моҳбиён ибн Маҳробандод исмли бир форсни ҳоким қилиб тайинлади. У 17 йил (614-631) ҳокимлик қилди. Милодий 632-йилда Ҳийра ҳокимлиги яна Лахмийлар қўлига ўтди. Лахмийлардан «Маърур» лақабли Мунзир ибн Нўъмон исмли киши ҳоким бўлди. Унинг ҳокимлигига саккиз ой тўлмасдан Ҳийрага Ислом лашкари билан Холид ибн Валид ташриф буюрди.

ШОМ ПОДШОҲЛИГИ

Араб қабилалари чор-атрофга кўчишга тушган даврда Қузоъа уруғлари Шом тепаликларига келиб ўрнашиб қолди. Улар Бану Сулайҳ ибн Ҳулвон қавмидан эдилар. Тарихда (الضجاعمة) Дажъамийлар номи билан танилган Бану Дажъам ибн Сулайҳ қавми Сулайҳ ибн Ҳулвон

қавмига мансуб саналади. Саҳройи араблар босқинидан сақланиш ҳамда форсларга қарши қўшимча кучга эга бўлиш мақсадида румликлар уларни ўз қанотлари остига олишди. Улар қавмнинг ўзидан бир кишини ҳоким қилиб қўйдилар. Йиллар давомида қавм устида ана шундай ҳокимлик ҳукм юритди. Уларнинг энг машҳур ҳокимларидан Зиёд ибн Ҳабулани зикр қилиш мумкин. Қавмнинг ҳокимияти тахминан милодий иккинчи асрнинг бошларидан аср ниҳоясига қадар давом этди. Ғассон сулоласи уларнинг ҳокимиятига чек қўйди ва ерларини босиб олди. Румликлар энди бу қавмни Шом араблари устига ҳоким қилиб тайинлашди. Ғассонийлар Бусро шаҳрини пойтахт қилишди. Ғассонийлар Рум шоҳларининг ноиби сифатида Шом ерларига ҳижратнинг 13 йили бўлиб ўтган Ярмук жангига қадар эгалик қилиб келишди. Уларнинг сўнгги вакили Жабала ибн Айҳам амирул мўъминин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу даврида Исломга бўйсунди.

ҲИЖОЗ АМИРЛИГИ

Исмоил алайҳис-салом Макка ҳокимиятини ва Каъбага эгадорликни вафотларига қадар ўз қўлларида ушлаб турдилар. У киши 137 ёшда вафот этдилар. «Сифрут Таквин» ва «Тарихут Табарий» асарлари.

Сўнг у кишининг ўғилларидан иккитаси – Нобит, кейин Қайдор бошлиқ бўлишди. Айримлар аксинча бўлган, дейишади. Бу иккисидан кейин Макка ҳукмдорлиги уларнинг боболари (яъни, Исмоил алайҳис-саломнинг қайнотаси) Музоз ибн Амр Журҳумий қўлига ўтди. Макка ҳокимияти ана шу тарзда журҳумларга ўтди ва уларнинг қўлида қолиб кетди. Оталари Байтуллоҳни қургани учун Исмоил алайҳис-салом авлодлари иззат-эътибор эгалари бўлсалар-да, ҳеч қандай мансаб-ҳукм қўлларида йўқ эди.

Узоқ давр Исмоил алайҳис-салом авлодларининг айтарли ҳеч қандай имтиёз-имконияти бўлмай келди. Бухтунассар чиқишидан бир оз олдин Журҳумнинг иши орқага кета бошлади. Ана шу асрдан Макка осмонида Адноннинг юлдузи порлашга тушди. Бунга далил шуки, Бухтунассар арабларга қарши Зоту Иркда юриш қилганида арабларнинг лашкарбошиси журҳумлардан эмас, Адноннинг ўзи эди.

Милоддан аввалги 587-йилда Бухтунассар иккинчи маротаба қўшин тортиб келганида Аднон қавми Яманга сочилиб кетди. Армиё пайғамбарнинг саҳобаси бўлган Бархиё Адноннинг ўғли Маъадни ўзи билан бирга Шомдаги Ҳаррон шаҳрига олиб кетган эди. Бухтунассар босқини тугагач, Маъад Маккага қайтиб келди. У шаҳарда журҳумлардан фақат Жавшам ибн Жулҳумани топди. Маъад унинг қизи Муъонага уйланди ва уларнинг никоҳидан Низор дунёга келди.

Шундан сўнг Журҳумнинг Маккадаги ишлари ёмон томонга юз бурди. Аҳволи танг бўлган Журҳум Маккага келганларга зуғум ўтказди, Каъбанинг молига хиёнат қилди. Албатта бу ишлар аднонийларни ғазаблантирарди. Марруз-Заҳронга келиб қўнган Хузоа

аднонийларнинг Журҳумга нисбатан нафратларини кўриб, бу қулай фурсатдан фойдаланиб қолди. Улар аднонийларнинг Бакр ибн Абдуманоф ибн Кинона уруғи ёрдамида Журҳумга қарши уруш очиб, Журҳум қабиласини Маккадан ҳайдаб чиқаришди ва милодий II аср ўрталарида Макка ҳокимиятини қўлга киритишди.

Маккани ташлаб чиқишга мажбур бўлган журҳумийлар кетишларидан олдин Зам-зам қудуғини кўмиб, ўрнини яшириб кетишди. Улар шу ерга бир қанча нарсаларни ҳам беркитиб қўйишди.

Ибн Исҳоқ ёзади: "Амр ибн Ҳорис ибн Музоз Журҳумий (бу Исмоил алайҳис-салом қиссасида зикр қилинган Музоз эмас) Каъбанинг икки (олтиндан ясалган) кийигини ва Ҳажарул асвадни олиб чиқиб Зам-зам қудуғига кўмиб ташлади.

Масъудий «Муружуз заҳаб»ида ёзади: "Форслар ўша пайтларда Каъбага турли ҳадя ва жавҳарлар жўнатиб туришган. Сосон ибн Бобак Каъбага олтиндан ясалган икки кийик, жавоҳирлар, қиличлар ва кўп олтин ҳадя қилган эди. Амр уларни Зам-зам қудуғига ташлаб юборди".

Журҳумийлар Яманга йўл олишди. Улар Макка ҳукмдорлигидан маҳрум бўлганларига жуда қаттиқ куйдилар. Ана шу ғам ҳақида Амр қуйидаги мазмунда шеър айтган эди:

«Гўё бу атрофда бир меҳрибон дўст бўлмагандек. Гўё Маккада тонгга қадар чўзилган суҳбатлар қурилмагандек. Ҳа, биз унинг эгалари эдик, бироқ тунларнинг алмашиши ва кунларнинг адолатсизлиги бизни ҳалокатга маҳкум этди».

Исмоил алайҳис-салом даври тахминан милоддан икки минг аввалларга тўғри келади. Демак, журҳумийлар Маккада йигирма бир аср яшашган ва йигирма асрга яқин вақт мобайнида у ерга эгалик қилиб келишган.

Хузоа Маккага эгалик қилишда Бану Бакрни бир четга суриб қўйди. Бироқ, Мудар қабилаларининг учта имконияти бор эди:

Биринчи. Одамларни Арофатдан Муздалифага йўналтириш ва Нафр (Минодан тушиш) куни уларга ижозат бериш. Бу ҳуқуқ Илёс ибн Мудар қавмига мансуб бўлган Бану Ғавс ибн Мурра уруғига тегишли эди. Бану Ғавс Сувфа, деб аталарди. Ижозатнинг маъноси шуки, нафр куни то Сувфадан бир киши тош отмагунга қадар одамлар тош отишмасди. Тош отиш тугаб одамлар Минодан кетиш тараддудига тушганларида Бану Ғавс тоғдаги тушиш йўлининг ҳар икки четини эгаллаб оларди. То улар ўтиб бўлмагунича ҳеч ким ўтмасди. Бану Ғавсдан кейин бу имтиёз Тамим қабиласига мансуб Бану Саъд ибн Зайд Манотга ўтди.

Иккинчи. Наҳр (қурбонлик) куни тонгида Муздалифадан Минога қараб юриш. Бу ҳуқуқ Бану Адвонда эди.

Учинчи. Уруш ҳаром қилинган ойларни кечиктириш. Бу ҳуқуқ Бану Кинонага мансуб Бану Фуқайм ибн Адий уруғида эди.

Хузоанинг Макка ҳокимиятини эгаллаб туриши уч юз йилга чўзилди.

Хузоа ҳукмронлиги даврида Нажддa, Ироқ ва Баҳрайн тарафларда Аднонийлар тарқалди. Макка теварагида Қурайш уруғлари тарқоқ ҳолда яшаб қолди. Қусай ибн Килоб келгунга қадар на Макка ишида ва на Каъба ишида Қурашийлар ҳеч нарсага эга эмас эдилар.

“Сийрату Ибн Ҳишом”, 1/117.

Айтишларича, Қусай онасининг қўлида эканида унинг отаси вафот этади ва Бану Узралик Рабиъа ибн Ҳаром, деган киши унинг онасини никоҳига олиб, Шом теварагидаги ўз юртига кўчириб кетади. Қусай ибн Килоб улғайганидан сўнг Маккага қайтиб келади. Бу пайтда Макканинг волийси хузоалик Ҳулайл ибн Ҳабшийя эди. Қусай Ҳулайлнинг қизи Ҳуббага оғиз солади. Ҳулайл рози бўлиб, қизини унга турмушга беради. Ҳулайлнинг вафотидан кейин Хузоа билан Қурайш ўртасида уруш бошланади ва бу уруш Қусайнинг Макка ва Каъба эгалигини қўлга киритиши билан ниҳояланади.

Мазкур урушнинг сабаби хусусида уч хил ривоят бор:

Биринчи ривоят. Фарзандлари ва мол-давлати кўпайиб, эл ичида обрў қозонган Қусай Ҳулайлнинг ўлимидан кейин Каъба ва Макка эгалигига Хузоа ҳамда Бану Бакрдан ўзини ҳақлироқ, деб билади. Ахир Қурайш Исмоил алайҳис-салом авлодининг энг тоза, бош бўғини ҳисобланарди. Қусай Қурайш ва Бану Кинона кишиларига Хузоа ҳамда Бану Бакрни Маккадан чиқариб юбориш ҳақида гап очди. Улар Қусайнинг таклифини маъқул кўришди.

“Сийрату Ибн Ҳишом”, 1/117, 118; Табарий, 2/255, 256.

Иккинчи ривоят. Хузоанинг даъвосича, Ҳулайл Каъба ва Макка эгалигини Қусайга васият қилиб кетган. Бироқ, Хузоа бу васиятни амалга оширишдан бош тортгани боис икки ўртада уруш чиқди.

“Сийрату Ибн Ҳишом”, 1/118.

Учинчи ривоят. Ҳулайл Каъба эгалигини қизи Ҳуббага бериб, Абу Ғубшон Хузоийни қизининг вакили қилган. Абу Ғубшон Ҳуббанинг вакили сифатида Каъба хизматига бош бўлди. Бироқ, у ақли норасороқ одам эди. Ҳулайлнинг ўлимидан кейин Қусай Абу Ғубшонни алдаб, ундан Каъба эгалигини бир нечта туяга ёки бир меш шароб эвазига сотиб олди. Бундай битимдан норози бўлган Хузоа Қусайнинг йўлини тўсишга уринди. Натижада Қусай Хузоани Маккадан қувиб чиқариш учун Қурайш ва Бану Кинона кишиларини тўплади. Улар Қусайнинг таклифини қўллаб-қувватлашди.

“Тарихул Яъқубий”, 1/239; “Фатҳул Борий”, 6/634; Ал-Масъудий, 2/58.

Хуллас, нима бўлганда ҳам Ҳулайл вафот этиб, Сувфа қиладиганини қилгач, Қусай Қурайш ва Бану Кинона кишилари билан Ақабага келди ва уларга: «Биз бу ишга сизлардан кўра ҳақлироқмиз!», деди. Сувфа Қусайга қарши урушди. Уруш Қусайнинг ғалабаси билан тугади. Ўша пайтларда Хузоа ва Бану Бакр Қусайдан ўзини тортди. Қусай ўз тарафдорларини тўплаб, уларга қарши жангга чиқди. Икки ўртада қаттиқ уруш бўлди ва ҳар икки томондан бир қанча қурбонлар

берилди. Сўнг томонлар сулҳга рози бўлиб, Бану Бакрлик Яъмур ибн Авфни ўзларига ҳакам қилишди. Ҳакамнинг чиқарган ҳукми қуйидагича бўлди: Каъба ва Макка эгалигига Қусай Хузоадан ҳақлироқ. Қусай тўккан қонлари учун товон тўламайди. Хузоа ва Бану Бакр тўккан қонлари учун хун тўлайди. Қусайга Каъба топширилади. Яъмур ўша кундан Шуддох, деб атала бошлади. "Ибн Ҳишом", 1/123, 124.

Шундай қилиб, Хузоанинг Каъбага эгалиги 300 йил давом этгач, милодий V аср ўрталарида, яъни 440-йилда Қусай Макка ва Каъба эгалигини қўлга киритди. Қусайдан кейин бу эгалик ҳуқуқи Қурайшга ўтди. Ярим оролнинг тўрт томонидан араблар зиёратга келадиган Каъбанинг диний бошлиғи Қурайш бўлиб қолди.

Қусай қавмини Маккага кўчириб келиб, Маккани уларнинг ўртасида тақсимлаб чиқди. Қурайшнинг ҳар бир уруғини уларнинг ўзлари қўнган ерга жойлаштирди. Насъа, Савфон, Адвон ва Мурра ибн Авфларни ўз мансабларида қолдирди. Чунки Қусай юқоридаги ишларни ўзгартириш мумкин бўлмаган дин, деб биларди. "Ибн Ҳишом", 1/124, 125.

Қусай амалга оширган тарихий ишлардан бири – Каъбанинг шимолий қисмида Дорун-Надва (йиғин ўтказиладиган бино)га асос солди ва унинг эшигини масжидга қаратди. Энди бу уй Қурайш тўпланиб, муҳим ишларни ҳал қиладиган йиғин жойига айланди. Дорун-Надва Қурайш учун хайрли бўлди. Чунки ана шу йиғин уйи гапларнинг бир жойдан чиқишини ва муаммоларнинг чиройли ечилишини таъмин этарди.

Қусай қуйидаги шарафли раҳбарлик кўринишларига эга эди:

1. Дорун-Надва раислиги. Қурайш ўзининг муҳим масалаларини ана шу уйда муҳокама қилар ва шу ерда қизларини турмушга берар эди.

2. Ливоъ (байроқ). Қурайшнинг ҳарб байроғи фақат Қусайнинг қўли билан тикиларди.

3. Қиёдат (карвонларни бошқарув). Қурайшга тегишли ҳар қандай карвон фақат унинг ё фарзандларининг бошқаруви билан йўлга чиқарди.

4. Ҳижобат (эшик оғаси). Каъба ҳижобатига Қусай масъул эди. Каъба эшигини очиш, унинг ишларини саришта қилиш Қусайнинг вазифаси эди.

5. Сиқоят (ҳожиларни сув билан таъминлаш). Яъни, ҳожилар учун ҳовузларни сувга тўлдириб, ширин қилиш учун сувга хурмо ва майиз ташлаб қўйишарди. Маккага келган ҳожилар ана шу ҳовузлардан сув ичишарди.

6. Рифодат (ҳожиларни егулик билан таъминлаш). Ҳожилар учун меҳмондорчилик сифатида егулик ҳозирланар эди. Қусайнинг буйруғига кўра, Қурайш ҳаж мавсумида мол-давлатидан бир улуш ажратиб, унга топширарди. Ана шу йиғилган нарсалар асосида ҳожилар учун егулик ҳозирланарди. Егулиги ва мол-давлати йўқ бўлган

ҳожилар мазкур егуликлардан қорин тўйдиришарди.

Юқоридаги шарафли вазифаларнинг ҳаммаси Қусайники эди. Абдуманоф ибн Қусай отаси ҳаётлигидаёқ обрў-эътибор топиб, саййидлар сафига қўшилди. Абдуддор Қусайнинг тўнғичи эди. Қавм шарафда сендан ўзиб кетган бўлсалар ҳам, албатта сени уларнинг мартабасига етказиб қўяман, дерди Қусай ўғли Абдуддорга. Қусай ана шу ўғлига ўзининг шарафли вазифаларини васият қилди. Энди Дорун-Надва, ҳижобат, ливоъ ва ҳожиларни едириб-ичириш вазифалари Абдуддорники эди. Қусай қавмида шунчали обрў-эътиборли эдики, ҳеч ким унга қарши чиқмас, гапини икки қилмас ва унинг буйруғини хатто ўлимидан кейин ҳам муқаддас, деб биларди. Қусайнинг ўлимидан сўнг фарзандлари рози-ризолик билан унинг васиятини адо этишди. Лекин Абдуманоф вафот этгач, унинг болалари амакиваччалари Абдуддорнинг фарзандларидан юқоридаги мансабларни талаша бошлади. Қурайш иккига бўлиниб, ҳатто уруш чиқишига оз қолди. Охир-оқибат сулҳ тузилди ва юқоридаги мансаб-вазифалар тақсимлаб олинди. Тақсимотга кўра сиқоят, рифодат ва қиёдат Абдуманоф уруғига берилди. Дорун-Надва, ливоъ ва ҳижобат Бану Абдуддорда қолди. Абдуманоф уруғи сиқоят ва рифодатни ким олиши масаласида қуръа ташлашди. Қуръа Ҳошим ибн Абдуманофга чиқди. Ҳошим вафотига қадар ана шу икки мансабнинг эгаси бўлиб турди. Ҳошимдан кейин укаси Муттолиб ибн Абдуманоф, ундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ва ундан кейин Абдулмуттолибнинг болалари сиқоят ва рифодатга масъул бўлиб келишди. Ислом келганида бу ҳуқуқ Аббос ибн Абдулмуттолибда эди.

Қурайшнинг ичкарисида юқоридагилардан бошқа вазифа-мансаблар ҳам бўлган. Улар ана шу тартиботлари билан кичкина давлат тизимини, аниқроқ айтганда кичкина демократик давлат тизимини вужудга келтиришган. Бугунги кундаги парламент ва унинг мажлислари ролини уларда маълум ташкилот ва йиғинлар бажарган. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

1. Ийсор. Ниманидир тақсимлашда ишлатиладиган санамларнинг фолчўпларига эгалик қилиш. Бу ҳуқуқ Бану Жумаҳда эди.

2. Таҳжирул амвол. Санамларга қилинган қурбонлик ва назрларни тартиблаш, шунингдек хусуматлар ва шикоятларни ажрим қилиш. Мазкур ишлар Бану Саҳмнинг зиммасида эди.

3. Шўро. Маслаҳат ва кенгашлар ўтказиш. Бу Бану Асадда эди.

4. Ашноқ. Хун пули ва жарима-товонларни тартибга солиш. Бу Бану Таймда эди.

5. Уқоб. Миллий байроқни кўтариш. Бу ҳуқуқ Бану Умайяда эди.

6. Қубба. Аскар тартиботи ва отлиқ қўшин етакчилиги. Бу ҳуқуқ Бану Махзумда эди.

7. Сифорат. Элчилик. Бу вазифа Бану Адийга тегишли эди.

БОШҚА АРАБЛАРНИНГ ҲУКМ ЮРИТИШ ТИЗИМИ

Биз Адноний ва Қаҳтоний қабилаларнинг кўчишлари, уларнинг араб ерларини ўзаро тақсимлаб олганликлари ҳақида юқорида сўз юритган эдик. Ана шу қабилаларнинг Ҳийрага яқин жойлашганлари Ҳийрадаги араб шоҳларига, Шом соҳросида жойлашганлари эса Ғассонийларга тобе бўлишган. Бироқ бу тобелик номига бўлиб, амалда ҳеч нарсага дахл қилмасди. Ярим орол ичкарисидаги саҳроларда яшовчи араблар эса тамомила эркин эдилар.

Саҳро ичкарисидаги қабилаларни қабила оқсоқоллари бошқарарди. Қабила ўзига хос кичик бир ҳукумат бўлиб, уни тутиб турадиган нарса қавмпарастлик, ўз ерини ҳимоя қилиш ва ундан душманни даф этишдаги муштарак манфаатлар эди.

Қабила оқсоқолларининг қавмдаги мавқеи шоҳларнинг мавқеига тенг саналарди. Қабила тинчлик пайтида ҳам, уруш пайтида ҳам саййидининг сўзига бўйсунар ва ҳеч қачон унинг гапини икки қилмас эди. Ҳукм ва сўзини ўтказиш масаласида қабила оқсоқоллари бамисоли кучли диктаторга ўхшаб кетишарди. Ҳатто уларнинг дарғазаб бўлиши минглаб қиличларнинг чақинига сабаб бўлар ва оқсоқолнинг нима учун ғазаблангани ҳатто суриштирилмасди. Бироқ, амакиваччалар ўртасида саййидлик мартабаси талаш бўлгани боис улар одамлар билан чиройли муносабатда бўлишда, саховатда, меҳмоннинг иззатини жойига қўйишда, фазлу карамда, ҳалимликда, мардлик-шижоатда ва бировларни ҳимоя қилишда бир-бирлари билан мусобақалашар эдилар. Албатта, бундан кўзланган мақсад одамларнинг, хусусан, ўша даврда қабиланинг тили ҳисобланган шоирларнинг кўзига яхши кўриниш бўларди. Ана шунда улар саййидликка номзод саналган бошқа рақибларидан ўзиб кетган ҳисобланарди.

Саййидлар ва оқсоқоллар хос имтиёзларга эга эдилар. Мирбоъ, сафийй, нашийта ва фузул каби ўлжадан олинадиган имтиёзлар бошқаларда йўқ эди. Мирбоъ – ўлжанинг тўртдан бири, сафийй – қабила оқсоқли ўлжа тақсимланишидан олдин ўзига танлаб оладиган нарса, нашийта – қўшин юришга чиққанида қавм қароргоҳига етгунга қадар йўлда қабила оқсоқолининг қўлга киритган нарсалари, фузул – ўлжа тақсимотидан ортиб қолган ва барча аскарларга тарқатиб беришнинг имкони йўқ бўлган туя, от ва ҳоказо нарсалардир.

СИЁСИЙ АҲВОЛ

Араб ҳокимлари ҳақида маълум тасаввурга эга бўлганимиздан кейин энди уларнинг сиёсий аҳволига назар ташлаш фурсати етди. Ажнабийларга қўшни бўлган уч тараф ҳудудда сиёсий аҳвол беҳад ёмон эди. Бу чиндан-да емирилиш ва таназзул ҳолати дейиларди. Одамлар хожалар ва қулларга ёхуд ҳокимлар ва маҳкумларга ажралган эди. Хўжайинлар, айниқса, ажнабийлари ёғ ютиб, қора халқ қон ютиб

яшарди. Бошқача айтганда раъият ҳукуматга маҳсулот етиштириб берувчи экин майдони ўрнида кўриларди. Ҳукмрон табақа оддий халқ етиштириб берган маҳсулотларни ўзининг айш-ишрати, инжиқликлари ва жабру-зулми йўлида исроф қиларди. Раъият эса ҳеч қандай ёруғлик кўрмай, тўрт томонини ўраган қуюқ зулмат ва зулм ичида яшарди. Улар ҳеч кимга шикоят ҳам қила олмасдилар. Мудом ғам-алам ва жабр-зулм чекиб, турли азобларга нишон бўлиб унсиз ҳаёт кечирарди. Ҳукмронлик зўравонларники, ҳақ-ҳуқуқлар поймол эди.

Мазкур ҳудудларга қўшни қабилалар эса беқарорлик, турли мақсад ва ҳавойи хоҳишлар ичида адашиб-улоқиб яшарди. Гоҳ Ироқ аҳлига қўшилсалар, гоҳ Шом аҳли таркибига кирардилар. Ярим орол ичкарисидаги қабилалар ўзаро низо, жанжал, диний ва қавмий ихтилофлар гирдобида тарқоқ ҳолда кун кечиришарди. Ўша замон кишиларидан бири ўзининг дунёқарашини қуйидагича баён қилади:

Ғазийя нима бўлса, мен ҳам айни ўшаман
У тузалса тузалиб, адашса адашаман.

Уларнинг мустақилликларини таъминловчи ўз ҳукуматлари ёки оғир кунларда эътимод қилинадиган, куч олинадиган асл асослари йўқ эди.

Ҳижоз ҳукуматига келсак, араблар бу ҳукуматга эҳтиром кўзи билан қараб, уни етакчи ва диний марказ ҳимоячиси сифатида кўришарди. Аслида бу ҳукуматда дунёвий, давлатий ва диний жиҳатлар қоришиб кетган эди. У араблар ўртасида диний етакчи исми билан, Ҳарам ва унинг теварагида Каъба зиёратига келувчиларнинг таъминотини назорат қилувчи ҳукумат исми билан ҳукм юритарди, Иброҳим алайҳис-салом шариатининг ҳукмини жорий этарди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг ҳудди парламент мажлислари каби йиғинлари, ташкилотлари бор эди. Лекин бу ҳукумат оғир кунларга чидаш бера олмайдиган заиф ҳукумат эди. Унинг заифлиги ҳабашлар босқинида шундоқ сезилиб қолди.

АРАБЛАРНИНГ ДИНЛАРИ

Арабларнинг аксарийяти одамларни Иброҳим алайҳис-саломнинг динига чақираётган Исмоил алайҳис-саломнинг даъватини қабул қилишди. Улар Аллоҳга ибодат қилиб, уни бир, деб ва унинг динига итоат қилиб яшашар эди.

Бироқ орадан йиллар ўтиши билан ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан кўп қисмини унутишди. Ана шу ҳолатда ҳам то Хузоанинг оқсоқоли Амр ибн Луҳай чиққунга қадар араблар тавҳид устида туриб, Иброҳим алайҳис-салом динининг бир қанча кўрсатмаларига амал қилишарди. Амр ибн Луҳай яхшилик, хайр-садақа ва диний ишларга муҳаббат руҳида вояга етган, одамларнинг муҳаббатини қозонган ва халқ назарида улкан уламо, машҳур авлиё бўлиб танилган киши эди. У Шомга сафар қилиб, ўша ерда одамларнинг бут-санамларга ибодат қилаётганини кўрди. Мазкур ширк

Амр ибн Луҳайнинг кўзига кўп яхши ва ҳақ нарса бўлиб кўринди. Ахир Шом пайғамбарлар ва илоҳий китоблар юрти эди-да! Хуллас, Амр ибн Луҳай Шомдан Ҳубал номли бутни кўтариб келди ва уни Каъба ичкарисига ўрнатиб қўйди. Амр Макка аҳлини Аллоҳга ширк келтиришга чақирди, улар унинг чақириғини қабул қилдилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Ҳижоз аҳли Макка арабларига тақлид қилишга тушди. Чунки Макка аҳли Каъбанинг эгалари ва Ҳарам аҳли ҳисобланарди.

Ҳубал инсон суратида қизил ақиқдан ясалган бўлиб, унинг ўнг қўли синган эди. Қурайшликларга у шу ҳолда келган, улар унга тиллодан қўл қилишган. Бу мушрикларнинг энг биринчи ва энг буюк ҳамда муқаддас бути эди.

Уларнинг энг биринчи санамларидан бўлган Манот Қизил денгиз соҳилида жойлашган Қудайд яқинидаги Мушаллал, деган тепаликда эди. Сўнг Тоифда Лотни бут қилиб олишди. У Сақифга тегишли бўлиб, Тоиф масжидининг чап минорасининг ўрнида бўлган. Нахла водийсида Уззо пайдо бўлди. У Қурайш, Баун Кинона ва бошқа кўплаб қабилаларинг бути эди. Мазкур уч санам уларнинг энг катта бутлари саналарди. Кейин ширк томир ёйиб, Ҳижоз бутларга тўлиб кетди.

Айтишларича, Амр ибн Луҳайнинг бир жини бўлиб, унга Нуҳ қавми сиғинган – Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъуқ ва Наср номли санамлар Жиддага кўмилганини хабар қилган эмиш ва Амр ўша ерга бориб бутларни қазиб олиб, Тиҳомага келтирган экан. Ҳаж мавсумида санамларни қабилаларга тарқатган, қабилалар уларни ўз юртларига олиб кетишган экан.

Вадд – Шомнинг Ироқ тарафидаги Давматул-Жандал деган жойидаги Калб қабиласининг бути эди. Сувоъ – Ҳижознинг Маккага яқин соҳил қисмидаги Руҳот деган жойда яшовчи Ҳузайл ибн Мудрикага тегишли, Яғус – Сабаъдаги Журф, деган жойдаги Бану Мурод қабиласидан бўлган Бану Ғутойф қабиласининг, Яъуқ – Яман еридаги Хайвон деган қишлоқдаги Ҳамадон қабиласининг, Наср – Ҳимяр еридаги Зул-Килоъ хонадонининг бут-санами эди.

Араблар мана шу бут-санамлари учун алоҳида уйлар қуриб, уларни худди Каъбани улуғланганидек улуғлайдиган бўлишди. Бу бутхоналар учун махсус ёпқичлар, алоҳида хизматчилар тайинланар, уларга ҳам худди Каъбага қилинганидек ҳадя-қурбонликлар қилинар, шу билан бирга Каъбанинг уларга нисбатан фазлини ҳам эътироф қилишарди.

Бошқа қабилалар ҳам айни шу йўлни тутиб, ўз бутлари учун махсус бутхоналар қуришди. Араб ўлкаларининг ҳар ерида ўнлаб шундай ибодатхоналар пайдо бўлди. Ана шу ибодатхоналардан Яман ерларида Давсники Зул-Халса, Хатъам ва Бужайла, Той ва уларга яқин бўлган Салмо ва Ажаъ тоғлари ўртасидаги жойлашган қабилаларники Филс, деб номланарди. Яман ва Ҳимярликлар учун Санъондаги Райём, Рабийъа ибн Каъб ибн Саъд ибн Зайд учун Ризо, Воил ўғиллари Бакр ва Тағлиб қабилалари учун Каъабот ибодатхоналари бор эди.

Давснинг ҳам ўзига хос бути бўлиб уни Зул-Каффайн, деб аталарди. Кинона авлодлари Бакр, Молик ва Малконнинг Саъд исмли, Азраликларнинг Шамс, Хавалоннинг Умёнис отли санамлари бўлган.

Шундай қилиб, аввалига ҳар бир қабиланинг, кейинчалик ҳар бир уйнинг ўз санами пайдо бўлди. Жоҳиллар Масжидул Ҳарамни санамлар билан тўлдиришди. Макка фатҳ қилинганида Каъба атрофида 360та бут-санам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни асолари билан туртиб бирма-бир ерга қулатдилар, сўнг бу санамлар ул зотнинг амрлари билан Масжидул Ҳаромдан олиб чиқиб ёқиб юборилди. Каъбанинг ичида ҳам бут-санам ва суратлар бор эди. Ҳатто Иброҳим алайҳис-салом ва Исмоил алайҳис-саломнинг қўлларида азлом ушлаб турган ҳолдаги суратлари бор эди. Бу санам ва суратлар ҳам фатҳ куни йўқ қилинди.

Одамлар бу каби залолатларга шу қадар ботиб кетишган эдики, ҳатто Абу Ражо Уторудий розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Биз бир тошга сиғиниб юриб, ундан кўра чиройлироқ бошқа тош топсак, наригисини улоқтириб, бунисига сиғиниб кетаверардик. Агар тош топилмаса, бир ҳовуч тупроққа эчкини соғиб, лойини қотириб, сўнгра шуни тавоф қилардик». Имом Бухорий ривояти.

Хуллас, ана шу тарзда ширк ва санамлар ибодати жоҳилият аҳли динининг энг асосий қисмига айланди. Ҳолбуки, улар ўзларини Иброҳим алайҳис-салом динида, деб билишарди.

Бут-санамларга сиғиниш ва ширк кўринишларининг илк пайдо бўлиши қуйидагича бошланган эди. Одамларда қачонки фаришталар, пайғамбарлар ва Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлмиш авлиё ва тақводор зотларни Аллоҳга энг яқин кишилар, уларнинг Аллоҳ ҳузурида даражалари юксак, мартабалари олий, деган ишонч пайдо бўлгач ва улардан баъзи мўъжиза ва кароматлар зоҳир бўлганини кўришгач, Аллоҳ Ўзига хос ишлардан баъзиларининг тасарруфини уларга бўйсундириб берган, улар мана шу тасарруфлари ва Аллоҳнинг олдидаги обрў-эътиборлари туфайли Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билан оддий бандалари ўртасида шафоатчи бўлишга муносиблар, ҳеч бир кимса Аллоҳга бўлган ҳожатини бевосита уларсиз арз қилмаслиги лозим, чунки улар бандаларнинг Аллоҳга воситачиларидир, Аллоҳ уларнинг воситасида қилинган дуоларни асло рад этмайди, шунингдек Аллоҳга бўлган ибодат ҳам улар воситасида адо этилиши лозим, улар юқори мартаба эгаси бўлганлари боис бандаларни Аллоҳга яқинлаштира оладилар, деган фикр ўрнашди. Мана шу эътиқодларидан келиб чиқиб уларни ўзлари билан Аллоҳ ўртасида воситачи қилдилар ва қўлларидан келганча уларга яқинлик ҳосил қилишга ҳаракат қилдилар. Кўпларининг ҳақиқий ёки хаёлий сурат ва ҳайкалларини ясаб, ибодатларида рўпараларига қўйиб оладиган бўлдилар. Мана шу сурат ва ҳайкаллар санамлар, деб номланарди.

Баъзан эса уларнинг ҳайкал ва суратларини ясамасдилар, балки

қабр ва мозорларини, айрим қароргоҳ ва тушиб ўтган, дам олишган жойларини муқаддас санаб, у ерларга қурбонлик ва назрлар келтиришар, ҳар хил кўринишдаги ибодатлар билан сиғинишарди. Муқаддас саналувчи шундай ўринлар васанлар, деб аталарди.

Бут-санамлар ибодатида бир қанча маросим ва удумлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарийятини Амр ибн Луҳай ўйлаб чиқарган эди. Жоҳиллар Амрнинг бу ишини Иброҳим алайҳис-салом динини ўзгартириш эмас, балки бу динга яхши бир одатни қўшиш, деб билишарди. Қуйида ўша маросимларнинг баъзисини айтиб ўтамиз:

1. Улар санамларга юкинишар, илтижо қилишар, муножотлар айтиб оғир кунларда улардан мадад сўрашар ва ҳожатларини раво этишини тилашар эди. Уларнинг эътиқодига кўра, бу санамлар Аллоҳ олдида шафоатчи бўлиб, одамларнинг тилакларини рўёбга чиқарар эди.

2. Ана шу бут-санамлар зиёратига келиб, уларни тавоф қилиб, олдида ўзларини хор тутиб саждалар қилишар эди.

3. Бут-санамларга атаб турли қурбонликлар қилинар, уларнинг пойқадамларида жонлиқлар сўйишар ва қаерда бўлмасин жонлиқ сўйсалар уларнинг номини зикр этишар эди. Жоҳилиятнинг ана шу икки амали Қуръонда қуйидагича зикр қилинган:

...وَمَا ذُبِحَ عَلَى ٱلنُّصُبِ... ﴿٣﴾

«...Ва бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўштини истеъмол қилиш сизларга ҳаром қилинди)**».** “Моида” сураси, 3-оятдан.

وَلَا تَأۡكُلُواْ مِمَّا لَمۡ يُذۡكَرِ ٱسۡمُ ٱللَّهِ عَلَيۡهِ... ﴿١٢١﴾

«Аллоҳнинг номи зикр қилинмаган нарсалардан емангиз!...».

“Анъом” сураси, 121-оятдан.

4. Улар ўзларича санамларига атаб айрим емак-ичмакларни, шунингдек экин-тикин ва чорва молларидан ҳам маълум насибани хослаб, қурбонликнинг бир турини амалга оширишарди. Қизиғи шундаки, улар Аллоҳга ҳам юқоридагилардан маълум ҳиссани ажратиб қўйиб, кейин кўпинча қайсидир сабаб билан Аллоҳга ажратган ҳиссаларини санамларига бағишлар эдилар. Бироқ санамларига ажратилган насибани ҳеч қачон Аллоҳга атаб юбормасдилар.

وَجَعَلُواْ لِلَّهِ مِمَّا ذَرَأَ مِنَ ٱلۡحَرۡثِ وَٱلۡأَنۡعَٰمِ نَصِيبٗا فَقَالُواْ هَٰذَا لِلَّهِ بِزَعۡمِهِمۡ وَهَٰذَا لِشُرَكَآئِنَاۖ فَمَا كَانَ لِشُرَكَآئِهِمۡ فَلَا يَصِلُ إِلَى ٱللَّهِۖ وَمَا كَانَ لِلَّهِ فَهُوَ يَصِلُ إِلَىٰ شُرَكَآئِهِمۡۗ سَآءَ مَا يَحۡكُمُونَ ﴿١٣٦﴾

«(Мушриклар) **Аллоҳ учун Унинг Ўзи яратган экин ва чорваларидан бир улуш ажратиб, ўзларича: «Бу Аллоҳ учун, бу**

(қолгани) **эса шерикларимиз – бутларимиз учун», дедилар. Энди бутлари учун бўлган улуш Аллоҳ** (улушига) **қўшилмайди. Аллоҳ учун бўлган улуш эса бутларига қўшилаверади. Нақадар ёмон ҳукм чиқарадилар-а!».** “Анъом” сураси, 136-оят.

5. Экинлар ва чорваларни ҳам назр қилиб, ўзларича санамларга қурбат ҳосил қилган бўлардилар.

وَقَالُواْ هَٰذِهِۦٓ أَنۡعَٰمٞ وَحَرۡثٌ حِجۡرٞ لَّا يَطۡعَمُهَآ إِلَّا مَن نَّشَآءُ بِزَعۡمِهِمۡ وَأَنۡعَٰمٌ حُرِّمَتۡ ظُهُورُهَا وَأَنۡعَٰمٞ لَّا يَذۡكُرُونَ ٱسۡمَ ٱللَّهِ عَلَيۡهَا ٱفۡتِرَآءً عَلَيۡهِۚ سَيَجۡزِيهِم بِمَا كَانُواْ يَفۡتَرُونَ ١٣٨

«Улар ўзларича: «Мана бу ҳайвон ва экинлар ҳаром, уларни фақат биз хоҳлаган кишилargина (яъни, бутхона хизматчилари ва эр кишиларгина) **ейдилар. Бу ҳайвонларни эса миниш ҳаром қилинган, дедилар. Улар ҳайвонларни** (сўйишда) **Аллоҳнинг номини зикр қилмайдилар,** (балки бутларининг номини айтадилар ва мана шу қилмишларини Аллоҳ амри, деб) **У зотга туҳмат қиладилар. Яқинда бу туҳматлари сабабли уларга Ўзи жазо беражак. ».**

“Анъом” сураси, 138-оят.

6. Уларнинг яна бир одати баҳийра, соиба, васийла ва ҳомийларни жорий этиш бўлди.

Саид ибн ал-Мусайяб айтадилар: «Баҳийра – сути фақат бутларга аталган, ҳеч ким соғиши мумкин бўлмаган туя, Соиба – олиҳаларга атаб қўйиб юборилган, устига юк ортилмайдиган туя, Васила - кетма-кет иккита урғочи бўталоқ туққан туя, уни ҳам бутларига атаб қўйиб юборишарди, Ҳомий – пуштидан ўн бўталоқ туғилган эркак туя, уни ҳам ўз ишини қилиб бўлган, деб ҳисоблаб, бутларга атаб қўйиб юборишар эди».

Ибн Исҳоқ ёзади: «Агар туя кетма-кет ўнта урғочи бўталоқ туғса ва уларнинг орасида биронта эркаги бўлмаса, уни бўш қўйиб юборишарди. Бу туяни минишмасди, жунини олишмасди, сутини ҳам меҳмондан бошқага ичиришмасди. Ана шундай туя «соиба», дейиларди. Соиба туя кейин яна урғочи бўталоқ туғса, бўталоқнинг қулоғини кесиб онаси билан бирга қўйиб юборишарди. Энди уни ҳам миниш, жунини олиш ва сутини меҳмондан ўзга кимсанинг ичиши мумкин бўлмай қоларди. Бундай туя «баҳийра», деб аталарди. Демак, баҳийра соибанинг боласи экан. Агар қўй кетма-кет беш марта эгиз туғиб, қўзичоқларининг ҳаммаси урғочи бўлса, уни етди, деб «васила» қилиб қўйишарди. Василанинг кейин туққан болалари аёлларга ҳаром бўлиб, фақат эркакларга ҳалол ҳисобланарди. Агар ўлик бўлса, унинг гўштини аёллар ҳам ейиши мумкин бўларди. Пуштидан кетма-кет ўнта урғочи бўталоқ бўлган эркак туяни «ҳомий» аташар, уни ҳам минишни,

жунини олишни ман қилишар эди. Ҳомий туяларнинг ичига қўйиб юборилар ва ундан фақат насл қолдиришдагина фойдаланишар эди. Аллоҳ таоло Қуръонда бу ҳақда шундай дейди:

مَا جَعَلَ ٱللَّهُ مِنۢ بَحِيرَةٍ وَلَا سَآئِبَةٍ وَلَا وَصِيلَةٍ وَلَا حَامٍ وَلَٰكِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ وَأَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٣﴾

«Аллоҳ на «баҳийра», на «соиба», на «васийла» ва на «ҳомий» қилишга (буюргани) **йўқ. Лекин кофир кимсалар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқимоқдалар. Уларнинг кўплари ақлсиздирлар».**

“Моида” сураси, 103-оят.

وَقَالُواْ مَا فِى بُطُونِ هَٰذِهِ ٱلْأَنْعَٰمِ خَالِصَةٌ لِّذُكُورِنَا وَمُحَرَّمٌ عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِنَا وَإِن يَكُن مَّيْتَةً فَهُمْ فِيهِ شُرَكَآءُ... ﴿١٣٩﴾

«Улар: «Мана бу ҳайвонларнинг қоринларидаги нарсалар фақат эркакларимиз учундир, хотинларимизга эса ҳаромдир», дедилар. Агар у нарса (яъни, ҳомила) **ўлик бўлса, у ҳолда ҳаммалари шерикдирлар** (яъни, эркак-хотин ҳаммалари ейишаверади)**...».**

“Анъом” сураси, 139-оятдан.

Юқорида номи зикр қилинган ҳайвонларга бошқача изоҳлар ҳам берилган.

Саид ибн ал-Мусайяб бу ҳайвонлар арабларнинг тоғутлари-санамлари учун бўлганини айтган, имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Луҳайни жаҳаннамда ичакларини судраб юрганини кўрганларини айтганлар. Чунки у энг биринчи бўлиб Иброҳим алайҳис-саломнинг динини ўзгартирган, бутларни ўрнатган, соиба, баҳийра, васийла ва ҳомийларни қўйган одамдир.

Араблар бу ишларини санамлар учун қилар эканлар, санамлар бизларни Аллоҳга яқинлаштиради, етказади, деган эътиқодда бўлганлар. Қуръонда айтилганидек:

...وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى ٱللَّهِ... ﴿٣﴾

«...Биз (ўша «худо»ларимизга) **фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз,»** (дерлар)**...».**

“Зумар” сураси, 3-оятдан.

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَٰٓؤُلَآءِ شُفَعَٰٓؤُنَا عِندَ ٱللَّهِ... ﴿١٨﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Ана шу (бизлар сиғинаётган) **нарсалар Аллоҳ ҳузурида бизларнинг қўлловчиларимиз бўлади», дейдилар...».** "Юнус" сураси, 18-оятдан.

Араблар азлом (камон чўплари) билан фол кўришар, бу ўқлар уч турли бўларди:

1. Бир чўпга «ҳа», иккинчисига «йўқ», деб ёзилган, учинчисига ҳеч нарса битилмаган чўплар. Улар ана шу чўплар билан ўзлари хоҳлаган бирон ишни – масалан, сафар ёки никоҳни қилиш-қилмасликни ҳал этишарди. Агар «ҳа» чиқса, ўша ишни қилардилар, «йўқ» чиқса, бу йилча тўхтатиб, келгуси йили яна бир фол очиб кўришарди. Бўши чиқса, то «ҳа» ё «йўқ» чиққунича қайта фол очаверишар эди. Бу турдаги фол чўплари ҳар бир хонадонда бўлиши мумкин эди.

2. Бу хилида сувлар, товонлар ва хун пулларининг ечими бўларди.

3. «Сизлардан», «сизлардан эмас» ва «ёпишган», деган ёзувли чўплар. Бу турдаги фол чўплар фақат ҳокимлар ё коҳинларда бўлар, араблар кимнингдир насл-насабида шубҳаланиб қолишса, ўша киши билан бирга юз дирҳам ва битта туяни Ҳубалнинг олдига олиб келиб, пул ва туяни фол чўплар эгасига беришарди. Агар «сизлардан» чиқса, ҳалиги одам уларнинг ўзидан ўртачаси бўларди. «Сизлардан эмас» чиқса, уларга ҳалиф-иттифоқдош бўларди. Агар «ёпишган» чиқса, қавм орасида тутган мартабасида қолар, на насаб ва на иттифоқдошлик зикр қилинмасди.

Қиморнинг бир кўриниши бўлган майсир ва қидоҳ чўплари ҳам шунга ўхшаб кетарди. Улар қиморга тикилган туя гўштини шу чўплар ёрдамида тақсимлаб олишарди. Бунинг сурати шундайки, кўплашиб бир туяни насияга сотиб олишар ва унинг гўштини 28 ёки 10 бўлакка бўлишар, сўнгра фол чўпларни тортишар, кимга «ютди» ёзувли чўп чиқса, улушига эга бўлар, бўш чўп чиққан одам пулига куйиб, маҳрум қолаверарди.

Улар коҳин (келажакда бўладиган ишларни, махфий сирларни биламан, деб даъво қилувчи кимса), арроф – фолбин ва мунажжимларнинг хабарига ишонишарди. Баъзи коҳинлар: «Менинг хабар ташувчи жиним бор», дейишса, баъзилари: «Мен ғайбни идрок қиладиган фаҳмга эгаман», дерди. Яна кимлардир ўзларича турли сабаб ва ишоралар орқали махфий ишларни билишини даъво қиларди. У сўровчининг сўзи, феъли ёки ҳолатини асос қилиб оларди. Халқ тилида бундайларни арроф, деб аташарди. Аррофлар одатда ўғирланган ёки йўқолган нарсаларнинг қаердалигини айтиб бериш даъвосини қилишарди. Келажакда бўладиган ҳодиса ва ҳолатларни билиш учун юлдузларнинг ҳаракати ва чиқиш-ботиш вақтларига қаровчи кимсаларни мунажжим, дейишарди.

Мунажжимларнинг хабарларини тасдиқлаш моҳият эътибори билан юлдузларга иймон келтиришнинг ўзгинасидир. Шунинг учун жоҳиллар: «Кўкдаги фалон-фалон юлдузлар сабабли бизга ёмғир ёғди»,

дейишарди. Имом Бухорий ривояти.

Арабларда бир нарсадан шумланиш одати ҳам кенг тарқалган эди. Унинг асли қуйидагича бўлган. Улар қуш ёки кийикни қўйиб юбориб, қараб туришарди. Агар ўша қуш ёки ҳайвон ўнг томонга йўналса, буни яхшилик аломати ҳисоблаб, қасд қилган ишларига киришардилар. Агар чап томонга юрса, буни ёмонлик аломати санаб, кўзлаган ишларидан воз кечардилар. Шунингдек, улар йўлларида учраган ҳайвон ёки қушларга қараб, ёмон ёки яхши аломат топишарди.

Айрим кунлар, ойлар, жониворлар, уйлар ва аёлларни бехосият санаш ва бойўғли ҳақидаги эътиқодлар ҳам ана шулар сирасига кирарди. Уларнинг эътиқодига кўра, мақтул – ўлдирилган кишининг руҳи то қасоси олинмагунича ором топмайди. Унинг руҳи бойўғлига айланиб, саҳроларда учиб юради ва «Ташнаман, ташнаман» ёки «Мени қондиринглар, мени қондиринглар», деб қичқиради. Ўчи олингандан кейингина мақтулнинг руҳи ором топади.

Жоҳилият аҳлида Каъбани улуғлаш, уни тавоф қилиш, ҳаж, умра, Арафа ва Муздалифада туриш, қурбонликлар келтириш каби Иброҳим алайҳис-салом динининг айрим кўринишлари сақланиб қолганди. Улар бу амалларга ҳам бидъатлар киритган эдилар. Қуйида ана шу бидъатларни баён қилиб ўтамиз:

1. Қурайш аҳли ўзларини «Ҳумс» дейишарди, «Биз Иброҳим болаларимиз, Ҳарам аҳлимиз, Каъбанинг эгалари ва Маккада яшовчилармиз, арабларнинг ҳеч бири ҳақ-ҳуқуқ ва мартабада бизга тенг эмас, бинобарин, бизнинг Ҳарамдан ташқарига чиқмоғимиз номатлубдир!», деб (бошқалар қатори Ҳарамдан ташқарида жойлашган) Арафада турмасдилар, Арафадан тушмасдилар. Улар (Ҳарам ҳудудидаги) Муздалифадан тушишарди. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай оят нозил қилди:

ثُمَّ أَفِيضُوا۟ مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ ٱلنَّاسُ ... ﴿١٩٩﴾

«Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар...».

“Бақара” сураси, 199-оятдан.

2. Ҳил аҳли, яъни Ҳарамдан ташқарида яшовчилар ҳаж ёки умра зиёратига келсалар, Қурайш қонунига кўра ўзлари билан Ҳарам ташқарисидан олиб келган егуликларни ейишлари мумкин эмасди.

3. Эҳромдалик пайтларида Ҳумс кишиларига пишлоқ қилишлари, ёғ эритишлари, жундан қилинган чодирга киришлари жоиз эмас, дейишарди. Эҳромда эканликларида улар фақат теридан тикилган чодирлар билан сояланар эдилар.

4. Қурайш талабига кўра Ҳарам ташқарисидан келганлар биринчи тавофларини албатта ҳумснинг кийимида қилишлари шарт эди. Эркаклари эркакларга, аёллари аёлларга кийимларини беришар, шу билан тавоф қилишарди. Агар ҳеч нарсалари бўлмаса, эркаклар

ялонғоч тавоф қиларди. Аёллар эса ҳамма кийимларини ечиб ташлаб, фақат битта этаги йирмочли либосда тавоф қилар ва шундай дерди:

أحله فلا منه بدا وما ** كله أو بعضه يبدو اليوم

Бугун унинг ҳаммаси ё бир бўлаги фош бўлади
Фош бўлганин кўрганларнинг кўзларига тош бўлади

Аллоҳ таоло қуйидагича амр қилди:

يَـٰبَنِيٓ ءَادَمَ خُذُواْ زِينَتَكُمۡ... ﴿٣١﴾

«Эй одам болалари ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз (яъни, тоза либосда бўлингиз!)...». “Аъроф” сураси, 31-оятдан.

Агар бирон эркак ёки аёл олийжаноблик қилиб ҳарам ташқарисидан кийиб келган кийими билан тавоф қиладиган бўлса, тавофдан кейин кийимларини ечиб ташлар ва ҳеч ким улардан бошқа фойдаланмасди.

5. Улар эҳромдалик пайтларида уйларига эшиклардан киришмасди. Уйнинг орқасини тешиб, ўша ердан кириб чиқишарди. Ўзларича шу аҳмоқликларини яхши иш деб билишарди. Қуръон уларни бундан қайтарди:

...وَلَيۡسَ ٱلۡبِرُّ بِأَن تَأۡتُواْ ٱلۡبُيُوتَ مِن ظُهُورِهَا وَلَـٰكِنَّ ٱلۡبِرَّ مَنِ ٱتَّقَىٰۗ ... ﴿١٨٩﴾

«...Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳдан қўрққан киши яхшилик қилувчидир...».

“Бақара” сураси, 189-оятдан.

Ана шу – ширк, бутпарастлик, турли хурофот ва тўқима эътиқодлардан таркиб топган дин аксарийят арабларнинг дини эди. Яҳудий, насроний, мажусий ва собиий динлари ҳам Араб ерларига кириш учун йўл топдилар.

Араб жазирасида яҳудийларнинг пайдо бўлиши камида икки босқичга бўлинади:

Биринчи босқич. Фаластиндаги Ошурий ва бобилийларнинг фатҳлари замонида яҳудийларнинг кўчиши. Милоддан аввалги 587-йилда Бухтунассар қўшини яҳудийлар юртини хароб қилиб, уларни таъқиб остига олди. Кўпчилигини Бобилга ҳайдаб кетди. Ўшанда яҳудийларнинг бир қисми Фаластин ерларини ташлаб Ҳижозга кўчди ва унинг шимолий ҳудудларида яшаб қолди.

Иккинчи босқич. Милодий 70-йил румликларнинг Фаластинга бостириб кириши билан бошланади. Яҳудийлар юрти яна талон-торож қилиниб, харобага айлангач, бир қанча яҳудий қабилалар Ҳижоз ерларига кўчишди Ясриб, Ҳайбар ва Таймога ўрнашиб, ўзларининг қишлоқлари, қўрғонлари ва қалъаларини бино қилишди. Шу тариқа араблар орасида яҳудий дини ҳам тарқалди.

Ислом келишидан олдин ва Ислом даврида кўп сиёсий ҳодисаларда

уларнинг иштироки бўлди. Ислом келганида араб ерларида яҳудийларнинг қуйидаги машҳур қабилалари бор эди: Ҳайбар, Назийр, Мусталақ, Қурайза ва Қайнуқоъ. Самҳудий «Вафоул-вафо» асарида: “Ясрибда вақти-вақти билан яшаган яҳудий қабилаларининг сони йигирмадан ортиқ эди”, дейилади.

Яман ерларига яҳудийлик Туббон Асъад Абу Караб орқали кириб келди. У Ясрибга уруш қилиб борганида ўша ерда яҳудийликни қабул қилади ва Яманга Бану Қурайзанинг икки диний олимини олиб келади. Оқибат, бу ерларда ҳам яҳудийлик томир отиб, кенг тарқала бошлайди. Абу Карабдан кейин Яман тахтига ўтирган унинг ўғли Юсуф Зу-Нувос Нажрон аҳли насронийларига ҳужум қилиб, уларни яҳудий динига киритмоқчи бўлди. Мўминлар бош тортишгач, оловли чуқурлар тайёрлатиб, уларни ўтда ёқди. На аёл, на эркак, на гўдак ва на кексага раҳм қилмади. Айтишларича, ўшанда ҳалок бўлганларнинг сони 20.000 билан 40.000 киши ўртасида бўлган экан. Бу воқеа милодий 523-йилнинг октябрида юз берган. Қуръони Каримнинг «Буруж» сурасида мазкур воқеага ишора қилиб ўтилган:

قُتِلَ أَصۡحَٰبُ ٱلۡأُخۡدُودِ ﴿٤﴾ ٱلنَّارِ ذَاتِ ٱلۡوَقُودِ ﴿٥﴾ إِذۡ هُمۡ عَلَيۡهَا قُعُودٞ ﴿٦﴾ وَهُمۡ عَلَىٰ مَا يَفۡعَلُونَ بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ شُهُودٞ ﴿٧﴾

«Чоҳ эгалари лаънат қилингайлар! (У чоҳ ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) **«ўтин»ли оловдир! Ўшанда улар ўша** (чоҳ)**нинг устида ўтириб олган ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар».**

“Буруж” сураси, 4-7-оятлар.

Насроний дини араб ерларига Ҳабаш ва Рим босқинчилари орқали кириб келган. Ҳабашларнинг Яманни биринчи марта босиб олишлари милодий 340-йилга тўғри келади. Улар 378-йилгача Яманни мустамлака қилиб турдилар. Шу муддат давомида масиҳийлик Яманга кириб келди. Ана шу даврга яқин фурсат ичида дуолари ижобат, ўзи соҳиби каромат бўлган Фемион исмли бир зоҳид Нажронга келди ва одамларни Ийсо Масиҳ динига тарғиб қила бошлади. Ийсо Масиҳ динининг ҳақлигини, зоҳиднинг ростгўйлигини кўрган Нажрон эли масиҳийликни қабул қилди.

Зу-Нувоснинг қилмишига жавоб қабилида ҳабашлар Яманни иккинчи марта эгаллаб, Абраҳа ҳукумат тепасига келгач, қуйидаги воқеалар юз берди.

Абраҳа барча имкониятини ишга солиб жон-жаҳди билан масиҳийликни тарғиб қилишга тушди. Унинг масиҳийлик учун куйиб-пишиши шу даражага етдики, у Яманда Ямоний Каъба номли бир муҳташам черков бино қилди ва арабларнинг ҳаж зиёратини Каъбадан ана шу черковга кўчиришни ҳамда Маккадаги Аллоҳ уйини вайрон

қилишни хоҳлади. Аллоҳ таоло уни дунё ва охират азоби билан ушлади.

Ғассон араблари, Тағлиб, Той ва румликларга қўшни бўлган бошқа қабилалар, шунингдек, Ҳийранинг айрим ҳокимлари насроний динига ўтишди.

Мажусийлик арабларда асосан форсларга қўшни ерларда тарқалди. Араб Ироқида, Баҳрайнда, Ҳажар ва унга қўшни бўлган Араб кўрфази соҳилларида мажусийлик ақидаси бор эди. Форслар мустамлака қилган даврда яманлик одамлар ҳам мажусийликни қабул қилишди.

Собеийлик юлдузларга сиғиниш ва юлдузларнинг коинот ишларига таъсир ўтказишига эътиқод қилишга асосланган дин бўлиб, Ироқ ва бошқа ерлардаги қазилма ишлари далолат қилишича, у Иброҳим алайҳис-саломнинг қавми саналмиш Калдонийларнинг дини бўлган. Қадим замонда Яман ва Шом аҳлининг аксарийят қисми ана шу динга эътиқод қилган. Яҳудий ва насроний динлари пайдо бўлгач, одамлар ўртасида собеий динига бўлган қизиқиш йўқолди. Бироқ Араб кўрфази соҳиллари ва Араб Ироқида мажусийларга аралашиб ёки уларга қўшни бўлиб собеийларнинг қолдиқлари яшаб қолди.

Баъзи арабларда даҳрийлик ҳам бўлган, бу уларга Ҳийра орқали етиб келган. Шунингдек, форслар билан тижорат алоқасида бўлгани боис Қурайшда ҳам оз-моз даҳрийлик бўлган.

ДИНИЙ АҲВОЛ

Ислом келганида арабларнинг динлари юқорида зикр қилинган динлар эди. Бу динлар аслидан мутлақо бузилиб, йўқолиш арафасида турарди. Ўзларини Иброҳим алайҳис-салом динида, деб билувчи мушриклар аслида Иброҳим шариатининг кўрсатмаларидан анча йироқ ва унинг гўзал ахлоқларига буткул беэътибор эдилар. Маъсиятга берилган қавм орасида йиллар ўтиши билан бутпарастларнинг одатлари ва диний маросимлари пайдо бўлди. Мазкур хурофотлар ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаётда ғоят катта таъсир қолдирди.

Яҳудийлик эса риё ва мансабпарастлик динига айланди. Дин кишилари худо даражасида бўлиб халқ устидан ҳукмронлик қилар ва одамларни қалб кечинмалари-ю лабнинг пичирлашигача сўроқ-савол қилишар эди. Уларнинг асосий мақсади мол-дунё ва мансаб-мартаба бўлиб, Аллоҳ таоло тарғиб қилган ва ҳар бир шахс муқаддас, деб билиши лозим бўлган таълимотлар беэътибор ташланса ҳам, дин зое бўлиб, куфр ва даҳрийлик чор-атрофга ёйилса ҳам улар учун бунинг қизиғи йўқ эди.

Насроний дини бутпарастликка юз буриб, Аллоҳ билан инсон ўртасидаги ғалати қоришиқ бир ҳолатни вужудга келтирди. Аслида араблар насронийликдан унчали ҳам таъсирланишмаган. Чунки араблар кўниккан ва воз кечишлари жуда оғир бўлган уларнинг ҳаёт тарзлари бу дин таълимотларидан жуда узоқ эди.

Араблар орасида тарқалган ўзга динлар хусусига келсак, бу динларга эътиқод қилувчи кимсалар мушрикларга ўхшаб кетарди. Қалблар бир-бирига ҳамоҳанг, ақидалар бир-бирига ўхшаш, урф-одат ва маросимлар ўзаро муштарак эди.

ЖОҲИЛИЯТДАГИ АРАБ ЖАМИЯТИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Араб ярим оролидаги сиёсат ва динлар таърифидан сўнг у ердаги ижтимоий, иқтисодий ва хулқий аҳвол хусусида оз тўхталиб ўтамиз.

ИЖТИМОИЙ АҲВОЛ

Арабларнинг ичида турли доиралар мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан анча фарқ қиларди. Юқори табақа вакиллари ўз аҳли аёлига нисбатан жуда маромига етказиб муомала қиларди. Мазкур табақа аёллари ўз хоҳиши ва ўз сўзларига эга бўлиб, зарурат туғилса бу муҳтарама хоним ҳимояси учун қиличлар қинидан суғурилиб, қонлар тўкиларди. Ўзининг фазли-карами ва шижоати билан қавм ичида мақтов қозонмоқчи бўлган киши аксарийят ҳолатларда аёлга мурожаат қиларди. Кўпинча бир аёлнинг хоҳиши билан қабилалар тинч-тотувликка эришар ва баъзан аёлнинг қўли билан қавмлар ўртасида уруш гулханлари ёқиларди. Шунга қарамасдан, оила бошлиғи ва унда ҳал қилувчи сўз эгаси ҳеч шубҳасиз эр киши саналарди. Аёллар валийлари назорати остида турмушга узатиларди. Аёл валийларга қарши чиқмасди.

Бироқ бунинг ҳаммаси юқори табақа ичидаги гаплар. Арабларнинг орасидаги айрим доиралар ичида аёл билан эркакнинг шундай бир алоқалари мавжуд эдики, бу алоқаларга бузуқлик, беҳаёлик, шармандалик ва юзсизликдан ўзга ном бериш қийин. Абу Довуд ривоятида Оиша розияллоҳу анҳо жоҳилиятдаги никоҳнинг қуйидаги тўрт кўринишини санаб берган.

Биринчи. Бугунги кундаги никоҳ каби никоҳлар. Яъни, йигит қизнинг валийси ҳузурига одам жўнатиб, белгиланган маҳрни бериб қизни никоҳига олади.

Иккинчи. Киши ҳайздан покланган хотинини бировнинг олдига жўнатиб, ундан бола орттиришни буюрарди. Хотини ўша кимсадан ҳомиладор бўлмагунга қадар эрига яқинлашмасди. Ҳомиладорлиги аниқ бўлганидан кейингина хоҳласа, яқинлик қиларди. Мазкур никоҳ тури аслзодалардан фарзанд кўриш учун қилинар ва у «истибзоъ никоҳи», деб аталар эди.

Учинчи. Беш-ўн киши бирикиб бир аёлнинг олдига кириб, у билан яқинлик қиларди. Аёл ҳомиладор бўлиб кўзи ёригач, бир неча кунни ўтказиб ҳалиги кишиларни чақиртирарди. Уларнинг ҳеч бири келишдан бўйин товлай олмасди. Ҳамма йиғилгач, аёл: «Сизлар нима иш қилганингизни биласиз. Мана, энди бола туғилди. Бу сенинг ўғлинг, эй

фалончи», деб, ўзи хоҳлаган бир кишининг номини айтарди ва бола ўшаники бўлиб қоларди.

Тўртинчи. Бир аёлнинг тўшагига кўп киши кириб чиқарди. Аёл ҳам кирган кишига йўқ демасди. Бундай аёллар фоҳишалар бўлиб, хоҳловчилар учун белги бўлсин, деб, эшикларига байроқ қадаб қўйишарди. Аёл ҳомиладор бўлиб кўзи ёригач, ҳалиги кимсалар йиғилар ва қофа – қиёфага қараб ҳукм чиқарувчини чақириб келинар эди. Қофа кимни айтса, бола ўшаники бўлиб қоларди ва ҳеч ким бундан ўзини четга тортолмасди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ислом рисолати билан жўнатгач, мазкур жоҳилият никоҳларини йўқ қилиб, фақат бугунги Ислом никоҳини қолдирди.

Имом Бухорий ривояти.

Баъзида аёлнинг қайси эркак қўлида қолишини қиличлар тиғи-ю, найзаларнинг ўткир учлари ҳал қиларди. Қабилалар ўртасидаги урушларда ғолиб томон мағлубнинг аёлларини чўри қилиб, уларнинг тўшагини ҳам ўзига ҳалол санарди. Бироқ бу аёлдан туғилган болаларга бир умрлик номус тамғаси ёпишган бўларди.

Жоҳилият аҳли ўртасида хотинлари сонини истаган миқдорга етказиш, опа-сингилни бир кишининг никоҳида жамлаш, оталари вафот этса ёки хотинларини талоқ қилса, улар(дан ўз онаси бўлмаганлари)га уйланиш маълум ҳол эди. Эркакларнинг қўлида бўлган талоқ ҳуқуқи ҳам ҳеч қандай сон билан чекланмаган эди.

Муфассирлар:

ٱلطَّلَٰقُ مَرَّتَانِۖ ... ﴿٢٢٩﴾

«Талоқ икки мартадир...» (“Бақара” сураси, 229-) ояти шунинг учун нозил бўлган, дейишади.

Зинокорлик жамиятнинг барча доирасида кенг тарқалган эди. Бу ерда бирон-бир синфни мазкур иллатдан холи, деб бўлмасди. Фақат бундай разолатдан нафрат қилган айрим эркак-аёллargина ўзларини пок тутишарди. Албатта озод аёлларнинг аҳволи яхшироқ бўлиб, мусибатнинг асосий қисми чўриларда эди. Маълум бўлишича, жоҳилиятда жуда кўпчилик ўзининг ана шу бузуқликка мансуб этилишидан ор ҳам қилмаган. Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, отаси бобосидан ривоят қилади: «Бир киши туриб деди:

– Ё Росулуллоҳ! Фалончи менинг ўғлим бўлади. Жоҳилиятда мен бир чўри билан бузуқ ишни қилган эдим!

– Исломда (бировни ўз отасидан бошқага нисбатлашга) чақириқ йўқ! Жоҳилият иши ўтиб кетди. Бола тўшакники, бузуқлик қилганга эса тош! – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам».

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳунинг Абдуллоҳ ибн Замъа билан Замъанинг чўриси туққан бола – Абдураҳмон ибн Замъа хусусида даъволашгани тарихдан яхши маълум.

Кишининг болаларига нисбатан муносабати ҳам турлича эди.

Кимдир фарзандига муносабатини қуйидагича ифодаларди:

Шак йўққим, ана шу болаларимиз
Ерда юрган жигар пораларимиз.

Кимдир келажакда уятга қолмаслик ва тарбия қилмаслик учун қизларини кўмиб ташларди. Айримлар фақирлик ва йўқчиликдан қўрқиб ўз болаларини ўлдирарди. (Қуръондаги “Анъом” сураси 151-, “Наҳл” сураси 58-59-, “Исро” сураси 31- ва “Таквир” сураси 8-оятлар).

Бироқ бу ёмон одат араблар ўртасида кенг тарқалмаган бўлиб, ҳамма ҳам шундай қилавермасди. Ахир улар душманда ҳимоялашиш учун ҳам фарзандга жуда муҳтож эдилар.

Кишининг ўз оға-инилари, амакиваччалари ва қавми билан бўлган алоқасига келсак, арабларда бу алоқа жуда кучли бўлган. Улар қон-қариндошларини деб ҳатто ўлимга ҳам тайёр эдилар. Қабила ичида кучли бўлган бирдамлик руҳи қабилавий мутаассиблик билан яна кучайган эди. Уларнинг ижтимоий низомининг асоси қабилавий ва қариндошлар ичидаги бирдамлик саналарди. Араблар «Биродаринг золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам унинг ёнини ол» жумласига тўғридан-тўғри амал қилишарди. Ислом уларнинг ана шу шиорига ўзгартириш киритиб, золимга ёрдам бермоқ, деганда зулмдан тўсиш тушунилиши лозимлигини ўргатди. Афсуски, саййидликка кўтарилиш ёхуд шараф топиш учун бир отадан тарқалган қабилалар ўртасида қонли урушлар қилинарди. Авс билан Ҳазраж, Абс билан Зубён, Бакр билан Тағлиб ўртасида кечган жанглар бунга мисол бўла олади.

Қабилаларнинг бир-бирлари билан бўлган алоқалари жуда заиф эди. Уларнинг бутун куч-қувватлари ички урушларда йўқ бўлиб кетарди. Фақат дин билан хурофот аралашмасидан ташкил топган айрим урф-одат ва маросимлардан чўчишгина ўртадаги вазиятни бир оз юмшатарди. Баъзи ҳолатларда иттифоқдошлик, ўзаро дўстлик ёки қарамлик турли қабилаларнинг бирлашишига сабаб бўларди. Уруш ҳаром қилинган ойларнинг ҳурматига қаттиқ риоя қилганларидан бу ойлар уларнинг ҳаёт кечиришлари ва тирикчилик қилишлари учун чиндан-да раҳмат ойлари эди.

Хуллас калом, ижтимоий аҳвол заифлик ва кўрликнинг энг авж нуқтасида турарди. Жаҳолат ҳукмрон, хурофот кучга тўлган, халқ чорва каби кун кечирар, аёл сотилар, сотиб олинар ва ҳатто унга жонсиз буюм каби муомала қилинар, кишилар ўртасида муносабатлар тарқоқ ва узуқ-юлуқ, мавжуд ҳукуматларнинг ягона қайғуси раъиятини талаб хазинасини тўлдириш ёхуд рақибларига қарши қўшин тортиш эди.

ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ

Иқтисодий аҳвол ўз ривожи йўлида ижтимоий ҳолатга тобе эди. Биз арабларнинг тирикчилик сабабларига қарасак, буни янада очиқроқ кўрамиз. Уларнинг энг асосий тирикчилиги тижорат саналган. Бироқ тижорат учун тинчлик-хотиржамлик керак. Араб жазирасида эса фақат

уруш ҳаром қилинган ойлардагина тинчлик, деган неъматни топиш мумкин бўлар ва ўшанда арабларнинг Укоз, Зулмажоз, Мажанна ҳамда бошқа машҳур бозорларига жон кириб қоларди.

Ишлаб чиқариш масаласига келсак, араблар бу соҳадан анча йироқ бўлишган. Улардаги тўқимачилик, тери ошлаш ва бошқа ҳунарлар ҳам асосан Яман, Ҳийра ва Шом томонларда учрар эди. Тўғри, ярим орол ичкарисида ҳам деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишар, араб аёлларининг деярли ҳаммаси ип йигирарди. Лекин одамларнинг қўлидаги нарсалар урушларга нишон бўлиб, эл орасида фақирлик, очлик ва ялонғочлик ҳукм сурарди.

ХУЛҚИЙ АҲВОЛ

Жоҳилият аҳлида соғлом ақл инкор қиладиган, тоза виждонни нафратлантирадиган паст ва жирканч одатлар билан биргаликда шундай мақтовли сифатлар ҳам бор эдики, уларни кўриб ҳар қандай инсон ҳайратга тушиши, лол қолиши шубҳасиз эди. Қуйида ана шундай мақтовли хислатлар хусусида сўз юритамиз.

Биринчи: сахийлик. Араблар қўли очиқликда ўзаро мусобақа қилиб, ана шу хислатлари билан фахрланишган. Улар битган шеърларнинг ярми саховат ҳақида экани ҳам бежиз эмас. Бу ишларда умуман айтганда саховат ва сахий кишилар улуғланган. Қаттиқ совуқ ва муҳтожлик кунларида меҳмон эшик қоқиб келса-ю, уй соҳибининг туясидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаса ва унинг ҳамда оиласининг асосий тирикчилик манбаи ана шу туя бўлса ҳам, саховат туйғуси билан тўлиб-тошган мезбон ўша ягона туясини сўйиб, қўноғига таом ҳозирлаб келарди. Арабларнинг қон тўкилмаслиги учун катта-катта хун пулларини ва оғир қарзларни зиммаларига олишлари ҳам уларнинг қўли очиқлигидан эди. Қабила оқсоқоллари ва саййидлар ўртасида бу хислат мақтанишга, фахр қилишга арзигулик иш саналарди.

Арабларнинг бўзахўрлик билан мақтанишлари ҳам уларнинг саховатига бориб тақалади. Улар хамр – шаробнинг ўзи билан эмас, балки унинг саховатга ундаши ва катта сарф-харажатни осон қилиб қўйишни назарда тутишган. Шунинг учун узум дарахтини карм, узум шаробини эса бинту карм (кармнинг қизи), деб аташган ва уни карам-саховатга боғлашган. Сиз жоҳилият шеърлари тўпланган девонларни варақласангиз, ана шу нарсанинг фахр ва мақтов бобларидан бир боб бўлганини кўрасиз.

Қимор ҳам худди шу туфайли машҳур эди. Араблар қиморни саховат йўлларидан бири, деб билиб, ютиб олган фойдалари ёки ютганларининг тегишидан ортганлари билан оч-яланғочларнинг қорнини тўйғазишарди. Қуръони Карим хамр ва қиморнинг араблар наздидаги ана шундай манфаатини назарда тутган эди:

...كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْأَيَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١٩﴾

«...Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир».

"Бақара" сураси, 219-оятдан.

Иккинчи: аҳдга вафодорлик. Араблар берган сўзларини жуда муҳим, деб билганларидан аҳдга вафодорлик йўлида ҳатто ўз фарзандларининг ўлимига, юртларининг хароб қилинишига ҳам рози эдилар. Ҳоний ибн Масъуд Шайбоний, Самавъал* ибн Одиё ва Ҳожиб* ибн Зирора Тамимийлар қиссаси бу масалада уларнинг нечоғли эътиборли бўлганларини билишга кифоя қилади.*

Учинчи: мағрурлик ва ўз шаънини қаттиқ ҳимоя қилиш. Улар ҳақорат ва камситишга асло сукут қилмаганликлари туфайли ҳам ҳаддан ташқари жасур, жўшқин ва ғайрат-шижоатли эдилар. Ҳақорат ёҳуд хорлик ҳидини сезишлари билан қўллари беихтиёр қилич-найзаларга югурарди. Оқибат қонли жанглар бошланарди. Улар шаънларини ҳимоя қилиш йўлида бемалол жонларини қурбон қилардилар.

Тўртинчи: кўзлаган мақсадидан чекинмаслик. Араблар бир ишда фахр ва улуғлик бор, деб билсалар ва унга қасд қилсалар, жонларини хатарга қўйиб бўлса ҳам мақсадлари сари олға юрардилар. Уларни энди ҳеч нарса тўхтата олмасди.

Бешинчи: ҳалимлик, мулойимлик ва сабр-бардош. Араблар ана шу сифатлари билан мақтанишар эди. Бироқ ўзлари ғоят шижоатли, қўллари жуда югурик бўлганлиги боис ҳалимлик каби хислатлар уларнинг орасида нодир саналарди.

Олтинчи: саҳройи соддалик, тараққиёт кирликлари ва унинг

---

* Ҳонийнинг ҳикояси «Ҳийра ҳокимлиги» бўлимида ўтди.

Самавъал воқеаси қуйидагича бўлган: Имруул-Қайс унинг ҳузурида бир қанча совутларни омонат қолдирган, Ҳорис ибн Абу Шаммар ал-Ғассоний уларни ундан олиб қўймоқчи бўлганида беришдан бош тортиб, ўзининг Таймодаги қасрига маҳкам ўрнашиб олган, Ҳорис унинг қаср ташқарисида қолган бир ўғлини ўлдириш билан таҳдид қилганда ҳам совутларни топширишдан бош тортган, шунда ўғли кўз олдида ўлдирилган эди.

Ҳожиб воқеаси тафсилоти: Ҳожибнинг қавмига қурғоқчилик етганида у Кисродан изн сўраб қавмини унинг ерларига олиб келганида Кисро уларнинг ғорат ва бузғунчиликка қўл уришларидан хавфсираб кафолат талаб қилади. Ҳожиб кафолатни бўйнига олиб, камонини гаровга қолдиради. У ваъдаси устида туриб, вафот этади. Қурғоқчилик ўтиб, қавми ўз ерларига қайтгач, унинг ўғли Уторуд ибн Ҳожиб розияллоҳу анҳу Кисродан отасининг камонини қайтаришини сўрайди, Кисро ҳам Ҳожибнинг аҳдга вафосини қадрлаб, камонини ўғлига топширади.

макрларидан саломатлик. Шунинг учун ҳам араблар ўзларининг ростгўйликлари, омонатдорликлари ва алдов-ғирромликлардан нафрат қилишлари билан танилганлар.

Арабистон ярим ороли дунёнинг кесишган нуқтасида жойлашиши билан бир қаторда юқоридаги қимматли хислатлар ҳам рисолат юкини кўтариш ва инсоният етакчилигини қўлга киритиш масаласида арабларнинг танланишига сабаб қилинган бўлса, ажабмас. Чунки мазкур хислатларнинг айримлари ёмонликка олиб бориб, аламли ҳодисаларга сабаб бўлса-да, моҳият эътибори билан улар қимматли хислатлар саналиб, агар бир оз ислоҳ қилинса, башариятга улкан фойдалар келтирар эди. Худди ана шу ислоҳни Ислом амалга оширди.

Мазкур хислатлар ичида аҳдга вафодорликдан кейин энг қиммат баҳоси, эҳтимол, мағрурлик ва кўзланган мақсаддан чекинмаслик бўлгандир. Зеро, ёмонлик ва фасоднинг олдини олиб, адолат ва хайр низомини ўрнатмоқ учун мана шундай қоҳир қувват ва метин қатъият зарур эди!

Албатта, арабларда юқорида зикр қилинганлардан бошқа мақтовли сифатлар ҳам топиларди. Биз улардан айрим мисоллар келтириш билан кифояландик. Имом Бухорий ривояти.

Р О С У Л У Л Л О Ҳ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

* НАСАБЛАРИ * ТУҒИЛИШЛАРИ * УЛҒАЙИШЛАРИ

РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ НАСЛ-НАСАБЛАРИ ВА ОИЛАЛАРИ

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам насабларини уч қисмга бўлиш мумкин. Муаррихлар ва насабшунослар билиттифоқ тўғри, деб топган қисм (Аднонгача бўлган шажара), саҳиҳлиги хусусида кимдир сукут қилиб, кимдир салбий фикр билдирган қисм (Аднондан Иброҳим алайҳис-саломгача бўлган шажара) ва орасида носаҳиҳ ўринлар борлиги шубҳасиз бўлган қисм (Иброҳим алайҳис-саломдан Одам алайҳис-саломгача чўзилган шажара). Биз юқорида уларнинг баъзиларига ишора қилиб ўтган эдик. Қуйида мазкур қисмларни тўлиқ санаб ўтамиз.

Биринчи қисм. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдул Муттолиб (исми Шайба) ибн Ҳошим (исми Амр) ибн Абдуманоф (исми Муғийра) ибн Қусай (исми Зайд) ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фиҳр (Қурайш унинг лақаби бўлган ва қабила Фиҳрнинг ана шу лақаби билан аталиб кетган) ибн Молик ибн Назр (исми Қайс) ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика (исми Омир) ибн Илёс ибн Музор ибн Низор ибн Маъад ибн Аднон.

Иккинчи қисм. Аднон ибн Удад ибн Ҳамайсаъ ибн Саламон ибн Авс ибн Бувз ибн Қомвол ибн Убай ибн Аввом ибн Ношид ибн Ҳаззо ибн Балдос ибн Ядлов ибн Тобих ибн Жоҳим ибн Ноҳиш ибн Моҳий ибн

Ийз ибн Абқар ибн Убайд ибн Даъа ибн Ҳамдон ибн Санбар ибн Ясрибий ибн Яҳзан ибн Ялҳан ибн Аръаво ибн Ийз ибн Дийшан ибн Айсар ибн Афнад ибн Айҳом ибн Муқсир ибн Ноҳис ибн Зориҳ ибн Самий ибн Музий ибн Авза ибн Аром ибн Қайдор ибн Исмоил алайҳис-салом ибн Иброҳим алайҳис-салом.

Учинчи қисм. Иброҳим алайҳис-салом ибн Торах (исми Озар) ибн Ноҳур ибн Соруъ (ёки Соруғ) ибн Роуъ ибн Фолах ибн Обир ибн Шолах ибн Арфахшад ибн Сом ибн Нуҳ алайҳис-салом ибн Ломик ибн Матушалха ибн Ахнух (Ахнухни Идрис алайҳис-салом деювчилар ҳам бор,) ибн Ярд ибн Маҳлаил ибн Қайнон ибн Онуш ибн Шис ибн Одам алайҳис-салом.

ПАЙҒАМБАР ХОНАДОНИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боболари Ҳошим ибн Абду Маноф номидан олинган Ҳошимийлар сулоласига мансубдирлар. Бинобарин, биз Ҳошим ва ундан кейингилар ҳаётига ҳам бир қур назар ташлаб ўтамиз.

1. Ҳошим. Бану Абду Маноф билан Бану Абду-д-Дор Байтуллоҳга тегишли хизматларни ўзаро тақсимлаб олишгач, Абду Маноф тасарруфига ўтган рифодат ва сиқоятга Ҳошим эгалик қиладиган бўлди. Қавми орасида обрў-эътибори кучли ва бадавлат киши бўлган Ҳошим Маккада биринчи бўлиб ҳожилар учун сарид (қайнатилган гўшт сувига нон бўлаклари солиниб тайёрланадиган овқат тури) тайёрлатди. Ана шу егуликни тайёрлатиш учун нонни майдалагани боис Ҳошим (майдаловчи) номини олган. Унинг асл исми Амр эди. Қурайш ичида машҳур бўлган қиш ва ёз сафарини ҳам Ҳошим жорий қилган. (Қурайш қишда Яманга, ёзда Шомга тижорат сафарига чиқарди).

Шомга тижорат сафарига чиққан Ҳошим Мадинага келгач, Бану Адий ибн Нажжор қабиласидан Салмо бинти Амрга уйланди. Салмонинг олдида бир оз тургач, уни ота-онасининг қарамоғида қолдириб ўзи Шомга йўл олди. Ўшанда Салмо Абдул Муттолибга ҳомиладор эди. Ҳошим Фаластиннинг Ғаззо, деган ерида вафот этади. 497 милодийда Салмонинг кўзи ёриб, Абдул Муттолиб дунёга келди. Гўдакнинг бошида оқ соч борлиги учун унинг исмини Шайба (оқлик, қарилик), деб қўйишди. Шайба Ясриб (Мадина)да бобоси Амрнинг уйида тарбия топди. Шайбанинг Маккадаги ота уруғлари у ҳақда ҳеч нарса билмасди. Ҳошимнинг Шайбани қўшиб ҳисоблаганда тўрт ўғли ва беш қизи бор эди. Ўғиллари: Асад, Абу Сайфий, Назла ва Шайба (Абдул Муттолиб). Қизлари: Шифоъ, Холида, Заифа, Руқайя ва Жанна.

“Ибн Ҳишом”, 1/107.

2. Абдул Муттолиб. Сиқоят ва рифодат Ҳошимдан кейин унинг укаси Муттолиб ибн Абду Маноф қўлига ўтди. Муттолиб қавми ичида жуда катта обрў-эътиборга эга бўлиб, одамлар уни очиқ қўллиги учун

Файёз (тўлиб-тошган), деб атарди. Шайба Мадинада улғайиб, етти ё саккиз яшар бўз бола ёшига етганида Муттолиб унинг борлигидан хабар топди. У акасининг ўғлини излаб йўлга отланди. Муттолиб жияни Шайбани кўрганида кўзларида ёш билан уни бағрига босди ва туясига ўтирғизди. Шайба онасидан бесўроқ Маккага кетолмаслигини айтди. Муттолиб Салмодан Шайбани Маккага олиб кетишга изн сўради. Она рози бўлмади. Муттолиб: «У отасининг мулкига, Аллоҳнинг ҳарамига боради!», дегандагина Салмо розилик берди. Муттолиб жияни Шайбани туясининг орқасига ўтқизиб Маккага келганида одамлар: «Бу Абдул Муттолиб (яъни, Муттолибнинг қули)», дейишди. У: «Ҳой, ғам ютгурлар, ахир бу акам Ҳошимнинг ўғли-ку!», деди. Шундай қилиб, Абдул Муттолиб Маккада яшаб қолди. Муттолиб Ямандаги Радмон, деган жойда ҳаётдан кўз юмгач, унинг ўрнига Абдул Муттолиб ўтирди. Оталари ишини давом эттирган Абдул Муттолиб шаън-шарафда барча аждодларидан ўзиб кетди. Қавми уни яхши кўрар ва қаттиқ ҳурмат қиларди. “Ибн Ҳишом”, 1/137, 138.

Муттолибнинг вафотидан кейин Навфал Абдул Муттолибнинг қўлидагиларни куч билан тортиб олди. Абдул Муттолиб амакисига қарши Қурайшдан ёрдам сўради. Қурайшликлар: «Биз сен билан амакинг ўртасига тушмаймиз», дейишди. Абдул Муттолиб Бану Нажжорлик тоғаларига байтлар битиб, улардан кўмак сўради. Унинг тоғаси Абу Саъд ибн Адий саксонта суворий ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Улар Абтоҳга етиб келишганда Абдул Муттолиб пешвоз чиқиб, отдан тушишга таклиф қилди. «Йўқ», деди Абу Саъд: «Аллоҳга қасамки, Навфал билан кўришмагунимча тўхтамайман». Абу Саъд Навфални Ҳижрда, Қурайш улуғлари билан ўтирган ерида топди ва қиличини суғуриб шундай деди:

– Каъбанинг эгасига қасамки, тортиб олганларингни синглимнинг ўғлига қайтариб бермасанг, мана шу қилич билан чопиб ташлайман!

Навфал «Қайтариб бердим!», деди ва ўз сўзига Қурайш улуғларини гувоҳ қилди. Абу Саъд Абдул Муттолибникида уч кун турди, сўнг умра қилиб Мадинага қайтиб кетди. Ана шу воқеалардан кейин Навфал Абду Шамс ибн Абду Маноф уруғи билан Бану Ҳошимга қарши иттифоқ тузди. Бану Нажжорнинг Абдул Муттолибга ёрдам берганини кўрган Хузоа «Абдул Муттолиб сизларга қандай фарзанд бўлса, бизларга ҳам худди шундай фарзанд, биз унинг ёнини олишга ҳақлироқмиз!», дейишди. Чунки Абду Манофнинг онаси Хузоадан эди. Шундай қилиб, Хузоа Дорун Надвага кирди ва Абду Шамс ҳамда Навфал уруғига қарши Бану Ҳошим билан иттифоқ тузди. Айнан мана шу иттифоқ кейинчали Макка фатҳига сабаб бўлдики, бу ҳақда ўз ўрнида тўхталамиз. Қаранг: “Тарихут Табарий”, 2/248-251.

Абдул Муттолиб даврида Каъба ишига боғлиқ икки муҳим воқеа бўлиб ўтди: **биринчиси Зам-зам қудуғининг қазилиши; иккинчиси Фил воқеаси**

Биринчи воқеанинг қисқача баёни. Абдул Муттолибга тушида Зам-замнинг ўрни кўрсатилади ва уни қазишга буюрилади. Қазишга киришган Абдул Муттолиб у ерда журҳум қабиласи Маккани ташлаб чиқишларидан олдин кўмиб кетган нарсалар: қиличлар, совутлар ва олтиндан ясалган икки кийикни топади. Абдул Муттолиб қиличларни Каъбанинг эшигига ишлатди. Тилла кийикларни эса Каъбанинг эшигига қоплама қилдирди. Ҳожиларга Зам-зам сувидан улашишни йўлга қўйди. Зам-зам қудуғи қазилгач, Қурайш Абдул Муттолибга «Бизни ҳам шерик қиласан», деб даъво қилди. Абдул Муттолиб: «Бундай қилмайман, бу иш менга хослаб берилди», деди. Қурайш уни тинч қўявермаганидан кейин ҳаммалари муҳокама учун Бану Саъднинг коҳини ҳузурига йўл олишди. У Шомда эди. Йўлда борарканлар, сувлари тугаб қолди. Шунда Аллоҳ таоло Абдул Муттолибни ёмғир билан сийлади, Қурайшга эса бир томчи ҳам сув тушмади. Улар буни Зам-замнинг фақат Абдул Муттолибга тегишли эканини билдирувчи аломат, деб кўриб, ортларига қайтишди. Ана шунда Абдул Муттолиб «Аллоҳ менга ўнта ўғил берса ва улар мени ҳимоя қиладиган ёшга етишса, уларнинг бирини Каъба олдида қурбонлик қилиб сўяман», деб назр қилди. “Ибн Ҳишом”, 1/124, 147.

Иккинчи воқеанинг қисқача баёни. Нажошийнинг Ямандаги ноиби ҳабаш Абраҳа ибн Саббоҳ арабларнинг Каъбага ҳаж қилишларини кўриб, Санъода улкан черков қурди ва арабларнинг ҳажини шу ерга кўчирмоқчи бўлди. Бундан хабар топган Бану Киноналик бир киши тунда черковга кириб, унинг меҳробини нажосат билан булғаб кетди. Ана шу ишдан кейин Абраҳа дарғазаб бўлиб, олтмиш минг кишилик улкан қўшин билан Каъбани вайрон қилишга отланди. Унинг ўзи энг катта филни танлаб олганди. Абраҳа қўшинида тўққиз ёки ўн учта фил бор эди. Абраҳа Муғаммасга етиб келгач, қўшинни кўздан кечирди, филини ҳозирлади ва Маккага киришга шайланди. Муздалифа билан Мино ўртасидаги Муҳассир (яйдоқ) водийсида фил чўккалаб олди ва Каъба томон юришдан бош тортди. Филни жануб, шимол ёки шарққа қаратсалар, у ўрнида туриб югуришга тушарди. Каъбага бурганларида эса чўкиб оларди. Абраҳанинг одамлари фил билан машғул пайтларида Аллоҳ таоло уларнинг устига тўп-тўп қушларни жўнатди. Сополдан бўлган тошларни қушлар қўшинга қарата отди. Аллоҳ таоло Абраҳанинг лашкарини чайнаб ташланган сомон каби қилиб ташлади. Қалдирғочдек келадиган бу қушларнинг ҳар бири тумшуғида битта ва панжаларида иккита нўхотдек тошни кўтариб олган эди. Кимга тош келиб тегса, ўша кимсанинг аъзолари узилиб туша-туша ҳалок бўларди. Тош уларнинг ҳаммасига келиб тегмаган. Абраҳанинг қўшини бир-бирини босиб, янчиб қочишга тушди. Улар йўлларда қолдиқларини қолдириб, ҳар ерда жонсиз жасадларини ташлаб кетардилар. Аллоҳ таоло Абраҳага шундай бир дард бердики, бу дард туфайли унинг бармоқ учлари узилиб туша бошлади. Санъога етмасларидан Абраҳанинг жуссаси

жўжадек бўлиб қолди. Охири кўкси ёрилиб, жон таслим қилди.

Абраҳанинг қўшинидан қўрқиб тоғ дараларига тарқалиб кетган, баланд-баланд жойларга чиқиб олган Қурайш лашкар ер билан яксон бўлгач, тинч-омон ўз уйларига қайтиб келди. “Ибн Ҳишом”, 1/43, 56.

Мазкур воқеа муҳаррам ойида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларидан 50 ёки 55 кун олдин бўлиб ўтди. Бу милодий 571-йилнинг февраль ойи охирларига ёки мартнинг бошларига тўғри келади. Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари ва Уйига ана шундай марҳамат кўрсатди. Байтул Мақдис атрофида мусулмонлар яшаса-да, Аллоҳ душманлари бўлган мушриклар у ерга бостириб киришган. Милоддан аввал 587-йилда Бухтунассар қўшини ва милодий 70-йилда румликлар Байтул Мақдисни босиб олишган. Бироқ Каъбанинг атрофида мушриклар яшаса ҳам, ўша пайтнинг мусулмонлари саналмиш насороларни Аллоҳ таоло Каъбага қўймади.

Мазкур воқеа овозаси ўша кунлардаги вазият эътибори билан ҳам олис-олисларга етиб борарди. Чунки ҳабашларнинг румликлар билан алоқаси жуда кучли бўлгани боис, форслар улардан кўз узмай туришарди. Форслар учун румликлар ва уларнинг иттифоқдошлари бошига тушган ҳар бир нарса муҳим эди. Шунинг учун мазкур воқеадан кейин форслар тезда Яманга етиб келишди. Аслида бу икки кучли давлат – Рум ва Форс империяси ўша пайтда тараққий топган дунёнинг асосий қисми саналарди. Бинобарин, Фил воқеаси бутун оламни Байтуллоҳнинг муқаддас ва шарафли жой сифатида танланганига амин қилди. Демак, ҳамманинг кўз ўнгида турган ана шу Каъба аҳлидан кимдир пайғамбарлик даъвоси билан чиқса, бу айнан Фил воқеаси тақозо қилган ва иймон аҳли бўлган насороларга қарши араб мушриклари учун нима сабабдан фавқулодда илоҳий нусрат берилганини изоҳлайдиган ҳақиқат бўлар эди.

Абдул Муттолибнинг ўнта ўғли бўлган: Ҳорис, Зубайр, Абу Толиб, Абдуллоҳ, Ҳамза, Абу Лаҳаб, Ғайдоқ, Муқаввим, Зирор ва Аббос. Баъзилар ўғиллар сонини ўн битта деб, Қусамни ҳам киритишган. Ўғилларни ўн учта деювчилар эса Абдул Каъба ва Ҳажлни ҳам қўшишган. Абдул Каъба, деб Муқаввим, Ҳажл деб Ғайдоқни айтилган, Абдул Муттолибнинг Қусам исмли ўғли бўлмаган, дейилади. Абдул Муттолибнинг қизлари олтита бўлган: Уммул Ҳаким – яъни Байзо, Барра, Отика, Софийя, Арва ва Умайма.

“Ибн Ҳишом”, 1/108, 109. “Талқиҳу фуҳуми аҳлил-асар”, 8-, 9-с.

3. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари бўлмиш Абдуллоҳ ибн Абдул Муттолиб

Унинг онаси Фотима бинти Амр ибн Оиз ибн Имрон ибн Махзум ибн Яқзо ибн Мурра эди. Абдуллоҳ Абдул Муттолибнинг энг яхши, покиза ва суюкли ўғли эди. Ўғилларининг сони ўнтага етиб, уларнинг ҳимоясига таяниш мумкинлигига амин бўлгач, Абдул Муттолиб ўғилларига ўзининг бир вақтлар қилган назрини маълум қилди.

Ўғиллар отанинг иродасига бўйсунишди. Абдул Муттолиб ўғилларининг исмларини қуръа ташланадиган ўқларга ёзиб Ҳубал ходимига берди. Қуръа ташланганида Абдуллоҳнинг номи чиқди. Абдул Муттолиб қўлига ўткир тиғ олиб, Абдуллоҳни етаклаб Каъба томон юрди. Бироқ Абдуллоҳнинг сўйилишига Қурайш, хусусан, унинг Бану Махзумлик тоғалари ва оғаси Абу Толиб қарши чиқди.

– Ахир, мен назр қилганман-ку?! – деди Абдул Муттолиб. Улар Абдул Муттолибга аррофа – коҳин аёл олдига боришни маслаҳат беришди. Абдул Муттолиб аррофанинг ҳузурига келди. Коҳин аёл унга Абдуллоҳ ва ўнта туяга қуръа ташлашни, агар Абдуллоҳнинг номи чиқса, то Робби рози бўлгунга қадар туялар сонини ўнтага ошираверишни маслаҳат берди. Абдул Муттолиб қайтиб келиб аррофа ўргатганидек иш тутди. Бироқ қуръа ҳар сафар Абдуллоҳга чиқарди. Ота ҳар гал туялар сонига ўнта туя қўшиб бошқатдан қуръа ташларди. Ниҳоят, туяларнинг сони юзтага етганида, қуръа Абдуллоҳга эмас, туяларга чиқди. Абдул Муттолиб ўғлининг эвазига юзта туя қурбонлик қилди-да, уларни на бир инсон ва на бир ҳайвон ман қилинмайдиган гўшт сифатида ташлаб кетди. Дия, яъни хун пули шу пайтгача Қурайшда ҳам, бошқа арабларда ҳам ўнта туя эди. Абдуллоҳ воқеасидан кейин хун пули юзта туяга чиқди ва буни Ислом ҳам ўз ўрнида қолдирди. Росулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исмоил алайҳис-салом ва оталари Абдуллоҳни назарда тутиб: «Мен икки қурбоннинг ўғлиман», деганлари ривоят қилинган.

“Ибн Ҳишом”, 1/151, 155. “Тарихут Табарий”, 2/240-243.

Абдул Муттолиб ўғли Абдуллоҳга Омина бинти Ваҳб ибн Абду Манноф ибн Зуҳра ибн Килобни келин қилиб танлади. Отаси Бану Зуҳранинг boобрў саййиди бўлган Омина Қурайшнинг насл-насабда ва фазл-фазилатда энг олди қизи эди. Абдуллоҳ Омина билан Маккада қовушди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Абдул Муттолиб Абдуллоҳни хурмо ғамлаш учун Мадинага жўнатди. Баъзилар Абдуллоҳ Шомга тижорат сафарига чиққан эди, дейишади. Қурайш карвони билан йўлга чиққан Абдуллоҳ касал ҳолида Мадинага кириб келади ва шу ерда вафот этади. Уни Нобиға Жаъдийнинг ҳовлисига дафн қилишади. Ўшанда Абдуллоҳнинг ёши йигирма бешда эди. Аксарийят муаррихлар Абдуллоҳ вафот этганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали туғилмаган эдилар, дейишади. Баъзилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ойлик чақалоқ эканликларида оталари вафот этган, деб айтишади. “Ибн Ҳишом” 1/156, 158. “Тарихут Табарий: 2/246.

Абдуллоҳнинг вафоти ҳақидаги хабар Маккага етиб келганида Омина унга атаб дилларни эзадиган марсиялар айтди:

Ҳайҳот, Батҳо водийлари бугун ундан йироқларда
Ибн Ҳошим лаҳаддан жой топди, юриб фироқларда.
Ўлим келмиш хитоб айлаб, олиб кетмиш шитоб айлаб,
Борми унингдек бир йигит, куярман мен сўроқларда.

Тунда тобутин дўстлари издиҳомда узатдилар,
Кузатдилар уни, аммо зикри қавму қўноқларда.

"Табақот Ибн Саъд", 1/ 100.

Абдуллоҳ ибн Абдул Муттолибдан бор-йўқ қолган нарса бешта туя, бир қанча қўйлар ва Барака исмли ҳабаший жория бўлди. Умму Айман куняси билан танилган бу аёл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энагалик қилди. "Саҳиҳу Муслим", 3/1392 (1771-ҳ).

РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТАВАЛЛУДЛАРИ ВА РИСОЛАТГАЧА БЎЛГАН ҚИРҚ ЙИЛ

Пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Кисро Ануширвон ҳукмронлигига қирқ йил тўлганида, Фил ҳодисасининг биринчи йилида робиъул аввал ойининг тўққизинчи куни, душанба тонгида Маккада, Бану Ҳошим оиласида дунёга келдилар. Улкан олим Муҳаммад Сулаймон Мансурпурий аниқлашига кўра, бу мелодий 571 йилнинг 20 ёки 22 апрелига тўғри келади.

И з о ҳ. Эски мелодий тақвим бўйича 20 апрел, янги мелодий тақвим бўйича 22 апрел. Батафсил маълумот учун қаранг: «Раҳматан лил-Оламийн», 1/38, 39, 2/360, 361.

Ибн Саъд Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари Оминанинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Уни туққанимда (тушимда) фаржимдан бир нур чиқиб, Шом қасрларини ёриштириб юборди». Имом Аҳмад ҳам Ирбоз ибн Сориядан шунга ўхшаш ривоятни нақл қилган.

"Муснаду Аҳмад", 4/127, 128, 185; "Сунануд Доримий", 1/9; "Ибн Саъд", 1/102.

Нубувватдан дарак берувчи аломатлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган пайтларида ҳам рўй берган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилганларида Кисро кўшкининг ўн тўртта улкан устуни қулаб тушган, мажусийлар сиғинадиган олов ўчиб қолган ва Сова кўли қуриб қолгач, унинг атрофидаги канисалар қулаб тушган. Имом Табарий, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Имом Байҳақий, «Далоилун-нубувват», 1/126, 127;
"Тарихут Табарий", 2/166, 167; "Ал-бидая ван-ниҳая", 2/268, 269.

Бироқ бу ривоятларнинг иснoди собит эмас, ёзиб қолдирилишга лойиқ ушбу воқеалар ҳақида мазкур халқлар тарихида бирон нарса ёзилмаган.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилганларида оналари Омина боболари Абдул Муттолибга севинч хабарини жўнатди. Набирасининг дунёга келганидан қувонган Абдул Муттолиб келиб гўдакни Каъбага олиб кирди. Аллоҳга дуо қилиб, шукроналар айтиб набирасига Муҳаммад, деб исм қўйди. Араблар одатда бундай исм қўйишмасди. Абдул Муттолиб араблар одатига кўра, набирасини еттинчи куни хатна қилдирди.

(Баъзи муаррихлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хатна қилинган ҳолда туғилганлар, дейишади. Ибн Қоййум «Зодул-маод»да: «Бу

ҳақда саҳиҳ ҳадис собит эмас», дейди.)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни оналаридан бир ҳафта кейин энг биринчи эмизган аёл Абу Лаҳабнинг чўриси Сувайба бўлган. Ўша пайтда унинг ҳам Масруҳ исмли гўдаги бор эди. Сувайба бунгача Ҳамза ибн Абдул Муттолибни ва кейин Абу Салама ибн Абдул Асад Махзумийни эмизган.

"Саҳиҳул Бухорий", 2645, 5100, 5101, 5106, 5107, 5372-ҳадислар; "Тарихут-Табарий", 2/158.

Бану Саъдда

Арабларда шундай одат бор эди. Шаҳар аҳли болалари соғлом, бақувват, шаҳар касалликларидан саломат бўлиши ва тоза араб тилига бешикданоқ ўрганиши учун гўдакларига саҳройи аёллардан эмизувчилар қидиришарди. Абдул Муттолиб ҳам набираси Муҳаммадга эмизувчи қидирди. Унинг набирасини Бану Саъд ибн Бакр қабиласидан Ҳалима бинти Абу Зувайб эмизишга олди. Ҳалиманинг эри ҳам мазкур қабиладан бўлиб, унинг исми Ҳорис ибн Абдул Уззо, куняси эса Абу Кабша эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бану Саъддаги эмикдошлари: Абдуллоҳ ибн Ҳорис, Аниса бинти Ҳорис ва Ҳузофа ёки Жузома бинти Ҳорис. (Унинг Шаймо деган лақаби исмидан кўра машҳурроқ бўлган). У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва у кишининг амакиваччалари Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдул Муттолибни катта қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Ҳамза ибн Абдул Муттолиб ҳам Бану Саъдлик бир аёлга эмизишга берилган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эмизувчи оналари Ҳалиманинг қўлида эканликларида Ҳамза розияллоҳу анҳунинг Бану Саъдлик онаси бир куни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизади. Шу сабабли Ҳамза розияллоҳу анҳу ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки томонлама – Сувайба ва Бану Саъдлик аёл томонидан сутдош ҳисобланади. "Зодул-Маод", 1/19.

Ҳалима Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни тарбия қилар экан, бу муборак гўдакнинг баракоти ва шарофатига кўп бора гувоҳ бўлди. Келинг, ана шу ҳақиқатни Ҳалиманинг ўзидан эшитайлик:

Ибн Исҳоқ ёзади: Ҳалима шундай ҳикоя қилади: «Мен эмизикли боламни олиб, эримнинг ҳамроҳлигида Бану Саъдлик аёлларга қўшилиб эмизишга бола олгани йўлга чиқдим. Ўша йили қурғоқчилик бўлиб, бизнинг ҳеч вақомиз қолмаганди. Мен оқиш эшагимни миниб олгандим. Бизнинг бир қари туямиз ҳам бўлиб, унинг елини бўм-бўш эди. Гўдакларимизнинг очликдан чирқирашлари сабабли тун бўйи ухлаёлмасдик. Кўкрагимда уни жим қиладиган, туямизда эса тўйдирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Биз ёмғир ёғиб, аҳволимиз ўнгланишини умид қилардик. Хуллас, ўша эшагимда имиллаб юриб,

ҳолсизлик ва очлик сабабли ҳамроҳларимнинг ҳам жонига тегиб кетдим. Ниҳоят, Маккага етиб келдик. Биз билан келган ҳар битта аёлга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизишга олишни таклиф қилишди. Бироқ ҳамма бу болани олишдан бош тортди. Чунки у етим эди. Биз асосан, боланинг отасидан бирон нарса ундиришни умид қилардик. «Бу бола ўзи бир етим бўлса, унинг онаси билан бобоси нима ҳам қилиб берарди», деб уни олишни истамасдик. Мен билан келган ҳамма аёл эмизишга бола олди. Битта ўзим қолдим. Қайтиб кетмоқчи бўлганимизда, хўжайинимга шундай дедим: «Аллоҳга қасамки, ҳамроҳларимнинг ичида ёлғиз ўзим боласиз қайтишни истамайман. Энди бориб, ўша етим болани оламан». У: «Шундай қила қол. Эҳтимол, Аллоҳ ўша болани бизга баракотли қилар!», деди. Бориб ўша болани эмизишга олдим. Мен фақат бошқа бола топа олмаганим учунгина шу ишга жазм қилдим. Болани олиб нарсаларимиз ёнига қайтдим. Уни бағримга олишим билан икки кўкрагимга тўлиб сут келди. Бола тўйгунича эмди. Кейин унинг эмикдоши ҳам тўйгунича эмди. Сўнг ҳар иккиси ухлаб қолишди. Шу пайтгача боламиз туфайли ухлаёлмасдик. Эрим туямизнинг олдига бориб унинг елини сутга тўлиб турганини кўрди. У сут соғиб келди. Иккаламиз ҳам сут ичиб, тўйиб-қониб, тунни яхши ўтказдик. Тонг отгач, хўжайиним деди:

– Билгинки, эй Ҳалима, Аллоҳга қасамки, сен бир муборак болани олдинг.

– Мен ҳам шундай, деб умид қиламан.

Сўнг эшагимга миниб, болани қўлимга олиб йўлга тушдим. Аллоҳга қасамки, эшагим шундай йўрғалашга тушдики, ҳамроҳларимдан биротасининг эшаги ундай юра олмасди. Ҳатто улар менга бақира бошлашди:

– Эй Абу Зувайбнинг қизи! Ҳолингга вой бўлгур, бизни ҳам кутиб тур! Бу уйингдан миниб чиққан ўша эшагингми?!

– Ҳа, ўша, ўша! – дедим.

– Аллоҳга қасамки,унга бир нарса бўлибди!

Сўнг Бану Саъд ерларига, ўз уйимизга келдик. Мен Аллоҳ ерининг бирон бир қисми мана шу ер каби қуриб-қақшаган эканини билмайман. Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Бану Саъдга олиб келганимиздан кейин қўйларимиз кеч кирганда қоринлари тўйиб, елинлари сутга тўлиб қайтиб келарди. Биз уларни соғиб ичардик. Бошқа вақт ҳеч ким бир томчи сут соғиб ололмас, елинларда сут ҳам топилмасди. Ҳатто қавмдагилар ўз қўйчивонларига: «Ҳой ғам юткурлар, сизлар ҳам Абу Зувайб қизининг чўпони қўйларни боқадиган ерга ҳайдасаларинг-чи?», деб тайинлашарди. Барибир уларнинг қўйлари оч қайтиб, бир томчи ҳам сут бермас, бизнинг қўйларимиз эса тўйиб, сутга тўлиб келарди. Аллоҳнинг ана шундай фазлу баракотлари билан икки йил ўтди. Мен болани сутдан ажратдим. У бошқа болаларга ўхшамасди. Икки ёшга тўлмасидан аломат бола бўлди.

Болани онасининг олдига олиб келдик. Биз унинг баракотини кўрганимиз учун уни ўзимизда олиб қолишни истар эдик. Онаси билан гаплашиб, унга шундай дедим: «Ўғлимни (яъни, Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам) катта бўлгунга қадар бизда қолдирсангиз. Мен унга Макканинг вабоси тегишидан қўрқяпман». Хуллас, охири онасини кўндирдик ва у болани бизга бериб юборди».

"Ибн Ҳишом", 1/162-164; "Тарихут-Табарий", 2/158, 159; "Ибн Саъд", 1/111.

Шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Саъдда қолдилар.

Кўксининг ёрилиши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларининг тўртинчи ёки бешинчи йилида «Шаққу содр» (кўксининг ёрилиши ва ундан шайтоннинг улушини чиқариб ташланиши) воқеаси бўлиб ўтди. Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болалар билан ўйнаб юрганларида, Жибрил келиб у кишини ерга ётқизади ва кўкракларини ёриб юрагини чиқариб олади. Юракдан бир қуюқ қонни олиб ташлаб: «Бу шайтоннинг сиздаги улуши эди», дейди. Сўнг тилла тоғорадаги Зам-зам суви билан юракни ювиб, ўнглаб-яхшилаб кейин жойига солиб қўйди. Болалар онанинг, яъни, Ҳалиманинг олдига югуриб келиб: «Муҳаммадни ўлдиришди», дейишди. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қаршилаганларида, у зотнинг ранглари ўзгариб кетган эди. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мен у зотнинг кўксиларида ўша тикилган ип изларини кўрар эдим». "Саҳиҳу Муслим", 1/147 (261-ҳадис).

Мушфиқ она бағрига

Ана шу воқеадан кейин қўрқиб кетган Ҳалима бу муборак болани онасига олиб бориб берди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олти ёшларигача оналарининг бағрида яшадилар. Омина эрининг хотирасига вафо қилиб, Ясрибга, унинг қабрини зиёрат қилишга отланди. Маккадан тақрибан беш юз километрлик масофага сафар қилар экан, унинг ёнида етим ўғли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, ходимаси Умму Айман ва қаровчиси Абдул Муттолиб бор эди. Омина Ясрибда бир ой тургач, изига қайтди. Йўлда касалга чалиниб, сафарининг бошларидан дарди оғирлашди ва Макка билан Мадина оралиғидаги Абво, деган жойда вафот этди.

"Ибн Ҳишом", 1/168; "Талқиҳул фуҳум", 7-саҳифа.

Меҳрибон бобо қарамоғида

Абдул Муттолиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккага олиб келди. Эски жароҳатлари яна бир мусибат билан тирналган бу етим набирага нисбатан Абдул Муттолибнинг қалби меҳрга тўла эди. Бинобарин, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч қайси фарзандига қилмаган меҳрибонликларини қиларди. Етим набирасини кутилганидек ёлғизликка ташлаб

қўймасдан, ҳатто ўз болаларидан ортиқ кўрарди.

Ибн Ҳишом ёзади: Каъба соясига Абдул Муттолиб учун тўшак тўшаб қўйиларди. Абдул Муттолиб чиққунга қадар фарзандлари тўшакнинг теварагидан жой олар ва отасининг ҳурмати учун ҳеч бири тўшакка ўтирмас эди. Ўша пайтда ёшгина бола бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, тўшакка ўтириб олардилар. Амакилари пайғамбаримизни тўшакдан четлаштирмоқчи бўлишарди. Агар Абдул Муттолиб буни кўриб қолса: «У ўғлимга тегинманглар. Аллоҳга қасамки, у улуғ одам бўлади!» дер, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёнига ўтирғизиб, елкаларини силар ва қилаётган ишидан қувонар эди. “Ибн Ҳишом”, 1/168.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларидан саккиз йил, икки ой ва ўн кун ўтгач, Абдул Муттолиб Маккада вафот этди. Ҳаётдан кўз юмар экан, Абдул Муттолиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарашни Абдуллоҳ ибн Абдул Муттолибнинг туғишган акаси Абу Толиб ибн Абдул Муттолибга васият қилиб кетди.

“Ибн Ҳишом”, 1/169; “Талқиҳул-фуҳум”, 7-с.

Ғамхўр амаки хонадонида

Абу Толиб укасидан қолган ёдгорга астойдил ғамхўрлик қилди, уни ўз болалари қаторига қўшиб, улардан-да муқаддам қўйди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга алоҳида бир меҳр-муҳаббат билан қараган Абу Толиб қирқ йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиб, ёнларини олиб ва Пайғамбаримизни деб кимнидир дўст, кимнидир душман тутиб яшади. Иншааллоҳ, бу ғамхўрликнинг айрим кўринишлари билан ўз ўрнида танишиб ўтамиз.

Хосиятли бола

Ибн Асокир Жалҳума ибн Урфутадан ривоят қилади: “Қурғоқчилик йили Маккага келган эдим. Қурайш Абу Толибга шундай деди:

– Эй Абу Толиб, водийлар қақшаб, бола-чақа сувсиз қолди. Кел, ёмғир тилагин.

Абу Толиб бир болани етаклаб келди. Бамисоли қуёшдек бўлган бу боладан кучли нур таралларди. Унинг атрофида ёш болалар бор эди. Абу Толиб болани олиб, елкасини Каъбага қилиб қўлларини болага чўзди. Осмонда бир парча ҳам булут йўқ эди. Бирдан ҳар ер, ҳар ердан булут йиғилиб келиб қаттиқ ёмғир қуйди. Водийлар тўлиб-тошиб чор-атроф кўм-кўк бўлди”. Абу Толиб ана шу воқеага ишора қилиб қуйидаги байтни айтган эди:

Порлоқ юзин восита қилиб
Булутлардан ёмғир сўралур.
Етимларнинг суянчиғию
Беваларнинг ҳомийси эрур.

Роҳиб Баҳийро

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн икки ёшга кирганларида – баъзилар 12 ёш, икки ой ва ўн кун бўлган дейишади. – Абу Толиб у зотни олиб Шомга тижорат сафарига чиқди. Улар Бусро*га етиб келишди. (Бусро* Шом ерларидаги Ҳавроннинг бош шаҳри). Ўша пайтларда у румликлар ҳукми остидаги араб ерларига кирувчи қасаба-шаҳар саналарди. Хуллас, ўша шаҳарда Баҳийро номи билан танилган Георгий исмли роҳиб яшарди. Қурайш карвони келиб қўнгач, роҳиб уларнинг олдига чиқди. Баҳийро авваллари уларнинг олдига чиқмасди. Карвон аҳлини оралаб, улар ичидан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди ва у кишининг қўлларидан тутиб: «Бу оламларнинг саййиди, Уни Аллоҳ оламларга раҳмат қилиб жўнатади!», деди.

– Сиз буни қаердан биласиз? – сўрашди.

– Сизлар тепаликдан ошганларингизда барча тош ва дов-дарахтлар сажда қилди. Улар фақат пайғамбарларгагина сажда қилишади. Мен уни кураги остидаги нубувват муҳридан танийман. Биз уни китобларимизда ўқиганмиз.

Баҳийро карвон аҳлини меҳмон қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Шомдаги яҳудийлар ва румликлар зарар етказишидан қўрқиб Абу Толибдан уни Шомга олиб бормасликни ва орқага қайтариб юборишни ўтинди. Абу Толиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ғуломларидан бирига қўшиб Маккага қайтариб юборди.

“Жомеут Термизий”, 5/550, 551 (3620-х); “Тарихут Табарий”, 2/278, 279; Ибн Аби Шайба”, 11/489.

Ҳарбул фижар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма ёшга кирганларида Қурайш – Киноналиклар улар билан бирга эди – билан Қайс Айлон ўртасида Сувқи Укозда уруш бўлиб ўтди. Урушнинг сабаби – киноналик Барроз исмли бир киши Қайс Айлонлик уч одамни ўлдириб қўйган эди. Қурайш ва Кинонанинг саркардаси қавмнинг ёшда ва шарафда улуғи саналмиш Ҳарб ибн Умайя бўлди. Эрталаб Қайснинг қўли баланд келса-да, кун ўрталарига бориб зафар Кинона қўлига ўтди. Сўнг Қурайшнинг ташаббуси билан икки тараф сулҳга чорланди. Сулҳ шартига кўра, икки томоннинг ҳам ўликлари санаб чиқилиб, ортиқчасига хун пули тўланадиган бўлди. Уруш ҳаром қилинган ой поймол этилгани боис, бу уруш «Ҳарбул фижар», яъни “қонунсиз уруш” номини олди. Ана шу жангда Пайғамбаримиз ҳам қатнашганлар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларига камон ўқи ҳозирлаб бериб турганлар.

“Ибн Ҳишом”, 1/184-187; Ибнул Асир, “Ал-Комил”, 1/468-472.

Хайрли иттифоқ

Ҳарбул фижардан сўнг Зул-қаъда ойида хайрли бир иттифоқ тузилди. Мазкур иттифоққа Қурайшнинг қуйидаги уруғлари бош қўшди: Бану Ҳошим, Бану Муттолиб, Асад ибн Абдул Уззо, Зуҳра ибн Килоб

ва Тайм ибн Мурра. Улар ёши ва обрў-эътибори улуғ бўлгани учун Абдуллоҳ ибн Жудъон Таймийнинг ҳовлисида тўпланишди. Иттифоқ аъзолари Маккада шу ерли ёки бошқа жойдан келган бирон кишига зулм қилинса, унинг ёнини олишга ва ҳақини ундириб беришга ўзаро аҳд қилишди. Мазкур иттифоқда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бўлганлар. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни рисолат билан мукаррам этганидан кейин у зот шундай деган эдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг ҳовлисида шундай бир иттифоқнинг гувоҳи бўлган эдим-ки, бу иттифоқнинг эвазига мен учун қизил туялар берилишини-да истамасдим. Агар унга Исломда чақирилсам ҳам, албатта жавоб берардим!». “Ибн Ҳишом”, 1/154, 155.

Аслида бундай иттифоқ руҳи қавмпарастликни тарғиб қиладиган жоҳилий ҳамиятга мутлақо тўғри келмасди. Ушбу иттифоқнинг тузилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган дейишади: зубайдлик бир киши Маккага мол олиб келади. Унинг нарсаларини Ос ибн Воил Саҳмий сотиб олади-ю, лекин ҳақини ушлаб қолади. Зубайдий ёрдам сўраб Абдуд Дор, Махзум, Жумаҳ, Саҳм ва Адий уруғларига мурожаат қилади. Бироқ улар қулоқ солишмайди. Шунда у Абу Қубайс тоғига чиқиб, кўрган зулмини баён қилиб баланд овозда шеър ўқийди. Зубайр ибн Абдул Муттолиб Зубайдийнинг додига қулоқ тутиб, унга ёрдам беришга киришади. Оқибат юқорида зикр қилинганлар ана шундай иттифоқ тузишади ва Ос ибн Воилнинг олдига бориб, зубайдлик кишининг ҳақини олиб беришади. “Табақот Ибн Саъд”, 1/126-128.

Оғир ҳаёт

Улғайгунларига қадар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тайин бир ишлари бўлмаган. Ривоятларнинг таъкидлашига қараганда, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўй боққанлар. Аввал Бану Саъдда, кейинчалик эса маълум ҳақ эвазига Маккада Макка аҳлининг қўйларини боққанлар. Улғайганларидан кейин тижорат билан шуғулланганлар. Ривоятларда айтилишича, Соиб ибн Абу Соиб ал-Махзумий билан шерик бўлиб тижорат сафарларига чиққанлар. Бу одам ҳалол-тўғри шерик бўлган экан. Фатҳ куни Соиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келганида уни чиройли кутиб олдилар ва: «Марҳабо, биродарим ва шеригим», деб саломлашдилар.

“Сунан Абу Довуд”, 2/611; Ибн Можа, 2/768; “Муснад Аҳмад”, 3/425.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма беш ёшларида Ҳадича розияллоҳу анҳонинг молларини олиб Шомга тижорат сафарига чиққанлар.

Ибн Исҳоқ ёзади: Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо бообрў ва бадавлат савдогар аёл эди. У одамларни ёллаб ишлатар, маълум ҳақ эвазига улар Ҳадича розияллоҳу анҳонинг савдосини юргизишарди. Умуман, Қурайш тижоратчи қавм саналарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ростгўйликлари,

омонатдорликлари ва гўзал хулқларидан хабар топган Хадича розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга одам жўнатди. Хадича розияллоҳу анҳо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Майсара исмли ғуломи ҳамроҳлигида Шомга тижорат сафарига чиқишни ва эвазига бошқа савдогарларга берадиган маблағдан ошириб ҳақ беришини таклиф қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадичанинг таклифини қабул этдилар ва унинг молини олиб, Шомга тижорат сафарига чиқдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Хадича розияллоҳу анҳонинг Майсара исмли қули ҳамроҳ бўлди. “Ибн Ҳишом”, 1/187. 188.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадича розияллоҳу анҳога уйланишлари

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Шомдан Маккага қайтиб келдилар. Молида авваллари кўрилмаган омонатдорлик ва бараканинг гувоҳи бўлган, ғуломи Майсарадан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ажиб садоқатлари, карим хислатлари, ўткир фикрлари, рост сўзлашлари ва ҳалол иш юритишлари ҳақида эшитган Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо кўнгилдагидек одамини учратганига амин бўлди. Кўп саййид ва улуғ кишилар Хадича розияллоҳу анҳога уйланишга орзуманд бўлсалар-да, аёл уларга розилик бермай келарди. Хадича розияллоҳу анҳо юрагидаги гапни дугонаси Нафиса бинти Мунаббиҳга сўзлаб берди. Нафиса эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, у кишига Хадича розияллоҳу анҳога уйланишлари ҳақида гап очди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам розилик бердилар ва бу ҳақда амакилари билан сўзлашдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Хадича розияллоҳу анҳонинг амакиси олдига совчиликка боришди. Шундай қилиб никоҳ бўлди. Никоҳ аҳдида Бану Ҳошим кишилари ва Музор оқсоқоллари иштирок этишди. Бу иш Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Шомдан қайтиб келганларидан сўнг икки ой ўтгач амалга ошди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича розияллоҳу анҳонинг маҳрига йигирмата ёш урғочи туя бердилар. Ўшанда Хадича розияллоҳу анҳонинг ёши қирқда бўлиб, қавмининг энг оқила, насл-насабли ва бой аёли эди. Хадича бинти Хувайлид Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи уйланган аёлларидир. У вафот этгунга қадар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа аёлга уйланмаганлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари Хадича розияллоҳу анҳодан туғилган. Қосим Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўнғичи эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу ўғиллари номи билан Абул Қосим, деб куняланганлар. Қосимдан кейин Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотима ва Абдуллоҳлар дунёга келишди. Абдуллоҳни Тоййиб ва Тоҳир, деб ҳам аташарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг ўғиллари гўдаклигида вафот этишган. Қизлари эса Исломгача яшаб, Исломни қабул қилиб, ҳижрат ҳам қилишган. Бироқ Фотима розияллоҳу анҳодан бошқа барчалари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётликларида вафот этганлар. Фотима розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиздан кейин олти ой яшаб вафот этган.

"Ибн Ҳишом", 1/189-191; "Фатҳул Борий", 7/105.

КАЪБАНИНГ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларининг ўттиз бешинчи йили Қурайш Каъбани қайтадан қуришга киришди. Шу пайтгача Каъба одам бўйидан баландроқ қилиб тошлардан тикланган, Исмоил алайҳис-салом замонидан буён баландлиги тўққиз зироъ (бир зироъ тирсакдан ўрта бармоқ учигача бўлган узунлик, 46.2 см.) эди. Каъбанинг томи йўқ эди. Ўғрилар Каъба ичидаги хазинасини ўғирлаб ҳам кетишди. Шунингдек, узоқ йиллардан буён турганидан турли ҳодисалар унинг биносини анча тўкиб қўйган, деворларига ёриқлар туширган эди. Рисолатдан беш йил олдин Маккага кучли сел келиб, Байтул Ҳаромгача кирган эди. Шу боис, Каъба қулай-қулай, деб қолганди. Каъбанинг қадрини яхши билган Қурайш энди уни бузиб, янгидан қуришга мажбур эди. Улар Каъба қурилишига фақат ҳалол молларидан ажратишга, фоҳишаликдан, рибодан ҳамда бировга зулм қилиб топилган маблағдан Каъба қурилиши учун ишлатмасликка қарор қилишди. Қурайш Каъбани бузишдан қўрқарди. Каъбани бузишни Валид ибн Муғийра Махзумий бошлаб берди. У чўкични қўлига олиб: «Парвардигоро, бизнинг ниятимиз фақат яхшилик», деди ва икки рукн ўрнашган томонни бузишга киришди. Валидга ҳеч нарса қилмаганини кўргач, эртасига бошқалар ҳам унга эргашишди. Улар Иброҳим алайҳис-салом қурган пойдеворгача етишди. Кейин қурилишни бошлашди. Қурайш Каъбани қисмларга бўлиб олиб, ҳар бир уруғ ўзига тегишли бўлган қисмни қуриш учун алоҳида тош тўплаб, девор тиклашга киришди. Каъбанинг қурилишига Боқум исмли румлик уста раҳбарлик қилди.

Каъбанинг тикланиши Ҳажарул асвад ўрнига етганида, қора тошни жойига қўйиш шарафига ким ноил бўлиши хусусида тортишиб қолишди. Тортишув тўрт ёки беш кунга чўзилди. Вазият тобора таранглашиб, Ҳарамда қонли уруш бошланишига бир баҳя қолди. Абу Умайя ибн Муғийра Махзумий қонли низонинг олдини олди. У Байтул Ҳаром эшигидан биринчи бўлиб кирган кишини ўзларига ҳакам қилишни таклиф этди. Қурайш бу таклифга рози бўлди. Аллоҳнинг хоҳиши билан ана шундай ҳакам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлиб чиқди. Қавм Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан: «Бу Муҳаммад, бу Амин (ишончли киши). Биз унга розимиз!», деб хитоб қилишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлиб ўтган гаплардан хабар топганларидан кейин бир ридо сўраб

олиб, Ҳажарул Асвадни унинг устига қўйдилар. Сўнг талашиб-тортишаётган уруғларнинг оқсоқолларини чақириб, уларга ридонинг четларидан ушлаб кўтаришни буюрдилар. Ҳаммалари биргаликда кўтариб қора тошни олиб келганларидан сўнг, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз қўллари билан жойига қўйдилар. Қавм бундай муросали ечимдан рози бўлди.

Қурайшнинг қурилишга ажратган маблағи камлик қилиб қолгач, улар шимолий тарафдан тахминан олти зироъни қурилишдан чиқариб ташлашди. Мазкур қисм Ҳижр ва Ҳатим номини олди. Каъбага фақат ўзлари хоҳлаган кишиларни киритиш мақсадида Қурайш унинг эшигини баланд қилиб қурди. Каъбанинг баландлиги ўн беш зироъга етгач, олтита устун ўрнатиб, томини ёпишди.

Қайта қурилгандан кейин Каъба тўрт бурчак шаклида бўлиб, баландлиги тахминан 15 метр, Ҳажарул асвад турган томон билан унга қарши томонининг узунлиги 10 метр, қора тош тавоф қилинадиган ердан бир ярим метр баландликда эди. Каъба эшиги ўрнатилган томон билан унинг қаршиси 12 метр, эшикнинг ердан баландлиги 2 метр эди. Уни ташқаридан пастак девор ўраб туриб, ўртача баландлиги 25 см, кенглиги эса 30 см эди. Шозурвон, деб аталувчи бу қисм ҳам Байтул Ҳаромдан бўлса-да, Қурайш уни чиқариб ташлаганди.

“Ибн Ҳишом”, 2/192-197; “Тарихут Табарий”, 2/289; “Саҳиҳул Бухорий”, «Макканинг фазли ва қурилиши ҳақидаги боб» : 1/215.

МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ РИСОЛАТДАН АВВАЛГИ УМУМИЙ СИЙРАТЛАРИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз давридаги энг яхши хислатларни жамлаб улғайдилар. Ўткир фикрли, тўғри назарли бу инсон закийлик, тафаккур, восита ва мақсаднинг тўғрилиги борасида кўп насибадор эди. У зотнинг узоқ сукут қилишлари тааммул ва тафаккур юритиб ҳақиқатнинг аслини топишлари учун хизмат қиларди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг оқилликлари ва тоза табиатлари билан ҳаёт саҳифаларни, инсонларнинг ишлари ва ҳолатларини мутолаа қилиб, ўзга хурофотлардан йироқ юрганлар. Одамлар орасида ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам кузатиб яшар эканлар, уларнинг яхши ишларига шерик бўлдилар, ёмон ишлардан узоқ турдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хамр ичмасдилар, бут-санамларга атаб сўйилган жонлиқлар гўштидан емасдилар, санамларга аталган маросим ва тантаналарда иштирок этмасдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшликларидан бу ботил маъбудларни ёмон кўриб, улардан қаттиқ нафрат қилганлар. Сохта маъбудларни жуда ёмон кўрганликлари боис, Лот ва Уззо номига ичилган қасамни эшитишга тоқатлари йўқ эди.

“Ибн Ҳишом”, 1/128; “Тарихут Табарий”, 2/161.

Ҳеч шубҳасиз Аллоҳнинг белгилаган тақдири ҳам Набий соллаллоҳу

алайҳи васалламни ана шундай ёмонликлардан тўсарди. Баъзан нафс дунё матоларига бўйлашни хоҳлаб қолса, номаъқул тақлидларга тақлид қилмоқчи бўлса, Аллоҳнинг илоҳий иноятӣ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бундай хоҳишларнинг ўртасига тўсиқ бўлиб тушарди. Ибнул Асир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагиларни ривоят қилади: **«Жоҳилият аҳли қиладиган ишларга фақат икки марта майл билдирганман. Ҳар сафар Аллоҳ мен билан ўша ишлар ўртасини тўсган. Шундан кейин Аллоҳ мени рисолат билан мукаррам этгунга қадар уларга майл билдирмаганман. Бир кеча Макка юқорисида бирга қўй боқадиган болага «Қўйларимга қараб турсанг. Мен ҳам Маккага бориб тунни ёшлар каби ўтказардим», дедим. «Майли, бора қол», деди у бола. Йўлга чиқиб Макканинг биринчи уйига етганимда, куй-қўшиқ овозини эшитдим.**

– Бу нима? – деб сўрадим.

– Фалончи билан фалончихоннинг тўйи, – дейишди. Эшитмоқчи бўлиб ўтирдим. Шунда Аллоҳ таоло қулоқларимга урди, ухлаб қолдим. Мени қуёшнинг тафти уйғотди. Шеригимнинг ёнига қайтдим. Сўраган эди, (бўлган воқеани) **гапириб бердим. Сўнг яна бир кеча шундай деб Маккага кирдим. Яна аввалги кечадаги нарса юз берди. Шундан кейин номаъқул ишга майл билдирмадим».**

Имом Табарий ривоят қилган, Имом Ҳоким ва Заҳабий ушбу ҳадисни саҳиҳ, деб топган бўлсалар, аллома Ибн Касир «Ал-бидоя ван-ниҳоя» асарида уни заиф, деган.

Имом Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Каъба қурилаётганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Аббос тош ташишарди. «Изорингизни бўйнингизга ташлаб олинг, тошнинг ботишидан сақлайди», деди Аббос Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилгандилар ерга йиқилдилар ва кўзлари осмонга қараб қолди. Сўнг ўзларига келиб: «Изорим, изорим», дедилар ва изорларини маҳкамлаб тақиб олдилар». Яна бир ривоятда шундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авратлари кўрилмагани айтилган. “Саҳиҳул Бухорий”, 1582-ҳ; “Фатҳул Борий”, 3/513.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайшнинг ичида ўзларининг мустаҳкам садоқатлари, гўзал хулқлари ва мукаррам сифатлари билан ажралиб турганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмнинг энг мурувватли, чиройли хулқли, кўп иззатли, ҳалим, ростгўй, азиз, мулойим, покиза, карим, саховатли, солиҳ, вафодор ва омонатдор кишиси эди. Шунинг учун қавми у кишини “Амин”, деб атарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича розияллоҳу анҳо айтганларидек, йиқилганни суяйдиган, йўқнинг ҳолидан хабар оладиган, меҳмонни иззат-икром қиладиган, мусибатланганларга ёрдам берадиган бағри кенг инсон бўлганлар.

НУБУВВАТ, РИСОЛАТ ВА ДАЪВАТ ҲАЁТИ

ДАЪВАТ ДАВРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Макка даври

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таоло нубувват ва рисолат билан мушарраф этганидан кейинги ҳаётлари бири биридан тамомила фарқли бўлган икки даврга бўлинади. Улар:

1. Макка даври – тақрибан 13 йил;
2. Мадина даври – тўла 10 йил.

Ҳар икки давр бир неча босқичларга бўлинади ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар даъватнинг ҳар икки босқичини чуқур ўрганиб чиқилса, янада равшанроқ кўринади.

Макка даврини уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Яширин даъват босқичи – 3 йил;
2. Макка аҳлига даъватни ошкор қилиш босқичи – нубувватнинг тўртинчи йилидан тортиб Мадинага ҳижрат қилгунларигача бўлган давр;
3. Даъватнинг Макка ташқарисига ёйилиш босқичи – нубувватнинг ўнинчи йили охирларидан бошланиб Мадина даврини ҳам ўз ичига олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охиригача уланиб кетган.

Мадина даври босқичлари ўз ўрнида батафсил баён қилинади.

НУБУВВАТ ВА РИСОЛАТ СОЯЛАРИДА

Ҳиро ғорида

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари қирқни қоралар экан, йиллар давомида кўрган-кечирганлари у киши билан қавми орасидаги маънавий жарликни яна ҳам кенгайтирган эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ёлғизликни хуш кўрар, толқон билан сув олиб, Маккадан икки мил узоқликда жойлашган Нур тоғидаги Ҳиро ғорига чиқиб кетардилар. Бу бир кичик ғор бўлиб, узунлиги тўрт зироъ, кенглиги эса салкам икки зироъ эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида Ҳиро ғорида туриб, вақтларини ибодат билан, мавжуд борлиқ ва унинг ортидаги ажиб бир ижодкор қудрат хусусида тафаккур қилиб ўтказардилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмларининг йиртиқ-ямоқ ширк эътиқодларидан ва уларнинг ожиз-тўқима тасаввуротларидан қониқмасдилар. Бироқ у зотнинг ўзларида ҳам на равшан йўл, на маълум дастур ва на кишини қаноатлантирадиган, рози қиладиган очиқ-ойдин йўналиш йўқ эди.

Аслида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узлатга чекинишларида ҳам у зотни кутиб турган улуғ иш учун муқаддима

бўлажак Аллоҳнинг бир тадбири бор эди. Чунки башарият ҳаётига чуқур таъсир кўрсатиб, унинг воқелигини ўзга томонга буриб юборадиган азим руҳ учун маълум вақт хилват, узлат, одамларнинг майда-чуйда ташвишлари-ю, ҳаётнинг икир-чикирларидан узилиш зарур саналарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни улкан омонатни кўтаришга, ер юзини ўзгартиришга ва тарих ғилдирагини буриб юборишга тайёрлаш учун Аллоҳ таоло ана шундай тадбир қилди. Шу тариқа рисолат омонати юкланишидан уч йил олдин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узлатга чекинишлари бошланди. Мазкур бир ойлик узлатларда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эркин руҳ билан яшаб, мавжуд борлиқ ортидаги сирли ғайб хусусида фикр қилардилар. Ушбу ҳолат Аллоҳ изни билан ўша ғайб эшиклари очиладиган соатга қадар давом этди.

“Саҳиҳул Бухорий” (3-ҳ), “Ибн Ҳишом” (1/235) ва бошқа тафсир, суннат ва сийрат китоблари асосида.

Жибрил ваҳий олиб тушди

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камолот ёши – қирқ ёшга тўлганларида ҳаёт уфқлари ортидан нубувват шуълалари кўрина бошлади. Айтишларича, пайғамбарлар ана шу ёшда юборилар эканлар. Бу шуълалардан бири Маккадаги бир тошнинг у зотга салом бериши бўлса, яна бири рост тушлар эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушларида тонг ёришишини кўрар эдилар. Ана шу ҳолат олти ой давом этди. Нубувват муддати йигирма уч йил бўлиб, мазкур тушлар унинг қирқ олтидан бир бўлаги эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳиро ғоридаги узлатларининг учинчи йилида Рамазон ойида Аллоҳ таоло ер аҳли устидан Ўз раҳматини мўл-кўл сочиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни нубувват билан мукаррам этди ва Жибрил Қуръон оятларини олиб тушди.

(Ибн Ҳажар «Фатҳ»да ёзади: «Имом Байҳақий рост тушлар олти ой давом этганини айтади. Шунга кўра нубувватнинг тушлар билан бошланиши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшга тўлганларидан кейин у кишининг туғилган ойлари Робиъул аввалда, уйғоқликда ваҳийнинг келиши эса Рамазон ойида бўлган»).

Ривоят ва далилларни таҳлил ва тадқиқ қилиб Қуръон оятлари нозил бўла бошлаган кунни қуйидагича белгиладик. Бу Рамазон ойининг йигирма биринчи кечаси, душанба куни бўлиб, милодий 610 йилнинг 10 августига тўғри келади. Ўшанда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллудларига қамарий ҳисоб билан 40 йил, 6 ой ва 12 кун, шамсий ҳисоб билан эса 39 йил, уч ой ва 20 кун бўлган эди.

Нубувват ва ваҳийнинг нозил бўлиши айнан қайси ойда бошлангани хусусида муаррихлар турлича фикр билдиришган. Уламоларнинг катта бир гуруҳи Робиъул аввал ойини айтган бўлса, бошқалари Рамазон ойини кўрсатишган. Ражаб ойи, деганлар ҳам

бўлган. Биз Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларига асосланиб, иккинчи фикр эгаларига қўшиламиз ва Рамазон ойини нубувват ва ваҳий нозил бўлган ой, деб кўрсатамиз:

شَهۡرُ رَمَضَانَ ٱلَّذِيٓ أُنزِلَ فِيهِ ٱلۡقُرۡءَانُ... ﴿١٨٥﴾

«Рамазон ойики, унда Қуръон нозил қилинган...».

“Бақара”сураси, 185-оятдан.

إِنَّآ أَنزَلۡنَٰهُ فِي لَيۡلَةِ ٱلۡقَدۡرِ ﴿١﴾

«Албатта Биз у (Қуръон)**ни Қадр кечасида нозил қилдик».** (“Қадр”, 1-оят). Маълумки, Қадр кечаси Рамазон ойида бўлади.

إِنَّآ أَنزَلۡنَٰهُ فِي لَيۡلَةٖ مُّبَٰرَكَةٍۚ ... ﴿٣﴾

«Албатта Биз Уни бир муборак-барокатли кечада нозил қилдик...».

“Духон” сураси, 3-оятдан.

Муборак-барокатли кечадан мурод лайлатул Қадр кечасидир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳиро ғорига Рамазон ойида чиққанлар. Жибрилнинг тушиши ҳам ўшанда бўлган эди.

Ваҳийнинг нозил бўлиши Рамазонда бошланган, дегувчи уламолар айнан қайси кунда ваҳий бошлангани хусусида ихтилоф қилишган. Еттинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи кунлари айтилган. Ибн Исҳоқ ва бошқалар унинг ўн еттинчи кун бўлганини таъкидлаган. Биз эса йигирма биринчи кун, деган фикрга тўхтадик. Чунки барча сийрат уламолари ёхуд уларнинг аксарийят қисми Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нубувват билан юборилишлари душанба куни бўлганини айтишган ва бу фикрни ҳадис имомлари келтирган Абу Қатода ривояти ҳам қўллаб-қувватлайди: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан душанба кунининг рўзаси ҳақида сўрашди. ***«Ўша куни туғилдим, ўша куни менга ваҳий туширилди»,*** *дедилар. Бошқа бир лафзда шундай дейилган:* ***«Ўша кунда туғилдим, ўша кунда*** *(Пайғамбар қилиб)* ***жўнатилдим ёки ўша кунда менга нозил қилинди».*** *Имом Муслим, Аҳмад, Байҳақий ва Ҳоким ривоятлари.*

Ўша йилнинг Рамазон ойидаги душанба куни еттинчи, ўн тўртинчи, йигирма биринчи ва йигирма саккизинчи кунларга тўғри келади. Саҳиҳ ривоятларда лайлатул Қадрнинг Рамазондаги охирги ўн кунликнинг тоқ кечаларида бўлиши ва у мана шу кечалар ўртасида кўчиб юриши нақл қилинган. ***«Албатта Биз у*** *(Қуръон)****ни Қадр кечасида нозил қилдик»*** *ояти, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юборилишлари душанба кунида бўлгани ҳақидаги Абу Қатоданинг ривояти ва ўша йилнинг Рамазондаги душанба куни нечанчи кунларга тўғри келиши хусусидаги илмий тақвим ҳисоб-китоблари бир-бирига солиштирилса, қуйидаги хулоса чиқади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойининг йигирма*

биринчи куни тунда Пайғамбар қилиб юборилганлар, валлоҳу аълам).

Мазкур илоҳий нурнинг ерга тушиши ҳақидаги ҳикояни Сиддиқа Оиша розияллоҳу анҳодан эшитайлик. Куфр ва залолат зулматларини ёриб ташлаб, ҳаёт йўналишини ўзгартирган ва тарих ғилдирагини буриб юборган ушбу воқеани онамиз шундай ҳикоя қиладилар:

«Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг даставвал бошланиши уйқудаги солиҳ тушлар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай туш кўрсалар, ўша тушлари бамисоли тонг ёришишидек ўнг келарди (ёки тушларида тонг ёришаётганини кўрардилар, уйқуларидан турганларидан кейин ҳам шундай ёруғликни кўрардилар). Аҳли оиласининг олдига келиб, хилватлари учун озиқ-овқат ғамлаб олардилар-да, Ҳиро ғорида ёлғиз қолиб бир қанча тунларни таҳаннус, яъни ибодат билан ўтказардилар. Сўнг Хадичанинг ёнига қайтиб, яна шунча кунга етарли озиқ-овқат олардилар. Бу ҳолат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳиро ғорида эканликларида у зотга ҳақ келгунга қадар давом этди. (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:) Фаришта келиб: «Ўқинг!», деди. **«Мен ўқишни билмайман»**, дедим. У мени ушлаб қисди, ҳатто менга қийинчилик етказди. Сўнг қўйиб юбориб, «Ўқинг», деди. **«Мен ўқишни билмайман»**, дедим. У мени ушлаб қисди, ҳатто менга қийинчилик етказди. Сўнг қўйиб юбориб, «Ўқинг!», деди. **«Мен ўқишни билмайман»,** дедим. У учинчи марта мени ушлаб қисди, сўнг қўйиб юбориб шундай деди:

ٱقْرَأْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلَّذِى خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ ٱلْإِنسَٰنَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ ٱقْرَأْ وَرَبُّكَ ٱلْأَكْرَمُ
﴿٣﴾ ٱلَّذِى عَلَّمَ بِٱلْقَلَمِ ﴿٤﴾ عَلَّمَ ٱلْإِنسَٰنَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, сиз ўзингизга нозил бўладиган Қуръонни барча мавжудотни) **яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан** (бошлаб) **ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган** (Зотдир)**. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз** (инсониятга) **қалам** (яъни, ёзиш – хат)**ни ўргатган ўта карамли Зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди».**

"Алақ" сураси, 1-5-оятлар.

Бу воқеадан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юраклари титраб, уйларига қайтдилар. Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳонинг олдига кириб: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!» дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўрқувлари тарқагунга қадар У зотни ўраб қўйишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга нима бўлди ўзи?» деб, Хадича розияллоҳу анҳога бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар ва **«Ўзимдан қўрқдим!»,** дедилар. «Ҳаргиз! Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч қачон хор қилиб қўймас! Ахир сиз яқинларингиз билан силаи раҳм қиласиз, оғирликни

кўтарасиз, йўқсилнинг ҳолидан хабар оласиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, мусибатдорларга ёрдам берасиз!», деди Хадича розияллоҳу анҳо.

Хадича бинти Хувайлид Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдул Уззонинг ҳузурига бошлаб борди. Жоҳилиятда насроний динини қабул қилган Варақа иброний (қадим яҳудий) ёзувидан хабардор бўлиб, ибронийчада Инжилдан Аллоҳ хоҳлаганча ёзарди. Варақа кекса ёшли бўлиб, кўзлари кўр бўлиб қолганди.

– Эй амакимнинг ўғли, биродарингизнинг ўғлига қулоқ беринг, – деди Хадича розияллоҳу анҳо Варақа ибн Навфалга.

– Эй жиян, нималарни кўрдингиз? – сўради Варақа.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрган нарсаларини гапириб бердилар.

– Бу Аллоҳ таоло Мусога туширган Номус (Жибрил). Қанийди, ёш бўлганимда, қанийди, қавмингиз сизни ҳайдаб чиқарганида тирик бўлсам.

– Нима, улар мени ҳайдаб чиқарадиларми?

– Ҳа. Сиз келтирган каби нарсани олиб келган кишига албатта тажовуз қилинган. Агар сизнинг кунларингизгача яшасам, сизга ёрдам берган бўлардим.

Сўнг кўп ўтмай Варақа вафот этди, ваҳий эса узилиб қолди».

“Саҳиҳул Бухорий”, 3-ҳ; “Саҳиҳ Муслим”, 25-ҳ.

Ваҳийнинг тўхтаб қолиши

Ваҳийнинг узилиб қолиш муддати ҳақида бир неча хил ривоятлар айтилган. Ибн Саъд Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан келтирган ривоятда ваҳийнинг узилиб қолиш муддати бир неча кун, деб кўрсатилган (“Табақоту Ибн Саъд”, 1/196.) ва бу гап, агар атрофлича таҳлил қилиб чиқилса, саҳиҳ қавлдир. Ваҳийнинг тўхтаб қолиши икки ярим йил ёки уч йилга чўзилган, деган гаплар саҳиҳ эмас.

Ривоятлар ва аҳли илмларнинг сўзларини текшириб чиққанимдан сўнг менга қизиқ бир нарса равшан бўлди. У ҳам бўлса, бу ривоят ва сўзларга кўра, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳирода ҳар йили бир ой – яъни, Рамазон ойида турардилар. Бу эса нубувватдан олдин қаторасига уч йил давом этган. Нубувват йили мазкур уч йилнинг охиргиси эди. У зотнинг ғорда туришлари Рамазон ойи тамом бўлиши билан ниҳоясига етар ва шундан сўнг Шаввол ойининг биринчи куни тонг пайтида уйларига қайтардилар.

«Саҳиҳайн»да келган ривоятда айтилишича, ваҳий узилиб қолганидан сўнг яна қайта нозил бўлиши у зот ғорда бир ой турганларидан сўнг уйларига қайтаётганларида содир бўлган.

Демак, бундан келиб чиқадики, ваҳийнинг узилиб қолганидан сўнг яна қайта тушиши у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам нубувват билан мушарраф бўлган Рамазон ойининг ниҳоясида, Шаввол ойининг

биринчи куни бўлган. Чунки, бу у зотнинг Ҳирода охирги йил туришлари эди. Агар ваҳий илк бор Рамазон ойининг йигирма биринчиси, душанба кунида тушган, десак, бу дегани ваҳийнинг узилиб қолиши фақат ўн кун давом этганини англатади. Ваҳийнинг қайта тушиши нубувватнинг биринчи йили, биринчи Шаввол, пайшанба кунига тўғри келади. Рамазон ойининг охирги ўн кунини эътикофга хосланиши, шунингдек Шавволнинг биринчи кунини ийд-байрам қилиб белгиланишининг сири ҳам шу бўлса ажаб эмас, валлоҳу аълам.

Ваҳий тўхтаб қолган кунларда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайрат ва даҳшат ичра ғам ютиб, маҳзун бўлиб юрдилар. Имом Бухорий ривоят қилади:

«Ваҳий бир муддат узилиб қолди. Бизга маълум бўлишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп сиқилиб, ҳатто тоғ чўққисидан ташлаб, ўзларини ҳалок қилиш учун бир неча маротаба йўлга тушганлар. Ҳар сафар тоғ тепасига кўтарилганларида Жибрил кўриниб, «Эй Муҳаммад, сиз чиндан-да Аллоҳнинг Росулисиз!», дерди. Шундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари ором олиб, хотиржам тортар ва ортларига қайтардилар. Бироқ ваҳийнинг узилиш муддати у кишига узоқ бўлиб кетса, яна шундай қасд билан йўлга чиқардилар. Тоғ тепасига кўтарилганларида, яна Жибрил кўриниб юқоридаги сўзларини такрорларди».

«Саҳиҳ ул-Бухорий”, “Китоб ут-таъбир» (6982-ҳ).

Жибрил иккинчи марта ваҳий олиб тушди

Ибн Ҳажар ёзади: «Бу иш (яъни, ваҳийнинг бир неча кун тўхтаб қолиши) Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда пайдо бўлган қўрқувни тарқатиш ва у кишида ваҳийнинг қайтишига соғинч уйғотиш учун қилинди. («Фатҳ ул-Борий», 1/27.) Ҳайрат булутлари тарқалиб, ҳақиқат нишоналари равшанроқ кўринди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг Улуғ ва Олий Аллоҳнинг элчиси қилиб танланганликларига, у кишининг олдига келувчи эса само хабарини олиб тушадиган ваҳий элчиси эканлигига амин бўлдилар. Бинобарин, ваҳийни соғиниш, уни орзиқиб кутиш ҳисси кейинги сафар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг собит туришлари ва тўғри қабул қилишларига сабаб бўлди. Жибрил иккинчи марта ваҳий олиб келди. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ваҳийнинг тўхтаб қолиши ҳақида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари ривоят қилинган:

«Ҳирода бир ой турганимдан сўнг, тушиб келаётиб, водийга етганимда мени чақирган бир овозни эшитдим. Ўнг томонимга ҳам, чап томонимга ҳам, олдимга ҳам, орқамга ҳам қараб, ҳеч кимни кўрмадим. Тепага қарасам, Ҳиро ғорида олдимга келган фаришта осмон билан ер оралиғида курси устида ўтирибди. Қаттиқ қўрққанимдан ерга ётиб қолдим. Сўнг Хадичанинг олдига келиб: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар, бошимдан

муздек сув қуйинглар», дедим. Мени ўраб қўйишди, бошимдан муздек сув ҳам қуйишди. Шунда:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمُدَّثِّرُ ۝١ قُمۡ فَأَنذِرۡ ۝٢ وَرَبَّكَ فَكَبِّرۡ ۝٣ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرۡ ۝٤ وَٱلرُّجۡزَ فَٱهۡجُرۡ ۝٥

«Эй (либосларига) **бурканиб олган зот, туринг-да,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг! Ёлғиз Роббингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг!»** (“Муддассир” сураси, 1-5-) оятлари нозил бўлди. Бу намоз фарз бўлишидан олдин эди. Сўнг ваҳий кўпайиб, кетма-кет туша бошлади».

Имом Бухорий (8/445-447) ва имом Муслим (1/144) ривоятлари.

Аллоҳ даъвати билан қоим бўлишга буйруқ ва унинг асослари

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ушбу сўзлари билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча илоҳий амрларни қабул қилиб олдилар:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمُدَّثِّرُ ۝١ قُمۡ فَأَنذِرۡ ۝٢ وَرَبَّكَ فَكَبِّرۡ ۝٣ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرۡ ۝٤ وَٱلرُّجۡزَ فَٱهۡجُرۡ ۝٥ وَلَا تَمۡنُن تَسۡتَكۡثِرُ ۝٦ وَلِرَبِّكَ فَٱصۡبِرۡ ۝٧

«Эй (либосларига) **бурканиб олган зот, турингда,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг!** (Бераётган нарсангизни**) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг! Ёлғиз Парвардигорингиз** (юзи) **учун** (кофирлар томонидан етадиган озорларга) **сабр қилинг!».** “Муддассир” сураси, 1-7-оятлар.

Бир қарашда соддагина бўлиб кўринган мазкур буйруқлар, аслида, жуда чуқур ва кенг маъноли, қудратли таъсир ва амал кучига эга бўлган илоҳий амрлар эди.

1. Барча-барчани огоҳлантириш. Борлиқда Аллоҳ таоло розилигига хилоф юрадиган биронта кимсани қолдирмасдан, уни кутаётган ҳалокатли оқибатдан огоҳ этмоқ лозим эди. Токи, бундай кимсалар қалбига титроқ ва зилзилалар кириб борсин!

2. Фақат Аллоҳ таолони улуғламоқ. Ер юзида кибр қилиб, ўзларича ғурурга кетган кимсаларнинг ғурурларини синдириб, кибр салтанатларининг оёғини осмондан қилиб, чин улуғликни фақат ва фақат Аллоҳ таолога мансуб, деб билмоқ!

3. Либосларни пок тутмоқ ва нопокликлардан – ширкдан йироқ бўлмоқ. Аллоҳ таоло раҳматининг қуюқ сояси, ҳифзи-ҳимояти, нури ва тарбияти остида бир инсон қанчали камолга етиши мумкин бўлса, ўша даражада жами кирлик ва нопокликлардан нафсни пок тутмоқ лозим эди. Токи, у инсоний жамиятда энг олий намуна бўлсин, соғлом қалблар

унга интилиб, адашган нафслар унинг ҳайбати улканлигини ҳис қилсин, токи, дунё ҳар қандай ҳолатда тамомила унинг атрофида жамлансин.

4. Ҳеч қачон хайрли амални кўп санамаслик. Ўз фаолияти ва меҳнат-машаққатига урғу бермасдан, тўхтовсиз амал кетидан амалга киришмоқ, заҳматларга рози бўлиб, фидойилик билан қурбонликлар бериб, сўнг дарҳол уларнинг барчасини унутмоқ, янада аниқроғи Аллоҳни ўйлаганда қилган ва сарфлаган барча-барча нарсалари хотиридан ўчиб кетадиган бўлиши лозим эди.

5. Охирги оятда қайсар мушриклар томонидан етадиган озорлар, истеҳзолар, масхаралар бўлиши, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у кишининг асҳобларига суиқасдлар қилинишига, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида тўпланган мўминларни тарқатиб юборишга уринишлар бўлишига ишора қилинган. Аллоҳ таоло мазкур машаққатларнинг барчасига бирон бир дунёвий манфаат учун эмас, балки фақат Аллоҳ розилигини истаб сабр-тоқат қилишга буюрди.

Аллоҳу Акбар! Бу илоҳий амрлар зоҳирий суратида қанчалар оддий, сокин ва сеҳрли оҳанглари билан қанчалар мафтункор, иш-амал майдонида қанчалар улкан, буюк ва қаттиқ! Уларнинг таъсирида қўзғалган қудратли шамол борлиқнинг тўрт томонини қамраб олиб, уни бир-бирига қориштириб юборди.

Мазкур оятлар даъват ва ҳақни кишиларга етказиш моддаларини ўз ичига олган. Биргина охират азобидан огоҳлантиришнинг ўзи унинг ортидан келадиган ва даъват эгаларининг бошларига ёғиладиган таъна-маломатлар, хунук аломатлардан дарак бермоқда. Унутманг, демоқда у, бу дунё барча амалларга мукофот бериладиган жой эмас ва кўпинча бунинг имконияти ҳам йўқ. Охират азобидан огоҳлантириш тушунчаси жазо мукофот учун бошқа бир Кун белгилаб қўйилганини тақозо қилади. У Кун Қиёмат кунидир, жазо ва ҳисоб кунидир. Бинобарин, биз яшаб турган дунёдан ўзга бир дунё – охират дунёси ҳам бўлиши керак.

Кейинги оятлар инсонлардан соф тавҳидни, барча ишларни Аллоҳ ҳукмига топширишни ва нафс розилигини, одамларнинг розилигини Аллоҳ розилиги йўлида бир четга суриб қўйишни талаб қилмоқда. Демак, ушбу асослар қуйидагиларда ўзининг қисқа ифодасини топган.

а) тавҳид;

б) охират Кунига иймон;

в) ўзни покламоқ. Яъни, ёмон оқибатларга олиб борадиган мункар ва нопок ишлардан четланмоқ, яхшилик, хайр ва фазл амаллари билан машғул бўлмоқ;

г) барча ишларни Аллоҳ таоло ҳукмига ҳавола қилмоқ;

д) юқоридагиларнинг ҳаммасини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатларига иймон келтиргандан кейин, У зотнинг раҳбарликлари ва тўғри кўрсатмалари остида амалга оширмоқ.

Оятлар аввалида баланд пардада айтилган бир илоҳий нидо бор. Бу илоҳий нидо мазкур улуғ иш учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг танланганликларини, у зотнинг иссиқ ўриндан, либосларга бурканиб ётишдан ва уйқудан суғуриб олиниб, жиҳод, машаққат ва меҳнат майдонига ташланганликларини маълум қилмоқда: **«Эй** (либосларига) **бурканиб олган зот, туринг-да,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг!».**

Мазкур оятлар замирида гўё шундай бир нидо бор: фақат ўзи учун яшайдиган кимсаларгина роҳат қучоғида ётишлари мумкин. Бироқ мана шундай улкан вазифани елкасига олган сиздек инсон учун ғафлатда ухлаб ётиш мумкинми?! Роҳат мумкинми?! Иссиқ тўшак, тинч турмуш, кишига хуш ёқадиган дунё матолари мумкинми?! Туринг, сизни кутиб турган улуғ вазифани қаршиланг, сиз учун тайёрланган оғир юкни елкангизга олинг. Туринг, машаққат, меҳнат, қийинчилик ва заҳмат сари юринг. Туринг, уйқу вақти, роҳат-фароғат даври ўтди. Бугундан бошлаб сиз учун узлуксиз бедорлик, оғир ва узоқ жиҳод даври бошланди. Туринг, ана шу иш учун ҳозирлик кўринг, ўзингизни шайланг.

Бу жуда қўрқинчли ва улкан сўз эди. Ана шу сўз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ғавғолар ва савдолар гирдобига, инсонлар қалбида ҳам, ҳаёт воқелигида ҳам бирдек оғир курашлар бўронига ташлаш учун тинч уйларидаги иссиқ тўшакларидан, тафтли оғушлардан суғуриб олди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар ва йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайнида қоим бўлдилар. Роҳат кўрмасдан, тиним билмасдан, на ўзлари ва на аҳли аёллари учун яшамасдан ўтдилар. Турдилар, Аллоҳга даъват учун бел боғладилар. Чарчоқ нималигини билмасдан ана шундай оғир, залворли юкни, ер юзидаги энг улкан омонат юкини, бутун башарият юкини, ақида юкини, турли майдонлардаги турли курашлар ва машаққатлар юкини елкаларига олдилар. Йигирма йилдан зиёдроқ вақт давомида узлуксиз ва кескин муҳорабалар ичида умр кечирдилар. Ана шундай узоқ йиллар мобайнида ҳам ҳеч нарса у кишини чалғитиб қўймади. Улуғ илоҳий нидони эшитган соатларидан бошлаб, беҳад оғир масъулиятни зиммаларига олганларидан буён худди шундай тик туриб ўтдилар. Аллоҳ таоло у зотни ўзлари учун ҳам, бутун башариятга қилган хизматлари учун ҳам энг яхши мукофотлар билан сийласин.

Келгуси варақлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма йилдан зиёдроқ вақт давомида комил суратда адо этган мазкур оғир ва узоқ меҳнатнинг энг кичик ва оддий лавҳаси, холос.

ДАЪВАТ ЖИҲОДИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

Ваҳийнинг турлари

Ушбу жиҳод мавзусига киришишдан олдин ваҳийнинг турлари ва

босқичлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш фойдадан холи бўлмас керак. Ибнул Қоййум раҳимаҳуллоҳ ушбу босқичларни санаб ўтади:

Биринчи. Рост (яъни, ўнгидан келувчи) тушлар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий ана шу тарзда бошланганди.

Иккинчи. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзларига кўринмаган ҳолда фаришта ваҳий олиб келиб, у кишининг диллари ва кўнгилларига солиши. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари айтганларидек: **«Руҳул Қудус дилимга солдики, ҳеч бир жонзот ўзининг ризқини тўла қилиб олмагунча асло ўлмас. Шундай экан, Аллоҳдан қўрқинглар ва** (ризқ) **талаб қилишда ўртача бўлинглар! Ризқнинг кечикиши уни Аллоҳнинг маъсияти билан талаб қилишингизга олиб бориб қўймасин! Зеро, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсаларга фақат Унинг тоати билангина эришилади».** Албоний, "Ас-силсилатус-саҳиҳа", 6/865.

Учинчи. Фаришта Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга инсон суратида кўриниб, хитоб қилар ва у киши унинг сўзларини ёдда сақлаб қоларди. Ваҳийнинг бу турида баъзан уни айрим саҳобалар ҳам кўришарди.

Тўртинчи. Ваҳий у кишига худди қўнғироқ жарангидек овоз билан келарди, бу ваҳийнинг энг оғир тури бўлиб, фаришта у кишидан ажралмас, қаттиқ совуқ кунда ҳам ваҳийнинг зўридан пешоналаридан тер оқиб кетарди. Агар туяга минган ҳолда бўлсалар, туялари ҳам чўкиб қоларди. Бир марта ана шундай ваҳий келганида у кишининг тиззалари Зайд ибн Собитнинг тиззаси устида бўлиб, оғирликдан Зайднинг тиззаси узилиб кетгудек бўлган эди.

Бешинчи. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фариштани ўзининг асл суратида кўрардилар ва фаришта у кишига Аллоҳ истаганича нарсани ваҳий қиларди. Бу ҳолат «Нажм» сурасида зикр қилинганидек, у кишида икки бор содир бўлган эди.

Олтинчи. Аллоҳ таоло меърож кечаси у кишига самовот олами узра ваҳий қилган намоз ва бошқа нарсалар.

Еттинчи. Аллоҳ таолонинг у кишига худди Мусо ибн Имрон алайҳис саломга сўзлагани каби бевосита сўзлаши. Ваҳийнинг бу тури Мусо алайҳис саломга Қуръон ояти билан, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эса «Исроъ» ҳадиси билан собит бўлган.

Айримлар саккизинчи турни ҳам зиёда қилиб, Аллоҳ таоло у киши билан юзма-юз ва ҳеч қандай пардасиз сўзлашган, дейдилар. Бироқ, бу салаф ва халаф уламолари ўртасида ихтилофли масалалардан саналади. "Зодул-маъод", 1/18.

Махфий даъватнинг дастлабки уч йили

«Муддассир» сурасининг юқоридаги оятлари нозил бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ субҳанаҳу ва таологa даъват қилишни бошладилар. Қавмлари бут-санамларга сиғинишдан бошқа динни билмайдиган ва ота-боболаримиз қилиб келган ишни

маҳкам ушлаймиз, дейишдан бошқа далил-ҳужжатлари бўлмаган тўпори ва дағал кишилар эди. Уларнинг бор ахлоқлари ҳамият ва ғурурни маҳкам тутишдангина иборат бўлиб, муаммоларини фақат қилич ёрдамида ҳал қилиб ўрганишган эди. Шу ҳолда яна улар Араб жазирасида диний жиҳатдан етакчиликни даъво қилишар ва асосий диний марказни қўлларида сақлаб туришарди. Ана шундай шароитда Макка аҳлининг ғалаёнига сабаб бўладиган ишни бирданига ошкор этмасдан, даставвал даъватни махфий суратда олиб бориш ҳикматдан бўлар эди.

Биринчилар

Табиийки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломни аввало ўзларининг яқинларига, аҳли оилаларига ва ёр-дўстларига таклиф қилдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари яхши биладиган ва у кишини ҳам яхши танийдиган, хайр-яхшиликлари кўриниб турган кишиларни даъват қилдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу инсонларда Аллоҳнинг ҳақ муҳаббати ва хайр бор деб билсалар, ўз навбатида улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ростгўй ва солиҳ киши сифатида танирдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуғликларига, жалолатларига ва хабарларининг ростлигига асло шубҳа қилмаган ана шу инсонларнинг бир гуруҳи Исломни қабул қилди ва Ислом тарихида “Ас-собиқийна ал-аввалийн” – “Пешқадам собиқлар” номини олди.

Уларнинг аввалида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи муҳтарамалари, мўминларнинг онаси Ҳадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари, яъни, озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳориса ибн Шураҳбил Калбий*, ўша кунларда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларида бўлган ёшгина бола – у зотнинг амакиваччалари Али ибн Аби Толиб ва чин дўстлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳумлар турарди. Улар даъватнинг биринчи кунида иймон келтиришди.

Исломни қабул қилган Абу Бакр розияллоҳу анҳу Ислом даъвати йўлида кўп жонбозликлар кўрсатди. Суюкли, киришимли, муомалали, таниқли ва гўзал хулқли Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдига яхши

---

* Зайд ибн Ҳориса асир олиниб, қул қилинган эди. Хадича розияллоҳу анҳо қули Зайдни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тортиқ қилади. Вақт ўтиб Зайднинг отаси ва амакиси уни ўз қавм-қариндошлари олдига олиб кетиш учун келганида, Зайд отаси ва амакиси билан кетишдан бош тортиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танлайди. Ана шунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам арабларнинг одатига мувофиқ Зайдни ўзларига ўғил қилиб оладилар. Шунинг учун уни Зайд ибн Муҳаммад, дейишарди. Ислом келиб, бундай ўғил қилиб олишни бекор қилганидан сўнг у яна Зайд ибн Ҳориса исмини олди. Саккизинчи ҳижрийнинг Жумодул увло ойида бўлиб ўтган Муъта жангида мусулмон лашкарининг амири бўлган ҳолида шаҳид бўлган.

суҳбати, илми ва тижорати учун кўп кишилар келиб, яқин бўлишни истарди. Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳузурига келган қавми орасидаги ишонган кишиларини иймонга даъват қиларди. У кишининг даъватлари сабабли Усмон ибн Аффон Умавий, Зубайр ибн Аввом Асадий, Абдураҳмон ибн Авф Зуҳрий, Саъд ибн Аби Ваққос Зуҳрий ва Талҳа ибн Убайдуллоҳ Таймийлар Исломни қабул қилишди. Исломга биринчилардан бўлиб кирган мазкур саккиз нафар инсон Исломнинг биринчи қалдирғочлари, собиқийнлар эди.

Кейин ушбу умматнинг амин* и Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ (Ҳорис ибн Фиҳр Уруғидан), Абу Салама ибн Абдуласад Махзумий, Арқам ибн Абу Арқам Махзумий, Усмон ибн Мазъун Жумаҳий ва унинг Қудома ҳамда Абдуллоҳ исмли икки иниси, Убайда ибн Ҳорис ибн Муттолиб ибн Абдуманоф, Саид ибн Зайд Адавий ва унинг хотини Умар ибн Хаттобнинг синглиси Фотима бинти Хаттоб Адавийя, Хаббоб ибн Арат Тамимий Жаъфар ибн Аби Толиб ва унинг аёли Асмо бинти Умайс, Холид ибн Саид ибн Ос Умавий, унинг аёли Амина бинти Халаф ва иниси Амр ибн Саид ибн Ос, Ҳотиб ибн Ҳорис Жумаҳий, унинг аёли Фотима бинти Мужаллал ва иниси Хаттоб ибн Ҳорис, унинг аёли Фукайҳа бинти Ясор, яна бир иниси Муаммар ибн Ҳорис, Муттолиб ибн Азҳар Зуҳрий, унинг аёли Рамла бинти Аби Авф, Нуайм ибн Абдуллоҳ ибн Наҳҳом Адавий иймон келтирганлар сафига қўшилишди. Ана шулар энг биринчи собиқлар бўлиб, улар Қурайшнинг ҳамма уруғларидан эди.

Қурайшдан бошқалардан Исломга энг биринчи бўлиб кирганлар Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳузалий, Масъуд ибн Рабиъа Қорий, Абдуллоҳ ибн Жаҳш Асадий, унинг иниси Абу Аҳмад ибн Жаҳш, Билол ибн Рабоҳ Ҳабаший, Суҳайб ибн Синон Румий, Аммор ибн Ёсир Ансий, унинг отаси Ёсир ва онаси Сумайя, Омир ибн Фуҳайра бўлдилар.

Юқорида зикри ўтган аёллардан ташқари яна Умму Айман Барака Ҳабашийя, Аббос ибн Абдулмуттолибнинг аёли Уммул Фазл Лубоба Кубро бинти Ҳорис Ҳилолийя, Асмо бинти Абу Бакр Сиддиқ ҳам Исломни илк қабул қилган аёллар бўлдилар.

Батафсил маълумот олиш учун «Сийрату Ибн Ҳишом»га қаранг: 1/245-262.

Мазкур зотлар “Аввалийн” ва “Собиқийн” номи билан маъруфдирлар. Чуқур текшириб, ўрганишлардан сўнг маълум бўлишича, собиқийнлар адади эркак-аёл бўлиб бир юз ўттиз нафарга етади. Бироқ, уларнинг ҳаммаси даъватнинг яширин пайтида Исломни қабул қилганми ёки айримлари даъват ошкор қилингандан сўнг қабул қилганми, буниси аниқ маълум эмас.

Намоз

Энг аввал нозил қилинган ҳукмлардан бири намозга буюриш бўлди.

---

* (Ушбу лақаб билан номланиши ҳақида «Саҳиҳул Бухорий»нинг «Абу Убайда ибн Жарроҳнинг маноқиби» бобига қаранг).

Ибн Ҳажар Асқалоний ёзади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исроъдан олдин ҳам аниқ намоз ўқиганлар. Асҳоби кироมлар ҳам шундай қилишган. Бироқ беш вақт намоздан олдин ҳам бирон намоз фарз қилинганми ёки йўқми, шу масалада турлича фикрлар айтилган. Қуёш чиқиши ва ботишидан олдин намоз ўқиш фарз бўлган, дейилади».

Ҳорис ибн Аби Усома Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган илк ваҳийда Жаброил тушиб, у кишига таҳоратни ўргатди. Таҳорат қилиб бўлгач, бир ҳовуч сув олиб фаржига қуйди. Ибн Можа ҳам шу мазмундаги ривоятни келтирган. Бароъ ибн Озиб ва Ибн Аббосдан ҳам шунга ўхшаш ривоятлар бор. Бу дастлабки фарз амал эди. Шайх Абдуллоҳ ан-Наждий, «Мухтасар ас-сийра».

Ибн Ҳишом ёзишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблари намоз вақтларида тоғ-тошларга чиқиб кетиб, қавмларидан яширинча намоз ўқишган. Бир сафар Абу Толиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Али розияллоҳу анҳуларнинг намоз ўқишаётганини кўриб, у ҳақда сўраб-суриштиради. Намознинг нималигини билгач, уларга намозда собит туришни буюради.

«Сийрату Ибн Ҳишом», 1/247.

Мўминларга буюрилган ибодат шу эди. Уларга намозга таллуқли бу ҳукмдан бошқа бирон бир ибодат ёки буюрилган ва қайтарилган ишлар бўлгани маълум эмас. Нозил бўлаётган ваҳийлар уларга тавҳиднинг турли қирраларини баён қилиб берар, нафсларини поклашга тарғиб қилар, макорими ахлоққа буюрар, жаннат ва дўзахни кўз билан кўргандек қилиб сифатлаб берар, дилларини очадиган ва руҳларини озиқлантирадиган етук панд-насиҳатлар билан насиҳат қилар, уларни ўша даврдаги инсоний жамият яшаб турган муҳитдан бутунлай бошқача бир муҳит сари етакларди.

Шундай қилиб, уч йил ўтди. Даъват эса ҳануз якка шахсларга чекланган, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали уни йиғин ва мажлисларда ошкор қилмаган эдилар. Бироқ, содир бўлган турли воқеалардан хулоса қилинадиган бўлса, даъват ўзининг ана шу босқичида – яширинча ва якка тартибда олиб борилган ҳолатида ҳам Қурайшдан махфий қолмаган. Маккада Исломнинг хабари ёйилган, одамлар у ҳақда гапиришар, айримлар гоҳо уни инкор ҳам қилишар, баъзи бир мўминларга тажовузлар ҳам қилишган, бироқ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг динларига тегинмаганлари ва олиҳалари ҳақида бирон сўз айтмаганлари учун Қурайш Ислом даъватига ортиқча эътибор бермади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ: ОШКОРА ДАЪВАТ

ДАЪВАТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ БИРИНЧИ ИЛОҲИЙ АМР

Уч йил давом этган даъватнинг яширин босқичи мобайнида биродарлик ва ҳамжиҳатлилик асосига барпо бўлган, рисолатни етказиш ва уни мустаҳкамлаш юкини кўтара оладиган бир жамоат вужудга келди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло ваҳий нозил қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга даъватни ошкор этишни, ботилга яхшилик билан юзланишни буюрди.

Бу хусусда биринчи нозил бўлган:

وَأَنذِرْ عَشِيرَتَكَ ٱلْأَقْرَبِينَ ﴿٢١٤﴾

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) **огоҳлантиринг!»** (“Шуаро” сураси, 214-) ояти бўлди.

Мазкур оят ворид бўлган сурада аввал Мусо алайҳис-саломнинг пайғамбар қилиниши, Бану Исроил билан ҳижратга чиқиши, уларнинг Фиръавн ва унинг қўшинидан нажот топишлари ҳамда Фиръавннинг ўз қўшини билан ғарқ этилиши ҳикоя қилинган. Ушбу ҳикояда Мусо алайҳис-саломнинг Фиръавн ва унинг қавмини даъват қилиш давомида бўлиб ўтган барча босқичлари тасвирланган.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз қавмини Аллоҳга даъват қилиш буюрилган пайтда Мусо алайҳис-саломнинг қиссаси батафсил зикр этилишида, менимча, ўзгача бир маъно бор. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоби киромлар очиқ даъват йўлига чиққанларида қандай туҳмат ва тазйиқларга учрашлари, даъватнинг дастлабки кунларидан нималарга рўпара бўлишлари Мусо алайҳис-саломнинг Фиръавн билан бўлган қиссасида айтиб қўйилмадими?!

Бошқа томондан «Шуаро» сураси Фиръавн ва унинг қавмига етган ҳалокат тафсилоти билан биргаликда пайғамбарларни ёлғончи қилган Нуҳ қавми, Од қавми, Самуд қавми, Иброҳим қавми, Лут қавми ва (Шуайб қавми бўлмиш) дарахтзор эгаларининг оқибатини ҳам ҳикоя қилган. Токи, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончи қилган кимсалар ўзларини нима кутаётганини билиб қўйсинлар. Агар ана шу ёмон ишларида давом этсалар, Аллоҳнинг қаттиқ азобини кутсинлар. Токи, мўминлар ҳам аниқ билсинларки, хайрли хотима мушрикларга эмас, албатта мўминларга аталган.

Яқин қариндош-уруғларни даъват қилиш

Юқоридаги оят нозил бўлганидан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Ҳошимни тўпладилар. Улар билан бирга Муттолиб ибн Абду Маноф уруғининг кишилари ҳам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қирқ беш киши тўпланди. Абу Лаҳаб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин гап бошлади:

– Булар сенинг амакиларинг ва амакиларингнинг болалари. Қани гапир, диндан қайтганларни тарк қил! Шуни билки, қавминг бутун

арабларга қарши тура олмайди. Мен сени тутганлардан ҳақлироқмон. Агар сен шу ҳолатингда турадиган бўлсанг, сенга қарши ота уруғларинг ўзи кифоя қилади ва бу улар учун сенинг устингга Қурайшнинг бошқа уруғлари ташланишидан енгилроқ бўлади! Уларни араблар ҳам қўллаб-қувватлайди. Ота уруғининг бошига сендек ёмон иш олиб келган бирон кимсани кўрмадим!

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут қилдилар ва бу йиғинда ҳеч нарса демадилар.

Сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни иккинчи марта тўплаб, шундай сўз бошладилар:

– Алҳамдулиллаҳ, Унга ҳамдлар айтаман, Ундан мадад тилайман, Унга иймон келтириб, Унга таваккул қиламан. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир! – сўнг сўзларида шундай давом этдилар: – Йўлбошчи ўз аҳлига ёлғон гапирмайди. Ундан ўзга барҳақ илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасамки, мен сизларга хос, одамларга эса умумий суратда Аллоҳнинг пайғамбариман. Аллоҳга қасамки, ухлаганингиз каби жон таслим қиласизлар, уйғонганингиз каби албатта қайта тириласизлар ва қилган амалларингизга қараб ҳисобга тортиласизлар. Албатта унинг натижаси абадий жаннат ёки абадий дўзах бўлади.

Абу Толиб шундай деди:

– Сизга ёрдам беришни истаймиз. Сизнинг насиҳатингизга иқбол қилдик. Сизнинг сўзларингиз ҳаққу рост. Мана, отангизнинг уруғи йиғилган. Мен ҳам уларнинг бириман. Фақат мен улар ичида сиз яхши кўрган нарсага энг шошилувчироқман. Сиз ўзингизга буюрилган ишни давом эттиравериng. Аллоҳга қасамки, ҳамиша сизни ҳимоя қилиб, ёнингизни олиб тураман. Фақат нафсим Абдул Муттолиб динидан ажралишни истамайди.

– Аллоҳга қасамки, бу яхшилик келтирмайди, – деди Абу Лаҳаб. – Бошқалар тутмасдан туриб, сизлар унинг қўлидан тутиб, тўхтатиб қолинг.

– Аллоҳга қасамки, то тирик эканмиз, уни ҳимоя қиламиз, – деди Абу Толиб.

Ибн Асир, «Комил», 1/584, 585.

Сафо тоғи устида

Одамларни Аллоҳ йўлига чақираётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Толибнинг у кишини ҳимоя қилиш ҳақидаги сўзларини эшитганларидан сўнг бир куни Сафо тоғига кўтарилиб, баланд овозда қавмини чорладилар. Қурайш уруғлари у кишининг олдига йиғилиб келди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни тавҳидга, ўз рисолатлари ва охират кунига иймон келтиришга чақирдилар. Имом Бухорий мазкур воқеани Абдуллоҳ ибн Аббос ривоятида шундай нақл қилади:

«Яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан)

огоҳлантиринг!» ояти нозил бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тоғига чиқиб **«Эй Бану Фиҳр, эй Бану Адий, эй Бану Абдуманоф, эй Бану Абдулмуттолиб, эй Бану Фулан!»,** дея Қурайш уруғларини чақира бошладилар. Қавм йиғилиб келди. Келолмаганлар нима гаплигини билиш учун одам жўнатди. Абу Лаҳаб Қурайш билан бирга келди. Ҳамма йиғилгач:

– Агар мен сизларга шу тоғнинг этагидаги водийда отлиқлар устингизга бостириб келмоқчи бўлиб турибди, десам, менга ишонар эдингизми? – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

– Ҳа! – дейишди улар. – Биз сизнинг ёлғон сўзлаганингизни билмаймиз, сиздан фақат рост сўз эшитиб келганмиз.

– **Мен сизлар учун қаттиқ азоб олдидан огоҳлантирувчиман. Мен билан сизларнинг мисолимиз душманнинг** (бостириб келаётганини) **кўриб, баландликка кўтарилган ва душман ундан олдинроқ етиб боришидан қўрқиб, қавмига қараб қичқира бошлаган бир кишининг мисолига ўхшайди,** – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Сўнг уларни ҳаққа чорладилар, Аллоҳнинг азобидан огоҳлантирдилар, умумий ва хусусий равишда даъват қилдилар:

«Эй Қурайш жамоаси, ўз жонингизни Аллоҳдан сотиб олингиз, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз! Зеро, мен Аллоҳ томонидан сизларга келувчи бирон зарар ёки фойдани даф қилишга эга эмасман. Мен Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада сизларга асқота олмайман.

– Эй Бану Каъб ибн Луай, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз! Мен сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказишга қодир эмасман.

– Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз!

– Эй Бану Қусай жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз! Мен сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказишга қодир эмасман.

– Эй Бану Абдуманоф, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз! Зеро, мен Аллоҳ томонидан сизларга келувчи бирон зарар ёки фойдани даф қилишга эга эмасман. Мен Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада сизларга асқота олмайман.

– Эй Бану Абдушшамс, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз!

– Эй Бану Ҳошим, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз!

– Эй Бану Абдулмуттолиб жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқарингиз! Зеро, мен Аллоҳ томонидан сизларга келувчи бирон зарар ёки фойдани даф қилишга эга эмасман. Мен Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада сизларга асқота олмайман. Мол-давлатимдан истаганингизча сўранг, аммо сизларга Аллоҳ томонидан келувчи бирон нарсани тўсишга қодир эмасман.

– Эй Аббос ибн Абдулмуттолиб, мен сизга Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада асқота олмайман.

– Эй Росулуллоҳнинг аммаси Софийя бинти Абдулмуттолиб,

мен сизга Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада асқота олмайман.

– Эй Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммаднинг қизи Фотима, мол-давлатимдан истаганингча сўра, бироқ мен сенга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказишга қодир эмасман. Мен сенга Аллоҳ тарафидан келувчи бирон нарсада асқота олмайман».

Ушбу огоҳлантирув тамомига етгач, одамлар тарқалдилар, уларнинг ҳеч бирларидан бирон жавоб айтилгани маълум эмас, фақат Абу Лаҳаб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёмон муомалада бўлди ва: «Ҳе, қуриб кетгур, бизни шунинг учун тўпладингми?», деди. Ана шунда Аллоҳнинг қуйидаги каломи нозил бўлди:

تَبَّتۡ يَدَآ أَبِي لَهَبٖ وَتَبَّ ١

«Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай – ҳалок бўлгай! (Аниқки) **у қуриди, ҳалок бўлди!».** “Масад” сураси, 1-оят.

«Саҳиҳул Бухорий» (2753, 3525-3527, 4771-ҳ); «Саҳиҳ» Муслим (1/114); «Жомеут Термизий», “Шуаро” сураси тафсири.

Бу олий нидо бағоят тушунарли эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг энг яқин кишиларига ўзи билан улар ўртасидаги алоқага ҳаёт бағишлаб турадиган нарса бу рисолатни тасдиқлаш эканини, араблар ўртасида жуда кучли бўлган қариндош-уруғчилик таассуби Аллоҳ ҳузуридан келган ана шу огоҳлантиришнинг ҳароратида эриб кетишини очиқ-ойдин баён қилдилар.

Ана шу овоз Макканинг тўрт томонида акс-садо бериб турар экан, Аллоҳ таолонинг:

فَٱصۡدَعۡ بِمَا تُؤۡمَرُ وَأَعۡرِضۡ عَنِ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ٩٤

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган иш (яъни, ҳақ динга даъват қилиш)**ни ошкор қилинг ва мушриклардан юз ўгиринг!»** (“Ҳижр” сураси, 94-) ояти нозил бўлди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайшнинг йиғин ва мажлисларида Исломга очиқ-ошкор даъват қила бошладилар, уларга Аллоҳнинг Китобини тиловат қилар ва барча пайғамбарлар ўз қавмларига айтган: **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар, сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир»,** деган сўзларни айтар эдилар, уларнинг кўз олдида Аллоҳга ибодат қилардилар, куппа-кундузлари Каъбанинг олдида ошкора намоз ўқирдилар.

У кишининг даъватларига қулоқ солувчилар кўпая бошлади, одамлар битта-битта Аллоҳнинг динига кира бошладилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ширк хурофотлари ва унинг тўқималарига қарши гапира бошладилар. Бут-санамларнинг аслида нималигини, уларнинг ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмаслигини баён қилдилар. Сохта олиҳаларнинг ҳеч нарсага

ярамаслигини мисоллар орқали тушунтириб, ушбу олиҳаларга сиғинган ва уларни ўзлари билан Аллоҳ ўртасида воситачи қилган кимсаларнинг очиқ-равшан залолатини исботлаб бердилар.

Макка қаҳр-ғазабдан ёрилиб кетай дерди. Мушриклар ва бутпарастларнинг залолати ҳақида очиқ айтилган сўзларни эшитганида Макка аҳли ҳангу манг бўлиб қолди. Гўё кўкда чақмоқ чаққандай бўлди. Момақалдироқ гулдираб, яшин чақнаб, тинч-сокин муҳит зилзилага тушди. Қурайш бехосдан бош кўтарган ва унинг урф-одатларига ҳамда ота меросларига таҳдид солаётган бу қўзғолонни бостиришга уринди. Чунки улар иймон калимасининг маъноси Аллоҳдан ўзганинг илоҳлигини инкор қилиш эканини, рисолат ва охират кунига ишонишнинг маъноси эса бошқалар нари турсин, ҳатто ўзларининг молу жонларида ҳеч қандай ихтиёр қолмасдан буткул Аллоҳ ҳукмига тобе ва таслим бўлиш, дегани эканини яхши билардилар. Бинобарин, уларнинг дин номи билан ўзга араблардан юқори туришлари ҳам барҳам топиб, Аллоҳ ва Росули розилиги қаршисида Қурайшнинг розилиги ҳеч нарса бўлмай қоларди. Шунингдек, уларнинг ҳимоясиз кишилар устидан қилаётган зўравонликлари ва эрта-ю кеч асосий юмушлари бўлган ёмонликлар силсиласига ҳам чек қўйиларди. Ана шу маъноларни англаб етган Қурайш бундай «шармандали ҳолат»га асло рози бўлолмасди. Хайр ёки мукаррамлик учун эмас,

بَلۡ يُرِيدُ ٱلۡإِنسَٰنُ لِيَفۡجُرَ أَمَامَهُۥ ۝٥

«Балки инсон олдинда (келгуси ҳаётида ҳам) **фисқ-фужур** (гуноҳ амалларни) **қилмоқни истар!»** . “Қиёмат” сураси, 5-оят.

Қурайш юқоридагиларнинг ҳаммасига жуда яхши тушуниб турса-да, ота-боболарининг узоқ тарихи давомида на мисли ва на назири кўрилмаган гўзал ҳулқлар ва инсоний қадриятларнинг олий намунаси бўлган содиқ ва амин кишига қарши нима қилар эди?! Хўш, улар қандай йўл тутсинлар?! Қарши кураш масаласида Қурайшнинг боши қотди. Дарҳақиқат, вазият бошни қотириб қўядиган эди.

Ҳожиларни даъватга қулоқ солишдан тўсиш учун маслаҳат мажлиси

Шу кунларда бошқа бир масала Қурайшнинг бошини қотирарди. Даъват ошкор қилингандан сўнг бир неча ой ўтиб ҳаж мавсуми яқинлашиб қолди. Қурайш ҳаж зиёратига чор-атрофдан араблар келишини яхши биларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари ҳожиларга таъсир қилмаслиги учун Қурайш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам хусусида бирон нарса ўйлаб топиши керак эди. Улар Валид ибн Муғийранинг ҳузурига маслаҳат учун йиғилишди.

– Унинг хусусида бир гапга келишиб олинглар. Тағин ҳаммангиз ҳар

хил гапириб бир-бирингизни ёлғончига чиқариб, бирингизнинг гапи иккинчингизникига тўғри келмай юрмасин, – деб маслаҳат берди Валид.

– Сиз бирон гап айтинг, бизга бирон жўяли йўл кўрсатинг, – дейишди Валидга.

– Йўқ, сизлар гапиринглар, мен эшитаман.

– Биз уни коҳин, фолбин, деймиз.

– Йўқ, Аллоҳга қасамки, у коҳин эмас. Биз коҳинларни кўрганмиз. Бу коҳиннинг замзамалари ва қофияли сўзлари эмас, – деб инкор қилди Валид.

– Мажнун, деб айтамиз.

– Йўқ, у мажнун эмас. Биз мажнунлик нималигини яхши биламиз, мажнунликни кўрганмиз. Бу мажнуннинг талвасалари, телбаликлари ёки васвасалари эмас.

– Шоир, деб айтамиз.

– Йўқ, у шоир эмас. Биз шеърни: унинг ражази-ю, ҳажазини (шеър баҳрлари), назмини, унинг катта-ю кичигини жуда яхши биламиз. Бу шеър эмас.

– Сеҳргар, деб айтамиз.

– Йўқ, у сеҳргар эмас. Биз сеҳргарларни ҳам, сеҳрни ҳам кўп кўрганмиз. Бу сеҳргарларнинг куф-суфлари ёки тугун тугишлари эмас.

– Унда нима деймиз?

– Аллоҳга қасамки, унинг сўзида ҳаловат бор. Унинг асли бир-бирига боғланган, шохчалари эса серҳосил. Сизлар нима десангизлар ҳам, ёлғонлиги билиниб қолади. Яқинроқ келадигани сеҳргар, деб айтишингиздир. У шундай бир сўзни олиб келдики, бу сеҳр ота-ўғил, оға-ини ва эр-хотин ва киши билан қавми ўртасини ажратиб юборади, – деди Валид.

Қурайш шу қарорга келиб тарқалди.

"Ибн Ҳишом", 1/271; имом Байҳақий, Абу
Нуайм ва бошқалар ҳам ривоят қилганлар.

Баъзи ривоятларда қуйидагича қўшимча бор: «Валид ибн Муғийра қавми таклиф қилган барча гапни инкор қилгач, Қурайш унга деди:

– Унда ҳеч қандай нуқсони бўлмаган фикрингизни айтинг.

– Менга муҳлат беринглар, ўйлаб кўрай.

Валид ибн Муғийра ўйлай-ўйлай юқоридаги қарорга келди. Аллоҳ таоло «Муддассир» сурасида Валид ибн Муғийра хусусида ўн олти оят (11-26) нозил қилди. Уларда Валиднинг қандай фикр қилганлари ҳам баён этилган:

ذَرْنِي وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿١١﴾ وَجَعَلْتُ لَهُ مَالًا مَّمْدُودًا ﴿١٢﴾ وَبَنِينَ شُهُودًا ﴿١٣﴾
وَمَهَّدتُّ لَهُ تَمْهِيدًا ﴿١٤﴾ ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿١٥﴾ كَلَّا ۖ إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عَنِيدًا

﴿١٦﴾ سَأُرْهِقُهُۥ صَعُودًا ﴿١٧﴾ إِنَّهُۥ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾ فَقُتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ قُتِلَ
كَيْفَ قَدَّرَ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ نَظَرَ ﴿٢١﴾ ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ ﴿٢٢﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ وَٱسْتَكْبَرَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ إِنْ
هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ يُؤْثَرُ ﴿٢٤﴾ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا قَوْلُ ٱلْبَشَرِ ﴿٢٥﴾ سَأُصْلِيهِ سَقَرَ ﴿٢٦﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)**, Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг!** (Сўнгра) **Мен унга кенг-мўл мол-давлат ва** (доимо ёнида) **ҳозиру нозир ўғилларни** (ато) **қилдим. Яна унга** (ҳаётнинг барча неъматларини) **қулай-осон қилиб қўйдим. Сўнгра у яна зиёда қилишимни таъма қилур. Йўқ,** (унинг таъмаси беҳудадир)**! Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчидир. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга** (яъни, ўтиб бўлмас тўсиққа) **дучор қилажакман! Чунки у** (Қуръонни эшитгач, бу Илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) **ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Сўнгра у** (ўйлаган режаларига) **қаради. Сўнгра** (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) **тириштирди ва** (афтини) **буриштирди. Сўнгра** (Ҳақдан) **юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди. Бас, у: «Бу** (Қуръон Аллоҳнинг Сўзи эмас, балки) **фақат** (аввалгилардан) **нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир», деди».**

Хуллас, Қурайш маслаҳатни бир жойга қўйиб, ишга киришди. Улар ҳажга келганлар ўтадиган йўл бўйига ўтириб олиб дуч келган йўловчига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабарларини бериб, уни огоҳлантирар эдилар. (“Ибн Ҳишом”, 1/172.) Бу ишда Абу Лаҳаб қаттиқ жонбозлик кўрсатди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж мавсумида зиёратчиларнинг қўнган манзилларига, Укоз, Мажанна ва Зул-мажоз каби бозорларга бориб одамларни даъват қилсалар, Абу Лаҳаб Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларидан юриб: «Унга эргашманглар, у диндан қайтган ёлғончи», дерди.

“Муснаду Аҳмад”, 3/294, 4/341, “Ал-бидая ван-ниҳая”, 5/75; “Канзул-уммал”, 12/449, 450.

Бунинг натижаси шу бўлдики, ҳаж мавсумида араблар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларини олиб қайтишди ва бутун араб ерларига Пайғамбар чиққанлиги ҳақидаги хабар тарқалди.

Қурайшнинг даъватга қарши қўллаган турли услублари

Қўллаган чора-тадбирлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватдан тўхтата олмаганини кўриб, Қурайш яна бир бор фикр қилиб кўрди. Улар даъватга қарши турли услубларни ўйлаб топишди. Қуйида уларнинг қисқача баёни билан танишамиз:

1. Масхаралаш, ҳақоратлаш, истеҳзо, ёлғонга чиқариш

Мушриклар ана шу тарика мусулмонларни заифлаштириб, уларнинг

маънавий қувватларини синдирмоқчи бўлишди. Қурайш Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турли масхараомуз лақаблар тўқиб, ҳақоратлашга тушди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мажнун, деб аташди:

وَقَالُوا۟ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِى نُزِّلَ عَلَيْهِ ٱلذِّكْرُ إِنَّكَ لَمَجْنُونٌ ﴿٦﴾ لَّوْ مَا تَأْتِينَا بِٱلْمَلَـٰٓئِكَةِ
إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّـٰدِقِينَ ﴿٧﴾

«Улар (яъни, Макка кофирлари Муҳаммад алайҳис-саломни масхара қилишиб)**: «Эй ўзига эслатма-Қуръон нозил қилинган,** (деб даъво қилаётган) **киши, дарҳақиқат, сен мажнунсан. Агар** (“Мен Аллоҳнинг пайғамбариман”, деган даъвоингда) **ростгўйлардан бўлсанг, бизга** (сўзларингни тасдиқлайдиган) **фаришталарни келтиргин-чи”, дедилар».** “Ҳижр” сураси, 6-7-оятлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни сеҳргар ва ёлғончи дейишди:

وَعَجِبُوٓا۟ أَن جَآءَهُم مُّنذِرٌ مِّنْهُمْ ۖ وَقَالَ ٱلْكَـٰفِرُونَ هَـٰذَا سَـٰحِرٌ كَذَّابٌ ﴿٤﴾

«(Макка мушриклари) **уларга ўзларидан** (яъни, башар авлодидан) **бўлган бир огоҳлантирувчи Пайғамбар келганидан ажабландилар ва у кофирлар дедилар: «Бу бир ёлғончи сеҳргардир».**

“Сод” сураси, 4-оят.

Мушриклар қаҳр-ғазабга тўлиб, оч ва адоватли кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қарши олишар, кузатиб қолишарди.

وَإِن يَكَادُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَيُزْلِقُونَكَ بِأَبْصَـٰرِهِمْ لَمَّا سَمِعُوا۟ ٱلذِّكْرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُۥ
لَمَجْنُونٌ ﴿٥١﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)**, албатта кофир бўлган кимсалар Эслатма-Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар ва** (Муҳаммад) **шак-шубҳасиз, мажнундир, дерлар».**

“Қалам” сураси, 51-оят.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камбағал-бечора асҳоблари билан ўтирганини кўришса:

وَكَذَٰلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِّيَقُولُوٓا۟ أَهَـٰٓؤُلَآءِ مَنَّ ٱللَّهُ عَلَيْهِم مِّنۢ بَيْنِنَآ ۗ
أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَعْلَمَ بِٱلشَّـٰكِرِينَ ﴿٥٣﴾

«Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Аллоҳ инъом қилган

эмишми?!» дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир шукр қилувчиларни Аллоҳ яхшироқ билувчи эмасми?!». “Анъом” сураси, 53-оят.

Қуръони Карим мушрикларнинг мўминларга қилган ёмон қилмишларини қуйидагича ҳикоя қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ أَجْرَمُواْ كَانُواْ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ يَضْحَكُونَ ﴿٢٩﴾ وَإِذَا مَرُّواْ بِهِمْ يَتَغَامَزُونَ ﴿٣٠﴾ وَإِذَا ٱنقَلَبُوٓاْ إِلَىٰٓ أَهْلِهِمُ ٱنقَلَبُواْ فَكِهِينَ ﴿٣١﴾ وَإِذَا رَأَوْهُمْ قَالُوٓاْ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ لَضَآلُّونَ ﴿٣٢﴾ وَمَآ أُرْسِلُواْ عَلَيْهِمْ حَٰفِظِينَ ﴿٣٣﴾

«Дарвоқе, жинояткор – кофир кимсалар иймон келтирган зотлардан (масхара қилиб) **кулувчи бўлдилар. Қачон** (мўминлар) **уларнинг олдидан ўтсалар, улар бир-бирларига кўз қисишиб, имо-ишоралар қилурлар. Қачон уйларига қайтсалар,** (мўминларни масхара қилиб озор берганларидан) **шодланиб қайтардилар. Қачон** (мўминларни) **кўрсалар: «Ана улар, шак-шубҳасиз, йўлдан озувчи кимсалардир», дердилар. Ҳолбуки, улар** (мўминларнинг) **устига қўриқчи қилиб юборилган эмасдилар».**

“Мутаффифун” сураси, 29-33-оятлар.

Уларнинг масхараю истеҳзолари, таъналу озорлари кундан-кун зиёдалашиб, охир-оқибат бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига ўз таъсирини кўрсатди. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّكَ يَضِيقُ صَدْرُكَ بِمَا يَقُولُونَ ﴿٩٧﴾

«Шак-шубҳасиз, Биз улар (сизни масхара қилиб) **айтаётган сўзлардан дилингиз сиқилишини билурмиз»** (“Ҳижр” сураси, 97-оят) оятини нозил қилди, сўнг у зотнинг дилларига таскин бериб, бу сиқилишни кетказадиган нарсага буюрди:

فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَكُن مِّنَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٩٨﴾ وَٱعْبُدْ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأْتِيَكَ ٱلْيَقِينُ ﴿٩٩﴾

«Бас, сиз Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни «шерик»лардан) **покланг ва сажда қилувчилардан бўлинг** (шунда Аллоҳ дилингиздаги ғам-аламни кетказур! Шунингдек)**, то сизга аниқ-нарса** (яъни, ўлим соати) **келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг**!» (“Ҳижр” сураси, 98-99-оятлар). Илгарироқ эса у масхараловчиларга Ўзи кифоя қилишини хабар берганди:

إِنَّا كَفَيْنَٰكَ ٱلْمُسْتَهْزِءِينَ ﴿٩٥﴾ ٱلَّذِينَ يَجْعَلُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ ۚ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٩٦﴾

«Албатта, Биз Ўзимиз сизни масхара қилгувчиларга (яъни, уларни ҳалок этиш учун) **кифоя қилурмиз. Улар Аллоҳга яна бошқа «илоҳ»ларни** (шерик) **қилурлар. Бас, яқинда** (Қиёмат Кунида бу қилмишларининг оқибатини) **билиб олурлар»** ("Ҳижр" сураси, 95-96-оятлар), шунингдек уларнинг бу қилмишлари охир-оқибат ўз бошларига бало бўлишини хабар берди:

وَلَقَدِ ٱسْتُهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِٱلَّذِينَ سَخِرُوا۟ مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١٠﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам масхара қилиб кулинган. Сўнг уларни масхара қилган кимсаларни ўша масхара-кулгилари ўраб,** (домига тортиб) **кетган** (яъни, ҳалок қилган)**».** "Анъом" сураси, 10-оят.

2. Шубҳалар қўзғаш, ёлғон даъволарни кўпайтириш

Мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган илоҳий таълимотни қоралаб, у ҳақда турли бўҳтонлар ва шубҳа-гумонлар тарқатишди. Халқни даъватдан ва даъват моҳияти ҳақида тафаккур юритишдан буткул тўсиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришди. Улар Қуръон ҳақида:

بَلْ قَالُوٓا۟ أَضْغَٰثُ أَحْلَٰمٍۭ بَلِ ٱفْتَرَىٰهُ بَلْ هُوَ شَاعِرٌ فَلْيَأْتِنَا بِـَٔايَةٍ كَمَآ أُرْسِلَ ٱلْأَوَّلُونَ ﴿٥﴾

«Балки, дедилар улар (Муҳаммад ваҳий, деб даъво қилаётган сўзлар) **– алоқ-чалоқ тушлардир», балки** (бу сўзларни) **у ўзи тўқиб олгандир, балки у бир шоирдир. Бас, у ҳам илгари юборилган пайғамбарлар** (келтирганлари) **каби бирон оят-мўъжиза келтирсин!»** ("Анбиё" сураси, 5-оят) дейишди;

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُۥ بَشَرٌ ... ﴿١٠٣﴾

«Аниқки, Биз уларнинг "(Қуръонни Муҳаммадга) **бирон одам ўргатмоқда", деяётганини билурмиз...** ("Наҳл" сураси, 103-оятдан) дейишди;

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَٰذَآ إِلَّآ إِفْكٌ ٱفْتَرَىٰهُ وَأَعَانَهُۥ عَلَيْهِ قَوْمٌ ءَاخَرُونَ ۖ

فَقَدْ جَآءُو ظُلْمًا وَزُورًا ﴿٤﴾ وَقَالُوٓا۟ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ٱكْتَتَبَهَا فَهِىَ تُمْلَىٰ عَلَيْهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٥﴾

«Кофир бўлган кимсалар: **“**(Бу Қуръон) **фақат** (Муҳаммад) **ўзи тўқиб олган бир ёлғондир. Унга бу** (ёлғонни тўқишда) **бошқа бир қавм** (айрим аҳли китоблар) **ёрдам қилган», деб куфр келтиришди ва буҳтон қилишди. Яна улар «**(Бу) **аввалгилардан қолган афсоналардир.** (Муҳаммад) **уларни кўчириб олган. Бас,** (бу афсоналар біровлар томонидан) **унга эрта-ю кеч ўқиб берилур», дедилар».** “Фурқон” сураси, 4-5-оятлар.

Гоҳо улар: «Муҳаммаднинг ҳам бошқа коҳин-фолбинларга ўхшаб ўз жини ё шайтони бор», дейишди. Аллоҳ таоло уларнинг бу сўзларини рад қилиб, шундай деди:

هَلْ أُنَبِّئُكُمْ عَلَىٰ مَن تَنَزَّلُ ٱلشَّيَٰطِينُ ﴿٢٢١﴾ تَنَزَّلُ عَلَىٰ كُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٍ ﴿٢٢٢﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом)**, айтинг: «Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушади»** (“Шуаро” сураси, 221-222-оятлар). Яъни, улар гуноҳлар билан булғанган, фожир ва каззоб кимсага тушади, сизлар менинг на бирон ёлғон сўз айтганимни биласиз ва на менда бирон фисқу фужурни кўргансиз. Шундай экан, қандай қилиб Қуръонни шайтонлар туширган, деб айтасиз?!

Гоҳо улар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида: «Унга жунун етган, шоирлар каби хаёлига келган нарсаларни чиройли ва жозибадор сўзларга айлантириб ўқийди, у шоир, айтаётган сўзлари эса шеър», дейишди. Аллоҳ таоло уларнинг бу сўзларини ҳам рад қилди:

وَٱلشُّعَرَآءُ يَتَّبِعُهُمُ ٱلْغَاوُۥنَ ﴿٢٢٤﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّهُمْ فِى كُلِّ وَادٍ يَهِيمُونَ ﴿٢٢٥﴾ وَأَنَّهُمْ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ ﴿٢٢٦﴾

«Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) **ҳар водийда дайдишларини ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?!».**

“Шуаро” сураси, 224-226-оятлар.

Шоирларда бўладиган мазкур учта сифатдан бирортаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламда кузатилмаган эди: у зотга эргашган кишилар ҳидоятланган ва ўзгаларни ҳам ҳидоятга бошловчи, тақводор, динда ҳам, хулқ-атворда ҳам, иш-ҳаракатларида ҳам солиҳ зотлар эди, уларда залолатнинг асари ҳам йўқ эди. Сўнг Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам шоирларга ўхшаб ҳар водийда дайдимас, фақат ягона Аллоҳга, битта дин ва битта йўлга даъват қилардилар. Яна У зот фақат ўзлари амал қиладиган сўзларни айтардилар, айтганларига амал қилардилар. Шундай экан, у зот қаердалар-у, шеър ва шоирлар қаёқда?!

Ҳоказо, Аллоҳ таоло мушрикларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръонга ва Исломга қарши ўйлаб топаётган ҳар қандай шубҳаларини шу каби қаноатлантирарли жавоблар билан парчалаб ташлади.

Уларнинг асосий шубҳалари аввало тавҳид ҳақида, сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатлари ҳақида, сўнгра ўлгандан сўнг Қиёматда қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб учун жамланиш ҳақида эди. Қуръон уларнинг тавҳид борасидаги барча шубҳаларига жавоб айтибгина қолмай, бу масалани ҳар томонлама изоҳлаб берадиган қўшимчаларни зиёда ҳам қилди, уларнинг олиҳаларининг нақадар ожиз эканини баён қилди. Мушрикларнинг қаҳр-ғазаблари алангаланишига сабаб шу бўлса ажаб эмас.

Уларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатлари хусусидаги шубҳаларига келсак, улар у зотнинг ростгўй, омонатдор, ғоятда солиҳ ва тақводор эканларини эътироф қилишса-да, бироқ нубувват ва рисолат мансабини инсон зотига берилишдан улуғ ва юқори нарса деб эътиқод қилишарди. Уларнинг эътиқоди бўйича, одамзот Росул-элчи бўлолмас, Росул инсон зотидан бўлиши мумкин эмасди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликларини эълон қилиб, ўзларига иймон келтиришга чақиргач, улар ҳанг-манг бўлиб қолдилар ва у зот ҳақларида:

وَقَالُواْ مَالِ هَٰذَا ٱلرَّسُولِ يَأۡكُلُ ٱلطَّعَامَ وَيَمۡشِي فِي ٱلۡأَسۡوَاقِ

«Яна улар (масхара қилишиб)**: ”Нега бу пайғамбар** (оддий одамлардек) **таом ер ва бозорларда юрар?!»** (“Фурқон” сураси, 7-оятдан) дейишди;

«Муҳаммад бир инсон:

وَمَا قَدَرُواْ ٱللَّهَ حَقَّ قَدۡرِهِۦٓ...

“Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилган эмас...», дейишди. Аллоҳ таоло уларнинг бу сўзларига жавобан деди:

... قُلۡ مَنۡ أَنزَلَ ٱلۡكِتَٰبَ ٱلَّذِي جَآءَ بِهِۦ مُوسَىٰ نُورٗا وَهُدٗى لِّلنَّاسِۖ ... ﴿٩١﴾

«Айтинг: «Одамлар учун нур ва ҳидоят бўлган ҳолида Мусо келтирган... Китоб (Таврот)**ни ким нозил қилган эди?!...».**

“Анъом” сураси, 91-оятдан.

Улар Мусонинг инсон эканини билишар ва эътироф этишарди.

Уларга яна шундай жавоб бердики, ҳар бир қавм ўзларига келган пайғамбарнинг пайғамбарлигини инкор этаркан:

...قَالُوٓاْ إِنۡ أَنتُمۡ إِلَّا بَشَرٞ مِّثۡلُنَا تُرِيدُونَ ... ﴿١٠﴾ قَالَتۡ لَهُمۡ رُسُلُهُمۡ إِن نَّحۡنُ إِلَّا

بَشَرٞ مِّثۡلُكُمۡ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۖ ... ﴿١١﴾

«...Улар дедилар: “Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз...»... дейишганди, шунда **«Пайғамбарлари уларга айтдилар: «**(Ҳа), **биз ҳам худди сизларга ўхшаган одамлармиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларига** (пайғамбарлик) **инъом қилур...».** “Иброҳим” сураси, 10-11-оятлардан.

Демак, пайғамбар ва росуллар одамлардан бўлади, пайғамбарлик билан инсонлик ўртасида зиддият йўқ.

Улар Иброҳим, Исмоил ва Мусо алайҳимус-саломнинг пайғамбар ва инсон бўлганликларини эътироф этишлари боис бу шубҳаларида қайсарлик билан қаттиқ тураверишдан наф йўқлигини тушуниб, бошқа томондан шубҳа қўзишди: «Аллоҳ ўзининг элчилигига шу бир етим ва мискиндан бошқасини тополмабдими, Макка ва Тоифнинг зодагонлари қолиб, шу мискинни элчи қиладими?!

وَقَالُواْ لَوۡلَا نُزِّلَ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانُ عَلَىٰ رَجُلٖ مِّنَ ٱلۡقَرۡيَتَيۡنِ عَظِيمٍ ﴿٣١﴾

“Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқ (яъни, Макка ва Тоифнинг бири)**дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди»,** дедилар».

Аллоҳ таоло уларга жавобан нозил қилди:

أَهُمۡ يَقۡسِمُونَ رَحۡمَتَ رَبِّكَۚ ... ﴿٣٢﴾

«Парвардигорингиз раҳматини ўшалар тақсимлайдиларми?!...».
“Зухруф” сураси, 31-, 32-оятдан.

Яъни, рисолат ва ваҳий Аллоҳнинг раҳмати:

...ٱللَّهُ أَعۡلَمُ حَيۡثُ يَجۡعَلُ رِسَالَتَهُۥۗ ... ﴿١٢٤﴾

«...Аллоҳ Ўз рисолатини қаерга қўйишни яхшироқ билувчидир...». “Анъом” сураси, 124-оятдан.

Шундан сўнг бошқа бир шубҳани ўртага ташлашди: Дунё подшоҳларининг элчилари дабдаба-ю асъасалар ичра, бир гуруҳ хизматкорлар ҳамроҳлигида юришади, ҳаётнинг ҳамма қулайликлари улар учун муҳайё, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси бўлса, унда нима учун тирикчилик ғамида бозорларга чиқади?!

وَقَالُواْ مَالِ هَٰذَا ٱلرَّسُولِ يَأۡكُلُ ٱلطَّعَامَ وَيَمۡشِي فِي ٱلۡأَسۡوَاقِ لَوۡلَآ

أُنزِلَ إِلَيْهِ مَلَكٌ فَيَكُونَ مَعَهُۥ نَذِيرًا ﴿٧﴾ أَوْ يُلْقَىٰٓ إِلَيْهِ كَنزٌ أَوْ تَكُونُ لَهُۥ
جَنَّةٌ يَأْكُلُ مِنْهَا ۚ وَقَالَ ٱلظَّٰلِمُونَ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَّسْحُورًا ﴿٨﴾

«Нега бу пайғамбар (оддий одамлардек) **таом ейди ва бозорларда юради?! Унга** (пайғамбарлигини тасдиқлайдиган) **бирон фаришта туширилиб, у билан бирга қўрқитувчи бўлса эди. Ёки унга** (осмондан) **хазина ташланса** (ва у бозорларда савдо-сотиқ билан тирикчилик ўтказмай, ўша хазинадан сарф қилиб юрса) **эди, ёхуд унинг учун бир боғу-бўстон бўлиб, у** (фақат ўша боғдан) **еб-ичса эди», дедилар. Бу золим кимсалар** (мўминларга)**: «Сизлар фақат бир сеҳрланган – ақлдан озган кишига эргашмоқдасиз», дедилар».** “Фурқон” сураси, 7-8-оятлар.

Уларнинг бу шубҳаларига жавобан айтилдики: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам элчидир, яъни унинг вазифаси Аллоҳнинг рисолатини катта-ю кичик, кучли-ю кучсиз, бою камбағал, озоду қулга, ҳамма-ҳаммага етказишдир, агар у дунё подшоҳларининг элчилари каби дабдаба ва ҳашаматлар билан, хизматкору қўриқчилар орасида юрса, заиф ва бечора кишилар унинг ҳузурига етиб боришолмас ва ундан фойдаланиша олмас эди, ҳолбуки халқнинг асосий қисми ўшандай кишилар бўлади, демак у ҳолда рисолат-элчиликдан кўзда тутилган мақсад ҳосил бўлмай қолар ва у деярли фойда келтирмас эди.

Ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилишлари ажабланиш, узоқ санаш ва ақлга сиғдиролмаслик жиҳатидан эди. Айтишардики:

أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ ﴿١٦﴾ أَوَءَابَآؤُنَا ٱلْأَوَّلُونَ ﴿١٧﴾

«Бизлар ўлиб тупроқ ва суякларга айланиб кетган чоғимизда ростдан ҳам яна қайта тирилар эканмизми?! Аввал (ўтиб кетган) **ота-боболаримиз ҳам-а?!».** “Соффат” сураси, 16-17-оятлар.

...ذَٰلِكَ رَجْعٌۢ بَعِيدٌ ﴿٣﴾

«...Бу жуда узоқ (ақл бовар қилмайдиган) **қайтишдир!».** (“Қоф” сураси, 3-оятдан) дейишарди. Қайта тирилишни узоқ санаб:

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ هَلْ نَدُلُّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ يُنَبِّئُكُمْ إِذَا مُزِّقْتُمْ كُلَّ مُمَزَّقٍ إِنَّكُمْ
لَفِى خَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿٧﴾ أَفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَم بِهِۦ جِنَّةٌۢ ۗ بَلِ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ
بِٱلْءَاخِرَةِ فِى ٱلْعَذَابِ وَٱلضَّلَٰلِ ٱلْبَعِيدِ ﴿٨﴾

“Кофир бўлган кимсалар эса: “Сизларга (қабрларингизда чириб)

титилиб, бўлак-бўлак бўлиб кетган вақтингизда, шак-шубҳасиз, яна янгитдан яратилурсизлар, деб хабар берадиган бир кишини кўрсатайликми? У Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиб олдими ёки жинни бўлиб қолдими?”, дедилар. Йўқ, (Муҳаммад алайҳис-салом ёлғон тўқиб олгани ҳам, жинни бўлиб қолгани ҳам йўқ, балки) **охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг ўзлари азобда ва** (ҳақ йўлдан) **йироқ залолатдадирлар”.** “Сабаъ” сураси, 7-8-оятлар.

Мана бундай мазмунда шеър ҳам айтишганди:

Ўлгандан сўнг тирилиш?!
Маҳшаргоҳда терилиш?!
Бу гаплар бари чўпчак,
Эски афсона, эртак!

Бу шубҳаларига дунёда жорий бўлаётган ишларни уларнинг кўз олдиларига олиб келиш билан жавоб берди. Чунончи, золим ўзи қилган зулмлар жазосини кўрмай ўлмоқда, мазлум ўзига зулм қилган кишидан интиқом ололмай ўлиб кетмоқда, муҳсин, солиҳ инсон солиҳлиги ва эҳсонининг мукофотини кўрмай дунёдан ўтмоқда, фожир, ёмон кимсанинг қилган ёмонликлари жазосиз қолмоқда. Агар ўлимдан сўнг қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, дунёда қилинган ҳар бир ишнинг жазо ва мукофотини бериш бўлмаса, ҳамма баробар қолаверар, балки золим ва фожир кимсалар мазлум ва солиҳ инсонлардан кўра бахтлироқ бўлган бўлур эдилар. Бу эса мутлақо ақлга тўғри келмайдиган бир иш. Аллоҳ таоло Ўзи яратган халқларнинг низомини бундай фасод устига бино қилиши асло мумкин эмас. Аллоҳ таоло айтди:

أَفَنَجۡعَلُ ٱلۡمُسۡلِمِينَ كَٱلۡمُجۡرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمۡ كَيۡفَ تَحۡكُمُونَ ﴿٣٦﴾

«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қиламизми?! (Эй мушриклар), **сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?».** “Қалам” сураси, 35-36-оятлар.

أَمۡ نَجۡعَلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ كَٱلۡمُفۡسِدِينَ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَمۡ نَجۡعَلُ
ٱلۡمُتَّقِينَ كَٱلۡفُجَّارِ ﴿٢٨﴾

«Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўяр эканмизми?! Балки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўяр эканмизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!)**».**

“Сод” сураси, 28-оят.

أَمۡ حَسِبَ ٱلَّذِينَ ٱجۡتَرَحُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن نَّجۡعَلَهُمۡ كَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ
ٱلصَّٰلِحَٰتِ سَوَآءٗ مَّحۡيَاهُمۡ وَمَمَاتُهُمۡۚ سَآءَ مَا يَحۡكُمُونَ ﴿٢١﴾

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар, Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) **баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон** (нотўғри) **ҳукм қилурлар-а?!»**

"Жосия" сураси, 21-оят.

Қайта тирилишни ақлга сиғдиролмасликларига жавобан Аллоҳ таоло шундай оятлар нозил қилди:

ءَأَنتُمْ أَشَدُّ خَلْقًا أَمِ ٱلسَّمَآءُ ۚ ... ﴿٢٧﴾

"(Эй мушриклар), **сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними...".**

"Нозиот" сураси, 27-оятдан.

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَلَمْ يَعْىَ بِخَلْقِهِنَّ بِقَـٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يُحْـِۧىَ ٱلْمَوْتَىٰ ۚ بَلَىٰٓ إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٣﴾

«Ахир улар (охиратда қайта тирилиш ҳақ эканини инкор қилувчи кимсалар) **осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишга ожизлик қилиб қолмаган зот — Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодир эканлигини** (ўйлаб) **кўрмадиларми?! Йўқ, албатта** (Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодирдир). **Зеро, У зот барча нарсага қодирдир».**

"Аҳқоф" сураси, 33-оят.

وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ ٱلنَّشْأَةَ ٱلْأُولَىٰ فَلَوْلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾

«Дарвоқе, сизлар дастлабки пайдо бўлишларингиз (қандай бўлгани)**ни билдинглар-ку! Бас, эслатма-ибрат олмайсизларми?!».**

"Воқеа" сураси, 62-оят.

Ақлий ва урфий жиҳатдан маъруф бўлган нарсани баён қилди, яъни қайта тирилтириш аввал бошда яратишдан кўра осондир:

وَهُوَ ٱلَّذِى يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ ۚ ... ﴿٢٧﴾

«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (Қиёмат кунида) **Ўзи яна қайта яратадиган зотдир.** (Қайта яратиш — тирилтириш) **У зот учун** (илк бор йўқдан бор қилишдан кўра) **жуда осондир...».**

"Рум" сураси, 27-оятдан.

...كَمَا بَدَأْنَآ أَوَّلَ خَلْقٍ نُّعِيدُهُۥ ۚ ... ﴿١٠٤﴾

«...Биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) **қайтарурмиз...».**

"Анбиё" сураси, 104-оятдан.

أَفَعَيِينَا بِٱلۡخَلۡقِ ٱلۡأَوَّلِۚ بَلۡ ... ﴿١٥﴾

«Ахир Биз аввалги яратишга (яъни, йўқдан бор қилишга) **ожизлик қилдикми? Йўқ,** (ожизлик қилмадик, демак тупроққа айланган жасадларга қайта жон ато этишга ҳам ожизлик қилмаймиз)**...».**

“Қоф” сураси, 15-оятдан.

Ҳоказо, уларнинг барча шубҳаларига ақли бор ҳар қандай одамни қаноатлантирадиган мана шундай кучли ва мантиқий жавоблар билан раддиялар берди. Бироқ, улар ер юзида зулму зўравонлик қилишни ва халқларга ўз фикрларини мажбуран ўтказишни истайдиган жанжалкаш, мутакаббир кимсалар бўлганидан ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юрганча қолаверишди.

3. Одамларни Қуръонга қулоқ солишдан тўсиш ва аввалгиларнинг афсоналарини Қуръонга қарши қўйиш

Мушриклар шубҳалар қўзиш билангина чекланиб қолмай, балки қўлларидан келган ҳар қандай йўл билан одамларни Қуръонга ва Ислом даъватига қулоқ солишдан тўсишга уринишарди. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганларини, даъват қилишга ҳозирланаётганларини ёки у зотнинг Қуръон тиловат қилаётганларини кўришса, одамларни узоқроққа ҳайдашар, шовқин-сурон кўтаришар, куй-қўшиқлар билан ўйин-кулгилар бошлаб юборишар эди. Аллоҳ таоло айтади:

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَا تَسۡمَعُواْ لِهَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ وَٱلۡغَوۡاْ فِيهِ لَعَلَّكُمۡ تَغۡلِبُونَ ﴿٢٦﴾

«Кофир бўлган кимсалар (бир-бирларига: «Муҳаммад тиловат қилаётган вақтда) **сизлар бу Қуръонга қулоқ солманглар ва** (уни ўзгаларга ҳам эшиттирмаслик учун оғизларингизга келган гапни) **жаврайверинглар** (шунда) **шояд ғолиб бўлсангизлар», дедилар».**

“Фуссилат” сураси, 26-оят.

Ҳатто, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг йиғин ва мажлисларида уларга Қуръон оятларини тиловат қилишга фақатгина бешинчи йилнинг охирларига келибгина қодир бўлдилар. Шунда ҳам уларга ўз қасдларини олдиндан билдирмасдан, бирданига бошлаб юборардилар.

Қурайш шайтонларидан бири бўлган Назр ибн Ҳорис Ҳийрага бориб, у ердан форс шоҳлари ҳақидаги, Рустам ва Исфандиёр ҳақидаги ривоятларни ўрганиб келди. Қачон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга Аллоҳни эслатиб, уларни Аллоҳ азобидан огоҳлантирмоқчи бўлсалар, Назр ибн Ҳорис ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан етиб келарди.

– Аллоҳга қасамки, Муҳаммад менчалик яхши гапира олмайди, – деб одамларга форс шоҳлари, Рустаму Исфандиёр ҳақида гапира бошларди. Сўнг «Муҳаммад нимаси билан мендан яхшироқ

гапиради?!», дерди. Ибн Ҳишомдан қисқартирилган ҳолда келтирилди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоятида айтилишича, Назр ибн Ҳорис қўшиқ айтадиган жория сотиб олиб, кимнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мойиллик билдирганини эшитиб қолса, уни етаклаб жориясининг ёнига олиб келар, жорияси ҳалиги одамга таом узатиб, шароблар қуйиб бериб, қўшиқлар куйлаб, унинг Исломга мойиллиги йўқолмагунга қадар машғул бўларди. Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти Назр ибн Ҳорис хусусида нозил бўлган:

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَشۡتَرِي لَهۡوَ ٱلۡحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ بِغَيۡرِ عِلۡمٖ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًاۚ ... ﴿٦﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) **Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у** (йўлни) **масхара қилиш учун беҳуда сўз**(лар)**ни сотиб олур...».**
“Луқмон” сураси, 6-оятдан. «Ад-дуррул-мансур», “Луқмон” сурасининг тафсири.

МЎМИНЛАРГА ҚИЛИНГАН ЗУЛМЛАР

Нубувватнинг тўртинчи йили бошларидан ошкор қилинган даъватга қарши Қурайш мушриклари юқоридаги услубларни бирма-бир қўллаб кўрдилар. Ҳафталар, ойлар шу зайлда ўтди. Мушриклар ҳали таъқиб ва тазйиқ йўлига ўтишмаган эди. Бироқ улар юқоридаги чора-тадбирлари даъватга қарши ҳеч қандай фойда бермаётганини кўргач, яна бир бор маслаҳат учун йиғилдилар. Ўзаро маслаҳат ва мунозарадан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг асҳобларига қарши қатъий қарорга келишди. Улар Исломга қарши кураш, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бериш, динга кирганларни қийноққа солиш ва уларга қарши турли жазо чораларини қўллаш йўлида ҳеч нарсани аямасликка қарор қилишди.

Қурайш ана шу қарорнинг татбиқига киришди. Ҳар бир қабила бошлиғи ўз қабиласидан Исломни қабул қилган кишиларини ўзи турли-туман қийноққа сола бошлади. Ҳар бир саййид ўзининг иймон йўлини танлаган қулига азоб берарди.

Табиийки, зодагон ва оқсоқолларнинг думлари ва малайлари ҳам ўз хожаларини рози қилиш учун ҳар қандай разилликдан қайтишмасди, мусулмонларга, айниқса, улар ичидаги ожизу нотавон кишиларга нисбатан даҳшатли азобларни қўллашар, улар қилган ваҳшийликларни эслашдан кишининг эти сесканади.

Абу Жаҳл бирон-бир обрўли ва ҳимоячилари бор одамнинг Исломга кирганини эшитиб қолса, унга қаттиқ дашномлар бериб, обрўсини тўкар ва мол-давлати ҳамда обрў-эътиборини йўқотиб юбориши билан таҳдидлар қиларди. Агар Исломга кирган киши заиф-ҳимоясиз

мўминлардан бўлса, уни урар, бошқаларни ҳам унга қарши гиж-гижларди. ”Ибн Ҳишом”, 1/320.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни ўзининг амакиси хурмо баргларидан тўқилган бўйрага ўраб, тагидан тутун тутатарди.

«Раҳматан лил-аламийн», 1/57.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг онаси ўғлининг мусулмон бўлганини билгач, унга овқат бермай қўйди ва уйидан ҳайдаб чиқарди. Илгари яхши еб-ичиб юрган Мусъаб розияллоҳу анҳунинг терилари қуруқшаб, илон терисига ўхшаб қолди.

«Усдул-ғоба», 4/406; «Талқиҳу фуҳуми аҳлил-асар», 60-с.

Суҳайб ибн Синон Румий ўзига берилган азобнинг зўридан ҳушидан айрилиб, нима деяётганини билмай қоларди.

«Ал-исоба»: 3,4/255, Ибн Саъд, 3/248.

Билол розияллоҳу анҳу Умайя ибн Халафнинг қули эди. Умайя унинг бўйнига арқон боғлаб, ёш болаларнинг қўлига бериб қўяр, улар Билол розияллоҳу анҳуни Макка тоғларида арқон билан етаклаб юришар, у эса “Аҳад! Аҳад!”, дерди. Қаттиқ тортишганидан бўйнида арқон излари кўриниб турарди. Умайя Билол розияллоҳу анҳуни маҳкам боғлаб қўйиб калтаклар, қуёшнинг тиғида ўтиришга мажбур қилар ва оч қолдирар эди. Энг қаттиқ азоби-айни кун қизиган пайтда Билол розияллоҳу анҳуни Макка дараларига олиб чиқиб, ерга ётқизар ва устидан катта тошни бостиришга амр қиларди. «Аллоҳга қасамки, ё шу ҳолатда ўлиб кетасан ёки Муҳаммадга куфр келтириб, Лот ва Уззога ибодат қиласан», деб зуғум қиларди Аллоҳнинг душмани. Кўкрагидан улкан тош босиб ётган Билол розияллоҳу анҳу эса: «Аҳад! Аҳад!», яъни Аллоҳ бир, ягона дер, «Агар бундан кўра ҳам ғазабингизни қўзғовчироқ бирон сўз билсам, албатта айтган бўлардим», деб қўшиб қўярди.

Бир куни Билол розияллоҳу анҳуни яна шундай қийнаб турганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўтиб қолди. Сиддиқ розияллоҳу анҳу Билол розияллоҳу анҳуни бир қора қул бадалига сотиб олди. Баъзилар беш ёки етти уқия кумуш эвазига сотиб олиб, озод қилган, дейишади. Бир уқия 37.44 гр га тўғри келади.

”Ибн Ҳишом”, 1/317,318. Ибн Касир тафсири, «Наҳл» сураси, 106-оят тафсири.

Бану Махзумнинг мавлоси (озод қилинган қули) бўлган Аммор ибн Ёсир* розияллоҳу анҳу ота-онаси билан биргаликда Исломни қабул қилган эди. Мушриклар Абу Жаҳл бошчилигида бу мўмин оилани кун

---

* «Усдул-ғоба» да Аммор ибн Ёсир ҳақларида шундай дейилади: Ёсир ибн Омир Ансий икки оғаси билан Ямандан ўз акасини излаб Маккага келади. Икки оға Яманга қайтади Ёсир эса шу ерда қолиб Бану Махзумдан бир чўрига уйланади. Ундан Амморни кўради. Кейинчалик чўрининг саййиди Абу Ҳузайфа ибн Муғийра чўрисини озод қилиб юборади. Аммор онаси Сумайяга қўшилиб озод бўлади. Шундай қилиб Бану Махзум Амморнинг валийсига, Ёсирнинг эса иттифоқчисига айланиб қолади.

қизиган пайтда Макка дараларига олиб чиқиб, унинг қайноқ ҳарорати билан азобларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам азобга солинган Аммор ва унинг ота-онаси ёнидан ўтар эканлар, шундай дедилар: «Эй Ёсир оиласи, сабр қилинглар, сизларга ваъда қилинган жой жаннатдир!». Ёсир қийноқ остида жон берди. Амморнинг онаси Сумайяни эса Абу Жаҳл остидан найза тиқиб ўлдирди. Сумайя Исломдаги энг биринчи шаҳида саналади. У Сумайя бинт Хайёт Абу Ҳузайфа ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ Махзумийнинг озод қилган чўриси бўлиб шаҳид қилинганда ёши улуғ, нимжон аёл эди. Мушриклар Аммор розияллоҳу анҳуга бир сафар қаттиқ иссиқ билан, бошқа сафар кўкрагига қип-қизил тош бостириб ва яна бир гал эса сувга пишиб, қаттиқ азоблар беришди. «Муҳаммадни ҳақорат қилмагунингча ёки Лот ва Уззо ҳақида яхши гап айтмагунингча сени тинч қўймаймиз», дейишарди мушриклар. Қийноқ остида уларнинг айтганларини қилишга мажбур бўлган Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу кўзларидан ёш оқизиб, узр сўраб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди:

مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنۡ أُكۡرِهَ وَقَلۡبُهُۥ مُطۡمَئِنُّۢ بِٱلۡإِيمَٰنِ ... ١٠٦

«Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) **кофир бўлса,** (Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур)**. Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда** (куфр калимасини айтишга) **мажбур қилинса,** (унинг иймонига зиён етмас)**...».** “Наҳл” сураси, 106-оятдан.

”Ибн Ҳишом”, 1/139,320. “Табақоту Ибн Саъд”, 3/248,249. “Ад-дуррул-мансур”, «Наҳл» сураси 106-оят тафсири.

Абу Фукайҳа – исми Афлаҳ – Бану Абдуд Дорнинг мавлоси, асли Азддан эди. Мушриклар унинг оёқларига темир кишан солиб, кун қизиб авжига чиққан пайти олиб чиқишар, кийимларини ечиб, ёткизиб, устига катта харсангтошни қўйиб қўйишар, қимир этолмасдан шу ҳолда ётавериб, ҳушини йўқотар эди. Бир марта оёғини арқон билан боғлаб, судрадилар, сўнг қизиган қум-тошлар устига ташлаб, қаттиқ бўғдилар, ҳатто ўлди, деб гумон қилишганди, ўлмай қолган экан. Шу пайт Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўтиб қолиб уни сотиб олдилар ва Аллоҳ йўлида озод қилдилар. ”Усдул-ғоба”, 5/248; “Ал-Исоба”, 7,8/152.

Хаббоб ибн Арат Умму Анмор бинти Сибаъ Хузоийянинг қули эди. У темирчи бўлган, Исломни қабул қилгач, хожаси унга ўт билан азоб берди, қиздирилган темирни унинг орқаларига ва бошига босиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга куфр келтиришга мажбурлар, бу эса унинг иймон ва Исломига заррача путур етказолмас эди. Мушриклар ҳам уни жуда қаттиқ қийнашди. Сочларидан ушлаб куч билан тортишди, бўйнини бураб-бураб қийнашди. Бир марта ёниб турган ўт устига ётқизишди, сўнг устидан тош бостиришди, ҳатто баданидан эриб оққан ёғ ўтни ўчириб қўйди.

”Усдул-ғоба”, 1/591, 592. “Талқиҳул-фуҳум”, 60-с.

Зиннира румлик жория эди. У ҳам Исломи сабабли қаттиқ азобга дучор бўлиб, кўзи кўрмай қолди. Мушриклар унга: «Лот ва Уззо сени кўзингдан маҳрум қилишди», дейишганда: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ундай эмас, бу Аллоҳ тарафидандир, агар Аллоҳ истаса Ўзи шифо беради», деди. Эртаси эрталаб кўзи тузалган ҳолда уйғонди. Шунда Қурайш: «Бу Муҳаммаднинг сеҳрларидан биттаси», дейишди.

”Табақоту Ибн Саъд”, 8/256; “Ибн Ҳишом”, 1/318.

Бану Зуҳранинг жорияси Умму Убайс Исломни қабул қилганди. Мушриклар, хусусан ўзининг хожаси Асвад ибн Абду Яғус уни қийноққа соларди. Бу кимса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ашаддий душманлардан ва у зотни масхара қилувчилардан бири бўлган. ”Ал-исоба”, 7,8/258.

Бану Адий уруғидан бўлмиш Умар ибн Муаммалнинг жорияси Исломни қабул қилганди, ўша кунларда мушрик бўлган Умар ибн Хаттоб уни чарчагунга қадар урарди. Уриб чарчагач, «Сени инмондан ноумид бўлмагунингча тек қўймайман», дерди. Шунда у: «Роббинг сени ҳам худди шундай қилади», дерди.

”Ибн Ҳишом”, 1/319; “Табақоту Ибн Саъд”, 8/256.

Наҳдия ва унинг қизи ҳам Исломни қабул қилгани туфайли азобга йўлиққан жориялардан эди. Улар Бану Абдуддорлик бир аёлнинг чўрилари эди. ”Ибн Ҳишом”, 1/318, 319.

Қийноққа солинган қуллардан бири Омир ибн Фуҳайра эди. У ҳам қийноқнинг зўридан ўзидан кетиб, нима деяётганини билмай қоларди.

”Табақоту Ибн Саъд”, 3/248.

Мазкур жория ва қулларни Абу Бакр – Аллоҳ уларнинг ҳаммаларидан рози бўлсин – мушриклардан сотиб олиб озод қилди. Отаси Абу Қуҳофа уни бу иши учун койиб: «Сен фақат заиф қул-чўриларни озод қилаяпсан, бунинг ўрнига куч-қувватли эркакларни озод қилсанг, ўзингни ҳимоя қилишар эди», деганида Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Мен бу ишим билан Аллоҳ юзини истаяпман», деб жавоб берди. Аллоҳ таоло Абу Бакрни мақтаб, душманларини эса маломат қилиб, қуйидаги оятларни туширди:

فَأَنذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّىٰ ﴿١٤﴾ لَا يَصْلَىٰهَآ إِلَّا ٱلْأَشْقَى ﴿١٥﴾ ٱلَّذِى كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٦﴾

«Бас, (эй инсонлар), **Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан – дўзахдан огоҳлантирдим. Унга фақат** (Ҳақни) **ёлғон деган ва** (иймон-эътиқоддан) **юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур!»**

“Лайл” сураси, 14-16-оятлар.

Бу кимса Умайя ибн Халаф ва унинг ҳамтовоқларидир.

وَسَيُجَنَّبُهَا ٱلْأَتْقَى ﴿١٧﴾ ٱلَّذِى يُؤْتِى مَالَهُۥ يَتَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾ وَمَا لِأَحَدٍ عِندَهُۥ مِن

نِّعۡمَةٖ تُجۡزَىٰٓ ۝١٩ إِلَّا ٱبۡتِغَآءَ وَجۡهِ رَبِّهِ ٱلۡأَعۡلَىٰ ۝٢٠ وَلَسَوۡفَ يَرۡضَىٰ ۝٢١

«Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) **сарф қиладиган тақводор зот у** (дўзах)**дан йироқ қилинур. У** (тақводор зот) **ҳузурида – зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир.** (Яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саховат кўрсатмайди). **У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини истаб** (мол-давлатини сарф қилур). **Ва яқинда** (Парвардигори унга ато этадиган мукофот – жаннат неъматларидан) **рози бўлур».** “Лайл” сураси, 17-21-оятлар.

У Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзига ҳам озорлар етди. Навфал ибн Хувайлид Авфий у билан Талҳа ибн Убайдуллоҳни намоздан ва диндан тўсиш учун иккисини бириктириб битта арқонга боғлаб қўйди, бироқ бунинг фойдаси бўлмади. Улар ундан қўрқмадилар, шу ҳолатда ҳам биргаликда намоз ўқийвердилар. Мана шу воқеа сабабли бу икковлари қаринайн (боғланганлар), деб аталдилар. Баъзи ривоятларда уларни боғлаб қўйган одам Талҳанинг акаси Усмон ибн Убайдуллоҳ эди, дейилади. ”Усдул-ғоба”, 2/468.

Хуллас, мушриклар бирон кишининг Исломга кирганини билишди, дегунча унга озор ва қийноқларни ёғдиришар, бу иш мусулмонларга, хусусан, уларнинг заиф-бечораларига нисбатан жуда осон эди. Зеро, уларнинг тарафини оладиган ва ҳимоялайдиган киши йўқ эди. Аммо Исломни қабул қилган обрў ва эътиборли кишиларга нисбатан иш бир оз қийинроқ эди. Чунки, улар қавмлари тарафидан ҳимоя ва кучга эга эдилар. Шу боис уларга озор етказиш учун қавмнинг оқсоқолларигина журъат қила олар, бу ҳам қаттиқ эҳтиёткорлик билан бўларди.

Мушрикларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муносабатлари

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан аҳвол қандай эди? Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дўсту душман ҳурмат кўзи билан қарайдиган, нодир табиатли, ажиб виқорли улуғ инсон эдилар. Фақат ҳурмат ва иззат-икромга муносиб бўлган бундай зотга қарши разиллик қилмоқ ёлғиз нодон ва ўта паст кимсаларнинг қўлидан келарди. Бунинг устига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макканинг таниқли кишиларидан бўлмиш Абу Толибнинг ҳимоясида эди. Насл-насаб ва одамлар ўртасидаги ҳурмат-эътибор борасида юқори мавқега эга бўлган Абу Толибдек кишининг ҳимоясини бузиб, унинг жигарига қарши қўл кўтаришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Шунинг учун Қурайш нима қилишни билмай қолди. Юзага келган вазият уларни бу боши берк кўчадан оқибати ёмон бўлмайдиган равишда чиқиб кетишлари учун соғлом фикр юритишга мажбур қилди. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят энг катта масъул шахс – Абу Толиб билан келишув

йўлини тутишга, бироқ у билан сўзлашувда ғоят ҳикмат ва жиддийликни лозим тутишга, шу билан бирга уни ўз фикрларига бўйсиндириш учун бироз махфий таҳдиду пўписа билан чўчитишга қарор қилишди.

Қурайш вакиллари Абу Толиб ҳузурида

Ибн Исҳоқ ёзади: «Қурайш улуғларининг бир неча нафари Абу Толибнинг олдига келиб шундай дейишди:

– Эй Абу Толиб, жиянингиз олиҳаларимизни ҳақорат қилди, динимизни ёмонлади. Бизни нодонга чиқариб, ота-боболаримизни адашганлардан деди. Сиз жиянингизни тўхтатинг ёки у билан бизнинг ўртамизни очиб қўйинг. Ахир сиз ҳам худди биз каби унинг йўлига юрмагансиз-ку! Ўзимиз сизга уни тинчитиб берамиз!

Абу Толиб уларга юмшоқ гапириб, чиройли муомала қилди. Қурайш вакиллари қайтиб кетишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз йўлларида собит туриб, Аллоҳ динини ёйиш ва унга даъват қилишда давом этдилар. ”Ибн Ҳишом”, 1/256.

Қурайш Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз даъватларида давом этаверишларини кўргач, бунга узоқ чидаб туролмади ва Абу Толибга иккинчи маротаба мурожаат қилишга, бу сафар аввалгисидан қаттиқроқ муомала қилишга қарор қилди.

Қурайш Абу Толибга пўписа қилади

Қурайш улуғлари Абу Толибнинг олдига келиб, шундай дейишди:

– Эй Абу Толиб, сиз бизнинг ёши улуғ, обрўли, эътиборли кишимизсиз. Биз сиздан жиянингизни тийиб қўйишингизни талаб қилдик, сиз ундай қилмадингиз. Аллоҳга қасамки, биз энди оталаримизнинг ҳақорат қилинишига, муқаддас туйғуларимизнинг топталишига, олиҳаларимизнинг айбланишига сабр қила олмаймиз. Ё сиз уни тўхтатасиз, ёки унга қўшиб сиз билан ҳам урушамиз. Майли, икки томоннинг бири ҳалок бўлсин.

Бу таҳдид ва қаттиқ талаб Абу Толибни ғамга солди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни чақиртириб келиб деди:

– Эй жияним, қавмингиз келиб менга шундай-шундай деб кетди. Менга ҳам, ўзингизга ҳам раҳмингиз келсин. Мен кўтара олмайдиган нарсани устимга юкламанг.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, амаким мени ҳимоясиз қолдирмоқчи, у менга ёрдам беришдан ожиз қолибди, деб ўйладилар.

– Эй амаки, Аллоҳга қасамки, шу ишни тарк қилгин, деб эвазига ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар ҳам, то Аллоҳ шу динни ғолиб этгунга қадар ёки шу йўлда ҳалок бўлгунимгача уни тарк қилмасман.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўлиб кетиб, йиғлаб юбордилар ва ўрниларидан турдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бурилиб кетар эканлар, Абу Толиб у кишини чақириб ўзига қаратди ва шундай деди:

– Боринг, эй жияним, хоҳлаган гапингизни гапиринг. Аллоҳга

қасамки, сизни ҳеч қачон ҳеч нарса учун ташлаб қўймайман.

«Ибн Ҳишом», 1/165, 166.

Сўнг қуйидаги мазмунда шеър ўқиди:

То тупроқни ёстиқ қилиб, қаро ерни қучгунча,
Қасам ичиб айтаманким, мен уларни тўсгайман.
Ошкор айтинг сўзингизни, маҳзун бўлиб юргунча
Қувнанг, токи кўзингизда доим шодлик кўргайман.

”Далоил ун-нубувва лил-Байҳақий”, 2/188.

Қурайш яна Абу Толиб ҳузурида

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъват йўлида давом этаётганларини кўрган Қурайш Абу Толибнинг ўз жиянидан воз кечмаганини тушунди. Демак, у жиянини деб қавмидан ажралишга ва улар билан душман бўлиб қолишга рози. Шундан сўнг Қурайш Валид ибн Муғийранинг Аммора исмли ўғлини олиб Абу Толибнинг олдига келди.

– Эй Абу Толиб, мана бу Қурайшнинг энг етук ва кўркам йигити. Сен шу йигитни ол. Унинг ақли ва кучи сеники. Уни ўзингга фарзанд қилиб ол, у сеники бўлади. Сенинг ва оталарингнинг динига қарши чиққан, қавмингнинг бирлигига путур етказган ва уларни нодонга чиқарган анави жиянингни эса бизга топшир. Биз уни ўлдирамиз. Ўшанда жон бошига жон бўлади.

– Аллоҳга қасамки, сизлар менга нақадар ёмон таклиф айтдингиз. Сизлар менга фарзандингизни берасизлар, мен уни сизларнинг ўрнингизга едириб-ичирайин-да, сизларга ўз ўғлимни берайин, сизлар уни ўлдиринглар?! Йўқ, Аллоҳга қасамки, бу ҳеч қачон бўлмайдиган иш.

Шунда Мутъим ибн Адий ибн Навфал ибн Абдуманоф гапга аралашди:

– Эй Абу Толиб, Аллоҳга қасамки, қавмингиз сизга инсоф қилди. Улар сиз ҳам ёмон кўрадиган нарсадан қутилишмоқчи. Сиз эса, кўриб турибманки, уларнинг ҳеч бир таклифини қабул қилмоқчи эмассиз.

– Йўқ, Аллоҳга қасамки, улар менга нисбатан инсоф қилишмади. Бироқ сен мени кўмаксиз қолдиришни ва менга қарши уларнинг ёнини олишни истаяпсан. Бор, билганингни қил! – деб жавоб берди Абу Толиб.

“Ибн Ҳишом”, 1/266, 267.

Қурайшнинг Абу Толиб билан олиб борган ҳар икки музокараси муваффақиятсиз тамомлангач ва Абу Толибни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватларидан тўсишга кўндириша олмагач, Қурайш шу пайтгача қўл уришга ботинмай келган ишни қилишга – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши очиқдан-очиқ тажовуз йўлини тутишга қарор қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши тажовузлар

Қурайш Ислом даъвати майдонга чиққанидан бери ўзи улуғ санаб ва эҳтиром қилиб келган одобу андишаларнинг ҳаммасини бир четкага

суриб қўйиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши ўзининг тажовузкорона ҳаракатларини бошлади. Албатта бу разилликнинг бошида ҳам Абу Лаҳаб турарди. Аслида Абу Лаҳаб ҳали Қурайш бундай қарорга келишидан анча илгари ўз «фаолият»ини бошлаган эди. Биз унинг Бану Ҳошим йиғинида ва Сафо тоғида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай муносабатда бўлганини юқорида айтиб ўтдик. Бир ривоятда Сафо тоғида Абу Лаҳабнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уриш учун қўлига тош олганлиги нақл қилинган.

Абу Лаҳаб Утба ва Утайба исмли икки ўғлини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки қизи Руқайя ва Умми Кулсумга уйлантирган эди. Рисолатдан кейин Абу Лаҳаб ўғилларидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларини талоқ қилишни қаттиқ туриб талаб қилди. Утба ва Утайба Руқайя ва Умми Кулсумнинг жавобини берди.

Имом Табароний Қатодадан ривоят қилган. Ибн Исҳоқ ривоятига кўра, Қурайш ҳам бунга қаттиқ уринган. “Ибн Ҳишом”, 1/652.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккинчи ўғиллари Абдуллоҳ вафот этганида Абу Лаҳаб қувончга тўлиб, ўз ҳамтовоқларидан «Муҳаммад абтар – насли давом этмайдиган бўлди!», деб суюнчи олиш учун югурганди.

Атодан ривоят қилинган, Ибн Касир тафсири, “Кавсар” сураси.

Абу Лаҳаб ҳаж мавсумида ва бозорларда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан изма-из юриб у кишини нафақат ёлғончига чиқарарди, балки Ториқ ибн Абдуллоҳ Муҳорибий ривоят қилишича, тош отиб Пайғамбаримизнинг товонларини қонга бўярди.

”Канзул-уммол”, 12/449.

Абу Лаҳабнинг хотини – Абу Суфён ибн Ҳарбнинг синглиси Умму Жамил Арво бинти Ҳарб ибн Умайя Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга душманлик қилишда эридан қолишмасди. У кечаси тикан ташиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларига ва эшикларининг олдига сочиб кетарди. Умму Жамил тили ёмон хотин бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турли бўҳтон ва туҳматларни тўқир, фитна оловига мой сепиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши имкони борича одамларни қайрарди. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда бу аёл «حمالة الحطب», яъни «тинмай ўтин орқалайдиган аёл», деб таърифланди. Умму Жамил ўзи ва эри ҳақида нозил бўлган илоҳий оятларни эшитгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб келди. Пайғамбаримиз Масжидул Ҳаромда Абу Бакр билан ўтирган эдилар. Қўлини тошга тўлдириб олган Умму Жамил у иккисининг олдига келиб тўхтади. Аллоҳ таоло унинг кўзини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмайдиган қилиб қўйди. Мушрика аёл фақат Абу Бакр розияллоҳу анҳунигина кўрарди.

– Эй Абу Бакр, соҳибинг қани? Эшитишимча, у мени ҳажв қилибди. Аллоҳга қасамки, агар уни топсам, оғзига мана шу тош билан ураман. Мен ҳам шоираман, – деди-да, Умму Жамил қуйидаги мазмунда шеър ўқиди:

Музаммамга осий бўлдик,
Унинг ишин инкор қилдик,
Динини ҳам ёмон кўрдик.

Сўнг Умму Жамил кетди. «Ё Росулуллоҳ, деб сўради Абу Бакр, у сизни кўриб турувди-ку?

– **У мени кўрмади,** – дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. – Аллоҳ унинг кўзини мендан тўсди".

"Сийрату Ибн Ҳишом", 1/335, 336.

Муҳаммад – мақталган, Музаммам эса қораланган, дегани. Мушриклар адоватлари туфайли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам исмларининг тескарисини айтиб, у зотни ўзларича пастга урардилар.

"Ат-Тарих лил-Бухорий" 1/11; "Саҳиҳул-Бухорий маъал фатҳ", 7/162, "Муснаду Аҳмад", 2/244, 340, 369).

Абу Бакр Баззор ривоятида мазкур қисса қуйидагича берилган:

– Эй Абу Бакр, соҳибинг мени ҳажв қилибди, – деди Умму Жамил.

– Асло ундай эмас! Мана шу уйнинг Эгасига қасамки, у шеър тўқимайди, шеър ўқимайди.

– Сен ростгўй одамсан, – деди Умму Жамил.

Бу қиссани Ҳоким, Табароний, Абу Яъло, Абу Нуайм ва бошқалар бир оз фарқли кўринишда ривоят қилганлар.

Абу Лаҳаб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси ва ён қўшниси бўла туриб худди Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа қўшнилари каби у кишига уйларида турган ҳолларида озор берарди.

Ибн Исҳоқ ёзади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз уйларида ҳам озор берувчилар – у кишининг қўшнилари бўлган Абу Лаҳаб, Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя, Уқба ибн Аби Муийт, Адий ибн Ҳамро Сақафий ва Ибнул Асдо Ҳузалийлар эди. Улардан фақатгина бири – Ҳакам ибн Абул Ос кейинчалик Исломни қабул қилди. (У Умавий халифа Марвон ибн Ҳакамнинг отаси эди.) Бу кимсаларнинг бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида у кишининг устиларига қўйнинг бачадонини олиб келиб ташласа, бошқаси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун осилган қозонга уни ташлаб кетарди. Ҳатто Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида улардан сақланиш учун тўсиқ қилиб оладиган бўлдилар. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устларига қўйнинг бачадонини ташлаб кетишса, уни бир чўпга илиб олиб чиқардилар-да, эшикларининг ёнида туриб: «Эй Бану Абду Маноф, бу қандай қўшничилик бўлди?!», дердилар. Сўнг уни бир четга

ташлаб юборардилар. «Ибн Ҳишом», 1/416.

Айниқса, Уқба ибн Аби Муийт ўзининг бадбахт ва ярамаслиги билан ажралиб турарди. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбада намоз ўқиётганларида Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари ҳам шу ерда ўтирганди. Улар: «Қай бирингиз фалончи сўйган туянинг қоғоноқ (бачадонда болани ўраб турадиган парда, йўлдош)ини олиб келиб Муҳаммад сажда қилганда унинг устига ташлайди?», дейишди бир-бирига. Шунда қавмнинг энг бадбахти – Уқба ибн Аби Муийт ўрнидан қўзғалиб, ўша нарсани олиб келди ва кутиб турди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида уни икки елкалари ўртасига ташлади. Мен ҳаммасини кўриб турсам-да, ҳеч нарса қилолмасдим. Қанийди, менинг ҳимоям бўлганида! Улар бундан роҳатланиб кулганларидан бир-бирларига суяниб қолишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамон сажда қилиб турардилар. Фотима келиб елкаларидан ўша нопокликни олиб ташлагунга қадар саждадан бош кўтармадилар. Сўнг бошларини кўтардилар.

– Эй Аллоҳим, Қурайшнинг жазосини Ўзинг бергин! – деб уч марта дуоибад қилдилар. Бу уларга оғир келди. Чунки улар бу шаҳарда қилинган дуо ижобат бўлади, деб билишарди.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Эй Аллоҳим, Абу Жаҳлни, Утба ибн Рабиани, Шайба ибн Рабиани, Валид ибн Утбани, Умайя ибн Халафни, Уқба ибн Аби Муийтни Ўзинг жазолагин!», деб номма-ном санадилар. Еттинчисининг исмини ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам санаганлар, лекин саҳобий уни эслай олмади.

– Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам номма-ном санаган кишиларнинг жасадини Бадр чоҳига ташланганини аниқ кўрдим».

«Саҳиҳул Бухорий»: Китобул вузуъ: 1/37ҳ.

(Еттинчиси Аммора ибн Валид экани 520-ҳадисда очиқ айтилган).

Умайя ибн Халаф Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганида ҳақоратлаб, айбларди. Ушбу оятлар у ҳақида нозил бўлди:

وَيۡلٞ لِّكُلِّ هُمَزَةٖ لُّمَزَةٍ ۝١

«Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) **бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай»**.

“Ҳумаза” сураси, 1-оят.

«Ибн Ҳишом», ёзади: “Ҳумаза” – кишини ошкора ҳақорат қилиб, кўзларини қисиб, ғамза-ишоралар қилувчи кимса. “Лумаза” эса одамларга орқаваротдан айблаб, озор берувчи кимса.

«Ибн Ҳишом», 1/356, 357.

Умайя ибн Халафнинг укаси Убай ибн Халаф Уқба ибн Аби Муийт

билан қалин дўст эди. Бир сафар Уқба Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўтириб, у кишини тинглаганида, бундан хабар топган Убай Уқбани қаттиқ койиди ва ундан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига туфлашни талаб қилди. Уқба унинг талабини адо этди. Убай ибн Халафнинг ўзи эса чириган суякни майдалаб, сўнг уни шамолда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон учирди.

«Ибн Ҳишом», 1/361, 362.

Ахнас ибн Шариқ Сақафий ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ёмонлик қилувчилар сафида эди. Қуръони Карим уни тўққизта сифат билан сифатлади. Бу сифатлар унинг қандай ярамас кимса бўлганлигини кўрсатиб туради:

وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَّآءِۭ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَّنَّاعٍ لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ
أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ عُتُلِّۭ بَعْدَ ذَٰلِكَ زَنِيمٍ ﴿١٣﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **яна сиз ҳар бир тубан, қасамхўр, ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшиликни ман қилувчи – бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг!».** “Қалам” сураси, 10-13-оятлар.

Баъзида Абу Жаҳл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, Қуръон эшитарди. Сўнг иймон келтирмасдан, итоат қилмасдан, одоб олмасдан, Аллоҳдан қўрқмасдан кетарди-да, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тили билан озор бериб, Аллоҳ йўлига тўсқинлик қилиб, боз устига гўё зўр иш қилган кишидек ана шу қилмишидан ғурурланиб, қўл урган гуноҳидан фахрланиб юрарди. Қуйидаги оятлар унинг хусусида нозил бўлди:

فَلَا صَدَّقَ وَلَا صَلَّىٰ ﴿٣١﴾ وَلَٰكِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٣٢﴾ ثُمَّ ذَهَبَ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ
يَتَمَطَّىٰٓ ﴿٣٣﴾

«На (Қуръон ва пайғамбарни) **тасдиқ этди ва на намоз ўқиди! Балки у** (Қуръонни) **ёлғон, деди ва** (иймондан) **юз ўгирди! Сўнгра** (мана шу қилмишларидан уялиш ўрнига) **гердайганича ўз аҳли томон кетди!».** “Қиёмат” сураси, 31-33-оятлар.

Абу Жаҳл Ҳарамда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганини кўрган илк кунлариданоқ у зотни намоздан қайтармоқчи бўларди. Бир сафар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мақоми Иброҳимда намоз ўқиб турганларида Абу Жаҳл «Эй Муҳаммад, сени бундан қайтармаганмидим?!», деб таҳдидлар қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қаттиқ гапириб, уришиб бердилар.

– Эй Муҳаммад, нимангга ишониб менга таҳдид қилаяпсан? Аллоҳга қасамки, мен шу водийнинг энг ёрдамчиси-жамоаси кўп кишиси бўламан, – деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил этди:

فَلۡيَدۡعُ نَادِيَهُۥ ﴿١٧﴾ سَنَدۡعُ ٱلزَّبَانِيَةَ ﴿١٨﴾

«Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга) **чақираверсин! Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз!».** "Алақ" сураси, 17-18-оятлар.

Яна бир ривоятда айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Жаҳлнинг бўйнидан ушлаб, силкитиб шундай деганлар:

أَوۡلَىٰ لَكَ فَأَوۡلَىٰ ﴿٣٤﴾ ثُمَّ أَوۡلَىٰ لَكَ فَأَوۡلَىٰٓ ﴿٣٥﴾

«Ўлим бўлсин сенга, ўлим! Сўнгра яна ўлим бўлсин сенга, ўлим!» "Қиёмат" сураси, 34-35-оятлар.

Шунда Аллоҳ душмани деди: «Эй Муҳаммад, менга таҳдид қилаяпсанми? Аллоҳга қасамки, сенинг ҳам, Робингнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди. Ахир мен Макканинг икки тоғи ўртасида юрган кишиларнинг энг қудратлиси бўламан».

Ибн Жарир тафсирида, шунингдек, Термизий (5/414 ҳ.) ва бошқаларда келтирилган.

Ана шу қайтариқдан кейин ҳам Абу Жаҳл эсини йиғиб олмади. Аксинча, унинг бадбахтлиги яна ҳам зиёда бўлди.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Абу Жаҳл: – Муҳаммад сизларнинг олдингизда ҳам юзини тупроққа белайдими? – деб сўради.

– Ҳа! – дейишди.

– Лот ва Уззога қасамки, агар уни кўрсам бўйнидан босиб, юзини ерга ишқайман! – деди Абу Жаҳл. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида у кишининг бўйинларини оёғи билан босиш учун келди. Бирдан орқасига тисланиб, қўллари билан ўзини ҳимоя қилди.

– Сенга нима бўлди, Эй Абул Ҳакам! – сўрашди мушриклар.

– У билан менинг ўртамда оловли чоҳ ва даҳшатли қанотлар (пайдо бўлди)! – деди Абу Жаҳл.

– Агар менга яқинлашганида, – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, – фаришталар уни бўлак-бўлак қилиб ташларди».

«Саҳиҳул Муслим", 4/2145, 38-ҳ.

Бу айтиб ўтилганлар ўзларини Аллоҳнинг хос бандалари ва Унинг Ҳарами аҳли ҳисобловчи золим мушриклар тарафидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар устига ёғдирилган азобу уқубатларнинг кичик бир парчаси эди.

Тўхтовсиз давом этаётган ана шундай тазйиқлар мусулмонларни бошларига ёпирилиб келаётган бу балодан қутқариб қолиш ва имкон қадар унинг босимини камайтириш учун Росулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг қатъий чоралар ихтиёр қилишларига сабаб бўлди. У зот даъватни ўз йўлида давом этишига катта таъсир кўрсатган иккита ҳикматли режани қабул қилдилар:

1) Арқам ибн Абу Арқам ал-Махзумийнинг ҳовлисини даъватнинг маркази ва тарбия ўчоғи қилиб танладилар;

2) Мусулмонларни Ҳабашистонга ҳижрат қилишга буюрдилар.

Арқам ҳовлиси

Мазкур ҳовли Сафо тоғи этагида жойлашган бўлиб, ёмонларнинг назаридан четда эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни мусулмонлар билан яширинча учрашув жойи қилиб танладилар. У зот бу ерда мусулмонларга Аллоҳнинг оятларини ўқиб берар, уларни тарбиялар, Қуръону Суннатни ўргатар, мусулмонлар у ерда ибодатларини адо этишар, Аллоҳ пайғамбарига нозил қилган ваҳийни у зотдан хотиржам ва хавф-хатардан холи қабул қилиб олишар, Исломни қабул қилишни истаганлар золимларга билдирмай, шу ерга келиб қабул қилишар эди.

Шубҳасиз, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга Исломни ошкор қилмасликни буюришлари ва улар билан фақат яширинча учрашишлари айни ҳикмат эди. Чунки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминлар билан ошкора учрашсалар, мушриклар албатта у кишининг кўзлаган мақсадларига – мўминларни поклаш, уларга Қуръон ва суннат таълимини бериш ишларига тўсқинлик қилган бўлишарди. Эҳтимол бу икки томоннинг тўқнашувига ҳам олиб келиши мумкин эди. Ҳатто худди шундай бир иш бўлиб ҳам ўтди: саҳобалар тоғ этакларида тўпланиб, яширинча намоз ўқишарди. Қурайш кофирларининг бир нечтаси уларни кўриб қолиб, ҳақоратлар қилди ва уришди. Шунда Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу бир мушрикни уриб, қонига бўяди. Бу Ислом йўлида тўкилган биринчи қон эди. «Ибн Ҳишом», 1/263.

Маълумки, бу хил тўқнашувларнинг такрорланиши мусулмонларнинг мағлубияти ва ҳалокатига олиб борарди. Бинобарин, ҳикмат тақозоси билан даъват махфий тутиларди. Саҳобаларнинг аксарийяти ўзларининг Исломларини, ибодатларини, даъватларини ва йиғилиб туришларини яширишарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса мушрикларнинг орасида даъватларини ва ибодатларини ошкора қилардилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳ йўлидан ҳеч нарса тўса олмасди. Бироқ Пайғамбаримиз саҳобалар ва Исломнинг фойдасини ўйлаб, мусулмонлар билан яширинча учрашардилар.

ҲАБАШИСТОНГА ҚИЛИНГАН БИРИНЧИ ҲИЖРАТ

Нубувватнинг тўртинчи йили ўрталарида ёхуд охирларида заиф тарзда бошланган тазйиқлар кундан-кунга кучайиб бориб, бешинчи

йилнинг ўрталарига келиб бағоят қаттиқлашди. Ҳатто мусулмонлар учун Маккада яшаш имконсиз бўлиб қолди ва саҳобалар бундай аламли азобдан қутилиш чорасини излай бошладилар. Ана шу оғир кунларда ҳижрат йўлини тутишга ишора қилиб, Аллоҳнинг ери кенг эканини эълон қилиб, «Зумар» сураси нозил бўлди:

... لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا۟ فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا حَسَنَةٌ ۗ وَأَرْضُ ٱللَّهِ وَٰسِعَةٌ ۗ إِنَّمَا يُوَفَّى ٱلصَّٰبِرُونَ أَجْرَهُم بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١٠﴾

«...Бу дунёда чиройли амал қилган зотлар учун (охиратда) **чиройли** (оқибат – жаннат) **бор. Аллоҳнинг ери кенгдир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур».** “Зумар” сураси, 10-оятдан.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳабаш шоҳи Асҳама Нажошийнинг одил подшоҳ эканини ва унинг юртида бировга зулм қилинмаслигини билардилар. Шу боис асҳобларига динларини фитнадан сақлаш учун Ҳабашистонга ҳижрат қилишни буюрдилар.
”Ас-сунан ал-кубро лил-Байҳақий”, 9/9.

Нубувватнинг бешинчи йили ражаб ойида саҳобаларнинг биринчи гуруҳи ҳижрат йўлига чиқди. Ўн икки эркак ва тўрт аёлдан иборат бу гуруҳнинг раиси Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бўлиб, у билан бирга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари саййида Руқайя ҳам бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмон билан Руқайя ҳақида шундай дедилар: «Бу иккиси Иброҳим ва Лут алайҳимас-саломдан кейин Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган биринчи оиладир». ”Зодул-маъод”, 1/24.

Муҳожирлар Қурайш сезиб қолмаслиги учун тун қоронғусида Маккадан пинҳона чиқиб, денгиз томон – кемалар лангар ташлайдиган қирғоқ томон шошилишди. Уларга икки тижорат кемасига ўтириш насиб қилган экан. Кемалар муҳожир мўминларни Ҳабаш юртига йўл олди. Воқеадан хабар топган Қурайш мушриклари ортларидан қувиб келганида улар эсон-омон қирғоқдан жўнаб кетган эдилар. Мусулмонлар Ҳабашистонда Нажошийнинг яхши ҳимояси остида яшадилар. ”Зодул-маъод”, 1/24.

Мушрикларнинг мусулмонлар билан бирга сажда қилишлари ва муҳожирларнинг қайтиши

Шу йилнинг Рамазон ойида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳарамга чиқдилар. У ерда Қурайшнинг кўп кишилари ўтирган бўлиб, улар орасида қавмнинг улуғлари ва оқсоқоллари ҳам бор эди. Баногоҳ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига келиб «Ван-нажм» сурасини тиловат қила бошладилар. Бу бадбахтлар шу пайтга қадар Аллоҳ каломини эшитишмаган эди. Чунки уларнинг бир-бирларига тайинлаб айтадиган услублари қуйидагича бўлганди:

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَا تَسۡمَعُواْ لِهَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ وَٱلۡغَوۡاْ فِيهِ لَعَلَّكُمۡ تَغۡلِبُونَ ﴿٢٦﴾

«Кофир бўлган кимсалар (бир-бирларига «Муҳаммад тиловат қилаётган вақтда) **сизлар бу Қуръонга қулоқ солманглар ва** (уни ўзгаларга ҳам эшиттирмаслик учун оғзингизга келган гапни) **жаврайверинглар** (шунда) **шояд ғолиб бўлсангизлар», дейишди.**

"Фуссилат" сураси, 26-оят.

Ана шунда Қуръоннинг таърифига тил ожиз бўлган мафтункор, ажиб оятлари мушрикларнинг қулоқларини ёриб кирганда, Илоҳий калом Аллоҳнинг чин Пайғамбари томонидан тиловат қилинаётганида мушриклар ўзларини унутиб, жим қулоқ солиб қолишди. Уларнинг хаёлига бошқа ҳеч нарса келмасди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сура охирларидаги қалбларни титроққа соладиган қаттиқ-қаттиқ оятларни тиловат қилиб, сўнг:

فَٱسۡجُدُواْ لِلَّهِ وَٱعۡبُدُواْ ﴿٦٢﴾

«Бас, сизлар ёлғиз Аллоҳга сажда ва ибодат қилинглар» ("Нажм" сураси, 62-оят), дея саждага бош қўйганларида, мушрикларнинг биронтаси ўзини саждадан тўхтатиб қололмади. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшилиб саждага бош қўйишди. Ҳақиқатан, кибр ва истеҳзо қилувчи мутакаббир мушрикларнинг саркашлигини Илоҳий каломнинг илоҳий босими парчалаб ташлаган эди. Шу боис, улар Аллоҳга сажда қилиб йиқилишдан ўзларини тўхтата олмадилар.

Имом Бухорий ушбу сажда ҳикоясини Ибн Масъуд ва Ибн Аббослар ривояти билан мухтасар шаклда келтирган. Қаранг: «Нажм» саждаси ҳақидаги боб.

Аллоҳ каломининг жалолати қаршисида ўзларини йўқотиб қўйиб, шу пайтгача ўзлари уни йўқотиш ва ўчириб ташлашга бор кучларини сарфлаб келган ишни қилиб қўйганларини сезиб қолишгач, талмовсираб, нима қилишларини билмай қолишди. Ушбу воқеада иштирок этмаган мушриклар Аллоҳга сажда қилган қавмдошларини қаттиқ маломат қилганларида эса улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънларига туҳмат тўқишди. Яъни, Муҳаммад бизнинг санамларимизни яхши сўз билан тилга олди, «Булар олий санамлардир ва уларнинг шафоатига кўз тикилади!», деб айтди, қабилида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туҳмат қилиб, ўзларининг У зотга қўшилиб саждага бош қўйганларини бошқа мушриклар олдида оқламоқчи бўлишди. Аслида, касби ёлғончилик бўлган, иғво ва туҳмат қилишга меҳр қўйган мушриклардан бундан ўзга нарса кутилмасди ҳам.

Бу хабар Ҳабашистон муҳожирларига ҳам етиб борди. Бироқ тамомила ўзгариб, яъни, Қурайш Исломни қабул қилибди, деб етиб

борди. Муҳожирлар шу йилнинг ўзида Шаввол ойида юртларига қайтишди. Фақат Маккага жуда яқин қолгандагина ҳақиқий аҳволдан бохабар бўлишди. Кимлардир яна Ҳабашистонга қайтиб кетди. Қолмоқчи бўлганлар эса Маккага яширинча ёхуд қурайшлик бирон кишининг ҳимояси остида киришди.

«Ибн Ҳишом», 1/364, «Зодул-маъод”,1/24, 2/44.

Кейин Ҳабашистондан қайтиб келганларга ҳам, бошқа мусулмонларга ҳам Қурайшнинг зулми ва тазйиқи янада кучайди. Иймон келтирганларни ўз қариндошлари ўртага олишди. Нажошийнинг мусулмонларга яхши муносабатда бўлаётгани Қурайшга жуда алам қилганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига яна Ҳабашистон ҳижратини тавсия қилишга мажбур бўлдилар.

Ҳабашистонга қилинган иккинчи ҳижрат

Мусулмонлар иккинчи бор, бу сафар кенгроқ кўламда ҳижратга ҳозирланишди. Лекин бу сафарги ҳижрат аввалгисидан оғирроқ бўлди. Чунки мусулмонларнинг ҳижрат қилишидан хабар топиб қолган Қурайш имкон қадар уларни ушлаб қолишга уринарди. Бироқ мўминлар мушриклардан эпчиллик қилишди. Аллоҳ таоло мусулмонларнинг сафарини Ўзи осон қилди. Саҳобалар Қурайш етиб келмай туриб Нажошийнинг юртига бориб олишди. Ушбу ҳижратда муҳожирларнинг сони Аммор розияллоҳу анҳуни ҳам қўшиб ҳисоблаганда (унинг ушбу ҳижратда қатнашганлиги ихтилофли) саксон уч эркак ва ўн саккиз ёки ўн тўққиз аёл эди. «Зодул-маъод”,1/24.

Қурайшнинг Ҳабашистон муҳожирларига қарши макр қилиши

Муҳожирларнинг ўз жонлари ва динлари учун омонлик ери топгани мушрикларга сира тинчлик бермасди. Шунинг учун улар икки қаттиқ ва ичидан пишган киши – Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Аби Рабиъани (улар ҳали Исломни қабул қилмаган эдилар) танлаб олиб, Нажоший ва унинг арбобларига аталган қимматбаҳо совғалар билан Ҳабашистонга жўнатишди. Қурайш элчилари аввало Нажошийнинг аёнлари билан учрашиб, уларга совға-саломлар топшириб, уларни мусулмонларга қарши далил-у, ҳужжатлар билан «қуроллантириб», улардан «Нажошийга мусулмонларни қувиб юбор, деб маслаҳат берамиз», деган ваъдани олиб, Нажошийнинг ҳузурига киришди. Шоҳга ҳам қимматбаҳо совға-саломлар топшириб, сўнг муддаога кўчишди:

– Эй подшоҳ, –дейишди улар бир гуруҳ нодон ёшлар сизнинг юртингизга қочиб келибди. Улар ўз қавмларининг динини тарк қилишган, сизнинг динингизга ҳам кирганлари йўқ. Улар ўзларича бир дин ўйлаб топишганки, бу динни на биз ва на сиз биласиз. Хуллас, қавмнинг улуғлари – ўшаларнинг оталари, амакилари ва қариндош-уруғлари уларни қайтариб юборишингизни сўраб, бизни ҳузурингизга жўнатишди. Албатта, улар бу нодонларни яхшироқ билади, уларнинг айби нима ва нима учун маломатга қолганлар, барчаси қавмнинг улуғларига яхшироқ аён.

– Бу иккиси тўғри гапираяпти, эй шоҳ! – деб маъқуллашга тушди аёнлар. – Уларни мана шу кишиларга топширинг, ўз қавмлари ва юртларига олиб кетишсин.

Лекин Нажоший масалани атрофлича ўрганиб чиқишга ва ҳар иккала томонни эшитишга қарор қилди. У муҳожирларни ҳузурига чорлаб чопар жўнатди. Мусулмонлар етиб келишди. Улар нима бўлса ҳам фақат ҳақиқатни сўзлашга келишиб олишганди.

– Қавмингизнинг динини тарк этиб, на менинг ва на бошқа бирон миллатнинг динига кирмаслигингизга сабаб бўлган сизларнинг динингиз нима ўзи? – деб сўради Нажоший саҳобалардан.

Мусулмонлар номидан уларнинг хатиби Жаъфар ибн Аби Толиб жавоб берди:

– Эй подшоҳ, биз жоҳилият аҳли бўлган қавм эдик. Бут-санамларга ибодат қилардик, ўлимтик ердик, бузуқликлар қилардик, қариндош-уруғчиликни узардик, ёмон қўшничилик қилардик, кучлиларимиз заифларимизни ерди. Ана шундай ҳолатда эканимизда Аллоҳ таоло бизга ўз ичимиздан Пайғамбар юборди. Унинг насл-насабини, ростгўйлигини, омонатдорлигини ва покизалигини яхши биламиз. Пайғамбар бизни Аллоҳга – Уни Бир, деб билишга, Унга ибодат қилишга, биз ва ота-боболаримиз сиғинадиган тошлар ва бутларни тарк қилишга чақирди. Бизни ростгўйликка, омонатни адо қилишга, силаи раҳмга, яхши қўшничилик қилишга, тақиқланган ишлардан ва қон тўкишдан тийилишга буюриб, бузуқликлардан, ёлғон сўздан, етимнинг молини ейишдан ва покиза аёлларга туҳмат қилишдан қайтарди. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишни ва Унга ҳеч нарсани шерик этмасликни буюрди. Намозга, закотга ва рўзага буюрди.

Жаъфар розияллоҳу анҳу бир қанча Ислом амалларини санаб ўтди. – Биз уни тасдиқладик, унга иймон келтирдик ва У олиб келган Аллоҳнинг динига эргашдик. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилдик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмадик. Аллоҳ бизга ҳаром қилган ишларни ҳаром, ҳалол қилган ишларни ҳалол, деб билдик. Ана шунда қавмимиз бизга ташланди. Бизни Аллоҳ таолонинг ибодатидан бутларнинг ибодатига қайтариш учун, илгари қилиб юрган нопок ишларни яна қилишимиз учун қийноққа солиб, динимиздан фитналадилар. Бизга қаҳр, зулм ва тазйиқ ўтказиб динимиздан тўсмоқчи бўлганларида сизнинг юртингизга қочиб чиқдик. Ўзгалардан сизни афзал кўриб ҳимоянгизда яшашга рағбат билдирдик ва умид қилдикки, сизнинг олдингизда зулм кўрмаймиз, эй подшоҳ.

– Пайғамбарингиз Аллоҳдан олиб келган нарсадан (яъни, Қуръондан) бирон нарсани биласизми? – сўради Нажоший.

– Ҳа, – деди Жаъфар розияллоҳу анҳу.

– Уни менга ўқиб беринг-чи?!

Жаъфар розияллоҳу анҳу «Марям» сурасидан ўқиди. Аллоҳга қасамки, Нажоший йиғларди. Кўз ёшларидан соқоллари ҳўл бўлиб

кетди. Унинг усқуфлари (яъни, диний арбоблари) ҳам йиғлашди. Тиловат қилинаётган оятларни эшитиб, кўз ёшлари билан олдидаги китобларини ҳўл қилиб юборишди.

– Бу (Қуръон) билан Ийсо олиб келган нарса бир манбадан чиққан. Сиз иккингиз эса кетинглар. Аллоҳга қасамки, бу кишиларни сизларга топширмайман, уларга ёмонлик қилинмайди, – деди Нажоший.

Қурайш элчилари Нажошийнинг ҳузуридан чиқишганида Амр ибн Ос Абдуллоҳ ибн Аби Рабиъага шундай деди:

– Аллоҳга қасамки, эртага мен уларнинг томирларини суғириб ташлайдиган бир гапни айтаман.

– Қўй, унақа қилма, – деди Абдуллоҳ. – Улар бизга қарши чиққан бўлсалар ҳам, барибир қариндошларимиз-ку.

Бироқ Амр ибн Ос ўз фикридан қайтмади. Эртаси куни Нажошийнинг ҳузурига кириб деди:

– Эй подшоҳ, улар Ийсо ибн Марям ҳақида жуда ёмон гап айтишади.

Нажоший мусулмонларнинг Масиҳ ҳақида нима дейишларини билиш учун уларга одам жўнатди. Муҳожирлар қўрқиб кетишди. Сўнг нима бўлса ҳам ростини айтишга қарор қилиб, Нажошийнинг ҳузурига киришди. Нажошийнинг саволига Жаъфар розияллоҳу анҳу қуйидагича жавоб берди:

– Биз Ийсо ҳақида Пайғамбаримиз айтганларини айтамиз: Ийсо Аллоҳнинг қули, росули, руҳи ва бокира Марямга туширган калимасидир!

Шунда Нажоший ердан бир чўпни олиб деди:

– Аллоҳга қасамки, Ийсо ибн Марям сен айтган сўзлардан мана шу чўпчалик ҳам ташқарига чиқмайди.

Буни эшитган сарой аёнлари ғала-ғовур кўтариб юборишди.

– Ҳа, Аллоҳга қасамки, сизлар ғала-ғовур қилсангиз ҳам барибир шундай! – деди Нажоший ва мусулмонларга юзланди. – Бораверинглар, сизлар менинг еримда меҳмондирсизлар. Сизларни ҳақорат қилган кимса жазога тортилади, сизларни ҳақорат қилган кимса жазога тортилади, сизларни ҳақорат қилган кимса жазога тортилади. Сизлардан бирон кишига озор бериш бадалига ҳатто олтин тоғи берилишини ҳам истамайман.

Сўнг ходимларига деди:

– Бу иккисининг ҳадяларини ўзларига қайтариб беринглар. Уларнинг менга кераги йўқ. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ менга мулкимни қайтариб берганида мендан пора олмаганки, мен энди Унинг йўлида пора олсам. Аллоҳ менинг хусусимда одамларга итоат қилмадики, мен энди Унинг хусусида одамларга итоат қилсам!

Умму Салама розияллоҳу анҳо мазкур қиссани ривоят қилиб, айтади: «Қурайш элчилари келтирган ҳадялари ўзларига қайтарилиб, хор бўлиб чиқиб кетишди. Биз эса Нажошийнинг юртида – яхши жойда

яхши қўшни билан яшаб қолдик. «Ибн Ҳишом», 1/334, 338.

Бу Ибн Исҳоқнинг ривояти. Бошқа манбаларда Амр ибн Оснинг Нажоший ҳузурига жўнатилиши Бадрдан кейин бўлгани айтилган. Баъзилар Қурайш Нажоший ҳузурига икки марта элчи жўнатган, деб мазкур ривоятлар ўртасини жамламоқчи бўлишди. Бироқ Нажоший ва Жаъфар розияллоҳу анҳу ўртасида кечган савол-жавоблар уларнинг ривоятида ҳам, Ибн Исҳоқ ривоятида ҳам бир хил. Боз устига ривоятдаги савол-жавоблардан бу Нажоший билан қилинган биринчи мусоҳаба экани кўриниб турибди.

Азобни кучайтириш ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқ қилишга уриниш

Қурайшнинг макр-ҳийласи иш бермагач ва муҳожирларни ортга қайтариш режаси барбод бўлгач, ғазабдан ёниб кетай дейишди, янада ваҳшийлашиб, бутун ғазабларини қолган мусулмонларга соча бошлашди. Энди улар фақат ўз ҳудудларидагина тазйиқ ва таъқибларини ўтказа олардилар.

Маккада қолган мусулмонлар нисбатан озчилик бўлиб, айримлари шарафли кишилар бўлса, айримлари кимнингдир ҳимояси остига кирган, бунинг устига Исломларини яширишга ва золимлар кўзига имкон қадар кўринмасликка мажбур бўлишар, шу ҳолда ҳам озор ва жабру зулмдан тўла саломат эмасдилар.

Аммо Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам золимларнинг кўзида очиқ-ошкор намозларини ўқир, яширину ошкор даъватларида давом этар, у зотни бундан ҳеч ким ва ҳеч нарса тўса олмас эди. Зеро, Аллоҳ таолонинг:

فَٱصۡدَعۡ بِمَا تُؤۡمَرُ وَأَعۡرِضۡ عَنِ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ٩٤

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) **юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!»** (“Ҳижр” сураси, 94-) ояти нозил бўлганидан бошлаб, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам рисолатни етказиш у зотнинг вазифаларига айланган эди. Шу боис мушриклар истаган пайтларида у зотга суиқасд қилиш имконига эга бўлишса-да, уларни бу жирканч истакларидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳайбатлари ва у кишининг Абу Толибдек шарафли кишининг ҳимоясида эканликлари тўсиб турарди. Яна улар бундай ёвузликка қўл ургудай бўлишса, оқибати ўзлари учун яхши бўлмаслигини, Бану Ҳошим уруғи уларга қарши жамланиши мумкинлигини ҳам ҳисобдан қочиришмасди. Бироқ, бора-бора уларнинг сабр косалари тўлиб, бу нарсалар ҳам кўзларига кўринмай қолди. Бинобарин, уларнинг ёвуз қалбларида янги бир ёвуз истак туғилди. Қурайш бу «мусибат»дан қутилишнинг ягона йўли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватдан буткул тўхтатиш ёки уни йўқ қилиш, деган фикрга келди.

Ҳадис ва сийрат китобларида келтирилган ривоятлар ўша кунларга тааллуқли айрим ҳодисалардан хабар беради:

Абу Лаҳабнинг ўғли Утайба бир куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Мен:

وَٱلنَّجۡمِ إِذَا هَوَىٰ ۝١ ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّىٰ ۝٨

«Ботиб кетаётган юлдузга...» ҳам, **«Сўнгра яқинлашиб пастлади»** (“Нажм” сураси, 1-; 8-оятлар), деганига ҳам куфр келтираман», деди-да, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ташланди. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг либосларини йиртиб ташлади, юзларига қараб туфлади. Бироқ унинг туфлагани Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб бормади. Шунда Пайғамбаримиз: **«Эй Аллоҳим, унга итларингдан бирини жўнатгин»,** деб дуоибад қилдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари ижобат бўлди. Утайба Қурайш кишилари билан сафарга чиқиб Шомнинг Зарқоъ, деган ерига қўнганда, тунда уларнинг атрофида бир шер пайдо бўлди.

– Шўрим қурсин, Аллоҳга қасамки, бу шер Муҳаммад дуоибад қилганидек мени егани келди. Муҳаммад Маккада туриб Шомда турган мени ўлдирди.

Ҳамроҳлари уни ўртага олиб ётишди, бироқ шер қавм орасидан унга ташланиб, бўғизлаб ташлади.

”Далоилун-нубувва”, 2/585, Абдуллоҳ Наждий, «Мухтасар ас-сийра», 135-с.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган зулмларнинг яна бири қуйидагича бўлди: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида Уқба ибн Аби Муийт у зотнинг муборак бўйниларидан босиб турди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

«Мухтасар ас-сийра», 113-с.

Қурайш тоғутларининг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилиш ҳақидаги ниятлари тобора етилиб келарди. Ибн Исҳоқ Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Мушриклар Ҳижрда тўпланганларида мен ҳам бор эдим. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида гапириб шундай дейишди: «Биз ҳеч бир ишга бу кимсанинг ишига сабр қилгандек сабр қилмаган эдик. Дарҳақиқат, унинг жуда ёмон ишига сабр қилдик». Шу пайт Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўриндилар. У зот келиб рукнни истилом қил (сила) дилар-да, Каъбани тавоф этар эканлар, мушрикларнинг ёнидан ҳам ўтдилар. Мушриклар нимадир, деб у киши ҳақида ёмон гапиришди. Мен буни (яъни, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мушрикларнинг қилиғидан норози бўлганликларини) у кишининг юзларида кўрдим. Мушрикларнинг ёнидан иккинчи марта ўтганларида улар яна пичинг отишди. Мен буни

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларида кўрдим. Учинчи марта ўтганларида ҳам улар пичинг қилишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтаб дедилар:

«Эшитаяпсизларми, эй Қурайш жамоаси! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен сизларга бўғизланиш (ўлим) олиб келдим». Мушриклар гап-сўзни тўхтатишди. Уларнинг ҳар бири худди бошига қуш қўнгандай жим бўлиб қолди. Ҳатто энг ашаддийлари ҳам яхши гаплар билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни хотиржам қилишга тушишди: «Боравер, эй Абул Қосим, Аллоҳга қасамки, сен жоҳил кимса эмассан-ку?!». Эртаси куни мушриклар йиғилиб яна Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида гаплашиб ўтирганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўриндилар. Мушриклар худди бир кишидек Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ташланиб, у зотни ўраб олишди. Бир мушрикнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёқаларидан ушлаб олганини кўрдим. Абу Бакр ўртага тушди. У «Роббим Аллоҳ, дегани учун бир кишини ўлдирасизларми?», деб йиғларди. Кейин мушриклар тарқалдилар. Бу мен кўрган Қурайшнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказган энг қаттиқ озори эди».

«Ибн Ҳишом», 1/289, 290.

Имом Бухорий Урва ибн Зубайрдан ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан сўрадим: «Мушрикларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган энг қаттиқ ишлари ҳақида сўзлаб беринг». У деди: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба ёнида намоз ўқиётганларида Уқба ибн Аби Муийт келиб, кийимини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйниларига ташлади ва у зотни қаттиқ бўғди. Шунда Абу Бакр келиб унинг икки елкасидан ушлаб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан четлаштирди. «Бир кишини «Роббим Аллоҳ», дегани учун ўлдирасизларми?” дерди у».

«Саҳиҳул Бухорий», 1/544.

Асмо розияллоҳу анҳо айтади: Кимдир Абу Бакрнинг олдига келиб «Соҳибингнинг ёнига етиб бор», деб кетди. Абу Бакр бизнинг олдимиздан чиқиб кетганда бошида тўрт ўрим кокили бор эди. У «Кишини Роббим Аллоҳ, дегани учун ўлдирасизларми?», дея чиқиб кетди. Мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўйиб, Абу Бакрга ташланишди. Абу Бакр қайтиб келганида унинг қайси соч ўрими-кокилини ушласак, узилиб тушарди.

Абдуллоҳ Наждий, «Мухтасар ас-сийра», 113-с.

Ҳамза ибн Абдул Муттолибнинг Исломни қабул қилиши

Зулм ва зўравонликнинг қуюқ булутлари билан қопланган ана шундай оғир соатларда мазлумлар йўлини ёритиб бир чақмоқ чақди. Билингки, бу нур Ҳамза ибн Абдул Муттолибнинг Исломга кириши эди. Ҳамза розияллоҳу анҳу нубувватнинг олтинчи йили охирларида, кучли қавлга кўра зулҳижжа ойида Исломга кирди.

Ҳамза розияллоҳу анҳунинг Исломга киришига қуйидаги воқеа сабаб бўлди. Бир куни Абу Жаҳл Сафо тоғида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан ўтаётиб, у кишига озорлар берди, азиятлар етказди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч нарса демасдан сукут қилиб турдилар. Сўнг Аллоҳнинг душмани у зотнинг бошларини тош билан уриб ёрди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан қон оқди. Кейин Абу Жаҳл Каъба ёнида ўтирган Қурашийлар даврасига бориб ўтирди. Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг чўриси Сафодаги уйида туриб бу воқеанинг гувоҳи бўлди. Ҳамза ибн Абдул Муттолиб розияллоҳу анҳу камонини тақиб овдан келганида, чўри Абу Жаҳлнинг қилмишини унга айтиб берди. Қурайшнинг энг мағрур ва азиз йигитларидан бўлган Ҳамза ғазабга миниб, шошилиб чиқиб кетди. У ҳеч кимнинг олдида тўхтамасдан Абу Жаҳлни жазолаш учун уни қидириб келди. Ҳарамга кириб Абу Жаҳлнинг тепасида тўхтади-да, «Ҳой кетида ҳуштак чаладиган, мен жиянимнинг динида бўлсам-у, ҳали сен уни ҳақорат қиласанми?!», деб Аллоҳнинг душманини камон билан уриб, қаттиқ жароҳатлади. Абу Жаҳл уруғи бўлмиш Бану Махзум кишилари ўрниларидан сапчиб туришди. Бану Ҳошим, яъни Ҳамзанинг уруғи ҳам сакраб турди.

– Абу Амморага тегманглар, – деди Абу Жаҳл. – Ҳақиқатан, мен унинг жиянини қаттиқ ҳақорат қилган эдим. «Ибн Ҳишом», 1/291, 292.

Даставвал жигарининг хорланишига қарши туриб Исломни қабул қилган Ҳамза розияллоҳу анҳу кейин Аллоҳ инояти билан қалби Исломга астойдил мойил бўлиб, Аллоҳнинг мустаҳкам арқонини ушлашга мушарраф бўлди. Мусулмонлар у туфайли анчагина азизлик кўрдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг Исломга кириши

Ана шундай зулм ва туғён булутлари қуюқлашган кунларда аввалгисиданда кучлироқ ва ёрқинроқ яна бир чақмоқ чақди – Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Исломни қабул қилди. Бу нубувватнинг олтинчи йили Зул-ҳижжа ойида*, Ҳамза розияллоҳу анҳу Исломга кирганидан сўнг уч кун ўтгач содир бўлди.

* Ибнул Жавзий, “Умар ибн Хаттоб тарихи” 11-с.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлишини сўраб Аллоҳ таологa дуо қилган эдилар. Имом Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан, Табароний Ибн Масъуд ва Анас розияллоҳу анҳулардан шундай ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Аллоҳим, шу икки киши – Умар ибн Хаттоб ва Абу Жаҳл ибн Ҳишомнинг қай бири Сенга суюклироқ бўлса, ўшаниси билан Исломни қувватлагин!», деб дуо қилдилар. Иккисидан Аллоҳга суюклиси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бўлди!

Имом Термизий, “Умар ибн Хаттоб маноқиби”, 5/576, (3681-ҳ).

Умар розияллоҳу анҳунинг Исломга кириши ҳақидаги барча

ривоятлар ўрганиб чиқилса, Ислом у кишининг қалбига тадрижий суратда – аста-секинлик билан кириб келгани аён бўлади. Бироқ, охирги хулосани айтишдан аввал Умар розияллоҳу анҳунинг қандай ички кечинмаларни бошидан кечирганлиги ҳақида тўхталиб ўтсак:

Умар розияллоҳу анҳу ўзининг ўткир табиати ва мағрурлиги билан машҳур эди. Кўпинча, қаттиққўл Умарнинг турли озорли зарбалари мусулмонларга келиб тегарди. Аслида, Умар розияллоҳу анҳуни бир-бирига қарама-қарши туйғулар қийнарди. Ота-боболари жорий этган урф-одатларга эҳтиром, кўнгилга хуш ёқадиган ўйин-кулгу ва маст-аластликлар муҳаббати бир томонда турса, мусулмонларнинг собитлиги ва ўз ақидалари йўлида бало-мусибатларни кўтаришларига маҳлиё бўлиш иккинчи томонда турарди. Боз устига Ислом даъват қилаётган нарсанинг бошқа нарсалардан улуғроқ ва покизароқ экани хусусидаги ўйлар ҳар бир оқил киши каби Умар розияллоҳу анҳуга ҳам тинчлик бермасди.

Умар розияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлиши ҳақидаги ривоятларни бир-бирига мувофиқлаштириб, қуйидагича мазмунда хулоса ясаш мумкин. Бир кеча Умар розияллоҳу анҳу ўз уйидан бошқа жойда тунашига тўғри келди. Ўша кеча у Ҳарамга келиб, Каъба ёпинчиғи орасига кирди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётган эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «ал-Ҳааққо» сурасини ўқий бошладилар. Умар розияллоҳу анҳу Қуръоннинг таълифи – ички мутаносиблиги ва тузилишидан ҳайратга тушиб, унга қулоқ тутарди. Умар розияллоҳу анҳу айтади: “Мен ичимда “Аллоҳга қасамки, бу Қурайш айтганидек шоир!”, дедим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятларни ўқидилар:

إِنَّهُۥ لَقَوۡلُ رَسُولٖ كَرِيمٖ ﴿٤٠﴾ وَمَا هُوَ بِقَوۡلِ شَاعِرٖۚ قَلِيلٗا مَّا تُؤۡمِنُونَ ﴿٤١﴾

«У (Қуръон) **шак-шубҳасиз, улуғ пайғамбарнинг** (Аллоҳ даргоҳидан келтирган) **сўзидир! У бирон шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар камдан-кам иймон келтирурсизлар»** (“Ҳааққа” сураси, 40-41-оятлар). «Бу фолбин!», дедим ўзимча. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятларни ўқидилар:

وَلَا بِقَوۡلِ كَاهِنٖۚ قَلِيلٗا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾ تَنزِيلٞ مِّن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٤٣﴾

«Ва бирон коҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар. (У) **барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинган** (Китобдир)**».** (“Ҳааққа” сураси, 42-43-оятлар). Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сурани охиригача ўқидилар. Ўшанда қалбимга Ислом кирди».

Бу Умар розияллоҳу анҳунинг қалбига ташланган Исломнинг дастлабки уруғи эди. Бироқ жоҳилий ҳаёт, тақлидий мутаассиблик ва ота-боболар динини муқаддас, деб билишнинг қалин пардаси қалбнинг

қаъридан элас-элас таралаётган ҳақиқат овозини тўсиб турарди. Шунинг учун Умар розияллоҳу анҳу қалин парда ортида милтиллаётган туйғуларга унчалик эътибор бермасдан, ҳамон Исломга қарши ҳаракатида фаол эди.

Жаҳлдорлиги ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга адовати кучлилиги боис бир куни Умар қиличини тақиб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдиргани отланди. Йўлда Нуъайм ибн Абдуллоҳ Наҳҳом Адавий ёки Бану Зуҳралик бир киши ёхуд Бану Махзумлик бир киши (ривоятларда ихтилоф бор) унинг қаршисидан чиқди.

– Эй Умар, қаерга кетяпсан?

– Муҳаммадни ўлдирмоқчиман!

– Муҳаммадни ўлдирсанг, Бану Ҳошим билан Бану Зуҳранинг қўлидан қандай омон қоласан?

– Кўриб турибман-ки, сен ҳам ўз динингни тарк этиб, диндан қайтибсан!

– Эй Умар, сенга бундан-да қизиқроқ нарсани айтайми?! Синглинг билан куёвинг ҳам диндан қайтиб, сенинг динингни тарк этишган!

Умар ғазаб билан синглисининг уйига йўл олди. У ерда Хаббоб ибн Арат розияллоҳу анҳу бор эди. Унинг қўлида «Тоҳа» ёзилган саҳифа бўлиб, уни Умарнинг синглиси ва куёвига ўқиб бераётганди, – Хаббоб уларникига келиб, Қуръондан таълим берарди, – Умарнинг шарпасини сезган Хаббоб уйга яширинди. Фотима бинти Хаттоб эса Қуръон ёзилган саҳифани яширди. Бироқ Умар розияллоҳу анҳу уйга яқинлашаётиб қироатини эшитиб қолганди.

– Сизларникидан бир ғўнғиллаган овоз чиқаётган эди. У нима ўзи? – сўради Умар.

– Ҳеч нарса. Биз иккимиз гаплашиб ўтирган эдик!

– Эҳтимол сизлар ҳам диндан қайтгандирсизлар?!

– Эй Умар! Агар ҳақ сенинг динингдан бошқа нарсада бўлса-чи! – деди унинг куёви. Шунда Умар куёвига ташланиб, уни қаттиқ эзғилаб ташлади.

Синглиси келиб Умарни эридан ажратиб олмоқчи бўлганида, синглисини қўли билан уриб юбориб юзини қон қилди – Ибн Исҳоқ ривоятида уриб, юзини ёриб юборди, дейилган. – Шунда синглиси ҳам дарғазаб бўлиб: «Эй Умар! Агар ҳақ сенинг динингдан бошқа нарсада бўлса-чи! Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг Росулидир!», деди.

Ҳафсаласи пир бўлган Умар розияллоҳу анҳу синглисининг юзидаги қонни кўриб қилган ишидан афсусланди ва уялди.

– Қани ўша саҳафангизни беринглар-чи, мен ҳам ўқиб кўрайин, – деди Умар.

– Сен нопоксан. Уни фақат покиза кишилар қўлига олиши мумкин. Тур, ювиниб кел! – деди синглиси Фотима.

Умар розияллоҳу анҳу бориб ювиниб келди. Сўнг саҳифани қўлига олиб ўқиди:

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

«Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан». «Покиза ва тоҳир исмлар!», деди у ва «Тоҳа» сурасини 14-оятигача ўқиди:

إِنَّنِيٓ أَنَا ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعۡبُدۡنِي وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكۡرِيٓ ﴿١٤﴾

«Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман. Ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил!».

– Бу калом нақадар гўзал ва нақадар мукаррам! Мени Муҳаммаднинг олдига бошланглар! – деди Умар розияллоҳу анҳу. Умарнинг сўзларини эшитган Хаббоб розияллоҳу анҳу уйдан чиқиб келди.

– Суюнчи, эй Умар! – деди Хаббоб розияллоҳу анҳу. – Умид қиламан-ки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайшанба кечаси: «Эй Аллоҳим! Исломни Умар ибн Хаттоб ёки Абу Жаҳл «Ибн Ҳишом», билан қувватлагин!», деб қилган дуолари сенга насиб этибди! Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тоғидаги ҳовлидалар!

Умар розияллоҳу анҳу қиличини олиб тақди ва айтилган ҳовлига етиб келиб, эшикни қоқди. Бир киши эшик тирқишидан қараб қилич таққан Умарни кўрди ва келиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар берди. Ичкаридагилар бир жойга тўпланди.

– Сизларга нима бўлди? – деб сўради Ҳамза розияллоҳу анҳу.

– Умар! – дейишди.

– Умар бўлса ҳам эшикни очинглар! Агар яхши ниятда келган бўлса, ниятига етказамиз! Ёмон мақсадда келган бўлса, ўз қиличи билан ўлдирамиз! – деди Ҳамза розияллоҳу анҳу. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ичкарида эдилар. У кишига ваҳий тушаётган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умарни қаршилагани чиқдилар ва хонада унга дуч келдилар. Пайғамбаримиз унинг либосининг кўкрагидан ва қиличининг тасмаларидан тутиб қаттиқ силтадилар.

– Эй Умар! Аллоҳ таоло Валид ибн Муғийранинг бошига солган хорлик ва жазони сенинг ҳам бошингга солмагунга қадар тўхтамайсанми?!

– Эй Аллоҳим, мана Умар ибн Хаттоб. Эй Аллоҳим, Умар ибн Хаттоб билан Исломни қувватлагин! – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. Умар розияллоҳу анҳу: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва сиз Аллоҳнинг Росулисиз!», деб Исломни қабул қилди. Шунда ҳовли ичидаги мусулмонлар «Аллоҳу Акбар!», деб қичқиришди ва бу такбирни Ҳарамдагилар ҳам эшитди.

Ибнул Жавзий, “Умар ибн Хаттоб тарихи”, 7,10,11-с.; Ибн Ҳишом, 1/343-346.

Умар розияллоҳу анҳу бировдахл қила олмайдиган ҳайбат эгаси эди. Унинг Исломни қабул қилиши мушриклар ўртасида хорлик ва зиллат қичқириғини қўзғаган бўлса, мусулмонларни иззат, шараф ва шодлик либосига буркади.

Ибн Исҳоқ Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Мусулмон бўлганимдан кейин Макка аҳлининг қай бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг қаттиқ душман, деб ўйладим. Абу Жаҳл, деган тўхтамга келиб, уникига йўл олдим. Абу Жаҳлнинг эшигини қоқдим. У чиқиб келди ва: «Хуш келибсан, хизмат?», деди. Мен Аллоҳга ва Унинг Росули Муҳаммадга иймон келтирганимни ва у зот (Аллоҳ ҳузуридан) олиб келган динни тасдиқлаганимни сенга айтиб қўйгани келдим, дедим. Абу Жаҳл юзимга эшикни ёпди ва шундай деди: «Ўзингни ҳам, олиб келган хабарингни ҳам Аллоҳ кўтарсин!». «Ибн Ҳишом», 1/349, 350.

Ибн Жавзий ёзади: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: “Ким мусулмон бўлса, одамлар унга ёпишиб кетарди ва икки ўртада қаттиқ муштлашув бўларди. Мусулмон бўлганимдан кейин тоғам Осий ибн Ҳошимнинг олдига бориб, Исломни қабул қилганимни айтдим. Тоғам уйига кириб кетди. Сўнг Қурайшнинг кибор кишиларидан бирининг эҳтимол, Абу Жаҳлнингдир уйига бордим. Унга ҳам мусулмон бўлганимни айтган эдим, уйига кириб кетди.

Ибнул Жавзий, “Умар ибн Хаттоб тарихи”, 8-с.

«Ибн Ҳишом» ва Ибн Жавзийлар мухтасар ривоят қиладиларки, Умар розияллоҳу анҳу мусулмон бўлгач, Жамил ибн Муаммар Жумаҳийнинг – у Қурайшнинг хабарчиси эди. Олдига бориб, унга мусулмон бўлганини айтади. Жамил баланд овоз билан: «Ибн Хаттоб диндан қайтибди», деб қичқиради. Унинг орқасида турган Умар эса: «Ёлғон айтаяпти, мен мусулмон бўлдим», дейди. Шунда мушриклар Умарга ташланишади. Умар розияллоҳу анҳу билан мушриклар то қуёш тепаларига келгунга қадар муштлашишди. Охири, Умар розияллоҳу анҳу чарчаб ўтириб қолди. Мушриклар у кишининг тепасида туришарди.

– Қўлларингдан келганини қилинглар! – дерди Умар. – Аллоҳга қасамки, агар уч юз киши бўлганимизда шу ерни сизларга ташлаб кетардик ёхуд сизлар уни бизга қолдириб кетардингиз!

Кейин мушриклар Умар розияллоҳу анҳуни ўлдирмоқчи бўлиб, унинг уйини ўраб олишди. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади: «Умар розияллоҳу анҳу уйида хавф ичида ўтирганида унинг олдига Абу Амр Ос ибн Воил Саҳмий келди. Оснинг эгнида юпқа яманча чопон ва ипак ҳошияли қўйлак бор эди. Ос Саҳм уруғидан бўлиб, улар жоҳилиятда бизнинг иттифоқдошларимиз саналарди.

– Нима бўлди? – деб сўради Ос.

– Қавминг мусулмон бўлганим учун мени ўлдиришмоқчи.

Ос: «Сен омонлик топдинг, сен томон (уларга) йўл йўқ», деб

ташқарига чиқди. У водийни тўлдирган одамларга дуч келди.

– Қаерга кетаяпсизлар? – деб сўради Ос.

– Диндан қайтган анави Ибн Хаттобнинг олдига, – дейишди.

– У томон йўл йўқ! – деди Ос.

Мушриклар орқага қайтди.

«Саҳиҳул Бухорий», "Умар ибн Хаттобнинг Исломга кириши", 1/545.

Ибн Исҳоқ ривоятида: «Аллоҳга қасамки, улар гўё унинг устидан сидириб ташланган кийимдек бўлдилар» (яъни, худди шундай қайтиб кетишди), дейилган. «Ибн Ҳишом», 1/349.

Бу мушрикларнинг билдирган муносабати эди. Келинг, энди гапни мўминлардан эшитайлик. Мужоҳид Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттобдан: «Нима учун Форуқ, деб аталгансиз?» деб сўрадим. Умар розияллоҳу анҳу қуйидагича жавоб берди: «Ҳамза розияллоҳу анҳу мендан уч кун олдин Исломни қабул қилган эди. Сўнг Умар розияллоҳу анҳу ўзининг Исломга кириш тарихини ҳикоя қилиб берди ва охирида деди. – Исломга кирганимдан сўнг: «Ё Росулуллоҳ, биз ўлсак ҳам, яшасак ҳам ҳақ устида эмасмизми?!», деб сўрадим. «Ҳа, дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар вафот топсангизлар ҳам, яшаб қолсангизлар ҳам ҳақдасизлар». «Унда беркинишнинг нима кераги бор? Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, (очиқ даъватга) чиқамиз!», дедим. Икки саф бўлиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни олиб чиқдик. Сафларнинг бирида Ҳамза, иккинчисида мен борардим. Унинг эгнини чанг босган эди. Шу ҳолда Ҳарамга кирдик. Қурайш менга ва Ҳамзага қаради. Мушрикларга ҳеч кўрилмаган бир ғам тушди. Ўша куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Форуқ (ҳақ билан ботилни ажратувчи), деб атадилар». Ибн Жавзий, "Умар ибн Хаттоб тарихи", 6-, 7-с.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: "То Умар розияллоҳу анҳу Исломни қабул қилгунга қадар Каъбада намоз ўқий олмасдик". Абдуллоҳ Нажди́й, «Мухтасар ас-сийра», 103-с.

Суҳайб ибн Синон Румий айтади: "Умар розияллоҳу анҳу мусулмон бўлганидан кейин Ислом ошкор этилиб, унга очиқ даъват қилинди, Каъба атрофида давра қуриб ўтирдик, Каъбани тавоф қилдик, бизга қўполлик қилганлардан ҳақимизни олиб, уларга қилмишига яраша жавоб қайтардик". Ибнул Жавзий, "Умар ибн Хаттоб тарихи", 13-с.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: "Умар Исломни қабул қилганидан бошлаб азиз бўлдик".

«Саҳиҳул Бухорий», "Умар ибн Хаттобнинг Исломга кириши", 1/545.

ҚУРАЙШ ВАКИЛИ РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҲУЗУРЛАРИДА

Ҳамза ибн Абдул Муттолиб ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу

анҳулар Исломни қабул қилганидан кейин мусулмонларнинг бошидаги қуюқ булутлар тарқала бошлади. Мўминларни қийноққа солиш ва азоблаш билан маст бўлган мушриклар аста-секин ўзларига келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватдан тўхтатиш учун имкониятларидаги бор нарсани беришга рози бўлиб, келишиш ҳаракатига тушишди. Бироқ бу бечоралар билмасдиларки, ер юзининг жамики матоси Аллоҳнинг дини ва ҳақ даъвати қаршисида пашша қанотига ҳам арзимайди. Шунинг учун ҳам мушрикларнинг бу уриниши ҳеч қандай самара бермади.

Ибн Исҳоқ ёзади: «Язид ибн Зиёд Муҳаммад ибн Каъб ал-Қуразийдан нақл қилди: Менга айтишларича, Қурайш улуғларидан Утба ибн Рабиъа бир куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳарамда ёлғиз ўтирганларида қавмининг даврасида шундай дейди:

– Эй Қурайш жамоаси, Муҳаммаднинг олдига бориб гаплашиб кўрайинми? Унга бир неча нарсани таклиф қиламан, эҳтимол, уларнинг бирини қабул қилар. Шунда унинг хоҳлаган нарсасини берардик ва у биздан тийиларди.

Бу пайтга келиб Ҳамза ибн Абдул Муттолиб Исломни қабул қилган ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари тобора кўпайиб, кучайиб бораётганини мушриклар ҳам кўриб турарди.

– Майли, эй Абул Валид, унинг олдига бориб гаплашиб кўр, – деди Қурайш.

Утба ибн Рабиъа ўрнидан туриб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб ўтирди.

– Эй жиян, сен бизнинг тагли-тахтли ва насл-насабли кишимизсан. Қавмингнинг бошига оғир бир иш олиб келиб, унинг бирлигига путур етказдинг, муқаддас туйғуларини топтадинг. Олиҳалари ва динини қораладинг, ўтиб кетган ота-боболаримизни кофирга чиқардинг. Қулоқ сол, сенга бир неча таклиф айтаман. Қараб кўр, эҳтимол, уларнинг бирини қабул қиларсан.

– Гапиринг, эй Абул Валид, эшитаман, – дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

– Эй жиян, агар сен шу олиб келган ишинг билан бойлик топмоқчи бўлсанг, биз сенга молларимиздан йиғиб берайлик. Токи, ичимиздаги энг бой-бадавлат киши бўлгин. Агар шараф истаётган бўлсанг, сени улуғимиз, деб билиб, сенсиз ҳеч бир ишни ҳал қилмайлик. Агар мулк-шоҳлик истаётган бўлсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилиб кўтарайлик. Агар сенинг олдингга келаётган жин бўлиб, сен ундан қутула олмаётган бўлсанг, мол-давлатимиздан сарфлаб, сени бу дарддан халос қилайлик. Чунки киши даволанмас экан, одатда, жин унинг устига ғолиб бўлиб олади, – деди Утба. Ёки шунга ўхшаш гапларни айтди. Утба ибн Рабиъа гапириб бўлгунга қадар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қулоқ солиб турдилар.

– Эй Абул Валид, гапириб бўлдингизми? – сўрадилар Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам.

– Ҳа.

– Унда менга қулоқ солинг.

– Хўп.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўз бошладилар:

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ١ تَنزِيلٞ مِّنَ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ٢ كِتَٰبٞ فُصِّلَتۡ ءَايَٰتُهُۥ قُرۡءَانًا عَرَبِيّٗا
لِّقَوۡمٖ يَعۡلَمُونَ ٣ بَشِيرٗا وَنَذِيرٗا فَأَعۡرَضَ أَكۡثَرُهُمۡ فَهُمۡ لَا يَسۡمَعُونَ ٤ وَقَالُواْ
قُلُوبُنَا فِيٓ أَكِنَّةٖ مِّمَّا تَدۡعُونَآ إِلَيۡهِ وَفِيٓ ءَاذَانِنَا وَقۡرٞ وَمِنۢ بَيۡنِنَا وَبَيۡنِكَ حِجَابٞ
فَٱعۡمَلۡ إِنَّنَا عَٰمِلُونَ ٥

«Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Ҳа. Мим. (Ушбу Қуръон) **меҳрибон ва раҳмли** (Аллоҳ) **томонидан нозил қилингандир. У биладиган қавм учун** (мўминларга) **хушхабар берувчи ва** (кофирларни азобдан) **огоҳлантирувчи арабий Қуръон ҳолида** (нозил қилиниб), **оятлари муфассал баён қилинган Китобдир. Бас,** (кофирларнинг) **кўплари** (унинг оятлари ҳақида тафаккур қилишдан) **юз ўгирдилар, демак, улар «эшитмаслар». Улар** (пайғамбар алайҳис-саломга) **дедилар: «Дилларимиз сен бизларни даъват қилаётган нарсадан пардаланган, қулоқларимизда эса оғирлик-карлик бордир ва сен билан бизларнинг ўртамизда бир тўсиқ бордир. Бас, сен ҳам** (ўз амалингни) **қилавер, бизлар ҳам албатта** (ўз амалларимизни) **қилгувчидирмиз ».** “Фуссилат” сураси, 1-5-оятлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тиловат қилишда давом этдилар. Қуръон оятларини эшитган Утба жим қотди. У икки қўлини орқага тираб, уларга суянган кўйи қулоқ соларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саждагача ўқидилар ва сажда қилдилар.

– Эй Абул Валид, – дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кейин. – Мана эшитдингиз, энди ўзингиз биласиз!

Утба қавмдошларининг олдига қўзғалди. Уни кўрган мушриклар ўзаро шундай дейишди:

– Аллоҳга қасам ичиб айтамизки, Абул Валид кетганидан бошқача ҳолатда қайтиб келаяпти.

Утба ибн Рабиъа келиб ўтиргач, ундан «Нима гап, эй Абул Валид?» деб сўрашди.

– Гап шуки, мен бир сўзни эшитдим. Аллоҳга қасамки, мен ҳеч қачон

бундай сўз эшитмаганман. Аллоҳга қасамки, бу на шеър, на сеҳр ва на фолбинликдир. Эй Қурайш жамоаси, сўзимга киринглар ва унинг ишини менга қўйиб беринглар. Бу одам билан олиб келган нарсаси ўртасини тўсманг. Уни тинч қўйинглар. Аллоҳга қасамки, унинг айтаётган бу сўзлари учун келажакда албатта, улуғ бир хабар бўлади. Агар уни араблар тинчитсалар, ундан бировлар орқали қутулган бўласизлар. Агар у арабларнинг устига ғолиб бўлса, унинг мулки сизнинг ҳам мулкингиз, унинг азизлиги сизнинг ҳам азизлигингиз ва сизлар у туфайли энг саодатманд кишиларга айланасизлар.

– Эй Абу Валид, у сени тили билан сеҳрлаб қўйибди, – деди Қурашийлар.

– Менинг фикрим шу. Билганингизни қилинглар, – деди Утба».

«Ибн Ҳишом», 1/293, 294. Бир қисми имом Табаронийнинг «Ал-муъжамус-сағир»ида ҳам келтирилган.

Яна бир ривоятда шундай дейилган: «Утба Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръон эшитаркан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятни ўқидилар:

فَإِنْ أَعْرَضُوا فَقُلْ أَنذَرْتُكُمْ صَٰعِقَةً مِّثْلَ صَٰعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ ﴿١٣﴾

«Бас, агар улар (яъни, Макка мушриклари мана шу тафсилотдан кейин ҳам ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришдан) **юз ўгирсалар, у ҳолда айтинг: «Мен сизларни худди Од ва Самуд** (қабилаларини урган) **чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ – ҳалокат** (келиши)**дан огоҳлантирдим»**.

"Фуссилат" сураси, 13-оят.

Ана шунда Утба қўрққанидан ўрнидан туриб кетди ва қўлини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларига қўйиб: «Бас, бас, Аллоҳ ҳаққи, қариндошлигимиз ҳаққи», дея Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўхташларини ўтинди. Чунки у оятда айтилган ваъид – таҳдиднинг содир бўлишидан қўрқиб кетган эди. Сўнг Утба қавми олдига қўзғалди ва юқоридаги сўзларни айтди».

Ибн Касир тафсири, 4/95, 96, мазкур оят тафсири.

Қурайш бошлиқлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан музокара олиб боришади

Афтидан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Утбанинг таклифларига берган жавобларидан Қурайшнинг умиди батамом узилмаган эди. Чунки, у зот на ҳа, на йўқ деб очиқ айтмаган, балки Қуръон оятларини тиловат қилиб берган, Утбанинг боши қотиб, қандай келган бўлса ўшандай қайтиб кетган эди. Шундан сўнг Қурайшнинг оқсоқоллари кенгашиб, масалани ҳар тарафлама чуқур ўйлаб, ҳолатни яхшилаб ўргандилар.

Бир куни оқшом пайти Каъбанинг олдига йиғилишиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни чақиртирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши умид билан тезда етиб келдилар. Уларнинг олдиларига келиб ўтиргач, у зотга Утба айтган гапларнинг айни ўзини

такрорладилар ва Утба ўртага ташлаган таклифларни қайтадан таклиф қилдилар. Гўё гумон қилишдики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Утбанинг гапларини унинг шахсий фикри, деб жиддий қабул қилмаган бўлсалар, мана энди бутун қабиланинг фикри шу эканини билгач, унинг жиддийлигига ишонч ҳосил қилиб, таклифларни қабул қилсалар. Лекин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: **«Сизлар нима деяпсизлар ўзи, мен сизларга келтирган нарсаларни на сизларнинг мол-дунёларингизни қўлга киритиш истагида, на шон-шуҳрат ва на подшоҳлик талабида олиб келдим. Балки Аллоҳ мени сизларга элчи қилиб юборди, менга Китоб нозил қилди ва мени сизларга хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлишимга буюрди. Мен сизларга Роббимнинг рисолати-элчилигини етказдим ва сизлар учун насиҳатчи бўлдим. Агар олиб келганларимни мендан қабул қилсангиз, бу сизларга дунё-ю охиратда саодат бўлади, агар рад этсангиз то сизлар билан менинг ўртамдаги Аллоҳнинг ҳукми келгунича сабр қиламан»,** дедилар ёки шу мазмунда сўзладилар.

Шундан сўнг Қурайш иккинчи нуқтага ўтди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: Роббингдан сўра, мана бу тоғларни биздан узоқроққа суриб, юртларимизни кенгайтирсин, унда анҳорлар оқизсин, бизларга ўлганларимизни ва хусусан Қусай ибн Килобни тирилтириб берсин, агар ўшалар сени тасдиқласалар, биз ҳам иймон келтирамиз, дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга юқоридаги жавобларининг айни ўзини қайтардилар.

Сўнг учинчи нуқтага ўтишди: Роббингга дуо қил, сенинг пайғамбарлигингни тасдиқлайдиган бир фаришта туширсин, биз унга мурожаат қилиб ҳақиқатни билайлик, яна сенга боғлар, хазиналар, олтин-кумушдан қилинган қасрлар қилиб берсин, деб талаб қилишди. Бу талабларига ҳам айни жавобни қайтардилар.

Сўнг тўртинчи нуқтага ўтишди: у зотдан азобни талаб қилишди ва: «Агар сен айтаётган азоб ва ваъидлар борлиги рост бўлса, қани осмоннинг бир бўлагини устимизга ташлаб юбор-чи», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу Аллоҳнинг қўлидаги иш, У ўзи хоҳлаган ишини қилади», деб жавоб бердилар. Улар: «Роббинг бизнинг сен билан бирга ўтиришимизни ва сендан шу нарсаларни талаб қилишимизни олдиндан билиб, сенга бизни чекинтирадиган жавобларни ўргатмадими, агар қабул қилмасак, бошимизга не кунлар тушишини айтмадими?!», дейишди.

Охирида у зотга қаттиқ таҳдидлар қилиб: «Қасамки, сени асло тинч қўймаймиз, икки ўртада ё сени ҳалок қиламиз ё ўзимиз ҳалок бўламиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан қилган умидлари пучга чиққанидан афсусланиб, ғамгин ҳолда уйларига қайтдилар.

Ибн Исҳоқ ривоятидан қисқартма («Ибн Ҳишом», 1/295-298);

Ибн Жарир, Ибнул-Мунзир, Ибн Абу Ҳотам (“Ад-дуррул-мансур”, 4/365, 366).

Абу Жаҳлнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдиришга қасд қилиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар ҳузуридан кетгач, Абу Жаҳл деди:

– Эй Қурайш жамоаси, кўриб турганингиздек Муҳаммад динимизни қоралашни, ота-боболаримизни ҳақорат қилишни, бизни нодонга чиқариб, олиҳаларимизни хорлашни мақсад қилган. Аллоҳни ўртага қўйиб сўз бераманки, кўтаришга кучим етадиган бир тошни олиб ўтираман-да, Муҳаммад сажда қилганида ўша тош билан бошини янчаман. Кейин мени ҳимоя қиласизларми ёки ташлаб қўясизларми, менга барибир. Абду Маноф уруғи қўлидан келганини қилсин.

– Аллоҳга қасамки, сени ҳеч қачон ташлаб қўймаймиз. Мақсад қилган ишингни амалга oширавер! – деб жавоб беришди мушриклар.

Эртасига Абу Жаҳл ўзи айтганидек, бир тошни олиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кутиб ўтирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар галгидек эрталаб келиб намоз ўқий бошладилар. Қурайш ҳам йиғиладиган жойига келиб ўтириб, Абу Жаҳл нима қиларкин, деб кутиб турди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саждага бош қўйганларида Абу Жаҳл тошини кўтариб Пайғамбаримиз томон юрди. Бироқ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлашиши билан ранглари ўчиб, қўрқиб, орқага чекинди. Қалтираб қўлидаги тошини ташлаб юборди. Қурашийлар унинг олдига келиб сўрашди:

– Сенга нима бўлди, эй Абул Ҳакам?

– Мен кеча сизларга айтган ишимни қилмоқчи эдим. Муҳаммадга яқинлашганимни биламан, уни тўсиб бир буғро – эркак туя пайдо бўлди. Аллоҳга қасамки, мен унингдек боши, бўйни ва тишлари бор туяни ҳеч қачон кўрмаганман. Ўша буғро мени еб қўймоқчи бўлди.

Ўшанда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар: «У Жибрил алайҳис-салом эди. Агар (Абу Жаҳл) яқинлашганида уни тутган бўларди». «Ибн Ҳишом», 1/298, 299.

Савдолашиш ва ён беришлар

Қурайшнинг алдову қизиқтириш ҳамда таҳдиду қўрқитиш асосига қурилган музокараси барбод бўлгач ва Абу Жаҳлнинг дағаллиги, хиёнаткорона ҳаракатлари билан ҳеч нарсага эришилмаслигига кўзлари етгач, уларда муаммонинг ечимига оқилона тадбир орқали етиб бориш истаги туғилди. Аслида, улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ботил устида, дейишга жазм қилишмас, балки Аллоҳ таоло айтганидек:

...لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿١٤﴾

«...ундан (ўз китобларидан) **шак-шубҳада»** (“Шўро” сураси, 14-оятдан)

эдилар. Шу боис дин ишида у зот билан савдолашмоқчи, ўзларича йўл ўртасида Ислом билан жоҳилиятни учраштирмоқчи – бирлаштирмоқчи бўлишди. Уларнинг савдосига кўра, мушриклар айрим эътиқодларидан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам айрим эътиқодларидан воз кечишлари керак эди. Агар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) даъват қилаётган нарса ҳақ бўлса, биз ҳам шу йўл билан ҳаққа эришамиз, деб гумон қилишди улар.

Ибн Исҳоқ ёзади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбани тавоф қилаётганларида Асвад ибн Муттолиб ибн Асад ибн Абдул Уззо, Валид ибн Муғийра, Умайя ибн Халаф ва Ос ибн Воиллар (улар қавмининг оқсоқоллари эди) у кишининг қаршиларига келиб шундай дейишди:

– Эй Муҳаммад, кел, сен ибодат қилаётган зотга биз ибодат қилайлик, сен ҳам биз ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилгин. Агар сен ибодат қилаётган Зот биз ибодат қилаётган нарсадан яхшироқ бўлса, Ундан биз ҳам насибадор бўлиб қоламиз. Агар бизнинг ибодат қилаётганимиз сен ибодат қилаётгандан яхшироқ бўлса, сен ҳам ундан насибадор бўласан. Ўшанда Аллоҳ таоло «Кофирун» сурасини нозил қилди:

قُلْ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿١﴾ لَآ أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **айтинг: «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман».**

«Ибн Ҳишом», 1/362.

Абд ибн Ҳумайд ва бошқалар Ибн Аббосдан ривоят қилишларича, Қурайш: «Агар бизнинг олиҳаларимизни истилом (тавоф) қилсанг (қўлинг билан силаб улуғласанг), сенинг Илоҳингга ибодат қиламиз», дейишганда Аллоҳ таоло «Кофирун» сурасини нозил қилди.

“Ад-дуррул-мансур”, 6/292.

Ибн Жарир ва бошқалар ривоятида мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Бир йил бизнинг олиҳаларимизга сиғин, бир йил сенинг Роббингга ибодат қиламиз», деганларида Аллоҳ таоло:

قُلْ أَفَغَيْرَ ٱللَّهِ تَأْمُرُوٓنِّىٓ أَعْبُدُ أَيُّهَا ٱلْجَـٰهِلُونَ ﴿٦٤﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, у мушрикларга) **айтинг: «Ҳали сизлар мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюрурмисизлар, эй нодонлар!».** “Зумар” сураси, 64-оят.

Аллоҳ таоло мушрикларнинг кулгили таклифларини ана шундай кескинлик билан рад қилиб ташлагач ҳам Қурайш бутунлай умидсизликка тушмади, балки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари олиб келган таълимотга баъзи ўзгартиришлар киритиши эвазига улар ҳам кўпроқ ён беришга розилик изҳор қилишди.

...قَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا ٱئْتِ بِقُرْءَانٍ غَيْرِ هَٰذَآ أَوْ بَدِّلْهُ ...

“...«Бу Қуръондан бошқа бир Қуръон келтиргин ёки буни ўзгартиргин», дейишди”. Аллоҳ таоло бу йўлни ҳам кескинлик билан рад қилди:

...قُلْ مَا يَكُونُ لِيٓ أَنْ أُبَدِّلَهُۥ مِن تِلْقَآيِٕ نَفْسِيٓ ۖ إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّ ۖ إِنِّيٓ
أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾

«... Айтинг: «Мен учун уни ўз томонимдан ўзгартириш дуруст эмасдир. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган оятларгагина эргашурман. Чунки мен агар Парвардигоримга исён қилсам, улуғ Кун (Қиёмат)**нинг азобидан қўрқаман»** (“Юнус” сураси, 15-оят). Ва бундай ишнинг оқибати ғоят хатарли экани билан огоҳлантирди:

وَإِن كَادُواْ لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ ٱلَّذِيٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ لِتَفْتَرِيَ عَلَيْنَا غَيْرَهُۥ ۖ وَإِذًا
لَّٱتَّخَذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٣﴾ وَلَوْلَآ أَن ثَبَّتْنَٰكَ لَقَدْ كِدتَّ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْـًٔا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾ إِذًا
لَّأَذَقْنَٰكَ ضِعْفَ ٱلْحَيَوٰةِ وَضِعْفَ ٱلْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, мушриклар) **сизни Бизнинг шаънимизга,** (ваҳийдан) **ўзга нарсаларни тўқиб чиқарсин, деб Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда** (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз)**, сизни дўст қилиб олган бўлар эдилар. Агар Биз сизни** (ҳақ йўлда) **собитқадам қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё** (азобини) **ҳам, охират** (азобини) **ҳам икки ҳисса қилиб тоттирган бўлар эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз».** “Исро” сураси, 73-75-оятлар.

Қурайшнинг боши қотиб, ўйга толиши ва яҳудлар билан алоқа боғлаши

Мазкур музокара, келишувга уриниш ва ён беришлар ҳеч қандай самара бермагач, Қурайш йўлини йўқотган одамдек гангиб, нима қилишини билмай боши қотиб қолди. Қурайш шайтонларидан бири бўлмиш Назр ибн Ҳорис уларга насиҳат қилиб шундай деди: «Эй Қурайш жамоаси, Аллоҳга қасамки, бошингизга бир иш тушди ва сизлар ҳалигача унинг чорасини топа олмадингиз. Муҳаммад сизларнинг орангизда ёш йигит эканида сизларнинг энг яхшингиз, ростгўйингиз ва омонатдорингиз эди-ку?! Энди икки чаккасига оқ

тушганида мана бу ишни олиб келгани учун уни сеҳргар, дейсизлар. Йўқ, Аллоҳга қасамки, у сеҳргар эмас. Биз сеҳргарларни ҳам, уларнинг куф-суфлари-ю, тугунларини кўп кўрганмиз. Коҳин, дедингиз. Йўқ, Аллоҳга қасамки, у коҳин эмас. Биз коҳинларни биламиз, уларнинг талвасаларини кўрганмиз, қофияли сўзларини эшитганмиз. Шоир дедингиз. Йўқ, Аллоҳга қасамки, у шоир эмас. Биз шеърни яхши тушунамиз, унинг ҳамма турини, ҳажази-ю ражазини эшитганмиз. Мажнун, дедингиз. Йўқ, Аллоҳга қасамки, у мажнун эмас. Биз жунун нима, унинг тутқаноқлари, васвасалари ва алаҳсирашлари нима, кўрганмиз, биламиз. Эй Қурайш жамоаси, аҳволингизни яхшилаб бир ўйлаб кўринг. Аллоҳга қасамки, бошингизга улкан бир иш тушди».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар қандай таҳдид ва пўписаларга қарши матонат билан туришларини, қизиқтирувчи ва йўлдан урувчи ҳар қандай таклифларни қатъиян рад этишларини, ўз йўлларида собот билан давом этишларини, шунингдек у зотнинг ростгўй, покиза ва улуғ ахлоқ эгаси эканликларини кўрган Қурайш пешволари у ростдан ҳам пайғамбар бўлса-чи, деган гумонга ҳам борди ва уларда яҳудийлар билан боғланиб, уларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги фикрларини билиш истаги пайдо бўлди. Назр ибн Ҳорис уларга юқоридаги гаплари билан насиҳат қилгач, унинг ўзини бир неча кишилар билан биргаликда Мадина яҳудийлари ҳузурига бориб, улар билан сўзлашиб келишга юбордилар. Яҳудий руҳонийлари уларга шундай йўл кўрсатишди: «Сизлар ундан уч нарса ҳақида сўранглар. Агар жавоб бера олса, ҳақиқатан пайғамбар бўлади, акс ҳолда ундай кимса ўлимга маҳкум: ундан аввалги замонда (узоқ вақт йўқ бўлиб) кетган йигитларнинг иши қандай бўлган, деб сўранглар. Чунки, уларнинг иши жуда қизиқ кечган. Яна ундан ерни кезиб, унинг машриқу мағрибларига етиб борган бир киши ҳақида сўранглар, нима биларкин. Сўнгра ундан руҳ нима, деб сўранглар».

Маккага қайтишгач, Назр: «Биз сизларга Муҳаммад билан бизнинг ўртамизни узил-кесил ажрим қилиб берадиган нарсани олиб келдик», деди ва яҳудларнинг гапларини Қурайшга етказди. Қурайш Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги саволларни сўрагач, орадан бир неча кун ўтиб, «Каҳф» сураси нозил бўлди. Ушбу сурада мазкур йигитлар – «Асҳобул-Каҳф»нинг ҳикояси ва ернинг машриқу мағрибини қўлга киритган Зул-қарнайн ҳақидаги қисса бор эди. Руҳ ҳақидаги саволнинг жавоби «Исро» сурасида нозил бўлди. Қурайшга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар эканликлари маълум бўлди, бироқ бу билан золимларнинг куфрлари заррача камаймади. «Ибн Ҳишом», 1/299-301.

Абу Толиб ва яқин қариндошларнинг муносабати

Воқеалар оқими ўзгарди. Вазият ва ҳолатлар ўзгача тус олди. Бироқ Абу Толиб ҳамон суюкли жиянини ўйлаб безовта эди. У бўлиб ўтган

ҳодисаларга назар ташлади: Мушриклар унга қарши уруш очамиз, деб таҳдид қилишди. Сўнг Аммора ибн Валиднинг эвазига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни олиб ўлдирмоқчи бўлишди. Абу Жаҳл жиянининг бошини тош билан янчмоқчи бўлди. Уқба ибн Аби Муъийт ридоси билан у зотни бўғиб, ўлдиришига сал қолди. Умар ибн Хаттоб уни ўлдираман, деб қилич кўтариб чиқди. Ана шу ҳодисаларнинг барчасини таҳлил қилиб чиққан Абу Толиб амин бўлди-ки, мушриклар унинг ҳимоясини бузиб, жиянини ўлдиришга қасд қилганлар. Қурайшнинг бир бўлиб жиянига ташланаётганини кўрган Абу Толиб Абду Манофф авлодини – Бану Ҳошим ва Бану Муттолиб уруғини йиғиб, уларни ҳам худди ўзи каби жиянини ҳимоя қилишга чақирди. Арабларда кучли ривожланган қариндош-уруғчилик ҳамиятидан келиб чиқиб ҳар иккала уруғнинг мусулмони-ю кофири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилишга рози бўлди. Фақат Абу Толибнинг ўз иниси Абу Лаҳабгина улардан ажралиб, Қурайш мушриклари ишига бош қўшди. « Ибн Ҳишом», 1/269.

АЛОҚАЛАРНИНГ БАТАМОМ УЗИЛИШИ

Зулм ва зўравонлик битими

Бану Ҳошим ва Бану Муттолиб уруғларининг барчаси– мусулмони-ю кофири Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилишга аҳд қилиши Қурайшнинг бошини қотириб қўйди. Шундан кейин мушриклар Муҳассаб водийсидаги Бану Кинона ерида тўпланиб, Бану Ҳошим ва Бану Муттолибга қарши қуйидагича иттифоқ қилишди: Қурашийлар бу уруғ кишилари билан қуда-андачилик ва савдо-сотиқ қилмайди, улар билан бирга ўтирмайди, уларга аралашмайди, уйларига кирмайди ва улар билан гаплашмайди. Токи, бу икки уруғ Қурайш мушрикларига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қатл этиш учун топширмагунга қадар уларга қарши ана шундай муносабатда бўлинади. Мушриклар ўзларининг аҳду паймонларини бир саҳифага ёзиб ҳам қўйишди: «Бану Ҳошим Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни қатл қилиш учун топширмагунча улардан ҳеч қандай битим-келишув қабул қилинмайди ва уларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди».

Ибнул Қоййум ёзади: «Баъзилар мазкур саҳифани Мансур ибн Икрима ибн Омир ибн Ҳошим ёзган, десалар, баъзилар Назр ибн Ҳорис ёзган, дейишади. Бироқ саҳиҳ гап шуки, бу саҳифани Бағиз ибн Омир ибн Ҳошим ёзган. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни дуоибад қилганларида, қўли шол бўлиб қолган».

Қаранг: «Саҳиҳул Бухорий», “Фатҳ”, 3/529 (1589, 1590, 3882, 4284, 4285, 7479- ҳадислар), «Зодул-маъод”, 2/46.

Қурайш ана шундай аҳд-паймон қилиб, уни бир саҳифага ёзиб Каъба ичига осиб қўйди. Бану Ҳошим ва Бану Муттолибнинг Абу Лаҳабдан бошқа барчалари – мусулмони-ю кофири нубувватнинг

еттинчи йили Муҳаррам ойи ҳилоли кечасида Абу Толиб дарасига кўчиб ўтди. Қамал кунлари бошланди.

Абу Толиб дарасида уч йил

Қамал кучайди. Дарадагиларнинг озиқ-овқати узилди. Мушриклар Маккага келган ҳар қандай егулик ёхуд савдо молларини зудлик билан сотиб олиб қўйишарди. Оқибат дарадагиларнинг ҳоли танг бўлди. Улар оч қолганликларидан барглар ва териларни ейишга мажбур бўлишди. Дарадан аёллар ва гўдакларнинг очликдан чирқираб йиғлаётгани эшитилиб турарди. Уларга фақат яширинча у-бу нарса келиб турарди, холос. Қамалдагилар эҳтиёжларини бутлаш учун фақат уруш ҳаром қилинган ойлардагина ташқарига чиқа олардилар. Улар четдан келган карвонлардан нарсалар сотиб олишарди, бироқ Макка аҳли қамалда қолганлар сотиб ололмаслиги учун молларнинг нархини атай ошириб юборишарди.

Ҳаким ибн Ҳизом аммаси Хадича розияллоҳу анҳога буғдой юбориб турарди. Бир сафар Абу Жаҳл унинг йўлини тўсди. Уларнинг ўртасидаги тортишувга Абул Бухтарий аралашди ва Ҳакимга донни аммасига олиб боришга имкон яратди.

Абу Толиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўйлаб қўрқарди. Уйқуга ётиш пайтида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз ўринларига ётишни буюрар ва нияти ёмон кимсалар ҳам буни кўрсин, дерди. Сўнг ҳамма ухлагач, бирон ўғли, иниси ёки амакиваччасига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринларига ётишни буюриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни бошқа жойга ётқизарди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар ҳаж мавсуми кунлари дарадан ташқарига чиқиб одамлар билан кўришар ва уларни Исломга даъват қилар эдилар. Биз ўша кунларда ҳам Абу Лаҳабнинг нималар қилгани ҳақида юқорида ёзган эдик.

Битимнинг бекор қилиниши

Дарадагилар икки ё уч йил ана шундай аҳволда яшадилар. Нубувватнинг ўнинчи йили Муҳаррам ойи*да Қурайш тузган зулм битими бузилди, қамал бекор қилинди. Чунки Қурайшнинг бу қарорига кимлардир рози ва яна кимлардир норози эди. Айнан мана шундай норози кишилар саҳифани йиртиб ташлашга ҳаракат қилишди. Бу ишнинг бошида Ҳишом ибн Амр турди. Бану Омир ибн Луай уруғидан бўлган Ҳишом дарада ётган Бану Ҳошим уруғига тунда яширинча егуликлар етказарди.

*Бунга далил Абу Толиб зулм саҳифаси йиртиб ташлангандан кейин олти ой ўтгач, вафот этган. Саҳиҳ қавлга кўра, Абу Толиб Ражаб ойида жон таслим қилган. Абу Толиб Рамазонда ўлган, деювчилар у зулм саҳифаси йиртилгач, саккиз ой-у бир неча кундан сўнг вафот этган, дейишади.

Хуллас, Ҳишом ибн Амр Зуҳайр ибн Аби Умайя Махзумийнинг олдига келди (Зуҳайрнинг онаси Абдул Муттолибнинг қизи Отика эди)

ва унга шундай деди:

– Эй Зуҳайр, тоғаларинг мана шундай аҳволда ётса-ю, сен еб-ичиб ўтираверасанми?!

– Сени қара-ю, бир ўзимнинг қўлимдан нима ҳам келарди?! Аллоҳга қасамки, агар ёнимда яна биров бўлганида бу битимни бузишга уринардим.

– Ўша litigationbировни топдинг.

– Ким экан у?

– Мен.

– Учинчи кишини ҳам топ, – деди Зуҳайр.

Ҳишом Мутъим ибн Адийнинг олдига борди. Бану Ҳошим ва Бану Муттолиб уруғларининг унга ҳам қариндошлигини эслатиб, уни Қурайшнинг ана шу зулмига бош қўшгани учун айблади.

– Сени қара-ю, мен нима ҳам қила олардим. Бор-йўғи бир ўзим бўлсам, – деди Мутъим.

– Иккинчи кишини ҳам топдинг.

– Ким у?

– Мен.

– Учинчи кишини ҳам топ?

– Аллақачон топиб қўйганман.

– Ким у?

– Зуҳайр ибн Аби Умайя.

– Тўртинчи кишини ҳам топ.

Ҳишом ибн Амр Абул Бухтарий ибн Ҳишомнинг олдига келиб, унга ҳам Мутъимга айтганларини айтди.

– Бу ишда ёрдам берадиган яна бирон киши борми?

– Ҳа.

– Ким у?

– Зуҳайр ибн Аби Умайя, Мутъим ибн Адий ва мен сен билан биргамиз.

– Бешинчи кишини ҳам топ.

Ҳишом ибн Амр Замъа ибн Асвад ибн Муттолиб ибн Асаднинг олдига борди. Унга ҳам дарадагиларнинг қариндошлигини ва ҳақларини эслатди.

– Мени даъват қилаётган бу ишингга яна бирон киши қўшилганми?

– Ҳа, – деб жавоб берди Ҳишом ва юқоридагиларнинг номларини айтди.

Улар Ҳажунда йиғилиб, саҳифани бекор қилишга келишишди.

– Мен бошлайман! – деди Зуҳайр. – Энг биринчи бўлиб гапираман.

Эртасига эрталаб йиғилиб ўтирадиган жойларига келишди. Ҳулла (араблар либоси) кийиб олган Зуҳайр ҳам келиб, Каъбани етти марта тавоф қилди-да, сўнг одамларга юзланди:

– Эй Макка аҳли, Бану Ҳошим ҳалокатга ташлаб қўйилиб, савдо-сотиқдан тўсиб ташланган бир аҳволда биз еб-ичиб, либослар кийиб

юраверамизми? Аллоҳга қасамки, орани узадиган манави золим саҳифа йиртиб ташланмагунга қадар ўтирмайман.

Ҳарамнинг бир бурчагида ўтирган Абу Жаҳл унга эътироз билдирди:

– Бекор айтибсан. Аллоҳга қасамки, у йиртилмайди.

– Аллоҳга қасамки, сен ўзинг бекор айтибсан! – деб гапга аралашди Замъа ибн Асвад. – Биз бу саҳифа ёзилаётганда рози бўлмаганмиз.

– Замъа рост айтаяпти, – деди Абул Бухтарий. – Биз унда ёзилган нарсаларга рози эмасмиз ва уларни тасдиқламаймиз.

– Сиз иккингизнинг гапингиз ҳақ ва бундан бошқа гапни айтган кимса бекор айтибди, – деди Мутъим ибн Адий. – Биз Аллоҳни ўртага қўйиб айтамизки, бу саҳифадан ҳам, унда ёзилган нарсалардан ҳам безормиз.

Ҳишом ибн Амр ҳам уларни қўллаб-қувватлади.

– Бу иш кеча пиширилган, – деди Абу Жаҳл. – Бошқа жойда олдиндан келишиб олинган.

Абу Толиб Ҳарамнинг бир четида ўтирарди. Унинг Ҳарамга келишининг ўз сабаби бор эди. Аллоҳ таоло Росулини саҳифанинг ишидан бохабар қилди ва билдирдики, Аллоҳ бу саҳифага термитларни жўнатди. Улар саҳифадаги зулм, адоват ва орани узиш ҳақидаги жойларини еб ташлаб, фақат Аллоҳ номинигина қолдиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хабарни амакиларига айтдилар. Абу Толиб Қурайш ҳузурига келиб жиянининг шундай-шундай, деганини, агар у ёлғон гапирган бўлса, мушриклар билан унинг ўртасини очиб қўйишини, рост гапирган бўлса, уларга қилинаётган қамал ва зулмни тўхтатишни таклиф қилди.

– Адолатли гап, – дейишди мушриклар.

Саҳифани йиртмоқчи бўлганлар билан Абу Жаҳл ўртасида юқоридаги мунозара бўлиб ўтгач, Мутъим уни йиртиб ташлаш учун қўзғалди. Қараса, унда «Эй Аллоҳ, Сенинг исминг билан», деган жойгина қолибди. Саҳифанинг бошқа қисмини термитлар еб битирибди. Фақат Аллоҳ исми ёзилган жойгина соғ қолибди.

Шундай қилиб, саҳифа йўқ қилинди. Қамалдагилар очиққа чиқишди. Мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нубувватлари чин аломатларидан бирини кўрсалар-да, ҳамон ўз кўрликларида қолишди. Ахир Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай демаганми?!

وَإِن يَرَوۡاْ ءَايَةٗ يُعۡرِضُواْ وَيَقُولُواْ سِحۡرٞ مُّسۡتَمِرّٞ ٢

«Агар улар (Қурайш кофирлари Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига далолат қиладиган) **бирон оят-мўъжиза кўрсалар** (ҳам у Пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) **юз ўгирурлар ва «**(Бу) **ҳар доимги сеҳр-ку!» дерлар».** “Қамар” сураси, 2-оят.

Худди шундай! Мушриклар бу оят-аломатдан ҳам юз ўгириб, ўз куфрларида зиёда бўлишди.

Мазкур воқеа тафсилотини «Саҳиҳул Бухорий», 1/216, 1/548, «Зодул-маъод", 2/46, «Ибн Ҳишом», 1/ 350, 351, 374, 377 ва бошқа манбалардан жамладик.

Қурайшнинг Абу Толибга жўнатган охирги вакиллари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарадан чиққанларидан кейин яна аввалгидай даъват ишини давом эттирдилар. Қурайш гарчи алоҳида ажратиб қўйишни тўхтатган бўлса-да, ҳамон мусулмонларга тазйиқ қилиш ва одамларни Аллоҳ йўлидан тўсиш билан машғул эди. Жиянини авайлаб-асрашга қаттиқ эътибор берадиган Абу Толиб ҳам ёши саксондан ошиб, кейинги йилларда, хусусан, дарадаги қамал кунларида бошига ёғилган кетма-кет аламлар ва қийинчиликлар юки остида қадди букчайиб, бўғимлари бўшашиб, анча ҳолдан тойди. Абу Толиб дарадан чиққанига бир неча ой бўлгач, бетобланиб қаттиқ оғриб қолди. Ана шунда мушриклар Абу Толиб ўлганидан кейин Муҳаммаднинг таъзирини берсак, араблар орасида ёмон отлиқ бўлиб қоламиз, деб хавфсирашди ва амакисининг кўзи очиқлигида яна бир марта Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан музокара юритмоқчи бўлишди. Улар шу пайтгача рози бўлмаган баъзи шартларни қабул қилишга ҳам тайёр эдилар. Шундай қилиб, Абу Толибнинг олдига Қурайш вакиллари охирги марта келишди.

Ибн Исҳоқ ва бошқалар ёзади: «Абу Толиб дардга чалиниб, унинг оғирётгани ҳақида Қурайш хабар топгач, ўзаро шундай маслаҳат қилишди: Ҳамза ва Умар Исломни қабул қилди. Муҳаммаднинг иши Қурайшнинг барча уруғларига ёйилиб бўлди. Юринглар, Абу Толибнинг олдига борайлик. Жиянини айрим нарсаларга кўндирсин. Майли, биздан ҳам у-бу нарсага ваъда олсин. Аллоҳга қасамки, улар бизнинг ишимизга ғолиб бўлиб кетишлари мумкин».

Яна бир ривоятда шундай дейилган: «Биз қўрқамизки, манави шайх ўлганидан кейин унга бир нарса бўлса, араблар бизни маломат қилишади. Амакиси тириклигида тегинишмасди, амакиси ўлгандан кейин унга ташланишди, дейишади».

Хуллас, қавмнинг улуғлари – Утба ибн Рабиъа, Шайба ибн Рабиъа, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Умайя ибн Халаф ва Абу Суфён ибн Ҳарблар таркибида бўлган йигирма бештача киши Абу Толибнинг олдига келишди.

– Эй Абу Толиб, сен бизнинг обрўли кишимизсан. Бугун оғирлашиб қолибсан. Сендан хавотирдамиз. Жиянинг билан бизнинг ўртамиздаги ишлардан хабаринг бор. Жиянингни чақиртир. Биз баъзи нарсаларга рози бўлайлик, у ҳам баъзи нарсаларга рози бўлсин. Бизни тинч қўйсин, биз ҳам уни тинч қўяйлик. Бизни ва динимизни ўз ҳолига қўйсин, биз ҳам уни ва динини ўз ҳолига қўяйлик.

Абу Толиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам жўнатиб чақиртириб келди.

– Эй жиян, мана қавмингизнинг улуғлари йиғилиб келишибди. Сиз

учун айрим нарсаларга рози бўлиб, сизни ҳам баъзи нарсаларга рози қилишмоқчи.

Кейин Абу Толиб Қурайш айтган таклифни батафсил баён қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Мен сизларга бир оғиз сўзни таклиф қиламан. Агар шу сўзни айтсангизлар, арабларга ҳоким бўласизлар ва ажам** (араб бўлмаган барча халқлар) **сизларга тобе бўлади».**

Бир ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Толибга юзланиб шундай деганлари нақл қилинган: **«Улардан бир оғиз сўзни айтишларини сўрайман. Шу сўз сабабли араблар уларга бўйсуниб, ажам жизя тўлайдиган бўлади».**

Яна бир лафзда шундай дейилган:

– Эй амаки, уларни ўзлари учун яхшироқ бўлган бир нарсага даъват қилсам-чи?

– Уларни нимага чақирасиз?

– Мен уларни бир оғиз сўз айтишга чақираман. Шу сўз билан араблар уларга бўйсуниб, ажам устидан ҳоким бўлишади».

Ибн Исҳоқ ривоятида шундай дейилган: «Бир оғиз сўзни беринглар, шу сўз билан арабларга эгалик қиласизлар ва ажам сизларга тобе бўлади».

Қурайш улуғлари ҳайрон бўлиб туриб қолишди. Ахир шу қадар фойдали бўлган бир оғиз сўзни айтишдан қандай бош тортсинлар?!

– Нима экан, у? – деди Абу Жаҳл. Отанг ҳаққи-ҳурмати ўша сўзни ва унга ўхшаган яна ўнта сўзни сенга берамиз!

– Ла илаҳа иллаллоҳ, дейсизлар ва Аллоҳдан ўзга маъбудларингизни тарк қиласизлар! – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Қурайш (ажабланганидан) қўлларини бир-бирига уриб қарс чиқаришди.

– Эй Муҳаммад, – дейишди улар. – Сен шунча илоҳларни битта илоҳга айлантирмоқчимисан?! Бу ишинг жуда ғалати-ку?

Сўнг ўзаро шундай дейишди:

– Аллоҳга қасамки, бу одам сизлар хоҳлаган нарсанинг биронтасига кўнмайди. Боринглар, оталарингиз динидан қолманглар. Сиз билан унинг ўртасида Алоҳнинг Ўзи ҳукм қилар!

Қавм тарқалди. Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари улар ҳақида нозил бўлди:

صٓۚ وَٱلۡقُرۡءَانِ ذِى ٱلذِّكۡرِ ﴿١﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فِى عِزَّةٍ وَشِقَاقٍ ﴿٢﴾ كَمۡ أَهۡلَكۡنَا
مِن قَبۡلِهِم مِّن قَرۡنٍ فَنَادَواْ وَّلَاتَ حِينَ مَنَاصٍ ﴿٣﴾ وَعَجِبُوٓاْ أَن جَآءَهُم مُّنذِرٌ مِّنۡهُمۡ

وَقَالَ ٱلْكَـٰفِرُونَ هَـٰذَا سَـٰحِرٌ كَذَّابٌ ﴿٤﴾ أَجَعَلَ ٱلْـَٔالِهَةَ إِلَـٰهًا وَٰحِدًا ۖ إِنَّ هَـٰذَا
لَشَىْءٌ عُجَابٌ ﴿٥﴾ وَٱنطَلَقَ ٱلْمَلَأُ مِنْهُمْ أَنِ ٱمْشُوا۟ وَٱصْبِرُوا۟ عَلَىٰٓ ءَالِهَتِكُمْ ۖ إِنَّ
هَـٰذَا لَشَىْءٌ يُرَادُ ﴿٦﴾ مَا سَمِعْنَا بِهَـٰذَا فِى ٱلْمِلَّةِ ٱلْـَٔاخِرَةِ إِنْ هَـٰذَآ إِلَّا ٱخْتِلَـٰقٌ ﴿٧﴾

«Сод. Шаъну-шараф соҳиби бўлган Қуръонга қасам (албатта Қуръон илоҳий мўъжизадир ва албатта, сиз, эй Муҳаммад алайҳис-салом, Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридирсиз). **Балки кофир бўлган кимсалар** (бу ҳақиқатни қабул қилишдан) **кибру-ҳавода ва** (Аллоҳ ва пайғамбарга) **мухолификда собитдирлар. Биз улардан илгари ҳам қанча аср – авлодни** (иймонсизликлари сабабли) **ҳалок қилганимизда улар** (бошларига азоб тушганида ёрдам сўраб) **нидо-илтижо қилганлар,** (аммо бу вақт азобдан) **қочиб қутулиш вақти эмас эди.** (Макка мушриклари) **уларга ўзларидан** (яъни, башар авлодидан) **бўлган бир огоҳлантирувчи – пайғамбар келганидан ажабландилар ва у кофирлар дедилар: «Бу бир ёлғончи сеҳргардир.** (Шунча) **худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!» Улардан катталари** (бир-бирларига шундай, дея тарқалиб) **кетдилар: «Юринглар ва ўз худоларингизга** (сиғинишда) **қаноат қилинглар** (яъни, устивор бўлинглар)**! Албатта бу** (яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейиш бизлардан) **исталадиган** (талаб қилинадиган жуда катта) **нарсадир. Бизлар бу ҳақда** (яъни, Аллоҳнинг якка-ю ягона эканлиги ҳақида) **сўнгги миллат – динда**(ги одамлардан ҳам, яъни, Исломдан аввалги сўнгги дин бўлмиш насроний динидаги одамлардан ҳам) **эшитган эмасмиз. Бу фақат бир уйдирмадир, холос».** "Сод" сураси, 1-7-оятлар.

МАҲЗУНЛИК ЙИЛИ

Абу Толибнинг вафоти

Абу Толибнинг дарди оғирлашиб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан вафот этди. Абу Толиб нубувватнинг ўнинчи йили Ражаб ойида – қамалдан чиққанидан сўнг олти ой ўтгач жон таслим қилди*. Баъзи муаррихлар Абу Толиб Хадижа розияллоҳу анҳо вафотидан уч кун олдин Рамазон ойида вафот этган, дейишади.

Абдуллоҳ Наждий, "Мухтасар ас-сийра", 111-б.

Имом Бухорий Мусаййибдан ривоят қилади: «Абу Толиб ўлим тўшагида ётганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳузурига кирдилар. Абу Толибнинг олдида Абу Жаҳл ҳам бор эди.

– Эй амаки, – дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам – «Ла илаҳа иллаллоҳ», денг, ана шу калимани Аллоҳ ҳузурида сиз учун ҳужжат қиламан.

– Эй Абу Толиб, – дейишди Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ ибн Аби Умайя - Абдул Муттолиб динидан юз ўгирасанми?!

Бу иккиси тинмай гапиравerganidan кейин Абу Толибнинг охирги айтган сўзи «Абдул Муттолиб динида», дейиш бўлди.

– Модомики қайтарилмас эканман, сиз учун мағфират сўрайвераман, – дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Шундан сўнг қуйидаги оятлар нозил бўлди:

مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَن يَسۡتَغۡفِرُواْ لِلۡمُشۡرِكِينَ وَلَوۡ كَانُوٓاْ أُوْلِي قُرۡبَىٰ مِنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمۡ أَنَّهُمۡ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَحِيمِ ﴿١١٣﴾

«На пайғамбар ва на мўминлар – агар мушриклар қариндошлари бўлса ҳам, – уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлганидан кейин, у мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмасдир». “Тавба” сураси, 113-оят.

إِنَّكَ لَا تَهۡدِي مَنۡ أَحۡبَبۡتَ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَهۡدِي مَن يَشَآءُۚ ... ﴿٥٦﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом,) **аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур...».**

“Қасас” сураси, 56-оятдан. Имом Аҳмад, “Муснад”, 6/118.

Абу Толибнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни нечоғли авайлаб, нечоғли ҳимоя қилгани ҳақида сўзлаш ортиқча! У Ислом даъвати учун катта-кичик мушрикларнинг ҳужумларидан тўсувчи бир қўрғон эди! Шундай бўлса-да, Абу Толиб оталарининг динида қолди ва саодат йўлини топмади.

Аббос ибн Абдул Муттолиб розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга деди: «Амакингизга қандай фойда бердингиз? Зеро, у сизни ҳимоя қилар ва ёнингизни олар эди!». **«У дўзахнинг саёз-юза бир ўрнида. Агар мен бўлмаганимда, дўзахнинг энг қаърида бўларди!»**, дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. Имом Аҳмад, “Муснад”, 6/118.

«Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Абу Толиб зикр қилинганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Шояд Қиёмат куни унга менинг шафоатим фойда берар ва у тўпиқларигача** (дўзах ўти) **етадиган дўзахнинг юза бир ерида қилинар!».** Имом Аҳмад, “Муснад”, 6/118.

Хадижа розияллоҳу анҳонинг вафоти

Абу Толиб вафотидан икки ой ёки уч кун вақт ўтгач – ривоятлар турлича келган, Уммул муъминин Хадижаи Кубро розияллоҳу анҳо ҳам вафот этди. Мўминларнинг онаси нубувватнинг ўнинчи йили рамазон

ойида олтмиш беш ёшида Аллоҳ раҳматига риҳлат қилди. Ўшанда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари элликда эди.

Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган Аллоҳнинг улуғ неъматларидан бўлиб, чорак аср давомида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қийин кунларда меҳрибонликлар кўрсатиб, оғир соатларда далда бериб, рисолатни етказишларига кўмакчи бўлиб, жиҳоднинг аччиқ қурбонликларини бирга тотиб, у зотга моли-ю жони билан фидокорликлар кўрсатиб яшади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадижа розияллоҳу анҳо ҳақида шундай деганлар: **«Одамлар менга куфр келтирганида, у менга иймон келтирди. Одамлар мени ёлғончига чиқарганида у мени тасдиқлади. Одамлар мени** (молларидан) **маҳрум қилганида, Хадижа мени мол-давлатига шерик қилди. Аллоҳ менга ундан фарзанд берди, ўзга аёлдан фарзанд бермади».**

Имом Аҳмад, “Муснад”, 6/118.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Жибрил Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб деди: «Ё Росулуллоҳ, ана, Хадижа келмоқда. Унинг қўлида бир идиш бор. Идишда нонўрак ёки таом ёхуд ичимлик бор. У олдингизга келганида, унга Роббидан салом айтинг ва жаннатдаги ичи ғовак марвариддан қурилган, унда на шовқин, на машаққат бўлмаган бир уй башоратини беринг».

«Саҳиҳул Бухорий», «Хадижага уйланишлари ва унинг фазилатлари» боби, 1/539.

Кетма-кет ғам қайғулар

Саноқли кунлар ичида ана шундай икки улкан мусибатни бошидан кечирган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари ғам-қайғу билан тўлди. Шундан кейин ҳам қавмларидан кетма-кет мусибатлар келиб турди. Абу Толиб вафотидан кейин Қурайш жуда ҳаддидан ошиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга очиқчасига озор-азиятлар бера бошлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғамлари зиёда бўлди. Қурайшдан бир яхшилик чиқишидан умидларини узган Пайғамбаримиз даъватга қулоқ солишларини ёхуд у кишига бошпана бериб қўллаб-қувватлашларини умид қилиб, Тоифга бордилар. Бироқ на ҳимоячи ва на кўмакчи топмасдан, қавмларидан кўрмаган азиятларни кўриб, озорлар чекиб қайтдилар.

Макка аҳли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тажовуз қилганидек, саҳобаларга ҳам тазйиқни кучайтирди, ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳрибон йўлдошлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудек киши ҳам Маккани ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Ҳабаш юртига йўл олган Абу Бакр Баркул-Ғимодга етганида Ибн Дуғунна уни ўз ҳимоясига олиб, орқасига қайтарди.

Ибн Исҳоқ ёзади: «Абу Толиб вафотидан кейин Қурайш унинг

тириклигида хаёлига ҳам келтира олмайдиган озорларни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказа бошлади. Ҳатто Қурайшнинг тентакларидан бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларига чиқиб, бошларидан тупроқ сочди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларидаги тупроқ билан уйларига кириб келдилар. Қизларининг бири йиғлаб-йиғлаб отасининг бошини тупроқдан тозалаб ювишга тушди. **«Эй қизалоғим, қўй, йиғлама,** дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. **– Аллоҳ отангни ҳимоя қилади. Абу Толиб вафот этгунга қадар Қурайш менга бирон кўнгилсизлик етказа олмаганди».** «Ибн Ҳишом», 1/416.

Бу йил мана шу каби аламлар кетма-кет келгани боис, «Маҳзунлик йили», деб аталди ва у тарихда ана шу ном билан қолди.

Савда розияллоҳу анҳога уйланишлари

Шу йили яъни, нубувватнинг ўнинчи санаси шаввол ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳога уйландилар. Савда розияллоҳу анҳо анча олдин Исломни қабул қилганлардан бўлиб, Ҳабашистонга қилинган иккинчи ҳижратда қатнашган. Унинг эри Сакрон ибн Амр Исломни қабул қилиб, аёли билан бирга ҳижрат қилган ва Ҳабашистонда ёки Маккага қайтиб келгач, вафот этган. Савда розияллоҳу анҳонинг иддаси тугагач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга совчи қўйиб уйландилар. Савда розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадижа розияллоҳу анҳо вафотидан кейин биринчи олган ва охирги пайтларида ўз навбат кунини Оиша розияллоҳу анҳога берган аёлларидир. ”Талқиҳу фуҳуми аҳлил-асар”, 10-б.

САБР ВА МАТОНАТ ОМИЛЛАРИ

Ана шу кунлар тарихини яхши ўрганган ҳалим табиатли киши ҳайратда қолади, оқил инсонлар қалбида қуйидагича савол туғилади: мусулмонларнинг бунчалар қаттиқ матонат, сабр-тоқат билан туришларига олиб борган омил ва сабаблар нима экан?! Эшитганда баданлар жимирлаб кетадиган, қалблар титроққа тушадиган бундай оғир қийноқларга, таъқиб ва тазйиқларга улар қандай сабр қилишди экан?! Қалбни ҳайратга солаётган ана шу саволлар қаршисида бир оз тўхталиб, сабр ва матонат омиллари ҳақида қисқача сўз юритиб ўтамиз:

1. Аллоҳга бўлган иймон

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада энг аввало бош ва асосий сабаб ёлғиз Аллоҳга иймон келтириб, Уни ҳақиқий таниш саналади. Зеро, қалблар чин иймон нури билан мунаввар бўлганида унинг салобати тоғлардан-да вазминроқ ва собитроқ бўлиб кетади. Ана шундай мустаҳкам иймон ва қатъий ишонч эгаси дунё ғам-ташвишлари қанчали кўпайиб, тўлиб-тошиб, улканлашиб, оғирлашмасин, иймони туфайли уларни мустаҳкам тўғон ва метин қалъаларни бузмоқчи бўлиб келган селнинг юзидаги хас-чўпларчалик кўради. У топаётган иймон ҳаловати, мусулмонликнинг

таровати ва мустаҳкам ишончнинг қаршисида дунёнинг ҳар қандай ғам-ташвишлари ана шундай беэътибор нарсага айланади:

...فَأَمَّا ٱلزَّبَدُ فَيَذۡهَبُ جُفَآءٗۖ وَأَمَّا مَا يَنفَعُ ٱلنَّاسَ فَيَمۡكُثُ فِي ٱلۡأَرۡضِۚ ... ﴿١٧﴾

«...(Сел бетида келган) **кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолур...».**

"Раъд" сураси, 17-оятдан.

Ана шу ягона сабабдан иймон эгасининг сабр ва саботини янада кучайтирадиган бошқа сабаблар бўлиниб чиқади.

2. Кўнгилларни асир этган раҳнамолик

Нафақат Ислом умматининг, балки бутун башариятнинг олий раҳнамоси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбларни ром қиладиган, жонлар унинг йўлида фидокор бўладиган мислсиз сифатлар, олий хислатлар ва гўзал аҳлоқлар соҳиби эдилар. Кишиларни мафтун этувчи бундай камолот у зотдан бошқа ҳеч кимга берилмаган. Шараф, улуғлик, яхшилик, фазилат, иффат, омонатдорлик ва ростгўйлик каби сифатлар, умуман барча яхши хислатлар у кишида ўзининг энг олий кўринишида мужассам эди. Бу борада дўстлари ва мухлислари у ёқда турсин, ҳатто душманлари ҳам шубҳа қилмасди. Улар ҳаммаси Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан чиққан ҳар бир сўзнинг аниқ рост эканлигига ич-ичларидан ишонишарди.

Қурайшнинг уч кишиси жамланиб қолди. Улар бир-биридан яшириб Қуръон тиловатига қулоқ солишган эди. Гап орасида бу сирлари маълум бўлиб қолгач, уларнинг бири иккинчиси – Абу Жаҳлдан сўради:

– Муҳаммаддан эшитган нарсанг ҳақида қандай фикрдасан?

– Мен нимани эшитибман?! Биз Бану Абдуманоф билан шараф талашдик. Улар таом едиришди, биз ҳам едирдик. Улар қийналганларга ёрдам беришди, биз ҳам ёрдам бердик. Улар саховат кўрсатишди, биз ҳам саховат кўрсатдик. Қачонки, бу жараёнда тенглашиб, худди бир аравани тортаётган икки от каби баб-баробар бўлиб қолганимизда улар: «Биздан пайғамбар чиқди, унга самодан ваҳий келмоқда», дейишди. Энди бунга қандай қилиб эриша оламиз?! Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон унга иймон келтирмаймиз ва уни тасдиқламаймиз, – деди Абу Жаҳл.

Абу Жаҳл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтарди: «Эй Муҳаммад, биз сени ёлғончига чиқараётганимиз йўқ, балки сен олиб келган нарсани ёлғон деяпмиз». Ўшанда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди:

...فَإِنَّهُمۡ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَٰكِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجۡحَدُونَ ﴿٣٣﴾

«...Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар

Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар». “Анъом” сураси, 33-оятдан.

Имом Термизий “Анъом” сураси тафсирида ривоят қилган, 5/243 (3064-ҳ).

Бир куни мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уч марта масхаралашди. Учинчи мартасида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Қурайш жамоаси, мен сизларга сўйилиш-ўлим олиб келдим!»,** дедилар. Бу сўз уларга жуда қаттиқ таъсир қилди. Энг ашаддий душманлар ҳам имкон қадар яхши гапириб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларини олишга тушди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида мушриклар у зотнинг устиларига сўйилган туянинг бачадонини ташлашди. Пайғамбаримиз уларни дуоибад қилдилар. Шунда мушрикларнинг қаҳ-қаҳалари ўчиб, ғамгин бўлиб саросимага тушиб қолишди ва ўзларининг аниқ ҳалок бўлишларига барчалари ишонишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Утба ибн Аби Лаҳабни дуоибад қилганларида, бу мушрик Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоибадлари унга тегишига асло шубҳа қилмаган. Утба Шом ерида шерни кўриши билан: «Аллоҳга қасамки, Муҳаммад мени Маккада туриб ўлдирди», деган эди.

Убай ибн Халаф Пайғамбаримизга ўлдираман, деб таҳдид қиларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аксинча, иншааллоҳ, мен сени ўлдираман»**, дедилар. Уҳуд куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Убайни бўйнидан жароҳатладилар. Унинг бўйни тирналгандек жароҳат олган эди, холос. Ўшанда Убай шундай деди: Муҳаммад Маккада менга: **«Мен сени ўлдираман»**, деган эди. Аллоҳга қасамки, агар у туфлаганида ҳам мени ўлдирган бўларди.

«Ибн Ҳишом», 2/84.

(Убайнинг ҳалок бўлиши тафсилоти иншааллоҳ, ўз ўрнида батафсил баён қилинади).

Саъд ибн Муоз Маккада Умайя ибн Халафга шундай деди: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмонлар Умайяни ўлдиради, деганларини эшитдим». Шунда Умайя қаттиқ қўрқиб кетди ва Маккадан чиқмасликка аҳд қилди. Бадр куни Абу Жаҳл уни қаттиқ қистовга олди ва эй Умайя, сен Водий аҳлининг саййидисан, биз билан бир ё икки кун бирга юр, акс ҳолда водийликлар биз билан бирга чиқмайдилар, деди. Унинг қистови билан юришга отланар экан, қочишга қулай бўлсин, деб Маккадаги энг югурик туяни сотиб олди.

– Эй Абу Сафвон, – деди унга хотини. – Сиз ясриблик биродарингизнинг нималар деганини унутдингизми?

– Йўқ, – деди Умайя. – Аллоҳга қасамки, мен улар билан бормоқчимасман. Озгина юраман, холос.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам душманларининг аҳволи шунақа эди. Энди асҳоблари – содиқ ёрлари хусусига келсак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам улар учун ўз жонларидан-да азиз, қалбларидан-да яқин, кўзларидан-да ардоқли эди. Улар сув қияликдан

оққандай Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга талпинишарди. Мўминлар бамисоли темир оҳанрабога тортилгандек Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон тортилиб-интилиб туришарди.

Асҳоби киромлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни шу қадар қаттиқ яхши кўрардилар-ки, улар учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир тикон кириши ёки бирон жойларининг шилинишидан кўра ўзларининг бошлари янчилгани афзалроқ эди.

«Бир куни Маккада мушриклар Абу Бакр ибн Аби Қуҳофа розияллоҳу анҳуни ўртага олиб, қаттиқ калтаклашди. Утба ибн Рабийъа Абу Бакр розияллоҳу анҳуни чипта ковушлари билан урар ва уларни Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг юзларига ишқар, унинг қорнига чиқиб сакрар эди, ҳатто Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг юзини таниб бўлмай қолди. Бану Тайм Сиддиқ розияллоҳу анҳуни бир матога солиб уйига кўтариб келишди. Улар Абу Бакрнинг ўлганига шубҳа қилишмасди. Фақат кечга бориб Сиддиқ розияллоҳу анҳу тилга кирди ва унинг биринчи гапи «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима қилди?», деган савол бўлди. Қавми Абу Бакрга қаттиқ таъна-дашномлар бериб, сўнг онаси Уммул Хайрга «Унга қараб туринг, бирон нарса едириб-ичиринг», деб тайинлашди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу онасининг парваришида холи қолгач, яна «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима бўлди?», деб сўрай бошлади.

– Аллоҳга қасамки, соҳибингдан сира хабарим йўқ, – деди онаси.

– Сиз Умму Жамил бинти Хаттобнинг олдига бориб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида сўранг.

Абу Бакрнинг онаси ўғлининг талабига кўра Умму Жамил бинти Хаттобнинг олдига келди.

– Абу Бакр сиздан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида сўраяпти?

– Мен Абу Бакрни ҳам, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳам танимайман. Истасангиз, сиз билан бирга ўғлингизнинг ёнига ўзим боришим мумкин.

– Хўп, – деди Уммул Хайр.

Улар Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдига келишганида, Сиддиқ оғир аҳволда тўшакка михланиб ётарди. Умму Жамил Абу Бакрнинг ёнига келиб қичқириб юборди:

– Аллоҳга қасамки, сизни бу аҳволга солган қавм фосиқ ва кофир кимсалардир. Аллоҳнинг Ўзи сиз учун улардан интиқом олсин!

– Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима бўлди? – сўради Абу Бакр.

– Ахир, онангиз эшитиб турибди-ку?!

– Онамдан хавотир олманг.

– Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам соғ-саломатлар.

– Қаердалар?

– Ибн Арқамнинг ҳовлисидалар.

– Аллоҳни ўртага қўйиб айтаманки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бормагунимча емайман ҳам, ичмайман ҳам.

Умму Жамил билан Уммул Хайр Абу Бакрни бир оз сабр қилишга чақиришди. Ҳамма ёқ тинчиб одамлар уйларига кириб кетгач, Абу Бакрни икки қўлтиғидан суяб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига олиб боришди». «Ал бидояту ван-ниҳоя», 3/30.

Саҳобаларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чин муҳаббатлари ва фидоийликларининг нодир намуналари билан иншааллоҳ, ўз ўрнида батафсил танишамиз. Ҳали олдинда Уҳуд воқеаси, Хубайб қиссаси ва бошқалар турибди.

3. Масъулиятни ҳис қилиш

Башарият зиммасига нақадар улкан оғир масъулият юкланганини, бу масъулиятдан ҳеч қачон юз ўгириш ёки ўзни четга тортиш мумкин эмаслигини саҳобалар жуда чуқур ҳис қилардилар. Мазкур масъулиятни зиммага олишдан қочмоқ улар бошидан кечираётган тазйиқ ва таъқибга қараганда оғирроқ ҳамда ёмонроқ оқибатларга олиб боришини, агар масъулиятдан қочиладиган бўлса, бугун масъулиятни зиммага олганликлари туфайли дуч келаётган қийинчиликлари у кунда нафақат уларнинг, балки бутун башариятнинг бошига тушадиган улкан йўқотиш олдида ҳеч нарса бўлиб қолишини ҳеч ким саҳобаларчалик яхши ҳис қилмаган.

4. Охиратга ишониш

Мазкур иймон масъулият туйғусини янада кучайтиради. Саҳобалар бутун оламлар Роббининг ҳузурида туриб, катта-ю кичик барча ишларига жавоб беришларини, оқибат абадий неъмат ёки жаҳанам оташида мангу азоб бўлишини аниқ билардилар ва ишонардилар. Уларнинг ҳаётлари хавфу ражо, яъни қўрқув ва умид ўртасида кечарди: Роббиларининг азобидан қўрқиб ва айни пайтда Унинг раҳматидан умидвор бўлиб яшардилар. Улар:

وَٱلَّذِينَ يُؤۡتُونَ مَآ ءَاتَواْ وَّقُلُوبُهُمۡ وَجِلَةٌ أَنَّهُمۡ إِلَىٰ رَبِّهِمۡ رَٰجِعُونَ ٦٠

«(Қиёмат кунида ҳисоб-китоб учун) **Роббиларига қайтувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда** (камбағал-бечораларга) **садақалар берадиган кишилар»,** эдилар.

“Мўминун” сураси, 60-оят.

Саҳобалар дунё ўзининг барча лаззатлари-ю азоблари билан охират қаршисида пашша қанотичалик ҳам қадрга эга эмаслигини яхши билардилар. Шунинг учун ҳам дунё машаққатлари, қийинчиликлари ва оғриқ-аламлари уларга анча енгил эди. Асҳоби киромлар ўткинчи дунёнинг ўткинчи мусибатларига бир ўткинчидек муносабатда бўлиб, уларга кўп эътибор бермасдилар.

5. Қуръон

Ана шундай оғир, даҳшатли ва зулматли даврда даъватнинг ҳақиқий маъноси бўлган Ислом асосларининг ҳақлигига гўзал услублар билан ҳужжат-далиллар келтириб оятлар нозил бўларди. Ушбу оятлар ва

суралар дунёдаги энг чиройли ва мисли кўрилмаган инсонлар жамиятига пойдевор бўлиши тақдир этиб қўйилган асосларни мўминларга тушунтириб, уларни сабр ва саботга чақириб ажойиб мисоллар келтирар ва унинг тагида қандай ҳикматлар борлигини баён қилар эди:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَن تَدْخُلُواْ ٱلْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُم مَّثَلُ ٱلَّذِينَ خَلَوْاْ مِن قَبْلِكُم ۖ مَّسَّتْهُمُ ٱلْبَأْسَآءُ وَٱلضَّرَّآءُ وَزُلْزِلُواْ حَتَّىٰ يَقُولَ ٱلرَّسُولُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥ مَتَىٰ نَصْرُ ٱللَّهِ ۗ أَلَآ إِنَّ نَصْرَ ٱللَّهِ قَرِيبٌ ﴿٢١٤﴾

«Ёки (эй мўминлар), **сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли-ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар** (устма-уст) **келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто Пайғамбар ва иймонли кишилар: “Ахир Аллоҳнинг ёрдами қачон келади?”, дейишган эди.** (Шунда уларга бундай жавоб бўлган эди)**: “Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир”.** “Бақара” сураси, 214-оят.

الٓمٓ ﴿١﴾ أَحَسِبَ ٱلنَّاسُ أَن يُتْرَكُوٓاْ أَن يَقُولُوٓاْ ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ﴿٢﴾ وَلَقَدْ فَتَنَّا ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۖ فَلَيَعْلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ صَدَقُواْ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٣﴾

«Алиф, Лам, Мим. Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки, Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) **кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас,** (шу имтиҳон воситасида) **албатта Аллоҳ** («Иймон келтирдик», деб) **рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур».** “Анкабут” сураси, 1-3-оятлар.

Мазкур оятлар саркаш кофирларга ҳеч қандай ҳийла-йўл қолдирмайдиган, инкор қилиб бўлмас кучли раддиялар билан келди. Аллоҳ таолонинг Ўз дўстлари ва душманлари билан қандай муносабатда бўлишига далолат қилувчи тарихий ҳодисалар ҳамда ўтган ибратли кунларни далил қилиб туриб, агар мушриклар ана шу залолат ва саркашликларида қотиб тураверсалар, уларни нечоғлик ёмон оқибатлар кутиб турганлиги ҳақида очиқ-равшан сўз юритади. Қуръони Карим мушрикларнинг очиқ залолатдан қайтишлари учун уларга яна бир бор лутфан мурожаат қилади ва жуда етук суратда ҳақни баён этиб, комил тарзда тушунтириб беради.

Аллоҳ каломи мўминларни ўзга бир оламга олиб киради. Борлиқнинг ажиб манзараларини, рубубиятнинг гўзал жамолини,

улуҳиятнинг камолини, раҳмат ва хайрнинг очиқ-ойдин кўриниб турган изларини ва Аллоҳ ризолигининг жилоларини кўрган солиҳ зотлар унга шу қадар интиқлик билан талпинадилар-ки, бу муҳаббат оқими қаршисида ҳеч қандай тўғон туриш беролмайди!

Ана шу оятлар ичида мўминларга хитоблар бор: Роббилари уларга Ўз раҳмати ва ризолигининг, абадий неъматлар макони бўлмиш жаннатларнинг хушхабарини беради. Ҳукмга тортиладиган, ҳасратда қоладиган, сўнгра юз тубан ҳолда дўзахга судралиб, «Жаҳанам азобини тотинглар!», дейиладиган золим, кофир-тоғутлардан иборат душманларининг сурати чизиб берилади.

6. Муваффақият ва нусрат башоратлари

Саҳобалар тазйиқ ва таъқибга учраган биринчи кунлариданоқ, балки ундан-да олдинроқ Исломга киришнинг маъноси фақат мусибатлар чекиб, ўлим топмоқ эмаслигини яхши билишарди. Зеро, Ислом даъвати ўзининг илк кунларидан кўр жоҳилият ва унинг баттол низомини йўқотиб, ерда ўз нуфузини ўтказиш ва сиёсий оламга раҳбарлик қилишни мақсад қилган эди. Токи, бутун инсониятни – башарий жамиятни Аллоҳ ризолиги сари бошлаш ва уларни инсонларга ибодат қилишдан Аллоҳ ибодатига олиб чиқилсин.

Қуръон гоҳ ошкора, гоҳ ишоралар орқали ана шундай башоратларни олиб келарди. Ер юзини мусулмонларга тор қилиб, мўмин бандаларни бўғиб, жонларини суғуриб олай, деб турган шундай ҳалокатли кунларда илоҳий оятлар аввалги пайғамбарлар билан уларни ёлғонга чиқарган кофир қавмлари ўртасида нималар бўлиб ўтганини ҳикоя қиларди. Мазкур оятларда зикр қилинган ҳолатлар Макка мусулмонлари билан кофирлари ўртасидаги ҳолатга жуда-жуда ўхшарди. Сўнг ояти каримамалар ана шу ҳолатларнинг якуни – кофир ва золим кимсаларнинг ҳалок қилиниб, Аллоҳнинг ери Унинг мўмин бандаларига берилишини эълон қиларди. Мазкур қиссаларда келажакда Макка мушрикларини шармандали мағлубият, мўминларни эса нажот – Ислом даъватининг ғалабаси кутаётганига ишоралар бор эди.

Худди шу кунларда мўминларнинг ғолиб бўлиши ҳақидаги башоратни илоҳий оятлар очиқ-равшан айтди:

وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ ٱلْمَنصُورُونَ ﴿١٧٢﴾ وَإِنَّ
جُندَنَا لَهُمُ ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿١٧٣﴾ فَتَوَلَّ عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٤﴾ وَأَبْصِرْهُمْ فَسَوْفَ يُبْصِرُونَ
﴿١٧٥﴾ أَفَبِعَذَابِنَا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٧٦﴾ فَإِذَا نَزَلَ بِسَاحَتِهِمْ فَسَآءَ صَبَاحُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿١٧٧﴾

«Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: «Шак-шубҳасиз, улар қўллаб-қувватланувчилардир ва шак-шубҳасиз, Бизнинг қўшинимиз (яъни, пайғамбарлар ва уларга иймон

келтирган кишилар) **ғолиб бўлувчилардир,» деган Сўзимиз ўтган – собит бўлган. Бас,** (эй Муҳаммад алайҳис-салом,) **сиз улардан** (яъни, Макка кофирларидан маълум) **бир вақтгача юз ўгиринг! Ва уларни** (яқинда мағлуб бўлганларида) **кўринг! Бас, яқинда улар** (куфрларининг оқибатини) **кўражаклар! Ҳали улар Бизнинг азобимизни шоштирмоқдамилар?! Бас, қачон** (Бизнинг азобимиз) **уларнинг ҳовлилари** (яъни, устлари)**га тушганида ўша огоҳлантирилган кимсаларнинг кунлари жуда ёмон бўлур».**

"Соффат" сураси, 171-177-оятлар.

سَيُهۡزَمُ ٱلۡجَمۡعُ وَيُوَلُّونَ ٱلدُّبُرَ ﴿٤٥﴾

«Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар». "Қамар" сураси, 45-оят.

جُندٞ مَّا هُنَالِكَ مَهۡزُومٞ مِّنَ ٱلۡأَحۡزَابِ ﴿١١﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, Макка мушриклари) **ўша ернинг ўзида енгилиб битувчи ҳизблардан – фирқалардан бир тўдадир, холос,** (бас, сиз улар айтаётган беҳуда сўзларга парво ҳам қилманг!)**».**

"Сод" сураси, 11-оят.

Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар хусусида ушбу оятлар нозил бўлди:

وَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ فِي ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مَا ظُلِمُواْ لَنُبَوِّئَنَّهُمۡ فِي ٱلدُّنۡيَا حَسَنَةٗۖ وَلَأَجۡرُ ٱلۡأٓخِرَةِ أَكۡبَرُۚ لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ﴿٤١﴾

«Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган зотларни албатта бу дунёда ҳам гўзал (гўшаларга) **жойлаштирурмиз. Энди охират ажри-мукофоти янада каттароқ эканини** (одамлар) **билсалар эди!».** "Наҳл" сураси, 41-оят.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Юсуф ҳақида сўрашди. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳис-салом қиссасини баён қилиб, жумладан шундай деди:

لَّقَدۡ كَانَ فِي يُوسُفَ وَإِخۡوَتِهِۦٓ ءَايَٰتٞ لِّلسَّآئِلِينَ ﴿٧﴾

«Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-инилари (ҳақидаги қисса)**да сўрагувчилар учун оят-ибратлар бордир».** "Юсуф" сураси, 7-оят.

Сўровчилар, яъни, Макка аҳли ҳам худди Юсуфнинг оға-инилари каби оқибатда ҳасрат чекиб, бўйсунишга мажбур бўладилар.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لِرُسُلِهِمۡ لَنُخۡرِجَنَّكُم مِّنۡ أَرۡضِنَآ أَوۡ لَتَعُودُنَّ فِي

مِلَّتِنَا ۚ فَأَوۡحَىٰٓ إِلَيۡهِمۡ رَبُّهُمۡ لَنُهۡلِكَنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ ۝١٣ وَلَنُسۡكِنَنَّكُمُ ٱلۡأَرۡضَ مِنۢ

بَعۡدِهِمۡۚ ذَٰلِكَ لِمَنۡ خَافَ مَقَامِي وَخَافَ وَعِيدِ ۝١٤

«Куфр йўлини тутган кимсалар ўзларига келган пайғамбарларга: «Албатта биз сизларни еримиздан ҳайдаб чиқарамиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтурсизлар», дедилар. Шунда Парвардигорлари уларга (яъни, пайғамбарларга)**: «Албатта Биз бу золимларни ҳалок қилурмиз ва улардан сўнг шу ерни сизлар учун маскан қилурмиз. Бу** (ваъда Қиёмат кунида) **Менинг ҳузуримда** (сўроқ-савол бериб) **туришдан қўрқувчи ва Менинг** (кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги) **ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир», деб ваҳий юборди».**

"Иброҳим" сураси, 13-14-оятлар.

Форслар билан румликлар урушганида кофирлар мушрик бўлгани учун форсларнинг ғалаба қозонишини, мусулмонлар эса ваҳийга, илоҳий китобларга ва охират кунига иймон келтирадиган румликларнинг ғалаба қозонишини исташарди. Дастлаб форслар ғалаба қозонишди. Аллоҳ таоло бир неча йилдан кейин румликларнинг ғалаба қозониши ҳақида хабар берди. Бу башорат фақат румликларнинг ғалабаси ҳақидагина эмас, балки яна бир башорат – Аллоҳ таолонинг мўминларга нусрат бериши хусусида ҳам эди:

وَيَوۡمَئِذٖ يَفۡرَحُ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ۝٤ بِنَصۡرِ ٱللَّهِۚ ... ۝٥

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳ (румликларни) **ғолиб қилгани сабабли шодланурлар...».** "Рум" сураси, 4-5-оятлардан.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Аллоҳ марҳамати билан ана шундай башоратлар берар эдилар. Ҳаж мавсумида, Укоз, Мажанна, Зул-мажоз каби бозорларда одамларга рисолатни етказар эканлар, уларга нафақат жаннат башоратини берардилар, балки қуйидаги ҳақиқатни ҳам баралла айтардилар: **«Эй одамлар, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деб айтинглар, нажот топасизлар. Шу сўз билан арабларга ҳоким бўласизлар ва ажам сизларга бўйсунади. Агар иймон келтирсангизлар, жаннатда подшоҳлар бўласиз...».** Ибн Саъд, 1/216.

Биз Утба ибн Рабиъанинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан музокара қилиб, У зотга дунё матоларини таклиф этганида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга нима, деб жавоб қайтарганларини ва Утбанинг Исломнинг ғалабаси ҳақида умид қилиб қолгани ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Толиб ҳузурига келган Қурайшнинг охирги вакилларига нима, деб жавоб

берганларини бир эсланг. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайшдан бир сўз талаб қилдилар ва шу биргина сўз билан уларнинг арабу ажам устидан ҳоким бўлишларига ваъда бердилар.

«Хаббоб ибн Арат розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбанинг соясида чопонларини ёзиб устида ётар эканлар, у кишининг ёнларига бордим. Мушриклар томонидан қаттиқ машаққатлар кўргандик. «Аллоҳга дуо қилмайсизми?», дедим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзлари қизариб, ўтириб олдилар: **«Сизлардан аввал ўтганлардан бир кишининг гўшти аралаш терисини темир тароқ билан суягига қадар тарашар, бу нарса уни динидан қайтаролмасди. Аллоҳ албатта ушбу ишни камолига етказади, ана шунда отлиқ одам Санъодан Хазрамавтгача ҳеч нарсадан қўрқмасдан боради, фақат ёлғиз Аллоҳдангина қўрқади ва қўйларини ўйлаб бўридангина хавфсирайди, холос».** «Саҳиҳул Бухорий», 1/543.

Яна бир ривоятда: **«Лекин сизлар шошилаяпсизлар»,** дедилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/510.

Мазкур башоратлар махфий бўлмасдан, балки ҳаммага маълум ва машҳур эди. Улардан мушриклар ҳам яхши хабардор бўлишган. Шунинг учун Асвад ибн Муттолиб ўзининг ҳамтовоқлари билан ўтирганида саҳобаларни кўриб қолишса, пичинг қилиб «Ҳузурингизга ер юзининг шоҳлари келди, улар ҳали Кисро ва Қайсар шоҳлигини мағлуб қилишади», дейишарди-да, ҳуштак ва қарсаклар чалардилар.

Ҳаёти дунёдаги ана шундай нурли ва гўзал келажак башоратлари олдида, пировардида жаннатга эришиш ҳақидаги улуғ ва яхши умид қаршисида саҳобаларни чор атрофдан қуршаб олган мусибатлар, бошларига кетма-кет ёғилаётган қийноқлар уларнинг кўзига «бир зумда тарқалиб кетадиган ёз булути» бўлиб кўринар эди.

Айни пайтда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг руҳларини иймон озуқаси билан тўйдириб, нафсларини ҳикмат ва Қуръон таълими билан поклаб, уларга нозик ва чуқур тарбия берардилар. Асҳобларини руҳнинг олий манзилатлари, қалбнинг мусаффолиги, хулқнинг покизалиги, моддият сиқувидан озод бўлиш, шаҳват хоҳишларига қарши кураша олиш ва осмонлару ер Роббига қул бўлиш сари бошлардилар. Уларнинг қалбларидаги иймон ўтини алангалатиб, зулматлардан нурга олиб чиқиб, озорларга сабр қилишга, кечиримли бўлишга ва нафсни жиловлаб олишга ўргатардилар. Натижада саҳобалар динда янада мустаҳкам, шаҳватлардан узоқ юрадиган, Аллоҳ розилиги йўлида жонини берадиган, жаннатга муштоқ, илмга муҳаббат қўядиган, динни тугал тушунадиган, ўзларини ҳисоб-китоб қилиб турадиган, ҳавойи-хоҳишларини жиловлаб, ҳис-туйғуларига эрк бермайдиган, ҳаяжон ва туғёнларини босиб оладиган сабр, сокинлик ва виқор билан ажралиб турадиган чин мўминларга айланишди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ: ИСЛОМ ДАЪВАТИ МАККА ТАШҚАРИСИДА

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифда

Нубувватнинг ўнинчи йили шаввол ойида (милодий 619 йилнинг май ойи охирлари ёки июн ойининг бошларида) Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга бордилар. Тоиф Маккадан олтмиш милча узоқликда жойлашган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳориса билан ана шунча масофага пиёда бориб қайтдилар. Йўлда қайси қабила манзилидан ўтсалар, уларни Исломга даъват қилардилар. Бироқ бу даъватга жавоб берувчи топилмади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга кириб Сақиф қабиласининг улуғларидан бўлмиш уч оға-ини билан учрашдилар. Улар Амр ибн Умайр Сақафийнинг Абдуёлил, Масъуд ва Ҳабиб исмли уч ўғли эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан ўтириб, бу кимсаларни Аллоҳга ва Ислом хизматига чақирдилар.

– Агар сени Аллоҳ жўнатган бўлса, Каъбанинг пўшини парча-парча қилиб йиртиб ташлайман, – деди уларнинг бири.

– Аллоҳ сендан бошқани топмабдими? – деди иккичиси.

– Аллоҳга қасамки, сен билан асло гаплашмайман. Агар чиндан Пайғамбар бўлсанг, сенга бир гап қайтармоқ хатарли. Агар Аллоҳнинг номидан ёлғон гапираётган бўлсанг, сен билан гаплашишимнинг ҳожати йўқ, – деб жавоб берди учинчиси.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Қилар ишни қилдингиз, энди менинг хабаримни сир тутинглар»,** деб уларнинг олдидан қўзғалдилар. Сўнг Тоифда ўн кун туриб, шаҳарнинг барча таниқли кишилари билан учрашиб, гаплашиб чиқдилар. Улар: «Бизнинг еримиздан чиқиб кет», дейишди ва нодон-паст кимсаларини у зотга қарши қайрашди. Росулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифдан жўнаб кетаётганларида ўша жоҳиллар ва қуллар у зотнинг ортларидан эргашиб, ҳақоратлар қилиб, қичқиришга тушдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларига одам йиғилди. Улар икки қаторга бўлиниб, у зотни тошга тутдилар, ҳақоратлар қилишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқларини тош билан уриб қонатдилар, ҳатто оёқ кийимлари қонга бўялди. Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзининг гавдаси билан тўсарди. Зайд розияллоҳу анҳунинг боши бир неча жойидан ёрилди. Ярамас кимсалар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Тоифдан уч мил узоқликдаги Утба ва Шайба ибн Рабиъаларнинг боғ-қўрғонигача шу тариқа таъқиб қилиб бориб, У зотни қўрғонга киришга мажбур қилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўрғонга кирганларидан кейингина улар ортларига қайтиб кетишди. Пайғамбаримиз бир узум дарахтининг соясига келиб

ўтирдилар. Деворга суяниб тин олиб ўтирганларида, ўзларининг машҳур дуоларини айтдилар. Бу дуо Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озор-азиятлардан диллари нечоғли оғриганини, бирон кимсанинг иймон келтирмаганидан қанчалар афсус қилганларини кўрсатиб беради.

– Эй Аллоҳим! – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. – **Қувватимнинг заифлигидан, чора-тадбиримнинг камлигидан ва одамларга хор бўлганимдан Сенга шикоятлар қиламан. Эй меҳрибонларнинг меҳрибони, сен заифларнинг хожасисан, Сен Роббимсан, мени кимларга ташлаб қўйдинг?! Мени нохуш қаршилайдиган бегоналарга қолдирдингми? Ёки ишимни душманимга топшириб қўйдингми? Менга Сен ғазаб қилмасанг, бас, парво қилмасман, лекин Сенинг офиятинг мен учун кенг-мўл-ку! Зулматларни ёритган, дунё ва охират ишини ислоҳ қилган юзингнинг нури билан менга ғазабинг тушишидан ёхуд норизолигинг нозил бўлишидан паноҳ сўрайман. Рози бўлгунингга қадар танбеҳинг устимгадир. Куч ҳам, қувват ҳам фақат Сенинг биландир».**

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳолатларини кўриб, Утба ва Шайба ибн Рабиъаларнинг қариндошликлари ҳаракатга келиб, Аддос исмли насроний қулини чақиришди ва унга «Бир бош узум олиб анави кишига оборибер», дейишди. Аддос Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига узумни қўйгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бисмиллаҳ», деб қўл чўзиб ея бошладилар.

– Ушбу сўзни бу юрт аҳли айтмайди, – ажабланди Аддос.

– Сен қаерликсан,褐динг нима? – сўрадилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

– Мен насронийман, Найнаво аҳлиданман.

– Юнус ибн Матто исмли солиҳ киши юртиданми?

– Сиз Юнус ибн Маттони қаердан биласиз?

– У менинг оғам. У пайғамбар бўлган, мен ҳам пайғамбарман.

Шунда Аддос Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан, қўлларидан ва оёқларидан ўпишга тушди. Рабиъанинг икки ўғлидан бири иккинчисига шундай деди:

– У ғуломингни ҳам йўлдан урди.

Аддос келгач, «Ҳой қуриб кетгур, бу нима қилганинг?», деб сўрашди.

– Эй саййидларим, ер юзида мана шу инсондан хайрлироқ ҳеч нарса йўқ. У менга фақат пайғамбаргина билиши мумкин бўлган бир ишни айтди.

– Ҳой қуриб кетгур Аддос, у сени динингдан айнитмасин. Сенинг дининг унинг динидан яхшироқ, – дейишди Рабиъанинг ўғиллари.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўрғондан чиққанларидан кейин маҳзун бўлиб, ғамга тўлиб синиқ қалб билан Макка йўлидан

қайтдилар. Қорнул-Манозилга етганларида Аллоҳ таоло Жибрил алайҳис-саломни жўнатди. Жибрилнинг ёнида Малакул Жибал (тоғлар фариштаси) ҳам бор эди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Макка аҳли устига икки тоғни ёпиб ташлашга изн сўради.

Имом Бухорий Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Бошингизга Уҳуд кунидан-да оғирроқ кун келганми?», деб сўрадим. **«Қавмингдан кўрадиганимни кўрганман. Улардан кўрганларим ичида энг қаттиғи Ақаба кунида бўлди. Мен ўзимни ҳимоя қилишларини Ибн Абдиёлил ибн Абду Кулолга таклиф қилдим. Улар менинг истагимга жавоб бермадилар. Ғамга тўлиб йўлимга кетдим. Ўзимга келсам, Қорнус-Саолибда** (яъни, Қорнул-Манозилда) **эканман. Бошимни кўтарсам, бир булут устимга соя ташлаб турибди. Қарасам, унда Жибрил бор. Жибрил менга нидо қилиб шундай деди: «Аллоҳ таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзини ва берган жавобини эшитди. Аллоҳ улар хусусида истаган нарсангизни буюришингиз учун сизнинг ҳузурингизга Малакул Жибални жўнатди». Малакул Жибал ҳам менга нидо қилиб салом берди, сўнг деди: «Эй Муҳаммад, худди шундай. Нима истайсиз? Истасангиз, уларнинг устига икки ахшабни – Макканинг бир-бирига қараб турган Абу Қубайс ва Қуайқион номли икки тоғини қоплаб қўяман». «Аллоҳ азза ва жалла уларнинг пушти камарларидан ёлғиз Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзига ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини умид қиламан»,** дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам».

"Саҳиҳул Бухорий", «Китобу бадъил холқ», 3231, 7389-ҳ.
"Фатҳул Борий", 6/360, Муслим, 2/109.

Ана шу улуғ жавобда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуғ шахсиятлари, туби кўринмайдиган улуғ хулқлари ўз ифодасини топган.

Аллоҳ таолонинг етти осмон тепасидан туриб қилган мана шундай ғайбий марҳаматидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига келиб хотиржам тортдилар. Сўнг Макка йўлига тушиб, Нахла водийсига келдилар ва шу ерда бир неча кун турдилар. Нахла водийсида яшаса бўладиган сув ва ҳосилдор ерли икки жой – Сайлул Кабир ва Займа бор. Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айнан қаерда турганликлари ҳақида манбаларда ҳеч маълумот тополмадик.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Нахла водийсида эканларида Аллоҳ таоло у кишининг ҳузурига бир гуруҳ жинларни жўнатди. Бу воқеа Қуръоннинг икки ўрнида зикр қилинган:

وَإِذۡ صَرَفۡنَآ إِلَيۡكَ نَفَرٗا مِّنَ ٱلۡجِنِّ يَسۡتَمِعُونَ ٱلۡقُرۡءَانَ فَلَمَّا حَضَرُوهُ قَالُوٓاْ
أَنصِتُواْۖ فَلَمَّا قُضِيَ وَلَّوۡاْ إِلَىٰ قَوۡمِهِم مُّنذِرِينَ ﴿٢٩﴾ قَالُواْ يَٰقَوۡمَنَآ إِنَّا سَمِعۡنَا
كِتَٰبًا أُنزِلَ مِنۢ بَعۡدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيۡهِ يَهۡدِيٓ إِلَى ٱلۡحَقِّ وَإِلَىٰ طَرِيقٖ
مُّسۡتَقِيمٖ ﴿٣٠﴾ يَٰقَوۡمَنَآ أَجِيبُواْ دَاعِيَ ٱللَّهِ وَءَامِنُواْ بِهِۦ يَغۡفِرۡ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمۡ
وَيُجِرۡكُم مِّنۡ عَذَابٍ أَلِيمٖ ﴿٣١﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом,) **эсланг, Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки улар** (Қуръон тиловатига) **ҳозир бўлишгач,** (бир-бирларига): **«Жим туринглар», дедилар. Энди қачонки** (тиловат) **тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар. Улар дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги** (илоҳий китоб)**ларни тасдиқ қилувчи бўлган, Ҳақ** (дин)**га ва Тўғри Йўлга ҳидоят қиладиган бир Китоб – Қуръонни тингладик. Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчи** (Муҳамад алайҳис-саломнинг даъватини) **қабул қилинглар ва унга иймон келтиринглар,** (шунда Аллоҳ) **сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур».** “Аҳқоф” сураси, 29-31-оятлар.

قُلۡ أُوحِيَ إِلَيَّ أَنَّهُ ٱسۡتَمَعَ نَفَرٞ مِّنَ ٱلۡجِنِّ فَقَالُوٓاْ إِنَّا سَمِعۡنَا قُرۡءَانًا عَجَبٗا ﴿١﴾
يَهۡدِيٓ إِلَى ٱلرُّشۡدِ فَـَٔامَنَّا بِهِۦۖ وَلَن نُّشۡرِكَ بِرَبِّنَآ أَحَدٗا ﴿٢﴾

«(Эй Муҳамад алайҳис-салом,) **айтинг: «Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи** (менинг Қуръон тиловат қилганимни) **эшитишиб,** (ўз қавмларига қайтиб боришгач,) **дедилар: «Дарҳақиқат, бизлар Ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар** (энди) **Парвардигоримизга бирон нарсани шерик қилмасмиз».**

“Жин” сураси, 1-2-оятлар.

Оятлар сиёқидан, шунингдек, мазкур воқеа шарҳ қилинган ривоятлар сиёқидан ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу жинлардан бехабар эканликлари, фақат Аллоҳ таоло Ўз оятлари орқали билдирганидан кейингина ҳузурларига жинлар келиб кетганидан бохабар бўлганликлари тушунилади. Бу жинларнинг

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келган биринчи вакиллари эди. Ривоятлар сиёқи кейинчалик уларнинг яна бир неча бор келганликларига далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига маълум бўлган лашкарлари ила махфий ғайб хазиналаридан яна бир бор қўллаб-қувватланган Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бу ҳодиса чиндан-да улуғ воқеа бўлган. Мазкур ҳодиса ёритилган оятлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларининг ғалаба қозониши ва борлиқдаги ҳеч қандай куч-қудрат унинг ғалабасига тўсиқ бўла олмаслиги ҳақидаги башоратлар билан келди.

وَمَن لَّا يُجِبْ دَاعِيَ ٱللَّهِ فَلَيْسَ بِمُعْجِزٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَيْسَ لَهُۥ مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءُ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٣٢﴾

«Ким Аллоҳга даъват қилгувчи (даъвати)**ни қабул қилмаса, бас, у Ер юзида** (бирон жойга) **қочиб қутулувчи эмасдир ва унинг учун** (Аллоҳдан) **ўзга** (Унинг азобидан қутқарувчи) **«дўстлар» ҳам йўқдир. Ана ўшалар очиқ залолатдадирлар».** “Аҳқоф” сураси, 32-оят.

وَأَنَّا ظَنَنَّآ أَن لَّن نُّعْجِزَ ٱللَّهَ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَن نُّعْجِزَهُۥ هَرَبًا ﴿١٢﴾

«Албатта бизлар (Қуръонни эшитганимиздан сўнг) **билдикки, Ер юзида ҳаргиз Аллоҳни ожиз қила олмасмиз** (яъни, фақат Аллоҳ ирода қилган ишгина бўлур) **ва У зотдан** (яъни, Унинг жазосидан) **қочиб ҳам қутула олмасмиз».** “Жин” сураси, 12-оят.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифдан хўрланиб, қувланиб чиққанларидан буён у кишининг бошларига қуюқ соя ташлаб турган ғам-алам, маҳзунлик ва тушкунлик булути ана шундай нусрат ва башоратлар қаршисида парча-парча бўлиб кетди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна Маккага, Исломни тарқатиш ва Аллоҳнинг абадий рисолатини бандаларга янги куч, янги қувват билан етказиш учун яна аввалги ишларини давом эттиришга қайтмоққа қарор қилдилар. Ана шунда Зайд ибн Ҳориса: «Улар сизни чиқариб юборишди-ку, қандай қилиб кирасиз?», деб сўради. **«Эй Зайд, –** дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. **– Аллоҳ таоло бу кўриб турганларингга бир ёруғликни ва чиқар йўлни пайдо қилур. Зеро, Аллоҳ динига нусрат бериб, Пайғамбарини олий қилувчидир».** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага яқин келиб, Ҳирога қўндилар ва хузоалик бир кишини Ахнас ибн Шурайҳнинг олдига ўзлари учун ҳимоя сўраб жўнатдилар. «Мен ҳалиф, яъни иттифоқдош кишиман. Ҳалиф ҳимоясига ололмайди», деб жавоб берди Ахнас. Суҳайл ибн Амрнинг олдига жўнатдилар. «Бану Омир Бану Каъбга қарши туриб ҳимоясига олмайди», деб жавоб

айтди Суҳайл. Мутъим ибн Адийнинг олдига жўнатдилар. Мутъим рози бўлди. У қуролланиб, ўғиллари ва қавмини чақирди. «Қурол-аслаҳаларингизни тақиб, Каъба рукнлари олдида туринглар. Мен Муҳаммадни ҳимоямга олдим», деди Мутъим Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Маккага кираверинг», деб одам жўнатди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса ҳамроҳлигида Маккага кириб Ҳарамгача келдилар. Мутъим ибн Адий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг роҳила-уловлари олдида туриб: «Эй Қурайш жамоаси! Мен Муҳаммадни ҳимоямга олдим, уни ҳеч ким безовта қилмасин!», деб қичқирди. Росулуллоҳ рукнни истилом қилиб, икки ракаат намоз ўқиб, уйларига кетдилар. Мутъим ибн Адий қуролланган ўғиллари билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ўраб, уйларига қадар кузатиб қўйди.

Айтишларича, Абу Жаҳл Мутъимдан: «Сен ҳимояга олувчимисан ёки эргашувчи яъни, муслим?», деб сўраганида: «Ҳимоясига олувчи!» жавобини эшитиб: «Сен ҳимоянгга олган кишини биз ҳам ҳимоя қиламиз!», қабилида жавоб берган экан.

«Ибн Ҳишом», 1/381, “Зодул маъод”, 2/46, 47.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мутъимнинг бу хизматини унутмаганлар. Пайғамбаримиз Бадрда асир олинган мушрикларни кўрсатиб шундай деганлар: **«Агар Мутъим ибн Адий ҳаёт бўлиб, манави бадбўйлар ҳақида менга илтимос қилганида, уларни унга берган бўлардим!».** «Саҳиҳул Бухорий», 2/573.

Исломни қабилалар ва шахсларга таклиф қилиш

Пайғамбарликнинг ўнинчи йили Зул-қаъда ойида (619 милодий июннинг охирлари ё июлнинг бошларида) Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага қайтиб, Исломни қабилалар ва шахсларга таклиф қилишни қайтадан бошладилар. Ҳаж мавсуми яқинлашиб қолгани туфайли одамлар ҳаж фарзини адо этиш, муайян кунларда Аллоҳни зикр қилиш ва ўзлари учун бўлган диний ва дунёвий манфаатларни қўлга киритиш учун ҳар тарафдан кела бошладилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фурсатни ғанимат билиб, худди пайғамбарликнинг тўртинчи йилидан бери қилиб келаётганлари каби улардан ҳар бир қабилани алоҳида-алоҳида Исломга даъват қила бошладилар. Ушбу – ўнинчи йилдан тортиб энди улардан Аллоҳнинг рисолатини етказиш йўлида ўзларига мадад, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя ҳам сўрай бошладилар.

Исломга таклиф қилинган қабилалар

Зуҳрий айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирма-бир бориб, Исломга даъват қилган қабилалар қуйидагилар эди: Бану Омир ибн Саъсаъа, Муҳориб ибн Хосфа, Фазора, Ғассон, Мурра, Ҳанифа, Салим, Абс, Бану Наср, Банул-Бакко, Кинда, Калб, Ҳорис ибн Каъб, Узра, Хазорама. Аммо улардан биронтаси ҳам у зотнинг даъватларини қабул қилмади».

Зуҳрий номларини келтирган бу қабилалар Исломга бир йилнинг ёки бир мавсумнинг ўзида даъват этилмаганлар. Уларнинг даъват этилиши пайғамбарликнинг тўртинчи йили билан ҳижратдан олдинги охирги мавсум оралиғида бўлиб ўтган. Муайян бир қабила ҳақида у аниқ фалон йили даъват этилган, дея олмаймиз. Тўғри, аллома Мансурпурий бир неча қабилалар ҳақида улар Исломга ўнинчи йилнинг мавсумида даъват этилганлар, дея қатъий айтган. Ибн Исҳоқ мазкур даъват ва унинг рад этилиши тарзини ҳикоя қилган. Қуйида шу ҳақда қисқача айтиб ўтамиз:

1. Бану Калб. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг Бану Абдуллоҳ номли бир уруғига бориб, уларни Аллоҳга даъват қилдилар ва уларни ўзларига ҳимоячи бўлишга таклиф қилдилар. Ҳатто уларга: **«Эй Бану Абдуллоҳ, Аллоҳ отангизнинг исмини гўзал қилди»,** деган гапни ҳам айтдилар. Аммо улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таклифини қабул қилмадилар.

2. Бану Ҳанифа. Уларнинг қўнимгоҳларига бориб, Аллоҳга даъват қилдилар ва уларни ўзларига ҳимоячи бўлишга таклиф қилдилар. Араблардан бирортаси у зотга булардан кўра хунукроқ жавоб қилмаган эди.

3. Бану Омир ибн Саъсаа ҳузурига бориб, уларни Аллоҳга даъват қилдилар ва уларни ўзларига ҳимоячи бўлишга таклиф қилдилар. Улар ичидан Буҳайра ибн Фаррос деган шахс: «Аллоҳга қасамки, агар мен қурайшлик мана шу йигитнинг қўлидан маҳкам тутсам, у билан бутун арабларга ғолиб бўлардим», деди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Агар шу ишингда сенга байъат берсак, кейин Аллоҳ сени мухолифларинг устидан ғолиб қилса, сендан сўнг иш (ҳокимият) бизнинг қўлимизга ўтадими?», деб сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Иш** (ҳокимият) **Аллоҳникидир, уни Ўзи хоҳлаган ўрингга қўяди»,** деб жавоб бердилар. Шунда у: «Биз сени деб ўзимизни арабларга қурбон қилайликми?! Аллоҳ сени ғолиб қилганидан кейин ҳокимият биздан бошқасининг қўлига ўтадиган бўлса, бизга бу ишнинг кераги йўқ», деди. Шу билан улар ҳам юз ўгиришди.

Бану Омир қайтиб боргач, бўлган воқеани кексалиги туфайли ҳажга келолмаган бир қарияга айтишди ва: «Қурайшнинг Бану Абдулмуттолиб уруғидан бир йигит олдимизга келиб, пайғамбарман, деб даъво қилди, бизга, мени ҳимоя қилинглар, мен тарафга ўтинглар ва мени ўз юртларингга олиб кетинглар, деб даъват қилди», дейишди. Шунда қария қўлларини бошига қўйиб: «Эй Бану Омир, бу нақадар улкан талофат, ахир бошга қўниб турган бахт қушини учириб юборибсизлар-ку! Фалончининг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, Исмоил авлоди бўлган ўша йигит бу гапни асло тўқиб чиқармаган, унинг гаплари ҳақ, мияларинг қаёқда эди ўзи?!», деди.

Маккалик бўлмаган мўъминлар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабилалар ва вакиллар

билан бир қаторда якка шахсларни ҳам Исломга даъват қилдилар. Уларнинг айримлари тарафидан ижобатлар кўриниб, мавсумдан бир оз кейинроқ бир нечалари мусулмон бўлишди. Қуйида улардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

1. Сувайд ибн Сомит. У ясриблик бўлиб, зукко шоир эди. Қавми уни обрўси, шоирлиги ва насабини эътиборга олиб «Комил», деб атарди. У ҳаж ёки умра қилиш учун Маккага келган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Исломга даъват қилдилар. Шунда у: «Эҳтимол, сиздаги нарса мендаги нарса билан бир хилдир», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сиздаги нарса нима ўзи?»,** дедилар. У: «Луқмоннинг ҳикмати», деб жавоб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қани, уларни менга айтиб берингчи»,** дедилар. У айтиб бергач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Булар шубҳасиз, гўзал сўзлар, аммо мендагиси улардан яхшироқ, у Аллоҳ менга нозил қилган Қуръондир, ҳидоят ва нурдир»,** деб унга Қуръон ўқиб бердилар ва уни Исломга даъват этдилар. Шундан сўнг у: «Ҳақиқатан, булар ғоят гўзал сўзлар экан», деди ва Исломни қабул қилди. Мадинага қайтиб келганидан сўнг кўп ўтмай Буос воқеасидан сал олдин Авс ва Хазраж ўртасидаги жанглардан бирида ўлдирилди.

Устунроқ гап шуки, унинг Исломга кириши пайғамбарликнинг 11-йили бошларида бўлган.

2. Иёс ибн Муоз. У ясриблик ўспирин йигит бўлиб, Авс вакиллари орасида келганди. Улар Хазражга қарши Қурайш билан иттифоқ тузиш мақсадида келишганди. Бу иш Буос урушидан сал олдинроқ пайғамбарликнинг 11-йилида бўлиб ўтганди. У пайтда Ясрибда уруш олови ёнарди. Авс Хазражга нисбатан кам сонли эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг келганидан хабар топгач, олдиларига бориб ўтирдилар ва: **«Сизларга ўзингиз истаб келган ишдан кўра яхшироқ бир ишни айтайми?»**, дедилар. Улар: «Нима иш экан?», дейишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен Аллоҳнинг бандаларига юборган пайғамбариман, уларни ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка даъват қиламан, Аллоҳ менга Китоб нозил қилган», дедилар** ва уларга Исломни тушунтириб, Қуръондан тиловат қилиб бердилар. Иёс ибн Муоз: «Эй қавм, Аллоҳга қасамки, бу нарса сизлар истаб келган нарсадан кўра яхшироқ», деди. Шунда вакиллар ичидан Абу Ҳайсар Анас ибн Рофеъ деган кимса Батҳо тупроғидан бир сиқим олиб, Иёснинг юзига сочиб юборди ва: «Қўй бу гапни, қасамки, биз бу иш учун келмаганмиз», деди. Иёс жим бўлиб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кетдилар. Вакиллар Қурайш билан иттифоқ туза олмасдан Мадинага қайтиб кетишди.

Ясрибга қайтганларидан кейин ҳеч қанча ўтмасдан Иёс вафот этди. Ўлими олдидан ҳамд, такбир, таҳлил ва тасбеҳ айтганди. Унинг

мусулмон бўлиб ўлганига шубҳа қилмайдилар.

3. Абу Зар Ғифорий. У Ясриб атрофида яшарди. Сувайд ибн Сомит ва Иёс ибн Муоз воситасида Ясрибга етиб келган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги хабарлар унинг қулоғига ҳам етиб борган ва шу нарса унинг Исломга киришига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Имом Бухорий Ибн Аббосдан, у Абу Зарнинг ўзидан ривоят қилади: Мен ғифорлик бир одам эдим. Бизга Маккада ўзини пайғамбарман, дейдиган бир одам чиқибди, деган хабар келди. Укамга: «Бор, ўша одам билан гаплашиб, нима гаплигини билиб кел», дедим. У кетди. Бориб учрашди. Қайтиб келгач, «Нима гап?» деб сўраган эдим, у: «Аллоҳга қасамки, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган бир одамни кўрдим», деди. Унга: «Бу гапинг мени қониқтирмади», дедим-да, сафар халта ва асони олиб Макка сари йўлга тушдим. Ўзим уни танимас эдим. У ҳақда сўрашни истамадим. Замзамдан ичиб, масжидда бўлиб турдим.

Олдимдан Али ўтиб қолди ва: «Мусофирга ўхшайсиз», деди. Мен: «Ҳа», дедим. «Ундай бўлса, юринг бизникига», деб уйига олиб кетди. У ҳам мендан ҳеч нарса сўрамади, мен ҳам ҳеч нарса демадим. Тонг отгач, масжидга қайтдим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида сўрай, дегандим, у ҳақда бирон гап айтадиган одамни топа олмадим. Олдимдан яна Али ўтиб қолиб: «Ҳали ҳам борар жойингизни топа олмадингизми?», деди. Мен: «Ҳа, топа олмадим», дедим. У яна уйига таклиф қилиб: «Бу юртларга нима иш билан келган эдингиз?», деб сўради. «Агар сир сақласангиз, айтаман», дедим. У: «Шундай қиламан», деди. Мен: «Шу ерда ўзини пайғамбарман, дейдиган бир одам чиқибди, укамни у ҳақда билиб келишга юборган эдим, унинг олиб борган хабари мени қониқтирмади, шунинг учун у билан ўзим учрашмоқчи бўлиб келдим», дедим. У: «Муродингиз ҳосил бўладиган бўпти, ҳозир ўша ёққа кетаётган эдим, ортимдан бориб, мен кирган жойга кириб бораверинг, агар бирор сизга нисбатан хавфлироқ одамни кўриб қолсам, девор остига бориб, оёқ кийимимни тўғрилагандек бўламан, сиз эса ўтиб кетаверасиз», деди. Унинг ортидан бориб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кирдим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Менга Исломни тушунтиринг», деган эдим, у киши тушунтирдилар. Мен ўша турган жойимда дарҳол мусулмон бўлдим.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Абу Зар, бу ишни сир тутиб, шаҳрингизга қайтиб кетинг, бизнинг ғолиб бўлганимиз ҳақида эшитсангиз келарсиз»,** дедилар. Мен: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен буни уларнинг орасида қичқириб айтаман», дедим. Сўнг масжидга келдим. Қурайш ҳам ўша ерда эди. Ҳаммага эшиттириб: «Эй Қурайш жамоаси, мен Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг пайғамбари эканлигига

гувоҳлик бераман», деб қичқирдим. Улар: «Туринглар, бу муртадни уринглар», дейишди-да, мени ўласи қилиб калтаклашди. Аббос келиб, устимга ётиб олди ва уларга қараб: «Ғифорлик одамни урасизларми, ахир савдо билан Ғифордан ўтасизлар-ку!», деди. Шунда улар мендан четланишди. Эртаси куни яна кечагидек ишни қилдим. Яна ўша гапни айтдим. Улар: «Туринглар, бу муртадни уринглар», дейишди-да, мени яна ўласи қилиб калтаклашди. Яна Аббос келиб, устимга ётиб олди ва кечаги гапини қайтарди.

4. Туфайл ибн Амр Давсий. Бу одам шарафли инсон, Давс қабиласининг бошлиғи, зукко шоир эди. Унинг қабиласи Яманнинг айрим тарафларига бошчилик ёки ярим бошчилик қилган. У Маккага пайғамбарликнинг 11-йилида келди. Шаҳарга етмасиданоқ Макка аҳли унинг истиқболига чиқиб, иззату ҳурматини жойига қўйишди, сўнг: «Эй Туфайл, ичимиздан чиққан мана бу одам бизни оғир аҳволга солиб қўйган, жамоамизни бўлиб, ишимизни чалкаштириб юборган бир ҳолатда сиз бизнинг юртимизга келдингиз, у гапириб туриб, одамни сеҳрлаб қўяди, кишини отасидан, ака-укасидан, хотинидан ажратиб юборади, бизга тушган бу бало сизнинг ва қабилангизнинг бошига ҳам тушиб қолмаса, деб қўрқамиз, шунинг учун у билан гаплашманг, унинг гапига қулоқ солманг», дейишди.

Туфайлнинг ўзи ҳикоя қилади: Бу ҳақда шу қадар кўп гапиришдики, у билан гаплашмасликка ва унинг гапини эшитмасликка қатъий қарор қилдим ва ҳатто масжидга борган пайтимда беихтиёр унинг сўзлари қулоғимга тушиб қолмасин, деб қулоғимга пахта тиқиб олдим. Бир сафар масжидга борсам, у киши Каъбада намоз ўқиётган эканлар. Унинг яқинроғида турган эдим. Аллоҳ унинг гапини эшитмаслигимга йўл қўймади. Ўша гўзал ибораларни тингладим. Кейин ўзимга ўзим, бундан кўра ўлганим яхши, нима учун энди мен унинг гапини эшитмаслигим керак экан, ахир мен зукко шоир бўлсам, нима гўзалу нима хунуклигини ажрата олсам, эшитиб кўрай, агар яхши бўлса, қабул қиламан, бўлмаса, рад этаман, дедим. Шу ўй билан у киши уйларига қайтгунларича кутиб турдим. Қайтаётганларида ортларидан эргашдим. Уйларига кирган эдилар, ортларидан кирдим ва келганимдан буён бўлаётган ишларни, одамларнинг мени қўрқитганлари, қулоғимга пахта тиқиб олганим, кейин у кишининг айрим гапларини эшитиб қолганим, ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилиб бердим ва бошқаларга айтаётган гапингизни менга ҳам айтинг, дедим. У киши менга Исломни тушунтирдилар ва Қуръонни тиловат қилиб бердилар. Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон унингдек гўзал ибораларни эшитмаганман ва шу ишдек тўғрироқ ишни кўрмаганман. Дарҳол мусулмон бўлиб, ҳақ шаҳодатни келтирдим. Кейин у кишига: «Менга қавмим итоат қилади, қайтиб бориб, уларни Исломга даъват этаман, Аллоҳга дуо қилинг, менга бир белги-аломат берсин», дедим. У киши дуо қилдилар.

Унинг белги-аломати шу бўлдики, қавмига яқинлашган пайтида Аллоҳ унинг юзида худди чироқдек бир нурни пайдо қилди. У: «Эй Аллоҳим, юзимдан бошқа жойда бўлса эди, одамлар мусла*, деб ўйлашларидан қўрқаман», деб дуо қилганди, нур қамчисига кўчди. Шундан сўнг у отасини ва хотинини Исломга даъват қилди, улар мусулмон бўлишди. Қавми эса Исломга киришда сустлик қилди. Лекин у даъватда бардавом бўлди. Хандақ жангидан кейин ҳижрат қилган пайтида ўзи билан бирга етмиш ёки саксон хонадонни олиб кетди. У Исломдаги синовлардан гўзал тарзда ўтди ва Ямома кунида шаҳид бўлди.

*Айб-нуқсонга ўхшаш.

5. Зимод Аздий. Бу одам Яманнинг Аздишануасидан бўлиб, дам солиш билан шуғулланарди. У Маккага келиб, у ердаги қаланғи-қасанғилардан «Муҳаммад жинни», деган гапни эшитди. Олдига борсам, эҳтимол Аллоҳ унга мен сабабли шифо бериб қолар, деб ўйлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашиб: «Эй Муҳаммад, мен дам соладиган одамман, бирон касалингиз борми?», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳамд Аллоҳникидир, Унга ҳамд айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз. Аллоҳ кимни ҳидоятга бошласа, уни ҳеч ким адаштира олмас, кимни адаштириб қўйган бўлса, уни ҳеч ким ҳидоятга бошлай олмас. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, У ягонадир, шериксиздир, яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва пайғамбаридир. Аммо баъд...»** деб энди гап бошлаётган эдилар, Зимод: «Шу сўзларингизни яна бир қайтаринг», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гапларини уч бора қайтардилар. Шунда Зимод: «Мен коҳинларнинг, сеҳргарларнинг, шоирларнинг гапларини эшитганман, аммо сизнинг гапларингизга ўхшаганини эшитмаганман, улар уммон тубига қадар етиб борибди, қўлингизни беринг, сизга байъат бериб, мусулмон бўлай», деди ва байъат бериб, мусулмон бўлди.

Ясриблик олти нафар солиҳ кишилар

Пайғамбарликнинг 11-йили ҳаж мавсуми, 620 милодийнинг июлида Исломий даъват майдонида сермаҳсул уруғлар вужудга келиб, улар тезда самога ўрловчи улкан дарахтларга айландилар. Мусулмонлар уларнинг сояларига ўтиб, йиллар мобайнида давом этиб келаётган зулму туғён зарбаларидан ҳимояландилар, воқеа-ҳодисалар бошқача тус олиб, тарихнинг йўналиши бутунлай ўзгарди.

Макка аҳлининг ёлғончига чиқариш, Аллоҳнинг йўлидан тўсиш каби озорларини кўрган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳикмат билан иш юритганларидан Макка мушриклари халақит қилмаслиги учун қабилаларни даъват қилишга кечасида чиқардилар.

Ана шундай кечаларнинг бирида у зот Абу Бакр ва Али билан бирга Зуҳл ва Шайбон ибн Саълабанинг қўналғалари ёнидан ўтиб қолдилар. Уларга Ислом ҳақида гапирдилар. Абу Бакр билан зуҳллик бир киши

ўртасида ажойиб бир савол-жавоб ҳам бўлиб ўтди. Бану Шайбоннинг жавоби умид қилса бўладиган жавоб бўлди. Лекин улар Исломни қабул қилишдан тўхтаб турдилар.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Минодаги Ақаба, деган жойдан ўтаётиб, гаплашиб ўтирган одамлар овозини эшитдилар ва улар ёнига бордилар. Улар ясриблик олти нафар ёш йигитлар бўлиб, ҳаммалари Хазраж қабиласи вакиллари эди:

1. Асъад ибн Зурора (Бану Нажжордан).
2. Авф ибн Ҳорис ибн Рифоа ибн Афро (Бану Нажжордан).
3. Рофеъ ибн Молик ибн Ажлон (Бану Зурайқдан).
4. Қутба ибн Омир ибн Ҳадида (Бану Саламадан).
5. Уқба ибн Омир ибн Нобий (Бану Ҳаром ибн Каъбдан).
6. Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Риоб (Бану Убайд ибн Ғанмдан).

Ясribликларнинг бахти шунда эдики, иттифоқдошлари бўлмиш Ясриб яҳудийлари билан ўрталарида гап қочган пайтларда улар яҳудийлардан: «Яқинда бир пайғамбар чиқади, биз унга эргашамиз ва у билан биргаликда сизларни худди Од ва Эрамдек қириб ташлаймиз», деган гапларни эшитиб юрардилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан учрашганларида:

– Сизлар кимсизлар? – деб сўрадилар.

– Хазражликлармиз, – жавоб беришди улар.

– Яҳудларнинг иттифоқдошларимисизлар?

– Ҳа.

– Ўтириб, бир гаплашсак нима дейсизлар?

– Майли.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Исломнинг моҳиятини тушунтирдилар, Қуръон тиловат қилиб бердилар ва уларни улуғ, буюк Аллоҳга даъват қилдилар. Улар бир бирига: «Аллоҳга қасамки, бу одам ўша яҳудийлар кутаётган пайғамбардир, бас, улардан олдин отни қамчилаб қолайлик, унинг таклифини қабул қилиб, мусулмон бўлайлик», дейишди.

Улар Ясрибнинг оқил кишиларидан эдилар. Яқинда бўлиб ўтган ички урушлар уларнинг тинкасини қуритган, бу урушнинг яна аланга олиш хавфи бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари зора урушнинг олди олинишига сабаб бўлса, деб умид қилдилар. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизнинг ортимизда шундай қавмлар борки, улар орасидаги адоватчалик адоват ҳеч жойда йўқ, сиз туфайли Аллоҳ уларни бирлаштириб юборса ажаб эмас, энди юртимизга қайтиб, уларни сизнинг ишингизга даъват қиламиз, ўзимиз қабул қилган мана шу таклифингизни уларга ҳам таклиф қиламиз, агар уларни Аллоҳ сизга бирлаштириб берса, сиздан азизроқ одам бўлмайди», дейишди.

Улар Мадинага қайтишгач, у ерда Ислом рисолатини кўтариб

чиқишди. Ҳатто Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида гапирилмаган биронта хонадон қолмади.

Мавзудан бир оз четга чиқиш

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оиша розияллоҳу анҳога уйланишлари

Шу пайғамбарликнинг 11-йили Шаввол ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оишаи Сиддиқа розияллоҳу анҳога уйландилар. Бу пайтда Оиша розияллоҳу анҳо олти ёш эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу аёли билан Мадинада ҳижратнинг биринчи йилида Шаввол ойида қўшилдилар. У пайтга келиб, Оиша розияллоҳу анҳо тўққиз ёшга киргандилар.

Исро ва Меърож

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу босқични босиб ўтаётган, даъват қувғиннинг ўртасида муваффақият билан турган ва узоқ-узоқлардан умид юлдузлари элас-элас кўрина бошлаган бир пайтда Исро (тунда сайр қилдириш) ва Меърож (юқорига кўтарилиш) ҳодисаси юз берди.

Бу ҳодиса юз берган вақт хусусида турли қарашлар бор:

1. Бир қавлда Исро Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлик шарафига муяссар бўлган йиллари юз берган, дейилган. Имом Табарий шу фикрни ихтиёр қилган.

2. Яна бир қавлда пайғамбарликдан беш йил ўтиб юз берган, дейилган. Бу гапни Нававий ва Қуртубийлар қувватлироқ санашган.

3. Яна бир қавлда пайғамбарликнинг 10- йили 27- Ражаб кечасида юз берган, дейилган. Бу аллома Мансурпурийнинг гапи.

4. Яна бир қавлда ҳижратдан ўн олти ой олдин яъни, пайғамбарликнинг 12- йили Рамазонида юз берган, дейилган.

5. Яна бир қавлда ҳижратдан бир йилу икки ой олдин яъни, пайғамбарликнинг 13- йили Муҳаррамида юз берган, дейилган.

6. Яна бир қавлда ҳижратдан бир йил олдин яъни, пайғамбарликнинг 13- йили Рабиул-аввалида юз берган, дейилган.

Хадижа розияллоҳу анҳо пайғамбарликнинг ўнинчи йили Рамазонида вафот этган ва бу пайтда ҳали беш вақт намоз фарз қилинмаган эди. Беш вақт намознинг фарз қилиниши Исро кечасида юз бергани хусусида эса ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Демак, шу билан олдинги уч қавл рад этилади. Кейинги уч қавлдан қайси бирини таржеҳ қилишни билмадим. Бироқ, “Исро” сурасининг оқими ҳодиса жуда кеч юз берганлигига далолат қилади.

Ҳадис олимлари бу воқеани тафсилотлари билан ривоят қилишган. Қуйида уни қисқача айтиб ўтамиз:

Ибнул Қойййум айтади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳис-салом билан бирга Масжидул-Ҳаромдан Байтул-

Мақдисга Буроқда сайр қилдирилганлар. Сайрга фақат руҳлари эмас, жасадлари ҳам чиққанлиги тўғрироқ. Ўша ерга тушиб, Буроқни масжиднинг ҳалқасига боғлаб, пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқидилар.

Кейин у киши шу кечада Байтул-Мақдисдан дунё осмонига олиб чиқиб кетилдилар. Жаброил алайҳис-салом эшикни қоқдилар ва эшик очилди. Бу осмонда инсоният отаси Одам алайҳис-саломни кўриб, салом бердилар. Одам алайҳис-салом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саломига алик олиб, пайғамбарлигини тан олиб, марҳабо, деб илиқ кутиб олдилар. Аллоҳ таоло у кишига Одам алайҳис-саломнинг ўнг тарафида бахтиёрлар руҳларини, сўл томонида эса бахтиқароларнинг руҳларини кўрсатди.

Кейин у зот иккинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Яҳё ибн Закариё ва Ийсо ибн Марямни кўриб, уларга салом бердилар. Улар саломга алик олишиб, пайғамбарликларини тан олишиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олишди.

Кейин у зот учинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Юсуф алайҳис-саломни кўриб, салом бердилар. Юсуф алайҳис-салом саломларига алик олиб, пайғамбарликларини эътироф этиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олдилар.

Кейин у зот тўртинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Идрис алайҳис-саломни кўриб, салом бердилар. У киши ҳам пайғамбарликларини тан олиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олдилар.

Кейин бешинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Ҳорун ибн Имронни кўриб, салом бердилар. У киши ҳам пайғамбарликларини тан олиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олдилар.

Кейин олтинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Мусо ибн Имронни учратиб, салом бердилар. У киши ҳам пайғамбарликларини тан олиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олдилар.

Унинг ёнидан ўтиб кетган пайтларида Мусо алайҳис-салом йиғладилар. «Нима учун йиғлаяпсиз?», дейишганида, «Мендан кейин пайғамбар бўлган боланинг менинг умматимдан кўра кўпроқ уммати жаннатга кираркан, деб йиғлаяпман», деб жавоб бердилар.

Кейин у зот еттинчи осмонга олиб чиқилдилар. У ерда Иброҳим алайҳис-саломни учратиб, салом бердилар. У киши ҳам пайғамбарликларини тан олиб, марҳабо, дея илиқ кутиб олди.

Кейин у зот Сидратул-мунтаҳога кўтарилдилар. Унинг мевалари Ҳажар* кўзаларидек, барглари эса филларнинг қулоқларидек экан. Уни зар капалаклар (парвоналар) ўраб олар, турли-туман ранглар ва нурлар чулғаб олар ва ҳар хил кўринишда товланар, гўзаллигидан Аллоҳнинг махлуқотларидан ҳеч кимса унинг васфини келтиришга қодир бўлмас экан.

*Мадина яқинидаги жой номи.

Ундан кейин эса Байтул-Маъмур*га кўтарилдилар. У шундай бир уйки, ҳар куни унга етмиш минг фаришта киради, сўнг яна қайтиб

кирмайди.

*Самовот оламидаги малоикалар қибласи бўлган муқаддас уй, масжид.

Сўнг жаннатга киргизилдилар. Жаннатда инжу марварид шодалари осилган, тупроқлари мушкдан экан.

У зот яна кўтарилиб, ҳатто (ёзаётган) қаламларнинг қитирлаши эшитиладиган ўрингача етдилар.

Кейин буюкликда тенги йўқ Жаббор Зотнинг қошига кўтарилиб, қош билан қовоқчалик ёки ундан ҳам яқинроқ жойгача яқин бордилар. Шунда У зот бандасига Ўзи истаган нарсани ваҳий қилиб, унга эллик маҳал намоз ўқишни фарз айлади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтаётиб, Мусо алайҳис-саломнинг ёнидан ўтаётганларида у киши:

– Роббингиз Сизни нимага буюрди, – деб сўрадилар.

– Эллик маҳал намоз ўқишга, – деб жавоб бердилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

– Умматингиз бунга тоқат қила олмайди, қайтиб бориб, умматингиз учун енгиллатишини сўранг.

Бу гапни эшитган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маслаҳат сўрагандек Жаброил алайҳис-саломга қарадилар. У зот ҳам истасангиз шундай қилишингиз мумкин, дегандек ишора қилдилар.

Шу билан у кишини Жаброил алайҳис-салом яна Жаббор Зотнинг қошига олиб чиқдилар. Бу пайтда У зот Ўз ўрнида эди. (Баъзи ривоят йўлларида мана шу гап имом Бухорийга қарашли). Сўнг Аллоҳ ўн маҳалини олиб ташлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушаётиб, Мусо алайҳис-саломнинг ёнидан ўтдилар ва бўлган гапни айтиб бердилар. У киши, яна қайтиб бориб, енгиллатишини сўранг, дедилар. Шундай қилиб, у зот Мусо алайҳис-салом билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасида то У зот намозларни беш маҳалга туширгунига қадар қатнайвердилар. Шундан кейин ҳам Мусо алайҳис-салом қайтиб бориб, енгиллатишини сўранг, дедилар. Бунга жавобан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Парвардигоримдан уялиб кетдим, бўлди энди рози бўлиб, таслим бўламан»,** дедилар. Узоқлашган пайтларида жарчининг: ***«Фарзимни белгиладим, бандаларимга енгиллик қилиб бердим»,*** деган нидоси янгради.

Шундан кейин Ибнул Қойюм, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуғ ва буюк Аллоҳни кўрганлари хусусидаги ихтилофга тўхталиб, шу борадаги Ибн Таймиянинг гапини келтиради. Хулоса шуки, кўз билан кўрганлари ўз исботини топмаган гап. Бу гапни биронта саҳоба айтмаган. Ибн Аббосдан ривоят қилинган “қатъий кўрганлар”, деган гап билан “қалб билан кўрганлар”, деган гап орасида қарама-қаршилик йўқ.

Кейин Аллоҳ таолонинг **“Сўнгра яқинлашиб, пастлади”,** («Нажм» сураси,8-) ояти хусусида тўхталиб, шундай дейди: Бу оятдаги яқинлашиш Исро қиссасидаги яқинлашиш эмас. «Нажм» сурасидаги

яқинлашиш Жаброил алайҳис-саломнинг яқинлашишидир. Оиша ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумо шундай дейишган. Оят оқими ҳам шуни кўрсатиб турибди. Исро қиссасидаги яқинлашиш ва пастлашиш эса улуғ ва буюк Аллоҳнинг яқинлашиши ва пастлашиши экани аниқ. «Нажм» сурасидаги маъно унга зид эмас. Аксинча, унда Сидратул-мунтаҳода манзил қурганда уни яна бир бора кўрганлиги айтилган. Бунинг мазмуни шуки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳис-саломни икки марта ўз суратида кўрганлар. Бир марта ерда, яна бир марта Сидратул-мунтаҳода. Яна Аллоҳ билувчироқ.

Баъзи ривоятларда айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўксиларини ёриш ҳодисаси бу сафар яна бир бора рўй берган. У зот бу сайр чоғида бир неча ишларнинг гувоҳи бўлдилар:

У кишига ароқ ва сут таклиф қилинганда сутни танладилар. Шунда: ***«Фитратга*** (асл нарсага) ***ҳидоятландинг ёки фитратни топдинг, ароқни танлаганингда умматинг адашиб кетарди»,*** дейилди.

Сидратул-мунтаҳонинг остидан оқиб чиқувчи тўрт дарёни кўрдилар. Иккитаси зоҳирий, иккитаси ботиний. Зоҳирийлари Нил ва Фурот дарёлари, ботинийлари эса жаннатдаги икки дарёдир. Нил ва Фурот дарёларини кўрганларининг маъноси шу икки дарёнинг суви жаннатдан келиб чиқади, дегани эмас, балки, у кишининг рисолатлари шу икки дарё атрофидаги унумдор водийлар бағридан жой олади ва уларнинг аҳолиси авлодма-авлод Исломни дунёга олиб чиқиб, тарқатади, деганидир, валлоҳу аълам..

Дўзахга посбонлик қиладиган фариштани кўрдилар. У кулмас, чеҳрасини очмас экан. Шунингдек жаннат ва дўзахни ҳам кўрдилар.

Етимларнинг молини ноҳақ ейувчиларни кўрдилар. Уларнинг худди туяларникидек лаблари бўлиб, оғизларига муштдек тошлар каби олов бўлаклари отиларкан ва у олов ортларидан чиқиб кетаркан.

Судхўрлик қиладиганларни кўрдилар. Уларнинг улкан қоринлари бўлиб, шу туфайли ўринларидан қимирлай олмас эканлар. Фиръавн аҳли дўзахга рўбарў қилинганларида уларнинг устларидан босиб ўтарканлар.

Зинокорларни кўрдилар. Уларнинг олдиларида ҳам семиз, янги гўшт ва ҳам ориқ, сасиган гўшт тураркан. Улар семиз, янги гўштни қўйиб, ориқ, сасиган гўштни ер эканлар.

Ўз эрларига бошқа эркаклардан (ҳаромдан) орттирган болаларни олиб кирадиган аёлларни сийналаридан осилган ҳолларида кўрдилар.

Бораётган ва қайтаётганларида маккаликлар карвонини кўрдилар. Уларни қочиб кетган бир туяларига йўллаб қўйдилар. Ўша ерда бир ёпиқ идишдаги уларнинг сувидан ичдилар. Бу пайтда улар ухлашаётган эди. Идишни яна ёпиқ ҳолида қолдирдилар. Мана шу ишлари Исро кечасининг тонгида ўз даъволарининг тўғрилигига далил

бўлди.

Ибн Қоййум айтади: “Тонг отгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмига улуғ ва буюк Аллоҳ кўрсатган катта аломатларни сўзлаб бердилар. Шунда уларнинг ёлғончига чиқаришлари, озорлари янада кучайди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Байтул-Мақдисни тавсифлаб беришни талаб қилишди. Аллоҳ уни кўз олдиларида намоён қилди ва у киши унинг белгиларини унга қараб туриб айтиб бердилар. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биронта ҳам сўзини инкор қила олмадилар. Уларга бориб қайтаётганларида кўрган уларнинг карвонлари ҳақида ҳам гапириб, унинг қачон етиб келишини, карвон бошида қайси туя келаётганигача айтиб бердилар. Карвон худди ўша пайтда келди. Бироқ, бу ҳам уларни ҳидоятдан янада узоқлаштирди, холос. Золимлар кофирликдан бошқа нарсани истамадилар.

Айтишларича, Абу Бакр розияллоҳу анҳу шу воқеани одамлар ёлғон, деб турган бир пайтда иккиланмай тасдиқлагани учун Сиддиқ, деган номни олган экан.

Бу сафарнинг сабаби хусусидаги энг лўнда ва энг буюк ворид бўлган ҳужжат Аллоҳ таолонинг мана бу оятидир.

سُبۡحَٰنَ ٱلَّذِيٓ أَسۡرَىٰ بِعَبۡدِهِۦ لَيۡلٗا ... ﴿١﴾

«Унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун...».

“Исро” сураси, 1-оятдан.

Бу Аллоҳ таолонинг пайғамбарлар борасидаги қонуниятидир. У зот айтади:

وَكَذَٰلِكَ نُرِيٓ إِبۡرَٰهِيمَ مَلَكُوتَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَلِيَكُونَ مِنَ ٱلۡمُوقِنِينَ ﴿٧٥﴾

“Шундай қилиб Иброҳимга (ўзи учун ҳужжат қилиб олиши) **ва аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун осмонлар ва Ер мамлакатларини кўрсатурмиз”.** “Анъом” сураси, 75-оят.

Яна Мусо алайҳис-саломга айтади:

لِنُرِيَكَ مِنۡ ءَايَٰتِنَا ٱلۡكُبۡرَى ﴿٢٣﴾

“Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик)**”.** “Тоҳа” сураси, 23-оят.

Бу кўрсатишдан кўзланган мақсад “**аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун**”, дейилганда ўз ифодасини топиб турибди. Пайғамбарларнинг билимлари ояту аломатларни кўришга таянганидан кейин инсон ақли билан тасаввур қилиб бўлмайдиган аниқ ишонч, билим ҳосил бўлади. Зеро, эшитиш бошқа, кўз билан кўриш бошқа. Шунинг учун ҳам пайғамбарлар бошқалар кўтара олмайдиган азобу уқубатларни кўтара оладилар. Улар учун дунёнинг ҳамма кучлари

чивиннинг қанотичалик ҳам бўлмай қолади.

Бу сафарнинг, сайрнинг жузъий сирлари, ҳикматларининг ўрни бошқа китобларда эслатилсада, бу сайрнинг булоқларидан шундай ҳақиқатлар отилиб чиқиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратларига қуйилганки, уларнинг айримларини қисқача бўлса ҳам айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

”Исро” сурасини ўқиган ўқувчи Исро қиссаси фақат бир оятда ҳикоя қилинган, кейин яҳудларнинг жиноятлари, шармандаликлари хусусида, ундан кейин эса бу Қуръоннинг энг тўғри йўлга бошлаши ҳақида гап кетган, деб ўйлаши, бу икки оят ўртасида боғлиқлик йўқ, деб гумон қилиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Аллоҳ таоло мана шу услуб билан яҳудийлар кўп гуноҳлар қилиб юборганлари туфайли инсониятга етакчилик қилишдан четлаштирилганлари боис Исро ҳодисаси рўй берганига ишора қиляпти. Улар шу қадар кўп гуноҳ қилган эдиларки, етакчи бўлишларига ҳеч қандай асос қолмаганди. Шунинг учун Аллоҳ бу мансабни улардан олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берди ва шу билан Иброҳимий даъватнинг ҳар икки марказини у кишига жам қилди. Маънавий етакчиликнинг бир умматдан бошқа умматга ўтадиган даври етиб келди, тарихи хиёнату бевафолик, гуноҳу тажовузкорликка тўлган умматдан яхшилигу олийжаноблик сари отилиб борадиган бошқа умматга. Умматки, унинг пайғамбари энг тўғри йўлга бошлайдиган Қуръоннинг ваҳийси билан иш юритади.

Лекин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар томонидан рад этилиб, Макка тоғларида юрган бир пайтида бу етакчилик қандай қилиб у кишининг умматлари қўлига ўтсин? Бу савол яна бир ҳақиқат юзидаги пардани кўтаради. Яъни, Исломий даъватнинг бир даври тугаб, янги бир даврга ўтиш арафасида турганини кўрсатади. Шунинг учун айрим оятларда мушрикларга нисбатан кескин огоҳлантириш, қаттиқ ваъид*лар кўринади.

* Ваъид - ёмон оқибатдан огоҳлантириш.

Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذَآ أَرَدۡنَآ أَن نُّهۡلِكَ قَرۡيَةً أَمَرۡنَا مُتۡرَفِيهَا فَفَسَقُواْ فِيهَا فَحَقَّ عَلَيۡهَا ٱلۡقَوۡلُ
فَدَمَّرۡنَٰهَا تَدۡمِيرٗا ١٦ وَكَمۡ أَهۡلَكۡنَا مِنَ ٱلۡقُرُونِ مِنۢ بَعۡدِ نُوحٖۗ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ
بِذُنُوبِ عِبَادِهِۦ خَبِيرَۢا بَصِيرٗا ١٧

«Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг боёнларини (Ўзимиз юборган пайғамбарларга итоат этишга) **буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар** (аҳолиси) **устига Сўз** (азоб тушиши) **вожиб — муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага**

айлантирурмиз. Биз Нуҳ (қавмидан) **кейин ҳам қанча асрларни** (авлодларни) **ҳалок қилдик.** (Эй Муҳаммад алайҳис-салом)**, Парвардигорингизнинг Ўзи бандаларининг гуноҳларидан етарли огоҳ, кўриб турувчидир».** "Исро" сураси, 16-17-оятлар.

Яна шундай оятлар ҳам борки, уларда гўё мусулмонлар бир жойга бориб, жипслашган бирликни ҳосил қилиб бўлгандек, уларга Исломий жамиятнинг негизлари бўлмиш ҳазорат қоидалари, бандлари, асослари баён қилинган. Мана шу нарсада ҳам яқин кунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир бошпана бўлиши, у ердан туриб, бутун дунёга рисолатни тарқатиш имкони туғилишига ишора бор. Бу муборак сайрнинг яна бир сири мана шунда. Бу сир бизнинг тадқиқотимизга алоқадор бўлгани учун уни айтиб ўтишни лозим топдик.

Мана шу каби ҳикматлардан келиб чиқиб, биз Исро ҳодисаси биринчи ақаба байъатидан сал олдинроқ ёки икки байъат ўртасида бўлган, деган фикрга келдик. Яна Аллоҳ билувчироқ.

Биринчи Ақаба байъати

Ясриблик олти нафар киши пайғамбарликнинг 11-йили ҳаж мавсумида мусулмон бўлганлари хусусида айтиб ўтгандик. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга рисолатни ўз қавмларига етказишларини ваъда қилиб кетишганди.

Шунинг натижаси ўлароқ, кейинги мавсумда яъни, пайғамбарликнинг 12-йили ҳаж мавсумида 621 милодийнинг июлида ўн икки киши келди. Улардан бештаси олдинги йилги мавсумда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашган кишилар эди. Яъни, олдинги йили келганлардан фақат Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Риобгина келмаганди. Қолган еттитаси:

1. Муоз ибн Ҳорис ибн Афро. Бану Нажжордан (Хазраж).
2. Заквон ибн Абдулқайс. Бану Зурайқдан (Хазраж).
3. Убода ибн Сомит. Бану Ғанмдан (Хазраж).
4. Язид ибн Саълаба. Бану Ғанм иттифоқдошларидан (Хазраж).
5. Аббос ибн Убода ибн Назла. Бану Солимдан (Хазраж).
6. Абулҳайсам ибн Тайяҳон. Бану Абдул-ашҳалдан (Авс).
7. Увайм ибн Соида. Бану Амр ибн Авфдан (Авс).

Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Минодаги Ақаба (тоғ йўли, дара)да учрашдилар ва у кишига аёллар байъатини яъни, Макка фатҳидан илгарироқ Қуръонда нозил бўлган аёллар байъатига ўхшаш байъатни бердилар.

Имом Бухорий Убода ибн Сомитдан ривоят қилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Келинглар, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка, ўғирлик, зино, туҳмат, бўҳтон қилмасликка, болаларингизни ўлдирмасликка, яхши ишга буюрган пайтимда менга осий бўлмасликка байъат беринглар. Кимки менга берган байъатига вафо қилса, унинг мукофотини**

Аллоҳнинг Ўзи беради. Кимки унинг қайсидир бандини бузса ва шу дунёда жазосини олса, олган жазоси гуноҳига каффорат бўлади. Кимки қайсидир бандини бузса ва унинг айбини Аллоҳ яширса, унинг иши Аллоҳга ҳавола бўлади. Аллоҳ истаса жазолайди, истаса кечиради». Ровий айтади: Бас, шу нарсаларга байъат бердим. Яна бир нусхада “байъат бердик”, дейилган.

Исломнинг элчиси Мадинада

Байъат бўлиб, мавсум тугагач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам байъат қилганларга бир одамни қўшиб юбордилар. Бу одам Ясрибдаги биринчи элчи бўлиб, у ердаги мусулмонларга Ислом шариатларини ўргатар, диний таълим берар ва ҳалигача мушриклигида қолганларни Исломга даъват этарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишга собиқинлардан – энг аввал мусулмон бўлган Ислом йигитларидан бири Мусъаб ибн Умайр Абдарий розияллоҳу анҳуни танладилар.

Орзу қилинган муваффақият

Мусъаб ибн Умайр Асъад ибн Зуроранинг уйига тушди. Иккиси биргаликда ясрибликларга Исломни берилиб, жўшқинлик билан тарқата бошладилар. Мусъаб «Муқриъ» (Қуръон ўргатувчи устоз), деб танилди.

Унинг даъват ишида қозонган муваффақиятларнинг энг ажойиби шу бўлдики, бир куни Асъад ибн Зурора у билан бирга Бану Абдил-Ашҳал ва Бану Зафарнинг ҳовлисига бормоқчи бўлди. Иккаласи Бану Зафарнинг бир қўрғонига кириб, Марақ номли бир қудуқнинг олдида ўтиришди. Уларнинг атрофига мусулмон бўлган кишилар тўпланишди. У пайтда ўз қавмларининг хожаси бўлган Саъд ибн Муоз билан Усайд ибн Ҳузайрлар ҳали мушрик ҳолларида эдилар. Уларнинг қудуқ олдида атрофларига одам тўплаб ўтиришганидан хабар топган Саъд Усайдга: «Бизнинг заифларимизни лақиллатиш учун келган анави иккаласининг олдига бориб, тийиб қўй, бизнинг ҳовлимизга келмайдиган қилиб қўй, Асъад ибн Зурора холамнинг ўғли бўлмаганида бу ишни ўзим қилган бўлардим», деди.

Усайд найзасини олиб, улар томонга кетди. Уни кўрган Асъад Мусъабга: «Мана бу одам ўз қавмининг саййиди, сенинг олдингга келяпти», бу одамни мусулмон бўлишини Аллоҳдан сидқидилдан сўра, деди. Мусъаб: «Агар ўтирса, гаплашардим», деди. Усайд келиб, уларнинг устида ўдағайлаб: «Нега келдинглар?! Заифларимизни лақиллатмоқчи бўляпсизларми?! Агар жонларингдан умидларинг бўлса, бу ердан кетинглар», деди. Мусъаб унга: «Ўтириб, гапимизни эшитиб кўрмайсанми, маъқул кўрсанг, қабул қиласан, ёқтирмасанг, биз кетамиз», деди. Усайд: «Тўғри айтасан», деди. Кейин найзасини санчиб қўйиб, ўтирди. Мусъаб унга Исломни тушунтириб, Қуръон тиловат қилиб берди. Мусъаб айтади: Аллоҳга қасамки, у гапирмасидан олдин унинг юзида Исломни (мусулмон бўлганини)

англадик. Унинг юзи ёришиб кетганди. У: «Нақадар гўзал, нақадар чиройли!» деб хитоб қилди. Кейин: «Бу динга кирмоқчи бўлган одам нима қилиши керак?», деб сўради.

Унга: «Ғусл қиласан, кийимларингни поклайсан, кейин калимаи шаҳодатни айтасан, ундан сўнг икки ракаат намоз ўқийсан», дейишди. У туриб, ғусл қилди, кийимини поклади, калимаи шаҳодатни айтди ва икки ракаат намоз ўқиди. Шундан сўнг: «Менинг ортимда шундай бир одам борки, агар у сизларга эргашса, қавмидан биронтаси ҳам қолмасдан ҳаммаси эргашадилар. Ҳозир уни сизларнинг ҳузурингизга йўллайман», деди ва найзасини олиб, Саъднинг олдига қараб кетди. Саъд ўзининг қавми орасида ўтирганди. Усайдни кўриб: «Аллоҳга қасамки, мана бу одам бу ердан чиқиб кетаётган пайтидаги кўринишидан бошқача бўлиб келяпти», деди.

Усайд жамоанинг олдига боргач, Саъд ундан: «Нима қилдинг?», деб сўраган эди, у: «Иккаласи билан гаплашдим, Аллоҳга қасамки, уларда ҳеч қандай ёмон нарсани кўрмадим, уларни қайтарган эдим, айтганингни қиламиз», дейишди, деб жавоб берди, сўнг: «Бану Ҳориса Асъад ибн Зурорани ўлдирмоқчи бўлиб чиқишгани ҳақида ҳам эшитдим, улар Асъад сенинг холаваччанг эканини билишади, шу боис сенинг шарафингни булғашмоқчи», деб қўшиб қўйди. Бу гапдан Саъд ғазабланиб, найзасини олиб, уларнинг олдига чиқиб кетди. Уларни хотиржам ҳолда кўргач, Усайднинг мақсадини, яъни, уни Мусъабларнинг сўзини эшитиши учун атай шундай йўл тутганини англади. Саъд уларни ҳақорат қилиб, сўнг Асъад ибн Зурорага: «Аллоҳга қасамки, эй Абу Умома, агар ўртамизда қариндошчилик бўлмаганида мендан кўрадиганингни кўрардинг, сен бизнинг ичимизга биз ёқтирмайдиган нарсани олиб келдингми?!», деди.

Асъад Мусъабга: «Аллоҳга қасамки, олдингга бир саййид келди, унинг ортида қавми турибди, агар у сенга эргашса, қавмидан биронтаси ҳам қолмасдан ҳаммаси эргашадилар», деб айтиб қўйганди. Шу боис Мусъаб Саъд ибн Муозга: «Биз билан ўтириб, гапимизни эшитиб кўрмайсанми, маъқул кўрсанг, қабул қиласан, ёқтирмасанг, ёқтирмаган нарсангни олдингдан олиб кетамиз», деди. Саъд: «Тўғри айтасан», деди-да, найзасини ерга санчиб ўтирди. Мусъаб унга Исломни тушунтириб, Қуръон тиловат қилиб берди. Мусъаб айтади: Аллоҳга қасамки, у гапирмасидан олдин унинг юзида Исломни (мусулмон бўлганини) кўрдик. Унинг юзи ёришиб кетганди. Кейин: «Бу динга кирмоқчи бўлган одам нима қилиши керак?», деб сўради. Унга: «Ғусл қиласан, кийимларингни поклайсан, кейин калимаи шаҳодатни айтасан, ундан сўнг икки ракаат намоз ўқийсан», дейишди ва у шу ишларнинг ҳаммасини бажарди.

Кейин найзасини олиб, қавмининг олдига кетди. Уни кўрган қавми: «Аллоҳга қасамки, у бошқача кўринишда қайтиб келяпти», дейишди.

Қавмининг олдига бориб:

– Эй Бану Абдул-Ашҳал, мени ўзингиз учун ким деб биласизлар, – деди.

– Сени бизнинг саййидимиз, энг яхши фикрлайдиганимиз, раҳбарликка лойиқроғимиз, деб биламиз, – дейишди улар.

– Ундай бўлса, то Аллоҳга ва Пайғамбарига иймон келтиргунларингга қадар сизларнинг эркагу аёлларингиз билан гаплашиш мен учун ҳаром.

Шу куниёқ уларнинг эркагу аёли ҳаммаси мусулмон бўлишди. Фақат биргина Усайрим, деган киши анча кеч, Уҳуд жанги кунида Исломга кирди ва ўша куни жанг қилиб, жангда ўлдирилди, Аллоҳга бир марта ҳам сажда қилмади. Ўшанда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Оз амал қилиб, кўп ажр олди»,** деган эдилар.

Мусъаб Асъад ибн Зуроранинг уйида яшаб туриб, одамларни Исломга даъват қилди. Охир-оқибат ансорлар ичида Ислом кириб бормаган биронта хонадон қолмасдан, эркагу аёл ҳаммаси мусулмон бўлишди. Фақат Бану Умайя ибн Зайд, Хотма, Воил хонадонларигина қолди. Уларнинг орасида шоир Қайс ибн Аслат бўлиб, унга итоат этишарди. У уларни ҳижратнинг бешинчи йилигача, то Хандақ жанги пайтигача Исломдан тўхтатиб турди.

Кейинги ҳаж мавсуми, яъни, пайғамбарликдан сўнг ўн учинчи ҳаж мавсуми келишидан олдин Мусъаб ибн Умайр Маккага қайтиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муваффақиятлар ҳақидаги суюнчли хабарни етказди ҳамда Ясриб қабилалари билан юз берган воқеаларни, у ердаги неъматларни, куч ва ҳимояни ҳикоя қилиб берди.

Иккинчи Ақаба байъати

Пайғамбарликнинг ўн учинчи йили ҳаж мавсумида – 622 милодийнинг июнида ясрибликлардан етмишдан ортиқроқ мусулмон қавмдошлари бўлмиш мушриклар билан бирга ҳаж ибодатларини адо этиш учун келдилар. Улар Ясрибдалик пайтларида ҳам, йўлда ҳам ўзаро бир-бирларига, қачонгача Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Макка тоғларида қувғинга учраб, хавфсираб юришларига тек қараб турамиз, деган гапларни айтишарди.

Маккага келишгач, улар билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида махфий алоқалар ўрнатилиб, охир-оқибат ҳар икки томон ташриқ кунларининг ўртасида Ақабадаги дарада, яъни, Минодаги биринчи тош отиш жойи ёнида учрашишга ва бу учрашув атрофдан батамом сир сақланиб, тун қоронғусида бўлиб ўтишига келишилди.

Гапни ансорийларнинг бир етакчиси – Каъб ибн Молик Ансорий розияллоҳу анҳуга қўйиб берайлик. У бизга бутпарастлик билан Ислом ўртасидаги кураш оқимини буриб юборган мана шу тарихий учрашувни тавсифлаб беради:

«Ҳажга бордик. Ташриқ кунларининг ўртасида Ақабада Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашишга ваъдалашдик. Биз

билан бирга саййидларимиздан бири Абу Жобир Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ҳам бор эди. Аслида биз қилаётган ишимизни ўзимиз билан бирга келган мушриклардан яширгандик. Унга эса бор гапни айтиб: «Эй Абу Жобир, сен саййидларимиздансан, улуғларимиздансан, биз сенинг эртага жаҳаннамга ўтин бўлишингни истамаймиз», дедик. Кейин уни Исломга даъват қилиб, Ақабада Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўладиган ваъдани, учрашувни ҳам айтдик. У мусулмон бўлиб, биз билан бирга Ақабада қатнашди ва 12 раҳбардан бири бўлди».

Каъб сўзида давом этади: «Ўша тун қавмимиз билан бирга ўз қўнимгоҳимизда ухладик. Кечанинг учдан бири ўтганидан кейин қўнимгоҳдан билдирмай чиқиб, оёқ учида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ваъдалашилган ерга етиб бордик ва Ақабада тўпландик. Биз етмиш уч эркак ва икки аёл эдик. Аёллар Нусайба бинти Каъб – Умму Аммора (Бану Мозин ибн Нажжордан) ва Асмо бинти Амр – Умму Маниъ (Бану Саламадан) эди.

Биз дарада тўпланиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кутиб турдик. У киши амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб билан бирга келдилар. Бу пайтда у ҳали ўз қавмининг динида эди. Шунга қарамасдан жиянининг ишида қатнашиб, ишонч ҳосил қилиб кетишни хоҳлабди. Биринчи бўлиб гапирган одам ҳам у бўлди.

Музокаранинг бошланиши ва Аббоснинг масъулиятнинг нақадар улканлигини тушунтириши

Ҳамма тўплангач, диний ва ҳарбий битим тузиш учун музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб сўзлади. У шу битим туфайли улар ўз бўйинларига нақадар катта масъулиятни олаётганларини очиқ-ойдин тушунтириб, шундай деди:

«Эй Хазраж жамоаси (араблар ансорларни хазражлигини ҳам, авслигини ҳам «Хазраж», деб атарди), Муҳаммад бизнинг ичимизда қандай мақомда эканини биласизлар. Биз уни қавмимиздан, қавмимиз ичидаги ўзимизга ўхшаганлардан ҳимоя қилиб келяпмиз. У ўз қавми орасида азиз, ўз диёрида ҳимояга эга. Шундай бўлса-да, у сизларга бориб қўшилишни истаяпти. Агар сизлар бераётган аҳдларингга вафо қилиб, уни мухолифларидан ҳимоя қила олсангизлар, сизлар айтганча бўла қолсин. Лекин у сизлар билан кетганидан кейин уни ёрдамсиз ташлаб, душманларига бериб юборадиган бўлсангизлар, ҳозирданоқ бу ишни тўхтатинглар. Чунки у шундоқ ҳам ўз қавми орасида азиз ва ўз диёрида ҳимояга эга».

Каъб айтади: “Биз унга: «Айтган гапингни эшитдик. Энди эй Аллоҳнинг пайғамбари, ўзингиз гапиринг, ўзингиз учун ва Парвардигорингиз учун биздан ўзингиз истаган аҳдни олинг», дедик.

Бу жавобда уларнинг шу улкан масъулиятни ва унинг ортида турган хавфу хатарни кўтариш борасида нақадар қатъият, ишонч, иймон ва

ихлос билан турганликлари ўз ифодасини топиб турибди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг гапларини айтдилар. Сўнг байъат берилди.

Байъат бандлари

Бу ишнинг тафсилотини Имом Аҳмад Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Биз: «Ё Росулуллоҳ, сизга қайси ишларга байъат берайлик?», деган эдик, у киши шундай жавоб бердилар: **«Фаолликда ҳам, эринчоқлик пайтларида ҳам қулоқ солиб, итоат этишга. Қийинчилик пайтларида ҳам, фаровон кунларда ҳам** (бойлигу камбағалликда) **инфоқ қилишга. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришга. Аллоҳ йўлида мустаҳкам туриб, бу йўлда маломатчининг маломатига қулоқ солмасликка. Сизларнинг диёрингизга борганимдан кейин менга ёрдам беришингизга, мени ўз жонларингни, аёл ва фарзандларингни ҳимоя қилгандек ҳимоя қилишларингизга байъат беринглар, шунда сизларга жаннат бўлади».**

Ибн Исҳоқ ривоят қилган Каъбнинг ривоятида фақат охирги банд айтилган. Унда шундай дейилади: «Каъб айтди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапирдилар, Қуръон тиловат қилдилар, Аллоҳга даъват этиб, Исломга тарғиб қилдилар. Кейин: **«Сизлар билан мени ўз аёлларингиз ва фарзандларингизни ҳимоя қилгандек ҳимоя қилишингизга байъатлашаман»,** дедилар. Шунда Баро ибн Маърур у кишининг қўлларидан тутиб: «Худди шундай, сизни ҳақ билан (пайғамбар қилиб) юборган Зотга қасамки, албатта сизни ўз жонимиз ва молимизни ҳимоя қилгандек ҳимоя қиламиз. Байъатлашаверинг, эй Росулуллоҳ, зеро биз Аллоҳга қасамки, уруш фарзандларимиз, жанг майдонида катта бўлганмиз, бу нарсани ота-боболаримиздан мерос қилиб олганмиз».

Ровий сўзида давом этади: "Баро Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга гапириб турган бир пайтда Абулҳайсам ибн Тайяҳон сўзга аралашиб: «Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз билан айрим одамлар ўртасида бир ришта бор, агар биз бу риштани, яъни, яҳудийлар билан алоқани узсак, сизни Аллоҳ ғолиб қилганидан кейин бизни ташлаб, қавмингизга кетиб қолмайсизми?», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилиб: **«Аксинча, қонга-қон, жонга-жон, мен сизларданман, сизлар мендансизлар, ким билан уруш қилсангиз, мен ҳам у билан уруш қиламан, ким билан тинч-тотув яшасангиз, мен ҳам у билан тинч-тотув яшайман»,** дедилар.

Байъат масъулияти нечоғли улканлигини яна бир бор таъкидлаш

Байъат шартлари атрофидаги сўзлашувлар тугаб, байъатни бошлашга қарор қилингач, нубувватнинг 11- ва 12-йиллари ҳаж мавсумида Исломни қабул қилган энг биринчи мусулмонлардан икки киши бирин-кетин ўринларидан туриб, қавмга масъулиятнинг нақадар

улканлигини яна бир бор таъкидладилар. Токи, қавм нимага байъат бераётганини билиб, кейин байъат берсин. Бу билан улар қавмнинг ўзни фидо қилишга қанчалик тайёр эканликларига ишонч ҳосил қилиб олишни ҳам ўйлашганди.

Ибн Исҳоқ айтади: “Энди байъат беришга келишиб туришган эди, Аббос ибн Убода ибн Назла: «Бу кишига нимага байъат бераётганингизни биласизларми?», деб қолди. Одамлар: «Ҳа, биламиз», дейишди. Шунда у: «Сизлар унга қизилу-қорага, барча-барчага қарши уруш қилишга байъат беряпсизлар, агар сизлар молингизга шикаст етиши ва улуғларингизнинг ўлдирилишидан қўрқиб, бу одамни душманларига топшириб юборадиган бўлсангиз, яхшиси ҳозирданоқ бу ишни тўхтатинглар. Чунки бундай қилиш дунёю охират шармандалигидир. Агар молингизга шикаст етса ҳам, улуғларингиз ўлдирилса ҳам аҳдингизга вафо қила олсангиз, Аллоҳга қасамки, бу иш дунёю охират яхшилигидир», деди.

Одамлар: «Молларимизга шикаст етишию улуғларимизнинг ўлдирилишидан ҳам қўрқмасдан аҳд берамиз. Аҳдимизга вафо қилсак, бунинг эвазига бизга нима тегади, эй Росулуллоҳ?», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаннат»,** деб жавоб бердилар. «Ундай бўлса, қўлингизни узатинг», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини узатдилар ва улар байъат беришди.

Жобирнинг ривоятида бундай дейилади: “Туриб байъат беришга киришаётган эдик, етмиш кишининг ичида энг ёши бўлган Асъад ибн Зурора у зотнинг қўлларидан ушлаб олиб: «Эй Ясриб аҳли, бир оз шошманглар, биз бу кишини Аллоҳнинг пайғамбари эканликларини билганимиз учун ҳузурларига интилиб келдик, бугун уни бу ердан олиб чиқиб кетиш, дегани ҳамма араблардан ажралиш, энг сараларингизнинг ўлдирилиши, сизларга қарши қиличлар қинларидан суғурилиши, демакдир, агар шунга сабр қила олсангизлар, унинг қўлини ушланглар ва шу билан Аллоҳнинг ажру савобига сазовор бўлинглар, агар ўзларингиздан қўрқсангизлар, уни ўз ҳолига қўйинглар, шунда Аллоҳнинг олдига борганда узр айтишларингиз осонроқ бўлади», деди.

Байъатнинг ижро этилиши

Байъатнинг бандлари тан олиниб, юқорида айтилган таъкидлашлару ишонч ҳосил қилишлар амалга ошиб бўлгач, қўл бериб байъатлашиш бошланди. Жобир Асъад ибн Зуроранинг гапини ҳикоя қилиб бўлганидан кейин шундай дейди: «Шунда одамлар: «Эй Асъад, ол қўлингни, Аллоҳга қасамки, биз бу байъатни тарк ҳам қилмаймиз, кечга ҳам сурмаймиз», дейишди».

Ана шунда Асъад қавмнинг шу йўлда ўзини қурбон қилишга қанчалар тайёр эканини билди ва шунга ишонч ҳосил қилди – Мусъаб ибн Умайр билан биргаликда асосий даъватни у қилганди. Шундан

сўнг, биринчи бўлиб у байъат берди. Ибн Исҳоқ айтади: “Бану нажжорликларнинг айтишларича, Абу Умома Асъад ибн Зурора биринчи бўлиб қўлини узатди. Шундан кейин умумий байъат бошланди”. Жобир айтади: “Битта-битта бўлиб у кишининг ёнига бордик ва у киши биздан байъат олдилар. Бунинг эвазига бизга жаннат бериладиган бўлди”.

Шу воқеада қатнашган икки аёлдан байъат олиш сўз орқали бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бегона аёлнинг қўлини ушламаганлар.

Ўн икки раҳбар

Байъат тугаганидан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн икки киши раҳбар этиб сайланишини талаб қилдилар. Улар шу байъатнинг бандлари ижро этилишида ўз қавмлари устидан жавобгар бўлдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўзларингиздан менга ўн икки раҳбарни чиқариб берингларки, улар ўз қавмлари устидан жавобгар бўлсинлар»,** дедилар.

Сайлов дарҳол амалга оширилди. Тўққиз киши Хазраждан, уч киши эса Авсдан сайландилар. Қуйида уларнинг номларини келтирамиз.

Хазраж раҳбарлари:

1. Асъад ибн Зурора ибн Адас
2. Саъд ибн Рабиъ ибн Амр
3. Абдуллоҳ ибн Равоҳа ибн Саълаба
4. Рофеъ ибн Молик ибн Ажлон
5. Баро ибн Маърур ибн Сохр
6. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром
7. Убода ибн Сомит ибн Қайс
8. Саъд ибн Убода ибн Дулайм
9. Мунзир ибн Амр ибн Хунайс

Авс раҳбарлари:

1. Усайд ибн Ҳузайр ибн Симок
2. Саъд ибн Хайсама ибн Ҳорис
3. Рифоа ибн Абдулмунзир ибн Зубайр

Бу раҳбарлар сайлаб бўлингач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан масъул раҳбарлар сифатида алоҳида аҳд олиб: **«Сизлар қавмингиз устидан худди ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломга кафил бўлганларидек кафил бўласизлар, мен эса ўз қавмим – яъни мусулмонлар устидан кафилман»,** дедилар. Улар: «Хўп бўлади», дейишди.

Битимни фош қилган шайтон

Битим тузилиб, қавм энди тарқалмоқчи бўлиб турганида уни бир шайтон фош қилиб қўйди. Фош қилиш охирги лаҳзаларда рўй берди. Қурайшнинг катталарига бу хабарнинг махфий суратда етиб бориши мумкин эмасди. Шунинг учун улар дарада тўпланиб турганларга қўққисдан бостириб келмадилар. Бу хабарни бир шайтон тарқатди. У

бир баландликка чиқиб, ҳамма эшитадиган овоз билан: «Эй халойиқ, сизларга музаммам (айбланган, мазаммат қилинган, мушриклар Муҳаммад – мақталганнинг аксини қасд қилиб шундай дейишарди) ва у билан бирга диндан қайтганларни кўрсатайми, улар сизлар билан жанг қилиш учун тўпланиб турибдилар», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу Ақабанинг Азаб номли ажинаси, эй Аллоҳнинг душмани, ҳозир сенга кўрсатаман»,** дедилар. Кейин уларга тарқалиб, манзилларига қайтиб кетишга амр этдилар.

Ансорларнинг Қурайшга зарба беришга тайёрликлари

Шайтоннинг жари эшитилган пайтда Аббос ибн Убода ибн Назла: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, агар истасангиз, эртагаёқ Мино аҳлининг устига қиличларимиз билан бостириб борамиз», деди.

Бунга жавобан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз ҳали бундай қилишга буюрилмадик, ўз жойингларга қайтиб кетинглар»,** дедилар. Улар қайтиб кетишиб, тонг оттирдилар.

Қурайш Ясриб раисларига ҳужжат тақдим этади

Бу хабар Қурайшнинг қулоғига етиб боргач, уларнинг тинчи бузилди. Чунки улар бу байъатнинг оқибати ўз жонлари ва молларига нисбатан нималарга олиб бориши мумкинлигини жуда яхши билардилар. Шунинг учун тонг отиши билан Макка раҳбарларидан тузилган катта бир гуруҳ ясрибликларнинг чодирларига боришиб, шу шартнома хусусидаги ҳужжатларини тақдим қилишиб, бундай дейишди: «Эй Хазраж жамоаси, эшитишимизча, сизлар мана бу одамнинг олдига уни бизнинг орамиздан олиб кетиш ва бизга қарши уруш қилиш учун унга байъат бергани келибсизлар. Аллоҳга қасамки, араб қабилалари орасида биз кўпроқ сизлар билан ўртамизда уруш чиқишини истамаймиз».

Байъат тун қоронғусида махфий тарзда бўлиб ўтгани учун Хазраж мушрикларининг ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди. Шунинг учун улар Аллоҳнинг номига қасамлар ичишиб, ҳеч нарса бўлгани йўқ, ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ, дейишди. Улар Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг олдига ҳам келишган эди, у: «Бекор гап, бундай иш бўлгани йўқ, қавмим менинг буйруғимсиз бундай ишларни қилмайди, агар мен Ясрибда бўлганимда қавмим мен билан маслаҳатлашмай туриб, бундай қилмаган бўларди», деди.

Мусулмонлар эса бир-бирларига қарашиб, индамай тураверишди. Улардан биронтаси бу гапни тасдиқлагани ҳам йўқ, унга эътироз ҳам билдирмади.

Қурайш раҳбарлари мушрикларни тасдиқлашга мажбур бўлишиб, ноумид бўлган ҳолда қайтиб кетишди.

Қурайшнинг хабар тўғрилигини аниқлаши ва байъат берганларнинг ортидан қувиши

Қурайш катталари бу хабарнинг ёлғонлигига ишониб-ишонмай қайтишди. Лекин бу ишни яна ҳам чуқурроқ текширишиб, унинг

тўғрилигини, байъат ҳақиқатан бўлиб ўтганини аниқлашди. Бу иш ҳожилар ватанларига қайтиб кетишганидан кейин рўй берди. Отлиқлар ясрибликларни қувиб кетишди. Вақт ўтиб бўлганди. Бироқ улар Саъд ибн Убода билан Мунзир ибн Амрни кўриб қолишиб, ортларидан қувишди. Мунзир уларни доғда қолдириб кетди. Саъдни эса ушлаб олишди. Отининг айили билан икки қўлини бўйнига боғлашиб, уриб, судраб, сочидан тортиб, Маккага олиб боришди. Мутъим ибн Адий билан Ҳорис ибн Ҳарб ибн Умайялар келиб, Саъдни уларнинг қўлларидан қутқариб олишди. Чунки Саъд уларнинг Мадинадан ўтадиган карвонларини ўз ҳимоясига оларди. Ансорлар уни йўқотиб қўйиб, орқага қайтиш ҳақида маслаҳатлашиб турган эдилар, қарасалар, кутилмаганда у кўриниб қолди. Шу билан қавмнинг ҳаммаси Мадинага етиб борди.

Катта Ақаба байъати, деб номланадиган иккинчи Ақаба байъати – мана шу. Бу байъат турли мўминлар ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ҳамкорлик, ишонч ва шу йўлдаги шижоат, жасорат ва дўстлик руҳида ўтди. Маккадаги мустазъаф (ёрдамга муҳтож) мўминни ўйлаб, Ясрибдаги мўминнинг ичи ачишарди. Унга зулм қилаётганлардан нафратланарди. Аллоҳ учун ғоибона яхши кўрган шу биродарига нисбатан ич-ичидан яқинлик туйғулари тошиб чиқарди.

Бу туйғулар кунлар ўтиши билан йўқолиб кетадиган ўткинчи туйғулар эмасди. Улар Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръонга бўлган иймон манбаидан тошиб чиққан туйғулар эди.

Иймонки, зулму тажовузкорликнинг ҳар қандай кучи уни эга олмайди.

Иймонки, шабадалари эсган пайтида эътиқод бобида ҳам, амал бобида ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботларни юзага келтиради. Мана шу иймон билан мусулмонлар тарих зарварақларига ўхшаши ўтмишда ҳам юз бермаган, келажакда ҳам юз бермайдиган қаҳрамонликларни битдилар.

ИЛК ҲИЖРАТЛАР

Иккинчи Ақаба байъати амалга ошиб, Ислом куфру жаҳолатга тўла саҳро ичидан ўзига бир ватан ҳосил қилиш имкониятига эга бўлгач – бу нарса даъват бошланганидан буён Ислом қўлга киритган энг катта ютуқ эди – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга шу ватанга ҳижрат қилишларига рухсат бердилар.

Ҳижратнинг маъноси манфаатлардан воз кечиш, молу дунёни қурбон бериш, ёлғиз жоннинг ўзинигина асраб қолиш дегани эди. Ҳатто шу жоннинг ўзи ҳам йўлнинг бошидами, охиридами бой берилиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Ҳижрат бу номаълум тарафга йўл олиш, оқибат нима бўлишини билмасдан таваккалига қадам ташлаш эди.

Мусулмонлар мана шуларнинг ҳаммасини билганлари ҳолда ҳижрат

қила бошладилар. Мушриклар бу иш ортидаги хавфни сезганлари боис уларнинг ҳижратларига тўсқинлик қилардилар. Қуйида ана шулардан айрим намуналарни келтирамиз:

1. Дастлабки муҳожирлардан бири Абу Салама эди. Ибн Исҳоқнинг айтишича, у Катта Ақабадан бир йил олдин хотини ва ўғли билан бирга ҳижратга отланди. Чиқиб кетишга қарор қилган пайтида қайноғалари «Сен оилангни эмас, ўз жонингни ўйлаяпсан, бу синглимизни сенга қўйиб берсак, уни юртма-юрт олиб юриб, сарсон қиласан», дейишиб, хотинини ундан тортиб олишди. Абу Саламанинг хонадони бундан ғазабланиб, ўғлимиздан қизларингни тортиб олдингларми, тамом, энди унинг ўғлини ҳам қизларинг билан яшашига йўл қўймаймиз, дейишди ва боласини талашиб, тортиб (бу аснода унинг қўлини чиқариб ҳам олдилар) олиб кетдилар. Абу Саламанинг ёлғиз ўзи Мадинага ҳижрат қилди. Умму Салама эри кетиб, ўғлидан ажралиб қолганидан кейин ҳар куни эрталаб чўлу биёбонга чиқиб кетиб, кечгача йиғлаб юрарди. Бир йилга яқин шу алфозда яшади. Қариндошларидан бирининг унга раҳми келиб, келинглар, шу бечорани кетказиб юборайлик, уни эри ва боласидан ажратиб, қийин аҳволга солиб қўйдинглар, деди. Шундан сўнг унга: «Истасанг эрингнинг олдига кетавер», дейишди. Ўғлини ҳам қайтариб олгач, Умму Салама тақрибан беш юз километр узоқликдаги Мадинага қараб тоғу тошлару ҳалокатли саҳролар ичра ёлғиз ўзи йўлга чиқди. Танъим, деган жойга етганида Усмон ибн Талҳа ибн Аби Талҳани учратиб қолди. Усмон унинг аҳволидан хабардор бўлгач, уни Мадинагача кузатиб борди. Қубо кўринадиган жойгача етганларидан кейин «Эринг мана шу шаҳарда, Аллоҳнинг баракаси ила боравер», деб ўзи Маккага қайтиб кетди.

2. Суҳайб ибн Синон Румий ҳижрат қилмоқчи бўлганида Қурайш кофирлари: «Бизнинг олдимизга камбағал, ялангоёқ бўлиб келгандинг, энди мол-давлатинг кўпайганидан кейин бу ерда орттирган давлатингни олиб кетмоқчи бўляпсанми, йўқ, бунақаси кетмайди», дейишди. Шунда Суҳайб: «Агар мол-давлатимни сизларга берсам, мени қўйиб юборасизларми», деди. Улар рози бўлишди. Шундан сўнг у мол-давлатини мушрикларга бериб, ўзи юртдан чиқиб кетди. Бу воқеадан хабар топган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Суҳайб фойда қилибди, Суҳайб фойда қилибди», дедилар.

3. Умар ибн Хаттоб, Айёш ибн Абу Рабиа ва Ҳишом ибн Ос ибн Воиллар эрталаб Сарифдан юқорироқдаги Танозуб, деган жойда кўришиб, у ердан Мадинага ҳижрат қилишга ваъдалашдилар. Умар билан Айёш учрашдилар. Аммо Ҳишом ушланиб қолди.

Иккалови Мадинага келишиб, Қубога тушдилар. Ортларидан Абу Жаҳл билан унинг укаси Ҳорис Айёшнинг олдига келишиб, (бу учаласи она бир ака-укалар бўлиб, оналари Асмо бинти Мухарриба эди) «Онамиз то сени кўрмагунча бошимга тароқ ҳам урмайман, қуёшдан сояга ҳам ўтмайман, деб назр қилди, унга раҳминг келсин», дейишди.

Шунда Умар: «Эй Айёш, Аллоҳга қасамки, қавминг сени динингдан оздирмоқчи бўляпти, холос. Улардан эҳтиёт бўл, Аллоҳга қасамки, агар онангнинг сочини бит босиб кетса, уни тарайверади, Макканинг қуёши қиздириб юборса, сояга ўтаверади», деди. Айёш Умарнинг гапига қулоқ солмай, онасининг қасамини оқлаб қўйиш учун ака-укалари билан йўлга чиқмоқчи бўлди. Унинг қарори қатъийлигини кўрган Умар: «Ҳамонки, бу шаштингдан қайтмас экансан, менинг мана бу туямни ол, у яхши, итоатли туя, унга миниб ол, агар бирор шубҳали ҳаракатни сезгудек бўлсанг, улардан қочиб қутулишинг осон бўлади», деди. Айёш ака-укалари билан йўлга чиқди. Анча йўл юришгач, Абу Жаҳл унга: «Эй ука, менинг туям дағаллашиб қолди, мени ҳам ўз туянгга мингаштириб олмайсанми», деди. Айёш рози бўлиб, туясини чўктирди. Ерга тушганларидан кейин мушрик акалари унга ташланишди ва чандиб боғлаб ташлашди, сўнг кундуз кунда Маккага кириб боришиб: «Эй Макка аҳли, ораларингиздаги ақлсизларни мана бундай қилиб, бизга ўхшатиб, ақлини киритиб қўйинглар», деб жар солишди.

Мана сизга Макка мушрикларининг ҳижрат қилмоқчи бўлганларни билиб қолишса, уларни не кўйларга солганларидан уч намуна. Лекин шунга қарамасдан, одамлар бирин-кетин, тўп-тўп бўлиб, юртдан чиқиб кетдилар. Катта Ақаба байъатидан икки ою бир неча кун ўтиб, Маккада мусулмонлардан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Алидан бошқа ҳеч ким қолмади. Абу Бакр ва Али Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан қолишганди. Булардан ташқари мушриклар мажбурлаб олиб қолганлар ҳам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўл ҳозирлигини кўриб бўлган, фақат чиқиб кетиш ҳақидаги буйруқни кутиб турардилар. Абу Бакр ҳам йўл ҳозирлигини кўриб қўйганди.

Имом Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга: **«Мен сизлар ҳижрат қиладиган диёрни кўрдим, у икки тошлоқ ўртасидаги хурмозор экан»,** дедилар. Мадинага ҳижрат қилганлар ҳижрат қилдилар. Ҳабашистонга ҳижрат қилганларнинг ҳам кўпчилиги Мадинага қайтишди. Абу Бакр ҳам Мадинага кетишга отланиб турган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Шошмай туринг, менга ҳам рухсат этилишини умид қилиб турибман»,** дедилар. «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сиз ҳам шуни умид қиляпсизми?», деди Абу Бакр. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа»,** деб жавоб бердилар. Абу Бакр Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлиш учун тўхталиб турди. Ўзининг ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларига самар (акас) дарахтининг баргларидан бериб, уларни емлаб турди. Бу ҳолат тўрт ой давом этди.

Дорун-надвада

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари йўл

ҳозирлигини кўриб, мол-дунёларию бола-чақаларини олиб Авс ва Хазражга қараб кетишаётганини кўрган мушриклар тинчини йўқотдилар, олдин ҳеч кузатилмаган талвасага тушиб қолдилар. Ҳа, уларнинг қаршисида ҳақиқий хатар бўй кўрсатаётган эди. Уларнинг бутпарастликларию иқтисодларига нисбатан таҳдид аломатлари кўрина бошлаганди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одамларга таъсир кўрсатиш қувватлари нақадар улканлигини, йўл кўрсатишу бошқарувчиликда ҳам ўта моҳир эканликларини, саҳобалардаги қатъият, барқарорлик ва фидоийликни, шу билан бирга Авс ва Хазраж қабилалари қанчалар катта кучга, ҳимояга эгалигини, бу икки қабиланинг оқиллари узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган ички урушлардан безиб, тинчлик, тотувлик йўлларини астойдил ахтараётганларини жуда яхши билардилар.

Шунингдек, улар Ямандан Шом сари боришда Қизил денгиз соҳилидан ўтадиган савдо йўлларига нисбатан Мадина қанчалар стратегик аҳамиятга эгалигидан ҳам хабардор эдилар. Маккаликлар Шом билан йилига чорак миллион олтин динорлик савдо алоқаларини йўлга қўйгандилар. Маълумки, бу савдонинг амалга ошиши йўлдаги хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ. Хуллас, Исломий даъватнинг Ясрибда марказлашуви жуда улкан хавф туғдириши Қурайш учун сир эмасди.

Мушриклар ўз вужудларига, давлатларига нисбатан туғилган хавфнинг тобора улканлашиб бораётганини ҳис қилишиб, бу хатарни даф қилишнинг энг муваффақиятли усулларини қидира бошладилар. Бу хавфнинг ягона манбаи Исломга даъват қилиш байроғини юқори кўтариб чиққан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эдилар.

Пайғамбарликнинг 14-йили, 26 сафар ойи – 622 милодийнинг 12-сентябри, пайшанба куни яъни, Катта Ақаба байъатидан тахминан икки ярим ой ўтиб, Макка маслаҳат кенгаши (Дорун-надва) куннинг биринчи қисмида ўз тарихидаги энг хатарли йиғинни ўтказди. Исломий даъват байроғини кўтариб чиққан шахсни бартараф этиб, унинг нурини батамом сўндириш режасини тузиш учун бу йиғинга Қурайшнинг ҳамма қабилаларидан вакиллар келди.

Вакиллар ичида энг кўзга кўринганлари қуйидагилар эди:

Абу Жаҳл ибн Ҳишом (Бану Махзум қабиласидан); Жубайр ибн Мутъим, Туайма ибн Адий ва Ҳорис ибн Омир (Бану Навфал ибн Абдиманофдан); Рабианинг икки ўғли Шайба ва Утба ҳамда Абу Суфён ибн Ҳарб (Бану Абдишамс ибн Абдиманофдан); Назр ибн Ҳорис (Бану Абдиддордан); Абулбухтарий ибн Ҳишом, Замъа ибн Асвад ва Ҳаким ибн Ҳизом (Бану Асад ибн Абдилуззодан); Ҳажжожнинг икки ўғли Нубайҳ билан Мунаббиҳ (Бану Саҳмдан); Умайя ибн Халаф (Бану Жумаҳдан).

Белгиланган фурсатда Дорун-надвага келган пайтларида уларга ёши улуғ мўйсафид суратида шайтон қарши чиқди. Эгнида дағал

кийим бўлиб, эшик олдида турарди. Келганлар: «Бу мўйсафид ким бўлди?», деб сўрашган эди, «Ваъдалашганингизни эшитиб, гапларингга қулоқ солиш учун келган нажддлик бир оқсоқолман, эҳтимол менинг ҳам бирор фикр ва тавсиям асқотиб қолар», деб жавоб берди. Улар: «Маъқул, киравер», дейишди. Шундай қилиб, шайтон ҳам улар билан бирга кирди.

Кенгашнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш ҳақидаги энг ёвуз қарорни қабул қилиши

Ҳамма йиғилиб бўлгач, таклиф ва ечимлар ўртага ташлана бошлади ва улар устида узоқ муддат мунозара олиб борилди.

Абул-Асвад: «Уни юртимиздан чиқариб юборамиз, орамиздан ҳайдаймиз, қаёққа кетишию қаёққа бориши билан ишимиз бўлмайди, кейин ўзимизнинг ишларимизни йўлга солиб, боягидек яшайверамиз», деди.

Бунга жавобан нажддлик чол шундай деди: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, бу фикр тўғри эмас, унинг чиройли гапиришини, ширинсуханлигини, одамларнинг қалбларини ўзига мойил қила олишини билмайсизларми? Аллоҳга қасамки, агар шундай қиладиган бўлсангизлар, у арабларнинг бирон қавмига бориб, уларни ўзига тобе қилади-да, сизларнинг устингизга бошлаб келади ва хоҳлаган ишини қилади. Хуллас, бу фикр бўлмайди, бошқасини топинглар».

Абулбухтарий: «Уни темир кишанга солиб, бир уйга қамаб қўйиб, ўлгунича шу ерда қолдириш керак, шунда у ҳам олдинги Зуҳайр ва Нобиғадек ўзига ўхшаган шоирлар каби адабини ейди», деди.

Бунга жавобан нажддлик чол шундай деди: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, бу фикр ҳам тўғри эмас. Уни қамаб қўядиган бўлсангизлар, у қамалган жойида туриб ҳам саҳобаларига ўз буйруқларини етказаверади. Уларнинг устингизга бостириб келиб, уни сизларнинг қўлингиздан қутқариб кетишлари, кейин кўпайишиб, сизларни мағлуб этишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, бу фикр ҳам бўлмайди».

Кенгаш бу икки таклифни рад этгач, ҳаммага мақбул бўладиган энг қабиҳ, энг ёвуз таклифни Маккадаги энг ёвуз, энг қабиҳ кимса – Абу Жаҳл ибн Ҳишом ўртага ташлади:

– Аллоҳга қасамки, менда шундай бир фикр борки, ҳаммаларингиз унга рози бўлсангизлар керак, деб ўйлайман.

– У қандай фикр экан, эй Абул Ҳакам? – деб сўрашди.

– Ҳар бир қабиладан кучли, насабли, ўрта ёшли бир йигитни олиб, уларнинг ҳар бирига биттадан ўткир қилични берамиз. Ҳаммаси бирданига қилич уриб, уни ўлдирадилар. Шу билан биз ундан қутуламиз. Шундай қилинса, унинг қони ҳамма қабилаларга сочилиб кетади-да, Бану Абдуманоф уларнинг ҳаммасига қарши уруш очолмайди ва товон пули олишга рози бўлади ва биз уни тўлаб қўя қоламиз.

Бунга жавобан нажддлик чол: «Бу одам тўғри айтди, шундан тўғрироқ

фикр бўлмаса керак, деб ўйлайман», деди. Шу билан Макка маслаҳат кенгаши мана шу энг ёвуз, энг қабиҳ қарорни қабул қилди. Вакиллар шу қарорни зудлик билан амалга ошириш режасини тузиб, уйларига қайтиб кетдилар.

РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҲИЖРАТ ҚИЛИШЛАРИ

Қурайшнинг макри билан Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тадбири ўртасида

Бундай махфий йиғилишлардан кейин унинг исини чиқармаслик ва бирор кимсанинг дилида шубҳа уйғониб қолмаслиги учун кундалик одатга зид ишлар қилинмайди. Қурайш ҳам шундай қилди. Аммо унинг бу иши Аллоҳ таолога қилган макри эди. Шунинг учун Аллоҳ унинг найрангини, режасини ўзи сезмайдиган тарафдан пучга чиқарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш ҳақидаги бу ёвуз қарор қабул қилингач, улуғ ва буюк Парвардигор Жаброил алайҳис-салом воситасида у кишини Қурайшнинг хуфёна режасидан хабардор қилди ва чиқиб кетишларига изн берди. Жаброил алайҳис-салом ҳижратнинг вақтини белгилаб, Қурайшнинг макрини барбод қилиш режасини баён қилди, сўнг: «Бу кеча одатда тунайдиган жойингизда ётманг», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай ҳижрат қилишга келишиб олиш учун кун қизиган пайтда Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг уйига бордилар.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: “Биз куннинг қаттиқ қиздирган пайти отам Абу Бакрнинг уйида ўтирган эдик. Кимдир Абу Бакрга: «Ие, мана бу юзини ўраб олган одам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-ку», деб қолди. У киши одатда бизникига бундай пайтда келмасдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Ота-онам унга фидо бўлсин, шундай пайтдаки келибдиларми, демак қандайдир муҳим иш чиқиб қолган», деди.

Оиша розияллоҳу анҳо сўзида давом этади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, киришга изн сўрадилар. Рухсат этилгач, ичкарига кирдилар. Кейин Абу Бакрга: **«Уйдагилар чиқиб туришсин»,** дедилар. Абу Бакр: «Ё Росулуллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, улар ўзингизнинг аҳлингиз-ку», деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менга чиқиб кетишга изн берилди»,** дедилар. Абу Бакр: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, мен сизга ҳамроҳ бўламанми?», деб сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа»,** деб жавоб бердилар.

Абу Бакр билан ҳижрат режасини тузиб олганларидан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига қайтиб, кеч киришини кутиб турдилар. Ҳижратга ҳозирланаётганларини биров сезиб қолмаслиги учун одатий кундалик ишлари билан машғул

бўлдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари қуршаб олиниши

Қурайшнинг энг катта жиноятчилари кунни эрталаб кенгаш қабул қилган энг қабиҳ, энг ёвуз қарорни амалга оширишга тайёргарлик кўриш билан ўтказдилар. Бу иш учун ўша жиноятчилар орасидан ўн бир раисни сайладилар. Улар қуйидагилар:

1. Абу Жаҳл ибн Ҳишом.
2. Ҳакам ибн Абул Ос.
3. Уқба ибн Аби Муайт.
4. Назр ибн Ҳорис.
5. Умайя ибн Халаф.
6. Замъа ибн Асвад.
7. Туайма ибн Адий.
8. Абу Лаҳаб.
9. Убай ибн Халаф.
10. Нубайҳ ибн Ҳажжож.
11. Мунаббиҳ ибн Ҳажжож.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда хуфтондан кейин туннинг аввалги қисмида ухлаб олиб, ярим кечаси бўлганида тунни ибодат билан ўтказиш учун Масжидул-Ҳаромга чиқиб кетардилар. Ўша куни Алини ўз ўринларида ётишга ва ўзларининг яшил ҳазрамий чопонларини ёпиниб олишга буюриб, унга ҳеч қандай зарар етмаслигини айтдилар.

Ибн Исҳоқ айтади: “Тун қоронғулашиб, атрофга сукунат ҳукмрон бўлган ва одамлар ширин уйқуга чўмган пайтда мазкур кимсалар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари олдида тўпланишди, у кишини ухлаб ётган гумон қилишиб, туриб чиқиши билан босамиз-да, режамизни силлиққина амалга оширамиз, деб пойлаб ўтиришди.

Улар ўзларининг бу разил режалари амалга ошишига тўла ишонч ҳосил қилгандилар. Ҳатто Абу Жаҳл атрофни қуршаб турганларга кибр ва истеҳзо билан: «Муҳаммаднинг даъвосига кўра, агар сизлар унга тобе бўлсангиз, арабу ажамга подшоҳ бўлар эмишсиз, ўлганингиздан кейин қайта тирилиб, Иордания боғлари каби жаннатларга кирармишсиз, агар унга тобе бўлмасангиз, қайта тирилганингиздан кейин дўзахда ёнармишсиз», дерди.

Бу режани амалга ошириш вақти этиб ярим тундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларидан чиқадиган пайтни белгилашган эди. Улар тун ярим бўлишини кутиб, уйғоқ турардилар. Лекин Аллоҳ Ўз ишига Ғолиб, еру осмонлар мулки Унинг қўлида, У истаган ишини қилувчи Зот, ҳамма Унга муҳтож, У эса ҳеч кимга муҳтож эмас. У зот Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кейинроқ мана бундай деб хитоб қилган ишни қилди:

وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ ۚ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ ٱللَّهُ ۖ وَٱللَّهُ خَيْرُ ٱلْمَٰكِرِينَ ﴿٣٠﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **кофирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш, ёки** (Маккадан) **чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур. Аллоҳнинг макри кучлироқдир».** “Анфол” сураси, 30-оят.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларини тарк этадилар

Қурайш ўз режасини амалга оширишга ўта пухта ҳозирлик кўрганига қарамай у шармандаларча муваффақиятсизликка учради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиқиб, уларнинг сафларини ёриб ўтарканлар, ердан бир сиқим тупроқ олиб, уларнинг бошларига сочиб:

وَجَعَلْنَا مِنۢ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَٰهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿٩﴾

«Ва Биз уларнинг олдиларидан ҳам, ортларидан ҳам бир тўсиқ – парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар» (“Ёсин” сураси, 9-) оятини ўқиб боравердилар. Аллоҳ таоло уларнинг кўзларини олди ва улар ҳеч нарсани кўрмай қолдилар. Уларнинг орасида бошига тупроқ тегмаган одам қолмади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрнинг уйига бордилар. Иккаласи тунда Абу Бакрнинг ҳовлисидаги дарчадан чиқишиб, Яман йўлидаги Савр ғорига етиб бордилар.

Қамал қилиб турганлар ҳал қилувчи фурсат келишини кутиб турардилар. Тун ярим бўлишига бир оз вақт қолганида уларнинг режаларидан хабарсиз бир киши келиб қолди, эшик олдида туришганини кўриб, улардан:

– Кимни кутяпсизлар?, – деб сўради.

– Муҳаммадни, – жавоб беришди улар.

– Ҳолларингга вой бўлсин! Аллоҳга қасамки, ҳозиргина у бошларингга тупроқ сепиб, ёнгиналарингдан ўтиб, ўз юмушига кетди.

– Аллоҳга қасамки, биз уни кўрганимиз йўқ.

Шундай, деб улар бошларидаги тупроқни қоқа бошладилар.

Лекин барибир эшикнинг тирқишидан қарашиб, Алининг ухлаб ётганини кўришди ва: «Аллоҳга қасамки, мана шу ухлаётган Муҳаммад, устида унинг чопони турибди», дейишиб, эрталабгача турган жойларидан кетмасдан тураверишди. Ўриндан Али туриб чиққач, уларнинг қўлтиқларидан тарвузлари тушди. Ундан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида сўрашган эди, у: «Билмайман», деб жавоб берди.

Уйдан ғоргача

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликнинг 14-йили 27 сафарда, милодий сана билан 622 йилнинг 12- ё 13-сентябрида ўз уйларини тарк этиб, қадрдон дўстлари ва энг ишончли кишилари бўлмиш Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг уйига келдилар. Кейин иккаласи орқа эшикдан тонг отмасидан олдин шошилинч тарзда Маккадан чиқиб кетишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларидан Қурайш қувиб боришини билганлари боис биринчи бўлиб диққат қаратиладиган тараф, яъни, шимол томондаги Мадинага олиб борувчи асосий йўл қолиб, унга батамом қарама-қарши бўлган тараф, яъни, жанубдаги Яман сари йўл олдилар. Шу йўлдан беш милча юриб, Савр тоғига етиб бордилар. Бу улкан тоғ бўлиб, йўллари эгри-бугри, тошлари кўп бўлганлигидан унга чиқиш қийин эди. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари оғриб, юришга ярамай қолди. Яна бир қавлда айтилишича, излари билинмаслиги учун оёқларининг учлари билан юрганликлари учун шундай бўлган. Нима бўлганда ҳам тоққа етиб борганларида у кишини Абу Бакр кўтариб олган. Унга ҳам оғирлик қила бошлаган пайтда тоғ чўққисидаги Савр ғорига етиб борганлар.

Ғорда

Ғорга етиб борганларида Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, сиз кирмай турасиз, олдин мен бир кириб чиқаман, агар у ерда бирор (зиён қиладиган) нарса бўлса, сиздан олдин менга тегсин», деб ичкарига кириб, супуриб тозалади. Бир тешикни кўриб қолган эди, изоридан бир парча йиртиб уни беркитди. Яна икки тешик бор эди, уларни оёқлари билан тўсди. Шундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Кираверинг», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар ва бошларини Абу Бакрнинг қучоғига қўйиб ухлаб қолдилар. Тешикдан нимадир чиқиб, Абу Бакрнинг оёғини чақди. У эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйғониб кетишларидан қўрқиб, қимирламай тураверди. Кўз ёшлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёноқларига оқиб тушди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизга нима бўлди, эй Абу Бакр?»,** дедилар. У: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, мени нимадир чақиб олди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша жойга туфлаб қўйган эдилар, оғриқ йўқолди.

Ғорда уч кеча – жума, шанба ва якшанба кечалари беркиниб ётишди. Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ улар билан бирга тунарди.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: “У тарбияли, зукко бола эди. Тонг отишидан аввал ғордан чиқиб кетар, саҳарда Қурайшнинг олдида бўлиб, ўзини худди Маккада тунагандек қилиб кўрсатарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши тузилаётган найранглар ҳақида нимани эшитса, қоронғу тушиши билан келиб етказарди. Абу Бакрнинг

озод қилиб юборган қули Омир ибн Фуҳайра уларнинг олдида қўй боқиб юрарди. Хуфтондан бир соат ўтганидан кейин қўйларни уларнинг олдиларига олиб келарди. Улар соғин қўйларнинг сути билан тонг оттирардилар. Эрталабки ғира-ширада Омир қўйларни ҳайдаб кетарди. У уч кечанинг ҳаммасида шундай қилди. У Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ кетганидан кейин унинг изларини йўқотиш учун ортидан қўйларини ҳайдаб борарди".

Бу ёқда режалари энди амалга ошай, деб турган бир пайтда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қутулиб кетганига ишонч ҳосил қилган Қурайш ўзини қўярга жой топа олмаётганди. Бу борада улар дастлаб Алини дўппослашди, Каъбага судраб бориб, бир мунча вақт қамаб қўйишди. Ундан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр ҳақида бирон хабар билармиз, деб умид қилишганди. Алидан ҳеч гап чиқмагач, Абу Бакрнинг уйига келишиб, эшикни қоқишди. Эшикни Абу Бакрнинг қизи Асмо очди. Ундан: «Отанг қаерда?», деб сўрашган эди, у: «Аллоҳга қасамки, отамнинг қаердалигини билмайман», деб жавоб берди. Абу Жаҳл пасткаш, ифлос одам эди. Аёл кишига қўл кўтариб, Асмонинг юзига шапалоқ тортиб юборди, зарбанинг зўридан унинг сирғаси учиб кетди.

Қурайш шошилинч мажлис чақириб, бу икки кишини тутишнинг ҳамма воситаларини қўллашга қарор қилди. Маккадан олиб чиқадиган ҳамма йўлларга қаттиқ қуролли назорат ўрнатди. Шунингдек, уларни тирик ёки ўлик ҳолда тутиб келган кишига ҳар бири учун юзтадан туя мукофот ваъда қилишди.

Мукофот ваъда қилинганини эшитган отлиғу пиёдалар уларнинг изларига тушишиб, тоғлару водийларга, қирлару даралараг ёйилиб кетишди. Лекин бу бефойда уриниш эди.

Қувиб борувчилар ғорнинг оғзигача боришди. Лекин Аллоҳ Ўз ишига ғолибдир. Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан, у Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ғорда эдим. Бошимни кўтариб қарасам, одамларнинг оёқлари кўриняпти. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Росулуллоҳ, агар улар шундоқ пастга қарасалар, бизни кўрадилар», дедим. У киши: **«Жим бўлинг эй Абу Бакр, икки кишининг учинчиси Аллоҳдир»,** дедилар. Яна бир қавлда: **«Учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима деб ўйлайсиз»,** деганлар.

Шунда Аллоҳ таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бир мўъжиза билан сийлади. Қувиб келаётганлар уларга етиб олишларига бир неча қадамлар қолганида ортга қайтиб кетишди.

Мадинага йўл олишлари

Уч кун тиним билмай қувишда давом этган Қурайш учинчи куни бир оз ҳовуридан тушди. Қувиш олови ўчиб, қидирув ишлари анча пасайди. Шундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳамроҳи,

саҳобаси билан бирга Мадинага кетишга ҳозирлик кўрдилар.

Улар йўл кўрсатишга моҳир бир одамни, Абдуллоҳ ибн Урайқит Лайсийни ёллагандилар. У Қурайш кофирларининг динида эди. Шундай бўлса ҳам унга ишонишиб, туяларини беришган ва уч кундан кейин Савр ғорида кўришишга ваъдалашишганди. Иккинчи кечада, яъни, ҳижрий биринчи сананинг биринчи Рабиул-аввали – милодий санада 622 йилнинг 16 сентябрида уларнинг олдига Абдуллоҳ ибн Урайқит икки туяни олиб келди. Илгарироқ Абу Бакрнинг уйида сафар маслаҳатини қилаётганларида у: «Отам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу туялардан бирини олинг», деб, туяларнинг яхшироғини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тақдим қилган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Пулини тўлаш шарти билан оламан»,** дегандилар.

Абу Бакрнинг қизи Асмо уларга сафар халтасини олиб келди. Унга боғич қилишни унутибди. Йўлга чиқаётган пайтларида халтани осиб қўяй деса, боғич йўқ. Белбоғини иккига бўлиб, бири билан халтани боғлади, иккинчисини ўзига белбоғ қилиб олди. Шу сабаб бўлиб, у «зотун нитоқайн» «икки белбоғли», деган номни олганди.

Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр йўлга чиқдилар. Уларга Омир ибн Фуҳайра ҳам қўшилди. Ўзлари билан бирга йўл бошловчи Абдуллоҳ ибн Урайқитни ҳам олдилар.

Ғордан чиққанларидан кейин олдинига жануб – Яман тарафга, кейин ғарбга – соҳил томонга юрдилар. Одамлар юриб ўрганмаган йўлга етганларидан кейин Қизил денгиз соҳилига яқин жойдан шимолга қараб бурилдилар. Жуда ҳам кам одам юрадиган йўллардан юриб борардилар.

Ибн Исҳоқ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу йўлда босиб ўтган жойларни қуйидагича айтиб ўтади: “Йўл бошловчи уларни Макканинг қуйи тарафига бошлади. Кейин соҳилга қараб юрдилар. Усфоннинг қуйи қисмидаги бурилишга келиб, Амажнинг қуйи тарафига бурилдилар. Қудайддан ўтгандан кейинги бурилишга келиб, Харрор томонга юрдилар. Ундан сўнг Марра тепалигига, кейин Лиқфга, ундан Лиқф қудуғига бордилар. Кейин Мажоҳ қудуғига ўтиб, ундан Маржиҳ Мижожга кириб боришди. Ундан Маржиҳ Зул-ғузвайн томонга ўтишиб, ундан Зу-кашрга, ундан эса Жадожидга, кейин Ажрадга, ундан Зу-саламга, ундан Абобидга, ундан Фожага, ундан Аржга, ундан Ракубанинг ўнг томонидаги Оир тепалигига, ундан Риъмга, ундан эса Қубога кириб боришди. Қуйида йўлда бўлиб ўтган воқеалардан айрим лавҳаларни келтирамиз:

1. Имом Бухорий Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Ўша кеча ҳам, эртаси кундузи ҳам то кун тиккага келиб, йўл холиланиб, ҳеч ким ўтмайдиган бўлиб қолгунига қадар юрдик. Кейин бир узун харсанг тошнинг соясига манзил қурдик. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жой тайёрлаб, бир чопонни ёздим-да, эй Аллоҳнинг

пайғамбари, ухлаб олинг, мен сизни қўриб тураман, дедим. У киши ухладилар. Мен қўриб турдим. Қарасам, бир чўпон қўйларини ҳайдаб ҳарсанг сари келяпти. У ҳам бизга ўхшаб унинг соясидан фойдаланмоқчи бўлди, шекилли. Ундан:

– Кимнинг қулисан, – деб сўрадим.

– Мадиналик (ёки маккалик) бир одамнинг қулиман, – деб жавоб берди у.

– Қўйингнинг сути борми?

– Ҳа, бор.

– Соғиб беролмайсанми?

– Майли, соғиб бераман, деб у бир қўйни ушлади.

– Олдин елинини тупроқ, қил ва кирлардан тозала, дедим.

У бир ёғоч косага тўлдириб сут соғиб берди. Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилишлари ва ичишлари учун бир идишда сув олиб олган эдим, у киши ухлаётган эканлар. Уйғотгим келмади. Ўзлари уйғонишларини кутдим. Кейин сутга озгина сув қўшган эдим, унинг остки қисми совиди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, ичинг, деб узатдим. У киши сутдан шунчали ичдиларки мен буни кўриб хурсанд бўлдим. Сўнг: **«Жўнайдиган пайтимиз бўлдими?»,** деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», деб жавоб бердим. Шу билан яна йўлга тушдик.

2. Одатда Абу Бакр розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан юрарди. Абу Бакр кўринишдан ёши улуғ, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ёш кўринганлари боис уларни кўрган киши Абу Бакрдан: «Олдингдаги бу одам ким?», деб сўрарди. Бундай саволга у: «Бу одам менга йўл кўрсатади», деб қўярди. Сўраганлар юрадиган йўлни тушунардилар. Абу Бакр эса эзгулик йўлини назарда тутиб, шундай дерди.

3. Иккинчи ё учинчи кун, деганда улар Умму Маъбад Хузоийя, деган аёлнинг чодири ёнидан ўтишди. Бу жой Маккадан 130 км. чамаси узоқликдаги Қудайд ноҳиясидаги Мушаллал, деган ерда эди. У ўрта яшар, дуркун аёл бўлиб, чодирнинг панасида туриб, ўтган-кетганларга емак-ичмак бериб ўтирарди. Ундан: “Бирон нарсанг борми?”, деб сўрашди. У: «Бўлганда сизларни меҳмон қилган бўлардим. Қўйлар узоқ яйловда, бу йил қурғоқчилик йили бўлди», деб жавоб берди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари чодирнинг ёнида турган бир қўйга тушиб қолди. Аёлдан:

– Бу қанақа қўй, эй Умму Маъбад? – деб сўрадилар.

– Заифлигидан подадан қолиб кетган, – жавоб берди аёл.

– Унинг сути борми?

– Сут қаёқда дейсиз.

– Рухсат берсанг, мен уни соғиб кўрардим.

– Бемалол, ота-онам сизга фидо бўлсин, агар унда сут бор, деб ўйлаётган бўлсангиз, бемалол соғаверинг.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйининг елинини силаб, Аллоҳнинг номини айтиб, дуо қилган эдилар, бирдан елин сутга тўлди. Бир идиш сўраб олиб, унга тўла сут соғиб, аёлга узатдилар. Аёл сутни ичиб тўйди. Ҳамроҳларига ҳам узатдилар. Улар ҳам ичиб тўйишди. Ўзлари ҳам ичдилар. Кейин яна бир марта идишни тўлатиб соғиб, сутни аёлга қолдириб, сўнг яна йўлга тушдилар.

Бир оздан сўнг ориқ, нимжонлигидан судралиб қадам босадиган эчкиларни ҳайдаб аёлнинг эри Абу Маъбад келди. У сутни кўриб ҳайратланди.

– Бу сут қаердан келди? Уйда сут берадиган қўй йўқ эди-ку, – сўради аёлидан.

– Аллоҳга қасамки, бир муборак одам ўтиб қолди. Ўзи мана бундай, гапиришлари мана бундай. – Аёл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шундай тавсифладики, тингловчи уни ўз кўзи билан кўриб тургандек бўлади. (Бу тавсифларни китобнинг охирроғида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавсифларига доир бўлимида берамиз).

– Аллоҳга қасамки, бу ўша Қурайш айтаётган одам. Унга саҳоба бўлмоқчи бўлиб юргандим. Йўлини топишим билан шу ишни қиламан.

Маккада кимнингдир шеър ўқиган овози янгради. Унда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ҳамроҳлари Умму Маъбад чодирида бўлганлари ва у ерда бўлиб ўтган воқеа хусусида ҳикоя қилинарди. Уни ҳамма эшитарди. Аммо уни айтаётган одамни ҳеч ким кўрмасди.

Асмо айтади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайси тарафга кетганларини билмасдик. Жинлардан бири келиб, Макканинг қуйи томонидан кириб мана шу байтларни ўқиганча унинг юқори томонидан чиқиб кетди. Одамлар унинг овозини эшитишарди, лекин ўзини кўришмасди. Унинг гапидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадина томонга кетганини билиб олдик”.

4. Йўлда уларга Суроқа ибн Молик эргашди. Суроқа айтади: “Қавмим Бану Мудлижнинг бир йиғинида ўтирган эдим. Бир киши ўтирган жойимизга келиб: «Эй Суроқа, мен ҳозир соҳилда бир қорани кўрдим, Муҳаммад ва унинг шериклари бўлса керак», деб қолди. У кўрган қора ўшалар эканини билдим. Лекин унга: «Сен кўрган улар эмас, сен бизнинг олдимиздан боя кетган фалончи, фалончиларни кўргансан», дедим. Бир соатча ўтириб, уйимга келдим-да, чўримга чодирнинг орқа томонидан отимни олиб чиқиб, ушлаб туришини буюрдим. Найзамни ҳам олиб уйнинг орқа томонидан чиқиб кетдим. Отимни миниб, уларга яқин жойга борганимда отим тойилиб кетиб, унинг устидан йиқилиб тушдим. Ўрнимдан туриб қўлимни садоғимга узатдим. Ундан камон ўқларимни олиб, уларга зарар етказа оламанми, йўқми, деб фол очдим. Фолимдан мен ёқтирмаган иш чиқди. Ўзим очган фолимга қарши бориб, отимга миниб, уларнинг яқинига бордим. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироатларини эшитдим. У киши ҳеч қаёққа қарамасдилар. Абу Бакр эса атрофга

аланглаб қарарди. Шу пайт отимнинг олдинги оёқлари тиззаларигача ерга ботиб, мен яна йиқилиб тушдим. Отимни мажбурлаб турғиздим. У оёқларини ердан чиқариб ололмасди. У ўзини тиклаган пайтида оёқлари остидан чиққан чанг худди тутундек самога ўрлади. Кейин яна камон ўқларим билан фол очдим. Яна мен ёқтирмаган иш чиқди. Шундан кейин омонлик, омонлик, деб бақирдим. Улар тўхташди. Мен отимга миниб, уларнинг олдига бордим. Уларни ушлаш имконсиз эканини англагач, кўнглимдан яқинда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам албатта ғолиб бўлсалар керак, деган хаёл ўтди. Мен у кишига: «Қавмингиз сизни ушлаб келтирган одамга мукофот тайин қилган», дедим ва одамлар у кишини нима қилмоқчи бўлаётганлари ҳақида гапириб бердим. Кейин уларга йўл озуқаси ва бошқа керакли нарсаларни таклиф қилдим. Улар мендан ҳеч нарса олишмади. Фақат: «Бизнинг хабаримизни яшир», дейишди, холос. У кишидан менга омонлик хати ёзиб беришларини сўрадим. Омир ибн Фуҳайрага буюрган эдилар, у бир парча терига ёзиб берди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна йўлга тушдилар.

Яна бир ривоятда Абу Бакр айтади: "Биз йўлга тушдик, қавм эса бизнинг изимиздан келарди. Лекин бизга улардан фақат Суроқагина оти билан ета олди, шунда мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эй, Росулуллоҳ мана бу одам бизга етиб олмоқда, дедим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Маҳзун бўлманг, албатта Аллоҳ биз билан биргадир»,** дедилар.

Суроқа ортига қайтганда одамлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва соҳибининг изидан келмоқда эдилар. У уларга: мен сизларга хабар бераман, бу ёқдаги иш ҳал бўлди, дедим. У куннинг аввалида бу иккиларини инкор қилган бўлса, куннинг охирида уларни қўриқловчига айланди.

5. Йўлда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Бурайда ибн Ҳусайб Асламий саксонга яқин оила билан учради. У ҳам шериклари ҳам Исломни қабул қилишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтонни ўқидилар, улар ҳам ортларида туриб намоз ўқидилар. Бурайда ўз қавмининг ерида Уҳуддан кейингача қолди, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига келди.

Абдуллоҳ ибн Бурайдадан ривоят қилинади: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши фолни суярдилар, шумланмас эдилар. Бурайда оиласидан етмишта одам билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга учрашди. У зот:

– "Қаердансиз, – деб сўрадилар.

– Асламдан.

Абу Бакрга қараб: **«Саломат бўлдик,** (қутулдик)**»,** дедилар.

– Қайси қабиладансиз?

– Бану Саҳмдан. (Саҳм улуш маъносида).

– Улушингиз чиқди, дедилар.

6. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жуҳфа билан Ҳаршанинг оралиғидаги (Арж) Қаҳдувот номли жойда Абу Тамим Авс (ёки Абу Авс Тамим) ибн Ҳажар Асламийнинг олдидан ҳам ўтдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туялари чарчаб қолганидан Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг туяларига мингашиб олгандилар. Буни кўрган Авс Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз туяларидан бир нортуяга миндириб юборди ва уларга Масъуд исмли қулини қўшиб бера туриб қулига: “Сен буларни ўзинг билган яширин йўллардан олиб бор ва то Мадинагача улардан ажралма”, деди. У уларни Мадинагача олиб бориб қўйди. Сўнгра Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ҳожасига қайтариб юборарканлар шундай, деб тайинладилар: **«Сен ҳожангга бориб айт: туяларининг бўйнига занжирнинг икки халқаласи шаклида тамға босиб қўйсин, бу уларнинг белгиси бўлади».**

Мушриклар Уҳуд куни келганида Авс қули Масъуд ибн Ҳунайдани Арждан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига мушрикларнинг хабарини етказиш учун пиёда юборди.

Ибн Мокуло имом Табарийдан нақл қилишича, Авс Аржда яшарди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларидан кейин Исломни қабул қилган.

7. Йўлда – Батни Риъмда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубайрга ҳам дуч келдилар. У мусулмонлар тарафида эди. Савдогарлик билан Шомдан келаётганди. Зубайр Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакрга оппоқ кийим кийдирди.

Қубога тушиш

Пайғамбарликнинг 14-йили, (ҳижратнинг биринчи йили) Рабиул-аввалнинг саккизида, милодий сана билан 622 йилнинг 23 сентябри, душанба куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубога тушдилар.

Урва ибн Зубайр айтади: “Мадинадаги мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан чиққанларини эшитиб, ҳар куни эрталаб Ҳаррага бориб, то кун қизигунига қадар кутардилар. Бир куни узоқ кутганларидан кейин уйларига қайтгандилар. Шу пайт бир яҳудий ўз иши билан томга чиқибди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан шерикларини оқ кийимда, саробда кўриниб-кўринмай келаётганларини кўриб қолибди. Кейин ўзини тутолмай бор овози билан: «Эй араблар, ана сизлар кутаётган бобонгизлар келяпти», деб юборибди. Буни эшитган мусулмонлар қуролларига қараб югурдилар ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Ҳаррада қаршиладилар”.

Ибнул Қоййум айтади: “Бану Амр ибн Авфда шовқин ва такбир овозлари эшитилди. Мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келганларидан хурсанд бўлиб, такбир айтдилар ва у кишини кутиб олишга чиқдилар. Кўрганки одам у кишига салом берар,

атрофида айланиб, у зотдан кўзини узмасди. Шу пайт ҳамма ёқни сокинлик эгаллади. У зотга ваҳий нозил бўлаётганди:

...هُوَ مَوْلَىٰهُ وَجِبْرِيلُ وَصَٰلِحُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ بَعْدَ ذَٰلِكَ ظَهِيرٌ ﴿٤﴾

«... Аллоҳнинг Ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мададкоридирлар. Яна булардан кейин фаришталар ҳам (Пайғамбарга) **ёрдамчидир».** “Таҳрим” сураси, 4-оятдан.

Урва ибн Зубайр айтади: “Одамлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кутиб олишди. Ўнг томонга бурилиб, Бану Амр ибн Авф ерига тушдилар. Бу Рабиул-аввалнинг душанба кунида эди. Одамлар билан алоқа қилишга Абу Бакр ўрнидан турди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса жим ўтирардилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танимаган айрим ансорлар Абу Бакрнинг олдига кела бир ривоятда салом бера бошладилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қуёш тушиб қолганда, Абу Бакр у зотга соя қилиш учун ўз ридосини кўтарганидан кейингина одамлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танидилар.

У кишининг истиқболига бутун Мадина кўчиб чиққанди. Мадина бутун тарихи мобайнида бундай ҳодисанинг шоҳиди бўлмаганди. Яҳудлар Ҳабқуқ пайғамбарнинг: «Аллоҳ Таймондан келди, Қуддус Форон тоғидан», деган гапи рост эканлигига амин бўлишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубода Кулсум ибн Ҳадмнинг уйига тушдилар. Яна бир қавлда Саъд ибн Хайсаманинг уйига, дейилган. Биринчи гап тўғрироқ.

*Али ибн Аби Толиб Маккада уч кун туриб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бериб кетган омонатларни эгаларига топширди. Кейин пиёда ҳижрат қилиб, уларга Қубода етиб олди ва у ҳам Кулсум ибн Ҳадмнинг ҳовлисига тушди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубода тўрт кун: душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари турдилар ва Қубо масжидига асос солиб, у ерда намоз ўқидилар. Бу масжид нубувватдан кейин тақво асосига қурилган биринчи масжид бўлди. Бешинчи, яъни жума куни Аллоҳнинг буйруғи билан туяларига миндилар. Абу Бакр орқага минди. Бану Нажжорга – тоғаларига одам юборган эдилар, улар қиличларини таққан ҳолда етиб келишди. Сўнг Мадина сари юрдилар. Бану Солим ибн Авфга етиб борганларида жумъа вақти бўлди. Одамлар билан водийнинг ўртасидаги масжидда жумъа намози ўқидилар. Улар юз киши эдилар.

Мадинага кириш

Жумъа намозидан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлга чиқиб, Мадинага кириб бордилар. Шу кундан бошлаб, Ясриб «Мадинатур Росул» (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳри), қисқароқ қилиб айтганда Мадина, дейила бошлади. Бу кун

Мадина тарихининг энг ёрқин куни эди. Уйлар ва кўчаларда ҳамд ва тасбеҳ садолари янграрди. Ансорларнинг қизлари шоду ҳуррам бўлиб, мана бу байтларни хиргойи қиларди:

طلع البدر علينا **من ثنيات الوداع

وجب الشكر علينا ** ما دعا لله داع

أيها المبعوث فينا ** جئت بالأمر المطاع

Гарчи ансорлар бой-бадавлат бўлмасалар-да, улардан ҳар бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз уйига туширишни истарди. У зот қайси бир ансорнинг ҳовлиси ёнидан ўтмасинлар, ҳовлининг эгаси дарҳол туяларининг тизгинидан ушлаб: «Сизга қалқон, ҳимоя бўладиган уйга марҳамат қилинг», дерди. Бунга жавобан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Туяни ўз ҳолига қўйинглар, унга** (қаерда тўхташи ҳақида) **буйруқ берилган»,** дердилар. Туя бориб-бориб, бугунги Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари жойлашган ерга бориб чўкди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг устидан тушмаган эдилар, ўрнидан туриб, бир оз юрди, кейин у ёқ бу ёққа қараб, яна ўша биринчи чўккан жойига қайтиб келиб чўкди. Шундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг устидан тушдилар. Бу жой Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тоғалари Бану Нажжорнинг ери эди. Аллоҳнинг Ўзи шунга муваффақ қилди. Негаки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам тоғаларининикига тушиб, шу билан уларга бўлган ҳурматларини изҳор қилиб қўймоқчи эдилар. Одамлар яна Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз уйларига тушишга қистай бошладилар. Абу Айюб дарҳол Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юкларини ўз уйига олиб кирди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Киши юклари қаерда бўлса, ўша ерда бўлади»,** дедилар. Асъад ибн Зурора келиб, туянинг тизгинидан ушлади. Шундан сўнг туя унинг уйида турди.

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қариндошларимиздан қай бирларининг хонадони яқинроқ?»,** деб сўрадилар. Абу Айюб: «Мен яқинроқман, эй Росулуллоҳ, мана бу менинг ҳовлим, мана бу эшигим», деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ундай бўлса, боринг, бизга дам олиш учун жой ҳозирланг»,** дедилар. У бориб жой ҳозирлаб қайтиб келди ва: «Аллоҳнинг баракаси ила туринглар, жой тайёр», деди.

Бир неча кундан кейин аёллари Савда, қизлари Фотима ва Умму Кулсум ҳамда Усома ибн Зайд, Умму Айманлар келишди. Улар билан бирга Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ ҳам Абу Бакр оиласи билан бирга чиққанди. Улар орасида Оиша розияллоҳу анҳо ҳам бор эди. Яна бир

қизлари Зайнабни Абул Ос ушлаб қолди. Чиқиб кетишнинг имкони бўлмади. У Бадр жангидан кейин ҳижрат қилган.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: "Мадинага келганимизда у энг ваболи жойлардан бўлиб, Бутҳоннинг суви ҳидланиб кетган эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида Абу Бакр билан Билол розияллоҳу анҳумо оғриб қолишди. Уларнинг олдига кириб: «Отажон, аҳволингиз қалай, Билол, сизнинг аҳволингиз қалай?», деб сўрадим. Абу Бакрни безгак тутган пайтида мана бу байтни ўқирди:

Тинчгина юргандек бўласан, бироқ,
Ўлим сенга боғичингдан яқинроқ.

Билол эса безгак кетган пайтида овозини баланд кўтариб, мана бу байтларни ўқирди:

Ўт-ўланлар ичра тунармиканман,
Мижанна сувларига борармиканман,
Туфайлу Шомани кўрармиканман,
Бирор тун, бирор кун қувнармиканман.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, бўлган гапларни айтиб бердим. Шунда у киши: **«Эй Аллоҳим, Шайба ибн Рабиъа, Утба ибн Рабиъа ва Умайя ибн Халафга Сенинг лаънатинг бўлсин, улар бизни ўз еримиздан ваболи ерга чиқишга мажбур қилишди»**, дедилар. Сўнг: **«Эй Аллоҳим, бизга Мадинани худди Маккадек ёки ундан ҳам суюмлироқ қилиб қўйгин, уни тузатгин, соъию мудд*ига барака бергин, унинг безгагини Жуҳфа** томонларга ўтказгин»,** деб дуо қилдилар.

*Соъ, муд – ўлчов бирликлари

**Жуҳфа – Маккаи мукаррама билан Мадинаи мунаввара ўртасидаги жой номи.

Аллоҳ таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини ижобат қилди, у зот тушларида сочлари тўзғиган бир қора аёлнинг Мадинадан чиқиб, Жуҳфадаги Маҳяа, деган жойга бориб ўрнашганини кўрдилар. Бунинг таъбири Мадинанинг вабоси Жуҳфага кўчиши, деб кўрилди. Шундан сўнг муҳожирлар Мадинада тортаётган безгак ва дардлардан халос бўлдилар.

Шу ерда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг нубувватдан кейинги даврининг бир қисми, яъни, Макка даврининг баёни ниҳоясига етди. Қуйида энди у зотнинг Мадинада ўтказган даврларини қисқача ҳикоя қилинади.

МАДИНАДАГИ ДАВР – ДАЪВАТ, ЖИҲОД ВА ЗАФАРЛАР ДАВРИ

Мадинадаги давр: даъват ва жиҳод босқичлари

Мадинадаги даврни қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Ислом жамиятига асос солиш ва Ислом даъватини мустаҳкамлаш

босқичи. Ичкарида юз берган фитналару ғовлар, ташқаридан эса душманларнинг Исломий давлатни пишиб етилмасидан олдин таг-томири билан қўпориб ташлаш учун бостириб келишлари. Бу босқич ҳижратнинг 6-йили Зулқаъда ойида бўлиб ўтган Ҳудайбийя сулҳи воқеаси орқали мусулмонларнинг ғалабага эришишлари ва вазиятни қўлга олишлари билан якунланади.

2. Энг катта душман билан келишув ва ер юзи подшоҳларини Исломга даъват қилиш учун қулай фурсатни қўлга киритиш босқичи. Бу босқич 8-ҳижрийнинг Рамазонида бўлиб ўтган Макка фатҳи билан якун топади.

3. Вакилларни кутиб олиш ва одамларнинг Аллоҳ динига тўп-тўп бўлиб киришлари босқичи. Бу босқич 11-ҳижрийнинг Рабиул-аввалигача, яъни, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларигача давом этади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ

Мадина аҳолиси ва уларнинг ҳижрат пайтидаги ҳолатлари

Ҳижратнинг маъноси фитналанишу масхара бўлишдан қутулишгина эмас, осойишта юртда янги бир жамиятни барпо қилиш йўлида бир ёқадан бош чиқариш ҳам эди. Шунинг учун шу янги ватанни барпо қилишга ўз улушини қўша оладиган ҳар бир мусулмонга уни тиклаш ва шаънини кўтариш йўлида ҳижрат қилиши фарз бўлиб қолганди.

Бу жамиятни барпо қилишда табиийки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етакчи, бошлиқ, раҳнамо эдилар. Шунинг учун ҳам юк кўпроқ у кишининг елкасига тушарди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Мадинада дуч келган қавмлар уч синф эди. Улардан ҳар бири бошқасидан яққол ажралиб турарди, бинобарин улар рўбарў келаётган муаммолар ҳам турлича эди. Бу уч синф қуйидагилардир:

1. Саҳобаи киромлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин).
2. Ҳалигача иймонга келмаган мушриклар. Улар асл мадиналиклар эдилар.
3. Яҳудийлар.

а). Саҳобаи киромга нисбатан Мадинадаги шароит Маккадаги шароитдан тубдан фарқ қиларди. Маккада саҳобаларни гарчи бир ғоя бирлаштириб турган бўлса-да, лекин улар ўз уйларида тарқоқ ҳолда яшардилар. Боз устига душманлар томонидан хорланиб, қувғинга учраб кун кечирардилар. Ўз ишларига ўзлари молик эмасдилар. Ҳокимият диний душманларининг қўлида эди. Мусулмонлар ўзларича жаҳондаги инсоний жамият каби том маънодаги бир жамиятни барпо қилишга қодир эмасдилар. Шунинг учун ҳам кўрамизки, Маккада нозил бўлган суралар Исломий асослар ва якка шахсларгина амал қила оладиган шаръий амалларни баён қилиш ҳамда яхшиликка, эзгуликка, улуғ хулқларга ундаш, пасткашликлар ва разилликлардан қайтариш

билангина чекланган.

Мадинада эса мусулмонлар биринчи кунданоқ ўзларига ўзлари хўжайин бўлдилар. Ҳеч ким уларга ҳукмини ўтказа олмасди. Шунинг учун уларнинг қаршисида ҳазорат, маданият, ободончилик, иқтисод, сиёсат, ҳокимият, тинчлик, уруш каби соҳаларга доир қатор масалалар турарди. Ҳалол, ҳаром, ибодат, ахлоқ каби масалаларда ҳам аниқ бир тўхтамга келиб олиш зарур бўлиб қолганди.

Мусулмонлар учун янги бир жамиятни, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жоҳилият жамиятидан, дунёдаги барча жамиятлардан тубдан фарқ қиладиган Исломий жамиятни ташкил қилиш вақти етиб келганди. Бу жамият мусулмонлар унинг йўлида ўн йиллаб турли хил азобу уқубатларга дучор бўлган Исломий даъватни намоён этиши керак эди.

Бундай жамиятнинг бир кунда, бир ойда ёки бир йилда ташкил бўлиб қолмаслиги кундек равшан. Қонунларни ишлаб чиқиш, уларни татбиқ қилиш, таълим-тарбия соҳалари буларнинг ҳаммаси секин-аста такомиллашиб бориши учун узоқ давр керак бўларди. Шундай қонунни чиқариб беришга Аллоҳнинг Ўзи кафил эди. Уни ижро этиш, унга одамларни йўллаш, мусулмонларга таълим-тарбия бериш каби ишлар билан эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шуғулланардилар.

هُوَ ٱلَّذِى بَعَثَ فِى ٱلْأُمِّيِّـۧنَ رَسُولاً مِّنْهُمْ يَتْلُواْ عَلَيْهِمْ ءَايَـٰتِهِۦ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلْكِتَـٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ ... ﴿٢﴾

«У (Аллоҳ) **омийлар** (яъни, аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) **орасига ўзларидан бўлган, уларга** (Қуръон) **оятларини тиловат қиладиган, уларни** (ширк ва жаҳолатдан) **поклайдиган ҳамда уларга Китоб – Қуръон ва ҳикмат – ҳадисни ўргатадиган бир Пайғамбар** (яъни, Муҳаммад алайҳис-салом)**ни юборган Зотдир...»**.

“Жумъа” сураси, 2-оятдан.

Саҳобалар шариат ҳукмларини дил-дилларидан қувониб бажарардилар.

... وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَـٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَـٰنًا ... ﴿٢﴾

«...Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган...». “Анфол” сураси, 2-оятдан.

Бу масалаларнинг тафсилоти мавзуимиз сирасига кирмайди. Шунинг учун улардан мавзуимизга хос ўринларига тўхталиб ўтамиз.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга нисбатан дуч келаётган энг катта иш ҳам, умуман Исломий даъват ва Муҳаммадий рисолатдан кўзланган энг олий мақсад ҳам мана шу эди. Маълумки, бундай ишлар шошма-шошарлик билан қилинмайди, улар

учун узоқ муддат керак бўлади. Тўғри, тез ва соз ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмасди. Уларнинг энг эътиборлиси шундан иборат эдики, ўша пайтда мусулмонлар икки қисмга ажралиб қолгандилар.

Бир қисми ўз уйида, ўз юртида яшаётган ансорлар эдилар. Уларнинг ташвиши ўз уйида тинчгина яшаётган одамнинг ташвишидан фарқ қилмасди. Уларнинг ўрталарида узоқ пайтдан буён давом этиб келаётган мустаҳкам адоват бор эди.

Яна бир қисми бу нарсалардан жудо бўлиб, ўз жонини асраб Мадинага келган муҳожирлар эдилар. Уларнинг бошпанаси ҳам, тирикчилик ўтказадиган бирор иши ҳам, ўзини тиклаб оладиган мол-дунёси ҳам йўқ эди. Уларнинг сони оз эмасди. Боз устига кундан кунга кўпайишиб борардилар. Негаки, Аллоҳ ва Пайғамбарга иймон келтирган ҳар бир одам учун ҳижрат қилишга рухсат этилганди. Мадина катта бойликка эга бўлмаганлиги сабабли унинг иқтисодий мезонига путур етганди. Мана шундай оғир дамларда Исломга қарши кучлар Мадина билан иқтисодий алоқаларини деярли уздилар. Шу туфайли кирим камайиб, ҳолат оғирлашди.

б). Иккинчи қавм, яъни, асл мадиналик мушриклар эса мусулмонларга ҳукмини ўтказа олмас эдилар. Улардан айримлари ота-боболарининг динини тарк қилишга иккиланиб турарди. Мушрик эдилару аммо Ислом ва мусулмонларга адоватлари йўқ эди. Ҳеч қанча ўтмасдан булар ҳам мухлис мусулмонга айландилар.

Уларнинг орасида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга нисбатан ичида кек-адоват сақлайдиганлари ҳам бор эди. Аммо бевосита қарши чиқишга имкони бўлмаганидан шароитга қараб, сиртдан ўзини дўст қилиб кўрсатарди. Уларнинг бошида Абдуллоҳ ибн Убай турарди. Буос урушидан кейин Авс билан Хазраж уни ўзларига бошлиқ қилиб олмоқчи бўлишганди. У энди Мадинага подшоҳ бўлай, деб турган бир пайтда дафъатан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб қолиб, қавм у зот томонга оғиб кетди. Унинг назарида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди ундан подшоҳликни тортиб олгандек бўлиб қолдилар. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ичида кучли адовати бор эди. Мушриклигича қолишига шароит йўл қўймагач, қолган иззат, обрўсию улар шарофатидан келиб турадиган дунёвий манфаатлардан ҳам маҳрум бўлиб қолиш хавфи туғилгач, Бадр жангидан кейин ўзининг мусулмон бўлганлигини изҳор қилди. Лекин ботинда кофирлигича қолди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонларга қарши ҳийла, найранг қилишнинг қандай йўли очилиб қолса, дарҳол ундан фойдаланарди. Шериклари у подшоҳ бўлиб қолса, бизга ҳам бирор мансаб тегиб қолар, деган умидда юрган кимсалар бўлиб, унинг бу найрангларини қўллаб-қувватлар, режалар тузишар, ҳатто айрим ҳолларда тузган режаларини амалга ошириш

учун баъзи бир содда мусулмон ёшларни ўзига билдирмасдан ишлатишарди.

в). Учинчи қавм – яҳудлар эса юқорида айтиб ўтганимиздек, Ашурийлар ва Румонийлар қувғинидан қочиб, Ҳижозга келиб қолишганди. Улар аслида ибронийлар эдилар. Ҳижозга келганларидан кейин тил борасида ҳам, кийим борасида ҳам, ҳазорат ва маданият борасида ҳам араблашиб кетгандилар. Ҳатто ўзларининг ва қабилаларининг номлари ҳам арабча бўлиб қолганди. Араблар билан қиз олиб, қиз бериш, қудачилик алоқаларини ўрнатишгача ҳам бориб етишганди. Шундай бўлса-да, уларда миллатчилик жуда кучли эди. Арабларга мутлақо қўшилиб кетмагандилар. Аксинча, ўзларининг исроилийликлари-яҳудийликлари билан фахрланиб, арабларни ҳаддан ташқари ерга урардилар. Ўзларича, арабларнинг мол-дунёлари бизга ҳалол, дейишиб, қандай хоҳлашса шундай ердилар. Аллоҳ таоло айтади:

وَمِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ مَنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ بِقِنطَارٖ يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ وَمِنۡهُم مَّنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ بِدِينَارٖ لَّا يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ إِلَّا مَا دُمۡتَ عَلَيۡهِ قَآئِمٗاۗ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَالُواْ لَيۡسَ عَلَيۡنَا فِي ٱلۡأُمِّيِّـۧنَ سَبِيلٞ... ﴿٧٥﴾

«Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, (хиёнат қилмай) **сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга қайтиб бермайди. Бунинг боиси — уларнинг «омий-китобсиз кимсалар учун бизнинг устимизга ҳеч қандай йўл йўқ», дейишларидир...».**

“Оли Имрон” сураси, 75-оятдан.

Улар ўз динларини тарғиб қилишга қизиқмасдилар. Уларнинг диний матолари фол очиш, сеҳргарлик қилиш, дам солиш каби ишлардан нарига ўтмасди. Яна шу ишлари билан ўзларини олим, фозил, раҳнамо, руҳоний, деб билардилар.

Улар касб-ҳунар қилиш, тирикчилик ўтказиш каби ишларда жуда моҳир эдилар. Дон, хурмо, ароқ, кийим савдоси уларнинг қўлида эди. Кийим, дон ва ароқни ташқаридан олиб келсалар, хурмони ташқарига сотардилар. Уларнинг бундан бошқа ишлари ҳам кўп эди. Ҳамма араблардан бир неча баробар фойда олардилар. Шу билангина чекланмасдан судхўрлик ҳам қилардилар. Шоирларнинг мақташларини, одамларнинг олқишлашларини касб этиш учун арабларнинг бошлиқлари ва шайхларига катта-катта қарзлар беришарди. Қарз олган катталар ўз уйлари ва ерларини гаровга қўярдилар. Олинган қарзларни беҳуда сарфлаш оқибатида бир неча

йил ўтиб, гаровга қўйилган жойлар уларнинг мулкига айланиб қоларди.

Улар фитна уюштиришга, одамларнинг ўрталарини бузишга, жанжал чиқаришга уста эдилар. Бир-бирига қўшни араб қабилалари ораларига низо солиб қўярдилар. Билдирмасдан, сездирмасдан бирини иккинчисига қарши қайраб қўярдилар. Шу билан урушлар авж оларди. То яҳудлар аралашмагунига қадар бу урушларнинг олови ўчмасди. Бечора арабларни бир-бирлари билан уруштириб қўйиб, ўзлари бир четкада уларнинг қийналаётганларидан лаззатланиб турардилар. Уларни шу қадар қарзга ботириб ташлардиларки, натижада бечораларнинг боши урушдан чиқмасди. Шу йўл билан улар икки катта ютуқни қўлга киритардилар. Биринчиси, ўзларининг яҳудийлик вужудини сақлаб қолиш бўлса, иккинчиси, судхўрлик бозорини авж олдириб, бир неча баробар фойда олиш эди.

Ясрибда уларнинг учта машҳур қабилалари бор эди. Улар қуйидагилар:

1. **Бану Қайнуқоъ.** Улар Хазражнинг иттифоқдошлари бўлиб, диёрлари Мадинанинг ичида эди.

2. **Бану Назир.** Булар ҳам Хазражнинг иттифоқдошлари бўлиб, диёрлари Мадинанинг атрофида эди.

3. **Бану Қурайза.** Улар Авснинг иттифоқдошлари бўлиб, диёрлари Мадинанинг атрофида жойлашганди.

Узоқ йиллардан бери Авс билан Хазраж орасига низо солиб, уруш оловини ёқиб келаётганлар мана шу қабилалар эди. Буос урушида уларнинг ўзлари ҳам ҳар қайсиниси ўз иттифоқдоши билан бирга қатнашганди.

Яҳудийларнинг Исломга адоват, ҳасад кўзи билан қарашлари табиий бир ҳол эди. Негаки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг миллатидан эмасди. Улар учун эса миллатчилик ҳар қандай ақлдан, маънавиятдан устун эди. Боз устига Ислом дилларни бирлаштирадиган, уруш оловини ўчирадиган солиҳ амалларга, омонатдор бўлишга, ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолдан касб қилишга чақирарди. Бу эса Ясрибдаги араб қабилаларининг бирлашиши ва натижада яҳудлар чангалидан чиқиши, шу билан яҳудлар савдосининг касодга учраши, бойлик, дея аталмиш тегирмон тошини айлантириб турган судхўрлик фойдаларидан маҳрум бўлиш, дегани эди. Ҳатто бу қабилалар уйқудан уйғониб, судхўрлик оқибатида бой берилган уй-жойларини яҳудлардан яна қайтариб олишлари ҳам мумкин эди.

Яҳудлар мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Исломий даъват Ясрибда қарор топишга ҳаракатни бошлаганидан буён дилларида Исломга нисбатан ҳам, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ҳам кучли бир адоватни тугдилар. Лекин маълум муддат ўтгунига қадар уни изҳор қилишга журъат этолмадилар.

Ибн Исҳоқ уммул муъминин София розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда яҳудларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламга нисбатан бўлган адоватлари яққол кўзга ташланади. Ибн Исҳоқнинг айтишича, Ҳуяй ибн Ахтабнинг қизи София шундай дейди: “Мен отамнинг энг суюкли фарзанди эдим. Амаким Абу Ёсир ҳам мени жуда яхши кўрарди. Улардан қай бири бўлмасин, қўлида ўз боласи билан менга йўлиқиб қолишса, албатта қўлидаги болани қўйиб, мени кўтариб оларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келиб, Қубода Бану Амр ибн Авфнинг уйига тушган пайтларида отам Ҳуяй ибн Ахтаб билан амаким Абу Ёсир тонг қоронғусида чиқиб кетишиб, кун ботганидан кейин қайтиб келишди. Улар ҳориб, чарчаб, ҳолдан тойиб, судралиб кириб келишди. Мен одатдагидек хурсанд бўлиб, уларнинг олдиларига бордим. Аллоҳга қасамки, ғамга ботганларидан иккаласи ҳам менга қарашмади. Мен улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни эшитиб қолдим.

– У ўшами? – сўради амаким Абу Ёсир отам Ҳуяй ибн Ахтабдан.

– Ҳа, ўша, – жавоб берди отам.

– Уни аниқ танидингми?

– Ҳа.

– Ичингда унга нисбатан нима бор?

– Аллоҳга қасамки, модомики, тирик эканман, унга нисбатан ичимда фақат адоват бор”.

Имом Бухорийнинг Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳунинг Исломга кириши ҳақидаги ривояти ҳам шунга гувоҳдир.

У яҳудларнинг буюк олимларидан бири эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага келиб, Бану Нажжорга тушганларини эшитиб, тез етиб келди ва у кишига фақат пайғамбаргина била оладиган саволларни берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобларини эшитиб, ўша заҳоти, ўша жойнинг ўзида мусулмон бўлди.

Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Яҳудлар бўҳтончи халқ, менинг мусулмон бўлганимни эшитишса, сиз улардан мен ҳақимда сўраганингизда менга туҳмат қилишади», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одам юбориб, яҳудларни чақиртириб келдилар. Улар келишган пайтида Абдуллоҳ ибн Салом уйга кириб турди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Абдуллоҳ ибн Салом сизларнинг орангизда қандай одам? – деб сўрадилар.

– Ўзи ҳам, отаси ҳам энг билимдонимиз, энг яхшимиз, – жавоб беришди улар. (Яна бир қавлда ўзи ҳам, отаси ҳам саййидимиз, дейишган бўлса, бошқа бир қавлда, ўзи ҳам, отаси ҳам энг яхшимиз ва энг афзалимиз, дейишган).

– Абдуллоҳ исломни қабул қилган бўлса-чи? Унда нима дейсизлар?

– Уни бу ишдан Аллоҳ асрасин. (Бу гапни икки ёки уч марта

такрорладилар).

Шунда Абдуллоҳ уларнинг олдига чиқиб: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқдир ва яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир», деди.

Буни эшитган яҳудлар: «Ўзи ҳам, отаси ҳам энг ёмонимиз эди», дейишиб, унга туҳмат қила бошлашди.

Яна бир қавлда Абдуллоҳ: «Аллоҳдан қўрқинглар, Ундан ўзга барҳақ илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасамки, сизлар бу одамнинг Аллоҳнинг пайғамбари эканини ва у ҳақиқатни олиб келганини жуда яхши биласизлар», деди.

Бунга жавобан улар: «Ёлғон гапиряпсан», дейишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага кирган кунлари яҳудлардан олган илк тажрибалари мана шу бўлди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага тушган пайтларида мана шундай ички шароитлар ва муаммоларга дуч келгандилар.

Ташқарида эса Мадинани Қурайшнинг динидагилар қуршаб турарди.

Ислом ва мусулмонларнинг энг ашаддий душмани Қурайш эди.

У ўн йил давомида яъни, мусулмонлар ўзининг қўл остидалигида мусулмонларни динидан қайтариш учун қўрқитиш, таҳдид солиш, сиқувга олиш, азоблаш, алоқани узиш, оч қолдириш каби барча воситаларни қўллаб кўрганди. Уларга қарши одамнинг тинкасини қуритадиган, бардошини емирадиган маънавий жанг қилганди. Айни пайтда кенг кўламда ва тартибли тарзда ташвиқот ишларини ҳам олиб борганди.

Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин эса уларнинг уй-жойларини, мол-мулкларини мусодара қилиб, хотини ва фарзандаларидан айирганди. Ҳатто кучи етганларини қамаб, азоблашгача борганди.

Шунинг ўзи билан қаноатланмасдан даъват соҳиби Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириб, у зотнинг даъватларига барҳам бериш учун тил бириктирганди ва бу режани амалга ошириш йўлида кучини аямаганди.

Шундай бўлгач, мусулмонлар улардан қутулиб, беш юз километр нарига бориб олганларидан кейин улар ўз сиёсий ва ҳарбий мавқеларидан фойдаланиши, ўзларининг араблар орасида Байтуллоҳнинг ходимлари, Ҳарам аҳолиси сифатидаги дунёвий устунликлари ва диний бошқарувчиликларидан фойдаланиб, Жазиранинг бошқа мушрикларини Мадина аҳолисига қарши қайрашлари табиий бир ҳол эди.

Худди шундай бўлди ҳам.

Натижада Мадинани хавфу хатар ўраб олди. Атрофдан деярли узилиб, кирим камайиб кетди.

Боз устига қочиб келувчилар сони кундан кунга ортиб борарди.

Шу билан Макка золимлари ва уларга эргашганлар билан янги ватанга келган мусулмонлар ўртасида “уруш ҳолати” юзага келганди.

У золимлар мусулмонларнинг мол-мулкларини тортиб олганлари, уларни қийнаганлари, ҳаётларини заҳарга айлантирганлари каби энди мусулмонлар ҳам уларнинг мол-мулкларини тортиб олиш, уларни қийнаш ва ҳаётларини заҳарлашга ҳақли эдилар. Токи, улар мусулмонларни бешигидаёқ бўғиб ташлашга қодир бўлмай қолсинлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келган пайтларида у кишининг қаршисида мана шундай ташқи муаммолар турарди.

Бу муаммолардан чиқиб кетиш учун уларни етук ҳикмат билан ҳал қилиш лозим эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу муаммоларнинг ҳар бирини Аллоҳнинг тавфиқи ва мадади ила энг пухта тарзда ҳал этдилар.

Ҳар бир қавмга ўзига муносиб равишда муомала қилдилар. Мулойимлик қилиш керак бўлган жойда мулойимлик қилдилар, қаттиқ туриш керак бўлган жойда қаттиқ турдилар. Шу билан бирга одамларни тарбиялаш, йўлга солиш, уларга Қуръону ҳикматни таълим бериш ишларини ҳам олиб борардилар.

Шубҳасизки, қаттиқ туриш, куч ишлатиш каби омиллардан кўра тарбиялаш, таълим бериш, мулойим ва меҳрибон бўлиш омиллари кўпроқ қўлланарди.

Шундай қилиб бир неча йиллар ичида ҳамма иш Ислом ва мусулмонларнинг қўлига ўтди. Сиз бунинг тафсилоти билан кейинги саҳифаларда танишасиз.

ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ҚИЛИШ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага келиб, Бану Нажжорга тушишлари 1-ҳижрийнинг 12 Рабиул-аввалига, 622 милодий 27 сентябрига тўғри келади. У киши Абу Айюб ҳовлиси олдидаги ерга борганларида, Инша Аллоҳ, мана шу ерга манзил қурамиз, дегандилар.

Кейин Абу Айюб розияллоҳу анҳунинг уйига ўтгандилар.

Масжиди набавияни қуриш

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундан кейинги биринчи қилган ишлари масжиди набавияни қуриш бўлди.

Бунинг учун туялари чўккан жойни танладилар.

Жойни унинг эгалари бўлган икки етим болалардан сотиб олдилар.

Масжид қурилишига бевосита ўзлари қатнашиб, ғишт ва тош ташиб, шундай дердилар:

هذا الحِمَالُ لا حِمَال خَيْبَر ** هـذا أبَـرُّ رَبَّنَا وأطْهَر

Бу юклар Ҳайбарнинг юклари* эмас,
Бу юклар савоби битмас-туганмас.

* Ҳайбардан келувчи хурмо, майиз каби озиқ-овқат ва тижорат моллари кўзда тутилган. “Фатҳул Борий”.

Яна шундай дердилар:

اللهم لا عَيْشَ إلا عَيْشُ الآخرة ** فاغْفِرْ للأنصار والمُهَاجِرَة

Худоё, чин ҳаёт фақат охират,
Муҳожир, ансорни этгин мағфират.

Бу нарса саҳобаларнинг ғайратларига ғайрат қўшарди. Улардан бири шундай деганди:

لئن قَعَدْنا والنبي يَعْمَل ** لذاك مِنَّا العَمَلُ المُضَلَّل

Пайғамбар ишласа, бизлар ўтирсак,
Асло тўғри келмас бизга бу маслак.

Ўша жойда мушрикларнинг қабрлари, харобалик, хурмолар ва ғарқад дарахти бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан мушрикларнинг қабрлари кўчириб юборилди, харобалик текисланди, хурмо ва дарахтлар кесилиб, масжиднинг қибла тарафига териб қўйилди. Масжид қибласи Байтул-Мақдис томонга бўлди, эшик кесакилари тошдан қилинди, деворлари ғишт ва лойдан тикланди, шифти хурмо баргларидан, устунлари хурмо танасидан қилинди. Оёқ остига қум ва майда тошлар тўшалди. Масжидга учта эшик қилинди. Узунлиги қибладан тортиб охиригача юз газ, икки тарафи ҳам шунча ёки сал камроқ, пойдевори уч газга яқин бўлди.

Масжид ёнида тош ва ғиштдан қурилиб, шифти хурмо барглари билан тўсилган хоналар бино қилинди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларининг ҳужралари бўлиб, қуриб битказилгач, у зот Абу Айюб хонадонидан уларга кўчиб чиқдилар.

Мазкур масжид ёлғиз намоз ўқиладиган жойгина бўлиб қолмади, балки у мусулмонлар Ислом таълимотлари ва йўл-йўриқларини оладиган олийгоҳ, жоҳилий талотўп ва жангу жадаллар ўрталарини бузиб юборган турли қабилалар бир-бирлари билан учрашиб, ораларини тузатиб оладиган мунтадо (клуб), барча ишларни бошқариб ва келди-кетдиларни тартибга солиб туриладиган марказ, маслаҳат ва ижроий мажлислари ўтказиладиган парламент вазифасини ҳам ўтарди. Шу билан бир қаторда у уй-жойи, мол-мулки ва бола-чақаси бўлмаган қочқин ва камбағал муҳожирларни ўз бағрига жойлаган маскан ҳам эди.

Ҳижратнинг бошларида азон машруъ бўлди, уфқларни тўлдириб ва борлиқни ларзага келтириб ҳар куни беш марта ягона Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигини ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг элчиси эканини эълон қилувчи ҳамда борлиқдаги Аллоҳнинг

буюклигидан бошқа барча буюкликни, вужуддаги Муҳаммад Росулуллоҳ олиб келган диндан ўзга барча динларни рад қилувчи олий нидо чор-атрофга тарала бошлади. Азон калималари улуғ саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Абду Роббуҳ розияллоҳу анҳуга тушида билдирилди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг туши ҳам унинг тушига мувофиқ келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ушбу калималарни тасдиқладилар. Бунинг қиссаси ҳадис ва сийрат китобларида тўлалигича ривоят қилинган.

Имом Термизий ривояти, "Намоз китоби, азоннинг бошланиши ҳақидаги боб", 1/358, 359 (189-ҳадис), Абу Довуд, Аҳмад ва бошқалар ҳам ривоят қилганлар.

Мусулмонларни бир-бирлари билан оға-ини тутинтириш

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларни жамловчи ва қалбларни бир-бирига боғловчи марказ бўлмиш масжид қуриш билан бир қаторда тарихда мисли кўрилмаган яна бир ажойиб ишга ҳам қўл урдилар. Яъни, муҳожирлар билан ансорларни бир-бирига биродар тутинтирдилар. Ибнул Қоййум айтади: «Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Анас ибн Моликнинг ҳовлисида муҳожирлар билан ансорларни бир-бирларига биродар тутинтирдилар. Улар тенг ярми муҳожирлар, тенг ярми эса ансорлардан иборат жами тўқсон киши эдилар. Уларни жонажон дўст ва ўлганидан сўнг меросига қариндошларидан кўра ҳақлироқ бўлган биродар қилдилар. То Бадр ҳодисасига қадар мана шу ҳукмга амал қилиб келинди. Аллоҳ таоло:

...وَأُوْلُواْ ٱلْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِ ... ﴿٧٥﴾

«... Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишга Аллоҳ йўлида дўстлашиб, бир-бирларига меросхўр бўлган кишилардан) **ҳақдорроқдирлар...»** ("Анфол" сураси, 75-) ояти нозил қилганидан кейин биродарлик аҳди сақланиб қолгани ҳолда уларнинг бир-биридан мерос олишлари бекор бўлди.

Баъзи қавлга кўра, муҳожирларнинг ўзларини ҳам бир-бирларига биродар тутинтирган эканлар... Бироқ, аввалгиси собитроқ. Чунки, муҳожирлар Ислом биродарлиги, ватандошлик биродарлиги ва насл-насаб жиҳатидан қариндошликлари туфайли яна ўрталарида алоҳида биродарлик аҳди тузилишидан беҳожат эдилар. Муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги ҳол ундай эмас эди». "Зодул маъод", 2/56.

Биродар тутинтиришлари маъноси – қабила-уруғчилик руҳи эриб йўқ бўлиб кетиши, насаб, ранг, ватанга боғлиқ бўлган фарқлар орадан кўтарилиши, дўстлик ва душманлик фақат Ислом асосига барпо бўлиши, дегани эди.

Биродарини ўзидан афзал кўриш, яхши кўрган нарсасини унга илиниш, улфат ва ҳамдард бўлиш ҳис-туйғулари ушбу биродарлик

ичига сингиб кетган ва янги жамиятни ҳайратомуз намуналар билан тўлдирган эди.

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Муҳожирлар Мадинага келганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмон ибн Авф билан Саъд ибн Рабиъни биродар тутинтириб қўйдилар. Саъд Абдурраҳмонга: «Мен Мадинанинг энг бой кишилариганман. Мол-мулкимнинг тенг ярмини сизга бўлиб бермоқчиман. Иккита аёлим бор, улардан истаганингизни танланг, мен уни талоқ қилай, иддаси чиққанидан кейин сиз унга уйланинг», деди. Абдурраҳмон: «Аллоҳ оилангизга ва молингизга баракот берсин. Мени бозорга йўллаб қўйинглар», деди. Шундан сўнг уни Бану Қайнуқоъ бозорига йўллаб қўйдилар. Шу куниёқ у (олди-сотди қилиб) бир оз қурут ва сарёғ кўтариб келди. Сўнг эртасига ҳам бозорга йўл олди. Бир куни у кийимида суфра (хушбўй модда) излари кўринган ҳолда келиб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Нима гап?»,** деб сўрагандилар, Абдурраҳмон: «Уйландим ё Росулуллоҳ», деди. **«Унга қанча маҳр бердингиз?»,** дедилар. «Беш дирҳам оғирлигида олтин», деб жавоб берди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, зиёфат беринг»,** дедилар». «Саҳиҳул Бухорий», 1/553.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, ансорлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Хурмозорларимизни биз билан биродарларимиз ўртасида тақсим қилинг», дедилар. У зот: **«Йўқ»,** дедилар. Шунда улар: «Ундай бўлса, сизлар меҳнатига қаралашинглар, ҳосилига сизларни шерик қилайлик», дедилар. Улар ҳам: **«Хўп»,** дейишди.

«Саҳиҳул Бухорий», “Фатҳул Борий” билан биргаликда: 4/337 (2049, 2293, 3781, 3937, 5072, 5148, 5153, 5155, 5167, 6082, 6386-ҳадислар). Ушбу биродар тутинтириш ҳақидаги ҳадислар «Саҳиҳ» Муслим (2529), Сунан Аби Довуд (2926), “Ал-адабул-муфрад” (561); “Муснад” Аби Яъло (4/366) ва бошқа ҳадис тўпламларида ҳам ривоят қилинган.

Бу ансорларнинг муҳожир биродарларига нисбатан ўта самимий муносабатда бўлганликларига, уларга бутун борлиқларини фидо қилишга тайёр бўлганликларига ва шу билан бир қаторда муҳожирларнинг ҳам ансорларнинг бу меҳмоннавозликларини қадрлай билганликларига, уни суиистеъмол қилмасдан, фақат эҳтиёжларига яраша миқдордагисини қабул қилишган эканига далолат қилади.

Дарҳақиқат, бу биродар тутинтириш мислсиз ҳикмат, доно сиёсат, мусулмонлар юзланиб турган кўпгина муаммоларга энг тўғри ечим бўлган эди.

Исломий иттифоқ битими

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларни бир-бирларига биродар тутинтиришдан ташқари, улар ўртасида яна бир аҳдлашув битимини ҳам тузиб, бу билан улар орасида жоҳилият

давридан қолган хусуматларни бекор қилдилар ва қабилавий низоларга бутунлай барҳам бердилар ҳамда шу битим туфайли кенг қамровли исломий бирликни вужудга келтиришга эришдилар. Қуйида мазкур битим бандлари келтирилади:

«Бу Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан қурайшлик ва ясриблик мўмин-мусулмонлар ҳамда уларга эргашган, уларга қўшилган ва улар билан бирга жиҳод қилган кишилар ўртасида (амал қилиниши учун) тузиб берилган келишув бандларидир:

1. Улар бошқалар қаршисида ягона умматдирлар;

2. Қурайшлик муҳожирлар бир-бирлари билан ўзларининг (Исломдан олдинги) ҳолларида боғланишда давом этадилар. Ўз асирларини яхшилик ва мўминлар ўртасидаги адолат билан қутқариб оладилар. Ансорларнинг ҳар бир қабиласи ҳам ўзларининг аввалги ҳолларида бўлиб, илгариги алоқаларини давом эттирадилар. Улардан ҳар бир тоифа ўз асирларини яхшилик ва мўминлар ўртасидаги адолат билан қутқариб оладилар.

3. Мўминлар фидя ва тўлов кабиларни яхшилик билан бериб, ўрталарида оғирликларни қолдирмайдилар.

4. Тақводор мўминлар зулм қилган ёки мўминлар ичида зулм, гуноҳ, адоват ва бузуқлик ёйилишини истаган кишиларга қарши турадилар.

5. Унга (яъни, тажовузкорга) қарши – гарчи улардан бирининг фарзанди бўлса ҳам – улар бир тану бир жонга айланадилар.

6. Мўмин киши кофирнинг муқобилида мўминни ўлдирмайди.

7. Мўмин киши мўминнинг зиддига кофирга ёрдам бермайди.

8. Аллоҳнинг зиммаси (ҳимояси) ягонадир, энг қуйи даражада бўлган мўминнинг (бировга берган) ҳимояси ҳам барча мўминларга жорийдир.

9. Яҳудлар ичидан бизга эргашган кишиларни ўрнак қилинади, уларга ёрдам берилади, улар қаршисига ёрдам берилмайди, уларни мазлум ҳолда қўйилмайди.

10. Мўминларнинг силми (иттифоқи) ягонадир, мўмин киши Аллоҳ йўлидаги жангда барча мўминлар билан баробар ва адолатли иттифоқда бўлади.

11. Мўминлар Аллоҳ йўлида қонларига етган нарсаларда бир-бирларини ҳимоя қиладилар (яъни, бир-бирлари учун қасос оладилар).

12. Мушрик кимса Қурайшнинг молини ҳам, жонини ҳам ҳимоя қила олмайди, мўминни ундан тўса олмайди.

13. Кимда-ким бир мўминни ноҳақ ўлдирса, ундан қасос олинади. Фақатгина ўлдирилган шахснинг валиси (эгаси) рози бўлсагина (қасос олинмайди).

14. Мўминларнинг ҳаммаси унга қарши бўладилар, унга қарши туришдан бошқа нарса уларга ҳалол бўлмайди.

15. Мўмин киши учун бирон бидъатчига ёрдам бериш ва унга паноҳ бериш ҳалол бўлмайди. Кимда-ким унга ёрдам берса ёки ўз паноҳига олса, Қиёмат куни унга Аллоҳнинг лаънати ва ғазаби бўлади, ундан тавба ҳам, тўлов ҳам қабул қилинмайди.

16. Сизлар нимаики нарсада ихтилоф қилсангизлар, уни Аллоҳ азза ва жаллага ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қайтариш (лозимдир). «Ибн Ҳишом», 1/502, 503

Мазкур маънавий тадбирларнинг жамиятга таъсири

Мана шундай ҳикматли ишлар ва доно тадбирлар билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги жамиятнинг пойдеворларини ўрнатдилар. Бу жамият Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳоба бўлиш шарафига муяссар бўлган улуғ зотлар қалбларига ўрнашган маъноларнинг ташқи сурати ва уларнинг ҳаётдаги инъикоси эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга таълим-тарбия берар, нафсларини тозалар, улуғ ахлоқларга чорлар, биродарлик, меҳр-мурувват, оға-инилик, шараф ва тоат-ибодат одоблари билан одоблантирар эдилар.

Бир киши у зотдан: «Ислом (амаллари)нинг энг яхшиси қайси?», деб сўраган эди: **«Таом едиришинг ҳамда таниган ва танимаган кишиларингга салом беришинг»**, деб жавоб бердилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/6, 9.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу айтади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларида мен у кишининг олдиларига келдим. Юзларига зеҳн солиб, ёлғончининг юзи эмаслигини билдим. У зот аввало, шундай дедилар: **«Эй одамлар, саломни ёйингиз, таом едирингиз, қариндошлар билан алоқа қилингиз, тунлари одамлар ухлаётганда намоз ўқингиз, жаннатга саломатлик ила кирасиз».**

Имом Термизий, Ибн Можа, Доримий ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 1/168.

У зот яна айтганлар: **«Озор-азиятидан қўшниси хотиржам бўлмайдиган кимса жаннатга кирмайди».**

Имом Муслим ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/422.

Яна айтганлар: **«Мусулмон – мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган кишидир».** «Саҳиҳул Бухорий», 1/6.

Яна айтганлар: **«Сизларнинг бирортангиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунича иймонли бўлмайди».** «Саҳиҳул Бухорий», 1/6.

Яна айтганлар: **«Мўминлар битта одамга ўхшашки, агар унинг кўзи оғриса ҳамма ери оғрийди, боши оғриса ҳамма ери оғрийди».**

Имом Муслим ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/422.

Яна айтганлар: **«Албатта, мўмин мўмин учун бир-бирини маҳкам тутиб турувчи бино** (қисмлари) **кабидир».**

Муттафақун алайҳ, “Мишкотул масобийҳ”, 2/422.

Яна айтганлар: **«Бир-бирингизга нафрат қилмангиз, бир-**

бирингизга ҳасад қилмангиз, бир-бирингиздан юз бурмангиз, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Мусулмон киши биродари билан уч кундан ортиқ гаплашмай қўйиши дуруст эмас!». «Саҳиҳул Бухорий», 2/896.

Яна айтганлар: **«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш йўлида бўлади. Ким мусулмон кишидан битта ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Қиёмат куни яширади».**

Муттафақун алайҳ, “Мишкотул масобийҳ”, 2/422.

Яна айтганлар: **«Ердагиларга раҳм қилинглар, осмондаги Зот сизларга раҳм қилади».**

“Сунан Аби Довуд”, 2/335, “Жомиъут-Термизий”, 2/14.

Яна айтганлар: **«Ён қўшниси оч-наҳор бўла туриб, ўзи тўқ юрадиган одам** (комил) **иймонли эмас».**

Имом Байҳақий «Шуъабул-иймон»да ривоят қилган, “Мишкотул масобийҳ”, 2/424.

Яна айтганлар: **«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир, у билан жанг қилиш куфрдир».** «Саҳиҳул Бухорий», 2/893, Термизий, 4/311.

У зот йўлдан озорни четлатишни садақа, иймон бўлакларидан бир бўлаги, деб санар эдилар.

«Саҳиҳайн»да бу ҳақда кўплаб ҳадислар ривоят қилинган, “Мишкотул масобийҳ”, 1/12, 167.

Саҳобаларни инфоқ-эҳсон қилишга тарғиб қилиб, унинг фазилатларини таъсирчан сўзлар билан қалбларга жойлаб қўярдилар.

Бир ҳадисларида айтганлар: **«Садақа гуноҳни худди сув ўтни ўчирганидек ўчиради».**

Имом Аҳмад, Термизий, Ибн Можа ривоятлари, «Мишкотул масобийҳ» 1/14.

Яна айтганлар: **«Қайси бир мўмин кийимсиз биродарини кийинтирса, Аллоҳ таоло уни жаннатнинг яшнаб турган либосларидан кийинтиради. Қайси бир мўмин оч биродарини таомлантирса, Аллоҳ таоло унга жаннат меваларидан едиради. Қайси бир мўмин чанқаган биродарига сув ичирса, Аллоҳ таоло унга раҳиқул махтум** (яъни, соф ва қўл тегмаган, муҳрланган жаннат шаробидан)**дан ичиради».**

Сунан Аби Довуд, «Мишкотул масобийҳ» 1/169; “Жомиъут-Термизий”, 4/546 (2449-ҳ).

Яна айтганлар: **«Яримта хурмо** (садақа қилиш) **билан бўлса-да, у ҳам топилмаса, бир оғиз яхши сўз билан бўлса-да дўзахдан сақланингиз!».** «Саҳиҳул Бухорий», 1/19, 2/890.

Шу билан бир вақтда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраниш ва тиламчиликдан покланишга қаттиқ тарғиб қилардилар, сабру қаноатнинг фазилатларини баён қилардилар, қаттиқ эҳтиёжсиз

сўраниб юришни сўровчининг юзига етадиган тирналиш ва нуқсон, деб санардилар.

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Доримий ривоятлари, «Мишкотул масобийҳ» 1/163.

Яна уларга ибодатларнинг фазилатларини ва ибодатлар учун Аллоҳ ҳузурида бериладиган ажру савобларни баён қилиб берардилар, уларни ўзларига самодан нозил бўлаётган ваҳий билан чамбарчас боғлаб қўярдилар, уни уларга ўқиб берардилар, улар ҳам бу каломи илоҳийни ўқишарди. Бу билан у зот асҳоблари даъватнинг ҳаққини ва рисолатнинг масъулиятини англашларини ва тадаббур қилишларини, нафақат англаш ва тадаббур қилиш, балки бу борада ўз зиммаларида бўлган бурчларини ҳис қилишларини истар эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу йўллар билан уларнинг дунёқарашларини тарбиялар, маънавиятларини юксакликка кўтариб, иқтидорларини уйғотар, уларга энг олий ўлчов ва мезонларни тақдим этардилар. Шу билан улар башарият тарихида пайғамбарлардан кейинги ўринда турадиган энг юксак камолат чўққиларини эгалладилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: «Ким эргашмоқчи бўлса, дунёдан ўтганларга эргашсин, чунки, тирик жон фитнадан омонда бўлмайди. Улар (яъни, дунёдан ўтиб кетганлар) Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидир. Улар бу умматнинг афзаллари, қалби поклари, билими чуқурлари ва такаллуфи камлари бўлиб, Аллоҳ у инсонларни ўз пайғамбарига ҳамсуҳбат бўлиш ва ўз динини ўрнатиш учун танлагандир. Уларнинг қадрини, фазлини билингиз, изларидан эргашингиз! Қодир бўлганингиз қадар уларнинг ахлоқ ва сийратларини маҳкам тутингиз! Чунки улар тўғри йўлда бўлганлар». Разин ривояти, «Мишкотул масобийҳ» 1/32.

Қолаверса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буюк йўлбошчи сифатида шундай маънавий ва зоҳирий сифатлар, олий фазилатлар, юксак иқтидор ва камолот, чиройли ахлоқ ва гўзал амалларни ўз шахсиятларида мужассамлаштирган эдиларки, мазкур сифатлар инсонларнинг қалбларини у зот сари интиладиган ва садоқат изҳор этадиган қилиб қўйган эди. Асҳоблари у зотнинг бир оғиз сўзларини бажаришга ошиқишар, бирор кўрсатма ёки тавсия берсалар, унга амал қилишга ўзаро мусобақалашар эдилар.

Ана шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада инсоният тарихида мисли кўрилмаган янги бир жамият барпо қилишга, замона гирдоблари ва жаҳолат зулматлари ичра қолиб келаётган инсониятнинг муаммоларига ечим топиб беришга қодир бўлдилар. Давр йўналишини ва тарих чархпалагини бутунлай бошқа йўналишга буриб юборган бу жамиятнинг асоси мана шундай юксак маънавиятлар билан такомиллашган эди.

Яҳудлар билан битим тузилиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар ўртасида ақидавий, сиёсий ва низомий бирликни вужудга келтириш орқали янги жамият ва янги Исломий уммат пойдеворларини ўрнатиб олганларидан сўнг, энди мусулмон бўлмаган қавму қабилалар билан алоқаларни тартиблашга киришдилар. Бундан мақсадлари минтақада ягона келишувга эришиш ва унда яшаб турган барча инсонлар учун тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва эмин-эркин ҳаракат қилишга имкон яратиб бериш эди. Бунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ирқий ва шахсий ғараз ҳамда таассубга тўла бўлган дунё ҳали кўрмаган бағрикенглик ва кечиримлилик асосидаги қонун-қоидаларни йўлга қўйдилар.

Мадинага энг яқин бўлган ғайри мусулмон қўшнилар аввал айтиб ўтганимиздек, яҳудийлар эди. Уларнинг дилларида гарчи, мусулмонларга нисбатан адоватлари бўлса-да, ҳозирча бирон душманлик ёки хусуматни изҳор қилган эмасдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан битим тузиб, бу битимда улар учун яхшилик ва насиҳатни қарор топтирдилар. Уларнинг диний ва дунёвий эркинликларини тўлалигича қолдирдилар. Унда сургун, мусодара ёки адоват сиёсатига юз тутмадилар.

Қуйида ушбу битимнинг энг муҳим бандлари билан танишасиз:

1. Бану Авф яҳудийлари мўминлар билан бирга (яшаб турган) халқдир. Яҳудийлар учун ўз динлари, мусулмонлар учун ўз динлари бўлиб, уларнинг молу жонлари омондадир. Шунингдек, бу бошқа яҳудийларга ҳам тааллуқлидир.

2. Яҳудийларнинг нафақалари ўз зиммаларида, мусулмонларнинг нафақалари ҳам ўз зиммаларида.

3. Бу битим аҳлига уриш очган кимсаларга қарши улар бир-бирларига ёрдам беришлари лозим.

4. Гуноҳ бўлмаган ишларда улар ўртасида бир-бирига нисбатан холис муносабат ва насиҳат ҳукм суради.

5. Бирон киши ўз иттифоқчисига қарши жиноятга қўл урмайди.

6. Мазлумга ёрдам берилади.

7. Уруш ҳолатида яҳудийлар ҳам мусулмонлар билан бирга сарф-харажат қиладилар.

8. Ясриб тупроғида ушбу битим аҳлига тажовуз қилиш ҳаромдир

9. Бу битим аҳли ўртасида содир бўлган ҳар қандай ҳодиса ёки оқибати хатарли бўлган низолар ҳукми Аллоҳ азза ва жаллага ва Унинг элчиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳаволадир.

10. Қурайшга ҳамда унга ёрдам берганларга ҳимоя берилмайди.

11. Ясрибга босқин уюштирганларга қарши улар бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

12. Бу битим бирон золим ёки жиноятчини жазодан тўсиб қололмайди.

«Ибн Ҳишом», 1/503, 504.

Ушбу битим сабабли Мадина ва унинг атрофи тинч-тотув давлатга айланди, унинг пойтахти Мадина шаҳри, давлат бошлиғи эса – агар таъбир жоиз бўлса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлдилар, ундаги нуфуз ва ҳукмронлик мусулмонлар қўлида бўлди.

Кейинчалик Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минтақа тинчлиги ва осойишталиги йўлида бошқа қабилалар билан ҳам шароит тақозосига кўра шу каби битимлар туздилар. Улар ҳақида кейинроқ, ўз ўринларида айтиб ўтамиз.

ҚОНЛИ КУРАШ

Қурайшнинг пўписалари ва Абдуллоҳ ибн Убай билан боғланишлари

Мусулмонлар Маккада эканларида Макка кофирлари уларнинг бошига солган кўргулик ва азоб-уқубатлар, ҳижратга мажбур бўлганларида эса уларнинг мол-мулкларини зўрлик билан мусодара қилганликлари ҳақида юқорида айтиб ўтилганди. Кейин ҳам улар ўз туғёнларидан қайтишмади, тажовузларидан тийилишмади. Мусулмонлар уларнинг қўлларидан қутулиб, Мадинада ўзлари учун хавфсиз қароргоҳ топишгач, улар ғазабдан ўзларини қўйгани жой топа олмай қолишди. Мадинанинг ҳижратдан олдинги раиси сифатида Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулга мактуб йўллашиб (маълумки, у пайтда у мусулмонлик даъвосини қилмаган мушрик эди), Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижрат қилиб келишлари ва у зотга иймон келтиришлари бўлмаганда эди, Ясриб (Мадина) аҳли уни ўзларига подшоҳ қилиб кўтаришга ва бошига тож кийдиришга иттифоқ қилишганди. Унга ва бошқа мушрик дўстларига кескин талаблар қўйишди: «Сизлар бизнинг қавмдошимизга жой бердингиз, биз қасамёд қиламизки, ё унга қарши урушга кирасизлар ё уни чиқариб юборасизлар ёки бўлмаса биз сизнинг устингизга юриш қиламиз, жангчиларингизни ўлдириб, аёлларингизни асира қиламиз».

Абу Довуд (2/154) ривояти.

Ушбу мактуб етиб келиши билан Абдуллоҳ ибн Убай маккалик мушрик оғайниларининг буйруқларини бажо келтириш учун ҳаракатини бошлади. Зеро, унинг ўзида ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши чуқур нафрат ўрнаган, сабаби, подшоҳликка етишолмай қолганига фақат у зотни айбдор, деб биларди. Абдуллоҳ ибн Убай атрофига йиғилган бутпарастлар билан бирга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши урушга ҳозирлана бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан хабар топгач, улар билан учрашиб: **«Қурайшнинг пўписалари сизларга қаттиқ таъсир қилган кўринади. Бироқ, улар қилмоқчи бўлаётган фириб-найранг сизлар ўзингизга қилмоқчи бўлаётган фириб-найранг олдида ҳолва бўлиб қолади. Сизлар ўз фарзандларингиз ва қариндош-уруғларингизга қарши урушмоқчи бўлаяпсизлар»,** дедилар.

Шундан сўнг улар у зотнинг сўзларидан таъсирланиб, тарқалиб кетишди. Абу Довуд (2/154) ривояти.

Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ўз ҳаммаслакларининг бўшашиб қолганини кўриб ўша пайтда урушдан тўхталган бўлса-да, унинг ҳаракатларидан Қурайш билан келишиб иш қилаётгани кўриниб турар, қулай фурсат бўлди, дегунча мусулмонлар билан мушриклар ўртасига адоват оловини ёқишга уринарди. Бу ишда у яҳудийларни ўзига асосий ёрдамчи қилиб олганди. Лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳикмат билан иш тутишларигина уларнинг ёмонликлари алангасини ўчириб турарди. “Саҳиҳул Бухорий”, 2/655, 656, 916, 924.

Ал-масжид ал-Ҳаромдан ман қилиш қарорининг эълон қилиниши

Орадан кўп ўтмай ансорлар бошлиқларидан Саъд ибн Муъоз умра учун Маккага бориб, Убай ибн Халафнинг уйига тушди. Умайяга: «Холи пайт бўлганида айтгин, Байтуллоҳни тавоф қилиб олай», деди. Қоқ пешин пайти Байтуллоҳга қараб боришаркан, йўлда Абу Жаҳлга дуч келиб қолишди. Абу Жаҳл: «Эй Абу Сафвон, ким бу ҳамроҳинг?», деб сўради. Саъд эканини билгач, Абу Жаҳл унга: «Қандай қилиб сен Маккада хотиржам айланиб юрибсан, ҳолбуки сизлар динбузуқиларга жой бериб қўйибсизлар, яна уларга ёрдам беришни ҳам зиммангизга олибсизлар?! Қасамки, агар Абу Сафвон ёнингда бирга бўлмасайди, уйингга соғ қайтмаган бўлардинг!», деб пўписа қилди. Саъд ҳам унга овозини кўтарди: «Аллоҳга қасамки, агар сен мени бундан ман қиладиган бўлсанг, мен сени бундан ҳам каттароқ нарсадан – Мадина устидан ўтувчи йўлдан ман қиламан!». “Саҳиҳул-Бухорий”, 3/563.

Қурайш муҳожирларга таҳдид қилади

Афтидан, Қурайш бундан ҳам каттароқ ёмонликни дилига туккан, мусулмонларни янчиб ташлаш, хоссатан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқ қилиш ҳақида ўйлаётган эди.

Буни қуруқ хаёл ёки ваҳима, деб бўлмас, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Қурайш ушбу шум режасини амалга оширмоқчи эканига ишонч ҳосил қилган, шу боис кечаларни бедорликда ёки саҳобалар қўриқчилигида ўтказаётган эдилар. Имом Бухорий ва имом Муслим «Саҳиҳ»ларида ривоят қилишларича, Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келган пайтлари бир кеча: **«Кошки, асҳобларимдан бир солиҳ киши мени бу кеча қўриқлаб чиқса»,** дедилар. Шу ҳолда эканмиз, бирдан қуролнинг шарақлаган овози эшитилиб қолди. У зот: **«Ким бу?»,** дедилар. «Саъд ибн Аби Ваққосман», деган овоз келди. **«Нима қилиб юрибсиз?»,** деб сўрадилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирон хавф йўқмикин, деган фикр хаёлимни чулғаб олиб, у зотни қўриқлагани келдим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳаққига дуо қилиб, ухлагани ётдилар».

“Саҳиҳул-Бухорий”, «Китабул-жиҳад» (2885), “Саҳиҳул-Муслим”, «Китабу фазоилис-соҳаба» (4/1875).

Бу қўриқчилик баъзи кечаларгагина чекланган бўлмай, бир қанча вақт тартибли равишда давом этди. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тунлари қўриқлардилар, бир кеча:

...وَٱللَّهُ يَعۡصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِۗ ... ﴿٦٧﴾

«...Аллоҳ сизни одамлар (зарари)**дан сақлагай...»** (“Моида” сураси, 67-оятдан) ояти нозил бўлгач, у зот ҳужрадан бошларини чиқариб: **«Эй одамлар, кетаверинглар, мени Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзи сақлашга ваъда берди»,** дедилар».

“Жомеъут-Термизий“, “Тафсиру суратил-Моида”, 5/234, (3046-ҳ).

Хатар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларигагина чекланган эмасди, балки у барча мусулмонларга хавф солиб турарди. Убай ибн Каъб ривоят қилади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблари Мадинага келиб, ансорларнинг ҳимоясига киргач, араблар уларга қарши бирлашишди. Шундан сўнг улар қурол билан тунаб, қурол билан тонг оттирадиган бўлдилар».

ЖАНГГА ИЗН БЕРИЛИШИ

Мадинадаги мусулмонлар вужудига таҳдид солиб турган ва Қурайшнинг фириб-найранглардан бир зум ҳам тинмаётганидан хабар бериб турган ана шундай хатарли шароитда Аллоҳ таоло мусулмонлар учун жангга изн берди, бироқ жангни уларга фарз қилмади. Аллоҳ таоло деди:

أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَٰتَلُونَ بِأَنَّهُمۡ ظُلِمُواْۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ نَصۡرِهِمۡ لَقَدِيرٌ ﴿٣٩﴾

«Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) **изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир».** “Ҳаж” сураси, 39-оят.

Бу оят билан бирга ушбу изн фақат ботилни суриб ташлаш ва Аллоҳнинг қонунларини ўрнатиш учунгина эканини баён қилувчи оятлар ҳам нозил бўлди:

ٱلَّذِينَ إِن مَّكَّنَّٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُاْ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَمَرُواْ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَنَهَوۡاْ عَنِ ٱلۡمُنكَرِۗ وَلِلَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلۡأُمُورِ ﴿٤١﴾

«Улар (яъни, мусулмонлар)**ни агар Биз Ер юзига ғолиб қилсак – улар намозни тўкис адо этадилар, закотни** (ҳақдорларга) **ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар.** (Барча) **ишларнинг оқибати Аллоҳнинг** (измидадир)**».**

“Ҳаж” сураси, 41-оят.

Изн фақат Қурайш билан жанг қилишга чекланган эди. Кейинчалик шароитлар ўзгариши билан жанг ҳақидаги ҳукм ҳам босқичма-босқич ривожланиб, охир-оқибат вожиблик даражасига етди ва Қурайшдан бошқаларга ҳам умумийга айланди. Воқеалар ривожига киришишдан аввал ана шу босқичларни қисқача баён қилиб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак:

1. Қурайш мушрикларини уруш ҳолатидаги душман, деб эътибор қилиш. Чунки, душманликни улар биринчи бўлиб бошлашди, шу боис мусулмонлар бошқа араб мушрикларидан фарқли ўлароқ уларга қарши уруш қилишга ва мол-мулкларини мусодара қилишга ҳақли бўлдилар.

2. Қурайш сафига ўтган ва у билан бирлашган араб мушрикларидан ҳар бирига қарши уруш қилиш, шунингдек, Қурайшга алоқаси бўлмаган ҳолда ўзи мустақил равишда мусулмонларга тажовуз қилган ҳар бир кишига қарши урушиш.

3. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўрталарида битим ва (урушмасликка) аҳду паймонлари бўлган яҳудлардан хиёнатга қўл урганлари ёки мушрикларни қўллаб-қувватлаганлари билан жанг қилиш ва улар билан тузилган аҳду паймонларни бекор ҳисоблаш.

4. Мусулмонларга биринчи бўлиб адоватни бошлаган насоро каби аҳли китобларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя (солиқ) тўламагунларича жанг қилиш.

5. Исломга кирган кишилардан қўл тортиш, илгари мушрик бўлганми, яҳудийми, насронийми, бошқами, фарқи йўқ, уларнинг жони ва молига дахл қилинмайди – Исломнинг ҳаққи бундан мустасно – уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳга ҳавола қилинади.

Урушга изн берувчи оят нозил бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайшнинг Макка-Шом йўналишидаги асосий тижорат йўлига ҳукмронликни қўлга киритишга қарор қилдилар. Бунинг учун эса иккита режа ишлаб чиқдилар:

Биринчи. Мазкур йўлнинг яқин атрофларида яшовчи, шунингдек ушбу йўл билан Мадина оралиғида турувчи қабилалар билан тинчлик битимлари тузиш. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанговар ҳаракатлар бошлашдан олдин Жуҳайна қабиласи билан битим туздилар, уларнинг маскани Мадинадан уч босқич узоқликда эди. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлари асносида бошқа битимлар ҳам туздилар, улар ҳақида қуйироқда айтилади.

Иккинчи. Ушбу йўлга кетма-кет кичик гуруҳлар юбориб туриш.

БАДР ЖАНГИДАН ОЛДИН БЎЛИБ ЎТГАН ҒАЗОТ ВА САРИЙЯ*ЛАР

* Муаррихлар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсан иштирок этган юришларни – унда жанг бўлиб ўтганми, бўлмаганми, фарқсиз – **ғазот,** деб

атаганлар, ўзлари иштирок этмасдан бошқаларни юборган юришларни **сарийя,** деб атаганлар.

Жангга изн берувчи оят нозил бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқорида айтилган икки режани амалга ошириш учун амалий ҳарбий ҳаракатларни бошладилар. Бу ҳаракатлар қидирув (разведка) ҳаракатларига ўхшаш бўлиб, улардан мақсад, айтиб ўтганимиздек:

а). Мадина атрофидаги ва Маккага олиб борувчи йўлларни текшириш, улардан бохабар бўлиб туриш.

б). Шу йўллар бўйида яшовчи қабилалар билан битимлар тузиш.

в). Ясрибдаги мушрик ва яҳудийларга, шунингдек атроф қишлоқлардаги аъробийларга мусулмонлар куч-қувватга эгаликларини ва илгариги заифликдан халос бўлганликларини сездириб қўйиш.

г). Қурайшни чуқур ўйламай қилинган ҳаракатлари оқибатидан огоҳлантириш, токи улар тобора чуқур кириб бораётган адоват ва тажовузларидан тийилсинлар ҳамда ўз иқтисодлари ва тирикчилик сабабларига бўладиган хатарлардан огоҳланиб, тинчликка мойил бўлсинлар, мусулмонлар устига бостириб келиш, Аллоҳнинг йўлидан тўсиш фикридан қайтсинлар, Маккада қолган заиф-ночор мўминларни азоблашдан тийилсинлар, охир-оқибат мусулмонлар ҳам Аллоҳнинг рисолатини Араб жазирасининг чор-атрофига етказиш имкониятига эга бўлсинлар.

Қуйида ушбу сарийялар ҳақида қисқача маълумотлар берамиз:

1. Сайфул-баҳр сарийяси

623 мелодий йилнинг март ойига тўғри келувчи ҳижрийнинг 1- йили рамазон ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳамза ибн Абдулмутталиб амирлигида ўттиз кишилик муҳожирлар жамоасини Қурайшнинг Шомдан келаётган Абу Жаҳл «Ибн Ҳишом», бошлиқ уч юз кишилик карвонини қарши олиш учун юбордилар. Улар Қизил денгиз бўйидаги Янбуъ билан Марва оралиғида жойлашган Ийс ноҳиясининг Сайфул-баҳр, деган жойига етиб бордилар. Ҳар икки гуруҳ сафланиб, жангга ҳозирланган пайтда иккала гуруҳнинг ҳам иттифоқчиси саналган Маждий ибн Амр Жуҳаний ўртага тушиб, жангнинг олдини олди, натижада жангсиз тарқалдилар.

Бу Ислом тарихидаги биринчи ҳарбий амалия ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тиккан биринчи байроқ эди. Ҳамза учун тикилган бу байроқнинг ранги оқ бўлиб, уни Абу Марсад Каннoз ибн Хусойн Ғанавий кўтариб олган эди.

2. Робиғ сарийяси

Ҳижрий 1- йил шаввол ойида – мелодий 623 йил апрел ойига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Убайда ибн Ҳорис ибн Мутталиб бошлиқ олтмиш кишилик муҳожирлар жамоасини ҳарбий амалия учун юбордилар. Улар Батни Робиғ, деган жойда Абу Суфён бошлиқ икки юз кишилик гуруҳга дуч келдилар. Икки тараф бир-

бирига камон ўқлари узишди, бироқ жанг бўлмади.

Мана шу сарийяда Макка лашкаридан икки киши – Миқдод ибн Амр Баҳроний ва Утба ибн Ғазвон Мозиний мусулмонлар сафига келиб қўшилди. Улар аслида мусулмон бўлиб, мусулмонлар сафига қўшилиб олиш мақсадида кофир лашкар ичида йўлга чиққан эдилар. Убайданинг байроғи оқ рангли бўлиб, уни Мистаҳ ибн Усоса ибн Мутталиб ибн Абдуманоф кўтариб олганди.

3. Харрор сарийяси

Ҳижрий 1- йил зул-қаъда ойида – мелодий 623 йил май ойига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Аби Ваққос бошлиқ йигирма кишилик гуруҳни Қурайш карвонини қаршилаш учун юбордилар ва уларга Харрордан уёғига ўтмасликни буюрдилар. Улар яёв ҳолда, кундузлари яшириниб ётиб, тунлари йўл босиб, бешинчи куни, деганда Харрорга етиб бордилар. Бироқ, маълум бўлишича, карвон бир кун олдин ўтиб кетган экан.

Саъд розияллоҳу анҳунинг байроғи оқ рангли бўлиб, уни Миқдод ибн Амр кўтариб олганди.

4. Абвоъ ёки Ваддон ғазоти

Ҳижрий 2- йил сафар ойида – мелодий 623 йил август ойига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари етмиш кишилик муҳожирлар гуруҳига бош бўлиб, Қурайш карвонини қаршилашга чиқдилар. Ваддон, деган жойгача етиб бордилар, бироқ бирон ёмонликка дуч келмадилар. Ўринларига Мадинага Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуни қўйиб кетдилар.

Ушбу сафарларида Амр ибн Махший Зомрий билан битимга эришдилар, у ўша даврда Бану Зомра қабиласининг раиси эди. Битим қуйидагича тузилганди: «Бу Муҳаммад Росулуллоҳдан Бану Зомрага берилган хат (битим) бўлиб, уларнинг моллари ва жонлари омондадир, улар ўзларига қарши қасд қилганлар устидан (Росулуллоҳдан) ёрдам олишга ҳақлидирлар, шарти шуки, Аллоҳнинг динига қарши ҳеч қачон урушмасликлари керак. Набий уларни ёрдамга чорласа, унга ижобат қиладилар». ”Ал-мавахибул-ладуния”, 1/75.

Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи ғазотлари эди, унда ўн беш кун Мадинада бўлмадилар. Байроқлари оқ рангли бўлиб, уни Ҳамза ибн Абдулмутталиб кўтариб олганди.

5. Бувот ғазоти

Ҳижрий 2- йил рабиул-аввал ойида – мелодий 623 йил сентябр ойига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан икки юз киши ҳамроҳлигида Қурайшнинг Умайя ибн Халаф Жумаҳий бошлиқ юз кишилик, икки минг беш юз туядан иборат карвонига қарши йўлга чиқдилар. Развo ноҳиясининг Бувот, деган жойигача бордилар, бирон ёмонликка дуч келмадилар.

Бу ғазотларида Мадинага Саъд ибн Муозни бошлиқ қилиб қўйиб кетдилар. Байроқлари оқ рангли бўлиб, уни Саъд ибн Аби Ваққос

розияллоҳу анҳу кўтариб олганди.

6. Сафавон ғазоти

Ҳижрий 2- йил рабиул-аввал ойида – melодий 623 йил сентябр ойига тўғри келади. Курз ибн Жобир Фиҳрий бошлиқ мушрикларнинг кичик бир гуруҳи Мадина яйловларига босқин уюштириб, чорва молларидан бир қисмини ҳайдаб кетди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етмиш киши ҳамроҳлигида унинг ортидан қувиб чиқдилар ва Бадр ноҳиясининг Сафавон водийсигача бордилар. Бироқ, Курзнинг гуруҳини топа олмай, жангсиз қайтдилар. Бу ғазот биринчи Бадр ғазоти, деб аталади.

Ушбу ғазотларида Мадинага Зайд ибн Ҳорисани бошлиқ қилиб қўйиб кетдилар. Байроқлари оқ рангли бўлиб, уни Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу кўтариб олганди.

7. Зул-ушайра ғазоти

Ҳижрий 2-йил жумодул-увло ва жумодул-охира ойларида – мелодий 623 йил ноябр-декабр ойларига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир юз эллик кишилик, бир қавлда икки юз кишилик муҳожирлар жамоаси билан ўттизта туяга навбатлашиб минган ҳолларида Қурайшнинг Шомга йўл олган карвонига қарши ғазотга отландилар, ушбу карвоннинг Маккадан чиққани ҳақида хабар келган эди. Ҳеч кимни ушбу жангга чиқишга мажбурламадилар. Зул-ушайра, деган жойга етганларида карвон бир неча кун олдин ўтиб кетгани маълум бўлди. Бу – Шомдан қайтишида мусулмонлар унинг йўлига чиққан ва катта Бадр ғазотига сабаб бўлган карвон эди.

Ибн Исҳоқнинг сўзларига қараганда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлга чиқишлари жумодул-увлонинг охирларида, қайтишлари эса жумодул-охиранинг бошларида бўлди. Тарихчиларнинг ушбу ғазот бўлиб ўтган ойни белгилашда ихтилоф қилишларининг сабаби шунда бўлса керак.

Ушбу ғазотда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Мудлиж ва уларнинг иттифоқчилари Бану Зомра қабилалари билан урушмаслик ҳақида битим туздилар.

Мадинага Абу Салама ибн Абдуласад Махзумийни бош қилиб кетгандилар, байроқларининг ранги оқ бўлиб, уни Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу кўтариб олганди.

8. Нахла сарийяси

Ҳижрий 2- йил ражаб ойида – мелодий 624 йил январ ойига тўғри келади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Жаҳш Асадийни муҳожирлардан ўн икки кишига бош қилиб Нахлага юбордилар, улар икки киши биттадан туяга миниб кетдилар. Унинг қўлига бир мактуб бериб, уни фақат икки кундан кейингина очиб ўқийсан, деб буюрдилар. Абдуллоҳ икки кун йўл юрганларидан сўнг мактубни очди. Унда шундай дейилган экан: «Мактубимни очиб ўқигач, йўлда давом этиб, Макка билан Тоиф ўрталигидаги Нахлага бориб

тушасан ва Қурайш карвонини пойлаб, бизга уларнинг хабарини билиб келасан». Абдуллоҳ: «Бош устига», деди ва шерикларига бу ҳақда хабар берди, уларни боришга мажбур қилмаслигини, ким шаҳидлик истаса йўлга тушиши, ўлимни ёмон кўрган киши ортига қайтиши мумкинлигини айтиб, ўзи йўлга отланишга тайёрлигини билдирди. Улар барчалари йўлга тушдилар, фақат йўл асносида Саъд ибн Аби Ваққос ва Утба ибн Ғазвон мингашиб келаётган туяларини йўқотиб қўйиб, уни излаш билан овора бўлиб, ортда қолиб кетдилар.

Абдуллоҳ ибн Жаҳш жамоаси йўлда давом этиб, Нахлага бориб тушди. Шу орада Қурайшнинг майиз, тери ва тижорат моллари юкланган карвони ўтиб қолди. Уни Амр ибн Хазрамий, Абдуллоҳ ибн Муғийранинг икки ўғли – Усмон ва Навфал, Бану Муғийранинг озод қилган қули Ҳакам ибн Кайсон кузатиб борарди. Мусулмонлар ўзаро маслаҳатлашиб, ҳозир шаҳри ҳаром (яъни, уруш ҳаром қилинган ой) ражабнинг охирги кунида турибмиз, агар жанг қилсак шаҳри ҳаром ҳурматини бузган бўламиз, агар шу кеча уларни қўлдан чиқарсак Ҳарам ичкарисига ўтиб кетишади, дейишиб, жанг қилишга қарор қилишди. Улардан бирлари отган ўқ Амр ибн Хазрамийга тегиб, уни ўлдирди, Усмон ва Ҳакамни асир олдилар, Навфал эса қочиб қутулди. Сўнг карвонни иккала асир билан Мадинага олиб келдилар, ундан хумус (яъни, жангда олинган ўлжанинг бешдан бирини) ажратиб олгандилар, бу Исломдаги биринчи хумус, Исломдаги биринчи мақтул (ўлдирилган шахс) ва Исломдаги дастлабки икки асир эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу қилган ишларини маъқулламадилар ва: **«Мен сизларни шаҳри ҳаромда жанг қилишга буюрмаган эдим»,** дедилар, карвон ва иккала асир ҳақида тасарруф қилишдан тўхталиб турдилар.

Мушриклар юз берган бу воқеани мусулмонларни Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилганликда айблаш учун ғанимат билдилар, бу ҳақда гап-сўз ва миш-мишлар кучайди. Бироқ, кўп ўтмай бу гап-сўзларга нуқта қўйиб ва мушрикларнинг қилиб турган қилмишлари мусулмонлар қилган бу ишдан анча оғир ва гуноҳи каттароқ эканини хабар бериб ваҳий нозил бўлди:

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلشَّهْرِ ٱلْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ ۖ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ ۖ وَصَدٌّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَكُفْرٌۢ بِهِۦ وَٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِۦ مِنْهُ أَكْبَرُ عِندَ ٱللَّهِ ۚ وَٱلْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ ٱلْقَتْلِ ۗ... ﴿٢١٧﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **сиздан «шаҳри ҳаром» – уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У** (ой)**да жанг қилиш катта гуноҳдир. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга**

ишонмаслик ва Масжид-ал-Ҳаромдан (яъни Маккадан) **тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Аллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир. Фитна** (ширк) **ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир...».**

“Бақара” сураси, 217-оятдан.

Ушбу ваҳий очиқдан-очиқ баён қилиб бердики, мушриклар мусулмон жангчилар хулқ-атворини шубҳа остига олиш учун қўзғатаётган гап-сўзлар ва авж олдираётган шовқин-суронлар бутунлай ўринсиз. Муқаддас ҳурматлар аслида Исломга қарши курашиш ва унинг аҳлини қувғин қилиш билан поймол қилинган. Ахир мусулмонларнинг мол-мулкини тортиб олиш ва пайғамбарларини ўлдиришга қарор қилишганда улар Баладул Ҳаромда эмасмидилар?! Нега энди бирданига бу ҳурматларнинг муқаддаслиги қайтиб қолди, уларни поймол қилиш шармандалик ва ор саналадиган бўлиб қолди?! Шубҳасиз, мушриклар тарқатаётган бу овозалар сурбетлик ва ифлосликка қурилган даъволардан бошқа нарса эмасди!

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккала асирни бўшатиб юбордилар ва ўлдирилганнинг эгаларига дия – хун пули тўладилар.

Ушбу сарийя ва ғазотлар тафсилотини Ибнул Қойийумнинг «Зодул-маъод»идан (2/83-85) ва “Ибн Ҳишом”дан (1/591-605) олдик, манбаларда бу ғазот ва сарийяларнинг тартиби, уларда иштирок этган кишилар сонини таъйин қилиш борасида ихтилофлар бор, биз бунда Ибнул Қойийумнинг таҳқиқларига суяндик.

* * * *

Бадр ғазотидан олдин бўлиб ўтган бу ғазот ва сарийяларнинг бирортасида одамларни ўлдириш, молларини ўлжа қилиш ҳолатлари бўлмади, фақат мушриклар Курз ибн Жобир Фиҳрий бошчилигида қўл урган жиноятдан кейингина бу нарса содир бўлди. Мушрикларнинг ўзлари буни биринчи бўлиб бошлаб бердилар, ундан ташқари уларнинг аввалдан қилиб келаётган қилмишлари ҳам охир-оқибат шунга олиб келди.

Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг сарийясида юз берган воқеадан кейин мушриклар ҳақиқий хавфни ҳис қилишди, хатар уларнинг кўз олдида аниқ-тиниқ кўриниб қолди. Уларнинг қўрқиб юрган ишлари содир бўлди. Маълум бўлдики, Мадина ғоят огоҳлик билан уларнинг ҳар бир хатти ҳаракатларини, тижорат йўналишларини кузатиб, пойлаб турган экан, мусулмонлар тақрибан уч юз мил масофага ҳаракатланишга, уларнинг одамларини ўлдириш ва асир олишга, молларини ўлжа олиб, соғ-саломат уйларига қайтишга қодир эканлар. Мушриклар Шомга бўлган тижоратлари давомий хатар остида қолганига ишонч ҳосил қилишди. Лекин бу нарса уларни ғафлатдан уйғонишга, Жуҳайна ва Бану Зомра қабилалари қилгани каби тузалиш ва ярашиш йўлини тутишга олиб келиш ўрнига адоват ва нафратларини баттар кучайтирди, Қурайшнинг зодагон ва арбоблари илгаридан айтиб

келишаётгани каби мусулмонларни ўз уйларида янчиб ташлаш ҳақидаги таҳдид ва пўписаларини янада қаттиқроқ оҳангда айта бошлашди, уларни Бадрга етаклаб келган нарса ҳам мана шу ҳовлиқмаликлари бўлди.

Абдуллоҳ ибн Жаҳш сарийяси воқеасидан кейин Аллоҳ таоло ҳижрий 2-йил шаъбон ойида мусулмонларга жангни фарз қилди, бу ҳақда очиқ-равшан оятлар нозил қилди:

وَقَـٰتِلُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ يُقَـٰتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾ وَٱقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُم مِّنْ حَيْثُ أَخْرَجُوكُمْ ۚ وَٱلْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ ٱلْقَتْلِ ۚ وَلَا تُقَـٰتِلُوهُمْ عِندَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ حَتَّىٰ يُقَـٰتِلُوكُمْ فِيهِ ۖ فَإِن قَـٰتَلُوكُمْ فَٱقْتُلُوهُمْ ۗ كَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿١٩١﴾ فَإِنِ ٱنتَهَوْا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٩٢﴾ وَقَـٰتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ ٱلدِّينُ لِلَّهِ ۖ فَإِنِ ٱنتَهَوْا۟ فَلَا عُدْوَٰنَ إِلَّا عَلَى ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٩٣﴾

«Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди. Улар (сизлар билан уруш олиб бораётганлар)**ни топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни** (қувиб) **чиқарган жой** (яъни, Макка)**дан уларни ҳам қувиб чиқарингиз!** (Одамларни) **фитнага – солиш ўлдиришдан ёмонроқдир. Ўзлари уруш бошлагунча улар билан Масжид-ал-Ҳаром олдида урушмангиз! Энди, агар ўзлари уруш бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиринглар! Кофирларнинг жазоси шундай бўлади. Энди агар тўхтасалар** (куфрдан кечиб, Исломга кирсалар), **бас, албатта Аллоҳ кечирувчи, раҳмлидир. То фитна тугаб,** (бутун) **дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз! Энди агар тўхтасалар,** (у ҳолда сизлар ҳам тўхтангиз!)**. Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиш мумкин».**

“Бақара” сураси, 190-193-оятлар.

Шундан сўнг ҳеч қанча ўтмай Аллоҳ таоло мусулмонларга жанг қилиш йўлини ўргатувчи, унга тарғиб қилувчи ва уруш ҳукмларидан баъзиларини баён қилиб берувчи бошқа турдаги оятлар нозил қилди:

فَإِذَا لَقِيتُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَضَرْبَ ٱلرِّقَابِ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَثْخَنتُمُوهُمْ فَشُدُّوا۟ ٱلْوَثَاقَ

فَإِمَّا مَنًّۢا بَعۡدُ وَإِمَّا فِدَآءً حَتَّىٰ تَضَعَ ٱلۡحَرۡبُ أَوۡزَارَهَاۚ ذَٰلِكَ وَلَوۡ يَشَآءُ ٱللَّهُ لَٱنتَصَرَ مِنۡهُمۡ وَلَٰكِن لِّيَبۡلُوَاْ بَعۡضَكُم بِبَعۡضٖۗ وَٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَن يُضِلَّ أَعۡمَٰلَهُمۡ ﴿٤﴾ سَيَهۡدِيهِمۡ وَيُصۡلِحُ بَالَهُمۡ ﴿٥﴾ وَيُدۡخِلُهُمُ ٱلۡجَنَّةَ عَرَّفَهَا لَهُمۡ ﴿٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ ﴿٧﴾

«Бас, (эй мўминлар), **қачон сизлар** (жанг майдонида) **кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз – ўлдирингиз! Энди қачон уларни**(нг кўпларини) **қириб** (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) **арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё** (уларни озод қилиб юбориш билан) **марҳамат кўрсатурсизлар ё** (уларни қўйиб юбориш учун) **фидя-товон олурсизлар. Токи уруш юкларини қўйгунича** (яъни тўхтагунича сизларга буюрилган иш) **мана шудир. Агар Аллоҳ хоҳласа улардан** (жанг-жадалсиз ҳам) **ғолиб бўлур** (яъни, уларни йўқ қилиб юборур) **эди, лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун** (сизларни жангга буюрди). **Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кетказмас. Уларни** (жаннат йўлига) **ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар. Уларни** (Аллоҳнинг) **Ўзи уларга танитган жаннатга киритур. Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар** (яъни, Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), **У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур»**.

“Муҳаммад” сураси, 4-7-оятлар.

Кейин Аллоҳ таоло жангга бўлган буйруқни эшитиб, юраклари қалтираб, бесаранжом бўлиб қоладиган одамларни мазаммат қилди:

... فَإِذَآ أُنزِلَتۡ سُورَةٞ مُّحۡكَمَةٞ وَذُكِرَ فِيهَا ٱلۡقِتَالُ رَأَيۡتَ ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٞ يَنظُرُونَ إِلَيۡكَ نَظَرَ ٱلۡمَغۡشِيِّ عَلَيۡهِ مِنَ ٱلۡمَوۡتِۖ فَأَوۡلَىٰ لَهُمۡ ﴿٢٠﴾

«...Энди, қачон аниқ бир сура нозил қилиниб, унда жанг зикр этилса, дилларида мараз бўлган кимсаларни, сизга худди (келиб қолган) **ўлимдан** (қўрқиб) **беҳуш бўлиб қолган кимсанинг қараши билан қарашаётганини кўрурсиз».** “Муҳаммад” сураси, 20-оятдан.

Жангнинг фарз қилиниши, унга тарғиб қилиниш ва унга ҳозирланишга бўлган буйруқ айнан ўша пайтдаги ҳолат тақозо қилган иш эди. Агар фаразан ўша жойда вазиятни чуқур ўрганган бир қўмондон бўлганида ўз лашкарига албатта фавқулодда ҳолатларга

тайёрланишга буюрган бўларди. Шундай экан, ҳамма нарсани билиб турувчи, ҳаммадан олий бўлган буюк Парвардигор қандай қилиб бунга буюрмасин?! Вазият ҳақ билан ботил ўртасида қонли кураш бўлишини тақозо қилаётганди. Абдуллоҳ ибн Жаҳш сарийяси воқеаси мушрикларнинг ўжарлик ва ҳамиятларига қақшатқич зарба бўлиб тушди, уларнинг бутун вужудларидан оромларини тортиб олиб, худди чўғ устида думалаётган ҳолга тушириб қўйди.

Жангга буюрувчи оятлар ўз мазмун моҳиятига кўра қонли курашнинг яқинлашганига, унда узил-кесил ғалаба мусулмонлар фойдасига бўлишига далолат қиларди. Чунки, уларда Аллоҳ таоло мусулмонларга мушриклар уларни қаердан чиқарган бўлсалар, уларни ҳам ўша ердан чиқаришни буюрар, уларга ғолиб лашкар асирларга нисбатан қўллаши лозим бўлган ҳукмларни таълим берар эди. Буларнинг ҳаммаси узил-кесил ғалаба мусулмонларники бўлишига ишора эди. Бироқ, ҳар бир киши ўзидаги Аллоҳ йўлида бўлган ғайрат-шижоатини юзага чиқариши учун буни очиқ айтилмаганди.

Ана шу кунларда – 2-ҳижрийнинг шаъбони, 624 мелодийнинг февралида – Аллоҳ таолонинг қиблани Байтул-Мақдисдан Масжидул-Ҳаромга ўзгартиришга бўлган буйруғи нозил бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ мусулмонлар сафига беқарорлик таратиш мақсадида кириб олган яҳуд ва мунофиқлардан иборат заиф иймонли кишилар ўзларининг ҳақиқий башараларини намоён қилишиб, мусулмонлардан ажралиб кетишди, шу билан мусулмонларнинг сафлари кўпгина алдов ва хиёнат аҳлидан тозаланиб қолди.

Қибланинг ўзгаришида ҳам мусулмонлар мазкур қиблани қўлга киритишлари билангина якунига етадиган янги даврнинг бошланишига нозик ишора бўлса керак. Зотан, бир қавмнинг қибласи душманлари қўли остида бўлиши қизиқ эмасми?! Агар ҳақиқатан душман қўлида бўларкан, мусулмонлар ҳақ устида бўлсалар, ўз қиблаларини бир куни келиб албатта халос қилишлари лозим ва лобид эди.

Мана шундай буйруқ ва ишоралар билан мусулмонларнинг ғайратларига ғайрат қўшилди, Аллоҳ йўлидаги жиҳодга, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун кечадиган ҳал қилувчи жангда душман билан юзма-юз келишга иштиёқлари кучайди.

КАТТА БАДР ЖАНГИ – ИСЛОМДАГИ ДАСТЛАБКИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГ

Жангнинг келиб чиқиш сабаби

Маълумки, Ушайра ғазотида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайшнинг Маккадан Шомга бораётган карвонига етолмай қолгандилар. Мазкур карвоннинг Шомдан қайтиш вақти яқинлашгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Талҳа ибн Убайдуллоҳ билан Саид ибн Зайдни унинг хабарини билиб келишга шимол томонга

юбордилар. Улар Ҳаврога бориб кутиб туришганида Абу Суфён ибн Ҳарб карвонни олиб ўтиб қолди. У иккаласи тезлик билан Мадинага қайтиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказдилар.

Карвонда Макка киборлари ва бошлиқларига қарашли улкан бойликлар бўлиб, у камида эллик минг олтин динорли мол ортилган мингта туядан иборат эди. Уни бор йўғи қирқтача қуролли кишилар қўриқлаб боришарди.

Бу мусулмонлар маккаликларга асрлар бўйи оғриғи кетмайдиган қақшатғич иқтисодий зарба беришлари учун ғоят қулай фурсат эди. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу Қурайшнинг бор мол-мулки ортилган карвони, уни қўлга киритиш учун отланинглар, шояд Аллоҳ уни сизларга ўлжа қилиб берса»,** деб эълон қилдилар.

Ҳеч кимни чиқишга қатъий буюрмадилар, балки ишни тўла ихтиёрийликка қўйдилар. Чунки, ўзлари ҳам карвон ўрнига Бадрда Макка лашкари билан аёвсиз тўқнашувга дуч келишларини кутмагандилар. Шу боис кўпчилик саҳобалар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу юришлари ҳам худди ўтган сарийя ва ғазотларда бўлганидек воқеалар билан якунланса керак, деган ўйда Мадинада қолиб кетдилар. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни бу ғазотдан қолишларини айбламадилар.

Ислом лашкарининг кучи ва лашкарбошилар тайинланиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 310 дан ошиқрок (313 ё 314 ё 317 киши, 82 ё 83 ё 86 таси муҳожирлардан, 61 та авслик, 170 та хазражликдан иборат) киши билан юришга ҳозир бўлдилар. Бу юришга қаттиқ сафарбарлик бўлмади, тўлақонли тайёргарлик ҳам кўрилмади. Лашкар ичида бор йўғи битта ё иккита от бўлиб, биттаси Зубайр ибн Аввомники, иккинчиси Миқдод ибн Асвад*ники эди, етмишта туяга икки ё уч кишидан бўлиб миниб боришарди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ҳамда Марсад ибн Аби Марсад билан битта туяга миниб боришарди.

Бу ҳақда Абу Яъло «Муснад»ида 1/242 (280ҳ), 1/260 (305ҳ), шунингдек имом Аҳмад «Муснад»ида 1/125, 138 ривоят қилган.

Мадинага бошлиқ ва намозга имом қилиб Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни қолдирдилар. Равҳога етганларида Абу Лубоба ибн Абдулмунзирни ортига, Мадинага бошлиқ қилиб қайтардилар.

Бош қўмондонлик байроғини Мусъаб ибн Умайр Қураший Абдарийга бердилар, байроқ оқ рангда эди.

Лашкарни икки қисмга бўлдилар:

1. Муҳожирлар бўлинмаси. Унинг байроғини Али ибн Аби Толибга бердилар, бу байроқни «Уқоб», дейиларди.

2. Ансорлар бўлинмаси. Унинг байроғини Саъд ибн Муозга

бердилар. (Ҳар икки байроқ қора рангда эди).

Ўнг қанот қўмондонлигини Зубайр ибн Аввомга, чап қанотни эса Миқдод ибн Амрга топширдилар, айтиб ўтганимиздек, лашкар ичидаги бор йўғи отлиқлар шу иккисигина эди. Орқа тарафни эса Қайс ибн Абу Саъсаъага топширдилар. Умумий қўмондонлик бош қўмондон сифатида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида қолди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши тайёргарликдан ўтмаган ушбу лашкар билан йўлга отландилар. Мадинадан чиқиб, Маккага олиб борувчи асосий йўлга тушиб олдилар. Равҳо қудуғига етиб боргач, Макка йўлини қўйиб, чапга бурилдилар. Нозиядан ўтиб, Бадр томонга йўл олдилар. Нозия билан Сафро дараси ўрталиғидаги Руҳқон водийсидан ўтиб, Сафрога яқинлашдилар. Шу ерда Басбас ибн Амр Жуҳаний билан Адий ибн Абуз-Зағбо Жуҳанийни Бадрга, карвон хабарини билишга юбордилар.

Макканинг огоҳлантирилиши

Карвондан жавобгар шахс бўлмиш Абу Суфён ғоят эҳтиёткорлик ва огоҳлик билан ҳаракат қилаётган, Макка йўли хатарлар билан тўла эканлигини билгани боис йўл-йўлакай қарши тарафдан келаётган йўловчилардан сўраб-суриштириб, хабарларни билиб келаётган эди. Табиийки, унга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларини унинг карвонини қўлга киритишга сафарбар қилаётганлари хабари ҳам етмай қолмади. Шундан сўнг у Зомзом ибн Амр Ғифорий деган шахсни чопарликка ёллаб, Қурайшни ўз карвонини қутқариш учун етиб келишга чорлади. Зомзом тўхтовсиз юриб Маккага етиб борди ва Батни Водийда туяси устида тик турган ҳолда, туясининг бурнини кесиб, эгарини айлантириб, ёқасини йиртиб: «Эй Қурайш жамоаси! Фалокат! Фалокат! Абу Суфённинг карвонига Муҳаммад асҳоблари билан кўз олайтирди! Молларингиз қўлдан кетди, деб қўрқаман! Ёрдамга, ёрдамга!» деб фарёд кўтарди.

Макка аҳли урушга ҳозирланади

Қурайш тезлик билан жангга ҳозирланди, бақир-чақир билан: «Муҳаммад билан асҳоблари иш Ибн Хазрамийнинг карвони билан бўлгандек ҳамирдан қил суғургандек битади, деб хом хаёл қилишяптими?! Йўқ, ҳаргиз ундай бўлмайди! Биз унга кимлигимизни кўрсатиб қўямиз!», деб шовқин кўтаришди. Ҳеч ким қолмасдан, ё ўзи чиқди ё ўрнига бировни юборди. Қабила бошлиқларидан Абу Лаҳабдан бошқа ҳамма йўлга отланди, ёлғиз у ўзидан қарздор бўлган бир кишини ўз ўрнига юборди. Атроф қабилалардан ҳам одам тўплашди. Қурайш уруғларидан бир Бану Адий чиқишга хоҳиш билдирмади, улардан бошқа ҳеч ким чиқмай қолмади.

Макка лашкарининг қуввати

Лашкар йўлга отланганида унинг таркибида 1300 жангчи, 100 та от, 600 та совут, саноқсиз кўп туялар бор эди. Абу Жаҳл «Ибн Ҳишом»,

бош қўмондон бўлди, лашкарнинг сарф-харажатини Қурайш киборларидан тўққиз киши ўз бўйнига олганди, бир кун тўққизта, бир кун ўнта туя сўйиларди.

Бану Бакр қабиласи муаммо туғдиради

Лашкар йўлга тушишга тайёр бўлиб турган бир пайтда Бану Бакр қабиласи билан адовати борлиги ва улар билан уруш ҳолатида экани Қурайшнинг ёдига тушиб қолди, орқа тарафдан ушбу қабиланинг ҳужумига дучор бўлиб, икки ўт ўртасида қолиш хавфи пайдо бўлди. Ҳатто бу қўрқув уларни йўлга чиқишдан буриб юбораёзди. Бироқ, шунда Иблис уларга Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум (Бану Кинона саййиди) суратида кўриниб: «Мен сизларни орқа тарафдан бирон муаммога дуч келишингиздан ҳимоя қиламан», деди.

Макка лашкари йўлга тушади

Шундан сўнг улар диёрларидан Аллоҳ таоло айтгани каби:

...كَٱلَّذِينَ خَرَجُواْ مِن دِيَٰرِهِم بَطَرٗا وَرِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۚ ...﴿٤٧﴾

«...кибру ҳаво билан ўзларини одамларга кўз-кўзлаб чиққан ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган кимсалар...» (“Анфол” сураси, 47-оятдан) бўлиб чиқишди, бор кучларини йиғиб Аллоҳу Росулига қарши жангга отланишди, уларни ўз карвонларига ҳужум қилмоқчи бўлган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг асҳобларига қарши чексиз адоват ва нафрат ўраб олганди.

Шимол томонга Бадр йўналишида катта тезлик билан ҳаракатлана бошладилар, аввал Усфон водийсини, сўнг Қудайдни босиб ўтиб, Жуҳфага етиб бордилар. Шу ерда уларга Абу Суфёндан мактуб етиб келди, унда: «Сизлар албатта карвонингиз, молларингиз ва одамларингизни қутқариш учун чиқдингиз, бироқ уларга Аллоҳнинг ўзи нажот берди. Энди сизлар ортингизга қайтаверинглар», дейилганди.

Карвон қутулиб кетди

Бу воқеа шундай бўлганди: Абу Суфён асосий йўлда юриб борар, бироқ огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, разведка ҳаракатларини кучайтирган ҳолда борарди. Бадрга яқинлашгач, карвондан илгарилаб кетди ва Маждий ибн Амрга дуч келди. Ундан Мадина лашкари ҳақида сўраган эди: «Бирон шубҳали одамга кўзим тушмади, фақат икки киши туяларини анови тепаликка чўктириб, мешларига сув тўлдириб кетишганини кўрдим», деган жавоб эшитди. Абу Суфён шошганича ўша айтилган жойга борди, туянинг тезакларини титиб, ичидан чиққан хурмо данакларига тикилиб: «Қасамки, бу Ясрибнинг еми», деди. Сўнг тезлик билан карвон ёнига қайтиб, унинг бошини Бадрнинг чап тарафидан ўтувчи асосий йўлдан ғарбга, денгиз соҳили тарафга қараб бурди. Шу сабабли карвон Мадина лашкари қўлига тушишдан қутулиб қолди.

Макка лашкарининг ортга қайтмоқчи бўлиши ва лашкар ичида бўлиниш содир бўлиши

Ҳалиги мактубни олгач, Макка лашкари ортга қайтишга қасд қилди. Бироқ Қурайшнинг энг катта зўравони Абу Жаҳл такаббурлик ва калондимоғлик билан: «Йўқ, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, Бадрга етиб бориб, у ерда уч кун турамиз, туялар сўйиб, зиёфатлар уюштирамиз, ўйин-кулги қиламиз. Араблар бизнинг бу жамоамиз ва юришимиз ҳақида эшитиб, умрбод биздан ҳайбатланиб юришсин», деди.

Абу Жаҳлга қарши ўлароқ Ахнас ибн Шурайқ ортга қайтишни маслаҳат берди. Сўзи инобатга олинмагач, унинг ўзи лашкар ичидан ўз қўл остидаги уч юз кишилик Бану Зуҳра қабиласини ажратиб олиб, ортга қайтиб кетди. Шундай қилиб, Бадр жангида биронта ҳам Бану Зуҳралик иштирок этмади. Кейинчалик Бану Зуҳра бу иши учун Ахнас ибн Шурайқдан кўп миннатдор бўлди ва у улар ичида катта шарафга эга бўлди.

Бану Ҳошим ҳам қайтиш истагини билдирганди, Абу Жаҳл уларга қаттиқ тегди ва: «То Маккага қайтгунимизча биздан ажралмайсизлар», деди.

Шундай қилиб, Бану Зуҳра қайтиб кетганидан кейин Макка лашкари минг кишидан иборат жангчиси билан Бадрга қараб юришда давом этди ва Бадр яқинидаги Бадр водийси ҳудудида, Удватул-Қусвода жойлашган бир тепалик ортига келиб тўхтади.

Ислом лашкарининг танглик ҳолатида тутган йўли

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали йўлда, Зафирон водийсида эканларида карвоннинг қутулиб кетгани ва Макка лашкарининг келаётгани хабари етиб келди. Хабарларни синчиклаб ўргангач, қонли тўқнашувни четлаб ўтиш иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилдилар, журъат ва шижоат, жасорат ва матонат билан жангга кириш шарт, деган хулосага келдилар. Чунки, Макка лашкарини бу минтақада намойишкорона кезиб юришига йўл қўйиб бериш, шубҳасиз, Қурайшнинг ҳарбий обрў-эътибори ортишига, сиёсий нуфузи юксалишига, шу билан бир қаторда мусулмонларнинг ҳайбатлари йўқолишига ва нуфузлари заифлашишига олиб келар ва ҳатто Исломий ҳаракат бу воқеадан кейин жонсиз жасадга ўхшаб қолиши, минтақада Исломга нафрат ва адовати бўлган ҳар ким унга ёмонлик қилишга журъат қилаверадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин эди.

Қолаверса, Макка лашкарининг урушни узил-кесил тамомига етказиб қўйиш ва мусулмонларни ўз уйларида янчиб ташлаш мақсадида Мадина сари йўлни давом эттиришдан тўхталишига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Шундай аҳволда агар Мадина лашкари ортга чекинса, бу мусулмонларнинг ҳайбати ва обрў-эътиборига катта путур етказиши мумкин эди.

Маслаҳатлашув мажлиси

Воқеаларнинг бу тарзда кескин ривожланишини кўриб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олий ҳарбий кенгаш ўтказиб, унда юзага келган аҳволни муҳокама қилдилар ва умуман лашкарнинг ва хусусан

қўмондонларнинг фикрларини ўргандилар. Айрим кишиларнинг қалблари қўрқувдан қалтираб қолган, қонли урушга юраклари дов бермаётганди. Улар ҳақида Аллоҳ таоло айтади:

كَمَآ أَخْرَجَكَ رَبُّكَ مِنۢ بَيْتِكَ بِٱلْحَقِّ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ لَكَٰرِهُونَ ﴿٥﴾

يُجَٰدِلُونَكَ فِى ٱلْحَقِّ بَعْدَ مَا تَبَيَّنَ كَأَنَّمَا يُسَاقُونَ إِلَى ٱلْمَوْتِ وَهُمْ يَنظُرُونَ ﴿٦﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **бу** (ўлжа тақсимотида чиққан можаро) **худди мўминлардан бир гуруҳи** (урушни) **аниқ ёмон кўриб турган ҳолларида, Парвардигорингиз ҳақ ҳукм билан сизни уйингиздан** (жанггоҳга) **чиқарганига ўхшайди.** (Ўшанда) **улар гўё кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек, сиз билан аниқ-равшан бўлган ҳақиқат** (яъни, урушга чиқиш) **тўғрисида баҳслашган эдилар».** "Анфол" сураси, 5-6-оятлар.

Лашкар ичидаги нуфузли кишиларга келсак, энг аввал Абу Бакр розияллоҳу анҳу туриб, яхши галарни гапирди. Кейин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу туриб, у ҳам яхши гапларни гапирди. Сўнгра Миқдод ибн Амр розияллоҳу анҳу туриб: «Ё Росулуллоҳ, Аллоҳ нимага йўлласа, шуни қилинг, биз сиз билан биргамиз. Аллоҳга қасамки, биз сизга Бану Исроил Мусога айтганидек:

... فَٱذْهَبْ أَنتَ وَرَبُّكَ فَقَٰتِلَآ إِنَّا هَٰهُنَا قَٰعِدُونَ ﴿٢٤﴾

«...Боргин, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан урушаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб (кутурмиз)**»** ("Моида" сураси, 24-оятдан), демаймиз, балки: «Боринг, сиз ва Парвардигорингиз улар билан урушинглар, биз ҳам сизлар билан бирга урушамиз», деймиз. Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, агар сиз бизни Баркил-Ғимодга етаклаб борсангиз-да, биз сизнинг ортингиздан қолмаймиз», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бу сўзларидан мамнун бўлиб, ҳаққига дуо қилдилар.

Бироқ, уларнинг ҳар уччаласи муҳожирлардан, муҳожирлар эса лашкарда озчиликни ташкил қиларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансор бошлиқларининг фикрларини билишни истадилар. Чунки, улар лашкарнинг асосини ташкил этар, жангнинг оғирликлари асосан улар зиммасига тушарди. Қолаверса, Ақабада тузилган битим бандлари уларга ўз диёрларидан ташқарида жанг қилиш мажбуриятини юкламас эди. Шу боис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур уч кишининг сўзларидан сўнг, ансорларни назарда тутиб, яна: **«Менга ўз фикрингизни билдиринг, эй одамлар!»,** деб хитоб қилдилар. Ансорларнинг бошлиғи ва байроқдори Саъд ибн Муоз буни сезди ва: «Ё Росулуллоҳ, англашимча, сиз бизни назарда

тутаётганга ўхшайсиз?», деди.

«Ҳа», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Шунда у деди: «Биз сизга иймон келтирганмиз, сизни тасдиқлаганмиз, сиз келтирган диннинг ҳақлигига гувоҳлик берганмиз, сизга қулоқ тутиш ва итоат қилишга аҳд берганмиз. Шундай экан, ё Росулуллоҳ, истаган ишингизни қилинг. Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, бизни мана бу денгиз ёнига олиб бориб, унга ўзингизни ташласангиз, биздан бирон киши қолмай, ҳаммамиз сизнинг ортингиздан ўзимизни унга ташлаймиз. Истасангиз бизни эртагаёқ душманга рўпара қилинг, биздан бирон норозилик кўрмайсиз. Биз урушда матонатли, тўқнашувда содиқ-хиёнатсиз кишилармиз. Шояд, Аллоҳ биз томонимиздан сизни хурсанд қиладиган ишларни кўрсатса. Аллоҳнинг баракоти билан бизни олға бошлайверинг».

Бир ривоятда айтилишича, Саъд ибн Муоз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга деди: «Балки, сизни ансорлар ўз диёрларидан ташқарида сизга ёрдам бермасликка ўзларини ҳақли, деб кўришлари ташвишга солаётгандир? Агар шундай бўлса, мен бутун ансорлар номидан жавоб бериб айтаманки, истаган тарафингизга юринг, истаган кишиларингиз билан алоқа тикланг, истаган кишиларингиздан алоқани узинг, молларимиздан истаганингизча олинг, истаганингизча бизга беринг, биздан олганингиз биз учун қолдирганингиздан яхшироқ, бизни нимага буюрсангиз, бизнинг ишимиз фақат сизга итоат қилишдир. Аллоҳга қасамки, сиз шу юришда бизни Ғимдоннинг Баркига олиб кетсангиз ҳам, биз сиздан қолмаймиз. Аллоҳга қасамки, агар сиз бизни мана шу денгизга рўпара қилиб, унга шўнғисангиз, биз ҳам сиз билан бирга шўнғиймиз».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъднинг сўзларидан хурсанд бўлдилар, бу сўзлар у зотнинг руҳларини кўтариб юборди. Шундан сўнг: **«Йўлга тушинглар ва хурсанд бўлинглар! Аллоҳ таоло менга икки гуруҳдан бирини ваъда қилди. Аллоҳга қасамки, мен ҳозир** (мушрик) **қавмнинг ҳалокат ўринларини гўё кўз билан кўриб турибман»,** дедилар.

Ислом лашкари йўлда давом этади

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зафирондан қўзғалиб, «Асофир» (сариқтепалар) деб номланган тепаликларни босиб ўтиб, «Даббаҳ» деган юртга етдилар, «Ҳаннон» деб аталувчи баланд қумтепани ўнг томонда қолдириб, Бадр яқинида тўхтадилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳолатни ўрганадилар

Ўша жойда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яқин дўстлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан бирга аҳволни ўрганиш мақсадида атрофни айланиб чиқдилар. Макка лашкари қароргоҳи атрофида айланиб юрганларида бир қарияга дуч келдилар ва ундан Қурайш ҳақида, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва асҳоблари ҳақида нима хабарлар эшитгани тўғрисида сўрадилар, унда

шубҳа туғдирмаслик учун ҳар икки лашкар ҳақидаги хабарлардан сўраб кўрдилар. Лекин қария: «Сизлар кимдан эканингизни айтмагунингизча ҳеч нарса айтмайман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аввал сиз айтинг, кейин биз айтамиз»,** дедилар. «Демак, хабар алмашамиз экан-да», деди қария. **«Ҳа, шундай»,** дедилар.

Қария: «Менга етган хабарга кўра, Муҳаммад ва унинг асҳоблари фалон куни йўлга чиқишган. Агар шу хабар тўғри бўлса, улар ҳозир фалон жойга (Мадина лашкари келиб тушган жой номини айтди) етган бўлади, Қурайш эса фалон куни йўлга чиққан, шу хабар тўғри бўлса, улар ҳозир фалон жойга (Қурайш лашкари тушган жойни айтди) келган бўлади», деди.

Сўнгра: «Энди айтинглар, сизлар кимдансизлар ўзи?», деб сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз сувданмиз»,** дедилар, сўнг бурилиб кетдилар. Қария: «Қайси сувдан? Ироқ сувлариданми?», деганча қолаверди.

Макка лашкари ҳақида муҳим маълумотларнинг қўлга киритилиши

Шу куни кечга бориб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман ҳақида маълумот йиғиш учун яна одам юбордилар. Бу иш учун муҳожирларнинг раҳбарларидан уч кишини – Али ибн Аби Толиб, Зубайр ибн Аввом ва Саъд ибн Аби Ваққосни танладилар ва уларга бир неча кишини ҳамроҳ қилиб бердилар. Улар Бадр сувига (қудуғига) бориб, иккита болани Макка лашкари учун сув олаётганини кўрдилар. Уларни ушлаб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига олиб келдилар. Келганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётган эканлар. Бошқалар у икки болани сўроққа тутдилар. Улар: «Биз Қурайшнинг сув ташувчиларимиз, сувга юборилгандик», дейишганди, уларнинг сўзларига ишонмасдан калтакладилар. Чунки, уларнинг Абу Суфёнга қарашли болалар бўлиб чиқишини исташган, қавмнинг дилида ҳали ҳам карвонни қўлга киритиш истаги сўнмаганди. Калтак зарбига чидаёлмасдан: «Ҳа, Биз Абу Суфёнга қарашлимиз», дейишганди, тек қўйишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларидан фориғ бўлгач, уларга танбеҳ оҳангида: **«Тўғри гапиришса урдинглар, ёлғон айтишганда тек қўйдинглар. Бу иккиси тўғри айтди, улар Қурайшга қарашли»,** дедилар.

Сўнг болалардан Қурайш ҳақида сўрадилар. «Улар Удватул-Қусвода, кўриб турганингиз мана бу тепалик ортида», деб жавоб беришди. **«Уларнинг сони қанча?»,** деб сўрадилар. «Кўп», деб жавоб беришди. **«Қурол-аслаҳалари-чи?»,** деб сўрадилар. «Билмаймиз», дейишди. **«Кунига нечтадан туя сўйишаяпти?»,** деб сўрадилар. «Бир кун тўққизта, бир кун ўнта», дейишди. **«Уларнинг сони тўққиз юзтадан мингтагача экан»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам, сўнг улардан: **«Лашкарда Қурайш киборларидан кимлар бор?»,** деб сўрадилар. Улар Утба ибн Рабиъа, Шайба ибн Рабиъа, Абул-Бахтарий ибн Ҳишом, Ҳаким ибн Ҳизом, Навфал ибн Хувайлид, Ҳорис ибн Омир, Туайма ибн Адий, Назр ибн Ҳорис, Замъа ибн Асвад, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Умайя ибн Халаф ва бошқалар номини тилга олдилар.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга юзланиб: **«Макка оёқларингиз остига ўзининг жигарпораларини** (яъни, аслзодаларини) **ташлабди»,** дедилар.

Ёмғир ёғиши

Аллоҳ азза ва жалла шу кеча шундай бир ёмғир ёғдирдики, у мушрикларга катта бало бўлиб, (турган ўринлари балчиққа айланиб) ўринларидан қимирлатмай қўйди, мусулмонлар учун эса раҳмат ёмғири бўлиб, улардан шайтоннинг васвасаларини ювиб кетди ва ерни улар учун юришга қулай қилиб қўйди, қумлар қотиб, оёқлар ботиб кетмайдиган бўлиб қолди.

Ислом лашкари муҳим (стратегик) **нуқталарни эгаллайди**

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушриклардан илгарироқ Бадр сувларига етиб бориб, уларни сувни эгаллаб олишдан тўсиб қўйиш учун лашкарни қўзғотдилар ва кечга бориб, Бадрнинг энг яқин қудуғи олдига бориб тушдилар. Шунда Ҳубоб ибн Мунзир ҳарбий мутахассис сифатида у зотга мурожаат қилиб: «Ё Росулуллоҳ, сиз шу жойга тушишни маъқул кўрдингизми? Бу ерга тушишни Аллоҳ сизга буюрган бўлиб, биз бу ердан бошқа жойга тушишга ҳақли эмасмизми ёки бу шахсий фикр, ҳарб режаси ва уруш стратегиясими?» деб сўради. **«Йўқ, бу шахсий фикр, ҳарб режаси ва уруш стратегиси»,** деб жавоб бердилар. «Ё Росулуллоҳ, ундай бўлса, бу маъқул жой эмас. Фикримча, одамларни бу ердан қўзғотиб, Қурайшга энг яқин бўлган сув бўйига тушсак-да, орқадаги қудуқларни кўмиб ташласак, сўнг бир ҳовуз қилиб, унга сув тўлдириб олсак, кейин жангга кирсак, шунда биз сув ича оламиз, душман сувдан маҳрум бўлади», деди. **«Тўғри маслаҳат бердингиз»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Сўнг лашкарни душманга энг яқин бўлган сув ёнига олиб кетдилар. У ерга ярим тунда етиб бордилар. Сўнгра ҳовузлар қилиб, сув тўлдириб олдилар ва бошқа қудуқларни кўмиб ташладилар.

Қўмондонлик қароргоҳи

Мусулмонлар сув бўйига тушиб, ўрнашиб олганларидан сўнг Саъд ибн Муоз фавқулода ҳолатларни кўзда тутиб ва нафақат ғалабани, балки мағлубиятни ҳам ҳисобга олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бошқарув қароргоҳи қилиш таклифи билан чиқди, «Ё Росулуллоҳ, сизга бир чодир қуриб берсак ва от-уловингизни тахт қилиб, кейин жангга кирсак. Агар Аллоҳ бизни душманимиздан ғолиб қилса, айни муддао. Бироқ, иш бошқачасига айланиб кетса, сиз

уловингизга миниб, ортда қолган қавмимизга бориб қўшилардингиз. Ё Росулуллоҳ, ортимизда шундай кишилар қолганки, улар сизни биздан кўра ҳам кўпроқ яхши кўришади. Агар улар уруш учун чиқаётганингизни билишса, асло қолиб кетмаган бўлишарди. Аллоҳ улар билан сизни ҳимоя қилади, улар сизга садоқат кўрсатишади ва сиз билан жиҳод қилишади», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўзларидан мамнун бўлиб, ҳаққига дуо қилдилар. Мусулмонлар жанггоҳнинг шимоли шарқий томонидаги, жанг майдони аниқ кўриниб турадиган бир тепаликка чодир тикдилар. Шу билан бирга, Саъд ибн Муоз бошчилигидаги ансор йигитларидан бир гуруҳи у зотни қароргоҳлари атрофида қўриқлаб турадиган бўлди.

Қўшинни жангга ҳозирлашлари ва тунни ўтказишлари

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкар тайёргарлигини кўздан кечирдилар.

”Жомеъут-Термизий”, ”Жиҳод ҳақидаги боблар”, 1/201.

Бўлажак жанг майдонида юриб, қўллари билан ишора қилиб: **«Иншоаллоҳ, мана бу ер фалончининг эртага ҳалок бўладиган ўрни, мана бу ер эса фалончининг ҳалок бўладиган ўрни»,** дердилар.

Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, қаранг: ”Мишкотул-масобиҳ”, 2/543.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тунни ўша ердаги бир дарахт танасига юзланиб намоз ўқиб ўтказдилар.

Мусулмонлар хотиржам, эртанги кунга ишонч билан, қалблари иймонга тўлиқ ҳолда тунни ўтказдилар, эрта тонг Парвардигорлари берган хушхабарга шоҳид бўлиш умидида ётиб, уйқуга чўмдилар:

إِذۡ يُغَشِّيكُمُ ٱلنُّعَاسَ أَمَنَةً مِّنۡهُ وَيُنَزِّلُ عَلَيۡكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً لِّيُطَهِّرَكُم بِهِۦ

وَيُذۡهِبَ عَنكُمۡ رِجۡزَ ٱلشَّيۡطَٰنِ وَلِيَرۡبِطَ عَلَىٰ قُلُوبِكُمۡ وَيُثَبِّتَ بِهِ ٱلۡأَقۡدَامَ ﴿١١﴾

«(Эй мўминлар), **ўшанда хотиржам бўлишингиз учун сизларни Ўз тарафидан уйқуга чўмдирган ва поклаш, сизлардан шайтон васвасасини кетказиш учун, сизларни якдил ва собитқадам қилиш учун устингизга самодан сув – ёмғир ёғдирган эди».**

“Анфол” сураси, 11-оят.

Ушбу кеча ҳижратнинг иккинчи йили рамазон ойининг ўн еттинчиси, жума кечаси эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинадан чиқишлари шу ойнинг саккизинчи ёки ўн иккинчисида бўлганди.

Макка қўшинининг жанг майдонидаги аҳволи, улар ичида келишмовчилик чиққанлиги

Қурайш тунни Удватул-Қусводаги қўналғасида ўтказди. Тонг отгач,

улар ҳам тепаликдан Бадр водийсига тушиб келишди. Бир нечталари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовузларига қараб юришди. У зот: **«Майли, қўяверинглар»,** дедилар. Ўша куни улардан ким сув ичган бўлса, ҳаммаси ўлдирилди. Ҳаким ибн Ҳизомгина ўлимдан қутулиб қолди, у кейинчалик Исломни қабул қилиб, мусулмончилиги гўзал бўлди ва қачон қасам ичса: «Бадр куни мени (ҳалокатдан) қутқарган Зотга қасамки», деб қасам ичарди.

Қурайш ўрнашиб олгач, Умайр ибн Ваҳб Жумаҳийни Мадина лашкарининг кучлари ҳақида маълумот йиғиб келишга юборди. Умайр отига миниб лашкаргоҳни айланиб чиқди, қайтиб келиб: «Улар уч юз киши, бир оз камроқ ё ошиқроқ бўлишлари ҳам мумкин. Озгина сабр қилсангиз, мен уларнинг пистирмада одамлари ёки қўшимча кучлари бор-йўқлигини билиб келаман», деди. Водийнинг ичкарироқларига бориб келгач: «Ҳеч нарса топмадим. Лекин, эй қурайшликлар, мен кўрдимки, Ясриб туялари ўзлари билан ажал олиб келмоқда. Қавмнинг қиличларидан бошқа суянадиган ва ҳимояланадиган нарсаси йўқ. Аллоҳга қасамки, афтидан улардан ҳар бири ҳеч бўлмаганда сизлардан бир кишини ўлдирмагунча ўлмайди. Агар улар сизларнинг сафларингизга талафот еткизгудек бўлишса, шундан кейин сизлар учун яшашдан ҳаловат қоладими?! Яна ўзингиз ўйлаб кўринг», деди.

Шундан кейин урушишни қаттиқ туриб талаб қилаётган Абу Жаҳлга қарши иккинчи бор, урушсиз Маккага қайтишга чақирувчи муораза (мухолафат) юзага келди. Ҳаким ибн Ҳизом одамлар ичида айланиб, Утба ибн Рабиъа ёнига борди ва унга: «Эй Абул Валид, сиз Қурайшнинг пешвоси ва саййидисиз, сизга кўпчилик итоат қилади. Умрбод яхшилик билан тилга олинишни истайсизми?», деди. У: «Нима қилинг дейсиз, эй Ҳаким?», деди. «Одамларни қайтариб кетинг, Нахла сарийясида ўлдирилган иттифоқчингиз Амр ибн Ҳазрамийнинг ишини ўз бўйнингизга олинг», деди. Утба: «Майли, шундай қилганим бўлсин, у менинг иттифоқчим эди, хун пули ҳам, молига етган зарар ҳам менинг бўйнимга», деди.

Сўнг Утба Ҳаким ибн Ҳизомга: «Сиз Ибн Ҳанзалия (яъни, Абу Жаҳл, Ҳанзалия унинг онасининг исми) олдига боринг, ундан бошқа биронтаси бу тўғрида жанжал чиқаради, деб ўйламайман», деди.

Сўнг Утба ибн Рабиъа хитоб қилиб деди: «Эй Қурайш жамоаси, қасам ичиб айтаманки, сизлар Муҳаммад ва унинг асҳоблари билан олишиб ҳеч нарсага эришмайсиз. Қасамки, агар уларга талафот етказган тақдирингизда ҳам ўрталарингизда нафрат ошиб, кимдир амакиваччасининг, кимдир холаваччасининг, яна кимдир қайсидир қариндошининг қотилига айланиб, қариндошлар бир-бирини умрбод ёмон кўриб юришига шубҳа йўқ. Орқангизга қайтинг, Муҳаммадни бошқа арабларга қўйиб беринг. Агар уни мағлуб этишса, бу сизлар учун айни муддао бўлади. Борди-ю иш аксинчасига айланса, у сизларни ўзига бирон зиён етказмаган, деб топади».

Ҳаким ибн Ҳизом Абу Жаҳлнинг ёнига борди. У совутини кийишга тайёрлаётган эди ва унга: «Эй Абул Ҳакам, Утба мени шундай-шундай гап билан юборди», деди. Шунда Абу Жаҳл: «У Муҳаммад билан унинг асҳобларини кўриб, ўпкаси шишиб кетибди. Йўқ, қасамки, то Аллоҳнинг ўзи Муҳаммад билан бизнинг ўртамизда ажрим қилмагунича энди ҳаргиз ортга қайтиш йўқ! Утбани бу гапни айтишга ундаган нарсани биламан. У Муҳаммад ва унинг асҳобларини биз учун лаққа гўшт эканини кўриб, улар ичида ўғли Абу Ҳузайфа ҳам борлиги учун унинг жонига хавф қилиб бу гапни айтган», деди.

Абу Жаҳлнинг: «Унинг ўпкаси шишиб кетибди», деган гапи Утбанинг қулоғига етгач: «Кетида ҳуштак чаладиган у ярамасга менинг ўпкам шишганми, ўзиникими, ҳали билиб олади», деди. Абу Жаҳл ўртада қарама-қаршилик кучайиб кетишидан чўчиб, тезлик билан бунинг тадоригини кўриб қўйиш учун Омир ибн Ҳазрамийни – Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг сарийясида ўлдирилган Амр ибн Хазрамийнинг инисини чақиртирди ва унга: «Мана бу иттифоқчинг (яъни Утба) одамларни ортга қайтириб юбормоқчи бўлаяпти. Мен сенинг кўзларингда қасос алангасини кўриб турибман. Тур, аҳдингни ва акангнинг ўлдирилганини ўртага ташла», деди. Шундан сўнг Омир ўрнидан туриб, орқасини (кетини) яланғочлаб: «Вой акам, вой акам», деб фарёд кўтарди. Шунда қавмнинг ҳамияти қўзғолиб, уруш истаги алангаланди, дилларига туккан шумликлари шиддатли тус олиб, Утбанинг чақириқлари бир четда қолиб кетди. Шундай қилиб, енгилтаклик ақлу ҳикматдан устун келди ва қаршилик бефойда кетди.

Қўшинларнинг юзма-юз келиши

Мушриклар жанггоҳга кириб келиб, қўшинлар ораси яқинлашгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Парвардигор! Мана, Қурайш ўзининг бор кибру ҳавоси ва калондимоғлиги билан, пайғамбарингни ёлғончи қилиш ва Сенга қарши урушиш учун келиб турибди. Эй Парвардигор! Сендан мен учун ваъда қилган нусратингни сўрайман. Эй Парвардигор! Уларни шу бугун ҳалок қилгайсан»**, деб дуо қилдилар.

Утба ибн Рабиъанинг қавм ичида қизил туясига миниб юрганига кўзлари тушиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар қавм ичида бирон кишида зиғирча яхшилик бўлса, шу қизил туя соҳибида бўлади. Унинг сўзига киришса хато қилишмайди»,** дедилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларнинг сафларини текислашга киришдилар. Сафларни текисларканлар, ажиб бир воқеа юз берди. Қўлларида камон ўқи бўлиб, шу билан сафни текислаётган эдилар. Савод ибн Ғазийянинг гавдаси сафдан чиқиб турган экан, унинг қорнига камон ўқи билан туртиб: «Текислан, эй Савод», дедилар. Шунда Савод: «Ё Росулуллоҳ, мени оғритдингиз, қасос истайман», деди. У зот қоринларини очиб: **«Майли, қасосингни**

ол», дегандилар, Савод у зотни қучоқлаб, қоринларини ўпди. **«Нега бундай қилдинг, эй Савод?»,** дедилар. Савод деди: «Ё Росулуллоҳ, кўриб турганингиздек, жанг олдида турибмиз. Шу боис сиз билан бўлган охирги ҳолатим баданингизга баданим тегиши бўлишини истадим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга яхшилик тилаб дуо қилдилар.

Сафларни текислаб чиққач, лашкарга то у зот томонидан якуний буйруқ бўлмагунча жанг бошламасликни буюрдилар, сўнгра жангга хос бўлган баъзи кўрсатмалар бердилар, **«Душман яқинлашиб келганда отинглар, найзаларни олдинга чиқаринглар, то ўраб келишмагунича қиличларни ишга солманглар»,** дедилар. Сўнг Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан бирга чодирга қайтдилар, Саъд ибн Муоз қўриқчилар гуруҳи билан чодир эшиги олдида турди.

Мушриклар ичида Абу Жаҳл ҳам шу куни: «Илоҳим, (бу одам) қариндошлар ўртасини узди, биз билмаган нарсаларни келтирди, бугун уни ҳалок қилгин. Илоҳим, қай биримиз сенга суюмлироқ ва мақбулроқ бўлсак, бугун унга нусрат-ёрдам бергин», деб дуо қилди. Аллоҳ таоло бу ҳақда айтади:

إِن تَسۡتَفۡتِحُواْ فَقَدۡ جَآءَكُمُ ٱلۡفَتۡحُۖ وَإِن تَنتَهُواْ فَهُوَ خَيۡرٞ لَّكُمۡۖ وَإِن تَعُودُواْ نَعُدۡ وَلَن تُغۡنِيَ عَنكُمۡ فِئَتُكُمۡ شَيۡـٔٗا وَلَوۡ كَثُرَتۡ وَأَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ١٩

«(Эй аҳли Макка), **агар ғалабани истаган бўлсангизлар, мана сизларнинг** (зиёнингизга) **ғалаба келди. Агар** (пайғамбарга қарши урушишдан) **тўхтасангизлар, Биз ҳам қайтамиз ва гуруҳингиз қанча кўп бўлмасин, сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмайди. Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир».** “Анфол” сураси, 19-оят.

ЖАНГНИНГ БОШЛАНИШИ

Урушни биринчи бўлиб Асвад ибн Абдуласад Махзумий бошлаб берди, у ахлоқсиз ва ваҳший одам эди, чиқиб келиб: «Аллоҳга аҳд бераманки, уларнинг ҳовузидан ичаман ё уни бузиб ташлайман ё эса ўша ерда ўламан», деди. Унинг қаршисига Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу чиқиб борди ва ҳовуз ёнида унга тўқнаш келиб, қиличи билан уриб, оёғини болдирининг ярмидан узиб ташлади. У оёғидан қон отилган ҳолда орқачасига йиқилди. Бироқ, шунда ҳам қасамининг устидан чиқиш мақсадида ҳовуз томон эмаклай бошлади. Ҳовузга етиб борган жойида Ҳамзанинг иккинчи бор урган қиличи уни асфаласофилинга жўнатди.

Мубораза – яккама-якка олишув

Бу – уруш оловини ёқиб юборган биринчи қатл бўлди. Шундан сўнг Қурайш отлиқларидан, бир оиладан уч киши – Утба ибн Рабиъа, Шайба ибн Рабиъа ва Валид ибн Утба ўртага чиқиб келиб, мубораза

(яъни, рақиб томонидан яккама-якка олишувга талабгор) талаб қилишди. Уларга ансор ёшларидан уч киши – Авф ибн Ҳорис, Муаввиз ибн Ҳорис – бу иккисининг онаси Афро ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа талабгор бўлиб чиқишди. Мушриклар:

– «Сизлар кимсизлар?», деб сўрашди.

– «Биз ансорлар жамоасиданмиз», деб жавоб беришди мусулмонлар.

– «Сизлар ҳурматга сазовор рақибсизлар, бироқ бизга сизлар керакмассизлар, биз ўз қариндошларимиздан рақиб истаймиз», дейишди. Уларнинг жарчиси:

– «Эй Муҳаммад, бизга ўз қавмдошларимиздан бўлган рақибларни чиқар», деб жар солди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Убайда ибн Ҳорис, сиз туринг! Эй Ҳамза, сиз туринг! Эй Али, сиз туринг!», дедилар. Улар ўртага тушиб, рақиблари томон яқинлашганларида улар: «Сизлар кимсизлар?», деб сўрашди. Ўзларини танитишгач: «Ҳа, жуда мос рақиб бўлибсизлар», дейишди. Булар ичида ёши каттароғи бўлган Убайда Утба ибн Рабиъа билан олишадиган бўлди, Ҳамза Шайба билан, Али эса Валид билан олишувга чиқди.

Ибн Исҳоқнинг сўзларига кўра шундай. Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятларига кўра: Убайда Валид билан, Али Шайба билан, Ҳамза Утба билан олишди. ”Мишкотул-масобиҳ”, 2/343.

Ҳамза билан Али ўз рақибларини бир зумда қатл қилишди. Убайда билан рақиби бир-бирига биттадан зарба бериб, иккиси ҳам олган жароҳатидан ҳаракатлана олмай қолишди. Шу пайт Али билан Ҳамза иккалови Утбага ҳужум қилиб, уни ҳам ўлдиришди ва бир оёғи кесилган Убайдани кўтариб майдондан олиб чиқишди. Убайда шу жароҳати туфайли Бадр воқеасидан тўрт ё беш кун кейин, мусулмонлар Мадинага қайтаётганларида Сафро, деган жойда вафот этди. Али розияллоҳу анҳу мана бу оятлар улар ҳақида нозил бўлганини қасамёд билан таъкидлардилар:

هَٰذَانِ خَصۡمَانِ ٱخۡتَصَمُواْ فِي رَبِّهِمۡۖ ... ﴿١٩﴾

«Мана шу икки ғаним (яъни, мўминлар билан кофирлар) **Парвардигорлари**(нинг ҳақ дини) **хусусида талашдилар...».**

“Ҳаж” сураси, 19-оятдан.

Оммавий ҳужум

Мазкур муборaза якуни мушрикларга нисбатан ёмон бошланиш бўлди. Чунки, улар энг яхши чавандоз ва бошлиқларидан уч кишини бирданига йўқотдилар. Шу боис улар ғазаблари қайнаганча мусулмонлар устига ҳаммаси бир бўлиб ёпирилдилар.

Мусулмонлар ихлос билан, Парвардигорларидан ялиниб-ёлбориб мадад ва нусрат сўраб, мушрикларнинг кетма-кет ҳужумларини

қайтариб туришди. Улар «Аҳад, Аҳад», деганларича ўз ўринларида сабот билан мудофаада туришиб, мушрикларга сезиларли талафот етказишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Роббиларига ялиниб-ёлборадилар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкарнинг сафларини текислаб қайтганларидан бери тинимсиз Роббиларига илтижо қилаётган, Ундан: **«Эй Парвардигор, менга ваъда қилган нусратингни бергин, Парвардигор, Сендан аҳдинг ва ваъдангни сўрайман»**, деб Ўзи ваъда қилган ғалабани сўраётган эдилар. Жанг қизиб, уруш шиддат билан бораётган, тўқнашув кучайиб, маърака ўзининг чўққисига чиққан пайтда у зот Аллоҳга илтижо қилиб: **«Эй Парвардигорим, агар бугун бу жамоа ҳалок бўлса Сенга ибодат қилинмай қўйилади. Парвардигорим, агар истасанг, бугундан бошлаб ҳеч қачон Сенга ибодат қилинмай қўйилади»,** дедилар, қаттиқ ёлбориб қўлларини осмонга чўзганларидан ридолари елкаларидан тушиб кетди. Абу Бакр Сиддиқ уни елкаларига қайтариб ўраб: «Ё Росулуллоҳ, етар, Роббингиздан жуда қаттиқ туриб сўрадингиз», дедилар.

إِذْ يُوحِي رَبُّكَ إِلَى ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ أَنِّي مَعَكُمْ فَثَبِّتُواْ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْۚ سَأُلْقِي فِي قُلُوبِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱلرُّعْبَ فَٱضْرِبُواْ فَوْقَ ٱلْأَعْنَاقِ... ﴿١٢﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: «Албатта, Мен сизлар билан биргаман, сизлар иймон келтирган зотларнинг** (ғалаба қозонишларига бўлган ишончларини) **маҳкамланглар! Мен кофир бўлган кимсаларнииг дилларига қўрқув соламан...», деб ваҳий қилган эди».**

“Анфол” сураси, 12-оятдан.

Пайғамбарига эса:

...أَنِّي مُمِدُّكُم بِأَلْفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ مُرْدِفِينَ ﴿٩﴾

«...Мен сизларга кетма-кет келадиган минг фаришта билан мадад берурман», деди». “Анфол” сураси, 9-оятдан.

Фаришталарнинг тушиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир зум мудрагандек ҳолатга тушдилар, сўнг бошларини кўтариб: **«Хушхабар, эй Абу Бакр, ана Жибрил кўринди, елкаларига чанг қўнган»,** дедилар. Ибн Исҳоқ ривоятида: **«Хушхабар, эй Абу Бакр, сизга Аллоҳнинг нусрати келди. Мана, Жибрил отининг тизгинидан тутиб турибди, унинг елкаларига чанг қўнган»,** дедилар.

Сўнгра Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам совут кийган

ҳолларида:

سَيُهْزَمُ ٱلْجَمْعُ وَيُوَلُّونَ ٱلدُّبُرَ ﴿٤٥﴾

«Яқинда бу жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар!» (“Қамар” сураси, 45-) оятини ўқиганларича чодир эшигидан шитоб билан чиқиб келдилар, бир ҳовуч майда тош-тупроқ олиб, Қурайш томонга юзланиб: **«Бу юзлар расво бўлсин»,** деб уларга қараб отиб юбордилар. Биронта ҳам мушрик қолмай, юз-кўзига, оғизларига ўша тош-тупроқлар бориб тегди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят нозил қилдики:

...وَمَا رَمَيْتَ إِذْ رَمَيْتَ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ رَمَىٰ ... ﴿١٧﴾

«...(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупроқни) **отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Аллоҳ отди...».** “Анфол” сураси, 17-оятдан.

Қарши ҳужум

Шундан сўнг лашкарга қарши ҳужумга ўтиш ҳақида якуний буйруқ бердилар, **«Маҳкам бўлинглар»,** деб уларни жангга ундадилар, **«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ким бугун улар билан жанг қилиб, сабр-матонат билан, ажр истаб, олға интилиб, ортига чекинмаган ҳолда ўлдирилса, Аллоҳ албатта уни жаннатга киритади»,** дедилар. Уларни жангга тарғиб қилиб: **«Кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннат сари қўзғолинглар!»**, дедилар. Шунда Умайр ибн Ҳумом: «Бай-бай», деб юборди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: **«Нега «бай-бай» дедингиз?»**, деб сўраган эдилар, у: «Ё Росулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, фақат унинг аҳлидан бўлиш орзу-иштиёқи мени шундай дейишга ундади», деди. **«Сиз унинг аҳлидансиз»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Шунда у халтасидан бир неча дона хурмо чиқариб, ея бошлади, сўнг: «Агар шу хурмоларни еб тугатгунимча яшасам, бу жуда ҳам узоқ чўзилган ҳаёт бўлади», деди-да, уларни отиб юбориб, жангга шўнғиб кетди ва шу жангда шаҳид бўлди.

Авф ибн Ҳорис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ё Росулуллоҳ, Парвардигорни бандасининг қайси амали кулдиради?», деб сўраган эди, у зот: **«Енгини шимариб душманга отилиши»,** дедилар. Шунда у устидаги совутини ечиб, улоқтирди, сўнг қиличини олиб жангга кириб кетди ва то шаҳид бўлгунича жанг қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарши ҳужумга ўтиш буйруғини берган пайтга келиб душманнинг ҳужуми анча пасайиб, ғайрат-шижоати ҳам сезиларли даражада сусайиб қолганди. Ушбу доно режанинг мусулмонлар мавқифи кучайишига катта таъсири бўлди. Чунки, улар ҳужумга ўтиш буйруғини олганларида жанговор

ғайрат-шижоатлари ҳали барқ уриб турган ҳолда эдилар. Шу боис уларнинг ҳужумлари шиддатли ва давомли тус олди, душман сафларини тирқиратиб, бошларни таналардан жудо қила бошладилар. Қолаверса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсан ўзлари майдонга тушиб келганларини кўриш уларнинг ғайратларига ғайрат қўшиб юборди. У зот олдинги сафда, мушрикларга энг яқин жойда турар, қатъий ишонч билан баралла:

«Яқинда бу жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар!», оятини ўқирдилар*. Мусулмонлар қаттиқ жанг қилдилар, уларга фаришталар ҳам ёрдам бердилар.

*Имом Бухорий (4875), Аҳмад (1/329) ривоятлари.

Ибн Саъд Икримадан ривоят қилади: «Ўша куни кимнингдир боши узилиб тушар, унга ким қилич солганини ҳеч ким билмасди, яна кимнингдир қўли узилиб тушар, уни ким чопганини билмай қолишарди».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Мусулмонлардан бир киши бир мушрикнинг ортидан қаттиқ қувиб бораркан, бирдан ҳавода қамчининг шувиллаган овозини ва чавандознинг: «Олға, Хайзум!», деган товушини эшитди. Шунда олдида кетаётган мушрик бирдан гурсиллаб чалқанчасига йиқилди. Қараса, худди қамчи зарбаси тушгандек, бурни йиртилиб, юзи ёрилиб кетган ва бутун жасади кўкариб кетган экан. Ансорий келиб, бу воқеани Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган эди, у зот: **«Рост айтасан, бу учинчи осмондан келган мадад эди»,** дедилар».

Имом Муслим (2/93) ва бошқалар ривояти.

Абу Довуд Мозиний розияллоҳу анҳу айтади: «Мен қилич кўтариб мушриклардан бири ортидан қувиб бораётган эдим, тўсатдан ҳали қиличим етиб бормасидан унинг калласи учиб тушди. Билдимки, уни бошқа биров ўлдирди. Ансорлардан бири Аббос ибн Абдулмутталибни асирга тушириб олиб келди. Шунда Аббос: «Аллоҳга қасамки, мени бу одам асир олмади, мени асирга туширган одам ялтирбош, гўзал юзли, чавкар от минган киши эди, уни бу ерда кўрмаяпман», деди. Ансорий: «Уни мен асир олдим, ё Росулуллоҳ», деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жим бўл, Аллоҳ сени улуғ фаришта билан мададлади»,** дедилар».

Али розияллоҳу анҳу айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр куни менга ва Абу Бакрга хитоб қилиб: **«Бирингизга Жибрил, бирингизга Микоил ҳамроҳ бўлиб турибди, Исрофил эса жанггоҳ ичида юрибди»,** дедилар».

Имом Аҳмад (1/147), Баззор (1467), Абу Яъло (1/284), Ҳоким (3/134) ривоят қилган, Заҳабий саҳиҳ санаган.

Иблис жанг майдонидан четланади

Иблис юз бераётган воқеаларни кўргач (юқорида айтганимиздек, у Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум суратида келган ва ҳали ҳануз

мушриклардан ажралмай келаётган эди) фаришталар мушрикларни нима аҳволга солаётганларини кўргач, жанг майдонини ташлаб, қочишга тутинди. Ҳорис «Ибн Ҳишом», уни Суроқа, деб ўйлаб, ушлаб қолмоқчи бўлган эди, унинг кўкрагига мушт тушириб, ерга йиқитди, сўнг жанггоҳни ташлаб чиқиб кетди. Мушрикларнинг: «Ҳой Суроқа, қаёққа? Мен сизларга ҳимоячиман, сизлардан асло ажралмайман, деб айтмаганмидинг, ахир?!» деган хитобларига жавобан:

... إِنِّىٓ أَرَىٰ مَا لَا تَرَوْنَ إِنِّىٓ أَخَافُ ٱللَّهَ ۚ وَٱللَّهُ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٤٨﴾

«...Мен (мусулмонлар орасида) **сизлар кўрмаётган нарсани** (яъни, фаришталар борлигини) **кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан қўрқаман. Аллоҳнинг азоби қаттиқдир», деди»** ("Анфол" сураси, 48-оятдан), сўнгра шу қочганича бориб, ўзини денгизга отди.

Мушрикларнинг бутунлай тор-мор этилишлари

Мушриклар ичида бесаранжомлик ва муваффақиятсизлик белгилари кўриниб, мусулмонларнинг шиддатли ҳужумлари оқибатида уларнинг сафлари тирқираб кетди. Жанг ниҳоясига яқинлашиб, мушриклар қочишга ва тартибсиз равишда чекинишга тушдилар. Мусулмонлар эса уларни тўла-тўкис мағлуб бўлмагунларича асир олишда ва ўлдиришда давом этишди.

Абу Жаҳлнинг бефойда уринишлари

Туғёнкорлар боши Абу Жаҳл лашкар сафида илк беқарорлик белгилари кўзга ташланган пайт бу сел йўлини тўсишга урина бошлади. Аскарларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилиб, калондимоғлик билан: «Суроқанинг ташлаб кетиши сизларни умидсизликка туширмасин, у Муҳаммад билан келишиб олган. Утба, Шайба ва Валиднинг ўлими сизларни қўрқитмасин, улар ўзлари шошқалоқлик қилишди. Лот ва Уззога қасамки, биз уларни (мусулмонларни) арқонларга боғлаб, ҳайдаган ҳолдагина ортга қайтамиз. Сизлардан бирон киши улардан ҳеч кимни ўлдирмасин, ҳаммасини қўлга тушириб, қилмишларига минг бор пушаймон қилдирамиз, тавбаларига таянтирамиз», деб сурбетларча шовқин соларди.

Бироқ, ҳеч қанча ўтмай, унинг кеккайишлари ўринсиз экани билиниб қолди, мусулмонларнинг кетма-кет ҳужумлари оқибатида лашкари тутдек тўкилиб, қолган-қутгани ҳеч нарсага қарамай қоча бошлади. Тўғри, мушриклардан бир жамоаси унинг атрофида жипс туриб, қилич ва найзалари билан мустаҳкам девор ва иҳота ҳосил қилиб туришди. Бироқ, мусулмонларнинг ҳужумлари бўрони олдида бу иҳота дош беролмади, девор қулаб, оти устида савлат тўкиб ўтирган мустабид зўравон кўзга ташланди. Ўлим унинг қонини иккита ансорий боланинг қўллари билан симиришга тайёр бўлиб турарди.

Абу Жаҳлнинг ўлдирилиши

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу айтади: «Бадр куни сафда эдим, ўнгу сўл томонимга назар ташладим, қарасам икки томонимда иккита ёшгина ўспиринлар турибди. Мен уларнинг ўртасига тушиб қолганим учун хотиржамликни ҳис қилмадим. Шунда улардан бири иккинчисига билдирмай менга паст товушда: «Амаки, менга Абу Жаҳлни кўрсатинг», деди. Мен: «Эй жиян, уни нима қиласан?», деб сўрадим. «Айтишларича, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақоратлаб сўкар эмиш. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар уни кўрсам, то иккимиздан биримиз ўлмагунича уни қўймайман», деди. Мен унинг бу шижоатидан ажабландим. Шунда иккинчиси бошқа ёғимдан туртиб, айни шу гапни такрорлади. Одамлар ичида юрган Абу Жаҳлга кўзим тушиши билан у иккисига: «Кўраяпсизларми, сизлар сўраган киши шу бўлади», дедим. Шунда улар у томон интилишди ва қиличлари билан уриб, уни ўлдиришди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига боришди. У зот: **«Уни қай бирингиз ўлдирдингиз?»,** деб сўрадилар. Иккаласи ҳам: «Мен ўлдирдим», деб жавоб беришди. **«Қиличларингизни артдингизми?»,** деб сўрадилар. «Йўқ», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг қиличларига назар солиб: **«Тўғри, уни ҳар иккалангиз ўлдирибсиз»,** дедилар. (Жангдан сўнг) Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Жаҳлнинг нарсаларини Муоз ибн Амр ибн Жамуҳга ўлжа қилиб беришга ҳукм қилдилар. Ҳалиги икки ўспириннинг бири Муоз ибн Амр ибн Жамуҳ, иккинчиси Муаввиз ибн Афроъ эди».

«Саҳиҳул Бухорий» (1/444, 2/568), “Мишкотул масобиҳ” (2/352).

Абу Жаҳлнинг нарсаларини икки ўспириндан бирига беришларига сабаб улардан бири шу жангнинг ўзида шаҳид бўлганди.

Ибн Исҳоқ айтади: “Муоз ибн Амр ибн Жамуҳ деди: “Мушриклар Абу Жаҳлни қўриқлаб найза ва қиличлари билан ўраб олишгани учун у бамисоли чирмашиб кетган дарахтлар ичидаги етиб бўлмас дарахтга ўхшаб қолган, шу боис қавми: «Абул Ҳакамнинг ёнига етиб бўлмайди», дейишарди. Буни эшитганимдан кейин мен унга етиб боришга қаттиқ қасд қилдим. Имкони бўлиши билан унга ҳамла қилдим ва қиличимнинг зарбаси унинг оёғини болдиридан узиб ташлади. Шунда унинг ўғли Икрима бўйнимга қилич солган эди, қўлим елкамдан узилиб, терисига осилиб қолди. Бироқ, жангга қаттиқ берилиб кетганимдан бунга эътибор бермадим, кун бўйи қўлимни осилтириб жанг қилиб юрдим. Охири бундай юраверишдан қийналиб кетиб, оёғим билан босиб, куч билан тортиб узиб ташладим. Кейин жароҳат ичидаги Абу Жаҳл ёнидан Муаввиз ибн Афроъ ўтиб қолиб, уни қиличи билан уриб, чалажон қилиб қўйди. Муаввизнинг ўзи шу куни жангда ҳалок бўлди”.

Жанг ниҳоясига етгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қарангларчи, Абу Жаҳл нима бўлди экан»,** дедилар. Одамлар уни қидириб ҳар томонга кетишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд уни жони узилай-

узилай, деб турган ҳолда топди, оёғини унинг бўйнига қўйиб туриб, калласини узмоқчи бўлиб соқолидан ушлади ва: «Аллоҳ сени расво қилибди-ку, эй Аллоҳнинг душмани!», деди. У: «Нега расво қиларкан?! Қавми тарафидан ўлдирилган киши бўлиш мен учун ор саналмайди, ўлдирган кишиларингиз ичида мендан кўра улуғроқ ҳеч ким йўқ», деди. Сўнг: «Бугун жанг кимнинг фойдасига якунланди ўзи?», деб сўради. «Аллоҳ ва Росули фойдасига», деб жавоб берди Ибн Масъуд. Сўнг Абу Жаҳл унинг бўйнига оёғини қўйиб олган Ибн Масъудга қараб: «Сен чиқиб бўлмас баландликка оёқ қўйдинг, эй қўйбоқар», деди. Бу билан у Ибн Масъуднинг Маккадалик пайтида қўйбоқарлик қилганига ишора қилди.

Ўртада шу гап-сўз бўлиб ўтганидан сўнг Ибн Масъуд унинг бошини танасидан жудо қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келтирди ва: «Ё Росулуллоҳ, мана бу Аллоҳнинг душмани Абу Жаҳлнинг калласи», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳу акбар, ваъдасининг устидан чиққан, бандасига нусрат берган, душманларни ёлғиз Ўзи мағлуб этган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Юринг, менга унинг жасадини кўрсатинг»,** дедилар. Унга кўзлари тушгач: **«Бу шу умматнинг Фиръавни эди»,** дедилар.

МАЗКУР ЖАНГДА КЎРИНГАН ИЙМОННИНГ ГЎЗАЛ НАМУНАЛАРИ

Юқорида Умайр ибн Ҳумом ва Авф ибн Ҳорис томонидан содир бўлган ажойиб икки намунани айтиб ўтгандик. Ушбу жангда улардан ташқари ҳам ақиданинг қуввати ва иймондаги саботни кўрсатиб берадиган ажойиб ҳолатлар рўй берди. Бу маъракада ақида туфайли бир-бирига душманга айланган оталар фарзандлар билан, акалар укалар билан тўқнаш келди ва улар ўртасини қиличлар ажрим қилди, бу жангда мазлумлар ўзларига зулм ўтказганлар билан тўқнаш келиб, аламларига малҳам топдилар.

1. Ибн Исҳоқ Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига: **«Менга маълум бўлишича, Бану Ҳошим ва бошқа уруғлардан бир қанча кишилар зўрлик билан олиб чиқилганлар, аслида улар биз билан урушмоқчи эмасдилар. Шундай экан, кимда-ким Бану Ҳошимдан бирон кишига дуч келса, уни ўлдирмасин, кимда-ким Абул-Бахтарий ибн Ҳишомга дуч келса, уни ўлдирмасин, кимда-ким Аббос ибн Абдулмутталибга дуч келса, уни ўлдирмасин, чунки у мажбуран олиб чиқилган»,** дедилар. Шунда Абу Ҳузайфа ибн Утба: «Оталаримизни, фарзандларимизни, ака-укаларимиз ва қариндош-уруғларимизни ўлдирамиз-у, Аббосни ўлдирмас эканмизми?! Аллоҳга қасамки, агар унга дуч келсам, қиличим билан тилка-пора қилиб ташлайман», деди. Бу гап Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қулоқларига етгач, Умар ибн Хаттобга: **«Эй Абу Ҳафс, Росулуллоҳнинг амакисининг юзига қилич билан**

уриладими?!», дедилар. Умар: «Ё Росулуллоҳ, менга изн беринг, унинг ўзини қилич билан чопиб ташлай, Аллоҳга қасамки, у мунофиқ бўлибди», деди.

Абу Ҳузайфа кейинчалик: «Ўша куни айтган гапим туфайли (дўзахи бўлиб қолишдан) кўнглим хотиржам бўлмайди, менинг бу хатоимни фақат шаҳидлик ювиб кетиши мумкин, деб ўйлайман», деб юрарди. У Ямома куни шаҳид бўлди.

2. Абул-Бахтарийни ўлдиришдан қайтаришларига сабаб у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада эканларида у зотга озор беришдан қавмни тўсар, ўзи ҳам озор бермасди, у зотга нисбатан бирон ёмонлик истамасди. Қолаверса, у Бану Ҳошим ва Бану Мутталибни яккалаб қўйиш қарори битилган саҳифани йиртиб ташланишига фаол ҳисса қўшганди.

Шунга қарамай, Абул Бахтарий бари бир шу куни ўлдирилди. Сабаби, у ёнида бир шериги билан жанг қилаётганида Мужаззар ибн Зиёд Балавий унга дуч келиб қолиб: «Эй Абул Бахтарий, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизни ўлдиришдан бизни қайтарганлар», деди. «Шеригим нима бўлади?», деб сўраган эди: «Шеригингиз тирик қўймаймиз», деди. «Ундай бўлса, мен у билан бирга ўламан», деб, жангдан воз кечмади, шундан сўнг Мужаззар уни ўлдиришга мажбур бўлди.

3. Абдурраҳмон ибн Авф жоҳилият пайти Маккада Умайя ибн Халаф билан ошна эди. Бадр куни Абдурраҳмон унинг ёнидан ўтиб қолди, у ўғли Али ибн Умайянинг қўлидан тутиб турганди. Абдурраҳмоннинг қўлида ўлжа қилиб олган бир неча совут бор эди. Умайя уни кўриб деди: “Мени асир олишни истамайсанми? Мен қўлингдаги бу совутлардан яхшироқ бўлсам керак. Бугунгидек кунни бошдан кечирмагандим. Сизларнинг сутга ҳожатингиз бордир?”, (яъни, мени асирга олган кишидан серсут туя эвазига ўзимни қутқариб олардим демоқчи) шунда Абдурраҳмон қўлидаги совутларни ташлаб, иккаласининг қўлидан тутиб, етаклаб кетди.

Абдурраҳмон айтади: Умайя ибн Халаф билан ўғлининг ўртасида борарканман, у мендан: «Ораларингизда кўкрагига туяқуш пати қадаб олган киши ким ўзи?», деб сўради. Мен: «У Ҳамза ибн Абдулмутталиб», дедим. «Ўша одам бугун бизга кунимизни кўрсатди», деди.

Абдурраҳмон айтади: “Мен уларни етаклаб бораётганимда тўсатдан Умайяга Билолнинг кўзи тушди – Умайя Маккада Билолни азоблар эди ва: «Куфрнинг боши Умайя ибн Халаф?! Агар у қутулиб кетса, менинг қутулмаганим бўлсин!», деб қичқирди. Мен: «Ҳой Билол, бу менинг асирим», дедим. Билол яна: «Агар у қутулиб кетса, менинг қутулмаганим бўлсин!», деди. Мен: «Мени эшитяпсанми ҳой қоравачча?!», десам у яна: «У қутулиб кетса, менинг қутулмаганим бўлсин!», деди. Сўнг бор овози билан: «Эй Аллоҳнинг ансорлари!

Куфрнинг боши Умайя ибн Халаф! Агар у қутулиб кетса, менинг қутулмаганим бўлсин!», деб қичқирди. Шундан сўнг улар бизни ўраб, қисиб кела бошладилар. Мен уни ҳимоя қиларканман, бир кишининг қиличи унинг ўғлига тегиб ерга қулатди. Умайя жон аччиғида шундай бақириб юбордики, мен унақасини ҳечам эшитмаганман. Шунда мен: «Ўзингни қутқар, Аллоҳга қасамки, мен сени қутқариб қололмайман», дедим. Шундан сўнг унга қиличлари билан ёпирилишиб, иккаласини ҳам ўлдиришди.

Абдурраҳмон айтарди: «Аллоҳ Билолга раҳм қилсин, совутларимдан айрилганим етмагандек, асиримни ҳам аяб ўтирмади».

Имом Бухорий Абдурраҳмон ибн Авфдан ривоят қилади: «Мен Умайя ибн Халаф билан хатлашиб, у менинг Маккадаги мол-мулкимни ҳимоя қилишига, мен эса унинг Мадинадаги молини ҳимоя қилишга келишгандик. Бадр куни мен уни ўлимдан сақлаб қолиш учун одамлар ухлаган пайт тоққа олиб чиқиб кетаётган эдим, бирдан унга Билолнинг кўзи тушиб қолди ва ансорлар йиғилиб ўтирган жойга бориб: «Умайя ибн Халаф! Умайя қутулиб кетса, мен қутулмайман!», деб қичқирди. Шунда бир гуруҳ ансорлар у билан бирга изимиздан тушишди. Етиб олишлари хавфи пайдо бўлгач, уларни машғул қилиб туриши учун унинг ўғлини ортда қолдирдим. Бироқ, уни ўлдиришди ва яна ортимиздан югуришди. Умайя семиз одам эди. Улар ортимиздан етиб олишгач, мен унга: «Ерга ёт!», дедим. У ерга ғужанак бўлиб ётган эди, мен ўзимни унинг устига ташлаб, ҳимоя қилмоқчи бўлдим. Бироқ, тагимдан қиличларини тиқишиб, охири уни ўлдиришди, ҳатто битталарининг қиличи менинг оёғимни кесиб ҳам кетди». Шундай деб Абдурраҳмон оёғида қолган жароҳат изини бизга кўрсатарди.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/308.

4. Шу куни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу тоғаси Ос Ибн Ҳишом, ибн Муғийрани ўлдирди, қариндошлигига парво ҳам қилмади. Лекин Мадинага қайтгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асир тушган амакилари Аббосга хитоб қилиб: «Эй Аббос, Исломга кир! Аллоҳга қасамки, сенинг мусулмон бўлишинг мен учун Хаттобнинг (яъни, ўз отасининг) мусулмон бўлишидан ҳам яхшироқ. Сабаби, мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенинг Исломга киришингни исташларини кўрганман», деди.

Имом Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган (Шавконий, «Фатҳул қодийр» 2/327).

5. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу мушриклар ичида бўлган ўғли Абдурраҳмонга узоқдан туриб қичқирди: «Менинг молларим қаерда қолди, эй ифлос?», деганида ўғли унга жавобан деди:

Бир найза-ю, битта учқур от,
Бошқа мол-мулк битди, йўқолди.
Гумроҳ чолни ўлдирмоқ учун
Яна битта қилич ҳам қолди.

6. Одамлар бири қўйиб бири асир олишга тушиб кетишгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чодир ичида, Саъд ибн Муоз эса эшик олдида қилич яланғочлаб у зотни қўриқлаб тураркан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъднинг юзида одамлар қилаётган ишдан норозилик аломатини кўрдилар ва: **«Эй Саъд, сиз одамлар қилаётган ишни ёқтирмаётганга ўхшайсиз?»,** дедилар. Саъд: «Ҳа, эй Росулуллоҳ, бу Аллоҳ таоло ширк аҳлининг бошига солган биринчи кўргилик эди, ширк аҳлини қириб ташлаш орқали заифлаштириш уларни тирик қолдиргандан кўра яхшироқ бўларди, деб ўйлайман», деди.

7. Ўша куни Уккоша ибн Миҳсан Асадийнинг қиличи синиб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келган эди, у зот унинг қўлига бир калтак тутқазиб: **«Шу билан жангга кир, эй Уккоша»,** дедилар. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларидан калтакни олиб, бир силкитган эди, калтак узун ва мустаҳкам, темири оппоқ қиличга айланди. У уруш то мусулмонларнинг тўла-тўкис ғалабаси билан якунлангунига қадар шу билан жанг қилди. Ўша қилични «Авн» (мадад) деб аталар, кейинчалик ҳам барча урушларда уни ёнидан қўймаган, муртадларга қарши жангларда шу қиличи билан жанг қилиб шаҳид бўлган эди.

8. Жанг ниҳоясига етгач, Мусъаб ибн Умайр Абдарий ўзининг акаси, мушриклар сафида туриб мусулмонларга қарши жанг қилган Абу Азиз ибн Умайрнинг ёнидан ўтиб қолди, ансорлардан бири унинг қўлларини боғлаётган экан. Шунда Мусъаб ансорийга: «Буни маҳкам ушла, чунки онасининг пули кўп, яхшигина тўлов тўлаб қутқариб олиши мумкин», деди. Абу Азиз Мусъабга: «Бу ака-укачилигимиз ҳурмати менга қилган яхшилигингми?!», деган эди, у: «Менинг акам сен эмас, мана бу ансорий», деб жавоб берди.

9. Мушрикларнинг мурдаларини чоҳга ташлашга буйруқ бўлгач, Утба ибн Рабиъанинг мурдаси чоҳга ташланганда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ўғли Абу Ҳузайфанинг юзи қайғудан ўзгариб кетганини кўриб: **«Эй Абу Ҳузайфа, отангизнинг ҳолига раҳмингиз келган кўринади?»,** дедилар. У: «Йўқ, ё Росулуллоҳ, мен отамнинг ўлимида шубҳа қилмаган эдим, бироқ отамни ақлли, ҳалим ва фазлу марҳамат соҳиби, деб билардим ва бу сифатлари охир-оқибат уни Исломга етакласа керак, деб умид қилардим. Унинг бошига тушган аҳволни кўриб, умидим чиппакка чиққанидан ва у куфрда ўлиб кетганидан хафа бўлдим», деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳузайфанинг ҳаққига яхшилик тилаб дуо қилдилар ва унга яхши сўзларни айтдилар.

БАДР ЖАНГИДА ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР СОНИ

Жанг мушрикларнинг тўла тор-мор қилиниши ва мусулмонларнинг улкан ғалабаси билан тамом бўлди. Унда мусулмонлардан ҳаммаси

бўлиб ўн тўрт киши – олти муҳожир ва саккиз ансорий шаҳид бўлди.

Мушриклар эса катта талафот кўришди. Улардан етмиш киши ўлдирилди, етмиш киши асирга олинди, кўпчилиги Қурайшнинг аслзодалари эди.

Жанг тамом бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг мурдалари устида туриб, уларга: **«Сизлар пайғамбарингизга нисбатан нақадар ёмон қавму-қариндош бўлдингиз. Сизлар мени ёлғончи қилдингиз, бошқалар тасдиқладилар. Сизлар мени ёрдамсиз қўйдингиз, бошқалар менга ёрдам бердилар. Сизлар мени диёримдан қувиб чиқардингиз, бошқалар менга бошпана бердилар»,** дедилар, сўнгра уларни Бадрдаги чоҳлардан бирига ташлаб юборишга буюрдилар.

Абу Талҳадан ривоят қилинади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр жанги куни Қурайш пешволаридан йигирма тўрттасининг жасадини Бадрдаги жуда ифлос қудуқлардан бирига ташлаттирдилар.

Бир қавм устидан ғалаба қозонганларида у ерда уч кун турардилар. Бадрда туришларининг учинчи куни туяларини эгарлатиб миндилар, сўнг юра бошладилар, асҳоблари у кишига эргашдилар. Қудуқнинг лабига бориб турдилар ва уларни номма-ном чақириб: **«Эй Фалончи Фалончи ўғли, эй Фалончи Фалончи ўғли, Аллоҳ ва Росулига итоат қилмаганингиздан афсус чекяпсизларми?! Биз Роббимиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдик, сизлар ҳам Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақлигини топдингизми?!»,** дедилар. Умар розияллоҳу анҳу: «Ё Росулуллоҳ, жонсиз жасадларга гапираяпсизми?!», деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, менинг сўзларимни сизлар улардан кўра яхшироқ эшитаётганингиз йўқ»,** дедилар.

Бир ривоятда: **«Сизлар улардан яхшироқ эшитолмайсизлар, лекин улар жавоб беришолмайди»,** дедилар, дейилган.

Муттафақун алайҳ, "Мишкотул-масобиҳ", 2/345.

МАККА МАҒЛУБИЯТ ХАБАРИНИ ҚАРШИЛАЙДИ

Мушриклар Бадр майдонидан тартибсиз суратда чекиниб, водий ва дараларга сочилиб кетишди. Мағлубият билан Макка сари йўл олишаркан, хижолатдан бошлари эгилган, унга қай юз билан кириб боришни билишмасди.

Ибн Исҳоқ айтади: "Қурайшнинг мағлубияти хабарини биринчи бўлиб Ҳайсумон ибн Абдуллоҳ Хузоий олиб келди. Ундан хабар сўрашганида Утба ибн Рабиъа, Шайба ибн Рабиъа, Абул-Ҳакам ибн Ҳишом, Умайя ибн Халаф ва бошқа Қурайш аслзодаларининг ўлдирилганини айтди. Каъба ёнида ўтирган Сафвон ибн Умайя унинг Қурайш катталари номларини бирма-бир санаганини эшитиб: «Бунинг

эси оғиб қолган кўринади, қани, ундан мен ҳақимда сўраб кўринглар-чи», деди. Шунда ундан: «Сафвон ибн Умайя нима бўлди?», деб сўрашди. У: «У Каъба ёнида ўтирибди, Аллоҳга қасамки, мен унинг отаси ва акасининг ўлдирилганни кўрдим», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари (озод қилган қуллари) Абу Рофеъ айтади: "Мен Аббоснинг хизматкори эдим, Ислом бизнинг хонадонимизга кириб келган, Аббос, Уммул Фазл ва мен Исломни қабул қилгандик, Аббос Исломини яшириб юрарди. Абу Лаҳаб Бадр жангига бормаганди. Мағлубият хабари келгач, эзилиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди, биз эса ўзимизда қувват ва азизлик ҳис қилдик. Мен заиф-кучсиз одам эдим, қадаҳ (коса) ясаш билан шуғулланардим. Бир куни Зам-зам хонасида қадаҳимни йўниб ўтирган эдим, олдимда Уммул Фазл бор эди, биз келаётган хабарлардан хурсанд эдик. Тўсатдан Абу Лаҳаб бўшашган ҳолда, оёқларини судраганича кириб келди ва хонанинг бир четига, орқасини менинг орқамга қилиб ўтирди. Шу ҳолда ўтираркан, одамлар: «Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб келди», деб қолишди. Абу Лаҳаб уни ўз олдига чорлади. Абу Суфён унинг ёнига келиб ўтирди, одамлар атрофда тик туришарди. Абу Лаҳаб: «Қани сўзла, эй жияним, нима воқеалар бўлди?», деди. «Бор гап шуки, биз қавм билан тўқнашиб, уларга елкаларимизни тутиб бердик, улар бизни истаганча ўлдиришиб, истаганча асир олишди. Шундай бўлса-да, мен одамларни заррача айбдор, деб билмадим. Биз осмон билан ер оралиғида чавкар отларга минган оппоқ кийимли чавандозларга дуч келдик. Қасамки, улар ҳеч нарсани қолдирмас ва ҳеч ким уларга қарши туролмасди», деди у.

Абу Рофеъ айтади: "Мен ҳужранинг танобини қўлим билан тортиб туриб: «Аллоҳга қасамки, улар малоикалар бўлса керак», деган эдим, Абу Лаҳаб қўлини кўтариб, юзимга тарсаки тортиб юборди. Мен унга қаршилик кўрсатган эдим, у мени кўтариб ерга урди ва устимга миниб олиб дўппослай кетди. Шунда Уммул Фазл ҳужра устунларидан бирини олиб, у билан Абу Лаҳабнинг бошига туширди, бу зарбадан унинг бошида ёрилди. «Нима, уни хожаси йўқлиги учун заиф санаяпсанми?!», деди Уммул Фазл. Шундан сўнг Абу Лаҳаб бўйнини қисиб, жўнаб қолди. Худо ҳаққи, шу воқеадан бир ҳафтагина ўтгач, Аллоҳ уни адаса касалига (араблар жирканадиган яра-чақа касали) мубтало қилди ва шунинг ортидан ўлиб кетди. Болалари ҳам унинг яқинига йўламасдан, ҳеч ким уни кўмишни ҳам истамасдан шу ҳолда уч кун қолиб кетди. Охир-оқибат шу ҳолда қолиб кетса, иснодга қолишларидан қўрқиб, бир чуқур қазиб, ёғочлар билан суриб унга тушириб, узоқдан тошлар отиб кўмиб ташлашди.

Бадр майдонидаги қақшатқич мағлубият хабарини Макка аҳли ана шу тарзда қаршилади. Бу воқеа уларга жуда қаттиқ таъсир кўрсатди. Ҳатто, мусулмонлар устимиздан кулмасин, деган мақсадда ўлганлар учун овоз чиқариб йиғлашни ҳам ман қилиб қўйишди.

Бадр куни Асвад ибн Мутталибнинг учта ўғли ҳалок бўлганди. Болалари учун дод солиб йиғлагиси келар, ўзи кўзи ожиз одам эди. Кечаларнинг бирида бир аёлнинг овоз чиқариб йиғлаётганини эшитиб қолиб, ғуломига: «Бор, билиб келчи, овоз чиқариб йиғлашга рухсат бўлганмикин, Қурайш ўлганлари учун аза очиб йиғлаётганмикин? Шояд мен ҳам ўғлим Абу Ҳакима учун бир тўйиб йиғласам, аламдан ичларим куйиб кетди ахир», деди. Бола қайтиб келиб: «Бир хотин туясини йўқотиб қўйиб йиғлаётган экан», деди. Шунда Асвад ўзини тутолмай қолиб, ич-ичидан ушбу мисралар отилиб чиқди:

Азизмикан бир туянинг қадри шунча,
Ухламасдан йиғламасанг тўлиб бунча.
Йиғлар бўлсанг Бадр кунин эслаб йиғла,
Завол топган йигитлар чун бағринг тиғла.
Ҳалок бўлди унда Қурайш уруғлари,
Бани Ҳусайс, Бани Махзум улуғлари.
Ярашади Ақил учун чексанг фарёд,
Шерлар шери Ҳорис учун кўтарсанг дод.
Ҳакиманинг отасидек йигит ўлди,
Санайверсам адо бўлмас гуллар сўлди.
Саййидларга Бадр бўлгач сўнгги маъво,
Қолган-қутган «саййидман», деб қилар даъво.

МАДИНАГА ҒАЛАБА МУЖДАСИ ЕТИБ КЕЛАДИ

Мусулмонлар узил-кесил ғалабага эришганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлига ғалаба хабарини етказиш учун икки чопар йўлладилар, Абдуллоҳ ибн Равоҳани Олия (юқори тараф) аҳлига, Зайд ибн Ҳорисани эса Софила (қуйи тараф) аҳлига юбордилар.

Яҳуд ва мунофиқлар бунгача Мадинада ёлғон миш-мишлар тарқатиб, ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлдирилганликлари хабарини ёйишга улгуришганди. Мунофиқлардан бири Зайд ибн Ҳорисани Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туялари Қасвога миниб келаётганини кўриб: «Ана, Муҳаммад ўлдирилгани рост экан, мана унинг туяси, унинг устида ҳаллослаганича қочиб келаётган анови Зайд эса қўрқувдан нафаси ичига тушиб кетиб гапиролмай ҳам қолган кўринади», деб шовқинлади.

Иккала элчи етиб келгач, мусулмонлар хабар эшитиш иштиёқида уларни ўраб олишди, мусулмонларнинг ғалаба қозонганига ишонч ҳосил қилишгач, ҳамма ёқни шод-хуррамлик тутиб кетди, Мадинанинг чор-атрофи гулдурос таҳлил ва такбирлар остида ларзага келди. Мадинадаги мусулмонларнинг бошлиқлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ушбу улкан ғалаба билан муборакбод этиш учун Бадр йўли сари отланишди.

Усома ибн Зайд айтади: «Бизга ғалаба хабари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайянинг қабри устига тупроқ тортаётган пайтимизда етиб келди, у Усмон ибн Аффоннинг никоҳида бўлиб, Усмон билан мени Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб туриш учун қолдиргандилар».

Ислом лашкари Мадина сари йўл олади

Жанг ниҳоясига етганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрда уч кун турдилар. Жанггоҳдан қўзғалишларидан олдин лашкар ичида ўлжа хусусида келишмовчилик юзага чиқди. Тортишув кучайиб кетгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан ҳамма қўлидаги нарсаларни бир жойга ташлади. Сўнг ушбу муаммони ечиб берувчи ваҳий нозил бўлди.

Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Бадрда ҳозир бўлдим. Тўқнашув бўлиб, унда Аллоҳ душманни мағлуб қилгач, бир гуруҳ кишилар душман ортидан қувиб, ўлдириш ва асир олишда давом этдилар, бир гуруҳ эса ғанимат ва ўлжаларни йиғишга киришдилар, яна бир гуруҳ эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида, душман ғафлатда қўйиб у зотга бирон зиён етказишидан қўрқиб, ҳимоя қилиб турдилар. Қоронғи тушиб, ҳамма жой-жойига қайтгач, ўлжа йиққан кишилар: «Ўлжаларни биз тўпладик, уларда биздан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», дейишса, душман ортидан қувиб кетганлар: «Биз ўлжага ҳаммадан ҳақлироқмиз, чунки душманни ундан узоқлатиб, сизлар учун имконият яратиб бердик», дейишди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофида қолганлар ҳам: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўз-қулоқ бўлиб туриш мақсадида ўрнимиздан жилолмадик», дейишди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло:

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْأَنفَالِ ۖ قُلِ ٱلْأَنفَالُ لِلَّهِ وَٱلرَّسُولِ ۖ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَصْلِحُوا۟ ذَاتَ بَيْنِكُمْ ۖ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Аллоҳ ва пайғамбарникидир. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйсунингиз!»** (“Анфол” сураси, 1-) оятини нозил қилди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни мусулмонлар ўртасида тақсимладилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрда уч кун турганларидан сўнг лашкар ҳамроҳлигида Мадина сари йўлга отландилар. Мушрик асирларни ва мушриклардан олинган ўлжаларни ҳам бирга олиб кетдилар, ўлжаларга Абдуллоҳ ибн Каъбни масъул қилиб қўйдилар. Сафро дарасидан ўтгач, дара билан Нозия

ўрталиғидаги тепаликда тўхтадилар. Ўша ерда ўлжалардан хумус (бешдан бирини) ажратиб олгач, қолганини мусулмонларга баб-баробар бўлиб бердилар.

Сафрога етганларида Назр ибн Ҳорисни ўлдиришга буйруқ бердилар. У Бадрда мушрикларнинг байроқдори бўлган, Қурайшнинг энг катта жиноятчиларидан бири, Исломнинг ашаддий душманларидан ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озори энг қаттиқ кимсалардан бири эди. Али ибн Аби Толиб унинг бошини танидан жудо қилди.

Ирқуз-зубяга етганларида Уқба ибн Аби Муийтни қатл қилишга буйруқ бердилар. Юқорида биз унинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нақадар ёмон азиятлар етказганини айтиб ўтганмиз, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида сўйилган туянинг қоғоноқ*ини келтириб, у зотнинг елкаларига ташлаган ҳам, ридоси билан у зотни бўғиб, ўлдириб қўяёзган ҳам мана шу бадбахт эди.

*Қоғоноқ – бачадонда болани ўраб турадиган парда.

Уни қатл қилишга буюрганларида: «Гўдак болаларимни ким қарамоғига олади, эй Муҳаммад?», деган эди: **«Ўт»,** деб жавоб бердилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Саҳиҳ эгалари ривоят қилганлар, қаранг: “Сунан Аби Довуд”, 3/12.

Уни Осим ибн Собит Ансорий қатл қилди, баъзилар Али ибн Аби Толиб қатл қилган ҳам дейишади.

Бу икки муштумзўрнинг қатл қилиниши уларнинг ўтмишдаги жиноятларига берилган жазо ҳам эди. Зеро, улар нафақат асирлар, балки замонавий тил билан айтганда уруш жиноятчилари ҳам эди.

Муборакбод этувчи вакиллар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага юборган икки элчиларидан хушхабарни эшитиб, у зотни муборакбод этиш учун йўлларига пешвоз чиқиб келаётган мусулмонларнинг бошлиқлари у зот билан Равҳога етиб келганларида учрашдилар ва ғалаба билан муборакбод этдилар. Шунда Салама ибн Салома уларга: «Бизни нимага қутлаяпсизлар? Аллоҳга қасамки, биз бор-йўғи тушовланган туяларга ўхшаш, тепакал қарияларга тўқнашиб, уларни бўғизладик, холос», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилдилар ва: **«Эй жиян, улар қавмнинг энг шарафли кишилари эди»,** дедилар.

Усайд ибн Ҳузайр: «Ё Росулуллоҳ, сизни музаффар ва шод-хуррам этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Аллоҳга қасамки, ё Росулуллоҳ, менинг Бадрдан қолишимга сабаб – сизни душман билан тўқнашувга бораётганингизни билмагандим, фақат карвон учун бораяпсиз, деб ўйлаган эдим, агар жанг бўлишини билсам, ҳаргиз қолмаган бўлардим», деди. **«Рост айтдингиз»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага

музаффар ва ғолиб бўлиб кириб келдилар. Мадина ва унинг атрофларидаги душманлар у кишидан ҳайиқиб қолишди. Мадина аҳлининг жуда кўпчилиги Исломни қабул қилишди. Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг ҳамтовоқлари ҳам зоҳирда Исломга киришди.

Мадинага келганларининг эртаси куни асирларни ҳам етказиб келишди. Уларни асҳоблари ўртасида тақсимладилар ва уларга асирларига яхши муомалада бўлишни буюрдилар. Асҳоблари у зотнинг тавсияларига амал қилиб, ўзлари хурмо еб, асирларига нон берардилар.

Асирлар масаласи

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага етиб келганларидан сўнг асирлар хусусида асҳобларига маслаҳат солдилар. Абу Бакр: «Ё Росулуллоҳ, улар бизнинг амакиваччаларимиз, қариндош-уруғ ва оға-иниларимиз. Фикримча, улардан фидя (тўлов) олсак, улардан олган маблағлар кофирларга қарши биз учун қувват бўларди. Қолаверса, ажабмаски, Аллоҳ уларни ҳидоятга йўлласа ва бизга ёрдамчиларга айланишса», деди.

«Сиз нима дейсиз, эй Ибн Хаттоб?», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Умар: «Аллоҳга қасамки, мен Абу Бакрнинг фикрига қўшилмайман. Аксинча, улар ҳақида менинг фикрим шуки, менга фалончини (яъни, ўзининг қариндошларидан бирини) беринг, бошини танасидан жудо қилай, Алига Ақил ибн Аби Толибни беринг, бошини танасидан жудо қилсин, Ҳамзага акаси фалончини беринг, бошини танасидан жудо қилсин. Токи, қалбимизда мушрикларга нисбатан раҳм-шафқат йўқлигини Аллоҳга билдириб қўяйлик. Қолаверса, улар қавмнинг энг шарафли кишилари, бошлиқ ва қўмондонлари», деди.

Умар айтади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг фикримни олмадилар, Абу Бакрнинг фикрига мойил бўлдилар ва улардан фидя олдилар. Эртаси куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борсам, у зот билан Абу Бакр икковлари йиғлаб ўтиришган экан. Мен: «Ё Росулуллоҳ, дўстингиз билан сизни нима нарса йиғлатди? Менга ҳам айтинг, агар йиғлайдиган иш бўлса мен ҳам йиғлай, агар йиғлаёлмасам ўзимни йиғлаганга солай», дедим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Улардан фидя олганликлари туфайли биродарларингиз йўлиқадиган иш учун йиғлаяпман. Менга уларнинг азобланишлари мана бу дарахтдан ҳам яқин экани кўрсатилди»,** деб яқинларидаги бир дарахтга ишора қилдилар. Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилганди:

مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَن يَكُونَ لَهُۥٓ أَسْرَىٰ حَتَّىٰ يُثْخِنَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ تُرِيدُونَ
عَرَضَ ٱلدُّنْيَا وَٱللَّهُ يُرِيدُ ٱلْءَاخِرَةَ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٦٧﴾ لَّوْلَا كِتَـٰبٌ مِّنَ ٱللَّهِ سَبَقَ

لَمَسَّكُمۡ فِيمَآ أَخَذۡتُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ﴿٦٨﴾

«Ҳеч бир пайғамбар учун то Ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар), **сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса охират** (неъматлари сизларники бўлиши)**ни истайди. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир. Агар Аллоҳ томонидан** (билмасдан қилган хатони кечиришлиги) **ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга** (товон) **олганинглар сабабли улуғ азоб етган бўлур эди».** "Анфол" сураси, 67-68-оятлар.

Баъзи муфассирлар Аллоҳнинг ҳукми азалисида ёзиб қўйилган:

... وَإِمَّا فِدَآءً حَتَّىٰ تَضَعَ ٱلۡحَرۡبُ أَوۡزَارَهَاۚ ... ﴿٤﴾

«...Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) **марҳамат кўрсатурсизлар ё** (уларни қўйиб юбориш учун) **фидя – товон олурсизлар...»** ("Муҳаммад" сураси, 4-) ояти эди, бунда асирлардан фидя олиб, қўйиб юборишга изн берилганди, шу боис ҳам бу иш учун азоб тушмади, фақат ерда мустаҳкам ўрнашиб олмасдан туриб, асир олингани учун итоб-танбеҳ нозил бўлди, дейдилар.

Баъзилар эса: «Йўқ, бу оят кейинроқ нозил бўлган, Аллоҳнинг илми азалисида ёзилган китобдан мурод – бу уматга ғанимат-ўлжаларни ҳалол қилиб берганлиги ёки Бадр аҳлини Ўзининг тўла раҳмат ва мағфиратига олганидир», дейишади.

Иш Абу Бакр Сиддиқнинг маслаҳатига кўра асирлардан фидя олишга қарор топгани учун улардан фидя олинди. Фидя миқдори минг дирҳамдан тортиб тўрт минг дирҳамгача бўлди. Макка аҳли ёзув-чизувга қўли келадиган саводхон халқ бўлиб, Мадина аҳли асосан саводсиз эди. Шу боис тўлашга пули бўлмаган асирлар мадиналик ўнта боланинг саводини чиқариб қўйиш эвазига ҳам озод қилиндилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча асирларни ҳеч қандай тўловсиз ҳам озод қилиб юбордилар. Муттолиб ибн Ҳантоб, Сойфий ибн Абу Рифоъа, Абу Изза Жумаҳийлар шулар жумласидан бўлиб, кейинроқ Абу Иззани Уҳудда яна асирга тушганида ўлдиришга буюрганлар.

Куёвлари – қизлари Зайнабнинг эри Абул-Осни ҳам қўйиб юбордилар. Зайнаб унинг фидяси учун юборган моллар ичида онаси Хадижа унга тўйи куни тақиб қўйган сирға ҳам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу сирғага кўзлари тушиб, кўнгиллари бузилиб кетди ва асҳобларидан Абул-Осни шундоқ қўйиб юборишга изн сўрадилар, улар ҳам бунга рози бўлишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абул-Осни қўйиб юборарканлар, унга Зайнабнинг йўлини очиб қўйишини шарт қўйдилар. Шартга мувофиқ у Зайнабнинг ҳижрат қилишига йўл очиб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса билан бир ансорийни юбориб, Батни

Яъжаж, деган жойда кутиб туришларини, Зайнаб етиб келгач, уни бирга олиб келишларини буюрдилар. Улар бориб, Зайнабни бирга олиб келдилар. Унинг ҳижрат қиссаси жуда узун ва аламли кечди.

Асирлар ичида Суҳайл ибн Амр ҳам бўлиб, у кучли нотиқ одам эди. Умар деди: «Ё Росулуллоҳ, Суҳайл ибн Амрнинг тишларини қоқиб олинг, тили осилиб, иккинчи сизга қарши гапириб юрмайдиган бўлсин». Бироқ, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бу талабини рад этдилар, бундай қилиш охиратда Аллоҳнинг азобига дучор қилувчи мусла (инсоннинг кулоқ-бурун каби аъзосини кесиш) бўлишидан қўрқдилар.

Саъд ибн Нуъмон исмли саҳобий умра қилиш учун борганида Абу Суфён уни ушлаб қамаб қўйганди. Асирлар ичида бўлган Абу Суфённинг ўғли Амрни Абу Суфёнга юбордилар, у бунинг эвазига Саъдни қўйиб юборди.

ҚУРЪОН МАЗКУР ЖАНГ ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТАДИ

Ушбу жанг мавзусида «Анфол» сураси нозил бўлди. Бу сура – таъбир жоиз бўлса мазкур жанг борасидаги илоҳий изоҳ (ҳисобот) бўлиб, у одатда подшоҳ ва қўмондонларнинг ғалабадан кейин нутқ қиладиган изоҳ ва ҳисоботларидан кескин фарқ қилади.

Аллоҳ таоло аввало мусулмонларнинг диққатини уларда сақланиб қолган ва улардан содир бўлган айрим ахлоқий қусурларга жалб қилди ва бу билан уларнинг ўз нафсларини юксак камолот даражаларига кўтариш ва дилларини бу қусурлардан поклашга чорлади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Ўзининг бу ғалабадаги қўллаб-қувватлашини, мусулмонларга бўлган ғойибона мадад ва нусратини баён қилди. Буни уларга ўз шижоатлари ва жасоратлари билан мағрурланиб қолиб, нафсларига манманлик ва кибру-ҳаво томир отмаслиги учун, балки Аллоҳга таваккул қилишлари, Унга ва Унинг Росулига итоат қилишлари учун зикр қилди.

Сўнгра уларга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бу қонли тўқнашувга олиб келган юксак мақсад ва ғаразларни баён қилди, уларни жангларда ғалабага сабаб бўлувчи сифат ва ахлоқларга йўллади.

Сўнг мушрик ва мунофиқларга, яҳудларга ва уруш асирларига хитоб қилиб, уларга ҳақни қабул қилишларига йўллайдиган етук панд-насиҳатлар қилди.

Сўнгра ғанимат-ўлжалар мавзусида мусулмонларга хитоб қилиб, уларга ушбу масалага оид асос ва қонун-қоидаларни қўйиб берди.

Сўнгра уларга исломий даъват ушбу босқичга кирганидан сўнг муҳтож бўладиган уруш ва тинчликка оид қонун-қоидаларни баён қилди, токи мусулмонларнинг урушлари жоҳилият аҳли урушларидан ажралиб турсин, мусулмонлар ахлоқ-одоб, ўлчов ва намуналарда юксалиб турсинлар, дунё аҳли Исломнинг қуруқ дунёқарашдан иборат

эмаслигини, балки у ўзининг аҳлини ўзи чақираётган фикр ва асослар билан амали равишда тарбияловчи дин эканига ишонч ҳосил қилсин.

Сўнгра Ислом давлати қонунларидан ушбу давлат ҳудуди ичида яшаётган мусулмонлар билан унинг ташқарисида яшовчи мусулмонлар ўртасидаги фарқларни барпо қилувчи баъзи бандларни баён қилди.

Ҳижратнинг иккинчи йилида Рамазон рўзаси фарз қилинди, фитр закоти фарз қилинди, закотнинг бошқа нисоб ва ўлчовлари баён қилиб берилди. Фитр закотининг фарз бўлиши ва закотнинг бошқа нисобларини батафсил баён қилиниши камбағал ва муҳтож бўлган, тирикчилик йўлларини топишга қийналиб юрган муҳожирларнинг бўйинларини эзиб турган оғирликлар анча енгиллашига сабаб бўлди.

Энг гўзал воқеа ва ажойиб ҳодисалардан бири – иккинчи ҳижрийнинг шавволида мусулмонлар ҳаётларида биринчи бор байрам қилинган ҳайит байрами бўлди. Бу байрам Бадр ғазотида қозонилган улкан ғалаба ортидан келганлиги унинг янада шукуҳли бўлишига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло бошларига ғалаба ва азизлик тожини кийдирганидан сўнг келган бу улуғ ҳайит байрами нақадар ажойиб кўриниш эди! Уйларидан чиқиб борарканлар, баланд овозда такбир, таҳлил ва ҳамд айтиб боришган, қалблари Аллоҳга рағбат билан, Ўзи берган неъматларидан ва ато этган ғалабасидан сўнг Унинг раҳмати ва розилигига интилиш билан тўлиб-тошган ҳолда ўқишган ийд намози нақадар гўзал, таърифига тил ожиз намоз эди! Аллоҳ таоло уларга мана шу ҳолатларни эслатиб, шундай марҳамат қилди:

وَٱذۡكُرُوٓاْ إِذۡ أَنتُمۡ قَلِيلٞ مُّسۡتَضۡعَفُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِ تَخَافُونَ أَن يَتَخَطَّفَكُمُ
ٱلنَّاسُ فَـَٔاوَىٰكُمۡ وَأَيَّدَكُم بِنَصۡرِهِۦ وَرَزَقَكُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ لَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ ٢٦

«Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) **озчилик ва заиф-бечора бўлган ҳолларингизда, одамлар** (яъни, Макка мушриклари) **сизларни талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда** (Аллоҳ) **сизларга жой бериб** (яъни, Мадинага кўчириб) **Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз!».** “Анфол” сураси, 26-оят.

БАДР ВА УҲУД ОРАЛИҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАНГОВОР ҲАРАКАТЛАР

Бадр маъракаси мусулмонлар билан мушриклар ўртасида бўлиб ўтган биринчи қуролли тўқнашув эди. У мусулмонларга чор атрофдаги бутун араблар шоҳид бўлган узил-кесил ғалабани келтирган жанг бўлди. Ушбу жанг натижаларидан бевосита ундан қақшатқич зарба еганлар, яъни мушриклар, шунингдек мусулмонларнинг иззат ва ғалабаси уларнинг диний ва иқтисодий нуфузига салбий таъсир

кўрсатишидан хавфда бўлган яҳудлар энг қаттиқ хафа бўлишди. Бадрда мусулмонлар ғалабага эришганларидан бери бу икки гуруҳ ғазаб ва адоват алангасида қовурилларди. Аллоҳ таоло айтганидек:

لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ ٱلنَّاسِ عَدَٰوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱلۡيَهُودَ وَٱلَّذِينَ أَشۡرَكُواْۖ ... ﴿٨٢﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **сиз мўминларга энг қаттиқ адоват қилувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз...».** “Моида” сураси, 82-оятдан.

Мадинада бу икки гуруҳнинг сирдош дўстлари ҳам бор бўлиб, улар ўз иззатларини сақлаб қолиш учун Исломдан ўзга йўл кўрмагач, ноилож Исломга кирган Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг асҳоблари эди. Бу учинчи гуруҳнинг алам-аччиғи ҳам аввалги иккала гуруҳникидан кам эмасди.

Улардан ташқари, тўртинчи гуруҳ ҳам бор эди. Улар Мадина атрофларида кўчиб юрувчи бадавийлар эди. Уларни куфр ва иймон масаласи қизиқтирмас, касблари қароқчилик ва талончилик бўлгани учунгина мусулмонларнинг ғалабасидан безовта бўлиб, ҳаловатларини йўқотишди, Мадинада уларни талончилик билан кун кўришдан тийиб қўядиган кучли бир давлатнинг барпо бўлишидан қўрққанликлари туфайли мусулмонларни ёмон кўриб, уларга душманга айланишди.

Демак, маълум бўлдики, Бадрдаги ғалаба мусулмонларнинг шон-шавкат, иззат ва кароматларига қанчали сабаб бўлган бўлса, бошқа бир неча томонларнинг адоват ва нафратига ҳам шунчали сабаб бўлди. Табиийки, ҳар бир гуруҳ ўзини мақсадга эриштирувчи, деб билган йўлга эргашарди.

Мадина ва унинг атрофидагилар ўзларини мусулмон кўрсатиб, махфий фитна ва тил бириктирувлар йўлига ўтган, яҳудлардан бир тоифаси эса адоватини эълон қилиб, ғазаб ва нафратини ошкор қилар, Макка эса қақшатқич зарба бериш билан таҳдид қилиб, аёвсиз ўч олишни ваъда қилар, бунинг учун оммавий сафарбарликни ҳам бошлаб юборган, ич-ичидан ана шу кун етиб келишини кутиб яшарди:

Ишонаман, биз учун ҳам бир ёруғ кун келиб етар,
Унда ғаним оҳ-фарёди чор-атрофни тутиб кетар.

(Дарҳақиқат, тарихда Уҳуд ғазоти номини олган урушда Қурайш ўз ниятига етди ва бу ғазот мусулмонларнинг шон-шавкат ва ҳайбатларига жиддий таъсир кўрсатган урушга айланди).

Мусулмонлар ана шундай хатарларни бартараф этиш йўлида жуда катта ишларни амалга оширдилар, бунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улкан бошқарувчилик қобилиятлари, у зотнинг мазкур хатарларга нисбатан ғоят огоҳлик ва ҳушёрлик билан ёндашганликлари, уларнинг олдини олиш учун тузган режаларининг нақадар тўғрилиги яққол намоён бўлди. Қуйида ана шулар ҳақида

мухтасар шаклда зикр қилиб ўтамиз.

Кудрдаги Бану Сулайм ғазоти

Бадр жангидан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келган илк хабар Бану Сулайм ва Бану Ғатафон қабилаларининг Мадинага ҳужум қилиш учун куч тўплаётани ҳақидаги хабар бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зудлик билан ҳаракат қилиб, уларни ўз уйларида янчиб ташлаш учун икки юз отлиқ билан йўлга чиқдилар ва уларнинг Кудр (Наждда, Макка билан Шом ўрталиғидаги шарқий тижорат йўли устида жойлашган Бану Сулаймга қарашли сувли ўрин), деб аталувчи жойдаги манзилларига етиб бордилар. Бану Сулайм водийда 500 та туяни қолдирганча ўзлари тумтарақай қочиб қолдилар. Туяларни мусулмонлар ўлжа сифатида қўлга киритдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бешдан бирини ажратиб олганларидан сўнг қолганини ҳар бир отлиққа иккитадан қилиб бўлиб бердилар, Ясор номли бир қул ҳам қўлга тушган экан, уни озод қилиб юбордилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг диёрида уч кун туриб, сўнг Мадинага қайтиб кетдилар.

Ушбу ғазот Бадрдан қайтганларидан етти кун кейин, 2 ҳижрийнинг шаввол ойида ёки муҳаррамнинг ўртасида бўлиб ўтди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ғазотга чиқиб кетишларида Мадинага Сибоъ ибн Урфутани халифа қилиб қолдирдилар. Баъзилар: Ибн Умму Мактумни қолдирганлар, ҳам дейишган.

”Зодул-маъод”, 2/90, «Ибн Ҳишом», 2/43, 44.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд тайёрланиши

Мушриклар Бадрдаги мағлубият таъсирида алам ва ғазаб алангасида ёнишар, Макка Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши худди қозондек қайнарди. Шу орада улар ичидан иккита энг зўри чиқиб, ўз назарларида ушбу ихтилоф ва адоватларнинг ҳамда бу хорлик ва хўрликларининг бош сабабчисини, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқ қилишга қарор қилишди.

Бадр воқеасидан бир оз ўтиб, Умайр ибн Ваҳб Жумаҳий Сафвон ибн Умайя билан ҳижрда (яъни, Каъба ёнида) ўтиришганди. Умайр Қурайш шайтонларидан бири бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва асҳобларга Маккадалик пайтларида кўп озорлар етказганди. Унинг ўғли Ваҳб ибн Умайр Бадр асирлари ичида эди. Иккаласи Бадрда ҳалок бўлиб, қудуққа ташланган кишилар ҳақида сўзлашиб ўтиришаркан, Сафвон: «Худо ҳаққи, улардан кейин яшашнинг қизиғи қолмади», деди.

Умайр ҳам: «Тўғри айтасан, худо ҳаққи, агар бўйнимдаги тўлай олмаётган қарзим бўлмаганда ҳамда мендан кейин бола-чақамнинг зое бўлиб кетишидан қўрқмаганимда эди, ҳозироқ бориб Муҳаммадни ўлдириб келар эдим. Чунки, менинг у ерга боришимга важ бор, ўғлим

улар қўлида асир», деди.

Сафвон ҳам темирни қизиғида босиб қолди: «Қарзинг менинг бўйнимга, ўзим тўлайман. Бола-чақанг менинг бола-чақам билан бирга бўлади, ўзим умрбод уларга қараб тураман», деди.

Умайр: «Ундай бўлса, бу гап иккимиз ўртамизда қолсин», деди.

Сафвон ҳам: «Келишдик», деди.

Шундан сўнг Умайр қиличини ўткирлаб, тиғига заҳар суртди ва Мадинага қараб йўлга отланди. Мадинага етиб келиб, туясини масжид эшиги ёнига чўктираётганида бир неча мусулмонлар билан Бадр кунги ғалаба ҳақида гаплашиб турган Умар ибн Хаттобнинг кўзи унга тушди ва: «Қаранглар, бу кўппак Аллоҳнинг душмани Умайр-ку, у бу ерга яхши ниятда келмаган», деди. Сўнг пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кириб: «Ё Росулуллоҳ, анови ит, Аллоҳнинг душмани Умайр белида қиличи билан келибди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни олдимга киритинглар»,** дедилар. Шундан сўнг Умар унинг қиличи тасмасидан маҳкам тутганича бир неча ансор йигитларига: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кириб, ёнларида ўтиринглар, мана бу ифлосга ҳушёр бўлинглар, чунки бунга ишонч йўқ», деди, сўнг уни ичкарига олиб кирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умарни унинг бўйнидаги қиличи тасмасидан маҳкам тутиб турганини кўриб: **«Уни қўйиб юборинг эй Умар»,** дедилар, сўнг: «Бери кел, эй Умайр», дедилар. Умайр яқин келиб: «Хайрли тонг», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таоло бизни сенинг бу саломлашувингдан яхшироқ саломлашув билан – жаннат аҳлининг саломи бўлмиш «Ассалом» билан мукаррам қилган эй Умайр»,** дедилар. Сўнг:

– **Нима мақсадда келдинг, эй Умайр?, –** деб сўрадилар. У:

– «Қўлларингизда бўлган асир (ўғлим) учун келдим, унга яхшилик қилинглар», деди.

– **Унда нега бўйнингга қилич осиб олдинг?, –** дедилар.

– Қуриб кетсин қиличи ҳам, бизга унинг нима ҳам фойдаси тегди?!, – деди.

– **Тўғрисини айт, нега келдинг?,** – дедилар.

– Тўғриси шу, бошқа мақсадим йўқ, – деди.

– **Йўқ, ундай эмас, Сен Сафвон ибн Умайя билан ҳижрда ўтириб, қудуққа жо бўлган қурайшликлар ҳақида сўзашиб ўтириб: «Агар бўйнимда қарзим ва бола-чақам бўлмасайди, бориб Муҳаммадни ўлдирардим», дединг. Шунда Сафвон мени ўлдиришинг эвазига сенинг қарзингни ҳам, бола-чақангни ҳам ўз зиммасига олди. Лекин Аллоҳнинг Ўзи сени бу ишдан тўсувчидир»,** дедилар.

Шунда Умайр: «Гувоҳлик бераманки, сиз дарҳақиқат Аллоҳнинг Росулисиз. Эй Росулуллоҳ, биз сизнинг осмондан хабар

келтиришингизга ва сизга ваҳий тушишига ишонмас эдик. Аммо, мана бу ишда мен ва Сафвондан бошқа ҳеч ким бўлмаганди. Аллоҳга қасамки, буни сизга фақат Аллоҳнинг Ўзи аён қилган. Мени Исломга ҳидоят қилган ва шу ерга етаклаб келган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деди ва шаҳодат калимасини айтиб мусулмон бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биродарингизга динини ўргатинглар, Қуръон ўқитинглар, асирини эса бўшатиб юборинглар»,** дедилар.

Сафвон эса: «Хурсанд бўлаверинглар, яқинда Бадрдаги ҳамма мусибатни эсдан чиқариб юборадиган бир воқеа хабари келади», дер, ўткинчилардан Умайр ҳақида сўраб-суриштирарди. Йўловчилардан бири унга Умайрнинг Исломга кирганини айтгач, қайтиб Умайр билан гаплашмасликка ва унга нафи тегадиган бирон ишга қўл урмасликка қасам ичди.

Умайр эса Маккага қайтиб келиб, шу ерда яшаб, Исломга даъват қила бошлади. Унинг ҳаракати туфайли кўпчилик Исломни қабул қилди. «Ибн Ҳишом», 1/661-663.

БАНУ ҚАЙНУҚОЪ ҒАЗОТИ

Биз юқорида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудлар билан тузган шартнома бандларини айтиб ўтган эдик. У зот мазкур шартномага амал қилишга қаттиқ ҳаракат қилиб келдилар. Амалда мусулмонлар тарафидан унинг бирон ҳарфига зид келадиган ҳеч қандай иш содир бўлмади. Аммо, тарихлари алдов, хиёнат ва аҳдни бузиш билан тўла бўлган яҳудлар табиийки, ўзларининг ўша қадимий табиатларига заррача хилоф қилмаган ҳолда мусулмонлар сафлари орасида беқарорлик ва нотинчлик келтириб чиқариш мақсадида турли фириб-найранглар қўзғата ва фитналар чиқара бошладилар. Қуйида улардан айрим намуналар келтирамиз.

Яҳудларнинг фириб-найрангларидан бир шингил

Ибн Исҳоқ айтади: “Ёши бир жойга бориб қолган мўйсафид яҳудий Шос ибн Қайс куфри кучли, мусулмонларга нисбатан нафрати баланд ва ҳасади қаттиқ одам эди. Бир куни у авслик ва хазражлик бир неча саҳобаларнинг бир даврада гаплашиб ўтиришганини кўрди, уларнинг аҳил ва иноқликларини, Ислом улар ўртасида жоҳилият даврида бўлган барча эски адоватларни унуттириб юборганини кўриб, аламдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди, «Бану Қайла уруғлари бу диёрда иттифоқ бўлишса-я?! Йўқ, улар иттифоқ бўлишса, бу диёрда бизга ўрин қолмайди», деди. Сўнг ёнидаги бир яҳудий йигитга: «Бор, улар ёнига бориб ўтир ва гапни Буъос куни ва ундан олдин бўлиб ўтган воқеаларга бур, ўша куни улар айтган шеърлардан айримларини ўқиб бер», деди. Йигит у айтганидек қилди ва қавмни ўша кунги жанг ҳақидаги гап-сўзларга тортиб қўйди. Шунда улар ўзларининг ўша кундаги қаҳрамонликлари ва жасоратлари ҳақида сўзлаб, мақтанишга

ва бир-бирларини пастга уришга киришиб кетганларини ўзлари ҳам сезмай қолишди. Охир-оқибат иккала қабила аҳлидан бўлган икки киши бир-бири билан гап талашиб, бири иккинчисига: «Истасанг, ўша воқеани яна такрорлаймиз!», деб юборди. Бу эса улар орасидаги тарихий ички урушлар ўтини яна қайта ёқишга чақириқ маъносини англатарди. Ҳар икки гуруҳ ғазаб отига миниб: «Бўлди, шундай қилганимиз бўлсин! Зоҳирада учрашамиз! Қуролланинг, қуролланинг!», дейишиб, айтилган жойга қараб отлана бошлади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу воқеанинг хабари етгач, муҳожирлардан бўлган асҳоблари ҳамроҳлигида улар ёнига чиқиб бордилар. Тўпланиб туришган жойга етиб боргач:

«Эй мусулмонлар жамоаси! Аллоҳдан қўрқсангиз бўлмайдими?! Мен ҳали орангизда бўла туриб сизлар жоҳилият чақириқларига чорлайсизми?! Аллоҳ сизларни Исломга ҳидоятлаб қўйганидан ва у билан сизларни мукаррам қилганидан, у сабабли сизлардан барча жоҳилият ишларини узиб ташлаганидан, у сабабли сизларни куфрдан қутқариб, дилларингизни бир-бирига ошно қилганидан сўнг-а?!», дедилар.

Шундагина қавм ўзларига келдилар, ўзларининг шайтоннинг тўрига илашиб қолганликларини ва душман макрига алданганликларини англаб етдилар, йиғлаб, иккала қабила аъзолари қучоқлашиб, бир-бирларидан кечирим сўрадилар. Сўнгра Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ортларига қайтдилар. Шундай қилиб, Аллоҳнинг душмани бўлмиш яҳудий Шос ибн Қайснинг макр оловини Аллоҳнинг Ўзи ўчирди. «Ибн Ҳишом», 1/555, 556.

Бу воқеа яҳудларнинг мусулмонлар орасида фитна ва нотинчликлар келтириб чиқариш ва Ислом даъвати йўлига тўсиқлар пайдо қилиш учун тинмай қилаётган ҳаракатларига биргина мисол эди. Бу йўлда улар турли хил режалар остида иш олиб боришарди. Иймони заифроқ кишиларнинг қалбларига шак-шубҳа уруғини қадаш мақсадида ёлғон миш-мишлар тарқатишар, эрталаб тасдиқлаб турган нарсаларини кечга бориб инкор қилишар, иймон келтирган кишилар билан агар ўрталарида молиявий алоқалари бўлса, уларга тирикчилик йўлларини имкон қадар қисишга уринишар, мўминлардан бирон киши улардан қарздор бўлса, эртаю кеч қарзини қисташар, агар ўзлари бирор мўминдан қарздор бўлишса, ноҳақ еб кетишар, уни тўлашдан бўйин товлашар ва: «Бу қарзни ота-бобонгнинг динида эканингда олганмиз, сен у диндан қайтдинг, энди сенинг бизда ҳаққинг йўқ», дейишарди.

Муфассирлар уларнинг бу каби қилмишларини “Оли Имрон” сураси ва бошқа суралар тафсирида ёритиб берганлар.

Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўрталарида тузилган аҳдномани назар-писанд қилмасдан, то Бадр жангигача мусулмонлар билан ана шундай муомала қилиб келишди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблари уларни инсофга кириб

қолар, деган умидда ва минтақада тинчлик барқарор бўлиб туриши учун тишларини тишларига қўйиб сабр қилиб келишарди.

Бану Қайнуқоъ аҳдни бузади

Аллоҳ таоло Бадрда мўминларга улкан нусрат берганини, шундан сўнг уларда иззат ва шон-шавкат ҳосил бўлганини ҳамда узоқ-яқиндагиларнинг қалбларида улардан ҳайиқиш пайдо бўлганини кўриб, мазкур яҳуд тоифаси аламдан ўзларини қўйгани жой тополмай қолишди, ёмонлик ва адоватларини ошкор қилиб, озору тажовузларини кучайтира бошлашди.

Улар ичида адовати энг кучлиси ва ёмонлиги қаттиқроғи Каъб ибн Ашраф эди, (у ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталамиз) уччала яҳуд тоифаси ичида энг ёмони эса Бану Қайнуқоъ яҳудлари бўлиб, улар Мадина ичкарисида, ўз исмлари билан аталувчи маҳаллада яшашар, асосан қуймакорлик (заргарлик), темирчилик ва турли идишлар ясаш билан шуғулланишар, ана шу ҳунарлари боис улардан ҳар бир киши жанговор қурол-яроғларга эга эди. Уларнинг 700 нафар жангга ароқли кишилар бўлиб, Мадина яҳудларининг энг кучлиси эдилар. Мусулмонлар билан ўрталаридаги аҳдномани биринчи бўлиб бузганлар ҳам мана шулар бўлишди.

Аллоҳ таоло Бадрда мусулмонларга ғалаба ато этгач, уларнинг туғёни яна-да зўрайиб, иғво ва фитналари кучайиб кетди, ғалаён ва тартибсизлик келтириб чиқаришлари кенг тус олди, мусулмонларнинг устидан кулиш ва масхара қилишлари авжига чиқди. Уларнинг бозорига кирган ҳар бир мусулмон бирор озорга учрамай чиқиб кетмайдиган бўлиб қолди, ҳатто мусулмонларнинг аёлларига ҳам тажовуз қилишга ўта бошладилар.

Уларнинг ишлари кучайиб, тажовузлари зўрайиб кетгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммаларини йиғиб, панд-насиҳат қилдилар, инсоф ва тўғриликка чақирдилар, ҳадларидан тажовуз қилишнинг оқибатидан огоҳлантирдилар, лекин уларнинг ёмонликлари кучайса кучайдики, заррача камаймади.

Абу Довуд ва бошқалар Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан шундай ривоят қиладилар: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрда Қурайш устидан ғалабага эришиб, Мадинага қайтиб келганларидан сўнг яҳудларни Бану Қайнуқоъ бозорига йиғиб: **«Эй яҳудлар жамоаси, сизларнинг бошингизга ҳам Қурайшнинг бошига тушган иш тушмасидан туриб Исломни қабул қилиб қолинглар»,** дедилар. Шунда улар: «Эй Муҳаммад! Сен Қурайшнинг жанг қилишни билмайдиган уқувсиз, ғўр кишиларини ўлдирганинг билан кўп ҳам мағрурланма! Мана, биз билан урушиб кўрсанг, ҳақиқий жанг қандай бўлишини билиб оласан! Ҳали сен бизга ўхшаганлар билан тўқнашиб кўрганинг йўқ», деб жавоб қилишди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло ушбу оятларни нозил қилди:

قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ سَتُغۡلَبُونَ وَتُحۡشَرُونَ إِلَىٰ جَهَنَّمَۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمِهَادُ
﴿١٢﴾ قَدۡ كَانَ لَكُمۡ ءَايَةٞ فِي فِئَتَيۡنِ ٱلۡتَقَتَاۖ فِئَةٞ تُقَٰتِلُ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَأُخۡرَىٰ
كَافِرَةٞ يَرَوۡنَهُم مِّثۡلَيۡهِمۡ رَأۡيَ ٱلۡعَيۡنِۚ وَٱللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصۡرِهِۦ مَن يَشَآءُۚ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَعِبۡرَةٗ لِّأُوْلِي ٱلۡأَبۡصَٰرِ ﴿١٣﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **куфр йўлини тутган кимсаларга айтинг: «Шак-шубҳасиз,** (бу дунёда) **мағлуб бўласизлар ва** (охиратда) **жаҳаннамда тўпланажаксиз. Нақадар ёмон жой у!».** (Эй яҳудийлар), **сизлар учун бири Аллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир бўлган икки гуруҳ орасидаги тўқнашувда ибратли ҳодиса бўлган эди. Улар** (мусулмонлар) **ўз кўзлари билан** (кофирларнинг) **икки баробар кўп эканини кўриб турар эдилар. Аллоҳ эса Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир».** "Оли Имрон" сураси, 12-13-оятлар.

"Сунан Аби Довуд маъа Авнил-маъбуд", 3/115; «Ибн Ҳишом», 1/552.

Бану Қайнуқоънинг ушбу жавобидан очиқ-ойдин уруш эълон қилиш маъноси кўриниб турарди. Лекин, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабларини ичга ютдилар, мусулмонлар ҳам сабр қилишда давом этдилар.

Бану Қайнуқоъ яҳудларининг эса тобора сурбетликлари кучайиб борди, улар Мадинада нотинчлик ва беқарорлик чиқаришда давом этишди ва бу билан ўзларига ўзлари чоҳ қазиб, охир-оқибат ўзлари учун ҳаёт дарвозаларини ёпиб қўйишди.

Ибн Ҳишом, Абу Авндан ривоят қилади: «Бир араб аёли Бану Қайнуқоъ бозорида молини сотгач, бир заргар олдига келиб ўтирди. Ундан юзини очишини талаб қила бошладилар, у кўнмади. Шунда заргар унинг ўзига билдирмасдан кийимининг этагини орқасига боғлаб қўйди. Аёл ўрнидан тургач, унинг аврати очилиб қолди. Улар бундан хохолаб кула бошладилар. Шунда аёл ёрдам сўраб қичқирган эди, мусулмонлардан бири ҳалиги яҳудий заргарга ташланиб, уни ўлдирди. Яҳудлар ҳам мусулмонга ҳужум қилиб, уни ўлдиришди. Шундан сўнг мусулмон кишининг аҳли-оиласи яҳудларга қарши мусулмонлардан ёрдам сўраб, фарёд кўтаришди. Шу билан мусулмонлар ва Бану Қайнуқоъ ўртасида ёмонлик (уруш) келиб чиқди». «Ибн Ҳишом», 2/47, 48.

Бану Қайнуқоънинг қамал қилиниши, таслим бўлиши ва сургун қилиниши

Шу воқеадан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

ҳам сабр косалари тўлди. Мадинага Абу Лубоба ибн Абдулмунзирни халифа қилиб қолдирдилар ва Бану Қайнуқоъ сари лашкар тортиб бордилар, қўшин байроғини Ҳамза ибн Абдулмутталибга бердилар. Қўшинни кўрган Бану Қайнуқоъ ўз қалъаларига кириб ҳимояланишди. Мусулмонлар уларнинг қалъаларини қаттиқ қамалга олиб турдилар. Бу воқеа 2 ҳижрийнинг шаввол ойи ўртасида, шанба куни бўлди ва қамал то зул-қаъданинг бошларига қадар 15 кун давом этди. Аллоҳ таоло уларнинг дилларига қўрқув солди, зотан У бир қавмни расво ва хор қилишни истаса, уларнинг қалбига қўрқув солиб қўяди – ва улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг жонлари, моллари, аёллари ва фарзандлари хусусида нима ҳукм қилсалар шунга рози бўлишларини билдиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни боғлаб қўйишга буюрдилар.

Ана шунда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг мунофиқлиги очиқ намоён бўлди. У зўр бериб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уларни афв қилишни талаб қилиб: «Эй Муҳаммад, менинг дўстларимга яхшилик қил», дея бошлади. Чунки, Бану Қайнуқоъ Хазражнинг иттифоқчиси саналарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўзига парво қилмаган эдилар, у яна сўзларини қайтарди, у зот эса юзларини ўгириб олдилар. Шунда у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг совутлари ёқасидан тутиб тортди. **«Қўйиб юбор!»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, у зотнинг юзлари ғазабдан қизариб кетган эди, сўнгра яна: **«Қўйиб юбор, деяпман, башаранг қурсин!»,** дедилар. Лекин, мунофиқ сурбетларча ёпишиб олиб: «Йўқ, Худо ҳаққи, то менинг дўстларимга – 300 совут кийган, 400 совутсиз кишига раҳм қилмагунингча қўйиб юбормайман, улар мени қизилу қорадан (яъни, душманларимдан) ҳимоя қилиб келишган, сен уларни бир кунда қириб ташламоқчимисан?! Мен, Худо ҳаққи, бу иш ёмон оқибатга олиб келишидан қўрқаман», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлигини изҳор қилганига ҳали бир ой ҳам бўлмаган бу мунофиққа чиройли муомала қилдилар ва унинг ҳурматидан уларнинг қонидан кечдилар, бироқ уларни Мадинадан чиқиб кетишга ва унинг яқинида яшамасликка амр этдилар. Шундай қилиб Бану Қайнуқоъ яҳудлари Мадинадан Шомнинг Азруот, деган жойига бош олиб кетдилар ва ҳеч қанча ўтмай кўплари ўлиб йўқ бўлиб кетишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг молларини олиб қолдилар. Улар ичидан учта камон, иккита совут, учта қилич ва учта найзани олдилар ва ўлжаларни бешга тақсимладилар. Ўлжаларни йиғишга Муҳаммад ибн Маслама бош-қош бўлди.

«Зодул-маъод”, 2/71, 91, «Ибн Ҳишом», 2/47-49.

Савиқ ғазоти

Сафвон ибн Умайя, яҳудлар ва мунофиқлар ўзларининг тил

бириктирув ва ҳарбий амалиялари билан машғул бўлиб туришаркан, Абу Суфён ҳам тек ўтирмаганди. У қавмининг обрў-эътиборини сақлаб қолиш ва куч-қувватини кўрсатиб қўйиш учун зарари камроқ ва таъсири кўзга кўринарлироқ бир иш қилиш ҳақида режа тузиб қўйган ва уни тезроқ амалга оширишга шошилаётганди. Қолаверса, у то Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши жанг қилмагунича бошига жанобат туфайли сув теккизмасликни (яъни, аёлларга яқинлашмасликни) назр қилганди. Қасамининг устидан чиқиш мақсадида у 200 отлиқ билан йўлга отланди ва Мадинадан бир барид (барид – 12 милга тенг масофа) чамаси беридаги Сайб, деб аталувчи тоғ ёнбағрига келиб тушди. Бироқ, Мадинага очиқдан-очиқ ҳужум қилишга юраги дов бермасдан, қароқчилардек йўл тутди. Тун қоронғусида билдирмасдан Мадина четидаги маҳаллалар оралаб Ҳуяй ибн Аҳтобникига бориб, эшик қоқди. Бироқ, Ҳуяй қўрқиб эшикни очмади. Шундан сўнг у Бану Назир саййиди ва уларнинг ўша пайтдаги хазинабони Саллом ибн Мишкамникига борди. Саллом уни уйига олиб кириб, меҳмон қилди, шаробга тўйдирди, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни бирма-бир сўзлаб берди. Шундан сўнг Абу Суфён тонгга қолмай шериклари ёнига етиб бориб, улардан бир гуруҳини босқин учун юборди. Улар Мадина четидаги Урайз, деб аталган маҳаллани босқин қилиб, ундаги бир қанча хурмоларни кесиб, ўт қўйиб юборишди, ўша жойда бўлган бир ансорийни ва унинг деҳқончиликдаги шеригини ўлдириб кетишди, сўнгра ҳаммалари Маккага қараб қочиб қолишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бунинг хабари етиб келгач, зудлик билан Абу Суфённинг жамоаси ортидан қувиб чиқдилар. Бироқ, улар катта тезлик билан қочиб қолишган, юкларини енгиллатиш мақсадида ёнларида бўлган кўплаб толқон ва бошқа озуқаларини йўл-йўлакай ташлаб кетишган эди. Шу боис улар қочиб қутулишга муваффақ бўлишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қарқаратул-Кудр, деган жойгача бориб, шу ердан орқаларига қайтдилар. Мусулмонлар кофирлар ташлаб кетган толқонларни олиб кетдилар, шунинг учун бу жанг савиқ (толқон) жанги номини олди. Бу воқеа Бадр жангидан икки ой кейин, 2 ҳижрийнинг Зул-ҳижжа ойида бўлиб ўтди. Мазкур ғазотда Мадинага Абу Лубоба ибн Абдулмунзирни халифа қилиб кетдилар.

«Зодул-маъод", 2/90, 91, «Ибн Ҳишом», 2/444, 45.

Зу Амр ғазоти

Бу Уҳуд жангидан олдин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўмондонликлари остида бўлиб ўтган энг катта юриш бўлиб, 3 ҳижрийнинг муҳаррам ойида бўлди.

Бу жангнинг сабаби шу бўлдики, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Бану Саълаба ва Муҳориб қабилалари катта қўшин йиққани ва Мадина атрофларига ҳужум қилмоқчи эканлиги ҳақида хабар етиб келди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам мусулмонларни жангга сафарбар қилиб, отлиқ ва пиёда бўлиб 450 жангчи билан йўлга отландилар, Мадинага Усмон ибн Аффонни халифа қилиб қолдирдилар.

Йўлда Бану Саълаба қабиласилик Жубор исмли бир кишини қўлга тушириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келтиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Исломга даъват қилгандилар, у мусулмон бўлди. Шундан сўнг уни Билолга қўшиб қўйдилар, у мусулмонларни душман ерига бошлаб борди.

Душманлар Мадина қўшинининг келаётгани хабарини эшитгач, қочиб тоғларнинг тепаларига тирқираб кетишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинлари билан уларнинг қароргоҳлари бўлмиш Зу Амр, деган жойга етиб келиб, аъробийларга мусулмонларнинг куч-қудратини кўрсатиб қўйиш ва улар дилига қўрқув солиш мақсадида у ерда бир ой – сафар ойи тўла ёки шунга яқин муддат турдилар, кейин Мадинага қайтдилар.

Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши

Каъб ибн Ашраф Ислом ва мусулмонларга адовати чексиз, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озори кучли, у кишига қарши уруш қилишга энг кўп чақирувчи кимса эди.

У Бану Набҳоннинг Той қабиласидан, она тарафидан Бану Назирдан эди. Бой-бадавлат, дабдабага берилган, араблар орасида чиройи билан танилган, шоир киши эди. Қўрғони Бану Назир диёри ортида, Мадинанинг жанубий шарқида жойлашганди.

Унга мусулмонларнинг Бадрда ғалаба қозонишгани ва Қурайш улуғларнинг бошига тушган кўргиликлар хабари биринчи етиб келганида ишонқирамасдан: «Йўғ-е, ростданми?! Улар арабларнинг энг улуғзодалари, одамларнинг подшоҳлари-ку! Худо ҳаққи, агар Муҳаммад шу қавмнинг бошига етган бўлса, у ҳолда ернинг ости устидан яхши бўлиб қолади-ку», деди.

Хабарнинг ростлиги аниқ бўлгач, бу Аллоҳнинг душмани Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мусулмонларни ҳажв қилишга, уларнинг душманларини мадҳ этишга, уларни мусулмонларга қарши ундашга бел боғлади. Бунга ҳам қаноат қилмай, Маккага бориб, Мутталиб ибн Абу Вадоъа Саҳмийникига тушди ва Бадр қудуғига жо бўлган мушрикларга йиғлаб марсиялар ўқий бошлади. Шундай қилиб у Қурайшнинг ҳали ўчиб улгурмаган алам ўтини қайта ўт олдиришга, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган адоват ва нафратларини янгилашга муваффақ бўлди ва уларни у зотга қарши жангга чорлашга ҳаракат қилди. Маккада эканида Абу Суфён ва мушриклар ундан: «Бизнинг динимиз яхшироқми, Муҳаммад ва унинг асҳобларининг диними? Қай биримизнинг йўлимизни тўғироқ, деб ўйлайсан?», деб сўрашганда у: «Сизлар улардан кўра тўғироқ ва афзалроқ йўлдасиз», деб жавоб берди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят ҳам нозил қилган:

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ نَصِيبًا مِّنَ ٱلْكِتَٰبِ يُؤْمِنُونَ بِٱلْجِبْتِ وَٱلطَّٰغُوتِ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا۟ هَٰٓؤُلَآءِ أَهْدَىٰ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ سَبِيلًا ﴿٥١﴾

«Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга ишониб – сиғинаётганларини ҳамда кофир кимсалар ҳақида: «Ўшалар иймон эгалари бўлган (мусулмон)**лардан кўра тўғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми?».** “Нисо” сураси, 51-оят.

Сўнг Каъб Мадинага қайтиб келиб, шеърларида саҳобаларнинг аёлларини васфлаб, заҳарли тили билан уларга озор бера бошлади.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Каъб ибн Ашрафга талабгор борми? У Аллоҳ ва Росулига озор бермоқда»,** дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама, Аббод ибн Бишр, Абу Ноила (унинг исми Силкон ибн Салома бўлиб, ўзи Каъбнинг эмикдош биродари эди), Ҳорис ибн Авс ва Абу Абс ибн Жабр бу ишга талабгор бўлиб чиқдилар, гуруҳга Муҳаммад ибн Маслама бош бўладиган бўлди.

Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши ҳақидаги ривоятларда келишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Каъб ибн Ашрафга талабгор борми? У Аллоҳ ва Росулига озор бермоқда»,** деганларида Муҳаммад ибн Маслама ўрнидан туриб: «Мен талабгорман, ё Росулуллоҳ, уни ўлдиришимни истайсизми?», деб сўради. У зот: **«Ҳа»,** дедилар. «Ундай бўлса, менга баъзи бир сўзларни гапиришимга рухсат беринг», деди. **«Майли, гапираверинг»,** дедилар.

Шундан сўнг Муҳаммад ибн Маслама бориб Каъбга: «Бу одам биздан садақа талаб қилавериб қийнаб юборди», деди.

Каъб: «Қасам ичиб айтаманки, ҳали у сизларнинг жонингизга тегиб кетади», деди.

«Биз унга эргашиб қўйганмиз, энди унинг иши то бир ёққа сурилмагунча ташлаб кетолмаймиз. Бизга бир-икки васақ (бир васақ 130 кг) озиқ-овқат қарз бериб турсанг, дегандик», деди Муҳаммад ибн Маслама.

«Майли, гаровга бирон нарсаларингни қўйинглар», деди Каъб.

«Нимани гаровга қўйишимизни истайсан?», сўради Ибн Маслама.

«Аёлларингни гаровга қўйинглар», деди.

«Аёлларимизни сенга қандай ишонайлик, ахир сен араблар ичида чиройинг билан машҳур одам бўлсанг», деди.

«Унда фарзандларингни гаровга қўя қолинглар», деди.

«Йўғ-е, кейинчалик болаларимиз «бир васақ ё икки васаққа гаровга қўйилган», деган иснодни кўтариб юришсинми?! Ундан кўра, агар рози бўлсанг, сенга қуролларимизни гаровга қўяйлик», деди.

Каъб ҳам рози бўлгач, қуролларини келтириб беришга келишишди.

Абу Ноила ҳам худди Муҳамад ибн Маслама каби Каъб ҳузурига

келиб, у билан бир оз шеърхонлик қилган бўлди, сўнг: «Эй Ибн Ашраф, мен аслида олдингга бир ҳожат билан келганман, бировга айтмасанг айтаман», деди.

«Майли, сўзла», деди Каъб.

«Бу одам бошимизга битган бало бўлди, бизни араблар билан душман қилиб қўйди, энди ҳамма араблар бизга қарши бўлиб қолиб, йўлларимизни тўсиб қўйишди, бола-чақалар оч қолиб, ўзимиз жуда қийналиб қолдик», деди Ибн Ноила. Сўнг ўрталарида худди Муҳаммад ибн Маслама билан бўлгандек суҳбат бўлиб ўтди.

Гап орасида Абу Ноила: «Менинг худди шу фикрда бўлган бошқа шерикларим ҳам бор, уларни ҳузурингга олиб келсам, уларга ҳам шундай яхши муомала қилсанг, дегандим», деди.

Шундай қилиб, Ибн Маслама билан Абу Ноила бу сўзлашувдан кўзда тутган мақсадларига эришишди, яъни Каъбнинг олдига қурол-яроғ ва шериклари билан бемалол келишга замин ҳозирлаб олишди.

Шундан сўнг 3- ҳижрий Робиъул аввал ойининг 14- кечаси, ойдин тунда ушбу гуруҳ аъзолари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига йиғилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни Бақийъул Ғарқадгача кузатиб бордилар, сўнг: **«Аллоҳнинг номи билан йўлга отланинглар, эй Парвардигор, буларга Ўзинг мадад бергайсан»,** деб, уларга оқ йўл тиладилар. Сўнг уйларига қайтиб, намоз ўқиб, Парвардигорга муножот қила бошладилар.

Гуруҳ Каъб ибн Ашрафнинг қўрғонига етиб келгач, Абу Ноила уни исмини айтиб чақирди. Улар олдига чиқмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғолганида яқиндагина уйланган аёли: «Шу бемаҳалда қаерга чиқмоқчисиз?! Бу овоздан қон ҳиди келгандек бўлаяпти», деди. Каъб: «Хавотирланма, булар дўстим Муҳаммад ибн Маслама билан эмикдошим Абу Ноила-ку! Олийжаноб инсон ўлимга чақирилса ҳам йўқ демайди», деди, сўнг бошидан хушбўй ҳидлар таратганича улар олдига чиқиб борди.

Абу Ноила шерикларини аввалдан огоҳлантириб қўйган, «Мен унинг бошидан ҳидлаш баҳонасида сочидан маҳкам ушлаганимда сизлар фурсатни ғанимат билиб, унга ҳужум қиласизлар», деган эди. Каъб улар олдига тушиб келиб, бир оз гаплашиб тургач, Абу Ноила унга: «Эй Ибн Ашраф, биргалашиб Ажуз дарасига бориб, ўша ерда гаплашиб ўтирсак, нима дейсан?», деди. «Майли, шуни истасангизлар бора қоламиз», деди Каъб, сўнг бирга юриб кетишди. Йўлда кетиб боришаркан, Абу Ноила: «Бугунгидек хушбўй кечани кўрмаганман», деди. Каъб унинг мақтовидан эриб: «Арабнинг энг хушбўй аёлига уйланганман-да», деди. «Изн берсанг, бошингдан бир ҳидласам», деди Абу Ноила. «Майли, ҳидлай қол», деди Каъб. Абу Ноила унинг сочлари орасига қўлини киритиб, бошидан ҳидлади ва шерикларига ҳам ҳидлатди.

Бир оз юришгач: «Яна бир ҳидласам майлими?», деб сўради ва

унинг розилигини олгач, иккинчи бор ҳидлади. Шу билан Каъб анча хотиржам бўлиб қолди. Яна бир оз юришгач: «Яна бир ҳидласам майлими?», деб сўради. «Майли», дегач, қўлини унинг сочлари орасига киритиб, бошидан маҳкам ушлаб олгач: «Уринглар Аллоҳнинг душманини!», деб хитоб қилди. Ҳаммалари унга қилич солишга шошилишди, бироқ зарбалари ўринсиз кетди. Шунда Муҳаммад ибн Маслама ханжарини чиқарди-да, унинг қорнига тиқиб, куч билан пастга қараб тортди. Шундан сўнг Аллоҳнинг душмани ерга йиқилиб, жон берди. Жон аччиғида кўтарган қаттиқ фарёди сасидан чор-атрофдаги қўрғонлар аҳли уйғониб кетиб, қўрғонларда гулханлар ёруғи кўринди.

Гуруҳ тезлик билан ортга қайтди. Ҳорис ибн Авсга шерикларидан бирининг қиличи тегиб кетиб, жароҳатлаган экан, қон кетиб, ортда қолиб кетди. Гуруҳ Урайзга етиб бориб қарашса, Ҳорис қолиб кетибди. Ўша ерда унинг етиб олишини кутиб туришди. Етиб келгач, уни кўтариб кетишди. Бақиъул-Ғарқадга етиб келишгач: «Аллоҳу акбар», деб такбир айтишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг такбирлари овозини эшитиб Каъбнинг ўлдирилганини билдилар ва у зот ҳам такбир айтдилар. Ҳузурларига етиб келишгач, у зот: **«Юзларингиз ёруғ бўлсин!»,** дедилар. Улар: «Сизнинг юзингиз ҳам, ё Росулуллоҳ!», деб жавоб беришди ва туғёнкорнинг калласини у зотнинг олдига ташлашди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ўлими учун Аллоҳга ҳамд айтдилар. Ҳориснинг жароҳатига туфлаб қўйган эдилар, у бутунлай тузалиб кетди ва шундан кейин сира безовта қилмади.

Ушбу воқеа тафсилотини «Ибн Ҳишом», (2/51-57), «Саҳиҳул Бухорий» (1/341, 425, 2/577), “Сунан Абу Довуд” (2/42, 43) ва “Зодул-маод”дан (2/91) олдик.

Яҳудлар ўз бошлиқлари Каъб ибн Ашрафнинг қатл этилганини билишгач, саркаш дилларига қўрқув оралади ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тинчликка путур етказишни ва беқарорлик чиқаришни истайдиган ҳамда аҳдномаларни назар-писанд қилмайдиган кимсаларга насиҳат фойда бермаслигини кўрсалар, уларга нисбатан куч қўллашдан тўхталиб турмасликларини англаб етишди. Шу боис нафаслари ичида, жим-жим қолаверишни афзал кўришди. Шундан сўнг ўзларини аҳдларга вафо қилаётгандек кўрсатиб юришди. Бошқача қилиб айтганда, заҳарли илонлар инларига кириб яширинишга мажбур бўлишди.

Шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ташқи тарафдан кутилаётган хавф-хатарларга юзланиш учун бир мунча фурсатга эга бўлдилар, мусулмонлар ҳам ички тарафдан хавф солиб турган ва вақти-вақти билан бадбўй ҳид чиқариб турган ички душман муаммосидан анча-мунча фориғ бўлдилар.

Буҳрон ғазоти

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 300 жангчидан ташкил

топган лашкар ҳамроҳлигида 3-ҳижрий Робиъул охир ойида Ҳижознинг Фуръ тарафидаги Буҳрон, деган жойга юриш қилдилар. У ерда Робиъул охир ва жумодул-уло ойлари ичи туриб, сўнг жангсиз Мадинага қайтиб келдилар. «Ибн Ҳишом», (2/50, 51) ва "Зодул-маод" (2/91).

Манбаларда ушбу ғазотнинг сабабларини тайин қилишда ихтилофларга дуч келинди. Улардан бирида айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Бану Сулайм қабиласи Мадинага ёки унинг атрофига ҳужум қилиш учун катта қўшин тўплаётгани хабари етиб келган. Бошқа манбада айтилишича, у зот Қурайшни кўзлаб чиққанлар. Ибн Ҳишом, шу кейинги фикрни зикр қилган, Ибн Қойййум ҳам шуни танлаган ва ҳатто биринчи фикр ҳақида оғиз ҳам очмаган.

Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги сарийя

Бу Уҳуд жанггига қадар мусулмонлар олиб борган энг сўнгги ва энг муваффақиятли жанг бўлиб, 3 ҳижрийнинг жумодул-охир ойида бўлиб ўтди. Унинг тафсилоти қуйидагича. Бадр жангидан сўнг Қурайшни безовталик ва беқарорлик эгаллади. Сабаби, ёз фасли келиб, унинг Шомга бўлган тижорат мавсуми яқинлашиб қолганди.

Сафвон ибн Умайя (у Қурайшнинг шу йилги Шомга бўлган тижорат карвонига бошлиқ этиб сайланган эди) Қурайшга деди: «Биласиз, Муҳаммад ва унинг асҳоблари бизнинг савдо йўлимизга эгалик қилиб олишди, соҳил уларнинг назорати остида, соҳилликлар ҳам улар билан сулҳ тузишган ва аксарийяти унга тобе бўлиб кетишган. Нима қилишга ва қайси тарафдан йўл олишга бошимиз қотиб қолди. Агар уйимизда ўтираверсак, тез кунда сармоямизни ҳам еб битирамиз. Тириклигимиз эса фақат ёзда Шомга ва қишда Ҳабашистонга бўлган тижоратимизга боғлиқ бўлиб қолган».

Шу ҳақда бўлиб ўтган баҳсу мунозаралар давомида Асвад ибн Абдулмутталиб Сафвонга янги бир йўлни, яъни, соҳил йўлидан бурилиб, Ироқ йўлига ўтиб олишни таклиф қилди. Бу йўл жуда узоқ йўл бўлиб, Шомга бориш учун Нажрни босиб ўтишга тўғри келарди ва Мадинанинг шарқий томонидан анча узоқ масофа наридан ўтиб кетиларди. Қурайшга бу йўл тамоман бегона эди. Асвад ибн Абдулмутталиб Сафвонга Бану Бакр қабиласидан бўлган Фурот ибн Ҳайённи ушбу сафарида йўл кўрсатувчи қилиб олишни маслаҳат берди.

Шундай қилиб, Сафвон ибн Умайя бошчилигидаги Қурайш карвони янги йўл орқали сафарга йўл олди. Бироқ, бу карвоннинг хабари ва унинг йўл режаси аллақачон Мадинага етиб борганди. Сабаби, Салит ибн Нўъмон исмли мусулмон шаробхўрлик йиғинида у пайтда ҳали Исломни қабул қилмаган Нуъайм ибн Масъуд Ашжаъий билан ўтириб қолди (бу воқеа ҳали маст қилувчи ичимлик ҳаром қилинмасидан илгари эди) ва шунда кайфи ошиб қолган Нуъайм карвон ва унинг йўналиш режасини батафсил гапириб берди. Салит тезлик билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига етиб бориб, бундан у кишини огоҳ қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол Зайд ибн Ҳориса Калбий бошчилигида 100 кишилик қўшин тайёрлаб, йўлга чиқардилар. Зайднинг қўшини тўхтовсиз юриб бориб, карвон Нажд еридаги Қарда номли сувли бир жойда дам олишга тўхтаган пайтда уларни ғафлатда қолдириб, устларига ҳужум қилди ва карвонни тўлалигича қўлга киритди. Сафвон ҳам, карвонни қўриқлаб бораётган бошқа кишилар ҳам бирон қаршилик кўрсатишга қодир бўлмай, зўрға қочиб қутулишди.

Мусулмонлар карвоннинг йўл кўрсатувчиси Фурот ибн Ҳайённи (бир ривоятда яна икки кишини ҳам) асир олишди, карвонда бўлган қиймати юз минглик турли хил идиш ва кумушларни ўлжа қилиб олишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ўлжанинг бешдан бирини ажратиб олганларидан сўнг сарийя аъзоларига тақсимлаб бердилар. Фурот ибн Ҳайён у зотнинг қўлларида мусулмон бўлди.

Бу ҳодиса Бадрдан кейин Қурайш бошига тушган энг катта зарба ва ғоят оғир мусибат бўлди. Бу мусибатдан Қурайш тамомила довдираб қолди ва алами яна ҳам зиёдалашди. Энди унинг олдида фақат икки йўл қолганди: ё манманлик ва кибридан воз кечиб, мусулмонлар билан сулҳ ва тинчлик йўлини танлаши ё эса унга ўзининг эски шавкати ва иззатини қайтариб берадиган, шу билан бирга мусулмонларнинг куч-қудратини бутунлай ер билан яксон қилиб, уларни қайта бош кўтара олмайдиган қилиб қўядиган кенг қамровли уруш йўлини танлаши лозим эди. Макка иккинчи йўлни танлади. Қурайш ичида ўч олишга чақириқлар тобора баландроқ янграй бошлади, мусулмонлар билан тўқнашувга зўр бериб кенг қамровдаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

УҲУД ҒАЗОТИ

Қурайшнинг интиқом жанггига тайёрланиши

Бадрда етган мағлубият, аслзода ва раҳбарларининг ҳалокати туфайли Макка мусулмонларга қарши алам ва нафрат ўтида ковурилар, дилларда интиқом ва ўч олиш истаклари жўш урарди. Ҳатто Қурайш ўзлари чекаётган мусибат ва аламнинг оғирлигини мусулмонларга билдириб қўймаслик учун Бадрда ўлдирилган кишиларига овоз чиқариб йиғлашни ҳам тақиқлаб қўйган, мусулмонлар қўлидаги асирларини тўлов эвазига қутқариш учун ҳам шошилмасликка буюрган эди.

Бадр ғазотидан сўнг Қурайш қасос олиш ташналигини қондириш ва аламидан чиқиш мақсадида мусулмонларга қарши кенг кўламда уруш қилишга келишиб олганди, энди у ана шу улкан жанг учун тайёрланишга киришди.

Қурайш раҳбарлари ичида Икрима ибн Абу Жаҳл, Сафвон ибн Умайя, Абу Суфён ибн Ҳарб ва Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъалар бундай уруш қилишга энг кўп тарафдор кишилар бўлди.

Бу мақсадда энг биринчи қилган ишлари Абу Суфён қутқариб қолган ва Бадр урушига сабаб бўлган карвонни тўлалигича ушлаб қолиш

бўлди. Ундаги тижорат молларининг эгаларига: «Эй Қурайш жамоаси, Муҳаммад сизларга зулм қилди, энг яхши кишиларингизни ўлдирди, энди унга қарши уруш қилишга мана шу молларингиз билан ёрдам беринглар, шояд шу билан ундан ўчимизни олсак», дейишган эди, улар бунга рози бўлишди. Карвон минг туядан иборат бўлиб, ундаги молларни сотишганда эллик минг динор бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят нозил қилган эдики:

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ لِيَصُدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ فَسَيُنفِقُونَهَا ثُمَّ
تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ ۗ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ ﴿٣٦﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) **ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар».** “Анфол” сураси, 36-оят.

Сўнгра мусулмонларга қарши урушга ўз ҳиссасини қўшишни истаган аҳбошлар (яъни, Макка атрофларидаги тарқоқ қабилалар), Кинона ва Тиҳома аҳли учун ихтиёрий иона қилиш (молиявий ёрдам кўрсатиш) эшигини катта очиб қўйишди ва бунинг учун хилма-хил тарғибот-ташвиқот йўлларини қўллашди. Ҳатто, Сафвон ибн Умайя шоир Абу Иззани (Бадр жанггида асир тушганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат кўрсатиб, ҳеч қандай тўловсиз озод қилган ва у зотга қарши бирон ҳаракатга қўшилмасликка аҳд олган шоирни) ўз шеърлари билан қабилаларни мусулмонларга қарши жангга қўзғотишга ундади ва агар шу жангдан омон қайтса уни бойликка кўмиб юборишини, агар ҳалок бўлса қизларини ўз кафолатига олишини ваъда қилди. Абу Изза ҳамият ва ҳиссиётларни қўзғотувчи шеърлари билан қабилаларни жангга тарғиб қила бошлади. Ундан бошқа, Мусофиъ ибн Абдуманоф исмли яна бир шоирни ҳам бу ишга жалб этдилар.

Абу Суфён ҳам Савиқ ғазотидан ноумид ва мақсадга эришолмай, боз устига йўл озуқаларидан айрилиб қайтганидан сўнг ушбу урушга жон-жаҳди билан тарғиб қиларди.

Бунинг устига, яқингинада Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги сарийяда Қурайш бошига тушган ва иқтисодини синдириб ташлаган қақшатқич молиявий зарба шунингсиз ҳам ёниб турган оловга мой сепгандек бўлди ва Қурайш учун чидаб бўлмас алам-оғриқ келтирди. Шундан сўнг Қурайшнинг мусулмонлар билан ҳал қилувчи жанг қилиш учун тайёргарлиги яна ҳам кучайиб кетди.

Қурайш лашкарининг таркиби ва қўмондонлиги

Бир йил деганда Макка урушга батамом ҳозир бўлди, унинг қўшини сафига Қурайш ва унинг иттифоқчилари ҳамда аҳбошлардан иборат уч минг жангчи йиғилди. Қурайш раҳбарияти эркаклар орияти

қўзғалиши ва ор-номуслари йўлида фидокорлик билан жанг қилишлари учун аёлларни ҳам ўзлари билан бирга олишга қарор қилишди. Лашкар ичида ўн беш чоғли аёл бор эди.

Қўшиннинг ҳаракатланиш қуроллари уч минг туядан, отлиқ бўлинмаси икки юзта отдан*, ҳимоя қуроллари етти юзта совутдан ташкил топганди. Бош қўмондонлик Абу Суфён ибн Ҳарб зиммасида бўлиб, Холид ибн Валид отлиқ бўлинма қўмондони, Икрима ибн Абу Жаҳл унинг ёрдамчиси этиб тайинланди. Қўшин байроғи Бану Абдуд-Дор уруғи қўлига берилди.

* ”Зодул-маод”даги (2/92) бу фикр машҳурроқ, “Фатҳул Борий”га кўра (7/346) 100 отлиқ бўлган.

Макка қўшини йўлга тушади

Мана шундай мукаммал тайёргарликдан сўнг Макка қўшини Мадинага қараб йўлга тушди. Қадимий адоват ва алам туйғуларидан қалбларда ғазаб ва нафрат алангалари тобора гуриллаб борар, бу эса тезда юз беражак аёвсиз жанглардан дарак берарди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманнинг ҳаракат режасини ўрганадилар

Аббос ибн Абдулмутталиб Қурайшнинг барча ҳаракатларини ва ҳарбий тайёргарликларини кузатиб борарди. Лашкар йўлга чиққач, Аббос зудлик билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўшин ҳақидаги барча тафсилотлардан огоҳ этиб, мактуб йўллади.

Аббоснинг элчиси катта тезликда ҳаракатланиб, Макка билан Мадина ўртасидаги 500 километрга яқин масофани уч кунда босиб ўтди ва мактубни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга топширди, у зот ўша пайт Қубо масжидида эдилар.

Мактубни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Убай ибн Каъб ўқиб эшиттирди. Унга мактуб мазмунини сир тутишни буюрдилар ва дарҳол Мадинага қайтиб, муҳожир ва ансор раҳбарлари билан фикр алмашдилар.

Мусулмонларнинг фавқулода ҳолатга тайёрланишлари

Мадинада умумий ҳарбий сафарбарлик ҳолати ҳукм сурар, эркаклар ҳар қандай фавқулода ҳолатга тайёр туриш мақсадида ҳатто намозларда ҳам қуролларини қўймаётган эдилар.

Ансорлардан бир гуруҳи (улар ичида Саъд ибн Муоз, Усайд ибн Ҳузайр ва Саъд ибн Убода ҳам бор эди) Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўриқлаб юришар, тунлари ҳам у зотнинг эшиклари олдидан қимирламасдилар. Ногаҳоний ҳужумнинг олдини олиш мақсадида Мадинанинг барча кириш жойларига қўриқчилар гуруҳи қўйилганди.

Мусулмонлардан тузилган ҳарбий бўлинмалар душманнинг ҳаракат йўналишини ўрганиш мақсадида мушриклар йўл солиши мумкин бўлган барча йўллар атрофида айланиб юрардилар.

Макка қўшини Мадинага яқинлашади

Макка қўшини одатий йўл бўлмиш асосий ғарбий йўл бўйлаб юришини давом эттириб, Абвоъга етиб келганда Абу Суфённинг аёли Ҳинд бинт Утба ўша ерда бўлган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари қабрини очиб ташлашни таклиф қилди, бироқ қўшин раҳбарияти унинг бу талабини рад қилишди ва бундай ишга қўл уришнинг оқибати ёмон бўлиши билан огоҳлантиришди.

Сўнгра қўшин йўлида давом этиб, Мадинага яқинлашди. Ақиқ водийсига етгач, ўнг томонга бурилиб, Уҳуд тоғи яқинига, Мадинанинг шимолий тарафида жойлашган Айнайн, деб аталган жойга келиб тўхтади ва ўша ерда лашкаргоҳ қурди. Бу ҳижрий учинчи йил шаввол ойининг олтисида, жумъа куни бўлганди.

Мудофаа режасини тузиб олиш учун маслаҳат кенгаши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Макка қўшини ҳақидаги ҳамма хабарлар тўхтовсиз етказиб турилди. Қўшиннинг келиб тушгани ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг у зот олий ҳарбий маслаҳатлашув кенгаши ўтказдилар. Унда мавқиф танлаш ҳақида фикр алмашув бўлиб ўтди, кўрган бир тушлари ҳақида хабар бериб: **«Аллоҳга қасамки, мен бир яхши туш кўрдим. Бир мол** (сигир)**нинг сўйилганини кўрдим, қиличимнинг тиғида кичик бир синиқни кўрдим, мустаҳкам совут ичига қўл солганимни кўрдим»,** дедилар. Сигирни бир қанча асҳобларининг қатл қилинишига таъвил қилдилар, қиличларидаги синиқни аҳли байтларидан бир кишининг шаҳид бўлишига таъвил қилдилар, совутни Мадинага таъвил қилдилар.

Сўнг у зот Мадинадан чиқмай, шу ерда ҳимояланиб туриш фикрини ўртага ташладилар. Агар мушриклар келиб тушган жойларида тураверишса, бефойда тураверишади. Агар Мадинага кириб келишса, эркаклар кўчаларнинг бошларида туриб, аёллар эса томлардан туриб улар билан жанг олиб боришади, дедилар. Шу фикр мувофиқ кўрилиб, мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам бунга қўшилди, у бу мажлисда Хазраж бошлиқларидан бири сифатида қатнашаётган эди. Бироқ, маълум бўлишича, унинг бу фикрни қўллаб-қувватлаши мазкур фикр ҳарбий жиҳатдан энг тўғри мавқиф бўлгани учун эмас, балки ҳеч кимга билдирмай жангдан узоқлашиш имкони бўлгани учун эди. Бироқ, Аллоҳ таоло уни ва шерикларини илк бор мусулмонлар кўзи олдида шарманда қилишни, уларнинг куфр ва нифоқлари устига ўралиб турган ниқоблари йиртилиб, ҳақиқий башаралари очилиб қолишини ва мусулмонлар энг оғир дамларда ўз қўйинларига кириб олган илонларни таниб олишларини хоҳлади.

Бадрда иштирок этолмаган ва бошқа бир қанча улуғ саҳобалар эса Мадина ташқарисига чиқиб жанг қилиш таклифи билан чиқдилар ва бу фикрларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, ҳатто баъзилари: «Ё Росулуллоҳ, биз бу кунни орзиқиб кутаётган ва Аллоҳдан шундай кун келишини сўраётган эдик. Мана, Аллоҳнинг Ўзи уларни бизнинг ҳузуримизга келтириб қўйди. Келинг, душман рўпарасига чиқиб

борайлик, улар бизни қўрқоқлик қилди деб ўйлашмасин», дейишди.

Ушбу фидоийлар бошида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари – Бадрда чиройли имтиҳондан ўтган улуғ саҳобий Ҳамза ибн Абдулмутталиб турган эди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сизга Китоб нозил қилган Зотга қасамки, то Мадина ташқарисида уларга қарши қиличим билан жанг қилмагунча оғзимга таом олмаганим бўлсин», деб қасамёд қилди.

”Ас-сийратул-ҳалабийя” (2/14).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу фидоий инсонлар риояси учун ўз фикрларидан қайтдилар ва Мадина ташқарисига чиқиб, душман билан очиқ майдонда жанг олиб боришга қарор қилдилар.

Ислом лашкарининг бўлинмаларга бўлиниши ва жанг майдонига чиқиб бориши

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жумъа куни одамлар билан жумъа намозини ўқидилар, уларга ваъз-насиҳатлар қилиб, ғайрат ва шижоатга чорладилар, ғалаба сабр-матонат билан келишини айтиб, душман билан тўқнашувга тайёр бўлишга амр этдилар. Одамлар у зотнинг сўзларини жон қулоқлари билан тинглаб, хурсандлик билан қабул қилдилар. Сўнг аср намозини жамоат билан ўқидилар. Ҳамма йиғилган, Аволий (Мадинанинг юқори тарафи) аҳолиси ҳам ҳозир бўлган эди. Сўнг у зот икки дўстлари Абу Бакр ва Умар ҳамроҳлигида уйларига кирдилар, улар ёрдамида бошларига салла, энгиларига икки қават совут (зирҳли ҳарбий либос) кийдилар, белларига қилич тақдилар, сўнг шу ҳолда одамлар олдига чиқиб келдилар.

Одамлар у зотнинг чиқишини кутиб турган эдилар. Чунки, Саъд ибн Муоз билан Усайд ибн Ҳузайр уларга танбеҳ бериб: «Сизлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзлари истамаган ишга – жанг учун Мадина ташқарисига чиқишга мажбур қилдингизлар, ишни у зотнинг ихтиёрларига қўйишларингиз керак эди», дейишган, шу боис ҳаммалари қилган ишларига пушаймон бўлиб туришган эди. У зот чиқиб келгач: «Ё Росулуллоҳ, биз сизнинг фикрингизга қарши чиқмаслигимиз керак эди, сиз истаган иш бўлсин, Мадинада турамиз, десангиз, майли, тураверамиз», дейишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Пайғамбар эгнига совутини кийганидан сўнг энди то Аллоҳ у билан душмани ўртасида ҳукм қилмагунича уни ечиши жоиз бўлмайди»,** дедилар.

Имом Аҳмад, Насоий, Ҳоким, Ибн Исҳоқ ривоят қилганлар, имом Бухорий «Иътисом»да 28-боб сарлавҳасида зикр қилган.

Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни уч гуруҳга бўлдилар:

1. Муҳожирлар гуруҳи, унинг байроғини Мусъаб ибн Умайр Абдарийга бердилар.

2. Ансорларнинг Авс гуруҳи, унинг байроғини Усайд ибн Ҳузайрга

бердилар.

3. Ансорларнинг Хазраж гуруҳи, унинг байроғини Ҳубоб ибн Мунзирга бердилар.

Қўшин мингта жангчидан ташкил топган бўлиб, ичларида юзта совут кийган жангчи бор эди. Унинг таркибида битта ҳам отлиқ йўқ эди.

Ибн Қоййум (2/92): «Элликта отлиқ ҳам бор эди», дейди. Бироқ, Ибн Ҳажар буни хато санаб: «Мусо ибн Уқба лашкар ичида биронта ҳам от бўлмаганини таъкидлаган. Воқидийда эса: «Улар билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг битта отлари ва Абу Бурданинг битта оти бор эди», дейилади» (“Фатҳул Борий”, 7/350).

Мадинада қолган кишиларга имом бўлиб намоз ўқиб бериш учун Ибн Умму Мактумни халифа қилиб қолдиргач, йўлга чиқишга изн бердилар. Қўшин шимол тарафга қараб қўзғолди. Иккала Саъд Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида совут кийган ҳолда боришарди.

Вадоъ тепалигидан ўтиб бораётганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши қуролланган ва қўшиндан ажралиб турган бир гуруҳга кўзлари тушиб, улар ҳақида сўраган эдилар, улар Хазражнинг иттифоқчилари бўлган яҳудийлар эканини, мушрикларга қарши жангда иштирок этиш истагида чиқишганини айтилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Улар мусулмон бўлдиларми?»,** деб сўрадилар. «Йўқ», деб жавоб берилди. Шунда ширк аҳлига қарши куфр аҳлининг ёрдамидан воз кечдилар.

Қўшинни кўздан кечиришлари

Шайхон, деб номланган жойга етганларида қўшинни бир сидра кўздан кечириб, ёши кичик ва жанг қилишга қурби етмайди, деб кўрганларини ортга қайтариб юбордилар. Улар ичида Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб, Усома ибн Зайд, Усайд ибн Зуҳайр, Зайд ибн Собит, Зайд ибн Арқам, Ароба ибн Авс, Амр ибн Ҳазм, Абу Саид Худрий, Зайд ибн Ҳориса Ансорий ва Саъд ибн Ҳаббалар бор эди. Улар ичида Баро ибн Озиб ҳам бўлгани айтилади, бироқ Бароънинг ««Саҳиҳул Бухорий»»да ривоят қилган ҳадиси унинг ушбу жангда иштирок этганига далолат қилади.

Рофиъ ибн Хадиж билан Самура ибн Жундабга ёшлари кичик бўлишига қарамай жангда иштирок этишга ижозат бердилар. Чунки, Рофиъ ибн Хадиж найза отишга моҳир эди, шунинг учун унга ижозат бердилар. Буни кўрган Самура: «Мен Рофиъдан кучлиман, курашда уни енгаман», деди. Бу ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтилгач, у зот иккаласини кураштириб кўрдилар. Дарҳақиқат, Самура курашда Рофиъни енгиб қўйгач, унга ҳам жангда иштирок этишга ижозат бердилар.

Уҳуд билан Мадина ўрталиғида тунашлари

Шу ерда эканларида кеч кириб, шом намозини ўқидилар. Кейин хуфтон намозини ҳам ўқиб, кечани шу ерда ўтказишга қарор қилдилар.

Эллик кишини тун бўйи лашкаргоҳ атрофини айланиб, қўриқлаб чиқишга ажратдилар ва уларга Каъб ибн Ашрафни ўлдириш сарийяси қаҳрамони Муҳаммад ибн Маслама Ансорийни бошлиқ қилиб тайинладилар. Заквон ибн Абдуқайс Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўриқлашга бош-қош бўлди.

Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг шерикларининг исёни

Тонг отишига яқин қўшин йўлга тушиб, бир мунча масофани босиб ўтганларидан сўнг бомдод намозини ўқидилар. Душманга анча яқинлашиб қолишган, ҳар икки тараф бемалол бир-бирини кўриб турарди. Шу ҳолда мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убай исён кўтарди, «Нега энди ўзимизни ўлимга тутиб беришимиз керак?!» деб, лашкарнинг қарийб учдан бирини – уч юз жангчини эргаштириб ортига қайтиб кетди ва бу ишига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг фикрини олмасдан, бошқаларнинг фикрига эргашиб кетганини рўкач қилиб кўрсатди.

Шубҳасиз, бу ажралишнинг сабаби у айтаётганидек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг фикрини рад қилганликлари эмасди. Акс ҳолда, унинг Мадина қўшинига эргашиб шу ергача келишининг маъноси бўлмасди ва у аллақачон, қўшин йўлга чиқмасиданоқ ажралиб кетган бўларди. Аслида, унинг бу исёндан кўзлаган асосий ғарази – мана шундай таранг бир вазиятда, душманнинг кўзи олдида мусулмон лашкари ичида парокандалик ва саросима пайдо қилиш, қўшиннинг катта қисмини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг итоатларидан юлиб олиш ва у кишининг ёнларида қолган қисмини ҳам руҳий-маънавий тушкунликка тушириш бўлиб, буни кўрган душманнинг руҳияти кўтарилиб, шижоатига шижоат қўшилишини ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зотнинг мухлис асҳобларини осонликча ер билан яксон қилишини, шундан сўнг раҳбарлик яна ўзининг қўлига қайтиши учун қулай фурсат вужудга келишини истаган эди.

Ушбу мунофиқнинг кўзлаган режаси амалга ошишига бир баҳя қолди. Яъни, лашкар ичидан икки жамоа – Авсдан Бану Ҳориса ва Хазраждан Бану Салама саросимага тушиб, ортга қайтмоқчи бўлиб қолишди, бироқ, уларга Аллоҳнинг Ўзи ёр бўлиб, тезда ўзларига келишиб, қадамлари яна қайта мустаҳкамланди. Улар ҳақида Аллоҳ таоло айтади:

إِذۡ هَمَّت طَّآئِفَتَانِ مِنكُمۡ أَن تَفۡشَلَا وَٱللَّهُ وَلِيُّهُمَاۗ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلۡيَتَوَكَّلِ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ١٢٢

«Ўша пайт сизларнинг орангиздан икки гуруҳ умидсизликка туша бошлади. Ҳолбуки, Аллоҳ уларга ёр эди. Бас, мўминлар ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар!». “Оли Имрон” сураси, 122-оят.

Абдуллоҳ ибн Ҳаром – Жобир ибн Абдуллоҳнинг отаси бу мунофиқларга шундай қалтис вазиятда бундай иш тутиш хато бўлишини эслатиб, ортларидан бориб, уларга танбеҳ бера ва ортга қайтишга ундай бошлади, «Бундай қилманглар, келинглар, Аллоҳнинг йўлида жанг қилинглар ёки ҳеч бўлмаса сонимизни кўпайтириб, душманни даф қилиб туринглар», деди. Улар унга жавобан: «Агар сизларнинг жанг қила олишингизни билсак, ортга қайтиб кетмаган бўлардик», дейишди. Шундан сўнг Абдуллоҳ ибн Ҳаром: «Аллоҳ сизларни узоқ қилсин! Тезда Аллоҳ ўз пайғамбарини сизлардан беҳожат қилади!», деганича ортига қайтди.

Бу мунофиқлар ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди:

وَلِيَعۡلَمَ ٱلَّذِينَ نَافَقُواْۚ وَقِيلَ لَهُمۡ تَعَالَوۡاْ قَٰتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ أَوِ ٱدۡفَعُواْۖ قَالُواْ لَوۡ نَعۡلَمُ قِتَالٗا لَّٱتَّبَعۡنَٰكُمۡۗ هُمۡ لِلۡكُفۡرِ يَوۡمَئِذٍ أَقۡرَبُ مِنۡهُمۡ لِلۡإِيمَٰنِۚ يَقُولُونَ بِأَفۡوَٰهِهِم مَّا لَيۡسَ فِي قُلُوبِهِمۡۚ وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا يَكۡتُمُونَ ﴿١٦٧﴾

«Уларга: «Келинглар, Аллоҳ йўлида жанг қилинглар ёки (ҳеч бўлмаса бизнинг саноғимизни кўпайтириш билан душманни) **даф қилинглар», дейилса, «Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда-ку сизларнинг ортингиздан борган бўлар эдик», дейишади. Ўша куни улар иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Улар оғизларида кўнгилларида бўлмаган нарсаларни гапирмоқдалар. Аллоҳ эса уларнинг яширган сирларини жуда яхши билувчидир».**

“Оли Имрон” сураси, 167-оят.

Қўшиннинг қолган қисми Уҳуд сари йўл олади

Ушбу исён ва ажралишдан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшиннинг қолган қисми – етти юз жангчи билан душман томон йўлни давом эттирдилар. Мушрикларнинг қароргоҳи мусулмонлар билан Уҳуд ўртасидаги минтақаларда жойлашган бўлиб, уларни Уҳуд яқинига етиб боришлари йўлини тўсиб турарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бизни энг яқин йўл билан душманга йўлиқтирмай Уҳудга олиб чиқа олади?»,** дедилар. Абу Хайсама: «Мен олиб чиқаман, ё Росулуллоҳ», деди, сўнг мушриклар қўшинини чап тарафда қолдириб, Уҳудга Бану Ҳориса қабиласининг экинзорлари оралаб ўтиб борувчи энг яқин йўлга бошлади.

Мазкур йўл Мирбаъ ибн Қайзий номли кўзи ожиз бир мунофиқнинг бўстони оралаб ўтар эди. Бу кимса қўшин дарагини билгач, мусулмонлар юзига тупроқ соча бошлади ва: «Агар Аллоҳнинг элчисиман десанг, бўстонимга қадам босишингга изн бермайман», деди. Уни ўлдиришга чоғланишган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам: **«Ўлдирманглар, майли, бунинг кўзигина эмас, қалби ҳам кўр экан»,** дедилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлда давом этиб, Уҳуд тоғи остидаги бир дарага, водийнинг бир чеккасига тушдилар, қўшинни Мадина тарафига юзлантириб, орқасини тоғ томонга қилиб лашкаргоҳ қилдилар. Шунга кўра, душман қўшини мусулмонлар билан Мадина ўртасини ажратиб турадиган бир кўриниш ҳосил бўлди.

Мудофаа режаси

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкарни сафларга териб, жангга ҳозирлай бошладилар. Қўшин ичидан уста камончилардан ташкил топган эллик кишилик бир гуруҳни ажратиб, уларга Абдуллоҳ ибн Жубайр ибн Нўъмон Ансорий Авсий Бадрийни бошлиқ қилиб тайинладилар ва уларга Қанот водийсининг шимолий тарафидаги, мусулмон лашкаргоҳининг жануби шарқий томонида, лашкаргоҳдан юз эллик метрча узоқликда жойлашган бир тоғ устига (кейинчалик бу тоғ «Жабал ар-румот» - “Камончилар тоғи”, деб аталди) чиқиб ўрнашиб олишни буюрдилар.

Бундан кўзда тутилган мақсад Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг камончиларга айтган сўзларида мужассам бўлганди, у зот уларнинг бошлиқларига шундай дегандилар: **«Душман отлиқларини биздан камонлар билан қайтариб турасиз, улар орқа томонимиздан келиб қолишмасин. Жанг бизнинг фойдамизга ҳал бўлса ҳам, зараримизга ҳал бўлса ҳам ўрнингиздан қимирламай туринг, сиз турган томондан ҳужумга дучор бўлиб қолмайлик».**

«Ибн Ҳишом», 2/65, 66.

Камончиларга шундай дедилар: **«Орқамизни ҳимоя қилиб туринглар! Бизни ўлдираётганларини кўрсангиз ҳам ёрдамга шошилманглар! Ғанимат олаётганимизни кўрсангиз ҳам бизга шерик бўлишга шошилманглар!».**

Ибн Аббосдан имом Аҳмад, Табароний ва Ҳоким ривоят қилишган. Қаранг: “Фатҳул Борий”, 7/350.

Имом Бухорий ривоятида: **«Агар** (ўлаксахўр) **қушлар бизга чанг солаётганини кўрсангизлар ҳам то мен ўзим одам жўнатмагунимча мана шу жойингиздан қимирламанглар! Агар қавмни мағлуб этиб, ер билан яксон қилганимизни кўрсангизлар ҳам то ўзим одам юбормагунимча ўрнингиздан қимирламанглар!»,** дедилар. «Саҳиҳул Бухорий», “Китобул-жиҳод”, 1/426.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу гуруҳни мана шундай ҳарбий буйруқлар билан тоққа жойлаштириш орқали мушрикларнинг отлиқ аскарлари мусулмонларнинг орқа томонидан суқулиб кириб, уларни ўраб олиши мумкин бўлган ягона очиқ жойни беркитган эдилар.

Қўшиннинг қолган қисмини қуйидагича жойлаштирдилар: ўнг қанотга Мунзир ибн Амрни, чап қанотга Зубайр ибн Аввомни қўйдилар, унга

Миқдод ибн Асвад кўмак бериб турадиган бўлди. Зубайрга Холид ибн Валиднинг отлиқ аскарларига қаршилик кўрсатиш вазифаси юкланганди. Олдинги қаторга мард ва жасурлик билан донг таратган, минглаб кишиларга бас келувчи баҳодир инсонлардан ташкил топган мумтоз бир жамоани қўйдилар.

Бу ҳар томонлама пухта ва ғоят донолик билан ишлаб чиқилган режа бўлиб, унда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳарбий бошқарувчилик маҳоратлари яққол кўриниб турарди. Ҳар қанча маҳорат эгаси бўлмасин, бошқа бирон қўмондон бундан кўра пухтароқ ва тўғрироқ режа ишлаб чиқа олмаган бўларди. У зот жанггоҳга душмандан кейин келиб тушган бўлишларига қарамай, жанг учун энг қулай ва афзал ўринни танлай билдилар, орқа ва ўнг томонларини баланд тоғлар ҳимоя қилиб турарди, жанг қизғин палласига кирган пайтда душман ёпирилиб келиши мумкин бўлган орқа томондаги ягона туйнукни тўсиш билан чап ва орқа томонларини ҳимоя қилдилар. Лашкаргоҳлари учун баландлик жойни танладилар. Боиси, мусулмонлар чекинишларига тўғри келиб қолса, ўша тепаликка чиқиб оладилар, атрофга тумтарақай қочиб, қувиб келаётган душман зарбасига дучор бўлишдан ва асирга тушишдан қутулиб қоладилар. Шу билан бирга душман агар мусулмонлар лашкаргоҳини қўлга киритиш мақсадида бостириб келса, катта талафот кўришга мажбур бўлади.

Душманни эса мабодо ғалабага эришган тақдирида ҳам ғолиблик нашъасидан тўла-тўкис фойдаланиши жуда ноқулай бўлган, ғалаба мусулмонлар томонида бўлганда эса мусулмонларнинг таъқибидан қочиб қутулишлари жуда қийин бўлган пастқам жойни қабул қилишга мажбур қилдилар. Ундан ташқари, лашкарнинг сон жиҳатидан бўлган камчилигини шерюрак ва баҳодир саҳобаларидан ташкил топган мумтоз жамоани олдинги сафларга қўйиш билан қопладилар.

Шундай қилиб, қўшин учинчи ҳижрий шаввол ойининг еттинчиси, шанба куни тонгида жангга тахт ҳолга келтириб қўйилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни жасоратга чорлайдилар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни то ўзлари буюрмагунларича жанг бошлашдан қайтардилар. Ҳарбий либосларини кийиб, асҳобларини жангга тарғиб қилдилар, душман билан тўқнашганда сабр-матонат кўрсатишга ундадилар, асҳобларини шижоат ва жасоратга илҳомлантира бошладилар. Кескир қилични қинидан суғуриб: **«Ким шу қилични ҳаққини адо этиш шарти билан олади?»,** деб хитоб қилдилар. Бир неча киши уни олиш учун ўрнидан қўзғолди, улар ичида Али ибн Аби Толиб, Зубайр ибн Аввом, Умар ибн Хаттоблар бор эди. Абу Дужона Симок ибн Хараша у зотнинг ёнларига бориб: «Унинг ҳаққини қандай адо этиш мумкин, ё Росулуллоҳ?», деб сўради. **«То эгилиб кетгунича душман юзига уриш билан»,** деб

жавоб бердилар. «Унда мен унинг ҳаққини адо этаман ё Росулуллоҳ!», деди у. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилични унга бердилар.

Абу Дужона жангга кирганда ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган қўрқмас инсон эди. Унинг қизил пешонабоғи бўлиб, агар уни пешонасига боғлаб олса, то ўлгунимча урушаман, деган маънони билдирарди. Қилични Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабул қилиб олгач, у ўша пешонабоғни боғлаб олиб, икки саф оралиғида кибру ҳаво билан юра бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб: **«Бу юришни шу каби ўриндан бошқа жойда Аллоҳ ёқтирмайди»,** дедилар.

Макка қўшинининг жангга тайёргарлиги

Мушриклар эса қўшинни сафлар тартибига кўра тузишди. Бош қўмондон Абу Суфён Сохр ибн Ҳарб қўшиннинг марказини эгаллади, ўнг қанотга Холид ибн Валидни, чап қанотга Икрима ибн Аби Жаҳлни қўйди, пиёдаларга Сафвон ибн Умайя, найзабозларга эса Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъа бош бўлди.

Байроқ Бану Абдуддор қавмига берилди, чунки байроқдорлик вазифаси китобнинг бошида айтиб ўтганимиздек, Абдуманоф Қусай ибн Килобдан мерос қолган мансабларни тақсимлаганида Бану Абдуддор чекига тушган, ўшандан бери аждодлар анъанасига содиқ қолишиб, ҳеч бир қавм улардан бу мансабни талашишга ҳақли саналмасди. Шундай бўлса-да, бош қўмондон Абу Суфён Бадр жангида Қурайш қўшинининг байроқдори Назр ибн Ҳорис асирга тушгач, қўшин бошига келган кўргилик ҳақида гапириб, Бану Абдуддорнинг қонини қайнатиш ва ҳамиятини қўзғотиш мақсадида уларга: «Эй Бану Абдуддор, Бадр куни байроқни сизларга бериб қўйиб, бошимизга нима кўргиликлар келганини кўрдингиз, душман биринчи бўлиб байроқ томонга қараб интилади, агар байроқ йиқилса, қўшин пароканда бўлиб кетади. Шундай экан, қўлингиздан келса байроқни олинглар, бўлмаса қўйинглар, ўзимиз унга кифоя қиламиз», деди.

Абу Суфённинг ўқи нишонга бориб тегди, Бану Абдуддор унинг сўзларидан қаттиқ ғазабланиб, ёқасидан олишга яқин бўлди, «Ҳали биз байроғимизни сенга бериб қўярканмизми?! Эртага душман билан тўқнашган пайт бизнинг кимлигимизни билиб оласан!», деб тўполон кўтаришди. Дарҳақиқат, улар жангда қаттиқ матонат кўрсатишиб, битта ҳам қолмай ҳаммаси ҳалок бўлиб кетишди.

Қурайшнинг сиёсий найранглари

Жанг бошланишига оз қолганда Қурайш мусулмонлар сафлари ичида бўлиниш ва низо келтириб чиқаришга уриниб кўрди. Абу Суфён ансорларга одам юбориб: «Қавмдошимиз билан бизнинг ўртамизни холи қўйинглар, биз сизларга тегмаймиз, сизлар билан жанг қилиш бизга зарур эмас», деб айттирди. Лекин тоғлар ҳам бас келолмайдиган

мустаҳкам иймон олдида бу каби уринишлар нима ҳам қила оларди?! Ансорлар унга жуда қўпол суратда, хунук сўзлар билан жавоб беришди.

Иккала қўшин бир-бирига яқинлашиб, жанг бошланишига саноқли дақиқалар қолганда Қурайш айни мақсад йўлида яна бир уринишга қўл урди. У Абу Омир Фосиқ номли (асли исми Абду Амр ибн Сойфий бўлиб, ар-Роҳиб деб аталар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ал-Фосиқ, деб атагандилар) бир хоинни ансорлар ёнига жўнатди, у жоҳилият пайтида Авснинг раҳбарларидан бўлиб, Мадинага Ислом келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга адоват йўлини танлаган, Мадинадан чиқиб кетиб, Қурайшга бориб қўшилган ва уларни тинмай Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши урушга гижгижлар, Қурайшни: «Қавмим мени кўрса, сўзимни қабул қилиб, жангдан чиқиб кетади», деб ишонтириб келарди. У қавмига ўзини танитиб: «Эй Авс жамоаси, мен Абу Омирман», деб қичқирган эди, улар: «Аллоҳ кўзингни кўр қилсин, эй фосиқ!», деб жавоб беришди. Шундан сўнг у: «Қавмимга мендан сўнг ёмонлик етибди», деб ноумид ортига қайтди, жанг бошлангач эса улар билан қаттиқ урушди, уларга тошлар улоқтирди.

Шундай қилиб, Қурайш иймон аҳлининг сафларини бўлиб ташлаш мақсадида уюштирган иккинчи уриниш ҳам чиппакка чиқди. Унинг бу уринишлари сон ва қурол-аслаҳа жиҳатидан устун бўлишига қарамай, мусулмонлардан қаттиқ ҳайиқаётганига ва дилларида кучли қўрқув борлигига далолат қиларди.

Қурайш аёлларининг тарғибот-ташвиқот ҳаракатлари

Қурайш аёллари ҳам Абу Суфённинг аёли Ҳинд бинт Утба бошчилигида жангга етарлича ҳисса қўшишга уриндилар. Улар сафлар орасида айланиб юришар, чилдирмаларини чалиб, эркакларни жангга чорлаб қўшиқлар айтишар, уларнинг руҳиятини кўтаришга, шижоатларига шижоат қўшишга ҳаракат қилишар, ҳамиятларини қўзғатувчи, уруш ва жанг кишиларининг жанговор туйғуларини ҳаракатга келтирувчи шеърлар ўқишарди. Улар гоҳо байроқдорларга қарата:

«Олға, Бану Абдуддор!
Сиз қўшинга байроқдор,
Душманни қилинг абгор!», деб хитоб қилишар, гоҳ қавмларини жангга чорлаб:

«Гар ғолиб бўлсангиз қучоқ очамиз,
Пойингизга алвон гуллар сочамиз.
Ортга чекинсангиз, минг лаънат ўқиб,
Юз кўришмас бўлиб сиздан қочамиз», дея шеърлар ўқишарди.

ЖАНГНИНГ БОШЛАНИШИ

Ҳар икки гуруҳ бир-бирига яқинлашиб, жанг онлари етиб келди.

Жангни биринчи бўлиб мушрикларнинг байроқдори Талҳа ибн Аби Талҳа Абдарий бошлаб берди. У Қурайшнинг энг баҳодир суворийларидан бўлиб, мусулмонлар уни «лашкарнинг қўчқори», деб аташганди. У туяга миниб, ўртага чиқиб келди ва мубораза (яккама-якка олишув)га чақирди. Одамлар унинг шижоатидан бир оз ҳайиқиб, олишувга чиқишдан тўхталиб туришди. Шунда Зубайр ибн Аввом у билан олишувга чиқиб борди ва шердек отилиб, унинг туясига миниб олди, сўнг уни ерга улоқтириб, қиличи билан бошини танидан жудо қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ажойиб олишувни кўриб, такбир айтиб юбордилар, мусулмонлар ҳам Зубайрга тасанно айтиб, такбир айтишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир пайғамбарнинг ўз ҳаворийси** (ёрдамчиси) **бўлади, менинг ҳаворийим Зубайрдир»,** дедилар. ”Ас-сийрутал-ҳалабия”, 2/18.

Байроқ атрофида оғир жанг бўлиб ўтиши ва байроқдорларнинг қирилиб кетиши

Шундан сўнг уруш олови гуруллаб, гуруҳлар ўртасида майдоннинг ҳар бир нуқтасида шиддатли жанг бошланиб кетди. Жангнинг асосий оғирлиги мушрикларнинг байроғи атрофида кечди. Бану Абдуддор қавми ўз бошлиқлари Талҳа ибн Аби Талҳа ўлдирилгач, байроқни бирин-кетин қабул қилиб ола бошлади. Аввал унинг укаси Абу Шайба Усмон ибн Талҳа байроқни қўлига олиб:

«Байроқдорга ўзга йўл йўқ, фақат жанг!

Ё ўлар, ё душман ҳолин қилар танг!», деганча жангга отилди.

Шунда Ҳамза ибн Абдулмутталиб унга ҳамла қилди ва қиличи билан елкасига зарб билан уриб, қўли билан бирга елкасини ҳам чопиб, киндигигача ёриб юборди ва унинг ўпкаси очилиб қолди.

Сўнгра байроқни Абу Саъд ибн Аби Талҳа қўлга олди. Саъд ибн Аби Ваққос отган камон ўқи унинг бўғзига тегиб, тили осилиб қолди ва ўша заҳоти жон берди. Баъзи ривоятларда: «Абу Саъд муборазага чорлаб ўртага чиққан, шунда Али ибн Аби Толиб унга талабгор бўлиб чиқиб, ўлдирган», ҳам дейилади.

Ундан сўнг байроқ Мусофиъ ибн Талҳа ибн Аби Талҳанинг қўлига ўтди. Осим ибн Собит ибн Аби Афлаҳ отган ўқ уни ҳам ер тишлатди. Ундан сўнг байроқни унинг укаси Килоб ибн Талҳа ибн Аби Талҳа қўлга олди, Зубайр ибн Аввом у билан олишиб, охири уни қатл қилди. Ундан сўнг байроқ уларнинг яна бир инилари Жулос ибн Талҳа ибн Аби Талҳанинг қўлига қолди, у Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг найзаси зарбидан жон берди. Баъзилар уни Осим ибн Собит Ибн Аби Афлаҳ камон ўқи отиб ўлдирган, ҳам дейишади.

Бу олти нафар жангчининг ҳаммаси битта хонадондан, Абу Талҳа Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Абдуддор хонадонидан эди. Уларнинг барчаси мушрикларнинг байроғи остида ўлдирилди.

Улардан сўнг байроқни Бану Абдуддор қавмининг бошқа бир вакили

Артот ибн Шураҳбил қўлга олди, уни Али ибн Аби Толиб ўлдирди, Ҳамза ибн Абдулмутталиб ўлдирганлиги ҳам айтилади. Сўнг байроқни Шурайҳ ибн Қориз қўлга олди, уни Қузмон (ўзи мусулмон бўлмаган, балки ҳамият қилиб мусулмонлар сафида урушга чиққан мунофиқ) ўлдирди. Ундан сўнг байроқни Абу Зайд Амр ибн Абдуманоф Абдарий қўлга олди, уни ҳам Қузмон ўлдирди. Ундан сўнг уни Шураҳбил ибн Ҳошим Абдарийнинг бир ўғли қўлга олди, уни ҳам Қузмон ўлдирди.

Бу ўнта байроқдор Бану Абдуддор қавмидан бўлиб, битта ҳам қолмай ҳаммаси ҳалок бўлди. Шундан сўнг ушбу қавмдан ҳеч ким қолмагач, байроқни уларнинг Суоб номли бир ҳабаш хизматкорлари қўлга олди. У ўзидан олдин ўлдирилган байроқдор хожаларидан ҳам ўтказиб шижоат ва сабот билан урушди, қилич зарбидан қўллари узилиб кетгач, чўккалаганича байроқни бўйни билан қисиб, то ўлгунича ана шу ҳолда тик тутиб турди. Охирги дамларида ҳалок бўлар экан: «Эй тангрим, мен маъзур бўлдимми?», деганича йиқилди.

Мана шу ҳабаш бола ўлдирилгандан сўнг байроқ ерга қулади. Уни кўтаргани одам топилмай, шу кўйи оёқ остида қолиб кетди.

Урушнинг бошқа нуқталаридаги аҳвол

Жангнинг бутун оғирлиги байроқ атрофида кечиб турган пайтда майдоннинг бошқа нуқталарида ҳам жанг кучайгандан кучайиб борарди. Мусулмонларнинг сафлари узра иймон руҳи ҳукм сурар, улар мушриклар устига тўғонларни бузиб бораётган тошқин дарё каби шиддат билан бостириб борарканлар: «Ўлдир, ўлдир!» деб такрорлашар, бу сўз уларнинг Уҳуд куни шиорлари бўлганди.

Абу Дужона бошига қизил боғичини боғлаб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган қиличини маҳкам тутганича, унинг ҳаққини адо этиш мақсадида жангга шўнғиб кетганди. У дуч келганки мушрикни қўймай ўлдирар, мушрикларнинг сафларини ағдар-тўнтар қилиб юрарди.

Зубайр ибн Аввом айтади: “Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қилични менга беришларини сўраганимда бермасдан уни Абу Дужонага берганларида хафа бўлган ва ичимда: «Мен у зотнинг аммалари Софиянинг ўғли бўлсам, ўзим Қурайшдан бўлсам-у, қилични сўраб олдиларига борсам, менга бермадилар-да, мендан кейин сўраб борган шу одамга бердилар. Қани, кўрамиз, нима ҳунарлар кўрсатаркин», деган эдим. Шундан сўнг уни кузата бошладим. У бир қизил пешонабандни олиб, уни пешонасига танғиб олганида ансорлар: «Абу Дужона ўлим боғичини бошига боғлади», дейишди. Шундан сўнг у қуйидаги шеърни ўқиганича жангга шўнғиб кетди:

Дарада аҳд бердим халилимга ман
Тоабад олдинги сафда туришга.
Аллоҳу Росулин қиличи билан
Душманга аёвсиз зарба уришга.

Шундан сўнг у дуч келган мушрикни қўймай ўлдира бошлади. Мушриклар ичида бир киши бизнинг жароҳатланган бирон кишимизни қўймай, саранжомлаб қўяётган эди. Абу Дужона билан ўша одам бир-бирига яқин келиб қолишди. Мен Аллоҳдан у иккисини бир-бирига учраштириб қўйишини сўраб дуо қилдим. Иккаласи тўқнашиб, бир-бирига бир-икки зарба уришга ҳаракат қилишди. Мушрик Абу Дужонага қилич урган эди, у қалқони билан тўсди. Шунда қалқон унинг қиличини тишлаб қолди. Абу Дужона фурсатдан фойдаланиб, бир зарб билан мушрикни ер тишлатди. «Ибн Ҳишом», 2/68, 69.

Сўнг Абу Дужона яна сафлар оралаб, учраганни қиличдан ўтказиб бора туриб, аёл кишилигини билмаган ҳолда Қурайш аёлларининг етакчисига дуч келиб қолди. Абу Дужонанинг ўзи ҳикоя қилади: «Бир одамни кўрдимки, ҳаммани қаттиқ туриб жангга чорлаб юрибди. Шаҳд билан ёнига бориб, боши узра қиличимни кўтарган эдим, бирдан чинқириб юборди. Қарасам, аёл киши экан. Шунда аёл кишини ўлдириш билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари ҳурматини кетказишни истамадим».

Ўша аёл Ҳинд бинт Утба эди. Зубайр ибн Аввом айтади: «Мен Абу Дужонанинг Ҳинд бинт Утбанинг боши узра қилич кўтарганини, кейин уни қайтариб олганини кўриб: «Аллоҳ ва Росули билувчироқ», дедим».

«Ибн Ҳишом», 2/ 69.

Ҳамза ибн Абдулмутталиб ҳам ғазабланган шердек ҳамла қиларди. У мисли кўрилмаган хавф-хатарлар остида мушриклар қўшинининг қоқ ўртасига кириб борар, не-не паҳлавонлар унинг зарбаларидан шамол силкитган дарахт барглари мисол тўкилиб қолаётган эди. У мушриклар байроқдорларининг ҳалок этилишида фаол иштирок этиши билан бир қаторда уларнинг бошқа паҳлавонларининг ҳам роса адабини берди. Пировардида урушнинг олдинги қаторида эканида ҳалок этилди, юзма-юз олишувда бирон баҳодир жангчи тарафидан эмас, балки билдирмасдан берилган хиёнаткорона зарба оқибатида ерга қулади.

Аллоҳнинг шери Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг ўлдирилиши

Ҳамзанинг қотили Ваҳший ибн Ҳарб ҳикоя қилади: «Мен Жубайр ибн Мутъимнинг қули эдим. Унинг амакиси Туайма ибн Адий Бадр куни ҳалок бўлганди. Қурайш Уҳудга йўл олаётганида Жубайр менга: «Амакимнинг қасосига Муҳаммаднинг амакиси Ҳамзани ўлдирсанг, озодсан», деди. Шундан сўнг мен ҳам одамлар орасида жангга бордим. Ҳабаш бўлганим учун ҳар бир ҳабаш каби найза отишни яхши ўзлаштирган ва нишонни уришда камдан-кам хато қилар эдим. Жанг бошлангач, менинг ишим фақат Ҳамзани кузатиш ва қулай фурсат кутиш бўлди. Мен уни одамлар ичида худди нортуядек савлат тўкиб юрганини, ҳамма унинг олдидан тумтарақай қочиб, ҳеч ким унга бас келолмаётганини кўриб турдим. Худо ҳаққи, мен уни ўлдириш учун фурсат пойлаб, бирон дарахт ё тош ортига беркиниб турар ва яқинроқ келишини кутардим. Тўсатдан менга яқин бир жойда Сибоъ ибн Абдул-

уззо пайдо бўлди. Ҳамза уни кўргач: «Бери кел, эй хатначи хотиннинг боласи!», деб қичқирди (унинг онаси аёлларни хатна қиларди) ва бир зарб билан калласини учириб юборди.

Худди шу пайт найзамни ўқталиб, уни нишонга ола бошладим ва қулай фурсат келиши билан унга қараб отдим, найза унинг қорнидан пастроғидан кириб, оёқлари орасидан чиқди. У мен томонга қараб интилди, бироқ жароҳати бунга йўл бермади. Мен уни ўлгунича кутиб турдим-да, сўнг бориб, найзамни суғуриб олдим. Кейин лашкаргоҳга қайтиб бориб, ўша ерда ўтирдим. Чунки, энди менинг бошқа ишим қолмаган эди, мен уни фақат озод бўлиш учун ўлдирган эдим. Дарҳақиқат, Маккага қайтгач, озод этилдим».

«Ибн Ҳишом», 2/69-72, «Саҳиҳул Бухорий», 2/583. Ваҳший Тоиф жангидан сўнг мусулмон бўлди, ўша найзаси билан Мусайлама каззобни ўлдирди, румликларга қарши Ярмук жангида иштирок этди.

Устунликни тўла қўлга киритиш

Аллоҳ ва Росулининг шери Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг ўлдирилиши билан мусулмонлар улкан йўқотишга дучор бўлишларига қарамай, жангда тўла устунликни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Шу куни Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Аби Толиб, Зубайр ибн Аввом, Мусъаб ибн Умайр, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Жаҳш, Саъд ибн Муоз, Саъд ибн Убода, Саъд ибн Рабиъ, Анас ибн Назр ва бошқаларнинг жангда кўрсатган афсонавий қаҳрамонликлари мушрикларнинг қатъиятларини синдириб, билак кучларини заифлаштириб юборди.

Келинчак оғушидан қиличлару қалқонлар бағрига

Ўша кунги тенгсиз баҳодирлардан яна бири Ҳанзала Ғасил (Ҳанзаланинг лақаби «Ғасил» (ювиб қўйилган) ёки «Ғасилул-малоика» (фариштлар тарафидан ювилган) бўлиб, бунинг сабаби «Шаҳидларнинг дафн қилиниши» қиссасида келади), яъни Ҳанзала ибн Аби Омир бўлиб, у бир оз юқорироқда баён қилиб ўтганимиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фосиқ, деб атаган Абу Омир роҳибнинг ўғли эди. Ҳанзала янги уйланган ва эндигина чимилдиққа кирган бўлиб, жарчининг урушга чорловчи овозини эшитган заҳоти келинчакнинг оғушидан суғурилиб, тўппа-тўғри жиҳодга жўнаб кетганди. Жанг майдонида мушриклар билан тўқнашгач, сафларни ёриб ўтиб, тўппа-тўғри мушрикларнинг бош қўмондони Абу Суфён ибн Ҳарб қаршисига етиб борди ва уни ўлдиришига бир баҳя қолганида шаҳидликка эришди. У Абу Суфёнга ҳамла қилиб, ундан устун келиб турган пайтида Абу Суфёнга ёрдамга етиб келган Шаддод ибн Авс томонидан қатл этилди.

Камончилар гуруҳининг жангга қўшган ҳиссалари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тоғ устига жойлаштирган камончилар гуруҳи ҳам уруш чамбараги мусулмон қўшин фойдасига айланишига жуда катта ҳисса қўшди. Маккаликларнинг Холид ибн Валид бошчилигидаги отлиқ аскарлари Абу Омир фосиқ

(бошчилигидаги гуруҳ) кўмагида Исломий лашкарнинг чап қанотини ёриб киришга уриниб, уч бора ҳужум уюштирдилар. Улар бу билан мусулмонларнинг орқа томонидан бостириб келиб, сафлари ичида парокандалик пайдо қилишни ва шу билан уларни қақшатқич мағлубиятга дучор қилишни кўзлаган эдилар. Лекин, камончилар улар устига ўқ ёғдириб, учала ҳужумларини ҳам бартараф этишга муваффақ бўлдилар. “Фатҳул Борий”, 7/346.

Мушрикларга мағлубият келади

Урушнинг даҳшатли тегирмон тоши ана шу тариқа айланиб, кичиккина Исломий қўшин майдоннинг барча нуқтасида тўла устунликни ўз қўлида сақлаб турди. Бу ҳолат мушрикларнинг энг баҳодир жангчиларини ҳам саросимага тушириб қўйди, уларнинг сафлари ўнгу сўлидан, олдию орқасидан тумтарақай бўлиб сочилиб кета бошлади. Гўё уч мингта мушрик бир неча юз эмас, балки ўттиз минг мусулмон билан тўқнашгандек эди. Мусулмонлар жасорат ва иймоннинг энг ёрқин кўринишларини намоён этдилар.

Қурайш мусулмонларнинг ҳужумини қайтариш учун бор имкониятини сарфлагач, ўзининг бунга ожиз ва кучсизлигини тан олди ва ғайрат-шижоати батамом сўнди. Ҳатто, Суоб ўлдирилганидан сўнг ерга қулаган байроққа яқинлашишга, уни баланд кўтариб жангчиларнинг бошини бир жойга қовуштиришга журъат қилувчи одам топилмади. Оқибатда қўшин чекинишга ва қочишга тушди. Қасос ва интиқом олиш, мусулмонларни янчиб ташлаб, ўз иззат ва шарафларини қайтариб олиш ҳақидаги чақириқлар барчаси унутилди.

Ибн Исҳоқ айтади: “Сўнг Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўз нусратини нозил қилди, уларга берган ваъдаси устидан чиқди, улар душманларини қиличдан ўтказдилар ва уларни жанггоҳдан суриб чиқардилар, мушрикларнинг мағлубияти ҳақида шак-шубҳа қолмади”.

Абдуллоҳ ибн Зубайр отаси Зубайр ибн Аввомдан ривоят қилади: «Аллоҳга қасамки, мен Ҳинд бинт Утба ва дугоналарининг ҳеч нарсага қарамай, жон ҳолатда қочишларини, этакларини кўтариб олишганидан болдирлари очилиб қолганини кўриб турардим». «Ибн Ҳишом», 2/77.

«Саҳиҳул Бухорий»да Бароъ ибн Озиб ривоят қилган ҳадисда келади: «Душман билан тўқнаш келганимизда улар қочишди, ҳатто мен аёлларнинг жон ҳолатда тоққа чиқиб боришларини кўрдим, улар болдирларини очиб олишган, халхоллари (оёқларидаги тақинчоқлари) кўриниб турарди» («Саҳиҳул Бухорий», 2/579). Мусулмонлар мушриклар ортидан қувиб, уларни қиличдан ўтказишар ва ўлжаларни қўлга киритишарди.

Камончиларнинг қўпол хатоси

Кам сонли Исломий қўшин Маккаликлар устидан иккинчи бор, гўзалликда Бадрдаги ғалабадан асло қолишмайдиган улкан ғалабага эришиб турганларида камончилар гуруҳининг кўпчилик аъзолари томонидан содир бўлган жуда қўпол хато вазиятни бутунлай

ўзгартириб юбориб, мусулмонларга қақшатқич талафот келтирди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қатл қилинишларига бир баҳя қолишига сабаб бўлди ва мусулмонларнинг Бадрдан сўнг эришган обрў ва ҳайбатларига жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Юқорида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу камончиларга қилган, хоҳ ғалаба, хоҳ мағлубият бўлсин, ҳар қандай ҳолатда ҳам тоғдаги ўринларидан қимирламаслик ҳақидаги қатъий буйруқлари матнини келтириб ўтгандик. Лекин, шу қадар қаттиқ буйруқлар бўлишига қарамай, камончилар мусулмонларнинг душманни қувиб, ўлжаларни қўлга киритишаётганини кўргач, дунё муҳаббати ғолиб келиб, бир-бирларига: «Ўлжа, ўлжа! Биродарларимиз ғолиб бўлишди! Биз нега қараб турибмиз?!», деб хитоб қилишди.

Аммо бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Жубайр уларга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларини эслатиб: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сизларга айтган гапларини унутдингизми?!», деди.

Лекин, уларнинг мутлақ кўпчилиги бу огоҳлантиришларга парво қилмасдан: «Худо ҳаққи, биз ҳам тезроқ бориб, ўлжага эришайлик!», дейишиб (имом Бухорий Бароъ ибн Озиб ҳадисида келтирган, 1/426), қирқ чоғли ё ундан ҳам ошиқроқ киши тоғдаги ўринларини тарк қилишиб, ўлжага шерик бўлиш иштиёқида пастга қараб шошилишди. Оқибатда мусулмонларнинг орқа тарафи ҳимоясиз қолиб, фақат Абдуллоҳ ибн Жубайр билан бирга саккиз-тўққиз жангчигина то изн бўлгунича ёки ҳалок бўлгунларича ўз ўринларида мустаҳкам туравериш аҳди билан қолдилар.

Холид ибн Валид Ислом лашкарини қуршаб олиш режасини амалга оширади

Холид ибн Валид олтинга тенг бу фурсатни ғанимат билиб, Ислом қўшинининг орқа тарафидан айланиб ўтиш мақсадида ўз отлиқлари билан ўқдек учиб, камончилар тоғига ҳужум уюштирди. Абдуллоҳ ибн Жубайр ва унинг ёнида қолган саноқли жангчини бир зумда тинчитиб, орқа томондан мусулмонлар устига бостириб келди. Унинг отлиқларининг ҳайқириғидан мушриклар ҳолат янгича тус олганини билишиб, чекиниб бораётган жойларидан ортларига қайтиб, мусулмонлар устига ёпирилишди. Мушриклардан Амра бинт Алқама Ҳорисия исмли бир аёл шошиб келиб, ерда ётган байроқларини баланд кўтарди, шундан сўнг мушриклар байроқ атрофида жипслашиб, бир-бирларини чорлай бошладилар. Бир жойга жам бўлишгач, мусулмонларга қарши жангга ташландилар. Шундай қилиб, мусулмонлар олди тарафдан ҳам, орқадан ҳам қуршов ичида қолиб, жуда қийин аҳволга тушиб қолдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуршовда ўзларини мардонавор тутишлари

Ўша пайтда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўққиз

кишилик кичик бир гуруҳ («Саҳиҳул Муслим» (2/107 да) айтилганидек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни 7 ансорий ва 2 муҳожир саҳобалари билан ёлғиз қолгандилар) билан мусулмонларнинг орқаларидан:

وَٱلرَّسُولُ يَدۡعُوكُمۡ فِيٓ أُخۡرَىٰكُمۡ ... ﴿١٥٣﴾

«...Ҳолбуки пайғамбар ортингизда сизларни чорламоқда эди» (“Оли Имрон” сураси, 153-) ояти шунга далолат қилади) уларнинг шиддатли жангларини ва мушрикларни таъқиб қилишларини кузатиб турардилар. Шу ҳолда Холиднинг отлиқлари тўсатдан бостириб келиб қолишди. У зотнинг олдиларида икки йўлдан бири қолганди: ё ўз жонларини сақлаб қолиш учун ёнларидаги тўққиз нафар саҳобалари ҳамроҳлигида зудлик билан хавфсиз жойга чекинишлари ва қуршовда қолган қўшинни тақдир ҳукмига ҳавола қилишлари, ё эса ўз жонларини хатарга қўйиб, асҳобларини ўз атрофларига чорлашлари ва улардан кучли бир жабҳа (фронт) ташкил қилиб, улар воситасида душман қуршовини ёриб, қуршовда қолган қўшиннинг Уҳуд тоғи тепаларига чиқиб олиши учун йўл очиб беришлари керак эди.

Шу ерда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тенгсиз иқтидорлари ва мислсиз шижоатлари намоён бўлди. У зот асҳобларни ўз ёнларига чорлаб, бор овозлари билан: «Ҳой Аллоҳнинг бандалари, менинг ёнимга!», деб нидо қилдилар. Овозлари мусулмонлардан олдинроқ мушриклар қулоғига етиб боришини била туриб, ана шундай оғир вазиятда ўз жонларини хатарга қўйиб, асҳобларини чорладилар.

Дарҳақиқат, мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозларини эшитиб, мусулмонлардан олдин у киши томон интилдилар.

Мусулмонларнинг тумтарақай бўлиб кетишлари

Мусулмонлар қуршовга тушиб қолишгач, улардан бир тоифаси ўзларини бутунлай йўқотиб қўйдилар. Кўзларига ўз жонларидан бошқа нарса кўринмай қолиб, орқада нима гап бўлаётганидан бехабар, жанг майдонини ташлаб қочишга тушдилар. Улардан баъзилари қочиб, ҳатто Мадинагача етиб бордилар. Айримлари эса тоғ чўққиларига чиқиб кетишди.

Иккинчи бир тоифа эса мушрикларга аралашиб кетиб, тўс-тўполонда ким дўст, ким душманлиги билинмай қолиб, мусулмонлар ичида бир-бирини ўлдириб қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлди. Имом Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Уҳуд куни мушриклар очиқ мағлуб бўлиб туришган пайт Иблис: «Эй Аллоҳнинг бандалари, орқангизга эҳтиёт бўлинг!», деб қичқирди. Шунда олдинги қатордагилар орқага қайтишиб, орқадагилар билан тўқнашиб кетишди. Ҳузайфанинг кўзи бирдан отаси Ямонга тушди ва: «Эй Аллоҳнинг бандалари, отам, отам!» деб қичқирди. Бироқ, улар ўзларини тўхтатиб

қололмадилар ва унинг отасини ўлдириб қўйишди. Шунда Ҳузайфа: «Сизларни Аллоҳнинг ўзи кечирсин», деди». Урва айтади: «Ҳузайфада то дунёдан ўтгунича ҳам яхшилик сақланиб қолди».

«Саҳиҳул Бухорий», 1/539, 2/581; “Фатҳул Борий”, 7/351, 362, 363. Имом Бухорийдан бошқалар зикр қилишадики, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳузайфага отасининг диясини (хун пулини) бермоқчи бўлганларида у: «Отамнинг диясини мусулмонларга садақа қилдим», деган, бу иши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам наздиларида Ҳузайфанинг обрўсини яна ҳам орттирган эди.

Ушбу тоифа ичида қаттиқ саросима пайдо бўлиб, кўпчилик гангиб қолганидан нима қилишини ва қайси томонга қараб ҳаракатланишини билмай қолди. Бунинг устига шу пайт: «Муҳаммад ўлдирилди!», деган қичқириқ эшитилиб, бу уларнинг қолган-қутган эс-ҳушларини ҳам учириб юборди. Кўпчилигининг руҳияти бутунлай тушиб кетди. Баъзилари жангдан тўхтаб, таслим бўлиш учун қуролларини ташладилар, айримлар эса мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай билан боғланиб, уларга Абу Суфёндан омонлик олиб беришни сўраш фикрига тушишди. Шу ҳолда турганларида улар олдидан Анас ибн Назр ўтиб қолди ва: «Нимага қараб турибсизлар?», деб сўради. Улар: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлдирилганмишлар», дейишди. «Ундай бўлса, у зотдан кейин яшаб нима қиласизлар?! Туринглар, сизлар ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлган иш устида ўлинглар!», деди у, сўнг: «Эй Парвардигор! Мен мана булар, яъни мусулмонлар қилган ишдан Сендан узр сўрайман, ана улар, яъни мушриклар қилган ишдан поклигимни Сенга эълон қиламан», деди. Шундай деб олға интилди. Йўлида Саъд ибн Муоз дуч келиб: «Қаерга эй Абу Умар?», деб сўраган эди: «Оҳ, оҳ, жаннатнинг ҳидини топяпман, эй Саъд, у Уҳуд томондан келмоқда», деди. Сўнг жангга шўнғиб кетди ва то ўлгунича уришди. Жангдан сўнг унинг жасадини таний олмадилар, фақат синглиси унинг бармоғидан таниб олди. Баданида саксондан ортиқ найза, қилич ва камон ўқидан қолган жароҳатлар бор эди. “Зодул-маод”, 2/93-96; «Саҳиҳул Бухорий», 2/579.

Собит ибн Даҳдоҳ қавмига қараб: «Эй ансорлар жамоаси, агар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлдирилган бўлсалар, Аллоҳ тирик, У ўлмайди! Сизлар динингиз йўлида жанг қилинглар, Аллоҳнинг Ўзи сизларга зафар ва нусрат ато этади!», деб хитоб қилди. Шунда бир қанча ансорлар унинг ёнига тўпланишиб, биргаликда Холиднинг отлиқларига қарши жангга киришди, унинг ўзи Холиднинг найзасидан ҳалок бўлди, бошқа шериклари ҳам ўлдирилдилар.

“Ас-сийратул-ҳалабия”, 2/22.

Муҳожирлардан бир киши қонга беланган бир ансорийнинг ёнидан ўтиб қолди ва: «Эй фалончи, билдингми, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлдирилган эмишлар?», деди. Шунда ансорий: «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлдирилган бўлсалар,

рисолат омонатини етказиб қўйганлар. Сизлар динингиз йўлида жанг қилинглар!», деб жавоб берди. “Зодул-маод”, 2/96.

Мана шундай руҳлантирувчи ва далда берувчи сўзу ишлар сабабли мусулмон аскарларига маънавий-руҳий куч-қувват қайтиб келди, улар саросимадан қутулиб, эс-ҳушларини йиғиб олдилар. Таслим бўлиш ёки мунофиқ Ибн Убайга қўшилиш фикридан қайтдилар ва қуролларини қўлга олиб, бошқарув қароргоҳи томонга йўл очиш мақсадида мушрикларга қарши ҳужум бошлаб юбордилар. Бу орада уларга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлдирилганлари ҳақидаги хабарнинг ёлғонлиги ҳам маълум бўлиб, бу уларнинг кучига куч қўшиб юборди. Натижада, оғир ва шиддатли жанглардан сўнг қуршовни ёриб чиқишга ва мустаҳкам марказ атрофида жамланишга муваффақ бўлдилар.

Майдонда учинчи бир тоифа ҳам бор эдики, уларнинг бутун фикру зикрлари фақат Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда бўлди. Бу тоифа қуршовнинг бошиданоқ жон жаҳдлари билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига қараб интилдилар. Уларнинг бошида Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳум ва бошқалар бор эди. Улар жангнинг олдинги қаторларида эдилар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан хавф-хатарни ҳис қилишлари биланоқ у зотнинг ҳимояларига етиб келдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида жангнинг шиддатли тус олиши

Мазкур тоифалар қуршов машаққатларини бошдан кечирар ва мушрикларнинг тегирмони гирдобида айланар экан, жанг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида қизигандан қизиб борарди. Юқорида айтганимиздек, мушриклар қуршовни бошлаган пайтларида у зотнинг ёнларида тўққиз нафар саҳобадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мусулмонларга қарата: **«Менинг ёнимга келинглар, мен Росулуллоҳман!»**, деб хитоб қилганларида мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозларини эшитиб, у зотни танишди ва устларига ёпирилиб кела бошлашди, мусулмонлардан олдин ёнларига етиб бориш мақсадида жон-жаҳдлари билан у зот томонга ташланишди. Шунда ўша тўққиз нафар саҳобий билан мушриклар ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди ва унда муҳаббат, фидокорлик, жасорат ва қаҳрамонликнинг ғоят нодир кўринишлари намоён бўлди.

Имом Муслим Анас ибн Моликдан ривоят қилади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни етти ансор ва икки муҳожир билан ёлғиз қолгандилар. Мушриклар ёпирилиб келишгач: **«Жаннат эвазига ёки жаннатда менинг ҳамроҳим бўлиши эвазига ким уларни биздан даф қилади?!»,** дедилар. Шунда ансорлардан бири олдинга ўтиб, то ўлгунича жанг қилди. Кейин яна ёпирилиб кела

бошлашгач, яна: **«Жаннат эвазига ёки жаннатда менинг ҳамроҳим бўлиши эвазига ким уларни биздан даф қилади?!»,** дедилар. Ансорлардан яна бири олдинга чиқиб, то ўлгунича жанг қилди. Ана шу тарзда бирин-кетин еттовлари ўлдирилдилар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки муҳожир саҳобаларига: **«Асҳобларимизга инсоф қилмадик»,** дедилар».

”Саҳиҳ Муслим”, 2/107.

Мазкур етти ансорийнинг охиргиси Амора ибн Язид ибн Сакан эди, у қаттиқ жанг қилди ва оғир жароҳат олиб йиқилди.

Бир оздан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига бир гуруҳ мусулмонлар етиб келиб, кофирларни Амора ёнидан суриб, уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинларига келтиришди. У зот оёқларини унга тўшадилар ва у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқларига бош қўйганча вафот этди. «Ибн Ҳишом», 2/81.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидаги энг оғир дамлар

Ибн Сакан йиқилганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки нафар муҳожир саҳоба билан ёлғиз қолдилар. «Саҳиҳайн»да Абу Усмондан ривоят қилинишича: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида жанг қилаётганларнинг бири Талҳа ибн Убайдуллоҳ ва Саъд (ибн Аби Ваққос)дан бошқа ҳеч ким қолмаган эди» («Саҳиҳул Бухорий», 1/527, 2/581). Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидаги энг оғир дамлар эди. Мушриклар учун эса бу дамлар олтинга тенг фурсат бўлиб, улар бу фурсатни қўлдан чиқармаслик учун қаттиқ уринишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқ қилиш мақсадида ҳужумларини асосан у зотга қаратишди. Утба ибн Ваққос отган тош у зотнинг юзларига тегиб, пастки ўнг курак (яъни, олдинги тишлар билан озиқ тиш ўртасидаги) тишлари синиб, пастки лаблари ёрилди. Абдуллоҳ ибн Шиҳоб Зуҳрий яқинларига келиб, пешоналарига жароҳат етказди. Абдуллоҳ ибн Қамиъа номли ғаддор бир отлиқ келиб, у зотнинг елкаларига шундай зарб билан қилич солдики, унинг зарбидан бир ойдан кўпроқ елкалари оғриб юрди, бироқ бу зарба у зотнинг икки қават совутларини йиртиб ўтишга қодир бўлмади. Кейин ўша ғаддорнинг иккинчи бор туширган ўшандай қаттиқ зарбаси у зотнинг чаккаларига тегиб, дубулғаларининг ҳалқаларидан иккита ҳалқа юзларини ёриб, ичига кириб қолди. У малъун зарба урар экан: «Мана сенга, мен Ибн Қамиъаман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларидан қонни артарканлар: **«Сени Аллоҳ хор қилсин»,** дедилар.

«Қамиъа» араб тилида тубан, пасткаш, хор маъноларини англатади. Шу боис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг мақтаниб айтган «Мен Қамиъанинг ўғлиман», деган сўзига жавобан айни шу сўз билан ўзакдош

феълни ишлатиб: **«Ақмаъакаллоҳ»,** яъни Аллоҳ сени хор қилсин, деб дуо қилдилар (таржимон изоҳи). У зотнинг дуоларини Аллоҳ ижобат қилди. Ибн Оиздан ривоят қилинишича: «Ибн Қамиъа уйига қайтганидан сўнг чорвасини боқиб юриб, тоғ чўққисига чиқиб кетган қўй-эчкиларини қайтариб тушиш учун чиққанида ўзининг бир эчкиси уни қаттиқ сузиб, тоғдан қулатиб юборди ва у парча-парча бўлиб кетди» ("Фатҳул Борий", 7/373). Имом Табароний ривоятида: «Аллоҳ унга тоғ эчкисини рўбарў қилди, у уни сузавериб, тилкалаб ташлади» ("Фатҳул Борий", 7/366).

«Саҳиҳ»да ривоят қилинишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тишлари синдирилди, бошлари ёрилди. Шунда юзларидан қонни артарканлар: **«Уларни Аллоҳга даъват қилаётган пайғамбарларининг юзини ёрган ва тишларини синдирган қавм қандай нажот топсин?!»,** дердилар. Шундан сўнг Аллоҳ азза ва жалла оят нозил қилдики:

لَيۡسَ لَكَ مِنَ ٱلۡأَمۡرِ شَيۡءٌ أَوۡ يَتُوبَ عَلَيۡهِمۡ أَوۡ يُعَذِّبَهُمۡ فَإِنَّهُمۡ ظَٰلِمُونَ ۝١٢٨

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **сиз учун бу ишда** (яъни, бандаларга нажот бериш ёки уларни ҳалок қилиш ишида) **ҳеч бир нарса** (яъни, инон-ихтиёр) **йўқдир.** (Аллоҳнинг Ўзи) **ё уларнинг тавбаларини қабул қилар ёки золимликлари сабабли азоблар».**

"Оли Имрон" сураси, 128-оят.

«Саҳиҳул Бухорий», 2/582; "Саҳиҳ Муслим", 2/108.

Имом Табароний ривоятида: "У зот ўша куни: **«Пайғамбарининг юзини қонга белаган қавмга Аллоҳнинг ғазаби қаттиқ бўлди»,** дедилар. Сўнга бир оз муддат тургач: **«Эй Парвардигор, қавмимни кечиргайсан, улар билмайдилар»,** дедилар. "Фатҳул Борий", 7/373.

««Саҳиҳ» Муслим»да ривоят қилинишича: **«Эй Роббим, қавмимни мағфират қилгин, улар билмайдилар»,** дедилар.

"Саҳиҳ Муслим", 2/108.

Қози Иёзнинг «Аш-Шифо»сида: **«Эй Парвардигор, қавмимни ҳидоят қилгин, улар билмайдилар»,** деганлари ривоят қилинган.

"Китобуш-шифо битаърифи ҳуҳуқил-мустафо", 1/81.

Шубҳасиз, мушрикларнинг асосий мақсадлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш бўлган эди. Бироқ, иккала муҳожир – Саъд ибн Аби Ваққос билан Талҳа ибн Убайдуллоҳ ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатиб, мислсиз жасорат билан жанг қилишди ва икки кишигина бўлишларига қарамай, мушрикларга ўз мақсадларига эришишларига йўл қўймадилар. Чунки, ҳар иккаласи арабларнинг энг моҳир камончиларидан бўлиб, тинимсиз ўқлари билан мушрикларни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан суриб ташлашга муваффақ бўлишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Аби Ваққосга ўқдонларини қоқиб туриб: **«Отинг, ота-онам сизга фидо бўлсин!»,** дедилар, бу эса унинг нақадар юксак жасорат ва лаёқат эгаси

бўлганига далолат қилади. Чунки, у зот Саъддан бошқа биронтасига ота-оналарини биргаликда фидо қилмаганлар.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/407, 2/580, 581.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ ҳақида гапирадиган бўлсак, мушрикларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларига ёпирилиб келишлари воқеасини имом Насоий Жобир розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилади: "Мушриклар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига етиб қолишганида у зот: **«Ким уларга қарши тура олади?»**, дедилар. Шунда Талҳа: «Мен», деди. (Сўнг Жобир ансорларнинг олдинга чиқишлари ва бирин-кетин шаҳид бўлишларини имом Муслим ривоятидан биз айтиб ўтганимиздек ҳикоя қилгач, сўзида шундай давом этди:) Сўнг Талҳа олдинга чиқиб, бир ўзи ўн бир кишидек олишди, қўлига қилич тегиб, бармоқларини узиб юборганида: «Ҳасс» (яъни, «иҳ» ёки «аҳ») деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар «Бисмиллаҳ» деганингда эди, фаришталар одамлар кўз ўнгида сени баланд кўтаришган бўларди»,** дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ мушрикларни ортга чекинтирди.

"Фатҳул Борий", 7/361; "Сунан ан-Насоий", 2/52.

Ҳокимнинг «Иклил»ида ривоят қилинишича, Талҳа Уҳуд куни ўттиз тўққизта ёки ўттиз бешта жароҳат олган, кўрсаткич ва ўрта бармоғи фалаж бўлиб, ишламай қолган экан. "Фатҳул Борий", 7/361.

«Саҳиҳул Бухорий»да Қайс ибн Абу Ҳозим ривоят қилади: «Мен Талҳанинг шол бўлиб қолган қўлини кўрдим, Уҳуд куни у шу қўли билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилган эди».

«Саҳиҳул Бухорий», 1/527, 581.

Имом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда айтилишча, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куни у ҳақида: **«Ким ер юзида юрган** (яъни, тирик) **шаҳидни кўришни истаса, Талҳа ибн Убайдуллоҳга қарасин»,** деганлар.

Имом Термизий, "Маноқиб" (3740-ҳ); Ибн Можа, "Муқаддима" (125-ҳ).

Абу Довуд Таёлисий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Абу Бакр Уҳуд кунини эсласа: «У куннинг ҳаммаси Талҳанинг куни бўлганди», дердилар. "Фатҳул Борий", 7/361.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у ҳақда яна шундай дерди:

Убайдуллоҳ ўғли Талҳа, сенга жаннат мунтазир,
Хизматингга ҳури ғилмон, нозу неъмат мунтазир.

"Мухтасар тарих Димашқ", 7/82.

Ана шундай таранг вазият ва оғир дамда Аллоҳ таоло ғойибона нусратини туширди. «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган ҳадисда Саъд айтади: «Уҳуд куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим, ёнларида оппоқ кийимли икки киши у зотни ҳимоя қилиб қаттиқ жанг қиларди, мен уларни аввал ҳам кўрмаганман, кейин ҳам кўрмадим». Бир ривоятда: «Улар Жибрил ва Микоил эдилар».

«Саҳиҳул Бухорий», 2/580.

Имом Муслимда ҳам шунга ўхшаш ривоят келган ("Ал-фазоил", 4/1082).

САҲОБАЛАРНИНГ РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ АТРОФЛАРИГА ЙИҒИЛА БОШЛАШЛАРИ

Бу воқеаларнинг ҳаммаси бир неча дақиқа ичида, жуда катта тезликда бўлиб ўтди. Ваҳоланки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдинги қаторларда жанг қилаётган сара саҳобалари ҳолатнинг ўзгарганини кўришлари биланоқ ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозларини эшитишлари биланоқ у зотга бирон кўнгилсизлик етишини олдини олиш учун тезлик билан ўша тарафга шошилдилар. Бироқ, улар етиб келишганда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга аллақачон жароҳатлар етган, олтита саҳобалари ўлдирилиб, еттинчиси жароҳатланган, Саъд ва Талҳа шиддатли жанг олиб боришаётганди. Улар етиб келишгач, у зотнинг атрофларида жонли девор ҳосил қилиб, ўраб олишди ва у кишини душман зарбаларидан қаттиқ ҳимоя қилишди. Биринчи бўлиб ёнларига садоқатли дўстлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу етиб келди.

Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: Абу Бакр Сиддиқ деди: «Уҳуд куни ҳамма Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан узоқлашиб кетган эди. Биринчи бўлиб ёнларига мен етиб келдим. Қарасам, олдиларида бир киши у зотни ҳимоя қилиб жанг қилаётган экан. «Илоҳим, Талҳа бўлсин-да, ота-онам унга фидо бўлсин, илоҳим, Талҳа бўлсин-да, ота-онам унга фидо бўлсин», дердим (чунки, бу иш ўзимга насиб қилмагани учун у одамнинг менинг қавмимдан бирон киши бўлиб чиқишини истардим). Зум ўтмай орқамдан Абу Убайда ибн Жарроҳ етиб келди, у ўқдек учиб келаётганди. Иккаламиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб отилдик. Қарасак, Талҳа у кишининг олдиларида йиқилиб ётибди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биродарингизга қарашинглар, дарҳақиқат у** (жаннатни ўзига) **вожиб қилди»,** дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларидан жароҳатланиб, дубулғаларининг иккита ҳалқаси юзларининг ичига кириб қолган экан. Мен уларни суғуриб олмоқчи бўлган эдим, Абу Убайда: «Аллоҳ ҳаққи, эй Абу Бакр, шу ишни менга қўйиб беринг», деди. Сўнг ҳалқани тишлари орасига олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бермаслик учун қимирлатиб-қимирлатиб суғуриб олди, бироқ ўзининг олди тиши тушиб кетди. Кейин мен иккинчи ҳалқани суғуриб олмоқчи бўлсам, у яна: «Аллоҳ ҳаққи, эй Абу Бакр, шу ишни менга қўйиб беринг», деди. Сўнг уни яна тишлари билан тортиб суғуриб олди, шунда иккинчи тиши ҳам тушиб кетди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биродарингизга қарашинглар, у** (ўзига жаннатни) **вожиб қилди»,** дедилар. Шундан сўнг биз Талҳага юзланиб, уни муолажа қилишга киришдик. Унга ўндан ортиқ зарба етган экан. (“Зодул-маод”, 2/95). «Таҳзибу тарихи Димашқ» асарида (7/78) айтилади: «Сўнг биз уни ўша чуқурлардан бирига олиб

бордик. Қарасак, унинг баданида найза, камон ўқи, қилич зарбаси аралаш олтмиш нечта ҳам жароҳат бор экан, битта бармоғи кесилиб кетибди. Биз унинг ҳолини яхшилашга ҳаракат қилдик».

Бу орада Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларига бир гуруҳ баҳодир мусулмонлар келиб йиғилишди. Улар ичида Абу Дужона, Мусъаб ибн Умайр, Али ибн Аби Толиб, Саҳл ибн Ҳаниф, Молик ибн Синон (Абу Саид ал-Худрийнинг отаси), Умму Аммора Нусайба бинт Каъб ал-Мозиния, Қатода ибн Нуъмон, Умар ибн Хаттоб, Ҳотиб ибн Аби Балтаъа ва Абу Талҳалар бор эди.

* Али ибн Аби Толиб айтади: «Уҳуд куни одамлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларидан узоқлашиб кетганда мен ўликларни қараб чиқиб, улар ичида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмадим, сўнг: «Аллоҳга қасамки, у киши ҳаргиз қочиб кетмаганлар, ўликлар ичидан ҳам топмадим. Демак, Аллоҳ таоло бизнинг қилиғимиздан ғазабланиб, пайғамбарини юқорига олиб чиқиб кетган бўлса керак. Энди мен учун то ўлгунимча жанг қилишдан бошқа ишда яхшилик йўқ», дедим-да, қиличимнинг қинини синдириб ташладим, сўнг қавм устига ҳамла қилдим, шунда улар менга ўртани очиб беришди. Қарасам, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ўрталарида эканлар». “Муснад Абу Яъло”, 1/416, 546-ҳ.

Мушриклар сиқувининг кучайиши

Мушрикларнинг сони дақиқа сайин кўпайиб боргани учун, табиийки уларнинг мусулмонлар устига ҳамлалари кучайиб, сиқувлари ҳам ортиб борди. Шу орада Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Омир фосиқ тарафидан тайёрлаб қўйилган бир чуқурга йиқилиб, тиззалари шилиниб кетди. Али у кишининг қўлларидан тутиб, тортиб чиқарди, Талҳа ибн Убайдуллоҳ қучоқлаб, ўринларидан туришларига ёрдам берди.

Нофеъ ибн Жубайр айтади: “Мен муҳожирлардан бир кишининг шундай деганини эшитганман: «Уҳудда иштирок этганман. Шунда кўрганманки, камон ўқлари ҳар тарафдан келар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўртада турар, ўқлар у кишидан четлаб ўтарди. Ўша куни Абдуллоҳ ибн Шиҳоб Зуҳрийни кўрдимки: «Менга Муҳаммадни кўрсатинглар, у қутулса мен қутулмаганим бўлсин» (яъни, ё у ўлади, ё мен), дер, ваҳоланки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ёнгинасида ёлғиз тургандилар. У у зотнинг ёнгиналаридан ўтиб кетди. Кейин Сафвон бу ҳақда уни маломат қилганида: «Худо ҳаққи, мен уни кўрмадим. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, у биздан ҳимояланган. Биз тўрт киши уни ўлдиришга аҳдлашиб чиққан эдик, бироқ бунга муваффақ бўлмадик», деди.

“Зодул-маод”, 2/97.

Ноёб қаҳрамонлик намуналари

Шу куни мусулмонлар тарихда мисли кўрилмаган ноёб қаҳрамонлик ва ажойиб фидокорлик намуналарини кўрсатишди. Абу Талҳа

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида тирик девор бўлиб туриб олган, у кишини душман ўқларидан сақлаш учун кўксини қалқон қилган эди.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Уҳуд куни одамлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларидан узоқлашиб кетишган, ёлғиз Абу Талҳа у кишининг ёнларида туриб, қалқони билан тўсиб турарди. У билаги бақувват камончи эди, ўша куни у иккита ё учта камон синдирди. Ўқдонида ўқи бор бирон киши ўтиб кетаётган бўлса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўқларингни Абу Талҳага бер»,** дердилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман томонга бўйин чўзиб қарасалар, Абу Талҳа: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, қараманг, улар отган ўқлардан биронтаси тегиб кетмасин, кўксим сизга қалқон бўлсин», дерди». «Саҳиҳул Бухорий», 2/581.

Анас розияллоҳу анҳудан яна ривоят қилинади: «Абу Талҳа билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам битта қалқон билан ҳимояланишар, Абу Талҳа уста мерган бўлиб, у ўқ отганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўйинларини чўзиб, унинг ўқи етиб борган жойга қарардилар». «Саҳиҳул Бухорий», 1/406.

Абу Дужона ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиб, келаётган ўқларга орқасини тутиб, тошдек қотиб турарди.

Ҳотиб ибн Аби Балтаа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тишларини синдирган Утба ибн Аби Ваққоснинг ортидан бориб, қиличи билан калласини сапчадек узиб ташлади, сўнг унинг оти билан қиличини олиб кетди. Саъд ибн Аби Ваққос укаси Утбани ўзи ўлдиришга қасд қилганди, бироқ бу иш унга эмас, Ҳотибга насиб этди.

Саҳл ибн Ҳунайф ҳам баҳодир камончилардан бири бўлиб, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўлимга байъатлашган эди. У ҳам мушрикларни даф қилишда фаол иштирок этди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бевосита ўзлари ҳам камон отардилар. Қатода ибн Нўъмондан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камондан ўқ отдилар, ҳатто камон эгилган жойидан синиб кетди». Кейин ўша камонни у асраб қўйган ва кейинчалик ҳам унда қолганди. Ўша куни Қатоданинг кўзига жароҳат етган ва кўзи оқиб, юзига тушиб қолган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз қўллари билан жойига қайтариб қўйдилар, шундан сўнг у тузалиб, аввалгидан ҳам яхшироқ бўлиб кетди.

Абдурраҳмон ибн Авф ҳам катта жасорат билан жанг қилди, оғзига жароҳат етиб, тишлари тўкилиб тушди, йигирмадан ортиқ жойидан жароҳатланди, оёғи шикастланиб, оқсоқ бўлиб қолди.

Абу Саид Худрийнинг отаси Молик ибн Синон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларидаги қонни сўриб тозалаб қўйди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Қонни**

тупуриб ташланг», деган эдилар, у: «Йўқ, ҳаргиз тупуриб ташламайман», деди, сўнг яна жангга киришиб кетди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким жаннат аҳлидан бўлган одамни кўришни истаса, шунга қарасин»,** дедилар. Молик шу куни шаҳид бўлди.

Умму Амора ҳам жанг қила туриб, бир тўп мусулмонлар ичида Ибн Қамиъага тўқнаш келди. Ибн Қамиъанинг қилич билан берган зарбаси унинг елкасида чуқур жароҳат қолдирди. У ҳам қиличи билан Ибн Қамиъага бир неча зарбалар берди, лекин у устидаги икки қават совути туфайли қутулиб қолди. Умму Амора шу куни ўн икки жойидан жароҳатланди.

Мусъаб ибн Умайр ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни Ибн Қамиъа ва шерикларидан ҳимоя қилиб, шиддат билан урушди. Байроқ унинг қўлида эди, уларнинг қилич зарбаларидан ўнг қўли узилиб тушди. Шунда у байроқни чап қўлига олиб, душман қаршисида матонат билан туришда давом этди. Чап қўлини ҳам чопиб ташлашгач, то ўлгунича чўккалаб, байроқни бўйни билан қисиб, тик тутиб турди. Уни Ибн Қамиъа ўлдирди ва кўринишидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаб кетгани учун уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деган гумонда мушриклар ёнига қайтиб: «Муҳаммад ўлдирилди!», деб ҳайқирди. ”Зодул маод”, 2/97; Ибн Ҳишом, 2/73, 80–83.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлдирилганликлари ҳақида хабар тарқалиши ва бунинг жангга кўрсатган таъсири

Бир неча дақиқа ичида бу хабар мушриклар ичида ҳам, мусулмонлар ичида ҳам тарқалиб улгурди. Бу эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлмаган ва қуршовда қолган кўпчилик саҳобаларнинг жанговор азму қарорлари сусайиб кетишига ва маънавий руҳиятлари емирилишига сабаб бўлди. Ҳатто уларнинг сафлари ичида қаттиқ парокандалик ва тартибсизликлар пайдо бўлди. Иккинчи томондан, ушбу хабар мушрикларнинг шиддатли ҳужумлари бир оз сусайишига ҳам сабаб бўлди. Чунки, баъзилари ўзларини асосий мақсадларига эришган ҳисоблаб, жангни тўхтатиб, мусулмонларнинг ўликларини мусла (қулоқ, бурун каби аъзосини кесиш) қилишга киришиб кетишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жангни давом эттириб, аҳволни ўнглашга муваффақ бўладилар

Мусъаб шаҳид қилингач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқни Али ибн Аби Толибга топширдилар. Шиддатли жанг давом этди ва шу ерда бўлган бошқа саҳобалар ҳам етук қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатишди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман сафларини ёриб ўтиб, қуршовда қолган лашкарга қўшилишга муваффақ бўлдилар. Биринчи бўлиб, у кишини Каъб ибн Молик таниди ва бор овози билан: «Эй мусулмонлар! Хушхабар! Росулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам тирик эканлар!», деб қичқирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларга у кишининг турган ўринлари маълум бўлиб қолмаслиги учун Каъбга: **«Жим бўл»,** деб ишора қилдилар. Бироқ, Каъбнинг овози мусулмонларнинг қулоқларига етиб борди ва эшитганки одам у зотнинг ёнларига қараб интилиб, атрофларида ўттиз чоғли саҳоба жамланишди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужум қилаётган мушриклар сафини ёриб ўтиб, тоғ даралари сари тартибли равишда чекина бошладилар. Мушриклар чекинишни барбод қилиш мақсадида ҳужумни яна ҳам кучайтиришди. Бироқ, мусулмон баҳодирларнинг матонати олдида бунга муваффақ бўлишолмади.

Мушрикларнинг отлиқ аскарларидан Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Муғийра «Қани Муҳаммад?! У қутулса мен қутулмаганим бўлсин!», (яъни, у тирик қолса, менинг ўлганим яхши), деганча Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига яқинлашиб кела бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан тўқнашиш учун ўринларидан қўзғолдилар, бироқ унинг оти бир чуқурга қоқилиб кетди, шунда Ҳорис ибн Симма у билан олишиб, оёғига уриб, ўтиргизиб қўйди, сўнг уни саранжомлаб, қуролини олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб қўшилди.

Макка суворийларидан Абдуллоҳ ибн Жобир деган яна бириси Ҳорис ибн Симмага ҳамла қилиб, қиличи билан елкасига уриб, ярадор қилди, уни мусулмонлар кўтариб олдилар. Шунда қизил пешонабанд соҳиби, ботир жангчи Абу Дужона Абдуллоҳ ибн Жобирга ҳамла қилиб, қиличи билан калласини сапчадек узиб ташлади.

Мана шундай шиддатли жанг асносида Аллоҳ тарафидан мўминларга ором уйқуси тушиб, Қуръонда айтилгани каби уларни мудроқ ола бошлади. Абу Талҳа айтади: «Уҳуд куни мудроқ олган кишилар ичида мен ҳам бор эдим, ҳатто қиличим бир неча марта қўлимдан тушиб кетди. Мен уни олардим, у яна тушиб кетарди, яна олардим». “Саҳиҳ Бухорий”, 2/582.

Ушбу гуруҳ мана шундай матонат билан, тартибли равишда чекиниб, тоғ дараларига етиб олди ва қўшиннинг қолган қисмига ҳам мана шу бехавотир жойга етиб олишлари учун йўл очиб берди, шу билан улар ҳам келиб қўшилишга муваффақ бўлишди. Шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳарбий маҳоратлари олдида Холиднинг маҳорати енгилди.

Убай ибн Халафнинг ўлдирилиши

Ибн Исҳоқ айтади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарага етиб келган ҳам эдиларки, орқаларидан: «Қани Муҳаммад?! У қутулса мен қутулмаганим бўлсин!», деб бақирганича Убай ибн Халаф етиб келди. Мусулмонлар: «Ё Росулуллоҳ, биронтамиз унга қарши жангга чиқайликми?», деб сўрашган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қўяверинглар, келаверсин»,** дедилар. У яқин

келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳорис ибн Симманинг найзасини қўлга олдилар-да, шаҳд билан қўзғолиб унга пешвоз чиқдилар ва совути билан дубулғаси ўртасида очилиб турган ўмровига кўзлари тушиб, найзани ўша ерига шундай урдиларки, унинг зарбидан Убай отидан қулаб, бир неча марта юмалаб кетди. У томоғидаги унча катта бўлмаган жароҳатидан қон сизиб турган ҳолида Қурайш олдига қайтиб бориб: «Худо ҳаққи, мени Муҳаммад ўлдирди», деди. Улар: «Қўй-е, юрагинг чиқиб кетибди, Худо ҳаққи, жароҳатинг оғир эмас», дейишди. Шунда у: «У менга Маккада: «Мен сени ўлдираман», деб айтган эди*, Аллоҳга қасамки, агар юзимга тупурса, тупуги ҳам мени ўлдирган бўларди», деди. Шундан сўнг бу Аллоҳнинг душмани Маккага қайтишаётганида йўлда, Сариф деган жойда ўлди. Абул Асваднинг Урвадан ривоят қилишича, шунингдек, Саид ибн Мусайяб отасидан қилган ривоятда айтилишича, Убай ҳўкиздек бўкирар ва: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар менинг бошимга тушган нарса Зул-Мажоз аҳли бошига тушса эди, ҳаммаси ўлиб кетган бўларди», дерди.

* Бунинг тафсилоти шундай бўлганди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадаликларида мана шу Убай у киши билан йўлиқиб қолса: «Эй Муҳаммад, менинг бир отим бор, уни ҳар куни бир фарақ маккажўхори билан емлаб боқяпман. Сени шу отим устида ўлдираман», дерди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ, иншоаллоҳ, мен сени ўлдираман»,** дердилар.

«Ибн Ҳишом», 2/84, Ҳоким, “Мустадрак”, 2/327.

Талҳа Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни йўлаб юборади

Тоққа чекинаётганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан катта бир харсанг чиқиб қолиб, унга чиқмоқчи бўлиб ҳаракат қилдилар, бироқ ёшлари бир оз улғайгани, боз устига икки қават совут кийиб олганлари туфайли чиқолмадилар. Қолаверса, олган жароҳатлари туфайли анча ҳолдан тойган ҳам эдилар. Шунда Талҳа ибн Убайдуллоҳ елкасини у зотга тутиб, тош устига чиқиб олишларига ёрдамлашиб юборди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Талҳа** (жаннатни) **вожиб қилди»,** дедилар. «Ибн Ҳишом», 2/86; Термизий (1692, 3739-ҳ); Аҳмад (1/165) ривоятлари; Ҳоким саҳиҳ санаган (3/374) ва Заҳабий унга мувофиқ бўлган.

Мушриклар уюштирган охирги ҳужум

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тоғ дарасидаги бошқарув қароргоҳларига ўрнашиб олганларидан кейин мушриклар мусулмонлар устига сўнгги бор ҳужум уюштирдилар. Ибн Исҳоқ айтади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарада эканларида Абу Суфён ва Холид ибн Валид бошлиқ бир қанча мушриклар тоққа кўтарила бошладилар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Парвардигор! Уларга биздан устун келиш лойиқ бўлмайди», дедилар. Шундан сўнг Умар ибн Хаттоб бир гуруҳ

муҳожирлар ҳамроҳлигида жанг олиб бориб, уларни тоғдан тушириб юбордилар. «Ибн Ҳишом», 2/86.

«Мағозий Умавий»да айтилишича, мушриклар тоғ устига чиқиб келишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъдга: **«Уларни қайтаринг!»,** дедилар. «Бир ўзим қандай қилиб қайтараман?», деди у. У зот яна шу гапларини қайтардилар. Учинчи марта айтганларидан сўнг Саъд ўқдонидан ўқ олиб, мушриклардан бирини отиб ўлдирди. Саъд айтади: «Сўнг ҳалиги ўқни олиб, таниб олдим-да, бошқасига отиб, уни ҳам ўлдирдим. Кейин яна биттасини шу ўқ билан ўлдирдим. Шундан сўнг улар пастга тушиб кетишди. Шундан сўнг: «Бу муборак ўқ» деб, уни ўқдонимга солиб қўйдим». Саъд ўша ўқни то вафот этиб кетгунича ёнида сақлади, сўнг болаларида қолди.

"Зодул-маод", 2/95.

Шаҳидлар таҳқирланиши

Ушбу ҳужум мушрикларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши олиб борган энг сўнгги ҳужумлари бўлди. Шундан сўнг улар у кишини ўлдирилган бўлса керак, деган гумонда қароргоҳларига қайтиб, Маккага қайтиб кетишга тайёргарлик кўра бошладилар. Баъзилари, шунингдек аёллари ҳам шаҳид бўлган мусулмонларни мусла қилишга – қулоқларини, бурунларини ва жинсий аъзоларини кесишга, қоринларини ёришга тушишди. Ҳинд бинт Утба Ҳамзанинг жигарини суғуриб олиб, чайнай бошлади, кейин ютишга қурби келмай, тупуриб ташлади. Шунингдек, у кесилган қулоқ ва бурунлардан шодалар ясаб, бўйин ва оёқларига тақиб олди.

«Ибн Ҳишом», 2/90.

Баҳодир мусулмонларнинг урушнинг сўнгги лаҳзаларигача жангга ҳозир туришлари

Охирги дамларда паҳлавон мусулмон жангчиларининг жангга ва Аллоҳ йўлида ўзларини фидо қилишга нақадар тайёр эканларини кўрсатиб берадиган иккита воқеа содир бўлди:

1. Каъб ибн Молик айтади: «Мусулмонлар сафида Уҳудда иштирок этдим. Мушрикларнинг ўлган мусулмонларни мусла қилишаётганини кўриб турардим. Қарасам, мушриклардан бири мусулмонлар ичида: «Сўйилган қўйлардек уюлиб кетгурлар», деганча қурол-яроғларини йиғиштириб юрган экан. Шунда қуролланган бир мусулмоннинг ўша мушрикни пойлаб турганини кўриб, ўша томонга қараб юрдим ва орқаларидан иккаласини кузата бошладим. Кофир кўринишидан ҳам, қурол жиҳатидан ҳам мусулмондан устунроқ эди. Иккаласи юзлашгач, мусулмон кофирга қилич солиб, то думбасигача кесиб ташлади ва у иккига бўлиниб кетди. Сўнг мусулмон юзини очиб: «Бопладимми эй Каъб, мен Абу Дужонаман», деди». "Ал-бидая ван-ниҳая", 4/17.

2. Жанг ниҳоялангач, бир гуруҳ мўмина аёллар жанг майдонига келишди. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Оиша бинт Абу Бакр ва Умму Сулайм иккаласини енг шимариб, елкаларида сув солинган

мешларни кўтариб, мусулмонларга сув ичириб, бўшаган мешларни яна тўлдириб келиб, яна мусулмонларга сув бериб юрганларини кўрдим».

«Саҳиҳул Бухорий», 288-, 2902-, 3811-, 4064-ҳадислар.

Умар розияллоҳу анҳу айтади: «Ансор аёлларидан бўлган Умму Салит Уҳуд куни бизга мешда сув ташиган эди».

«Саҳиҳул Бухорий», 2881-, 4071-ҳадислар.

Ўшандай қаҳрамон аёллар ичида Умму Айман ҳам бор эди. У айрим мусулмонларнинг чекиниб, Мадинагача кириб боришганини кўргач, улар юзига тупроқ сочиб: «Мана бу урчуқни олгин-да, қиличингни бу ёққа бер», деб, жанг майдонига қараб ошиқди. Етиб келгач, ярадорларга сув бера бошлади. Ҳиббон ибн Арақа унга қараб камондан ўқ узган эди, унинг ўқидан Умму Айман ерга йиқилиб, баданининг баъзи жойлари кўриниб қолди. Шунда бу Аллоҳнинг душмани қотиб кула бошлади. Бу нарса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оғир ботди ва учсиз бир камон ўқини Саъд ибн Аби Ваққосга узатиб: **«Шу ўқни унга отинг!»,** деб буюрдилар. Саъд ўқни отган эди, у Ҳиббоннинг томоғига қадалиб қолди ва у гурсиллаганича ерга қулаб, ҳамма ёғи очилиб кетди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар, ҳатто озиқ тишлари кўринди. Сўнг: **«Саъд унинг ўчини олди, Аллоҳ дуоларини қабул қилсин»,** дедилар.

“Ас-сийратул-ҳалабия”, 2/22.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарага етиб олганларидан сўнг

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарадаги қароргоҳларига ўрнашганларидан кейин Али ибн Аби Толиб бориб, қалқонида Миҳрос (харсангни ўйиб қилинган ҳовуз ёки Уҳуддаги қудуқ)дан сув келтириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тутди. Сув ҳидланиб қолган экан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ёқтирмасдан ичмадилар. **«Пайғамбарининг юзини қонга белаган кимсага Аллоҳнинг ғазаби жуда қаттиқ бўлади»,** деганларича юзларидаги қонни ювдилар, бошларидан сув қуйдилар.

Саҳл айтади: «Аллоҳга қасамки, мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жароҳатини ким ювганини, ким сув қуйиб турганини, нима билан даво қилинганини яхши биламан. Қизлари Фотима жароҳатни ювди, Али ибн Аби Толиб қалқонида сув қуйиб турди. Сув қон келишини тўхтатиш ўрнига, уни баттар кучайтираётганини кўрган Фотима бир бўлак бўйрани куйдириб жароҳатга босди ва шу билан қон тўхтади». «Саҳиҳул Бухорий», 2/584.

Муҳаммад ибн Маслама тоза ва ширин сув келтирган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ичдилар ва Муҳаммад ибн Масламанинг ҳаққига дуо қилдилар.

“Ас-сийратул-ҳалабия”, 2/30.

Жароҳатлари таъсирида пешин намозини ўтириб ўқидилар, мусулмонлар ҳам у кишининг орқаларида ўтириб ўқидилар.

«Ибн Ҳишом», 2/87.

Абу Суфённинг жангдан сўнг айтган сўзлари ва унинг Умар билан сўзлашуви

Мушриклар йўлга чиқишга тахт бўлганларидан кейин Абу Суфён тоғ устига чиқиб: «Орангизда Муҳаммад борми?», деб қичқирди. Унга жавоб бермадилар. «Орангизда Ибн Аби Қуҳофа (Абу Бакр) борми?», деб қичқирди. Яна жавоб бермадилар. «Орангизда Умар ибн Хаттоб борми?», деб қичқирди. Яна жавоб бермадилар. Чунки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жавоб қайтаришга ижозат бермаган эдилар. Абу Суфённинг ўзи ҳам, қавми ҳам шу уч кишини Исломнинг асоси ва тиргаги, деб билганларидан у фақат шу кишилар ҳақидагина сўради. Мусулмонлар тарафидан жавоб бўлмагач, қавмига қараб: «Улардан қутулибсизлар!», деб қичқирди. Шунда Умар чидай олмай: «Эй Аллоҳнинг душмани! Сен айтган одамларнинг барчаси ҳаёт, Аллоҳ сени хафа қиладиган ишни сақлаб қолди», деб хитоб қилди. Абу Суфён: «Сизларнинг одамларингизни мусла қилишибди, мен бунга буюрганим йўқ, бироқ бундан хафа ҳам бўлмадим», деди.

Кейин: «Яшасин Ҳубал!», деб қичқирди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унга жавоб бермайсизларми?!»,** дедилар. «Нима деб жавоб берайлик?», деб сўрашганди: **«Аллоҳ олийроқ ва буюкроқдир», денглар»,** дедилар.

Кейин Абу Суфён: «Бизлар учун Уззо бор, сизларнинг Уззонгиз йўқ», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна: **«Унга жавоб бермайсизларми?!»,** дедилар. «Нима деб жавоб берайлик?», деб сўрашганди: **«Аллоҳ бизнинг хожамиздир, сизларнинг хожангиз йўқ», денглар»,** дедилар.

Шундан сўнг Абу Суфён: «Бугунги жанг Бадрга жавоб бўлди, уруш дурангдир (бир сафар сизлар ғолиб бўлган бўлсангиз, бир сафар биз ғолиб бўлдик)», деди.

Умар: «Йўқ, баробар бўлмади! Бизлардан ўлганлар жаннатда, сизлардан ўлганлар дўзахдадир», деб жавоб берди.

Абу Суфён: «Эй Умар, яқинроқ кел», деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Борингчи, нима демоқчи экан»,** дедилар. Умар яқин борган эди, Абу Суфён: «Худо ҳаққи, тўғрисини айт эй Умар, биз Муҳаммадни ўлдирдикми, йўқми?», деб сўради. Умар: «Йўқ, Аллоҳ шоҳид, ҳозир у киши сенинг сўзларингни эшитиб турибдилар», деди. Шунда Абу Суфён: «Сен менинг наздимда (Муҳамад ўлдирилди, деб гап тарқатган) Ибн Қамиъадан ростгўйроқ ва яхшироқсан», деди.

«Ибн Ҳишом», 2/93, 94; “Зодул-маод”, 2/94, «Саҳиҳул Бухорий», 2/579.

Бадрда учрашишга ваъдалашув

Ибн Исҳоқ айтади: “Абу Суфён қўшини билан йўлга чиқиш олдидан: «Сизлар билан келгуси йил Бадрда учрашамиз!», деб қичқирди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бирига: **«Келишдик, ўша ерда учрашамиз», деб айтинг»**, деб буюрдилар.

«Ибн Ҳишом», 2/94.

Мушрикларнинг ҳаракат йўналишига ишонч ҳосил қилиш

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Аби Толибни мушриклар ортидан юбордилар, унга: **«Уларнинг ортидан боринг, нима қилишаяпти, нима қилишмоқчи, ўрганинг. Агар отларини етаклаб, туяларга миниб олишган бўлса, демак, Маккага йўл олишган бўлади. Агар туяларини ҳайдаб, отларга минишган бўлса, Мадинани кўзлаган бўлишади. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Мадинани қасд қилган бўлишса, мен Мадинага бориб, улар билан жангга кираман»,** дедилар.

Али айтади: «Қавмнинг изидан бордим. Кўрдимки, улар отларини етаклаб, туяларига миниб, Маккага қараб йўл олишди».

«Ибн Ҳишом», 2/94. «Фатҳул-Борий»да айтилишича, мушриклар ортидан борган киши Саъд ибн Аби Ваққос бўлган экан (7/347).

Ўлган ва яраланганларни сўраб-суриштириш

Қурайш кетганидан сўнг одамлар ўлган ва яраланганларни аниқлашга киришдилар. Зайд ибн Собит айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни мени Саъд ибн Рабиъни қидириб топиш учун юбордилар ва: **«Уни кўрсанг, мендан салом айтгин ҳамда: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳволингиз қандай, деб сўраяптилар», дегин»,** дедилар. Мен ўликлар ичида айланиб юриб, уни сўнгги нафасларини олаётган ҳолда топдим. Унинг баданида найза, қилич ва камон ўқларидан қолган етмишдан ортиқ жароҳат бор эди. Мен унга: «Эй Саъд, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизга салом йўлладилар ва аҳволингиз қандайлиги билан қизиқдилар», дедим. У: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтинг ва у зотга етказингки, мен жаннатнинг ҳидини топаяпман. Қавмдошларим ансорларга шу сўзларимни етказингки, агар сизлар ҳаёт бўла туриб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга душман қўли етгудек бўлса, Аллоҳ ҳузурида сизлар учун бирон узр йўқдир», деди, сўнг шу оннинг ўзида жон таслим қилди». “Зодул-маод”, 2/96.

Ярадорлар ичида Усайрим – Амр ибн Собит ҳам бўлиб, у ҳам сўнгги нафасларини олаётган эди. Шу пайтгача унга Исломни қабул қилишни таклиф қилсалар, кўнмай келарди. Уни кўришиб: «Бу Усайрим-ку, нима мақсадда чиққан экан? Биз уни қўйиб келган эдик, у бу ишни ёқтирмас эди», дейишди. Кейин унинг ўзидан: «Сен нима мақсадда чиққан эдинг? Қавмингнинг ёнини олибми ё Исломга рағбат қилибми?», деб сўрадилар. У: «Йўқ, Исломга рағбат қилиб чиқдим, Аллоҳ ва Росулига иймон келтирдим, сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга жанг қилиб, мана кўриб турганингиз ҳолга тушдим», деб жавоб берди ва ўша заҳоти жон берди. Бу ҳақда Росулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб беришган эди, у зот: **«У жаннат аҳлидан»,** дедилар. Абу Ҳурайра айтади: «У Аллоҳ учун ҳали бирон марта ҳам намоз ўқимаган эди». “Зодул-маод”, 2/97,98; «Ибн Ҳишом», 2/88.

Қузмонни ҳам ярадорлар ичидан топишди. У паҳлавонларча жанг қилиб, бир ўзи етти ё саккиз мушрикни ўлдирган эди. Оғир жароҳатдан силласи қуриб қолган Қузмонни Бану Зафарнинг ҳовлисига кўтариб келишди ва унга яхшилик билан хушхабар беришди. Шунда у: «Мен фақат қавмимнинг обрўси учун жанг қилдим, агар шуни ўйламасам, урушга кирмаган бўлардим», деди. Кейин жароҳати кучайиб кетгач, оғриғига чидай олмай у ўзини ўлдирди. Шунгача ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон у ҳақда гапирилса: **«У дўзах аҳлидан»,** деб қўяётган эдилар. Ҳа, ватанпарварлик қилиб ёки Аллоҳнинг калимасини олий қилишдан бошқа ҳар қандай мақсад йўлида жангга кирган кишиларнинг оқибати, гарчи улар Ислом байроғи остида ва ҳатто пайғамбар ва саҳобалар билан бирга жангга кирган бўлсалар ҳам ана шундай ачинарли бўлади.

Бунинг акси ўлароқ, ўликлар ичида Бану Саълабадан бўлган бир яҳудий ҳам бор эди. У қавмига: «Эй яҳудлар жамоаси, Муҳаммадга ёрдам кўрсатиш зиммамиздаги бурч эканини яхши биласизлар», деганида улар: «Бугун шанба куни, (яъни, биз шанба куни жанг қилмаймиз)», деб жавоб беришганди. Шунда у: «Сизлар учун шанба, деган нарса йўқ», деди. Сўнг қиличини ва жангга керакли бошқа нарсаларини олиб: «Агар ҳалок бўлсам, мол-мулким Муҳаммаднинг ихтиёрида, у ўзи истаганидек тасарруф қилсин», деди, сўнг эрталабдан жангга кириб, то ўлгунича жанг қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда: **«Мухайриқ яҳудларнинг энг яхшисидир»,** дедилар. «Ибн Ҳишом», 2/88, 89.

Шаҳидларнинг дафн қилиниши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳидлар устида туриб: «Мен булар устида гувоҳманки, кимда-ким Аллоҳ йўлида жароҳатланса, Аллоҳ уни қиёмат куни жароҳатидан қон томиб турган ҳолида тирилтиради, қонининг ранги қон рангида, ҳиди эса мушк ҳидида бўлади», дедилар. «Ибн Ҳишом», 2/ 98.

Айрим саҳобалар ўзларига қарашли ўликларни Мадинага олиб кетишган экан, уларни қайтариб олиб келиб, шаҳид бўлган жойларига дафн қилишни, шаҳидларни ювмасдан, темир совут ва теридан қилинган жанговор либосларини ечиб олгач, устиларидаги кийимлари билан дафн қилишни буюрдилар. Икки кишини биттадан кафанга ўрадилар, битта қабрга иккита ва учтадан шаҳидни дафн қилдилар. Қабрга қўйишда: **«Қайси бирлари Қуръонни кўпроқ ёд биларди?»,** деб сўраб, қай бирини кўрсатилса, ўшани биринчи қўйдилар, **«Мен Қиёмат куни буларга гувоҳман»,** дедилар.

«Саҳиҳул Бухорий», “Маъал-фатҳ”, 3/248 (1343, 1346, 1348, 1353, 4079-ҳадислар).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром билан Амр ибн Жамуҳ иккаласини ўрталарида бўлган ўзаро меҳр-муҳаббат туфайли битта қабрга қўйдилар. «Саҳиҳул Бухорий», 2/584, "Зодул-маод", 2/98.

Ўликлар ичида Ҳанзаланинг жасади кўринмади, уни қидириб, бир четда, баданидан сув томиб турган ҳолда топдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг жасадини малоикалар ювганини айтдилар. Сўнг: «Оиласидан сўрангларчи, нега шундай бўлди экан?», дедилар. Аёлидан сўралганда (Ҳанзала унинг, яъни янги келичакнинг оғушида эканида жарчининг жангга чорловини эшитиб, шошилиб, ғусл қилмасданоқ чиқиб кетганини) айтиб берди. Шундан Ҳанзаланинг номи «Ғасилул-малоика» (фариштала томонидан ювилган) деб аталди.

"Зодул-маод", 2/94.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари ва эмикдош акалари бўлган Ҳамзанинг жасадига қилинган ваҳшийликни кўриб, қаттиқ изтироб чекдилар. Аммалари Софийя иниси Ҳамзани кўраман, деб келганида унинг аҳволига кўзи тушиб қийналмасин, деган ниятда ўғли Зубайрга онасини у ердан олиб кетишни буюрдилар. Бироқ, Софийя: «Нега энди? Эшитишимча, укамнинг жасадини мусла (қулоқ, бурун каби аъзоларини кесиш) қилишибди. Аллоҳ йўлида бўлган экан, биз бундан албатта рози бўламиз. Мен Аллоҳдан ажр истаб, иншоаллоҳ, албатта сабр қиламан», деди, сўнг инисини бориб кўрди, истиржоъ (истиржоъ – إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ – **"Биз Аллоҳникимиз ва албатта Унинг ҳузурига қайтувчимиз"** дейишлик) айтиб, унга дуо ва истиғфорлар айтди. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳамзани Абдуллоҳ ибн Жаҳш билан бирга дафн қилишга буюрдилар, у Ҳамзанинг опасининг ўғли ва эмикдош иниси эди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Ҳамза ибн Абдулмутталибга йиғлаганларидан кўра қаттиқроқ йиғлаганларини ҳечам кўрмаганмиз. Уни қибла томонга қўйдилар, сўнг жанозаларида турдилар ва овоз чиқариб, ҳўнг-ҳўнг йиғладилар. Ибн Шозон ривоят қилган. Қаранг: Шайх Абдуллоҳ Наждий, «Мухтасар сийрат ар-Росул», 255-с.

Шаҳидларнинг аҳволи одамнинг юрак-бағрини эзиб юборадиган қайғули бир кўринишда эди. Хаббоб айтади: «Ҳамза учун битта йўл-йўл бурда (чопон)дан бошқа кафанлик топилмади. Бошини ўрасалар, оёқлари очилиб қолар, оёқларини ўрасалар боши очилиб қоларди. Уни бош томонига тортиб, оёқларини изхир (ўсимлиги) билан ўрадилар».

Имом Аҳмад ривояти, "Мишкотул-масобиҳ", 1/14.

Абдурраҳмон ибн Авф айтади: «Мусъаб ибн Умайр ўлдирилди, у мендан кўра яхшироқ одам эди, битта бурдага кафанланди, бошини ўралса оёқлари очилиб қоларди, оёқларини ўралса боши очилиб қоларди» («Саҳиҳул Бухорий», "Маъал-фатҳ", 3/168, 169 (1247, 1275, 4045-ҳадислар). Хаббобдан ҳам худди шундай ривоят қилинган. Унда

айтилишича: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «У билан бошини ўранглар, оёқларига эса изхир тўшанглар», дедилар».

«Саҳиҳул Бухорий», "Маъал-фатҳ", 3/170 (1276, 3897, 3913, 3914, 4047, 4082, 6432, 6448-ҳадислар).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Парвардигорга ҳамду сано айтиб, дуо қилганлари

Имом Аҳмад ривоят қилади: "Уҳуд куни мушриклар жўнаб кетишганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сафларингизни текисланг, мен Роббим азза ва жаллага ҳамду сано ўқимоқчиман»,** дедилар. Ҳаммалари у зотнинг орқаларида саф тортиб туришгач, қуйидаги дуоларни ўқидилар:

اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ كُلُّهُ اللَّهُمَّ لَا قَابِضَ لِمَا بَسَطْتَ وَلا بَاسِطَ لِمَا قَبَضْتَ وَلا هَادِيَ لِمَا أَضْلَلْتَ وَلا مُضِلَّ لِمَنْ هَدَيْتَ ولا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ وَلَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلا مُقَرِّبَ لِمَا بَاعَدْتَ وَلَا مُبَاعِدَ لِمَا قَرَّبْتَ اللَّهُمَّ ابْسُطْ عَلَيْنَا مِنْ بَرَكَاتِكَ وَرَحْمَتِكَ وَفَضْلِكَ وَرِزْقِكَ

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ النَّعِيمَ الْمُقِيمَ الَّذِي لَا يَحُولُ وَلَا يَزُولُ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ النَّعِيمَ يَوْمَ الْعَيْلَةِ وَالْأَمْنَ يَوْمَ الْخَوْفِ اللَّهُمَّ إِنِّي عَائِذٌ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا أَعْطَيْتَنَا وَشَرِّ مَا مَنَعْتَ اللَّهُمَّ حَبِّبْ إِلَيْنَا الْإِيمَانَ وَزَيِّنْهُ فِي قُلُوبِنَا وَكَرِّهْ إِلَيْنَا الْكُفْرَ وَالْفُسُوقَ وَالْعِصْيَانَ وَاجْعَلْنَا مِنْ الرَّاشِدِينَ اللَّهُمَّ تَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ وَأَحْيِنَا مُسْلِمِينَ وَأَلْحِقْنَا بِالصَّالِحِينَ غَيْرَ خَزَايَا وَلَا مَفْتُونِينَ اللَّهُمَّ قَاتِلْ الْكَفَرَةَ الَّذِينَ يُكَذِّبُونَ رُسُلَكَ وَيَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِكَ وَاجْعَلْ عَلَيْهِمْ رِجْزَكَ وَعَذَابَكَ اللَّهُمَّ قَاتِلْ الْكَفَرَةَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَهَ الْحَقِّ

«Эй Аллоҳим, барча мақтовлар фақат Сенгагина хосдир. Эй Аллоҳим, сен мўл-кўл қилган нарсани камайтира олувчи ва Сен камайтирган нарсани кўпайтира олувчи йўқ. Сен адаштирган кимсани ҳидоят қила олувчи ва Сен ҳидоят қилган кишини адаштира олувчи йўқ. Сен бермаган нарсани берувчи ва Сен ато этган нарсани тўхтатиб қолувчи йўқ. Сен узоқлаштирган нарсани яқинлаштирувчи ва Сен яқинлаштирган нарсани узоқлаштира олувчи йўқ. Эй Аллоҳим, бизларга Ўз баракотинг, раҳматинг, фазлинг ва ризқингни кенг-мўл қилгин.

Эй Аллоҳим, мен Сендан битмас туганмас неъмат сўрайман. Эй

Аллоҳим, мен Сендан оғир кунда ёрдам, хавф-хатарли кунда омонлик-хотиржамлик сўрайман. Эй Аллоҳим, мен Сендан бизга ато этган нарсаларинг ёмонлигидан ҳам, бермаган нарсаларингнинг ёмонлигидан ҳам паноҳ сўрайман. Эй Аллоҳим, бизларга иймонни суюкли қилгин ва уни қалбларимизда зийнатли қилиб қўйгин. Бизларга куфрни, фосиқлик ва осийликни ёмон кўрсатгин. Бизларни тўғри йўлга йўлланганлардан қилгин. Эй Аллоҳим, бизларни мусулмон ҳолимизда, шарманда бўлмаган ва фитналанмаган ҳолимизда вафот эттириб, мусулмон ҳолимизда тирилтиргин ва солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин. Эй Аллоҳим, пайғамбарларингни ёлғончи қиладиган ва Сенинг йўлингдан тўсадиган кофирларни ҳалок қилгин. Уларга Ўз азоб-уқубатингни юборгин. Эй Аллоҳим, аҳли китоблардан бўлган кофирларни Ўзинг ҳалок қилгин, эй барҳақ Илоҳим!».

Имом Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да (699-ҳ); Аҳмад «Муснад»да (3/424) ривоят қилган.

МАДИНАГА ҚАЙТИШЛАРИ

Муҳаббат ва фидокорликнинг ноёб намуналари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳидларни дафн қилишдан ҳамда Аллоҳга ҳамду санолар айтиш ва дуою илтижолар қилишдан фориғ бўлганларидан сўнг Мадинага қараб йўл олдилар. Жанг асносида у зотга нисбатан мўминлар тарафидан қандай муҳаббат ва фидокорлик намуналари зоҳир бўлган бўлса, йўл асносида содиқ мўмина аёллар тарафидан ҳам худди шундай ноёб фидокорлик ва муҳаббат кўринишлари зоҳир бўлди.

Йўлда Ҳамна бинт Жаҳшга дуч келдилар. Унга акаси Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг шаҳид бўлгани хабарини етказишди. У истиржоъ айтиб, акаси ҳаққига истиғфор айтди. Сўнг тоғаси Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг шаҳид бўлганини айтишди. Унга ҳам истиржоъ ва истиғфор айтди. Кейин эри Мусъаб ибн Умайрнинг шаҳид бўлгани хабари айтилди. Шунда у фарёд кўтариб, йиғлаб юборди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёл кишининг қалбида эри алоҳида ўрин тутади»,** деб қўйдилар. «Ибн Ҳишом», 2/98.

Бану Динор қабиласидан бўлган бир аёлнинг ёнидан ўтдилар, унинг эри, акаси ва отаси Уҳудда шаҳид бўлган эди. Уларнинг хабари айтилганда у: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима бўлди?», деб сўради. «Аллоҳга шукур, эй умму фулон, у зот сиз хоҳлагандек соғ-саломатлар», деб жавоб берилди. «Кўрсатинглар, мен у зотни ўз кўзим билан кўрай», деди. У зотга кўзи тушгач: «Сиз саломат экансиз, бас, бошқа ҳар қандай мусибат биз учун енгил», деди. «Ибн Ҳишом», 2/99.

Саъд ибн Муознинг онаси Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонга қараб югуриб кела бошлади. Саъд у зотнинг отлари тизгинидан тутиб келаётган эди, «Ё Росулуллоҳ, онам», деди. **«Хуш**

келибди», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, сўнг у учун тўхтадилар. Етиб келгач, ўғли Амр ибн Муознинг шаҳидлиги муносабати билан таъзия билдирдилар. У: «Сизни саломат кўрдим, бас, мусибатим анча енгиллади», деди. Сўнгра Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда шаҳид бўлганларнинг оилалари ҳаққига дуо қилдилар ва: **«Эй Умму Саъд, хурсанд бўлинг ва шаҳидларнинг оилаларига хушхабар бериб айтингки, уларнинг шаҳидлари ҳаммаси жаннатда йиғилдилар ва ҳаммалари ўз аҳли оилаларига шафоатчи қилиндилар»,** дедилар. Умму Саъд: «Мингдан-минг розимиз ё Росулуллоҳ, мана шундай хушхабардан кейин энди уларга ким ҳам йиғларди?!», деди, сўнг: «Ё Росулуллоҳ, уларнинг орқасида қолганлар ҳаққига дуо қилинг», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Аллоҳим, уларнинг дилларидаги ғам-ғуссани кетказгин, мусибатларига малҳам қўйгин,** (шаҳидларнинг) **орқаларида қолган аҳли-авлодларини Ўзинг чиройли тарбият қилгин»,** деб дуо қилдилар.

”Ас-сийратул-ҳалабия”, 2/47.

РОСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ МАДИНАГА КИРИБ КЕЛАДИЛАР

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу – 3 ҳижрий, шаввол ойининг еттинчиси, шанба куни кечки пайт Мадинага етиб келдилар. Уйларига келгач, қиличларини қизлари Фотимага узатиб: **«Бунинг қонини ювиб ташла эй қизим, Аллоҳга қасамки, у бугун менга содиқ хизмат қилди»,** дедилар. Али ибн Аби Толиб ҳам қиличини узатиб: «Мана бунинг ҳам қонини ювгин, Аллоҳга қасамки, бу ҳам бугун менга садоқат кўрсатди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Агар сиз садоқат билан жанг қилган бўлсангиз, сиз билан бирга Саҳл ибн Ҳунайф ва Абу Дужоналар ҳам садоқат билан жанг қилишди»,** дедилар.

Ҳар икки томондан ўлганлар сони

Кўпчилик ровийлар иттифоқига кўра, мусулмонлардан ўлганлар 70 киши бўлиб, мутлақ кўпчилиги ансорлардан эди. Улардан 65 киши – қирқ биттаси Хазраждан, йигирма тўрттаси Авсдан шаҳид бўлди. Яҳудлардан бир киши ҳалок бўлди. Муҳожирлардан фақат тўрт киши шаҳид бўлди.

Ибн Исҳоқнинг айтишича, мушриклардан 22 киши ўлдирилган. Бироқ, ушбу жангнинг сийрат ва тарих китобларида зикр қилинган тафсилотларини, жангнинг турли босқичларида ўлдирилган мушриклар сонини чуқурроқ тадқиқ ва таҳқиқ қилиб кўрилганда мушриклардан ўлганлар сони йигирма иккита эмас, балки ўттиз еттита экани маълум бўлади, валлоҳу аълам.

«Ибн Ҳишом», 2/122–129; “Фатҳул Борий”, 7/351;
Муҳаммад Аҳмад Башмил, «Уҳуд жанги»: 278–280-с.

Мадинада фавқулодда ҳолат

Мусулмонлар Уҳуд жангидан қайтишган 3 ҳижрий 8 шаввол, якшанба куни тунни фавқулодда ҳолатда ўтказдилар. Чарчаб, ҳолдан тойган бўлишларига қарамай, шу кеча Мадинанинг барча кириш-чиқиш йўлларини, шунингдек, шахсан бош қўмондонлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қўриқлаб чиқдилар. Чунки, уларни ҳар томондан шубҳалар қамраб келаётган эди.

Ҳамроул-асад ғазоти

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу куни тунни юзага келган ҳолат ҳақида фикр юритган ҳолда ўтказдилар. У зотнинг хавотирлари шундан эдики, мушриклар жанг майдонида қозонилган ғалабанинг самараларини кўрмасдан қайтиб кетишаётганидан пушаймон бўлиб, ортларига қайтишга ва Мадинага қайтадан ҳужум қилишга қарор қилиб қолишлари мумкин эди. Шу боис у зот Макка қўшинини таъқиб қилиш амалиётини ўтказишга қарор қилдилар.

Солномачиларнинг ёзишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жангининг эртаси, яъни 3-ҳижрий шаввол ойининг саккизинчиси, якшанба куни тонгида асҳобларини душман билан тўқнашувга чиқишга чорладилар ва: **«Биз билан фақат кеча жангда иштирок этганларгина чиқсин!»,** дедилар. Абдуллоҳ ибн Убай бирга чиқишга изн сўраган эди: **«Йўқ»,** деб жавоб бердилар. Мусулмонлар оғир жароҳатлар олган ва ҳолдан тойган бўлишларига қарамай, ҳаммалари бу чақириққа «лаббай», деб жавоб бердилар ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларига итоат қилишларини билдирдилар. Жобир ибн Абдуллоҳ жангга чиқишга изн сўраб: «Ё Росулуллоҳ, мен ҳам биронта жангдан қолмай, ҳаммасида сизнинг ёнингизда бўлишни истайман. Бироқ, отам мени сингилларимга бош қилиб қолдирган эди. Изн берсангиз, сиз билан бирга чиқсам», деган эди, унга изн бердилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар билан йўлга чиқиб, Мадинадан саккиз мил узоқликдаги Ҳамроул-асад, деган жойгача бордилар ва ўша ерда қароргоҳ тикдилар.

Ўша ерда турганларида Хузоъа қабиласидан бўлган Маъбад ибн Абу Маъбад Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, Исломни қабул қилди. Баъзилар уни мушрик бўлган, бироқ, Хузоъа билан Бану Ҳошим ўртасида бўлган иттифоқчилик туфайли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамдардлик билдиргани келган, дейишган. У: «Эй Муҳаммад, асҳобларингиз хусусида сизга етган мусибатдан биз ҳам қайғурдик, Аллоҳ сизга офият беришини тилаймиз», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан Абу Суфён олдига бориб, уни чўчитиб қўйишини сўрадилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мушрикларнинг Мадинага қайтишга қарор қилишлари ҳақидаги хавотирлари ўринли бўлиб чиқди. Мушриклар Мадинадан ўттиз олти мил узоқликдаги

Равҳоъ, деган жойга бориб тушишгач, бир-бирларини маломат қила бошладилар. Баъзилари баъзиларига: «Ҳеч нарсага эриша олмадингиз, уларнинг шавкатини синдириб қўйиб, шу бўйи ташлаб кетавердингиз. Сизларга қарши қўшин тўплашга қурби келадиган бошлиқлари тирик қолаверди. Келинглар, орқага қайтиб, уларни таг-томири билан қуритиб ташлайлик», дейишди.

Афтидан, бу фикр ҳар икки гуруҳнинг моддий ва маънавий куч-қудратини тўғри баҳолай олмайдиган одамдан чиққан юзаки бир фикр эди. Шунинг учун масъул раҳбарлардан бўлган Сафвон ибн Умайя бунга қарши чиқди ва: «Эй қавм, бундай қилманглар! Мен уларнинг жангда иштирок этмай қолган Хазражни ҳам қўшиб, сизларга қарши жангга чиқишларидан хавотирдаман. Яхшиси, обрўларингиз борида қайтиб кетаверинглар. Агар яна қайта урушга кирсангиз, ғолиб бўлишингизга кўзим етмайди», деди. Бироқ, унинг бу гапи мутлақ кўпчиликнинг фикрини ўзгартира олмади ва Макка қўшини Мадинага юриш қилишга қарор қилди.

Абу Суфённинг қўшини йўлга чиқиши арафасида Маъбад ибн Абу Маъбд Хузоий улар олдига етиб келди. Абу Суфён унинг мусулмон бўлганини билмаган эди. Шу боис ундан: «Ортингда нима хабарлар бор, эй Маъбад?», деб сўради. Маъбад унга қарши кучли асаб жангини (психологик уруш) бошлади: «Муҳаммад асҳоблари билан йўлга чиққан, сизларни таъқиб қилиб келмоқда. Уларнинг сони мен илгари асло кўрмаган даражада кўп. Ҳаммалари қасос алангасида ёнишмоқда. Ўша куни жангда иштирок этмаган кишилар бу ишларидан пушаймон бўлиб, қўшин сафига қўшилишган. Сизларга қарши уларнинг ғазаб-нафратлари шу қадар кучлики, мен унақасини асло кўрган эмасман».

Абу Суфён: «Ҳой, қуриб кетгур, нималар деяпсан ўзи?», деди.

«Худо ҳаққи, то отларнинг ёллари кўзга ташланмагунича ёки қўшиннинг олдинги сафлари мана бу тепалик ортидан чиқиб келмагунича юриш бошлашингни маслаҳат бермайман», деди Маъбад.

Абу Суфён: «Худо ҳаққи, биз уларни таг-томири билан қуритиб ташлаш учун ҳужум уюштиришга қарор қилиб турибмиз-ку», деди.

«Ундай қила кўрма, менинг сенга насиҳатим шу», деди у.

Шу билан Макка қўшинининг қатъияти синди, уларни қўрқув ва хавотир эгаллади, жонларининг омонлигини Маккага қайтишда, деб кўра бошлашди. Бироқ, Абу Суфён ҳам Ислом қўшини таъқиб қилишни тўхтатсин, деган ниятда ва тўқнашувдан четлашишга муваффақ бўлиш умидида уларга қарши асаб жанги олиб боришга қарор қилди. Абдулқайс қабиласининг Мадинага қараб бораётган карвони улар ёнидан ўтиб кетаётган эди. Абу Суфён уларга: «Муҳаммадга мендан бир хабар етказа оласизларми? Агар шундай қилсангиз, эвазига Маккага қайтганингиздан сўнг Укоз бозорида мен сизларга бир туя

кўтаргудек майиз бераман», деди. Улар: «Хўп», дейишди. «Ундай бўлса, Муҳаммадга биз уларни таг-томирлари билан йўқ қилиб ташлаш учун яна қайта ҳужум қилмоқчи эканимизни етказиб қўйинглар», деди.

Карвон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига ҳали Ҳамроул-асадда экан пайтларида етиб борди ва у зотга Абу Суфённинг сўзларини етказди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай хабар беради:

ٱلَّذِينَ قَالَ لَهُمُ ٱلنَّاسُ إِنَّ ٱلنَّاسَ قَدْ جَمَعُوا۟ لَكُمْ فَٱخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَـٰنًا وَقَالُوا۟ حَسْبُنَا ٱللَّهُ وَنِعْمَ ٱلْوَكِيلُ ﴿١٧٣﴾ فَٱنقَلَبُوا۟ بِنِعْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ يَمْسَسْهُمْ سُوٓءٌ وَٱتَّبَعُوا۟ رِضْوَٰنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ ﴿١٧٤﴾

«Ундай зотларга айрим кимсалар: «(Қурайш) **одамлари сизларга қарши** (саноқсиз лашкар) **тўплаган; бас, улардан қўрқингиз!», деганларида** (бу гап) **уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!», дедилар. Бас,** (у юришдан) **бирон нохушлик етмай Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини истадилар. Аллоҳ эса улуғ фазлу марҳамат соҳибидир».** “Оли Имрон” сураси, 173-174-оятлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳамроул-асадга якшанба куни келган бўлсалар, душанба, сешанба, чоршанба кунлари, 3 ҳижрий шаввол ойининг 9, 10, 11 кунлари ўша ерда туриб, сўнг Мадинага қайтиб келдилар. Мадинага қайтишларидан олдин Абу Изза Жумаҳийни Бадрда асирга тушганида камбағаллиги ва қизларининг кўплиги сабабли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга қарши бирон ҳаракатга қўшилмаслиги шарти билан марҳамат кўрсатиб қўйиб юборган, бироқ шартни бузиб ва аҳдга хиёнат қилиб, ўз шеърлари билан арабларни мусулмонларга қарши жангга чорлаган ва ўзи ҳам Уҳудга чиққан шоирни қўлга туширдилар. Шунда у: «Эй Муҳаммад, менга шафқат қилинг, қизларимга раҳмингиз келсин, қайтиб бундай ишга қўл урмасликка сўз бераман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бугундан кейин Маккада керилиб: «Муҳаммадни икки марта лақиллатиб кетдим» деб юрмайсан, мўмин киши бир ковакдан** (яъни, газанданинг инидан) **икки марта чақилишига йўл қўймайди»** (яъни, ўзбек мақолида айтилганидек, кўр ҳассасини бир марта йўқотади), дедилар, сўнг Зубайрга ёки Осим ибн Собитга унинг бошини танидан жудо қилишга буюрдилар.

Шунингдек, Макка жосусларидан бир жосусни, яъни Муовия ибн

Муғийра ибн Абул-Осни – Абдулмалик ибн Марвоннинг она томондан бобосини қатл қилишга ҳукм қилдилар. Сабаби, Уҳуд жангидан сўнг мушриклар қайтиб кетишгач, Муовия амакиваччаси Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуникига келган, Усмон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан унга омонлик тилаганида у зот омонлик берган, бироқ уч кун ичида жўнаб кетмаса ўлдирилиши билан огоҳлантирган эдилар. Мадина Исломий қўшиндан бўшаб қолгач, у бу ерда Қурайш фойдасига жосуслик қилиб, уч кундан ортиқ қолиб кетди ва қўшин қайтиб келганидан сўнг Мадинадан қочиб чиқиб кетди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан Зайд ибн Ҳориса билан Аммор ибн Ёсир уни ортидан қувиб етиб, қатл қилдилар.

Уҳуд ва Ҳамроул-асад ғазотларининг тафсилотини “Ибн Ҳишом”дан (2/60-129); «Зодул-маод»дан (2/91-108); «Фатҳул Борий маъа Саҳиҳил Бухорий»дан (7/345-377); Абдуллоҳ Наждийнинг «Мухтасар сийрат ар-Росул»идан (242-257) олдик. Бошқа манбаларни ҳам ўз ўрнида кўрсатиб ўтдик.

Шубҳасиз, Ҳамроул-асад ғазоти мустақил ғазот эмас, балки Уҳуд ғазотининг бир қисми ва унинг саҳифаларидан бир саҳифадир.

Сиз юқорида Уҳуд жангининг барча босқичлари ва тафсилотлари билан танишиб чиқдингиз. Тадқиқотчилар ушбу жангнинг натижаси мағлубият бўлдими, йўқми, деган савол атрофида кўп баҳслар юритишган. Шубҳа йўқки, жангнинг иккинчи босқичида ҳарбий устунлик мушриклар томонида бўлди ва жанг майдони улар назорати остига ўтди. Мусулмонлар томонидан берилган қурбонларнинг сони ҳам анча кўп бўлди, мўминларнинг бир тоифаси мағлубиятни бўйинларига олиб қўйишди. Урушнинг тегирмон тоши Макка лашкари фойдасига айланди. Бироқ, мана шуларнинг ҳаммасини тўла ғалаба ва зафар, деб аташга монеълик қиладиган бир неча ишлар бор.

Шубҳа йўқки, Макка қўшини мусулмонлар қароргоҳини истило қилишга қодир бўлмади. Мадина қўшинидан мутлақ кўпчилиги оммавий тартибсизлик ва қаттиқ парокандалик юзага келган бўлса-да қочишга уринмадилар, аксинча, бошқарув қароргоҳи атрофида жипслашиб, матонат билан жангни давом эттирдилар, тарозининг палласи Макка қўшини уларни олдига солиб қувиши даражасига тушиб кетмади. Мадина қўшинидан бирон киши кофирлар қўлига асирга тушмади, кофирлар мусулмонлардан ўлжаларни қўлга кирита олишмади. Мусулмонлар ўз қароргоҳларидан чекинмасдан турган бўлишларига қарамай, кофирлар жангнинг учинчи, ҳал қилувчи босқичини бошлашга ботинишмади. Ўша замондаги ғолибларнинг одатича, мушриклар жанггоҳда икки-уч кун турмадилар, балки жанг майдонини мусулмонлардан олдин тарк қилишга ва Маккага қараб жўнаб кетишга шошилдилар. Мусулмонларнинг бола-чақалари ва мол-мулкларини қўлга киритиш мақсадида Мадинага бостириб боришга журъат қилишолмади. Ваҳоланки, Мадинага бир неча одим қолган, у

тўлалигича очиқ ва ҳимоясиз эди.

Мана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Қурайш мусулмонларга жиддий шикаст етказишга муваффақ бўлишдан бошқа нарсага эришолмади, Исломий қўшинни қуршаб олганидан сўнг кўзлаган мақсадлари, яъни уларни тамомила қириб ташлаш режаси барбод бўлди. Аслида, кўп ҳолларда ғолибларга ҳам мусулмонларга етгани каби шикастлар етади. Аммо, Қурайшнинг мана шу муваффақиятини ғалаба ва зафар, деб аташ асло тўғри бўлмайди.

Аксинча, Абу Суфённинг тезроқ қайтиб кетишга шошилишидан жангнинг учинчи саҳифаси очилгудек бўлса, қўшинининг шармандали мағлубиятга дучор бўлишидан қўрққанлиги маълум бўлади. Унинг Ҳамроул-асад ғазотидаги ҳатти-ҳаракатларини кузатсак, бу нарса яна ҳам очиқроқ кўринади.

Демак, Уҳуд ғазоти узил-кесил ажрим бўлмаган жанг бўлди. Яъни, ҳар икки томон маълум даражада муваффақиятга ҳам эришди, зарар ҳам кўрди. Ҳар икки томон ҳам жанг майдонидан қочиб кетмаган ва ўз қароргоҳини душман истилосига топшириб қўймаган ҳолда чиқиб кетди.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти ҳам шу маънога ишора қилади:

وَلَا تَهِنُوا۟ فِى ٱبْتِغَآءِ ٱلْقَوْمِ ۖ إِن تَكُونُوا۟ تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ ۖ وَتَرْجُونَ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٠٤﴾

«Бу кофир қавмни қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналмоқдалар. (Шу билан бирга) **сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарса** (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, ғалаба қозониш)**ни умид қилмоқдасизлар-ку?! Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир».** “Нисо” сураси, 104-оят.

Ушбу оятда ҳар икки тарафни қийинчилик ва зарар тортишда бир-бирига ўхшатилдики, бу ҳар икки томоннинг ҳолати бир-бирига жуда ўхшаш бўлганини ва ҳар икки томон ғолиб бўлмаган ҳолда жанг майдонини тарк этганини англатади.

ҚУРЪОН ЖАНГ МАВЗУСИ АТРОФИДА СЎЗ ЮРИТАДИ

Мазкур жанг босқичларининг барчасини босқичма-босқич ёритиб берувчи Қуръон оятлари нозил бўлди. Уларда шу қадар катта талафотга олиб келган сабаблар баён қилиб берилди, мана шундай муҳим паллаларда иймон аҳлининг баъзи тоифаларида ўзларига топширилган вазифаларга нисбатан, шунингдек, ушбу уммат қўлга киритиши ва уни энг яхши уммат сифатида бошқалардан ажратиб туриши лозим бўлган олижаноб ва улкан мақсадларга нисбатан ҳали-ҳануз мавжуд бўлиб келган кучсиз томонларни кўрсатиб берилди.

Қуръон, шунингдек, мунофиқларнинг ушбу жангдаги ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам сўз юритиб, уларни шармандаи-шармисор қилди, ичларидаги Аллоҳ ва Росулига бўлган яширин адоватларини очиб ташлади, бу мунофиқлар ва уларнинг фитнаю адоват чиқаришни ўзларига касб қилиб олган яҳудий ҳамтовоқлари томонидан қўзғотилиб, айрим иймони заиф мусулмонлар қалбига ўралашиб қолган шубҳа-гумонлар ва васвасаларни йўқотиб ташлади, ушбу жангнинг келиб чиқишига олиб келган мақтовга сазовор ғоялар ва ҳикматларга ҳам ишора қилди.

Ушбу жанг мавзуси атрофида «Оли Имрон» сурасидан олтмиш оят нозил бўлган бўлиб, уларнинг аввали жангнинг энг биринчи босқичини зикр қилувчи:

وَإِذْ غَدَوْتَ مِنْ أَهْلِكَ تُبَوِّئُ ٱلْمُؤْمِنِينَ مَقَـٰعِدَ لِلْقِتَالِ ۗ... ﴿١٢١﴾

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **аҳли оилангиз ҳузуридан чиқиб, мўминларни урушадиган жойларига тахт қилиб қўйган пайтингизни эсланг!...»** (“Оли Имрон” сураси, 121-) ояти билан бошланиб, охирида жангнинг натижалари ва ҳикматларини ўз ичига олувчи таълиқ (шарҳу изоҳ) билан якунланади:

مَّا كَانَ ٱللَّهُ لِيَذَرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ ۗ

وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُطْلِعَكُمْ عَلَى ٱلْغَيْبِ وَلَـٰكِنَّ ٱللَّهَ يَجْتَبِى مِن رُّسُلِهِۦ مَن يَشَآءُ ۖ

فَـَٔامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ ۚ وَإِن تُؤْمِنُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ فَلَكُمْ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٧٩﴾

«Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни, ким мўмину ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) **ташлаб қўювчи эмас. Ҳали у** (Уҳудда мунофиқларни мўминлардан ажратиб қўйгани каби) **нопокни покдан ажратади. Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Аллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур** (ва уни ғойибдан хабардор, огоҳ қилур)**. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! Агар иймон келтириб, Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун улуғ ажр-мукофот бордир».** “Оли Имрон” сураси, 179-оят.

Ушбу ғазот остидаги ҳикмат ва ғоялар

Ибнул Қоййум ушбу мавзуда батафсил сўз юритган.

Қаранг: “Зодул-маод”, 2/99-108.

Ибн Ҳажар айтади: “Уламоларнинг айтишларича, Уҳуд воқеаси ва унда мусулмонларга етган мусибатлар остида кўп улуғ фойдалар ва раббоний ҳикматлар бор. Жумладан:

* Мусулмонларга итоатсизликнинг ёмон оқибатларини ва

тақиқланган ишни қилишнинг зарарларини билдириб қўйиш. Зеро, барча кўргиликлар камончиларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қимирламай туришга буюрган ўринларини ташлаб кетишлари оқибатида содир бўлди;

* Одатда, пайғамбарлар синов ва имтиҳонларга дучор қилиниб, оқибат улар фойдасига бўлади. Бундаги ҳикмат шуки, агар улар доим ғолиб бўлаверсалар, мўминлар сафига улардан бўлмаган кимсалар ҳам кириб қолишар ва ҳақиқий мўминни бошқасидан ажратиб бўлмай қоларди. Аксинча, доим мағлуб бўлаверишса ҳам пайғамбар юборилишдан кўзда тутилган мақсад ҳосил бўлмай қоларди. Шу боис содиқни козибдан ажратиб олиш учун ҳар икки иш ўртасини жамлаш ҳикмат тақозосидан бўлди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мунофиқларнинг нифоқи мусулмонлардан махфий эди, мазкур воқеа содир бўлгач ва мунофиқларнинг нифоқлари тилга ва амалга кўчгач, ҳамма нарса ошкор бўлди, мусулмонлар қўйинларида яшириниб ётган илонларни таниб олдилар ва улар билан ҳушёр бўлиб муомала қиладиган бўлдилар;

* Баъзи ўринларда ғалабанинг кечикишида нафсни енгиш ва унинг кибрини синдириш ҳосил бўлади. Ушбу жангда ҳам имтиҳон келганда мўминлар сабр қилдилар, мунофиқлар эса жазавага тушдилар.

* Аллоҳ таоло мўмин бандаларига Ўзининг каромат ҳовлиси (жаннат)да шундай мартабаларни ҳозирлаб қўйганки, у мартабаларга эришишга амаллари кифоя қилмайди. Шу боис ана шу мартабаларга эришишлари учун уларга меҳнат ва синов сабабларини тайёрлаб қўйди;

* Шаҳидлик авлиёларнинг (яъни, Аллоҳнинг дўстларининг) энг олий мартабаларидан, шу боис уларга шу мартабани ато этди;

* Аллоҳ таоло Ўзининг душманларини ҳалок қилишни истади. Шу боис уларни ҳалокатга элтадиган сабабларга, яъни куфр ҳамда Унинг дўстларига зулму тажовузлар қилишга буриб қўйди. Бу билан мўминларнинг гуноҳларини ўчириб, кофирларни ҳалок қилди.

"Фатҳул Борий", 7/347.

УҲУД ВА АҲЗОБ ҒАЗОТЛАРИ ОРАЛИҒИДАГИ ЖАНГОВОР ҲАРАКАТЛАР

Уҳуд фожиаси мусулмонлар учун анча ёмон асоратлар қолдирди. Уларнинг шавкатлари синиб, диллардан ҳайбатлари кетиб қолди, мўминларга ички ва ташқи тарафдан қийинчиликлар кучайди, Мадинани ҳар тарафдан хавф-хатар ўраб кела бошлади. Яҳудлар, мунофиқлар ва бадавий араблар адоватларини очиқдан-очиқ изҳор қила бошладилар, улардан ҳар бир тоифа мўминларни ҳақоратлашга урина бошлади, ҳатто уларни йўқ қилиш ва илдизларини қуритиб ташлаш ҳаракатига тушиб қолишди.

Ушбу жангдан икки ой ўтмасдан Бану Асад қабиласи Мадинага

ҳужум қилишга ҳозирланиб қолди. Сўнг 4 ҳижрийнинг сафар ойида Адол ва Қора (عضل وقارة) қабилалари ўнта саҳобанинг ўлимига сабаб бўлган бир ҳийла-найранг уюштиришди. Шу ойнинг ўзида Омир ибн Туфайл Омирийнинг гиж-гижлаши билан бир неча қабилалар етмишта саҳобани ўлдиришди, бу фожеа «Биър Мауууна» ҳодисаси, деб аталди. Бу орада Бану Назир давомий равишда ўз адоватини ошкор қилиб келди, ҳатто 4 ҳижрийнинг рабиул-аввалида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд уюштирди. Бану Ғатафоннинг журъати ортиб, 4 ҳижрийнинг жумодул-увло ойида Мадинага ҳужум қилиш тараддудига тушди.

Уҳуд жангида кетган шавкатлари туфайли мусулмонлар анча пайтгача ана шундай хатарлар таҳдиди остида қолишди. Лекин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб борган доно сиёсат ва тадбирлар ушбу оқимларнинг йўлларини тўсиб, мусулмонларга йўқотилган шавкат ва ҳайбатларини яна қайтариб берди, уларни яна янгидан олийлик ва улуғликка эриштирди. У зотнинг бу борада биринчи қўйган қадамлари Қурайш ортидан Ҳамроул-асадгача таъқиб қилиб бориш амалиёти бўлди. Шу билан Ислом лашкарининг обрў-эътибори бир қадар сақланиб қолди. Сал кейинроқ эса мусулмонларга ҳайбатларини қайтариб берган ва ҳатто илгаригидан ҳам зиёда ҳайбатга эга қилган бир неча жанговор юришларни олиб бордилар. Қуйида ана шу юришлар ҳақида айрим маълумотлар бериб ўтамиз.

Абу Салама сарийяси

Уҳуд воқеасидан кейин мусулмонларга қарши биринчи бўлиб Бану Асад ибн Хузайма қабиласи хуруж қилди. Хабарчилар Хувайлиднинг икки ўғли Талҳа ва Салама ўз қавмлари ва уларга тобеъ бошқа уруғлар билан биргаликда Бану Асад ибн Хузайма қабиласини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилишга чорлаётганлари хабарини келтирдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бунинг олдини олиш мақсадида муҳожир ва ансорлардан иборат 150 кишилик сарийяни юбордилар, унга Абу Саламани амир қилиб, байроқ боғлаб бердилар. Абу Салама Бану Асад ибн Хузаймага ҳали улар урушга йўл олмасларидан туриб, ўз диёрларида эканида етиб бориб, ҳамла қилди. Улар тумтарақай бўлиб кетишди. Мусулмонлар уларга қарашли туя ва қўй подаларини ўлжа қилиб ҳайдаб кетишди ва соғ-саломат, жангсиз Мадинага қайтиб келишди.

Ушбу сарийянинг юборилиши 4 ҳижрий муҳаррам ойининг бошида бўлди. Қайтишда Абу Саламанинг Уҳудда олган жароҳати очилиб кетиб, кўп ўтмай у вафот этди. “Зодул-маод”, 2/108.

Абдуллоҳ ибн Унайснинг махсус топшириқ билан юборилиши

Шу 4- ҳижрий, муҳаррамнинг бешинчи куни хабарчилар Холид ибн Суфён Ҳузалининг мусулмонларга қарши қўшин тўплаётгани хабарини келтирдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн

Унайсни уни тинчитиб келишга юбордилар.

Абдуллоҳ ибн Унайс ўн саккиз кун йўқ бўлиб кетди ва муҳаррамнинг йигирма учинчисида, шанба куни Мадинага етиб келди. У Холидни ўлдириб, калласини олиб келган экан. Уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. Шунда у зот унга бир асо бериб: **«Бу асо Қиёмат куни сен билан менинг ўртамиздаги белгидир»,** дедилар. Вафоти яқинлашгач, Абдуллоҳ ибн Унайс ўша асони ўзи билан бирга кафани ичига қўйишларини васият қилган экан.

“Зодул-маод”, 2/109, «Ибн Ҳишом», 2/619, 620.

Ражиъ воқеаси

Шу тўртинчи ҳижрийнинг сафар ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Адол ва Қора қавмидан кишилар келишиб, улар ичига Ислом кириб борганини айтишиб, уларга дин таълимини берадиган ва Қуръон ўргатадиган кишиларни қўшиб беришларини сўрадилар. Ибн Исҳоқнинг сўзларига кўра, олти нафар саҳобани уларга қўшиб юбордилар, имом Бухорий ривоятига кўра, улар ўн киши бўлганлар. Ибн Исҳоққа кўра, уларга Марсад ибн Аби Марсад Ғанавийни амир қилиб тайинладилар, Бухорий ривоятига кўра, Осим ибн Собит (Осим ибн Умар ибн Хаттобнинг бобоси)ни амир қилдилар. Улар ҳалиги қавм билан бирга жўнаб кетишди. Робиғ билан Жидда оралиғида Ҳижоз еридаги Ҳузайл қабиласига тегишли Ражиъ номли сувли ерга (қудуққа) етишганда улар Ҳузайлнинг Бану Лаҳён, деган маҳалласи аҳлини мусулмонларга қарши ёрдамга чорлаб, фарёд кўтаришди. Юзга яқин камончилар улар ортидан қувиб бориб, уларни қуршаб олишди. Мусулмонлар бир тепаликка чиқиб олишганди. «Агар таслим бўлиб, олдимизга тушиб келсангиз, бирортангизни ҳам ўлдирмасликка сўз берамиз», дейишди улар. Осим уларга таслим бўлишдан бош тортиб, шериклари билан бирга жанг қилди ва улардан етти киши камон ўқидан ҳалок бўлишди. Хубайб ибн Адий, Зайд ибн Дасинна ва яна бир киши қолишди. Иккинчи маротаба ўлдирмасликка аҳд берилгач, уччалови улар олдига тушиб бордилар. Бироқ, улар аҳдга хиёнат қилиб, уларни камонларининг ипи билан боғлаб ташлашди. Учинчи киши: «Бу хиёнатнинг бошланиши», деди-да, улар билан боришдан бош тортди. Уни судраб, юришга мажбур қилишди, аммо у оёқ тираб туриб олди. Шундан сўнг уни ўлдиришди. Хубайб билан Зайдни эса Маккага олиб бориб, сотиб юборишди. Бу иккиси Бадрда уларнинг бошлиқларидан баъзиларини ўлдиришган эди. Хубайбни анча вақт қамаб қўйишди, сўнг қатл қилишга қарор қилишиб, Ҳарамдан Танъимга олиб чиқишди. Осиб ўлдирмоқчи бўлиб турганларида Хубайб: «Менга имкон беринглар, икки ракаат намоз ўқиб олай», деди. Улар уни бўшатишди. У икки ракаат намоз ўқиди. Салом бергач: «Аллоҳга қасамки, агар ўлимдан қўрққанидан қилди, дейишларингиз бўлмаса эди, яна ҳам узунроқ ўқиган бўлардим», деди. Сўнг: «Эй Аллоҳим, буларни бирма-бир ҳисобини олгин ва тирқиратиб

ҳалок қилгин, улардан бирортасини ҳам қолдирмагин», деб дуо қилди, кейин қуйидаги шеърни ўқиди:

لقد أجمع الأحزاب حولي و ألَّبُوا قبائلهم و استجمعوا كل مَجمعٍ

و قد قرَّبوا أبنائهم و نسائهم و قُرِّبتُ من جذع طويل مُمَنَّعٍ

إلى الله أشكو غُربتي بعد كُربتي و ما جمع الأحزاب لي عند مضجعي

و قد خيَّروني الكفرَ و الموتُ دونه و قد ذفرت عيناي من غير مَدْمَع

فذا العرش صبَّرني على ما يراد بي فقد بضَعوا لحمي و قد بئُوس مطمعي

و لست أبالي حين أقتل مسلما على أيِّ شقٍّ كان في الله مضجعي

و ذالك في ذات الإله و إن يشأ يبارك علي أوصال شلوٍ ممزعِ

Атрофимда ғанимлар йиғилишиб яйрашди,
Қавму қабилаларни менга қарши қайрашди.
Мени баланд бир дарахт танасига боғлашди,
Хотин, бола-чақани яқинимга чорлашди.
Аллоҳга арз этаман ғурбату аламлардан,
Ўлим олдидан кўрган озору ситамлардан.
Арш соҳибининг Ўзи сабрли қилди жоним,
Шундан этим тилка-ю, бус-бутундир иймоним.
Менга: «Танла, ё куфр, ёки ўлим» дейилди,
Кўзларимдан ўша дам севинч ёши қуйилди.
Муслим ҳолда ўлсам бас, шунинг ўзи кифоя,
Фарқсиз умрим қай йўсин топишлиги ниҳоя.
Зеро, менинг ўлимим Аллоҳ йўлида бўлар,
Гар истаса жасадим Ўзи муборак қилар.

Қатли олдидан Абу Суфён унга: «Сенинг ўрнингда Муҳаммаднинг бошини танасидан жудо қилишимизни, сен эса ўз уйингда бўлишингни

истармидинг?», деган эди: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, мен ўз уйимда бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзлари турган жойларида битта тикан кириб озор етказишини ҳам истамайман», деди. Шундан сўнг уни осиб ўлдирдилар ва жасадини қўриқлаб тургани одам қўйдилар. Амр ибн Умайя Зомрий тунда яширинча келиб, уни олиб кетиб, дафн қилди. Хубайбни ўлдиришга Уқба ибн Ҳорис бош-қош бўлди. Чунки, Хубайб Бадрда унинг отаси Ҳорисни ўлдирган эди.

«Саҳиҳ»да келганидек, Хубайб қатл олдидан икки ракаат намоз ўқишни биринчи бўлиб суннат қилган экан ва унинг асир бўлиб, қўллари боғлиқ турган ҳолида бир бош узум еб турганини кўришган, ваҳоланки ўшанда Маккада меванинг ўзи бўлмаган экан.

Зайд ибн Дасиннани эса Сафвон ибн Умайя сотиб олиб, отасининг қасосига ўлдирди.

Қурайш Осим ибн Собитнинг жасадидан ўзлари таниб олгудек бирон қисмини олиб келишга вакиллар юборди, чунки Осим Бадрда уларнинг улуғларидан бирини ўлдирган эди. Шунда Аллоҳ таоло булутга ўхшаш арилар тўдасини унинг устига юбориб, жасадини Қурайш элчиларидан ҳимоя қилди. Улар унга яқинлашишга ҳам қодир бўлишмади. Осим бирон мушрикнинг қўли унга тегмаслигига ва ўзи ҳам бирон мушрикка қўл теккизмасликка Аллоҳга аҳду паймон берганди. Бунинг хабари Умар розияллоҳу анҳуга етганда у: «Аллоҳ таоло мўмин бандани ҳаётида асрагани каби вафотидан кейин ҳам асрайди», деган эди.

«Ибн Ҳишом», 2/169-179; “Зодул-маод”, 2/109;
«Саҳиҳул Бухорий», 2/568, 569, 585.

Биър Маъуна ҳодисаси

Ражиъ фожеаси юз берган ўша ойнинг ўзида ундан ҳам ёмонроқ ва даҳшатлироқ яна бир фожеа содир бўлди. Тарихда уни «Биър Маъуна ҳодисаси», деб билинади.

Воқеа шундай содир бўлди: «Мулоъибул-асинна» лақабли Абу Бароъ Омир ибн Молик Мадинага, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди. Уни Исломга даъват қилган эдилар, қабул қилмади, бироқ инкор ҳам қилмади. «Ё Росулуллоҳ, агар Нажд аҳлини Исломга даъват қилиш учун асҳобларингизни юборсангиз, улар ижобат қилишади, деб умид қиламан», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен уларга Нажд аҳли бирон зиён-заҳмат етказишидан хавфдаман»,** деган эдилар, у: «Мен уларни ўз ҳимоямга оламан», деди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ибн Исҳоқ ривоятига кўра, қирқ кишини, «Саҳиҳ»га кўра, етмиш кишини унга қўшиб юбордилар, («Саҳиҳ»даги гап тўғрироқ) уларга «Алмуъниқ лиямувта» лақабли (ўлим учун бўйин боғлаган, маъносини англатиб, шаҳидликка ошиққани учун ана шундай лақаб билан лақабланган) Бану Соида қабиласидан бўлган Мунзир ибн Амрни амир қилиб тайинладилар. Улар мусулмонларнинг энг яхши, энг фозил, энг обрўй ва энг қори кишилари эдилар. Кундузлари ўтин териб, шунинг эвазига

аҳли суффалар учун егулик сотиб олиб, кечалари Қуръонни дарс қилиб, намозлар ўқиб, шу зайлда йўл юриб, Бану Омир билан Бану Сулайм ерлари ўртасидаги Биър Маъуна, деб аталган бир жойга келиб тушдилар. Шундан сўнг Умму Сулаймнинг акаси Ҳаром ибн Милҳонни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактублари билан Аллоҳнинг душмани Омир ибн Туфайл ҳузурига юбордилар. Омир мактубга қараб ҳам қўймади. Бир кишига буюрган эди, орқасидан туриб унга найза урди. Найза санчилишидан чиққан қонни кўрган Ҳаром: «Аллоҳу акбар, Каъбанинг Парвардигорига қасамки, мен (нажотга ёки жаннатга) эришдим», деб хитоб қилди.

Шундан сўнг бу Аллоҳнинг душмани Бану Омир қабиласини мусулмонларга қарши жангга чақирди. Бироқ, улар Абу Бароънинг ҳимоясини риоя қилиб, унинг чақириғини қабул қилишмади. Сўнг Бану Сулаймни жангга чорлаган эди, Усайя, Риъл ва Заквон уруғлари унинг чақириғини қабул қилиб, чиқиб келишди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларига яқинлашиб, уларни ўраб олишди. Ўртада жанг бўлиб, унда барча саҳобалар ўлдирилдилар, фақат Каъб ибн Зайд ибн Нажжор исмли саҳобагина тирик қолди, уни ўликлар ичидан ярадор ҳолда топилди. Шундан сўнг у то Хандақ жангигача яшаб, ўша куни ҳалок бўлди.

Амр ибн Умайя Зомрий ва Мунзир ибн Уқба ибн Омир мусулмонларнинг подаларини боқиб юришган эди, воқеа жойида қушларнинг чарх уриб айланаётганини кўриб қолишди. Мунзир тушиб бориб, жангга қўшилиб кетди ва асҳоблар билан бирга ўлдирилди. Амр ибн Умайя Зомрий эса асирга тушди. У ўзининг Музор қабиласидан эканини айтганидан сўнг Омир унинг пешона сочини кесиб, онасининг бўйнида бўлган бир қул озод қилиш қарзи эвазига уни озод қилди.

Амр ибн Умайя Зомрий Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга улкан мусибат – етмишта энг фозил мусулмоннинг ҳалокати хабарини келтирди. Бу улкан йўқотиш бутун бошли Уҳуд жангидаги йўқотишга тенг келар, бироқ унда мусулмонлар ошкора тўқнашувда ҳалок бўлган бўлсалар, бунисида ғаддор хиёнат қурбонига айлангандилар.

Амр ибн Умайя йўлда келаётганида Қарқара деган жойда бир дарахт соясида тўхтади. Бану Килоб қабиласидан бўлган икки киши ҳам унинг ёнига келиб тушишди. Улар уйқуга кетишган пайт Амр иккаласини ҳам ўлдирди ва шу билан биродарларининг ўчини олган бўлди. Бироқ, ушбу қабиланинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тинчлик аҳдномалари бор бўлиб, Амрнинг бундан хабари йўқ эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, бўлган воқеани айтиб берган эди: **«Сен ўлдирган иккала киши учун дия** (хун пули) **тўлашим лозим бўпти»,** дедилар, сўнг мусулмонлардан ва уларнинг яҳудий иттифоқчиларидан ҳалиги иккаласи учун дия жамлашга киришдилар. («Ибн Ҳишом», 2/183–188; “Зодул-маод”, 2/109–110; «Саҳиҳул Бухорий», 2/584–586). Мана шу воқеа

Бану Назир ғазотига сабаб бўлди, бу ҳақда қуйироқда зикр қилинади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун оралиғида бўлиб ўтган (Ибн Саъднинг айтишига кўра, ҳар икки фожеанинг хабари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир кечада етиб келган эди (2/53)) мазкур икки фожеа туфайли қаттиқ қайғу-аламга тушдилар, алам ва изтироблари ҳаддан зиёд кучайди (Ибн Саъд ривоятида (2/54) Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч кимга «Биър Маъуна» фожеаси аҳлига чекканларича изтироб чекканларини кўрмаганман»), асҳобларини хиёнаткорона ўлдирган қавму қабилаларга дуоибад ўқидилар. «Саҳиҳ Бухорий»да Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Биър Маъунада асҳобларини ўлдирган кишиларни ўттиз кун дуоибад қилдилар. Бомдод намозида Риъл, Заквон, Лаҳён, Усайя қабилаларини дуоибад қилар, **«Усайя Аллоҳ ва Росулига осий бўлди»,** дердилар. Сўнг Аллоҳ таоло пайғамбарига:

(بَلِّغُوا عَنَّا قَوْمَنَا أَنَّا لَقِينَا رَبَّنَا فَرَضِيَ عَنَّا وَ رَضِينَا عَنْهُ)

«Қавмимизга биздан етказингки, биз Роббимизга йўлиқдик, У биздан рози бўлди, биз ҳам Ундан рози бўлдик» деган оят нозил қилди ва биз уни ўқиб юрдик, кейинчалик у мансух бўлди. Шундан сўнггина Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуои қунут ўқишни тўхтатдилар.

Бану Назир ғазоти

Айтиб ўтганимиздек, яҳудлар Ислом ва мусулмонларга нисбатан адоват оловида жизғанак бўлишар, бироқ улар уруш ва жангу жадал кишилари эмас, балки макр-ҳийла ва фириб-найрангга устаси фаранг эдилар. Кину адоватларини ошкор қилишар, мусулмонларга озорлар етказишнинг минг бир ҳийлаларини исташар, бироқ, ўртада урушмаслик ҳақида аҳднома борлиги учун очиқ уруш ҳаракатларидан сақланишарди. Қолаверса, улар Бану Қайнуқоъ ва Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши воқеаларидан кейин юрак ҳовучлаб қолишган, сукут қилишга ва овоз чиқармасликка мажбур бўлиб қолишганди.

Бироқ, Уҳуд воқеасидан кейин уларда ҳам журъат пайдо бўлиб, ошкора адоват ва хиёнат йўлига ўтишди, мунофиқлар ва Макка мушриклари билан яширинча боғланиб, мусулмонларга қарши улар фойдасига ишлай бошлашди. Абу Довуд, “Хабарун назир” боби, 3/116-117.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тишларини тишларига қўйиб сабр қилиб келдилар, аммо Биър Маъуна ва Ражиъ ҳодисаларидан кейин уларнинг юзсизлик ва журъатлари чидаб бўлмас даражага етди, ҳатто Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан суиқасд уюштиришгача боришди.

Бунинг тафсилоти шундай бўлганди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча асҳоблари билан улар ҳузурига Амр ибн

Умайя Зомрий ўлдириб қўйган ҳалиги икки нафар Бану килобликнинг хун пулини тўлашга ёрдам беришларини сўраб бордилар. Чунки, ўртадаги аҳднома бандларига кўра бу уларнинг ҳам бўйнига тушарди. Улар: «Ҳа, албатта йиғиб берамиз эй Абул Қосим, унгача сиз мана бу ерда ўтириб туринг», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кутиш учун уларнинг уйларидан бирининг девори остига келиб ўтирдилар. Абу Бакр, Умар, Али ва бошқа бир қанча саҳобалар ҳам у кишининг ёнларида ўтирдилар.

Яҳудлар ёлғиз қолишгач, шайтоннинг сўзига кириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдиришга тил бириктиришди. Бирлари: «Ким мана бу тегирмон тошини олиб, томдан унинг устига ташлаб, бошини янчиб ташлай олади?», деган эди, Амр ибн Жаҳҳош исмли бир бадбахтлари: «Мен қиламан», деди. Шунда Саллом ибн Мишкам: «Қўйинглар, бундай қилманглар! Аллоҳ уни бу макрларингиздан албатта хабардор қилади. Бундай қилиш ўртамизда бўлган аҳдномани бузиш демакдир», деб уларни у ишдан қайтаришга уринди. Бироқ, улар шум режаларини амалга оширишга қарор қилишди.

Шунда оламлар Парвардигори ҳузуридан Жибрил алайҳис-салом тушиб келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уларнинг шум ният ва режаларидан бохабар қилдилар. У зот дарҳол ўринларидан туриб, Мадинага қараб йўл олдилар. Саҳобалари орқаларидан эргашиб: «Шошилиб туриб кетдингиз, тинчликми?», деб сўрашганда уларга яҳудларнинг суиқасдлари ҳақида айтиб бердилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тезлик билан Муҳаммад ибн Масламани Бану Назир ҳузурига чопар қилиб йўлладилар ва уларга: **«Мадинадан чиқиб кетинглар, биз билан бирга турманглар! Сизларга ўн кун муҳлат бераман. Агар шундан кейин бу ерда сизлардан бирон кишини учратсам, бошини кесаман»,** дедилар. Яҳудларнинг чиқиб кетишдан бошқа иложлари қолмади. Кўчиб кетишга ҳозиргарлик кўра бошлашди. Бироқ, шу орада мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай уларга: «Маҳкам туринглар, жойларингдан ҳеч қаёққа кетмасдан қаттиқ ҳимояланинглар, мен икки минг одам билан ёнларингизда тураман, сизлар билан бирга жон олиб, жон бераман, сизларга Бану Қурайза билан иттифоқчиларингиз Ғатафон ҳам ёрдам беради», деб элчи юборди, Аллоҳ таоло хабар берганидек:

(Абдуллоҳ ибн Убай деди:)

لَئِنْ أُخْرِجْتُمْ لَنَخْرُجَنَّ مَعَكُمْ وَلَا نُطِيعُ فِيكُمْ أَحَدًا أَبَدًا وَإِن قُوتِلْتُمْ لَنَنصُرَنَّكُمْ... ﴿١١﴾

«...Қасамки, агар сизлар (Мадинадан) **қувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар**(га қарши урушиш) **тўғрисида ҳеч қачон бирон кимсага итоат**

этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта бизлар сизларга ёрдам берурмиз...», “Ҳашр” сураси, 11-оятдан.

Шу билан яҳудларда ўзларига ишонч пайдо бўлиб, жанг қилиш қарорига келдилар ва раислари Ҳуяй ибн Ахтоб мунофиқлар бошлиғининг ваъдаларидан умидвор бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз диёримиздан чиқмоқчи эмасмиз, қўлингдан келганини қил», деб одам юборди.

Шубҳасиз, мусулмонларга нисбатан жуда ноқулай бир ҳолат юзага келганди. Чунки, бўлиб ўтган ҳодисалардан сўнг мана шундай оғир вазиятда турган пайтларида яна рақиблар билан тўқнашувга киришнинг оқибати хайрли бўлмаслиги мумкин эди. Улар арабларнинг ўзларига қарши тиш қайрашаётганини, уларнинг вакил ва элчиларига нисбатан мудҳиш хиёнатларга қўл уришаётганини кўриб туришарди. Боз устига, Бану Назир яҳудларининг куч-қуввати уларнинг таслим бўлиши эҳтимолини узоқлатар ва улар билан бўлажак тўқнашувнинг оғир кечишидан дарак берар эди. Бироқ, Биър Маъуна ва ундан олдинги фожиалардан сўнг жиддийлашиб кетган ҳолат мусулмонларнинг шахс ва жамоатларига қилинаётган хиёнат ва ғаддорлик жиноятларига нисбатан ҳассосликларини анча оширган, бундай жиноятчиларга бўлган нафратларини ҳаддан зиёд оширган эди. Шу боис улар Бану Назирнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд уюштириш ҳаракатидан сўнг, натижа қандай бўлишидан қатъи назар, уларга қарши жанг қилишга қатъий қарор қилдилар.

Ҳуяй ибн Ахтобнинг жавоби етиб келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳу акбар!», деб такбир айтдилар, мусулмонлар ҳам такбир айтдилар. Шундан сўнг қавмга қарши жанг қилишга отландилар. Мадинага Ибн Умми Мактумни халифа қилиб қолдириб, Бану Назир сари юриш бошладилар. Байроқни Али ибн Аби Толибга бердилар. Етиб боргач, уларни қамал қилдилар.

Бану Назир ўз қалъалари дарвозаларни танбалаб, томлари устидан мусулмонлар устига ўқ ва тошлар ёғдира бошладилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни хурмозор ва боғларидан келадиган ёрдамдан маҳрум қилиш мақсадида уларни кесиб ва ёқиб юборишга буюрдилар. Ҳассоннинг шеърида келгани каби:

Бану Луай улуғларига ҳечдир
Бувайрани қоплаб олган аланга.

(Бувайра – Бану Назир хурмозори номи эди). Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят ҳам нозил қилдики:

مَا قَطَعْتُم مِّن لِّينَةٍ أَوْ تَرَكْتُمُوهَا قَآئِمَةً عَلَىٰٓ أُصُولِهَا فَبِإِذْنِ ٱللَّهِ وَلِيُخْزِيَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٥﴾

«(Эй мўминлар), **сизлар** (Бану Назир хурмозорларидан) **бирон**

хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз танасида турган ҳолида қолдирдингларми, бас (сизлар қилган ҳар бир иш) **Аллоҳнинг изни-иродаси билан ва у фосиқ-итоатсиз кимсаларни расво қилиш учун** (бўлди)**».**

“Ҳашр” сураси, 5-оят.

Қурайза уларни ёлғизлатиб қўйди, Абдуллоҳ ибн Убай ҳам, иттифоқчилари Ғатафон ҳам хиёнат қилди, ҳеч бирлари уларга на бир ёрдам кўрсатишга ва на бир ғамларини аритишга қўл уришмади. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларнинг ҳолини шайтоннинг ҳикоясига ташбеҳ қилди:

كَمَثَلِ ٱلشَّيۡطَٰنِ إِذۡ قَالَ لِلۡإِنسَٰنِ ٱكۡفُرۡ فَلَمَّا كَفَرَ قَالَ إِنِّي بَرِيٓءٞ مِّنكَ إِنِّيٓ أَخَافُ ٱللَّهَ رَبَّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٦﴾

«(Яҳудийларни мўминларга қаршилик қилишга гиж-гижлаётган мунофиқлар) **худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга «Кофир бўл», деган эди. Энди қачонки** (инсон) **кофир бўлгач,** (шайтон унга) **«Албатта мен сендан безорман. Зеро, мен барча оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқурман», деди».**

“Ҳашр” сураси, 16-оят.

Қамал узоққа чўзилмади, бор-йўғи олти кун давом этди (баъзилар ўн беш кунга чўзилган ҳам дейишган) шундан сўнг Аллоҳ таоло уларнинг дилларига қўрқув солди, натижада улар қуролларини ташлаб, таслим бўлишга тайёрлана бошладилар ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам чиқариб, Мадинани тарк қилмоқчи эканликларини билдиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга бола-чақаларини олиб, қуролларидан ташқари туялари кўтаргудек юклари билан Мадинадан чиқиб кетишга изн бердилар.

Улар бу шартга рози бўлишди ва кўчириб кетиш мақсадида уйларининг эшик-деразаларигача буза бошладилар. Айримлари ҳатто қозиқлару тўсинларгача юкладилар. Сўнгра хотин, бола-чақаларини олиб, олти юз туя юк билан Мадинани ташлаб чиқиб кетдилар. Кўпчилиги ва Ҳуяй ибн Ахтоб, Саллом ибн Абу Ҳуқайқ каби раислари Ҳайбарга кўчиб кетишди. Бир тоифаси Шомга кетди. Улардан фақат икки киши – Ёмин ибн Амр билан Абу Саъд ибн Ваҳб Исломни қабул қилиб, мол-мулкларини сақлаб қолишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Назирнинг қурол-аслаҳаларини олдилар, ерларига, уй-жой ва мол-мулкларига эга бўлдилар. Улардан олинган қуроллар 50 та совут, 50 та дубулға ва 340 та қиличні ташкил қилди.

Бану Назирнинг мол-мулки, ерлари ва ҳовли-жойлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига тегишли бўлиб, уларни ўзлари истаган ўринга ишлатишга ҳақли бўлдилар, уларни бешга тақсимламадилар. Чунки, уларни Аллоҳ таолонинг Ўзи ғанимат қилиб

берди, мусулмонлар от-уловларини ўйнатиб, жанг қилиб қўлга киритмадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни хоссатан муҳожирларга тақсимлаб бердилар, ансорлардан фақат икки кишига – Абу Дужона ва Саҳл ибн Ҳунайфга камбағал бўлганлари учун бердилар. Ундан ўз аҳли-оилаларига ҳам йиллик нафақа сифатида бериб турар, қолганини эса Аллоҳ йўлида қурол-аслаҳа ва от-улов сотиб олишга сарфлар эдилар.

Бану Назир ғазоти тўртинчи ҳижрийнинг рабиул-аввали – 625 йил августда бўлиб ўтди. Аллоҳ таоло бу ғазот ҳақида тўла бир «Ҳашр» сурасини нозил қилди. Унда яҳудларнинг сургун қилинишини сифатлаб, мунофиқларнинг шармандали маслакларини очиб берди, ўлжа ҳақидаги ҳукмларни баён қилди, муҳожир ва ансорларни мақтади, ҳарбий манфаатлар учун душман еридаги дарахтзорларни кесиш ва ёқиб юбориш жоизлигини, бу нарса ерда бузғунчилик қилишга кирмаслигини баён қилди, мўминларни тақвони лозим тутишга ва охиратга ҳозирланишга буюрди, сура хотимасини Ўзига ҳамду сано айтиш ва Ўзининг исм ва сифатларини баён қилиш билан якунлади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо «Ҳашр» сураси ҳақида гап кетса: “Назир сураси”, дегин», деб қўярдилар.

«Ибн Ҳишом», 2/190-192; “Зодул-маод”, 2/71, 110; «Саҳиҳул Бухорий», 2/574, 575.

Ибн Исҳоқ ва бошқа кўпчилик тарих ва сийрат аҳлларининг ушбу ғазот ҳақида ривоят қилган сўзларининг хулосаси шудир.

Абу Довуд, Абдурраззоқ ва бошқалар бу ғазотнинг келиб чиқиши ҳақида бошқа бир сабабни ривоят қилганлар. Яъни, Бадрда мағлубиятга учраган Қурайш кофирлари ушбу жангдан сўнг яҳудларга мактуб йўллаб: «Сизлар қилич-қалқон ва қалъалар эгасисиз. Сизлар бизнинг қабиладошимиз (яъни пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан урушсангиз урушдингиз, акс ҳолда биз фалон-фалон ишларни қиламиз, аёлларингизнинг оёқларидаги тақинчоқлари билан бизнинг ўртамизга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмай қолади», деб пўписа қилишди. Ушбу мактуб келганидан сўнг яҳудлар хиёнатга иттифоқ қилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб: «Ўттизта асҳобингиз билан бизнинг ҳузуримизга келинг, биз ҳам ўттиз нафар ҳабр (олим, руҳоний)ни олиб чиқайлик, ўрталиғимиздаги фалон жойда учрашайлик. Улар сизнинг сўзларингизни эшитиб кўришсин. Агар тасдиқлашса ва иймон келтиришса, биз ҳам ҳаммамиз сизга иймон келтирайлик», дейишди. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттизта саҳобалари билан чиқиб бордилар, яҳудлардан ҳам ўттизта ҳабр чиқди. Бир ялангликка чиқиб боришгач, яҳудлар бир-бирига: «Қандай қилиб уни ўлдиришга имкон топасиз, ваҳоланки ўттизта асҳобининг ичида бўлса, ҳаммаси унинг учун жон беришга тайёр бўлсалар?!», дейишди. Сўнг у зотга одам юбориб: «Олтмиш

киши қандай қилиб бир-биримизни тушуна оламиз, яхшиси сиз учта асҳобингиз билан келинг, биздан ҳам учта олим чиқсин, ўшалар сизнинг сўзингизни тасдиқлашса, биз ҳам иймон келтириб, тасдиқлайлик», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хўп деб, учта саҳоба билан чиқиб бордилар. Яҳудлар ҳам ҳанжарларини кийимлари ичига яшириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш мақсадида чиқиб боришди. Шу орада Бану Назирдан бўлган бир софдил аёл ўзининг ансорлар ичидаги бир қариндошига хабар йўллаб, Бану Назирнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уюштирмоқчи бўлаётган суиқасдидан хабардор қилди. Ҳалиги ансорий зудлик билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига етиб келиб, эшитган хабарини у зотнинг қулоқларига шипшиди. Яҳудлар ҳали Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига етиб келмаган эдилар. У зот тезда Мадинага қайтиб кетдилар ва эртасигаёқ улар устига юриш қилиб, қамалга олдилар. Уларга: **«Сизлар менинг олдимда фақат аҳд берибгина омон қолишингиз мумкин»,** дедилар. Улар аҳд беришдан бош тортишди. Ўша куни улар билан уруш олиб бордилар. Эртасига уларни қўйиб, Бану Қурайзага лашкар тортиб бордилар ва уларни аҳднома беришга чақирдилар. Улар аҳднома беришди. Шундан сўнг қайтиб, яна Бану Назирга лашкар тортиб келдилар. Улар билан уруш олиб бордилар. Охири улар туя кўтаргудек юкларини олиб, қуролларини ташлаб, сургун қилинишга рози бўлишди. Шундан сўнг Бану Назир матоларини, уйларининг эшик-деразаларини туяларга ортишди, уйларини бузиб, қўлга киргудек ёғочларигача олиб кетишди.

“Мусаннаф Абдурраззоқ”, 5/358-360 (9733-ҳ); “Сунан Аби Довуд”, “Китобул-хирож вал-файъи вал-имора, боб фий хабарин-назир”, 2/154.

Нажд ғазоти

Мусулмонлар Бану Назир ғазотида жангсиз ва қурбонлар беришсиз эришган ғалабалари туфайли Мадинадаги нуфузларини мустаҳкамлаб олишди ва мунофиқлар уларга очиқ-ошкор фириб-найранглар қилишга ботинолмай қолишди. Шу билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга Уҳуддан сўнг зиён-заҳматлар етказиб келаётган, уларнинг даъват учун бораётган вакилларини пасткашлик ва хиёнаткорона ҳужум билан ўлдиришга ва ҳатто Мадинага бостириб келишга тайёргарлик кўра бошлашга журъат қилган бадавий араб қабилалари билан ҳисоб-китоб қилиш учун бемалолроқ вақт топиш имконига эга бўлдилар.

Бироқ, ҳали у хиёнаткорларнинг таъзирини бериб қўйиш учун ҳаракат бошламасларидан туриб, хабарчилар Ғатафоннинг Бану Муҳориб ва Бану Саълаба қабилаларидан ташкил топган саҳройи араблар тўдалари бир жойга йиғилишаётгани хабарини келтиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар ҳам бошқа ҳаммаслаклари каби мусулмонларга қарши разолатларга қўл

уришмасин, деб, бу тошбағир, тўпори бадавийларнинг дилларига қўрқув уруғини ташлаб қўйиш мақсадида Нажд даштлари оша улар устига тезлик билан юриш бошладилар.

Қароқчилик ва босқинчиликни ўзларига касб қилиб олган бу бадавийлар мусулмонларнинг келаётгани хабарини эшитиб, қўрқиб, тоғларнинг тепаларига чиқиб кетишди. Шундай қилиб, мусулмонлар бу босқинчи қабилаларнинг попукларини пасайтириб, дилларига қўрқув солиб қўйдилар. Сўнгра соғ-омон Мадинага қайтиб келдилар.

Ғазотшунос ва сийратшунос олимлар шу ўринда мусулмонлар тўртинчи ҳижрийнинг рабиус-соний ёки жумодул-уло ойида Нажд ўлкасида олиб борган бир ғазот ҳақида ёзишади ва бу ғазотни «Зотур-риқоъ» жанги, деб аташади. Шу айтилган пайт оралиғида бир жанг бўлиб ўтгани ҳақиқат. Чунки, Мадинадаги вазият шуни тақозо қилаётган эди. Яъни, Уҳуддан қайтиш олдидан Абу Суфён билан ваъдалашилган муҳлат – Бадр ғазоти вақти яқинлашиб келар, бадавийларнинг димоғи кўтарилиб турган бир пайтда Мадинани бўш қолдириб, Қурайш билан бўлажак мана шундай жиддий жангга чиқиб кетиш ҳарбий-сиёсий жиҳатдан мусулмонлар манфаатига хизмат қилмас эди. Шу боис аввал бадавийларнинг шавкатини синдириб қўйиш ва ёмонликларидан хотиржам бўлиб олиш зарур эди.

Аммо ўша пайтда, яъни тўртинчи ҳижрийнинг рабиул-охир ё жумодул-уло ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб борган бу жанг Зотур-риқоъ ғазоти экани ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, Абу Ҳурайра ва Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳумо Зотур-риқоъ ғазотида иштирок этганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Ҳайбар ғазотидан бир неча кун илгари мусулмон бўлган, Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳайбарда учрашган. Демак, бундан Зотур-риқоъ ғазоти Ҳайбар ғазотидан кейин бўлгани келиб чиқади. Зотур-риқоъ ғазотининг тўртинчи йилдан кейин бўлганига яна бир далил шуки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ғазотда хавф намозини ўқиганлар. Хавф намози биринчи бўлиб Усфон ғазотида ўқилган. Хилоф йўққи, Усфон ғазоти Хандақ ғазотидан кейин бўлган. Хандақ ғазоти эса бешинчи йилнинг охирларида бўлган эди.

Иккинчи Бадр ғазоти

Мусулмонлар саҳройи арабларнинг шавкатини синдириб, ёмонликдан тийиб қўйганларидан сўнг энг катта душманлари билан тўқнашувга ҳозирлана бошладилар. Чунки, йил ўтиб, Уҳуд ғазоти сўнгида Қурайш билан ваъдалашилган пайт яқинлашиб қолганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Суфён ва унинг қавми билан юзма-юз келиш учун асҳобларини ушбу жангга олиб чиқишлари, иш узил-кесил ҳал бўлиб, мутлақ ғалаба унга лойиқ бўлган кишиларга ёр бўлиши учун уруш тегирмонини яна бир бор ишга туширишлари керак эди.

Тўртинчи ҳижрийнинг шаъбони, 626 йил январ ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир минг беш юз жангчи билан ваъдалашилган жойга чиқиб бордилар. Қўшинда ўнта от бор эди, жанг байроғи Али ибн Аби Толибнинг қўлида эди. Мадинага Абдуллоҳ ибн Равоҳани халифа қилиб қолдирдилар ва Бадрга етиб бориб, мушрикларнинг келишини кута бошладилар.

Абу Суфён ҳам икки минг аскари билан йўлга чиқди, унинг қўшинида элликта от бор эди. Қўшин Маккадан бир марҳала узоқликдаги Марруз-Заҳронга етиб келгач, ўша ердаги Мажанна номли бир сув ёнига тушди.

Абу Суфённинг Маккадан чиқишиданоқ шашти анча паст бўлган, мусулмонлар билан кечажак жанг оқибатларини ўйлаб, юрагига қўрқув оралаган, ҳисларини ҳадиксираш эгаллаб олган эди. Марруз-Заҳронга тушгач эса азму қарори бутунлай синиб, ортга қайтишга йўл қидира бошлади. Сўнг шерикларига хитоб қилиб: «Эй Қурайш жамоаси, сизларга серҳосил ва серобчилик йили бўлмаса тўғри келмайди, уловларни ўтлатишингиз, ўзингиз ҳам сут ичишингиз зарур. Бу йил эса кўриб турганингиздек, қурғоқчилик йили бўлди. Мен ортга қайтмоқчиман, сизлар ҳам қайтинглар», деди.

Афтидан, қўрқув ва ҳадик бутун лашкарни ўраб олган эди. Шу боис ҳеч кимдан бу таклифга бир оғиз қарши гап ё юришни давом эттириш ва мусулмонлар билан жангга киришга истак ва чорлов чиқмади.

Мусулмонлар Бадрда душманни кутиб саккиз кун турдилар. Ёнларида бўлган тижорат molларини сотиб, бир дирҳамга икки дирҳамдан фойда қилдилар, сўнг Мадинага қайтиб кетдилар. Энди устунлик тамомила улар қўлига кўчган, ҳайбатлари яна қайта дилларга ўрнашган ва назоратни тўла қўлларига олган эдилар.

Бу ғазот «Ваъдалашилган Бадр», «Иккинчи Бадр», «Сўнгги Бадр», «Кичик Бадр», деган номлар билан маъруф бўлди.

«Ибн Ҳишом», 2/209, 210, «Зодул-маод», 2/112.

Дувматул Жандал ғазоти

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрдан қайтдилар. Минтақага тинчлик-осойишталик ҳукмронлик қила бошлади. Давлатлари барқарор бўлиб, эндиликда мусулмонлар мавқифни тўлалигича ўз назоратлари остига олишлари ва дўсту душманлар ажралиши учун араб оламининг ичкари ҳудудларигача кириб боришга яхши имконият пайдо бўлди.

Кичик Бадр ғазотидан сўнг Мадинада олти ой турдилар. Шундан сўнг у зотга Шом яқинидаги Дувматул Жандал атрофидаги қабилалар йўлтўсарлик қилиб, ўтган-кетганни талаётганлари, Мадинага босқин уюштириш мақсадида каттагина лашкар ҳам жамлашаётгани хабари етиб келди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага Сибоъ ибн Урфута Ғифорийни халифа қилиб қолдириб, минг кишилик қўшин билан бешинчи ҳижрийнинг рабиул-аввал ойидан

сўнгги беш куни қолганида йўлга чиқдилар. Бану Узра қабиласидан Мазкур исмли бир кишини йўл кўрсатувчи қилиб олдилар.

Душманни ғафлатда қолдириш мақсадида кундузлари яшириниб, тунлари йўл юриб бордилар. Яқинлашиб боргач, маълум бўлдики, улар узоқроқа жўнаб кетишган экан. Уларнинг чорваларига ва чўпонларига ҳужум қилдилар, қўлга тушган тушиб, қочган қочиб қолди.

Дувматул Жандал аҳолиси эса ҳар тарафга қочиб тумтарақай бўлиб кетди. Мусулмонлар уларнинг диёрига тушиб, ҳеч кимни учратмадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун туриб, кичик-кичик гуруҳ ва бўлинмаларни атрофларга юбордилар. Ҳеч ким топилмагач, Мадинага қайтиб келдилар. Шу ғазотда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уяйна ибн Ҳисн билан сулҳ туздилар. Дувматул Жандал Шом тепаликларидаги маъруф бир жой номи бўлиб, у билан Дамашқ ораси беш кунлик йўл, Мадинадан узоқлиги эса ўн беш кунлик йўл эди.

Мана шундай тез ва кескин амалиётлар ҳамда пухта ва оқилона тузилган режалар туфайли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минтақада тинчлик-осойишталик ўрнатишга, ҳолатни тўла назоратлари остига олишга, замон чархпалагини мусулмонлар фойдасига айлантиришга, уларни ўраб келаётган ички ва ташқи машаққатлар юкини енгиллатишга ва таранглашган вазиятни юмшатишга муваффақ бўлдилар. Мунофиқлар ҳам анча тинчиб қолишди, яҳудларнинг бир қабиласи сургун қилинди, қолганлари қўшничилик ҳаққини чиройли адо этишга ва аҳду паймонларга вафо қилишга мажбур бўлишди. Саҳройи арабларнинг ҳам попуклари пасайиб қолди, Қурайшнинг ҳам мусулмонлар билан урушишга юраги бетламай қолди. Шундай қилиб, мусулмонлар Исломни ёйиш ва Парвардигори оламнинг рисолатини етказиш учун анча қулай фурсатга эга бўлдилар.

АҲЗОБ (ЖАМОАЛАР) **ЖАНГИ**

Тинчлик ва хотиржамлик қайтиб келди, бир йилдан ортиқроқ вақт давомида кечган уруш ва жангу жадаллардан сўнг Арабистон оролида осойишталик ҳукм сура бошлади. Бироқ, ўзларининг хиёнат ва ғаддорликлари, макр-ҳийла ва фириб-найранглари натижаси ўлароқ кўп хору зорлик тотишга мажбур бўлган яҳудларнинг кўзлари барибир очилмади, хиёнатлари туфайли бошларига келган мусибат ва хўрликлардан ибрат олишмади. Улар Ҳайбарга сургун қилинганларидан кейин мусулмонлар билан бутпарастлар орасида кечган жангларда мусулмонларга қақшатқич мағлубият етишини кутиб яшаётган эдилар. Аммо, давр чархпалаги мусулмонлар фойдасига айланиб, кун сайин уларнинг нуфузлари ошиб, давлатлари мустаҳкамланиб боргач, яҳудлар алам ва нафратдан ўз ёғларига ўзлари қоврила бошлашди.

Шундан сўнг улар мусулмонлар қаршисига янгидан тил бириктирувлар қилишга, уларга тузалмас ва ўнглаб бўлмас даражада оғир зарба беришга тайёргарлик кўришга киришдилар. Мусулмонлар билан юзма-юз жангга киришга ўзларида журъат топишолмагач, мақсадга эришиш учун жуда хавфли бир режа ишлаб чиқдилар.

Яҳудийларнинг бошлиқлари ва Бану Назир раисларидан 20 киши Маккага, Қурайш ҳузурига бориб, уларни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилишга ундадилар ва ўзлари тарафидан уларга катта ёрдамлар ваъда қилдилар. Қурайш ҳам рози бўлди. Чунки, Қурайш бу таклифда ўзининг Бадрда учрашиш ваъдасига хилоф қилиши билан йўқотган обрўсини қайта тиклаш имкониятини кўрди.

Шундан сўнг бу вакиллар Ғатафон ҳузурига бориб, уларни ҳам Қурайшни чақирган ишга чақирдилар. Ғатафон ҳам рози бўлди. Сўнг улар бошқа араб қабилаларини айланиб, бирма-бир шу ишга чорлай бошладилар. Улардан қабул қилганлари қабул қилди. Шундай қилиб, яҳудларнинг бошлиқлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга қарши кофир жамоаларни гижгижлаб, қўзғотишга муваффақ бўлишди.

Бунинг оқибатида Қурайш, Кинона ва уларнинг иттифоқчилари бўлмиш Тиҳома аҳлидан ташкил топган тўрт минг кишилик қўшин Абу Суфён бошчилигида жануб томондан йўлга чиқди, Марруз-Заҳронда уларга Бану Сулайм қабиласи ҳам келиб қўшилди. Шарқ томондан Ғатафон қабилалари – Уяйна ибн Ҳисн бошчилигидаги Бану Фазора қабиласи, Ҳорис ибн Авф бошчилигидаги Бану Мурра қабиласи, Мисъар ибн Руҳайла бошчилигидаги Бану Ашжаъ қабиласи, шунингдек, Бану Асад ва бошқа қабилалар йўлга чиқишди.

Ушбу жамоалар ҳаммаси ўзаро келишув асосида Мадина томонга қараб ҳаракатлана бошлади.

Бир неча кундан сўнг Мадина атрофида ўн минг кишилик улкан қўшин йиғилди. Уларнинг сони Мадинанинг эркагу аёл, ёшу қари барча аҳолиси сонидан ҳам кўп эди.

Агар йиғилган бу гуруҳлар тўсатдан Мадинага бостириб келганида борми, мусулмонларнинг вужудига қиёс қилиб бўлмас даражада улкан хатарга айланар ва ҳатто уларнинг бутунлай қирилиб кетишларига ва таг-томирлари билан йўқ қилиб юборилишларига ҳам олиб келиши мумкин эди. Аммо, Мадинанинг раҳбарияти ҳамиша уйғоқ ва сергак раҳбарият бўлганидан чор-атрофдаги вазиятлардан мудом бохабар бўлиб, кутилажак воқеаларнинг олдини олишга ҳаракат қилиб келарди. Бу сафар ҳам мазкур қўшинлар ҳали ўрнидан қўзғолишга улгурмай туриб, уларнинг хабари Мадинага, раҳбатиятга етиб келди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зудлик билан олий ҳарбий кенгаш чақириб, Мадинани мудофаа қилиш режасини ишлаб чиқишга киришдилар. Кенгаш аҳли тарафидан ўртага ташланган

таклифларни ўрганиб чиқилгач, улуғ саҳобий Салмон Форсий розияллоҳу анҳу тақдим этган режани амалга оширишга қарор қилдилар.

Салмон: «Ё Росулуллоҳ, биз форс диёрида эканимизда агар қамалга олинсак, атрофимизга хандақ қазиб, ҳимояланардик», деди. Дарҳақиқат, бу жуда оқилона режа бўлиб, шу пайтгача араблар ичида маълум эмасди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зудлик билан ушбу режани амалга оширишга киришдилар ва ҳар ўн кишига қирқ газдан хандақ қазиш ишини топширдилар. Мусулмонлар бу ишга астойдил, жидду жаҳд билан киришдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам бевосита улар билан бирга ишлаб, уларга намуна кўрсатиб турдилар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Саҳл ибн Саъд айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга хандақда эканмиз, тупроқни елкаларимизда ташиб чиқардик. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Аллоҳим, охират ҳаётидан бошқа ҳаёт ҳаёт эмасдир, муҳожир ва ансорларни Ўзинг мағфират этгин»,** дердилар.

«Саҳиҳул Бухорий», “Бобу ғазватил-хандақ”, 2/588.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хандаққа чиқдилар. Муҳожирлар ва ансорлар совуқ кунда хандақ қазиётган эдилар. Уларга бу ишларни қилиб берадиган қуллари бўлмаган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардаги машаққат ва очликни кўриб, дедилар:

اللهم إن العيش عيش الآخرة ** فاغفر للأنصار والمهاجرة

Аллоҳим, чин ҳаёт фақат охират,
Муҳожир, ансорни этгин мағфират.

Саҳобалар у зотга жавобан дедилар:

نحن الذين بايعوا محمداً ** على الجهاد ما بقينا أبداً

Муҳаммадга бердик биз аҳду паймон,
Жиҳод қилажакмиз, борки танда жон!».

«Саҳиҳул Бухорий», 1/397, 2/588.

Бухорий Баро ибн Озибдан ривоят қилади: «Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни хандақ тупроғини ташиётганларини кўрдим, қоринларининг териси чангдан кўринмай кетган эди, ваҳоланки у зот сертук эдилар. Мен у зотнинг Ибн Равоҳанинг шеърини хиргойи қилаётганларини эшитдим, тупроқ ташиган ҳолларида айтардилар:

Аллоҳим, Сен бўлмасанг, ҳидоят не, билмасдик,
Намоз ҳам ўқимасдик, садақа ҳам қилмасдик.
Ўзинг қил қалбимизни осойишта, хотиржам,
Ҳам ёвга йўлиққанда қадамимиз мустаҳкам.

Устимизга бостириб келмоқдалар ёғийлар,
Кўнмагаймиз фитналаш истасалар боғийлар.

Охирги мисрани овозларини чўзиб қайтарардилар. Бир ривоятда:

Тамаъ қилиб келдилар устимизга ёғийлар,
Кўнмагаймиз фитналаш истасалар боғийлар».

«Саҳиҳул Бухорий», 2/589.

اللهم لولا أنت ما اهتدينا ** ولا تصدقنا ولا صلينا

فأنزلن سكينة علينا ** وثبت الأقدام إن لاقينا

إن الألى رغبوا علينا ** وإن أرادوا فتنة أبينا

قال: ثم يمد بها صوته بآخرها، وفي رواية:

إن الألى قد بغوا علينا ** وإن أرادوا فتنة أبينا

Мусулмонлар жигарларни тилкалаб ташлайдиган қаттиқ очлик азобини ҳис қилишар, бироқ бу нарса уларни завқу шавқ билан меҳнат қилишдан тўсолмас эди. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Хандақ аҳлига бир ҳовучдан арпа бериларди, уни эскириб, ҳидланиб қолган ёғда пишириб, олиб келинарди, қавм оч эди, таомнинг эса томоқда ёқимсиз таъми ва ҳиди бўларди». «Саҳиҳул Бухорий», 2/588.

Абу Талҳа айтади: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга очликдан шикоят қилиб, қоринларимизга биттадан боғлаб олган тошни кўрсатдик. Шунда у зот қоринларини очдилар, қарасак иккита тош боғлаб олган эканлар».

Имом Термизий ривояти, «Мишкотул-масобийҳ», 2/448.

Шу муносабат билан хандақ қазиш мобайнида кўрилган пайғамбарлик аломатлари бўлмиш баъзи мўъжизалар ҳақида айтиб кетмоқчимиз:

Жобир ибн Абдуллоҳ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг очликдан қаттиқ қийналганларини кўриб, бир жонлиқ (улоқ) сўйди, аёли бир соъ арпани туйиб хамир қорди, сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларигагина эшиттириб, бир неча асҳоблари билан таомга таклиф қилди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун Хандақ аҳлини етаклаб келдилар, улар минг киши эди. Ҳаммалари ўша таомдан еб, тўйдилар. Қозондаги гўшт эса қандай бўлса шундоқлигича қайнаб турар, хамир ҳам нон қилингани сари камаймасдан турган эди. «Саҳиҳул Бухорий», 2/588, 589.

Нўъмон ибн Баширнинг синглиси отаси ва тоғасига, деб Хандаққа бир ҳовуч хурмо олиб келди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан ўтиб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмоларни ундан сўраб олиб, бир мато устига тўкдилар,

сўнг Хандақ аҳлини чорладилар. Ҳаммалари ундан ер, хурмо эса кўпайиб борарди. Ҳатто Хандақ аҳлининг ҳаммаси тўйиб, туриб кетишди, хурмолар эса мато атрофидан тўкилиб турарди.

«Ибн Ҳишом», 2/218.

Бундан ҳам каттароқ мўъжизалари ҳақида имом Бухорий Жобирдан ривоят қилади: «Хандақ қазиётганимизда жуда ҳам қаттиқ заранг ерга дуч келдик. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдига бориб: «Хандақда жуда ҳам қаттиқ заранг ерга дуч келдик», деб айтишди. **«Мен ўзим тушаман»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, сўнг ўринларидан турдилар, қоринларига тош боғлаб олган эдилар (уч кундан бери туз тотмаган эдик) – у зот чўкични қўлларига олиб, зарб билан урган эдилар, ер қумдек уқаланиб кетди.

«Саҳиҳул Бухорий», 2/588.

Баро айтади: «Хандақнинг бир жойида катта бир харсангтош чиқиб қолиб, чўкичларимизнинг кучи етмай қолди. Бу ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган эдик, келиб, чўкични қўлларига олдилар, сўнг: **«Бисмиллаҳ»,** деб бир зарба уриб, унинг бир бўлагини кўчириб юбордилар ва: **«Аллоҳу акбар, менга Шом калитлари ато этилди. Аллоҳга қасамки, мен ҳозир унинг қизил қасрларини кўриб турибман»,** дедилар. Сўнг иккинчи зарба билан харсангнинг яна бир бўлагини синдирдилар ва: **«Аллоҳу акбар, менга Форс ерлари ато этилди. Аллоҳга қасамки, мен ҳозир Мадоинннинг оқ қасрини кўриб турибман»,** дедилар. Сўнг **«Бисмиллаҳ»**, деб, учинчи бор зарба уриб, харсангнинг қолганини бўлиб ташладилар ва: **«Аллоҳу акбар, менга Яман калитлари ато этилди. Аллоҳга қасамки, мен шу жойда туриб Санъонинг дарвозаларини кўриб турибман»,** дедилар.

«Сунанун Насоий», 2/56; Аҳмад, 4/303. Матн Насоийга тегишли эмас. Насоийда: «Саҳоблардан биридан» деб ривоят қилинган.

Ибн Исҳоқ Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ҳам худди шундай ривоят келтирган.

«Ибн Ҳишом», 2/219.

Мадинанинг шимолидан бошқа барча тарафи қирралик тошлоқлар (ҳарра) ва тоғлар билан, хурмозор боғлар билан ўралган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай катта қўшин Мадинага фақат шимол томондангина ҳужум қила олиши мумкинлигини билганларидан шу тарафни хандақ билан ўраттирдилар.

Мусулмонлар қазиш ишларини тўхтовсиз давом эттиришар, кун бўйи хандақ қазиб, кечқурун уйларига қайтишарди. Шундай қилиб, хандақ қазиш ишлари кутилган режа бўйича, мушрикларнинг улкан қўшини Мадина ҳудудига етиб келмасидан илгари охирига етказилди.

Хандақнинг узунлиги 4455 метр, эни тақрибан 4,67 метр, чуқурлиги 3,3 метрни ташкил этарди (таржимон).

Қурайш 4000 кишилик қўшини билан келиб, Журф ва Зағоба оралиғида бўлган Румадаги сел сувлари тўпланадиган бир

сайхонликка тўхтади. Ғатафон ўзига қўшилган Нажд аҳли билан бирга 6000 кишилик лашкари билан Уҳуд яқинидаги Занаб Нақмо, деган жойга тушди.

وَلَمَّا رَءَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْأَحْزَابَ قَالُوا۟ هَٰذَا مَا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَصَدَقَ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ ۚ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّآ إِيمَٰنًا وَتَسْلِيمًا ﴿٢٢﴾

«Мўминлар у ҳизб-фирқаларни кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ ва пайғамбари бизларга ваъда қилган нарса (яъни, имтиҳондир). **Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир», дедилар ва** (устиларига бостириб келаётган қабила-тўдаларнинг сон-саноқсизлиги мўминларни қўрқитмади, аксинча) **уларнинг** (Аллоҳга бўлган) **иймон ва итоатларини янада зиёда қилди, холос».** “Аҳзоб” сураси, 22-оят.

Бу қўшинни кўриб, мунофиқ ва қўрқоқ кишиларнинг юраклари қалтираб қолди:

وَإِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ مَّا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢﴾

«Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган (яъни, эътиқоди заиф бўлган) **кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», дея бошладилар».**

“Аҳзоб” сураси, 12-оят.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч минг мусулмон билан чиқиб бордилар ва қўшиннинг орқасини Салъ тоғига қилиб ўрнаштирдилар, улар билан кофирлар ўртасини хандақ ажратиб турарди. Уларнинг шу кунги шиорлари (пароллари) **«Ҳа мим, ла юнсоруун»** (ҳа мим, уларга нусрат келмайди), деган сўзлар эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушга киргач тўс-тўполон ё қоронғиликда бир-бирларини таниб олишлари учун асҳобларига шиор – яъни, махфий сўз, парол қилиб берардилар (таржимон). Қаранг: «Зодул-маод», 90-с.

Мадинага Ибн Умму Мактумни халифа қилиб қолдирдилар. Аёллар ва ёш болаларни Мадинанинг қўрғонларига киритиб қўйдилар.

Мушриклар Мадинага ҳужум бошлаш учун ёпирилиб келиб қарашсаки, улар билан мусулмонлар ўртасини кенг хандақ ажратиб турибди. Шундан сўнг улар мусулмонларни қамал қилиб туришга мажбур бўлишди. Ҳолбуки, диёрларидан чиқаётган пайтларида бунга ҳозиргарлик кўриб келишмаган эди. Чунки, хандақ билан ҳимояланиш (юқорида айтилганидек) арабларга шу пайтгача маълум бўлмаган жанг ҳийлаларидан эди. Шу туфайли бу нарсани умуман ҳисобга олмаган эдилар.

Мушриклар хандақ атрофида ғазаб билан у ёқ-бу ёққа бориб келишар, кесиб ўтиш учун заифроқ нуқтасини қидиришарди. Мусулмонлар эса уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатларини диққат билан

кузатиб туришар, хандаққа яқинлашиб, уни кесиб ўтишга ёки тупроқ тўлдириб йўл очишга уринмасликлари учун улар устига камондан ўқ ёғдиришарди.

Қурайш суворийлари хандақ атрофида қамал натижасини кутиб, бефойда тураверишдан чарчашди, чунки бу уларнинг феъл-атворларига тўғри келмасди. Шундан сўнг улар ичидан Амр ибн Абдувуд, Икрима ибн Аби Жаҳл, Зирор ибн Хаттоб ва бошқа бир неча кишилик тўда хандақнинг торроқ жойига от солиб, кесиб ўтишга муваффақ бўлишди ва хандақ билан Салъ ўртасидаги шўрхок ерга от чоптириб келишди. Али ибн Аби Толиб бошлиқ бир неча мусулмонлар улар томон чиқиб бориб, улар кесиб ўтишган туйнукни тўсиб қўйдилар. Амр муборазага (яккама-якка олишувга) чақирди. Унга Али ибн Аби Толиб талабгор бўлиб чиқди ва унинг ҳамиятига тегадиган бир сўз қилди. Амр мушрикларнинг энг шижоатли ва жасур кишиларидан эди. Шунда у шартта отидан тушди-да, отни қиличи билан чопиб ташлади ва ўзининг юзига шапати уриб, Али томон ваҳшат билан кела бошлади. Икковлари бир-бирларига ташланиб, олиша кетдилар. Охири Али розияллоҳу анҳу уни ўлдиришга муваффақ бўлди. Қолганлари эса чекиниб, ўзларини яна хандаққа уриб, нариги томонига ўтиб олишди. Қаттиқ қўрқиб кетишганидан, чекинаётиб Икрима ҳатто найзасини ташлаб кетди.

Баъзи кунлари мушриклар хандақни кесиб ўтиш ёки унинг устидан йўл солиш учун қаттиқ ҳаракатлар қилиб кўришди. Лекин, мусулмонлар ҳимояда қаттиқ турдилар, улар устига ўқ ёғдириб, ўтишларига имкон бермадилар ва мушрикларнинг бари уринишлари чиппакка чиқди.

Мана шундай шиддатли курашлар билан овора бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, мусулмонлар ҳам баъзи намозларни ўз вақтида ўқий олишмади. «Саҳиҳайн»да Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Хандақ жанги куни кун ботганидан сўнг келди-да, Қурайш кофирларини сўка кетди, «Ё Росулуллоҳ, асрни ўқиёлмадим, ҳатто кун ботаёзди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга қасамки, мен ҳам ўқимадим»,** дедилар. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Бутҳон водийсига келдик. У зот намозга таҳорат қилдилар, биз ҳам таҳорат қилдик. Сўнг асрни кун ботганидан кейин ўқидилар, сўнгра ортидан шомни ўқидилар».

«Саҳиҳул Бухорий», 2/590.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўтказиб юборганларидан кўп хафа бўлдилар, ҳатто мушрикларни дуоибад қилдилар. Имом Бухорий Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хандақ куни: **«То кун ботиб кетгунича бизни ўрта** (аср) **намозидан машғул қилишгани каби** (учун) **Аллоҳ уларнинг уйларини ва гўрларини ўтга тўлдирсин»,** деб дуо қилдилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 2/590.

Имом Шофеъий ва Аҳмаднинг «Муснад»ларида айтилишича, мушриклар у зотни пешин, аср, шом ва хуфтон намозларидан қолдиришди, сўнг уларни жамлаб ўқиб олдилар. Нававий айтади: «Бу ривоятлар орасини бирлаштириш йўли шуки, Хандақ ғазоти бир неча кун давом этган, униси бир куни бўлган бўлса, бошқаси бошқа кун бўлган бўлиши мумкин». Имом Нававийнинг “Муслим”га шарҳи, 1/227.

Шундан билинадики, мушрикларнинг кесиб ўтишга бўлган уринишлари ва мусулмонларнинг тинимсиз давом этган қаршиликлари бир неча кун давом этди. Фақат Хандақ иккала қўшин ўртасини ажратиб тургани боис юзма-юз жанг ёки қонли кураш юз бермади ва икки тараф ҳам камондан ўқ узиш билан чекланди.

Мана шу отишмаларда иккала қўшиндан ҳам бир неча киши ҳалок бўлди. Ҳаммаси бўлиб, мусулмонлардан олти киши ва мушриклардан ўн киши ўлдирилди, булар ичидан бир-иккитасигина қилич зарбидан ўлди.

Мана шу ўқлардан бири Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуга тегиб, билак томири (вена)ни кесиб юборди, уни қурайшлик Ҳаббон ибн Ариқа деган одам отганди. Саъд шундай дуо қилди: «Эй Аллоҳим, Ўзинг яхши биласанки, мен учун Сенинг пайғамбарингни ёлғончи қилиб, ўз диёридан қувиб чиқарган қавмга қарши жанг қилишдан кўра суюмлироқ иш йўқ. Эй Аллоҳим, ўйлайманки, бизларнинг ўртамиздаги урушни шу билан тўхтатдинг. Агар Қурайшга қарши уруш шу билан охирига етмаса, мени Ўзингнинг йўлингда улар билан жанг қилиш учун қолдиргин! Агар урушни тўхтатган бўлсанг, жароҳатимни ёриб юборгин ва ўлимимни шунда қилгин!». «Саҳиҳул Бухорий», 3/590.

Дуосининг охирида: «То Бану Қурайза хусусида кўнглим шод бўлмагунча мени вафот эттирмагин», деган эди. «Ибн Ҳишом», 3/337.

Мусулмонлар жанггоҳ ичра ана шундай машаққатларга юзланишаётган пайтда фитна ва фириб-найранг илонлари инида жим ётмаган, уларнинг жисмларига заҳар сочиш истагида ҳаракатга тушишганди. Бану Назир жиноятчиларининг каттаси Ҳуяй ибн Ахтоб Бану Қурайза диёрига, уларнинг бошлиғи, битим ва аҳдномаларига масъул шахс бўлган Каъб ибн Асад Қуразийникига борди. Унинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан уруш содир бўлганида ўзаро ёрдам бериш хусусида битими бор эди. Ҳуяй уникига келиб, эшигини қоққанида у эшик очмади. Ҳуяйнинг қайта-қайта аврашларидан сўнг у ниҳоят эшигини очди. Шунда Ҳуяй унга: «Эй Каъб, мен сенга умрбод азизлик ва лиммо-лим денгизни келтирдим. Қурайшни казо-казо бошлиқлари билан олиб келиб, Румадаги сайхонликка туширдим. Ғатафонни казо-казо бошлиқлари билан олиб келиб, Уҳуд яқинидаги Занаб Нақмога туширдим. Улар то Муҳаммадни унга эргашганлар билан қўшиб янчиб ташламагунларича ҳеч қаёққа кетмасликка аҳд беришган», деди.

Каъб: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, сен менга умрбод хорлик ва суви қуриган булут келтирдинг, унинг чақмоғи ва момақалдироғи бор-у, бир томчи ҳам ёмғири йўқ. Қуриб кетгур эй Ҳуяй, мени ўз ҳолимга қўй. Мен Муҳаммаддан фақат тўғрилик ва вафо кўрганман», деди.

Ҳуяй у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб, аврайверганидан сўнг охири Каъб ундан Аллоҳ номига қасам ичдириб: «Қурайш ва Ғатафон Муҳаммадга бирон зиён-захмат етказолмай қайтиб кетишгудек бўлса, мен сен билан бирга қўрғонингга кираман, бошингга нима тушса, биргалашиб тортаман», деган аҳд олганидан сўнггина сўзларига рози бўлди. Шундай қилиб, Каъб ибн Асад аҳдини бузди ва мусулмонлар билан ўрталарида бўлган битимдан хориж бўлиб, мусулмонларга қарши олиб борилаётган урушда мушриклар сафига қўшилди.

«Ибн Ҳишом», 2/220, 221.

Дарҳақиқат, шундан сўнг Бану Қурайза яҳудийлари уруш амалиётларини бошлаб юборишди. Ибн Исҳоқ айтади: “Софийя бинт Абдулмутталиб Ҳассон ибн Собитнинг қалъасининг юқоридаги хонасида эди, Ҳассон ҳам аёллар ва болалар билан қалъа ичида эди. Софийя айтади: «Шунда бир яҳудий келиб, қалъа атрофида айлана бошлади. Бану Қурайза уруш ҳолатига ўтган ва ўзи билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталаридаги битимни бузган эди. Бизни улардан ҳимоя қиладиган ҳеч ким қолмаган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, мусулмонлар ҳам душман билан овора эдилар. Агар бизга биров бостириб келгудек бўлса, улар бизга ёрдамга келолмас эдилар. Шунда мен: «Эй Ҳассон, кўриб турганингиздек, мана бу яҳудий қалъа атрофида айланиб юрибди. Аллоҳга қасамки, у орқадаги яҳудларни бизнинг очиқ-заиф томонимизга йўллаб қўйишидан кўнглим хотиржам эмас. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саҳобалари бизга ёрдамга келолмайдилар. Шундай экан, сиз тушиб, уни ўлдиринг», дедим. Ҳассон: «Худо ҳаққи, ўзингиз яхши биласиз, мен бундай қила олмайман», деб жавоб берди. Шунда мен белимни боғладим-да, бир ходани олиб, қалъадан тушиб бориб, уни ўша хода билан уриб ўлдирдим. Сўнгра қалъага қайтиб кириб, Ҳассонга: «Боринг, унинг нарсаларини ўлжа сифатида олиб чиқинг, эркак киши бўлгани учун мен унга қўл теккизгим келмади», дедим. Шунда у: «Менга унинг нарсалари керак эмас», деб жавоб берди.

«Ибн Ҳишом», 2/228, Ҳофиз ибн Ҳажарнинг айтишича, Аҳмад кучли иснод билан Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қилган. “Фатҳул Борий”, 6/285; “Саҳиҳул Бухорий”нинг 18-боби шарҳи.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари томонидан амалга оширилган жасурона бу ҳаракатнинг мусулмонларнинг аёллари ва бола-чақаларини сақлаб қолишда жуда катта таъсири бўлди. Чунки, шундан кейин яҳудлар Мадинанинг қўрғон ва қалъалари Ислом лашкарининг ҳимоясида эканига ишониб қолишди (ҳолбуки,

улар лашкардан батамом холи эди) ва қайта бундай ишларга журъат қилишмади. Аммо, улар мусулмонларга қарши урушда мушрикларга қўшилганликлари исботи сифатида улар қўшинини озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсалар билан таъминлаб туришди, ҳатто мусулмонлар уларнинг озиқ-овқат ортилган йигирмата туясини олиб ҳам қўйишди.

Бану Қурайзанинг битимни бузгани хабари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга етиб келгач, у зот зудлик билан бу хабарнинг ҳақиқатини текширишга киришдилар. Чунки, Бану Қурайзага нисбатан тутиладиган мавқифни аниқлаб олиш ва шунга қараб ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш зарурати туғилганди. У зот Саъд ибн Муоз, Саъд ибн Убода, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва Хаввот ибн Жубайрни хабарнинг тагига етиш учун юбордилар ва уларга: **«Бориб билинглар-чи, бу қавм ҳақида бизга етган хабар ростми, йўқми? Агар рост бўлса, менга ўзим билиб оладиган бир овоз билан ишора беринглар, одамларга ёйиб юборманглар. Агар қавм ўз аҳдида турган бўлса, буни одамларга эълон қилинглар»,** деб тайинладилар. Улар яҳудлар яқинига боришгач, аҳвол ғоят жиддийлиги маълум бўлди. Яҳудлар уларни сўкиш ва ҳақоратлар билан қаршиладилар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънларида бўлмағур гаплар айтдилар, «Ким Аллоҳнинг элчиси экан?! Муҳаммад билан бизнинг ўртамизда ҳеч қандай битим ҳам, аҳд ҳам йўқ», дедилар. Элчилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтиб боришгач, у зотга ўзларигина тушуниб оладиган қилиб: «Азол ва Қора», дейишди, яъни бу билан яҳудлар худди Азол ва Қора қабилалари Ражиъда қилгани каби хиёнатга қўл уришибди, деган маънога ишора қилдилар.

Ҳақиқатни яширишга ҳар қанча уринишмасин, одамлар аҳволдан хабар топдилар, улар олдида даҳшатли бир хатар пайдо бўлганди.

Мусулмонлар жуда оғир ва танг ҳолат қаршисида қолдилар. Бану Қурайза орқа томондан зарба бергудек бўлса, уларга қарши турадиган кучнинг ўзи йўқ эди, мусулмонлар олдиларида турган улкан қўшинни ташлаб кетолмас эдилар. Боз устига, аёллар ва бола-чақалар анови хиёнаткорларнинг шундоққина тумшуқлари олдида, ночор ва ҳимоясиз ҳолда туришар, Аллоҳ таоло ушбу оятда айтган ҳолат юзага келганди:

إِذْ جَآءُوكُم مِّن فَوْقِكُمْ وَمِنْ أَسْفَلَ مِنكُمْ وَإِذْ زَاغَتِ ٱلْأَبْصَٰرُ وَبَلَغَتِ ٱلْقُلُوبُ ٱلْحَنَاجِرَ وَتَظُنُّونَ بِٱللَّهِ ٱلظُّنُونَا۠ ﴿١٠﴾ هُنَالِكَ ٱبْتُلِىَ ٱلْمُؤْمِنُونَ وَزُلْزِلُوا۟ زِلْزَالًا شَدِيدًا ﴿١١﴾

«Ўшанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйироқ томондан ҳам (бостириб) **келган эдилар. Ўшанда кўзлар**

тиниб, юраклар бўғизларга тиқилиб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) **гумонлар қила бошлаган эдинглар. Ана ўша жойда мўминлар** (яна бир бор) **имтиҳон қилиндилар ва** (бу даҳшатдан) **қаттиқ ларзага тушдилар».** “Аҳзоб” сураси, 10-11-оятлар.

Мунофиқ кимсалардан нифоқ зоҳир бўлиб, айримлари: «Муҳаммад бизга (Форс шоҳи) Кисро ва (Рум ҳукмдори) Қайсарнинг хазиналарини ваъда қилаётган эди, ваҳоланки бизлардан биримиз бугун ҳожатга боришга қўрқиб ўтирибмиз», деса, бошқа баъзилари қавмдошлари орасида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизнинг уйларимиз душмандан ҳимояланмаган, очиқ-сочиқ ҳолда, ҳовли-жойимиз Мадинанинг ташқарисида эди, бизга изн беринг, уйларимизга қайтайлик», дейишга тушишди. Бану Салама ҳатто мағлубиятга ҳозирлана бошлади. Улар ҳақида Аллоҳ таоло оят нозил қилдики:

وَإِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ مَّا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ إِلَّا
غُرُورًا ﴿١٢﴾ وَإِذْ قَالَت طَّآئِفَةٌ مِّنْهُمْ يَٰٓأَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَٱرْجِعُوا۟ ۚ وَيَسْتَـْٔذِنُ
فَرِيقٌ مِّنْهُمُ ٱلنَّبِىَّ يَقُولُونَ إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ وَمَا هِىَ بِعَوْرَةٍ ۖ إِن يُرِيدُونَ إِلَّا فِرَارًا ﴿١٣﴾

«Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган (яъни, эътиқодлари заиф бўлган) **кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», дея бошладилар. Ўшанда улар** (мунофиқлар)**дан бир тоифаси деди: «Эй Ясриб** (яъни, Мадина) **аҳли, сизлар учун** (бу қадар кўп сонли ёвга қарши) **туриш имкони йўқдир, бас** (ўз уйларингизга) **қайтиб кетинглар». Улар** (мунофиқлар)**дан яна бир гуруҳ эса «Уйларимиз очиқ-сочиқ** (қолган эди)»**, деб пайғамбардан изн сўрардилар. Ҳолбуки** (уйлари) **очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат** (жанг майдонидан) **қочишнигина истардилар».** “Аҳзоб” сураси, 12-13-оятлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Қурайзанинг хиёнати хабари келгач, бошларини ўраб ётиб олдилар ва шу ҳолда узоқ вақт қолиб кетдилар, ҳатто одамларнинг ваҳималари кучайиб кетди. Сўнг у зот хушҳол кайфиятда ўринларидан туриб келдилар ва: **«Аллоҳу акбар! Эй мусулмонлар, Аллоҳнинг ғалабаси ва нусрати билан хушхабарланинглар!»,** деб хитоб қилдилар. Сўнг юзага келган вазиятдан чиқиш режасини ишлаб чиқишга киришдилар. Мана шу режанинг бир қисми сифатида аёллар ва болаларни ногаҳоний ҳужумдан ҳимоялаш мақсадида Мадинага қўриқчилар юбордилар. Лекин, шу билан бирга, жамоаларни кучсизлантиришга олиб келадиган бирон кескин чора кўриш зарур бўлиб турарди. Шу мақсад йўлида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ғатафон раислари бўлмиш Уяйна ибн Ҳисн ва Ҳорис ибн Авф билан улар ўз қавмларини қайтариб

кетишлари эвазига Мадина ҳосилининг учдан иккисини беришга сулҳ тузмоқчи бўлдилар. Ана шунда мусулмонлар аввалдан синашта душманлари бўлмиш Қурайш билан яккама-якка қолиб, уларни узил-кесил мағлуб қилиш имкониятига эга бўлардилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу ҳақда сўров ўтказар эканлар, иккала Саъддан ҳам фикрларини сўрадилар. Улар: «Ё Росулуллоҳ, агар Аллоҳ сизни шундай қилишга буюрган бўлса, бош устига, буни албатта қабул қиламиз! Аммо агар ўзингиз бизнинг манфаатимизни кўзлаб шундай қилмоқчи бўлсангиз, бизга бунинг кераги йўқ. Чунки, биз худди улар каби бутпараст бўлган пайтимизда ҳам улар Мадина меваларини фақат меҳмон бўлиб келиб ёки сотиб олибгина ейиша оларди. Энди Аллоҳ бизни Ислом билан мукаррам қилиб, унга ҳидоятлаб қўйганидан ва сиз сабабли бизни азиз қилганидан сўнг-а?! Аллоҳга қасамки, биз уларга қиличларимиздан бошқа нарсани раво кўрмаймиз!», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг фикрларини маъқуллаб: **«Мен арабларнинг сизларга қарши бир ёқадан бош чиқариб туришганини кўриб, сизларнинг манфаатингиз учун шундай қилсаммикин, дегандим»,** дедилар.

Сўнг Аллоҳ азза ва жалла, Унга ҳамдлар бўлсин, Ўзи тарафидан душманнинг шаштини пасайтириб, бирдамлигини парчалаб ташлаган бир ишни вужудга келтириб қўйди. Ғатафонлик Нуайм ибн Масъуд ибн Омир Ашжаъий номли бир киши, розияллоҳу анҳу, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Ё Росулуллоҳ, мен мусулмон бўлдим, қавмимнинг бундан хабари йўқ, қандай хизмат бўлса, тайёрман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сиз бор-йўғи бир кишисиз, холос. Майли, қўлингиздан келганича душманни биздан қайтаринг. Чунки, уруш дегани макр-ҳийла демакдир»,** дедилар. У дарҳол Бану Қурайзага қараб йўл олди (жоҳилият пайтида улар билан яқинлиги бор эди) ва улар олдига келиб, шундай деди: «Сизларга нисбатан дўстона муносабатимни, хоссатан сизлар билан ўртамизда яқинлик борлигини яхши биласиз». Улар ҳам: «Ҳа, тўғри айтасиз», дейишди. «Ундай бўлса эшитинглар, Қурайш сизларга ўхшаган эмас. Бу ер сизларнинг диёрингиз, сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз шу ерда. Бу ердан бошқа жойга кўчиб кетолмайсизлар. Қурайш билан Ғатафоннинг йўриғи бутунлай бошқа. Улар Муҳаммад ва унинг асҳоблари билан уруш қилишга келишган. Сизлар уларга ёрдам бермоқдасиз. Уларнинг ватанлари, мол-мулк ва бола-чақалари бошқа жойда. Фурсатини топишса, фойдаланиб қолишади. Йўқса, сизларни Муҳаммаднинг қўлига ташлаб, жўнаб юборишади. Шунда у сизларни аяб ўтирмайди», деди. «Унда нима қилишимиз керак, эй Нуайм?», дейишган эди: «Бир неча кишини гаровга бермагунларича уларга қўшилиб жангга кирманглар», деди. Шунда улар: «Тўғри маслаҳат бердингиз», дейишди.

Шундан сўнг Нуайм улар олдидан чиқиб, тўппа-тўғри Қурайш ҳузурига жўнади. Уларга ҳам: «Менинг сизларга дўстлигимни ва холис муносабатда эканимни билсангизлар керак деб ўйлайман», деган эди: «Ҳа, биламиз», деб жавоб беришди. Шунда у: «Яҳудлар Муҳаммад билан бўлган аҳдларини бузишганидан қаттиқ пушаймон қилишмоқда. Улар Муҳаммадга элчи юбориб, сизлардан бир неча кишини гаров сифатида олиб, унга топширмоқчи эканликларини айтишибди. Шундан сўнг унинг ёнига кириб, сизларга қарши урушишармиш. Менинг сизларга насиҳатим, агар улар сизлардан гаров сўрашса, берманглар», деди. Кейин Ғатафон ҳузурига бориб, уларга ҳам шундай деди.

Бешинчи ҳижрий шаввол ойининг шанба оқшомида мушриклар яҳудларга: «Бу ерда тураверишимиз учун жуда ноқулай бўлмоқда, мол-ҳолларимиз нобуд бўлиб кетаяпти. Тезроқ бизга қўшилинглар, Муҳаммадни тезроқ бир ёқли қилайлик», деб элчи юборишди. Яҳудлар уларга: «Бугун шанба бўлиб қолди, шанба куни қилган ишлари туфайли аждодларимизнинг бошига келган мусибатлардан хабарингиз бор. Қолаверса, биз то бир неча кишини гаровга бермагунингизча сизлар билан бирга жангга кирмаймиз», деб жавоб айтиб юборишди. Элчиларидан бу гапни эшитгач, Қурайш ҳам, Ғатафон ҳам: «Худо ҳаққи, Нуайм тўғри айтган экан», дейишди. Яҳудларга яна одам юбориб: «Биз сизларга бирорта ҳам одам юбормаймиз, чиқинглар, тезроқ жанг бошлайлик», дейишди. Шунда Қурайза ҳам: «Худо ҳаққи, Нуаймнинг гапи тўғри экан», деб қолди. Шундай қилиб, ҳар икки гуруҳнинг бир-бирига ишончи йўқолиб, ўрталарида ажралиш юзага келди ва қатъиятлари сусайиб қолди.

Мусулмонлар тинмай Аллоҳ таологa дуо қилиб: «Эй Парвардигор! Бизларнинг айбу нуқсонларимизни Ўзинг яширгин ва қўрқинчларимизни бартараф этгин» деб тилашарди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам аҳзобларга қарши дуо қилиб дедилар: **«Эй Китоб нозил қилган ва ҳисоб-китоби тез бўлган Аллоҳим, бу жамоаларни Ўзинг мағлуб этгин! Эй Аллоҳим, уларни мағлуб этгин ва титратгин!».**

«Саҳиҳул Бухорий», "Китобул жиҳод", 1/411; "Китобул мағозий", 2/590.

Аллоҳ таоло Росулининг ва мусулмонларнинг дуоларини ижобат қилди. Мушриклар сафлари ичида ажралиш юзага келганидан ва ўрталарида ўзаро ишончсизлик вужудга келганидан сўнг Аллоҳ таоло улар устига Ўз лашкари бўлмиш бўронни юборди. Бўрон уларнинг чодирларини ағдариб ташлар, қозонларини тўнкариб юборар, арқон тортган қозиқларини суғуриб ташлар эди. Шундай қилиб, улар бир жойда ўрнашолмай қолишди. Бунинг устига, Аллоҳ таоло уларга малоикалардан бўлган лашкарини туширди, малоикалар уларни титратиб, дилларига даҳшат ва қўрқув солдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша бўронли ва қаттиқ изғиринли тунда Ҳузайфа ибн Ямонни мушрикларнинг хабарини билиб келишга юбордилар. Ҳузайфа уларни юқоридаги аҳволда, кўчишга ҳозирлик кўраётган ҳолда топди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига қайтиб, уларнинг кетишаётгани хабарини етказди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу тонгни Аллоҳ таоло у кишининг душманларини ҳеч нарсага эришолмай, аламлари ичида бўлган ҳолда орқаларига қайтариб юборган ҳолатда кутиб олдилар. Дарҳақиқат, уларга Аллоҳ Ўзи бас келди, У Ўзининг ваъдаси устидан чиқди, Ўзининг лашкарини азиз қилди, бандасига ёрдам берди, фирқаларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага қайтиб келдилар.

Саҳиҳроқ қавлга кўра, Хандақ жанги бешинчи ҳижрийнинг шаввол ойида бўлиб ўтди. Мушриклар қўшини мусулмонларни бир ой ёки шунга яқин муддат қамал қилиб турди. Тарихий манбаларни бир-бирига боғлаш ва текширишдан сўнг маълум бўлишича, қамал шавволда бошланиб, зул-қаъдада тамом бўлган. Ибн Саъд ривоятига кўра, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хандақдан қайтишлари зул-қаъда ойининг тугашига етти кун қолганида, чоршанба кунига тўғри келди.

Аҳзоб жанги катта талафотлар кўрилган жанг бўлмади, балки асаблар жанги бўлди. Унда шиддатли жанг бормади, бироқ у Ислом тарихидаги энг улкан жанглардан бирига айланди. Унда мушрикларнинг куч-қудратлари ҳеч нарсага арзимаслиги кўриниб қолди. У араблардаги ҳеч бир куч Мадинада вужудга келаётган кичиккина бир кучни таг-томиридан йўқотиб юборишга қодир эмаслигини кўрсатиб берди. Чунки, араблар Аҳзоб ғазотида жамлаганидан кўра каттароқ куч-қувват жамлашга қодир эмасдилар. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло аҳзобларни аритганидан сўнг: **«Энди биз уларга ғазот қиламиз, улар бизга ғазот қилишолмайди, биз улар устига юриш қиламиз»,** дегандилар. «Саҳиҳул Бухорий», 2/590.

БАНУ ҚУРАЙЗА ҒАЗОТИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага қайтиб келган куни пешин пайти Умму Саламанинг уйида ювинаётган эдилар, Жибрил алайҳиссалом келиб: ***«Сиз қуролингизни қўйдингизми?! Ҳали малоикалар қуролларини қўйганлари йўқ! Ҳозиргина қавмни таъқиб қилишдан қайтиб келдим. Сиз ҳам асҳобларингизни олиб, Бану Қурайза сари отланинг. Мен олдиларингизда юриб, уларнинг қалъаларини титратаман ва қалбларига қўрқув соламан»,*** дедилар ва малоикалар қўшини билан йўлга тушдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга: **«Ким эшитиб, итоат қилувчи бўлса, аср намозини Бану Қурайзага борибгина ўқисин»,** деб жар солдирдилар. Мадинага Ибн Умми Мактумни халифа қилиб қолдирдилар, байроқни Али ибн Аби Толибга бердилар ва уни Бану Қурайзага йўлладилар. Али уларнинг қалъаларига яқинлашиб борганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънларига хунук сўзларни эшитди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам муҳожир ва ансорлар ҳамроҳлигида йўлга чиқиб, Бану Қурайза қудуқларидан Биър Анно, деб аталувчи қудуқ ёнига келиб тушдилар. Мусулмонлар у зотнинг буйруқларини ижро қилишга шошилдилар ва жарчининг овозини эшитганлари заҳоти йўлга тушиб, Бану Қурайза сари жўнаб кетдилар. Йўлда эканларида аср вақти бўлди. Шунда баъзилари: «Биз асрни Бану Қурайзада ўқишга буюрилганмиз, шунинг учун етиб бориб, кейин ўқиймиз», дейишиб, айримлари ҳатто асрни хуфтондан кейин ўқишди. Баъзилари эса: «Йўқ, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзлари билан имкон қадар тезлик билан Бану Қурайзага етиб боришимизни кўзда тутганлар», дейишиб, асрни йўлда ўқиб олдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар икки тоифани ҳам айбламадилар.

Шундай қилиб, Ислом лашкари бирин-кетин Бану Қурайза томон ҳаракатланиб, ҳамма Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига келиб қўшилди. Қўшин уч минг кишини ташкил қилди, ичларида ўттиз нафар отлиқ бор эди. Мусулмонлар Бану Қурайза қалъалари атрофига тушиб, уларни қамалга олдилар.

Қамал қаттиқ қийнаб қўйгач, раислари Каъб ибн Асад уларга учта ишдан бирини танлашни таклиф қилди:

1. Исломни қабул қилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динларига кириш ва шу билан жонларини, молларини ва бола-чақаларини асраб қолиш. «Унинг Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар ва китобларингизда айтилган ўша набий экани сизларга аллақачон аён бўлди», деди у.

2. Аёлларини ва болаларини ўз қўллари билан ўлдириб, мусулмонлар қаршисига қилич яланғочлаб чиқиб бориш ва то ғалаба қозонгунча ёки битта ҳам қолмай қирилиб кетгунча жанг қилиш.

3. Мусулмонларни ғафлатда қолдириб, шанба куни бирдан устиларига ҳужум қилиш. Чунки, улар яҳудлар шанба куни жанг олиб бормайди, деган ишончда бепарво бўлишади.

Бироқ, қавми бу уччала ишдан биттасини ҳам қабул қилмади. Шунда раислари Саъд ибн Асад ғазаб билан: «Сизлардан бирontангиз ҳам онасининг қорнидан тушганидан бери бир кун бўлса ҳам ақлини ишлатган эмас ўзи», деди.

Шундан сўнг Қурайзанинг олдида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмларига бўйсуниб, тушиб келишдан ўзга чора

қолмади. Бироқ, аввал улар баъзи мусулмон иттифоқчилари билан боғланиб, агар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмларига бош эгиб тушсалар уларни нима жазо кутаётганини билиб олишни истадилар. Маслаҳатлашиб олиш учун улар ҳузурига Абу Лубобани жўнатишларини сўраб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбордилар. Абу Лубоба уларнинг иттифоқчилари бўлиб, мол-мулки ва бола-чақаси уларнинг минтақасида эди. Абу Лубоба келгач, эркаклар унинг истиқболига турдилар, аёллар ва болалар унинг қаршисига келиб йиғлай бошладилар. Абу Лубобанинг уларга раҳми келиб кетди. Улар: «Эй Абу Лубоба, нима дейсиз, Муҳаммаднинг ҳукмига бош эгиб тушсакмикин?», деб сўрашди. У: «Ҳа», деди ва қўли билан бўғзини кўрсатиб, қатл қилинишларига ишора қилди. Сўнг ўша заҳоти ўзининг Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилиб қўйганини англаб қолди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтмай, тўғри Мадинадаги Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига бориб, ўзини масжид устунларидан бирига боғлади ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўллари билан ечмасалар, ўзини ҳеч қачон ечмасликка ва умрбод Бану Қурайза диёрига қадам қўймасликка қасам ичди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга унинг хабари етиб келгач: **«Агар олдимга келганида унга истиғфор айтган бўлардим. Энди модомики, шундай қилган экан, то Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилмагунича мен уни бўшатиб юборолмайман»,** дедилар.

Абу Лубобанинг ишорасига қарамай, Бану Қурайза бари бир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмларига бош эгиб тушишга қарор қилди. Ваҳоланки, яҳудлар узоқ давом этадиган қамалга ҳам бардош беришлари мумкин эди. Чунки, уларнинг озиқ-овқатлари ва сувлари етарли, қудуқлари бор, қалъалари ҳам мустаҳкам эди. Қолаверса, мусулмонлар қаҳратон совуқ ва қаттиқ очликдан қийналишар, ўзлари ҳам ялангда қолишган, аҳзобларга қарши уруш бошланганидан бери тинимсиз ҳарбий амалиётлар ичида юравериб анча ҳолдан тойиб қолишган эди. Лекин, Бану Қурайза ғазоти асаблар жанги эди. Аллоҳ таоло уларнинг дилларига қўрқув солиб қўйди, уларнинг руҳий ҳолатлари емирилиб борди, Али ибн Аби Толиб билан Зубайр ибн Аввом икковлари олға ташланиб, Али: «Эй иймон жамоаси! Аллоҳга қасамки, мен ё Ҳамза эришганидек шаҳидлика эришаман ё уларнинг қалъасини забт этаман», деб ҳайқирганида эса асаблари буткул дош беролмай қолди.

Ана шунда улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмларига таслим бўлишга шошилиб қолишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг эркакларини боғлаб қўйишга буюрдилар, Муҳаммад ибн Масламанинг бош-қошлигида уларнинг қўлларига кишан солинди. Аёллар ва болаларни эркаклардан ажратиб, бир четга қилинди. Шунда авсликлар Росулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Ё Росулуллоҳ, хазражлик биродарларимизнинг иттифоқчилари бўлган Бану Қайнуқоъга қандай ҳукм қилганингиз маълум. Булар бизнинг яқинларимиз эди, энди булар ҳаққида ҳам яхшилик қилсангиз», деб илтимос қилишди. **«Булар тўғрисида ўзларингиздан бўлган бир кишининг ҳукм қилишига рози бўласизларми?»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Ҳа», дейишди. **«Ундай бўлса, бу ишни Саъд ибн Муознинг зиммасига юклайман»,** дедилар. Улар: «Розимиз», дейишди.

Шундан сўнг Саъд ибн Муозни олиб келишга одам юбордилар. У Аҳзоб ғазотида билакдаги жон томиридан олган жароҳати туфайли бу жангга чиқолмай Мадинада қолган эди. Уни эшакка миндириб, олиб келдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келар экан, атрофини ўраб олишиб: «Эй Саъд, иттифоқчиларингизга мурувват кўрсатинг, уларга яхшилик қилинг. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизни уларга яхшилик қиласиз, деб ҳакам қилдилар», дея бошлашди. Саъд эса уларга бир оғиз сўз айтмай, жим келарди. Ҳадеб гапиравершигач: «Саъд учун Аллоҳ йўлида уни маломатчининг маломати тўхтатолмайдиган фурсат келди», деди. Буни эшитиб, айримлар Мадинага қайтиб кетиб, қавмнинг ҳалокатидан хабар беришга шошилишди.

Саъд Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига етиб келгач, у зот саҳобаларга: «Саййидингизга пешвоз чиқинглар», дедилар. Уни тушириб ўтқизишди ва: «Эй Саъд, мана булар ҳаммаси сизнинг ҳукмингизга қараб туришибди», дейишди. Саъд: «Уларга менинг ҳукмим ўтадими?», деб сўради. «Ҳа», дейишди. «Мусулмонларга ҳамми?», деб сўради. «Ҳа», дейишди. У: «Мана шу ердагиларга ҳамми?», деб, одоб ва эҳтиром билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонга ишора қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа, менга ҳам»,** дедилар. «Ундай бўлса, мен уларнинг эркаклари қатл қилиниб, аёллари ва болалари асир қилинишига ва моллари тақсимланишига ҳукм қиламан», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дарҳақиқат, сиз улар хусусида Аллоҳнинг етти қават осмон устида қилган ҳукмини қилдингиз»,** дедилар.

Саъднинг ҳукми ғоят адолатли ва инсоф билан қилинган ҳукм эди. Чунки Бану Қурайза ўзи қўл урган қабиҳ хиёнатидан ташқари, мусулмонларни қириб ташлаш учун бир минг беш юзта қилич, икки мингта найза, уч юзта совут, беш юзта темир ва тери қалқонларни жамғариб қўйган эди. Мусулмонлар уларнинг диёрларини забт этишгач, мана шу қуролларни қўлга киритдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан Бану Қурайза Бану нажжорлик Бинтул Ҳорис исмли аёлнинг уйига қамаб қўйилди. Сўнг Мадина бозорида улар учун чуқурлар қазилиб, тўда-тўда қилиб олиб борилиб, ўша чуқурлар устида бошлари кесилди.

Ҳали ҳибсда турганлар раислари Каъб ибн Асаддан: «Бизни нима қилишади, деб ўйлайсиз?», деб сўрашган эди: «Ҳеч ақлларингизни ишлатмас экансизлар-да?! Кўрмаяпсизларми, чақирувчи одам танламаяпти, кетганлар эса қайтиб келмаяпти?! Аллоҳга қасамки, бу қатлдан бошқа нарса эмас», деб жавоб берди. Улар олти юз билан етти юз киши атрофида эдилар, ҳаммалари қатл қилинди.

Шундай қилиб, қатъий келишув-битимни бузган, мусулмонларнинг ҳаётларидаги энг оғир дамларда уларни қириб ташлаш қасдидаги душманларига ёрдам берган, бу қилмишлари билан ўлим жазосига лойиқ бўлган энг катта уруш жиноятчилари бўлмиш хиёнаткор ва ғаддор илонлар қириб битирилди.

Улар қаторида Бану Назирнинг энг катта иблиси, Аҳзоб жангининг энг катта жиноятчиларидан бири Ҳуяй ибн Ахтоб (уммул мўъминийн Софийя розияллоҳу анҳонинг отаси) ҳам қатл қилинди. Чунки, у Каъб ибн Асадни хиёнатга чорлаган пайтида унга берган аҳдига вафо қилиб, Қурайш ва Ғатафон ортларига қайтиб кетганидан сўнг Бану Қурайза билан бирга унинг қалъасига кириб олган эди. Уни қўлларини бўйнига боғланган ҳолда олиб келишганда (эгнидаги қимматбаҳо кийиминing ҳар ер ҳар еридан бармоқ учи миқдорида йиртиб олган, ундан мусулмонлар ўлжа сифатида фойдалана олмасликлари учун шундай қилганди), у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аллоҳга қасамки, мен сенга душманлик қилганим учун ўзимни маломат қилмайман. Аммо, ким Аллоҳга ғолиб келаман деса, мағлуб бўлар экан», деди. Кейин: «Эй одамлар, майли, Аллоҳнинг амри шу экан, Аллоҳнинг битгани, қадари ва Бану Исроилга ёзиб қўйган қирғини бу», деди, сўнг тиз чўкди ва боши кесилди.

Бану Қурайза аёлларидан фақат битта хотинни қатл этилди. Сабаби, у Халлод ибн Сувайд устига тегирмон тошини ташлаб, уни ўлдирган эди. Уни шунинг учун ўлдирилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам балоғатга етганларни ўлдириб, балоғатга етмаганларни қолдиришга буюрдилар. Балоғатга етмаганлар ичида Атийя Қуразий ҳам бор эди. У мусулмон бўлиб, саҳобалик шарафига муяссар бўлди.

Собит ибн Қайс Зубайр ибн Ботони аҳли-оиласи ва моли билан бирга ўзига ҳадя этишларини сўради, чунки Зубайрнинг Собитга ўтказиб қўйган яхшилиги бор эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни унга ҳадя қилдилар. Собит: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сени менга бердилар, аҳлинг ва молингни ҳам ҳадя қилдилар. Уларни ўзингга бердим», деди. Зубайр қавмининг ўлдирилганини билгач: «Эй Собит, сенга қилган яхшилигим ҳаққи, мени дўсту ёрларим ёнига юборгин», деб талаб қилди. Собит унинг бошини кесиб, яҳудий дўстлари ёнига равона қилди. У Зубайрнинг Абдурраҳмон исмли ўғлини тирк қолдирди, у мусулмон бўлиб, саҳобалик шарафига эришди.

Умму Мунзир Салмо бинт Қайс Нажжорийя Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Рифоъа ибн Самавъал Қуразийни ҳадя этишларини сўраган эди, уни унга ҳадя этдилар. У тирик қолди ва мусулмон бўлиб, саҳобаликка эришди.

Шу куни яҳудлар ҳали таслим бўлишларидан олдин бир неча киши Исломни қабул қилиб, жонларини, аҳли-оила ва мол-мулкларини сақлаб қолишди.

Шу кеча Амр ибн Саъдий чиқиб кетди (у Бану Қурайзанинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган хиёнатига қўшилмаган эди). Мусулмон лашкари қўриқчилари бошлиғи Муҳаммад ибн Маслама уни кўрди-ю, кимлигини билгач, йўлини тўсмади. Шу кетишда унинг қаерга кетгани маълум бўлмади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Қурайзанинг мол-мулкидан бешдан бир қисмини ажратиб олгач, қолганини тақсимладилар. Отлиққа уч ҳисса – икки ҳисса отига, бир ҳисса ўзига, пиёдага бир ҳисса улуш ажратдилар. Асирлардан бир қисмини Саъд ибн Зайд Ансорий қўли остида Наждга юбордилар ва улар эвазига от-улов ва қурол-яроғ сотиб олдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг аёлларидан Райҳона бинт Амр ибн Хунофани ўзларига танлаб олдилар. У то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларича ҳам у зотнинг қўли остида бўлди. Ибн Исҳоқ шундай деган. (“Ибн Ҳишом”, 2/245). Аммо Калбийнинг сўзларига қараганда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни 6-ҳижрийда озод қилиб, уйланганлар ва у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳажжатул-вадоъдан қайтган пайтларида вафот этиб, Бақеъга дафн қилинган.

“Талқиҳу фуҳуми аҳлил-асар”, 12-с.

Бану Қурайзанинг иши охирига етгач, солиҳ банда Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳунинг биз юқорида айтиб ўтган, Аҳзоб ғазотида қилган дуоси ижобат бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яқинроқ хабар олиб туриш учун унга масжидда бир чодир тиктириб бергандилар. Қурайзанинг иши охирлагач, унинг жароҳати ёрилиб кетди. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Унинг жароҳати (шишиб кетиб) кўкрагининг юқорироғидан ёрилиб кетди. Масжидда Бану Ғифорга қарашли яна бир чодир бор эди. Ўша чодир аҳли ўзлари томон оқиб келаётган қонни кўриб, қўрқиб кетишди ва: «Ҳой чодирдагилар, сизлар томондан оқиб келаётган нарса нима?», деб хитоб қилишди. Маълум бўлишича, Саъднинг жароҳатидан қон отилаётган экан, у шундан вафот этди». «Саҳиҳул Бухорий», 2/591.

Икки «Саҳиҳ»да Жобирдан ривоят қилинишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саъд ибн Муознинг ўлимидан Раҳмоннинг арши ларзага келди», дедилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/536; “Саҳиҳ Муслим”, 2/294, “Жомеъут-Термизий”, 2/225.

Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Саъд ибн Муъознинг тобути кўтарилгач, мунофиқлар: «Унинг тобути бунча енгил бўлмаса», дейишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Чунки, уни малоикалар кўтариб бордилар»,** дедилар.

«Жомеъут-Термизий», 2/225.

Бану Қурайза қамали пайтида мусулмонлардан бир киши – Халлод ибн Сувайд қурайзалик бир аёл унинг бошига тегирмон тоши ташлаб юбориши оқибатида ҳалок бўлди. Қамал асносида Абу Синон ибн Миҳсон – Уккошанинг туғишган биродари вафот этди.

Абу Лубобага келсак, у олти кун устунга боғланган кўйи қолиб кетди. Намоз вақтларида аёли келиб, намоз учун ечиб қўяр, намоздан сўнг яна қайтиб боғланиб оларди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳар пайти Умму Саламанинг уйида эканларида унинг тавбаси мақбул бўлгани ҳақида ваҳий нозил бўлди. Умму Салама ҳужраси эшиги ёнидан туриб: «Эй Абу Лубоба! Хурсанд бўлинг, Аллоҳ тавбангизни қабул қилди», дедилар. Шунда одамлар уни ечиш учун гурра қўзғолдилар. Бироқ, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа биров уни ечишига кўнмади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам субҳ намозига чиқиб кела туриб, уни ечиб қўйдилар.

Ушбу ғазот бешинчи ҳижрийнинг Зул-қаъда ойида бўлиб ўтди, қамал йигирма беш кун давом этди.

«Ибн Ҳишом», 2/237, 238, ушбу ғазот тафсилотига қаранг, 2/232-273; «Саҳиҳул Бухорий», 2/590, 592; “Зодул маод”, 2/72-74.

Аллоҳ таоло Аҳзоб ва Бану Қурайза ғазотлари ҳақида «Аҳзоб» сурасида бир неча оятлар нозил қилиб, уларда воқеанинг энг муҳим нуқталарини зикр қилди, мўмин ва мунофиқларнинг ҳолатларини, фирқаларни ёрдамсиз қолдирганини ва аҳли китобларнинг хиёнати оқибатларини баён қилиб берди.

УШБУ ҒАЗОТДАН КЕЙИН БЎЛИБ ЎТГАН ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР

Саллом ибн Абул Ҳуқайқнинг ўлдирилиши

Куняси Абу Рофиъ бўлган Саллом ибн Абул Ҳуқайқ жамоаларни мусулмонларга қарши урушга ундаган ва уларни озиқ-овқат ва пул-мол билан таъминлаб турган яҳуд жиноятчиларининг энг катталаридан бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп озори теккан эди. Мусулмонлар Бану Қурайзадан фориғ бўлишгач, Хазраж Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уни ўлдиришга изн сўради. Маълумки, Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши авсликлар қўли билан бўлганди. Шу туфайли хажражликлар ҳам ана шундай фазлга эришиш учун бу иш улар қўли билан бўлишини истаб, рухсат олишга шошилдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўлдиришларига изн бердилар, бироқ аёллар ва болаларни ўлдиришдан қайтардилар. Ҳаммаси Хазражнинг Бану Салама уруғидан бўлган, Абдуллоҳ ибн Атик бошчилигидаги беш кишилик гуруҳ бу вазифани адо қилишга отланиб, Абу Рофиънинг қалъаси жойлашган Ҳайбар томонга йўл олди. Етиб келишганда кун ботиб қолган ва одамлар чорваларини ҳайдаб келишаётган эди. Абдуллоҳ ибн Атик шерикларига: «Сизлар шу ерда ўтириб туринглар, мен бориб, эшикбон билан тиллашиб кўрайчи, зора ичкарига кириб олсам», деди. Сўнг дарвозага яқинроқ бориб, юзини кийими билан ўраб олиб, гўё ҳожат адо этаётган одамдек ўтирди. Одамлар кириб бўлгач, эшикбон: «Ҳой Аллоҳнинг бандаси, кирсанг тезроқ кириб ол, мен эшикни беркитаман», деб қичқирди.

Абдуллоҳ ибн Атик айтади: «Шунда мен ичкари кириб, бир жойда яшириниб ўтирдим. Ҳамма кириб бўлгач, эшикбон давозаларни қулфлаб, калитларни бир қозиққа илиб қўйди. Мен секин бориб, калитларни олиб, эшикни очдим. Абу Рофиънинг уйида меҳмонлари бор экан, улар унинг болохонасида гаплашиб ўтиришарди. Улар кетишгандан кейин тепага чиқиб бордим ва ўзим очган ҳар бир эшикни ичидан қулфлаб боравердим. Ўзимча айтдимки, қавм агар мендан огоҳ топиб қолса ҳам то уни ўлдиргунимча олдимга етиб келолмайди. Унинг хонасига етиб келдим. У қоронғи уйда аҳли-оиласи ичида бўлиб, мен унинг аниқ қаердалигини билолмадим. Шундан кейин: «Абу Рофиъ!» деб чақирдим. «Ким у?», деди. Шунда мен овоз чиққан томонга яқинлашиб, қилич солдим, лекин ҳаяжондан зарбам хато кетди. У қичқириб юборди. Мен ташқарига чиқиб, бир оз турдим-да, кейин ичкарига кириб: «Нима шовқин, эй Абу Рофиъ?», дедим. (У мени ўз хизматкорларидан, деб гумон қилиб:) «Онанг ўлгур, кимдир менга қилич урмоқчи бўлди!», деди. Шунда мен унга яна қилич уриб яраладим, лекин ўлдиролмадим. Сўнг қиличимнинг учини унинг қорнига тираб, бор оғирлигим билан босдим, ҳатто қилич унинг орқасидан чиққани билинди. Мен унинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, эшикларни бирма-бир очиб, зинапояга етиб келдим. Кеча ойдин эди. Зинапоядан тушарканман, ерга етдим, деган ўйда оёғимни қўйдим. Шунда оёғим тойиб йиқилдим ва болдирим синди. Оёғимни саллам билан чандиб боғлаб олдим-да, бориб, эшик ёнида ўтирдим. То ўлдирганимни аниқ билмагунимча кетмайман, дедим. Хўроз қичқиргач, бир киши девор устига чиқиб: «Ҳижоз аҳлининг тожири Абу Рофиънинг ўлимидан хабардор бўлинглар!», деб қичқирди. Мен шундан сўнг шерикларим ёнига бордим ва: «Кетдик тезда, Аллоҳ Абу Рофиъни ҳалок қилди», дедим. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтиб, бўлган воқеани айтиб бердим. У зот: **«Оёғингизни узатинг»,** дедилар. Оёғимни узатган эдим, силаб қўйдилар. Шу билан оёғим бутунлай тузалиб, кўрмагандек бўлиб кетдим».

«Саҳиҳул Бухорий», 2/577.

Имом Бухорий ривоятида ана шундай дейилган. Ибн Исҳоқ ривоятида айтилишича, гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси Абу Рофиъ олдига кириб бориб, уни ўлдиришда иштирок этганлар ва уни қиличи билан босиб ўлдирган киши Абдуллоҳ ибн Унайс бўлган. Унда яна айтилишича, улар тунда уни ўлдиришганидан сўнг Абдуллоҳ ибн Атикнинг оёғи синиб, уни кўтариб олишади ва қалъага сув ўтадиган бир туйнук ичига тушиб олишади, яҳудлар гулхан кўтариб, атрофда югуриб, ҳамма ёқни излаб ҳеч кимни топишолмай қайтиб кетишгач, улар Абдуллоҳ ибн Атикни кўтариб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келадилар. «Ибн Ҳишом», 2/274, 275.

Ушбу сарийянинг юборилиши 5-ҳижрийнинг зул-қаъда ёки зул-ҳижжа ойида бўлган эди. «Раҳматан лил-аламийн», 2/223.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳзоб ва Қурайзадан фориғ бўлганларидан сўнг тинчлик ва осойишталикка фақат куч ва зўрлик воситасидагина кўнадиган бадавий ва бошқа қабилаларга уларнинг эсини жойига киритиб қўядиган ҳужумкор гуруҳларни юбора бошладилар.

Муҳаммад ибн Маслама сарийяси

Бу Аҳзоб ва Қурайзадан фориғ бўлингандан кейинги биринчи сарийя бўлиб, жангчилари сони ўттиз кишидан иборат эди. Ушбу сарийя Нажд ўлкасининг Бакарот, деган жойига қарашли Зарийя ноҳиясидаги Қуртоъ (қишлоғи ёки қабиласи) сари отланиб, 6 - ҳижрийнинг муҳаррам ойи тугашига ўн кун қолганида Бану Бакр ибн Килоб уруғи томон йўлга чиқди. Зарийя билан Мадина оралиғи етти кечалик йўл эди. Сарийя аъзолари етиб бориб, улар устига ҳужум қилишганда ҳаммаси қочиб, тумтарақай бўлиб кетишди. Мусулмонлар уларнинг туя ва қўй подаларини ҳайдаб кетдилар ва муҳаррамнинг сўнгги кечасида Мадинага етиб келдилар. Улар ўзлари билан бирга Мусайлама каззобнинг топшириғи билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш мақсадида қиёфасини ўзгартириб йўлга чиққан бану Ҳанифа қабиласи саййиди Сумома ибн Ассол Ҳанафийни ҳам қўлга тушириб олиб келишди. Етиб келишгач, уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига чиқиб: **«Нима мақсадинг бор эди, эй Сумома?»,** деб сўрадилар. У: «Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ, эй Муҳаммад. Агар ўлдирсангиз, бир тирик жонни ўлдирасиз. Агар марҳамат кўрсатсангиз, яхшиликни билган одамга марҳамат кўрсатган бўласиз. Агар мол истасангиз, истаганингизча молга эга бўласиз», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдидан кетдилар. Кейин иккинчи марта унинг ёнидан ўтаётиб, яна ўша саволларини қайтардилар. У ҳам аввалги жавобини қайтарди. Учинчи марта ҳам юқоридаги савол-жавоб бўлганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сумомани қўйиб юборинглар»,**

дедилар. Уни қўйиб юборишди. Шунда Сумома масжидга яқин бир хурмозорга бориб, ғусл қилди, сўнг қайтиб келиб, Исломни қабул қилди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Аллоҳга қасамки, мен учун ер юзида сизнинг юзингиздан кўра ёқимсизроқ юз йўқ эди, энди сизнинг юзингиз мен учун энг суюмли юзга айланди. Аллоҳга қасамки, мен учун ер юзида сизнинг динингиздан кўра ёқимсизроқ дин йўқ эди, энди сизнинг динингиз мен учун энг суюмли динга айланди. Сизнинг отлиқларингиз мени умра учун бораётганимда қўлга олишди»,** деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни муборакбод этдилар ва умра сафарини давом эттиришга буюрдилар. У Қурайш олдига келганида улар: «Сен ҳам диндан озибсан-да, эй Сумома?», дейишди. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ундай эмас! Балки, мен Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, мусулмон бўлдим. Аллоҳга қасамки, то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бермагунларича сизларга Ямомадан битта буғдой дони ҳам келмайди!», деди. Ямома Маккани дон-дун билан таъминловчи асосий экинзор ер эди. Сумома юртига қайтиб боргач, Маккага озиқ-овқат етказиб беришни тақиқлаб қўйди. Бунинг оқибатида Қурайш озиқ-овқат тақчиллигидан қаттиқ қийналиб қолди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Мактубда у зотдан ўрталаридаги қариндошчилик ҳаққи-ҳурмати, Сумомани Маккадан озиқ-овқат тақиқини бекор қилишга чорлаш сўраларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг илтимосларини қондирдилар.

«Зодул маод», 2/119; «Саҳиҳул Бухорий», (4372-ҳ); «Фатҳул Борий», 7/688.

Бану Лаҳён ғазоти

Бану Лаҳён Ражиъда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнта саҳобалари хиёнаткорона ўлдирилишига сабаб бўлган қабила бўлиб, уларнинг диёри Ҳижознинг ичкарисида, Макка ҳудудларига яқин жойда жойлашгани учун ҳамда мусулмонлар билан Қурайш ва аъробийлар орасида кучли зиддиятлар давом этиб тургани боис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам катта душманга яқин бўлган ўлкаларга кириб боришдан ўзларини тийиб тургандилар. Аҳзоб (жамоалар)нинг кучи кесилиб, қатъиятлари йўқолиб, мавжуд вазиятга маълум даражада кўникишга мажбур бўлишгач, у зот Ражиъда ўлдирилган асҳобларининг ўчини олиш пайти келди, деб ҳисобладилар. 6 ҳижрийнинг рабиул-аввал ёки жумодул-уло ойида Мадинага Ибн Умму Мактумни халифа қилиб қолдириб, икки юзта саҳоба ҳамроҳлигида ўзларини Шом сафарига отлангандек кўрсатиб, йўлга отландилар. Сўнг катта тезликда йўл юриб, асҳоблари шаҳид бўлган ўринга, Амаж ва Усфон ўртасидаги Батн Ғурон водийсига етиб келдилар. Асҳоблари ҳаққига Аллоҳнинг раҳматини сўраб дуо қилдилар. Бану лаҳёнликлар мусулмонларнинг дарагини эшитиб, тоғу тошларга қочиб чиқиб кетишди, улардан бирон кишини ҳам тутиш

имкони бўлмади. Уларнинг диёрида икки кун турдилар, атрофга сарийялар юбордилар, лекин ҳеч кимни қўлга туширолмадилар. Шундан сўнг Усфонга қараб юрдилар. Бу юришлари Қурайшнинг қулоғига ҳам етиб бориши учун ўн нафар суворийни Куроул-Ғамимга юбордилар. Сўнг Мадинага қайтиб келдилар. Ушбу юришлари ўн тўрт кун давом этди.

АТРОФГА КЕТМА-КЕТ САРИЙЯЛАР ЮБОРИЛИШИ

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофга кетма-кет сарийя ва жанговор гуруҳлар юбордилар. Қуйида уларнинг қисқача баёни билан танишасиз:

1. 6-ҳижрийнинг рабиул-аввал ёки рабиул-охирида Ғамрга юборилган Уккоша ибн Миҳсон бошчилигидаги сарийя. Уккоша қирқ киши билан Ғамрга – Бану Асадга қарашли сувли ерга кириб борганида қавм тирқираб кетди. Мусулмонлар икки юзта туяни қўлга киритиб, Мадинага ҳайдаб келдилар.

2. 6-ҳижрийнинг рабиул-аввал ёки рабиул-охирида Зул-қассага юборилган Муҳаммад ибн Маслама бошчилигидаги сарийя. Ибн Маслама ўн кишилик гуруҳ билан Бану Саълаба диёри бўлмиш Зул-қассага етиб борганида қавм улар учун юз кишилик пистирма тайёрлаб қўйган эди. Мусулмонлар уйқуга кетганда пистирмадагилар тўсатдан ҳамла қилиб, уларни ўлдириб кетишди, фақат битта Ибн Маслама яраланган ҳолда тирик қолди.

3. 6-ҳижрийнинг рабиул-охирида Зул-қассага юборилган Абу Убайда ибн Жарроҳ бошчилигидаги сарийя. Бу сарийяни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муҳаммад ибн Масламанинг асҳоблари ўлдирилганидан кейин юбордилар. Абу Убайда қирқ киши билан улар ҳалок бўлган жойга отландилар. Улар тунлари пиёда йўл юриб, тонг пайти Бану Саълаба устига етиб бориб, ҳужум қилдилар. Улар тоғларга қочиб чиқиб кетишди. Фақат бир кишини қўлга олишди. У мусулмон бўлди. Туя ва қўй подаларини ўлжа қилиб олиб келдилар.

4. 6-ҳижрийнинг рабиул-охирида Жамумга юборилган Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги сарийя. Жамум Марруз-заҳрондаги Бану Сулаймга тегишли сувли ер бўлиб, Зайднинг сарийяси у ерга етиб бориб, музайналик Ҳалима исмли бир аёлни ушлаб олдилар. У мусулмонларни Бану Сулаймнинг бир маҳалласига йўллаб қўйди. Улар у ерда туя ва қўйларни, шунингдек бир қанча асирларни қўлга киритдилар. Асирлар ичида Ҳалиманинг эри ҳам бор эди. Зайд қўлга киритган нарсалари билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келганидан сўнг у зот музайналик аёлнинг ўзини ҳам, эрини ҳам озод қилдилар.

5. 6-ҳижрийнинг жумодул-уло ойида Ийсга юборилган Зайд бошчилигидаги бир юз етмиш отлиқдан иборат сарийя. Ушбу

сарийя Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куёвлари Абул-Ос бошчилигидаги Қурайш карвонидаги молларни қўлга киритди. Абул-Оснинг ўзи қочиб қутулди. Кейин у Зайнаб олдига келиб, унинг ҳимоясига кирди ва Зайнабдан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан карвондаги молларни қайтариб беришларини илтимос қилишини сўради. Зайнаб илтимос қилгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга карвонга тегишли молларни қайтариб беришни маслаҳат бердилар, бироқ ҳеч кимни бунга мажбур қилмадилар. Шунда ҳамма озми, кўпми, каттами, кичикми, нима олган бўлса ҳаммасини қайтариб берди. Абул-Ос Маккага қайтиб, омонатларни эгаларига топширгач, мусулмон бўлиб, Мадинага ҳижрат қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Зайнабни уч йилдан кўпроқ вақт ўтгани ҳолда ўша аввалги никоҳи билан қайтариб бердилар. Бу ҳақда саҳиҳ ҳадисда собит бўлган. (Қаранг: “Сунан Абу Довуд”, «Агар эр аёлидан кейин мусулмон бўлган бўлса, қанча вақтгача унга аёлини қайтариб бериш мумкин», деб номланган боб). Чунки, муслима аёлларнинг кофирларга ҳаром бўлиши ҳақидаги оят ҳали тушмаган эди. Аммо, уни янгидан никоҳлаб берганлари ёки олти йилдан кейин қайтариб берганлари ҳақидаги ҳадис маъно жиҳатидан ҳам, санад жиҳатидан ҳам саҳиҳ эмас (ҳар икки ҳадис ҳақидаги сўзга қаранг: “Туҳфатул Аҳвазий”, 2/195, 196). Шуниси қизиқки, ушбу заиф ҳадисни ушлаган кишилар Абул-Оснинг саккизинчи йилнинг охирларида, фатҳдан сал олдинроқ мусулмон бўлганини айтишади. Кейин ўз сўзларига қарши ҳужжат ўлароқ, Зайнабни саккизинчи йилнинг бошларида вафот қилган, дейишади. Биз бу ҳақда «Булуғул-маром»га ёзган шарҳимизда батафсил айтиб ўтганмиз.

Ибн Ҳажар ҳам «Фатҳул Борий»да (7/498) ушбу сарийяни 6-ҳижрийда бўлиб ўтган ҳодисалар қаторида санаб ўтган.

Мусо ибн Уқба бу ҳодиса (яъни, Қурайш карвонини қўлга олиш ҳодисаси) еттинчи ҳижрийда Абу Басир ва унинг шериклари томонидан амалга оширилган деган фикрни қувватлаган. Бироқ, бу на саҳиҳ ва на заиф ҳадисга мувофиқ келади.

6. 6-ҳижрийнинг жумодул-охир ойида Ториф ёки Ториққа юборилган Зайд бошчилигидаги сарийя. Зайднинг 15 кишилик бу сарийяси Бану Саълаба устига босиб борди. Бироқ, бадавийлар қочиб қолишди ва устларига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшин тортиб келди, деган гумонда қўрқиб кетишди. Мусулмонлар уларнинг 20 туясини қўлга киритиб, тўрт кун деганда қайтиб келдилар.

7. 6-ҳижрийнинг ражаб ойида Қуро водийсига юборилган Зайд бошчилигидаги сарийя. Зайд 12 киши билан душман ҳаракатларини аниқлаш мақсадида Қуро водийсига йўл олди. Шунда водий аҳли уларга ҳужум қилиб, тўққиз кишини ўлдиришди. Уч киши, шу жумладан Зайд қутулиб кетишди.

«Раҳматан лил-аламийн», 2/226; «Зодул маод», 2/120-122.

8. Хабат (барг) **сарийяси.** Бу сарийяни 8-ҳижрий ражаб ойида бўлган дейилади. Бироқ, воқеалар оқими далолат қилишича, у Ҳудайбия сулҳидан олдин бўлган. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам биз 300 отлиқни Абу Убайда ибн Жарроҳ амирлигида Қурайш карвонини пойлаш учун юбордилар. Биз қаттиқ очликдан ҳатто дарахт баргларини едик – шу боис Хабат (барг) сарйяси деб аталди. Шундан сўнг бир киши учта туя сўйди, кейин яна учта туя сўйди, кейин яна учта туя сўйди, сўнг Абу Убайда унга яна туя сўйишни ман қилди. Кейин денгиз бизга анбар (кашалот, йирик тишли улкан кит) деб аталган улкан бир жониворни чиқариб ташлади. Ярим ой шунинг гўштидан едик, мойи билан мойландик, ҳатто семириб, баданларимиз тўлишиб қолди. Абу Убайда унинг қовурғаларидан бирини олиб, лашкар ичидаги энг новча одамни энг баланд туяга миндириб, унинг остидан ўтказганди, у бемалол ўтиб кетди. Биз унинг гўштидан қовурдоқ қилиб (ёки қуритиб) олдик. Мадинага келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга воқеани айтиб берган эдик: **«У Аллоҳ сизларга чиқариб берган ризқдир, унинг гўштидан борми, бизлар ҳам есак?»,** дедилар. Биз унинг гўштидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юбордик».

«Саҳиҳул Бухорий», 2/625, 626; “Саҳиҳ Муслим”, 2/145, 146.

Биз воқеалар оқими бу сарийянинг Ҳудайбия сулҳидан олдин бўлганига далолат қилади, дедик. Чунки, мусулмонлар Ҳудайбия сулҳидан кейин Қурайш карвони йўлини тўсмайдиган бўлганлар.

Бану Мусталиқ ёки Мурайсиъ ғазоти

(5- ёки 6- ҳижрийнинг шаъбони)

Бу ғазот кўлами ва миқёси жиҳатидан улкан ҳарбий юришлар сирасига кирмаса-да, унда бир неча воқеалар бўлиб ўтдики, улар ислом жамияти ичида маълум даражада беқарорлик ва безовталик келтириб чиқарди. Бунинг натижаси ўлароқ мунофиқларнинг шармандали башаралари яна бир бор фош бўлди ва исломий жамиятга олижаноблик, каромат ва нафсларнинг покланиши каби ўзига хос суратни бахш этган таъзир чоралари қўлланди. Аввал ғазотнинг ўзи ҳақида сўз юритайлик-да, кейин у воқеаларнинг баёнига ўтамиз.

Бу ғазот кўпчилик тарихчилар фикрига кўра бешинчи йилнинг, Ибн Исҳоқ фикрига кўра 6- йилнинг шаъбон ойида бўлиб ўтган.

Унинг келиб чиқиш сабаби шуки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Бану Мусталиқ раиси Ҳорис ибн Аби Зирор ўз қавми ва унга тобеъ бошқа араб қабилалари билан бирга мусулмонларга қарши жангга ҳозирланаётгани хабари етиб келди. Шунда Бурайда ибн Ҳасиб Асламийни бу хабарнинг ҳақиқатини аниқлаб келишга юбордилар. Бурайда бориб, Ҳорис ибн Аби Зирор билан учрашиб, сўзлашгач,

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтиб, хабарнинг тўғрилигини билдирди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни жангга сафарбар қилиб, зудлик билан юриш бошладилар. Йўлга отланишлари шаъбоннинг иккинчи кунида бўлди. Ушбу юришларига илгариги жангларда иштирок этмаган бир гуруҳ мунофиқлар ҳам қўшилиб чиқишди. Мадинага Зайд ибн Ҳорисани халифа қилиб қолдирдилар. Баъзилар Абу Зарни, баъзилар Нумайла ибн Абдуллоҳ Лайсийни қолдирганлар, ҳам дейишган. Ҳорис ибн Аби Зирор Ислом қўшини ҳақида хабар олиб келиши учун бир хабарчи-жосус қўйган экан, мусулмонлар уни ушлаб олиб, ўлдирдилар.

Ҳорис ибн Аби Зирор ва унинг қўшинига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лашкар тортиб келаётганлари ва унинг жосусини ўлдирганлари хабари етгач, улар қаттиқ қўрқувга тушиб қолишди ва Ҳорис атрофига йиғилган араб қабилалари тарқалиб кетишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мурайсиъга – Қудайд ноҳиясидаги соҳилга яқин сувли жойга етиб келдилар ва жангга ҳозирландилар. Асҳобларини сафларга тиздилар, муҳожирлар байроғини Абу Бакр Сиддиққа, ансорлар байроғини Саъд ибн Убодага бердилар. Бир муддат икки тараф бир-бирига камондан ўқ узишдилар, сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан мусулмонлар шиддат билан ҳамла қилиб, буткул ғалабага эришдилар, мушриклар мағлуб бўлиб, ўлганлари ўлиб, қолганлари чекинишди. Мусулмонлар аёллар ва болаларни, чорва ҳайвонларини қўлга киритдилар. Мусулмонлардан фақат бир киши ўлдирилди, уни ҳам бир ансорий адашиб, душмандан, деб ўйлаб ўлдириб қўйди.

Тарихчи ва сийратчилар ана шундай ёзадилар. Ибн Қоййум бу фикрга қўшилмаган. Унинг фикрича, ўртада жанг бўлмаган, мусулмонлар улар устига бостириб келишган ва бола-чақа ва мол-мулкларини қўлга киритишган, саҳиҳ ҳадисда келганидек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Мусталиқни ғафлатда қолдириб, устларига ҳужум қилганлар. У шундай, деб бу ҳақдаги ҳадисни келтиради.

«Саҳиҳул Бухорий», “Китобул итқ”, 1/ 345; «Фатҳул Борий», 5/202, 7/431.

Асирлар ичида қавм саййиди Ҳориснинг қизи Жувайрия ҳам бўлиб, у Собит ибн Қайснинг улушига тушди. Собит у билан мукотабликка (яъни, маълум тўлов эвазига озод қилишга) келишганда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг тўловини адо қилдилар, сўнг унга уйландилар. Шундан сўнг мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу уйланишлари шарофати билан Бану Мусталиқдан асирга олиниб, мусулмон бўлган юз хонадон аҳлини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қудалари, деган эҳтиром билан озод қилиб юбордилар.

«Зодул маод», 2/112, 113; «Ибн Ҳишом», 2/289, 290, 294, 295.

Энди ушбу ғазот асносида юз берган воқеаларга келсак, уларнинг асосий сабабчиси мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг дўстлари бўлгани боис, аввало уларнинг Ислом жамияти ичидаги кирдикорларидан баъзиларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Мунофиқларнинг Бану Мусталиқ ғазотидан олдинги кирдикорлари

Аввал ҳам бир неча бор айтиб ўтганимиздек, Абдуллоҳ ибн Убай Исломни ва мусулмонларни ёмон кўрар, айниқса унинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нафрати беқиёс эди. Чунки, Авс ва Хазраж уни ўзларига бошлиқ қилиб, бошига тож кийдиришга келишиб турган бир даврда Мадинага Ислом кириб келиб, Ибн Убай бир четга сурилиб қолганди. У ўзининг подшоҳликдан маҳрум бўлишига асосий айбдор, деб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрарди.

Унинг бу нафрат ва адовати Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан тортиб то у ўзини мусулмонликни қабул қилганини даъво қилгунича ҳам давом этиб келганди. Бир куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Убодани кўриб келиш учун эшакка миниб бораётиб, Абдуллоҳ ибн Убай ўтирган мажлис олдидан ўтиб қолдилар. Шунда у енги билан бурнини тўсиб: «Бизга чангитманглар!», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу мажлис аҳлига Қуръон ўқиб берганларида у: «Уйингизда ўтиринг, мажлисларимизга келиб, бизга озор берманг!», деди.

«Ибн Ҳишом», 1/584, 587; «Саҳиҳул Бухорий», 2/924; “Саҳиҳ Муслим”, 2/ 109.

Бу унинг мусулмонликни даъво қилишдан олдинги ҳолати эди. Бадрдан кейин ўзини мусулмон қилиб кўрсатгач ҳам Аллоҳ ва Росулига ҳамда мўминларга адоват қилишда давом этди, ислом жамиятини парчалаб ташлаш ва мусулмонлар бирдамлигини заифлаштириш учун тинмай бош қотирарди, Ислом душманларини дўст тутарди. Айтиб ўтганимиздек, у Бану Қайнуқоъ ишига ҳам аралашди. Шунингдек, Уҳуд ғазотида ҳам мусулмонларни бўлиб ташлаш, сафлари ичида парокандалик ва тушкунлик пайдо қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди.

Бу мунофиқнинг энг катта макрларидан ва мусулмонларни алдаш кўринишларидан яна бири шу эдики, мусулмонлик даъво қилганидан кейин ҳар жума Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбага чиққанларида у ўрнидан туриб, қавмга қараб: «Бу киши сизларнинг ичларингиздаги Аллоҳнинг элчиси, Аллоҳ сизларни у сабабли азиз ва мукаррам қилди. Сизлар бу кишига ёрдам берингилар, уни қўллаб-қувватланглар, унга қулоқ солиб, итоат қилинглар», деб хитоб қилиб, сўнг ўрнига ўтирар, шундан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба бошлардилар. Бу мунофиқнинг юзсизлиги шу даражага етдики, Уҳуддан кейинги жумада – шунча қабиҳ хиёнат ва ёмонлик қилганидан кейин – яна илгари айтадиган сўзларини айтиш

мақсадида ўрнидан турган эди, мусулмонлар унинг этагидан тортиб: «Ўтир, эй Аллоҳнинг душмани! Сен шунча қилғиликни қилганингдан кейин энди бунга лойиқ эмассан!» дейишди. У одамларнинг елкалари оша ташқарига йўл оларкан: «Худо ҳаққи, мен унинг ишини қўллаб-қувватлаш учун ўрнимдан турган бўлсам-у, улар менга худди бирон ёмон гап қилиб қўйган одамдек муомала қилишади-я!», деб шовқин солди. Остонада унга йўлиққан бир ансорий: «Ҳой қуриб кетгур, қайт орқангга, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга истиғфор айтадилар», деган эди: «Мен унинг истиғфорига зор эмасман», деди.

Унинг Бану Назир билан ҳам мустаҳкам алоқалари бўлиб, мусулмонларга қарши улар билан тил бириктириб иш қиларди. Аллоҳ таоло улар ҳақида оят нозил қилганди:

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ نَافَقُوا۟ يَقُولُونَ لِإِخْوَٰنِهِمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ
لَئِنْ أُخْرِجْتُمْ لَنَخْرُجَنَّ مَعَكُمْ وَلَا نُطِيعُ فِيكُمْ أَحَدًا أَبَدًا وَإِن قُوتِلْتُمْ
لَنَنصُرَنَّكُمْ وَٱللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿١١﴾

«(Эй Муҳаммад, алайҳис-салом)**, мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблар** (яҳудийлар)**дан бўлган кофир биродарларига: «Қасамки, агар сизлар** (Мадинадан) **қувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар**(га қарши урушиш) **тўғрисида ҳеч қачон бирон кимсага итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта бизлар сизларга ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмадингизми? Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар»**.

”Ҳашр” сураси, 11-оят.

Ундан ташқари, Ибн Убай ва шериклари Аҳзоб ғазотида ҳам безовталик ва беқарорлик келтириб чиқариш ва мўминлар қалбига қўрқув ва даҳшат солиш мақсадида елиб-югуришди. Аллоҳ таоло улар ҳақида айтади:

وَإِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ مَّا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢﴾
وَإِذْ قَالَت طَّآئِفَةٌ مِّنْهُمْ يَٰٓأَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَٱرْجِعُوا۟ ۚ وَيَسْتَـْٔذِنُ فَرِيقٌ مِّنْهُمُ ٱلنَّبِىَّ
يَقُولُونَ إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ وَمَا هِىَ بِعَوْرَةٍ ۖ إِن يُرِيدُونَ إِلَّا فِرَارًا ﴿١٣﴾ وَلَوْ دُخِلَتْ عَلَيْهِم مِّنْ
أَقْطَارِهَا ثُمَّ سُئِلُوا۟ ٱلْفِتْنَةَ لَءَاتَوْهَا وَمَا تَلَبَّثُوا۟ بِهَآ إِلَّا يَسِيرًا ﴿١٤﴾ وَلَقَدْ كَانُوا۟ عَٰهَدُوا۟ ٱللَّهَ مِن

قَبْلُ لَا يُوَلُّونَ ٱلْأَدْبَٰرَ ۚ وَكَانَ عَهْدُ ٱللَّهِ مَسْـُٔولًا ﴿١٥﴾ قُل لَّن يَنفَعَكُمُ ٱلْفِرَارُ إِن فَرَرْتُم
مِّنَ ٱلْمَوْتِ أَوِ ٱلْقَتْلِ وَإِذًا لَّا تُمَتَّعُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٦﴾ قُلْ مَن ذَا ٱلَّذِى يَعْصِمُكُم مِّنَ
ٱللَّهِ إِنْ أَرَادَ بِكُمْ سُوٓءًا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ رَحْمَةً ۚ وَلَا يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا
﴿١٧﴾ ۞ قَدْ يَعْلَمُ ٱللَّهُ ٱلْمُعَوِّقِينَ مِنكُمْ وَٱلْقَآئِلِينَ لِإِخْوَٰنِهِمْ هَلُمَّ إِلَيْنَا ۖ وَلَا يَأْتُونَ ٱلْبَأْسَ
إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٨﴾ أَشِحَّةً عَلَيْكُمْ ۖ فَإِذَا جَآءَ ٱلْخَوْفُ رَأَيْتَهُمْ يَنظُرُونَ إِلَيْكَ تَدُورُ أَعْيُنُهُمْ
كَٱلَّذِى يُغْشَىٰ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْمَوْتِ ۖ فَإِذَا ذَهَبَ ٱلْخَوْفُ سَلَقُوكُم بِأَلْسِنَةٍ حِدَادٍ أَشِحَّةً عَلَى
ٱلْخَيْرِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ لَمْ يُؤْمِنُوا۟ فَأَحْبَطَ ٱللَّهُ أَعْمَٰلَهُمْ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٩﴾ يَحْسَبُونَ
ٱلْأَحْزَابَ لَمْ يَذْهَبُوا۟ ۖ وَإِن يَأْتِ ٱلْأَحْزَابُ يَوَدُّوا۟ لَوْ أَنَّهُم بَادُونَ فِى ٱلْأَعْرَابِ
يَسْـَٔلُونَ عَنْ أَنۢبَآئِكُمْ ۖ وَلَوْ كَانُوا۟ فِيكُم مَّا قَٰتَلُوٓا۟ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٢٠﴾

«Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган (яъни, эътиқодлари заиф бўлган) **кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», дея бошладилар. Ўшанда улар** (мунофиқлар)**дан бир тоифаси деди: «Эй Ясриб** (яъни, Мадина) **аҳли, сизлар учун** (бу қадар кўп сонли ёвга қарши) **туриш** (имкони) **йўқдир, бас** (ўз уйларингизга) **қайтиб кетинглар». Улар** (мунофиқлар)**дан яна бир гуруҳ эса «Уйларимиз очиқ-сочиқ** (қолган эди)**», деб пайғамбардан изн сўрардилар. Ҳолбуки** (уйлари), **очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат** (жанг майдонидан) **қочишнигина истардилар. Агар улар** (мунофиқлар)**нинг устига** (Мадинанинг турли) **томонларидан** (бостириб) **кирилса-да, сўнгра улардан фитна** (яъни, мусулмонларга хиёнат қилиш) **талаб қилинса, шак-шубҳасиз, улар кўп** (иккиланиб) **турмасдан** (хиёнатга розилик) **берган бўлур эдилар. Ҳолбуки, улар илгари ортга чекинмасликлари ҳақида Аллоҳга аҳду паймон берган, Аллоҳга берилган аҳду паймон эса** (Қиёмат кунида) **сўралгувчи эди.** (Эй Муҳаммад, алайҳис-салом), **айтинг: «Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар, бу қочиш сизларга бирон фойда бермас,** (яъни, фақат ажалларингиз битгунча ўлимдан қочишларингиз мумкин), **демак сизлар жуда оз** (яъни, ажалларингиз етгунча) **фойдаланурсизлар, холос. Айтинг: «Агар Аллоҳ сизларга ёмонликни ирода қилса, қай бир кимса сизларни ундан асрай олур, ёки У зот сизларга марҳаматни ирода қилса**

(ким уни тўса олур)**?!». Улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст, бирон ёрдамчи топа олмаслар. Аллоҳ сизларнинг орангиздаги** (жиҳодга) **тўсқинлик қиладиган ва ўз дўстларига: «Биз томонга ўтинглар** (Муҳаммадни тарк қилинглар, жиҳодга борманглар)**», дейдиган кимсаларни аниқ билур. Улар жангга камдан-кам, фақат сизларга** (яъни, сизларнинг ғалаба қозониб, ўлжаларга эга бўлишингизга) **бахилликлари келган ҳолдагина келурлар. Бас, қачон** (ёв томонидан) **хавф келса, сиз уларни ўлим ўраб** (шайтонлаб) **қолган кимса каби кўзлари ола-кула бўлиб, сиз томонга қараётганларини кўрурсиз. Энди қачон хавф кетса, улар яхшилик** (яъни, ўлжалар) **устида очкўзлик қилиб сизларни ўткир тиллар билан ранжитурлар. Улар** (сидқидилдан) **иймон келтирмаганлар, бас** (шу сабабли)**, Аллоҳ уларнинг амалларини беҳуда кетказди. Бу Аллоҳга осон бўлган ишдир. Улар** (яъни, мунофиқлар қўрқоқликлари сабабли кофир қабила-гуруҳлар Мадина атрофидан тарқаб кетганларидан кейин ҳам) **у ҳизб-фирқаларни кетмаган, деб ўйлайдилар ва агар у ҳизб-фирқалар** (яна қайтиб) **қолсалар** (мунофиқлар шаҳарда — сизларнинг ичингизда эмас, балки саҳрода) **кўчманчи бадавийлар орасида бўлиб, сизларнинг ҳоли-хабарларингиз ҳақида сўраб-билиб туришни дўст тутадилар. Агар улар сизларнинг орангизда бўлганларида ҳам камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар».** ”Аҳзоб” сураси, 12-20-оятлар.

Зотан, Ислом душманларининг ҳаммаси, яҳудлар ҳам, мунофиқлар ҳам, мушриклар ҳам Исломнинг ғалабаси мусулмонларнинг моддий томондан устунликлари ҳамда қурол-аслаҳа ва қўшиннинг сон жиҳатидан кўплигидан эмаслигини, бунинг ягона сабаби Ислом жамиятига ҳукмрон бўлган ва бу динга алоқадор ҳар бир кишида кўриниб турган олий ахлоқ ва юксак қадриятлар эканини яхши билишарди. Яна улар бу файзу бараканинг ёлғиз манбаи – мазкур ахлоқ ва қадриятларни ўзида мужассам этган ва бу борада мислсиз намуна соҳиби бўлган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эканликларини ҳам жуда яхши англашарди. Ундан ташқари, беш йилга чўзилган жангу жадаллардан сўнг улар бу динни ва унинг аҳлини қурол воситасида йўқ қилиб бўлмаслигига ҳам ишонч ҳосил қилишган эди. Шу боисдан ҳам энди улар бу динга қарши ахлоқий меъёрлар ва урф-одатлар орқали зўр бериб кенг қамровли ташвиқот уруши олиб боришга қарор қилдилар ва ўзларининг бу сохта ташвиқотлари учун энг биринчи нишон қилиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсиятини танладилар. Мунофиқлар мусулмонлар сафлари ичидаги бешинчи колонна (яъни, жосус ва қўпорувчилар) мақомида бўлганлари ва Мадина аҳлидан эканликлари боис мусулмонлар билан бевосита алоқага киришиб, исталган пайтда уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказиш имкониятига эга эдилар. Шунинг учун ҳам бу маккорона уруш вазифаси мунофиқларнинг ва

уларнинг бошлиқлари бўлмиш Абдуллоҳ ибн Убайнинг зиммасига юкланди.

Уларнинг бу режалари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уммул мўъминийн Зайнаб бинт Жаҳшга – асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса талоқ қилганидан сўнг уйланганларидан сўнг ошкор бўлди. Араб урф-одати бўйича асранди ўғил ҳамма жиҳатдан ҳақиқий ўғил мақомида саналар, шу туфайли асранди ўғилнинг аёли уни асраб олган отаси учун маҳрам, деб билинарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнабга уйланганларидан сўнг мунофиқлар у зотга қарши фитна қўзиш учун ўзларича иккита айб топишди:

Биринчи: Зайнаб у зотнинг бешинчи аёллари бўлди, ваҳоланки Қуръон тўрттадан ошиқ аёлга уйланишга изн бермаганди. Бу никоҳ қандай дуруст бўлиши мумкин?!

Иккинчи: Зайнаб у зотнинг асранди ўғилларининг хотини эди. Ўз ўғлининг аёлига уйланиш араблар урф-одатича, энг катта гуноҳлардан саналарди.

Шу боис улар ҳар хил гап-сўз ва иғволарни кўпайтириб юборишди, ўзларича афсоналар тўқиб чиқаришди. Гўёки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнабни тасодифан кўриб қолиб, унга ошиқу беқарор бўлиб қолганмишлар ва ўғиллари Зайд бундан хабар топгач, аёлини талоқ қилиб, у зот уйланишлари учун йўл очиб берганмиш. Мунофиқлар мана шу бўҳтон гапни шу даражада ёйишга муваффақ бўлишдики, ҳатто бу баъзи тафсир ва ҳадис китоблар саҳифаларида то ҳозирги замонгача етиб келган. Бу гап эътиқоди заиф кишиларга қаттиқ таъсир кўрсатди, ҳатто Қуроъни Каримда диллар учун шифо бўлувчи очиқ оятлар нозил бўлди. Аллоҳ таоло “Аҳзоб” сурасини қуйидаги сўзлари билан бошлаганлиги ҳам бу бўҳтоннинг нақадар катта миқёсда ёйилганидан дарак беради:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ ٱتَّقِ ٱللَّهَ وَلَا تُطِعِ ٱلۡكَٰفِرِينَ وَٱلۡمُنَٰفِقِينَۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ۝١

«Эй Пайғамбар (алайҳис-салом)**, Аллоҳдан қўрқинг ҳамда кофир ва мунофиқ кимсаларга бўйинсунманг! Албатта Аллоҳ билгувчи ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир».** “Аҳзоб” сураси, 1-оят.

Ушбу айтиб ўтганларимиз мунофиқларнинг Бану Мусталиқ ғазотидан илгариги қилмишларидан айрим лавҳа ва кўринишлар эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳаммасини сабр-бардош билан, ҳалимлик ва кечиримлилик билан кўтариб келардилар. Мусулмон оммаси ҳам уларнинг ёмонликларидан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишар ёки уларнинг қилмишларига тоқат қилиб чидаб келишарди. Чунки, уларнинг кимликларини Аллоҳ таоло қуйидаги

оятда айтганидек қилмишлари орқали аллақачон яхши таниб олишган эди.

أَوَلَا يَرَوْنَ أَنَّهُمْ يُفْتَنُونَ فِي كُلِّ عَامٍ مَّرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ لَا يَتُوبُونَ وَلَا هُمْ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾

«(Мунофиқлар) **кўрмайдилармики, улар ҳар йили бир-икки марта** (очарчилик, қаҳатчилик каби) **бало – фитналарга йўлиқмоқдалар. Шундан кейин ҳам на тавба қиладилар ва на панд-насиҳат оладилар».** “Тавба” сураси, 126-оят.

Мунофиқларнинг Бану Мусталиқ ғазотидаги қилмишлари

Мунофиқлар Бану Мусталиқ ғазотида иштирок этиш учун чиқишганида Аллоҳ таолонинг мана бу оятининг ҳақиқий исботига айландилар:

لَوْ خَرَجُوا۟ فِيكُم مَّا زَادُوكُمْ إِلَّا خَبَالًا وَلَأَوْضَعُوا۟ خِلَٰلَكُمْ يَبْغُونَكُمُ ٱلْفِتْنَةَ وَفِيكُمْ سَمَّٰعُونَ لَهُمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٧﴾

«Агар улар (яъни, ўша мунофиқлар) **сизларнинг орангизда** (жиҳодга) **чиққанларида ҳам сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўрталарингизда сизларни фитнага солиш учун югуриб-елиб юрган бўлур эдилар ҳамда ораларингизда улар учун қулоқ солувчилар** (яъни, сизларнинг махфий сўзларингизни эшитиб олиб, мунофиқларга етказадиган айғоқчилар) **ҳам** (топилган) **бўлур эди. Аллоҳ золим кимсаларни билгувчидир».** “Тавба” сураси, 47-оят.

Улар ўз заҳарларини сочиш учун иккита қулай фурсат топдилар ва мусулмонлар сафлари ичида кучли асабий таранглик ҳолатини пайдо қилишга ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши қабиҳ бўҳтон қўзғотишга муваффақ бўлдилар. Қуйида бу ҳақда батафсил айтиб ўтамиз:

1. Мунофиқларнинг: «Қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта кучлилар кучсизларни ундан қувиб чиқаргай», деганликлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазотдан фориғ бўлиб, Мурайсиъда турган кунлари эди. Умар ибн Хаттобнинг Жаҳжоҳ Ғифорий исмли бир хизматчиси Синон ибн Вабар Жуҳаний номли бир ансор йигити билан сув олиш пайтида тиқилинчда жанжаллашиб қолиб, уришиб кетишди. Шунда Жуҳаний: «Эй ансорлар жамоаси!», деб, Жаҳжоҳ эса: «Эй муҳожирлар жамоаси!», деб қичқиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни эшитиб: **«Мен ҳали ораларингизда бўла туриб, сизлар жоҳилият чақириқларига чақирмоқдамисиз?! Қўйинглар, ундай сассиқ гапларни!»,** деб

танбеҳ бердилар. Бу ҳодиса Абдуллоҳ ибн Убайнинг қулоғига етиб боргач, ғазабдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Атрофида бир гуруҳ қавмдошлари бўлиб, улар ичида Зайд ибн Арқам, деган ёшгина ўсмир ҳам бор эди. Ибн Убай: «Ҳали шундай қилишдими?! Бизнинг юртимизда биз билан жанжаллашишга ва бизга зўрлик қилишга журъат қилишадими?! Аллоҳга қасамки, биз билан уларнинг мисоли аввалгилар айтганидек: «Итингни семиртирсанг, ўзингни қопади!», дегандан бошқача эмас! Билиб қўйинглар, қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта кучлилар кучсизларни ундан қувиб чиқаргай!», деди. Сўнг олдидагиларга қараб: «Бунга ўзингиз сабабчисизлар, уларга юртингизни бериб қўйдингиз, мол-мулкингизни бўлиб бердингиз! Қасамки, агар уларга бунчалик қўли очиқлик қилмасангиз эди, бошқа юртларга кўчиб кетган бўлишарди», деди.

Зайд ибн Арқам бу гапдан амакисини хабардор қилди, амакиси эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берди. Ўша пайтда Умар ҳам у зот ҳузурларида эди, у: «Абод ибн Бишрга буюринг, унинг бошини танидан жудо қилади», деди. «Қандай қилиб, эй Умар?! Ахир одамлар: «Муҳаммад ўз асҳобларини ўлдирмоқда», дейишади-ку! Йўқ! Одамларга эълон қилинг, тезда йўлга тушамиз», дедилар. Бу пайт одатда йўлга чиқилмайдиган бир соат эди. Одамлар йўлга тушдилар. Шунда Усайд ибн Ҳузайр Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, салом берди ва: «Бевақт йўлга отланибсизми?», деб сўради. **«Биродарингиз, яъни, Ибн Убай айтган гапни эшитмадингизми?!»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Йўқ, нима депти?», деди Усайд. **«Унинг айтишича, Мадинага қайтгандан сўнг кучлилар ундан кучсизларни чиқариб юборармишлар»,** дедилар. Шуда Усайд: «Ё Росулуллоҳ, агар истасангиз сиз уни Мадинадан чиқариб юборасиз! Аллоҳга қасамки, унинг ўзи кучсиз ва хор, сиз эса кучли ва азизсиз!», деди, сўнгра яна: «Ё Росулуллоҳ, ундан хафа бўлманг. Чунки, қавми унинг бошига тож кийдиришга ҳозиргарлик кўриб турган кунларда Аллоҳ сизни бизга етказди, шу боис у сизни ўз салтанатини тортиб олган одам сифатида кўради», деди.

Сўнг шу юришда одамларни тўхтовсиз юргизиб, кечаси билан ҳам йўл босиб, эртасига ҳам то кун қиздириб, одамлар иссиқдан қийнала бошлагунларича юрдилар. Кейин дам олиш учун тўхташга рухсат бердилар. Одамлар қаттиқ чарчаганларидан ёнлари ерга тегар-тегмас, қотиб ухлаб қолдилар. У зот одамларни гап-сўзлардан буриш учун шундай қилгандилар.

Ибн Убай Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Арқам орқали унинг гапларидан хабар топганларини билгач, у зот ҳузурларига бориб, барча гапларидан тонди ва: «Аллоҳга қасамки, бундай гап оғзимдан чиққани йўқ», деди. Шу ерда ҳозир бўлган ансорлар ҳам: «Ё Росулуллоҳ, балки бола унинг гапини яхши

англамай, нотўғри етказиб келгандир», дейишди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўзини қабул қилдилар.

Зайд айтади: «Мен гўё туҳматчи бўлиб қолиб, ҳаддан ортиқ ғам-қайғуга ботиб, уйдан чиқолмай қолдим. Шундан сўнг Аллоҳ таоло «Мунофиқун» сурасидаги қуйидаги оятларни нозил қилди:

إِذَا جَآءَكَ ٱلْمُنَٰفِقُونَ قَالُوا۟ نَشْهَدُ إِنَّكَ لَرَسُولُ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّكَ لَرَسُولُهُۥ
وَٱللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَكَٰذِبُونَ ﴿١﴾ ٱتَّخَذُوٓا۟ أَيْمَٰنَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا۟ عَن
سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ ءَامَنُوا۟ ثُمَّ كَفَرُوا۟ فَطُبِعَ
عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٣﴾ وَإِذَا رَأَيْتَهُمْ تُعْجِبُكَ أَجْسَامُهُمْ ۖ وَإِن يَقُولُوا۟
تَسْمَعْ لِقَوْلِهِمْ ۖ كَأَنَّهُمْ خُشُبٌ مُّسَنَّدَةٌ ۖ يَحْسَبُونَ كُلَّ صَيْحَةٍ عَلَيْهِمْ ۚ هُمُ ٱلْعَدُوُّ
فَٱحْذَرْهُمْ ۚ قَٰتَلَهُمُ ٱللَّهُ ۖ أَنَّىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٤﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا۟ يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ
ٱللَّهِ لَوَّوْا۟ رُءُوسَهُمْ وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ ﴿٥﴾ سَوَآءٌ عَلَيْهِمْ أَسْتَغْفَرْتَ
لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ لَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ
﴿٦﴾ هُمُ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ لَا تُنفِقُوا۟ عَلَىٰ مَنْ عِندَ رَسُولِ ٱللَّهِ حَتَّىٰ يَنفَضُّوا۟ ۗ وَلِلَّهِ
خَزَآئِنُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَٰكِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٧﴾ يَقُولُونَ لَئِن
رَّجَعْنَآ إِلَى ٱلْمَدِينَةِ لَيُخْرِجَنَّ ٱلْأَعَزُّ مِنْهَا ٱلْأَذَلَّ ۚ وَلِلَّهِ ٱلْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِۦ
وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَٰكِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨﴾

«(Эй Муҳаммад, алайҳис-салом), **қачон мунофиқлар сизнинг олдингизга келсалар: «Гувоҳлик берамизки, сиз шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз», дерлар. Аллоҳ, дарҳақиқат, сиз Ўзининг пайғамбари эканлигингизни билур, яна Аллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз, ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур. Улар ўзларининг** (мусулмон эканликлари ҳақида

ичган ёлғон) **қасамларини қалқон қилишиб олиб,** (одамларни) **Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар! Уларнинг қиладиган иш-амаллари нақадар ёмондир! Бунга сабаб, уларнинг** (тилларида) **иймон келтириб, сўнгра** (дилларида) **кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди. Энди улар** (иймоннинг ҳақиқатини) **англай олмаслар! Қачон сиз уларга боқсангиз, уларнинг жисмлари** (кўринишлари, кийган кийимлари) **сизни ҳайратга солур, сўзлаганларида эса сўзларига** (оҳангдор, фасоҳатли бўлгани учун берилиб) **қулоқ солурсиз.** (Лекин уларнинг диллари иймон ва яхшиликдан холи бўлгани учун) **улар гўё** (деворга) **йўлаб қўйилган** (чирик) **ёғочларга ўхшайдилар. Улар** (юраксизликлари сабабли) **ҳар бир қичқириқ-овозни устларига** (тушаётган бирон бало-офат, деб) **гумон қиладилар. Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг! Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! Қачон уларга: «Келинглар, Аллоҳнинг пайғамбари сизлар учун мағфират сўрар», дейилса, албатта улар бошларини буриб кетурлар ва сиз** (эй Муҳаммад, алайҳис-салом), **уларни кибр-ҳаво қилган ҳолларида юз ўгиришларини кўрурсиз.** (Эй Муҳаммад, алайҳис-салом)**, сиз улар учун мағфират сўрадингизми ёки мағфират сўрамадингизми уларга баробардир – Аллоҳ уларни ҳаргиз мағфират қилмас! Албатта Аллоҳ бундай фосиқ-итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. Улар шундай кимсаларки,** (ўзларининг тобеъларига): **«Аллоҳнинг пайғамбари ҳузуридаги кишиларга инфоқ-эҳсон қилманглар, токи улар тарқалиб кетсинлар», дейдилар. Ҳолбуки, осмонлар ва Ер хазиналари ёлғиз Аллоҳникидир. Лекин мунофиқлар** (буни) **англамаслар. Улар: «Қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта кучлилар кучсизларни ундан қувиб чиқарур», дерлар. Ҳолбуки, куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар** (буни) **билмаслар**».

“Мунофиқун” сураси, 1-8-оятлар.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени чақиртириб, бу оятларни ўқиб бердилар ва: **«Аллоҳ сенинг сўзларингни тасдиқлади»,** дедилар». “Саҳиҳ Бухорий”, 1/499, 2/727–729; ”Саҳиҳ Муслим”, (2584–ҳ); имом Термизий (3312–ҳ); «Ибн Ҳишом», 2/290–292.

Бу мунофиқнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай мухлис саҳоба ва солиҳ кишилардан эди. У отасидан безор бўлиб, Мадина дарвозаси ёнида қилич яланғочлаб турди. Отаси келганида унга: «Аллоҳга қасамки, то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсат бермагунларича шу ердан буёғига ўтмайсан. Зеро, у зот кучли-азиз ва сен кучсиз-хорсан», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, изн берганларидан кейингина унинг йўлини очиб қўйди. Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Салул Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламга айтарди: «Ё Росулуллоҳ, агар уни қатл эттирмоқчи бўлсангиз, ўзимга буюринг, мен ўзим сизга унинг бошини келтираман».

«Ибн Ҳишом», 2/292; Шайх Абдуллоҳ ан-Наждий, «Мухтасар сийрат ар-Росул» (277-с).

2. Уйдирма воқеаси

Уммул мўъминин Оиша розияллоҳу анҳо шаънига қилинган ифк – уйдирма воқеаси ҳам мана шу ғазотда содир бўлди. У шундай бўлганди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга аёлларидан бировини бирга олмоқчи бўлсалар, қуръа воситасида олиб чиқардилар. Ушбу сафарларида у зотга аёлларидан Оиша розияллоҳу анҳо ҳамроҳ бўлган, чунки қуръа унинг чекига тушган эди. Ғазотдан қайтаётганларида дам олиш учун бир манзилда тўхтадилар. Шунда Оиша ҳожат учун бир четга чиқиб келгач, қараса, бировдан ориятга (қарзга) олиб, тақиб турган маржони йўқолибди. Қайтиб бориб, ўша жойда маржонни қидириб, анча ҳаяллаб қолди. Бу орада лашкар йўлга отланиб, Оишанинг ҳавдажини (яъни, туя устига ўрнатиладиган кажавасини) туяга чиқариб-тушириб туришга тайинланган одамлар ҳавдажни Оиша унинг ичида бўлса керак, деган ўйда туяга ўрнатиб, йўлга чиқиб кетдилар. Ҳавдажнинг енгиллигига эътибор ҳам беришмади. Чунки, Оиша ёш қиз бўлганидан вазни ҳам енгил, оғирлиги деярли билинмасди. Ундан ташқари, ҳавдажни кўтариб-туширишга бир неча киши қаралашар, агар бир-икки киши кўтарса ҳам ичида одам йўқлиги билиниши мумкин эди. Оиша маржонни топиб, қайтиб келиб қараса, манзилда ҳеч қолмабди. Менинг йўқлигимни билиб, қидириб келиб қолишса керак, деган гумонда ўша жойда кутиб ўтирди. Аллоҳ ўз ишига ғолиб зот, ишларни Арши устидан Ўзи истаганидек тадбир қилади. Оишанинг кўзига уйқу ғолиб келиб, ухлаб қолди. Бир вақт Сафвон ибн Муаттал деган саҳобанинг: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиуун, бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари-ку?!» деган сўзларидан уйғониб кетди ва дарҳол юзини тўсиб олди. Сафвон ухлаб қолиб, лашкардан орқада қолиб кетган экан. У Оишани кўриб, таниди. Чунки, ҳижоб ояти тушмасидан олдин уни кўриб юрарди. У истиржоъ (инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъувн, деб) айтгач, туясини унинг яқинига олиб келиб чўктирди. Оиша туяга миниб олгач, уни етаклаганича йўлга тушиб, кун қиздира бошлаган пайт лашкар дам олишга тўхтаган пайтларида орқадан етказиб келди. Йўлда келгунларича на Оиша, на Сафвон бир оғиз ҳам сўз қотмадилар. Одамлар уларни кўргач, ҳар ким нима деса деб, ҳар хил гап-сўз кўпайди. Аллоҳнинг душмани бўлмиш ифлос Абдуллоҳ ибн Убай ич-ичидан тошиб келаётган нифоқ ва ҳасад заҳрини пуркаш учун қулай фурсатга эга бўлди, туҳмат ва бўҳтон гапларни ошириб-тошириб гапиришга ва чор-атрофга ёйишга тушди. Ёнидаги ҳамтовоқлари ҳам бунда унга яхшигина кўмакчи бўлишди. Мадинага келганларидан сўнг туҳмат аҳлининг бозори чаққонлашиб,

гап-сўз кўпайгандан кўпайди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут сақлар ва ҳеч нарса демасдилар. Бу ҳақда ваҳий ҳам тушавермагач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оишадан ажралиш ҳақида асҳобларига маслаҳат солдилар. Али розияллоҳу анҳу очиқ айтмаса-да, ишора билан уни қўйиб, бошқасига уйланишга маслаҳат берди. Усома ва бошқалар ундан ажралмасликка ва душманларнинг гап-сўзларига парво қилмасликка маслаҳат беришди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга кўтарилиб, ўзларини Абдуллоҳ ибн Убайнинг озорларидан ҳимоя қиладиган одам сўрадилар. Шунда Авс саййиди Усайд ибн Ҳузайр уни ўлдиришга рағбат билдирган эди, унинг бу гапидан Саъд ибн Убоданинг қабилачилик ҳамияти тутиб қолди. Чунки, у Хазраж қабиласининг саййиди бўлиб, Ибн Убай шу қабиладан эди. Иккала қабила саййидлари ўртасида гап-сўз айланиб, оқибатда икки қабиланинг жанжалига айланиб кетаёзди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушиб, тинчлантирганларидан кейингина улар тинчланишди.

Оиша ушбу сафардан қайтганидан сўнг бетоб бўлиб бир ой ётиб қолган, ўзига қилинаётган бу туҳматдан мутлақо хабари йўқ эди. Фақат биргина нарса унинг кўнглини нохуш қилиб турар, у ҳам бўлса илгарилари бетоб бўлганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўрадиган лутфу марҳамат ва эътиборни бу сафар кўрмаётган эди. Бир оз тузалиб қолгач, бир куни тунда Умму Мистаҳ, деган аёл билан бирга ҳожатга чиқиб келишаётганда Умму Мистаҳ устидаги кийимига ўралашиб мункиб кетди ва: «Яшшамагур Мистаҳ», деб ўғлини қарғади. Оиша унинг бу гапини ёқтирмасдан, Бадр жангида қатнашган одамни қарғаш яхши эмаслигини айтиб танбеҳ берганида у бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берди (Мистаҳ ҳам ушбу туҳматчиларга аралашиб қолган эди). Шундан сўнг Оиша Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ота-онасиникида туриб даволанишга изн сўради. Мақсади, улардан хабарни яхшироқ сўраб-суриштириш эди. Изн бўлгач, улар ҳузурига бориб, ҳамма гапдан тўла хабар топди ва йиғлаб юборди. Шу йиғлаганича икки кеча-ю бир кундуз тинмай йиғлади. Кўзига уйқу ҳам қўнмас, кўз ёши ҳам тинмасди. Ҳатто, йиғидан жигарим тилка-пора бўлиб кетса керак, деган гумонга ҳам борди. Мана шу ҳолатда ётганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Аввал шаҳодат калималарини айтдилар, кейин: **«Эй Оиша, менга сен ҳақингда шундай-шундай гаплар етди. Агар сен бу гаплардан пок бўлсанг, Аллоҳ тез орада сенинг поклигингни кўрсатади. Агар гуноҳга қўл урган бўлсанг, Аллоҳга истиғфор айт, тавба қил. Чунки, банда гуноҳини эътироф этиб, тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади»,** дедилар.

Шу гапдан сўнг Оишанинг кўз ёшлари тўхтади ва ота-онасидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига жавоб

беришларини сўради. Улар ҳам нима, деб жавоб қилишни билмадилар. Шунда унинг ўзи деди: «Аллоҳга қасамки, билишимча, сизлар бу гап-сўзни эшитганигиздан сўнг у дилингизга ўрнашиб, ҳатто сизлар унинг ростлигига ишониб ҳам қолибсизлар. Агар мен ҳозир сизларга: «Мен бундан покман», десам ҳам, поклигимга эса Аллоҳнинг Ўзи шоҳид – сизлар менга ишонмайсизлар, агар гуноҳни эътироф этсам – Аллоҳ Ўзи менинг бу гуноҳдан поклигимни яхши билиб турибди, сизлар бунга ишонасизлар. Қасамки, мен сизлар билан ўртамиздаги ҳолатга Юсуфнинг отаси айтган қуйидаги сўзлардан бошқа ўхшаш тополмайман:

...فَصَبْرٌ جَمِيلٌ ۖ وَٱللَّهُ ٱلْمُسْتَعَانُ عَلَىٰ مَا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾

«... Энди (менинг ишим) **чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса** (айрилиқ-мусибат) **устида мадад сўраладиган зот ёлғиз Аллоҳдир».** ”Юсуф” сураси, 18-оятдан.

Шундан сўнг тескари ўгирилиб, ётиб олди. Ўша вақтнинг ўзидаёқ ваҳий нозил бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларида табассум порлай бошлади. Ваҳий тушиб бўлгач, биринчи айтган гаплари: **«Эй Оиша, дарҳақиқат, Аллоҳ Ўзи сени оқлади!»,** дейиш бўлди. Шунда онаси Оишага: «Тур, олдиларига бор», деган эди, у ўзининг айбсизлигига ишонганидан ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга бўлган муҳаббатига кўнгли хотиржам бўлганидан: «Аллоҳга қасамки, олдиларига бормайман, фақат Аллоҳгагина ҳамд айтаман», деди.

Ушбу туҳмат воқеаси муносабати билан Аллоҳ таоло «Нур» сурасида қуйидаги ўн оятни нозил қилди:

إِنَّ ٱلَّذِينَ جَآءُو بِٱلْإِفْكِ عُصْبَةٌ مِّنكُمْ ۚ لَا تَحْسَبُوهُ شَرًّا لَّكُم ۖ بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ
لِكُلِّ ٱمْرِئٍ مِّنْهُم مَّا ٱكْتَسَبَ مِنَ ٱلْإِثْمِ ۚ وَٱلَّذِى تَوَلَّىٰ كِبْرَهُۥ مِنْهُمْ لَهُۥ عَذَابٌ
عَظِيمٌ ﴿١١﴾ لَّوْلَآ إِذْ سَمِعْتُمُوهُ ظَنَّ ٱلْمُؤْمِنُونَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتُ بِأَنفُسِهِمْ خَيْرًا وَقَالُوا۟
هَٰذَآ إِفْكٌ مُّبِينٌ ﴿١٢﴾ لَّوْلَا جَآءُو عَلَيْهِ بِأَرْبَعَةِ شُهَدَآءَ ۚ فَإِذْ لَمْ يَأْتُوا۟ بِٱلشُّهَدَآءِ
فَأُو۟لَٰٓئِكَ عِندَ ٱللَّهِ هُمُ ٱلْكَٰذِبُونَ ﴿١٣﴾ وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ فِى ٱلدُّنْيَا
وَٱلْءَاخِرَةِ لَمَسَّكُمْ فِى مَآ أَفَضْتُمْ فِيهِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٤﴾ إِذْ تَلَقَّوْنَهُۥ بِأَلْسِنَتِكُمْ

وَتَقُولُونَ بِأَفْوَاهِكُم مَّا لَيْسَ لَكُم بِهِۦ عِلْمٌ وَتَحْسَبُونَهُۥ هَيِّنًا وَهُوَ عِندَ ٱللَّهِ عَظِيمٌ
﴿١٥﴾ وَلَوْلَآ إِذْ سَمِعْتُمُوهُ قُلْتُم مَّا يَكُونُ لَنَآ أَن نَّتَكَلَّمَ بِهَٰذَا سُبْحَٰنَكَ هَٰذَا
بُهْتَٰنٌ عَظِيمٌ ﴿١٦﴾ يَعِظُكُمُ ٱللَّهُ أَن تَعُودُوا۟ لِمِثْلِهِۦٓ أَبَدًا إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ وَيُبَيِّنُ
﴿١٧﴾ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْـَٔايَٰتِ ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُحِبُّونَ أَن تَشِيعَ
ٱلْفَٰحِشَةُ فِى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ
لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٩﴾ وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ وَأَنَّ ٱللَّهَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٠﴾

«Шак-шубҳасиз, бу бўҳтонни (вужудга) **келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик, деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшиликдир. Улардан** (яъни, бўҳтончилардан) **ҳар бир киши учун ўзи касб қилган гуноҳ**(га яраша жазо) **бордир. Уларнинг орасидаги** (гуноҳнинг) **каттасини кўтарган кимса учун улуғ азоб бордир.** (Эй мўминлар), **сизлар** (бу бўҳтонни) **эшитган пайтингизда, мўмин ва мўминалар бир-бирлари ҳақида яхшиликни ўйлаб: «Бу очиқ бўҳтон-ку!», десалар бўлмасмиди?! Улар** (яъни, Оишани бандом қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига) **тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, агар гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Аллоҳ наздида улар ёлғончидирлар. Агар сизларга дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, албатта сизларни тинмай сўзлаган нарса – бўҳтонларингиз сабабли улуғ азоб ушлаган бўлур эди. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш, деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки, у Аллоҳ наздида улуғ** (гуноҳдир)**. Уни эшитган пайтингизда: «Бу** (миш-мишни) **сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуғ бўҳтон-ку!», десангизлар бўлмасмиди?! Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмаслигингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур ва Аллоҳ сизларга Ўз оятларини баён қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидир. Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати ва**

Аллоҳнинг меҳрибон ва раҳмли экани бўлмаса эди (албатта У зот сизларга бу қилмишларингиз учун азобни нақд қилган бўлур эди)**.**

”Нур” сураси, 11-20-оятлар.

Туҳматчилардан Мистаҳ ибн Асоса, Ҳассон ибн Собит ва Ҳамна бинт Жаҳшга саксон даррадан урилди. Хабис Абдуллоҳ ибн Убай туҳматчиларнинг каттаси ва бу ишдаги энг катта гуноҳкор шахс бўлишига қарамай, унга жазо берилмади. Чунки, дунёда олинган жазо охират азобини енгиллатарди, Аллоҳ таоло эса унга охиратда улкан азобни ваъда қилганди. Ёки бўлмаса, илгарироқ уни ўлдиришдан тийилган сабаб туфайлими, ҳар ҳолда унга жазо бермадилар.

Шундай қилиб, Мадина устини қоплаган шак-шубҳа, изтироб ва безовталик булутлари ниҳоят, бир ой, деганда тарқалди, мунофиқлар бошлиғи шармандаи шармисор бўлиб, шундан кейин одамлар ичида бош кўтариб юролмай қолди. Ибн Исҳоқ айтади: «Шундан сўнг Ибн Убай бирон ножўя иш қилиб қўйса, ўзининг қавмдошлари ҳам уни жеркиб берадиган ва айбини юзига соладиган бўлиб қолдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умарга: **«Кўрдингизми эй Умар?! Сиз ўлдиришни талаб қилган куни уни ўлдирган бўлганимда, унинг тарафдорлари жунбушга келган бўлишарди. Бугун энди уларнинг ўзларига буюрсам ҳам уни иккиланмай ўлдиришади»,** дедилар. Шундан сўнг Умар айтган эди: «Қасамки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари менинг ишимдан кўра мислсиз даражада баракотли эканини билдим».

«Ибн Ҳишом», 2/293.

МУРАЙСИЪ ҒАЗОТИДАН КЕЙИНГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР

1. 6-ҳижрийнинг шаъбонида Дувматул Жандалдаги Бану Калб диёрига юборилган Абдурраҳмон ибн Авф бошчилигидаги сарийя.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмонни олдиларига ўтиргизиб, унга ўз қўллари билан салла ўрадилар, сўнг унга уруш одобларига оид тавсиялар бердилар. Унга: **«Агар улар сизга итоат қилсалар, ҳукмдорларининг қизига уйланинг»,** дедилар. Абдурраҳмон ибн Авф етиб боргач, уларни уч кун Исломга даъват қилдилар. Қавмнинг барчаси Исломни қабул қилди. Абдурраҳмон уларнинг раисининг қизи бўлмиш Тамозур бинт Асбағга уйланди. У Абдурраҳмоннинг Абу Салама исмли ўғлининг онаси эди.

2. 6-ҳижрийнинг шаъбонида Фадакдаги Бану Саъд ибн Бакр қабиласига юборилган Али ибн Аби Толиб бошчилигидаги сарийя.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Фадакдаги бир жамоа яҳудларга мадад бериш учун келмоқчи экани ҳақида хабар келди. Шундан сўнг Алини икки юз кишига бош қилиб, улар устига юбордилар. Улар кундузлари яшириниб, тунда йўл босиб бордилар ва уларнинг

бир жосусини ушлаб олдилар. У ўзининг Бану Саъд тарафидан Ҳайбарга юборилган элчи эканига, уни яҳудларга Ҳайбар хурмолари эвазига ёрдам бериш таклифи билан юборганликларига иқрор бўлди. Сўнг у Бану Саъднинг тўпланиб турган жойини кўрсатиб берди. Алининг жамоаси уларга тўсатдан ҳамла қилиб, 500 туя ва 2000 қўй-эчкини ўлжа қилиб олдилар, Бану Саъд бола-чақаларини олиб қочиб қолди. Уларнинг бошлиқлари Вабар ибн Улайм эди.

3. 6-ҳижрийнинг рамазонида Водий Қурога юборилган Абу Бакр Сиддиқ ёки Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги сарийя.

Фазора қабиласининг бир уруғи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилмоқчи бўлганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқни улар устига юбордилар. Салама ибн Акваъ айтади: «Мен Абу Бакр билан бирга чиққандим. Бомдод намозини ўқиганимиздан сўнг унинг буйруғи билан ҳужумга ўтдик. Ўлганлар ўлиб, қолганлар қочаётган эди, бир гуруҳ одамларни кўрдим, улар ичида болалар ҳам бор эди. Мен улар тоққа чиқиб кетиб қолишларидан қўрқиб, улар ортидан қувиб етдим ва улар билан тоғ оралиғига камон ўқи отдим. Улар камон ўқини кўриб, тўхтаб қолишди. Ораларида эгнига теридан тикилган кийим кийиб олган Умму Қирфа исмли бир аёл, унинг ёнида эса унинг қизи ҳам бўлиб, у арабларнинг энг сулув қизларидан эди. Мен уларни олдимга солиб, Абу Бакрнинг ёнига келтирдим. Абу Бакр ўлжадан тушган улушлар қаторида унинг қизини ҳам менга берди. Мен унга қўлимни ҳам теккизмадим. Чунки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрдан Умму Қирфанинг қизини сўраган эканлар. Уни Маккага юбориб, эвазига ўша ерда бўлган мусулмон асирларини қутқариб олдилар.

Умму Қирфа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилиш мақсадида хонадони аҳлидан ўттизта отлиқни тайёрлаган шайтон хотин эди. У жазосини олди, ўттиз отлиқ ҳам ўлдирилди.

4. 6-ҳижрийнинг шавволида Уранийларга юборилган Курз ибн Жобир Фиҳрий бошчилигидаги сарийя.

Бунга сабаб, Укал ва Урайна қабиласидан бир неча киши мусулмонлик изҳор қилиб, Мадинада яшаб турдилар, сўнг Мадина ҳавоси ёқмай касал бўлиб қолдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни туялар боқилаётган яйловга юбордилар ва туяларнинг сутларидан ва сийдикларидан ичишни тавсия қилдилар. Улар соғайиб олгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чўпонини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетишди, Исломдан сўнг куфрга қайтишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг изидан Курз Фиҳрийни 20 саҳобий билан юбордилар. Уранийларни дуоибад қилиб: **«Эй Аллоҳим, уларни йўлдан адаштириб қўйгин, уларга йўлни билагузукдан ҳам торайтириб қўйгин»,** дедилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло уларни йўлдан адаштириб қўйди ва мусулмонлар уларга етиб олдилар. Уларнинг қўл-оёқлари кесилиб, кўзлари ўйиб олинди,

ўзларини то ўлгунларича тошлоқнинг бир четига ташлаб қўйилди. Шундай қилиб, улар қилган ишларининг жазосини тортишди. Улар ҳақидаги Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис «Саҳиҳул Бухорий»да келтирилган.

Тарихчилар шундан кейин Амр ибн Умайя Зомрийнинг Салама ибн Аби Салама ҳамроҳлигидаги сарийясини зикр қиладилар ва уни 6-ҳижрийнинг шавволида бўлган, дейдилар. У Маккага Абу Суфёнга суиқасд қилиш учун борганди. Чунки, Абу Суфён бир аъробийни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилиш учун юборганди. Лекин, ҳар иккиси ҳам суиқасд қилишга муваффақ бўлишмади. Айтишларича, Амр йўлда уч кишини ўлдирган экан. Амр шаҳид Хубайбнинг жасадини ҳам шу сафарида олган (яъни, осилган жойидан олиб дафн қилган), дейишади. Маълумки, Хубайб Ражиъ ҳодисасидан бир неча кунлар ёки ойлар ўтиб шаҳид қилинган. Ражиъ ҳодисаси эса 4-ҳижрийнинг сафар ойида бўлган. Билмадим, тарихчилар иккита алоҳида сафарни аралаштириб юборишганми, ёки ҳар икки иш ўша 4-йилдаги битта сафарнинг ўзида бўлганми, буниси қоронғи бўлиб қолди. Аллома Мансурпурий ушбу сарийянинг жанг ёки тўқнашув сарийяси бўлганини инкор этади, валлоҳу аълам.

Булар Аҳзоб ва Бану Қурайза ғазотларидан кейин бўлиб ўтган жанг ва сарийялар эди. Улардан бирортасида ҳам шиддатли жанглар бўлмади, фақат енгил тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ушбу жанговор ҳаракатлар фақатгина разведка-кузатув ҳаракатлари ёки тиниб-тинчимаётган аъробийлар ва душманларнинг эсини жойига киргизиб қўйиш ҳаракатлари эди. Воқеалар ривожига диққат қилинганда маълум бўладики, давр чархпалаги кунлар ўтгани сайин тезлашиб борар, Ислом душманларининг маънавиятлари тинимсиз емирилиб ва нураб борар, уларда энди Ислом даъватини синдириш ва шон-шавкатини эгиб ташлашга тобора умид қолмаётган эди. Бу нарса Ҳудайбия сулҳи билан янада яққол намоён бўлди. Ушбу сулҳ Исломнинг куч-қудратини тан олиш ва Араб жазирасида унинг ўзига хос салмоқли ўрни борлигини эътироф этиш, дегани эди.

ҲУДАЙБИЯ УМРАСИ

(6-ҳижрий зул-қаъда ойи)

Ҳудайбия умрасининг сабаби

Араб жазирасидаги аҳвол мусулмонлар фойдасига кескин ривожлана бошлагач, Ислом даъватининг муваффақияти ва улкан фатҳ-ғалаба куртаклари нишона бера бошлади. Мусулмонларнинг олти йилдан бери мушриклар тарафидан тўсиб турилган Масжиди Ҳаромда ибодат қилиш ҳақ-ҳуқуқларини қайта ўрнатишга бўлган тайёргарлик ҳаракатлари бошланиб қолди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада кўрган тушларида ўзларини асҳоблари билан биргаликда Масжиди Ҳаромга

кирганларини ва Каъбанинг калитини олганларини, Байтуллоҳни тавоф ва умра қилганликларини, баъзилар сочларини қирдириб, баъзилар қисқартирганини кўрдилар. Бу тушларини асҳобларига айтиб бердилар, уларнинг кўнгиллари сурурга тўлиб, Маккага шу йил кириб борар эканмиз, деб хурсанд бўлдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умра қилиш ниятида эканларини айтиб, асҳобларини сафарга ҳозирланишга чорладилар.

Мусулмонларни сафарбар қилишлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чор-атрофдаги қишлоқлар аҳли бўлмиш бошқа арабларни ҳам ўзлари билан бирга сафарга чиқишга чорладилар. Аъробийлардан кўплари бунга рағбат билдиришмади. Шундан сўнг у зот покиза кийимларини кийиб, туялари Қасвоъга миниб, йўлга отландилар. Мадинага Ибн Умму Мактумни ёки Нумайла Лайсийни халифа қилиб қолдирдилар. Мадинадан 6-ҳижрий зул-қаъда ойининг бошида, душанба куни 1400 (баъзи ривоятларда 1500) саҳоба ҳамроҳлигида йўлга чиқдилар. Аёлларидан Умму Салама розияллоҳу анҳо ҳамроҳ бўлди. Одатда мусофирнинг доимий ҳамроҳи бўлган қиндаги қиличдан бошқа ҳеч қандай жанговор қурол-аслаҳаларни олмадилар.

Мусулмонлар Маккага қараб йўл оладилар

Шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага қараб йўл олдилар. Зул-Ҳулайфага етгач, ҳадийларига (яъни, Маккага бориб қурбонлик қилиш учун олган жонлиқларига) белги тақдилар, уруш учун чиқмаётганларини билдириб, умра учун эҳром боғладилар. Олдинроқ хузоалик бир кишини Қурайшнинг хабарини билиб келиш учун юбордилар. Усфонга етганларида ҳалиги одам етиб келиб: «Каъб ибн Луай сизга қарши аҳбош*ни ва бошқа бир қанча жамоатларни йиғибди, улар сизга қарши уруш қилишмоқчи ва сизни Байтуллоҳдан тўсишмоқчи», деди.

* Аҳбош, дегани сизнинг зеҳнингизга келаётгани каби ҳабашлар эмас. Улар Бану Кинона ва бошқа уруғлар бўлиб, Маккадан олти мил узоқликдаги Ҳубший тоғига нисбатланиб, аҳбош, деб аталганлар. Ўша тоғ ёнбағрида Бану Ҳорис ибн Абду Манот ибн Кинона, Бану Мусталиқ, Ҳаё ибн Саъд ибн Умар ва Бану Ҳувн ибн Хузайма қабилалари тўпланиб, Қурайшга иттифоқчи бўлишган, «Токи ҳаёт давом этаркан ва мана шу тоғ ўрнида тураркан, биз бошқаларга қарши сизлар билан бирга бир тану бир жонмиз», деб қасамёд қилишган, шу тоғга нисбатланиб «Қурайш аҳбоши (яъни, ҳубшийлари)», деб аталишган.

“Муъжамул булдон”, 2/214.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига маслаҳат солиб: **«Нима дейсизлар, уларга ёрдамга келган қабилаларнинг бола-чақаларига ҳужум қилиб, уларни қўлга олайликми? Агар ўтираверсалар, маҳрум бўлиб ўтириб қолаверишади. Агар** (бола-чақаларини қутқариш учун) **етиб келишса, Аллоҳ кесилишга маҳкум этган бўйинлар бўлади. Ёки бўлмаса, Байтуллоҳга қараб бораверсак-да, ким йўлимизни тўсиб чиқса, шу билан жанг**

қилсак?», дедилар. Шунда Абу Бакр деди: «Аллоҳ ва Росули билувчироқ. Биз фақат умра учун келдик, биров билан урушиш мақсадида келмадик. Лекин, кимда-ким бизни Байтуллоҳдан тўсса, у билан жанг қиламиз». Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ундай бўлса, кетдик»,** дедилар ва ҳаммалари йўлга тушдилар.

Қурайшнинг мусулмонларни Байтуллоҳдан тўсишга уринишлари

Қурайш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келаётганларидан хабар топгач, кенгаш ўтказиб, унда мусулмонларни қандай қилиб бўлмасин, Каъбадан тўсишга қарор қабул қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳбошлар билан жанг қилишдан воз кечганларидан сўнг Бану каъблик бир киши Қурайшнинг Зу-Тувога келиб тушганини, Холид ибн Валид бошчилигида 200 отлиқ Маккага элтувчи асосий йўл устида, Куроъул-Ғамимда пойлаб турганининг хабарини келтирди. Холид ўз суворийлари билан мусулмонларни ўтказмаслик мақсадида уларнинг йўллари устида туриб олган, ҳар икки томон бир-бирини кўриб турарди. Холид мусулмонларнинг пешин намози ўқиётганларида кузатиб туриб, уларнинг рукуъ ва сужуд қилишларини кўргач: «Уларга намозда турганларида тўсатдан ҳамла қилсак бўларкан», деб ўйлади. Сўнг аср намозида турганларида улар устига ҳужум қилиш ниятида кутиб турди. Бироқ, шу орада Аллоҳ таоло хавф намози ҳукмини туширди ва Холид фурсатни бой берди.

Қонли тўқнашувдан четланиш учун йўлни ўзгартиришлари

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Танъим орқали Ҳарамга олиб борувчи асосий йўлни чап томонда қолдириб, ўнг томонга, даралар орасидаги эгри-бугри йўл орқали кета бошладилар. Бу йўл Санийятул Мурор орқали Макканинг қуйи томонидаги Ҳудайбия паст текислигига олиб чиқарди. Холид мусулмон қўшинининг изидан кўтарилган чанг-тўзонни кўриб, уларнинг йўлни ўзгартирганларини билди ва Қурайшни огоҳлантириш учун Макка сари елдек учиб кетди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлда давом этиб, Санийятул Мурорга етиб борганларида туялари ерга чўкди. Одамлар «Ҳал, ҳал» (яъни, чуҳ, чуҳ) деб уни тургизишга ҳарчанд уринмасинлар, туя ўрнидан қўзғолмади. Шунда улар: «Қасвонинг қайсарлиги тутди», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қасвонинг қайсарлиги тутгани йўқ, унинг бундай феъли йўқ, уни филни тўхтатиб қолган Зот тўхтатди»,** дедилар. Сўнг: **«Улар менга Аллоҳнинг ҳурматларини улуғлайдиган бирон иш таклиф қилсалар, уни албатта қабул қиламан»,** дедилар. Кейин туяни ҳайдадилар, у ўрнидан туриб, бурилиб юриб кетди, сўнг Ҳудайбиянинг бир четига, кам сувли бир ҳовуз ёнида тўхтадилар. Суви камлигидан ундан зўрға ҳовучлаб сув олинар ва тез орада уни тугатиб ҳам қўяёзишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ташналикдан

шикоят қилишгач, ўқдонларидан битта камон ўқини олиб, уни ўша ҳовузга солишни буюрдилар. Шундан сўнг ундан сув қайнаб чиқа бошлади ва ҳаммалари ташналикларини қондирдилар.

Будайл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Қурайш ўртасида воситачилик қилади

Шу орада Будайл ибн Варқоъ Хузоий бир қанча хузоаликлар билан бирга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Хузоа Тиҳома (яъни, Макка ва унинг атрофи) аҳли ичида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сир сандиғи ҳисобланарди (яъни, Маккада бўлаётган гап-сўзларни у зотга етказиб турарди). Будайл: «Мен Каъб ибн Луайни (ўз одамлари билан) Ҳудайбиядаги бир неча қудуқлар атрофига тушган ҳолда қолдириб келдим. Улар серсут туялар-у, болали аёлларгача олиб чиқишган. Сиз билан жанг қилишмоқчи, сизни Байтуллоҳдан тўсишмоқчи», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз биров билан урушгани келмаганмиз, умра қилиш учун келганмиз. Урушлар Қурайшнинг тинкасини қуритиб, уларга анча зиён етказди. Агар истасалар, улар билан маълум муддат урушмаслик ҳақида битим тузамиз ва улар мен билан одамлар ўртасига тушмайдилар. Агар мен ғолиб бўлсам, улар ҳам одамлар кирган нарсага киришни истасалар кирадилар, истамасалар куч тўплаб турганлари қолади. Агар урушдан бошқасига кўнмасалар, жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу иш устида ҳатто бир ўзим ёлғиз қолсам ҳам, то Аллоҳ Ўз ишини ғолиб қилгунича жанг қиламан»,** дедилар.

Будайл: «Бу гапларингизни уларга етказаман», деди ва Қурайш ҳузурига бориб: «Мен ҳозир олдингизга ўша одам олдидан келаяпман, у менга бир қанча гапларни айтди. Агар истасангиз у гапларни сизларга етказаман», деди.

Қурайшнинг нодон кишилари: «Бизга унинг гапларининг кераги йўқ, гапирмай қўяқол», дейишди. Фикрли кишилари эса: «Майли, эшитганларингни сўзла-чи», дедилар. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапларини уларга айтиб берди. Шундан сўнг Қурайш Микраз ибн Ҳафсни жўнатди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг келаётганини кўриб: «Бу одам хиёнаткор одам», дедилар. У етиб келгач, унга ҳам Будайл ва унинг шерикларига айтган гапни айтдилар. У қайтиб бориб, Қурайшга бу гапларни етказди.

Қурайш элчилари

Шундан сўнг киноналик Ҳулайс ибн Алқама деган киши: «Истасангиз мен унинг олдига бориб келаман», деди. «Майли, бор», дейишди унга. У яқинлашиб келганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига: **«Бу одам фалончи, у қурбонликларни эҳтиром қиладиган қавм аҳлидан, қурбонликка аталган жонлиқларни унинг олдига чиқариб қўйинглар»,** дедилар. Одамлар қурбонликка аталган жонлиқларни олдинга чиқариб, «лаббайка» айтган ҳолда унинг

истиқболига чиқдилар. Бу ҳолатни кўргач: «Субҳаналлоҳ! Бу кишиларни Байтуллоҳдан тўсиш мумкин эмас!», деди. Қурайш олдига қайтиб келгач: «Мен жонлиқларга белги тақилганини кўрдим, уларни Байтуллоҳдан тўсиш тўғри эмас, деб ўйлайман», деди. У билан Қурайш ўртасида бир қанча гап-сўзлар бўлиб ўтди.

Урва ибн Масъуд Сақафий: «Бу одам сизларга тўғри йўл таклиф қилибди, уни қабул қилинглар. Менга изн беринглар, ўзим ҳам бир бориб келай», деди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, у зот билан гаплаша бошлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳам Будайлга айтган гапларини айтдилар. Шу гаплар орасида Урва: «Эй Муҳаммад! Айтингчи, агар сиз ўз қавмингизни қириб ташласангиз, сиздан аввал биронта арабни ўз аҳлини қириб битирганини эшитганмисиз?! Агар бошқача бўлса, қасамки, мен сизнинг атрофингизда обрў-эътиборли одамларни кўрмаяпман, фақат қаёқдаги бетайин, қаланғи-қасанғилар йиғилиб олганини кўраяпман. Бундайлар сизни ташлаб қочиб кетишлари аниқ», деди. Шунда Абу Бакр унга: «Лотнинг базри (аёллар жинсий аъзоси, клитор) ни ялагур! Биз у зотни ташлаб қочарканмизми?!», деди. «Ким у?», деди Урва. «Абу Бакр», дейишди. Урва: «Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сенинг менга ўтказиб қўйган яхшилигинг бўлмаганда эди, сенга қандай жавоб қилишимни ўзим билардим», деди. Сўнг у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплашишда давом этди. Гапираркан, у зотнинг соқолларини ушлаб қўярди.

Араблар одатича, гаплашаётган одамнинг соқолига қўл теккизиш унга ҳурмат-эҳтиром ва лутф белгиси бўлиб саналар, хусусан тенгдошлар бир-бирига ана шундай муомала қилишарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Урвани хафа қилмаслик учун унинг бу ишидан кўз юмган бўлсалар, Муғийра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикнинг қўлини текизмаслик учун уни бу ишдан ман қилганди. "Фатҳул Борий".

Шунда Муғийра ибн Шуъба қўлида қилич, бошида дубулға билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошлари устида туриб, Урва у зотнинг соқолларига қўл узатганда қиличининг қини билан унинг қўлига уриб: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соқолларидан қўлингни торт», деди. «Бу ким бўлди?», деди Урва. «Муғийра ибн Шуъба», дейишди. Урва: «Эй хоин, кечагина мен сенинг хиёнатинг шалтоғини тозалаб юрмаганмидим?!», деди унга. Муғийра* мушриклик пайтида бир қавм билан сафарда бўлиб, кейин уларни ўлдириб, молларини тортиб олган, кейин Мадинага келиб, мусулмон бўлганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Исломингни қабул қиламан, аммо молингнинг менга кераги йўқ»,** дегандилар.

* Муғийра Урванинг жияни эди.

Кейин Урва саҳобаларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муносабатларини, у зотни қандай ҳурмат-эҳтиром

қилишларини кузата бошлади. Сўнг қайтиб боргач: «Эй қавмим, қасамки, мен кўп подшоҳлар, шу жумладан Қайсар, Кисро ва Нажоший ҳузурида бўлганман. Аллоҳга қасамки, бирон бир подшоҳни аёнлари Муҳаммаднинг асҳоблари Муҳаммадни улуғланича улуғлаганини кўрмаганман. Қасамки, агар у тупурса, тупуги ерга тушмай, улардан бирининг қўлига тушади ва у уни юзига ва баданига суради. Агар бир ишга буюрса, уни адо этишга шошилишади. Таҳорат қилса, таҳоратига сув беришга (ёки таҳоратидан ортган сувни) талашиб, уришиб кетишга яқин бўлишади. У гапирса, овозларини чиқармай, жим қулоқ солишади. Уни ҳурмат қилганларидан юзига тик боқишмайди. У сизларга маъқул ишни таклиф қилмоқда, уни қабул қилинглар», деди.

У уларнинг қўлларини сизлардан тўсган зотдир

Қурайшнинг ақлсиз ва жангари ёшлари ўз раҳбарларининг сулҳга рағбат билдиришаётганини кўриб, сулҳни барбод қилувчи бир режага қўл уришга қасд қилдилар. Яъни, тунда яширинча бориб, мусулмонлар қароргоҳи ичига кириб, уруш олови ёқилишига сабаб бўладиган ҳодисалар уюштиришга қарор қилдилар. Бу режани амалга ошириш мақсадида 70-80 чоғли ёшлар тунда Танъим тоғидан ошиб тушиб, мусулмонлар қароргоҳига сездирмай кириб олишга ҳаракат қилишди. Бироқ, қўриқчилар бошлиғи Муҳаммад ибн Маслама уларнинг ҳаммасини қўлга тушириб, асир олди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулҳга рағбатлари бўлгани учун уларни кечириб, қўйиб юбордилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят нозил қилди:

وَهُوَ ٱلَّذِى كَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ عَنْهُم بِبَطْنِ مَكَّةَ مِنۢ بَعْدِ أَنْ أَظْفَرَكُمْ
عَلَيْهِمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٢٤﴾

«(Аллоҳ) **сизларни уларнинг** (Макка мушрикларининг) **устига ғолиб қилганидан кейин Макка ичида** (яъни, Ҳудайбийяда) **уларнинг қўлларини сизлардан, сизларнинг қўлларингизни улардан тўсган** (яъни, ўрталарингизда сулҳ пайдо қилган) **зотдир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчи бўлган зотдир».**

”Фатҳ” сураси, 24-оят.

Усмон ибн Аффон Қурайшга элчи бўлиб боради

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайш уларнинг бу сафардан кўзлаган мақсадлари уруш эмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилиши учун ўзлари томонидан бир элчи юборишга қарор қилдилар. Умар ибн Хаттобни юбормоқчи бўлганларида у узр айтиб: «Ё Росулуллоҳ, Маккада менга озор етгудек бўлса, Бану Адий ибн Каъб қавмидан бўлган мен учун ҳамият қилиб, ғазаби келадиган ҳеч кимим йўқ. Яхшиси, Усмон ибн Аффонни юборинг, Маккада унинг уруғлари бор, у истагингизни амалга ошира олади», деди. Росулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмонни чақириб, уни Қурайш ҳузурига йўлладилар. Унга: **«Сиз уларга биз уруш учун келмаганимизни, мақсадимиз фақат умра қилиш эканини билдиринг ва уларни Исломга даъват қилинг»,** дедилар. Маккада яшаб турган мўмин ва мўминалар билан кўришиб, уларга ғалаба онлари яқин қолганини, Аллоҳ азза ва жалла Ўз динини Маккада ғолиб қилишини, шунда ҳеч ким иймонини яшириб юрмаслигини етказишни буюрдилар.

Усмон йўлга чиқиб, Балдаҳда турган қурайшликлар ёнидан ўтиб бораркан, улар ундан қаерга бораётганини сўрашди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни нима мақсадда юборганларини айтгач: «Майли, вазифангизни адо этаверинг», дейишди. Абон ибн Саид ибн Ос Усмонни ҳурмат қилиб, уни ўз отига миндирди ва ўз ҳимоясига олиб, Маккагача кузатиб келди. Усмон Қурайш раҳбарларига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини етказди. Вазифасини адо этиб бўлганидан сўнг улар унга Байтуллоҳни бемалол тавоф қилавериши мумкинлигини айтишди. Бироқ, у бу таклифни рад этди ва то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавоф қилмагунларича тавоф қилмаслигини билдирди.

Усмоннинг ўлдирилгани ҳақида хабар тарқаши ва Ризвон байъати

Қурайш юзага келган вазият ҳақида ўзаро маслаҳатлашиб, сўнг бир қарорга келиш ва шундан сўнг Усмонга бирон жавоб айтиб юбориш учун бўлса керак, Усмонни ўз олдиларида ушлаб қолдилар. Усмон ҳадеганда қайтавермагач, мусулмонлар орасида «Усмон ўлдирилган», деган гап тарқалди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу гап етиб келгач: **«То қавм билан тўқнашмагунча бу ердан кетмаймиз»,** дедилар. Сўнг асҳобларини байъатга (яъни, қўл бериб аҳдлашишга) чақирдилар. Ҳамма у зотнинг ҳузурларига шошилдилар ва ортга қочмасликка байъат бердилар. Бир жамоат ўлимга тайёрликлари ҳақида байъат берди. Биринчи бўлиб Абу Синон Асадий байъат берди. Салама ибн Акваъ уч қайта – байъатнинг бошида, ўртасида ва охирида ўлимга байъат берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қўлларини иккинчи қўлларига қўйиб туриб: **«Бу Усмон номидан»,** дедилар. Байъат тамом бўлганидан сўнг Усмон етиб келиб, у ҳам байъат қилди. Ушбу байъатга фақат бир киши – мунофиқлардан бўлган Жадд ибн Қайс, деган кимса қўшилмади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу байъатни бир дарахт остида туриб олдилар, Умар у зотнинг қўлларидан ушлаб олган, Маъқил ибн Ясор эса дарахт шохини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тегиб кетмаслиги учун кўтариб турарди. Ушбу байъат Ризвон (яъни, розилик) байъати номини олди. Аллоҳ таоло у ҳақда қуйидаги оятни нозил қилди:

لَّقَدْ رَضِيَ ٱللَّهُ عَنِ ٱلْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ ٱلشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَٰبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿١٨﴾

«(Эй Муҳаммад, алайҳис-салом), **дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида – рози бўлди».** ”Фатҳ” сураси, 18-оят.

Сулҳ битими ва унинг бандлари

Вазиятнинг танглигини англаган Қурайш зудлик билан Суҳайл ибн Амрни сулҳ тузиш учун юборди ва сулҳ битими ичида албатта мусулмонларнинг бу йил қайтиб кетишлари ҳақида банд бўлиши лозимлигини таъкидлаб: «Чунки, араблар у бизнинг розилигимизсиз, зўрлик билан Маккага киргани ҳақида ҳеч қачон гапириб юришмасин», дейишди. Суҳайл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига отланди. Унинг келаётганини кўриб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ишларингиз енгиллик томонга ўзгарди, қавм бу одамни юборибдими, демак сулҳни истаётган экан»,** дедилар. Суҳайл келиб, узоқ гаплашди. Охири қуйидагича сулҳ битимига келишдилар:

1. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар бу йил Маккага кирмай қайтиб кетадилар, келгуси йили мусулмонлар Маккага келиб, уч кун турадилар, ёнларида қиндаги қиличдан бошқа қуроллари бўлмайди, уларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатилмайди;

2. Томонлар ўртасида ўн йил муддатга уруш ҳаракатлари тўхтатилади, ўртада тинчлик ҳукм суриб, улар бир-бирларидан қўлларини тиядилар;

3. Ким Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, иттифоқи ва аҳдига киришни истаса, кираверади. Ким Қурайш иттифоқи ва аҳдига киришни истаса, кираверади. Ҳар икки томон иттифоқига кирган қавм-қабилалар ўша томон вакили ҳисобланади. Ушбу қавм-қабилалар тарафидан қилинган ҳар қандай тажовуз ҳам ўша томоннинг тажовузи, деб эътибор қилинади;

4. Қурайшликлардан кимки валисининг (яъни, оила бошлиғи ёки хўжайини) изнисиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб қўшилса, яъни, қочиб борса уни қайтариб берилади. Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, тарафдорларидан ким Қурайшга бориб қўшилса, яъни, қочиб борса унга қайтариб берилмайди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулҳ бандларини ёзиш учун Алини чақириб, унга айтиб ёздира бошладилар: **«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...»**. Суҳайл бунга рози бўлмасдан: «Раҳмон, дегани нималигини биз билмаймиз, «Бисмикаллоҳумма», деб ёз», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у айтганидек ёзишга

буюрдилар. Сўнг: **«Бу Муҳаммад Росулуллоҳ имзолаган битимдир...»,** дегандилар, Суҳайл: «Агар сизни Росулуллоҳ, деб билганимизда, Байтуллоҳдан ҳам тўсмаган, сизга қарши уруш ҳам қилмаган бўлардик, «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ», деб ёз», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Гарчи сизлар ёлғон санасангиз-да, мен ҳақиқатан Аллоҳнинг Росулиман»,** дедилар, Алига эса: «Росулуллоҳ» сўзини ўчириб, ўрнига «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ», деб ёзишни буюрдилар. Али бу сўзни ўчиришга кўнмаган эди, ўз қўллари билан ўчириб қўйдилар. Шундан сўнг сулҳ битими ёзиб битирилди. Сулҳга келишилгач, Хузоа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иттифоқларига кирди. Улар китобнинг бошида айтиб ўтганимиздек, Абдулмутталиб замонидан бери Бану Ҳошимга иттифоқчи саналишар, ушбу иттифоққа киришлари ўша эски битимни таъкидлаш мақсадида бўлганди, Бану Бакр эса Қурайш иттифоқига кирди.

Абу Жандалнинг қайтариб берилиши

Сулҳ шартлари ёзилаётган пайт Суҳайлнинг ўғли Абу Жандал кишанларини судраганича келиб қолди, у Макканинг қуйи тарафидан чиқиб келиб, ўзини мусулмонлар орасига отди. Шунда Суҳайл: «Сулҳ шартига кўра биринчи бўлиб шуни қайтариб беришингизни сиздан талаб қиламан», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳали битимни ёзиб тугатганимиз йўқ-ку»,** дегандилар: «Ундай бўлса, сиз билан ҳеч қачон ҳеч қандай ажримга келишолмаймиз», деди. «Мен учун унга ижозат беринг», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. **«Йўқ, ижозат бермайман»,** деди Суҳайл. «Ижозат бера қолинг», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. **«Йўқ, асло ижозат бермайман»,** деди Суҳайл. Шундан сўнг Суҳайл Абу Жандалнинг юзига тарсаки тушириб, ёқасидан бўғиб, судраб кетди. Абу Жандал бор овози билан бақириб: «Ҳой мусулмонлар! Мушрикларга қайтариламанми?! Ўз динимда фитнага учрайманми?!», дея бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Эй Абу Жандал, сабр қил, Аллоҳдан савоб умид қил. Албатта, Аллоҳ сенга ва сен каби бошқа заифларга кенглик беради. Биз қавм билан сулҳ туздик. Уларга Аллоҳнинг номи билан аҳд бердик, улар ҳам аҳд бердилар. Биз уларга берган аҳдимизга хиёнат қилмаймиз»,** дедилар.

Умар ибн Хаттоб ўрнидан сакраб турди ва Абу Жандалга яқинлашиб, у билан ёнма-ён юрган ҳолда: «Эй Абу Жандал, сабр қил, улар мушриклар, уларнинг қони итнинг қони билан баробар», деганича қиличининг сопини унга яқинлаштира бошлади. Кейинчалик Умар: «Қиличимни олиб отасини урсайди, дегандим, лекин у отасини аяди», деган эди. Шундай қилиб, сулҳ шарти амалга оширилиб, Абу Жандални мушрикларга қайтариб берилди.

Умра иҳромидан чиқиш учун жонлиқларнинг сўйилиши ва сочларнинг олиниши

Сулҳ битими ёзиб бўлингач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга: **«Туринглар, жонлиқларингизни сўйинглар!»,** дедилар. Шунда (изтиробнинг зўридан одамлар қулоқларига ишонмагандек,) ҳеч ким ўрнидан қимирламади. Буйруқларини уч марта қайтарганларидан кейин ҳам ҳеч ким уни бажаришга шошилмагач, ўрниларидан туриб, Умму Саламанинг олдига кирдилар ва одамлардан содир бўлган ҳолатни айтиб бердилар. Шунда Умму Салама: «Ё Росулуллоҳ, улар буйруғингизни адо этишларини истасангиз, ўзингиз чиқиб, ҳеч кимга лом-мим демасдан, жонлиғингизни сўйинг ва сартарошингизни чақириб, сочингизни олдиринг», деб маслаҳат берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиқиб, ҳеч кимга индамасдан, жонлиқларини бўғизладилар ва сартарошни чақириб, сочларини қирдирдилар. Буни кўрган одамлар гурра-гурра туриб, жонлиқларини сўйишга ва бир-бирларининг сочларини қиришга тушдилар. Бир туя ёки сигирни етти киши шерик бўлиб сўйдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг жиғига тегиш учун ҳам аввалда Абу Жаҳлники бўлган, бурнига кумуш ҳалқа тақилган туяни қурбонлик қилдилар. Сочларини қирдирганларга уч бор, қисқартирганларга бир бор мағфират сўраб дуо қилдилар. Шу сафар асносида Аллоҳ таоло Каъб ибн Ужра шаънида оят нозил қилиб, унда бирон узр сабабли сочини олдириб юборган одамнинг рўза тутиш ёки садақа бериш ёки жонлиқ сўйиш билан тўлайдиган фидяси (жаримаси)ни баён қилиб берди.

Муҳожир аёлларни қайтариб беришдан бош тортганликлари

Ҳижрат қилиб келган мўмина аёлларнинг валилари Ҳудайбия сулҳи шартларига асосан уларни қайтариб юборишларини талаб қилганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу талабларини рад этдилар. Чунки, битимнинг бу хусусдаги бандида гап фақат эркаклар хусусида кетган, «Биздан бирон киши сизнинг олдингизга борса, гарчи сизнинг динингизда бўлса ҳам, бизга қайтариб берасиз» («Саҳиҳул Бухорий», 1/380), дейилган, аёллар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган эди. Аллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил қилди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا جَآءَكُمُ ٱلۡمُؤۡمِنَٰتُ مُهَٰجِرَٰتٖ فَٱمۡتَحِنُوهُنَّۖ ٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِإِيمَٰنِهِنَّۖ فَإِنۡ عَلِمۡتُمُوهُنَّ مُؤۡمِنَٰتٖ فَلَا تَرۡجِعُوهُنَّ إِلَى ٱلۡكُفَّارِۖ لَا هُنَّ حِلّٞ لَّهُمۡ وَلَا هُمۡ يَحِلُّونَ لَهُنَّۖ وَءَاتُوهُم مَّآ أَنفَقُواْۚ وَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ أَن تَنكِحُوهُنَّ إِذَآ ءَاتَيۡتُمُوهُنَّ

أُجُورَهُنَّ ۚ وَلَا تُمۡسِكُواْ بِعِصَمِ ٱلۡكَوَافِرِ وَسۡـَٔلُواْ مَآ أَنفَقۡتُمۡ وَلۡيَسۡـَٔلُواْ مَآ أَنفَقُواْ ۚ ... ﴿١٠﴾

«Эй мўминлар, қачон сизларга (Макка кофирларининг қўли остида қолган) **мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар улар**(нинг иймонлари)**ни имтиҳон қилиб кўринглар** (яъни, улар ўз эрларини ёмон кўриб ёки сизлардан биронтангизга ишқи тушиб қолгани учун эмас, балки мўмина фақат бўлганлиги сабабли, дини Ислом учун ҳижрат қилганлари ҳақида сизларга қасам ичсинлар)**. Аллоҳ уларнинг** (дилларидаги) **иймонларини** (ҳам) **жуда яхши билгувчидир. Бас, агар сизлар уларнинг** (ҳақиқий) **мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар! У мўминалар** (кофирлар) **учун ҳам ҳалол эмас ва у** (кофир)**лар** (мўмина)**лар учун ҳалол бўлмайдилар ва уларга** (яъни, сизларнинг олдингизда қолган мўминаларнинг Маккада қолган кофир эрларига мана шу хотинлари учун) **сарфлаган маҳрларини** (қайтариб) **беринглар. Қачон сизлар у** (мўминалар)**ларга маҳрларини берсангизлар, сизларга уларни никоҳларингизга олишда бирон гуноҳ йўқдир.** (Шунингдек) **сизлар ҳам кофираларнинг билак-қўлларидан ушламанглар** (яъни, сизларнинг хотинларингиз кофира бўлган ҳолларида кофирлар билан қолишни истаса, сизлар уларнинг йўлларини тўсиб никоҳларингизда сақламанглар...)**».**

"Мумтаҳана" сураси, 10-оятдан.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилиб келган аёлларни Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари бўйича имтиҳон қилардилар:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ إِذَا جَآءَكَ ٱلۡمُؤۡمِنَٰتُ يُبَايِعۡنَكَ عَلَىٰٓ أَن لَّا يُشۡرِكۡنَ بِٱللَّهِ شَيۡـٔٗا وَلَا يَسۡرِقۡنَ وَلَا يَزۡنِينَ وَلَا يَقۡتُلۡنَ أَوۡلَٰدَهُنَّ وَلَا يَأۡتِينَ بِبُهۡتَٰنٖ يَفۡتَرِينَهُۥ بَيۡنَ أَيۡدِيهِنَّ وَأَرۡجُلِهِنَّ وَلَا يَعۡصِينَكَ فِي مَعۡرُوفٖ فَبَايِعۡهُنَّ وَٱسۡتَغۡفِرۡ لَهُنَّ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ﴿١٢﴾

«Эй пайғамбар (алайҳис-салом)**, қачон сизнинг олдингизга мўминалар келишиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғрилик қилмасликларига, зино қилмасликларига,** (камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) **ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига** (яъни, фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни ўзлари туққандек

эрларига: «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўҳтон қилмасликка) **ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг! Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир».** ("Мумтаҳана" сураси, 12-оят). Қай бир аёл шу шартларга иқрор бўлса, унга: «Байъатингни (яъни, қасамёдингни) қабул қилдим», дердилар, сўнг уни кофирларга қайтариб бермасдилар.

Мана шу ҳукм тушгач, мусулмонлар ўз никоҳларида бўлган кофира аёлларни талоқ қилдилар. Умар розияллоҳу анҳу шу куни мушрика ҳолича қолаётган икки аёлини талоқ қилди. Кейин улардан бирига Муовия, иккинчисига Сафвон ибн Умайя уйланган эди.

Ушбу битимдан келиб чиқувчи хулосалар

Ҳудайбия сулҳини у олиб келган натижалар билан бирга яхшилаб ўрганиб кўрган одамга унинг мусулмонлар учун шубҳасиз, улкан фатҳ-ғалаба бўлгани маълум бўлади. Чунки, Қурайш шу пайтгача мусулмонларни умуман эътироф этмай келарди, аксинча, уларни таг-томири билан қуритиб ташлашга уриниб келар ва бир кун келиб албатта уларнинг ниҳоясини кўришни умид қиларди, ўзининг Араб жазирасидаги диний етакчилиги ва дунёвий обрў-эътиборидан келиб чиқиб, Ислом даъватини одамлардан тўсиш учун қўлидан келган ҳамма ҳаракатни қиларди. Шундай бир қабиланинг сулҳга мойил бўлишининг ўзиёқ мусулмонларнинг куч-қудратларини тан олиш маъносини англатар, Қурайш энди ортиқ уларга қарши курашишга қодир эмаслигини билдирарди.

Сулҳнинг учинчи банди мазмунига кўра, Қурайш ўзининг дунёвий обрў-эътиборини ҳам, диний етакчилигини ҳам унутган, эндиликда унга фақат ўз жонидан бошқа нарса кўринмай қолган, бутун Араб жазираси аҳолисининг ҳаммаси Исломга кириб кетса ҳам бу нарса Қурайшга аҳамиятсиз бўлиб қолган ва бунга заррача аралашиш ҳақида ўйламаётган ҳам эди. Шунинг ўзи ҳам Қурайшга нисбатан жуда катта муваффақиятсизлик эмасми?! Мусулмонларга нисбатан улкан фатҳ ва ғалаба эмасми?! Мусулмонлар билан душманлари ўртасида бўлиб келаётган қонли жангларнинг асосий мақсади – мусулмонлар назарида қирғинбарот, одамларни ўлдириш ва мол-дунёларни қўлга киритиш, душманни мажбурлаб Исломга олиб кириш эмасди. Балки, мусулмонларнинг бу урушлардан кўзлаган асосий мақсадлари одамлар учун дин ва ақида соҳасида тўла эркинлик яратиб бериш эди:

وَقُلِ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ فَمَن شَآءَ فَلْيُؤْمِن وَمَن شَآءَ فَلْيَكْفُرْ ... ﴿٢٩﴾

«Айтинг: (Бу Қуръон) **Парвардигорингиз томонидан** (келган) **ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин...»** ("Каҳф" сураси, 29-оятдан) инсонларни улар истаган

ақида ва диндан ҳеч ким тўсмаслиги лозим эди. Ушбу сулҳ орқали айни шу мақсадга тўла-тўкис эришилдики, кўп ҳолларда урушларда қозонилган улкан ғалабалар орқали ҳам бундай натижага эришиб бўлмасди. Мана шу эркинлик туфайли мусулмонлар даъватда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ҳудайбия сулҳидан олдин уларнинг сони уч мингдан ортмагани ҳолда, икки йил ўтиб, Макка фатҳи олдидан Исломий лашкарнинг сони ўн минг кишини ташкил этди.

Сулҳнинг иккинчи банди ҳам мазкур улкан ғалабанинг иккинчи қисми эди. Урушни биринчи бўлиб мусулмонлар бошламаган эдилар, уни Қурайш бошлаган эди. Аллоҳ таоло айтганидек:

...وَهُم بَدَءُوكُمۡ أَوَّلَ مَرَّةٍۚ ... ﴿١٣﴾

«...ҳамда ўзлари аввал-бошда сизларга қарши (жанг қилишни) **бошлаган...»** (”Тавба” сураси, 13-оятдан). Аммо мусулмонларнинг жанговор юриш ва ҳаракатларидан мақсад Қурайшни ҳовуридан тушириб қўйиш, Аллоҳнинг йўлидан тўсишдан тийиб қўйиш ва мусулмонлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида муомала қилишга мажбур қилиб қўйиш эди. Уруш ҳаракатларини ўн йил муддатга тўхтатиш ҳақидаги битимга эришиш Қурайшнинг зўравонликларига қўйилган чек-чегара ва урушни биринчи бўлиб бошлаганларнинг муваффақиятсизлиги, кучсизланиши ва инқирозга учраётганига далил эди.

Сулҳнинг биринчи банди эса Қурайшнинг Масжиди Ҳаромдан тўсишига қўйилган чек-чегара бўлиб, бу ҳам унинг мағлубиятига далил эди. Ушбу банднинг Қурайш фойдасига хизмат қилган биргина қисми – унинг фақат шу йилгина мусулмонларни Байтуллоҳдан тўсишга қодир бўлиши эди.

Қурайш мазкур учта ютуқни мусулмонлар қўлига бериб, бунинг муқобилида фақат битта устунликни қўлида сақлаб қолди. У ҳам бўлса, сулҳнинг тўртинчи банди эди. Аммо, ўйлаб кўрилса, бу устунлик ҳам жуда арзимас ва мусулмонлар учун деярли зарарсиз устунлик эди. Маълумки, мусулмон киши модомики мусулмон бўларкан, ҳеч қачон Аллоҳу Росулидан ва Ислом диёридан қочиб кетмайди. Фақат Исломдан очиқ-ошкор ёки махфий равишда қайтиб, муртад бўлган кимсагина қочиб кетиши мумкин. Муртад кимсанинг эса мусулмонларга кераги йўқ, бундай кимсанинг ислом жамиятидан ажралиши унинг ичида қолишидан кўра яхшироқ. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари ҳам мана шу мазмунга ишора қилади: **«Ким биздан уларга кетса, уни Аллоҳ узоқ қилсин».** (“Саҳиҳ Муслим”, “Ҳудайбия сулҳи боби”, 2/105). Аммо Макка аҳлидан мусулмон бўлган киши учун энди Мадинага паноҳ истаб келишига йўл тўсилган бўлса-да, Аллоҳнинг ери кенг. Мадина мусумонлар учун ҳижрат диёрига

айланишидан анча олдин Ҳабашистон уларга ўз қучоғини очганини эслашнинг ўзи кифоя. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги сўзлари билан ана шунга ишора қилгандилар: **«Ким улардан бизга келмоқчи бўлса, тез фурсатда Аллоҳ унга кенглик ва чиқиш йўлларини ҳозирлаб беради».** «Зодул маод», 3/61.

Бундай эҳтиёт ва ҳимоя чорасини кўриб қўйиш зоҳиран Қурайшнинг устунлиги бўлиб кўринса-да, аслида унинг қаттиқ хавотирга тушганидан, қўрқувдан юраги ўйнаб, мадорсизланиб бораётганидан ва бутпараст вужудининг инқирозидан қаттиқ ташвишланаётганидан дарак берарди. Афтидан, улар ўзларининг жар ёқасига келиб қолишганини ва мана шундай эҳтиёт чорасини кўриш зарурати туғилганини ҳис қилишганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмонлардан Қурайшга қочиб борган кишини қайтариб беришни талаб қилмасликка рози бўлишлари эса у зотнинг Исломнинг вужуди ва куч-қуввати мустаҳкам эканига қаттиқ ишонишларига далил эди. Демак, бундай шартдан қўрқмаса ҳам бўлаверарди.

Мусулмонларнинг ғам-ғуссага ботишлари ва Умарнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан баҳслашуви

Ушбу сулҳ бандларининг асл ҳақиқати мана шу. Бироқ, бу ерда мусулмонларга оғир ботган ва уларни қаттиқ хафа қилган иккита иш бор эди:

Биринчиси: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: **«Албатта Байтуллоҳга бориб, уни тавоф қиламиз»,** деб хабар бергандилар. Нега энди Байтуллоҳни тавоф қилмай қайтмоқдалар?!

Иккинчиси: у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг элчиси ва ҳақ дин устида бўлсалар, Аллоҳ таоло Ўз динини ғолиб қилишни ваъда қилган бўлса, нега энди у зот Қурайшнинг босимини қабул қилдилар ва сулҳда уларга ён бердилар?!

Мана шу иккита нарса шак-шубҳа, васваса ва гумонлар ўчоғига айланиб, мусулмонларнинг ҳис-туйғуларини тирнаётган ва шу туфайли келиб чиққан ғам-алам уларга сулҳ оқибатлари ҳақида фикр юритишга имкон бермаётган эди. Энг қаттиқ алам чекканлардан бири Умар ибн Хаттоб бўлса ажаб эмас. Ҳатто, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Ё Росулуллоҳ, биз ҳақ устида, улар эса ботилда эмасмилар?!», деди. **«Шундай»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Биздан ўлганлар жаннатда, улардан ўлганлар дўзахда эмасмилар?!», сўради у. **«Ҳа, шундай»,** дедилар яна Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Ундай бўлса нега динимиз тўғрисида уларга ён бермоқдамиз ва Аллоҳ улар билан бизнинг ўртамизда ажрим қилмасидан туриб орқага қайтмоқдамиз?!», деди. **«Эй Ибн Хаттоб, мен Аллоҳнинг элчисиман, У Зотга итоатсизлик қилмайман ва У мени ҳаргиз ташлаб қўймайди»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Ахир сиз албатта

Байтуллоҳга борамиз, уни тавоф қиламиз», демаганмидингиз?!», деди Умар. **«Ҳа, шундай деганман. Бироқ, бу йил борамиз, деб айтганманми?!»,** дедилар. «Йўқ», деди. **«Сиз албатта Байтуллоҳга борасиз ва уни тавоф қиласиз!»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Шундан сўнг Умар ғазаби босилмаган ҳолда Абу Бакрнинг олдига борди ва унга ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган гапларини айтди. Абу Бакр ҳам унга худди Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарганларидек жавоб қайтарди. Сўнг: «Сиз тоабад у зотни этакларини маҳкам ушлайверинг. Аллоҳга қасамки, у зот ҳақ устидалар», деди.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло:

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا ﴿١﴾ لِّيَغْفِرَ لَكَ ٱللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِن ذَنۢبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُۥ عَلَيْكَ وَيَهْدِيَكَ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢﴾ وَيَنصُرَكَ ٱللَّهُ نَصْرًا عَزِيزًا ﴿٣﴾

«(Эй Муҳаммад, алайҳис-салом)**, токи Аллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин кел**(ади)**ган нарсалар** (барча гуноҳларингиз)**ни мағфират қилиши учун ва сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри йўлга ҳидоят қилиши учун ҳамда Аллоҳ сизга қудратли ёрдам бериши учун дарҳақиқат Биз сизга очиқ-равшан фатҳ – ғалаба ато этдик»** ("Фатҳ" сураси, 1-3-оятлар), деб бошланувчи сурани нозил қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умарни ёнларига чорлаб, ушбу сурани унга ўқиб бердилар. Умар: «Ё Росулуллоҳ, фатҳ шуми?», деб сўраган эди: **«Ҳа»,** деб жавоб бердилар. Шундан сўнг Умарнинг кўнгли ўрнига тушиб, ортига қайтди.

Кейинроқ Умар ўзининг ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб юрган эди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Ўша куни гапирган гапларимдан қўрқиб, хатоимга каффорат бўлармикин, деб садақа, намоз, рўза ва қул озод қилиш каби жуда кўп амаллар қилиб юрдим».

«Ибн Ҳишом», 2/359.

Заиф-ночор кишилар муаммосининг ҳал бўлиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага қайтиб келиб, ўрнашганларидан сўнг Маккада азобга дучор бўлаётган мусулмонлардан бири Мадинага қочиб келди. У Қурайшнинг иттифоқчиси бўлган Сақиф қабиласидан Абу Басир, деган киши эди. Қабиласи уни қайтариб олиб кетиш учун икки кишини юборди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аҳдга мувофиқ, Абу Басирни бизга беришингизни талаб қиламиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Басирни улар қўлига топширдилар. Улар уни олиб кетишаркан, Зул Ҳулайфага етишганда тамадди қилгани тўхтаб, ёнларида бўлган хурмоларини еб ўтиришди. Шунда Абу Басир улардан бирининг қиличини мақтади. У қиличини қинидан

суғуриб, кўз-кўз қилиб: «Ҳа, бу жуда зўр қилич, мен уни бир неча марта синаб, тажрибадан ўтказганман», деди. Абу Басир: «Қани, бир кўрайчи», деди. У қилични узатган эди, Абу Басир шу заҳоти у билан унинг ўзини саранжомлаб қўйди.

Иккинчиси эса жон ҳолатда қочиб, Мадинага келди ва ҳаллослаганича масжидга кириб келди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб: **«Бу бирон даҳшатли нарсани кўрган чиқади»,** дедилар. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб: «Шеригимни ўлдирди, энди мени ҳам ўлдирмоқчи!», деди. Шу орада Абу Басир ҳам етиб келиб: «Ё Росулуллоҳ, сиз мени уларга қайтариб бериб, зиммангизга олган мажбуриятингизни бажардингиз. Кейин Аллоҳнинг ўзи мени улардан қутқарди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қургур, ёнида бирон шериги бўлса, анча-мунчасининг додини беришга ярайди бу»,** дедилар. Буни эшитган Абу Басир агар бу ерда қолса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни уларга қайтариб беришларини тушунди ва Мадинадан чиқиб кетиб, денгиз соҳилига бориб жойлашди. Шундан сўнг мушриклар қўлидан қочиб қутулган Абу Жандал ибн Суҳайб ҳам унга келиб қўшилди. Бирин-кетин Қурайшдан қочиб келган мусулмонлар унинг атрофида тўпланиб, бир жамоани ташкил қилдилар. Улар Қурайшнинг Шомга йўл олган карвонларини талаб, одамларини ўлдириб, молларини тортиб ола бошладилар. Шундан сўнг Қурайш Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб, ўртадаги қариндошлик ҳаққи-ҳурмати, улардан қочиб борган одамларни ўз ҳузурларида олиб қолишларини ва қайтариб юбормасликларини сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни Мадинага чақириб олдилар. Юқоридаги манбаларга қаранг.

Қурайш баҳодирларидан бир нечасининг мусулмон бўлиши

Ҳижратнинг еттинчи йили, мазкур сулҳ воқеасидан кейин Амр ибн Ос, Холид ибн Валид ва Усмон ибн Талҳа Исломни қабул қилдилар. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишганида у зот: **«Макка бизга ўзининг жигарпораларини** (яъни, аслзодаларини) **тақдим этди»,** дедилар.

Кўпинча бу учала саҳобанинг мусулмон бўлган йили ҳақида турлича маълумотларга дуч келинади. Аксарийят тарих китобларида бунинг 8-йилда содир бўлганини айтилади. Лекин Амр ибн Оснинг Нажоший ҳузурида мусулмон бўлгани ҳикояси маълум ва машҳур. Холид билан Усмон ибн Талҳанинг Исломни қабул қилишлари Амр ибн Оснинг Ҳабашистондан қайтган пайтига тўғри келган. Амр Ҳабашистондан қайтиб келгач, Мадинага қараб йўл олади. Йўлда унга Холид ибн Валид билан Усмон йўлиқади. Учовлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, мусулмон бўладилар. Бу эса уларнинг ҳижрий 7-йилда мусулмон бўлганликларига далолат қилади, валлоҳу аълам.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ: ЯНГИ ДАВР

Ҳудайбия сулҳи Ислом ва мусулмонлар ҳаётида янги даврнинг бошланиши бўлди. Зотан, Қурайш Ислом душманлари ичида энг қудратлиси, энг ашаддийси ва энг тажовузкори эди. Унинг уруш майдонидан тинчлик-осойишталик воҳасига ўтиши билан Қурайш, Ғатафон ва яҳудлардан ташкил топган катта учликнинг энг кучли қаноти синди. Қурайш Араб жазирасида бутпарастлик тимсоли ва бутпарастларнинг етакчиси бўлиб келгани туфайли унинг чекиниши билан барча бутпарастларнинг шашти анча пасайиб, душманлик кайфиятлари сезиларли даражада камайди. Шунинг учун ҳам ушбу сулҳдан кейин Ғатафондан душманлик ҳаракатлари деярли кўрилмади. Аслида, уларни жанг майдонига асосан яҳудларнинг гиж-гижлаши олиб келганди.

Яҳудларга келсак, улар Мадинадан сургун қилинганларидан кейин Ҳайбарни макр-ҳийла, фитна ва ғаламислик уясига айлантириб олишган, энг катта шайтонлари ўша ерда тухум қўйиб, бола очишар, зўр бериб фитна оловини ёқишар, Мадина атрофидаги саҳройи арабларни гиж-гижлашар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мусулмонларни бутунлай йўқ қилиб юбориш ёки ҳеч бўлмаганда уларга улкан талофот ва зиён-заҳмат етказиш тўғрисида тинимсиз бош қотиришарди. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур сулҳдан кейинги энг биринчи одимлари ушбу фитна уясини янчиб ташлаш учун юриш қилиш бўлди.

Ундан ташқари, сулҳдан сўнг бошланган бу янги босқич мусулмонларга Ислом даъватини ёйиш ва етказиш учун жуда катта имкониятлар очиб берди. Уларнинг бу соҳадаги ҳаракатлари анча фаоллашиб, даъват йўлидаги ҳаракатлари ҳарбий ҳаракатлардан устун кела бошлади. Шу боис биз ушбу босқични икки қисмга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ кўрдик:

1. Даъват соҳасидаги фаолият ёки подшоҳлар ва амирларга мактублар йўллаш;
2. Ҳарбий-жанговар ҳаракатлар.

Биз ҳарбий ҳаракатлар босқичи ҳақида сўз юритишдан аввал подшоҳ ва амирларга мактублар йўлланиши мавзусини ёритиб ўтмоқчимиз. Чунки, Исломий даъват табиийки, барча нарсадан муқаддам қўйилади. Аслида, мусулмонлар бошдан ўтказган мусибату аламлар, фитна-ю урушлар, безовталигу беқарорликларнинг ҳаммаси мана шу даъват йўлида бўлган эди.

Подшоҳлар ва амирларга мактублар йўлланиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан қайтиб келганларидан сўнг, 6-йилнинг охирларида подшоҳларни Исломга даъват қилиб, мактублар йўлладилар.

Подшоҳларга мактуб йўллашлари олдидан у зотга: «Подшоҳлар фақат муҳр қўйилган хатларни ўқишади», дейилгач, кумушдан узук

ясаттириб, унга «Муҳаммад Росулуллоҳ», деб нақш урдирдилар. Ушбу нақш уч сатрга жойлашган бўлиб, бир сатрда «Муҳаммад», яна бир сатрда «Росул», яна бир сатрда «Аллоҳ» калималари битилганди.

«Саҳиҳул Бухорий», 2/872, 873.

Мана бу шаклда:

Асҳоблари орасидан билим ва тажрибага эга бўлган кишиларни танлаб олиб, уларни подшоҳлар ҳузурига элчи сифатида юбордилар. Аллома Мансурпурий таҳқиқига кўра, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур элчиларни ҳижрий еттинчи йилнинг муҳаррамида, Ҳайбарга юриш қилишларидан бир неча кун олдин юборганлар.

«Раҳматан лил-аламийн», 1/171.

Қуйида ушбу мактубларнинг матнлари ҳамда уларнинг таъсир ва натижалари билан танишасиз.

1. Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга мактуб

Ушбу Нажошийнинг исми Асҳама ибн Абжар бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрий 6-йилнинг охирида ёки еттинчи йилнинг муҳаррамида Амр ибн Умайя Зомрийни мактуб билан унинг ҳузурига юбордилар. Табарий ушбу мактуб матнини келтирган. Лекин, уни диққат билан ўқиб чиқилса, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан кейин йўллаган мактуб эмаслиги, балки анча илгари, Жаъфар ва шериклари Ҳабашистонга ҳижрат қилган пайтларида Жаъфардан бериб юборган мактуб экани маълум бўлади. Ушбу мактуб сўнггида мазкур муҳожирлар ҳақида битилган қуйидаги сўзлар келади: **«Мен сизларга амакиваччам Жаъфарни бир қанча мусулмонлар билан юбордим. Ҳузурингизга етиб боргач, улар сизнинг меҳмонингиз бўлсинлар ва сиз уларга жабр-зулм қилманг».**

Имом Байҳақий Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Нажошийга ёзган мактублари матнини Ибн Исҳоқдан қуйидагича ривоят қилади:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу Муҳаммад Росулуллоҳнинг Ҳабашистон подшоси Асҳама Нажошийга мактубидир. Ҳидоятга эргашган, Аллоҳ ва Росулига иймон келтирган ҳамда бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиз ва шериксиз, Унинг жуфти ҳам, фарзанди ҳам йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси, деб гувоҳлик берган кишиларга салом бўлсин. Мен сизни Исломга даъват қиламан. Мен Аллоҳнинг элчисиман. Исломни қабул қилинг, саломат қоласиз.

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ تَعَالَوۡاْ إِلَىٰ كَلِمَةٖ سَوَآءِۭ بَيۡنَنَا وَبَيۡنَكُمۡ أَلَّا نَعۡبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا نُشۡرِكَ بِهِۦ شَيۡـٔٗا وَلَا يَتَّخِذَ بَعۡضُنَا بَعۡضًا أَرۡبَابٗا مِّن دُونِ ٱللَّهِۚ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَقُولُواْ ٱشۡهَدُواْ بِأَنَّا مُسۡلِمُونَ ﴿٦٤﴾

«Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, бир-бировларимизни худо қилиб олмайлик. Агар улар (яъни, аҳли китоблар) **ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар** (эй мўминлар): **«Гувоҳ бўлинглар, биз, мусулмонлар ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!».** ("Оли Имрон" сураси, 64-оят). **Агар юз ўгирсангиз, бутун насоро қавмларингиз гуноҳи сизнинг зиммангизга бўлади».**

Имом Байҳақий, "Далалилун-нубувва", 2/308; Ҳоким, "Мустадрак", 2/623.

Улуғ муҳаққиқ олим доктор Ҳамидуллоҳ яқин ўтмишда ўзи дуч келган бир мактуб матнини келтиради, (ушбу матн Ибн Қоййум келтирган матн билан фақат битта калимада фарқ қилади). Доктор ушбу матнни чуқур таҳқиқ қилган ва бунда кўпгина замонавий илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланган. Ушбу матн кўриниши қуйидагича:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад Росулуллоҳдан Ҳабашистон подшоси Нажошийга. Ҳидоятга эргашган кишига салом бўлсин. Аммо баъд...

Мен сизга Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқ бўлган, Угина ёлғиз подшоҳ, барча айб-нуқсондан пок ва саломат, (Ўзи хоҳлаган бандаларини дунё бало-офатлари ва охират азобидан) **омон қилувчи,** (бандаларнинг амалларини) **кўриб-кузатиб турувчи бўлган Аллоҳни мақтайман. Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг покиза ва бокира Марямга етказган руҳи ва калимаси эканига, У Одамни ўз қўли билан яратгани каби Марям Ийсога Унинг руҳи ва нафхаси билан ҳомиладор бўлган эканига гувоҳлик бераман. Мен шериксиз ва ягона Аллоҳга даъват қиламан, мудом Унинг тоатида бўлишга, менга итоат қилишга ва менга келган нарсага иймон келтиришга чақираман. Дарҳақиқат, мен Аллоҳнинг элчисиман ва сизни ҳамда итоатингиз остидаги кишиларни Аллоҳ азза ва жаллага даъват қиламан. Мен сизга етказиб қўйдим ва насиҳат қилдим, сиз менинг насиҳатимни қабул қилинг. Ҳидоятга эргашган кишиларга салом бўлсин».** "Росул акрамки сиёсий зиндаги" (урду тилида), 108, 109, 122-125-саҳифалар; «Зодул маод»да: «Ҳидоятга эргашган кишиларга салом бўлсин», деган ибора ўрнида «Сиз Исломни қабул қилинг», ибораси келган (3/60).

Муҳтарам докторнинг таъкидлашича, бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбия сулҳидан кейин Нажошийга ёзган мактуб матни экан. Далилларга назар ташлагач, ушба матннинг саҳиҳлиги борасида шубҳа қолмайди. Аммо, бу Ҳудайбиядан кейин ёзилган айни ўша мактуб эканига далиллар мавжуд эмас. Имом Байҳақий Ибн Исҳоқдан ривоят қилиб келтирган мактуб матни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан кейин подшоҳ ва амирларга юборган мактубларга жуда ўхшаб кетади. Чунки, ундан **«Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз»** деб бошланувчи ояти карима ўрин олган бўлиб, кўп мактублари мазкур оятни ўз ичига олган эди. Ундан ташқари, бу мактубда Нажошийнинг Асҳама, деган исми аниқ-равшан битилган. Аммо Доктор Ҳамидуллоҳ келтирган матнга келсак, у менимча, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Асҳаманинг вафотидан кейин унинг ўрнига келган халифасига ёзган мактуб бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Унда унинг исми битилмагани сабаби ҳам шу бўлса керак.

Ушбу мактубларнинг тартиби борасида менда уларнинг мазмуни далолат қилаётган ички гувоҳликдан бошқа ҳеч қандай далиллар мавжуд эмас. Қизиғи шундаки, доктор Ҳамидуллоҳ имом Байҳақий Ибн Аббос ривояти билан келтирган мактуб матнини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Асҳаманинг вафотидан кейин унинг ўрнига ўтирган подшоҳга ёзган мактуб эканини таъкидлайди. Ҳолбуки, ушбу мактуб матнида Асҳаманинг исми аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйилган. Аллоҳ Ўзи билгувчироқ.

Доктор Ҳамидуллоҳ, «Росул акрамки сиёсий зиндаги», 108-114, 121-131-саҳифалар.

Амр ибн Умайя Зомрий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини Нажошийга етказгач, у мактубни олиб, кўзларига суртди, сўнг тахтидан ерга тушиб, Жаъфар ибн Аби Толибнинг қўлида мусулмон бўлди. Кейин у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидагича жавоб ёзиб юборди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад Росулуллоҳга Нажоший Асҳамадан. Эй пайғамбар, сизга Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқ бўлган ягона Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин. Аммо баъд...

Эй Росулуллоҳ, менга сизнинг Ийсо ҳақида зикр қилиб ўтган мактубингиз етиб келди. Осмон ва ернинг Роббига қасамки, Ийсо сиз зикр қилгандан заррача ортиқ эмасдир, у худди сиз айтгандекдир. Дарҳақиқат, биз сиз олиб келган динни танидик. Амакиваччангиз ва асҳобларингиз бизнинг меҳмонимиз бўлдилар. Мен сизнинг Аллоҳнинг ҳақиқий пайғамбари эканингизга чин дилдан гувоҳлик бераман. Мен дарҳақиқат, сизга ва амакивачангизга байъат бердим ва унинг қўлида бутун оламлар Робби бўлмиш Аллоҳга таслим бўлдим-бўйсундим».

«Зодул маод», 3/61.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Нажошийдан Жаъфар бошчилигидаги Ҳабашистон муҳожирларини жўнатиб юборишни сўраган эдилар. Нажоший муҳожирларни Амр ибн Умайя Зомрийга қўшиб, иккита кемага солиб, кузатиб юборди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарда эканларида у зот ҳузурларига етиб келдилар. «Ибн Ҳишом», 2/359.

Ушбу Нажоший тўққизинчи ҳижрийнинг ражабида Табук ғазотидан сўнг вафот этди. Унинг вафоти куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда хабар бердилар ва ғойибона жаноза ўқидилар. Унинг вафотидан сўнг ўрнига тахтга ўтирган подшоҳга ҳам мактуб йўлладилар. Бироқ, бу подшоҳ мусулмон бўлганми, йўқми, буниси маълум эмас.

2. Миср подшоси Муқавқисга мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Миср ва Искандария ҳукмдори, Муқавқис лақабли Журайж ибн Маттога (Алома Мансурпурий «Раҳматан лил-оламийн» китобида келтирган маълумот бўйича унинг исми шундай. Аммо, доктор Ҳамидулло фикрича, унинг исми Бинямин бўлган экан. Қаранг: «Росул акрамки сиёсий зиндаги», 141-саҳифа) қуйидаги мактубни йўлладилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг бандаси ва элчиси Муҳаммаддан Қибт ҳукмдори Муқавқисга. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин. Аммо баъд, мен сизни Исломга даъват қиламан. Исломни қабул қилинг, саломат қоласиз. Исломни қабул қилинг, Аллоҳ сизга икки карра ажр ато этади. Агар бош тортсангиз, бутун Қибт аҳлининг гуноҳи сизнинг зиммангизда бўлади.

«Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, бир-бировларимизни худо қилиб олмайлик. Агар улар (яъни, аҳли китоблар) **ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар** (эй мўминлар): **«Гувоҳ бўлинглар, биз, мусулмонлар ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!».** ("Оли Имрон" сураси, 64-оят).

Ушбу мактубни етказиш учун Ҳотиб ибн Аби Балтаъани танладилар. Ҳотиб Муқавқис ҳузурига киргач, унга: «Сиздан илгари ҳам бир подшоҳ ўтган ва қўл остидагиларга ўзини: «Мен сизларнинг энг олий Парвардигорингиздирман», деганди. Шундан сўнг Аллоҳ уни ҳам охират, ҳам дунё азоби билан ушлади ва ундан ўч олди. Сиз бошқалардан ибрат олинг, бошқалар сиздан ибрат олишмасин», деди.

Муқавқис: «Бизнинг ўз динимиз бор, ундан кўра яхшироқ дин бўлмаса, биз асло уни тарк қилмаймиз», деди.

Ҳотиб деди: «Биз сизни бошқа барча динлар ўрнига кифоя қилувчи Ислом динига чақирамиз. Бу пайғамбар одамларни даъват қилди. Унга қарши энг қаттиқ курашган Қурайш бўлди, энг қаттиқ адоват қилганлар яҳудлар бўлдилар, энг яқин муносабатда бўлганлар насронийлар

бўлдилар. Қасамки, Мусонинг Ийсо ҳақидаги башорати қандай бўлса, Ийсонинг Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳақларидаги башорати ҳам худди шундай бўлди. Биз сизни Қуръонга даъват қилишимиз сизнинг Таврот аҳлини Инжилга даъват қилишингиздан фарқи йўқ. Ҳар бир пайғамбарнинг давридаги халқлар унинг уммати саналади ва улар унга итоат қилишлари лозим бўлади. Сиз ҳам ушбу пайғамбарнинг даврида яшаб турибсиз. Биз сизни Масиҳнинг динидан қайтармаймиз, балки унга буюрамиз».

Муқавқис деди: «Мен бу пайғамбарнинг ишларига назар солиб, унинг ёмон нарсага буюрмаётганини ва яхши нарсадан қайтармаётганини билдим. Билишимча, у адашган сеҳргар ҳам, алдоқчи фолбин ҳам эмас. Мен унда яширин нарсаларни чиқариш ва махфий суҳбатларнинг хабарини айтиб беришдек нубувват аломатини ҳам топдим. Мен ўйлаб кўраман».

Шундай деб у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини олиб, фил тишидан ясалган қутичага солиб, жориясига берди. Сўнг арабча ёзадиган котибини чақириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги мактубни ёздирди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад ибн Абдуллоҳга Қибт ҳукмдори Муқавқисдан. Сизга салом бўлсин. Аммо баъд... Мен мактубингизни ўқидим, сиз унда зикр қилган нарсани ва сиз нимага чақираётганингизни тушундим. Билдимки, пайғамбар чиқибди. Мен уни Шомдан чиқади, деб ўйлардим. Мен сизнинг элчингизга иззат-икром кўрсатдим. Сизга Қибтда мартабаси баланд бўлган иккита жория ва кийим-кечак жўнатдим. Миниб юришингиз учун бир хачир ҳам ҳадя қилдим. Сизга салом бўлсин».

Унинг қилган иши мана шунга чекланди, ўзи Исломни қабул қилмади. Икки жориянинг исмлари Мория ва Сийрин эди. Хачирнинг лақаби Дулдул бўлиб, у то Муовиянинг давригача яшади.

«Зодул маод», 3/61.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Морияни ўзларига олиб қолдилар, у ўғиллари Иброҳимга она бўлди. Сийринни эса Ҳассон ибн Собит Ансорийга бердилар.

3. Форс ҳукмдори Кисрога мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Форс ҳукмдори Кисрога қуйидаги мактубни йўлладилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Форс ҳукмдори Кисрога. Ҳидоятга эргашган, Аллоҳ ва Росулига иймон келтириб, ягона ва шериксиз Аллоҳдан бошқа барҳақ маъбуд йўқ эканига ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик берган кишиларга салом бўлсин. Мен сизни Исломга даъват қиламан. Зотан, мен тирикларни огоҳлантириш ва кофирлар сўз (азоб)**га лойиқ бўлишлари учун бутун инсониятга юборган Аллоҳнинг элчисиман. Исломни қабул қилинг, саломат**

қоласиз. Агар бош тортсангиз, бутун мажусийларнинг гуноҳи зиммангизда бўлади».

Ушбу мактубни олиб боришга Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмийни танладилар. Абдуллоҳ мактубни Баҳрайн ҳокимига етказди. Баҳрайн ҳокими мактубни ўзининг одамлари орқали юборганми, ёки Абдуллоҳ Саҳмийнинг ўзини юборганми, буниси аниқ эмас. Нима бўлганда ҳам, мактуб ўқиб эшиттирилгач, Кисро уни майдалаб йиртиб ташлади ва кибр билан: «Менинг раиятимдан бўлган ҳақир бир қул қандай қилиб ўз исмини менинг исмимдан олдин ёзади?!», деди. Бу хабар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келгач, у зот: **«Аллоҳ унинг мулкини парчалаб ташласин»,** дедилар. Дарҳақиқат, у зот айтганларидек бўлди. Кисро ўзининг Ямандаги омили (ҳокими) Бозонга мактуб йўллаб: «Кучли одамларингдан иккитасини ҳижозлик бу кимсага юбор, улар уни ҳузуримга етказиб келсинлар», деб буюрди.

Бозон бу иш учун ўзининг иккита одамини танлади. Улардан бири Қаҳрамон Бонавайҳ исмли ҳисобчиси ва котиби, иккинчиси эса Хархисрав исмли форс йигити эди. ("Тарих Ибн Халдун", 2/37). Бу иккисини мактуб билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига йўллади. Мактубда у зотга шу икки киши билан бирга Кисро ҳузурига етиб боришни буюрганди. Иккаласи Мадинага келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашишди. Улардан бири: «Шаҳаншоҳ (подшолар подшоси) Кисро шоҳ Бозонга мактуб йўллаб, сизни унинг ҳузурига етказиб борадиган одам юборишни амр этган. Бозон мени сизни олиб кетиш учун юборди», деди ва буйруққа бўйсунмасликнинг оқибати ёмон бўлиши билан огоҳлантирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни эртаси куни келишга буюрдилар.

Айни шу дамда Кисрога қарши ўз хонадони ичида катта қўзғолон бошланган, бу қўзғолон унинг қўшини Рум қўшинидан шармандали мағлубиятга учраши оқибатида кўтарилганди. Кисронинг ўғли Шеруя ўз отасини ўлдириб, тахтини қўлга киритди. Бу воқеа еттинчи йил жумодул-увло ойининг ўнинчисида, сешанба кечаси содир бўлди.

«Фатҳул Борий», 8/127, "Тарих Ибн Халдун", 2/37.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий орқали ушбу хабардан воқиф бўлдилар ва эртаси куни ҳалиги иккаласига бу ҳақда хабар бердилар. Улар: «Нима деётганингизни биляпсизми ўзи?! Биз сизни бундан кўра енгилроқ нарса билан айблаб турган эдик. Энди мана шу гапларингизни ёзиб, бундан шоҳимизни хабардор қилишимизни истайсизми?!», дейишди. **«Ҳа, мана шу гапларимни унга етказинглар ва унга айтингларки, яқин орада менинг диним ва салтанатим Кисронинг мулки етиб борган жойларга етади ва от ва туяларнинг қадами етган ерларгача етиб боради. Унга айтингларки, агар Исломни қабул қилса, мен унга ўзининг қўли остидаги барча мулкини бераман ва қавмига подшоҳ қилиб**

қўяман», дедилар. Иккаласи Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан чиқиб, Бозон ҳузурига етиб бориб, унга бўлган гапларни айтиб беришди. Бир оздан сўнг Шеруянинг ўз отасини қатл қилгани ҳақидаги мактуб етиб келди. Шеруя хатида Бозонга: «Отам сенга у ҳақда мактуб йўллаган киши ҳақида сабр қил, то менинг амрим етмагунича уни безовта қилма!», деб буюрганди.

Ушбу воқеа Бозоннинг ва унга қўшилиб Ямандаги форс аҳлининг Исломга киришларига сабаб бўлди.

Хузарий: «Тарихи умами исломийя», 1/147; «Фатҳул Борий», 8/127-128-б.

4. Рум подшоси Қайсарга мактуб

Имом Бухорий узун бир ҳадис ичида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рум подшоси Қайсарга ёзган мактубини келтиради:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари Муҳаммаддан Рум ҳукмдори Ҳирақлга. Ҳидоятга эргашган кишиларга салом бўлсин. Аммо баъд, мен сизни Исломга даъват этаман. Исломни қабул қилинг, саломат бўласиз, Аллоҳ сизга икки карра ажр беради. Агар юз ўгирсангиз, қўл остингиздагиларнинг гуноҳи ҳам сизнинг зиммангиздадир.

... يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ تَعَالَوۡاْ إِلَىٰ كَلِمَةٖ سَوَآءِۭ بَيۡنَنَا وَبَيۡنَكُمۡ أَلَّا نَعۡبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا نُشۡرِكَ بِهِۦ شَيۡـٔٗا وَلَا يَتَّخِذَ بَعۡضُنَا بَعۡضًا أَرۡبَابٗا مِّن دُونِ ٱللَّهِۚ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَقُولُواْ ٱشۡهَدُواْ بِأَنَّا مُسۡلِمُونَ ٦٤

...«Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, бир-бировларимизни худо қилиб олмайлик. Агар улар (яъни, аҳли китоблар) **ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар** (эй мўминлар): **«Гувоҳ бўлинглар, биз, мусулмонлар ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!».** (“Оли Имрон” сураси, 64-оят).

«Саҳиҳул Бухорий», 1/ 4, 5.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу мактубни олиб боришга Диҳя ибн Халифа Калбийни танладилар ва унга бу мактубни Қайсарга етказиб бериши учун Бусро ҳокимига етказишни буюрдилар.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишича, Абу Суфён ибн Ҳарб розияллоҳу анҳу унга шундай хабар берган экан:

“Қурайш карвонида эканида Ҳирақл унга одам юборди. Бу воқеа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Суфён ҳамда Қурайш кофирлари билан сулҳ тузган даврда бўлиб, улар савдогарчилик билан Шомда эдилар. Қурайшликлар Ийлиё, деган жойда Ҳирақл

ҳузурига келишди. (Ўша кунлари Рум подшоси Қайсар Аллоҳ унга Форс устидан ғалаба ато этгани шукронасига Ҳимсдан Ийлиёга – Байтул Мақдисга келганди (қаранг: "Саҳиҳ Муслим", 2/99).

Форсликлар Кисро Абруязни ўлдириб, Рум билан сулҳга эришишган ва ўз истилолари остида бўлган Рум ерларини Қайсарга топширишган, насоролар Масиҳ алайҳис-салом осилган, деб ишонишадиган хочни ҳам унга қайтариб беришган, Қайсар 629 йил (7-ҳижрий) ўша хочни ўз ўрнига ўрнатиш ва эришилган улкан ғалаба муносабати билан Аллоҳга шукроналик бажо келтириш учун Ийлиёга (Байтул Мақдисга) келган эди).

Ҳирақл уларни ўз мажлисига чорлади. Унинг атрофида Рум зодагонлари бор эди. Сўнгра уларни ва таржимонини чақириб, деди: «Ўзини пайғамбар, деб даъво қилаётган одамга қайсинингиз насаб жиҳатидан яқинроқсиз?». Абу Суфён айтади: «Булар ичида унга насабда энг яқинроғи менман», дедим. Ҳирақл: «Уни менга яқинроқ олиб келинглар, шерикларини ҳам яқин келтириб, унинг орқасига қўйинглар», деди. Сўнг таржимонига деди: «Уларга айт, мен бундан (пайғамбарлик даъвосидаги) одам ҳақида сўрайман, агар ёлғон гапирса, ёлғон айтаяпти денглар». Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар мени ёлғончи қилишларидан уялмаганимда у (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳақида албатта ёлғон айтган бўлар эдим. Сўнг у ҳақида мендан энг аввал: «Ораларингизда унинг насаби қандай?», деб сўради. «У бизнинг ичимизда насл-насабли», дедим. «Ундан аввал ҳам сизлардан бирор киши у (айтаётгандек) сўзларни айтганми?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «Аждодларидан биронтаси подшоҳ ўтганми?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «Унга шарафли инсонлар эргашаяптими, заиф инсонларми?», деб сўради. «Заиф инсонлар», дедим. «Улар кўпайишяптими, озайишяптими?», деб сўради. «Кўпайишмоқда», дедим. «Улардан бирортаси унинг динига кирганидан сўнг у динни ёмон кўриб қайтиб кетаяптими?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «Сизлар уни айтаётган шу сўзларини айтишидан олдин ёлғончиликда айблармидингиз?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «У хиёнат қиладими?», деб сўради. «Йўқ, ва лекин биз ҳозир у билан сулҳдамиз, бу муддат ичида нима қилади, билмайман», дедим. (Абу Суфён) деди: «Шу сўзлардан бошқа бирор сўзни гап ичига киритишимга имкон бўлмади». «У билан жанг қилдингизларми?», деб сўради. «Ҳа», дедим. «Жангларингиз (натижаси) қандай бўлди?», деб сўради. «У билан ўртамиздаги жанг тенгма-тенг, гоҳо у ғалаба қозонади, гоҳо биз», дедим. «У сизларни нимага буюради?», деб сўради. «Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилинглар, унга бирор нарсани шерик қилманглар, ота-боболарингиз айтган нарсаларни тарк қилинглар, дейди ва бизни намозга, тўғриликка, покликка, қариндош-уруғлар билан алоқа қилишга буюради», дедим.

Ҳирақл таржимонга деди: «Унга айт: Мен сендан унинг насаби ҳақида сўраган эдим, унинг ичларингизда насл-насаби тоза одам эканини айтдинг. Пайғамбарлар худди шундай, ўз қавмининг насабида

юборилади. Сендан: «Ораларингизда бошқа бирор киши ҳам шу сўзларни айтганми?», деб сўраган эдим, «Йўқ», дединг. Агар аввал ҳам бирор киши шу сўзларни айтган бўлганида, ўзидан аввалгиларнинг сўзига эргашаётган одам экан, дер эдим. «Аждодларидан биронтаси подшоҳ ўтганми?», деб сўраган эдим, «Йўқ», дединг. Агар ота-боболаридан биронтаси подшоҳ бўлса, мен уни отасининг подшоҳлигини талаб қилаётган одам экан, дер эдим. «Сизлар уни шу сўзларни айтишидан олдин ҳам ёлғончиликда айблармидингиз?», деб сўрадим. «Йўқ», дединг. Мен биламанки, у Аллоҳга нисбатан ёлғонни сўзласа, одамларга ёлғон сўзлашни ҳам ҳаргиз тарк қилмаган бўлар эди. «Унга шарафли инсонлар эргашаяптими, заиф инсонларми?», деб сўраган эдим, «Заифлар эргашаяпти», дединг. Ваҳоланки, ўшалар пайғамбарларнинг ҳақиқий тобеълари бўлур. «Улар кўпайишяптими, озайишяптими?», деб сўраган эдим, «Кўпайишяпти», дединг. Иймон иши то камолига етгунича ана шундай бўлиб бораверади. «Бирор киши унинг динига кирганидан сўнг у динни ёмон кўриб қайтиб кетаяптими?», деб сўраган эдим, «Йўқ», деб айтдинг. Иймоннинг тиниқлиги қалбларга аралашганда ана шундай бўлади. «У хиёнат қиладими?», деб сўраган эдим, «Йўқ» деб жавоб бердинг. Шунингдек, пайғамбарлар хиёнат қилмайдилар. «У сизларни нимага буюради?», деб сўрасам, у сизларни Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилишга, Унга бирор нарсани шерик қилмасликка буюришини, бутларга сиғинишдан қайтаришини ва намозга, тўғриликка, покликка буюришини айтдинг. Агар айтаётган сўзларинг ҳақ бўлса, аниқки, у тез орада мана шу оёқларим турган жойни ҳам эгаллайди. Мен унинг чиқишини билардим, лекин сизлардан бўлади, деб ўйламаган эдим. Қасамки, агар унинг ҳузурига етиб боришни билсам, албатта у билан учрашишга енг шимарган бўлар эдим, унинг ҳузурида бўлсам, албатта, унинг оёқларини ювган бўлар эдим».

Шундан сўнг у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини чорлатиб, уни ўқиди. Ҳирақл мазкур сўзларни айтгач ва хатни ўқиб бўлгач, у ерда шовқин-сурон кучайиб, овозлар кўтарилиб кетди ва бизни чиқариб юборишди. Ташқарига чиққач, шерикларимга: «Абу Кабша* ўғлининг иши шу даражада кучайиб кетибдики, ундан Бану Асфар (яъни, Рум) шоҳи ҳам хавфга тушаяпти» дедим. То Аллоҳ мени Исломга мушарраф этгунича ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида «У тез орада албатта зафар қозонади», деб ўйлайверардим".

* Абу Кабша – Важз ибн Ғолиб Хузоий бўлиб, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг она томондан боболари Ваҳб ибн Абдуманофнинг она томондан бобосидир. Абу Кабша аввалда мушрик бўлиб, кейин Шом диёрига бориб, насронийликни қабул қилганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари олиб келган янги дин билан Қурайшнинг динига қарши чиққач, у зотни ўша бобокалонларига ўхшатишар ва айблаш мақсадида унга нисбатлашар эди.

Имом Байҳақий, «Далоилун-нубувва», 1/82, 83, Абу Ҳотим, «Ас-сийратун-набавия», 44-с.

«Саҳиҳул Бухорий», ¼; “Саҳиҳ Муслим”, 2/97-99.

Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактублари Қайсарга қандай таъсир қилгани ҳақида Абу Суфён ўз кўзлари билан кўрган воқеа эди. Қайсар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилари бўлмиш Диҳя ибн Халифа Калбийни яхши ҳурматлаб, бир қанча кийим-кечак ва мол-дунёлар билан кузатди. Диҳя йўлда қайтаётиб, Ҳисмо деган жойга етганида Жузом қабиласидан бўлган кишилар унинг йўлини тўсиб, бор-будини қолдирмай тортиб олишди. Шундан сўнг у Мадинага қайтгач, уйига ҳам бормай, тўғри Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, бўлган воқеани айтиб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳорисани 500 кишилик қўшин билан Водил-қуродан нарироққа, Ҳисмога юбордилар. Зайднинг қўшини Жузомга ҳамла қилиб, уларни қирғинбарот қилди, аёлларини асир қилиб, чорва ҳайвонларини ҳайдаб кетди. Ғаниматлар 1000 туя, 5000 қўй-эчки ва 100 нафар аёллар ва болаларни ташкил этди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жузом қабиласи ўртасида тинчлик битими бор эди. Ушбу қабиланинг бошлиқларидан бири Зайд ибн Рифоъа Жузомий зудлик билан (ўзларининг бу ишга аралашмаганлари тўғрисида) ҳужжат-далил тақдим қилди. У ва бир неча қавмдошлари Исломни қабул қилишган ва йўлтасарлар ҳужуми пайтида Диҳяга ёрдам беришган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўзларини қабул қилиб, ўлжалар ва асирларни қайтариб беришга буюрдилар.

Аксарийят тарихчилар ушбу ғазотни Ҳудайбиядан олдин бўлган, деб ёзганлар. Аммо, бу тўғри эмас. Чунки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қайсарга Ҳудайбиядан кейин мактуб йўллаганлар. Шунинг учун Ибн Қоййум: «Бу воқеа Ҳудайбиядан кейин бўлганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ», дейди.

«Зодул маод», 2/122; «Талқиҳу фуҳум аҳлил-асар» ҳошияси, 29-с.

5. Баҳрайн ҳокими Мунзир ибн Совийга мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Баҳрайн ҳокими Мунзир ибн Совийни Исломга даъват қилиб, мактуб йўлладилар. Уни Ало ибн Хазрамий етказиб борди. Мунзир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидагича жавоб мактуби йўллади:

«Аммо баъд, эй Аллоҳнинг пайғамбари! Мен сизнинг мактубингизни Баҳрайн аҳлига ўқиб эшиттирдим. Улар ичидан Исломни ёқтириб, қабул қилганлар ҳам бўлди, қабул қилишни истамаганлар ҳам бўлди. Менинг еримда мажусий ва яҳудийлар ҳам мавжуд. Менга улар ҳақидаги амрингизни юборинг».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга шундай ёзиб юбордилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад Росулуллоҳдан Мунзир ибн Совийга. Сизга салом бўлсин. Мен сизга Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқ бўлган ягона Аллоҳни мақтайман ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Аммо баъд, мен сизга Аллоҳни эслатаман. Ким насиҳат олса, ўзи учун олган бўлади. Ким менинг элчиларимга итоат қилса ва уларнинг буйруқларига бўйсунса, менга итоат қилган бўлади. Ким уларга яхши муносабатда бўлса, менга яхши муносабатда бўлган бўлади. Менинг элчиларим сизни яхшилик билан тилга олишди. Мен сизни ўз қавмингизга вакил-бошлиқ қилдим. Сиз мусулмонларни Исломлари билан қўйиб қўйинг, гуноҳ аҳлларини афв қилдим, сиз ҳам улардан қабул қилинг. Сиз модомики, салоҳият (яхшилик) **устида бўлар экансиз, биз сизни амалингиздан бўшатмаймиз. Ким яҳудий ё мажусийлигида қолишни истаса, унга жизя лозим бўлади».** «Зодул маод», 3/61, 62.

6. Ямома ҳокими Ҳавза ибн Алига мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ямома ҳокими Ҳавза ибн Алига қуйидагича мактуб йўлладилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳаммад Росулуллоҳдан Ҳавза ибн Алига. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин. Билингки, диним туя ва отлар (яъни, одам оёғи) **етган жойгача етади. Исломни қабул қилинг, саломат қоласиз ва сизни ўз қўл остингиздагиларга бош қилиб қўяман».**

Ушбу мактубни етказишга Салит ибн Амр Омирийни танладилар. Салит муҳрланган мактубни олиб, Ҳавза ҳузурига етказиб борди. Ҳавза уни яхши кутиб олиб, иззат-икром кўрсатди. Мактуб ўқиб эшиттирилгач, у қуйидагича жавоб ёзиб юборди: «Сиз нақадар яхши ва гўзал ишга чақирмоқдасиз. Араблар ичида менинг ҳайбатим бор. Ишнинг (яъни, пайғамбарликнинг) бир қисмини менга ажратсангиз, мен сизга эргашаман». У Салитни совға-саломлар билан сийлаб, унга яхши сарполар кийдириб жўнатди.

Салит буларнинг ҳаммасини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келтириб, бўлган воқеаларни айтиб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг мактубини ўқигач: **«Агар бир парча ерни сўраса ҳам бермаган бўлардим. Ўзи ҳам, қўлидаги мулки ҳам барбод бўлсин»,** дедилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳидан қайттганларидан сўнг Жибрил алайҳиссалом келиб, Ҳавзанинг ўлганини хабар бердилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мендан сўнг Ямомадан бир каззоб чиқиб, пайғамбарлик даъво қилади, сўнг уни ўлдирилади»,** дедилар. Бир киши: «Уни ким ўлдиради, ё Росулуллоҳ?», деб сўради. **«Сиз ва дўстларингиз»,** деб жавоб бердилар. Дарҳақиқат, у зот айтганларидек бўлди.

7. Дамашқ ҳокими Ҳорис ибн Абу Шамир ал-Ғассонийга мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қуйидагича мактуб йўлладилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Муҳаммад Росулуллоҳдан Ҳорис ибн Абу Шамрга. Ҳидоятга эргашган ва Аллоҳга иймон келтириб, тасдиқлаган кишиларга салом бўлсин. Мен сизни шериксиз, ягона Аллоҳга иймон келтиришга чақираман, шунда мулкингиз сақланиб қолади».

Ушбу мактубни етказишга Бану Асад ибн Хузайма қабиласидан Шужоъ ибн Ваҳбни танладилар. У олиб борган мактубни Ҳорис отиб юборди ва: «Ким мендан мулкимни тортиб оларкан?! Мен унинг устига юриш қиламан», деди ва Исломни қабул қилмади.

“Зодул маод”, 3/63; Хузарий, “Муҳозарот тарихил-умамил-исломийя”, 1/146.

Сўнг у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилиш учун Қайсардан изн сўради, Қайсар уни бу фикридан қайтарди. Шундан сўнг Ҳорис Шужоъни кийим-кечак ва совға-саломлар бериб, чиройли кузатиб қўйди.

8. Умон подшосига мактуб

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умон (аксар ўзбекча нашрларда Умон салтанатини ҳам Иордания, Урдун пойтахти Аммонни ҳам Уммон, деб атайдилар. Тўғриси эса, салтанати **Умон**, Урдун пойтахти **Аммон**дир) шоҳи Жайфар ва унинг укаси Абд ибн Жуландийга мактуб йўлладилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Муҳаммад Росулуллоҳдан Жуландий ўғиллари Жайфар ва Абдга. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин. Аммо баъд, мен сизларни Исломга даъват қиламан. Исломни қабул қилинглар, саломат қоласизлар. Зотан, мен тирикларни огоҳлантириш ва кофирлар сўз (азоб)**га лойиқ бўлишлари учун бутун инсониятга юборган Аллоҳнинг элчисиман. Агар Исломга иқрор бўлсангизлар, сизларни волий** (ҳоким) **қиламан. Агар Исломга иқрор бўлишдан бош тортсангизлар, мулкингиз завол топади, менинг отлиқларим сизларнинг диёрингизга кириб боради ва менинг пайғамбарлигим сизларнинг мулкингизга ғолиб бўлади».**

Ушбу мактубни олиб боришга Амр ибн Ос розияллоҳу анҳуни танладилар. Амр айтади: “Умонга етиб боргач, аввал Абднинг ҳузурига йўл олдим. Чунки, у акасидан кўра ҳалимроқ ва хулқи яхшироқ эди. Мен унга: «Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сенга ва акангга юборган элчилариман», дедим. У: «Акам ёшда ҳам, мулкда ҳам мендан муқаддамроқ, мен сени унинг ҳузурига олиб бораман, мактубингни у ўқиши керак», деди. Сўнг: «Ўзи сен нимага даъват қилмоқдасан?», деб сўради. Мен: «Шериксиз, ягона Аллоҳга даъват қиламан, ундан ўзга маъбудлардан воз кечишга ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик беришга чақираман»,

дедим. У: «Эй Амр, сен қавм саййидининг ўғлисан, отанг қандай фикрда? Чунки, биз ундан ўрнак олсак арзийди», деди. «Отам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмай ўтиб кетди. Мен унинг ҳам Исломни қабул қилган ва у зотни тасдиқлаган бўлишини истаган бўлардим. Менинг ўзим ҳам то Аллоҳ мени Исломга ҳидоят қилмагунича унинг фикрида эдим», дедим. «Сен унга қачондан эргашдинг?», деб сўради. «Яқиндан бошлаб», дедим. «Исломни қаерда қабул қилдинг?», деди. «Нажоший ҳузурида», дедим ва Нажошийнинг ҳам Исломни қабул қилганини айтдим. «Унинг қўл остидаги қавмлари нима қилди?», деди. «Улар ҳам унга эргашишди», дедим. «Руҳонийлар ва роҳиблар ҳамми?», деди. «Ҳа», дедим. «Оғзингга қараброқ гапир, эй Амр, дунёда ёлғончиликдан ёмонроқ сифат бўлмайди», деди. «Ёлғон гапирмаяпман, бизнинг динимизда ёлғончилик ҳаром саналади», дедим. «Ҳирақл Нажошийнинг мусулмон бўлганини билмаган бўлса керак-да», деди. «Ундай эмас», дедим. «Қаердан биласан?», деди. «Нажоший унга хирож тўлаб турарди. Исломни қабул қилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашганидан сўнг унга бир дирҳам ҳам тўламасликка қасам ичибди. Бу гап Ҳирақлга етгач, укаси Найёқ: «Қулинг сенга хирож тўламаслигига ва сенинг динингдан бошқа янги бир динни қабул қилишига индамай тураверасанми?!», деганида Ҳирақл: «Биров бир динга рағбат билдириб, уни ўзига ихтиёр қилган бўлса, мен нима ҳам қилардим?! Қасамки, салтанатимдан кўзим қиймайди, бўлмаса аллақачон мен ҳам у қилган ишни қилардим» дебди», дедим. «Ўйлаброқ гапир, эй Амр», деди. «Аллоҳга қасамки, рост гапиряпман», дедим. «Менга айтчи, у (пайғамбар) нимага буюради-ю, нимадан қайтаради?», деди Абд. «Аллоҳ азза ва жалланинг тоатига буюради ва Унинг маъсиятидан қайтаради. Яхшиликка, қариндошлар билан алоқа қилишга буюради, зулму тажовуздан, зинодан, ичкиликдан, бут-санамларга сиғинишдан қайтаради», дедим. «У нақадар яхши ишларга чақирар экан! Агар акам менинг гапимга кўнса, бориб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган ва уни тасдиқлаган бўлардик. Аммо акам салтанатини тарк қилиб, бировга қарам бўлишга кўзи қиймайди», деди. Агар Исломни қабул қилса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз қавмига подшоҳ қилиб қўядилар, бойлардан закотни олиб, фақирларига беради», дедим. «Бу ажойиб иш-ку! Закот, деганинг нима?», деб сўради. Мен унга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам молларда белгилаб берган садақотлар ҳақида айтиб бердим. Туялардан ҳам садақот олинишини эшитиб: «Эй Амр, ўт-ўлан еб, сув ичиб юрган шу яйловдаги чорвалардан ҳам садақа олинадими?», деб сўради. «Ҳа», дедим. «Қасамки, ўзининг кўп сонлилигига ва (мусулмонлар қўли етишидан) узоқдалигига ишониб, менинг қавмим бунга кўнмаса керак», деди.

Мен бир неча кун унинг уйида турдим. У акаси билан боғланиб, менинг ҳамма гапларимни унга етказиб турди. Сўнг бир куни акаси мени ўз ҳузурига чақирди. Кириб борганимда ёрдамчилари билагимдан маҳкам тутишди. У: «Қўйиб юборинглар!», дегач, мени қўйиб юборишди. Мен ўтирмоқчи бўлган эдим, ўтиришимга йўл қўйишмади. Мен унга қараган эдим: «Нима хизмат билан келдинг?», деди. Унга муҳрланган мактубни узатдим. У мактубнинг муҳрини бузиб, уни охиригача ўқиб чиқди. Сўнг уни укасига узатди. У ҳам худди акаси каби ўқиди, бироқ акасидан кўра мулойимроқ экани кўриниб турарди. Кейин у: «Қани айтчи, Қурайш қандай муносабат билдирди?», деб сўради. Мен: «Айримлари динга рағбат билдириб, айримлари эса қилич кучи билан мағлуб бўлиб, унга эргашишди», дедим. «Бошқаларчи?», деди. «Одамлар Исломга рағбат билдириб, уни ихтиёр қилишди. Аллоҳ берган ҳидоят ва ўз ақллари билан шу пайтгача ўзларининг залолатда юрганликларини тушуниб етишди. Бу атрофда сиздан бошқа ҳеч ким қолмади, деб ўйлайман. Агар бугун сиз ҳам Исломни қабул қилмасангиз ва унга эргашмасангиз, отлар туёқлари остида қоласиз ва мулкингиз хароб бўлади. Исломни қабул қилинг, саломат қоласиз ва у (пайғамбар) сизни ўз қавмингизга ҳоким қилиб қўяди. Устингизга қўшин киритилишига йўл қўйманг», дедим. Шунда у: «Бугун мени холи қолдир, эртага кел», деди.

Мен яна укасиникига бордим. У менга: «Эй Амр, мен унга агар салтанатга бўлган ўчлиги ғолиб келмаса, Исломни қабул қилади, деб умид қиламан», деди. Эртаси куни ҳузурига борсам, киришга изн бермади. Укасининг олдига қайтиб бориб, у билан учраша олмаганимни айтдим. У мени акаси билан учраштирди. Шунда Жайфар менга: «Мен сен даъват қилган иш ҳақида ўйлаб кўрдим. Агар мен бировга унинг қўшини бу ерга етиб келмасдан туриб ўз мулкимни топшириб қўйсам, у ҳолда арабларнинг энг заифи бўлган бўламан. Агар қўшини етиб келса ҳам шундай жангга йўлиқадики, бу у кўрган жанглардек бўлмайди», деди. Мен: «Хўп, мен эртага йўлга чиқаман», дедим. Менинг қайтаётганимни билгач, укаси у билан холи қолиб: «Биз унга бас келолмаймиз, у кимга элчи юборган бўлса, ҳаммаси унга ижобат қилибди», деди. Эртаси куни у мени ҳузурига чорлаб, ўзи ҳам, укаси ҳам Исломни қабул қилдилар, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни тасдиқладилар, менга садақот (закотлар)ни йиғишга ва улар ўртасида ҳукм қилишга имкон яратиб бердилар, қаршилик билдирганлар устидан менга ёрдамчи бўлдилар". «Зодул маод», 3/62, 63.

Ушбу ҳикоянинг оқими мазкур ака-укаларга мактуб юборилиши бошқа подшоҳларга мактублар юборилишидан анча кейин бўлганига далолат қилади. Бу воқеа фатҳдан ҳам кейинроқ бўлган бўлиши керак. Ушбу мактублар орқали Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ер юзи подшоҳларининг кўпларига ўз даъватларини етказдилар. Улардан баъзилари иймон келтиришди, баъзилари инкор қилишди. Лекин,

шундай бўлса-да, у зот у кофирларнинг фикрларини машғул қилдилар ва ўз динлари ва номларини уларга танитиб қўйдилар.

ҲУДАЙБИЯ СУЛҲИДАН КЕЙИНГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР

Ғоба ёки Зу-Қарад ғазоти

Ушбу ғазот Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарашли лиқоҳ (бўғоз ва соғин туялар)ни талончилик билан ҳайдаб кетган Бану фазоралик бир гуруҳ ортидан таъқиб қилиш амалиёти эди.

Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан кейин ва Ҳайбардан олдин олиб борган биринчи ғазотдир. Имом Бухорий унинг Ҳайбар жангидан уч кун илгари бўлганини ривоят қилган, имом Муслим ҳам Салама ибн Акваъ ҳадисига суяниб, ана шундай ривоят қилган. Кўпчилик тарихчилар унинг Ҳудайбиядан олдин бўлганини айтишган, лекин «Саҳиҳайн»даги гап уларнинг сўзларидан кўра саҳиҳроқдир.

Қаранг: “Саҳиҳул Бухорий”, “Зоту Қарад ғазоти” ҳақидаги боб, 3/603; “Саҳиҳ Муслим”, Зу Қарад ва бошқа ғазотлар ҳақидаги боб, 2/ 113-115; “Фатҳул Борий”, 7/ 460, 461, 463; “Зодул маод”, 2/ 120.

Ушбу ғазотнинг Ҳудайбиядан кейин бўлганига имом Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилган бошқа бир ҳадис ҳам далолат қилади. Қаранг: “Китобул-ҳаж”, 2/1001.

Ушбу ғазот қаҳрамони Салама ибн Акваъдан келтирилган ривоятлар хулосаси қуйидагичадир:

«Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғуломлари Рабоҳни яйловдаги соғин туяларига юборгандилар. Мен ҳам Абу Талҳанинг отига миниб, у билан бирга эдим. Тонг пайти Абдурраҳмон Фазорий туялар уюрига ҳужум қилиб, туя боқарни ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетди. Шунда мен: «Эй Рабоҳ, манави отни олгинда, уни Абу Талҳага бериб қўй ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказ», дедим. Кейин ўзим бир тепалик устига чиқиб, Мадина томонга юзланиб, уч бор: «Ё сабоҳо!» (яъни, фалокатли тонг), деб қичқирдим. Сўнг босқинчилар ортидан югуриб, қуйидаги сўзларни айтганча уларга камон ота бошладим:

Ибн Акваъ бошингга итнинг кунин солади
Пасткашларнинг аҳволи бугун забун бўлади.

[خُذْها] أنا ابنُ الأكْوَعِ ** واليومُ يومُ الرُّضّعِ

Қасамки, мен уларга камон отиб, отларини қулатар, агар отлиқлардан биронтаси орқага қайтса, дарахт ортига яширин олиб, камондан ўқ узиб, ерга қулатар эдим. Улар тоғ оралиғидаги бир дарага киришгач, мен тоққа кўтарилиб, тепадан уларни тошбўронга тутдим. Шу алфозда уларни таъқиб қилавериб, охир-оқибат уларни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларини ташлаб кетишга мажбур қилдим. Кейин яна уларнинг ортидан таъқиб қилишда

ва камон отишда давом этдим, ҳатто улар ўзларини енгиллатиш мақсадида ўттизта устки кийим ва ўттизта найзани ташлаб кетишди. Улар ташлаб кетган нарсалар устига тошлардан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблари таниб оладиган белги қўйиб, ортларидан боравердим. Улар бир дарага етиб бориб, ўша жойда овқатлангани ўтиришди. Мен тепаликдаги бир харсанг устига чиқиб ўтирдим. Шунда улардан тўрт нафари мен турган жойга кўтарила бошладилар. Мен: «Мени танийсизларми?! Мен Салама ибн Акваъман! Мен сизлардан истаган одамимни қувиб ета оламан, сизлардан биронтангиз ҳам мени қувиб етишга қодир бўлмайсиз», дедим. Шундан сўнг улар қайтиб кетишди. Шундан сўнг то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суворийлари дарахтлар оралаб келишаётганига кўзим тушмагунича шу ерда ўтирдим. Энг олдинда Ахрам, ундан кейин Абу Қатода, унинг ортидан Миқдод ибн Асвад етиб келишди. Ахрам Абдурраҳмон билан тўқнашиб, унинг отини қиличи билан чопиб ташлади. Шунда Абдурраҳмон уни найзаси билан ҳалок қилиб, отига миниб олди. Сўнг Абу Қатода Абдурраҳмоннинг ортидан бориб, уни ўлдирди. Қолганлар қочиб қолишди. Мен уларнинг ортидан яёв чопиб борардим. Кун ботишга яқин улар Зу-Қарад, деган бир сувли жойга бурилиб, сув ичмоқчи бўлишган эди, менинг югуриб келаётганимни кўриб, сув ҳам ичмай қочишда давом этишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отлиқлар билан хуфтонда етиб келдилар. Мен: «Ё Росулуллоҳ, уларнинг ташналикдан силласи қуриб қолган. Мени юзта одам билан юборсангиз, уларнинг бор-будини қўлга киритиб, ўзларини бўғиб олиб келаман», дедим. У зот: **«Шунча нарсага эга бўлдиниз, майли энди қўяверинг. Улар аллақачон Ғатафонга етиб бориб, меҳмон бўлишяпти»,** дедилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бугун отлиқларимиз ичида энг яхшиси Абу Қатода, пиёдаларимиз ичида энг яхшиси Салама бўлди»,** дедилар. Сўнг менга ўлжадан икки улуш – бир пиёда ва бир отлиқнинг улушини бердилар. Сўнг то Мадинагача мени туяларига мингаштириб келдилар».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ғазотга чиқишларида Мадинага Ибн Умму Мактумни халифа қилиб қолдирдилар, байроқни Миқдод ибн Амрга бердилар.

Юқоридаги икки манба ва “Зодул маод”, 2/120.

Ҳайбар ва Водил-Қуро ғазотлари (7 ҳижрий, муҳаррам)

Ҳайбар Мадинанинг шимолий тарафида 80 мил узоқликда жойлашган, қўрғонлари ва экинзорлари бор каттагина шаҳар эди. Ҳозирда у иқлими ҳаёт учун анча номувофиқ бир қишлоқдир.

Ғазотнинг сабаби.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманнинг учта қанотидан энг кучли қаноти бўлган Қурайшдан кўнгиллари тинчиб,

Ҳудайбия сулҳидан сўнг ундан тамомила хотиржам бўлгач, минтақада тинчлик-барқарорлик қарор топиши ва осойишталик ҳукм суриши учун ҳамда мусулмонлар давомий қонли урушлардан бўшаб, Аллоҳнинг рисолатини етказиш ва даъват қилиш фурсатига эга бўлишлари учун энди қолган икки қанот билан, яъни яҳудлар ва Нажд қабилалари билан ҳисоб-китоб қилиб олишни кўнгилларига тугдилар.

Ҳайбар фитналар ва макр-ҳийлалар ўчоғига, ҳарбий келишувлар марказига, адоват ва уруш чиқариш майдонига айланиб қолганидан мусулмонлар диққат-эътиборларини энг биринчи навбатда ўша ерга қаратишлари лозим бўлиб қолган эди.

Қолаверса, аҳзоб – гуруҳларни мусулмонларга қарши қайраганлар ва Бану Қурайзани хиёнаткорликка ундаганлар ҳам мана шу Ҳайбарликлар бўлиб, улар Ислом жамияти ичидаги жосуслик уяси бўлган мунофиқлар ва душманнинг учинчи қаноти бўлган Ғатафон ва саҳро араблари билан ҳам мустаҳкам алоқада бўлиб келган эдилар. Шу билан бирга улар ўзлари ҳам урушга киришга ҳозирлик кўришган, бу хатти-ҳаракатлари билан мусулмонларни анча қийин аҳволга тушишларига сабаб бўлишган, ҳатто улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд уюштириш режасини ҳам тузишган, уларнинг фитналарини бартараф этиш мақсадида мусулмонлар бир неча тадбирларни амалга оширишга ва уларнинг раҳбарлари бўлмиш Саллом ибн Абул Ҳуқайқ ва Асир ибн Зорамларни қатл қилишга мажбур бўлишган эди. Аммо ўша пайтда улар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиб қўйишнинг имкони бўлмаганди. Чунки, мусулмонлар қаршисида улардан кўра ашаддийроқ ва қудратлироқ душман – Қурайш турарди. Мана энди Қурайшнинг душманчилигига барҳам берилгач, бу жиноятчилар билан ҳисоб-китоб қилиб қўйиш фурсати етиб келган эди.

Ҳайбарга юришнинг бошланиши

Ибн Исҳоқнинг ёзишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан қайтиб келгач, зул-ҳижжа ойи ва муҳаррамнинг бир неча куни Мадинада турдилар, кейин муҳаррамнинг қолган қисмида Ҳайбарга отландилар.

Муфассирларнинг сўзларига кўра, Ҳайбар Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида берган ваъдаси эди:

وَعَدَكُمُ ٱللَّهُ مَغَانِمَ كَثِيرَةً تَأْخُذُونَهَا فَعَجَّلَ لَكُمْ هَٰذِهِۦ ... ﴿٢٠﴾

«(Эй мўминлар), **Аллоҳ сизларга кўпдан-кўп ўлжалар ваъда қилдики, сизлар у** (ўлжа)**ларни** (вақти соати билан албатта) **олурсизлар. Энди мана бу** (Ҳайбар жангида қўлга киритадиган ўлжаларингиз)**ни эса нақд қилиб қўйди...».** “Фатҳ” сураси, 20-оятдан.

Исломий қўшиннинг сони

Мунофиқлар ва иймони заиф кишилар Ҳудайбия ғазотида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишдан ўзларини четга тортишгани туфайли Аллоҳ таоло улар хусусида пайғамбарига шундай амр қилди:

سَيَقُولُ ٱلۡمُخَلَّفُونَ إِذَا ٱنطَلَقۡتُمۡ إِلَىٰ مَغَانِمَ لِتَأۡخُذُوهَا ذَرُونَا نَتَّبِعۡكُمۡۖ يُرِيدُونَ أَن يُبَدِّلُواْ كَلَٰمَ ٱللَّهِۚ قُل لَّن تَتَّبِعُونَا كَذَٰلِكُمۡ قَالَ ٱللَّهُ مِن قَبۡلُۖ فَسَيَقُولُونَ بَلۡ تَحۡسُدُونَنَاۚ بَلۡ كَانُواْ لَا يَفۡقَهُونَ إِلَّا قَلِيلٗا ﴿١٥﴾

«Ҳали сизлар (Ҳайбар жангида қўлга киритган) **ўлжаларини олиш учун кетаётган вақтингизда** (жиҳодга чиқмасдан) **қолган кимсалар: «Бизлар ҳам** (ўша ўлжалардан олиш учун) **сизларга эргашишимизга** (йўл) **қўйинглар», дерлар. Улар Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўладилар. Айтинг: «Ҳаргиз бизларга эргашмайсизлар! Аллоҳ илгари мана шундай дегандир». Энди улар: «Йўқ, сизлар бизларга ҳасад-бахиллик қилмоқдасизлар», дерлар. Йўқ, улар камдан-кам нарсаларнигина англарлар».**

“Фатҳ” сураси, 15-оят.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарга йўл олишларидан олдин ўзлари билан бирга фақат жиҳодга рағбати бўлган кишиларгина чиқишини эълон қилдилар. Шу боис бу юришга фақат Ҳудайбиядаги дарахт остида байъат қилган бир минг тўрт юз саҳобий чиқдилар.

Мадинага Сибоъ ибн Урфута Ғифорийни халифа қилиб қолдирдилар. Ибн Исҳоққа кўра, Нумайла ибн Абдуллоҳ Лайсийни қолдирганлар. Муҳаққиқлар наздида биринчи сўз тўғрироқ.

“Фатҳул Борий”, 7/465; “Зодул маод”, 2/133.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарга чиқиб кетганларида Абу Ҳурайра мусулмон бўлиб Мадинага келди ва Сибоъ ибн Урфутани бомдод намозида топди. Намоздан сўнг у Сибоънинг олдига борди. Сибоъ уруш анжомлари билан таъминлагач, Абу Ҳурайра Ҳайбарга, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига бориб қўшилди. Мусулмонлар уни ва шерикларини ўз улушларига шерик қилдилар.

Мунофиқларнинг яҳудларни хабардан огоҳ қилишлари

Мунофиқлар дарҳол яҳудлар фойдасига ишлашга киришдилар. Уларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай Ҳайбар яҳудларига: «Муҳаммад сизлар билан урушиш учун устингизга бостириб бормоқда, эҳтиётингизни кўринглар! Ундан қўрқманглар, чунки сизлар сон жиҳатидан ҳам, қурол-яроғ жиҳатидан ҳам ундан устунсизлар.

Муҳаммаднинг тобелари озчилик, қуроллари ҳам жуда оз», деган мазмунда хабар йўллади. Шундан сўнг Ҳайбар аҳли Кинона ибн Абул Ҳуқайқ билан Ҳавза ибн Қайсни кўмак сўраб Ғатафонга юбордилар. Чунки, Ғатафон Ҳайбар яҳудларининг иттифоқчиси ва мусулмонларга қарши кўмакчилари эди. Яҳудлар агар мусулмонлар устидан ғалаба қозонишса, Ҳайбар мевалари ҳосилининг тенг ярмини Ғатафонга беришни ваъда қилдилар.

Ҳайбар сари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбар йўналишида аввал Иср тоғидан, сўнг Саҳбодан ўтиб, Ражиъ водийсида тўхтадилар. Ғатафонгача бир кеча-кундузлик йўл қолган эди. Ғатафон ҳам урушга ҳозирланиб, яҳудларга мадад бериш учун Ҳайбар томон йўл олди. Анча йўл босишгач, орқадан қандайдир шоқвин-сурон овозини эшитишиб, мусулмонлар аҳли-оилаларимиз ва мол-мулкларимизга ҳужум қилишган бўлса керак, деган гумонда орқага қайтиб кетишди. Шу қайтганларича Ҳайбарни мусулмонлар билан ёлғиз қолдиришди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни бошлаб бораётган икки йўл кўрсатувчини (улардан бирининг исми Ҳусайл эди) ўз ҳузурларига чақирдилар, улардан Ҳайбарга шимол томондан – яъни, Шом тарафдан кириб бориш ва яҳудларни Шомга қараб қочишлари йўлини тўсиб қўйиш ва шу билан бирга улар билан Ғатафон ўртасини тўсиш учун энг яхши йўлни суриштирдилар.

Улардан бири: «Мен сизни бошлаб бораман, ё Росулуллоҳ», деди. Сўнг қўшинни бошлаб бораркан, йўлда бир чорраҳа устидан чиқдилар. Йўлбошчи: «Ё Росулуллоҳ, бу йўлларнинг ҳар бири орқали мақсадга етиб бориш мумкин», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бу йўлларнинг номларини бирма-бир айтишни буюрдилар. Улардан бирининг номи Ҳазан (маҳзунлик) экан, унга юрмадилар. Яна бирининг исми Шос (ғализ ер) экан, унга ҳам юрмайдиган бўлдилар. Учинчисининг номи Ҳотиб (ўтинчи ёки ёқилғи) экан, унга юришга ҳам кўнгиллари чопмади. Қолган битта йўлнинг исми Марҳаб (кенглик) экан, ана шу йўлга юришни ихтиёр этдилар.

Йўлда бўлиб ўтган айрим воқеалар

1. Салама ибн Акваъдан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Ҳайбарга йўл олдик ва тунда юриб борарканмиз, кимдир биров Омирга: «Эй Омир, бизга ҳиргойиларингдан эшиттирсангчи», деб қолди. Омир шоир киши эди, одамларнинг олдига тушиб, шеър ўқий бошлади:

Аллоҳим, Сен бўлмасанг, ҳидоят не, билмасдик,
Намоз ҳам ўқимасдик, садақа ҳам қилмасдик.
Мағфират эт, йўлингда фидо бўлсин жонимиз
Сабру бардош ато эт жангга кирган онимиз.
Қичқириб шиддат билан ташланмоқда ёғийлар,

Парво қилмасмиз ҳарчанд қичқирмасин боғийлар.

اللهم لولا أنت ما اهتدينا ** ولا تَصدَّقْنا ولا صَلَّينا

فاغفر فِدَاءً لك ما اقْتَفَيْنا ** وَثبِّت الأقدام إن لاقينا

وألْقِينْ سكينة علينا ** إنا إذا صِيحَ بنا أبينا

وبالصياح عَوَّلُوا علينا **

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бу?»,** деб сўрадилар. «Омир» (Салама ибн Акваънинг амакиси), дейишган эди: **«Аллоҳ уни Ўз раҳматига олсин»,** дедилар. Шунда бир киши: «Ё Росулуллоҳ, (бу дуоингиз билан унга шаҳидлик) вожиб бўлди, унинг баҳодирлиги билан фойдаланиб туришимизга қўйсангиз эди», деди (“Саҳиҳул Бухорий”, 2/603; “Саҳиҳ Муслим”, 2/115). Чунки, улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир инсонга хоссатан мағфират ва раҳмат сўрасалар, унинг шаҳид бўлишини яхши билишарди (“Саҳиҳ Муслим”, 2/115). Дарҳақиқат, бу жангда ҳам шундай бўлди”.

2. Ҳайбардан берироқда, Саҳбо, деган жойда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозини ўқигач, егулик чақирган эдилар, фақат толқон олиб келинди. Уни сувга аралаштириб, ҳаммалари шундан едилар. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозини ўқиш учун турдилар ва оғизларини чайқадилар, одамлар ҳам оғизларини чайдилар. Таҳорат қилмасдан намоз ўқидилар (“Саҳиҳул Бухорий”, 2/603), кейин хуфтонни ҳам ўқидилар. “Мағозий ал-Воқидий”, “Ҳайбар ғазоти”, 112-с.

3. Ҳайбарга яқинлашиб қолганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхташга буйруқ бердилар, қўшин тўхтади. У зот: **«Эй Аллоҳ! Эй етти осмон ва улар соя солган нарсалар Парвардигори, етти** (қават) **ер ва устидаги нарсалар Парвардигори, шайтонлар ҳамда улар йўлдан оздирганларнинг Парвардигори, шамоллар ва улар ташиган-учирган нарсалар Парвардигори бўлган Аллоҳим! Мен Сендан ушбу шаҳарнинг, унинг аҳлининг ва ундаги нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Ушбу шаҳарнинг, унинг аҳлининг ҳамда ундаги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман»,** деб дуо қилдилар, сўнг: **«Аллоҳнинг исми билан, олға!»,** дедилар. “Ибн Ҳишом”, 2/329 ва бошқалар.

Ислом қўшини Ҳайбар остонасида

Мусулмонлар тонготарига бориб жанг бошланган тунни Ҳайбарга жуда яқин жойда ўтказдилар. Яҳудийлар уларни сезмай қолдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тунда бир қавмга етиб келсалар, то тонг отмагунча уларга яқинлашмасдилар. Тонг отгач,

ғира-ширада бомдодни ўқиганларидан сўнг мусулмонлар йўлга отландилар. Ҳайбар аҳли ҳеч нарсадан бехабар, белкурак ва кетмонларини кўтариб, экинзор ерларига қараб чиқиб кела бошладилар. Кутилмаганда бостириб келаётган қўшинга кўзлари тушгач: «Муҳаммад! Худо ҳаққи, Муҳаммад қўшини билан бостириб келмоқда!», деб шовқин кўтаришиб, шаҳарга қараб қочишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳу акбар! Ҳайбар хароб бўлсин! Аллоҳу акбар! Ҳайбар хароб бўлсин! Биз қачон бир қавмнинг ҳовлиларига** (яъни, устларига) **тушсак, ўша огоҳлантирилган кимсаларнинг кунлари жуда ёмон бўлгай»,** деб хитоб қилдилар. “Саҳиҳул Бухорий”, 2/603, 604.

Ҳайбар қалъалари

Ҳайбар икки қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисми бешта қалъадан ташкил топганди: Ноъим қалъаси, Соъб ибн Муоз қалъаси, Зубайр қалъаси, Убай қалъаси, Назор қалъаси.

Булардан аввалги учтаси Натот, деб номланган минтақада, қолган иккитаси эса Шиқ, деб номланган минтақада эди.

Иккинчи, Катиба номи билан маъруф бўлган қисми эса учта қалъадан ташкил топганди: Қамус қалъаси (бу қалъа Бану Назирлик Абул Ҳуқайқ оиласига тегишли эди); Ватиҳ қалъаси, Сулолим қалъаси.

Ҳайбарда мазкур саккизта қалъадан бошқа ҳам қалъа ва қўрғонлар мавжуд бўлса-да, улар кичик-кичик бўлиб, мустаҳкамликда бу қалъалар даражасида эмасди.

Шиддатли жанглар асосан Ҳайбарнинг биринчи қисмида бўлиб ўтди. Иккинчи қисмидаги учта қалъа эса жангчилари кўп бўлишига қарамай, жангсиз таслим бўлди.

Ислом қўшини қароргоҳи

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойни қўшин учун қароргоҳ қилиб танладилар. Шунда Хубоб ибн Мунзир номли саҳоба келиб: «Ё Росулуллоҳ, бу ерга тушишни сизга Аллоҳ амр этдими ёки ўзингиз шунга раъй қилдингизми?», деб сўради. **«Ўзим раъй қилдим»,** деб жавоб бердилар. «Ё Росулуллоҳ, бу жой Натот қалъасига жуда яқин, Ҳайбарнинг барча жангчилари ўша ерда. Улар бизнинг аҳволимиздан хабардор бўлиб туришади, биз эса уларнинг аҳволидан воқиф бўлмаймиз. Уларнинг камон ўқлари бизга етиб келиши мумкин, бизнинг ўқларимиз уларга етиб бормайди. Биз уларнинг тунги ҳужумларидан омонликда эмасмиз. Ундан ташқари, бу ер хурмозорлар оралиғида, пастқам ва ҳавоси бузуқ жой экан. Агар сиз лозим кўрсангиз, мана шу камчиликлардан холи бўлган бошқа бирон жойни қароргоҳ қилсак», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўзларини маъқул кўриб, қўшинни бошқа жойга кўчирдилар.

Жангга тайёрланиш ва ғалаба башорати

Ҳайбарга кириб келинган кеча – айрим ривоятларда бир неча жанг ва уринишлардан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эртага бу байроқни бир кишига бераманки, Аллоҳ унинг қўлида фатҳ – ғалаба ато этади, у Аллоҳ ва Росулини яхши кўради, Аллоҳ ва Росули ҳам уни яхши кўрадилар»,** дедилар. Одамлар тун бўйи байроқни қай биримизга беракинлар, деб, ҳаяжонланиб тонг оттирдилар. Тонг отгач, ҳаммалари байроқни қўлга киритиш орзусида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига етиб боришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Али ибн Аби Толиб қаерда?»,** деб сўрадилар. «Унинг кўзи оғрияпти экан, ё Росулуллоҳ», дейишди. **«Унга одам юборинглар»,** дедилар. Уни чақириб келишгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кўзларига туфладилар ва дуо қилган эдилар, кўзлари тузалиб, оғриқдан асар ҳам қолмади. Сўнг байроқни унга бердилар. Али: «Ё Росулуллоҳ, мен улар билан то биздек (яъни, мусулмон) бўлмагунларича жанг қиламан», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шошилмасдан, оғир-босиқлик билан улар орасига кириб бориб, энг аввал уларни Исломга даъват қилинг ва зиммаларидаги Аллоҳнинг ҳаққини уларга англатинг. Аллоҳга қасамки, сиз туфайли Аллоҳ бир кишини ҳидоят қилиб қўйиши сиз учун қизил туялар бўлишидан кўра ҳам яхшироқдир»,** дедилар.

Жангнинг бошланиши ва Ноъим қалъасининг фатҳ қилиниши

Яҳудийлар Иислом қўшинини кўриб, шаҳарга қочиб киришгач, қалъаларига кириб яшириндилар ва табиийки, жангга ҳозирлик кўра бошладилар.

Мусулмонлар уларнинг саккизта қалъасидан биринчи бўлиб Ноъим қалъасига ҳужум қилдилар.

Ушбу қалъа стратегик ўрни жиҳатидан яҳудларнинг биринчи мудофаа чизиғи эди. Қолаверса, бу яҳудларнинг минг кишига арзигулик паҳлавонлари бўлмиш Марҳабнинг қалъаси эди.

Али ибн Аби Толиб мусулмонларни мана шу қалъага бошлаб бориб, яҳудларни Исломга даъват қилди. Улар унинг даъватини рад этдилар ва раислари Марҳаб бошчилигида мусулмонлар қаршисига чиқдилар. Майдонга чиқиб келган Марҳаб яккама-якка олишувга талабгор чақирди. Салама ибн Акваъ айтади: «Ҳайбарга етиб борганимиздан кейин уларнинг бошлиқлари Марҳаб қуйидаги шеърни ўқиганича қилич ўйнатиб чиқиб келди:

Марҳаб, деса бутун Ҳайбар билади,
Кўз олдига зўр паҳлавон келади.
Уруш қизиб, жанг авжига чиққанда
Марҳаб билан ким тўқнашса, ўлади.

قد عَلِمتْ خيبر أني مَرْحَب ** شَاكِي السلاح بطل مُجَرَّب

إذا الحروب أقبلتْ تَلَهَّب **

Амаким Омир қуйидаги шеърни ўқиганича унга талабгор бўлиб чиқди:

Ҳайбар билар менинг Омирлигимни
Зўр полвону жангга қодирлигимни.

قد علمت خيبر أني عامر ** شاكي السلاح بطل مُغَامِر

Шундан сўнг иккаласи бир-бирига бир-икки зарба бердилар. Омир Марҳабнинг қиличи зарбасини қалқони билан тўсди. Сўнг у энгашиб туриб, яҳудийнинг болдирига қилич урмоқчи бўлди, чунки унинг қиличи калтароқ эди. Шунда қиличи қайтиб келиб, ўзининг тиззасининг кўзига тегди ва у шу жароҳатдан вафот этди. У ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унга иккита ажр бор, –** шундай деб икки бармоқларини бирлаштирдилар **– зеро, у қаттиқ ҳаракат қилувчи мужоҳид эди. Камдан-кам араб кишиси у каби сифатга эга бўлиб юради»,** дедилар.

"Саҳиҳ Муслим", 2/115; "Саҳиҳул Бухорий", 2/603.

Шундан сўнг Марҳаб иккинчи бор яккама-якка олишувга талабгор чорлаб: **«Марҳаб, деса бутун Ҳайбар билади...»**, деб юқоридаги шеърини айтди. Унга Али ибн Аби Толиб талабгор бўлди. Салама ибн Акваъ айтади: "Али шундай деди:

Онам мени номлаган Шер, деб,
Қўрқмас бўлсин мисоли шер, деб.
Арслон каби жангга кираман,
Душманларнинг додин бераман.

أنا الذي سمتني أمي حَيْدَرَهْ **كلَيْثِ غابات كَرِيه المَنْظَرَهْ

أُوفِيهم بالصَّاع كَيْل السَّنْدَرَهْ **

Шундан сўнг Али Марҳаб билан олишиб, унинг бошини танидан жудо қилди, сўнг унинг қўли билан ғалабага эришилди".

- Манбалар ўртасида Марҳабни ўлдирган киши ҳақида, у ўлдирилган ва қалъа фатҳ этилган кун тўғрисида ихтилофлар мавжуд. Биз мазкур воқеа ривожини Имом Бухорий ривоят қилган ҳадислар оқимидан чиқариб олдик.

Али розияллоҳу анҳу уларнинг қалъаларига яқинлашган пайт бир яҳудий қалъа деворидан бошини чиқариб: «Сен кимсан?», деб сўради. «Мен Али ибн Аби Толибман», деб жавоб берди. «Мусога нозил қилинган нарсага қасамки, сизлар олий – ғолиб бўлдингизлар», деди у (Алининг маъноси олий эканига ишора қилиб).

Сўнгра Марҳабнинг укаси Ёсир чиқиб, яккама-якка олишувга талабгор чорлади. Унга Зубайр талабгор бўлиб чиқди. Зубайрнинг онаси Софийя: «Ё Росулуллоҳ, у ўғлимни ўлдирадими?», деган эди: **«Йўқ, ўғлингиз уни ўлдиради»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Дарҳақиқат, Зубайр уни қатл қилди.

Ноъим қалъаси теварагида шиддатли жанглар кечди. Унда яҳудларнинг талайгина жангчилари ўлдирилгач, уларнинг қаршиликлари анча сусайди ва мусулмонларнинг ҳужумларига бардош беролмай қолдилар. Манбаларга қараганда, ушбу жанг бир неча кун давом этиб, мусулмонлар унда қаттиқ қаршиликка дуч келганлар. Бироқ, охир-оқибат яҳудларнинг қаршиликлари синиб, ушбу қалъани мусулмонларга ташлаб, Соъб қалъасига чекиндилар.

Соъб ибн Муоз қалъасининг забт этилиши

Соъб қалъаси куч-қувват ва мустаҳкамликда Ноъим қалъасидан кейин иккинчи ўринда турарди. Мусулмонлар Ҳубоб ибн Мунзир Ансорий бошчилигида ушбу қалъага ҳужум қилиб, уни уч кун қамал қилиб турдилар. Учинчи куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу қалъанинг забт этилишини сўраб Аллоҳга хос дуо қилдилар.

Ибн Исҳоқ ривоятига кўра, Аслам қабиласидан Бану Саҳм уруғи Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, қийналиб қолганликлари ва қўлларида ҳеч вақо йўқлигидан шикоят қилдилар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Парвардигор! Ўзинг уларнинг аҳволидан, қувватлари қолмаганидан, менинг қўлимда ҳам уларга берадиган ҳеч нарса йўқлигидан хабардорсан. Ўзинг уларга бу қалъалар ичидан энг бойроғини ва озиқ-овқати ва гўшт-ёғи кўпроғини фатҳ қилиб бергин»,** деб дуо қилдилар. Эртаси куни Аллоҳ таоло Соъб ибн Муоз қалъасини мусулмонларга фатҳ қилиб берди. Ҳайбарда бу қалъадан кўра озиқ-овқат ва гўшт-ёғи сероброқ қалъа йўқ эди.

“Ибн Ҳишом”дан қисқартма, 2/332.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилганларидан кейин мусулмонларни мазкур қалъага ҳужум қилишга чорлаганларида ҳужумчиларнинг энг олдинги сафларини Бану Аслам эгаллади. Қалъа олдида яккама-якка олишув ва жанглар кечгач, шу куни кун ботишидан олдинроқ қалъа фатҳ этилди. Мусулмонлар у ерда бир неча манжаниқ ва даббобаларни (манжаниқ – тош отар, даббоба эса девор тешар оғир қуроллар бўлиб, ҳозирги тўп ва танкларнинг қадимий кўринишларидир) қўлга киритдилар.

Ибн Исҳоқ ривоятида келган ана шу қаттиқ очлик туфайли қўшин ичидаги баъзи кишилар эшакларни сўйиб, қозонлар остига ўт қалаган эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан хабар топиб, хонаки эшак гўшти ейишдан қайтардилар.

Зубайр қалъасининг забт этилиши

Ноъим ва Соъб қалъалари фатҳ этилгач, Натотнинг барча қалъаларидаги яҳудийлар Зубайр қалъасига кўчиб ўтдилар. Бу қалъа тоғ чўққисида жойлашган қалъа бўлиб, мустаҳкамлигидан ва чиқиб бориш оғирлигидан унга отлиқлар ҳам, пиёдалар ҳам чиқишга қодир бўлмасдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу қалъани уч кун қамал қилиб турганларидан сўнг яҳудийлардан бир киши келиб: **«Эй Абул Қосим, бир ой қамал қилиб турсангиз ҳам, уларнинг парвосига келмайди. Чунки, уларнинг ер остида ичимлик сувлари ва булоқлари бор. Тунда чиқиб, сув ичиб, яна қалъаларига қайтиб кириб олишади. Уларга ичадиган сувлари йўлини тўсиш билангина ғолиб бўлишингиз мумкин»,** деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг сув йўлларини тўсиб қўйдилар. Шундан кейин улар чиқиб, қаттиқ урушдилар, мусулмонлардан бир киши, яҳудийлардан ўн чоғлик одам ўлдирилди. Охир-оқибат, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалъани фатҳ қилдилар.

Убай қалъасининг забт этилиши

Зубайр қалъаси фатҳ этилгач, яҳудийлар Убай қалъасига кўчиб ўтиб, ўша ерни истеҳкомга айлантириб олдилар. Мусулмонлар уларни қамалга олдилар. Яҳудийларнинг паҳлавонларидан икки киши бирин-кетин яккама-якка олишувга талабгор чорладилар. Мусулмонларнинг баҳодирлари талабгор бўлиб чиқиб, уларни қатл қилдилар. Иккинчи бўлиб чиққан олишувчини ўлдирган киши машҳур баҳодир, қизил пешонабоғ соҳиби Абу Дужона Симок ибн Хараша Ансорий эди. Абу Дужона уни ўлдиргач, қалъага қараб интилди. Мусулмон қўшини ҳам унинг ортидан қалъага кириб бордилар. Қалъа ичкарисида бир муддат шиддатли жанг боргач, яҳудийлар қалъадан чекиниб, биринчи қисмнинг энг охирги қалъасига – Назор қалъасига кўчиб ўтдилар.

Назор қалъасининг забт этилиши

Бу қалъа мазкур қисмдаги қалъалар ичида энг мустаҳками бўлиб, яҳудийлар мусулмонлар ҳар қанча куч сарфламасинлар, уни забт эта олмасликларига деярли ишонишарди. Шунинг учун ҳам аввалги тўрт қалъани аёллар ва болалардан бўшатиб қўйишгани ҳолда бу қалъада аҳли-аёллари ва бола-чақаларини ҳам олиб ўтиришган эди. Мусулмонлар қалъани қаттиқ қамал қилиб, ҳар томондан кучли сиқувга олишди. Бироқ, қалъа баланд тоғ устида бўлганидан унга ҳужум қилишга йўл тополмаётган эдилар. Яҳудийлар қалъадан чиқишга ва мусулмонлар билан урушишга журъат қилишмас, бироқ, тепадан туриб мусулмонларга камон ўқлари ва тошлар ёғдириб, қаттиқ қаршилик кўрсатишарди.

Назор қалъасини забт этиш қийинлигини кўрган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам манжаниқларни ишга солишга буйруқ бердилар. Мусулмонлар манжаниқлар ёрдамида қалъа деворидан дарча очишга муваффақ бўлишгач, қалъа ичкарисига бостириб

кирдилар ва шиддатли жанглардан сўнг яҳудийлар узил-кесил мағлуб бўлдилар. Бошқа қалъалардан чиқиб кетишгани каби чиқиб кетишга имкон тополмай, бола-чақаларини ҳам мусулмонлар қўлида қолдириб, ўз жонларини сақлаб қолиш учун қочиб қолдилар.

Ушбу мустаҳкам қалъа забт этилиши билан Ҳайбарнинг биринчи қисми – яъни, Натот ва Шиқ қисмидаги қалъалар батамом фатҳ этилди. Мазкур қалъа забт этилгач, яҳудийлар бу ерда жойлашган бошқа кичик-кичик қалъаларнинг барини ташлаб, Ҳайбарнинг иккинчи қисмига қочиб ўтдилар.

Ҳайбарнинг иккинчи қисмининг забт этилиши

Ҳайбарнинг Натот ва Шиқ қисми тўла фатҳ этилгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни Ҳайбарнинг иккинчи қисмига, яъни, Қамус (Бану назирлик Абул Ҳуқайқнинг қалъаси), Ватиҳ ва Сулолим қалъалари жойлашган Катиба сари йўлладилар. Натот ва Шиқ қисмидан қочиб келганларнинг ҳаммаси шу қалъаларга келиб ўрнашган ва уларни қаттиқ истеҳкомга айлантиришган эди.

Тарихчилар мазкур уч қалъадан бирортасини забт этиш учун жанг кечганми, йўқми, деган савол устида ихтилоф қилганлар. Ибн Исҳоқ ривояти оқимидан Қамус қалъасини забт этиш учун жанг олиб борилгани, ушбу қалъа ҳеч қандай музокараларсиз, фақат жанг билан қўлга олингани очиқ маълум бўлади. “Ибн Ҳишом”, 2/331–337.

Аммо, Воқидийнинг таъкидлашича, Ҳайбарнинг ушбу қисмидаги барча қалъалар музокара йўли билан таслим бўлган. Эҳтимол, Қамус қалъасини забт этиш учун жанг бориши мобайнида уни топшириш учун музокара бўлиб ўтгандир. Аммо, қолган икки қалъа мусулмонларга жангсиз, музокара йўли билан таслим бўлди.

Нима бўлганда ҳам, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу Катиба ноҳиясини қаттиқ қамалга олдилар ва қамал ўн тўрт кун давом этиб, яҳудийлар шунча кун қалъаларидан ташқарига чиқмадилар. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қарши манжаниқларни ишга солмоқчи бўлганларида ҳалок бўлишларига ишонч ҳосил қилган яҳудийлар у зотдан сулҳ талаб қилдилар.

Музокара

Абул Ҳуқайқнинг ўғли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам чиқариб, қалъадан тушиб, у зот билан сўзлашишга изн сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози бўлдилар. Шундан сўнг у тушиб келди ва у зот билан музокара олиб бориб, ўзига қарашли бу қўрғонлар аҳлини бола-чақалари билан биргаликда ҳаётлари сақланиб қолиши эвазига қалъаларини жангсиз топшириб, Ҳайбардан чиқиб кетишга, эгниларидаги кийимларидан бошқа бутун мол-мулк, боғ-роғ, тилла-кумуш, чорва ҳайвонлари ва қурол-аслаҳаларини қолдириб кетишга келишувга эришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар бирон нарсани мендан яширишга уринсангиз, сизлардан**

Аллоҳнинг ҳам, пайғамбарининг ҳам ҳимояси соқит бўлади», деб огоҳлантирдилар.

Абул Ҳуқайқнинг икки ўғли аҳдни бузганлик учун қатл этилишлари

Ушбу келишувга қарамай, Абул Ҳуқайқнинг икки ўғли кўп мол-дунёларини ва Ҳуяй ибн Ахтобнинг олтин-кумушлари солинган тери халтани яшириб қўйдилар, Ҳуяй уни Бану Назир сургуни пайтида ўзи билан олиб чиққан эди.

Ибн Исҳоқ айтади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Кинона ибн Рабиъ олиб келинди. Бану Назирнинг хазиналари унинг олдида эди. Ўша хазиналар ҳақида сўраган эдилар, у улар яширилган жойни билишини инкор этди. Шунда яҳудлардан бири: «Мен Кинонанинг кун бўйи мана бу вайрона ичида айланиб юрганини кўрган эдим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Агар уларни сенингерингдан топиб олсак, сени ўлдирамиз, шунга розимисан?»,** дегандилар, у: «Ҳа», деди. Ўша вайронани қазишга буюрдилар. У ердан хазинанинг бир қисми топилди. Сўнг қолган қисмини сўраган эдилар, уни топширишдан бош тортди. Шундан сўнг уни Зубайрнинг ихтиёрига бердилар ва то хазинани чиқариб бермагунича унга азоб беришни буюрдилар. Зубайр чақмоқтош вазифасини ўтовчи ёғоч билан унинг кўкрагига ура бошлади, ҳатто унинг ўлишига оз қолди. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Муҳаммад ибн Масламага бердилар, Ибн Маслама уни Ноъим қалъаси девори тагида ўтирганида бошига тегирмон тоши ташланиб, ҳалок қилинган иниси Маҳмуд ибн Масламанинг қасосига қатл қилди.

Ибн Қойййумнинг зикр қилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абул Ҳуқайқнинг икки ўғлини қатл қилишга буюрдилар. Уларнинг молларини яшириб қўйишгани ҳақида эътироф қилган киши Кинонанинг амакиваччаси эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Софийя бинт Ҳуяй ибн Ахтобни асира қилиб олдилар, унга Кинона ибн Абул Ҳуқайқ яқиндагина уйланган эди.

Ўлжалар тақсимоти

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудларни Ҳайбардан сургун қилмоқчи бўлганларида улар: «Эй Муҳаммад! Бизга шу ерда қолишга ижозат беринг. Биз бу ерларга ишлов бериб, экин экамиз. Бу ишни биз сизлардан кўра яхшироқ биламиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва асҳобларининг бундай ишларни қилиб берадиган хизматчилари йўқ эди, ўзларининг эса бу ишларга вақтлари бўлмас эди. Шунинг учун то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари истаган пайтгача ҳар бир экиндан чиққан ҳосилни тенг бўлиб олиш шарти билан уларни Ҳайбарда қолдирдилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳосилни чамалаб, бўлиб берарди.

Ҳайбар ерини 36 бўлакка бўлдилар, ҳар бир бўлак 100 улушдан иборат бўлди ва жами 3600 улушни ташкил қилди. Бунинг тенг ярми, яъни 1800 улуши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга тегишли эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам оддий бир мусулмоннинг улушича улушга эга бўлдилар. Қолган ярмини, яъни 1800 улушни мусулмонларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг бошларига тушиши мумкин бўлган ишларга сарфланадиган бўлди. Мусулмонларнинг улушлари 1800 улушга тақсимланишининг сабаби – бу Аллоҳ таолонинг Ҳудайбия аҳлига ато этган туҳфаси бўлиб, улар жами 1400 киши эдилар. Улар ичида 200 отлиқ ҳам бор бўлиб, ҳар бир отга икки улушдан, пиёда аскарга бир улушдан тайин қилинди. Жами ўлжалар 1800 улушга тақсимланиб, отлиққа уч улуш, пиёдага бир улушдан тегди. “Зодул маод”, 2/137.

Ҳайбардан олинган ўлжалар жуда кўп эди. Бунга Имом Бухорий ривоят қилган Ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг: «Ҳайбарни фатҳ этгунимизга қадар қорнимиз тўйиб овқат емаган эдик», деган сўзларини ҳамда Оиша розияллоҳу анҳонинг: «Ҳайбар фатҳ этилгач: «Энди хурмога тўядиган бўлдик», дедик», деб айтган сўзларини далил қилиб келтириш мумкин.

Муҳожирлар Мадинага қайтганларидан сўнг ансорлар тарафидан уларга совға қилинган хурмозорларни ўз эгаларига қайтариб бердилар. Чунки, энди уларнинг Ҳайбарда ўз хурмозорлари бор эди.

Жаъфар ибн Аби Толиб ва ашъарийларнинг етиб келиши

Мана шу ғазот пайтида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари Жаъфар ибн Аби Толиб шериклари билан етиб келди. Абу Мусо ва бошқа ашъарийлар ҳам улар билан бирга келдилар.

Абу Мусо айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар қилиб юборилганлари хабари етганда биз Яманда эдик. Шундан сўнг иккита иним билан бирга қавмимиздан жами элликдан ошиқроқ киши у зотнинг ёнларига ҳижрат қилиб йўлга чиқдик. Минган кемамиз бизни Ҳабашистонга, Нажошийнинг мулкига олиб бориб ташлади. У ерда биз Жаъфар ибн Аби Толиб ва асҳоблари билан учрашдик.

Жаъфар бизга: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни бу ерга юборганлар ва шу ерда туришга буюрганлар. Сизлар ҳам биз билан тураверинглар», деди. Биз у билан бирга қолдик. Мадинага келишимиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳайбарни фатҳ қилган пайтларига тўғри келди. У зот Ҳайбардан бизга ҳам улуш ажратдилар. Ҳайбар фатҳида иштирок этмаган кишилардан фақат бизга – Жаъфар ва асҳобларига ҳамда улар билан кемада бирга келган кишиларга улуш ажратдилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/443; “Фатҳул Борий”, 7/484 –487.

Жаъфар етиб келганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга пешвоз чиқдилар ва пешонасидан ўпиб: **«Қасамки, қай бирига кўпроқ хурсанд бўлишимни билмай қолдим, Ҳайбарнинг фатҳигами, Жаъфарнинг келганигами?»,** дедилар.

"Зодул маод", 2/139; Имом Табароний, «Ал-муъжамус-сағир", 1/19.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Умайя Зомрийни Нажоший ҳузурига мактуб билан юборганларида ундан Жаъфар ва ҳамроҳларини жўнатиб юборишини сўраган эдилар. Шундан сўнг Нажоший уларни иккита кемага миндириб, жўнатиб юборган эди. Улар ўн олти киши бўлиб, аҳли аёл ва бола-чақалари ҳам бирга эди. Қолган муҳожирлар илгарироқ Мадинага етиб келишган эди.

Хузорий, "Тарихул-умамил-исломийя", 1/128.

Софийяга уйланишлари

Кинона ибн Абул Ҳуқайқни хиёнаткорлиги учун қатл қилдиргач, унинг аёли Софийяни асирлар орасига қўшиб қўйганликларини айтиб ўтган эдик. Асирлар бир жойга йиғилгач, Диҳя ибн Халифа Калбий Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, асиралар ичидан биронта жорияни унга беришларини сўради. «Бориб, биттасини танлаб олинг», дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. У Софийя бинт Ҳуяйни танлаб олди. Шунда бир киши у зот ҳузурларига келиб: «Ё Росулуллоҳ, сиз Диҳяга Қурайза ва Бану Назирнинг саййидаси Софийя бинт Ҳуяйни берибсиз, у фақат сизга муносиб эди», деди. «Диҳяга айтинглар, уни олиб келсин», дедилар. Диҳя Софийяни келтиргач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кўз ташладилар, сўнг Диҳяга: **«Бунинг ўрнига бошқа бирортасини олинг»,** дедилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Софийяни Исломга даъват қилган эдилар, у мусулмон бўлди. Шундан сўнг уни озод қилиб, уйландилар. Озод этилишини унинг маҳри қилиб белгиладилар. Мадинага қайтишда йўлда Саҳбоъда тўхтадилар. Умму Сулайм Софийяни ювиб-тараб, келинликка тайёрлади. Шу куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлиб тонг оттирдилар. Сўнг хурмо, сарёғ ва толқондан тайёрланган ҳайс деган таом билан валима – зиёфат бердилар. Йўлда уч кунни у билан ўтказдилар.

"Саҳиҳул Бухорий", 1/54, 2/604, 606; "Зодул маод", 2/137.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Софийянинг юзида кўкарган жойни кўриб, бунинг сабабини сўраган эдилар: «Ё Росулуллоҳ, сиз келишингиздан олдинроқ бир туш кўрган эдим. Тушимда ой ўрнидан кўчиб, менинг бағримга келиб тушди. Қасамки, сиз ҳақингизда ҳеч гап йўқ эди. Кўрган тушимни эримга айтиб берган эдим, у: «Ҳали сен Мадинадаги подшоҳни орзу қилиб қолдингми?!», деб юзимга тарсаки туширди», деди.

Заҳарланган қўй гўшти воқеаси

Ҳайбар фатҳ этилиб, уруш ҳаракатлари тинганидан сўнг яҳудийлардан Саллом ибн Мишкамнинг хотини Зайнаб бинт Ҳорис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қовурилган қўй гўшти келтирди. Аввал у зот қўйнинг қайси бўлагини суйиб ейишларини сўраб-суриштириб, қўлини яхши кўришларини билгач, ўша қисмига кўпроқ заҳар қўшди, бошқа жойларини ҳам заҳарлаб, кейин у зотга олиб келиб, олдиларига қўйди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўштнинг қўл қисмидан олиб, тишладилар. Уни чайнаб кўриб, ютмасдан чиқариб ташладилар ва: **«Бу суяк менга ўзининг заҳарли экани ҳақида хабар бермоқда»,** дедилар. Кейин ҳалиги аёлни чақиртирдилар. У эътироф этди. Ундан: **«Нега бундай қилдинг?»,** деб сўраган эдилар: «Агар подшоҳ бўлса, ундан қутуламан. Агар пайғамбар бўлса, унга хабар берилади, дедим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни афв этдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида Бишр ибн Бароъ ибн Маърур исмли саҳоба ҳам бор эди. У ҳам ўша гўштдан бир тишлам еб, ютиб юборган эди, шунинг таъсиридан вафот этди.

Ривоятларда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у аёлни кечирганлари ё қатл қилдирганлари ҳақида ихтилофлар бор. Уларнинг хулосаси шуки, аввал уни кечирган эдилар. Кейин Бишр вафот этгач, унинг қасосига аёлни қатл қилдирдилар.

“Зодул маод”, 2/139, 140; “Фатҳул Борий”, 7/497.

Ушбу қисса имом Бухорий (1/449, 2/610, 860) ва “Ибн Ҳишом”да (2/337, 338) муфассал ва мухтасар шаклда ривоят қилинган.

Ҳайбардаги жангларда ҳар икки тарафдан берилган қурбонлар сони

Ҳайбарда бўлиб ўтган жангларда мусулмонлардан жами 16 киши шаҳид бўлди. Улардан тўрттаси муҳожирлардан, бир киши Ашжаъдан, бир киши Асламдан, бир киши Ҳайбар аҳлидан ва қолганлари ансорлардан эди.

Баъзи ривоятларда ушбу жангларда мусулмонлардан 18 киши шаҳид бўлгани айтилади.

Аллома Мансурпурий 19 кишини зикр қилади, сўнг: «Мен чуқур текшириб, 23 кишининг исмидан воқиф бўлдим, улардан биттасини фақат Табарий зикр қилган, яна биттасини фақат Воқидий зикр қилган, бир киши заҳарланган гўшт таъсирида вафот этган, яна бир кишининг Бадрда шаҳид бўлганми ёки Ҳайбарда экани ҳақида ихтилофлар бор, тўғрироғи у Бадрда шаҳид бўлган», дейди (“Раҳматан лил-аламийн”, 2/268-270). Яҳудийлардан эса 93 киши ўлдирилди.

Фадак

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарга борганларида Муҳаййиса ибн Масъудни Фадак яҳудийларини Исломга даъват қилиш учун юборгандилар. Фадак аҳли жавобни пайсалга солиб туришди.

Аллоҳ таоло Ҳайбарни фатҳ қилиб бергач, уларнинг дилларига қўрқув тушиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб, худди Ҳайбар аҳли қилганидек, Фадак ҳосилининг тенг ярмини бериш шарти билан сулҳ таклиф қилдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу таклифни қабул қилдилар. Фадакдан келувчи даромад Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хос қилинди. Чунки, мусулмонлар уни от чоптириб, жанг билан қўлга киритмадилар.

“Ибн Ҳишом”, 2/337, 353.

Водил Қуро

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбардан фориғ бўлганларидан сўнг Водил Қурога қараб бурилдилар. У ерда яҳудийларнинг бир жамоаси бўлиб, улар билан бирга арабларнинг бир жамоаси ҳам истиқомат қиларди.

У ерга кириб борганларида яҳудийлар уларни камондан ўқ ёғдириб кутиб олдилар. Шу ерда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуллари Мидъам ҳалок бўлди. Одамлар: «Унга жаннат муборак бўлсин!», дейишган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ, жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, унинг Ҳайбар куни ҳали тақсим қилинмаган ғаниматдан олган бир бўлак матоси унга ўт бўлиб ўралмоқда»,** дедилар. Бу гапдан сўнг бир киши битта ё иккита оёқ кийим ипини келтириб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Битта – ёки иккита оловли ип»,** деб қўйдилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 2/608.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларини жангга тайёрлаб, сафларга тиздилар. Ўз байроқларини Саъд ибн Убодага бердилар, яна бир байроқни Ҳубоб ибн Мунзирга, яна бир байроқни Саҳл ибн Ҳунайфга, яна бир байроқни Аббод ибн Бишрга бердилар. Сўнг қавмни Исломга даъват қилдилар. Улар бош тортишди ва ичларидан бир киши яккама-якка олишувга талабгор чорлаб олдинга чиқди. Унга Зубайр ибн Аввом талабгор бўлиб чиқди ва ўлдирди. Кейин бошқа бирови чиққан эди, уни ҳам ўлдирди. Учинчи бўлиб чиққан жангчига Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу талабгор бўлиб чиқди ва ўлдирди. Шундай қилиб, улардан бирин-кетин ўн бир киши ўлдирилди. Ҳар биттаси ўлдирилганидан сўнг қолганларини Исломга даъват қилардилар.

Ўша куни намоз вақти бўлганида асҳоблари билан намоз ўқир, кейин яна қайтиб, уларни Исломга ва Аллоҳу Росулига даъват қилардилар. Кечгача ана шундай жанг олиб бордилар. Эртаси куни яна жанг бошланиб, кун найза бўйи бўлмасидан улар таслим бўлишиб, Водил Қурони куч билан фатҳ қилдилар. Аллоҳ уларнинг мол-мулкларини мусулмонларга ўлжа қилиб берди. У ердан кўплаб матолар ва уй жиҳозларини қўлга киритдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Водил Қурода тўрт кун турдилар. У ердан олинган ўлжаларни асҳобларига тақсим қилиб

бердилар. Экинзор ерларни ва хурмозорларни яҳудийлар қўлига топшириб, уларни ҳам Ҳайбар аҳли каби омил (ишчи) сифатида қолдирдилар. "Зодул маод", 2/146, 147.

Таймоъ

Таймоъ яҳудийлари Ҳайбар, Фадак ва Водил Қуронинг таслим бўлганини эшитишгач, мусулмонларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай, аксинча, ўзлари сулҳ таклифи билан келдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг таклифларини қабул қилдилар. Шундай қилиб, улар ўз уйларида қолдилар ("Зодул маод", 2/147). Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қуйидаги васиқани ёзиб бердилар: **«Бу Муҳаммад Росулуллоҳ Бану Одияга ёзиб берган ҳужжатдир. Улар бизнинг зиммамизда** (ҳимоямизда) **бўлиб, жизя тўлаб турадилар. Уларга тажовуз қилинмайди, улар сургун ҳам қилинмайдилар. Улар туну-кун омонликдадирлар».** Ушбу ҳужжатни Холид ибн Саид ёзди. "Ибн Саъд", 1/279.

Мадинага қайтишлари

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага қараб йўл олдилар. Йўлда одамлар бир водийга тушиб келаётганларида баланд овозда: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ла илаҳа иллаллоҳ», деганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Овозларингизни пасайтиринглар! Зеро, сизлар кар ё ғойиб зотга дуо қилмаяпсизлар, балки эшитувчи ва яқиндаги Зотга дуо қилмоқдасизлар»,** дедилар. "Саҳиҳул Бухорий", 2/605.

Мана шу сафарларидан қайтишларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тунда йўл босиб, тонгга яқин ухлагани ётдилар. Билолга: **«Бу кеча бизга қўриқчи бўлинг»** (яъни, бизни намозга уйғотинг), дедилар. Билолнинг ҳам туясига суяниб ўтирганича кўзи илиниб қолди. Шу ухлаганларича қуёш қиздира бошлаганда уйғондилар. Биринчи бўлиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғондилар. Кейин бу водийдан чиқиб, бир мунча юрганларидан сўнг тўхтаб, бомдод намозини ўқидилар. Баъзи ривоятларда бу воқеанинг ушбу сафардан бошқа бир сафарда бўлгани ҳам айтилган ("Ибн Ҳишом", 2/340). Бу жуда машҳур воқеалардан бўлиб, ҳадис китобларининг деярли барчасида ривоят қилинган. "Зодул маод", 2/147.

Ҳайбар жанги тафсилотларини яхшилаб ўрганилгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтиб келишлари 7-ҳижрий сафар ойининг охирларига ёки робиул-аввал ойига тўғри келгани маълум бўлди.

Абон ибн Саид бошчилигидаги сарийя

Уруш ҳаром қилинган ойлар ниҳоясига етганидан кейин, атрофда бадавийлар тиш қайраб турган ва мусулмонларни ғафлатда қолдириб, талончилик ва қароқчилик қилишга тайёр бўлиб турган ҳолда Мадинани бутунлай ҳимоясиз қолдириб кетиш маъқул иш эмаслигини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай ҳарбий

қўмондондан-да яхшироқ ҳис қилардилар. Шунинг учун ўзлари Ҳайбарга йўл оларканлар, бадавийларнинг дилига қўрқув солиб қўйиш мақсадида Абон ибн Саид бошчилигидаги бир сарийяни Наждга йўллаган эдилар. Ушбу сарийя ўзига юклатилган вазифани адо этганидан сўнг қайтиб келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳайбарда учрашди. Бу пайтда ул зот Ҳайбарни фатҳ этиб бўлган эдилар.

Кўпчилик фикрича, бу сарийянинг юборилиши 7-ҳижрийнинг сафар ойида бўлган ва унинг зикри Бухорийда келган. Ибн Ҳажар: «Мен бу сарийянинг ҳолидан воқиф бўлмадим», дейди. “Фатҳул Борий”, 7/491.

ЕТТИНЧИ ЙИЛДА БЎЛИБ ЎТГАН БОШҚА САРИЙЯ ВА ҒАЗОТЛАР

Зотур-риқоъ ғазоти

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманнинг учта қанотидан энг кучли икки қанотини синдиришга муваффақ бўлганларидан кейин энди бутун диққат-эътиборларини учинчи қанотга қаратиш учун тамомила фориғ бўлдилар. Учинчи қанот – Нажд даштликларида изғиб юрган тошбағир ва жангари бадавийлар бўлиб, вақти-вақти билан талончилик ва қароқчилик қилиб, осойишталикка путур етказишарди.

Ушбу бадавийларнинг бошини бириктириб турадиган шаҳар ё қишлоқлари бўлмагани ва улар қалъа ёки қўрғонларда истиқомат қилишмагани боис улар устидан тўла ҳукмронлик ўрнатиш ва ёмонлик ўтларини батамом ўчириб ташлаш Макка ва Ҳайбар аҳлига нисбатан анча қийин кечиши маълум эди. Уларга фақатгина эсларини жойига келтириб қўйиш ва дилларига қўрқув солиб қўйиш мақсадида уюштириладиган фавқулодда ҳамлаларгина фойда берарди. Шу боис мусулмонлар бирин-кетин ана шундай ҳамлаларни уюштириб турдилар.

Мадина атрофларида бочқинчилик мақсадида йиғилишиб турадиган бадавийларнинг шавкатини синдириб қўйиш учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг эсларини жойига киритиб қўядиган бир ҳарбий юриш ўтказдилар. Бу юриш тарихда Зотур-риқоъ ғазоти номи билан маълум.

Аксарийят тарихчилар ушбу ғазотнинг тўртинчи ҳижрийда бўлганини айтишган. Бироқ, Абу Мусо Ашъарий ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумонинг ушбу ғазотда иштирок этганликлари унинг Ҳайбар ғазотидан кейин бўлганига далолат қилади. Аниқроғи, у 7-ҳижрийнинг робиул-аввал ойида бўлиб ўтган.

Сийратшуносларнинг бу ғазот ҳақида айтган сўзларининг хулосаси шуки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ғатафоннинг Бану Анмор ёки Бану Муҳориб ва Бану Саълаба қабилалари йиғилганлиги хабари етиб келди. Шундан сўнг зудлик билан улар устига 400та ёки 700та саҳобалари билан юриш қилдилар. Мадинага Абу Зарни ёки

Усмон ибн Аффонни халифа қилиб қолдирдилар. Уларнинг диёрларига етиб бориб, Мадинадан икки кунлик йўл узоқликдаги Нахл деб аталган жойга тушдилар. Ўша ерда Ғатафондан бўлган бир гуруҳга дуч келдилар. Ҳар икки томон бир-бирига яқинлашиб, рақиб томонни чўчитишга ҳаракатлар бўлди, бироқ ўртада жанг бўлмади. Шу куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар билан хавф намозини ўқидилар. Имом Бухорий ривоят қилишича: «Намозга иқомат айтилгач, у зот бир тоифа билан икки ракаат ўқидилар, сўнг улар орқага ўтишди ва иккинчи тоифа билан икки ракаат ўқидилар. Шундай қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари тўрт ракаат, қавмнинг намози икки ракаат бўлди.

”Саҳиҳул Бухорий”, 1/407, 408, 2/593.

Имом Бухорий Абу Мусо розияллоҳу анҳудан шундай ривоят келтиради: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан чиқдик, олти кишининг ўртасида битта туя бўлиб, уни навбатлашиб минардик. Шунда оёқларимиз ёрилиб кетди. Менинг ҳам оёқларим ости ёрилиб, тирноқларим кўчиб кетди. Оёқларимизга латталар боғлаб олдик. Шунинг учун бу ғазот «Зотур-риқоъ» (ямоқли) деб номланди».

”Саҳиҳул Бухорий”, 2/592; “Саҳиҳ Муслим”, 2/118.

Имом Бухорий Жобир розияллоҳу анҳудан яна ривоят қилади: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Зотур-риқоъ ғазотига чиққан эдик. Бир сояли дарахт олдига етиб келиб, уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қолдирдик, у зот ўша ерга тушдилар. Одамлар бутазорга тарқалиб, буталар соясига тушдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қиличларини дарахт шохига илиб қўйиб, дам олгани ётдилар. Биз ухлаб ётганимизда мушриклардан бир киши келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларини суғуриб олиб: «Мендан қўрқасанми?», деб сўрабди. У зот: **«Йўқ»,** деб жавоб берибдилар». «Сени ким мендан ҳимоя қила олади?», деб сўрабди. **«Аллоҳ»,** дебдилар. Бир вақт Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни чақириб қолдилар. Борсак, олдиларида бир аъробий ўтирибди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу одам мен ухлаётган пайтда келиб, қиличимни суғуриб олибди. Уйғонсам, у қилич яланғочлаб турибди. Шунда у мендан: «Сени мендан ким ҳимоя қила олади?», деди. Мен: «Аллоҳ», дедим. Мана, у олдимда ўтирибди»,** дедилар. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳеч қандай итоб қилмадилар». Абу Авона ривоятида: «Шунда унинг қўлидан қилич тушиб кетди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўлларига олиб: **«Сени мендан ким ҳимоя қила олади?»,** дедилар. У: «Менга шафқат қилинг», деб илтимос қилди. **«Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигига ва менинг Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик берасанми?»,** дедилар. Аъробий: «Мен сизга қарши урушмасликка ва сиз билан урушадиган қавм билан бирга бўлмасликка аҳд бераман», деди.

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўйиб юбордилар. У қавмига бориб: «Мен ҳозир одамларнинг энг яхшиси олдидан келдим», деди».

Абдуллоҳ Наждий, “Мухтасар сийратир-Росул”, 264-с; «Фатҳул Борий», 7/428.

Имом Бухорий ривоятида: Мусаддад Абу Авонадан, у Абу Бишрдан ривоят қилади: «Ҳалиги кишининг исми Ғаврас ибн Ҳорис эди, у Исломни қабул қилди». ”Саҳиҳул Бухорий”, 2/593.

Ибн Ҳажар айтади: «Воқидий ушбу қиссанинг сабабини сўзларкан, аъробийнинг исми Дуъсур бўлиб, у исломни қабул қилганини ёзади. Бироқ, унинг сўзлари зоҳиридан бу бошқа ғазотдаги бошқа қисса экани кўринади. Валлоҳу аълам». ”Фатҳул Борий”, 7/428.

Мана шу ғазотдан қайтишларида мушрикларнинг бир аёлини асирга туширдилар. Унинг эри Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бировининг қонини тўкмагунча ортга қайтмасликни назр қилиб чиқди ва тунда мусулмонлар дам олаётган жойга етиб келди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки кишини мусулмонларни қўриқлаб туришга пойлоқчи қилиб қўйган эдилар. Улар Аббод ибн Бишр ва Аммор ибн Ёсир эдилар. Ҳалиги мушрик яқинлашганида Аббод намоз ўқиётган эди, уни камон ўқи билан яралади. У ўқни суғуриб ташлаб, намозида давом этди. Ана шу тарзда унга кетма-кет учта ўқ тегди. Шунда ҳам у намозини бузмади. Намозидан салом бергач, шеригини уйғотди. Шунда у: «Субҳаналлоҳ! Мени уйғотиб қўйсанг бўлмасмиди?!», деган эди: «Бир сурани ўқиб турган эдим, уни бўлгим келмади», деб жавоб берди.

”Зодул маод”, 2/112. Мазкур ғазот тафсилотлари билан танишишни истасангиз “Ибн Ҳишом” (2/203-209); “Зодул маод” (2/110-112) ва “Фатҳул Борий”га (7/417-428) мурожаат қилинг.

Ушбу ғазотнинг аъробийлар дилига қўрқув солиб қўйишда катта таъсири бўлди. Агар шу ғазотдан кейинги сарийялар тафсилотига назар ташласак, Ғатафон қабилалари мана шу ғазотдан сўнг бош кўтаришга журъат қилолмай қолишганини, аксинча, бора-бора овозлари ўчиб, айримлари таслим бўлиб, айримлари мусулмон бўлишганини кўрамиз. Ҳатто, ушбу аъробийларнинг бир неча қабилалари Макка фатҳида мусулмонлар сафида турганликларини, Ҳунайн жангида ҳам иштирок этиб, ўлжаларга эга бўлишганини, Фатҳ ғазотидан қайтишганидан сўнг ҳузурларига закот йиғувчилар келганида закотларини берганликларини кўриш мумкин.

Шу билан аҳзобларнинг қанотлари сифатида кўрилган ҳар учала қанот тўла-тўкис синдирилиб, минтақада тинчлик-осойишталик ҳукм сура бошлади. Шундан сўнг мусулмонлар айрим минтақаларда айрим қабилалар тарафидан содир бўлган исён ва тажовузларни осонлик билан бартараф этишга қодир бўлдилар. Ҳатто энди катта мамлакатлар ва диёрларни фатҳ қилиш учун тайёргарликлар

бошланиб қолди. Чунки, ўлканинг ичкарисидаги вазиятлар энди тўлалигича Ислом ва мусулмонлар фойдасига ривожланаётган эди.

Ушбу ғазотдан кейин юборилган сарийялар

Ушбу ғазотдан қайтганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари то 7-ҳижрийнинг шаввол ойигача ғазотга чиқмадилар. Шу муддат оралиғида бир неча сарийялар юбордилар. Қуйида уларнинг айрим тафсилоти билан танишасиз:

1. 7-ҳижрийнинг сафар ёки робиул-аввал ойида Кудайддаги Бану Мулавваҳ қабиласи устига юборилган Ғолиб ибн Абдуллоҳ Лайсий бошчилигидаги сарийя.

Бану Мулавваҳ Башир ибн Сувайднинг ҳамроҳларини ўлдиришган бўлиб, ушбу сарийя улардан қасос олиш мақсадида юборилди. Улар тунда бориб, қабилага ҳамла қилиб, ўлдирганларини ўлдириб, чорваларини ҳайдаб кетишди. Ортларидан душманнинг каттагина қўшини қувиб чиқди ва мусулмонларга яқинлашиб қолганларида ёмғир қуйиб, улкан сел оқими икки гуруҳ ўртасини тўсиб қўйди. Мусулмонлар саломат қайтиб келдилар.

2. 7-ҳижрийнинг жумодус-сония ойида юборилган Ҳисмо сарийяси.

Бу ҳақда подшоҳларга мактублар йўлланиши ҳақидаги саҳифаларда айтиб ўтилди.

3. 7-ҳижрийнинг шаъбон ойида Турабага юборилган Умар ибн Хаттоб бошчилигидаги 30 кишилик сарийя.

Улар тунда йўл босиб, кундузлари яшириниб боришаркан, барибир Ҳавозин бундан хабар топиб, қочиб қолдилар. Умар уларнинг маҳаллаларига бориб, ҳеч кимни учратолмай, Мадинага қайтиб кетдилар.

4. 7-ҳижрийнинг шаъбон ойида Фадак ноҳиясидаги Бану Мурра қабиласига юборилган Башир ибн Саъд Ансорий бошчилигидаги 30 кишилик сарийя.

Улар бориб, қавмнинг қўйларини ва туяларини ҳайдаб кетишди. Тунда душман ортларидан қувиб етиб келиб, уларни камондан ўққа тутишди. Башир ва шерикларининг ўқлари тугаб қолиб, натижада барчаси душман томонидан ўлдирилдилар. Биргина Башир жароҳатланган ҳолда топилиб, Фадакка олиб келинди ва то жароҳати тузалгунича яҳудлар олдида туриб, сўнг Мадинага қайтиб келди.

5. 7-ҳижрийнинг рамазон ойида Майфаъадаги Бану Увол ва Бану Абд ибн Саълаба қабилаларига, баъзи ривоятларда Жуҳайнадаги Ҳурақотга юборилган Ғолиб ибн Абдуллоҳ Лайсий бошчилигидаги 130 кишилик сарийя.

Сарийя айтилган жойга етиб келиб, қавмга ҳужум қилди ва қаршиларидан чиққанларни ўлдириб, туялар ва қўйларни ҳайдаб кетди. Мана шу сарийяда Усома ибн Зайд Наҳик ибн Мирдос, деган одамни «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтганидан кейин ўлдириб қўйди.

Мадинага қайтганларидан сўнг бу ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берилгач, у зот Усоманинг бу ишини номаъқул санадилар ва: **«Қандай қилиб «Ла илаҳа иллаллоҳ» деганидан сўнг ўлдирасан?!»,** дедилар. «У бу калимани жонини сақлаб қолиш учун айтганди», деди Усома. **«Қалбини ёриб кўрмабсан-да, ростми, ёлғонлигини билардинг?!»,** дедилар.

6. 7-ҳижрийнинг шаввол ойида Ҳайбарга юборилган Абдуллоҳ ибн Равоҳа бошчилигидаги 30 отлиқдан иборат сарийя.

Сабаби, Усайр ёки Башир ибн Зорим Ғатафонни мусулмонлар билан урушиш учун жамлашга уринаётган эди. Шунда ушбу сарийя аъзолари бориб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Ҳайбарга бошлиқ қилиб қўйишларини айтиб, уни Мадинага Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишга кўндирдилар. У ўттизта шериги билан йўлга чиқди. Йўлда келаётганларида Қарқара Ниёр, деган жойда иккала гуруҳ ўртасида келишмовчилик чиқиб, охир-оқибат бу урушга айланиб кетди ва Усайр ҳам, унинг шериклари ҳам ўлдирилди. Воқидий бу сарийяни 6-йилнинг шавволида, Ҳайбар жангидан бир неча ой илгари бўлганини айтади.

7. 7-ҳижрийнинг шаввол ойида Яман ва Жаборга (Ғатафонга қарашли ер номи) **ёки Фазора ва Узрага юборилган Башир ибн Саъд Ансорий бошчилигидаги 300 кишилик сарийя.**

Ушбу сарийя Мадина атрофига босқинчилик уюштириш мақсадида жамланган каттагина қўшин билан тўқнашиш учун юборилган эди. Улар кундузлари яшириниб, тунлари йўл юриб, етиб борганларида душман бундан хабар топиб қолиб, қочиб кетишга улгурди. Башир кўплаб туяларни қўлга киритди ва икки кишини асир олиб, Мадинага олиб келди. Улар иккаласи ҳам мусулмон бўлдилар.

8. Абу Ҳадрад Асламий бошчилигидаги Ғобага юборилган сарийя.

Ибн Қоййум ушбу сарийяни 7-йилда Умратул-Қазодан олдин бўлиб ўтган сарийялар қаторида келтирган. Унинг қисқача баёни шундан иборатки, Жушам ибн Муовия қавмидан бир киши кўпчиликни йиғиб, Ғобага келган, мақсади Қайсни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши урушга олиб чиқиш эди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳадрадни икки киши билан бирга уларнинг хабарини аниқлаб келишга юбордилар. Улар қавм жойлашган ерга кун ботиш пайтида етиб келдилар ва Абу Ҳадрад бир тарафга, иккала шериги бошқа тарафга яширindилар. Қавмнинг чўпони унинг чорваларини ҳадеганда ҳайдаб келавермай, қоронғи тушиб кетгач, қавмнинг раиси чорваларидан хавотир олиб, ёлғиз ўзи чиқиб келиб, Абу Ҳадраднинг ёнидан ўтаётганида Абу Ҳадрад отган камон ўқи уни ерга қулатди, ўқ унинг юрагига теккан экан, бир калима сўз айтишга улгирмай жони чиқди. Абу Ҳадрад унинг калласини кесиб олди. Сўнг баланд овозда «Аллоҳу акбар!», деб такбир айтганича қавм

тарафга қараб югурди. Унинг иккала шериги ҳам такбир айтиб югурдилар. Саросимага тушиб қолган қавм орқа-олдига қарамай қочишга тушди. Учта мусулмон жуда кўп туя ва қўйларни ҳайдаб кетдилар.

Қазо умраси

Муҳаддис уламолардан Ҳокимнинг айтишича, мутавотир хабарларга кўра, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зул-қаъда ойида асҳобларини ўтган йилги умраларининг қазосини қилиш учун сафарга чорладилар. Ҳудайбияда ҳозир бўлганлардан бирор киши ҳам қолмаслигини тайинладилар. Ҳудайбиядан кейин шаҳид бўлганлардан бошқа ҳамма йўлга отланди. Улардан бошқа саҳобалар ҳам умрага отландилар. Йўлга чиққанларнинг сони аёлу болалардан ташқари икки минг киши бўлди. ”Фатҳул Борий”, 7/500.

Мадинага Увайф ибн Азбат Дийлийни ёки Абу Руҳм Ғифорийни халифа қилиб қолдирдилар. Олтмишта туяни ҳадй (қурбонлик) қилиш учун олдилар, уларни Ножия ибн Жундуб Асламий қарамоғига топширдилар. Шундай қилиб, барча мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда талбия айтган ҳолда йўлга тушдилар. Қурайшнинг хиёнат қилишидан қўрқиб, эҳтиётан қурол-яроғларни ҳам ўзлари билан олдилар. Яъжужга етиб борганларида барча қуролларни – қалқонлар, ўқдонлар, найзалар ва ўқ-ёйларни қолдириб, уларга Авс ибн Хавлий Ансорий бошчилигида 200 кишини қўриқчи қилиб қолдирдилар, йўловчининг доимий ҳамроҳи бўлмиш қиндаги қиличлар билангина Маккага кириб бордилар.

”Фатҳул Борий”, 7/500, “Зодул маод”, 2/151.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туялари Қасвога миниб олгандилар, атрофларида мусулмонлар қилич таққан ҳолда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўзларини узмасдан, талбия айтиб боришарди.

Мушриклар Каъбанинг шимол тарафидаги Қуъайқиъон тоғига чиқиб олиб, мусулмонларни кузатиб туришарди. Улар бир-бирларига: «Ҳузурингизга Ясрибнинг иситмаси ҳолдан тойдириб қўйган кишилар келишмоқда», дейишган эди. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига тавофнинг аввалги учта айланишини рамл билан (яъни, лўкиллаб югуриб) ўтказишга, икки рукн ўртасини эса юриб ўтказишга буюрдилар. Асҳобларини аяганлари учунгина тавофни бошидан охиригача югуриб ўтказишга буюрмадилар. Уларни югуришга буюришлари сабаби – мушрикларга мусулмонларнинг куч-қувватларини кўрсатиб қўйиш учун бўлган эди. (”Саҳиҳул Бухорий”, 1/218, 2/610, 611; “Саҳиҳ Муслим”, 1/412). Шунингдек, уларни изтибоъга – яъни, ўнг елкаларини очиб олишга ва ридонинг иккала тарафини ҳам чап елкалари устига ташлаб олишга буюрдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага Ҳажун тоғига олиб борувчи тепаликдан кириб келдилар. Мушриклар саф тортиб, у

зотга қараб туришарди. То рукнга етиб бориб, унга ҳассаларини теккизиб, ўпгунларича тинимсиз талбия айтиб бордилар. Кейин Байтулоҳни тавоф қилдилар, мусулмонлар ҳам у зот билан бирга тавоф қилдилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа қилич тақиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида ражз-шеър ўқиб борди:

Эй кофирлар, ўтингиз ўнгу сўлга,
Йўл бўшатинг келаётган Росулга.
Раҳмон унга Китобини индирди,
Неки яхши хислат борки, билдирди.
Унинг ушбу сўзларини ҳақ билдим
Тасдиқ этиб, чин дилдан амал қилдим:
«Энг яхши жанг Аллоҳ йўлидаги жанг»,
Мен инондим бу сўзга чин қалбимдан.
Бизлар Қуръон амрича жанг қиламиз,
Кофирларнинг ҳолини танг қиламиз.
Қиличлар зарбидан бошлар учади,
Дўст оҳ тортиб дўстин қабрин қучади.

خلُّوا بني الكفّار عن سبيله   خلوا فكل الخير في رسوله
قد أنزل الرحمن في تنزيله   في صُحُف تتلى على رسوله
يا ربِّ، إنِّي مؤمن بقِيلهِ   إني رأيت الحق في قبوله
بأنَّ خير القتل في سبيله   اليوم نضربكم على تنزيله
ضرباً يزيل الهام عن مقيله   ويذهل الخليل عن خليل

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Умар розияллоҳу анҳу: «Эй Ибн Равоҳа! Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида, Аллоҳнинг Ҳарамида шеър айтасанми?!», деганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қўяверинг, эй Умар! Бу уларга камон ўқи ёғдиргандан ҳам ёмонроқ таъсир қилмоқда»,** дедилар. Имом Термизий ривояти, 2/107.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва мусулмонларнинг уч марта югуриб айланганларини кўрган мушриклар: «Иситма ҳолдан тойдирган деган кишиларингиз шуларми?! Улар фалончи-фалончилардан ҳам бақувватроқ-ку!», дейишди.

Имом Муслим ривояти, 1/412.

Тавоф қилиб бўлганларидан сўнг Сафо ва Марва ўртасида саъй қилдилар. Саъйдан сўнг Марва олдида жонлиқларини бўғизладилар ва: **«Жонлиқларни бўғизлайдиган жой шудир, Макканинг ҳамма жойида ҳам бўғизлаш жоиз»,** дедилар. Сўнг сочларини олдирдилар.

Мусулмонлар ҳам у зот қилган амалларни бажардилар. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Яжужга, қуролларга қараб туришга бир қанча кишиларни юбордилар. У ерда қолганлар ҳам келишиб, умра амалларини адо қилдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада уч кун турдилар. Тўртинчи куннинг тонгида мушриклар Алининг олдига келишиб: «Соҳибингга айт, вақт тугади, чиқиб кетсин», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан чиқиб кетиб, Сарифга бориб турдилар.

Маккадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турганларида Ҳамзанинг қизчаси: «Амаки! Амаки!», деб эргаша бошлади. Шунда Али уни қўлига олди. Али, Жаъфар ва Зайд қизчани кафолатга олишни талашиб қолдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Жаъфарга ҳукм қилдилар. Чунки, Жаъфарнинг аёли қизчага хола эди.

Мана шу сафарларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна бинт Ҳорис Омирийяга уйландилар. У зот Жаъфар ибн Аби Толибни Маймунага совчиликка юборганларида у ихтиёрини Аббоснинг қўлига топширди. Чунки, Аббоснинг аёли Уммул Фазл унинг опаси эди. Аббос уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга узатди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан чиққанларида орқаларидан Маймунани етказиб бориши учун Абу Рофиъни қолдирдилар. Сўнг Сарифда унга уйландилар.

”Зодул маод”, 2/152.

Ушбу умранинг Қазо умраси, деб аталишига сабаб – ё Ҳудайбия умрасининг қазоси бўлгани учун ё эса Ҳудайбияда келишилган сулҳ тақозосига кўра бўлгани учундир. Муҳаққиқлар мазкур иккинчи сабабни тўғрироқ санаганлар. ”Зодул маод”, 1/172; ”Фатҳул Борий”, 7/500.

Бу умра тўртта ном билан: Қазо, Қазийя, Қасос ва Сулҳ умраси номлари билан аталиб қолган. ”Фатҳул Борий”, 7/500.

Ушбу умрадан кейин юборилган сарийялар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу умраларидан қайтиб келганларидан сўнг бир неча сарийялар юбордилар:

1. 7-ҳижрийнинг зул-ҳижжа ойида юборилган Абул Авжо бошчилигидаги 50 кишилик сарийя.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Бану Сулаймни Исломга даъват қилиш учун юбордилар. Улар: «Сен даъват қилаётган нарсага ҳожатимиз йўқ», дейишди. Сўнг икки ўртада уруш бўлиб, унда Абул Авжо яраланди ва душмандан икки киши асир олинди.

2. 8-ҳижрийннг сафар ойида Фадакдаги Башир ибн Саъднинг шериклари ҳалок бўлган жойга юборилган Ғолиб ибн Абдуллоҳ бошчилигидаги сарийя.

Ушбу сарийя 200 кишидан иборат бўлиб, улар душманнинг бир қанча кишиларини ўлдириб, чорваларини қўлга киритиб, қайтдилар.

3. 8-ҳижрийнинг рабиъул-аввалида юборилган Зоту Атлаҳ сарийяси.

Бану Қузоъа мусулмонларга босқин уюштириш учун каттагина қўшин йиққан эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъб ибн Умайр Ансорийни ўн беш кишига бош қилиб улар ҳузурига юбордилар. Улар душманга рўпара келиб, уларни Исломга даъват қилдилар. Душман уларнинг даъватини қабул қилмасдан, уларга камондан ўқ ёғдириб, барчаларини шаҳид қилишди. Фақат бир киши ўликлар орасидан жароҳатланган ҳолда топилди. “Раҳматан лил-аламийн”, 2/231.

4. 8 ҳижрийнинг робиъул-аввалида Бану Ҳавозинга юборилган Зоту ирқ сарийяси.

Бану Ҳавозин душманларга тўхтовсиз ёрдам бериб келарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қарши Шужоъ ибн Ваҳб бошчилигида йигирма беш кишилик сарийя юбордилар. Улар душманнинг чорва молларини ҳайдаб келдилар ва ўзлари бирон кор-ҳолга учрамадилар.

“Раҳматан лил-аламийн”, 2/231; Ибнул Жавзий, “Талқиҳу фуҳуми аҳлил-асар”, 33-саҳифа ҳошияси.

МУЪТА ЖАНГИ

Бу уруш Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида мусулмонлар олиб борган энг оғир жанг ва энг қонли тўқнашув сифатида тарихга кирди. У 8-ҳижрийнинг жумодул-увло ойи, 629-милодийнинг август ёки сентябрида бўлиб ўтди ва насроний ўлкаларни фатҳ этишга тайёргарлик ва дебоча бўлиб қолди.

Муъта – Шомнинг Балқоъ ўлкасидаги бир қишлоқ номи бўлиб, у билан Байтул Мақдис ораси икки босқич йўл эди.

Жангнинг сабаби

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳорис ибн Умайр Аздийни мактуб билан Бусро ҳокимига юборгандилар. Йўлда унга Шомнинг Балқо ўлкасига Қайсар тарафидан ҳоким қилиб қўйилган Шураҳбил ибн Амр Ғассоний дуч келиб қолди ва бошини танидан жудо қилдирди.

Элчи ва чопарларни ўлдириш энг қабиҳ жиноятлардан саналар, бундай қилиш уруш эълон қилиш билан баробар, балки ундан-да ортиқроқ иш ҳисобланарди. Ушбу хабар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда қаттиқ таъсир қилди ва уларга қарши уч минг кишилик қўшин ҳозирладилар. (”Зодул маод”, 2/155; “Фатҳул Борий”, 7/511). Бу жуда катта қўшин бўлиб, Аҳзоб жангидан бошқа бирон жанг учун ҳали бунчалик кўп сонли қўшин жамламаган эдилар.

Лашкарбошилар тайинлашлари ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатишлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинга Зайд ибн Ҳорисани амир қилиб тайинладилар ва: «Агар Зайд ҳалок бўлса Жаъфар, Жаъфар ҳалок бўлса Абдуллоҳ ибн Равоҳа амир бўлади»,

дедилар. (“Саҳиҳул Бухорий”, 2/611). Оқ рангли байроқ тикиб, уни Зайд ибн Ҳорисага бердилар.

Уларга Ҳорис ибн Умайр ўлдирилган жойга бориб, у ердагиларни Исломга даъват қилишни, агар қабул қилмасалар, Аллоҳдан мадад сўраб, уларга қарши уруш қилишни буюрдилар. «Аллоҳнинг номи билан ва Аллоҳ йўлида, Аллоҳга кофир бўлганларга қарши жангга киринглар. Хиёнаткорлик ва ғаддорлик қилманглар. Гўдак болани, аёл кишини, мўйсафидни ва ибодатхонада узлатга чекинган роҳибни ўлдирманглар. Хурмо ва бошқа дарахтлрни кесманглар, уй-жойларни вайрон қилманглар», деб насиҳат қилдилар.

“Мухтасарус-сийра”, 327-с.

Ушбу ҳадис “Саҳиҳ Муслим”, “Сунан Абу Довуд, “Сунани Термизий”, “Сунан Ибн Можа” ва бошқа ҳадис тўпламларида турлича лафзлар билан ривоят қилинган.

Қўшинни кузатиб қолишлари ва Абдуллоҳ ибн Равоҳанинг йиғлаши

Исломий қўшин йўлга чиқиши олдидан одамлар йиғилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амирлари ҳақларига дуо-у саломлар йўлладилар. Шунда қўшиннинг қўмондонларидан бири Абдуллоҳ ибн Равоҳа йиғлаб юборди. Ундан йиғиси сабабини сўрашганда: «Аллоҳга қасамки, мен ҳаёти дунёни яхши кўрганимдан ёки сизлардан айрилишни истамаганимдан йиғламадим. Лекин, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг Китобидан дўзах зикр этилган:

وَإِن مِّنكُمۡ إِلَّا وَارِدُهَاۚ كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتۡمٗا مَّقۡضِيّٗا ﴿٧١﴾

«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушгувчидирсиз. (Бу) **Парвардигорингиз** (амрига биноан) **вожиб бўлган ҳукмдир»** (“Марям” сураси, 71-оят) оятини ўқиганларини эшитдим. Унга тушганимдан кейин қайтиб чиқа оламанми, йўқми, билмайман. Шунинг учун йиғламоқдаман», деди. Мусулмонлар: «Аллоҳ сизларни саломат асраб, душманларни даф қилиб, соғ-саломат ва ғаниматлар билан қайтиб келишингизга насиб этсин», дедилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Равоҳа ушбу шеърни ўқиди:

Мен Раҳмоннинг мағфиратин тилайман,
Қоним оқсин, шаҳидликни сўрайман.
Майли қилич, майли найза урсинлар,
Баданимни бурда-бурда қилсинлар.
Ҳавас қилсин жасадимни кўрганлар,
Шаҳид бўлиш умидида юрганлар.

لكنني أسأل الرحمن مغفرة ** وضربة ذات فرغ تقذف الزبدا

أو طعنة بيدَي حرانَ مجهزة ** بحربة تنفذ الأحشاء والكبدا

حتى يقال إذا مروا على جدثي ** أرشده الله من غاز وقد رشدا

Шундан сўнг қўшин йўлга тушди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни то Вадоъ тепаликларигача кузатиб бордилар, сўнг тўхтаб, хайрлашдилар. “Ибн Ҳишом”, 2/373, 374; “Зодул маод”, 2/156.

Қўшиннинг ҳаракат йўналиши ва унинг кутилмаган оғир вазиятга дуч келиши

Исломий қўшин шимол йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб бориб, Шимолий Ҳижоз яқинидаги Шомга қарашли Маъон, деган жойга бориб тушди. Ўша жойда уларга Ҳирақл юз минг кишилик Рум лашкари билан Балқоънинг Маъоб, деган жойида тургани, уларга Лахм, Жузом, Балқайн, Баҳро ва Бали қабилаларидан яна юз минг киши келиб қўшилгани ҳақида хабар етиб келди.

Маъондаги маслаҳат мажлиси

Мусулмонлар узоқ мусофир юртда бу қадар қудратли ва кўпсонли қўшинга дуч келишни хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Бор йўғи уч минг кишидан ташкил топган бир қўшин уммондек чек-чегараси кўринмайдиган, икки юз минг кишилик улкан қўшин қаршисига чиқсинми, йўқми? Мусулмонлар мана шу савол қаршисида тараддудланиб туриб қолдилар ва икки кеча Маъонда мана шу масала атрофида фикр алмашдилар, баҳсу мунозара қилдилар. Охири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни юзага келган аҳволдан хабардор қилиб мактуб йўллашга, шундан сўнг у зот қўшимча куч ё бирон буйруқ юборишларини кутиб, у зотнинг буйруқларига кўра иш қилиш фикрига тўхтадилар.

Бироқ, Абдуллоҳ ибн Равоҳа бу фикрга эътироз билдирди ва: «Эй қавм! Аллоҳга қасамки, сизлар аслида ҳозир ўзингиз ёқтирмай турган ишни – шаҳидликни талаб қилиб чиққансиз. Биз одамлар билан саноқ, куч-қудрат ва кўплик эътибори билан жанг қилмаймиз. Биз фақат Аллоҳ бизни у билан мукаррам этган мана шу дин туфайли жанг қиламиз. Шундай экан, жангга отланинг! Албатта, икки яхшиликнинг бирига – ё ғалабага ёки шаҳидликка эришасиз», деб уларни шижоатлантирди. Шундай қилиб, кенгаш Абдуллоҳ ибн Равоҳа чақирган ишни қилишга иттифоқ қилди.

Ислом қўшини душман томонга яқинлашади

Ислом қўшини Маъонда икки кечани ўтказганидан сўнг душман ерига қараб йўл олди. Балқоъ қишлоқларидан Шориф, деб аталувчи бир қишлоқда уларни Ҳирақлнинг қўшини қаршилади. Душман яқинлашиб кела бошлагач, мусулмонлар орқароқ қайтиб, Муъта, деган жойда қароргоҳ тикдилар ва урушга ҳозирлана бошладилар. Ўнг қанотга Қутба ибн Қатода Узрий, чап қанотга Убода ибн Молик Ансорий қўйилди.

Жанг бошланиши ва қўмондонлар алмашиниши

Шундай қилиб иккала қўшин Муътада тўқнаш келди ва шиддатли жанг бошланиб кетди. Уч минг киши икки юз минг кишилик лашкарга қарши жанг қилаётган эди. Бутун дунёнинг ақли шошиб, ҳайратдан лол қоладиган ажиб бир манзара эди бу! Лекин, иймон руҳи ҳукм суриб турган муҳитда бундай ажойиботлар одатий ҳолга айланади!

Байроқни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюмли кишилари бўлмиш Зайд ибн Ҳориса қўлга олди ва фақат ўзи каби Ислом баҳодирларигина қодир бўладиган мислсиз мардлик ва қаҳрамонлик билан жангга шўнғиб кетди. Тинимсиз жанг қилиб, охири душман найзаларидан ерга қулади.

Сўнг байроқ Жаъфар ибн Аби Толибнинг қўлига ўтди. У ҳам жанг майдонида мислсиз мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Эгар устида жанг қилиш қийинлашиб қолгач, отидан сакраб тушиб, унга қилич тортиб юборди, сўнг яна шиддат билан жангга кириб кетди. Душман қиличи унинг байроқ тутган ўнг қўлини чопиб ташлаган эди, байроқни чап қўли билан тутиб қолди. Чап қўли ҳам кесилиб кетгач, байроқни азудлари (қўлнинг чиғаноқдан елкагача бўлган қисми) билан бағрига босганича тик тутиб турди. То шаҳид бўлгунича шу зайлда туриб берди. Айтишларича, бир Рум аскари уни қиличи билан уриб, икки бўлакка бўлиб ташлаган экан. Аллоҳ таоло жаннатда унга икки қанот ато этган бўлиб, у ўша қанотлари билан истаган жойига учиб юради. Шунинг учун ҳам у Жаъфар ат-тайёр (учувчи Жаъфар) ва Жаъфар зул-жаноҳайн (икки қанотли Жаъфар), деб аталди.

Имом Бухорий Нофеъдан ривоят қилишича, Ибн Умар унга ўша куни Жаъфарнинг жасади устида турганини айтиб: «Мен унда элликта қилич ва найза зарбалари изини санадим, улардан бирортаси ҳам орқа томонида эмасди», деди. ”Саҳиҳул Бухорий”, 2/611.

Бошқа бир ривоятда Ибн Умар айтади: «Мен ҳам ўша ғазотда бор эдим. Жаъфар ибн Аби Толибни қидириб, ўлганлар орасидан топдик. Унинг жасадида тўқсондан ортиқроқ қилич ва найза асарларини топдик. (”Саҳиҳул Бухорий”, 2/611). Амрийнинг Нофеъдан қилган ривоятида: «Буларнинг ҳаммасини унинг жасадининг олди тарафида топдик», деб қўшимча қилинган. Қаранг: ”Фатҳул Борий”, 7/512.

Иккала ҳадиснинг зоҳирига қаралса, жароҳатлар сонида икки хил гап айтилган бўлиб чиқади. Бироқ, иккинчи ҳадисдаги зиёдалик камон ўқларидан қолган изларни ҳам қўшиб айтилган бўлиши керак.

Жаъфар ана шундай баҳодирларча жанг қилиб, шаҳид бўлгач, байроқни Абдуллоҳ ибн Равоҳа қўлига олиб, отга минганича олдинга интилди. Ўзида бироз тараддуд топгандек бўлгач, ўз-ўзини жангга ундаб шундай шеър ўқиди:

Онт ичаман эй нафсим,
Албат жангга кирасан,
Истасанг, истамасанг

Майдон ичра турасан.
Барча ҳайё-ҳуй қилиб,
Жангга отланиб турса,
Сенга нима бўлдики,
Жаннатдан юз бурасан?!

أقسمت يا نفس لتنزلنه   كارهة أو لتطاوعنه

إن أجلب الناس وشدوا الرنه   ما لي أراك تكرهين الجنة

Шундай деб, у майдонга тушди. Шу пайт амакисининг ўғли унга бир бўлак гўшт узатиб: «Мана буни еб олинг, қувват бўлади. Чунки, шу кунларда анча уриниб қолдингиз», деди. Гўштни унинг қўлидан олиб, бир тишлади, сўнг отиб юбориб, қўлига қиличини олиб, жангга кириб кетди ва қаттиқ жанг қилиб, шаҳид бўлди.

Байроқ Аллоҳнинг қиличларидан бир қиличга ўтди

Шунда Бану Ажлон қабиласидан Собит ибн Ақрам исмли бир киши байроқни қўлига олиб: «Эй мусулмонлар! Ичларингиздан бир кишини амирликка танланглар!», деб хитоб қилди. «Сени танлаймиз», дейишган эди, у: «Мен эплай олмайман», деди. Шундан сўнг Холид ибн Валидни амир этиб танладилар. Холид байроқни қўлига олиб, шиддат билан жангга отилди. Имом Бухорий Холид ибн Валиддан ривоят қилади: «Муъта куни менинг қўлимда тўққизта қилич синди, охири қўлимда бир яманий энлик қилич қолди». (“Саҳиҳул Бухорий”, 2/611). Бир ривоятда: «Муъта куни менинг қўлимда тўққизта қилич бўлиниб кетди. Охири яманий қиличим чидаб берди».

”Саҳиҳул Бухорий”, 2/611.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муъта куни, жанг майдонидан хабарлар етиб келмасидан олдин, ваҳий орқали хабар қилиб, дедилар: **«Байроқни Зайд олди, бас нобуд бўлди. Сўнг Жаъфар олди, у ҳам нобуд бўлди. Сўнг Ибн Равоҳа олди, у ҳам нобуд бўлди – сўзларканлар, кўзларидан ёш оқарди – сўнг байроқ Аллоҳнинг қиличларидан бир қилич қўлига ўтди. Шундан сўнг Аллоҳ уларга фатҳ ато этди».** “Саҳиҳул Бухорий”, 2/611.

Жангнинг ниҳояси

Ҳар қанча шижоатли бўлмасин, ҳар қанча матонат ва жасорат билан жанг қилмасин, барибир бу кичик лашкарнинг Рум лашкаридан бўлган чек-чегарасиз уммоннинг қудратли тўлқинлари олдида бардош бериши жуда қийин эди. Ана шундай оғир дамда Холид ибн Валид ўзининг тенгсиз ҳарбий маҳоратини намоён қилиб, мусулмонларни улар тушиб қолган қийин аҳволдан олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди.

Ушбу жангнинг қай йўсинда ниҳоясига етгани борасида ривоятлар турлича келган. Барча ривоятларни синчиклаб ўрганилгач, уларнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, Холид ибн Валид бошчилигидаги

Ислом қўшини ўша куни бутун кун бўйи Рум лашкари қаршисида матонат билан жанг олиб борди. Холид қўмондон сифатида румликлар қалбига қўрқув олиб кирадиган ва мусулмонларни эсон-омон улар чангалидан олиб чиқиб кетадиган бир ҳарбий ҳийла ишлатиш зарурлигини ҳис қилиб турарди. Чунки, очиқдан-очиқ чекиниш билан мусулмонлар румликларнинг таъқибларидан саломат қутулиб кетишлари жуда ҳам мушкул эди.

Шунинг учун урушнинг иккинчи куни у қўшиннинг тартибини ўзгартирди ва олдини орқага, ўнгини чапга қилиб қайтадан жойлаштириб чиқди. Душман қўшиннинг кўриниши кечагидан бошқача эканига кўзи тушгач, мусулмонларга қўшимча мадад етиб келибди, деб ўйлаб, дилларига қўрқув оралади. Томонлар бир-бирига тўқнашиб, бир мунча жанг олиб борилгач, Холид мусулмонларни аста-аста ва тартибли равишда ортга чекинтира бошлади. Румликлар буни мусулмонларнинг макр-ҳийласи сифатида қабул қилиб, уларни ҳийла билан саҳро ичкарисига олиб киришга уриниш, деб баҳоладилар ва мусулмонлар ортидан таъқиб қилмасликка қарор қилдилар.

Шундай қилиб душман мусулмон қўшини ортидан таъқиб қилишни тўхтатди ва ўз юртига қараб йўл олди. Мусулмонлар ҳам эсон-омон Мадинага қайтиб келдилар.

Икки томондан ўлдирилганлар сони

Ўша куни мусулмонлардан жами ўн икки киши шаҳид бўлди. Румликлардан неча киши ўлдирилгани борасида маълумотлар мавжуд эмас. Лекин, жангнинг тафсилотлари улардан анча кўп аскар ўлганига далолат қилади.

Ушбу жангнинг таъсири

Ушбу жангда мусулмонлар гарчи уларни жангга етаклаган мақсадга – қасос олишга эришолмаган бўлсалар-да, унинг мусулмонлар обрў-эътибори ошишига жуда катта таъсири бўлди. Чунки, у бутун араб дунёсини ҳайратга солиб қўйди. Араблар тасаввурида Рум давлати ер юзидаги энг қудратли давлат бўлиб, унга қарши туриш, дегани ўзини ҳалокатга ташлаш ва ажали ортидан қувиш билан баробар эди. Уч минг кишилик бу кичик қўшиннинг икки юз минг аскарга эга бўлган қудратли ва чек-чегарасиз қўшин билан тўқнашиши, кейин жангдан деярли зиён-захматсиз қайтиб келиши даврнинг энг ажабтовур ҳодисаси эди. Бу воқеа мусулмонларнинг араб олами шу пайтгача таниган ва билганидан бутунлай бошқа намунадаги инсонлар эканига, улар Аллоҳ таоло тарафидан қўллаб-қувватланиб ва мададланиб турганликларига, уларнинг йўлбошчилари ҳақиқатан Аллоҳнинг элчиси эканига далолат қилиб турарди. Шунинг учун ҳам шу пайтгача мусулмонларга қарши хуруж қилишда давом этиб келаётган кўпгина араб қабилалари шу жангдан кейин Исломга мойил бўлиб, Бану Сулайм, Ашжаъ, Ғатафон, Зубён, Фазора ва бошқа қабилалар Исломни қабул қилишди.

Муъта жанги румликлар билан қонли тўқнашувларнинг бошланиши бўлиб, Румга қарашли ерларнинг фатҳ қилинишига ҳозиргарлик ва мусулмонларнинг узоқ ўлкаларни эгаллашларига муқаддима сифатида тарихга кирди.

Зотус-салосил жанги

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Шом тепаликларида турувчи араб қабилаларининг Муъта жангида тутган мавқифларини, яъни уларнинг румликларга қўшилиб мусулмонларга қарши урушга киришганини кўрганларидан кейин бундай воқеа яна қайтиб такрорланмаслиги учун у қабилаларни румликлардан ажратиб юборадиган ва мусулмонлар билан муносабатлари илиқлашишишга сабаб бўладиган жуда катта доно сиёсат олиб бориш зарурлигини ҳис қилдилар.

Бу режаларини амалга ошириш учун Амр ибн Осни танладилар. Чунки, унинг ота томонидан бувиси Балий қабиласидан эди. Муъта жангидан кейин, саккизинчи ҳижрий жумодул-охир ойида уни мазкур қабила билан муносабат ўрнатишга юбордилар. Баъзи ривоятларда Қузоъа қабиласидан бир гуруҳ Мадина атрофига босқин уюштириш учун йиғилгани хабари келгач, Амрни ўшалар устига юборганлар, деган фикр ҳам айтилган. Бизнингча, ҳар иккала сабаб бириккан бўлиши ҳам мумкин.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Осга битта оқ ва битта қора байроқ тикиб бердилар ва уни муҳожир ва ансорлардан ташкил топган уч юз кишилик жамоага бош қилиб юбордилар, ичларида ўттизта отлиқ ҳам бор эди. Унга йўл-йўлакай Балий, Узра ва Балқайн қабилаларидан ёрдам олишни буюрдилар. Ушбу қўшин кундузлари яшириниб, тунлари йўл босиб, душман диёрига яқинлашгач, душманнинг сони анча кўплиги ҳақида хабар Амрга етиб келди. Шундан сўнг у Рофиъ ибн Макис Жуҳанийни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қўшимча куч сўраб юборди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайда ибн Жарроҳни икки юз кишилик жамоа билан унга мададга юбордилар. Унга ҳам алоҳида байроқ тикдилар. Ушбу жамоа ичида Абу Бакр ва Умар каби катта саҳобалар ҳам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайдани Амрга бориб қўшилишга ва у билан ихтилоф қилмасликка буюрдилар. Етиб бориб қўшилгач, Абу Убайда намозда имомлика ўтмоқчи бўлганида Амр унга: «Сиз менга ёрдам учун келгансиз, мен бошлиқман», деди. Абу Убайда унга итоат қилди ва Амр имом бўлиб намоз ўқиб турди.

Қўшин Қузоъа диёрига кириб бориб, уни бошидан охиригача забт этиб борди. Охирида бир гуруҳга дуч келиб, унга ҳамла қилди. Гуруҳ дош беролмай, қочиб, ҳар тарафга тирқираб кетди.

Шундан сўнг Амр ибн Ос ўзларининг соғ-саломат эканликлари ва жанг ҳақидаги хабарларни билдириш учун Авф ибн Молик Ашжаъийни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга чопар қилиб юборди.

Зотус-салосил – ёки Зотус-сулосил Водил-қуро ортидаги бир диёр бўлиб, у билан Мадина оралиғи 10 кунлик йўл эди. Ибн Исҳоқ ривоят қилишча, мусулмонлар Жузом диёридаги Салсал номли бир қудуқ ёнида тўхтаган эдилар. Шу боис ушбу жанг Зотус-салосил, деб аталиб қолди. «Ибн Ҳишом», 2/623-626, «Зодул маод», 2/157.

Хазирага юборилган Абу Қатода сарийяси

Ушбу сарийяни 8-ҳижрийнинг шаъбон ойида юбордилар. Сабаби – Бану Ғатафон Нажд ўлкасидаги Муҳориб қавмига қарашли Хазира, деган жойда жамланаётгани хабари етиб келди. Шу боис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қарши Абу Қатодани ўн беш кишилик сарийяга бош қилиб юбордилар. Сарийя у ерга етиб бориб, баъзиларини ўлдириб, асир ва ғаниматлар билан ўн беш кун деганда Мадинага қайтиб келди. “Талқиҳ фуҳуми аҳлил-асар”, 33-с.

МАККАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Ибн Қоййум шундай ёзади: «Макка фатҳи – Аллоҳ у билан Ўз динини, элчисини, Ўзининг лашкари ва омонатли жамоасини азиз қилган, у билан Ўз шаҳрини ва бутун оламга ҳидоят маёғи қилган уйини кофир ва мушриклар қўлидан қутқарган буюк ғалаба эди. У – самовот аҳлини шодлантирган ва осмону фалакка ўз азизлик чодирини ўрнатган ғалаба эди. У сабабли одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирдилар, бутун ер юзи у туфайли зиёга тўлди».

«Зодул маод», 2/160.

Ушбу ғазотнинг сабаби

Маълумки, Ҳудайбия сулҳи бандларидан бирига кўра, истаган қабила Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иттифоқи ва аҳдига, истаган қабила Қурайшнинг иттифоқи ва аҳдига кира олар эди. Ҳар икки томон иттифоқига кирган қавм-қабилалар ўша томон вакили ҳисобланар, ушбу қавм-қабилалар тарафидан қилинган ҳар қандай тажовуз ҳам ўша томоннинг тажовузи, деб эътибор қилинарди.

Мазкур бандга кўра, Хузоъа қабиласи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам иттифоқларига кирган, Бану Бакр қабиласи эса Қурайш иттифоқига кирган ва ҳар икки қабила бир-бири билан сулҳ ҳолатига ўтган эди. Бу икки қабила ўртасида жоҳилият даврида бўлган қадимий адоват Ислом келиб, ушбу сулҳ тузилиши билан барҳам топган ва улар бир-бирларидан омонликда яшаб туришган эди. Бану Бакр ушбу фурсатдан фойдаланиб қолишга ва Хузоъадан эски ўчларини олишга қарор қилдилар. Саккизинчи ҳижрийнинг шаъбон ойида Навфал ибн Муовия Дийлий бошчилигидаги бир гуруҳ Бану Бакрликлар Ватир, деган жойда турган Хузоъа қабиласига тунда босқин уюштириб, бир қанча одамларини ўлдиришди. Ўртада уруш бўлиб, бунда Қурайш ҳам

Бану Бакрга қурол-яроғ билан ёрдам берди, тун қоронғилигидан фойдаланиб, унда айрим қурайшликлар ҳам иштирок этдилар. Хузоъа Ҳарамга қараб чекинди. Бану Бакр улар ортидан қувиб Ҳарамгача келди. Айримлар: «Эй Навфал, Ҳарамга келиб қолдик. Ҳарамда қон тўкишдан илоҳингдан қўрқ, илоҳингдан!», дедилар. Шунда Навфал баралла: «Бугун ҳеч қандай илоҳ деган нарса йўқ, эй Бану Бакр! Ўчларингни олинглар! Қасамки, Ҳарам ичида ўғирлик қиласизлар-у, Ҳарам ичида ўчларингни ололмайсизларми?!», деди.

Хузоъа Маккага киргач, Будайл ибн Варқоъ Хузоъийнинг ҳовлисидан ва уларнинг Рофиъ исмли мавлолари уйидан паноҳ топди.

Амр ибн Солим Хузоъий зудлик билан Мадинага, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига етиб борди. У зотни масжидда, одамлар ичида ўтирган ҳолларида топди ва тик турганича ушбу мазмунда шеър ўқиди:

Қавмимизнинг дўсти, улфати*
Муҳаммадга бош эгиб келдик.
Қон-қардошлик ҳаққи-ҳурмати**
Кўзимиздан ёш тўкиб келдик.

Росулуллоҳ мўминлар ичра
Тўлин ойдек барқ уриб турар.
Шумхабардан тўлқинлар ичра
Безовта денгиздек ўзгарар.

Ёрдамингиз биздан аяманг,
Аллоҳ Ўзи сизга ёр бўлсин.
Мўминларни мададга чорланг,
Душманимиз хору зор бўлсин.

Қурайш аҳдга хиёнат қилиб,
Бузди тузган аҳду паймонин.
Бизни заиф-нотавон билиб,
Ишга солди қилич-камонин.

Бизга ҳужум қилиб Ватирда
Қоронғуда ўлдирди, қирди.
Намоз ўқиб турган ҳолида
Мўминларни қонга ботирди.***

*Абдулмутталиб давридан давом этиб келаётган Хузоъа билан Бану Ҳошим ўртасидаги иттифоққа ишора.

** Абдуманофнинг онаси – яъни Қусойнинг аёли Ҳуббо – хузоъалик эканига ишора.

***Исломни қабул қилганликларига ишора.

يا ربِّ إنّي ناشد محمداً ** حلفنا و حلف أبيه الأتلدا

قد كنتم ولدا و كنّا والدا ** ثُمَّةَ أسلمنا ولم ننزع يداً

فانصر هداك الله نصرا أبدا ** و ادع عباد الله يأتوا مددا

فيهم رسول الله قد تجردا ** أبيض مثل البدر يسمو صعدا

إن سيم خسفاوجهه تبردا ** في فيلق كالبحر يجري مزبدا

إنَّ قريشا أخلفوك الموعدا ** و نقضوا ميثاقك المؤكدا

و جعلوا لي في كداءٍ رصدا ** و زعموا أن لست أدعو أحدا

و هم أذل، و أقل عددا ** هم بيّتونا بالوتير هجَّدا

و قتلونا ركَّعاً و سُجَّدا

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизга мадад берилади, эй Амр ибн Солим»,** дедилар. Сўнг осмонда бир булут кўринди. Уни кўрсатиб: **«Бу булут Бану Каъбга мадад олиб тушмоқда»,** дедилар.

Кейинроқ Будайл ибн Варқоъ Хузоъий ҳам бир гуруҳ хузоъаликлар билан чиқиб, Мадинага, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди ва у ҳам ўзларига етган фалокат ҳақида хабар бериб, Қурайшнинг Бану Бакрга ёрдам кўрсатганини билдирди. Сўнг Маккага қайтиб кетди.

Абу Суфён сулҳни янгилаш учун Мадинага отланади

Шубҳасиз, Қурайш ва иттифоқчиларининг бу қилмиши жуда катта хиёнат ва ўртадаги аҳдни очиқдан-очиқ бузиш бўлиб, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмас эди. Ўзининг бу хиёнати жавобсиз қолмаслигига ақли етган Қурайшнинг пайтавасига қурт тушиб, қандай қилиб бўлмасин, бу қилмишининг ёмон оқибатини олдини олиш ҳаракатига тушиб қолди. Шу мақсадда ўтказилган маслаҳат кенгаши қарори билан Қурайш етакчиси Абу Суфён сулҳни янгилаб келиш учун Мадинага вакил қилиб юборилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аллақачон асҳобларига Қурайшнинг ўз хиёнати ортидан кўражак чора-тадбири тўғрисида хабар бериб: **«Ҳали кўрасизлар, Абу Суфён битимни мустаҳкамлаш ва муддатини узайтириш учун келиб қолса керак»,** деган эдилар.

Абу Суфён Мадина сари борар экан, Усфонга етганида Мадинадан Маккага қайтаётган Будайл ибн Варқоъга йўлиқди. Уни ҳойнаҳой Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларидан қайтаётган бўлса керак, деган гумонда: «Қаердан келаяпсан, эй Будайл?», деб

сўради. «Хузоъа билан мана бу соҳил ва водий атрофларини кезиб келаяпман», деди у. «Муҳаммад ҳузурига бормадингми?», деб сўради. У: «Йўқ», деди.

Будайл Маккага қараб кетгач, Абу Суфён: «Агар у Мадинадан келаётган бўлса, туяси албатта Мадина емидан еган бўлади», деди-да, унинг туяси чўккан жойга бориб, тезагини титиб кўрди. Тезак ичида хурмо данаклари борлигини кўргач: «Қасамки, Будайл Муҳаммад олдига борибди», деди.

Абу Суфён Мадинага келиб, қизи Умму Ҳабиба – уммул муъминийн олдига кирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшакларига ўтирмоқчи бўлганида Умму Ҳабиба тўшакни йиғиштириб қўйди. Ундан: «Эй қизим, мени бу тўшакка раво кўрмадингми ёки тўшакни менга раво кўрмадингми?», деб сўраган эди, у: «Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшаклари, сиз мушрик, нажассиз», деб жавоб берди. Абу Суфён: «Қасамки, мендан кетганингдан сўнг сенга ёмонлик етибди», деди.

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига чиқиб бориб, у зотга муддаосини сўзлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бирон нарса деб жавоб айтмадилар. Кейин у Абу Бакр олдига бориб, ундан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплашиб кўришини илтимос қилди. Абу Бакр унинг илтимосини рад қилди. Кейин у Умар ибн Хаттобга шундай илтимос билан борди. Умар: «Ҳали мен сизлар учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга воситачилик қиламанми?! Аллоҳга қасамки, зиғирдек баҳона топилса, ҳеч иккиланмай сизлар билан жангга кирган бўлардим», деб жавоб берди. Кейин у Али ибн Аби Толиб олдига кирди. Унинг олдида Фотима ва эмаклаб юрган ўғли Ҳасан бор эди. Унга: «Эй Али, сен менга қариндошчилик жиҳатидан энг яқин одамлардансан. Мен ҳожат билан келганман. Қандай келган бўлсам шундайимча ноумид қайтмаслигим керак. Сен менинг номимдан Муҳаммадга воситачилик қилгин», деди. Али: «Қуриб кетгур, ҳой Абу Суфён, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ишга азм қилган бўлсалар, бизнинг унга аралашишга ҳаддимиз сиғмайди», деди. Кейин Абу Суфён Фотимага қараб: «Сен мана бу ўғлингга буюрсанг-да, у одамларга омонлик берса, шунда у тоабад арабларнинг саййидига айланарди», деди. Фотима: «Қасамки, менинг ўғлим ҳали одамларга омонлик берадиган бўлгани йўқ. Қолаверса, ҳеч ким Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши бировга омонлик бермайди!», деб жавоб берди.

Шунда Абу Суфённинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди, паришон ва умидсиз ҳолга тушиб, Али ибн Аби Толибга: «Эй Абул Ҳасан, мен жуда қийин аҳволга тушиб қолдим, менга бирон маслаҳат кўрсатгин», деди. Али: «Қасамки, сенга бирон фойдали маслаҳат беришга ожизман. Фақат, шуни айтишим мумкинки, сен Бану Кинонанинг саййидисан.

Одамлар ўртасида туриб, омонлик сўрагин-да, кейин уйингга жўнаб кет», деди. «Бунинг фойдаси тегади, деб ўйлайсанми?», деди. «Йўқ, ундай деб ўйламайман. Бироқ, сен учун бундан бошқа йўл кўрмаяпман», деб жавоб берди Али. Шундан сўнг Абу Суфён масжидга кириб, одамлар ичида туриб: «Эй одамлар, мен одамлардан омонлик сўрайман», деди. Сўнг туясига миниб жўнаб кетди.

Маккага боргач, Қурайш ундан: «Нима хабар олиб келдинг?», деб сўради. У деди: «Муҳаммаднинг олдига бориб, мақсадимни айтсам у бирон жавоб айтмади. Кейин Ибн Аби Қуҳофанинг олдига бордим, унда ҳам бирон яхшилик топмадим. Кейин Умар ибн Хаттобга бордим, унда чексиз адоват туйдим. Кейин Али ҳузурига бордим. У менга яхши муомала қилди ва бир маслаҳат берди, мен у айтган ишни қилиб келдим. Бироқ, бунинг фойдаси тегиш-тегмаслигини билмайман». «У нима маслаҳат берди?», деб сўрашди. «Одамлардан омонлик сўрагин, деди. Мен унинг айтганини қилдим», деди. «Муҳаммад буни инобатга олдими?», дейишган эди: «Йўқ», деб жавоб берди. Шунда қурайшликлар: «Ҳой бечора, бу одам сенинг устингдан кулибди, холос», дейишди. «Йўқ, қасам ичиб айтаманки, мен шундан бошқа йўл кўрмадим», деди у.

Ғазотга тайёргарлик кўриш ва буни махфий тутишга уриниш

Имом Табароний ривоятига кўра, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам битимнинг бузилгани хабари келишидан уч кун олдин Оишага ўзларининг жанговор кийим ва аслаҳаларини ҳозирлаб қўйишни ва буни ҳеч кимга айтмасликни тайинладилар. Абу Бакр унинг олдига кирганида: «Эй қизим, бу нима тайёргарлик?», деб сўради. Оиша: «Аллоҳга қасамки, билмайман», деб жавоб берди. Абу Бакр ҳайрон бўлиб: «Ҳозир Бану Асфар (яъни, румликлар) билан уруш қилиш фурсати эмас-ку! Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаерга юриш қилмоқчи эканлар?!», деди. «Қасам ичиб айтаманки, хабарим йўқ», деди Оиша. Шу гапдан кейин учинчи куни тонг пайтида Амр ибн Солим Хузоий қирқ отлиқ ҳамроҳлигида етиб келиб, юқоридаги шеърини ўқиган воқеа юз берди. Одамлар битим бузилганини шунда билдилар. Амрдан сўнг Будайл келди, ундан сўнг Абу Суфён етиб келди. Шундан сўнг одамлар воқеадан тўла хабардор бўлдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушга тайёрланишга буюрдилар ва Маккага юриш қилишларини эълон қилдилар, **«Эй Парвардигор! Бизларнинг хабаримизни Қурайшдан беркитгин, токи биз улар устига тўсатдан кириб борайлик»,** деб Аллоҳга дуо қилдилар.

Ушбу юриш йўналишини атрофдагилардан яшириш ва одамлар диққатини бошқа тарафга буриб юбориш, кўрган кўзга мусулмонлар шу томонга юриш қилмоқчи, деган гумон пайдо бўлиши ва шу ҳақда гап тарқалиши мақсадида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 8-ҳижрий рамазон ойининг биринчи кунида Мадинадан уч барид (барид –

12 милга тенг узунлик ўлчови) узоқликдаги, Зу-Хашаб ва Зу-Марва ўрталиғида жойлашган Батн Изом, деган жойга Абу Қатода ибн Рибъий бошчилигида саккиз кишилик сарийя юбордилар. Ушбу сарийя йўлга чиқиб, айтилган томонга етиб борганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккага қараб йўлга чиққанлари хабари етиб бориб, улар ҳам йўлни ўзгартириб, у зотнинг орқаларидан етиб олдилар.

Ушбу сарийя йўлда Омир ибн Азбат, деган кишига дуч келди. У уларга Исломий салом билан салом берди. Бироқ, сарийя аъзоларидан Муҳаллим ибн Жассома уни ўзаро адовати туфайли ўлдириб, туясини ва матоларини қўлга киритди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا ضَرَبۡتُمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَتَبَيَّنُواْ وَلَا تَقُولُواْ لِمَنۡ أَلۡقَىٰٓ إِلَيۡكُمُ ٱلسَّلَٰمَ لَسۡتَ مُؤۡمِنٗا تَبۡتَغُونَ عَرَضَ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا فَعِندَ ٱللَّهِ مَغَانِمُ كَثِيرَةٞۚ ... ﴿٩٤﴾

«Эй мўминлар, қачон Аллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангиз (душманларингизни) **аниқ таниб олинглар ва бу ҳаёти дунёнинг нарсасини истаб сизларга салом берган кишига: «Сен мўмин эмассан!», деманглар! Зеро, Аллоҳнинг ҳузурида беҳисоб ўлжалар бордир...»** ("Нисо" сураси, 94-) оятини нозил қилди. Улар Муҳаллимни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга истиғфор айтсалар, деган умидда у зот ҳузурига олиб келдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз олдиларида кўргач, уч бор: **«Эй Аллоҳим, Муҳаллимни мағфират қилмагайсан»,** дедилар. Шундан сўнг у кўз ёшларини этагига артганича ўрнидан турди. Ибн Исҳоқ ривоят қилишича, унинг қавми кейинроқ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга истиғфор айтдилар, деган экан.

«Зодул маод», 2/150, «Ибн Ҳишом», 2/626-628.

Ҳотиб ибн Аби Балтаъа Қурайшга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кўзлаб йўлга чиққанлари ҳақида хабар ёзиб, мактуб йўллади. Уни бир аёлга бериб, Қурайшга етказиб бориши эвазига маълум хизмат ҳақи ҳам берди. У аёл хатни соч турмаклари орасига яшириб, йўлга чиқди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳотибнинг қилган иши ҳақида осмондан хабар нозил бўлди. У зот Али, Миқдод, Зубайр ибн Аввом ва Абу Марсад Ғанавийни аёлнинг изидан жўнатдилар. Уларга: **«Боринглар, Хох, деган бир боққа етганларингда бир аёлни топасизлар, унда Қурайшга ёзилган мактуб бор»,** дедилар. Улар от чоптириб, айтилган жойга етиб бордилар ва у ерда бир аёлни топдилар. Уни уловдан

тушириб: «Ёнингда мактуб борми?», деб сўрадилар. У: «Менда ҳеч қандай мактуб йўқ», деди. Унинг юкларини текшириб, ҳеч нарса тополмадилар. Шундан сўнг Али унга: «Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёлғон айтмаганлар, биз ҳам алдамаяпмиз. Қасамки, ё ўзинг хатни чиқариб берасан ё биз сени ечинтирамиз», деди. Аёл иш жиддий тус олаётганини кўргач: «Тескари ўгирил», деди, сўнг соч турмагини ечиб, унинг орасидан хатни чиқариб берди. Хатни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келиб топширдилар. Хат «Ҳотиб ибн Аби Балтаъадан Қурайшга» деб бошланган ва ортидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улар устига юриш қилмоқчи эканлари хабари битилган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳотибни чақиртириб: **«Бу нимаси эй Ҳотиб?!»,** дедилар. Ҳотиб: «Ё Росулуллоҳ, менга (куфр ё муртадлик ҳукмини чиқаришга) шошилманг. Қасамки, мен Аллоҳ ва Росулига иймон келтирувчиман, муртад ҳам бўлмадим, динимни ҳам ўзгартирмадим. Лекин, мен Қурайшга келгиндиман, уларнинг аслидан эмасман. Менинг қариндош-уруғим ва аҳли-оилам улар қўли остида. Қурайш ичида уларни ҳимоя қиладиган бирор яқин кишим йўқ. Сизнинг атрофингиздаги бошқа кишиларнинг эса у ерда ҳимоя қиладиган кишилари бор. Шунинг учун мен уларга шу йўл билан яқинларимни ҳимоя қилдиришни истаган эдим», деди. Умар ибн Хаттоб: «Буни менга қўйиб беринг ё Росулуллоҳ, бошини танасидан жудо қилай, чунки у Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилди ва аниқ мунофиқ бўлди», деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ахир у Бадрда иштирок этган. Қаердан биласиз эй Умар, Аллоҳ Бадр аҳлини билганидан кейин: «Истаган ишингизни қилаверинг, мен сизларни кечирдим» деган бўлса?!»,** дедилар. Шунда Умар йиғлаб: «Аллоҳ ва Росули билувчироқ», деди. "Саҳиҳул Бухорий", 1/422, 2/612.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло хабарлар йўлини тўсди ва Қурайшга мусулмонларнинг урушга ҳозирланаётгани хабари етиб бормади.

Ислом лашкари Макка сари йўл олади

Саккизинчи ҳижрий муборак рамазон ойининг ўнинчи куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн минг саҳобадан ташкил топган қўшин билан Мадинадан Маккага қараб йўлга чиқдилар. Мадинага Абу Руҳм Ғифорийни халифа қилиб қолдирдилар.

Жуҳфага етганларида – ёки ундан сал ўтганларида амакилари Аббос ибн Абдулмутталибга дуч келдилар. У аҳли-оиласи билан мусулмон бўлиб, ҳижрат қасдида келаётган эди. Сўнг Абвоъга етганларида амакиваччалари Абу Суфён ибн Ҳорис ва аммаваччалари Абдуллоҳ ибн Аби Умайяга йўлиқдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу иккисидан кўп озор ва масхараларга йўлиққан эдилар. Шу боис улардан юз ўгирдилар. Шунда Умму Салама Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Амакиваччангиз билан аммаваччангиз сизнинг юз ўгиришингиз туфайли бахтсиз бўлиб

қолмасинлар», деди. Сўнг Али Абу Суфён ибн Ҳорисга: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юз томонларига ўтиб, Юсуфнинг акалари Юсуфга айтган қуйидаги сўзларни айтинг:

قَالُوا تَٱللَّهِ لَقَدْ ءَاثَرَكَ ٱللَّهُ عَلَيْنَا وَإِن كُنَّا لَخَٰطِـِٔينَ ﴿٩١﴾

«Улар дедилар: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қилмишдир. Бизлар эса, шак-шубҳасиз, адашувчилардан бўлдик» (“Юсуф” сураси, 91-оят). У зот бошқа бировнинг ўзларидан кўра чиройлироқ сўз айтувчи бўлишини истамайдилар», деб ўргатди. Абу Суфён у ўргатганидек қилди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

قَالَ لَا تَثْرِيبَ عَلَيْكُمُ ٱلْيَوْمَ يَغْفِرُ ٱللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٩٢﴾

«У деди: «Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир» (“Юсуф” сураси, 92-) ояти билан жавоб қилдилар. Шундан сўнг Абу Суфён бир қанча байтлар ўқиди. Улар ичида жумладан, шундай мазмундаги сўзлар бор эди:

«Қасамки, Лот Муҳаммаддан устун келсин, деб жангга кирган пайтимда мен гумроҳ эканман. Мана энди фурсат етиб ҳидоят топдим, ўзим қувиб солган кишим мени Аллоҳга йўллади».

لَعَمْرُكَ إنّي حِينَ أَحْمِلُ رَايَةً   لِتَغْلِبَ خَيْلُ اللّاتِ خَيْلَ مُحَمّدِ

لَكَالْمُدْلِجِ الْحَيْرَانِ أَظْلَمَ لَيْلُهُ   فَهَذَا أَوَانِي حِينَ أُهْدَى فَأَهْتَدِي

هَدَانِي هَادٍ غَيْرُ نَفْسِي وَدَلّنِي   عَلَى اللّهِ مَنْ طَرّدْتُ كُلّ مُطَرّدِ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кўкрагига уриб: **«Сиз мени қувиб солган эдингизда-а?»,** дедилар.

«Ибн Ҳишом», 4/41, 42; имом Байҳақий, “Далоилун-нубувва”, 5/28.

Шундан сўнг Абу Суфённинг Исломий ҳаёти жуда гўзал кечди. Айтишларича, у Исломни қабул қилган кунидан бошлаб уялганидан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига тик боқмаган экан. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уни яхши кўрардилар, унга жаннат башоратини берганлар ва: **«У Ҳамзанинг ўринбосари бўлади, деб умид қиламан»,** деганлар. Вафоти яқинлашганда: «Менга йиғи-сиғи қилманглар, Аллоҳга қасамки, мен Исломни қабул қилганимдан бери тилимдан ёмон сўз чиқмади», деган экан. «Зодул маод», 2/162, 163.

Ислом лашкари Марруз-Заҳронга тушади

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, одамлар ҳам рўзадор ҳолда борар эдилар. Усфон билан Қудайд ўрталиғидаги

Кудайд, деган жойга етганларида оғизларини очдилар, одамлар ҳам оғизларини очдилар. Сўнг юришни давом эттириб, хуфтон маҳали Марруз-Заҳронга – Фотима водийсига бориб тўхтадилар. Лашкарга гулхан ёқишни буюрдилар, ўн мингта гулхан ёқилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуни лашкар қўриқчиларига бош этиб тайинладилар.

Абу Суфён Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида

Мусулмонлар Марруз-Заҳронга тушганларидан сўнг Аббос Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оқ хачирларини миниб олиб, бирон киши учраб қолса-ю, Қурайшга хабар етказса, шунда улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар устига кириб боришларидан олдин ўзлари у зотдан омонлик сўраб истиқболларига чиқишса, деган илинжда айланиб юрди.

Аллоҳ Қурайшдан хабарларни тўсиб қўйган, улар қўрқув ва ҳадик ичида, энди нима бўларкин, деб кутиб юришган эди. Шу кеча Абу Суфён атрофдан хабар олиш учун шаҳар ташқарисига чиққан, Ҳаким ибн Хузом ва Будайл ибн Варқоъ ҳам унга ҳамроҳ бўлган эдилар.

Аббос айтади: “Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хачирларини миниб, айланиб юрган эдим, бирдан қулоғимга Абу Суфён ва Будайл ибн Варқоънинг овозлари чалинди. Абу Суфён: «Ҳеч қачон бу тунгидек кўп гулхан кўрмаган эдим», деган эди, Будайл: «Қасамки, бу Хузоъа қабиласи бўлиши керак, уруш уларни ўт ёқишга мажбур қилган бўлса керак», деди. Абу Суфён: «Йўқ, Хузоъанинг сони анча оз, улар бунча кўп гулхан ёқишмайди», деди.

Мен Абу Суфённинг овозини таниб: «Абу Ҳанзаламисан?», дедим. У ҳам менинг овозимни таниб: «Абул Фазл, сенмисан?», деди. Мен: «Ҳа», дедим. «Ўзи нима гап, ота-онам сенга фидо бўлсин?», деб сўради. Мен: «Булар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг одамлари, тонг отгач Қурайшнинг ҳолига вой бўлади», дедим.

«Бирон чораси йўқмикин, ота-онам сенга фидо бўлсин?», деди у. «Қасам ичиб айтаманки, агар сени қўлга туширсалар, албатта бошингни олдирадилар. Яхшиси, сен мана бу хачирга мингашгин-да, мен сени Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига олиб бориб, сенга омонлик олиб берай», дедим. Шундан сўнг у менинг орқамга мингашди, иккала шериги эса орқага қайтиб кетишди.

Мен у билан келарканман, қай бир гулхан ёнидан ўтсам, у ерда ўтирганлар: «Ким бу?», дейишар, мени Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хачирлари устида кўришгач: «Ҳа, бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари, у зотнинг хачирларини миниб олибди», дейишарди. Умар ибн Хаттобнинг гулхани ёнидан ўтаётганимда у ҳам: «Ким бу?», деб сўради ва ўрнидан турди. Абу Суфёнга кўзи тушгач: «Бу Аллоҳнинг душмани Абу Суфён-ку?! Ҳеч

қандай сулҳсиз ва битимсиз ҳолатда сени менга келтириб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин!», деди. Сўнг тезлик билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонга қараб юриб кетди. Мен хачирни тезлатиб, ундан ўзиб кетдим ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига кириб бордим. Орқамдан Умар кириб келиб: «Ё Росулуллоҳ, Абу Суфён ўз оёғи билан келибди, уни менга қўйиб беринг, бошини танидан жудо қилай», деди. Мен: «Ё Росулуллоҳ, мен уни ҳимоямга олдим», дедим. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига ўтириб, у зотнинг бошларидан тутиб: «Қасамки, бу кеча мендан бошқа ҳеч ким у зотга мурожаат қилмайди», дедим. Умар бу ҳақда қайта-қайта гапиравергач: «Бас қил, эй Умар! Аллоҳга қасамки, агар бунинг ўрнида Бану Адий ибн Каъб одамларидан бирови бўлганида бу гапингни айтмаган бўлардинг», дедим. Шунда Умар: «Шошма, эй Аббос! Аллоҳга қасамки, сенинг мусулмон бўлишинг мен учун отам Хаттобнинг – агар у Исломни қабул қилса – мусулмон бўлишидан ҳам суюмлироқдир. Сабаби, мен биламанки, сенинг мусулмон бўлишингдан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хаттобнинг мусулмон бўлишидан кўра кўпроқ севинадилар», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Аббос, уни ўзингиз билан олиб кетинг. Эрталаб менинг олдимга олиб келасиз»,** дедилар. Эрталаб мен уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига олиб келдим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кўзлари тушгач: **«Шўринг қурисин, эй Абу Суфён, сенга бир Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқлигини билиш фурсати келмадими?!»,** дедилар. У: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сиз нақадар ҳалим, нақадар бағрикенг ва нақадар силаи раҳм қилувчи зотсиз! Дарҳақиқат, ўзим ҳам ўйладим, агар Аллоҳдан ўзга бошқа бирон илоҳ бўлганида, аллақачон менга бирон фойдаси теккан бўларди», деди.

«Шўринг қурисин эй Абу Суфён, сенга менинг Аллоҳнинг Росули эканимни билиш вақти келмадими?!», дедилар. У: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сиз нақадар ҳалим, нақадар бағрикенг ва нақадар силаи раҳм қилувчи зотсиз! Аммо бу хусусда ҳануз кўнгилда иккиланиш бор», деди. Шунда Аббос: «Ҳой шўринг қуригур! Бошингдан ажраб қолмасингдан туриб Исломни қабул қилиб, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Росулуллоҳ», деб гувоҳлик бера қолсангчи!», деди. Шундан сўнг Абу Суфён шаҳодат калималарини айтиб, Исломни қабул қилди.

Аббос: «Ё Росулуллоҳ, Абу Суфён фахрни яхши кўрадиган одам, унга бирон илтифот кўрсатиб қўйсангиз бўларди», деган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хўп, ким Абу Суфённинг ҳовлисига кириб олса, у омонликда! Ким уйига кириб, эшигини**

беркитиб олса, у омонликда! Ким Масжиди Ҳаромга кириб олса, у омонликда!», деб эълон қилдилар.

Ислом лашкари Марруз-Заҳронни тарк этиб, Маккага йўл олади

Шу куни – 8-ҳижрий рамазон ойининг ўн еттинчиси, сешанба куни тонг пайтида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Марруз-Заҳронни тарк этиб, Маккага йўл олдилар. Абу Суфён Аллоҳнинг лашкарларини бир кўриб қўйсин, деган мақсадда Аббосга уни даранинг тор бир жойида тўхтатиб туришни тайинладилар. Аббос уни айтилган жойда тўхтатиб турди. Қабилалар ўз байроқларини кўтариб унинг олдидан ўта бошладилар. Ҳар бир қабила ўтаётганида Абу Суфён: «Ким булар, эй Аббос?», деб сўрар, Аббос уларнинг номини айтиб, масалан: «Бу Сулайм», деса: «Сулаймнинг менга нима дахли бор», деб қўяр, кейинги қабила ўтаётганида яна: «Эй Аббос, булар кимлар?», деб сўрар, «Бу Музайна», деса: «Музайнанинг менга нима дахли бор», дер эди. Шу тариқа ҳар бир ўтиб бораётган қабила ҳақида сўраб туриб, бу қабиланинг унга дахли йўқлигини айтар эди. Охирида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорлардан иборат катта бир гуруҳ билан ўтдилар, уларнинг темир дубулғалари ичидан фақат кўзлари кўриниб турарди. Абу Суфён: «Субҳаналлоҳ, эй Аббос, булар кимлар?», деб сўради. «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорлар ҳамроҳлигида ўтиб бормоқдалар», деди Аббос. «Буларга ҳеч қандай куч-қувват бас кела олмайди», деди Абу Суфён, сўнг: «Эй Абул Фазл, қасамки, бугун жиянингнинг мулки жуда улканлашиб кетибди», деди. Аббос: «Эй Абу Суфён, бу мулк эмас, нубувват!», деган эди, «Ҳа, шундай», деди.

Саъд ибн Убода ансорларнинг байроқдори эди. У Абу Суфённинг олдидан ўтаётиб: «Бугун қирғинбарот кунидир, бугун ҳурматлар ҳалол қилинадиган (яъни, Ҳарамда ҳам жанг қилиш мумкин бўладиган) кундир, бугун Аллоҳ Қурайшни хор қилди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Суфённинг ёнидан ўтаётганларида у: «Ё Росулуллоҳ, Саъд айтган гап тўғрими?», деб сўради. **«У нима деди?»,** дегандилар: «Шундай-шундай, деб айтди», деди. Усмон билан Абдурраҳмон ибн Авф: «Ё Росулуллоҳ, Саъд Қурайшни қирғин қилишдан ҳам тоймайди, деб қўрқамиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ, аксинча, бугун Каъба улуғланадиган кун, бугун Аллоҳ Қурайшни азиз қилган кун»,** дедилар, сўнг Саъдни чақиртириб, ундан байроқни олиб қўйдилар ва унинг ўғли Қайсга бердилар. Бу билан байроқ Саъддан бутунлай олиб қўйилмаганини англатдилар. Баъзи ривоятларда уни Зубайрга олиб бердилар ҳам дейилган.

Қурайш учун кутилмаган ҳол

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Суфённинг ёнидан ўтиб кетганидан сўнг Аббос унга: «Қавмингни қутқариб қолишга шошил!», деди. Шундан сўнг Абу Суфён елдек учиб Маккага кириб

борди ва бор овози билан: «Эй Қурайш жамоаси! Муҳаммад сизлар унга асло бас келолмайдиган катта қўшин билан келмоқда! Ким Абу Суфённинг ҳовлисига кириб олса, у омонликда!», деб қичқирди. Шунда хотини Ҳинд унинг мўйловига чанг солиб: «Ўлдиринглар (қавмига «хушхабар» етказаман, деб югуравериб) оёқлари шилиниб кетган бу бақалоқ ёғ идиш (бочка)ни! Душманнинг элчиликка топган одамини қаранг-а!», деб ўкирди. Абу Суфён унга парво қилмай: «Ҳой шўринг қурғурлар! Бунинг гапига алданиб қолманглар! Муҳаммад ҳақиқатдан ҳам сизлар бас келолмайдиган қўшин билан келган! Ким Абу Суфённинг ҳовлисига кириб олса, у омонликда!», деб қичқирди. Одамлар: «Аллоҳ сени ҳалок қилсин! Ҳовлинг бизга нима қилиб берарди?!», дейишди. У яна: «Ким уйига кириб, эшигини беркитиб олса, у омонликда! Ким Масжидга кириб олса, у омонликда!», деб қичқирди. Шундан сўнг одамлар уйларига ва масжидга қараб тарқалиб кетишди, қаланғи-қасанғи ва жанжалкаш кимсаларни ишга солиб қўйиб: «Буларни қўшин қаршисига чиқарамиз, иш Қурайш фойдасига оғса, биз ҳам буларга қўшиламиз, аксинча бўлса, ўзимиздан сўралган нарсани беришга мажбур бўламиз», дейишди. Қурайшнинг енгилтак ва нодон кишилари эса Икрима ибн Аби Жаҳл, Сафвон ибн Умайя ва Суҳайл ибн Амрга қўшилишиб, мусулмонларга қарши жанг қилиш учун Хандамада тўпланишди. Улар ичида Бану Бакр қабиласидан Ҳимос ибн Қайс, деган одам ҳам бўлиб, у аввалроқ қуролларини тайёрлаётганида хотини ундан: «Бу нима тайёргарлик?», деб сўраган, у: «Муҳаммад ва унинг асҳобларига қарши жангга», деганди. Хотини: «Муҳаммаднинг қўшинига ҳеч ким бас келолмайди», деганида у: «Умид қиламанки, улардан баъзиларини сенга хизматкор қилиб бераман», деганди ва қуйидаги шеърни ўқиганди:

Ғаним бостириб келса
Мен тайёрман урушга.
Ўткир қилич-у найзам
Тахт душманни қиришга.

Шу одам ҳам Хандамада йиғилганлар орасида эди.

Ислом лашкари Зу-Тувода

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлларида давом этиб, Зу-Тувога етиб келдилар. Аллоҳ таолога У ато этган буюк фатҳ шукронасини бажо келтириб, тавозе билан бошларини эгиб олган, соқоллари эгарнинг қошига тегиб борар эди. Шу ерда лашкарни тақсимладилар. Холид ибн Валидни ўнг қанотга бош қилиб, Макканинг қуйи тарафидан киришга амр қилдилар. Аслам, Сулайм, Ғифор, Музайна, Жуҳайна каби араб қабилалари Холиднинг гуруҳига кирганди. Унга: «Агар Қурайш қаршилик кўрсатса, қиличдан ўтказинглар, сизлар билан Сафода учрашамиз», дедилар.

Зубайр ибн Аввомни чап қанотга бош қилиб тайинладилар, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг байроқдори бўлди. Унга

Макканинг юқори тарафидан – Кадоъдан кириб боришни ва Ҳажунга байроқ тикиб, у зотни ўша ерда кутиб туришни тайинладилар.

Абу Убайдани пиёдаларга ва қуролсиз кишиларга бош қилдилар, унга Батни Водийни эгаллашини, Маккага Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида кириб боришини буюрдилар.

Ислом лашкари Маккага кириб келади

Қўшиннинг қисмлари ўзларига белгилаб берилган йўналишлар бўйича ҳаракатланиб, Маккага кириб бордилар.

Холиднинг гуруҳи йўлда учраган мушрикларни тинчитиб бораверди. Унинг гуруҳидаги мусулмонлардан Курз ибн Жобир Фиҳрий билан Хунайс ибн Холид ибн Рабиъа ҳалок бўлди. Бу иккаласи лашкардан ажралиб, бошқа йўлга тушиб қолишганди. Холид ибн Валид Хандамада Қурайшнинг нодон жангарилари билан тўқнашиб, ўртада бир оз жанг кечди. Мушриклар ўн икки жангчисидан айрилиб, орқага чекинишди. Мусулмонларга қарши жангга қуролларини тайёрлаган ҳалиги Ҳимос ибн Қайс исмли кимса ҳам чекиниб, зўрға уйига етиб олди ва хотинига эшикни танбалаб олишни буюрди. Хотини: «Ҳалиги айтган баландпарвоз гапларингиз қаерда қолди?!», деб сўраган эди, қуйидаги мазмундаги шеър билан жавоб берди:

Бугун ўзинг Хандамада бўлганингда,
Не ҳодиса бўлганини кўрганингда,
Кўрганингда Икрималар қочишини,
Сафвонларнинг теру қонга ботишини,
Эшитсайдинг қиличларнинг жарангини,
Мусулмонлар тортган наъра оҳангини,
Қилмас эдинг мени бундоқ кин-маломат,
Севинардинг қайтганимга соғ-саломат.

Холид Макка ичида кезиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Сафода учрашди.

Зубайр эса илгарироқ бориб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг байроқларини Ҳажунга – Фатҳ масжиди ўрнига тикди, у ерда бир чодир ўрнатиб, то Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларига қадар шу ерда турди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжиди Ҳаромга кириб, уни бутлардан тозалайдилар

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорлар куршовида Масжиди Ҳаромга кириб келдилар. Ҳажари асвад ёнига келиб, уни ўпдилар, Байтуллоҳни тавоф қилдилар. Байтуллоҳ атрофида 360 бут-санам бор эди. Қўлларидаги камон билан уларни туртиб:

...جَآءَ ٱلۡحَقُّ وَزَهَقَ ٱلۡبَٰطِلُۚ إِنَّ ٱلۡبَٰطِلَ كَانَ زَهُوقٗا ﴿٨١﴾

...«**Ҳақиқат** (яъни, Ислом) **келди ва ботил** (яъни, куфр) **ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолувчи нарсадир»** (“Исро” сураси, 81-оят),

... جَآءَ ٱلْحَقُّ وَمَا يُبْدِئُ ٱلْبَـٰطِلُ وَمَا يُعِيدُ ﴿٤٩﴾

...«**Ҳақ – Қуръон келди** (ва ботил-динсизлик йўқ бўлди. Энди) **ботил** (янги динсизликни) **бошлай ҳам олмас**, (эски динсизликни) **қайтара ҳам олмас»** (“Сабаъ” сураси, 49-оят) дердилар, бутлар юзтубан қуларди.

Тавофни туялари устида ўтирган ҳолда қилдилар, у куни эҳром киймаган эдилар, тавоф билан кифояландилар. Тавофдан сўнг Усмон ибн Талҳани чақириб, ундан Каъбанинг калитини олдилар ва Каъба эшигини очтириб, унинг ичига кирдилар. Каъба ичида суратлар бор эди. Иброҳим ва Исмоил алайҳис-саломларнинг фол чўплар билан фол кўраётганлари тасвирланган суратни кўриб: «Аллоҳ мушрикларни ҳалок қилсин, қасамки, икковлари ҳам асло фол кўрмаганлар», дедилар. Каъба ичида ёғочдан ясалган кабутар тимсолини кўриб, уни ўз қўллари билан синдириб ташладилар, суратларни ўчиртириб ташладилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Каъба ичида намоз ўқишлари, сўнг Қурайш олдида хутба қилишлари

Сўнгра Каъба эшигини ичкаридан беркитдилар, Усома ва Билол ҳам бирга эдилар, эшик қаршисидаги деворга юзланиб, девордан уч газ берида турдилар, иккита устунни чап томонларига, битта устунни ўнг томонларига, учта устунни орқа томонларига қилган ҳолларида икки ракаат намоз ўқидилар – у пайтда Байтуллоҳнинг олтита устуни бор эди. Сўнг Байтуллоҳ ичида айланиб юриб, унинг ҳамма томонида такбир ва тавҳид калималарини айтдилар, сўнг эшикни очдилар. Қурайш у зот нима қилишларини кутиб, масжидни тўлдириб саф-саф бўлиб туришарди. Эшик остонаси устида туриб, қўлларини эшикнинг икки кесакисига қўйиб, шундай хутба қилдилар:

«Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ, У ёлғиздир, Унинг шериги йўқдир, У ваъдасига вафо қилди, бандасига нусрат берди, гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб этди. Билиб қўйинглар, барча ўч олиш, мол ёки қон менинг ушбу икки оёғим остидадир. Фақат Байтуллоҳнинг мутасаддилиги ва ҳожиларни суғориш бундан мутаснодир. Билиб қўйинглар, қасдсиз – қамчи ва асо билан одам ўлдириш худди қасддан ўлдирган кабидир, унинг дияси (хун пули) **оғир: юз туя, ундан қирқтаси бўғоз бўлиши керакдир. Эй Қурайш жамоаси! Аллоҳ сизлардан жоҳилият такаббурлигини ва ота-боболар билан фахрланишни кетказди. Барча инсонлар Одамдан, Одам эса тупроқдандир».** Сўнг қуйидаги оятни ўқидилар:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقۡنَٰكُم مِّن ذَكَرٖ وَأُنثَىٰ وَجَعَلۡنَٰكُمۡ شُعُوبٗا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓاْۚ
إِنَّ أَكۡرَمَكُمۡ عِندَ ٱللَّهِ أَتۡقَىٰكُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٞ ١٣

«Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингиз** (дўст-биродар бўлишинглар) **учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билувчи ва огоҳдир»** ("Ҳужурот" сураси, 13-оят). **Бу кун сизлар айбланмайсиз.**

Сўнгра: **«Эй Қурайш жамоаси! Мени сизларга қандай муомала қилади, деб ўйлайсизлар?»,** деб сўрадилар. Улар: «Яхшилик! Улуғ биродар ва улуғ биродарнинг ўғли!», деб жавоб беришди. Шунда:

«Мен сизларга Юсуф ўз оғаларига айтганидек: «Бу кун сизлар айбланмайсиз», деб айтаман. Бораверинглар, сизлар озодсизлар», дедилар.

Каъбанинг калити ўз эгаларига қайтарилади

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда ўтирдилар. Али розияллоҳу анҳу қўлида Каъбанинг калитини тутганича: «Ё Росулуллоҳ, Аллоҳ сизга саловоту саломлар йўлласин, бизга ҳижобат (яъни Каъбага тегишли ишларга мутасаддилик) билан сиқояни (яъни, ҳожиларни замзам билан суғоришни) жамлаб берсангиз», деди. Бир ривоятда: Бу сўзни айтган киши Аббос эди, дейилади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Усмон ибн Талҳа қани?»,** дедилар. Уни чақириб келинди. Унга: **«Калитингизни олинг, эй Усмон! Бугун яхшилик ва вафо кунидир»,** дедилар. Ибн Саъд «Табақот»да ривоят қилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга калитни бераётиб: **«Олинглар, у тоабад сизларда бўлади. Уни сизлардан фақат золимгина тортиб олиши мумкин. Эй Усмон, Аллоҳ сизларни Ўз Уйига омонатдор қилди. Энди шу Уй ортидан сизларга келадиган нарсалардан яхшилик билан еяверинглар!»,** дедилар.

Билол Каъба устида азон айтади

Намоз вақти бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билолга Каъба устига чиқиб азон айтишни буюрдилар. Абу Суфён ибн Ҳарб, Аттоб ибн Усайд ва Ҳорис ибн Ҳишом Каъба тагида ўтирган эдилар. Аттоб: «Аллоҳ Усайдни (яъни, отамни) мукаррам қилган экан, бу гапларни эшитмай ўтиб кетди, эшитганда жизғанаги чиқиб қоларди», деди. Ҳорис: «Аммо, мен Аллоҳга қасамки, агар унинг ҳақлигини билсам, албатта эргашардим», деди. Абу Суфён: «Қасамки, мен ҳеч нарса демайман. Агар гапирсам, мана бу майда тошлар ҳам

гапимни етказишади», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига чиқиб келиб: **«Сизлар нима деганларингизни биламан»,** дедилар ва уларга ўзлари айтган гапларни айтиб бердилар.

Шунда Ҳорис ва Аттоб: «Гувоҳлик берамизки, сиз ҳақиқатан Аллоҳнинг пайғамбари эканисиз. Аллоҳга қасамки, бу гапларимизни ўзимиздан бошқа бирон киши эшитмаган эдики, сизга бориб етказибди, деб ўйласак», дейишди.

Фатҳ намози ёки шукр намози

Ўша куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳониъ бинт Аби Толибнинг ҳовлисига кириб, ғусл қилдилар ва унинг уйида саккиз ракаат намоз ўқидилар. Чошгоҳ вақти бўлгани учун баъзилар буни чошгоҳ намози, деб гумон қилишади. Аслида, бу фатҳ намози эди. Умму Ҳониъ ўзининг иккита қайноғасини ўз ҳимоясига олганини айтганида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сиз ҳимоянгизга олган кишини биз ҳам ҳимоямизга олдик, эй Умму Ҳониъ!»,** дедилар. Чунки, Умму Ҳониънинг иниси Али ибн Аби Толиб у иккисини ўлдирмоқчи бўлганда Умму Ҳониъ уларни уйга киритиб, устидан қулфлаб қўйганди. Шундан сўнг у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳақда айтганида у зот ҳалиги жавобни бердилар.

Бир неча ашаддий жиноятчини қатл қилишга буюришлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куни тўққиз нафар энг катта жиноятчи кимсаларнинг қонларини ҳалол қилдилар, уларни агарчи Каъбанинг пардаси остида бўлсалар ҳам тутиб ўлдиришга буюрдилар. Улар Абдулуззо ибн Хатол, Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Аби Сарҳ, Икрима ибн Аби Жаҳл, Ҳорис ибн Нуфайл ибн Ваҳб, Мақис ибн Субоба, Ҳаббор ибн Асвад, Ибн Хатолга тегишли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўп ҳажв қилиб қўшиқ айтиб юрган иккита қўшиқчи қиз, Бану Абдилмутталиб қавмига қарашли Сора исмли бир чўри аёл. Ҳотибнинг хати шу аёлдан топилганди.

Булардан Ибн Аби Сарҳни Усмон розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига олиб келиб, омонлик тилаб, жонини сақлаб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бирон киши туриб, уни ўлдиришини истаб, бир муддат унга омонлик бермай турдилар, кейин Исломини қабул қилдилар. Чунки, у аввал Исломни қабул қилиб, ҳижрат ҳам қилган, кейин муртад бўлиб, Маккага қайтиб кетган эди.

Икрима ибн Аби Жаҳл Яманга қочиб кетди. Аёли унга омонлик тилаб келган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам омонлик бердилар. Шундан сўнг аёли бориб, уни қайтариб келди. У Исломни қабул қилди ва Исломи гўзал бўлди.

Ибн Хатол Каъбанинг пардасига осилиб олган эди. Бир киши келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга буни айтганида: «Ўлдир!», дедилар. У бориб, уни ўлдирди.

Мақис ибн Субобани эса Нумайла ибн Абдуллоҳ ўлдирди. Мақис аввал мусулмон бўлган, кейин бир ансорийга тажовуз қилиб, уни ўлдирган ва муртад бўлиб, мушрикларга келиб қўшилган эди.

Ҳорис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккадаликларида кўп озор берганди, уни Али қатл қилди.

Ҳаббор ибн Асвад Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнаб ҳижратга чиқиб кетаётганида уни уриб йиқитган, Зайнаб тошга йиқилиб, ҳомиласидан айрилган эди. Ҳаббор Макка фатҳи куни қочиб кетди, кейин Исломни қабул қилиб, Исломи гўзал бўлди.

Қўшиқчи қизлардан бири қатл қилинди, яна бирига омонлик тиланиб, жони сақланиб қолди ва мусулмон бўлди. Сора ҳам омонлик олиб, мусулмон бўлди.

Ибн Ҳажар ёзади: Абу Маъшарнинг зикр қилишича, қони ҳалол қилинганлар орасида Ҳорис ибн Талотил Хузоъий ҳам бор эди, уни Али қатл қилди. Ҳокимнинг зикр қилишича, қони ҳалол қилинганлар ичида Каъб ибн Зуҳайр ҳам бор эди. Унинг қиссаси машҳур. Кейинроқ у келиб, мусулмон бўлди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ этди. Улар ичида Ваҳший ибн Ҳарб ҳам бор эди. Абу Суфённнг хотини Ҳинд бинт Утба ҳам бор эди, у мусулмон бўлди. Ибн Хатолнинг чўриси Арнаб ҳам қатл қилинди, Умму Саъд қатл қилинди. Ибн Исҳоқ ушбу номларни келтириб, саноқни саккизта эркак ва олтита аёлга етказган. Эҳтимолки, Арнаб билан Умму Саъд ҳалиги иккита қўшиқчи қиз бўлсалар, уларнинг исмлари куня ва лақаблари эътибори билан бошқача қилиб айтилган бўлиши мумкин. “Фатҳул Борий”, 8/11, 12.

Сафвон ибн Умайя ва Фазола ибн Умайрнинг Исломни қабул қилишлари

Сафвоннинг номи қатл қилишга буюрилган кишилар ичида йўқ эди. Бироқ, у Қурайшнинг энг катта раҳбарларидан бўлгани учун ўз жонига хавф қилиб, қочиб кетган эди. Умайр ибн Ваҳб Жумаҳий Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан унга омонлик сўраган эди, у зот омонлик бердилар, бунинг тасдиғи сифатида Маккага кийиб келган саллаларини ҳам бериб юбордилар. Умайр Сафвоннинг ортидан бориб, уни Жиддада Яманга борувчи кемага минмоқчи бўлиб турган жойидан қайтариб олиб келди. Сафвон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки ой ўз ихтиёрига қўйишларини сўради, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга тўрт ой ихтиёр бердилар. Сўнг Сафвон Исломни қабул қилди. Аёли ундан олдин мусулмон бўлганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни аввалги никоҳларида қолдирдилар.

Фазола журъатли киши эди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавоф қилаётганларида у кишини ўлдириш мақсадида ёнларига яқинлашди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кўнглидаги ниятини айтиб бердилар, шунда у мусулмон бўлди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳнинг иккинчи кунида қилган хутбалари

Фатҳнинг эртаси куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтиб, Уни Ўзига лойиқ бўлганидек улуғладилар, сўнг шундай дедилар: **«Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ Маккани осмонлару ерни яратган кунида Ҳаром** (ҳурматли) **қилган, у Аллоҳнинг ҳаром қилиши билан то Қиёматгача ҳаромдир. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳеч бир киши учун унда қон тўкиш, унинг ўт-ўланларини юлиб-синдириш ҳалол бўлмайди. Агар бирон кимса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унда жанг қилганини баҳона қил**(иб қон тўкмоқчи бўл)**са, айтингларки, Аллоҳ Ўз Росулига изн берди, сизларга изн бермади. Менга ҳам фақат куннинг маълум соатидагина изн берди. Бугун унинг ҳурмати кеча қандай бўлса ўшандай ҳолига қайтди. Ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказиб қўйсин».**

Бир ривоятда: **«Унинг тикани буталмайди, ови ҳуркитилмайди, унда тушириб қолдирилган нарсалар олинмайди – танитиш учун олган киши бундан мустасно, – ўти юлинмайди»,** дедилар. Шунда Аббос: «Ё Росулуллоҳ, фақат изхирга (хушбўй ўсимлик) рухсат беринг, чунки уни уйларига ва темирчиликка ишлатишади», деган эди, **«Фақат изхирга рухсат»,** дедилар.

Ўша куни Хузоъа ўзларининг жоҳилият пайтида ўлдирилган битта одами учун Бану Лайсдан бир кишини ўлдиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу хусусда сўзлаб: **«Эй Хузоъа жамоаси, одам ўлдиришдан қўлингизни тийинглар! Гарчи фойдаси бўлса ҳам, қатл кўпайиб кетди. Сизлар бир одамни ўлдирибсиз, мен албатта унинг хун пулини тўлайман. Шу вақтдан эътиборан ким бировни ўлдирса, унинг аҳли икки ишдан бирига ихтиёрлидир: истасалар қотилнинг қонини тўкадилар, истасалар хун пулини оладилар»,** дедилар.

Бир ривоятда: Яман аҳлидан бўлган Абу Шоҳ исмли бир киши туриб: «Ё Росулуллоҳ, (ушбу хутбани) менга ёзиб беринг» деган эди, у зот: **«Абу Шоҳга ёзиб беринглар»,** дедилар.

Юқоридаги ривоятлар ушбу манбалардан олинди: “Саҳиҳул Бухорий”, 1/22, 216, 247, 328, 329, 2/615, 617; “Саҳиҳ Муслим”, 1/437-439; «Ибн Ҳишом», 2/415, 416; Абу Довуд, 1/276.

Ансорлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада қолиб кетадилар, деб хавотирга тушишлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг киндик қонлари тўкилган ерлари ва ватанлари бўлмиш Макка фатҳ этилгач, ансорлар ўзаро: «Нима дейсизлар, Аллоҳ таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз ерлари ва шаҳарларини фатҳ қилиб бергач, энди шу ерда қолиб кетмасмикинлар?», дедилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу пайтда Сафо тоғида қўл кўтариб дуо қилиб турган эдилар. Дуоларидан фориғ бўлгач: **«Нима дедингизлар?»,** деб сўрадилар. Улар: «Йўқ, ҳеч нарса, ё Росулуллоҳ», дейишди. Қайта-қайта сўраганларидан кейин нима деганларини айтиб беришди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ, Аллоҳ сақласин, энди ҳаётим ҳам, мамотим ҳам сизлар билан»,** дедилар.

Байъат олишлари

Аллоҳ таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга Маккани фатҳ қилиб бергач, Макка аҳлига ҳақиқат зоҳир бўлди ва Исломдан ўзга нажот йўли йўқлигини билишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўйсунишиб, байъат беришга йиғилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тоғида ўтириб, одамлардан байъат олдилар, Умар ибн Хаттоб сал пастроқда туриб, одамларнинг байъатини қабул қилиб турарди. Улар у зотга қўлдан келганича қулоқ солиш ва итоат қилишга байъат бердилар.

«Мадорик»да айтилишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эркаклардан байъат олиб бўлгач, аёллардан байъат ола бошладилар. У зот Сафода, Умар сал пастроқда ўтириб, у зотнинг амрлари билан аёллардан байъат қабул қилар ва уларга у зотнинг сўзларини етказиб турарди. Абу Суфённинг аёли Ҳинд бинт Утба ҳам байъат беришга келди, у Ҳамзага қилган қилмиши туфайли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни таниб қолишларидан қўрқиб, қиёфасини ўзгартириб олганди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга: **«Мен сизлар билан Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмасликларингга байъатлашаман»,** дедилар. Умар аёллардан Аллоҳга ширк келтирмасликка байъат қабул қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«ва ўғирлик қилмасликларига»,** дегандилар, Ҳинд: «Абу Суфён хасис одам, мен унинг молидан олсам, ёмон бўладими?», деб сўради. Шунда Абу Суфён: «Нима олсанг, сенга ҳалол», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва уни таниб: **«Сен Ҳиндмисан?»,** дедилар. У: «Ҳа, ўтган ишларни кечиринг ё Росулуллоҳ, Аллоҳ сизни кечирсин», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«ва зино қилмасликларига»,** дегандилар, Ҳинд: «Озод-ҳур аёл ҳам зино қиладими?!», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«ўз болаларини ўлдирмасликларига»,** дегандилар, Ҳинд: «Биз уларни кичикликларидан тарбия қилиб бердик, катта бўлишгач, сизлар уларни ўлдирдингизлар, сизлар ва улар буни яхши биласизлар», деди. Унинг ўғли Ҳанзала ибн Аби Суфён Бадр куни ўлдирилган эди. Унинг бу гапидан Умар кулавериб, думалаб қолди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса табассум қилиб қўйдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«ва бўҳтон қилмасликларига»,** дегандилар, Ҳинд: «Қасамки, бўҳтон қабиҳ ишдир, сиз бизни фақат тўғрилик ва улуғ ахлоққа буюрасиз», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«биронта ҳам яхши ишда бизга итоатсизлик қилмасликларига»,** дегандилар, Ҳинд: «Аллоҳга қасамки, кўнглимизда сизга итоатсизлик қилиш фикри бўлса, бу ерда ўтирмас эдик», деди.

Қайтиб келгач, Ҳинд бут-санамини синдириб ташлади ва: «Биз сен билан алданиб юрган эканмиз», деди.

Насафий, "Мадорикут-танзил", Байъат ояти тафсири.

«Саҳиҳ»да айтилишича, Ҳинд бинт Утба Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Ё Росулуллоҳ, мен ер юзида сизнинг хонадон аҳлингиздан кўра хор бўлишини истаган бирон хонадон аҳли йўқ эди. Энди бугун ер юзида мен учун сизнинг хонадон аҳлингиздан кўра азизроқ бўлишини истаган бирон хонадон аҳли йўқдир. Яна, жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, ё Росулуллоҳ, Абу Суфён хасис одам, унинг молидан оиламизга едирсам, менга гуноҳ бўладими?», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Фақат яхшилик билан инфоқ қилсанг, зарари йўқ»,** дедилар.

"Саҳиҳул Бухорий" (3825, 7161); "Фатҳул Борий", 7/ 175, 13/148.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккада туришлари ва унда қилган ишлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада одамларни ҳидоят ва тақвога йўллаб ва Ислом рамз-белгиларини янгилаб ўн тўққиз кун турдилар. Шу кунлар мобайнида Абу Усайд Хузоъийга буюриб, Ҳарам ҳудудини янгилатдилар, Исломга даъват қилиш учун ва Макка атрофидаги бут-санамларни буздириш учун сарийялар юбордилар. Барча бут-санамлар синдирилиб, Маккада: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, уйида бирорта ҳам санамни қўймай, синдириб ташласин!», деб жар солинди.

Юборилган сарийялар

1. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳдан хотиржам бўлганларидан сўнг 8-ҳижрий рамазон ойидан беш кун қолганда Холид ибн Валидни Уззо номли бутни бузиш учун юбордилар. Уззо Қурайшнинг ва барча Бану Кинонанинг энг катта бути бўлиб, Нахла, деган жойда эди. Унинг мутасаддилиги Бану Шайбон қабиласи қўлида эди. Холид ўттиз отлиқ билан бориб, уни бузиб ташлади. Қайтиб

келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: **«Бирон нарса кўрдингизми?»,** деб сўрадилар. У: «Йўқ», деган эди: **«Сиз уни бузмабсиз. Боринг, қайтадан бузиб келинг!»,** дедилар. Холид ғазаб билан қиличини яланғочлаб қайтиб борган эди, яланғоч, сочлари тўзғиган бир қора хотин унинг олдига чиқиб келди. Бутга қараб турувчи ходим унга қичқира бошлади. Холид у хотинни қиличи билан чопиб иккига бўлиб ташлади. Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтиб, у зотни бу ишдан хабардор қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа, Уззо ўша эди. Дарҳақиқат, у сизларнинг юртингизда маъбуда бўлишдан абадул-абад умидини узди»,** дедилар.

2. Шу ойда Амр ибн Осни Сувоъ номли бутни бузиб келиш учун юбордилар. У Ҳузайл қабиласининг бути бўлиб, Макканинг шимоли-шарқида 150 километр узоқликдаги Риҳот, деган жойда эди. Амр ибн Ос бут ёнига етиб борганида ходим ундан: «Нима қилмоқчисан?», деб сўради. «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана бу бутни бузишимни буюрганлар», деди Амр. «Бу сенинг қўлингдан келмайди», деди у. «Нега?», деган эди, «У бунга йўл қўймайди», деди. «Сан ҳали ҳам ботилда юрибсанми?! Шўринг қурисин, бу ўзи эшитадими ё кўрадими?!», деди Амр, сўнг бориб бутни синдириб ташлади. Шерикларига буюриб, унга тегишли хонани ҳам буздириб юборди. Унинг ичидан ҳеч нарса топмадилар. Сўнг Амр: «Энди нима дейсан?!», деди ходимга. У: «Аллоҳга таслим бўлдим», деди.

3. Шу ойнинг ўзида Саъд ибн Зайд ибн Ашҳалийни йигирмата отлиқ билан Манотни бузишга юбордилар. Манот Қудайднинг Мушаллал, деган жойида бўлиб, Авс, Хазраж, Ғассон ва бошқа қабилалар бути эди. Саъд келганида бутнинг ходими ундан: «Нима истайсан?», деб сўради. «Манотни бузмоқчиман», деган эди, «Билганингни қил», деб ундан четланди. Саъд бутга яқинлашган чоқ яланғоч, сочлари тўзғиган бир қора хотин чиқиб, кўкрагига муштлаб, дод сола бошлади. Ходим унга: «Эй Манот, сенга осий бўлган кимсалардан бири қаршингда турибди!», деди. Шунда Саъд у хотинни қатл қилди ва бутни синдириб, вайрон қилди. Унга қарашли хонадан ҳеч нарса топилмади.

4. Холид ибн Валид Уззони вайрон қилиб келганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни шу йилнинг шавволида Бану Жузайма қабиласига жанг қилиш учун эмас, уларни Исломга даъват қилиш учун юбордилар. У 350 кишилик муҳожирлар, ансорлар ва Бану Сулаймликлардан ташкил топган жамоа билан йўлга чиқди ва улар ҳузурига етиб бориб, Исломга даъват қилди. Улар ўз динларидан чиқиб, Исломни қабул қилганларини англатиш мақсадида «мусулмон бўлдик», деб айтиш ўрнига «собиъ бўлдик, собиъ бўлдик» (яъни, диндан чиқдик), дея бошлашди. Шунда Холид уларни ўлдиришга ва асир олишга буюрди, сўнг олинган асирларни қўли остидагиларга биттадан бўлиб берди. Кейин бир куни уларга ўз асирларини

ўлдиришни буюрди. Ибн Умар ва асҳоблари буйруққа бўйсунишдан бош тортишди. Улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтгач, бўлган воқеани айтиб берганларида у зот қўлларини кўтариб, икки марта: **«Эй Парвардигор! Мен Холиднинг қилган ишидан поклигимни Сенга эълон қиламан»,** дедилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/450, 2/622.

Фақат Бану Сулайм ўз асирларини ўлдиришган, муҳожир ва ансорлар ўлдирмаган эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алини юбордилар, у ўлдирилган кишиларнинг диясини (хун пулини) ва улар кўрган талафотларни тўлаб келди. Шу иш хусусида Холид билан Абдураҳмон ибн Авф жанжаллашиб қолгандилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бунинг хабари етгач: **«Шошма эй Холид! Асҳобларимни тинч қўй! Аллоҳга қасамки, Уҳуд тоғича олтининг бўлиб, уни Аллоҳ йўлида сарф қилсанг ҳам, асҳобларимдан бирининг эрталаб ёки кечқурун қилган озгина амалига етолмайсан»,** дедилар.

Ушбу ғазот тафсилотлари қуйидаги китоблардан олинди: «Ибн Ҳишом», 2/389–437; “Саҳиҳул Бухорий”, “Китабу фазоили асҳабин-набий” (3673-ҳ); “Фатҳул Борий”, 8 /3-27; “Саҳиҳ Муслим”, 1/437-439, 2/102, 103, 130; “Зодул маод”, 2/160-168.

***

Макка фатҳи ғазоти тафсилоти мана шундан иборат. У бутпарастликни таг-томири билан йўқотиб ташлаган ва Арабистон ярим оролида унинг сақланиб қолишига ўрин ҳам, сабаб ҳам қолдирмаган ҳал қилувчи ғазот ва буюк ғалаба бўлди. Жуда кўп қабилалар мусулмонлар билан бутпарастлар ўртасида кечаётган тўқнашув ва жанглар охири нима билан тугашини кутиб туришар, ким ҳақ бўлса, ўша Ҳарам устидан ҳукмронликни қўлга киритишини жуда яхши билишар, бундай ишонч-эътиқод уларда ярим аср илгари, фил эгалари бу Байтни истило қилиш қасдида келганида ҳалокатга дучор бўлиб, қурт-қумурсқалар томонидан чайнаб ташланган сомонга ўхшаб қолган пайтда шаклланган эди.

Ҳудайбия сулҳи мана шу фатҳга тайёрланиш ва унинг муқаддимаси бўлган эди. Чунки, айни шу сулҳдан кейин одамлар эмин-эркин ҳаракатланишга қодир бўлишган, бир-бирлари билан бемалол сўзлашиш ва баҳсу мунозаралар олиб бориш имкониятига эга бўлишган, бунинг оқибатида жуда кўп кишилар Исломни қабул қилиш бахтига мушарраф бўлган эдилар. Буни шундан ҳам билса бўладики, ўтган урушларда уч мингдан зиёд жангчиси бўлмаган Ислом лашкари мана шу ғазотга келиб ўн минг нафарга етган эди.

Ушбу ҳал қилувчи жанг одамларнинг кўзларини очди ва уларни Исломдан тўсиб турган охирги тўсиқларни ҳам олиб ташлади. Ушбу фатҳ орқали мусулмонлар бутун Арабистон ярим ороли устидан ўз

назоратларини ўрнатдилар ва ҳам диний, ҳам дунёвий етакчиликни тўлалигича ўз қўлларига олдилар.

Ҳудайбия сулҳидан кейин мусулмонлар фойдасига айлана бошлаган даврон чархпалаги ушбу фатҳ ортидан бутунлай мусулмонлар манфаатига ишлай бошлади. Арабларнинг қавму қабилалари олдида энди Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бош эгиб келиш ва Исломни қабул қилиш ҳамда унинг даъватини оламга ёйилишига кўмак кўрсатишдан ўзга йўл қолмади.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ

Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг охирги босқичи бўлиб, узоқ давом этган ҳаракатлар, йигирма йилдан ортиқ муддат мобайнидаги тўкилган тер ва чекилган машаққатлар, дуч келинган безовталик, фитна ва беқарорликлар, олиб борилган қонли уруш ва маъракалар ортидан Исломий даъват қўлга киритган натижаларни ўзида мужассам этгандир.

Макка фатҳи шу йиллар давомида мусулмонлар эришган энг катта ғалаба бўлиб, у туфайли замона зайли бутунлай ўзгариб, Араб жазирасидаги муҳит тамомила ўзгача тус олди. Дарҳақиқат, фатҳ ўзидан олдинги ва кейинги давр ўртасини ажратиб турувчи чегара бўлиб қолди. Зеро, Қурайш араблар назарида диннинг ҳимоячилари ва асосий кўмакчилари саналар, бошқа араблар бу хусусда уларга тобеъ эдилар. Қурайшнинг бўйсуниши Араб жазирасида бутпарастлик динига барҳам берилиши маъносини англатарди.

Ушбу босқични икки саҳифага бўлиш мумкин:

1. Уруш ва жиҳодлар саҳифаси;
2. Турли элат ва қабилаларнинг Исломни қабул қилишга ошиқишлари саҳифаси.

Ҳар иккала саҳифа ҳам ушбу босқичда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ҳали униси, ҳали буниси навбатма-навбат бўлиб турган бўлса-да, биз ҳар икки саҳифага тегишли воқеа-ҳодисаларни алоҳида-алоҳида зикр қилишни истадик. Уруш ва жангу жадаллар саҳифасини ўзидан олдинги воқеаларга боғлиқроқ ва муносабати кўпроқ эканлигини назарга олиб, тартибда уни муқаддам қилдик.

Ҳунайн ғазоти

Макка фатҳи арабларни эсанкиратиб қўйган яшиндек тез ва кутилмаган зарба ортидан юз бергани туфайли яқин атрофдаги қабилалар унга қарши чора-тадбир қўллаш имконсиз эканини англаб, таслим бўлишдан ўзга чора топмадилар. Бироқ, Ҳавозин ва Сақиф каби айрим қудратли ва зўравон қабилалар таслим бўлишдан бош тортишди ва Наср, Жушам, Саъд ибн Бакр ва Бану Ҳилол қабилалари улар атрофига бирлашишди. Булар барчаси Қайс Айлон аймоғидан эдилар. Бу буюк ғалабани бўйин эгиб қаршилашга уларнинг ғурур ва кибрлари йўл қўймади ва барчалари Молик ибн Авф Назрий қўли

остида жамланиб, мусулмонларга қарши юриш қилишга қарор қилдилар.

Душманнинг юриш бошлаши ва Автосга келиб тушиши

Бош қўмондон Молик ибн Авф мусулмонларга қарши юриш бошлашга қарор қилгач, қўшин билан бирга уларнинг мол-мулклари, аҳли-аёл ва бола-чақаларини ҳам қўшиб, йўлга отланди ва Автос, деган жойга бориб тўхтади. Автос Ҳавозин диёридаги Ҳунайнга яқин бир водий бўлиб, Ҳунайн водийсидан бошқа, алоҳида бир водий эди. Ҳунайн водийси эса Зул-мажознинг ёнгинасида, Макканинг Арафот тарафида бўлиб, у билан Макка ўртасида ўн милдан ошиқроқ масофа бор эди. “Фатҳул Борий”, 8/27, 42.

Урушларда тажриба орттирган мўйсафид қўмондон фикрини хато санайди

Автосга бориб тушишгач, одамлар қўмондон атрофида йиғилишди. Улар ичида Дурайд ибн Сумма исмлик бир мўйсафид ҳам бўлиб, у ҳаётида жуда кўп жанг кўрган, тажрибали ва жанг илмидан яхши хабардор бўлган шижоатли киши эди. Аммо ҳозирда анча кексайиб қолган бўлиб, фақатгина фикр, маслаҳат беришдан бошқа нарсага қодир бўлмай қолган эди. Дурайд: «Қаердамиз ўзи?», деб сўради. «Автосдамиз», дейишди. «Ҳа, отлар учун қулай жой, баланд қоятошлик ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас. Туяларнинг бўкириши, эшакларнинг ҳанграши, қўй-эчкиларнинг маъраши ва болаларнинг йиғилари эшитиляптими?», деди. «Ҳа, Молик ибн Авф жангчиларга қўшиб, уларнинг мол-мулклари, аҳли-аёл ва бола-чақаларини ҳам олиб чиққан», дейишди. У Моликни чақириб, ундан нега бундай қилганини сўради. Молик: «Ҳар бир жангчи ўзининг ортида аҳли-оиласи ва мол-мулки турганини ҳис қилиб, уларни деб жанг қилади, дедим», деди. «Ҳой бечора чўпон, Худо ҳаққи, қочаётган одамни бирон нарса тўхтатиб қолишга қодирми?! Агар урушнинг тегирмон тоши сенинг фойдангга айланса, қилич ва найза тутган жангчинг ўзи сенга кифоя қилади. Аксинча бўлиб қолса, ҳам бола-чақангдан, ҳам мол-мулкингдан айрилиб, расво бўласан-ку!», деди мўйсафид. Сўнг у уруғ-қабилалар ва уларнинг бошлиқлари ҳақида сўраб-суриштиргач: «Эй Молик, сен Ҳавозиннинг ҳаммасини жанг майдонига олиб келиб, яхши иш қилмабсан. Уларни юртнинг ичкарисига ва қавмларининг баланд ўринларига чиқариб қўйиб, ёш-ялангларни отга миндириб қўй. Агар ғалаба сенга ёр бўлса, улар ортингдан келиб қўшиладилар. Агар мағлуб бўлсанг, фақат ўзинг зиён тортасан, аҳлинг ва молингни асраб қоласан», деди.

Лекин, бош қўмондон Молик унинг бу талабини рад этди ва: «Қасамки, асло ундай қилмайман. Сен қариб қолиб, ақлинг ҳам суюлиб қолган. Қасам ичиб айтаманки, ё Ҳавозин менга итоат қилади, ё эса мен қиличимнинг учига ўзимни босиб, уни орқамдан чиқариб юбораман», деди, Дурайднинг фикри ва сўзлари амалга ошишини

истамади. Шундан сўнг қавм: «Сенга итоат қиламиз», дейишди. Шунда Дурайд: «Бу шундай кунки, мен унда бор бўлиб, бор эмасман, йўқ бўлиб, йўқ эмасман», деди ва шундай мазмунда шеър ўқиди:

Қанийди ёш бўлиб қолсам,
Куч-қувватга тўлиб қолсам,
Учқур отга миниб олиб,
Жанггоҳ ичра елиб қолсам.

يا ليتني فيها جَذَعْ ** أخُبُّ فيها وأضَعْ

أقود وطْفَاءَ الزَّمَعْ ** كأنها شاة صَدَعْ

Душманнинг Ислом лашкари ҳақида маълумот йиғишга уриниши

Мусулмонларнинг куч-қувватлари ҳақида маълумот йиғиб келишга юборган жосуслари Молик ҳузурига бўшашиб қайтиб келишди. «Ҳой, шўринг қургурлар, нима гап ўзи?!», деб сўраган эди: «Чавкар отларга минган оппоқ кийимли одамларни кўрдик. Қасамки, улар қаршисида бўшашиб, мана шу ҳолга тушдик», дейишди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман кучини ўрганишга уринишлари

Душманнинг юриш бошлагани хабари келгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳадрад Асламийни бориб, одамлар ичида туришга ва уларнинг хабарларини ўрганиб келишга юбордилар. У ўзига юклатилган вазифани адо этиб, қайтиб келди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Ҳунайнга йўл оладилар

Саккизинчи ҳижрий шаввол ойининг олтинчиси, шанба кунида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани тарк этдилар (бу Маккага кириб келганларининг ўн тўққизинчи куни эди) ва ўн икки минг аскар билан йўлга отландилар. Уларнинг ўн минги Макка фатҳи учун у зот билан бирга Мадинадан келган аскарлар, икки минги эса Макка аҳлидан қўшилган кишилар бўлиб, кўплари Исломга янги кирганлар эди. Сафвон ибн Умайядан юзта совутни бошқа қурол-яроғлари билан бирга вақтинча ишлатишга олиб турдилар. Маккага Аттоб ибн Усайдни волий қилдилар.

Оқшом пайти бир отлиқ келиб: «Мен фалон тоғ устига чиққан эдим, Ҳавозин бола-чақалари-ю, мол-қўйлари билан Ҳунайнда жамланиб туришганини кўрдим», деб хабар берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилдилар ва: **«Улар иншоаллоҳ, мусулмонларнинг эртанги ўлжаларидир»,** дедилар. Шу кеча лашкар қўриқчилигини Анас ибн Аби Марсад Ғанавий ихтиёрий равишда ўз бўйнига олди. “Сунан Аби Довуд”, 2/10.

Ҳунайнга бораверишда «Зоту анвот», деб номланган бир катта дарахтни кўрдилар. Одатда араблар унга қуролларини осишиб, унинг

остида қон чиқариб, ибодат қилишарди. Шунда қўшиндаги кишилардан баъзилари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизга ҳам ана шундай «зоту анвот» қилиб берсангиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳу акбар! Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар худди Мусонинг қавми Мусога айтган гапни айтдингизлар. Улар: «Эй Мусо, бизга ҳам худди уларникига ўхшаган илоҳ ясаб бергин», дейишганида Мусо: «Сизлар жаҳолатга ботган қавм экансизлар», деганди. Ўтганларнинг йўли шудир. Қасамки, сизлар ҳам ўзингиздан олдин ўтганларнинг йўлларига эргашмоқдасиз»,** дедилар.

Имом Термизий, 4/412, "Муснаду Аҳмад", 5/218.

Баъзилар қўшин сонининг кўплигига қараб: «Бугун ҳаргиз енгилмаймиз», дейишди. Бу гап Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда оғир ботган эди.

Ислом лашкари кутилмаганда камончилар ҳужумига дуч келади

Ислом лашкари шавволнинг ўнинчи куни сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Ҳунайнга етиб келди. Молик ибн Авф улардан олдинроқ келиб, қўшинини водий ичига киритиб қўйган, йўлларга, кириш жойларига, даралар ва сўқмоқларга пистирмалар қўйиб, мусулмонлар кўриниши билан улар устига ўқ ёмғири ёғдиришга, сўнг бирданига шиддат билан ҳужумга ўтишга буюрган эди.

Саҳарга яқин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкарни жангга ҳозирлаб, уларга байроқлар тикиб, қисмларга ажратдилар. Тонг қоронғусида мусулмонлар Ҳунайн водийсига яқинлашиб, пистирмалардан бехабар, пастга туша бошладилар. Шунда тўсатдан улар устига ўқлар ёмғирдек ёғила бошлади, душман аскарлари кутилмаганда шиддат билан ҳамлага ўтишди. Мусулмонлар саросимага тушиб, ортга чекинишга тушдилар ва ҳеч кимга қарамай қоча бошладилар. Ҳатто, Исломни яқингинада қабул қилган Абу Суфён ибн Ҳарб: «Уларнинг чекинишлари то Қизил денгизгача етиб боради-ёв», деди. Жабала ёки Калада ибн Ҳанбал: «Мана, бугун сеҳр бекор бўлди», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй одамлар, менинг ёнимга келинглар! Мен Росулуллоҳман! Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳман!»,** деб ўнг томонга қараб юрдилар. Ўша пайт у зотнинг ёнларида муҳожир ва ансорлардан жуда озчилик кишилар қолган эди. Ибн Исҳоқ тўққиз киши, Нававий эса ўн икки киши қолганини айтганлар. Тўғрироғи, Аҳмад ва Ҳоким «Мустадрак»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган сўздир. Унга кўра: «Ҳунайн куни мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. Одамлар у зот ёнларидан кетиб қолиб, фақат муҳожир ва ансорлардан саксон киши маҳкам турди. Бизлар пиёда эдик, душманга орқа ўгирмадик». Имом Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда: «Ҳунайн куни кўрдимки, одамлар тирқираб кетишган,

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларида юз киши ҳам қолмаган эди».

"Муснад Аҳмад", 1/453, 454; Ҳоким, 2/117; имом Термизий, 4/173 (1689-ҳ), "Фатҳул Борий", 8/29, 30; "Муснад Аби Яъло", 3/388, 389.

Ўша дамда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беназир шижоатлари зоҳир бўлди. Хачирларини кофирлар томон суриб:

«Мен набийман, ёлғонмас сўзим,
Абдулмутталиб ўғли ўзим», деб хитоб қила бошладилар.

(أنا النبي لا كَذِبْ ** أنا ابن عبد المطلب)

Абу Суфён ибн Ҳорис у зотнинг хачирлари тизгинидан тутган, Аббос эса узангисидан ушлаб, уни тезлатмасдан туришарди. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хачирдан тушиб, Парвардигорларидан нусрат сўраб: **«Эй Парвардигор! Нусратингни туширгайсан»,** деб илтижо қилдилар.

Мусулмонларнинг ўзларини ўнглаб олишлари ва жангнинг шиддатли тус олиши

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббосга саҳобаларга қараб нидо қилишга буюрдилар. Аббос овози ўткир одам эди. У айтади: «Шунда мен бор овозим билан: «Ҳой самура аҳли (яъни, Ҳудайбияда самура дарахти остида байъат берганлар), қаердасиз?!», деб қичқирдим. Менинг овозимни эшитган саҳобалар мен томонга қараб худди сигир ўз боласига қараб интилганидек интила бошладилар ва: «Ҳо лаббай, ҳо лаббай!», дея бошладилар". ("Саҳиҳ Муслим", 2/100). Баъзи бирлари туясининг бошини бурмоқчи бўлиб, тиқилинчда бунинг уддасидан чиқа олмай, совутини бўйнига ташлаб, қиличи билан қалқонини оларди-да, туясидан сакраб тушиб, овоз келаётган томонга қараб чопишарди. Шундай қилиб, юз чоғли одам у зот атрофларида йиғилиб, жанг бошладилар.

Сўнг чақириқ ансорларга қаратилиб: «Ҳой ансорлар жамоаси, ҳой ансорлар жамоаси!», деб нидо қилинди. Кейин Бану Ҳорис ибн Хазражга қараб нидо қилинди. Шундай қилиб, мусулмонларнинг жамоалари жанг майдонини қандай ташлаб кетган бўлсалар, худди ўшандай, бирин-кетин йиғилиб келдилар. Шундан сўнг икки ўртада жанг қизигандан қизиб кетди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанггоҳни кузатарканлар: **«Ана энди жанг авж палласига чиқди»,** дедилар. Сўнг ердан бир сиқим тупроқ олиб, душман томонга қараб сочиб юбордилар ва: **«Юзлари қаро бўлсин»,** деб дуо қилдилар. Душман лашкари ичида инсон зоти борки, ҳаммасининг кўзига ўша тупроқдан кирди. Шундан сўнг уларнинг кучлари заифлашиб, ишлари орқага қараб кетди.

Душманнинг шашти пасайиши ва бутунлай тор-мор бўлиши

Ўша бир сиқим тупроқ отилганидан бир неча соат ўтмасдан душман хунук суратда мағлубиятга учради, Сақифнинг ўзидан етмишга яқин

одам ўлдирилди ва мусулмонлар душманнинг мол-ҳоли, бола-чақаси ва қурол-аслаҳаларини қўлга киритдилар.

Аллоҳ таоло қуйидаги оятларида айни шу ҳолатга ишора қилган эди:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ فِى مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ ۙ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ ۙ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنكُمْ شَيْـًٔا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ ٱلْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم مُّدْبِرِينَ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ أَنزَلَ ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَعَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَأَنزَلَ جُنُودًا لَّمْ تَرَوْهَا وَعَذَّبَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ وَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٦﴾

“Аллоҳ сизларни кўп ўринларда ғолиб қилди. Ҳунайн (Макка билан Тоиф ўртасидаги бир водий) **кунини** (эсланглар)! **Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у** (яъни, саноғингизнинг кўплиги) **сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади** (қутқариб қола олмади) **ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўгирган ҳолингизда чекиндингиз! Кейин Аллоҳ пайғамбарига ва мўминларга Ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди ҳамда сизлар кўрмаган бир лашкар** (яъни, фаришталар)**ни туширди ва кофир бўлган кимсаларни азобга дучор ҳилди. Кофирларнинг жазоси шудир”.** “Тавба”, сураси, 25-26-оятлар.

Душманни таъқиб қилиш ҳаракати

Душман қақшатғич мағлубиятга учрагач, улардан бир гуруҳи Тоифга қараб, яна бир гуруҳи Нахла тарафга, яна бир гуруҳи Автос томонга қараб чекинди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Омир Ашъарий бошлиқ бир гуруҳ таъқибчиларни Автосга юбордилар. Иккала гуруҳ ўртасида бир оз жанг бўлиб, мушриклар тор-мор этилдилар. Шу жангда гуруҳ қўмондони Абу Омир Ашъарий ҳалок бўлди.

Яна бир гуруҳ мусулмон суворийлари душманнинг Нахлага қараб чекинган гуруҳи ортидан таъқиб қилиб бордилар. Ушбу таъқиб давомида Дурайд ибн Симма ўлдирилди, уни Рабиъа ибн Руфайъ ўлдирди.

Мушрикларнинг кўп қисми Тоифга қараб қочишган эди. Ўлжалар жамланганидан сўнг уларни таъқиб қилиб боришга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бош бўлдилар.

Ўлжалар

Ўлжалар олти мингта асир, йигирма тўрт минг туя, қирқ мингдан ортиқ қўй-эчки ва тўрт минг увқия кумушни ташкил қилди.

1 увқия – 12 дирҳам ёки 37,44 граммга тенг оғирлик ўлчови.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни йиғдириб, Жиъронa, деган жойда ҳибс қилдириб қўйдилар. Масъуд ибн Амр Ғифорийни уларни қўриқлаб туришга бош қилиб қўйдилар ва то Тоиф ғазотидан фориғ бўлмагунларича уларни тақсим қилмадилар.

Асирлар орасида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эмикдош сингиллари Шаймоъ бинт Ҳорис Саъдийя ҳам бор эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келтирилганда у ўзини таништирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни бир белгиси орқали танидилар ва унга иззат-икром кўрсатиб, ридоларини ёзиб, унинг устига ўтиргиздилар. Сўнг унга марҳамат кўрсатиб, қавмига қайтариб юбордилар.

Тоиф ғазоти

Аслида, бу ғазот Ҳунайн ғазотининг давоми эди. Чунки, Ҳавозин ва Сақиф қўшини қолдиқларининг асосий қисми бош қўмондонлари Молик ибн Авф Насрий бошчилигида Тоифга кириб, ўша ерда ҳимояланган эдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайндан фориғ бўлиб, ўлжаларни Жиъронага йиғдирганларидан сўнг шу ойнинг ўзида, яъни 8-ҳижрийнинг шаввол ойида улар устига юриш қилдилар.

Аввалроқ қўшиннинг олдинги қисми сифатида Холид ибн Валидни минг киши билан юбордилар, сўнг ўзлари ҳам Тоифга қараб йўлга чиқдилар. Йўлда Нахлатул-Ямония, деган жойдан, сўнг Қарнул-манозилдан, сўнг Лийядан ўтдилар. Молик ибн Авфнинг шу ерда жойлашган қалъасини буздириб юбордилар. Сўнг йўлда давом этиб, Тоифга етиб бордилар ва Тоиф қалъаси яқинига тушиб, ўша ерда лашкаргоҳ қурдилар. Шундан сўнг қалъа аҳлини қамалга олдилар.

Қамал анча муддат давом этди. Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, қамал муддати қирқ кунга чўзилган. Сийратшунослар бунга зид фикрларни ҳам айтишган. Йигирма кун, ўн кундан ошиқ, ўн саккиз кун, ўн беш кун, деган фикрлар айтилган.

"Фатҳул Борий", 8/45

Қамал муддати ичида ўзаро отишмалар давом этиб турди. Қамалнинг дастлабки босқичида қалъа аҳли мусулмонлар устига тинимсиз ўқ ёғдиришди, ўқлар худди мўр-малахдек ёғиларди. Мусулмонлардан бир қанчаси жароҳатланиб, ўн икки киши ҳалок бўлди. Шундан сўнг улар лашкаргоҳни жилдириб, бугунги Тоиф масжиди ўрнига кўчиб ўтишга мажбур бўлдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тоифликларга қарши манжаниқни ишга солишга буйруқ бердилар. Манжаниқдан отилган тошлар қалъа деворида ёриқлар ва ўпирилишлар пайдо қилди. Мусулмонлардан бир нечалари даббоба* остига кириб, у билан қалъа деворини тешиб, ичкарига киришга ҳаракат қилдилар.

*Даббоба (танкнинг аждоди) – ёғочдан ясалган оғир ғилдиракли қурол тури бўлиб, ундан қалъа ва қўрғонларнинг деворларини тешиш, бузиш учун фойдаланилар эди.

Бироқ, душман улар устига қиздирилган темир парчаларини улоқтира бошлади, шунда улар ортга қайтишга мажбур бўлишди, улардан баъзилари душман ўқларидан ҳалок бўлдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманни таслим бўлишга мажбур этиш мақсадида уруш сиёсатининг бир қисми сифатида уларнинг токзорларини кесиб, ёқиб юборишга буюрдилар. Мусулмонлар токзорларни аёвсиз кесдилар. Сақиф Аллоҳ ҳаққи ва қариндошлик ҳаққи-ҳурмати уларни кесмасликни сўрагач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ ва қариндошлик ҳаққи-ҳурмати токларни кесишни тўхтаттирдилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қай бир қул қалъадан тушиб, бизнинг ҳузуримизга келса, у озоддир»,** деб жар солдирдилар. Шундан сўнг йигирма уч киши тушиб келди. (“Саҳиҳул Бухорий”, 2/620). Улар ичида Абу Бакара ҳам бор эди – қалъага сув тортадиган ёғоч ғалтакка (арабчада бакара) осилиб тушгани учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Абу Бакара, деб куняладилар – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни озод қилдилар ва ҳар бирини биттадан мусулмонга бириктириб, озиқ-овқатидан хабардор бўлиб туришни топширдилар. Бу нарса қалъа аҳлига жуда ёмон таъсир қилди.

Қамал чўзилгандан чўзилиб, қалъа таслим бўлавермагач (қалъа аҳли бир йиллик қамалга бардош бергудек тайёргарлик кўриб олишганди) ва мусулмонлар ўқлар ёмғири ва қиздирилган темир парчаларидан анчагина зиён-заҳмат тортишгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Навфал ибн Муовия Дийлийга маслаҳат солганларида у: «Улар гўё инидаги тулки, агар сабр-бардош билан пойласангиз, ушлайсиз. Борди-ю ташлаб кетсангиз ҳам сизга ҳеч қандай зарар етказолмайди», деди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қамални бекор қилиб, ортга қайтишга қарор қилдилар. Умар ибн Хаттобга буюриб, одамларга: «Иншооллоҳ, эртага қайтиб кетамиз», деб эълон қилдирдилар. Бу гап одамларга оғир ботди ва: «Нега энди, фатҳ қилмай қайтиб кетамизми?!», дейишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жангга отланинглар!»,** деб буйруқ бердилар. Жангга кириб, яна жароҳатлар олишди. Шундан сўнг: «Иншооллоҳ, эртага қайтиб кетамиз», деб эълон қилдирган эдилар, ҳамма буни хурсандлик билан қабул қилиб, йўлга тайёрлана бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу ишига кулиб қараб турардилар.

Йўлга тушиб олишгач, асҳобларига:

آيبونَ تائبونَ عابدونَ، لربِّنا حامدونَ

«Бизлар қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз, Роббимизга ҳамд айтувчилармиз, деб айтинглар», дедилар.

У зотдан Сақифни дуоибад қилиш сўралганда: **«Эй Парвардигор! Сақифни ҳидоят қилиб, уларни** (мусулмон ҳолларида) **келтиргин»,** деб дуо қилдилар.

Жиъронада ўлжалар тақсимоти

Тоифдан қамални бекор қилиб, Жиъронага қайтиб келганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кундан кўпроқ муддат ўлжаларни тақсимламай, Ҳавозин тавба қилиб вакиллар юборишини ва йўқотган нарсаларини қайтариб олишини кутиб турдилар. Лекин Ҳавозиндан дарак бўлмади. Шундан сўнг ўлжага кўз тикиб турган қабилалар бошлиқлари-ю, Макка зодагонлари кўнглини тинчитиш учун ўлжаларни тақсимлашни бошладилар. Қалблари Исломга янги ошно қилинаётган кишиларга биринчи бўлиб, катта миқдорда улушлар ажратиб бердилар.

Абу Суфён ибн Ҳарбга қирқ увқия кумуш ва юзта туя бердилар. «Ўғлим Язидга ҳам», деган эди, яна шунча бердилар. «Ўғлим Муовияга ҳам», деган эди, яна шунча бердилар. Ҳаким ибн Ҳизомга юзта туя бердилар, яна юзта сўраган эди, яна юзта туя бердилар. «Аш-шифоъ»да айтилишича, Сафвон ибн Умайяга юзта туя бердилар, кейин яна юзта, кейин яна юзта бердилар. (Қози Иёз, "Аш-шифаъ би таърифи ҳуқуқил-мустофа", 1/86). Ҳорис ибн Ҳорис ибн Каладага юзта туя бердилар. Шунингдек, Қурайшнинг бошқа раисларига ҳам юзталаб, элликталаб, қирқталаб туялар бердилар. Ҳатто, одамлар орасида «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) камбағал бўлиб қолишдан қўрқмайдиган одамнинг беришидек бермоқда», деган гап тарқалиб кетди. Аъробийлар у зот ёнларига мол сўраб кела бошладилар, ҳатто тиқилинчда у зотни суриб, бир дарахт ёнига олиб бориб қўйишди, устиларидаги ридолари ҳам тушиб қолди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй одамлар! Ридоимни қайтариб беринглар. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар менда Тиҳома дарахтлари сонича туялар бўлса ҳам, уларни сизларга бўлиб берган бўлардим. Шундан сўнг мени на бахил, на қўрқоқ, на ёлғончи, деб билмаган бўлардингиз»,** дедилар.

Кейин ўзларининг туялари ўркачидан бир дона тукни олдилар-да, қўлларини баланд кўтариб: **«Эй одамлар! Аллоҳга қасамки, сизларнинг ўлжаларингиздан хумус** (бешдан бир қисми)**дан ташқари менга мана шу тукча ҳам нарса керакмас, хумус ҳам яна ўзингизга қайтарилади»,** дедилар.

Қалблари Исломга ошно қилинувчи кишиларга бериб бўлганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Собитга қолган барча ўлжаларни келтиришни буюрдилар, сўнг уларни одамларга бўлиб бердилар. Ҳар бир пиёданинг улуши ё тўртта туя, ё қирқта қўй бўлди. Отлиқлар эса ўн иккитадан туя ёки бир юз йигирматадан қўй олдилар.

Ансорларнинг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан хафа бўлишлари

Ушбу тақсимот доно бир сиёсатдан келиб чиқиб қилинганди. Бироқ, бошда бу нарсани тушуниб етилмаслиги оқибатида анча-мунча гап-сўзлар ҳам ўртага чиқди.

Ибн Исҳоқ Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайш ва бошқа араб қабилаларига мўл-кўл мол-дунё улашиб, ансорларга бермагач, бундан ансорларнинг диллари ранжиди ва улар ичида ҳар хил гап-сўз кўпайиб қолди. Ҳатто, айримлари: «Қасамки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қавмларига қўшилиб кетдилар», ҳам дейишди. Саъд ибн Убода у зот олдиларига кириб: «Ё Росулуллоҳ, ансорлар мана бу ўлжа тақсимотида қилган ишингиз туфайли сиздан ранжиб қолишди, қавмингизга тақсимлаб бердингиз, бошқа араб қабилаларига ҳам жуда кўп нарсалар бердингиз, лекин ансорларга ҳеч нарса тегмади», деди. **«Сиз ўзингиз нима фикрдасиз, эй Саъд?»,** дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. Саъд: «Ё Росулуллоҳ, мен ҳам қавмимнинг бир одамиман», деди. **«Қавмингизни мана бу қўрғонга йиғинг»,** дедилар. Саъд чиқиб, ансорларни айтилган жойга йиғди. Муҳожирлардан ҳам бир неча кишилар келишган эди, уларни ҳам киритди. Кейин яна бир гуруҳ келган муҳожирларни қайтариб юборди. Сўнг Саъд Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кириб: «Ансорлар йиғилишди», деб хабар берди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига келдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг: **«Эй ансорлар жамоаси! Айтишларича, сизлар мендан ранжибсизлар ва айрим гап-сўзлар қилибсизлар. Мен сизларга борган пайтимда залолатда эмасмидингиз, Аллоҳ сизларни ҳидоят қилмадими?! Камбағал эмасмидингиз, Аллоҳ сизларни бой қилмадими?! Бир-бирингизга душман эмасмидингиз, Аллоҳ қалбларингизни бирлаштирмадими?!»,** дедилар. Улар: «Ҳа, шундай. Аллоҳ ва Росулининг фазлу марҳамати беқиёс», дедилар.

Сўнг: **«Менинг сўзларимга жавоб бермайсизларми, эй ансорлар жамоаси?!»,** дедилар. Улар: «Нима, деб жавоб берамиз ё Росулуллоҳ? Миннат ва фазлу марҳамат Аллоҳ ва Росулига хосдир», дедилар. **«Агар истасангизлар: «Сиз ёлғончига чиқарилган ҳолда келдингиз, биз сизни тасдиқладик, заиф-ночор ҳолда келдингиз, биз сизга ёрдам кўрсатдик, қувилган ҳолда келдингиз, биз сизга жой бердик, камбағал ҳолда келдингиз, биз сизга кўмак бердик», дейишларингиз мумкин эди ва бу гапингиз тўғри ҳам бўлар эди»,** дедилар.

Яна дедилар: **«Эй ансорлар жамоаси, арзимаган озгина дунёни деб хафа бўлдингизларми?! Мен бир қавмнинг мусулмон бўлиб қолишини истаб, уларга ўша дунёни бергандим. Сизларни эса ўз**

Исломингизга топшириб қўйгандим. Эй ансорлар жамоаси, одамлар қўй ва туяларни олиб кетишгани ҳолда сизлар ўз диёрингизга Аллоҳнинг Росулини олиб қайтишингизга рози бўлмайсизларми?! Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, агар ҳижрат бўлмаганида мен ансорлардан бири бўлган бўлардим. Ҳамма одамлар бир водийга юриб, ансорлар бошқа бир водийга юрсалар, мен ансорлар водийсини йўл тутган бўлардим. Эй Парвардигор! Ансорларни, ансорларнинг фарзандларини, ансорлар фарзандларининг фарзандларини Ўз раҳматингга олгин!».

Одамлар йиғлайвериб, соқоллари ҳўл бўлиб кетди ва: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг улушимиз бўлишига розимиз!», деб гувиллашди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетдилар ва одамлар ҳам тарқалиб кетишди.

"Ибн Ҳишом", 2/499, 500; имом Бухорий ҳам шу мазмунда ривоят қилган, 2/620, 621.

Ҳавозиндан вакиллар келиши

Ўлжалар тақсимлаб бўлинганидан сўнг Ҳавозиндан элчилар келишди. Улар ўн тўрт киши бўлиб, бошлиқлари Зуҳайр ибн Сурод деган киши эди. Улар ичида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эмикдош амакилари Абу Бурқон ҳам бор эди. Улар ҳаммалари мусулмон бўлиб, байъат беришди, сўнг: «Ё Росулуллоҳ, сиз асирга олган кишилар орасида оналар, опа-сингиллар, амма-холалар бор, улар қавмнинг ор-номусларидир» деб, қуйидаги сўзлар билан бошланувчи бир неча байтларни ўқишди:

«Эй Аллоҳнинг пайғамбари, сиздан шафқат кутиб келдик,
Умид қилиб карамингиз, кўзларимиз тикиб келдик.
Шафқатингиз дариғ тутманг оқ сут берган оналардан,
Амма-хола, опа-сингил, заиф-ночор болалардан».

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Атрофимда қанча одамлар борлигини кўриб турибсизлар. Мен учун гапнинг энг яхшиси энг тўғрисидир. Айтинглар, фарзандларингиз ва аёлларингиз сизлар учун қадрлироқми, мол-дунёларингизми?»,** дедилар. Улар: «Обрў-номусларимизга ҳеч нарсани тенг кўрмаймиз», деб жавоб беришди. **«Ундай бўлса, намоздан** (яъни, пешин намозидан) **сўнг туриб: «Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мўминларга воситачи қилиб, мўминларни эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга воситачи қилиб, асирларимизни қайтариб беришларини сўраймиз», денглар»,** дедилар. Пешин намозидан сўнг элчилар ўринларидан туриб, мазкур сўзларни айтдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менинг қўлимда ва Бану Абдулмутталиб қавми қўлида бўлган асирлар сизларники, энди сизлар учун одамлардан сўраб кўраман»,** дедилар. Шунда муҳожир ва ансорлар ҳам: «Бизнинг

қўлимиздагилар ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламники», дейишди. Ақраъ ибн Ҳобис: «Аммо, мен ва Бану Тамим асирларимизни бермаймиз», деди. Уяйна ибн Ҳисн ҳам: «Мен ва Бану Фазора ҳам бермаймиз», деди. Аббос ибн Мирдос: «Мен ва Бану Сулайм ҳам бермаймиз», деган эди, Бану Сулайм: «Бизнинг асирларимиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламники», дейишди. Аббос ибн Мирдос уларга: «Сизлар мени бебурд қилдингиз», деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дарҳақиқат, бу қавм мусулмон бўлиб келди, мен уларнинг асирлари тақсимини пайсалга солиб турган эдим. Уларга танлаш ихтиёрини бердим, улар бола-чақалари ва аёлларини** (мол-дунёларидан) **афзал кўришди. Энди кимнинг қўлида уларга қарашли асирлар бўлса, кўнглидан чиқариб, қайтариб беришни истаса, шундай қилсин. Ким ўз ҳаққидан воз кечишни истамаса, ҳозир уларга қайтариб бераверсин, эвазига Аллоҳ бизга берадиган ўлжаларнинг биринчисидан унга олти баробар қилиб берамиз»,** дедилар. Одамлар: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун кўнглимиздан чиқардик», деб жавоб беришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз қай бирларингиз рози бўлиб, қай бирларингиз рози бўлмаганини билолмаймиз. Боринглар, ичларингиздан вакиллар келиб, нима қарорга келганингизни бизга билдирсинлар»,** дедилар. Шундай қилиб, Ҳавозинга аёллари ва бола-чақалари қайтариб берилди. Ёлғиз Уяйна ибн Ҳисн ўз қўлида асира бўлган бир кампирни қайтариб беришга кўнмади. У ҳам кейинроқ қайтариб берди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирларга бир сидра кийим ҳадя қилдилар.

"Ҳавозин асирлари қиссаси" "Саҳиҳул Бухорий" ва "Шарҳи "Фатҳул Борий"да зикр қилинган, 5/201.

Умра қилиб, Мадинага қайтишлари

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жиъронадаги ўлжалар тақсимотидан фориғ бўлганларидан кейин у ердан умрага ният қилиб, Маккага қайтдилар ва умрани адо қилгач, Мадинага қараб жўнадилар. Маккага Аттоб ибн Усайдни волий қилиб тайинладилар. Мадинага 8-ҳижрий зул-қаъда ойидан олти кун қолганида кириб келдилар.

"Тарихи Ибн Халдун" 2/48; "Зодул маод" 2/160 – 201; "Ибн Ҳишом", 2/389-501; "Саҳиҳул Бухорий" 2/612-622" "Фатҳул Борий", 8/3-58.

Макка фатҳидан қайтганларидан сўнг юборган сарийялари

Узоқ давом этган ушбу муваффақиятли сафардан қайтиб келганларидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келаётган элчиларни қабул қилиб ва атрофларга закот йиғувчи омиллар ва даъватчиларни юбориб ҳамда Аллоҳнинг динига киришга ва араблар шоҳид бўлиб турган воқеий ҳаётга таслим бўлишга кибри

йўл қўймаётган кишиларга босим ўтказиб Мадинада турдилар. Қуйида ушбу ишларнинг қисқача тафсилоти билан танишасиз.

Закот йиғувчилар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага саккизинчи йилнинг охирларида кириб келдилар. Тез орада тўққизинчи ҳижрийнинг боши, яъни муҳаррам ойи бошланди ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабилаларга закот йиғувчи кишиларни (омилларни) юбордилар. Қуйида уларнинг рўйхатини келтирамиз:

1. Уяйна ибн Ҳисnни Бану Тамимга
2. Язид ибн Ҳусойнни Аслам ва Ғифор қабилаларига
3. Аббод ибн Башир Ашҳалийни Сулайм ва Музайна қабилаларига
4. Рофиъ ибн Макисни Жуҳайнага
5. Амр ибн Осни Бану Фазорага
6. Заҳҳок ибн Суфённи Бану Килобга
7. Башир ибн Суфённи Бану Каъбга
8. Ибнул-Лутбийя Аздийни Бану Зубёнга
9. Муҳожир ибн Аби Умайяни Санъога (ўша ерда эканида Асвад Ансий унга қарши чиқди)
10. Зиёд ибн Лабидни Ҳазрамавтга
11. Адий ибн Ҳотимни Той ва Бану Асад қабилаларига
12. Молик ибн Нувайрани Бану Ҳанзалага
13. Зибриқон ибн Бадрни Бану Саъднинг бир қисмига
14. Қайс ибн Осимни Бану Саъднинг иккинчи қисмига
15. Ал-Алоъ ибн ал-Хазрамийни Баҳрайнга
16. Али ибн Аби Толибни Нажронга садақа ва жизяларни йиғишга юбордилар

Ушбу омилларнинг ҳаммаси ҳам 9-ҳижрийнинг муҳаррам ойида юборилмаганлар, балки айримларининг юборилиши улар юборилган қабилаларнинг Исломни қабул қилган вақтларигача ортга сурилган. Омиллар юборишга шу қадар эътибор қаратилиши 9-ҳижрийнинг муҳаррамида бошланди. Бу эса Ҳудайбия сулҳидан кейин Исломий даъватнинг нақадар кенг кўламда муваффақият қозонганига далолат қилади. Макка фатҳидан кейин эса одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кириб келдилар.

Сарийялар

Қабилаларга закот йиғувчилар юбориш билан бир қаторда Араб жазирасининг айрим минтақаларида тинчликни барқарорлаштириш мақсадида бир неча сарийялар ҳам юбориш зарурати ҳам пайдо бўлди. Қуйида уларнинг қисқача тафсилоти билан танишасиз:

1. 9-ҳижрийнинг муҳаррамида Бану Тамимга юборилган Уяйна ибн Ҳисн бошчилигидаги эллик отлиқдан иборат сарийя.

Ушбу сарийяда муҳожир ва ансорлардан ҳеч ким иштирок этмади. Сарийя юборилишига сабаб – Бану Тамим бошқа қабилаларни

мусулмонларга қарши гиж-гижлаган ва уларни жизя тўлашларини ман қилган эди.

Уяйна ибн Ҳисн кундузлари яшириниб, тунлари йўл юриб бориб, уларга саҳрода ҳужум қилди. Қавм қочиб, тумтарақай бўлиб кетди. Улардан ўн бир эркак, йигирма бир аёл ва ўттиз болани қўлга олиб, Мадинага келтирди. Улар Рамла бинт Ҳориснинг ҳовлисига туширилди.

Улар ортидан қавмнинг бошлиқларидан ўнтаси етиб келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдига келишиб: «Эй Муҳаммад, чиқ бизнинг олдимизга!», деб қичқиришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар олдига чиқиб келдилар. Улар у зотга ёпишиб, ҳаммаси ҳар томондан гапира бошладилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан бир оз тургач, масжидга кириб, пешин намозини ўқидилар, сўнг масжид саҳнида ўтирдилар. Улар фахрланиш ва мақтанишда мусобақа қилиш рағбатини изҳор қилишди ва ичларида энг гапга чечан ва нотиқ бўлган Уторид ибн Ҳожибни олдинга чиқаришди. У бисотидаги гаплардан гапириб бўлгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом нотиқларидан Собит ибн Қайс ибн Шаммосни унинг гапларига жавоб айтишга чиқардилар. Кейин улар шоирлари Зибриқон ибн Бадрни чиқаришди, у ўзларини мақтаб шеър ўқиди. Унга Ислом шоири Ҳассон ибн Собит ўша заҳоти муносиб шеърий жавоб қайтарди.

Нотиқ ва шоирлар мусобақаси ниҳоясига етгач, Ақраъ ибн Ҳобис: «Унинг нотиғи бизнинг нотиғимиздан нотиқроқ, шоири ҳам бизнинг шоиримиздан шоирроқ экан, овозлари ҳам бизнинг овозимиздан баландроқ, сўзлари ҳам бизнинг сўзларимиздан олийроқ», деди. Сўнг улар Исломни қабул қилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни муносиб мукофотладилар ва уларга аёллари ва болаларини қайтариб бердилар.

* Тарихчилар мана шу равишда, ушбу сарийянинг 9-ҳижрийда юборилганини айтганлар. Бироқ, бу унча тўғри эмас. Чунки, воқеалар оқими Ақраъ ибн Ҳобиснинг бундан илгари мусулмон бўлмаган эканини кўрсатади. Ҳолбуки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳавозин асирларини қайтариб беришни сўраганларида Ақраъ ибн Ҳобис: «Аммо мен ва Бану Тамим асирларимизни бермаймиз», дегани айтиб ўтилган эди. Бу эса унинг мазкур сарийядан олдинроқ Исломни қабул қилганига далил бўлади.

2. 9-йил сафар ойида Тураба яқинидаги Табола қасабасининг Хасъам номли қишлоғига юборилган Қутба ибн Омир бошчилигидаги сарийя.

Қутба йигирма кишилик жамоа билан ўнта туяга навбатлашиб минишиб, айтилган манзилга етиб бориб, ҳамла қилди. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, ҳар икки томондан кўплаб жароҳатланганлар бўлди. Ўлдирилганлар орасида Қутба ибн Омирнинг ўзи ҳам бор эди.

Мусулмонлар туялар ва қўй-эчкиларни қўлга киритдилар, бир қанча хотинларни асира қилиб, Мадинага келтирдилар.

3. 9-йил рабиул-аввал ойида Бану Килобга юборилган Заҳҳок ибн Суфён Килобий бошчилигидаги сарийя.

Бу сарийя Бану Килоб қабиласини Исломга даъват қилиш учун юборилди. Улар бош тортишди ва икки ўртада уруш бўлиб, мусулмонлар уларни енгдилар ва улардан бир кишини ўлдирдилар.

4. 9-ҳижрийнинг рабиул-аввалида Жудда соҳилларига юборилган Алқама ибн Мужаззир Мудлижий бошчилигидаги уч юз кишилик сарийя.

Ушбу сарийя Жудда соҳиллари яқинида қароқчилик қилиш ва Макка аҳлини талаш мақсадида йиғилган ҳабашлар гуруҳига қарши юборилди. Алқама денгиздан ўтиб, оролга етиб борганида мусулмонларнинг келаётганидан дарак топган қароқчилар тўдаси қочиб қутулишди.

5. 9-ҳижрий рабиул-аввал ойида Той қабиласининг Фулс номли бутини вайрон қилиш учун юборилган Али ибн Аби Толиб бошчилигидаги сарийя.

Бир юз эллик кишидан иборат ушбу сарийя юзта туя ва элликта отга минган ҳолда йўлга чиқишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга битта қора ва битта оқ байроқ тикиб бердилар. Ушбу сарийя тонг пайти Оли Ҳотим маҳалласига ҳужум қилиб, у жойдаги бутни вайрон қилдилар ва асирлар, қўй-эчки ва туяларни қўлга киритдилар. Асирлар ичида Адий ибн Ҳотимнинг опаси ҳам бор эди, Адийнинг ўзи эса Шомга қочиб кетди. Мусулмонлар Фулсга қарашли хонадан учта қилич ва учта совут топдилар. Йўлда ғаниматларни бўлишиб олдилар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишлисини (хумсни) ажратиб қўйдилар. Ҳотим оиласидан бўлган асирларга тегмадилар.

Мадинага келганларидан сўнг Адий ибн Ҳотимнинг опаси Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан раҳм-шафқат кўрсатишларини сўраб: «Ё Росулуллоҳ, (ортимдан келувчи) вакилим ғойиб бўлди, отам ўтиб кетган, ўзим бир кампирман, қўлимдан бирон хизмат ҳам келмайди, менга раҳм қилиб қўйиб юборинг, Аллоҳ сизга раҳм қилсин», деди. **«Вакилинг ким эди?»,** деб сўрадилар. «Адий ибн Ҳотим», деб жавоб берди. **«Аллоҳ ва Росулидан қочиб кетган Адийми?»,** дедилар, сўнг ўтиб кетдилар. Эртаси куни аёл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яна кечаги сўзлари билан мурожаат қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кечаги гапларини айтиб, ўтиб кетдилар. Учинчи куни яна сўраган эди, унга марҳамат қилиб, озод қилдилар. Унинг ёнида бўлган бир киши – аёл (уни Али бўлса керак деб ўйлайди) унга: «У зотдан улов ҳам сўра», деб ўргатди. Сўраган эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга улов беришни буюрдилар.

Адий ибн Ҳотимнинг опаси Шомга, укаси Адийнинг олдига келиб, унга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўрган муомалани айтиб берди ва: «У киши отанг ҳам қилолмайдиган ишни қилдилар. Сен истасанг ҳам, истамасанг ҳам у кишининг олдига боришинг керак», деди. Шундан сўнг Адий ҳеч қандай омонлик олмаган ҳолда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди. У зотнинг уйларига кириб ўтирганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Нега қочиб кетасан? «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишдан қочасанми?! Бир Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот борлигини биласанми?!»,** дедилар у: «Йўқ», деди. У билан бир муддат гаплашдилар, сўнг: **«Сен «Аллоҳу акбар», деган сўздан қочасан. Ахир Аллоҳдан кўра буюкроқ бирон зот борлигини биласанми?!»,** дедилар. У: «Йўқ», деди. **«Яҳудлар Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган, насоролар эса адашган кишилардир»,** дедилар. Шунда Адий: «Мен ҳаниф (яъни, ҳақдан оғмаган Иброҳим алайҳис-салом динидаги) муслимман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари қувончдан ёришиб кетди. Сўнг уни ансорлардан бирининг ҳовлисига туширдилар. У эрта-ю кеч Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб турди. “Зодул маод”, 2/205.

Ибн Исҳоқнинг Адий ибн Ҳотимдан қилган ривоятида айтилади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида уни ўз олдига ўтиргизиб: **«Эй Адий ибн Ҳотим, сен ракусий** (насронийя ва собиийя ўртасидаги бир дин аҳли) **эмасмидинг?!»,** дедилар. Адий айтади: «Мен: Ҳа, шундай», деб жавоб бердим. **«Қавминг эришган ғаниматларнинг тўртдан бирини олиб қўймасмидинг?!»,** дедилар. «Ҳа, шундай қилардим», дедим. **«Бундай қилиш сенинг динингда ҳаром қилинган эди»,** дедилар. Мен: «Ҳа, тўғри айтасиз», дедим ва у кишининг бировлар билмайдиган ишларни биладиган ҳақ пайғамбар эканини билдим». “Ибн Ҳишом” 2/581.

Аҳмад ривоятида: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Адий, Исломни қабул қил, саломат қоласан»,** дедилар. «Мен диндорман», деб жавоб бердим. **«Мен сенинг динингни сендан кўра яхшироқ биламан»,** дедилар. «Қандай қилиб динимни мендан яхшироқ биласиз?», дедим. **«Сен ракусия аҳлидансан, қавмингнинг ўлжаларидан тўртдан бирини ейсан, шундай эмасми?!»,** дедилар. «Ҳа, тўғри», дедим. **«Бундай қилиш сенинг динингда ҳалол эмас»,** дедилар. Шундан сўнг мен у кишининг сўзларига тавозеъ билан қулоқ солиб турдим». “Муснад Имом Аҳмад”, 4/257, 258.

Имом Бухорийнинг Адийдан қилган ривоятида айтилади: «Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдим, бир киши муҳтожликдан шикоят қилиб келди, кейин яна бир киши йўлтўсарлардан шикоят қилиб келди. У зот: **«Эй Адий, Ҳийра шаҳрини кўрганмисан? Агар умринг узун бўлса, албатта**

кўрасанки, йўловчи аёл туя устидаги ҳавдаж (махсус ўриндиқ)**да Ҳийрадан сафар қилиб, Каъбани тавоф қилади, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайди** (яъни, ҳеч қандай йўлтўсарлар бўлмайди). **Агар умринг узун бўлса, албатта Кисронинг хазиналарини фатҳ қилинганини кўрасан. Агар умринг узун бўлса, албатта кўрасанки, бир одам кафтини тўлдириб тилла ёки кумуш кўтариб олиб, уни оладиган одамни қидириб тополмайди...»,** дедилар». Ҳадис охирида Адий айтади: «Мен аёл кишининг туя устида Ҳийрадан сафар қилиб, Каъбани тавоф қилганини ва йўлда Аллоҳдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмаганини кўрдим. Кисро ибн Ҳурмузнинг хазиналарини фатҳ этган кишилар орасида бўлдим. Агар умрларингиз узун бўлса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган кафтини тўлдириб тилла ё кумуш кўтариб юрган одамни албатта кўрасизлар».

"Саҳиҳул Бухорий", 1413, 1417, 3595, 6023, 6539, 6540, 6563, 7443, 7512–ҳадислар.

Табук ғазоти (9-ҳижрийнинг ражаб ойи)

Макка фатҳи ғазоти ҳақ билан ботил ўртасини ажрим қилиб берган ғазот бўлиб, ушбу ғазотдан кейин араб дунёсида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарликлари ҳақида умуман шубҳага ўрин қолмади. Шу боис воқеалар оқими тамоман ўзгариб, одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кириб келдилар. Буни биз қуйироқда элчилар келиши ҳақидаги бўлимда келтириб ўтадиган сатрлардан ва Ҳажжатул видоъда ҳозир бўлган ҳожилар ададидан ҳам билиб олса бўлади. Шундай қилиб, ички муаммолар барҳам топиб, мусулмонлар Аллоҳнинг шариатини таълим бериш ва Ислом даъватини ёйиш учун яхшигина фурсатга эга бўлдилар.

Ғазотнинг сабаби

Лекин, шу билан бирга, асоссиз равишда мусулмонларга қарши душманлик мавқифини тутган ташқи бир куч ҳам ўртага чиқдики, у ўша даврда ер юзидаги энг кучли ҳарбий қудратга эга бўлган румликлар эди. Аввал айтиб ўтилгани каби, бу адоват Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилари бўлмиш Ҳорис ибн Умайр Аздийни Шураҳбил ибн Амр Ғассоний тарафидан ўлдирилиши билан бошланган эди. Ўшанда Ҳорис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бусро ҳокимига йўллаган мактубини олиб кетаётган эди. Шу воқеадан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги сарийяни юборган, бу сарийя аъзолари Муътада румликлар билан қаттиқ тўқнаш келишган, золимлардан ўч олишга муваффақ бўлинмаган эса-да, ушбу тўқнашув чор-атрофдаги араблар дилида ўзининг жуда кучли таъсирини қолдирган эди.

Рум шоҳи Қайсар Муъта жангининг мусулмонлар фойдасига хизмат қилганидан ва шундан сўнг кўплаб араб қабилалари Қайсардан мустақилликка эришиб, мусулмонлар билан иттифоққа киришга интила бошлаганидан кўз юмиши мумкин эмасди. Чунки, бу унинг ҳудудлари

сари яқинлашиб келаётган жуда катта хатардан дарак берар ва араблар билан ёнма-ён жойлашган Шом диёрларига нисбатан таҳдид ҳисобланар эди. Шунинг учун у мусулмонлар енгиб бўлмас катта қудратга айланмасларидан ва Румга қўшни араб минтақаларида беқарорлик ва қўзғолонлар пайдо бўлмасдан туриб уларни янчиб ташлашга ва батамом тор-мор қилишга аҳд қилди.

Мана шуларни назарда тутган Қайсар Муъта жангидан бир йил ҳам ўтмай, румликлар ва уларга тобеъ бўлган Ғассон ва бошқа араб қабилалари иштирокида жуда катта қўшин ҳозирлай бошлади ва ҳал қилувчи қонли урушга тайёрлана бошлади.

Румликлар ва Ғассоннинг урушга тайёргарлиги ҳақидаги умумий хабарлар

Румликларнинг мусулмонлар билан аёвсиз урушга тайёргарлик кўраётганлари ҳақидаги хабарлар Мадинага тўхтовсиз келиб турар, Мадина аҳлини ҳар лаҳза хатарга дуч келиш хавфи ўраб олган, ҳатто бирон ғайри оддий овоз эшитилса, уни румликлар ҳужуми эмасмикин, деган хавотир билан кутиб олинадиган бўлиб қолганди. Бу нарса Умар ибн Хаттоб билан бўлган қуйидаги воқеада ҳам яққол кўринади.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу йили – 9-ҳижрийда бир ой аёлларидан ийло қилган (яъни, уларга яқинлашмасликка қасам ичган), улардан четланиб, бир ҳужрани маскан тутган эдилар. Саҳобалар аввал бошда бу ишнинг ҳақиқатига тушунолмай, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларини талоқ қилган бўлсалар керак, деган гумонга боришди ва кўнгилларини ташвиш, хавотир ва безовталик эгаллади. Умар ибн Хаттоб ушбу воқеа ҳақида сўзлар экан, шундай дейди: «Менинг бир ансорий биродарим бор эди. Биз Мадинанинг Аволийсида яшаганимиз боис навбат билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб турардик. У мен йўқлигимда бўлган ишлар хабарини менга етказиб келар, мен ҳам у йўқлигида бўлган ишлар хабарини унга етказиб турардим. Ўша кунлари Ғассон подшоҳларидан бирининг Мадина устига ҳужум қилиши ҳақида хабарлар тарқалган ва бизнинг дилларимиз хавотир билан тўлган эди. Бир куни ансорий биродарим эшикни қаттиқ қоқиб: «Оч, оч!», дея бошлади. Шунда мен: «Нима гап, Ғассоний бостириб келдими?», деб сўрадим. У: «Ундан ҳам ёмонроқ хабар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларидан четланибдилар», деди...». “Саҳиҳул Бухорий”, 2/ 730.

Бошқа бир ривоятда айтади: «Ғассонликлар бизга қарши урушга тайёрланаётганлари ҳақида гап-сўзлар юрган кунлар эди. Биродарим ўзининг навбати куни шаҳарга тушиб кетди ва хуфтон маҳали қайтиб келиб, эшигимни қаттиқ ура бошлади ва: «Ухлаяптими у?», деб сўради. Мен қўрқиб кетдим ва шошилиб унинг олдига чиқиб: «Нима бўлди? Ғассон бостириб келдими?», деб сўрадим. У: «Йўқ, бундан ҳам

ёмонроқ иш бўлди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларини талоқ қилибдилар», деди...». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/ 334.

Бу эса мусулмонларнинг румликларга нисбатан тутган ғоят хавотирли муносабатларидан дарак берарди. Боз устига, ушбу хавотирли хабарлар Мадинага келиб турган кунлари мунофиқлардан содир бўлган бир иш дард устига чипқон бўлди. Мунофиқлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча жабҳаларда ғалабага эришаётганларини ва ер юзидаги ҳеч бир шоҳу султондан қўрқмасликларини, у зотнинг йўлларига тўғаноқ бўлаётган ҳар қандай тўсиқлар қулаб битаётганини кўриб туриб ҳам, дилларида яширин мақсадларини амалга ошириш ниятидан қайтмаган эдилар, Исломга ва мусулмонлар бошига ёмонлик етишини кутиб яшашдан чарчамаган эдилар. Қадимий орзулари ушалишига бир баҳя қолгандек туюлган шу кунларда улар зоҳирда масжид суратида, аслида эса ўз фитна ва макр-ҳийлаларига ўчоқ бўлиши учун бир марказ барпо қилдилар. У зирор (мўминларга зарар етказиш) масжиди бўлиб, уни куфрни кучайтириш ва мўминлар орасига тафриқа солиш ҳамда Аллоҳ ва Росулига қарши урушган кимсаларга кўз тутиш учун қурган эдилар. Сўнг улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу масжидларида намоз ўқиб беришларини сўрадилар. Бу билан уларнинг мақсадлари мўминларни чалғитиш, мўминларга қарши у ерда тўқилажак фитна ва фириб-найранг тўрларидан уларни ғофил қолдириш, унга кириб-чиқаётган кимсалардан мўминлар эътиборини буриш бўлиб, бу бино мунофиқлар ва уларнинг хориждаги ҳамтовоқлари учун бехавотир гўшага айланишини истаган эдилар. Лекин, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушга ҳозирлик билан банд бўлганлари учун у ерда намоз ўқишни кейинга қолдирдилар. Мунофиқлар ниятларига эришолмадилар, Аллоҳнинг Ўзи уларни шарманда қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазотдан қайтиб келганларидан сўнг ушбу масжидда намоз ўқиш ўрнига, аксинча, уни буздириб юбордилар.

Рум ва Ғассоннинг тайёргарлиги ҳақида хос хабарлар

Шу орада Шомдан Мадинага мой келтирган нибтлик савдогарлар Ҳирақл қирқ минг аскардан иборат улкан қўшин жамғаргани, унинг бош қўмондонлигини Рум лашкарбошиларидан бирига топширгани, бу қўшин сафига Лахм, Жузом ва бошқа насроний араб қабилаларини ҳам жалб этгани, қўшиннинг олдинги қисми Балқога етгани ҳақида хабар келтирдилар. Шу билан мусулмонлар кўз ўнгида уларни нақадар кенг кўламдаги хатар кутиб тургани янада очиқ маълум бўлди.

Вазиятни яна-да оғирлаштирадиган ҳолат

Вазият шуниси билан ҳам оғир эдики, бу давр ёзнинг айни қаттиқ қизиган кунларига тўғри келган, қурғоқчилик ва иқтисодий танглик сабабли одамлар жуда қийин аҳволда турган, унинг устига мевалар энди пишиб келаётган ва одамлар боғ-роғлари ва соя-салқин

жойларида ўтиришни ёқтирадиган ва сафарга чиқишни ёқтирмайдиган бир пайт эди. Боз устига, масофа ҳам узоқ, йўл эса оғир ва машаққатли эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлга чиқишга қатъий қарор қабул қиладилар

Лекин, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вазиятга бундан кўра чуқурроқ ёндашиб, воқеалар ривожини тийрак нигоҳ билан кузатиб, донолик билан таҳлил қилиб бораётган эдилар. Охир-оқибат, агар мана шундай қалтис шароитда Румга қарши урушга эриниб, сусткашлик қилинса, румликларни Ислом ҳукми ва нуфузи остидаги минтақаларда кезиб юришига ва Мадинага бостириб келишига йўл қўйиб берилса, бу Исломий даъватга ва мусулмонларнинг ҳарбий шон-шавкатларига жуда ёмон таъсир кўрсатади, деган хулосага келдилар. У ҳолда Ҳунайндаги қақшатқич мағлубиятдан сўнг ўзининг охирги нафасларини олаётган жоҳилият яна қайта жонланиши, мусулмонларга ёмонлик етишини кутиб юрган ва Абу Омир Фосиқ воситасида Рум шоҳи билан алоқада бўлиб турган мунофиқлар Рум қўшини мусулмонларга олди томондан ҳамла қилган чоғда орқадан туриб улар орқасига пичоқ уриши тайин эди. Оқибатда у зот ва асҳоблари Исломни ёйиш учун сарфлаган шунча куч-ҳаракатлар зое бўлиб, давомий қонли жанглар ва ҳарбий амалиётлар орқасидан улар эришган барча муваффақиятлар қўлдан бой берилар эди.

Мана шулардан келиб чиқиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қанча оғир ва машаққатли ҳолат бўлмасин, йўлга отланишга ва румликлар билан уларнинг ўз ҳудудларида уруш олиб боришга, уларни Ислом диёрига бостириб келишларига йўл қўймасликка қатъий қарор қилдилар.

Румликларга қарши урушга тайёргарлик эълон қилиниши

Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига урушга тайёрланиш ҳақида фармон бердилар. Макка аҳлига ва бошқа араб қабилаларига элчи юбориб, уларни ҳам бу урушга сафарбар қилдилар. Кўпинча, жангга чиқмоқчи бўлсалар, уни бошқалардан сир тутишга уринардилар. Бу сафар вазиятнинг ғоят оғирлиги ва шароитнинг ўта қийинлигидан келиб чиқиб, Румга қарши урушга отланаётганлари ҳақида очиқ эълон қилдилар, одамлар мукаммал тайёргарлик кўришлари учун уларга ҳолатни очиқ баён қилдилар ва уларни жиҳодга тарғиб қилдилар. “Бароъа” сурасида мусулмонларни матонатга чорловчи ва жиҳодга ундовчи оятлар нозил бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни Аллоҳ йўлида инфоқ қилишга ва энг яхши молларини сарфлашга ундадилар.

Мусулмонлар жангга ҳозирлик кўришда мусобақалашадилар

Мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Румга қарши урушга чорловчи овозларини эшитгач, ўша заҳоти ушбу фармонга бўйсунишга шошилдилар ва зудлик билан урушга ҳозирлик

кўра бошладилар. Чор-атрофдан қавму қабилалар Мадинага оқиб кела бошлади. Мусулмонлардан бирон киши ҳам ушбу жангдан қолишни истамади, қалбларида мараз бўлган кимсалар ва холис мусулмонлардан уч киши бундан мустасно – ҳатто, камбағал ва муҳтож кишилар ҳам румликларга қарши жангга чиқиш истагини билдириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзлари учун от-улов ва қурол-аслаҳалар сўраб келишарди,

... قُلْتَ لَآ أَجِدُ مَآ أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ تَوَلَّوا۟ وَّأَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ ٱلدَّمْعِ حَزَنًا

أَلَّا يَجِدُوا۟ مَا يُنفِقُونَ ﴿٩٢﴾

«...Уларга: «Сизларни миндириб юборадиган улов йўқ-ку», деганингизда (жиҳод учун) **ишлатиладиган бирон нарса топа олмаганлари учун ғамгин бўлишиб, кўзларидан ёш тўкиб, қайтиб кетган кишиларни ҳам айблашга ҳеч қандай йўл йўқдир».**

“Тавба” сураси, 92-оятдан.

Ундан ташқари, мусулмонлар уруш тайёргарлиги учун пул-мол сарф қилиш ва садақотлар беришда ҳам ўзаро мусобақага киришдилар. Усмон ибн Аффон Шомга юборишга бир карвон тайёрлаб қўйган эди, 200 туялик ўша карвонини устидаги анжомлари билан, яна 200 увқия кумушни ҳам қўшиб, Аллоҳ йўлида садақа қилди. Сўнг яна 100 туяни эгар-жабдуқлари билан келтириб берди. Сўнг 1000 динор келтириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг этакларига тўкди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу тиллаларни этакларида айлантириб туриб: **«Усмонга бугундан кейин нима иш қилса ҳам зарари йўқдир»,** дедилар.

“Жомеъут-Термизий”, “Усмон ибн Аффоннинг сифатлари”, 2/211.

Усмон кейин ҳам қайта-қайта садақа қилди, ҳатто унинг садақаси миқдори пуллардан ташқари 900 туя ва 100 отга етди.

Абдурраҳмон ибн Авф 200 увқия кумуш келтириб берди. Абу Бакр Сиддиқ бор молини – яъни, 4000 дирҳам келтириб берди, аҳли-оиласи учун Аллоҳу Росулидан бошқа нарсани қолдирмади. Буни у ҳаммадан биринчи бўлиб олиб келган эди. Умар ибн Хаттоб ярим мол-дунёсини келтирди. Аббос ҳам анчагина мол келтирди. Талҳа, Саъд ибн Убода, Муҳаммад ибн Масламалар ҳам кўп пул-мол келтириб бердилар. Осим ибн Адий тўқсон васақ (васақ – 130,6 кг миқдорига тенг бўлган ўлчов) хурмо олиб келди. Бошқалар ҳам озми, кўпми, ўз садақаларини келтириб беришди. Ҳатто, баъзилар бир-икки муд (ҳовуч) бўлса ҳам топганича нарса келтирдилар. Аёллар ҳам қодир бўлганларича билагузук, сирға, узук каби ҳар хил тақинчоқларини юбордилар.

Мунофиқлардан бошқа ҳеч ким бу ишдан четда қолгиси келмади, фақат мунофиқларгина:

ٱلَّذِينَ يَلۡمِزُونَ ٱلۡمُطَّوِّعِينَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ فِي ٱلصَّدَقَٰتِ وَٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ إِلَّا جُهۡدَهُمۡ فَيَسۡخَرُونَ مِنۡهُمۡ ... ﴿٧٩﴾

«Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақотлар қилувчи кишиларни ва (инфоқ-эҳсон қилиш учун) **кучлари етган нарсани топиб келган кишиларни айблаб, масхара қиладиган кимса** (мунофиқ)**лар борки,...»** "Тавба" сураси, 79-оятдан.

Ислом лашкари Табукка йўл олади

Қўшиннинг тайёргарлиги шу тарзда амалга оширилгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага Муҳаммад ибн Маслама Ансорийни халифа қилиб қолдирдилар, айримлар Сибоъ ибн Урфутани халифа қилганлар ҳам дейишган. Ўз аҳли-оилаларига Али ибн Аби Толибни бош-қош қилиб қолдирдилар. Мунофиқлар ҳар хил пичинг гаплар қилишгач, Али ҳам йўлга чиқиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олди. Шунда у зот: **«Менга нисбатан Ҳоруннинг Мусога нисбатан тутган ўрнида бўлишга рози бўлмайсизми?! Фақат** (ўртадаги фарқ шуки,) **мендан кейин пайғамбар йўқдир»,** деб, уни яна Мадинага қайтариб юбордилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайшанба куни Табукни қасд қилиб, шимол томонга қараб ҳаракатланишни бошладилар. Қўшин жуда ҳам улкан – 30000 жангчидан иборат бўлиб, мусулмонлар ҳар қанча мол сарфлаганларига қарамай, уни мукаммал ва тўла-тўкис жиҳозлаш имкони бўлмаган, қўшинда озиқ-овқат ва от-уловга бўлган қаттиқ тақчиллик сезилиб турарди. Ўн саккиз киши битта туяни навбатлашиб минишар, кўпинча очликдан дарахт баргларини ейишганидан оғизлари шишиб, ёрилиб кетарди. Туялар тақчиллигига қарамай, уларнинг қоринлари ичидаги сувларни ичиш мақсадида уларни сўйишга ҳам мажбур бўлишарди. Шу боисдан ушбу қўшин «жайшул-усра» (қийинчилик лашкари), деб ном олди.

Исломий қўшин Табукка қараб борар экан, йўлда Ҳижрдан – харсанг тошларни кесиб ўзларига уйлар солиб олган Самуд қавми диёри бўлмиш Қуро водийсидан ўтдилар. У ердаги қудуқдан сув ичмоқчи бўлганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унинг сувидан ичманглар, таҳорат ҳам олманглар! Ўша сувдан хамир қорган бўлсангиз, уни туяларга бериб юборинглар, ундан ўзларингиз еманглар!»,** деб буюрдилар ва Аллоҳнинг пайғамбари Солиҳ алайҳис-саломнинг туялари сув ичгани келадиган қудуқдан сув тортиб ичишга буюрдилар.

«Саҳиҳайн»да Ибн Умардан ривоят қилинишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳижрдан ўтаётганларида: **«Ўзларига зулм қилган кимсаларнинг турар жойларига киргудек бўлсангиз, фақат йиғлаган ҳолда киринглар, токи уларга етган бало сизларга**

ҳам етиб қолмасин», дедилар, сўнг бошларини ўраб олиб, то водийдан ўтиб кетгунча юришни тезлатдилар. “Саҳиҳул Бухорий”, 2/637.

Йўлда қўшин қаттиқ ташналикдан қийналиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилганларида у зот Аллоҳга дуо қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло бир булут юбориб, ёмғир ёғдириб берди, одамлар шу билан сувга бўлган эҳтиёжларини қондирдилар.

Табукка яқин қолганида: **«Иншооллоҳ, эртага Табук чашмасига етиб борасизлар. Унга чошгоҳ маҳалидагина етиб борасизлар. Ким аввал етиб борса, то мен бормагунимча унинг сувига қўл текизмасин!»,** дедилар. Муоз айтади: «Биз борганимизда икки киши авалроқ етиб келган экан. Булоқдан оёқ кийимнинг ипидек ингичка бўлиб, озгина сув оқиб чиқаётган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалиги икковидан: **«Булоқ сувига тегдиларингми?»,** деб сўрадилар. Улар: «Ҳа», дейишди. Уларни койиб, Аллоҳ истаганича сўзларни айтдилар. Сўнг булоқдан ҳовучларида оз-оздан сув олиб, бир оз миқдорда сув тўплаб, у билан юз-қўлларини ювдилар, кейин уни булоққа қайтариб тўккан эдилар, ундан тўлиб-тошиб сув чиқа бошлади. Ҳамма шу сувдан баҳраманд бўлди. Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Муоз, агар умринг узун бўлса, мана шу атрофларни боғ-роғ билан тўлганини кўрасан»,** дедилар.

Имом Муслим, 2/246.

Йўлда – бир ривоятда Табукка етганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу кеча қаттиқ бўрон бўлади. Шунда ҳеч кимингиз ўрнидан турмасин. Туяси борлар туясини маҳкам тушовлаб қўйсин»,** дедилар. Тунга бориб қаттиқ бўрон турди. Бир киши ўрнидан турган экан, уни шамол учириб, Тоййиъ тоғларига олиб бориб ташлади. Имом Муслим, 2/246.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатлари бўйича, йўлда пешин билан асрни ва шом билан хуфтонни улардан бирининг вақтида жамлаб ўқиб бордилар.

Ислом қўшини Табукда

Ислом лашкари Табукка тушиб, лашкаргоҳ қурди ва душман билан тўқнашувга ҳозирлана бошлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга пурмаъно сўзлар билан жуда таъсирчан ваъз-насиҳат қилдилар, уларни дунё ва охират яхшилигига чорладилар, хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи сўзлар билан мурожаат қилдилар. Шу билан уларнинг руҳиятларини кўтардилар, озиқ-овқат ва моддий таъминот етишмаслигидан юзага келган бўшлиқни тўлдирдилар ва яраларига малҳам қўйдилар. Румликлар ва уларнинг иттифоқчилари эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бостириб келганлари хабарини эшитиб, дилларига қўрқув оралади ва мусулмонлар билан тўқнашишга юраклари бетламай, мамлакат бўйлаб, ўз ҳудудлари ичида тарқалиб кетишди. Бу эса жазира ичкарисида ва унинг атрофларида мусулмонларнинг ҳарбий обрў-

эътиборлари ошишига жуда катта таъсир кўрсатди, бу билан мусулмонлар ғоят муҳим ва катта сиёсий устунликни қўлга киритдиларки, эҳтимол, душман билан амалий равишда тўқнашган чоғларида ҳам бу даражада юксак нуфузга эриша олмасликлари мумкин эди.

Айла ҳокими Юҳанна ибн Руъба келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сулҳ тузишга эришди ва жизя тўлади. Жарбоъ ва Азруҳ аҳллари ҳам келиб, жизя беришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга омонлик хати ёзиб бердилар. Мийноъ аҳли ўзларидан чиққан ҳосилнинг тўртдан бирини беришга сулҳ туздилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Айла соҳибига қуйидаги хатни ёзиб бердилар: **«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу Аллоҳ томонидан ва Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан Юҳанна ибн Руъбага ва бутун Айла аҳлига берилган омонлик хатидир. Уларнинг кемалари ва қуруқликдаги карвонлари Аллоҳнинг, Муҳаммад пайғамбарнинг ва у билан бирга бўлган Шом аҳли ва денгиз аҳлининг ҳимоясидадир. Улар** (яъни, Айла аҳли)**дан қай бир киши аҳдни бузса, унинг жони омонда бўлса ҳам, моли талонда бўлиб, уни олганлар учун ҳалолдир. Уларни ўзлари истаган сувдан ёки юрмоқчи бўлган қуруқлик ва сув йўлидан тўсиш мумкин эмасдир».**

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валидни 420 отлиқ билан Дувматул Жандал ҳокими Укайдир ҳузурига юбордилар ва унга: **«Сиз уни сигир овлаётган ҳолда топасиз»,** дедилар. Холид етиб бориб, унинг қалъасидан кўз илғарлик масофада турганида бир ёввойи сигир келиб, шохларини қаср дарвозасига ишқалай бошлади. Шунда Укайдир уни овлаш учун чиқиб келди. Тун ойдин эди. Холид ибн Валид ўз отлиқлари билан бориб, уни қўлга тушириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келтирди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қонидан кечдилар ва у билан сулҳ туздилар. Сулҳга кўра у 2000 та туя, 800 бош қул-чўри, 400 та совут, 400 та найза берди ва жизя тўлашга рози бўлди. Унга ҳам Юҳанна билан бирга Дувма, Табук, Айла ва Таймоъга қилган ҳукмларини қилиб, уларга омонлик хати ёзиб бердилар.

Румликлар фойдасига ишлаётган қабилалар ҳам бундан буёғига эски хожаларига суяниш вақти ўтганига ишонч ҳосил қилишиб, мусулмонлар томонга юз бура бошладилар. Шундай қилиб, Ислом давлатининг ҳудудлари кенгайиб, бевосита Рум чегараларига етиб борди.

Мадинага қайтишлари

Ислом лашкари Табукдан музаффар ва ғолиб бўлиб, бирон талафот кўрмай қайтиб келди. Аллоҳ таолонинг ўзи мўминларни машаққатли урушга киришдан озод қилди. Йўлда қайтаётганларида бир тор дара

ичида мунофиқлардан ўн икки нафари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилишга уринишди. Бу шундай бўлди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша дарадан ўтиб бораётганларида Аммор у зотнинг туялари тизгинидан тутиб бораётган, Ҳузайфа ибн Ямон туяни ҳайдаб бораётган эди. Одамлар эса водий оралаб юриб бораётган эдилар. Ҳалиги мунофиқлар қулай фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки саҳоба ҳамроҳлигида юриб борарканлар, орқадан кимларнингдир шарпаси сезилди. Юзларига ниқоб тутган бир гуруҳ кишилар ёпирилиб келаётган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳузайфага буюрдилар, у қўлидаги таёқ билан улар минган туяларнинг бошларига ура бошлади ва туялар ҳуркиб, ортга тисарилдилар. Аллоҳ таоло уларнинг дилига қўрқув солиб қўйди ва улар тезлик билан орқаларига қайтиб, одамлар ичига сингиб кетишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг исмларини ва қилмоқчи бўлган ишларини айтиб бердилар. Шу боисдан Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирлари соҳиби, деб аталарди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят ҳам нозил қилган эди:

...وَهَمُّواْ بِمَا لَمۡ يَنَالُواْۚ ...

«...ҳамда ўзлари етолмаган нарса (яъни пайғамбар жонига суиқасд қилиш)**га қасд қилган эдилар...».** “Тавба” сураси, 74-оятдан.

Узоқдан Мадинанинг белгилари кўрингач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу Тоба** (пок шаҳар)**, бу эса** (тоғни кўрсатиб) **бизни яхши кўрадиган ва биз ҳам уни севадиган Уҳуддир»,** дедилар. У зотнинг келаётганлари хабарини эшитган одамлар кутиб олгани чиқиб келдилар. Аёллар ва болалар қўшинни зўр қувонч билан, «Толаъал бадру» деб бошланувчи («Бизларга Вадоъ тепаликларидан тўлин ой кўринди, то Қиёмат шукр айтмоқ зиммамизга вожиб бўлди», деган мазмундаги) қўшиқни куйлаб кутиб олишди.

طلع البدر علينا ** من ثنيات الوداع

وجب الشكر علينا ** ما دعا للع داع

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Табукдан қайтиб, Мадинага кириб келишлари 9-ҳижрийнинг ражаб ойига тўғри келади.

Бу Ибн Қоййимнинг фикри бўлиб, у Ибн Исҳоқ айтган фикрдан кўра тўғрироқдир. Унинг айтишича, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтиб келишлари рамазонга тўғри келган экан. У ҳолда у зотнинг Табукка йўл олишлари 2-ражаб, пайшанба кунига, яъни октябр ойининг 25-кунига тўғри келади. Ваҳоланки, йилнинг бу даври иссиқ бир мунча пасайган, айниқса эрталаб ва кечқурунлари анча салқин тушиб қолган пайт бўлади. Хурмо ҳосиллари ҳам пишиб,

йиғиштирилган бўлади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Табукка қаттиқ иссиқда, хурмолар энди пишиб етилаётган кунларда йўл олганлар. Қолаверса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу йилнинг шаъбон ойида, қизлари Умму Кулсум вафот этганида Мадинада бор эдилар. Саҳиҳ гап шуки, у зот Мадинага ражаб ойида қайтиб келганлар, Табукка йўл олишлари эса бундан эллик кун муқаддам, жумодул-ууло ойида бўлган.

Ушбу ғазотга бориб келишларига эллик кун кетди. Ундан йигирма кунида Табукда турдилар, қолганини йўлда ўтказдилар. Ушбу ғазот Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирок этган охирги ғазотдир.

Ушбу ғазотдан қолиб кетганлар

Табук ғазоти унинг ўзигагина хос бўлган сабаб ва шарт-шароитлар туфайли Аллоҳ таоло томонидан мўминлар учун жуда катта имтиҳон бўлди. Унда бошқа шу каби ўринларда бўлганидек, мўминлар бошқалардан ажралдилар. Аллоҳ таоло айтганидек:

مَّا كَانَ ٱللَّهُ لِيَذَرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ ۗ ... ﴿١٧٩﴾

«Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни, ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) **ташлаб қўювчи эмас. Ҳали у** (Уҳудда мунофиқларни мўминлардан ажратиб қўйгани каби) **нопокни покдан ажратади...»** (“Оли Имрон” сураси, 179-оятдан). Чин мўминлардан ҳеч қайсилари ушбу ғазотдан ўзларини четга олмасдан, ҳаммалари унга чиқиб бордилар, ҳатто ундан қолиш мунофиқлик белгиси бўлиб саналиб қолди. Бирон киши ундан қолиб кетган бўлса, бу ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар берилганида у зот: **«Қўяверинглар, агар у одамда яхшилик бўлса, Аллоҳ ўзи уни сизларга етказиб қўяди. Агар бошқача бўлса, Аллоҳ ундан сизларни қутқарган бўлади»,** дердилар. Ушбу ғазотдан фақат бирон узрлари бўлган кишиларгина ёки Аллоҳ ва Росулини ёлғончи санаган мунофиқларгина ёлғондан узр айтишиб ё умуман узр ҳам айтмасдан қолдилар. Тўғри, ҳақиқий мўминлардан уч нафари ҳам ҳеч қандай узрли сабабсиз қолиб кетишди. Улар Аллоҳнинг синовига дучор бўлиб, кейин Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилган кишилар эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кириб келгач, энг аввал масжидга кириб, икки ракаат намоз ўқидилар, сўнг одамларнинг узр-маъзур айтишларини эшитиб ўтирдилар. Мунофиқлар – саксондан ортиқроқ киши келиб, ҳар хил узрлар айтиб, қасам ичишди. Уларнинг зоҳирий сўзларини қабул қилиб, байъат қилдилар. Улар учун истиғфор айтиб, дилларини Аллоҳга топширдилар.

Аммо, уч нафар чин мўминлар – Каъб ибн Молик, Мурора ибн Рабиъ ва Ҳилол ибн Умайя эса тўғрисини, яъни ҳеч қандай узрсиз қолишганини айтишга қарор қилдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни бу уч киши билан гаплашишдан ман қилдилар. Улардан батамом алоқалар узиб қўйилди, уларга нисбатан мусулмонларнинг муомалалари ўзгарди. Ер ҳам уларни сиғдирмай қолди, кенг ер кўзларига тор бўлиб, жуда оғир ва танг аҳволда қолдилар. Жазо чоралари бошланганидан қирқ кун ўтгач, уларга аёлларидан ҳам четланиш буюрилди. Фақат эллик кундан кейингина Аллоҳ таоло уларнинг тавбаларини қабул қилиб, оят нозил қилди:

وَعَلَى ٱلثَّلَٰثَةِ ٱلَّذِينَ خُلِّفُواْ حَتَّىٰٓ إِذَا ضَاقَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلۡأَرۡضُ بِمَا رَحُبَتۡ وَضَاقَتۡ عَلَيۡهِمۡ أَنفُسُهُمۡ وَظَنُّوٓاْ أَن لَّا مَلۡجَأَ مِنَ ٱللَّهِ إِلَّآ إِلَيۡهِ ثُمَّ تَابَ عَلَيۡهِمۡ لِيَتُوبُوٓاْۚ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١١٨﴾

«Яна ўша уч кишининг (тавбаларини ҳам қабул қилдики), **то уларга кенг ер торлик килиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Аллоҳ** (нинг ғазаби)**дан фақат Унинг Ўзига тавба қилиш билангина қутулиш мумкин эканини билгунларича** (тавбалари) **қолдирилган эди** (яъни, тавба қилишга муваффақ бўлмаган эдилар). **Сўнгра** (Аллоҳ) **тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир».**

“Тавба” сураси, 118-оят.

Мусулмонлар кўп хурсанд бўлдилар ва уларни муборакбод этдилар, учовларининг эса шодликларининг чек-чегараси йўқ эди. Улар тавбалари мақбул бўлгани шукронасига садақот ва хайру эҳсонлар қилдилар. Бу кун уларнинг ҳаётларидаги энг бахтли кун бўлиб қолди.

Ҳақиқий узр сабабли чиқолмай қолган кишилар ҳақида Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди:

لَّيۡسَ عَلَى ٱلضُّعَفَآءِ وَلَا عَلَى ٱلۡمَرۡضَىٰ وَلَا عَلَى ٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ مَا يُنفِقُونَ حَرَجٌ إِذَا نَصَحُواْ لِلَّهِ وَرَسُولِهِۦۚ... ﴿٩١﴾

«Ожиз-нотавонларга, хасталарга ва (жиҳод учун) **бергани ҳеч нарса топа олмаётган кишиларга – агар улар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари учун холис бўлсалар, – бирон хараж – гуноҳ йўқдир...».**

“Тавба” сураси, 91-оятдан.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага яқинлашганларида улар ҳақида: «Ё Росулуллоҳ, улар

Мадинадамилар?», деб сўралганда: **«Улар Мадинадалар»,** деб жавоб бергандилар.

Ушбу ғазотнинг таъсири

Ушбу ғазотнинг Араб жазирасида мусулмонларнинг нуфузлари ортиши ва кучайишига таъсири жуда катта бўлди. Одамлар араб оламида Исломдан ўзга бирон куч яшаб қололмаслигига амин бўлдилар. Мусулмонлар бошига кулфат ёғилишини кутиб яшаётган жоҳил ва мунофиқ кимсаларнинг сўнгги умидлари ҳам пучга чиқди. Чунки, улар бор орзу-умидларини румликларга боғлаган эдилар. Мана шу ғазотдан кейин улар ҳам писиб, биқиниб юришга мажбур бўлдилар, воқеъга таслим бўлишдан ўзга чора топмадилар.

Эндиликда мусулмонларнинг мунофиқларга юмшоқ ва мулойимлик билан муомала қилишларига ўрин қолмади. Аллоҳ таоло уларга қаттиққўллик билан муомала қилишга буюрди, садақаларини қабул қилишдан, уларга жаноза намози ўқишдан, уларга истиғфор айтиш ва қабрлари устида туришдан қайтарди. Уларнинг масжид исми билан қуриб олишган макр-ҳийла ва фитна ўчоқларини бузиб ташлашга буюрди. Уларни шармандаю шармисор қиладиган ва шундан кейин уларни таниб олиш қийин бўлмайдиган оятларни туширдики, ушбу оятларда гўё уларни исмлари билан зикр қилингандек, Мадина аҳли гап ким ҳақида бораётганини аниқ-тиниқ билиб турарди.

Ушбу ғазотнинг араб оламидаги таъсирини шундан ҳам билса бўладики, араб қабилалари Макка фатҳидан сал аввалроқдан бошлаб ва ундан кейин анча-мунча Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига вакиллар юбора бошлаган бўлсалар, бу ғазотдан кейин энди уларнинг нисбати мисли кўрилмаган даражада ортиб кетди.

Имом Муслим, 2/246.

“Ибн Ҳишом”, 2/515-537; “Зодул маод” 3/2-13; “Саҳиҳул Бухорий”, 1/252, 414, 2/633-637; “Саҳиҳ Муслим”, 2/246; “Фатҳул Борий”, 8/110-126.

Ушбу ғазот мавзусида Қуръон оятлари нозил бўлиши

“Бароъа” сурасининг кўпгина оятлари ушбу ғазот мавзуси доирасида нозил бўлди. Улардан баъзилари ғазотга чиқиб кетишдан олдин, баъзилари чиқилгандан кейин – сафарда эканларида, баъзилари эса Мадинага қайтиб келганларидан сўнг нозил бўлди. Оятлар ғазотнинг айрим ҳолат ва кўринишларини, мунофиқларнинг шармандали ишларини, ушбу ғазотда иштирок этган ёки этмаган мужоҳид ва мухлис мўминларнинг фазилатларини ва шу каби ишлар баёнини ўз ичига олган эди.

Шу йили бўлиб ўтган баъзи муҳим воқеалар

Шу йили тарихий аҳамиятга молик айрим воқеалар бўлиб ўтди:

1. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукдан қайтиб келганларидан кейин Уваймир Ажлоний билан аёли ўртасида «лиъон» (лиъон – аёлини зино устида ушлаганини даъво қилган одам агар бу даъвосига тўртта гувоҳ келтира олмаса, аёли ҳам гуноҳига иқрор бўлмаса, ҳар

иккаласи қози олдида ўзининг ҳақлигини айтиб, тўрт марта гувоҳлик беради ва бешинчисида эр: «Агар гапим ёлғон бўлса, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», деб қасам ичади, аёл ҳам бешинчисида: «Агар унинг гапи рост бўлса, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейди (таржимондан) содир бўлди.

2. Зино қилганини эътироф этиб келган Ғомид қабиласилик аёлга тошбўрон қилиш ҳукми ижро этилди, уни ҳомиласини туққанидан ва ўғлини сутдан ажратганидан сўнг тошбўрон қилинди.

3. Ҳабашистон подшоҳи Асҳама Нажоший шу йилнинг ражаб ойида вафот этди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Мадинада ғойибона жаноза намозини ўқидилар.

4. Шаъбон ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Умму Кулсум вафот этди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп қайғурдилар, Усмонга: **«Агар учинчи қизим бўлса, уни ҳам сизга берган бўлардим»,** дедилар.

5. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукдан қайтганларидан сўнг мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга истиғфор айтдилар, унга жаноза ўқидилар. Умар розияллоҳу анҳу у зотни бундай қилишдан қайтаришга уриниб кўрди. Кейинроқ Умарнинг фикрини тўғри санаб, оят нозил бўлди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу бошчилигида ҳаж ибодати адо этилиши

Шу йил, яъни 9-ҳижрийнинг зул-қаъда ёки зул-ҳижжа ойида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни мусулмонларга бош бўлиб ҳаж ибодатини адо этиши учун юбордилар.

Кейин “Бароъа” сурасининг аввалидаги кофирлар билан аҳдларни бекор қилиниши ҳақидаги оятлар нозил бўлди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам арабларнинг қонлар ва моллар ҳақидаги аҳдлар борасидаги одатларича, Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳуни ушбу оятларни эълон қилиш учун ўзлари томонидан вакил қилиб юбордилар. Али Аражда ёки Зожнонда Абу Бакрга етиб олди. Абу Бакрнинг: «Амир бўлиб келаяпсизми, тобеъ бўлибми?», деган саволига: «Тобеъ бўлиб», деб жавоб берди. Маккага етиб боргач, Абу Бакр одамларга ҳаж ибодатларини адо этишда бош-қош бўлдилар. Наҳр (қурбон ҳайити) куни Али ибн Аби Толиб Жамрада туриб, одамларга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етказишга буюрган омонатни эълон қилди, аҳд эгаларининг аҳдини бекор қилди ва уларга тўрт ой муҳлат берди. Шунингдек, ўртада ҳеч қандай аҳд бўлмаган қавмларга ҳам тўрт ой муҳлат белгилади. Мусулмонлар билан тузилган аҳдида турган ва уларга қарши ҳеч қандай ҳаракатларга қўшилмаган кишиларнинг аҳдларини то муҳлати тамом бўлгунига қадар қолдирди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу одамлар ичида: «Билиб қўйинглар, бу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмайди, Байтни яланғоч одам тавоф қилмайди», деб эълон қилдирди.

Бу эълон Араб жазирасида бутпарастликнинг тамомила битгани ва бундан кейин энди қайтиб келмаслигини эълон қилиш ўрнида бўлди.

«Саҳиҳул Бухорий», 1/220, 451, 2/626, 671; «Зодул маод», 3/25, 26; «Ибн Ҳишом», 2/543-546.

Ғазотларга бир назар

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғазот ва сарийяларига чуқурроқ назар ташласак, на биз, на урушлар ва уларнинг асоратлари ҳақида фикр юритган ҳар қандай одам қуйидаги хулосага келишдан ўзга чора тополмаймиз:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарларнинг саййиди, нубувват ва рисолатда энг улуғи бўлиш билан бир қаторда дунёдаги энг катта ва энг зўр, энг фаросатли ва энг ҳушёр қўмондон бўлганлар, бу борада у зот танҳо даҳо эдилар. У киши ўзлари кирган ҳар бир жангга фақат зийраклик, шижоат ва тадбир тақозо қилган ҳолат ва томондан кирганлар. Шунинг учун ҳам биронта жангда ҳам қўшинни жангга ҳозирлаш, стратегик ўринларни эгаллаш, тўқнашув учун энг яхши ва афзал ўринларни белгилаш, жангни бошқаришнинг энг афзал режасини танлай билиш каби раҳбарлик ва бошқарувга оид бирон бир хато сабабли мағлубиятга учрамадилар. Балки, бу борада дунё таниган қўмондонларнинг биронтасида мавжуд бўлмаган, фақат ўзларига хос бошқарув санъатига эга эканликларини кўрсатдилар. Уҳуд ва Ҳунайнда содир бўлган айрим кусурли ҳодисалар эса қўшин аъзоларидаги баъзи заифликлар (Ҳунайнда) ёки (Уҳудда) у зотнинг буйруқларига амал қилмаслик, белгилаб берилган ҳарбий режа бўйича ҳаракат қилмаслик туфайли содир бўлди.

Мана шу ҳар икки жангда ҳам мусулмонлар чекинаётган пайтда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тенгсиз маҳоратлари яққол кўзга ташланди. У зот ўзлари Уҳудда бўлгани каби душман қаршисида матонат билан туришга ва донолик билан уларнинг режаларини чиппакка чиқаришга қодир бўлдилар ёки Ҳунайнда бўлганидек, жангнинг оқимини ўзгартириб юборишга ва мағлубиятни ғалабага айлантиришга қодир бўлдилар. Ваҳоланки, воқеалар хатарли тарзда ривожланиб турган, қақшатқич мағлубият қўшинни ўраб турган ва уларнинг мияларини фақат жонларини қутқариб қолиш фикригина чулғаб турган пайт эди.

Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат ҳарбий бошқарувдаги маҳоратлари эди. Бошқа жиҳатдан эса, у зот ушбу ғазотлар сабабли араб оламида тинчлик-осойишталик ўрнатишга, фитна оловини ўчиришга, Ислом ва бутпарастлик ўртасидаги курашда душманларнинг шон-шавкатини синдиришга, уларни сулҳга мажбур қилишга ва даъватни ёйиш учун йўл очишга муваффақ бўлдилар.

Ундан ташқари, ушбу жанглар у зотнинг асҳоблари ичидаги ҳақиқий мухлис кишиларни ботинларида нифоқ ўрнашган ғаддор ва хиёнаткор кимсалардан ажратиб берди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қўмондонлардан катта бир гуруҳини етиштириб чиқардилар. Кейинчалик улар Ироқ ва Шом майдонларида Форс ва Рум қўшинларига қарши уруш олиб бориб, урушлар режасини тузиш ва жангни бошқариш соҳаларида душманларидан анча устун эканликларини намоён этдилар, душманларни ўз ерлари ва диёрларидан суриб чиқаришга, қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорларни ва улуғ-гўзал жойларни қолдириб кетишга, қанчадан-қанча ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни ташлаб кетишга мажбур қилдилар.

Шунингдек, ушбу ғазотлар туфайли Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни уй-жой, ер-мулк, ҳунар ва иш жойларига эга қилдилар, мол-мулк ва ҳовли-жойларини ташлаб келган қочқинлар муаммосини ҳал қилдилар, қурол-аслаҳалар, от-уловлар, асбоб-анжом ва нафақалар ҳозирладилар. Буларнинг ҳаммасини заррача ҳам зулм, тажовуз, туғён ва зўрликларсиз амалга оширдилар.

Жоҳилият даврида уруш оловлари ёқилишига сабаб бўлган ва урушлардан кўзда тутилган ғараз ва мақсадларини бутунлай ўзгартириб юбордилар. Уруш, дегани жоҳилият тушунчаси бўйича, талон-торож, ўлдириш, босқинчилик, зулм, тажовуз, ўч олиш, қасос ташналигини қондириш, заифларни эзиб-янчиб ташлаш, шаҳар-қишлоқларни харобага айлантириш, биноларни вайрон қилиш, аёлларнинг ҳурматларини поймол қилиш, кексалар ва гўдакларга шафқатсизлик, экин ва насллларни қуритиш, ер юзига бузғунчилик ва фасод келтириш маъносида бўлган бўлса, энди у Ислом тушунчаси бўйича, олий мақсадлар ва улуғ ғояларни рўёбга чиқариш мақсадида олиб бориладиган, инсоний жамият ҳамма замон ва маконларда у сабабли иззатга эришадиган жиҳодга айланди. Уруш, деган тушунча инсонни зулм ва зўравонлик низомидан қутқариб, инсофу адолат низомига олиб чиқадиган, кучли кучсизни эзадиган низомдан қутқариб, интиқом олинар пайтда кучлилар кучсизга айланадиган низомга олиб чиқадиган жиҳод маъносини англата бошлади.

... وَٱلْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ ٱلرِّجَالِ وَٱلنِّسَآءِ وَٱلْوِلْدَٰنِ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَخْرِجْنَا مِنْ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ ٱلظَّالِمِ أَهْلُهَا وَٱجْعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ وَلِيًّا وَٱجْعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

«...Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга Ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга Ўз

ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар(ни озод қилиш) **йўлида**» ("Нисо" сураси, 75-оятдан) олиб бориладиган олижаноб кураш маъносига кўчди, Аллоҳнинг ерини ғаддорлик, хиёнаткорлик, гуноҳ ва тажовузкорликдан поклаш ва тинчлик-осойишталик, меҳр-мурувват ва ҳақ-ҳуқуқларни риоя қилишни ўрнатадиган жиҳод маъносини англата бошлади.

Шунингдек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушлар учун олийжаноб қоидалар белгилаб, лашкарни ҳам, қўмондонларни ҳам уларга риоя қилишга буюрдилар, ҳеч қачон ушбу қоидалар доирасидан чиқишга рухсат бермадилар. Сулаймон ибн Бурайда отаси (Бурайда Асламий) розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирон лашкар ёки сарийяга амир тайинласалар, уни ўзи ҳақида Аллоҳдан тақво қилишга ва ёнидаги мусулмонларга яхшилик қилишга буюрардилар, сўнг айтардилар: **«Аллоҳнинг исми билан, Аллоҳ йўлида жанг қилинглар! Аллоҳга кофир бўлган кимсаларга қарши урушинглар! Жанг қилинглар, лекин хиёнат қилманглар,** (ўлжалардан) **билдирмай олманглар, мусла қилманглар** (яъни қулоқ-бурун каби аъзоларни кесманглар), **ёш болани ўлдирманглар!»**. (Имом Муслим ривояти). Динни енгил-қулай кўрсатишга чақириб: **«Осон кўрсатинглар, қийин кўрсатманглар. Хурсанд қилинглар, нафратлантирманглар»,** дердилар".

Имом Бухорий ривояти.

Душман диёрига тунда кириб борсалар, то тонг отгунича уруш бошламасдилар. Ўт билан куйдиришдан қаттиқ қайтарганлар, ҳимоясиз кишини ўлдиришдан қайтарганлар, аёлларни ўлдириш ва калтаклашдан, талончиликдан қайтарганлар. **«Талончилик билан қўлга киритилган ўлжа ўлимтикдан кўра ҳалолроқ эмас»,** дердилар. Қаттиқ зарурат тушмаган ва бундан бошқа йўл қолмаган ҳолатдан бошқа пайтда экин-тикинларни пайҳон қилишдан, наслларни қиришдан, боғ-роғларни кесишдан қайтарганлар. Маккани фатҳ қилиш пайтида: **«Жароҳат олиб ётган кишини ўлдирманглар, қочаётганни қувманглар, асирга тушганни ўлдирманглар»,** деганлар. **Элчига ўлим йўқ,** деган суннатни жорий қилганлар, муоҳид (у ёки давлати билан тинчлик аҳд-битим бўлган кишини)ни ўлдиришдан қаттиқ қайтарганлар, ҳатто: **«Ким бир муоҳидни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди. Ваҳоланки, унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан билиниб туради»,** деганлар. Бундан бошқа ҳам, урушларни жоҳилият кирлигидан тозалаб, муқаддас жиҳодга айлантириб қўйган яна бир қанча қонун-қоидалар тузиб бердилар.

«Зодул маод», 2/64, 68.

Одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кириб келадилар

Макка фатҳи, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, бутпарастликнинг илдизига болта урган, ҳал қилувчи ғазот бўлган эди. Араблар шу ғазот

туфайли ҳақни ботилдан ажрата олдилар, кўнгилларидан шубҳалар тарқалиб, Исломни қабул қилишга шошилдилар.

Амр ибн Салама айтади: "Биз одамларнинг йўли устидаги бир сувли жойда турардик. У ёқ-бу ёққа ўтиб турган карвонлардан атрофда бўлаётган воқеалар ҳақида ва бу киши – яъни, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида сўрардик, улар: «Ҳа, у ўзини Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар, деб айтади, унга Аллоҳдан ваҳий тушар эмиш, Аллоҳ унга фалон нарсаларни ваҳий қилибди», дейишар, шунда мен уларнинг сўзларини ёдлаб қолардим, у сўзлар менинг қалбимга маҳкам ўрнашиб қоларди. Араблар фатҳни кутиб, Исломни қабул қилишни пайсалга солиб туришар, «Уни қавми билан яккама-якка қўйиб қўйинглар, агар қавмига ғолиб бўлса, ҳақиқий пайғамбар бўлади», дейишарди. Макка фатҳ этилгач, ҳамма қабилалар Исломни қабул қилишга ошиқдилар. Отам ҳам қавми ичида биринчи бўлиб Исломни қабул қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига бориб келгач: «Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, мен сизларнинг олдингизга ҳақиқий пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларидан келаяпман. У зот: **«Фалон вақтда мана бу намозни ўқинглар, фалон вақтда мана бу намозни ўқинглар, намоз вақти бўлганида бирингиз азон айтинг, Қуръонни кўпроқ ўқий оладиганингиз имом бўлсин»,** дедилар», деди...".

«Саҳиҳул Бухорий», 2/615, 616.

Бу ҳадис Макка фатҳи воқеалар ривожига ва Исломнинг ғолиб бўлишига, шунингдек, арабларнинг Исломга нисбатан ўз муносабатларини аниқлаб олишларига ва уни қабул қилишларига нақадар катта таъсир кўрсатганига далил бўлади. Табук ғазотидан кейин бу нарса янада яққолроқ кўзга ташланди. Шунинг учун шу икки йил – яъни, тўққизинчи ва ўнинчи ҳижрий ичида Мадинага тўхтовсиз элчилар ва вакиллар келганига, одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирганликларига гувоҳ бўламиз. Ҳатто, Фатҳ ғазотида ўн минг кишини ташкил этган Ислом қўшини орадан бир йил ўтмай Табук ғазотида ўттиз минг кишига етди. Ҳажжатул вадоъга келиб эса, мусулмонлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида такбир, ҳамд ва тасбеҳлар билан уфқларни тўлдириб ва еру осмонни ларзага келтириб, мавж уриб турган юз минг кишилик – ёки бир юз қирқ тўрт минг кишилик улкан уммонга айланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Элчилар

Ғазотшунослар етмишдан ортиқ қабила ва юртлардан элчилар келганини санайдилар. Бу ерда уларни бирма-бир айтиб ўтишга бизнинг имкониятимиз йўқ, уларнинг тафсилотига киришишдан унча катта фойда ҳам ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бу ерда улар ичидан тарихий аҳамиятга молик ва ўзига хос ўрни бўлганларинигина зикр қилиб ўтамиз. Ўқувчи ёдида тутишини истардикки, қабилалар

вакиллари асосан фатҳдан кейин келган бўлсалар-да, улар ичида фатҳдан илгарироқ келганлари ҳам бор:

1. Абдул Қайс элчилари.

Ушбу қабиладан икки бор вакиллар келган. Биринчиси ҳижратнинг бешинчи йилида ёки ундан ҳам илгарироқ бўлган эди. Ушбу қабиладан Мунқиз ибн Ҳайён, деган киши тижорат билан Мадинага келади ва Исломни ўрганиб, мусулмон бўлади. Сўнг қавмига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини олиб қайтади. Қавми ҳам мусулмон бўлиб, шаҳри ҳаромда 13 ёки 14 киши у зот ҳузурларига вакил бўлиб келдилар. Шу келган сафарларида улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон ҳақида, ичимликлар ҳақида савол беришган эди. Уларнинг каттаси Ашажжул Асрий бўлиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Сизда Аллоҳ суядиган иккита хислат: ҳалимлик ва оғир-босиқлик бор экан»,** дегандилар.

Иккинчи бор уларнинг вакиллари бошқа элчилар келаётган йилда келишди. Бунда уларнинг сони қирқ нафарни ташкил қилди. Ичларида Жоруд ибн Алоъ Абдарий ҳам бўлиб, у аввал насроний динида эди, сўнг Исломни қабул қилиб, Исломи жуда гўзал бўлган эди.

“Шарҳу “Саҳиҳил Муслим лин-Нававий”, 1/33; “Фатҳул Борий”, 8/85, 86.

2. Давс элчилари.

Бу қабила элчилари еттинчи йилнинг бошларида, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарда эканларида келишган эди. Биз юқорида Туфайл ибн Амр Давсийнинг мусулмон бўлгани ҳақида айтиб ўтгандик. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадалик пайтларида Исломни қабул қилган, сўнг қавмига қайтиб бориб, уларни Исломга даъват қилган, аммо қавми Исломни қабул қилишга шошилмаган эди. Шунда у уларнинг мусулмон бўлишларидан умиди узилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, қавмини дуоибад қилишларини сўраган эди. Шунда у зот: **«Эй Парвардигор, Давсни Ўзинг ҳидоят қилгин»,** деб дуо қилгандилар. Шундан сўнг улар Исломни қабул қилишди ва Туфайл еттинчи йилнинг бошларида қавмидан етмиш-саксон хонадонни бошлаб, ўша пайтда Ҳайбарда бўлган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб қўшилди.

3. Фарва ибн Амр Жузомийнинг элчиси.

Фарва Рум қўшинидаги араб қўмондонларидан бири ва румликларнинг араб ерларидаги волийси эди. Маъон ва унинг атрофидаги Шом ерлари унга қарашли эди. У 8-ҳижрийда мусулмонларнинг Муъта жангида кўрсатган матонат, жасорат ва садоқатларини кўргач, бундан таъсирланиб, Исломни қабул қилди. Ўзининг мусулмон бўлганини билдириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга элчи юборди, у зотга ҳадя қилиб бир оқ хачир ҳам юборди. Румликлар унинг мусулмон бўлганидан хабар топишгач, уни

ҳибсга олишди, сўнг Исломдан қайтиш ёки ўлимни танлаш ихтиёрини беришди. У ўлимни ихтиёр этди. Шундан сўнг уни Фаластиндаги Афроъ, деб номланувчи жойда бошини танидан жудо қилишиб, жасадини осишди. «Зодул маод», 3/45.

4. Судоъ элчилари.

Бу воқеа 8-ҳижрийда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жиъронадан қайтганларидан сўнг бўлди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт юз кишилик бир гуруҳни Яманнинг бир тарафига юриш қилиш учун юбордилар. Судоъ қабиласининг манзили ҳам шу атрофда эди. Ушбу гуруҳ Садри Қанот, деган жойда қароргоҳ қилиб турганида Зиёд ибн Ҳорис Судоий бундан хабар топиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига етиб келди ва: «Мен сизга ортимда қолган кишилардан элчи бўлиб келдим. Қўшинни ортга қайтаринг, мен қавмимга кафилман», деди. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни Садри Қанотдан ортга қайтардилар. Зиёд ибн Ҳорис Судоий қавмига келиб, уларни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишга кўндирди. Улардан ўн беш киши у зот ҳузурларига келиб, Исломга байъат бердилар. Сўнг қавмларига қайтиб бориб, уларни даъват қилдилар. Қавмда Ислом ёйилиб, Ҳажжатул водоъда улардан юз киши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдилар.

5. Каъб ибн Зуҳайр ибн Аби Салмонинг келиши.

У шоирлар хонадони вакили ва арабларнинг энг донгдор шоирларидан бўлиб, шеърларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳажв қиларди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 8-йили Тоиф ғазотидан қайтганларидан сўнг Каъб ибн Зуҳайрга укаси Бужайр ибн Зуҳайр мактуб йўллади. Мактубида у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада у кишини ҳажв қилиб, озор бериб юрган бир неча кишини ўлдиртирганларини, қолган-қутган Қурайш шоирлари ҳар тарафга қочиб кетишганини айтиб, агар жонингдан умидинг бўлса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қараб учгин, чунки у киши тавба қилиб келган бирон кишини ҳам ўлдирмаяптилар. Акс ҳолда, ўз жонингни қутқариш ташвишини қилавер, деб ёзди. Шундан сўнг ака-укалар ўртасида бир неча ёзишмалар бўлиб ўтди, Каъбнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб, ўз жонидан хавф қилиб, Мадинага келди ва Жуҳайналик бир кишининг уйига тушди. Бомдод намозини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўқигач, жуҳайналикнинг маслаҳати билан Каъб у зотнинг ёнларига бориб ўтирди ва қўлини у зотнинг қўлларига қўйди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни танимас эдилар. Сўнгра у: «Ё Росулуллоҳ, Каъб ибн Зуҳайр тавба қилиб, мусулмон бўлиб, сиздан омонлик тилаб келди. Агар уни ҳузурингизга олиб келсам (Исломи ва тавбасини) қабул қиласизми?», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа»,** деган эдилар, «Мен Каъб ибн

Зуҳайрман», деди. Шунда ансорлардан бири сакраб ўрнидан туриб, унинг бошини танидан жудо қилишга изн сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унга тегма, чунки у қилган ишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилиб келган»,** дедилар.

Шунда Каъб ўзининг «Бонат Суад», деб бошланувчи машҳур қасидасини ўқиди. Унда жумладан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан узр сўраб ва у зотни мақтаб айтилган қуйидаги мазмундаги сўзлар бор эди:

Дерлар: Пайғамбар сени ўлдиришга чоғланмиш,
Дедим: умид риштаси афвларига боғланмиш.
Шошманг, сизга ёр бўлсин Парвардигорнинг Ўзи,
Туширмишдир у сизга ҳикмат булоғи – сўзин.
Мени қатл айламанг миш-мишларга ишониб,
Гуноҳим йўқ у қадар, гарчи кетмасман тониб.
Менга тушган ғам-кулфат филни ҳам йиқитарди
Пайғамбар раҳм қилмаса, куним аниқ битарди.
Қўлимни бердим энди, асло тортиб олиш йўқ,
У зотнинг сўзлари сўз, энди бугун ўлиш йўқ.
Қуёш мисол оламга нур улашар пайғамбар,
У Аллоҳнинг қиличи, ғолиб ҳамда музаффар.

نبئت أن رسول الله أوعدني ** والعفو عند رسول الله مأمول

مهلا هداك الذي أعطاك نافلة ال ** قرآن فيها مواعيظ وتفصيل

لا تأخذن بأقوال الوشاة ولم ** أذنب، ولو كثرت فيَّ الأقاويل

لقد أقوم مقاما ما لو يقوم به ** أرى وأسمع ما لو يسمع الفيل

لظل يرعد إلا أن يكون له ** من الرسول بإذن الله تنويل

حتى وضعت يميني ما أنازعه ** في كف ذي نقمات قيله القيل

فلهو أخوف عندي إذ أكلمه ** وقيل: إنك منسوب ومسئول

من ضيغم بضراء الأرض مخدرة ** في بطن عثر غيل دونه غيل

إن الرسول لنور يستضاء به ** مهند من سيوف الله مسلول

Сўнг у шеърининг давомида Қурайш муҳожирларини мақтади. Чунки, тавба қилиб келганида улардан бирон киши ҳам у ҳақда ёмон сўз айтмаганди. Сўз орасида ансорлардан бири уни ўлдиришга изн сўраганини эслатиб, улар шаънига бир оз тил теккизиб ўтди. Бироқ, мусулмон бўлиб, Исломи чиройли бўлганидан кейин бу сўзларидан

хижолат бўлиб, ансорларни мақтаб, улар ҳақида алоҳида шеър ҳам битди.

6. Узра элчилари.

Бу элчилар 9-ҳижрийнинг сафар ойида келишди. Улар ўн икки киши бўлиб, ораларида Ҳамза ибн Нўъмон ҳам бор эди. Улардан қайси қавмдан эканликлари сўралганда: «Биз Қусойнинг она тарафидан ака-укалари бўлмиш Бану Узра қабиласиданмиз, бизнинг қабиламиз Қусойга мададкор бўлган ва Маккадан Хузоа билан Бану Бакрни суриб чиқарган. Бизнинг (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан) қариндошлигимиз бор», деб жавоб беришди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни яхши кутиб олдилар, уларга Шомнинг фатҳи ҳақида хушхабар бердилар, фолбинлардан савол сўрашдан ва Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйишлардан қайтардилар. Улар Исломни қабул қилиб, Мадинада бир неча кун тургач, юртларига қайтиб кетдилар.

7. Бали элчилари.

Улар 9-ҳижрийнинг рабиул-аввалида келиб, Исломни қабул қилиб, Мадинада уч кун турдилар. Бошлиқлари Абуз-Зубайб меҳмоннавозлик қилишда ажр бўлиш-бўлмаслиги ҳақида савол қилди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа, хоҳ бойга, хоҳ камбағалга қилган ҳар бир яхшилигинг садақадир»,** дедилар. Меҳмондорчилик вақти ҳақида сўраган эди: **«Уч кун»,** деб жавоб бердилар. Адашиб қолган қўй ҳақида сўраганида: **«У ё сенга ё биродарингга ё бўрига»**, дедилар. Адашган туя ҳақида сўраган эди: **«Сенинг у билан нима ишинг бор?! Суви** (туянинг бир неча кунлаб сув ичмай юра олишига ишора) **ўзи билан, ковуши** (оёғи) **ўзи билан,** (чанқаса) **сувга боради, ўт-ўланларни ейди. То эгаси топиб олгунича уни тек қўй»,** дедилар.

8. Сақиф элчилари.

Улар 9-ҳижрийнинг рамазон ойида элчи бўлиб келишди. Уларнинг Исломни қабул қилишлари қуйидагича бўлганди. Бошлиқлари Урва ибн Масъуд Сақафий Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 8-ҳижрийнинг зул-қаъдасида Тоиф ғазотидан қайтиб келиб, ҳали Мадинага етиб келмасларидан у зот ҳузурига келган ва Исломни қабул қилиб, қавмига қайтиб бориб, уларни ҳам Исломга даъват қилганди. У қавмининг саййиди ва раҳбари, улар учун энг суюмли кишилардан бўлгани учун қавми унга итоат қилишини умид қилган эди. Бироқ, Исломга даъват қила бошлагач, ғазабланган қавми уни ҳар тарафдан ўққа тутиб, ҳалок этишди. Орадан бир неча ой ўтиб, улар ўзаро маслаҳатга йиғилишди. Атрофдаги Исломни қабул қилиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат берган қабилаларга бас кела олмасликларига кўзлари етгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига элчи юборишга қарор қилишди. Бу ишни Абдуёлил ибн Амрга топширмоқчи бўлишганида у кўнмади. Қайтиб келганидан сўнг унинг бошига ҳам Урванинг кунини солишларидан

қўрқиб: «Ёнимга ҳамроҳлар қўшиб берсаларинг, шундагина боришим мумкин», деди. Улар унга иттифоқдошлардан икки кишини ва Бану Моликдан уч кишини қўшиб беришди. Жами олти киши бўлиб, йўлга отланишди, ораларида Усмон ибн Абил-Ос Сақафий ҳам бор бўлиб, у улар ичида энг ёши эди.

Мадинага келишгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Қуръон эшитишлари ва одамларнинг намоз ўқишларини кўришлари учун масжид четида бир чодир тиктириб бердилар. Улар шу ерда туриб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бот-бот кўришиб турдилар, у зот уларни Исломга даъват қилардилар. Бошлиқлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзлари учун бир сулҳ битими ёзиб беришларини, улар учун зинога, маст қилувчи ичимлик ичишга, судхўрликка изн берилишини, бутлари Лотни ҳам уларга қўйиб берилишини, уларни намоз ўқишдан ва бут-санамларини ўз қўллари билан синдиришдан озод қилинишини сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бу талабини қатъиян рад этдилар. Шундан сўнг улар ўзаро маслаҳатлашиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўйсуниш ва таслим бўлишдан ўзга чора йўқлигини кўришгач, Исломни қабул қилишди. Бироқ, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Лотни бузишни уларга топширмасликларини, Сақиф уни ҳеч қачон ўз қўли билан вайрон қилмаслигини шарт қилишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу талабларини қабул қилиб, қўлларига хат қилиб бердилар. Уларга Усмон ибн Абил-Ос Сақафийни амир қилиб тайинладилар. Чунки, унинг Исломни ўрганишга, дин ва Қуръон таълимига қаттиқ рағбати борлигини кўргандилар. Сабаби, элчилар ҳар куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига боришар, Усмон ибн Абил-Осни юклари олдида қолдириб кетишарди. Қайтиб келиб, кун қизиғида ухлаб ётишар, Усмон эса Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига бориб, Қуръон ўрганар ва дин ҳақида саволлар сўрарди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дам олаётган бўлсалар, Абу Бакр олдига бориб, ундан дин ўрганарди.

- Усмон ибн Абил-Оснинг Сақифга кўп яхшилиги сингган, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин айрим қабилалар муртадликка юз тутган кунлари Сақиф ҳам муртадликни ихтиёр этмоқчи бўлганида Усмон ибн Абил-Ос уларга: «Эй Сақиф жамоаси! Исломни охиргилардан бўлиб қабул қилган эдингиз, энди биринчилардан бўлиб ундан муртад бўлиб кетмангиз!», деб хитоб қилиб, уларга панд-насиҳатлар қилган, шундан сўнг улар муртадликдан тийилиб, Исломда маҳкам туриб қолишган эди.

Элчилар Сақиф ҳузурига қайтиб келишгач, дабдурустдан уларга ҳақиқатни айтишга журъат қилмадилар. Уруш ва жанг хавфидан сўзлаб, ўзларини ғам-ғуссали кўрсатиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг улардан зинокорлик, шаробхўрлик, судхўрлик ва шу каби ёмон ишларни тарк қилишни талаб қилганларини, акс ҳолда жанг қилмоқчи эканликларини айтдилар. Сақифнинг жоҳилий ҳамияти қўзиб, то икки-уч кунгача жанг қилиш фикрида қаттиқ турдилар. Сўнгра Аллоҳ уларнинг қалбларига қўрқув солиб, элчиларга: «Майли, бориб, унинг талабларини қабул қилиб келинглар», дейишди. Шундагина элчилар уларга ҳақиқатни билдириб, ўзлари тузган сулҳ-битимни кўрсатдилар. Шундай қилиб, Сақиф қавми Исломни қабул қилди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валид бошчилигида бир неча кишиларни Лотни бузиб ташлаш учун юбордилар. Муғийра ибн Шуъба қўлига чўкични олиб, шерикларига: «Мен ҳозир сизларни Сақиф устидан кулдираман», деди. Сўнг чўкич билан бир уриб туриб, гуп этиб қулади. Бу ҳолдан Тоиф аҳли ларзага келди ва: «Аллоҳ Муғийранинг адабини берди, олиҳа уни ҳалок қилди», дейишди. Шунда Муғийра сакраб ўрнидан туриб: «Аллоҳ сизларни ҳалок қилсин, бу тошу кесакдан қилинган оддий бир нарса-ку!», деди, сўнг бир зарб билан эшикни синдириб, унинг девори устига чиқди, унинг ортидан бошқалар ҳам девор устига чиқишиб, Лотни ер билан яксон қилдилар, ҳатто пойдеворигача қазиб, унинг остида бўлган зеб-зийнат ва либосларни чиқариб олдилар. Сақиф ҳанг-манг бўлиб қолди. Холид ўз гуруҳи билан бирга ҳалиги зеб-зийнат ва либосларни олиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куниёқ уларни тақсимлаб бердилар, пайғамбарига нусрат бергани ва динини азиз қилгани учун Аллоҳга ҳамд айтдилар.

«Зодул маод», 3/26-28, «Ибн Ҳишом», 2/537-542.

9. Яман шоҳларининг мактуби.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукдан қайтганларидан сўнг Ҳимяр ҳукмдорларидан мактуб келди. Улар – Ҳорис ибн Абдукулол, Нуъайм ибн Абдукулол, Нуъмон, Қайлу Зий-Руъайн, Ҳамдон ва Муофир бўлиб, уларнинг элчиси Молик ибн Мурра Раҳовий эди. Улар Исломни қабул қилишганини, ширк ва мушриклардан ажралишганини айтиб юборишган эди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга мактуб йўллаб, мўминларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятларини баён қилиб бердилар, муоҳид (Ислом ҳукми остидаги ўзга дин вакил)ларга модомики, улар жизя тўлаб туришган бўлса, Аллоҳнинг ва Росулининг зиммасини (ҳимоясини) бердилар. Улар ҳузурига Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу бошчилигида асҳобларидан бир неча нафарини юбордилар. Муозни Аданнинг юқори минтақасига, Сакун билан Сакасик оралиғига волий қилдилар, у қози ва ҳоким, шунингдек, садақа ва жизя йиғувчи омил вазифасини бажариб, уларга беш вақт намозда имом бўлиб турди. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳуни қуйи минтақага – Зубайд, Маърaб, Замаъ ва Соҳилга волий қилдилар. Ҳар иккисига: **«Осон-қулай қилинглар,**

қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, нафратлантирманглар, ўзаро келишиб иш тутинглар, ихтилоф қилманглар», дедилар. Муоз шу кетганича Яманда турди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида ҳам у Яманда эди. Абу Мусо Ашъарий эса Ҳажжатул Вадоъда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди.

10. Ҳамадон элчилари.

Улар 9-ҳижрийда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукдан қайтганларидан кейин келишди. Уларга сўраган нарсалари ҳақида аниқ-тиниқ жавоблар ёзиб бердилар. Уларга Молик ибн Наматни амир қилиб тайинладилар ва уни ўз қавмидан мусулмон бўлганлар устига волий қилдилар. Мусулмон бўлмаганларини Исломга даъват қилишга Холид ибн Валид бошчилигида бир жамоани юбордилар. Холид олти ой уларни Исломга даъват қилиб турди, бироқ улар қабул қилишмади. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Аби Толибни Холиднинг изидан юбодилар. У етиб келиб, Ҳамадон аҳлига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини ўқиб эшиттирди ва уларни Исломга даъват қилди. Шундан сўнг улар ҳаммаси Исломни қабул қилдилар. Али уларнинг мусулмон бўлганлари хабарини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёзиб юборди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мактубни ўқигач, Аллоҳга шукроналик бажо келтириб, саждага бош қўйдилар. Сўнг саждадан бошларини кўтариб, икки бор: **«Ҳамадонга Аллоҳнинг саломи бўлсин»,** дедилар.

11. Бану Фазора элчилари.

Ушбу қавмнинг ўндан ошиқ кишидан иборат элчилари ҳам 9-ҳижрийда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукдан қайтганларидан сўнг келдилар. Ўзларининг мусулмон бўлганликларини билдириб, диёрларидаги қурғоқчиликдан шикоят қилдилар. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга кўтарилиб, қўлларини кўтариб, ёмғир сўраб дуо қилдилар: **«Эй Аллоҳим! Бандаларингни ва жониворларингни суғоргин! Раҳматингни сочгин ва ўлик ерларингга ҳаёт бахш этгин! Эй Аллоҳим! Бизни фойдали бўлган, ўт-ўланларни ўстирадиган, зарар етказмайдиган, кеч эмас, тезда бўладиган мўл-кўл ёмғир билан суғоргин! Эй Аллоҳим! Раҳмат ёмғири ёғдиргин, азоб, вайронагарчилик, ғарқ қилиш ва ҳалокат ёмғири эмас! Эй Аллоҳим! Бизларни фойдали ёмғир билан суғоргин ва бизларга душманлар устидан нусрат ато этгин!».**

«Зодул маод», 3/48.

12. Нажрон элчилари:

Нажрон – Маккадан Яман томонга боришда етти марҳала масофадаги, етмиш учта қишлоқдан иборат катта бир ўлка бўлиб, чопқир от минган киши учун бир кунлик йўл эди. Унинг юз мингта жангчиси бўлиб, насронийлик динида эдилар. «Фатҳул Борий», 8/94.

Нажроннинг олтмиш кишидан иборат элчилари 9-ҳижрийда келишди. Улардан йигирма тўрт киши қавмнинг улуғлари бўлиб, учтаси Нажроннинг энг катта бошлиқлари эди. Бирлари оъқиб – яъни, ҳукумат ишларини бошқарувчи лавозимида бўлиб, исми Абдулмасиҳ эди. Иккинчилари саййид – сиёсий ва маърифий ишларга масъул шахс бўлиб, исми Айҳам ёки Шураҳбил эди. Учинчилари усқуф (епископ) – диний раҳбар ва руҳоний етакчи лавозимидаги шахс бўлиб, исми Абу Ҳориса ибн Алқама эди.

Элчилар Мадинага келиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашдилар, ўрталарида савол-жавоблар бўлди. У зот уларни Исломга даъват қилдилар, уларга Қуръон ўқиб бердилар. Лекин, улар Исломни қабул қилмадилар. Сўнг улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръон Ийсо алайҳис-салом ҳақида нима дейишини сўрадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу куни уларга жавоб бермадилар. Кейин Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари нозил бўлди:

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِندَ ٱللَّهِ كَمَثَلِ ءَادَمَۖ خَلَقَهُۥ مِن تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُۥ كُن
فَيَكُونُ ٥٩ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَلَا تَكُن مِّنَ ٱلۡمُمۡتَرِينَ ٦٠ فَمَنۡ حَآجَّكَ فِيهِ مِنۢ
بَعۡدِ مَا جَآءَكَ مِنَ ٱلۡعِلۡمِ فَقُلۡ تَعَالَوۡاْ نَدۡعُ أَبۡنَآءَنَا وَأَبۡنَآءَكُمۡ وَنِسَآءَنَا وَنِسَآءَكُمۡ
وَأَنفُسَنَا وَأَنفُسَكُمۡ ثُمَّ نَبۡتَهِلۡ فَنَجۡعَل لَّعۡنَتَ ٱللَّهِ عَلَى ٱلۡكَٰذِبِينَ ٦١

«Албатта Ийсо (отасиз туғилиши)**нинг мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра «Бўл», деди. Бас, у** (жонли одам) **бўлди.** (Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу) **Парвардигорингиз томонидан бўлган Ҳақ** (сўз)**дир. Бас, шубҳа қилувчилардан бўлманг! Энди сизга келган мана шу** (ҳақ) **маълумотдан кейин** (насронийлардан) **кимда-ким сиз билан талашиб-тортишмоқчи бўлса,** (ундай кимсаларга) **айтинг: «Келинглар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йиғайлик, сўнгра Аллоҳга тазарруъ билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънат қилишини сўрайлик».**

“Оли Имрон” сураси, 59-61-оятлар.

Эртаси эрталаб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Аллоҳ таолонинг Ийсо алайҳис-салом ҳақидаги мазкур оятларини ўқиб бердилар ва ўзаро фикрлашиб олишлари учун ўша куни уларни ўз ҳолларига қўйиб қўйдилар. Улар Ийсо алайҳис-салом ҳақида айтилган гапларга иқрор бўлишдан бош тортдилар. Эртаси куни

уларнинг на Ийсо алайҳис-салом ҳақидаги гапни ва на Исломни қабул қилишни истамаганларини кўрган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни оятда айтилганидек мубоҳала (яъни, ҳаммалари бир жойга йиғилиб, ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънатини сўраш)га чақирдилар. Ўзлари набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни олиб, қизлари Фотима ҳамроҳлигида чиқиб бордилар. Элчилар у зотнинг бу ишга астойдил киришганларини кўришгач, ўзлари холи қолиб, маслаҳатлашишди. Бир-бирларига: «Асло бундай қила кўрманглар. Қасамки, агар рост пайғамбар бўлса, унинг лаънати бизни уради ва уруғ-аймоғимизгача қуритиб ташлайди, ўзимиз ҳам, биздан кейинги авлодларимиз ҳам бу лаънатдан қутулолмайди, ер юзида биздан бир тирноқ ҳам қолмай ҳаммамиз ҳалок бўлиб кетамиз», дейишди. Шундан сўнг улар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз ишларида ҳакам қилишга келишдилар. У зот ҳузурларига келиб: «Биз сиз сўраган нарсани беришга тайёрмиз», дейишди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг жизя тўлашларига рози бўлдилар ва икки мингта ҳулла (кийим тури) беришлари шарти билан сулҳ туздилар. Унинг мингтасини ражаб ойида, мингтасини сафар ойида берадиган бўлишди. Ҳар бир ҳулла билан бирга бир увқия (яъни, 12 дирҳам ёки 37,44 граммга тенг оғирликдаги кумуш) ҳам беришадиган бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Аллоҳу Росулининг ҳимоясини бердилар. Уларга ўз динларида қолишга тўла эркинлик бериб, бу ҳақда хат қилиб бердилар. Улар у зотдан жизяларни йиғиб олиш учун омонатли бир кишини юборишни сўрадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга умматнинг энг омонатли кишиси бўлмиш Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳуни юбордилар.

Кейинроқ улар ичида ҳам Ислом ёйила бошлади. Айтишларича, саййид билан оъқиб иккаласи Нажронга қайтгач, Исломни қабул қилишган экан. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан закот ва жизяларини йиғиб олишга Али розияллоҳу анҳуни юборганликлари ҳам айтилган. Маълумки, закот фақат мусулмонлардан олинади. “Фатҳул Борий”, 8/94-95; “Зодул маод”, 3/38-41.

13. Бану Ҳанифа элчилари.

Ушбу қабиладан 9-йили ўн етти кишидан иборат элчилар келди. Ичларида Мусайлима Каззоб – Бану Ҳанифалик Мусайлима ибн Сумома ибн Кабир ибн Ҳабиб ибн Ҳорис ҳам бор эди. Улар ансорлардан бир кишининг уйига тушишди, сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, Исломни қабул қилишди. Мусайлима Каззоб борасида ҳар хил ривоятлар келган. Барча ривоятларни текшириб кўриб, шундай хулосага келиш мумкинки, Мусайлимадан ҳаволаниш, калондимоғлик ва бошлиқликка интилиш содир бўлган ва у элчилар билан бирга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида ҳозир бўлмаган. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал яхши сўз ва чиройли

муомала билан унинг кўнглига йўл топишга уринганлар, бу ишлар фойда бермаслигини кўргач, унда бир ёмонликни туйганлар.

Бундан сал илгари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушларида ер юзи хазиналарига эга бўлганларини, қўлларига иккита тилла билагузук тушганини, уларга эътибор қаратиб турганларида: **«Уларни пуфлаб ташланг!»,** деган ваҳий бўлганини, пуфлаганларида улар йўқ бўлиб қолганини кўргандилар ва бу икки билагузукни ўзларидан кейин пайғамбарлик даъво қилиб чиқадиган иккита каззобга таъвил қилгандилар. Мусайлима калондимоғлик қилиб: «Муҳаммад ўзидан кейин иш (яъни, халифалик)ни менга қолдирса, шундагина унга эргашаман», деганидан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нотиқлари Собит ибн Қайс ибн Шаммос ҳамроҳлигида келиб, Мусайлима ўз шериклари билан ўтирган давра устида тўхтадилар ва улар билан сўзлаша бошладилар. Мусайлима у зотга: «Истасанг, сенга бу ишни қўйиб берамиз, ўзингдан кейин уни бизга қолдирасан», деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларида бўлган бир бўлак новдани кўрсатиб: **«Агар мендан шу новдани сўрасанг ҳам бермаган бўлардим. Аллоҳнинг ҳукмидан ҳаргиз қочиб қутулолмайсан. Агар юз ўгириб кетсанг, албатта Аллоҳ сени ҳалок қилади. Аллоҳга қасамки, менга тушимда хабари берилган одам сенсан, деб ўйлайман. Мана бу Собит менинг номимдан сенга жавоб айтади»,** дедилар, сўнг кетдилар.

«Саҳиҳул Бухорий», 2/627, 628; «Фатҳул Борий», 8/87-93.

Охир-оқибат, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган иш содир бўлди. Мусайлима Ямомага қайтиб келгач, шу иш ҳақида бош қотира бошлади ва ниҳоят, ўзини пайғамбарликда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шерик қилинганини эълон қилди ва пайғамбарлик даъво қила бошлади. Қофияли сўзлар айта бошлади, қавмига маст қилувчи ичимлик ва зинокорликни ҳалол қилиб берди. Шу билан бирга у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларига ҳам гувоҳлик берарди. Қавми у билан фитналаниб, унга эргашди ва уни олқишлай бошлади. Шундай қилиб, унинг иши катталашиб, довруғи ошиб, ҳатто «Ямоманинг раҳмони», деб атала бошлади. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб йўллаб: «Мен пайғамбарликда сенга шерик қилиндим. Бу ишнинг ярми бизга, ярмига Қурайш эгалик қилсин», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

... إِنَّ ٱلْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۖ وَٱلْعَٰقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٢٨﴾

«...Бу Ер шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорлар (Аллоҳдан қўрққанлар)**ники бўлур»** ("Аъроф" сураси, 128-оятдан) деб жавоб йўлладилар.

«Зодул маод», 3/31, 32.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мусайлиманинг элчилари Ибн Наввоҳа билан Ибн Усол Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишганда у зот уларга: **«Менинг Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик берасизларми?»,** деб сўрадилар. Улар: «Биз Мусайлима Аллоҳнинг элчиси, деб гувоҳлик берамиз», дейишди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ ва Росулига иймон келтирдим. Агар элчини ўлдиришни дуруст кўрганимда, албатта сизларни ўлдирган бўлардим»,** дедилар. Имом Аҳмад ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/347.

Мусайлиманинг пайғамбарлик даъво қилиб чиқиши нубувватнинг 10-йилида бўлди. У Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида, 12-ҳижрийнинг рабиул-аввал ойида бўлиб ўтган Ямома жангида ўлдирилди. Уни Ҳамзанинг қотили Ваҳший ўлдирди. Ёлғон пайғамбарларнинг иккинчиси Асвад ал-Ансий Ямандa чиқди. Уни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан бир кун олдин Файруз ўлдирди ва бошини кесиб олди. Бу ҳақда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушиб, асҳобларига хабар бердилар. Кейинроқ бу ҳақда Ямандан Абу Бакр розияллоҳу анҳуга хабар келди. «Фатҳул Борий», 8/93.

14. Бану Омир ибн Соъсоъа элчилари.

Улар ичида Аллоҳнинг душмани Омир ибн Туфайл, Арбад ибн Қайс (Лабиднинг она томондан иниси), Холид ибн Жаъфар ва Жаббор ибн Асламлар бор эди. Булар ҳаммаси қавмнинг раислари ва шайтонлари эди. Омир Биър Маъуна ҳодисасида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари хиёнаткорона ўлдирилишига сабаб бўлган кимса эди. Ушбу элчилар гуруҳи Мадинага келишлари олдидан Омир билан Арбад ўзаро тил бириктириб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд уюштиришга келишиб олишди. Мадинага келишгач, Омир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплаша бошлади, Арбад эса у зотнинг орқаларига айланиб ўтиб, қиличини шартта қинидан суғурмоқчи бўлган эди, бир қарича суғурганидан сўнг Аллоҳ таоло унинг қўлини қотириб қўйиб, суғуролмай қолди. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини уларнинг шарридан сақлаб қолди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни дуоибад қилдилар. Қайтиб кетишганидан сўнг Аллоҳ таоло Арбад устига яшин тушириб, туяси билан қўшиб куйдириб юборди. Омир эса Салуллик бир (фоҳиша) аёлнинг уйига тушган ерида бўйнига ғудда (без, яра) чиқиб, шундан вафот этди. Ўлаётиб: «Туянинг ғуддасига ўхшаган ғудда билан, Салулиянинг уйида ўлиб кетавераманми?!», дерди.

«Саҳиҳул Бухорий»да айтилишича, Омир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Уч нарсадан биттасини танланг: шаҳар аҳли сизники, саҳро аҳли меники бўлсин, ёки мен сиздан кейин халифангиз бўлай, ё эса сизга қарши Ғатафонда мингта айғир, мингта

байталда урушга чиқаман», деди. Шундан сўнг у бир аёлнинг уйида балога учраб, ўлар чоғида: «Туянинг ғуддасидек ғудда билан, фалончи аёлнинг уйида ўламанми?! Менга отимни келтиринглар!», деди, сўнг отига минган жойида жони чикди.

15. Тужийб элчилари.

Ушбу қавм элчилари садақотларини фуқароларига тарқатиб, ортганини олиб келишди. Улар ўн уч кишидан иборат бўлиб, Қуръон ва суннатларни таълим олдилар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан талайгина нарсаларни сўраб, ёздириб олдилар. Улар Мадинада узоқ қолмадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг қайтишларига ижозат бергач, юклари олдида қолдирган бир ёш болани у зот ҳузурларига юбордилар. Бола келиб: «Ё Росулуллоҳ, мени ўз диёримдан сизнинг ҳузурингизга келтирган нарса фақат битта, яъни Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини ва мени раҳмати остига олишини ҳамда бойлигимни қалбимда қилишини сўраб дуо қилсангиз, деб келганман», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳаққига дуо қилдилар. Шундан сўнг бу бола энг қаноатли инсонлардан бўлиб, одамлардан муртадлик содир бўлган даврларда динида маҳкам туриб, бошқаларни ҳам маҳкам туришга чақириб, насиҳатлар қилиб турди. Унинг насиҳати билан кўпчилик динида собит қолди. Ушбу элчилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан 10-йили Ҳажжатул Вадоъда яна бир марта учрашдилар.

16. Тойъ (طَيِّء) элчилари.

Ушбу қавм элчилари ичида Зайд Хайл, деган киши ҳам бор эди. Улар билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида сўзлашувлар бўлди. У зот уларга Исломни таклиф қилдилар. Улар мусулмон бўлиб, Исломлари чиройли бўлди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ҳақида: **«Менга араблардан бирон кишининг фазилатлари ҳақида айтилган бўлса, у одамнинг ўзини кўрганимда, айтилган даражада эмаслигини кўрардим. Лекин, Зайд Хайл тўғрисида муболаға қилинмаган экан»,** дедилар, сўнг уни Зайд Хайр, деб номладилар.

Ҳоказо, икки йил – тўққизинчи ва ўнинчи йиллар мобайнида Мадинага бирин-кетин элчилар келиб турди. Тарихчилар Яман аҳлидан, Азд, Қузоъалик Бану Саъд Ҳузайм, Бану Омир ибн Қайс, Бану Асад, Баҳроъ, Хавлон, Муҳориб, Банул Ҳорис ибн Каъб, Ғомид, Банул Мунтафиқ, Саломони, Бану Абс, Музайна, Мурод, Зубайд, Кинда, Зу Мурра, Ғассон, Бану Ийш ва Нахъ қабилаларидан ҳам элчилар келганини зикр қилганлар. Икки юз кишидан иборат Нахъ элчилари энг сўнгида – 11-ҳижрийнинг муҳаррам ойида келган. Мазкур элчилар асосан 9- ва 10- йиллари келган бўлиб, фақат баъзиларигина 11-йили келишган.

Элчиларнинг бирин-кетин келишлари Исломий даъватнинг Араб жазирасида тўлиқ қабул қилинганига, Исломнинг таъсир доираси

мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетганига ва арабларнинг Мадинага эҳтиром ва улуғлаш назари билан қарай бошлаганликларига, улар олдида Исломга таслим бўлишдан ўзга чора қолмаганига далолат қилади. Дарҳақиқат, Мадина Араб жазирасининг пойтахтига айланиб улгурган, бундан кўз юмиш мумкин эмасди. Лекин, бу ўша диёрлар аҳлларининг дилларига Ислом мустаҳкам ўрнашиб қолди, дегани эмасди. Чунки, улар орасида табиатларига чуқур илдиз отиб кетган жангарилик, босқинчилик, тажовузкорлик каби иллатлардан тўла халос бўлиб улгурмаган, ўз раисларига эргашибгина мусулмон бўлган ва Ислом таълимотлари ҳали қалбларига чуқур кириб бормаган жоҳил кишилар кўплаб топиларди.

Қуръони карим улардан баъзиларини қуйидагича тавсифлаганди:

ٱلْأَعْرَابُ أَشَدُّ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجْدَرُ أَلَّا يَعْلَمُوا۟ حُدُودَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٩٧﴾ وَمِنَ ٱلْأَعْرَابِ مَن يَتَّخِذُ مَا يُنفِقُ مَغْرَمًا وَيَتَرَبَّصُ بِكُمُ ٱلدَّوَآئِرَ ۚ عَلَيْهِمْ دَآئِرَةُ ٱلسَّوْءِ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٩٨﴾

«Аъробийлар куфру нифоқда қаттиқроқ ва Аллоҳ Ўз пайғамбарига нозил қилган нарсаларнинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир. Аъробийлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, қилган садақасини (ўзи учун) **зиён, деб билади ва сизлар** (мўминлар)**га балолар келишига кўз тутиб туради.** (Барча) **ёмон бало**(лар) **ўзларига бўлсин! Аллоҳ эшитувчи, билувчидир».**

“Тавба” сураси, 97-98-оятлар.

Улардан баъзиларини эса қуйидагича мақтаганди:

وَمِنَ ٱلْأَعْرَابِ مَن يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنفِقُ قُرُبَٰتٍ عِندَ ٱللَّهِ وَصَلَوَٰتِ ٱلرَّسُولِ ۚ أَلَآ إِنَّهَا قُرْبَةٌ لَّهُمْ ۚ سَيُدْخِلُهُمُ ٱللَّهُ فِى رَحْمَتِهِۦٓ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩٩﴾

«Аъробийлар орасида Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ-эҳсонини Аллоҳ даргоҳида қурбат (яқинлик) **ҳосил қилиш ва пайғамбар дуосига** (мушарраф бўлиш)**, деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, ўша инфоқ-эҳсонлари ўзлари учун қурбатдир. Аллоҳ уларни Ўз раҳматига дохил қилажак. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир».** “Тавба” сураси, 99-оят.

Аммо, уларнинг Макка, Мадина ва Сақифда яшайдиганлари ва кўпгина Яман ва Баҳрайнликлари ичида Ислом мустаҳкам илдиз отган, улар ичида кибор саҳобалар ва улуғ зотлар бор эди.

Хузойр, «Муҳозарот тарихил-умамил-исламия», 1/144.

Мазкур элчи ва вакиллар келишлари тафсилоти билан қуйидаги манбалардан чуқурроқ танишиш мумкин: «Саҳиҳул Бухорий», 1/13, 2/626-630; «Ибн Ҳишом», 2/501-503, 510-514, 537-542, 560-601; «Зодул маод», 3/26-60; «Фатҳул Борий», 8/83-103.

Даъватнинг муваффақияти ва таъсири

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг сўнгги кунлари билан танишишдан аввал бир оз ортга боқиб, у зот ҳаётларининг мазмунига айланган ва у сабабли бошқа пайғамбарлардан имтиёзли бўлиб, Аллоҳ бошларига аввалгилар-у охиргиларнинг саййиди деган тожни кийдиришига мушарраф этган буюк амалга бир сидра кўз югуртириб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак.

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمُزَّمِّلُ ۝١ قُمِ ٱلَّيْلَ إِلَّا قَلِيلًا ۝٢

«Эй (кийимларига) **ўралиб олган зот, кечаси** (бедор бўлиб, намозда) **туринг!»** (“Муззаммил” сураси, 1-2-оятлар) ва:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمُدَّثِّرُ ۝١ قُمْ فَأَنذِرْ ۝٢

«Эй (либосларига) **бурканиб олган зот, туринг-да,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг!»** (“Муддассир” сураси, 1-2-оятлар) деган амри илоҳий нозил бўлганидан сўнг у зот ўринларидан турдилар ва шу турганларича йигирма йилдан кўпроқ вақт ер юзидаги энг улкан омонат юкини, бутун башариятнинг юкини, бутун ақиданинг оғирлигини, турли майдонлардаги оғир ва шиддатли курашлар юкини елкаларида кўтариб юрдилар.

У зот жоҳилий тушунча ва дунёқарашларга ғарқ бўлган, нафс-ҳаво арқонларига чамбарчас боғланган, ернинг жозибадор тилсимларига мафтун бўлган инсоний қалб майдонларидаги жиҳод ва кураш юкларини ҳам ўз елкаларига олган эдилар. Ўз асҳобларининг қалбларини уларга ўрнашган жоҳилона ҳаёт чўкиндиларидан халос қилиб, ҳали тамом бўшамасларидан туриб, бошқа майдонда бошқа бир кураш – балки узоқ давомли курашлар бошланиб кетди. Бу – эндигина униб чиқаётган покиза ниҳолни ерга чуқур илдиз отишидан, танаси осмонга бўй чўзиб, чор-атрофларни соялантиришидан олдин суғуриб, юлиб ташлаш учун жон-жаҳдлари билан интилаётган кимсаларга, Аллоҳнинг ва Унга иймон келтирганларнинг душманларига қарши бошланган курашлар силсиласи эди. Араб жазирасидаги жангу жадаллардан бўшаб улгурмасларидан туриб,

жазиранинг шимолий ҳудудлари бўйлаб бу янги умматга чанг солиш учун тайёргарлик кўра бошлаган Рум қўшинларига қарши жангга киришларига тўғри келди.

Бу пайтда ҳали биринчи бўлиб бошлаган курашлари, яъни қалбларни тозалаш маъракаси ҳали тамомига етмаган эди. Зеро, бу жанг абадий давом этадиган жанг эди. Чунки, бу жангдаги асосий рақиб – шайтони лаъин бўлиб, у ўзининг инсонлар қалбида олиб борадиган фаолиятини бир лаҳза бўлсин, бўшаштиришни асло истамайди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг дини учун турли майдонларда давом этаётган жангларда сабот билан турар, у кишига дунё оқиб келаётган пайтда ҳам бир хилда фақирона ҳаёт кечирар, мўминлар у зотнинг атрофларида омонлик ва осойишталик неъматларидан баҳраманд бўлиб турган ҳолда ҳам у зот ўз ҳаракат ва жиҳодларида бир маромда давом этиб турар, чиройли сабр билан, кечалари қоим бўлиб, Парвардигорларига ибодат қилишда, Унинг Китобини тартил билан тиловат қилишда ва Унга ихлос билан тўлиқ бандалик қилишда Аллоҳ буюрганидек турар эдилар.

Саййид Қутб, «Фий зилалил Қуръан» (29/168, 169).

Йигирма йилдан ортиқ давом этган тинимсиз курашлар ичра ана шундай ҳаёт кечирдилар, ҳеч нарса у кишини асосий мақсадларидан бура олмади. Натижада Ислом даъвати ақл бовар қилмас даражада улкан масофаларда муваффақият қозонди, бутун Араб жазираси бу ҳақ дин билан тозаланиб, унинг уфқларидан жаҳолат ғуборлари кетиб, мажруҳ ақллар соғайиб, бутпарастликни тарк этибгина қолмай, ҳатто бутларни синдирувчиларга айландилар. Энди уфқлар тавҳид садолари билан тўлиб, намозга чақирувчи азон овозлари саҳролар орасидаги янги иймон фазолари бўйлаб ҳавога таралларди. Ҳофизлар Қуръон оятларини тиловат қилганларича, дунё бўйлаб Аллоҳнинг ҳукмларини жорий қилиш учун тарқалдилар.

Тарқоқ элат ва қабилалар бирлашди. Инсон ўзига ўхшаган бандалар қуллигидан қутулиб, ягона Аллоҳнинг қулига айланди. Эзувчилар ва эзилувчилар, хўжайинлар ва қуллар, ҳокимлар ва маҳкумлар, золимлар ва мазлумлар, деган айирмалар йўқолиб, ҳамма инсонлар фақат Аллоҳнинг бандаларига, дўст-биродар, оға-ини, Аллоҳнинг ҳукмлари олдида баробар бўлган тенг ҳуқуқли инсонларга айландилар. Аллоҳ улардан жоҳилият такаббурлигини ва ота-боболар билан фахрланишни кетказди. Бу жамиятда арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, оқ танлининг қора танлидан ортиқлиги қолмади. Бу ерда афзаллик тақводагина бўлиб, кимнинг тақвоси ортиқ бўлса, афзаллик ўша одамда бўлиб қолди. Инсонларнинг ҳаммаси Одам алайҳис-салом зурриёти, Одам алайҳис-салом эса тупроқдан яратилгандир.

Шундай қилиб, мана шу даъват фазилатидан араблар бирлиги, инсоният бирлиги, ижтимоий адолат, ҳам дунёвий муаммо ва масалаларда, ҳам ухровий масалаларда башарий бахт-саодат вужудга келди, давр чархпалаги ўзгарди, ер юзида ўзгаришлар содир бўлди, тарих ғилдираги тўғри изига тушди, тафаккур мезони ўзгарди.

Ушбу даъват келишидан олдин оламга жоҳилият руҳи ҳукмронлик қилар, оламнинг қалби бузилиб кетган, руҳи айниб кетган эди. Ундаги ўлчов ва миқёсларга халаллик етган, олам зулм ва қулдорлик ҳукмронлиги остида қолган эди. Бир томонда ҳаддан ортиқ тўқлик ва дабдабали ҳаёт, иккинчи томонда эса ўта ночорлик ва маҳрумлик яққол кўзга ташланиб турар, ҳамма ёқни куфр ва залолат зулматлари қоплаб олганди. Самовий динлар мавжуд бўлишига қарамай, уларга ўзгартиришлар киритиб юборилган ва ўта заифлашиб кетган, қалбларга таъсири йўқолиб, қотиб қолган расм-русумлардангина иборат, жонсиз ва руҳсиз жасадга айланиб қолган эди.

Ушбу даъват башарият ҳаётида ўз вазифасини ўтай бошлагач, башар руҳи ваҳму хурофотлардан, қуллик ва ҳуқуқсизликдан, бузилиш ва айнишдан, чиркинлик ва ахлоқсизликдан халос бўлди. Инсоний жамият зулму туғёндан, тарқоқлик ва емирилишдан, табақавий тафовутлардан, ҳокимларнинг истибдоди-ю, коҳинларнинг зўравонликларидан халос бўлди. Бу даъват оламни поклик ва тозалик, ижобийлик ва бунёдкорлик, ҳуррият ва янгиланиш, билим ва маърифат, иймон ва ишонч, адолат ва каромат, ҳаётни юксалтириш ва тараққий эттириш учун тинимсиз ҳаракат ва ҳаётда ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳақ-ҳуқуқини бериш асосида бошқатдан бино қилди.

Ушбу ўзгариш ва тараққиётлар туфайли Араб жазираси ўз тарихида мисли кўрилмаган муборак уйғониш даврига шоҳид бўлди, у умрининг ўша ажойиб кунларида мислсиз ёруғлик таратиб, қуёшдек порлади.

Саййид Қутб: «Ма за хосирал олам бинҳитотил-муслимийн» китоби муқаддимаси, 14-с.

Ҳажжатул Вадоъ

Даъват ва рисолатни етказиш иши камолига етди, худоликни якка Аллоҳга исботлаш ва Ундан бошқасидан рад қилиш ва рисолатни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга исботлаш асосида янги жамият барпо қилиш тўла амалга ошди. Шундан сўнг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларидаги ички бир туйғу у зотга дунёдаги вазифалари ниҳояланиб бораётгани ҳақида хабар бергандек бўлди. Бинобарин, 10-ҳижрийда Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга кузатаётганларида унга айтган сўзлари орасида: **«Эй Муоз, сиз мен билан энди кўришолмаслигингиз мумкин, балки менинг масжидим ва қабрим ёнидан ўтарсиз»,** деган сўзлар бор эди. Шунда Муоз Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ажралиб қолишини ўйлаб йиғлаган эди.

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари саллаллоҳу алайҳи васалламга йигирма йилдан ошиқ вақт унинг йўлида жуда кўп машаққатлар чеккан даъватлари самарасини кўришни насиб этди. Макка атрофида араб қабилалари вакиллари ва намоёндалари у зотдан диннинг қонун-қоида ва аҳкомларини ўрганишлари учун ва у зот омонатни етказганлари, рисолатни адо қилганлари ва умматга насиҳат қилганлари хусусида улардан гувоҳлик олишлари учун йиғилдилар.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мабрур ва машҳуд бўлган мана шу ҳажни адо этиш қасдини эълон қилдилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилиш истагида Мадинага одам ёғилиб кела бошлади. (Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, "Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари ҳақида"ги боб, 1/394). Зул-қаъда ойидан сўнги беш кун қолганида Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга ҳозирландилар.

"Фатҳул Борий", 8/104.

Бошларини ювиб, сочларини мойлаб, изор ва ридоларини кийдилар, қурбонликка аталган жонлиқларга белги тақдилар, сўнг пешиндан кейин йўлга чиқиб, асрдан олдинроқ Зул-ҳулайфага етиб келдилар ва асрни икки ракаат қилиб ўқидилар. Шу ерда кечани ўтказдилар. Тонг отгач, асҳобларига: **«Бу кеча Раббим тарафидан менга бир элчи келиб: «Мана шу муборак водийда намоз ўқинг ва «ҳаж ичра умра» деб ният қилинг, деди»,** дедилар.

Имом Бухорий Умар розияллоху анҳудан ривоят қилган, 1/207.

Пешин намозини ўқишдан олдин эҳром учун ғусл қилдилар. Сўнг Оиша розияллоҳу анҳо ўз қўллари билан у зотни зарира (бир турли хушбўйлик) билан хушбўйлаб қўйдилар, бошларига ва баданларига мушк суртиб қўйдилар, ҳатто хушбўйлик излари у зотнинг бошлари ва соқолларида кўриниб турарди, кейин уларни шу ҳолича қолдирдилар, ювиб ташламадилар. Шундан сўнг изор ва ридоларини (эҳром либоси) кийиб, икки ракаат пешинни ўқидилар. Сўнг намозгоҳларида ҳаж ва умрани қўшиб «Қирон» ҳажига ният қилдилар. Шундан сўнг туялари Қасвоъга миниб, «лаббайка» айтиб, йўлга чиқдилар.

Маккага яқинлашганларида Зу Туво, деган жойда кечани ўтказдилар. Сўнг шу куни – 10-ҳижрий зул-ҳижжа ойининг тўртинчи куни тонг пайтида, бомдод намозини ўқиганларидан кейин ғусл қилиб, Маккага кириб бордилар. Йўлда саккиз кунни ўтказгандилар, бу ўртача масофа эди. Масжиди Ҳаромга кириб келиб, Каъбани тавоф қилдилар, сўнг Сафо ва Марва оралиғида саъй қилдилар. Умрадан сўнг эҳромдан чиқмадилар, чунки қирон ҳажига ният қилиб, жонлиқлар олиб келгандилар. Макканинг юқори тарафига, Ҳажунга тушиб, ўша ерда турдилар. Кейин то ҳаж тавофигача бошқа тавоф қилмадилар.

Қурбонлик учун жонлиқ келтирмаган асҳобларига эҳромларини умра эҳромига айлантиришни, Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва оралиғида саъй қилишгач, эҳромдан чиқишни буюрдилар. Уларнинг

бунга бир оз иккиланишаётганларини кўриб: **«Агар ўтиб кетган ишимни қайтара олганимда эди, қурбонликка жонлиқ келтирмаган бўлардим, жонлиқларим бўлмаганида эҳромдан чиққан бўлардим»,** дедилар. Шундан сўнг жонлиқ келтирмаган кишилар у зотга итоат қилиб, эҳромдан чиқдилар.

Зул-ҳижжанинг саккизинчи – Тарвия куни Минога йўл олдилар. У ерда беш вақт – пешин, аср, шом, хуфтон ва бомдод намозларини ўқидилар. Сўнг бир оз туриб, кун чиққанидан кейин Арафотга йўл олдилар. Намирада у зот учун чодир тикиб қўйилган экан, ўша чодирга тушдилар. Кун тиккадан ўтгач, Қасвони эгарлатиб миндилар ва Батни Водийга бордилар. Атрофларида бир юз йигирма тўрт минг ёки бир юз қирқ тўрт минг одам йиғилган ҳолда уларга қуйидаги пурмаъно сўзлари билан хутба қилдилар:

«Эй одамлар, менинг сўзимга яхшилаб қулоқ тутинглар! Чунки, билмайманки, бу йилдан кейин бу ўринда сизлар билан ҳеч қачон учрашмаслигим мумкин». “Ибн Ҳишом”, 2/603.

«Албатта, қонларингиз ва молларингиз ушбу ойингиз, ушбу юртингиз ва ушбу кунингиз ҳурматидек ҳаромдир. Огоҳ бўлинглар! Жоҳилият ишларидан ҳар бир нарса мана шу икки оёғим остига ташлангандир (бекор қилингандир)**. Жоҳилиятдаги қонлар** (яъни, қасослар) **ҳам бекор қилинди. Қонларимиздан мен биринчи бўлиб бекор қиладиган қон Рабиъа ибн Ҳорис ўғлининг қонидир. – У Бану Саъдга эмизиш учун берилган эди ва уни Ҳузайл қабиласи қатл қилганди. Жоҳилиятдаги рибо ҳам бекор қилинди. Риболаримиздан мен биринчи бўлиб бекор қиладиган рибо Аббос ибн Абдулмутталибнинг рибосидир. Унинг ҳаммаси бекор қилинди».**

«Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқинглар! Зеро, сизлар уларни Аллоҳнинг омонати билан олдингиз, уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олдингиз. Сизлар учун уларнинг зиммасида сиз ёмон кўрган бирор кишига тўшакларингизни бостирмаслик мажбурияти бор. Агар ўшани қилсалар уларни ачитмайдиган қилиб уринглар. Улар учун сизнинг зиммангизда маъруф йўл билан ризқлари ва кийимлари мажбурияти бор».

«Дарҳақиқат, мен сизларга маҳкам ушласангиз ҳеч қачон адашмайдиган нарса – Аллоҳнинг Китобини қолдирдим».

“Саҳиҳ Муслим”, 1/397.

«Эй одамлар, мендан сўнг пайғамбар йўқдир, сизлардан сўнг бошқа уммат йўқдир. Бас, Роббингизга ибодат қилингиз, беш вақт намозингизни ўқингиз, бир ой рўзангизни тутингиз, молларингизнинг закотини кўнгилдан чиқариб адо қилингиз, Роббингизнинг Байтини ҳаж қилингиз, бошлиқларингизга итоат қилингиз, Роббингизнинг жаннатига дохил бўлгайсиз».

Ибн Жарир, Ибн Асокир ривоятлари.
Қаранг, “Маъданул-аъмол” (1108, 1109-ҳ).

«Сизлар мен ҳақимда сўраласизлар. Ўшанда нима деб жавоб берасизлар?», дедилар. «Албатта етказганингизга, адо этганингизга ва насиҳат қилганингизга гувоҳлик берамиз», дейишди.

Шунда у зот кўрсаткич бармоқларини осмонга қаратиб, сўнг у билан одамларга ишора қилиб, уч бор: **«Парвардигор, Ўзинг гувоҳ бўл!»,** дедилар.

“Саҳиҳ Муслим”, 1/397.

Арафотда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини Рабиъа ибн Умаййя ибн Халаф баланд овозда одамларга етказиб турган эди.

“Ибн Ҳишом”, 2/605.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хутбадан фориғ бўлганларидан сўнг у зотга Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари нозил бўлди:

...ٱلۡيَوۡمَ أَكۡمَلۡتُ لَكُمۡ دِينَكُمۡ وَأَتۡمَمۡتُ عَلَيۡكُمۡ نِعۡمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلۡإِسۡلَٰمَ دِينٗاۚ ... ﴿٣﴾

«...Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим, (сизларни динсизлик зулматларидан иймон нурига чиқариш билан) **Мен сизларга неъматимни тўкис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим...»** (“Моида” сураси, 3-оятдан). Ушбу оятлар нозил бўлганида Умар розияллоҳу анҳу йиғлади. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: **«Нега йиғлаяпсиз?»,** деб сўраганларида: «Динимизда зиёдалашиб бораётган эдик. Энди у комил бўлибди. Одатда, қай бир нарса комил бўлса, унга нуқсонлар кира бошлайди. Шунинг учун йиғладим», деди. **«Тўғри айтасиз»,** дедилар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам.

Абу Шайба ва Ибн Жарир ривоятлари, “Тафсири Ибн Касир”, 2/15; “Ад-дуррул-мансур”, 2/456.

Хутбадан сўнг Билол азон, сўнг иқома айтди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам жамоатга имом бўлиб, пешинни ўқидилар. Сўнг Билол иқома айтди, аср намозини ўқидилар. Икки намоз ўртасида бошқа ҳеч қандай намоз ўқимадилар. Сўнг туяларига миниб, мавқифга бордилар. Туялари Қасвонинг қорнини тошлар тарафга қилдилар. Пиёдалар у зотнинг олди тарафларида бўлиб қолди. Қиблага қараб турдилар ва шу туришларида то қуёш тўла ботгунча турдилар.

Сўнг Усомани орқаларига мингаштириб, Муздалифага келдилар. У ерда шом ва хуфтонни битта азон ва икки иқома билан ўқидилар, ўртада ҳеч қандай нафл намоз ўқимадилар. Сўнг бомдод бўлгунича ётдилар. Бомдод вақти бўлгач, азон ва иқома билан бомдодни ўқидилар. Кейин Қасвога миниб, Машъарул Ҳаромга келдилар ва қиблага юзланиб, дуо қилдилар, такбир, таҳлил ва тавҳид калималари айтдилар. То тонг ёришиб кетгунича шу ҳолда турдилар.

Кун чиққанидан сўнг Фазл ибн Аббосни мингаштириб, Муздалифадан Минога қараб йўл олдилар. Батни Муҳассарга келганларида бир оз тезладилар. Сўнгра Жамратул Куброга чиқадиган ўрта йўлга тушдилар. Дарахт олдидаги Жамрага келиб (у ҳозирги Жамратул Кубро бўлиб, ўша замонда унинг олдида дарахт бор эди, уни Жамратул Ақаба ва Жамратул увло, деб аталади) еттита тош отдилар, ҳар бир тошни отганда такбир айтдилар. Тошларни Батни Водийдан отдилар. Кейин қурбонлик сўйиладиган жойга бордилар. Олтмиш учта туяни ўз қўллари билан бўғизладилар. Сўнг Алига бердилар, қолган ўттиз еттита туяни у сўйди. Ҳаммаси бўлиб юзта туя сўйдилар, уни ҳам ўз қурбонликларига шерик қилдилар. Сўнгра ҳар бир туянинг гўштидан оз-оздан олдириб, қозонга солдириб пиширтирдилар. Икковлари ундан еб, шўрвасидан ичдилар.

Кейин Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уловларига миниб, Байтуллоҳга бориб, ифоза тавофи қилдилар. Маккада пешинни ўқигач, Замзамдан сув тортиб, одамларга тарқатаётган Бану Мутталиб қавми олдига бордилар ва уларга: **«Тортинглар, Бану Абдилмутталиб! Одамлар сизларнинг сувчилигингизга ғолиб бўлиб кетишидан қўрқмаганимда мен ҳам сизлар билан бирга сув тортган бўлардим»,** дедилар. Улар бир челакда сув узатишди, ундан ичдилар.

“Саҳиҳ Муслим”, 1/397-400.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қурбонлик – яъни, зул-ҳижжанинг ўнинчи куни ҳам чошгоҳ вақти кулранг хачирга минган ҳолда хутба қилдилар. Али ибн Аби Толиб у кишининг гапларини одамларга етказиб турди. Баъзилар тик турган, баъзилар ўтирган ҳолда у зотнинг хутбаларини тингладилар. Ушбу хутбаларида кечаги хутбаларида ўтган баъзи сўзларни яна такрор айтиб ўтдилар. Имом Бухорий ва Муслим Абу Бакра розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиладилар: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қурбонлик куни бизга хутба қилиб: **«Албатта, замон Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган кунидаги ҳолатида айланиб турибди. Бир йил ўн икки ойдан иборат. Бундан тўрт ойи ҳаром ойдир, учтаси бирин-кетин: зул-қаъда, зул-ҳижжа ва муҳаррам ҳамда икки жумодий ва шаъбон ўртасидаги ражаб ойи», дедилар.**

«Бугун қандай кунлигини биласизларми?», дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Росули билувчироқ», дейишди. У зот бир оз жим турдилар, энди биз уни бошқача ном билан атасалар керак, деб ўйлаб турган эдик: **«Қурбонлик куни эмасми?!»,** дедилар. Биз: «Ҳа, шундай ё Росулуллоҳ», дедик. **«Бу қайси шаҳар? Баладул-ҳаром эмасми?!»,** дедилар. Биз: «Ҳа, шундай ё Росулуллоҳ», дедик. **«Сизларнинг қонларингиз, молларингиз, обрў-номусларингиз мана шу шаҳрингиз, мана шу ойингиз, мана шу кунингизнинг ҳаромлигидек ҳаромдир».**

«Яқинда сизлар Роббингизга йўлиқасиз, У зот сизларни амалларингиз ҳақида сўроққа тутади. Огоҳ бўлингиз, мендан сўнг бир-бирингизнинг бўйнингизга қилич соладиган кофирларга айланиб кетманглар!».

«Огоҳ бўлингиз, етказдимми?!», дедилар. Биз: «Ҳа», дедик. **«Парвардигоро, Ўзинг гувоҳ бўлгайсан. Шу ерда ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказсинлар! Зеро, баъзи етказувчилар бўладики, ўзидан кўра яхшироқ англайдиган кишиларга етказадилар»,** дедилар.

Бир ривоятда: **«Огоҳ бўлингиз, ҳар бир жиноят қилувчи фақат ўзининг зарарига жиноят қилади. Огоҳ бўлингиз, отанинг жинояти боласининг зарарига, боланинг жинояти отасининг зарарига бўлмайди. Огоҳ бўлингиз, шайтон сизларнинг бу диёрингизда маъбуд бўлишдан бутунлай умидини узди. Аммо, сизлар арзимас деб кўрган ишларингизда ҳам у учун итоат ҳосил бўлиб, у шундан ҳам рози бўлади».**

Имом Термизий ривояти, 2/38, 135; Ибн Можа ривояти, "Мишкотул масобийҳ", 1/234.

Ташриқ кунлари Минода туриб, ҳаж ибодатларини адо этдилар, унинг тартиб-қоидаларини таълим бердилар, Аллоҳни зикр қилдилар, Иброҳим алайҳис-саломдан бери келаётган суннатларни барпо қилдилар, ширк белгилари ва асоратларини ўчирдилар.

Ташриқ кунларининг бирида ҳам хутба қилдилар. Абу Довуд ҳасан санад билан Сарроъ бинт Наҳбондан ривоят қилади: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам руъус куни (ташриқ кунларининг иккинчиси) бизларга хутба қилиб: **«Бу ташриқ кунларининг ўртаси эмасми?!»,** дедилар. (Абу Довуд ривояти, 1/269). Бу кундаги хутбалари ҳам худди қурбонлик кунидаги хутбаларидек бўлди. Бу хутбаларини «Наср» сураси нозил бўлиши ортидан қилдилар.

Иккинчи куни, яъни зул-ҳижжанинг ўн учинчи куни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Минодан қайтиб, водийнинг Бану Кинона тарафидаги ёнбағирга тушдилар. Ўша куннинг қолган қисмини ва тунни шу ерда ўтказдилар. Пешин, аср, шом ва хуфтонни ўқидилар, сўнг ётиб дам олдилар. () Эртаси куни Байтуллоҳга йўл олдилар ва видолашув тавофини қилдилар, одамларни ҳам шундай қилишга буюрдилар.

Ҳажнинг барча расм-русумлари тамомига етгач, тин олиб, роҳатланиш учун эмас, балки Аллоҳ учун кураш ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодни яна давом эттириш учун Мадинаи Мутаҳҳарага қараб йўл олдилар.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари тафсилоти билан қуйидаги манбалардан танишишингиз мумкин: "Саҳиҳул Бухорий", 1 ва 2/631; "Саҳиҳ Муслим", «Пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳажлари» боби, "Фатҳул Борий", "Китоби маносик", 3-мужаллад, 8/103-110; "Ибн Ҳишом", 2/601-605; "Зодул маод", 1/196, 218-240.

Охирги марта сарийя юборишлари

Рум давлатининг кибру ҳавоси уни Аллоҳ ва Росулига иймон келтирган инсонларга яшаш ҳуқуқини беришдан ҳам бош тортадиган қилиб қўйди, бу давлат ўз фуқаролари ичидан Исломга кирган кишиларни аёвсиз ўлдира бошлади. Буни Рум томонидан Маъонга волий бўлиб турган Фарва ибн Амр Жузомийнинг қатл этилиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Румдан бу қадар кеккайиш ва журъат содир бўлаётганини кўрган Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Румнинг эсини жойига киритиб қўйиш ва ҳудуд яқинида яшовчи араблар қалбига ишончни қайтариш учун, омма онгига черковнинг зўравонлигини тийиб қўювчи куч йўқ, Исломга кириш, дегани ўз жонини хатарга гирифтор этиш демакдир, деган фикр сингиб қолмаслиги учун 11-ҳижрийнинг сафар ойида улкан қўшинни сафарга ҳозирлашга киришдилар. Унга амир қилиб Усома ибн Зайд ибн Ҳорисани танладилар ва Фаластиннинг Балқоъ ва Дорум ҳудудларига қараб от суришга амр қилдилар.

Одамлар лашкарбошининг ёши кичиклиги жиҳатидан баъзи эътирозларни билдиришди. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар унинг амир бўлишидан норози бўлсаларингиз, бундан аввал унинг отасининг амир бўлишига ҳам рози бўлмаган эдингизлар. Аллоҳга қасамки, у албатта амирликка лойиқ эди ва мен учун энг суюмли одамлардан эди. Бу** (яъни, унинг ўғли) **ундан кейин менга энг суюмли кишилардандир»,** дедилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 2/612.

Шундан сўнг одамлар Усоманинг атрофида йиғилиб, унинг лашкари сафига кира бошладилар. Қўшин йўлга отланиб, Мадинадан бир фарсах масофадаги Журфга бориб тўхтаган пайтда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг касалликлари ҳақида етиб келган хавотирли хабарлар уни тўхтаб туришга ва Аллоҳнинг у зот ҳақларидаги ҳукмини кутиб туришга мажбур қилди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ушбу қўшинни Абу Бакр Сиддиқнинг халифаликларида энг биринчи юборилажак қўшин бўлишини ирода қилган экан.

“Саҳиҳул Бухорий”, 2/612; “Ибн Ҳишом”, 2/606, 612.

ПОКИЗА УМРНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Рафиқи аъло сари. Видолашувнинг илк белгилари

Даъват такомиллашиб, Ислом вазият устидан тўла ҳукмронликни қўлга киритгач, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳисларидан ҳаёт ва тириклар билан видолашув кўринишлари белги бера бошлади, бу у зотнинг сўзлари ва ҳаракатларида сезила бошлади.

Ҳар йили рамазон ойида фақат ўн кун эътикоф қилиш одатлари бўлгани ҳолда, бу йил йигирма кун эътикоф қилдилар. Ҳар йили рамазонда Қуръонни Жибрил алайҳис-саломдан бир бор ўтказиб

олардилар, бу йил икки маротаба ўтказдилар. Ҳажжатул Вадоъда (видолашув ҳажжида): **«Билмайманки, балки сизлар билан бу йилдан кейин бу ўринда учраша олмасам керак»,** дедилар. Жамратул Ақабада (тош отиладиган жойда): **«Ҳажнинг барча расм-русумларини мендан ўрганиб олинглар, балки мен сизлар билан бу йилдан кейин энди ҳаж қила олмасман»,** дедилар. Ташриқ кунларининг ўртанчи кунида у зотга «Наср» сураси нозил бўлди. Бу видолашув сураси ва ўзлари учун ўлим даракчиси эканини тушундилар.

11-ҳижрийнинг сафар ойи бошларида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудга чиқиб, шаҳидларга яна бир бор намоз ўқидилар, ўликлар билан ҳам, тириклар билан ҳам видолашгандек бўлдилар. Сўнгра қайтиб келиб, минбарга кўтарилиб: **«Мен сизлардан олдин бориб турувчидирман ва мен сизларга шоҳиддирман. Қасамки, мен ҳозир ҳавзимга боқиб турибман. Менга ер хазиналарининг калитлари** (ёки ернинг калитлари) **ато этилди. Қасамки, мен сизларнинг мендан кейин мушрик бўлиб кетишингиздан қўрқмайман, балки ўша** (ер хазиналари борасида) **талашиб-тортишишингиздан қўрқаман»,** дедилар.

Муттафақун алайҳ, “Саҳиҳул Бухорий”, 2/585; “Фатҳул Борий”, 3/ 248 (1344, 3596, 4042, 4085, 6426, 6590-ҳадислар); “Саҳиҳ Муслим”, 4/1795 (2296-ҳ).

Бир куни ярим тунда Бақиъга чиқиб, унда ётган майййитларга истиғфор айтдилар ва: **«Ассалому алайкум, эй қабристон аҳли! Яхши инсонлар эришган нарсага эришганингиз муборак бўлсин. Фитналар қоронғу тун зулматлари каби бири бирини қувиб, келмоқда, кейингиси аввалгисидан ёмонроқ»,** дедилар, **«Албатта, биз ҳам сизларнинг ортингиздан эргашувчимиз»,** деб уларга хушхабар бердилар.

Беморликларининг бошланиши

11-ҳижрий сафар ойининг йигирма саккизи ёки йигирма тўққизида, душанба куни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Бақиъдан бир жанозада иштирок этиб қайтаётганларида, йўлда бошларига оғриқ кириб, истмалари кўтарилиб кетди. Истманинг ҳарорати бошларига боғлаб олган мато устидан ҳам билиниб турарди.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам беморликларида 11 кун одамларга имом бўлиб намоз ўқиб турдилар, беморликлари ҳаммаси бўлиб 13 ёки 14 кун давом этди.

Умрларининг сўнгги ҳафтаси

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам анча оғирлашиб қолдилар ва аёлларидан: **«Эртага кимникидаман? Эртага кимникидаман?»,** деб сўрай бошладилар. Аёллари ҳам у зотнинг муродларини тушуниб, ўзлари истаган жойда бўлишларига изн бердилар. Шундан сўнг бошлари боғлиқ ҳолда, Фазл ибн Аббос билан Али ибн Аби Толибнинг ўртасида оёқларини судраб босганларича

Оишанинг уйига кўчиб ўтдилар ва ҳаётларининг сўнгги ҳафтасини шу ерда ўтказдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо “Муъаввизот” (“Фалақ” ва “Нос” сураси) ҳамда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганган дуоларни ўқиб, у зотнинг қўлларига дам солиб, баракот умидида у зотни ўз табаррук қўллари билан силар эди.

Вафотларидан беш кун олдин

Вафотларидан беш кун олдин, чоршанба куни дардлари зўрайиб, иситманинг қаттиқлигидан беҳуш бўлиб қолдилар. Ўзларига келгач: **«Ҳар хил қудуқларнинг сувидан етти меш сув келтириб, устимдан қуйинглар, одамлар олдига чиқиб, уларга васият қилай»,** дедилар. У зотни тоғорага ўтқизиб, то ўзлари: **«Бас, кифоя»,** демагунларича устларидан сув қуйдилар.

Шундан сўнг сал енгил тортгандек бўлдилар. Бошлари боғлиқ, елкаларини чойшаб билан ўраган ҳолда масжидга кириб, минбарга чиқиб ўтирдилар. Бу охирги марта минбарга ўтиришлари эди. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг: **«Эй одамлар, менга яқинроқ келинглар»,** дедилар. Ҳамма дув этиб у зотнинг яқинларига борди. Уларга панду насиҳатлар қилдилар. Гаплари орасида: **«Яҳуд ва насороларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, пайғамбарлари қабрларини масжид қилиб олишди»,** дедилар. Бир ривоятда: **«Яҳуд ва насороларни Аллоҳ ҳалок қилсин, пайғамбарлари қабрларини масжид қилиб олишди»,** дедилар (“Саҳиҳул Бухорий”, 1/62; Имом Молик, “Муватто”, 360-бет), **«Менинг қабримни сиғиниладиган бутга айлантириб олманглар!»,** дедилар. Имом Молик, “Муватто”, 65-бет.

Ўзларини қасосга кўндаланг қилиб: **«Кимнинг орқасига дарра урган бўлсам, мана, менинг орқамга ҳам дарра уриб, қасосини олсин. Кимни ҳақоратлаб обрўсини тўкан бўлсам, мана, менинг ҳам обрўйимни тўкиб, ўчини олсин»,** дедилар.

Сўнг минбардан тушиб, пешинни ўқидилар. Кейин яна минбарга чиқиб ўтирдилар ва ҳалиги гапларини такрорладилар. Шунда бир киши: «Сизда менинг уч дирҳам ҳаққим бор», деган эди, **«Эй Фазл, унга дирҳамларини бериб қўйинг»,** дедилар. Сўнгра ансорлар ҳақида васият қилиб: **«Сизларни ансорларга яхшилик қилишга васият қиламан, чунки улар менинг энг яқин ва сирдош кишиларимдир. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларини адо этдилар, энди оладиган ҳақ-ҳуқуқлари қолди. Шундай экан, уларнинг яхшилик қилувчиларидан** (яхшиликларини) **қабул қилиб, ёмонлик қилувчиларидан** (ёмонликларини) **кечиринглар»,** дедилар. Бир ривоятда: **«Одамлар кўпаядилар, ансорлар эса камаядилар, ҳатто таомнинг тузига ўхшаб қоладилар. Кимки, бировга фойда ёки зарар етказа оладиган бирон ишга волий** (раҳбар) **бўлса, уларнинг** (яъни, ансорларнинг) **яхшиларидан** (яхшилигини) **қабул қилсин ва ёмонларидан** (ёмонлигини) **кечирсин!»,** дедилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/536.

Кейин: **«Албатта, Аллоҳ бир бандасига истаганича дунё ноз-неъматларидан ато этиш ёки Ўзининг ҳузуридаги нарсани танлаш ихтиёрини берди, банда Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани танлади»,** дедилар. Абу Саид Худрий айтади: «Шунда Абу Бакр: **«Сизга ота-оналаримиз фидо бўлсин»,** деб йиғлади. Биз ажабландик, ҳатто баъзилар: «Бу мўйсафидга қаранглар! Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир бандага Аллоҳ дунё ноз-неъматларини ё Ўзининг ҳузуридаги нарсани танлаш ихтиёрини берганини айтсалар, у «Сизга ота-оналаримиз фидо бўлсин», деб йиғлаяпти», дейишди. Кейин билсак, ихтиёр берилган киши Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари эканлар. Абу Бакр ичимиздаги энг олим киши экан».

Муттафақун алайҳ, “Мишкотул масобийҳ”, 2/546.

Шундан сўнг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Албатта, одамлар ичида Абу Бакрдан кўра менга ўзининг суҳбати ва молида марҳаматлироқ бўлган бирон киши йўқдир. Агар Роббимдан бошқа бировни халил** (яқин дўст) **қилганимда эди, албатта Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Лекин Ислом дўст-биродарлиги афзалдир. Ушбу масжиддаги Абу Бакрнинг дарчасидан бошқа барча дарчаларни беркитиб ташлансин!».**

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/516.

Тўрт кун олдин

Вафотларидан тўрт кун олдин, пайшанба куни қаттиқ дард чекиб ётган ҳолларида: **«Келинглар, мен сизларга бир хат битиб берай, шундан сўнг сизлар асло адашмайсизлар»,** дедилар. У зотнинг олдиларида бир неча кишилар, шу жумладан Умар розияллоҳу анҳу ҳам бор эди. Умар: «Набий саллаллоҳу алайҳи васалламга оғриқ ғолиб бўлди, (хат ёзиш у зотга оғирлик қилади,) ҳузуримизда Аллоҳнинг китоби бор, шу ўзи кифоя» деди. Бошқалар унга қарши чиқишиб, ғала-ғовур кўпайди. Баъзилар: «(Қоғоз-қалам) келтиринглар, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хат ёзиб берсинлар», деса, бошқалар Умарнинг гапини қўллаб-қувватлардилар. Шунда у зот: **«Туринглар бу ердан!»,** деб уларни чиқариб юбордилар.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/22, 429, 449, 2/638.

Шу куни уч нарсани: яҳуд, насоро ва мушрикларни Араб жазирасидан бутунлай чиқариб юборишни васият қилдилар, ўзларидан кейин ҳам элчиларни худди у зот қандай қилган бўлсалар, ўшандай кутиб олиб, кузатишни васият қилдилар. Учинчи васиятлари ровийнинг эсидан кўтарилиб қолган экан. Балки, Китобу Суннатни маҳкам тутишга бўлган васиятдир ёки Усоманинг қўшинини тўхтатмаслик ҳақидаги васият бўлиши ҳам мумкин ё эса: **«Намозга ва қўл остингиздаги** (қул-чўриларингиз ҳаққида) **бепарво бўлманг»,** деган сўзларидир.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ дард тортиб ётган бўлишларига қарамай, то шу кунгача – яъни, вафотларидан 4 кун олдин, пайшанба кунигача барча намозларни ўзлари ўқиб бериб турдилар. Шу куни шом намозини ҳам ўзлари ўқиб, унда «Мурсалат» сурасини қироат қилдилар.

Хуфтон пайтига бориб, дардлари зўрайиб, масжидга чиқишга ҳам ҳоллари келмай қолди. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар намозни ўқидиларми?»,** деб сўрадилар. «Йўқ, ё Росулуллоҳ , улар сизни кутишмоқда», дедик. **«Менга тоғорага сув солиб беринглар»,** дедилар. Биз айтганларини қилдик. Шундан сўнг ғусл қилдилар. Кейин ўрниларидан тураётиб, ўзларидан кетиб қолдилар. Ўзларига келгач: **«Одамлар намоз ўқишдими?»,** деб сўрадилар. Шу ҳол, яъни, ювиниб, масжидга чиқишга уриниб, беҳол бўлишлари иккинчи ва учинчи марта такрорланганидан кейин Абу Бакр одамларга намоз ўқиб берсин, деб одам чиқардилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг қолган кунлари мобайнида 17 та намозни, яъни, пайшанба куни хуфтон намозидан бошлаб, душанба куни бомдод намозигача (Имом Бухорий, “Маъал фатҳ”, 2/193 (681-ҳадис); Имом Муслим, 1/315 (100-ҳ); “Муснад” Аҳмад, 6/229) Абу Бакр ўқиб берди.

Муттафақун алайҳ, “Мишкотул масобийҳ”, 2/102.

Оиша розияллоҳу анҳо одамлар доим меҳробда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб ўрганиб қолганларидан у зотнинг ўринларида Абу Бакрни кўриб, уни ёқтирмай қолишларидан қўрқиб, икки-уч бор Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб, Абу Бакрни имомликдан озод қилишга ҳаракат қилиб кўрди. Фатҳул Барий, 7/447, Имом Муслим: Намоз китоби, 1/313.

Бироқ, у зот бунга кўнмадилар ва: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сиз аёллар Юсуф** (қиссасидаги) **аёлларнинг нақд ўзисиз. Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқисин»,** дедилар. Саҳиҳул Бухорий, 1/99.

Уч кун олдин

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: “Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан уч кун олдин шундай деганларини эшитганман: **«Огоҳ бўлингиз! Сизлардан бирон киши фақат Аллоҳга яхши гумон қилган ҳолда вафот этсин»**.

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

Бир ё икки кун олдин

Шанба ёки якшанба кунига келиб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бир оз енгилллик ҳис қилгандай бўлдилар ва икки киши қўлтиқларидан олган ҳолда пешин намозига чиқдилар. Абу Бакр намоз ўқиб бераётган эди. У Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, ортга чекинмоқчи бўлган эди, Набий саллаллоҳу алайҳи

васаллам унга: **«Ўрнингизда туринг»,** деб ишора қилдилар ва: **«Мени унинг ёнига ўтқизинглар»,** дедилар. Шундан сўнг у зотни Абу Бакрнинг чап томонига ўтиргиздилар. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқий бошладилар, Абу Бакр розияллоҳу анҳу иқтидо қилиб, одамларга у зотнинг такбирларини эшиттириб турди.

Саҳиҳул Бухорий, 1/98, 99.

Бир кун олдин

Вафотларидан бир кун олдин (якшанба куни) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ғуломларини озод қилиб юбордилар, бисотларидаги 6 ё 7 динор пулларини садақа қилдилар, қурол-аслаҳаларини мусулмонларга ҳадя қилдилар. Кечқурун Оиша розияллоҳу анҳо чироқларини бир аёлникига юбориб: «Чироғимизга идишингдаги мойдан озроқ қуйиб бериб тургин», деб сўради.

Ибн Саъд: 2/239.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг совутлари эса бир яҳудий қўлида 30 соъ арпа эвазига гаровда эди.

Саҳиҳул Бухорий, 2068, 2096, 2200, 2251, 2252, 2386, 2509, 2513, 2916, 4167-ҳадислар.

Ҳаётларининг сўнгги куни

Анас ибн Молик ривоят қилади: «Душанба куни одамлар бомдод намозида турган эдилар, Абу Бакр имом бўлиб намоз ўқиётган эди. Тўсатдан Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам Оишанинг ҳужралари пардасини очиб, бизга қарадилар. Сўнг табасум қилиб жилмайдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам намозга чиқсалар керак, деган гумонда Абу Бакр сафга қўшилиш учун ортга тисарила бошладилар. Набий саллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб хурсанд бўлганимиздан намоздан чиқиб кетаёздик. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам бизга қараб: **«Намозингизни давом эттиринглар»,** деб ишора қилдилар ва пардани туширдилар». Саҳиҳул Бухорий, 2/640.

Шундан сўнг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам кейинги намоз вақтига етмадилар.

Чошгоҳ вақти Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Фотимани чақириб, унинг қулоғига шивирладилар, Фотима йиғлади. Кейин яна чақириб, қулоғига шивирладилар, у бу сафар хурсанд бўлиб кулди. Оиша айтади: «Биз кейинчалик Фотимадан бу ҳақда сўраганимизда у: «Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам шу касалликларида вафот этишларини айтдилар, шунда мен йиғладим. Кейингисида аҳли оилалари ичидан биринчи бўлиб у зотнинг ортларидан борадиган киши мен бўлишимни айтдилар, шунда мен хурсанд бўлиб кулдим», деб жавоб берди. Саҳиҳул Бухорий, 2/638.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимага бутун олам аёлларининг саййидаси эканини ҳам хушхабар бердилар.*

Фотима Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг дард азобида қийналишларини кўриб: «Воҳ, отам тортган дард-аламлар-а!», деган эди, у зот: **«Бугундан кейин отангга дард-алам етмайди»,** дедилар. Саҳиҳул Бухорий, 2/641.

Ҳасан ва Ҳусайнни чақириб, ўпдилар ва уларга яхшилик қилишга васият қилдилар, аёлларини чақириб, уларга панд-насиҳатлар қилдилар.

Оғриқ тобора кучайиб борарди. Хайбарда оғизларига олган заҳар ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Ҳатто у зот: **«Эй Оиша, Хайбарда еган заҳарли таом аламини ҳануз тортаман. Ҳозир ўша заҳар таъсиридан томирим узилганини ҳис қилдим»,** дедилар.

Саҳиҳул Бухорий, 2/637.

Юзларига йўл-йўл ёпинчиқларини ташлаб олган эдилар, нафаслари бўғилиб кетгач, юзларини очдилар ва мана шундай ҳолатда туриб: **«Яҳудий ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олишди»,** деб, уларнинг қилмишларидан (умматларини) огоҳлантирдилар, **«Араб ерида ҳаргиз икки дин қолмасин!»,** дедилар, бу сўзлар охирги сўзлари ва васиятлари бўлди.

Саҳиҳул Бухорий Фатҳ билан: 1/634; Ибн Саъд; 2/254.

Одамларга: **«Намозга, намозга** (маҳкам бўлинглар) **ва қўллларингиз остида бўлганлар** (ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилинглар!)**»,** деб васият қилдилар, буни бир неча марта такрорладилар.

Саҳиҳул Бухорий, 2/637.

Жон беришлари

Жон таслим қилиш вақти Оиша у зотнинг бошларини қучоғига олди. У шундай дейди: «Аллоҳнинг менга инъоми бўлиб, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда, менинг кунимда ва менинг бағримда жон бердилар. Ўлимлари олдида Аллоҳ таоло менинг тупугим билан у зотнинг тупукларини бирлаштирди. Абдурраҳмон (Ибн Абу Бакр) кирди, қўлида мисвок бор эди. Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни суяб ўтирган эдим. У зотнинг мисвокка қараётганларини кўрдим ва мисвокни яхши кўришларини эслаб: «Сизга мисвокни олиб берайми?», дедим. Бошлари билан ҳа, деб ишора қилдилар. Мисвокни берган эдим, қаттиқлик қилди. «Юмшатиб берайми?», дедим. Бошлари билан ҳа,

---

* Баъзи ривоятларга қараганда, Фотима розияллоҳу анҳога башорат берилган бу суҳбат Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирги кунида эмас, охирги ҳафтасида бўлиб ўтган. “Раҳматан лил аъламийн”. 1/282.

деб ишора қилдилар. Мисвокни юмшатиб берган эдим, уни (оғизларида) юргиздилар. (Бир ривоятда: яхшилаб мисвок қилдилар.) Олдиларида бир идишда сув бор эди, қўлларини сувга текизиб, сўнг уни юзларига суртиб туриб: **«Ла илаҳа иллаллоҳ, албатта ўлимнинг сакароти** (мастлиги) **бор...»,** дедилар. Саҳиҳул Бухорий, 2/640.

Мисвок қилганларидан сўнг қўлларини ёки бармоқларини кўтардилар, кўзларини шифтга тикдилар ва лаблари қимирлай бошлади. Оиша лабларига қулоқ тутганида у зот шундай деяётган эканлар: **«Ўзинг уларга инъом қилган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилгайсан. Аллоҳим, мени мағфират қил ва раҳматингга ол. Мени Рафиқи Аълога етказ. Аллоҳим, Рафиқи Аълога».**

Саҳиҳул Бухорий, 2/638, 639, 640, 641.

Сўнгги калимани уч марта қайтардилар, сўнг қўллари пастга тушди. Шу ҳолда Рафиқи Аълога етишдилар. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиуун.

Бу ҳодиса 11-ҳижрий рабиъул-аввал ойининг 12-, душанба куни чошгоҳ маҳали юз берди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари олтмиш учга тўлиб, тўрт кун ўтган эди.

Саҳобаларнинг чуқур қайғу остида қолишлари

Улкан мусибат хабари тарқалиб, Мадина аҳлининг кўзига дунё қоронғи бўлиб қолди. Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга (Мадинага) кириб келган кундан кўра нурафшонроқ ва гўзалроқ кунни кўрмадим, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган кундан кўра қоронғироқ ва ёқимсизроқ кунни ҳам кўрмадим».

Доримий ривояти, “Мишкотул масобиҳ”: 2/547.

У зот вафот этганларида қизлари Фотима: «Воҳ, Робби чорлаганида ижобат қилган отам! Жойлари Фирдавс жаннатидан бўлган отам! Мусибатингиз хабарини Жибрилга берамиз, вой отам!», деб йиғлади.

Саҳиҳул Бухорий, 2/641.

Умарнинг муносабати

Умар ибн Хаттоб: “Айрим мунофиқлар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни вафот этди”, деб даъво қилишмоқда. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўлганлари йўқ, худди Мусо ибн Имрон Робби ҳузурига кетиб, қавмидан қирқ кун йўқ бўлиб, ўлди, деб гап тарқалганидан кейин қайтиб келгани каби Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Роббилари ҳузурига кетдилар. У зот албатта қайтиб келадилар ва ўзларини ўлди, деб айтган кишиларнинг қўл-оёқларини кесадилар”, дея бошлади. Ибн Ҳишом: 2/655.

Абу Бакрнинг муносабати

Абу Бакр Сунҳдаги уйидан отлиқ тушиб келди. Масжидга кириб, одамларга бир оғиз ҳам гапирмай, тўғри Оишанинг уйига кирди ва Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига борди. У зот йўл-йўл матога ўраб қўйилган эдилар. Юзларини очиб, ўпди. Сўнг йиғлаб туриб: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, Аллоҳ сизга иккита ўлимни жамламайди. Сиз ўзингизга битилган ўлимни ўлибсиз», деди.

Сўнг ташқарига чиқди. Умар одамларга гапириб турган эди. Абу Бакр унга: «Ўтиринг эй Умар!», деди. Умар унга парво қилмай гапираверди. Шунда Абу Бакр ташаҳҳуд айтиб, гап бошлаган эди, одамлар Умарни тарк этиб, унга юзландилар. Абу Бакр шундай деди: «Аммо баъд. Сизлардан қай бир киши Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ибодат қилиб келган бўлса, билсинки, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар. Сизлардан қай бир киши Аллоҳга ибодат қилиб келган бўлса, Аллоҳ ўлмайдиган барҳаёт Зотдир. Аллоҳ айтади:

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِ ٱلرُّسُلُ ۚ أَفَإِيْن مَّاتَ أَوْ قُتِلَ ٱنقَلَبْتُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَـٰبِكُمْ ۚ وَمَن يَنقَلِبْ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ فَلَن يَضُرَّ ٱللَّهَ شَيْـًٔا ۗ وَسَيَجْزِى ٱللَّهُ ٱلشَّـٰكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

«Муҳаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни, Муҳаммад алайҳис-салом) **вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга** (куфрга) **қайтиб кетасизларми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас,** (балки фақат ўзига зарар қилади, холос)**. Аллоҳ эса** (йўлларидан қайтмай) **шукр қилувчи бандаларини муносиб мукофотлайди».** “Оли Имрон” сураси, 144-оят.

Ибн Аббос айтади: «Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, одамлар то Абу Бакр ушбу оятни тиловат қилмагунча Аллоҳ нозил қилганини гўё билмагандек, уни биринчи бор эшитиб тургандек қабул қилдилар. Кимни кўрмай, мана шу оятни ўқиётганини эшитардим».

Ибн Мусайяб айтади: Умар деди: «Аллоҳга қасамки, Абу Бакрнинг ушбу оятни ўқиганини эшитганимдан кейингина мен унинг ҳақ эканини билдим ва оёқларимдан мадор кетиб, ерга ўтириб қолдим. Шундагина Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқатан вафот этганларини англадим». Саҳиҳул Бухорий, 2/640, 641.

Муборак жасадларининг тупроққа топширилиши

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жасадлари ерга қўйилишидан олдин хилофат (ўринбосарлик) масаласида бир

қарорга келиш қийин кечди. Бану Соида шийпонида муҳожирлар ва ансорлар ўртасида бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг охири Абу Бакр розияллоҳу анҳуни халифа қилиб сайлашга иттифоқ қилдилар. Душанба куни шу билан кеч кириб, тун қоронғуси тушди. Одамлар мана шу ғоят муҳим масалани ҳал қилиб олмагунларича (сешанба тонгигача) Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг жасади шарифлари ётган ўринларида, йўл-йўл матога ўралган кўйи қолди. Аҳли-оилалари ҳужра эшигини ичкаридан беркитиб олишганди.

Сешанба куни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўйлаклари устидан ювдилар. Ювишда Аббос, Али, Аббоснинг икки ўғли Фазл ва Қусам, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари Шуқрон, Усома ибн Зайд ва Авс ибн Хавло иштирок этдилар. Аббос, Фазл ва Қусам муборак жасадни уёқ-буёққа ўгириб турдилар, Усома билан Шуқрон сув қуйиб туришди, ювиш ишини Али бажарди, Авс кўкраги билан суяб турди.

Ибн Можа: 1/521.

Уч марта сув ва сидр билан ювдилар, ювиш учун Саъд ибн Хайсаманинг Қубодаги Ғарс номли қудуғи сувидан фойдаландилар, у зот ҳаётликларида шу сувдан ичишни хуш кўрардилар.

“Табақоту ибн Саъд: 2/277-281.

Шундан сўнг муборак жасадларини пахтадан бўлган оппоқ учта яманий матога қаватма-қават қилиб кафанладилар, уларнинг ичида на кўйлак, на салла бор эди.

Муттафақун алайҳ. “Саҳиҳул Бухорий”: 1/169, “Саҳиҳ Муслим: 1/306.

У зотни қаерга дафн қилиш ҳақида ҳам бир оз тортишув бўлди. Абу Бакр: «Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ҳар бир пайғамбар қаерда жон таслим қилган бўлса, ўша ерга дафн қилинган»,** деганларини эшитганман», деганидан сўнг Абу Талҳа у зотнинг вафот этган ўрин-тўшакларини йиғиштириб, унинг ўрнида лаҳад шаклида қабр қазиди.

Одамлар бирин-кетин, ўнта-ўнтадан бўлиб, ҳужрага кириб, имомга эргашмаган ҳолда, ҳар ким ўзи танҳо Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга жаноза ўқидилар, аввал у зотнинг аҳли-оилалари ва қариндошлари, сўнгра муҳожирлар, сўнгра ансорлар, сўнгра ёш болалар, сўнгра аёллар ёки аввал аёллар, кейин ёш болалар кириб намоз ўқидилар.

Имом Моликнинг “Муваттоъ” китоби: 1/231, ибн Саъд: 2/288-292.

Сешанба куни ва чоршанбага ўтар кечанинг кўп қисми шу билан ўтди. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Биз Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг дафн қилинганларини чоршанбага ўтар тунда (бир ривоятда: туннинг сўнгида) белкураклар товушидан билдик».

“Муснаду Аҳмад”: 6/62, 274; “ибн Ҳишом”: 2/649-665.

ПАЙҒАМБАР ХОНАДОНИ

1. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонлари Маккада ҳижратдан олдин у зотнинг ўзлари ва аёллари Хадича бинт Хувайлиддан иборат эди. 25 ёшларида уйланган эдилар. Ўшанда Хадича 40 ёшда эдилар. У биринчи уйланган аёллари бўлиб, устига уйланмаганлар. Ундан бир неча ўғил-қиз кўрдилар. Ўғилларидан бирортаси ҳам яшаб қолмади. Қизлари – Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима эди. Зайнаб ҳижрат қилишдан олдин холаваччаси Абул Ос ибн Рабиъга турмушга чиқди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Руқайяга, у вафот этгандан кейин эса Умму Кулсумга уйланганлар. Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу Бадр билан Уҳуд жанглари орасида Фотимага уйландилар ва ундан Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб ва Умму Кулсум номли фарзандлар вужудга келди.

Маълумки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча ҳикматлар тақозосига кўра, тўрттадан ортиқ аёлга уйланишлари ҳалоллиги билан умматдан ажралиб турганлар. У зот жами ўн уч аёлни ўз никоҳларига олганлар ва вафот этганларида тўққиз аёллари бор эди. Аёлларидан иккисига қўшилмаганлар. Икки аёллари у зот ҳаётлик пайтларида вафот этган. Улардан бири Хадича ва иккинчиси уммул масокийн Зайнаб бинт Хузайма эди.

Қуйида уларнинг номларини ва улар ҳақида қисқача маълумотларни келтириб ўтамиз.

2. Савда бинт Замъа. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга пайғамбарликнинг 10-йили, шаввол ойида, Хадича вафотидан бир ойча ўтиб уйланганлар. У илгари Сакрон ибн Амр исмли амакиваччаси никоҳида бўлган ва эри вафот этганди. Савда 54-ҳижрий шаввол ойида Мадинада вафот этган.

3. Оиша бинт Абу Бакр Сиддиқ. Унга пайғамбарликнинг 11-йили шаввол ойида, Савдадан бир йил кейин ва ҳижратдан икки йил-у беш ой илгари уйланганлар. Уйланганларида у олти ёшда эди. Унга ҳижратдан етти ой ўтиб, Мадинада қўшилганлар. Ўшанда у тўққизга кирган эди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ундан бошқа қизга уйланмаганлар. У Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг суюкли аёли, уммат аёлларининг энг билимдони ва энг олимаси эди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Оишанинг бошқа аёллардан афзаллигини сарид (таом тури)нинг бошқа таомлардан афзаллигига ўхшатганлар. У 57- ёки 58-ҳижрийнинг 17-рамазонида вафот этган ва Бақиъга қўйилган.

4. Ҳафса бинт Умар ибн Хаттоб. Унинг эри Хунайс ибн Хузофа Саҳмий Бадр ва Уҳуд жанглари оралиғида вафот этганди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга 3-ҳижрийнинг шаъбонида уйландилар. 45-ҳижрийнинг шаъбон ойида, 60 ёшида Мадинада вафот этган ва Бақиъга дафн этилган.

5. Бану Ҳилол ибн Омир ибн Саъсаъа қабиласидан бўлган ва мискинларга раҳм-шафқати кучлилигидан уммул масокийн (“мискинлар онаси”) номини олган Зайнаб бинт Хузайма. У олдин Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг никоҳида эди. Абдуллоҳ Уҳудда шаҳид бўлгач, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам 4-ҳижрийда унга уйландилар. Орадан уч ой ўтиб, 4-ҳижрийнинг рабиул-охир ойида Зайнаб вафот этди. Унинг жанозасини Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўқидилар ва Бақиъга дафн этдилар.

6. Умму Салама Ҳинд бинт Аби Умайя. У аввал Абу Саламанинг никоҳида бўлиб, ундан фарзандлари ҳам бор эди. Абу Салама 4-ҳижрийнинг жумодул-охирида вафот этганди. Шу йили шаввол ойининг охирларида Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга уйландилар. Умму Салама энг билимдон ва оқила аёллардан эди. У 59-ҳижрийда (бир қавлда 62-ҳижрийда) 84 ёшида вафот этган ва Бақиъга қўйилган.

7. Бану Асад ибн Хузайма қабиласидан Зайнаб бинт Жаҳш ибн Рабоб. У Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаларининг қизи бўлиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг асранди ўғиллари ҳисобланган Зайд ибн Ҳорисанинг никоҳида эди. Зайд талоқ қилиб, иддаси чиққанидан сўнг Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари саллаллоҳу алайҳи васалламга:

...فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَٰكَهَا ... ﴿٣٧﴾

«...Бас, қачонки Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) **ҳожатини адо қилгач** (яъни, уни талоқ қилгач)**, Биз сизни унга уйлантирдик...»** (“Аҳзоб” сураси, 37-) оятини нозил қилди, бу ҳақда “Аҳзоб” сурасида асранди ўғилнинг ҳукмини баён қилувчи оятлар нозил қилди, биз қуйироқда бунга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга 5-ҳижрийнинг (4-ҳижрийда, деб ҳам айтилган) зул-қаъда ойида уйландилар. Зайнаб ғоят ибодатли ва садақага қўли очиқ инсонлардан эди. У 20-ҳижрийда 53 ёшида вафот этди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг у зотнинг аёллари ичидан биринчи бўлиб у вафот этди. Жанозасини Умар ибн Хаттоб ўқиган ва Бақиъга дафн қилинган.

8. Жувайрия бинт Ҳорис. У Хузоанинг Банул Мусталиқ қабиласи бошлиғи Ҳориснинг қизи эди. Банул Мусталиқ асирлари ичида бўлиб, Собит ибн Қайс ибн Шимоснинг улушига тушганди. Собит уни маълум ҳақ эвазига озод қилишга келишгач, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг озод бўлиш ҳақини тўладилар ва 6-ҳижрий (5-ҳижрий ҳам, дейилган) шаъбонида унга уйландилар. У ўз қавмининг жуда катта баракотига сабаб бўлганди. Чунки, мусулмонлар Банул Мусталиқдан 100 хонадон аҳлини Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қудалари, деган эътибор билан озод қилиб

юборгандилар. У 56-ҳижрий (ёки 55-ҳижрий) рабиул-аввал ойида 65 ёшида вафот этди.

9. Умму Ҳабиба Рамла бинт Аби Суфён. У Убайдуллоҳ ибн Жаҳшнинг никоҳи остида бўлиб, ундан Ҳабиба исмли қизи ҳам бор эди. Эри билан бирга Ҳабашистонга ҳижрат қилганди. Убайдуллоҳ ўша ерда диндан қайтиб, насронийликни қабул қилди, кейин вафот этди. Умму Ҳабиба эса Исломда ва ҳижратда собит турди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам 7-ҳижрий муҳаррамида Амр ибн Умайя Зомрий орқали Нажошийга мактуб йўллаганларидан сўнг Нажоший Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам номларидан Умму Ҳабибага совчи бўлиб, уни у зотга олиб берди, ўзининг ёнидан 400 динор маҳр ҳам берди. Сўнг уни Шураҳбил ибн Ҳасана ҳамроҳлигида Мадинага юборди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни Хайбар жангидан қайтганларидан сўнг хотин қилдилар. У 42- ёки 44- ёки 50-ҳижрийда вафот этди.

10. Софийя бинт Ҳуяй ибн Ахтоб. У яҳудларнинг Бану Назир қабиласи бошлиғи Ҳуяй ибн Ахтобнинг қизи бўлиб, Хайбар асиралари орасида эди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўзларига танлаб олдилар ва унга Исломни таклиф қилдилар. У Исломни қабул қилди. Шундан сўнг уни озод қилдилар ва унга уйландилар. Бу воқеа 7-ҳижрийда Хайбар фатҳидан сўнг бўлди. Хайбардан Мадинага қайтишларида Хайбардан 12 мил узоқликдаги Саддус-саҳбоъ, деган жойда у билан чимилдиққа кирдилар. Софийя 50-ҳижрийда (52 ёки 36-ҳижрийда, ҳам дейилган) вафот этди ва Бақиъга дафн этилди.

11. Маймуна бинт Ҳорис. У Уммул-Фазл Лубоба бинт Ҳориснинг синглиси эди. Унга 7-ҳижрийнинг зул-қаъда ойида, қазо умрасини адо этганларидан кейин уйланганлар ва Маккадан 9 мил узоқликдаги Сариф, деган жойда қўшилганлар. У 61-ҳижрийда (63-ҳижрийда, 38-ҳижрийда, ҳам дейилган) Сарифда вафот этган ва ўша ерга дафн этилган. Қабри жойлашган ўрин ҳозирда ҳам маълум.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ўн битта аёлга уйланганлар, улардан икки нафари – Хадича ва уммул масокийн Зайнаб у зот ҳаётлик пайтларида вафот этишган, қолган тўққиз нафари эса у зотнинг орқаларида қолган.

Никоҳларига олгач, қўшилмаган икки нафар аёлнинг бири Бану Килобдан, иккинчиси Киндадан Жуванийя исмли аёл эди. Булар борасида ихтилофли фикрлар бор бўлиб, улар ҳақида сўзлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки нафар жориялари ҳам бор эди. Бири Муқавқис у зотга ҳадя қилиб юборган Мория Қибтия бўлиб, ундан Иброҳим исмли ўғиллари туғилган. Иброҳим гўдаклик чоғидаёқ, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали ҳаётлик пайтларида, 10-ҳижрийнинг 28 ёки 29 шаввол куни (632-мелодий 27 январда) вафот этган.

Иккинчи жориялари назрлик ёки қурайзалик Райҳона бинт Зайд эди. Қурайза асиралари ичидан бу жорияни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига танлаб олганлар. Бир қавлга кўра, у Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан саналади, уни озод қилганлар ва уйланганлар. Ибн Қойййум биринчи фикрни устунроқ санаган. Абу Убайда яна икки жориялари бўлганини, улардан бири асиралардан бўлган Жамила исмли жория, иккинчиси Зайнаб бинт Жаҳш совға қилган жория эканини айтади. “Зодул маод”, 1/29.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларига чуқурроқ назар солган одамга маълум бўладики, у зот айни кучга тўлган пайтларида умрларининг 30 йилдан кўпроғини ёши ўтган аёллар – аввал Хадича, кейин эса Савда билан ўтказганларидан сўнг умрлари сўнггида бунча кўп аёлларга уйланишлари бирдан нафсларида уйғониб қолган тийиқсиз ва шу қадар кўп сонли аёллар билангина босилиши мумкин бўлган кучли шаҳватни қондириш учун эмас, балки бундан кўра улуғроқ, олийроқ мақсад ва ғаразлар учун бўлган эди. Ҳар бир турмуш қуришлари остида ўзига хос сабаб ва ҳикматлар мавжуд эди.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умарнинг қизлари Оиша ва Ҳафсага уйланиш билан бу икковларига куёв бўлишлари, шунингдек, қизлари Фотимани Али ибн Аби Толибга, бошқа икки қизлари Руқайя ва Умму Кулсумни эса Усмон ибн Аффонга беришлари Ислом учун ўта оғир вазиятларда фидокорлик намуналарини кўрсатган ва имтиҳондан чиройли ўтган мазкур тўрт улуғ саҳоба билан алоқаларни мустаҳкамлашга уринганликларига далолат қиларди.

Араблар қадим-қадимдан қудачиликка эҳтиром назари билан қарашар, қуда-анда тутиниш улар наздида турли-туман уруғ ва элатлар орасининг яқинлашиши рамзи сифатида кўриларди. Қудаларга қарши уруш қилиш ва улар ерига босқин уюштиришни ўзлари учун энг оғир шармандалик ва ор, деб кўришарди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримиздан бир нечаларига уйланиш билан улар мансуб бўлган қабилаларнинг Исломга бўлган адоватини синдиришни ва нафрат ўтини ўчиришни қасд қилгандилар. Мисол учун, Умму Салама Бану Махзум қабиласидан бўлиб, Абу Жаҳл ва Холид ибн Валидлар ушбу қабилага мансуб эдилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Саламага уйланганларидан сўнг Холиднинг мусулмонларга нисбатан Уҳудда кўринган адовати бутунлай ўзгарди, ҳатто кўп ўтмай у ўзи қизиқиб ва ихтиёрий равишда Исломни қабул қилди. Шунингдек, Абу Суфён ҳам Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қизи Умму Ҳабибага уйланганларидан кейин у зотга қарши урушга кирмади. Бундай ҳолни Бану Мусталиқ ва Бану Назир қабилалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар ҳам Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг

қабиладошлари Жувайрия ва Софийяга уйланганларидан сўнг аввалгидек адоват ва нафрат изҳор қилишдан тўхталишди. Жувайрия ўз қавми учун жуда баракотли аёл бўлиб қолди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга уйланганларидан кейин саҳобалар унинг қавмидан бўлган юз хонадон аҳлини Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қудалари, деган эътибор билан асирликдан озод қилиб юбордилар. Бундай катта мурувват қалбларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Бу ерда ушбу айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан кўра ҳам каттароқ ва муҳимроқ бир иш ҳам бор эди. Яъни, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам одоб-ахлоқ, маданият ва маърифат тушунчаларидан узоқ бўлган қавмларни тарбиялашга ва уларни жамиятни ҳурмат қиладиган зиёли инсонлар қилиб етиштиришга буюрилган эдилар.

Ислом жамияти биносига асос бўлувчи қонун-қоидалар эркакларнинг аёллар билан аралашиб юришларига йўл қўймас, шу боис аёлларни бевосита тарбиялаш осон бўлмас эди. Ҳолбуки, аёлларни ушбу асосий мезон ва қоидалар асосида тарбиялашга бўлган эҳтиёж эркакларни тарбиялашга бўлган эҳтиёждан ортиқ бўлса ортиқ эдики, кам эмасди.

Шундай экан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу мақсад учун кифоя қилгудек ҳар хил ёш ва қобилият эгалари бўлган аёлларни танлаб олишлари ва уларни тарбия қилишлари, уларга шариат аҳкомларини ўргатишлари, уларни шаҳарлигу саҳройи, ёшу қари, қизу жувонларни тарбия қилувчи муаллималар қилиб етиштиришлари зарур эди. Шундан сўнг улар аёллар ўртасида тарғибот ва таблиғ ишларини олиб боришга ўзлари кифоя қилишарди.

Уммаҳотул муъминийн (мўминларнинг оналари) бўлмиш Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларининг у зотнинг уй ичидаги ҳолатларини нақл қилиш ва умматга етказиш ишида жуда катта ҳиссалари бор. Улар ичидан узоқроқ умр кўрганлари ва хусусан, Оиша розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари ва ишларидан жуда кўп ибратларни ривоят қилганлар.

Ундан ташқари, у зотнинг яна бир никоҳлари ҳам борки, у чуқур илдиз отган жоҳилий бир урф-одатни – асранди фарзанд ҳақидаги қоидани бузиб ташлаш учун бўлган эди. Жоҳилият даврида араблар орасида асранди ўғил ҳақиқий ўғил эга бўлган барча ҳурмат ва ҳуқуқларга баб-баробар эга бўлар эди. Бу қоида қалбларга ўрнашиб, илдиз отиб кетган бўлиб, уни бекор қилиш осон иш эмас эди. Лекин, бу қоида никоҳ, талоқ, мерос ва бошқа муомалот масалаларида Ислом ўрнатган асос ва мезонларга зид келар ва Ислом жамиятдан йўқ қилишни истаган кўпгина фаҳшу бузуқликларни келтириб чиқарар эди.

Аллоҳ таоло ушбу қоиданинг парчаланиши Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари билан ва у зотнинг ўз шахсиятларида бўлишини тақдир қилди. Аммаларининг қизи Зайнаб асранди ўғиллари

– Зайд ибн Муҳаммад номини олган Зайд ибн Ҳорисанинг никоҳида бўлиб, ўрталарида келишмовчилик юзага келган ва ҳатто Зайд уни талоқ қилиш қасдига тушиб қолган эди. Бу ҳақда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга айтганида у зот уни бу ишдан қайтарган эдилар. Зеро, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам юзага келган вазиятдан келиб чиқибми ёки Аллоҳ азза ва жалланинг билдириши биланми, хуллас агар Зайд уни талоқ қилса, иддаси чиққанидан кейин унга ўзлари уйланишларига тўғри келишини билгандилар. Бу ҳодиса эса мушриклар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга қарши қутуриб турган оғир пайтларда бўлаётган эди. У зот, агар ушбу никоҳ вужудга келгудек бўлса, мунофиқлар, мушриклар ва яҳудларнинг ўзларига қарши қўзғатадиган таънаю маломатларидан, иғвою фитналаридан чўчиётган, қолаверса бу иғволар айрим иймони заиф мусулмонларга ҳам ўз таъсирини кўрсатишидан хавфсираётган эдилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу уйланиш босқичи мана шундай оғир ва чигал дамларга тўғри келишини истамаганларидан Зайд талоқ ҳақида сўз очганида уни бу ишдан қайтараётган эдилар.

Бироқ, Аллоҳ таоло Ўз Росулининг бундай тараддудланиши ва хавфсирашига рози бўлмади ва у зотни қуйидаги оятлар билан итоб-маломат қилди:

وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِىٓ أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَٱتَّقِ ٱللَّهَ
وَتُخْفِى فِى نَفْسِكَ مَا ٱللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى ٱلنَّاسَ وَٱللَّهُ أَحَقُّ أَن تَخْشَىٰهُ ... ﴿٣٧﴾

“(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **эсланг, сиз Аллоҳ** (Исломга ҳидоят қилиш билан) **инъом-марҳамат қилган ва сиз ҳам** (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) **инъом қилган кишига** (яъни, Зайд бинни Ҳорисага)**: “Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин** (яъни, талоқ қилишга шошмагин)**, Аллоҳдан қўрққин”, деб Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Аллоҳдан қўрқишингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, сиз одамлар** (яъни, уларнинг таъна қилишлари)**дан қўрққан эдингиз...”**

“Аҳзоб” сураси, 37-оятдан.

Охир-оқибат, Зайд бари бир Зайнабни талоқ қилди ва иддаси чиққанидан сўнг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга Бану Қурайза қамали давом этиб турган кунлари уйландилар. Зотан, Аллоҳ таоло ушбу никоҳни фарз қилган ва у зотга бу борада на ихтиёр ва на эътирозга ўрин қолдирган, ҳатто бу никоҳга шахсан Ўзи бош-қош бўлиб, қуйидаги оятини нозил қилган эди:

...فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَٰكَهَا لِكَىْ لَا يَكُونَ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِىٓ أَزْوَٰجِ أَدْعِيَآئِهِمْ إِذَا قَضَوْا۟ مِنْهُنَّ وَطَرًا ۚ وَكَانَ أَمْرُ ٱللَّهِ مَفْعُولًا ﴿٣٧﴾

«...Бас, қачонки Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) **ҳожатини адо қилгач** (яъни, уни талоқ қилгач), **Биз сизни унга уйлантирдик. Токи, мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо қилишгач** (яъни уларни талоқ қилишгач)**, уларнинг хотинларига** (уйланишларида) **танглик бўлмаслиги учун** (шундай қилдик) **ва Аллоҳнинг амри иродаси қилингувчи бўлди»** ("Аҳзоб" сураси, 37-оятдан). Бу эса асранди ўғил ҳақидаги қоидани амалий равишда парчалаш учун бўлганди. Аввалроқ уни оғзаки равишда бекор қилинган эди:

ٱدْعُوهُمْ لِءَابَآئِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِندَ ٱللَّهِ ۚ ... ﴿٥﴾

"Уларни ўз оталари (исми) **билан чақиринглар – атанглар. Шу Аллоҳ наздида тўғрироқдир...".** "Аҳзоб" сураси, 5-оятдан.

مَّا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَآ أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَٰكِن رَّسُولَ ٱللَّهِ وَخَاتَمَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٤٠﴾

"(Эй мўминлар), **Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган зотдир".**

"Аҳзоб" сураси, 40-оят.

Қанчадан-қанча чуқур илдиз отиб кетган урф-одатлар борки, уларни оғзаки гапнинг ўзи билан йўқотиб ёки ўзгартириб бўлмайди. Бунинг учун шу ишга даъват қилаётган кишининг ўзи амалий равишда унга бош-қош бўлиши ва ўрнак кўрсатиши керак бўлади. Ҳудайбия умрасида худди шу ҳол мусулмонлардан содир бўлганди. У жойдаги инсонлар Урва ибн Масъуд Сақафий ўз кўзи билан кўрганидек, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилсалар, таҳоратларидан ортган сувни талашиб-тортишиб юз-кўзларига суртадиган, у зотнинг тупурган тупукларини ҳам ерга туширмасдан илиб олишга уринадиган фидокор мусулмонлар эди. Бу мусулмонлар дарахт тагида ўлимга ёки ташлаб кетиб қолмасликка байъат беришга ошиққан, ораларида Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттобга ўхшаган зотлар бўлган инсонлар эди. Мана шундай фидоий саҳобалар сулҳ битими тузилганидан сўнг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, жонлиқларини бўғизлаш ва сочларини олдиришга бўлган амрларига итоат қилишга шошилмадилар, улардан ҳеч ким ўрнидан

қўзғолмади. Бу ҳолдан Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгиллари оғриб, изтиробга тушдилар. Шунда уммул муъминийн Умму Салама у кишига ўзлари туриб, ҳеч кимга бир оғиз ҳам гап қотмасдан, қурбонликларини бўғизлашни маслаҳат бердилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам у айтганидек қилганларидан сўнг ҳамма саҳобалар у зотга эргашишга шошилиб қолдилар ва қурбонликларини бўғизлашга ошиқдилар. Мана шу ҳодисада чуқур илдиз отиб кетган одатни йўқотиш учун оғзаки гап билан амалий равишда қилинган иш ўртасидаги фарқ аниқ-равшан кўринади.

Мунофиқлар ушбу никоҳ борасида жуда кўп фитна гапларни тарқатишди, ёлғон ва бўҳтондан иборат даъволарни ўртага ташлашди. Бу гапларнинг баъзилари айрим иймони заиф мусулмонларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бўлиб ҳам, Зайнаб Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бешинчи турмушлари бўлганди, мусулмонлар эса тўрттадан ортиқ аёлга уйланишни ҳалол, деб билмасдилар. Боз устига, Зайд Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ўғил сифатида кўрилар, ўз ўғлининг аёлига уйланиш энг ёмон фаҳш ишлардан саналарди. Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сурасида ҳар икки мавзуни етарли суратда очиқ-равшан баён қилиб берувчи оятларни нозил қилди. Шундан сўнг мусулмонлар асранди ўғил Исломда ҳақиқий ўғил сифатида эътироф этилмаслигини ва Аллоҳ таоло уйланиш масаласида Ўз Росулига баъзи олий ғараз ва мақсадлар сабабли бошқалар учун берилмаган имтиёзларни берганини билиб олдилар.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уммаҳотул муъминийн бўлмиш ўз аёллари билан ғоят гўзал, шарафли ва олийжаноб турмуш кечириб ўтдилар. Улар ҳам ўз навбатида у зотнинг бошқалар тоқат қила олмайдиган даражада содда ва ўта фақирона ҳаёт кечиришларига сабр-тоқат билан ёндошиб, шараф, қаноат, тавозеъ, эрга хизмат ва унинг ҳаққини адо этиш борасида юксак даража соҳибалари бўлдилар.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг то вафот этиб кетгунларича ҳам (уйларида) на юмшоқ оқ нонни ва на қовурилган қўй гўштини кўрганларини билмайман».

Уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳо жиянлари Урва ибн Зубайрга айтишларича: «Биз ҳилол (янги ой)ни кузатардик, икки ой ўтиб кетарди, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хонадонларида қозон осилмас эди». Урва: «Унда нима билан тирикчилик қилардинглар?», деб сўраганида: «Хурмо ва сув билан», деб жавоб берганлар. “Саҳиҳул Бухорий”, 2/956.

Бу ҳақда ривоят қилинган жуда кўп асарларни келтириш мумкин.

Ана шундай фақирона ҳаёт кечиришларига қарамай, у (аёл)лардан дашном ва маломатга лойиқ иш содир бўлмади. Фақат – инсонлик тақозосига кўра ва янги бир ҳукмнинг жорий бўлишига сабаб бўлиб

қолиши учун – бир марта шундай бир иш бўлганида Аллоҳ таоло улар учун танлаш оятини нозил қилди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ قُل لِّأَزۡوَٰجِكَ إِن كُنتُنَّ تُرِدۡنَ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا وَزِينَتَهَا فَتَعَالَيۡنَ أُمَتِّعۡكُنَّ وَأُسَرِّحۡكُنَّ سَرَاحٗا جَمِيلٗا ﴿٢٨﴾ وَإِن كُنتُنَّ تُرِدۡنَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَٱلدَّارَ ٱلۡأٓخِرَةَ فَإِنَّ ٱللَّهَ أَعَدَّ لِلۡمُحۡسِنَٰتِ مِنكُنَّ أَجۡرًا عَظِيمٗا ﴿٢٩﴾

“Эй пайғамбар (алайҳис-салом), **жуфтларингизга айтинг: “Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангизлар, у ҳолда келинглар, мен сизларни** (ўша нарсалардан) **баҳраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай** (яъни, ажрашайлик)**. Агар сизлар Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилгувчилар учун улуғ мукофот – жаннатни тайёрлаб қўйгандир”.**

“Аҳзоб” сураси, 28-29-оятлар.

Улар ҳам ғоят шарафли ва олийжаноб инсонлар бўлганларидан Аллоҳ ва Росулини танладилар, улардан биронталари ҳам дунёни ихтиёр этишга майл билдирмадилар. Шунингдек, кўпчилик бўлишларига қарамай, улардан кундошлардан содир бўладиган ҳолатлар содир бўлмади. Фақат айримларидан инсончилик тақозосига кўра енгилгина бир иш содир бўлганида Аллоҳ таоло буни маломат қилди, шундан сўнг бу иш улардан қайтиб содир бўлмади. Буни Аллоҳ таоло «Таҳрим» сурасида қуйидагича баён қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ لِمَ تُحَرِّمُ مَآ أَحَلَّ ٱللَّهُ لَكَۖ تَبۡتَغِي مَرۡضَاتَ أَزۡوَٰجِكَۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ﴿١﴾

“Эй пайғамбар (алайҳис-салом), **нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”.**

И з о ҳ. Ушбу ояти карима нозил бўлишининг сабаблари ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бири «Саҳиҳул-Бухорий»да келтирилган қуйидаги ривоятдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам жуфти ҳалоллари Зайнаб бинт Жаҳш (Аллоҳ ундан рози бўлсин)нинг хоналарида истироҳат қилиб, онамиз қуйиб берган асал шарбатидан ичиб ўтирар эканлар, бошқа аёллари Оиша ва Ҳафса оналаримизнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) рашклари келиб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бу ердан чиқиб қайси биримизнинг олдимизга кирсалар: «Маъофийр (ўзи лаззатли, аммо

саримсоққа ўхшаган бадбўй таом) едингизми», деймиз, деб келишиб оладилар ва Росулуллоҳ олдиларига кирганларида ҳар иккалалари ўша сўзни айтадилар. Шунда ҳар қандай бадбўй ҳидни ёмон кўрадиган пайғамбаримиз: **«Йўқ, мен фақат Зайнабнинг олдида асал шарбати ичган эдим»,** деб қайта асал тановул қилмасликка қасам ичганларида юқоридаги оят нозил бўлади.

قَدْ فَرَضَ ٱللَّهُ لَكُمْ تَحِلَّةَ أَيْمَٰنِكُمْ ۚ وَٱللَّهُ مَوْلَىٰكُمْ ۖ وَهُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢﴾ وَإِذْ أَسَرَّ
ٱلنَّبِىُّ إِلَىٰ بَعْضِ أَزْوَٰجِهِۦ حَدِيثًا فَلَمَّا نَبَّأَتْ بِهِۦ وَأَظْهَرَهُ ٱللَّهُ عَلَيْهِ عَرَّفَ بَعْضَهُۥ
وَأَعْرَضَ عَنۢ بَعْضٍ ۖ فَلَمَّا نَبَّأَهَا بِهِۦ قَالَتْ مَنْ أَنۢبَأَكَ هَٰذَا ۖ قَالَ نَبَّأَنِىَ ٱلْعَلِيمُ
ٱلْخَبِيرُ ﴿٣﴾ إِن تَتُوبَآ إِلَى ٱللَّهِ فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمَا ۖ وَإِن تَظَٰهَرَا عَلَيْهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ
مَوْلَىٰهُ وَجِبْرِيلُ وَصَٰلِحُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ بَعْدَ ذَٰلِكَ ظَهِيرٌ ﴿٤﴾ عَسَىٰ رَبُّهُۥٓ
إِن طَلَّقَكُنَّ أَن يُبْدِلَهُۥٓ أَزْوَٰجًا خَيْرًا مِّنكُنَّ مُسْلِمَٰتٍ مُّؤْمِنَٰتٍ قَٰنِتَٰتٍ تَٰٓئِبَٰتٍ
عَٰبِدَٰتٍ سَٰٓئِحَٰتٍ ثَيِّبَٰتٍ وَأَبْكَارًا ﴿٥﴾

“Дарвоқеъ, (эй мўминлар), **Аллоҳ сизлар учун** (маълум миқдорда каффорат-эваз тўлаб) **қасамларингиздан қутилиб чиқишни буюрган-ку. Аллоҳ хожаларингиздир. У билгувчидир ва ҳикмат соҳибидир. Пайғамбар жуфтларидан бири** (яъни, Ҳафса)**га бир сўзни пинҳона айтганини эсланг! Энди, қачонки** (Ҳафса) **у** (сир) **ҳақида** (Оишага) **хабар бергач ва Аллоҳ** (Жаброил фаришта воситасида пайғамбарни Ҳафсанинг қилмишидан) **воқиф қилгач у** (Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг) **баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди – билдирмади. Бас, қачонки** (пайғамбар алайҳис-салом Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида) **хабар бергач, у: “Ким сизга бу хабарни берди?”, деган эди,** (пайғамбар алайҳис-салом) **“Менга билгувчи ва хабардор зот хабар берди”, деди.** (Эй Ҳафса, Оиша) **агар сизлар иккингиз** (бу қилмишларингиз учун) **Аллоҳга тавба қилсангизлар** (ўзларингизга яхшироқ бўлур)**. Чунки сизларнинг дилларингиз** (ҳақ йўлдан) **тойиб кетди!** (Аммо) **агар сизлар** (пайғамбарнинг) **зиёнига** (яъни, у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида) **бир-бирингизга ёрдам берсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг Ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мададкоридирлар.**

Яна, булардан кейин фариштталар ҳам (пайғамбарга) **ёрдамчидир. Эҳтимол Парвардигори – агар у сизларни талоқ қилса – унга сизлардан яхшироқ жуфтларни – муслима, мўмина** (Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига) **итоат этгувчи, тавба-тазарруъ қилгувчи, обида** (мудом Аллоҳнинг йўлида) **кетгувчи жувон ва қизларни алмаштириб берур".** "Таҳрим" сурати, 1-5-оятлар.

Кўпхотинлилик мавзусини чўзиб ўтиришга ҳожат йўқ, аслида. Европа халқлари ҳаётини кузатган, ушбу асосдан юз ўгиришлари оқибатида улар бошдан кечираётган аламлар, изтироб ва бахтсизликлардан хабардор бўлган, улар содир этаётган фаҳшу разолат ва жиноятларга ҳамда уларнинг бошига келаётган балою офатларга гувоҳ бўлган инсон учун мана шу нарсаларнинг ўзи ҳам Исломдаги кўпхотинлилик асоси нақадар адолатли низом эканига етарлича далил бўлади. Албатта, бу нарсаларда қалб кўзи очиқ ва ақлли кишилар учун ибратлар бор.

Кўринишлари ва хулқ-атворлари

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам васфидан қалам ожиз бўладиган даражада гўзал қадду-қомат ва мукаммал одоб-ахлоқ билан ажралиб турардилар. Бунинг таъсирида қалблар у зотни улуғлаш билан тўлиб-тошар, одамларнинг у зотни асраб-авайлаш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатишлари борасида дунёда бошқа бирон кишига насиб қилмаган мартабага эришган эдилар. Атрофларида яшаб турган кишилар у зотни телбаларча севишар, у зотга тирноқча заҳмат етиши ўрнига ўз бўйинлари синдирилишига рози бўлишар эди. Башар авлодидан бирон кимсага ато этилмаган ва фақат ўзларига хос бўлган камолот сифатлари у зотни одамларга шу қадар суюкли қилиб қўйган эди.

Қуйида биз Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг камолу жамолларини тўла ифодалаб беришга ожизлигимизни эътироф этган ҳолда, шу ҳақда келган ривоятларни қисқача баён қиламиз.

Ташқи кўринишларининг гўзаллиги

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб бораётганларида Умму Маъбад Хузоия исмли аёлнинг чодири ёнида бир тўхтаб ўтгандилар. Ўша аёл эрига у зотни қуйидагича таърифлаган эди: «Ғоят кўркам, юзларидан нур ёғилиб турувчи, гўзал хулқли, боши ва қорнини на катталик, на кичиклик билан айблаб бўлади, ҳусндор ва гўзал, кўз қорачиғи тим қора, киприклари узун, овозларида бир оз майинлик бор, бўйни салгина узун, кўзининг оқи тиниқ оқ, қошлари камон, сочлари қоп-қора, сукут сақлаганида виқор, сўзлаганида эса кўркамлик балқиб туради, узоқдан қараганда ғоят келишган ва кўркам, яқиндан кўрганда ғоят гўзал ва ёқимли, сўзлари ширин ва дона-дона, сергап ҳам, камгап ҳам эмас, сўзлари худди ипга терилган мунчоқдек, ўрта бўйли, кўрган киши на пакана ва на дароз, деб айблай олади, икки новда ўртасида турган энг чиройли ва кўркам

бўлиб турган учинчи новда, ёнида ҳамроҳлари ҳам бор, улар унинг сўзларига жим туриб қулоқ солишади ва буйруқларини бажаришга ошиқишади, улар унинг амрига мунтазир бўлиб, ёнидан нари кетишмайди, у қовоқ уювчи ҳам, бировни камситувчи ҳам эмас».

“Зодул маод”, 2/54.

Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфларини мана бундай таърифлаган эди: «У зотнинг бўйлари ўта узун ҳам, ўта паст ҳам эмас, ўрта бўйли эдилар. Сочлари ўта жингалак ҳам, ўта силлиқ ҳам эмас, жингалаклик ва силлиқлик ўртасида эди. Баданлари семиз ҳам, юзлари гўштдор ва дум-думалоқ ҳам эмас эди. Юзлари бир оз думалоқликка мойил, тиниқ оқ эди. Кўзларининг қорачиғи тим қора, киприклари узун, елка ва бўғин суяклари катта, кўкракларидан қоринларигача майин ва энсиз тук билан қопланган, баданлари жундор эмасди. Оёқ-қўллари залворли, юрганда худди қияликдан тушиб келаётгандек салобат билан юрардилар. Ўгирилиб қарамоқчи бўлсалар, бутун гавдалари билан бурилар эдилар. Икки кифтлари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор эди, у зот охирги пайғамбар эдилар. У зот ғоят қўли очиқ, ниҳоятда журъатли, ўта ростгўй, аҳдига вафодор, хулқ-атвори мулойим, ўта самимий инсон эдилар. Дастлаб кўрган кишини ҳайбатлари босар, яқиндан таниган одам эса у кишини яхши кўриб қоларди. У зот ҳақларида сўзлаган одам: «Мен у зотдан аввал ҳам, кейин у кишига ўхшаганини кўрмадим», дер эди».

“Ибн Ҳишом”, 1/401, 402, “Жомиут Термизий”, 4/303.

Бир ривоятда Али розияллоҳу анҳу айтади: «Бошлари катта, бўғин суяклари йўғон, кўкракдан қорингача чўзилган майин тукли, юрганда қияликдан тушиб келаётгандек зарб билан юрардилар».

“Жомиут Термизий”, 4/303.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтади: «У зотнинг оғизлари каттароқ, кўзларининг оқида бир оз қизиллик бор, оёқ кафтлари гўштсизроқ эди». “Саҳиҳ Муслим”, 2/258.

Абут-Туфайл розияллоҳу анҳу айтади: «Оппоқ, кўркам юзли, ўрта бўйли эдилар». “Саҳиҳ Муслим”, 2/258.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Кенг елкали, тиниқ рангли эдилар, ранглари жуда оқ ҳам, қора ҳам эмас эди. Соч-соқолларидаги оқ туклар сони йигирматага ҳам бормасди».

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу яна: «Икки чаккаларида бир оз оқ толалар бор эди», деган. Бошқа бир ривоятда эса: «Бошларида (яъни сочларида) озгина оқи бор эди, холос», дейди.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/502, “Саҳиҳ Муслим”, 2/259.

Абу Жуҳайфа розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг пастки лаблари остида, соқолларида бир озгина оқини кўрдим». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/501, 502.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу айтади: «Соқолларида бир нечагина оқ толалари бор эди». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Бароъ розияллоҳу анҳу айтади: «Хушқад, кенг елкали эдилар, сочлари қулоқларининг юмшоғига етарди. Мен у зотни қизил ҳулла (икки қисмдан: елкага ташланадиган ридо ва белдан пастига ўраладиган изордан иборат кийим (мато))да кўрдим, у кишидан кўра чиройлироқ инсонни асло кўрмаганман». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Олдинлари аҳли китобларга мувофақат қилишни истаб, сочларини пешоналарига тушириб юрардилар, кейинчалик бошларида фарқ очиб юрадиган бўлдилар. “Саҳиҳул Бухорий”, 1/503.

Бароъ розияллоҳу анҳу айтади: «Одамларнинг энг гўзал юзлиси ва гўзал хулқлиси эдилар». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502, “Саҳиҳ Муслим”, 2/258.

Ундан: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари қиличдекмиди?»», деб сўрадилар. У: «Йўқ, ойдек эди», деб жавоб берди. Бир ривоятда: «Юзлари думалоқроқ эди», деди.

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/502, “Саҳиҳ Муслим”, 2/259.

Рубаййиъ бинт Муаввиз розияллоҳу анҳо айтади: «Мен у зотни кўрсам, порлаб турган қуёшни кўргандек бўлардим».

Доримий ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/517.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтади: «Мен у зотни ойдин кечада кўрдим. Эгниларида қизил ҳулла (либос) бор эди. Мен бир ойга, бир Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга қарардим. Назаримда у киши ойдан-да гўзалроқ эдилар».

Имом Термизий (“Шамоили Муҳаммадия”, 2-бет) ва Доримий ривоятлари, “Мишкотул масобийҳ”, 2/518.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ бирон кимсани кўрмадим. Гўё қуёш у кишининг юзларида юргандек бўларди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра тезроқ юрувчи бирон кишини кўрмадим. Гўё ер у киши учун йиғилиб келгандек бўларди. Биз қийналиб, ҳансираб қолардик, у зот эса хотиржам кетаверар эдилар.

“Жомиут Термизий”, 4/306, “Мишкотул масобийҳ”, 2/518.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Хурсанд бўлсалар, юзлари ойдек ёришиб кетарди». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Бир марта Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурида оёқ кийимларини ямаб ўтириб, терлаб кетдилар. Оиша ип йигириб ўтирарди. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларидан нур ёғила бошлади. Буни кўрган Оиша ҳайратланиб деди: “Аллоҳга қасамки, агар ҳозир сизни Абу Кабир Хузалий кўрганида эди, ўзининг мана бу шеърига ҳаммадан кўра сизнинг ҳақлироқ эканингизни билган бўлар эди:

Боқсанг унинг нур ёғилган юзига
Чақмоқда ёришган оқ булут, дейсан”.

وإذا نظرت إلى أسرة وجهه ** برقت كبرق العارض المتهلل

Ибн Асокир, “Тахзибу тарихи Димашқ”, 1/325.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у зотни кўрган чоқ шундай дердилар:

Яхшиликка чорлар Амин Мустафо
Зулматни ёритган ойдек мусаффо.

أمين مصطفى بالخير يدعو ** كضوء البدر زايله الظلام

“Хулосатус-сияр”, 20-бет.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу Зуҳайрнинг Ҳарим ибн Синон ҳақида айтган қуйидаги шеърини ўқирди:

لو كنت من شيء سوى البشر ** كنت المضيء لليلة البدر

Агар бўлмасайдинг фарзанди башар,
Бўлардинг ойдинда нур сочган қамар.

Сўнгра: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай эдилар», дерди. “Хулосатус-сияр”, 20-бет.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ғазаблансалар, юзлари қизариб кетар, гўё ёноқларига анор сиқиб қўйилгандек бўлиб кетарди.

“Мишкотул масобийҳ”, 1/22; Имом Термизий ривояти, 2/35.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтади: «Болдирлари бир оз ингичка эди. Кулсалар фақат табасум қилиб қўярдилар. У зотнинг юзларига боқиб, кўзларига сурма тортилган, деб ўйлардим, аслида сурма қўйилмаган бўларди». “Жомиут Термизий”, 4/306.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: «У зотнинг тишлари жуда чиройли эди». Имом Муслим ривояти, 3/1107 (1479-ҳ).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Курак тишларининг ораси очиқ бўлиб, гапирган пайтларида тишлари орасидан нур таралаётгандек бўларди». Доримий ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/518.

«У зотнинг бўйинлари кумушдек соф, худди чизилган суратнинг бўйнидек, қовоқларининг четлари эгикроқ, соқоллари қалин, пешоналари кенг, қошлари ингичка ва ёйсимон бўлиб, бир-бирига туташмаган, бурунлари нозик ва узунроқ, ёноқлари текис, бўғизлари остидан киндикларигача чўзилган майин туклардан ташкил топган узун чизиқ бўлиб, қоринларида ҳам, кўкракларида ҳам бошқа жунлари бўлмаган. Елка ва билаклари жундор, қоринлари билан кўкраклари бир текис, кўкраклари кенг, билакларининг кафтга яқин қисми узун, кафтлари кенг, болдир ва билаклари залворли, товонларининг ерга тегмайдиган қисми аниқ билиниб турувчи, қадамларининг учлари чўзинчоқ, юрсалар шаҳдам қадам ташлаб, енгил юрар эдилар.

“Хулосатус-сияр”, 19-20-бетлар.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кафтларидан кўра мулойимроқ бўлган на ипак, на

бошқа нарсани ушламадим ва Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ бирон ҳидни топмадим».

Бир ривоятда: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидларидан ёки бўйларидан кўра хушбўйроқ на мушк, на анбар ва на бошқа бирон хушбўйлик топмадим».

“Саҳиҳул Бухорий”, 1/503; “Саҳиҳ Муслим”, 2/257.

Абу Жуҳайфа розияллоҳу анҳу айтади: «У зотнинг қўлларини олиб, юзимга босдим. Қўллари қордан-да муздек ва мушкдан-да хушбўйроқ эди». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу болалик пайтини эслаб айтади: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам юзимни силадилар, қўлларида салқинлик ёки хушбўйликни ҳис қилдим, уларни гўё атторнинг қутисидан чиқаргандек эдилар». “Саҳиҳ Муслим”, 2/256.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Терлари маржондек эди. (Онам) Умму Сулайм: «У (яъни, терлари) хушбўйларнинг хушбўйи», деди».

“Саҳиҳ Муслим”, 2/256.

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Бир йўлдан юриб ўтган бўлсалар, у зотдан кейин шу йўлдан юрган одам хушбўй ҳидларидан – ёки терларининг хушбўй ҳидидан у зотнинг бу ердан ўтганини билиб оларди». Доримий ривояти, “Мишкотул масобийҳ”, 2/517.

Икки кураклари орасида терилари рангида кабутар тухумидек катталикда хотамун-нубувват (пайғамбарлик муҳри) бор эди, у чап куракларининг тепа қисмида бўлиб, устида бўртиб чиққан дона-дона холлар бор эди. “Саҳиҳ Муслим”, 2/259, 260.

Руҳий камолотлари ва олий ахлоқлари

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам тилларининг фасоҳати ва сўзларининг балоғатида ҳам бошқалардан яққол ажралиб турардилар. Бу борада энг афзал мақомда ва энг олий ўринда эдилар. Таъблари етук, тиллари равон, сўзлари таъсирли ва маънолари равшан ҳамда ортиқча такаллуфдан холи бўлиб, пурмаъно сўзлар ато этилган ва гўзал ҳикматлар билан хосланган эдилар. Арабларнинг лаҳжаларини яхши билар ва ҳар бир қабила аҳлига уларнинг лаҳжасида хитоб қилар ва уларнинг тилларида сўзлар эдилар. У зотда бадавийларга хос сўзамоллик ва чиройли гапириш ҳамда шаҳарликларга хос аниқ-тиниқ иборалар қўллаб, сермазмун сўзлаш жамланган бўлиб, бу борада, албатта, ваҳий орқали илоҳий мададга ҳам эга эдилар.

У зотни Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳалимлик, чидамлилик, қодир бўла туриб кечириб юбориш, азиятларга сабр қилиш сифатлари билан одоблантирган эди. Ҳар қандай ҳалим одамдан ҳам гоҳо сабр косаси тўлиб, чидаёлмай қолиши ҳоллари учраб туради. Бироқ, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга озор кучайгани сари у зотнинг сабрлари зиёда бўлиб борди, жоҳилларнинг жаҳолати кучайгани сари у зотнинг ҳалимликлари ошиб борди.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қачон икки иш ўртасини танлашга ихтиёрли бўлсалар, модомики гуноҳ бўлмаса, енгилроғини олардилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқ одам бўлардилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун ўч олмаганлар, фақат Аллоҳнинг ҳурматлари поймол этилса, Аллоҳ учун ўч олардилар». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/503.

У зот одамларнинг энг ғазабдан узоқроғи ва розиликка энг шошувчироғи эдилар.

Саховат ва жўмардликда тенгсиз эдилар, фақирликдан хавфи йўқ кишининг улашишидек улашардилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийси эдилар. Рамазонда Жибрил алайҳис-салом билан учрашганларида яна ҳам сахий бўлиб кетардилар. Жибрил алайҳис-салом Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам билан Рамазоннинг ҳар кечаси учрашарди ва у билан Қуръон дарс қилишарди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг яхшилик қилишдаги сахийликлари эсаётган шамолдан ҳам тез эди». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «У зотдан бирон нарса сўралса, ҳеч қачон йўқ демасдилар». “Саҳиҳул Бухорий”, 1/502.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам журъат, шижоат, мардлик каби сифатларда тутган ўринлари ҳам маъруф ва машҳур. У зот энг шижоатли кишилардан эдилар. Жанг майдонларида бир неча бор манаман, деган жасур ва шижоатли кишилар ҳам ташлаб қочган оғир лаҳзаларда ҳам мардонавор турганлар, олдинга интилиб, ортга чекинмай, саросимага тушмай, душманга қарши жанг қилганлар. Ваҳоланки, ҳар қандай жасур қаҳрамондан ҳам бир ёки бир неча бор жанг майдонидан чекиниш содир бўлади.

Али розияллоҳу анҳу айтади: «Жанг қизиб, ҳолатлар танглашган ва даҳшатдан кўзлар қизарган пайтларда биз Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларига ўтиб, жон сақлар эдик. Бирон бир одам у кишидан кўра душманга яқинроқ бўлмас эди».

Қози Иёз, “Аш-шифо”, 1/89, сиҳоҳ ва сунан асҳобларидан ҳам шу мазмундаги ҳадислар ривоят қилинган.

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Мадина аҳли бир кеча ногаҳоний бир товушдан ҳузурсиз бўлди. Шунда одамлар овоз томонга қараб юрдилар. Улар йўлда ортга қайтаётган Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга йўлиқдилар. У зот Абу Талҳанинг отини яйдоқ миниб, бўйинларида қиличлари билан, ҳодиса хабарини билиб, қайтаётган эканлар. Одамларга: **«Қўрқманглар, қўрқманглар, ҳеч гап йўқ!»,** дедилар». “Саҳиҳ Муслим”, 2/252; “Саҳиҳул Бухорий”, 1/407.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёлари ҳам жуда кучли бўлиб, бировларга тик боқмас эдилар.

Абу Саид Худрий айтади: «Чимилдиқдаги келинчакдан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Бирон нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билинарди. Бировнинг юзига тик қараб турмасдилар, кўзларини ерга тикиб турардилар. Ерга боқиб туришлари осмонга қарашларидан кўпроқ бўларди. Назарлари асосан мулоҳазадан иборат бўлар, ҳаёлари кучлилигидан ва олижанобликлари туфайли бировга у ёқтирмайдиган сўз билан мурожаат қилмасдилар, бировдан ўзларига ёқмаган бирон иш содир бўлса, унинг номини атамасдан: «Одамларга нима бўлдики, шундай ишни қилишаяпти?!», дердилар.

Фараздақнинг қуйидаги байтлари у зот шаънига энг муносиб келар эди:

Ерга тикар ҳаё-ла, маҳобат-ла кўзини
Табассум-ла сўзлагай ҳар бир айтган сўзини.

يغضي حياء ويغضي من مهابته ** فلا يكلم إلا حين يبتسم

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг адолатлиси, энг иффатлиси, энг ростгўйи, энг омонатлиси эдилар. Буни у зотнинг душманлари ҳам тан олишарди. Пайғамбар бўлишларидан илгариёқ «Амин» (омонатли), деб ном олгандилар. Ҳали Ислом келмасидан, жоҳилият даврида ҳам одамлар у кишини ўз можароларига ҳакам қилиб, ҳузурларига келишарди.

Имом Термизий Али розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Абу Жаҳл Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз сени ёлғончи санамаймиз, лекин сен келтирган нарсани инкор қиламиз», деган эди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло:

... فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَٰكِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٣٣﴾

«...Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар» («Анъом» сураси, 33-) оятини нозил қилди. "Мишкотул масобийҳ", 2/521.

Ҳирақл Абу Суфёндан: «Сизлар уни шу айтаётган сўзларини айтишидан олдин ёлғончиликда айблармидингиз?», деб сўраганида у: «Йўқ», деб жавоб берганди.

У зот ғоят тавозеъли, кибрдан узоқ киши эдилар. Ўзлари учун одамларни подшоҳлар учун тургандек туришдан қайтарардилар. Мискинлар ҳолидан хабар олардилар, камбағал-мискинлар билан бирга ўтирардилар, қулнинг чорловини ҳам қабул қилардилар, асҳоблари ичида улардан бири каби ўтирардилар. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Ўз пойабзалларини ямар, кийимларини тикар, сизлардан бирингиз ўз уйида нима ишларни қилса, у зот ҳам шуни қилардилар. Оддий инсон эдилар, кийимларини ўзлари тозалар, эчкиларини соғар, ўз юмушларини ўзлари қилар эдилар».

"Мишкотул масобийҳ", 2/520.

У зот аҳдларга энг вафодор, қариндошлар билан алоқани энг ўрнига келтирувчи, одамларга энг шафқатли, энг меҳрибон ва энг раҳмдил, муомала борасида энг одобли, хулқ-атвор жиҳатидан энг оддий, ёмон ахлоқлардан энг узоқ киши эдилар. Ёмон ишларни қилувчи, ҳаёсиз сўзларни сўзловчи, бозорларда шовқин қилувчи эмас эдилар. Ёмонликка ёмонлик қайтармас, балки афв қилар ва кечирар эдилар. Бирон кишини ўз ортларидан юришга қўймасдилар. Ейиш-ичишда ҳам, кийим-кечакда ҳам қул-чўриларидан юқори бўлмасдилар. Ўзларига хизмат қилган кишига хизмат қилар, ходимларига ҳеч қачон «уфф», демасдилар. Уларни бирон ишни қилгани ёки қилмагани учун койиб, уришмас эдилар. Мискинларни яхши кўрар, улар билан суҳбатлашиб ўтирар, жанозаларида иштирок этар эдилар, камбағални камбағаллиги учун камситмас эдилар.

Сафарларидан бирида қўй сўйиб, таом ҳозирлашга буюрдилар. Шунда бир киши: «Мен сўяман», деди. Бирови: «Мен терисини шиламан», деди, яна бирови: «Мен пишираман», деди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен ўтин териб келаман»,** дедилар. Улар: «Сиз қўяверинг, ўзимиз кифоя қиламиз», дейишди. **«Кифоя қилишларингизни биламан. Лекин, сизлардан ажралиб туришни истамайман. Зеро, Аллоҳ таоло бандасини шериклари ичида ажралиб кўриниб туришини ёқтирмайди»,** дедилар, сўнг туриб, ўтин териб келдилар. “Хулосатус-сияр”, 22-бет.

Ҳинд бинт Аби Ҳоланинг Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни таърифлаб айтган сўзларига қулоқ тутайлик, у жумладан, шундай дейди: «Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам жиддий ва серташвиш, доим фикрга чўмган инсон эдилар, роҳат нималигини билмасдилар, керагидан ортиқча сўзламасдилар, кўп сукут сақлардилар. Гапирганда оғизларини очиб, бошидан охиригача аниқ-тиниқ қилиб гапирардилар, оғизларининг чети билан гапирмасдилар, дона-дона қилиб, ортиқча чўзмай, жуда қисқа ҳам қилмай, сермазмун ва пурмаъно иборалар билан сўзлардилар, беписанд ва таҳқирловчи сўзлардан йироқ эдилар. Озгина неъматни ҳам кўп санардилар, бирон нарсани камситмас, таомни айбламас ва мақтамас ҳам эдилар. Агар бирон нарса ҳаққа зид келиб қолса, то уни ўз ўрнига келтирмагунча у зотнинг ғазабларига ҳеч нарса бас келолмасди. Ўз шахсиятлари учун ғазабланмас ва ўз манфаатлари учун бировдан устун келмас эдилар. Ишора қилмоқчи бўлсалар, кафтлари билан тўла ишора қилардилар. Ажаблансалар, кафтларини айлантирар, ғазаблансалар, юз ўгирар ва қўлларини силтаб қўяр эдилар. Хурсанд бўлсалар, кўзларини юмардилар, кулгилари табассумдан иборат бўлиб, тишлари дўл доначаларидек бўлиб кўринар эди. Кераксиз сўзлардан тилларини тияр эдилар. Асҳобларини яқин олардилар, уларни бир-бирларидан фарқламас эдилар. Ҳар бир қавмнинг улуғини ҳурматлар ва уни ўз қавмига бошлиқ қилиб тайинлар эдилар. Одамларга ҳушёр

қарардилар, улардан ҳеч бир кишига бирон ёмонлик қилмаган ҳолда эҳтиёт чорасини кўриб қўяр эдилар.

Асҳобларини йўқлаб турардилар, одамларнинг аҳволи ҳақида одамлардан сўраб-суриштириб турардилар. Яхшиликни яхши санар ва унга рағбатлантирар, ёмонликни ёмон санаб, унинг пайини қирқишга ҳаракат қилар эдилар. Ишлари мўътадил, ихтилофдан узоқ эди. Одамларнинг ғафлатга тушишидан ёки малолланиб қолишидан ташвиш қилиб, доим ҳушёр турардилар. Ҳар қандай ҳолат учун тайёргарликлари бор эди. Ҳақдан қосирлик қилмасдилар, ҳақдан бошқасига ўтиб ҳам кетмасдилар.

У зотнинг ёнларига энг яхши одамлар жамланган эди. У зотнинг наздларида одамларнинг энг яхшилари энг холис насиҳат қилувчилари, даражаси энг улуғлари эса бировларга ҳамдард ва қўллаб-қувватловчи бўлувчилари эди.

У зотнинг ўтиришлари ҳам, туришлари ҳам фақат зикр билан бўлар эди. Ўзлари учун хос жой тайёрлатмасдилар, мажлисларда қаер бўш бўлса, ўша ерга ўтирардилар ва одамларни ҳам шунга буюрардилар. Суҳбатдошларидан ҳар бирига етарлича аҳамият қаратар, улардан ҳеч бири бошқа бировни у зотга ўзидан кўра яқинроқ санамас эди. Қай бир одам бирон ҳожати юзасидан у зот билан бирга ўтириб ё туриб сўзлашиб қолса, то у одам ўзи кетмагунича сабр қилиб турардилар. Биров бир нарса сўраса, унга албатта сўраган нарсасини бериб ёки ҳеч бўлмаса, ширин сўз билан қайтарар эдилар. Ҳаммага бирдек бағри кенглик билан муомала қилар, одамларга меҳрибон отага айланиб қолган эдилар. У зотнинг наздларида ҳамма одамлар ҳақ олдида баробар бўлиб, фақат тақволари билангина бир-бирларидан афзал бўла олардилар.

Мажлислари ҳалимлик, ҳаё, сабр ва омонат мажлиси бўлиб, унда овозлар кўтарилмас, ҳурматлар камситилмас, бир-бирларига тақво билан меҳр кўрсатишар, каттани ҳурмат қилиб, кичикка раҳм қилишар, ҳожатмандга кўмак қўлин чўзишар, ғарибнинг кўнглини овлашар эди.

Очиқ чеҳра, хушфеъл ва хушмуомала эдилар. Қўпол, тошбағир, бақироқ, оғзи шалоқ, таънакор ва маддоҳ эмасдилар. Кўнгиллари истамаган нарсага рағбат билдирмасдилар. Ўзларини уч нарсадан: риёдан, бойликдан ва кераксиз нарсани сўзлашдан ажратган эдилар. Одамларни уч нарсада тарк қилгандилар: бировни мазаммат қилмасдилар, уялтирмасдилар, айбини қидирмасдилар. Фақат савобидан умидвор бўладиган ўринлардагина гапирардилар. Сўзласалар, суҳбатдошлари худди бошларига қуш қўниб тургандек қимирламай қулоқ солишарди, у зот сукут қилиб тургандагина гапиришарди. У зотнинг олдиларида низолашмасдилар, бир киши гапириб бўлгунича бошқалари жим қулоқ солишарди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари кулган нарсадан кулардилар,

улар ажабланган нарсадан ажабланардилар, бегона одамнинг қўпол гапларига сабр қилардилар.

«Ҳожатманд одамнинг бирон нарса сўраб турганини кўрсангиз, унга инъом-эҳсон қилинглар», дердилар, мақтовни фақат яхшиликка жавоб тариқасида бўлишини талаб қилардилар.

Қози Иёз, "Аш-шифо", 1/121-126,
шунингдек, Термизий, "Шамоили Муҳаммадия".

Хорижа ибн Зайд розияллоҳу анҳу айтади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам виқор билан ўтирардилар, йиғиштириниб ўтирганларидан бирон аъзолари ортиқча чиқиб турмасди. Кўп сукут қилардилар, заруратсиз ўринда сўзламасдилар, ноўрин гапирган одамдан юз ўгирардилар. Кулгилари табассум эди, гаплари дона-дона, ортиқча ҳам, кам ҳам бўлмасди. Асҳоблари ҳам у зот ҳузурларида кулсалар, у зотнинг ҳурматлари учун ва у зотдан ўрнак олиб, фақат табассум қилишарди. Қози Иёз, "Аш-шифо", 1/107.

Хуллас, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам беназир камолот сифатлари билан безанган зот эдилар. Парвардигорнинг Ўзи у зотга одоб берган ва одобларини чиройли қилган эди. Аллоҳ таоло у зотни мақтаб:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾

«Албатта сиз улуғ Хулқ устидадирсиз» ("Қалам" сураси, 4-оят), деб марҳамат қилган эди. Мана шу улуғ хислатлар у зотни дилларга яқин ва қалбларга суюмли қилган, кўнгиллар унга қараб талпинадиган йўлбошчига айлантирган эди, қавмларининг душманчилигини юмшатиб, одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришларига сабаб бўлган эди.

Биз санаб ўтган бу хислатлар у зотнинг олий сифатлари ва камолот кўринишларидан қисқагина сатрлар, холос. Аслида, у зотнинг улуғ хислатлари ва буюк сифатлари моҳияти идрок этиб бўлмас даражада олий ва тубига етиб бўлмас даражада чуқурдир. Парвардигорнинг нури билан зиёланиб, камолотнинг энг олий чўққисига эришган ва хулқи Қуръонга айланган, борлиқдаги энг буюк бу инсоннинг моҳиятини ким ҳам тўла ёритиб бера оларди?!

Эй пок Парвардигор! Иброҳимга ва унинг аҳли оиласига салавоту раҳмат ёғдирганинг каби Муҳаммадга ва унинг аҳли оиласига ҳам салавоту раҳмат ёғдиргин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.

Эй пок Парвардигор! Иброҳимга ва унинг аҳли оиласига хайру баракот ато этганингдек, Муҳаммадга ва унинг аҳли оиласига ҳам хайру баракот ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.

Софийюр Раҳмон Муборакфурий
Банорас, Ҳиндистон

دار الأمة الإسلامية للنشر

“ИСЛОМ УММАТИ”
нашриёти